ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

АКАДЕМИК
НАИМ ФОТИҲОВИЧ КАРИМОВНИНГ
90 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент
“FIRDAVS-SHOH”
2022

УЎК 821.512.133.08-03
КБК 84 (5У)

“Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. [Матн]. – Тошкент: “Firdavs-shoh” нашриёти, 2022 й., – 568 б.

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Давлат мукофоти соҳиби Наим Фотиҳович Каримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳамкорликда ўтказаётган “ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари киритилган.

Тўплам икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан Наим Каримов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган мақолалар ўрин олган. Иккинчи бўлимга эса адабиётшунослигимиздаги турли мавзулар тадқиқига бағишланган мақолалар киритилган.

Масъул муҳаррирлар
Низомиддин МАҲМУДОВ,
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Таҳрир ҳайъати
Улуғбек ҲАМДАМОВ,
Сувон МЕЛИЕВ,
Мақсуд АСАДОВ,
Раҳматулла БАРАКАЕВ,
Санобар ТЎЛАГАНОВА,
Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
Манзура ОТАЖОНОВА,
Шаҳноза НАЗАРОВА

Тўплаб нашрга тайёрловчи
Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Тақризчилар
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
Филология фанлари доктори, профессор;
Баҳодир КАРИМОВ,
Филология фанлари доктори, профессор.

ISBN 978 9943 8752-6-5

© Ж.А. Бахадиров, 2022
© “Firdavs-shoh” нашриёти, 2022

М У Н Д А Р И Ж А

1. **Иброҳим Ғафуров.** Ҳар қанча фахрлансам, арзийди 8
2. **Хуршид Дўстмуҳаммад.** Адабиётимизнинг “Олтин даври”: тадқиқот давом этади 10
3. **Шуҳрат Ризаев.** Адабиётшунослигимиз дарғаси 17
4. **Йўлдош Солижонов.** Кенг қамровли олим 19
5. **Almaz Ülvi Binnatova**. Naim Kərimov ömürləndə kamilliyə gedən yolun naxişlari 22
6. **Ҳамидулла Болтабоев.** Олимлик қисмати 25
7. **Жаббор Эшонқулов.** Бир асрлик бадиий тафаккур қомуси 29
8. **Эркин Аъзам**. Келажак одами 34
9. **Улуғбек Ҳамдам.** Адабиётни қисмат билган олим 35
10. **Акбар Сабирдинов.** Юртнинг ардоқли олими 41
11. **Сувон Мели.** Патриарх 47
12. **Баҳодир Каримов.** Шахсиятлар сабоғи 56
13. **Нурбой Жабборов.** Илм заҳматидан топилган шараф 61
14. **Қурдош Қаҳрамонов.** Ўтиш даври жараёни ва мунаққид ёндашуви 64
15. **Шомирза Турдимов.** Наим Каримов – ҳайрат фарзанди 68
16. **Исломжон Ёқубов.** Ёндашувлар синтези ва поэтик ифода ракурслари 70
17. **Шоира Аҳмедова.** Наим Каримов Ойбек ижодининг тарғиботчиси сифатида 82
18. **Абдуҳамид Холмуродов.** Нуктадон танқидчи, заҳматкаш олим 89
19. **Санобар Тўлаганова**. “Камол”ни касб этган олим 94
20. **Марҳабо Қўчқорова.** Титан олим 97
21. **Пошшажон Кенжаева.** Ўзбек адабиётига бахшида умр 102
22. **Лайло Шарипова.** Олимларнинг устози 104
23. **Мақсуд Асадов.** Ҳаёт ва ижод йўли 106
24. **Абдулла Улуғов.** Замонлар саҳнини ёритган нур 109
25. **Обиджон Каримов**. Адабиётшунослик илмининг забардаст олими 116
26. **Шаҳло Ҳожиева.** Наим Каримов – Чўлпоншунос 119
27. **Меҳрибон Ёдгорова**. “Усмон Носир” маърифий-биографик романи тўғрисида 124
28. **Гулбаҳор Бекташева.** Жадид адабиётшунослиги тараққиётида Наим Каримовнинг ўрни 126
29. **Зулхумор Мухторжонова.** Ойбекшунос олим фаолиятига бир назар 129
30. **Nigora Uralova.** Qutlug‘ yosh ostonasida (Akademik Naim Karimov bilan suhbat) 132
31. **Турсун Али.** Устоз 143

32. **Мухтор Худойқулов**. Жадидлар матбуотида
ҳажвий публицистика 144
33. **Дилмурод Қуронов.** Г.Шенгели – Чўлпон таржимони..... 154
34. **Нурбой Жабборов**. Беҳбудий ва Туркистонда
таълим ислоҳоти..... 158
35. **Вели Саваш Йелок.** Аҳмед Ҳамди Танпинар
ижодига бир назар..... 165
36. **Улуғбек Ҳамдамов.** Ўлжас Сулаймонов ижодига бир назар..... 171
37. **Узоқ Жўрақулов.** Ростгўй шоир..... 179
38. **Қулдош Пардаев.** “Ал-ислоҳ” журналида (1915-1918) адабиёт
материаллари..... 185
39. **Муқаддас Тожибоева.** Мўминжон Тошқиннинг
“Эски мактаб турмуши ёки толиб” асари хусусида..... 192
40. **Санобар Тўлаганова.** “Занжирбанд шер”ни
юрагига сиғдирган шоира..... 198
41. **Марҳабо Қўчқорова.** “Сенга қайтмоқдаман, шеърият!”
ёхуд Қутлибека Раҳимбоева ҳаёти ва ижодига чизгилар..... 206
42. **Манзура Отажонова.** Мифик сюжет ва роман
композицион қурилиши..... 214
43. **Умида Расулова**. Ҳозирги ўзбек шеъриятидаги
поэтик изланишлар 222
44. **Nasiba Sabirova.** Xorazm dostonchiligi rivojida
baxshichilik an’analarining ahamiyati 226
45. **Башорат Жамилова.** Автобиографик–дилогик
қиссаларнинг бадиий-композицион, синкретик хусусиятлари 232
46. **Adiba Davlatova, Dilnoza Tadjiboyeva.** Abdulla Oripov
she’riyatida diniy-axloqiy mezonlar..... 240
47. **Эргаш Очилов**. Ҳассос шоирнинг ҳаяжонли шеърлари..... 236
48. **Олим Олтинбек.** “Айтилмаган бир сўзим бор бўғзимда...”..... 247
49. **Саъдулла Матякупов.** Лирикада бадиий
коммуникация омиллари 250
50. **Илҳомбек Қурбанбаев.** Поэтик нутқда лаконизм
воситачилик роли..... 257
51. **Обиджон Каримов, Акрамжон Ҳамдамов**.
Абдулла Орипов шеъриятида халқ оғзаки ижоди
анъаналарининг талқини..... 259
52. **Тозагул Матёқубова.** Ғафур Ғуломнинг ижодий феномени..... 263
53. **Мусо Тожибоев.** Бадиий таржимада фразеологик бирликлар
ва поэтик реалияларнинг герменевтик имкониятлари..... 268
54. **Йўлдош Раҳматов**.Халқ қўшиқлари, мақол ва руҳий кечинма..... 275
55. **Manzura Pirnazarova, Bekposhsha Ahmedova.**
G‘afur G‘ulom hayoti va ijodini o‘rganish 279
56. **Nasiba Djumaniyazova.** Ichdim g‘am mayin..... 284

57. **Манзура Пирназарова.** “Минг бир ёғду” маърифий
достони ҳақида 287
58. **Нодира Соатова.** Шуҳратнинг “Қўша қаринглар”
комедиясида халқона пафоснинг эстетик моҳияти 291
59. **Айимхан Эшниязова.** Йил ҳикоялари тадқиқи 297
60. **Махфуза Туйчиева.** “Ўтган кунлар” танқиди хусусида 302
61. **Ҳулкар Мухаммедова.** Адибалар насри Маргарет
Олифант ижоди талқинида 305
62. **Дилафруз Абдуллаева.** Ғада ас-самман ва Зулфия
Қуролбой қизи ижодида “социум аёл” концепти 310
63. **Анвар Алламбергенов.** Олим Отахон ижодининг
айрим ўзигахослиги хусусида 317
64. **Махсума Деҳқонова.** Танқид тарихи 320
65. **Озодахон Болтабоева.** Мулла Йўлдош Хилватийнинг
“Мавлуди шариф” асари композицияси хусусида 322
66. **Дилрабо Игамуратова.** Болалар насри таржимасида
фразеологизмларнинг қайта яратилиши 327
67. **Нигора Холматова.** Ижодкор дунёқарашининг шаклланиши 332
68. **Баҳор Тўраева.** Ретроспекция–хотиранинг ижодий-эстетик
моҳиятини ёритишда ёзувчилар услубидаги оригиналлик..... 337
69. **Рухсора Тулабаева.** Худойберди Тўхтабоев “Мунгли кўзлар”
романида ижтимоий муҳитнинг таъсири масаласи 345
70. **Миролимбек Хамидов, Хуршидахон Комилова.**
Давлати – қалб шеъри ва эски танбур..... 349
71. **Нодира Холикова.** “Янги йўл” журналида хотин-қизлар
маърифатига доир масалаларнинг ёритилиши 353
72. **Феруза Бурханова.** Уч ҳикоя таҳлилига доир..... 359
73. **Nilufar Mirsaidova.** Turkistonda milliy uyg’onish harakati 363
74. **Тўлқин Сайдалиев, Малоҳат Бадалбаева**.
Ўзбек характери – бадиий образлар мисолида 369
75. **Фаррух Темиров.** Садриддин Айний – Бухородаги жадидчилик
ҳаракатининг йирик намояндаси..... 373
76. **Гулноза Орипова**. Мустақиллик даври ўзбек лирикасида
анъана ва янгиланиш..... 376
77. **Насима Қодирова.** Эркин Воҳидовнинг
мунаққидлик маҳорати 381
78. **Барно Мирзаева.** Илм ва маърифатда ўрнаклик..... 384
79. **Дилнавоз Салимова.** Ойдин Ҳожиева шеъриятида
поэтик тафаккур 388
80. **Ферузахон Каримова.** Эркин Аъзам асарларидаги
ички нутқнинг баъзи хусусиятларига доир 392
81. **Гулбаҳор Назарова.** Алишер Навоий ҳамда Уильям
Шекспир ижодида пари (соҳира) мифологик образи талқини 395

82. **Нодира Мансурова.** Жаҳон адабиётида магик
реализм тараққиёти 400
83. **Нигора Уралова.** Тарихий ҳақиқат ва бадиий тасвир 404
84. **Zuhra Azilova.** She'riy tarjimada harfiy san'atlar in'ikosi 410
85. **Ro'zigul Jumaniyazova**. "Xorazm fojiasi" qissasida shoh
va shoir obrazining badiiy talqini xususida ba'zi mulohazalar..... 413
86. **Зебо Сабирова.** Замонавий шеъриятга бир назар..... 417
87. **Гулбаҳор Эрназарова.** Замонавий ўзбек шеъриятида
тасаввуфий талқинлар..... 421
88. **Muyiba Otamuratova.** Qog'ozga to'kilgan qalb tug'yonlari 425
89. **Муслимбек Алижонов.** Жадид адабиёти ва Ғози Юнус 428
90. **Шаҳноза Назарова.** Ҳуррият йўли 433
91. **Mahliyo Elboyeva.** Bolalar adabiyotini o'qitishda
noan'anaviy ta'lim metodlari asosida o'rganish 437
92. **Манзура Абдуллаева**. Шоир Ҳайратий
"Саёҳатнома"сида лингвомаданий ифодалар..... 441
93. **Шаҳноза Муҳитдиновна.** Хожанинг "Мақсад ул-Атвор"
достони бадиияти..... 445
94. **Мухлиса Ҳафизова.** Ғафур Ғулом ва Эркин Воҳидов:
устоз-шогирдлик анъаналари 449
95. **Shoxista Axmedova.** "Haqqush qichqirig'i" dostoni
qo'lyozmasi haqida 453
96. **Ozoda Ochilova.** "Shahidlar shohi" qissasida Shayx
Najmiddin Kubro obrazi..... 456
97. **Севинчой Ёқубова.** Пари образи поэтик ифодаси
билан боғлиқ янгиланишлар..... 461
98. **Shaxnoza Azimjonova.** Usmon Nosir adabiy portretini
yaratish mahorati..... 465
99. **Quvonch Mamiraliyev**. O'zbek modern she'riyatida
folklorizmlar yoxud badiiy modifikatsiya ko'rinishlari 468
100. **Моҳира Отабоева.** "Нонсенс" асарни таржима қилиш масаласи..... 473
101. **Олимжон Жумабоев.** Рамзларда умр ва тақдирнинг
бадиий-фалсафий ифодаси 477
102. **Амонкелди Ахматов.** Бухоро адабий муҳити тарихи
(1955-1965 йиллар)..... 481
103. **Нафиса Каримова.** "Адабиёт қоидалари" асарида
ижод лабораторияси унсурлари 485
104. **Elmurod Jumayev.** Nurali Qobulning "Jon va shon talvasasi"
romanida Amir Temur obrazi talqini 489
105. **Сарварбек Олимжонов**.Улуғбек Ҳамдам насрининг услубий
хусусиятлари 493
106. **Барчин Шукурова**. Луқмон Бўрихоннинг
"Имом Мотуридий" романида комил шахс талқини..... 499

107. **Nilufar Atajanova.** Hozirgi zamon jahon va o‘zbek she’riyatidagi shakliy-uslubiy izlanishlar 503
108. **Дониёр Жуманиязов.** Сирожиддин Саййид ижодида кўнгил образи 506
109. **Малика Фазилова**. Усмон Азим ижодида бир сюжетнинг турли талқинлари..... 509
110. **Boburmirzo Iminjanov, Nurchehra Iminjanova.** Usmon Nosir she’riyatida sifat so’z turkumiga oid so’zlarning qo’llanilishi va tahlili..... 516
111. **Зилола Жамолова.** Адабий обзорда шеърият таҳлили..... 519
112. **Shahzoda Mirsharipova.** Tarixiy romanda Bibixonim obrazi talqini..... 522
113. **Нигора Ашурова.** Рисолат Ҳайдарова асарларида аёл қалб кечинмалари тасвири 526
114. **Shukurjon Zaripova** “Badiiy so‘z estetikasi” tadqiqoti xususida..... 531
115. **Sevara Tursunova**. **“**O’zbegim” va Sharof Rashidov..... 534
116. **Sohiba Arzikulova.** Oybek ijodida Cho‘lpon yog‘dusi..... 538
117. **Наима Аликулова**. “Тазкираи Мажзуб Намангоний”да Мусохон Даҳбидий зикри..... 542
118. **Sharofat Ismoilova.** Qo‘qon adabiy muhitida hikmatnavis sulola vakillari..... 546
119. **Sadoqat Otamuratova.** Shermuhammad Munis ijodida ko‘ngil, sham’ va parvona obrazlari 550
120. **Дадахон Муҳаммадиев.** Асардаги яхлит кўчимлар ёхуд “шеър-метафора” 553
121. **Lochinbek Axmadaliyev.** “Tazkirai Qayyumiy” – XX asr o‘zbek adabiyotshunosligining bebaho namunasi 556
122. **Nurjahon Qayumberdiyeva.** Yosh shoirlar ijodida modifikatsiya ifodasi..... 561
123. **O‘g‘iloy Ahmadaliyeva.** Milliy ma’rifat rahnamosi haqida yangi risola 564

ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАМ, АРЗИЙДИ

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Баъзан кишилар ўзларига севимли баъзи ёзувчиларини мақтаб, “бўйи баробар китоб ёзган”, дейишади. Мисол учун, “Худойберди Тўхтабоев бўйи баравар китоб ёзган”... “Тоҳир Малик бўйи баравар китоб ёзган” ва ҳоказо...

Мен ҳам ҳозир шундай мақтамоқчи бўлиб турибман, аммо озроқ мақтовнинг бўйини кўтармоқчиман. Менинг суюкли акам, кўп кўйлакларни мендан анча олдинроқ йиртиб янгиларини кийиб юрадиган академик акам Наим Каримов шу кунгача Тошкент телеминорасининг баландлигидан ошириб китоблар, рисолалар, тадқиқотлар ёзган. Мен буни у телеминора тагидаги Шаҳидллар хотираси жамғармасининг (ўзи ташкиил этган) китоблар билан лиқ тўла шинам хонасида ўтириб ишлагани учун айтмаяпман (у ҳозиргача ишга бир пайтда келади ва бир пайтда кетади, турли ҳужжатларга, эски униқиб кетган газеталарнинг чанг-тупроқларини сингдирган китобларга бош-оёқ кўмилиб бошини кўтармай муккаяди, шогирдлари дам-бадам келиб унинг қачон эски китобдан бошини кўтаришини жимгина кутиб тизилишиб ўтиришади). Бу на муболаға ва на лоф, на симулякр. Бу олимнинг иш пайти.

Тўқсон ҳазилакам ёш эмас.

Азамат ёш!

Часпонларча зўрабор ёш! Азамат алломалар ёши! Пир деб фахрланса арзийди! Балли телеминоралардан ошириб эл-юрт учун фойдали китоблар ёзганга! Ҳар сўзида, ҳар фактида истиқлолий адолатни тиклаганга! Тўқсоннинг чўққисида туриб ижодий завқлари ва куч-қувват, ғайратини сақлаб номаълум дунёларни очиш, ёшларни илм-фан, кашфиётларнинг юксак уфқларини эгаллашга чақириш, атрофдагиларини доим ёзишу ихтироларга илҳомлантириш фақат ноёб лаёқатли одамларгагина насиб этади. Бу ҳолнинг илдизлари жуда чуқур.

Наим Каримов зиёли ахлоқ ва интилишлар, илм, фидокорлик қадрланадиган оилада дунёга келди. Зиёли кашфиётчилик, ихтирочликлар, соф-тоза аъмоллар рағбатлантириладиган хонадонда илмпарварлик анъаналарини эрта болаликдан бағрига сингдириб ўсди, маънан-ахлоқан камол топди.

У тарбияланган оила муҳитида китоб худди нондек эъзозланарди. Мурғак жон юксалиш, ҳароратланиш учун қуёшга интилганидек, ғоят эътиборли ота-онасининг жавонлардаги китобларига бўйини чўзди.

Китоблар бора-бора унга катта таъсирини кўрсатиб, ҳаёт ва одамлардан идеал қидиришга ўргатди. Бу қонига сингди. Булар мавҳум, тушуниб бўлмайдиган бир нарса эмас, балки инсонийлик, ҳаққонийлик, гўзал нафосат идеаллари эди. Шу идеалларнинг ҳошияларида унинг ҳаётий, инсоний мақсадлари, нуқтаи назарлари шаклланди. Унинг хаёлида интилиш, изланиш

уфқлари гавдаланди. Мақсадсиз яшаб бўлмайди. У адабий тадқиқотчилик, адабий изкуварлик, зиёлипарварликни касб қилиб танлади. Бу касбни жон-дилдан севди: толе уни Фанлар академиясига, илмий тадқиқотлар институти даргоҳига етаклаб келди, идеалларини рўёбга чиқариш учун яхши шароит ва йўллар очилди. Тез орада у адабиётшунослик илми соҳасида қимматли мутахассисга айланди. Академия уни, идеалларини ранг-баранг олимлар, сафдошлар, тенгдошлар, маслакдошлар давраларига, қизғин адабий жараёнлар ичига олиб кирди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Музайяна Алавия, Иззат Султон, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Азиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Ҳамид Сулаймон, Фозила Сулаймонова, Маҳбуба Қодирова, Сабоҳат Азимжонова, Юсуф Султон суҳбатлари ва тарбияларини кўрди. Адабий матнлар, қўлёзмалар устида ишлаш, таҳрир илмини ўрганди. Улкан аллома адибларнинг асарларини нашрга тайёрлаш ишларида фаол қатнашди. Атрофида фаол олим тадқиқотчилар давраси – замондошлар пайдо бўлди: Бахтиёр Назаров, Н.Владимирова, С.Мамажонов, Тўра Мирзаев, Суйима Ғаниева, Машҳура Султонова, Раъно Иброҳимова, Ғаффор Мўминов, Мияд Ҳакимов, Собир Мирвалиев, Шерали Турдиев, Абдуқодир Ҳайитметов, Сувон Мелиев каби яна қатор-қатор адабиётшунос олимлар Ўзбекистонда илм тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Замон адабиётининг, ижодкорлигининг долзарб муаммоларини кўтариб чиқдилар. XX аср иккинчи ярми адабиётшунослигининг мундарижаси ва қиёфаси улар номлари ва тадқиқотлари билан чамбарчас боғлиқ.

Наим Каримов шу сафнинг етакчиларидан бўлиб келди. Аммо ҳақиқий олимлик қиёфаси ва эътиборини истиқлол йилларида топди. Уни истиқлол олими деб тўла оғиз билан айтиш мумкин. Шу йилларда фан доктори бўлди, бирма-бир шитоб билан истиқлол мундарижаси ва талабларига ҳамоҳанг, ҳамжаранг асарларини яратди. Дарҳақиқат, унинг орзу-идеалларининг рўёбга чиқиши учун жуда катта йўллар ва шароитлар очилди. Ёши олтмишдан ошганда озодлик ва мустақилликни кўрди, ижодининг бутун қўрини, ҳароратини унга бағишлади. У истиқлолга тайёр эди. Барча ижодий режаларига истиқлол қанот бағишлади. Истиқлол учун курашган ва жон берганларнинг қутлуғ овозлари унинг кўксида тинимсиз акс-садо бериб турди. Кўп адиблар, олимлар каби Наим Каримов қайта туғилди. Истиқлол уни катта алломага айлантирди, академик рутбасини берди. Кенг улуғ уфқлар очди. Истиқлол туфайли буюк жадид адабиёти мислсиз равнақ йўлига чиқди, озодлик ва истиқлол ўз асосларини улардан олди. Улар истиқлолимизнинг олди сафларига ўтдилар ва халқ онгининг чинакам уйғонишига даъваткор ва мададкор бўлдилар.

Ўзбекистон – миллий озодлик ва маърифат, илм-фан ғоялари билан бойиб, қувватланиб, жўш уриб, дунёда ўзига хос, ўзига мос демократик тараққиёт йўлига чиқди. Ғайратли раҳбарларининг буюк саъй-ҳаракатлари баробарида дунё ҳамжамиятининг муносиб тенгҳуқуқли аъзосига айланиб,

ташаббускор, фаол, дадил одим отмоқда. Янги Ўзбекистон деган ном олди. Аждодлар қадрини бор бўй-басти билан тиклаб Учинчи уйғониш деб аталган даврига кирди. Ҳар бир соҳада адолат учун курашлар даври бошланди ва мазмуни кенг томир отди. Халқ, жамият ишончини қозонди. Наим Каримовнинг пайдар-пай ёзаётган асарлари юксалиш ва тикланишнинг асосларини қонуний мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Эзгуликнинг хотирасини тиклаш улуғ ва ортга қайтмас ҳаракат тусини олди. Бу эркинликни мамлакатда адл мустаҳкамлади ва онглар тарбиясига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Наим Каримов асарларида адолатни тиклаш эҳтироси баралла акс этди. Шунчалар фактлар юзага чиқдики, уларда асл ҳақиқатнинг юзи, моҳияти очилди. Фактларнинг бари нидо ва фарёд билан тўладир. Зулм шунчалар поёнсиз ва шафқатсиз бўлган экан. Наим Каримов ва бир қатор бошқа изқувар олимлар зулмнинг қора ўпқонларини очиб ташладилар. Мен Наим Каримов кеча-бугун яратаётгган барча асарларидан тарих қаърларидан келаётган садоларни уқаман ва тинглайман. ХХ аср бошларида бу садолар “Садои Туркистон”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Ойина”лардан янграрди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Авлоний, Сўфизода, Ибратлар ҳайқирардилар – БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ! – дердилар. – Биз сиз билан бирга бахтлимиз! – дердилар.

Васлий,Зоҳирий, Мирмуҳсин, Азизий, Убайдулла нидо солардилар – Биз сиз билан биргамиз! – дердилар. Исмоилбек, Валидий, Жовид, Поливанов, Чўпонзодалар ҳозиржавоб жўр бўлардилар: – БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ! ҲАМИША БИРГАМИЗ! ҲАМИША БИРГА ҚУРАМИЗ! – дердилар.

Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир – не-не жонлар, имонлар, эътиқодлар, фидокорларнинг ўтли саслари келади Наим Каримов китобларидан! Ҳақиқат овозлари бугун юракларимизни яшнатади. Биз ҳамиша озодлик ва маърифат билан биргамиз. Биз сиз билан биргамиз АЖДОДЛАР!

АДАБИЁТИМИЗНИНГ “ОЛТИН ДАВРИ”: ТАДҚИҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори, профессор,

Атоқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримовнинг ижодий фаолияти ҳақида сўз айтишга жазм этилса, 60-70 йиллик тарихга қайтишга тўғри келади. Устоз олий ўқув юртини битирганига 70 йил бўляпди, номзодлик ишини ҳимоя қилганига эса 60 йил!

Йиллар ўтаверади, ёш бир жойга ҳам етаверади, лекин илмий-ижодий фаоллик борасида Наим акага бас келадиган адабиётшунос кўп эмас. Хусусан, Ватанимиз мустақиллиги устоз тақдирида фавқулодда улкан имкониятлар эшигини очди десак, бу таърифни асло сиёсий-мафкуравий маҳобатга йўймаслик керак.

Адабиётшунослик, мунаққидлик олами сарҳадсиз, унинг уммонида истаганча “қулоч”отиш мумкин, аммо-лекин Наим Каримов филолог доктор, профессор, давлат мукофоти совриндори сифатида истиқлол берган ва яратган шароитдан унумли фойдаланди – бутун куч-ғайратини, ҳаётий мақсад-маслагини XX аср адабиёти тарихи саҳифаларини босиб ётган чанг-ғуборлардан тозалашга қаратди. Бамисоли, даставвал адолатни тиклайлик, сўнгра адабиётдан, ижоддан баҳслашайлик, деган шиорни баланд кўтарди. Ғоятда мураккаб, тасаввурларга сиғмас чигалликлар, нозикликлар, қалтисликлар чангалзорига бош суқди. Адабиётимизнинг яқин, “кечаги кун”ги саҳифаларини қоплаган булут қатларида тарихий ҳақиқатни тиклаш учун эса Шерали Турдиев, Солиҳ Қосимов, Сирожиддин Аҳмад, Рустамбек Шамсуддинов, Бахтиёр Ҳасанов, Баҳром Ирзаев сингари фидойилар жуда-жуда озлик қилади.

Наим Каримов мазкур сафнинг пешқадам вакилига, сардорига айланди.

* * *

Ҳаёт ва ижод йўли бутун бир соҳа ҳақида ёхуд соҳанинг катта бир даври ҳақида атрофлича тасаввур берадиган мутахассислар кўпчиликни ташкил этмайди. Чунки бундай мартабага кимнингдир хоҳиш-истаги билан ёки махсус саъй-ҳаракат ёрдамида эришиб бўлмайди, балки у – тақдирнинг ажиб бир иноятн сифатида насиб этади.

XX аср ўзбек адабиётининг бир қатор улкан дарғаларини номма-ном санашимиз, улар фаолиятининг кўлами, миқёси, қамровидан ҳайратларга тушишимиз мумкин. Лекин Наим Каримов илмий-ижодий-маърифий фаолияти диапозони бу борада деярли барча устоз-дарғалар ижодий меросидан тубдан фарқланади. Булар:

–ўтган аср ўзбек адабий воқелигининг кўплаб йўналишларини қамраб олганлиги билан;

–кўплаб атоқли фигуралар ижодини махсус тадқиқ этгани билан;

–жуда кўплаб ноаниқликларга, мавҳумотларга, баҳсли-мунозарали ҳолатларга ойдинлик киритгани билан; бир асрлик миллий адабиётимиз панорамасини яхлит ва фундаментал тарзда яратишга уринишлари билан;

–мукаммал асарлар нашри борасидаги ихтисослашувлари билан;

–кўплаб ёш тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилганлари билан;

–мустақиллик даври мамлакатимиз ижтимоий ва адабий ҳаётидаги фаоллиги билан...

Бундай рўйхатнамо саноқлар билан атоқли адабиётшунос олим, ҳассос мунаққид, изланувчан адиб, ҳамиша беҳаловат публицист, академик Наим Каримов феноменини тўла-тўкис тасвирлай олмаслигимиз муқаррар. Олдиндан айтиш мумкинки, бу мураккабликни тушунган рисола муаллифлари (Гап Б.Назаров ва Ш.Аҳмедова ҳаммуаллифликда ёзган “Миллатнинг ҳассос олими” китобчаси ҳақида бормоқда. – Х.Д.) маъқул йўлни танлашган ва Наим Каримов ижодини у киши яратган энг йирик асарларни алоҳида-алоҳида таҳлил этиш билан яхлит портрет — олим сийрасини яратишга ҳаракат қилишган. Наим Каримов қандай қилиб ёки қандай омиллар таъсирида адабиётга кўнгил қўйган? У кишидаги бадиий адабиёт, бадиий сўзга бўлган муҳаббат ва садоқат сирлари нимада? Олим феълидаги нозиктаъблик, латифлик илдизлари қаерда?.. Муаллифлар бу ва бу каби саволлар жавобини олимни дунёга келтирган ва вояга етказган оила муҳитидан, болаликда мулоқотда бўлган ўз даврининг йирик зиёлилари таъсиридан, ўқиган китобларидан излайдилар. Наим Каримовнинг ўқувчилик кезларида шеърлар ёзгани, ўсмирлигида бадиий тасвирга, мусиқага — чолғу асбобларига алоҳида кўнгил, меҳр қўйгани... Ҳа, дунёда ҳеч нарса бежиз, беиз ва бесамар эмас. Гўдаклик чоғида димоғни бирров қитиқлаб ўтган бир чимдим эпкин кексалик палласига келиб ажиб бир симфонияга, рангдор пейзажга... ҳажмдор романга айланиши ҳеч гап эмас. Ҳар қалай, рисола муаллифлари ана шундай улуғ ниятлар билан ўзбекнинг катта бир олими сиймосини яратиш ишқида қўлга қалам тутганлар,

Тўғри, адабиёт майдонидаги ҳар қандай йирик фигурага турфа нуқтаи назарлардан ёндашиш мумкин, бу ҳар бир муаллифнинг инон-ихтиёрига, мутахассис сифатидаги концептуал қарашларига боғлиқ. Дейлик, Наим Каримов ижоди бошқачароқ аспектда таҳлилга тортилиши ҳам мумкин эди. Мисол учун бу олимни бошқа барча салафларидан ажратиб турган, унинг мутлақо ўзига хослигини таъминлаган бош хусусият нима?

Назаримда, бош хусусият бир асрдан зиёд давр мобайнида ўзбек адабиёти воқелигида кечган асл жараёнлардан бохабарлик! Бу ўринда “бохабарлик” сўзи жуда кенг маънода қўлланмоқда. Бирламчи ҳужжатларни ўз қўли билан ушлаб, ўз кўзи билан синчиклаб кўриш, маълумотлар, факт ва рақамларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш учун аввалambор катта илмий салоҳият керак бўлади, иккинчидан, сарғайган, куйган-нетган, қон доғлари ўчмаган, не-не сиймоларнинг азиз руҳлари унсиз чирқираб ётган саҳифалар узра бош эгиб ўтириш одамдан метин ирода, чексиз сабот, беҳад сабр-

тоқатлиликни талаб қилади. Мен ҳам кўп қатори Наим акани ниҳоятда ҳалим, юмшоқ кўнгилли, ҳеч кимсанинг дилини оғритмайдиган юксак маданиятли инсон сифатида ҳурмат қиламан, шунинг баробарида, у кишининг қалб қатларида шафқатсизликни эслатгувчи қатъият, разолату қабоҳатларга бас келгудек нафрат, ёлғон салтанатига маъсум ва беғубор нигоҳларини тик қадай олувчи жасорат ва шиддат – чинакам ЗИЁЛИга хос хусусиятлар булар! – яширин деган тахминларимдан воз кечмайман). Учинчидан, феълида фавқулодда холислик туйғуси жўшиб турмаган инсон ёлғонлар орасидан ростни, бўхтонлар орасидан ҳақиқатни ажратиб олишнинг уддасидан чиқмас эди ва ниҳоят, тўртинчидан, адабиёт ва адабиёт кишисига чексиз маърифатли муҳаббат алангаси бирон лаҳза сўнмаган одамгина бундай маънавий жасоратга қодир бўлади.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Наим Каримовни Ҳамид Олимжон, Ойбек, Усмон Носир, Чўлпон, Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижодига доир жилд-жилд китоб ёзишга, бошқа кўплаб ижод аҳлига тааллуқли мавзуларда мақолалар битишга ундаган ботиний куч-қувват ҳам шулар!

Яна бир омилни эътиборсиз қолдирмаслик керак: Наим Каримов мурожаат этган ижодкорларнинг барчалари хусусида адабиётимизда айтилмаган гап қолмаган эди гўё. Уларнинг шахси, ҳаёт йўли, асарларида очилмаган қўриқ йўқ эди гўё. Наим Каримов мана шу тасаввурларнинг нотўғри, чала ва ёлғон эканлигини БИЛДИ, АНИҚЛАДИ ва ЁЗДИ! Ўз қўли билан тутгани, ўз кўзи билан кўргани учун ҳам дадил ёзди, ўзидан илгари ким нима деган бўлса, нима деб ёзган бўлса, қандай баҳо берган бўлса – қатъий назар, ўз сўзини ёзди. Тўғрисини ёзди.

Адабиётда эса энг қийини ҳам шу – тўғрисини ёзиш.

Тўғрисини тўғри ёзиш, эътироф этиладиган қилиб ёзиш, маърифат билан ёзиш учун... такрор таъкидласак, Наим Каримовга хос зиёлилик, маърифатсеварлик, ҳалолликсиз бу мақомга кўтарилиш мумкин эмасди.

Рисола муаллифлари тадқиқот қаҳрамонига хос бу сингари фазилатларнинг бирортасини эътибордан четда қолдирмаганлар, шунингдек ҳассос олим фаолиятининг бошқа қирралари – мукаммал асарлар тўпламларини нашр этишдаги жонбозликлари, унинг ўзбек эссе-романчилик, ўзбек маърифий романчилиги борасидаги хизматларини тўғри таъкидлаганлар. Эътиборли жойи шундаки, муаллифлар айрим ҳолатларда қаҳрамон ва унинг айрим мулоҳазалари билан баҳсга ҳам киришадилар. Табиий, зеро, бу қадар серқамров ва серкўлам тадқиқот ва ижод жараёнида мунозарали қарашлар, фикрлар учраши ажабланарли эмас. Худди шу сабаблардан ҳам изланишлар, тадқиқотлар давом этади ва ҳаёт ҳақиқатлари кашф этилаверади. Муҳими, мана шундай жўшқин майдоннинг мавжудлиги, бу майдонда эмин-эркин от минишга қодир мутахассисларимизнинг борлигидир.

Рисолада академик Иззат Султоннинг Наим Каримов ҳақидаги қуйидаги гапи келтирилган:

– Мен бутун бир аср адабиётимизнинг манзарасини тўла тасаввур этиб, ҳар бир даври ҳақида, ҳар бир ҳодисаси ҳақида малакали илмий фикр айта оладиган мутахассис етишганидан фахрланаман. Бундан нафақат мен, айни чоғда бутун адабиёт илмимиз ғурурланса арзийди.

Бундан қарийб ўттиз йил бурун айтилган ушбу таъриф Наим Каримовнинг айни кунга қадар давом этиб келаётган – бир умрлик жўшқин фаолиятини қамраб олади.

Замонавий ўзбек адабиёти, маданияти ва санъати кейинги бир аср мобайнида ниҳоятда мураккаб ва ғоятда турфа воқеаларга бой жараёнларни бошдан кечирди. Ҳаёт ва ижод йўли соҳанинг мана шундай катта бир даври ҳақида атрофлича тасаввур берадиган мутахассис ижоди ҳақидаги сўз ўша мураккаб ва ўша турфа воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги сўзга айланиб кетаверади. Фақат бундай мартаба ҳар кимга эмас, алоҳида кишиларга – академик Наим Каримов сингари захматкаш ва ҳалол олимларга тақдирнинг ноёб бир иноятн сифатида насиб этади...

* * *

“АДАБИЁТ ва тарихий жараён” китоби муаллиф ёзганидек адабий-танқидий мақолалардан ташкил топган. Лекин китобни умумлаштирган, яъни яхлит бир тадқиқотга айлантирган жиҳат ҳам йўқ эмас. Ундан жой олган барча мақолалар бир асрлик ўзбек адабиётининг номаълум саҳифаларини маълумга айлантиради, ҳаёт ҳақиқатларини бор бўйи-бор зулмати-қабоҳати билан гавдалантиради.

Нафақат оддий китобхонлар, балки адабий жамоатчилик орасида номи қулоққа чалинган, лекин ҳаёт ва ижод йўли ҳақида тасаввури бўлмаган (ёки чала бўлган) улуғ зотлар сиймоси қайтадан гавдалантирилган. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Салоҳиддин Мажидов, Исмоил Гаспринский, Ҳусайн Жовид, Е.Поливанов, Убайдулла Хўжаев, Саидносир Миржалилов... Яна ва яна. Бугунги дориломон замонларда яшаш бахтига сазовор бўлган замондошлар шулар сингари яна ўнлаб фидойи ва жонфидо инсонларни ёдга олиш ва уларнинг мақсад-маслакларини билиш, ҳурматини бажо келтириш ҳар жиҳатдан хайрли ва савобли амалдир. Миллий адабиётимиз тарихи саҳифаларига ойдинлик, ростлик киритишга уринишдир.

Мисол учун “Эъзоз ва жазо”, “Ассалому алайкум, дорнинг оғочи”, “Ботир гапчилар”да тасвирланган лавҳаларни ўқиган одамнинг юраги ларзага тушади, ўқиб туриб кўзига, тасаввурига ишонмайди.

“Хоразм булбули” (Сафо Муғанний), “Муҳиддин қори Ёқубов” мақолаларида санъат намоёндаларига бағишланган саҳифалар билан танишар эканмиз, Наим Каримовнинг қаламига мансуб “Чўлпон ва мусиқа” эссеси ёдга тушади (“Китоб дунёси” газетаси. 2014, 15 январ). Мазкур мақолаларда ҳам мақолалар қаҳрамонлари, ҳам муаллиф ижодининг нодир қирраси – мусиқа оламига бўлган муносабати тасвирланади. Ёшлигидан мусиқадек нозик санъат турига муҳаббати-майли бўлган Наим Каримов ўз

қаҳрамонларининг ҳаёт йўлини айни шу санъат нури билан ёритишга ҳакарат қилганининг гувоҳи бўламиз.

* * *

Буюк Абдулла Қодирий бор-йўғи 44 йил умр кўрди. Шундан тахминан 22-23 йиллик ҳаётини ижодга бағишлади, холос. Адибнинг хоҳ публицистик, хоҳ бадиий асарлари бўлсин, эълон қилинган дастлабки даврларданоқ қизғин муҳокамалар марказига кўчди. Ўша қизғин муҳокамалар кайфияти 1956 йилда адиб шахсига бўлган ижтимоий-сиёсий муносабат бирмунча юмшаганидан кейин ҳам давом этди.

Ватанимиз мустақиллиги тонгига келибгина Қодирий ва Қодирий даври адабиётини ўрганиш, тадқиқ этиш бир қадар мўътадил тус олди. Адабий ҳаётимизда, адабиётшунослик илмида чинакам маънодаги қодирийшунослик йўналиши шакллана бошлади.

Йиллар ўтгани сайин Абдулла Қодирий шахси, ҳаёти, ижоди ва у яшаган давр ва муҳитни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сон ва салмоқ жиҳатидан кўпайгани эътироф этилар экан, шу билан бир вақтда, бу борада яна талай вазифалар, чунончи, изланишлар қилиниши зарурлигини кўнгил ҳис этиб туради. Шу маънода атоқли адабиётшунос олим, академик Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” қомусий китоби алоҳида илмий-амалий қимматга эга нашр бўлди.

Бу китоб муаллифнинг узоқ йиллик улкан ва давомли илмий изланишлари, матонати, захматларининг маҳсули ўлароқ дунёга келди.

Наим Каримов илмий-ижодий фаолияти учун фавқулодда ўзига хос йўналиш кашф этди. Олим Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон яшаган ва ижод қилган даврни “Ўзбек адабиётининг XX асрдаги “олтин даври” деб номлайди. Бироқ фавқулодда истеъдод эгаларини инъом этган бу “олтин давр” қанчалар фожиаларга, ёвузликлар ва хунрезликларга тўлиб-тошгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бир вақтда даврга бўлган қарашларда ҳали-ҳануз хилма-хиллик, тарафкашлик, ғайриилмийлик кайфиятлари сақланиб қолаётганига ҳам ажабланмаслик мумкиндир. Бинобарин, адабиётимизнинг бу “олтин даври”ни тадқиқ этиш ҳали узоқ давом этиши табиий.

Наим Каримов илмий фаолиятининг дастлабки босқичларидан бошлаб ўз инсоний, адабий ва фуқаролик концепциясини ўзгартирмади, хусусан, бутун салоҳияти, саъй-ҳаракатини ўтган асрнинг биринчи ярми, ўзи айтмоқчи, адабиётимизнинг “олтин даври” уммонининг жамики инжулари ва қабоҳатлари ғаввосига айланишга сафарбар этди. Айтиш керакки, улкан олим инсон ва жамият ҳаётини, талотўпларга тўлиб-тошган хатарли замонларни, чигалдан-чигал муносабатлар жумбоқларини ўрганишда, уларга ойдинлик киритишда бошқа бирор-бир соҳа бадиий адабиёт имкониятларига тенг кела олмаслигини исботловчи ўнлаб қимматли асарлар яратди.

“Абдулла Қозирий замондошлари” китоби бунга яна бир салмоқли далил бўлди.

Ҳар қандай халқ ривожлангани сайин, ортда қолган тарихий йўлнинг сарҳисобини қилади, бу, одатда, турли йўналишларда қомус яратиш билан амалга оширилади. Қомуслар тараққиёт йўлидаги бекатлар вазифасини ўтайди. Айниқса адабиёт, маданият ва санъат соҳаларида бунга бўлган эҳтиёж ва имконият катта. Китоб муаллифи ёзганидек, бизда Алишер Навоий ва Абдулла Қодирийга бағишланган энциклопедиялар яратишга киришилган эди. Сўз юритилаётган қомус мана шундай эзгу ниятларни тўла-тўкис амалга ошириш сари қўйилган қадам бўлди.

Китоб саҳифаларида ниҳоятда бой тарих мужассам. Қизиғи ва аҳамияти шундаки, Абдулла Қодирийдек бир ноёб шахс, бир улкан адиб ва унинг ижод оламига бўлган муносабатлари орқали неча ўнлаб (жами 252 нафар) таниқли ва нотаниш инсонларнинг дунёқараши, инсоний аъмоли, бадиий диди, салоҳияти, қолаверса, мураккабдан-мураккаб замон, сиёсат, жамият тутумлари ҳақидаги қарашлари юзага қалқиб чиқмоқда.

Муаллиф ниҳоятда маъқул тартиблаштириш тизимини топган, яъни китобга киритилаётган шахс ҳақида китобхон омма учун мухтасар маълумот берилгач, унинг Абдулла Қодирийга тааллуқли муносабати келтирилган. Ғоятда нозик жойи шундаки, буюк адибга муносабат ўта қалтис кечган кезларда ёзувчининг шахси, ижоди ва асарларига нисбатан билдирилган мулоҳазаларни келтиришда Наим Каримов мумкин қадар холисликни сақлашга, адолат посангисининг оғиб кетмаслигига ҳаракат қилган. Ҳозирга қадар кенг омма назаридан сир сақланиб келаётган ҳақиқатларни ошкор этишда бир қадар илгари кетгани эса алоҳида тахсинга лойиқ.

Мундарижадан ўрин олган муаллифлар, яъни Қодирий замондошларини қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: адибнинг оила аъзолари, яқинлари, маҳалладош ва қўни-қўшнилари, ҳамкасблари, таниқли ижод аҳли, давлат ва жамоат арбоблари, хориж вакиллари ва ҳоказо. Келтирилган ҳар бир эсдалик, ҳар бир хотира, ҳатто биргина лавҳа ва жумла асосий мақсадга, яъни Қодирий сиймосининг ўқувчи кўз олдида гавдалантирилишига ҳамда умумий манзара кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. “Абдулла иккимиз бир партада 4 йил ўтириб, мунтазам илм олдик” деб ёзади адибнинг тенгдош ўртоғи Акмал Акрамов. “Отангиз (яъни, Абдулла Қодирий билан. – Х.Д.) билан бир камерада апрел ойига қадар – 4 ой бирга ўтирдик” деб эслайди тиббиёт фанлари доктори, профессор Содиқ Маъсумов. Ушбу икки оғиз жумлада суюкли адибимиз ҳаётининг, қолаверса, қисматининг икки қутби манзараси намоён, дейиш мумкин. Таниқли файласуф олим Сулаймон Азимов Қодирий билан илк сафар юзма-юз келишини қуйидагича тасвирлайди: “Уни кўрганимдаги кўз қарашлари: гўё бутун дунёнинг маъноси шу одамнинг кўз қарашларида тўплангандек таассурот қолдирди”.

Бу каби ўхшатиб айтилган тавсифлар кўп. Китобнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан яна бири муаллифнинг Абдулла Қодирийнинг бошига таъна-маломатларни ёғдиришда, уни ёмонотлиққа чиқаришда, ҳатто жисмоний-руҳий укубатларга гирифтор этилишида бош-қош бўлган, “холис” кўргазмалар берган, қўли-қарашлари қонга ботган кимсаларга ҳам ниҳоятда

бағрикенглик билан китобдан жой бергани тўғри бўлган. Зеро, буларнингсиз китобдан кўзда тутилган қомусийлик руҳи кемтик бўлиб қолган бўлур эди.

Бир сўз билан айтганда, “Абдулла Қодирий замондошлари” академик Наим Каримовнинг узоқ йиллик захматли меҳнати, изланишларининг махсули ўлароқ миллий адабиётимиз, адабиётшунослигимизда ва албатта маданий ҳаётимизда фавқулодда янги воқеа ҳисобланади. Хусусан, китоб келгусида яратилажак фундаментал миқёсдаги “Абдулла Қодирий” қомуси учун ўзак вазифасини ўташи билан ҳам катта аҳамиятга эга.

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ ДАРҒАСИ

Шухрат РИЗАЕВ

Наим ака ҳақида кўпчилик ёзган. Яна ёзиш иштиёқидагилар ҳам кам эмасдир. Чунки тўқсон йиллик умр давомида домлани расман, норасмий устоз деб билгувчиларни рўйхат қилса, мўъжазроқ бир китобча бўлиб қолса ажабмас. Ўзбекистоннинг қай шаҳру кентига борманг бирор олий ўқув даргоҳи бўлса, унда, албатта, “Наим Каримов илмий раҳбарим бўлади” дея ўзини ғурур билан танитгувчи топилади. Ўзимизни қўяйлик, хорижда ҳам домлани устоз мақомида билгувчи ўзбекшунос ёш, ўрта ёш олимлар кўп. Билмадим, Наим акадаги Оврупочароқ ички ҳам ташқи маданиятми ёки табиатидаги, гап-сўзидаги тугал самимиятми, ҳар қандай суҳбатдошни унга қаттиқ боғлаб қўяди. Нафақат бу, ҳозирда дунёнинг қай бурчида XX аср ўзбек адабиёти борасида сўз кетса, ишончим комилки, бу сўзнинг зимнида, маъно мағзида Наим Каримов китоблари, мақолалари туфайли шаклланган билим ва тафаккур ёлқинлари, маърифати, далилу таҳлиллари бўлади. Чунки эндиликда XX аср адабиётини ҳам, адабиётшунослигини ҳам Наим Каримовни ўқимай айланиб ўтиш мумкин эмас. Фитрату Чўлпондан, Рауф Парфи, Эркин Аъзамгача, анъанавий адабий тадриждаги Мискину Хислат домладан шогирди Исмоил Тўлак шеърий тўпламларигача – XX аср ўзбек адабиётига тегишли бори адабий силсилалар академик Наим Каримов тадқиқотлари, монография, қўлланма ва дарсликлари орқали илмимизда аён. Таассуфки, кўп адабиётшунос-мунаққидларда адабий авлодлар ичидан икки-уч, нари борса тўрт-бештадан ажратиб олиб, “қоладигани шу-да”, дея бироз илмий бодиликка тортиб кетадиган иддао бор. Наим ака эса ниҳоятда кенг ва рангин XX аср адабиётимизда битта сатр бўлса-да бадиият ҳиди уриб турган битик қолдирган зот борки, барини яхлит жараён доирасида олиб, у ҳақда ҳаққоний сўз айтишга, вақти-вақти билан эслаб, эслатиб туришга уринади. Ҳеч бир адабиёт-санъат аҳлини унутишга ҳаққимиз йўқ, деган зиёли ақида миллат туйғусини дилга жо қилиб яшайди ва ишлайди. Дейлик, ўша Қодирию Чўлпонлар авлодидан Абдулла Алавий, Ғулом Зафарий, Тавалло,

Мадамин Даврон бўладими, Ойбегу Ғафур Ғулом авлодидан Собир Абдулла, Ғайратий, Ойдин Собироваларми, Асқад Мухтору Шуҳратлар авлодидан Темур Фаттоҳ, Мамарасул Бобоев, Қудрат Ҳикмат ва ҳоказо. Қизиқ, домла адабий авлодлар дарғалари ҳақида катта-катта тадқиқотлар – монография, рисола, маърифий роман, портрет, эсселар қаторида, балки орасидадир, ҳамиша қолдирган адабий меросининг салмоғи, мазмун-мундарижасига кўра бошқа авлоддошлар ҳақида гўзал илмий лавҳалар, мақолалар, очерклар эълон қилиб туради. Афсуски, Наим ака яна бор ташкилий қувватини сарфлаб, ўша дарғалар ҳақида яхлит китоблар чоп эттиргани ҳолда, иккинчи қатор адабий сиймоларга бағишланган битикларини тўплам ҳолига келтириб китоб қилишни истамайди. Агар булар ҳам жамланиб, бори илмий-танқидий мерос куллиёт шаклига келтирилса, бемуболаға ўн-ўн беш жилдлар чамаси бўлар-ов... Аммо домлага шу фикрни айтсангиз, “қўйинг-э, арзимайди, ундан кўра Миртемир, Ҳамид Олимжон ҳақидаги маърифий романларни нашр этишга ёрдам беринг” дейди. Ҳайратингиз яна ошгандан ошиб, “қачон улгурдингиз” деб қоласиз, халос. Ваҳолангки, домла Истиқлол йиллари асосан қатағон қурбонлари бўлган юзлаб зиёлилар, адабиёт-санъат ахллари ҳақида шундай катта савоб ишлар қиляптиларки, уларсиз Мустақиллик даври тарихи ва тарихшунослиги, маданияти ва маданиятшунослигини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳали бирор тўпламларда, ҳали ўзлари суйган “Тафаккур” журнали саҳифаларида мақолалардан ташқари яна қандайдир қимматли эсдалик, ёднома ё қайдларни илмий шарҳлаб чоп эттириб қолади. Кўламу миқёсни, қамрову қуршовни ақлга сиғдиролмайсиз. Боз устига турли санъат ҳодисалари, театр, кино билан боғлиқ мақола, тақризлар, ҳаттоки тўлақонли пьеса, киносценарий, таржима асарларигача... домла бисотининг “сим-сим” хазинаси.

Мана Сизга 90 ёш сарҳисоби. Назаримда, дўсту хайрихоҳлар камина каби Наим акасиз бугунги адабиётимиз, адабиётшунослигимиз, умуман маърифий, ижтимоий, шахсий ҳаётини тасаввур эта олмаса керак. Чунки бу олим, инсон – Шахс ҳамиша кераклардан керак, зарурлардан зарур – маърифат тилагида бўлган, адабиёт истагида бўлган юртга, элга, миллатга энг аввало. Қолаверса, биз каби укалари, шогирдлари, муҳибларига ҳамиша ва ҳар ерда суюмли, қадрли. Устоз бор бўлсинлар! Барчамизга маънавий тиргак, меҳру оқибат, самимият тимсоли бўлиб дунё тургунча яшасинлар!

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ОЛИМ

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбек адабиётшунослиги фанининг сўнгги 70 йиллик тараққиётини академик Наим Фотиҳович Каримов номисиз тасаввур этиб бўлмайди. Наим ака ўзининг жонкуярлиги, куюнчаклиги, ҳалоллиги, тинимсиз изланиши, билим доирасининг кенглиги ва теранлиги, айтган фикрларининг аниқ фактларга асосланганлиги билан кўпчиликка ўрнак бўла оладиган инсондир. Очиғи, ўтган XX аср бошидан то ҳозирги кунгача ижод билан шуғулланган қалам аҳлининг биронтаси йўққи, устоз назаридан четда қолган бўлсин. Ҳар доим қандайдир юмуш билан бандлигини кўрамиз. Ё биронта шогирдининг илмий ишини таҳрир қилаётган ёки у билан суҳбатлашаётган бўлади. Ишхонасида ҳар доим компютерда ишлаб ўтирганини ёхуд қандайдир кўҳна китобми, газета ё журнални ўқиб ўтирганига гувоҳ бўламиз. Шуларни ўйлар эканман, кўнглимда шундай саволлар пайдо бўлади: Бунчалик кўп асарларни қайдан топиб ўқийди, қачон ёзади? Домла дам оладиларми? Ухлайдими? Шунча ишни бажаришга қандай улгурар экан? Биламанки, улфатчиликка ҳам вақт топа олади. Яйраб-яшнаб, ҳазиллашиб ўтиради. Китобларига илова қилинган суратларни кўриб билдимки, у киши оила аъзолари билан суҳбатлашиб ўтиришга, неваралари билан ўйнаб, ҳордиқ чиқаришга, ҳатто телевизор кўриб завқланишга ҳам вақт топа олар эканлар. У ҳолда тинимсиз ёзилаётган мақолалар, кетма-кет нашр этилаётган китоблар, телекўрсатувлардаги суҳбатлар қандай пайдо бўляпти? Устоз шунча куч-қувватни қаердан, кимдан олади?

Мен Наим Каримовни 1964 йилда нашр қилинган “Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати” деб аталган илк асари билан танишганимдаёқ ёқдириб қолганман.[1] Боиси, унда ҳали илмий таҳлилда ўша пайтгача қўлланилмаган ғайриодатий таҳлил усулларини учратгандим. Олим айрим ҳамкасблари сингари ўзи тадқиқ этаётган ижодкор асарлари мазмунини қайта баён этиш йўлидан бормай, ҳар бир сўз, ибора, сатр, бандниг ичига кириб, бўлакларга бўлиб, батафсил таҳлил қилганди. Айни чоғда уларнинг умумий ғояга, бош мақсадни ифодалашга қандай хизмат қилганлигини аниқ исботлайди. Натижада санъаткорнинг ҳар бир асари кўз ўнгимда гўзал обида сингари қад ростлаган ва мен шоирни янада яхшироқ тушунгандим. Ҳали ҳанузгача Ҳамид Олимжон ижоди бўйича дарс ўтганимда “Ўрик гуллаганда”, “Ўзбекистон”, “Офелиянинг ўлими”, “Бахт тўғрисида” каби шеърларини, “Зайнаб ва Омон” достонини Наимона усулда, доскага дераза ва ундан ўрик гулларига қараб турган шоир, чиройли ёш келин суратларини чизиб, батафсил, эҳтирос билан таҳлил этишга ҳаракат қиламан ва бундан завқланаман. Ич-ичимдан шунга ўргатган устозга миннатдорчилик билдираман.

[1] Наим Каримов. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. Тошкент, “Фан”, 1964.

Бугина эмас. Ушбу монографияда ҳали ўзбек адабиётшунослигида фақат Аристотел номи қўшиб айтиладиган “Поэтика” атамасининг қўлланилганлиги ҳам янгилик эди. Ваҳоланки, ўша пайтгача “Поэтика” атамаси шеърият маъносида қўлланиларди. Шундан кейин бу атама ижодкор маҳоратини тадқиқ этувчи фан сифатида оммалашиб кетди. Айтиш жоизки, ўзбек адабиётшунос-лигида поэтика мактаби пойдеворига дастлабки ғишт қўйган олим Наим Каримов эди. Бинобарин, ижодкор поэтикаси билан шуғулланувчи тадқиқотчиларга мазкур асар ҳанузгача дастуриламал бўлиб келмоқда.

Наим Каримов кенг қамровли олим. Унинг илмий меросидан на фақат адабиётшуносликка оид, балки санъатнинг барча турлари– театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа, шунингдек, тарих, педагогика, психология, этнография, тилшунослик каби кўплаб соҳалар ва улар ривожига муносиб ҳисса қўшган улуғ бобокалонларимиз фаолияти бўйича ҳам керакли маълумотларни олиш мумкин. Фикрим исботсиз бўлиб қолмаслиги учун битта мисол келтирай. Бундан ўн йил муқаддам “Тафаккур” журналида “Бухоро амирининг “грузин” набираси” сарлавҳали мақолага кўзим тушганди.[2] Ажабо, Бухоро амири грузин аёлига ҳам уйланган эканми? Менинг ҳайратим ва қизиқишимга сабаб бўлган ушбу мақола муаллифи ҳам Наим Каримов эди! “Домлаям ажойиб-да! Қаёқдаги нарсаларни топади” деб ўқий бошладим. Устознинг ёзишича, Москвада яшайдиган машҳур актёр Николай Михайлович Церетелли (1. Х1.1890-6.02.1941) асли Бухоро амири Олимхоннинг невараси Саид Мирмансурхон тўранинг ўғли бўлган экан! Саид Мирмансурхон тўра Москвада ҳарбий мактаблардан бирида таҳсил олган. Ўқув юртини битиргач, шу ердаги ҳарбий полкда хизматни давом эттирган. Келишган йигит “Софья Михайловна деган офатижон грузин қизи билан танишиб, уни севиб қолади.” Софья ундан ўғил туғибди. Улар расман турмуш қуришмаган, шунчаки кўнгил хуши учун учрашиб юришган. Кейинроқ Софья Михайловна Церетелли деган грузин князи билан сохта никоҳдан ўтиб, Саид Мирмансурхондан орттирган ўғлини унинг фамилиясига ўтказибди. Боланинг асл исми Саид Мирхудоёрхон бўлган экан. Она ўғлига ўгай отасининг фамилиясини, ўзининг отаси исмини бериб, Николай Михайлович Церетелли сифатида вояга етказибди. Кейинроқ ўзининг кимдан дунёга келганини билиб олган Мирхудоёрхон-Николай асл отасини топиб, учрашиб турган, бухоролик қариндош-уруғлари билан ҳам мунтазам алоқада бўлган экан. Вужудида ҳам ўзбекнинг, ҳам грузиннинг қони аралашганидан Николай Церетелли жуда гўзал ва келишган йигит бўлиб, ўзи ижро этган ролларда пластик ҳаракатларининг ранг-баранглиги, қадди-қоматининг расолиги билан тамошабинлар меҳрига сазовор бўлган экан. Қаранг, домла битта телекўрсатувдан олган таассуротини ўқувчига етказиш учун қанча манбаларни, архив материалларини титибди. Аслида устоз қандайдир рус актёрининг ҳаёт йўли, театр ва кино санъатидаги ўрнини, фаолиятини ҳикоя қилишдан ўзини тийиб, унга кетган вақтини

[2] Н. Каримов. Бухоро амирининг “грузин” набираси. “Тафаккур” ж., 1/2012.

биронта бадиий асар таҳлилига бағишласа бўлмасмиди? Йўқ! Менимча, бу воқеага батафсил тўхташи унинг қалбида мангу жўшиб турган миллий ғурур билан боғлиқ деб ўйлайман. Боиси Церетеллининг театр, кино ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларининг барчасида миллатимиз вакилининг қони борлигидан фахрланиш туйғусидир. Домла ўқувчига “Мана, кўрдингизми, ўзбекнинг боласи бутун Русияда машҳур бўлди” демоқчи. Яшанг, домла, деб ҳайқиргим келади.

Академик Наим Каримов ғоят синчков олим. Ўзи тадқиқ қилаётган муаммони икир-чикиригача ўрганмай туриб ёзишга қўл урмайди. Устознинг “Чўлпон”, “Ҳамид Олимжон”, “Мақсуд Шайхзода”, “Миртемир”, “Усмон Носир” ҳақидаги маърифий романларини оласизми, “ХХ аср адабиёти манзаралари”, “Адабиёт ва тарихий жараён” сингари фундаментал китобларини ўқийсизми, ҳар бирида юқорида таъкидлаганимдек синчковликни, масъулиятни чуқур ҳис қилиш туйғусини кўрамиз. Мен уларни шарҳлаб, қайта ҳикоя қилиб ўтиришни ўзимга ортиқча деб билдим. Негаки, адабиёт илми, тарих, социология, мантиқ, тилшунослик фанлари билан шуғулланаётган ҳамкасблар устознинг бу борадаги хизматларини яхши биладилар. Яхшиси, мен Наим аканинг бағри кенглиги, садоқатли дўст эканлиги, ҳеч кимнинг раъйини қайтармай, қўлидан келганича ёрдам беришига оид ўзим гувоҳ бўлган гапларни айта қолай.

2001 йилнинг 28 феврал куни бетоблик сабаб узоқ йиллар тўхтаб қолган докторлик ишимни давом эттириш учун Тошкентга келдим. Аввал устозим профессор С.Мамажоновни зиёрат қилиб, мавзуни ўқиб бердим, тегишли маслаҳатлар олдим-да, “Академгородок”даги Тил ва адабиёт институтига бордим. У пайтда шу илм даргоҳида илмий иш мавзуларини муҳокама қилиб, тасдиқлаб берадиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш бўларди. Иккинчи қаватга чиқиб, маъмурият хонасига борсам, директор Т.Мирзаев (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!), илмий котиб Р.Баракаев ва Наим акалар қандайдир қоғозларни ўқиб ўтиришибди. Мени кўриб қолиб чақиришди, нега келганимни, домлам Салоҳиддин акамнинг соғлигини сўрашди. Саволларига жавоб бергач, “илмий ишни давом эттирмоқчиман. Сизлардан маслаҳат олиб кетай деб келувдим” дея қўлимдаги қоғозни узатдим. Унда ўзимча докторлик ишим мавзусини “Ҳозирги ўзбек насрида нутқий жараён ва ёзувчининг шахсий услуби” деб атагандим. Наим ака мавзуга бир қур кўз ташладилар-да, “Ҳозир шундай жараён бор. Салоҳиддин кўрдими? Бўпти, ташқарида кутиб туринг!” деб чиқариб юборишди. Мен мавзуни кўриб, муҳокама қилишиб, кейин мени чақиришар деб кутиб ўтирдим. Йўқ, талай олимлар кириб кетган хонада бир соатлар машварат бўлди шекилли. Бир пайт Ғаффор Мўминов қучоқ очиб келяпти: “Йўлдошали, табриклайман. Темангни тасдиқладик!” Ундан сўнг устоз М.Қўшжонов қўлини узатиб, “Йўлдошвой, мавзунг маъқул келди. Фақат бироз аниқлик киритиш керак. Кейинги келганингда гаплашармиз” дедилар. Ия, бу қанақаси бўлди? Ахир, мен мавзуни шакллантириб, маслаҳат олиб кетмоқчи эдим холос-ку! Билсам, шу куни Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши бўлган ва ўн бешга яқин тадқиқотчининг номзодлик ҳамда докторлик диссертациялари мавзуси тасдиқланган экан. Омадимни қаранг, шу кунга тўғри келиб қолибман.

Хуллас, устозларнинг қўллаб-қувватлаши, рағбатлантириши менга куч ва ғайрат берди. Қисқа муддатда докторлик ишимни якунладим.

Яна бир гал борганимда хоналарида кўпчилик узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Шунда Наим ака кафедрамизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг аксарияти назарий поэтика муаммоларига бағишланганлиги билан ажралиб туришини айтиб қолди. Чиндан ҳам А. Раҳимовнинг "Ўзбек романи поэтикаси", менинг "XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси", З.Раҳимовнинг "Одил Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романи поэтикаси", А.Сабирдиновнинг "Ойбек шеърияти поэтикаси" (домланинг ўзи илмий раҳбар эди) мавзусида тадқиқотлар олиб борилаётган эди. домла шуларни эслаб, "Келгусида Фарғона поэтика мактабининг маркази бўлиб қолади, шекилли. Азимжондан кейин ўзинг бу соҳани бошқариб турасан-да!" дедилар. Устознинг бу гапи менга гўё оқ фотиҳа бергандай бўлди. Ҳозир кафедрамизда ўнга яқин шогирдларимиз ижодкорларнинг поэтик маҳоратини турли ракурслар орқали астойдил тадқиқ этишга киришганлар. Умид қиламанки, бу сайъи-ҳаракатларимиз тез орада ўз самарасини беради. Ўшанда устозга ҳисоб бергани борамиз ва эришган ютуқларимиз самараларини у кишига туҳфа қилиб, деймиз: ***"Устоз, илоҳим, умрингиз узоқ бўлсин! Юз билан юзлашинг! Юз ўнда ўсмир бўлиб, юз йигирмада йигитдай ўйнаб юринг! Биз ҳам ортингиздан ҳавас билан эргашиб бораверайлик. Омин!"***

NAİM KƏRİMOV ÖMÜRLÜNDƏ KAMİLLİYƏ GEDƏN YOLUN NAXIŞLARI

Almaz Ülvi BİNNATOVA
Filologiya elmləri doktoru, professor
AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitunun
"Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələr"
şöbəsinin müdiri

Açar sözlər: Naim Kərimov, Azərbaycan, Maqsud Şeyxzadə, Azərbaycan - özbək ədəbi əlaqələri, akademik

Kalit so'zlar: Naim Karimov, Ozarbayjon, Magsud Shayxzoda, Ozarbayjon – o'zbek adabiy aloqalari, akademik

Keywords: Naim Karimov, Azerbaijan, Magsud Sheikhzadeh, Azerbaijan - Uzbek literary relations, academic

Azərbaycan elminin ən yaxın, etibarlı dostlarından biri, bu günkü özbək elminin patriarxı akademik Naim Kərimovun 90 illik yubileyini səmimi qəlbdən təbrik edirəm.

Ruhunda Azərbaycanının mill arzu və duyğularını göyərdən bir gəncin Vətən doğmalığını Özbəkistanda, Daşkənddə tapan Maqsud Şeyxzadənin həyatını,

dövrünü və yaradıcılığını məhəbbətlə, akademik səviyyədə tarixləşdirən Naim Kərimov deyə bilərik ki, həm də Azərbaycan elminin görkəmli xadimidir. Onun "Maqsud Şeyxzadə" maarifçi romanı sənətkar ustalığı ilə qələmə alınmışdır.

Naim Kərimovu 15 ilə yaxındır ki, tanıyıram, yaradıcılığını, elmi fəaliyyətini məhəbbətlə izləyirəm, yeri gəldikcə elmindən faydalanır, yazılarımda iqtibaslar edirəm. Belə nüanslar həm də iki qardaş-dost xalqın bir-birinə etibarı, ehtiramı və diqqətidir.

2008-ci ildə "Maqsud Şeyxzadə – 100" beynəlxalq elmi konfransına dəvət almışdım. Bu mənim Özbəkistana ilk səfərim idi. Özbəkistan Elmlər Akademiyası Ədəbiyyat və Dil İnstitutunda keçirilən tədbirdə institutun direktoru akademik Tura Mirzəyev, Özbəkistan Yazarlar Uyuşmasının sədri, Özbəkistanın xalq şairi Abdulla Aripov, professor Əziz Kayumov, professor Suyima Ğəniyeva, professor Naim Kərimov, xalq şairi Cümənniyaz Cabbarlı, dramaturq Erkin Səməndər, ədəbiyyatşünas İbrahim Qafurov, İbrahim Haqqul, Cabbar Eşanqul kimi tanınmış və görkəmli simaları ilk dəfə o məclisdə gördüm. Onlarla bir sırada mənim də məruzəm dinlənildi. Çox sevinirdim ki, belə böyük şəxsləri yaxından gördüm. Hətta gedəndə doktorluq dissertasiyamı da aparmışdım, iki gün işimə gözəl bir rəy də yazıb təqdim etdilər.

O məclisdə mən Maqsud Şeyxzadənin adını-sanını bir daha yenidən kəşf etdim, yenidən tanıdım, yenidən məhəbbətlə ruhuma yazdım.

Akademik Naim Kərimovla yanaşı oturmuşdum. Özünəməxsus sakit tövrü ilə Maqsud Şeyxzadə ilə bir sinifdə oxumuş, hazırda bir rəssam olan bir şəxs haqqında məlumat istədi. Amma təəssüf ki, Bakıya qayıdandan sonra nə qədər araşdırsam, soraqlaşsam da, o şəxs haqqında bir məlumat əldə edib göndərə bilmədim.

Naim Kərimov o zaman da sakit səslə bir istəyini də mənə bildirdi: "Maqsud Şeyxzadə haqqında elmi-publisistik əsərimi bitirəndən sonra mənim də ustadım olmuş o uluğ innsanın doğulub boya-başa çatdığı torpağı, Azərbaycanı ziyarət etmək arzusundayam".

O zamandan heç fikrimdən çıxmadı. Mən adi doktorant idim və bu hörmətli insanı dəvət edəcək ixtiyar sahibi deyildim. Aradan illər keçdi. 2013-cü ildə Türkiyə Cümhuriyyətinin Azərbaycandakı elçiliyi ilə birlikdə "Yunus Əmrə – 775" adlı beynəlxalq elmi konfrans zamanı əlimə belə bir fürsət düşdü. Dəvət edilənlər arasında Naim Kərimovun adını siyahının başında yazdıq. Amma niyəsə alınmadı, deyəsən səhhətində problem olmuşdu, ya başqa bir səfəri vardı. Nəhayət, 2018-cu ildə Maqsud Şeyxzadənin 110 illik yubileyi münasibətilə keçiriləcək beynəlxalq elmi konfransa akademiki dəvət etdik. Institutumuzun direktoru akademik İsa Həbibbəyliyə 10 ildir ürəyimdə saxladığım əmanət arzunu bildirdim. Akademik Naim Kərimov haqqında məlumatlandırdım. "Biz bu istəyi hökmən nəzərə almalıyıq" – deyə cavab verdi. Uçmağa qanadım olsaydı, elə o dəqiqə Daşkəndə uçub qanadlarıma alıb gətirərdim. O zaman Naim Kərimovun 85 yaşı vardı. Akademik İsa Həbibbəylinin tövsiyəsi ilə dəvət edilənlər siyahısına hətta Naim Kərimova hayan olacaq iki nəfəri də əlavə etdik (professor Bakıjon Tuxliyev və Gülbahar Aşurova).

Budur, ustad Bakıda Akademiyanın Ədəbiyyat İnstitutunun elektron zalında keçirilən "Maqsud Şeyxzadə - 110" elmi konfransa yetişdi. Təyyarənin Bakıya enişvaxtı gecikdiyindən tədbirin sonuna gəlib yetişdi və birbaşa tribunaya qalxdı. Ustadı Şeyxzadəyə ürəyində olan bütün məhəbbətini açıb tökməyə çalışırdı. Hamı onun sakit səsindəki həyəcana hakim kəsilmişdi.

Səhəri günü nümayəndə heyəti ilə birlikdə Sabirin, Səhhətin vətəni Şamaxıya səfər etdiklərini eşitdim. Mənə elə gəldi ki, o zaman 85 yaşlı Naim Kərimov özünü Maqsud Şeyxzadənin Bakını tərk etdiyi yaşında – 20 yaşında hiss edirdi, bunu onun hərəkətlərində, sevincində, dolub-boşalan gözlərində görürdüm.

Elmi əmək fəaliyyətinə Özbəkistan Respublikası Elmlər Akademiyasının Dil və Ədəbiyyat İnstitutunda başlayan akademik Naim Kərimov bütün taleyini məhz bu elm məbədinə bağlamışdır. Harada, hansı vəzifələrdə çalışsa da, akademiya onun doğma evi, doğma ocağı olmuşdur.

Akademikin ad-soyadının nə məna daşımasını incələdim:

Naim sözü – izahlı lüğətdə şanslı, ciddi, dəyişkən, diqqətli, şən, dost, müasir, səxavətli, yaradıcı, aktiv, temperamentli, səlahiyyətli mənalarında yazılıb. Və bütün bu sadalanan mənaların hamısını ustad öz çiyinlərində 90 ildir daşıyır. Soyadında yazdığı – Kərim olan Allaha sığınıb bir elm xadimi kimi Ali İnsanlıq zirvəsində, kamilliyi çoxdan haqq etmiş ustaddır.

Bu anlamda onun yaradıcılıq fəaliyyətindən bəzi sıralamalara diqqqət yetirmək istədim: Naim Kərimov daha çox cədidçilərin, xüsusən XX əsr repressiya qurbanları olmuş böyük milli düşünürlərin taleyinin araşdırıcısı, onların ədəbi irslərinin sanki varisi kimi böyük işlərə imza atmışdır. Bu da təsadüfi deyil ki, o, repressiya qurbanlarının xatirəsinin əbədiləşdirilməsi üzrə ictimai komissiyanın sədri kimi (1999-cu ildən) Daşkənddə Şəhidlər Xatirə Abidə Kompleksinin yaradılmasında (2001), o cümlədən, Repressiya Qurbanları Muzeyinin yaradılmasında (2002) fəal ictimaiyətçi kimi işlərə rəhbərlik etmişdir. "Çolpan", "Osman Nasir", "Osman Nasirin son günləri", "Maqsud Şeyxzadə" və sair kitablarını – əsərlərini məhz həmin fəaliyyətinin davamı kimi qiymətləndirə bilərik.

Akademik Naim Kərimov XX əsr özbək ədəbiyyatının görkəmli və əsas nümayəndələrinin yaradıcılığını milli ideya meyarları əsasında öyrənməyə ilk başlayanlardan olub. Onun elmi yaradıcılığında ədəbi hadisələrin tarixi hadisələrlə, bədii yaradıcılığın isə yazıçının həyatı və mənəvi-estetik dünyası ilə bağlı öyrənilməsinə üstünlük verilir. Həmzə Həkimzadə Niyazi, Əbdürauf Fitrət, Əbdülhəmid Çolpan haqqında yazdığı kitab və araşdırmaları milli təəssübkeşliyindən, milli özünüdərk xarakterindən irəli gələn fəaliyyətinin bir parçasıdır.

Akademik Naim Kərimov mətnşünas alimdir. Aybəkin 20, Qafur Qulamın 12, Həmid Alimcanın 10, Həmzə Həkimzadə Niyazinin 5 cildlik əsərlərinin hazırlanmasında və nəşrində iştirak etmişdir.

Onun gördüyü bütün işlər vətəndaşlıq, vətənpərvərlik, milli təəssübkeşlik diqqəti ilə yanaşı bir alim, bir ziyalı vicdanının da sərgiləndiyi elmi-ədəbi meydandır.

Bakı Dövlət Universitetindəki və Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitunun "Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələr" şöbəsi nəzdindəki Əlişir Nəvai Ədəbiyyatşünaslıq Mərkəzində magistr tələbələrimə iki dərs "Naim Kərimov fənni" tədris etdim. Gələcəyin müəllimləri olacaq gənclərə, tədqiqatçılara fədakar bir alim ömrünü anlatmağa cəhd etdim. Örnək olası bir ömrün naxışlarından öz ömürlərinə köçürə biləcək, öyrənə biləcək ibrət üçün. Fədakarlıq, zəhmət, halallıq, səmimiyyət insanı kamillik zirvəsinə götürə bilir. Naim Kərimovun yaşadığı ömür kimi.

Ustaz, həmişə bizlərə nümunə olacaq bir məktəb ömrü yaşadınız, ömrünüz uzun olsun Amin! Sizi qəlbən sevən şagirdiniz –

ОЛИМЛИК ҚИСМАТИ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Хожа Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат"идаги "Азал олимларнинг ёстиғин тошдин яратти" сўзларини ким қандай талқин қилишини билмайману бироқ мен шу сўзларни илк бор ўқиганда кўз олдимга Наим Каримов, уларнинг илмий диапозони, тинимсиз меҳнати ва юксак инсонийлиги келган. Ҳозирга қадар ҳам олим заҳмати хусусида сўз кетганда академик Наим Каримовнинг адабиётимиз, маданиятимиз, борингки, миллат ва мамлакатимиз олдида қилган улуғвор меҳнатлари кўз олдимга келади.

Академик Наим Каримовнинг илмга, адабиётга қадами Ўзбекистон Миллий университетидан бошланган. Агар Наим ака 1950 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)га ўқишга кирган бўлса, тез орада устозларию бошқа талабаларнинг эътирофига тушган. Проф. У.Норматовнинг ёзишича, ҳали 3 курс талабаси экан, эътиборли бир журналнинг масъул котиби бўлган. Ёзувчилар уюшмасининг тўполон мажлисларидан бири адиба Саида Зуннуновани тошбўрон қилишни бошлаганида, Саида опанинг инсонийлик руҳи билан суғорилган майин шеърларидан сиёсий хато излаш нотўғри эканини дадил айтиб, У.Норматов, Э.Воҳидов, И.Ғафуров ва бошқа бўлғуси миллат фидойиларининг эътиборига тушган. Бу воқеаи Умарали ака шундай эслайди: *"Раис уни журналимизнинг масъул котиби учинчи курс талабаси Наим Каримов деб таништирди ва унга сўз берди. У қисқа ва лўнда қилиб шундай деди: "Саида Зуннунова шеърларини мен синчиклаб кўздан кечириб журналга киритганман, ўқиб кўринг, биродарлар, улардан ҳеч қанақа сиёсий хато тополмайсиз"... Дил*

розларини изҳор этишга ўша кезлари ҳукмрон бўлган "қўрқув салтанати" йўл бермасди".[3]

Тарабалик йиллари проф. О.Шарафиддиновдан олган сабоқлари беиз кетмагани учун бўлса керак ўзининг илмий тадқиқотлари учун "объект"ни XX аср ўзбек адабиёти деб белгилаган ва бутун адабиётимизнинг мана шу жабҳасига сажоқат билан хизмат қилди. Бошқа бир ўринда Наим аканинг оталари ўзи физика ўқитувчиси бўлишига қарамасдан ўқувчи Озод Шарафиддиновни адабиёт сари йўллаганини мамнуният билан тилга олади. Кейинроқ унгиверситет талабаси ҳақидаги хотираларида "*Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам Наимжон университетда ўқиб юрган кезларидаёқ жуда синчков, илмга ташна, қизиққан нарсасининг тагига етмагунча қўймайдиган бир талаба сифатида танилди",* деб ёзганди.

Университетни тамомлаши биланоқ бу истеъдодли ва заҳматкаш талабани университет аспирант (1955) сифатида ўз бағрига олди. Аспирантурани тугатиши билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига қабул қилинди (1958), шу вақтга қадар ўтган 64 йил давомида Наим Каримов институтнинг кичик илмий ходимлигидан академикликкача бўлган йўлни босиб ўтди. "Ҳамид Олимжон поэтик маҳоратининг баъзи масалалари" мавзуида номзодлик (1963), "XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тенденциялари ва миллий истиқлол мафкураси" мавзуида докторлик (1994) диссертациясини ҳимоя қилди. Аввал профессор (1995), сўнгра академик (2017) бўлди.

Эҳтимол, кимларнидир мана шу унвону эътирофлар ҳаваслантирар, бироқ менинг кўз олдимга Наим аканинг 90 йиллик умри давомида миллатимиз учун амалга оширга ишлари ҳайратлантиради. Буни устоз О.Шарафиддинов шундай баҳоган эди: "*Наим Каримов яқин тарихимизнинг ўқилмай қолган ёхуд нотўғри ўқилган саҳифаларини қайта тиклашга ҳаракат қилди. Бу интилиш унинг ижодида, айниқса, 1991 йилдан бошлаб жуда кенг кўламда ишлана бошлади. Масалан, ўша кезларда оммавий бўлган "Фан ва турмуш" журналида "Наркомпрос иши", "Чўлпон учун кишан", "Ассалому алайкум, дорнинг оғочи", "Қодирийнинг боши – янги йил совғаси", "Тош экан бошим..." каби мақолалари босилдики, уларда анча ихчам шаклда бўлса ҳам, адабиётимизнинг шу пайтгача мутлақо тилга олинмай келган жиҳатлари очилди*".[4]

Орада Наим Каримов "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси (1999) раёсати раиси, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси раиси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг директори (2001) этиб тайинланди. Аслида олим ва тадқиқотчи Наим Каримов учун иш энди бошланди. Шу кундай бошлаб архив ва музей

---

[3] Норматов У. Олтмиш беш йиллик маслакдош дўстим / Наим Каримов. Биобиблиографик кўрсаткич. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2017. – Б. 131-135.

[4] Шарафиддинов О. Олим ҳаётининг саҳифалари / Наим Каримов. Биобиблиографик кўрсаткич. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2017. – Б. 4-8.

маълумотларини титкилаб, ноҳақ қурбон этилган миллатимиз фидойилари ҳақида юзлаб маълумотларни юзага чиқарди. Биргина шу фаолиятининг ўзи миллат олдидаги фарзандлик бурчини бажаришга кифоя қилар эди. Бироқ Наим ака қайси вазифада бўлмасин адабиёт илмидан узоқлашмади, насримизга “маърифий роман” тушунчасини олиб кириб, “Чўлпон” (2003), “Мақсуд Шайхзода” (2010), “Миртемир” (2012) асарлари орқали бу буюк адибларга романий ҳайкал қўйди. “XX аср адабиёти манзаралари” (2008), “Катта қирғин”нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари” (2014), “Адабиёт ва тарихий жараён” (2013) каби фундаментал тадқиқотлар яратди. Ана шу сўнгги китобнинг буюртмачиси ва ноширн бўлганим сабабли у ҳақда бир оз тўхталишга тўғри келади.

Наим Каримовнинг ушбу китобига кирган мақолаларида бадиий асар таҳлили баробарида тарихий жараённи кузатиш, унинг оғриқли нуқталарини ижодкор шахс қисмати орқали англаш ва англатиш адабиёт илми учун муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу жараёнда романга хос эпик кўлам ва миқёсли тафаккур олимга ҳам зарур бўладики, Наим Каримовнинг тарих ва адабий жараёнга бағишланган мақолалари халқ ҳаётидаги мана шундай оғир, залворли маънавий юкни ўз зиммасига олади. Китобдаги мақолалар нафақат таҳлилий қуввати билан, балки ахборий янгилиги ва замонавий талқини, жуғрофий кўлами билан ҳам романлар зиммасидаги маънавий юкни кўтара олишига қурбли асарлар эканини кузатамиз. Наим Каримовнинг айрим мақолаларини ўқиганда уларнинг мавзуси ва қаҳрамонларига нисбатан ҳам шу сўзларни ишлатишни раво кўрамиз. Миллат ўз қаҳрамонларини унутмайди, лекин ўз “жаллодлари”ни ҳам билиши керакки, токи тарих эврилганда, эрк устидан зулм баланд келганда, бундай хатолар (юмшоқ қилиб айтганда) такрорланмаслиги учун улардан сабоқ оламиз.

Айни китоб ўзининг тафаккур миқёси кенглиги, фактларга бойлиги ва уларнинг шоирона бадиий ифодаси билан китобхонлар эътирофига сабаб бўлди, шу асар нашри учун “Мумтоз сўз” нашриёти Матбуот ва ахборот агентлигининг “Йилнинг энг яхши китоби – 2013” дипломига сазовор бўлди.

2017 йил 12 декабрда таниқли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Наим Каримов туғилган кунга 85 йил тўлди. Бундан аввалроқ 2002 йилда “Турон” номидаги Ахборот-кутубхона маркази библиографлари Наим Каримов асарлари библиографиясини тузиб нашр этган эди. 2017 йили эса “Ўзбек адабиётшунослари” рукни остида Наим Каримовнинг биобиблиографияси эълон қилинди. Библиографик кўрсаткичнинг бу тўлдирилган, тузатилган 2-нашрида олим ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий саналари, илмий асарларининг алоҳида нашрлари, вақтли матбуот ва тўпламларда босилган мақола, тақриз, таржима ва шеърлари, сўзбоши ёзган ва муҳаррирлик қилган асарларининг ўзи 2000 га яқин номда берилган. Агар булар қаторига сўнгги беш йил ичида эълон қилинган асарлари, олимнинг илмий раҳбарлигида бажарилган ишлар, оппонентлик қилган диссертацияларга ёзилган тақризлар, радио ва телевидениедаги чиқишларини қўшсак, ҳеч қайси ўзбек олимида кузатилмаган тарздаги

илмий ва ижодий ишлар “хирмон”ини кўрамиз. Агар шу рақамнинг Наим Каримов умрининг илмий ва ижодий ишлар билан фаол машғул бўлган 70 йилига нисбат берсак, ҳар бир китобу мақола ҳафтасига эълон қилиниб турганининг гувоҳи бўламиз. Бундай катта кўлам ва тинимсиз заҳмат остидаги 80 дан ортиқ китоб ва икки мингдан зиёд мақолаларнинг илмий юкини тасаввур қилишнинг ўзи мураккаб иш. Лекин шунга қодир инсонни эъзозлай олишимиз, унинг самарали меҳнатини эътироф этишимиз шарт.

Шундагина биз ўзимизнинг зиёлилик бурчимизни тан олган бўламиз. Бунинг учун олимликни касб ёки ҳунар деб эмас, балки қисмат эканини англашимиз керак бўлади.

Наим Каримовнинг юксак инсонийлиги ҳақида кўп гапиришади, буни нафақат шогирдларидан, балки Наим акага устозлик мақомида бўлган улуғ олимлардан ҳам эшитганмиз. Бироқ бу инсонийлик соф виждон, адабий инсоф билан йўғрилганини, кези келганда, Наим Каримов қатъият билан адолатни ҳимоя қилгани, ҳар ким билан ҳам тил топишиб кетавермаганини таъкидлагим келади. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Биргина Чўлпон ҳақида сўз кетганда, Наим ака бу азиз номни умрбод эъзозлаб келиши баробарида 50-йилларнинг 2-ярмидаги эрувчанлик шароитидан бошлаб унинг асарларини эълон қилиш учун курашган, кўп марталаб Андижонга бориб, Чўлпоннинг яқинлари билан суҳбатлашган, қолаверса, китобда ўқиган ёки манбада кўрган ҳар бир фактини Чўлпоннинг синглиси Фойиқа аядан сўраб, аниқлаштириб борганини, кичик мақолалр асосида тадқиқот, сўнгра маърифий роман битилганининг гувоҳи бўлганман. Мана шу ижодий жараённинг ўзи нафақат олиму тадқиқотчилар, балки айрим адибларимизга ҳам намуна бўлиши лозим. Чунки кейинги йилларда керакли ҳужжат ва фактларни яхши ўрганмай туриб, ушбу мавзуни “гуллатаётган” ёки ўзини жадидчи билиб, Наим ака бундан 30-35 йил аввал эълон қилган фактларни “кашф этаётган”лар ҳам учраб туради. Ҳар ҳолда академик Наим Каримовнинг ҳар бир асари, ҳаётидаги ҳар бир қадам олимнинг шогирду ўқувчиларига доимий сабоқ манбаи бўлиб хизмат қилади.

БИР АСРЛИК БАДИИЙ ТАФАККУР ҚОМУСИ

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлганидек, даврнинг адабиётга муносабати ҳам бўлади. Ҳар бир давр адабиёти ранг-баранг бўлганидек, унга муносабатлар ҳам ранг-баранг ва турличадир. Абдулла Қодирий мисолида бугун адабиётга бўлган муносабат мезонларини белгилаб олишимиз мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий маданият, адабиёт ва санъатга бўлган эътибор янги бир босқичга кўтарилди, тамомила ўзгача мазмун ва моҳият кашф этди. Китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган фармойишлар, ижод аҳлига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, турли аллома ва ижодкорлар юбилейларининг кенг миқёсда ўтказилиши, уй музейларнинг бунёд этилиши бунинг ёрқин далилидир.

Абдулла Қодирий уй музейининг бунёд этилиши элимизнинг, Қодирий авлодларининг кўнглидаги армон эди. Бу уй музейи маънавиятимиз мажмуасига айланди ва айтиш мумкинки, Қодирий меросини ўрганишнинг янги бир даврини бошлаб берди. Зеро, Абдулла Қодирий нафақат ўзбек ва қардош халқлар, балки дунё адабиётида ўз ўрнига эга адиб ҳисобланади.

«Жаҳон адабиётида услуб жиҳатдан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сайқалланиб, кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, ҳинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир», деб ёзган эди ўз даврида Е. Э. Бертельс.

Ёхуд нафақат қозоқ, балки бутун туркий халқларининг буюк мутафаккирларидан бири Мухтор Авезов тили билан айтадиган бўлсак, юксак асар яратган Абдулла Қодирий романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан пайдо бўлган Помир тоғларини эслатади.

Абдулла Қодирий дастлаб ижодини шеърлар ёзишдан бошлаб, ўзининг кўплаб мақолалари, публицистик ва саҳна асарлари, ҳажвий ҳикоялари билан ҳам ном қозонди, эл оғзига тушди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан эса ўзбек адабиётида романчиликка асос солди.

Унинг «Ўткан кунлар» романи Туркистон ўлкасидаги барча қўшни давлатлардан тортиб, узоқ ўлкачаларгача етиб борди. Абдулла Қаҳҳор ўзининг хотираларида ўтган асрнинг 30-йилларида «Ўткан кунлар» татар қардошларимизнинг энг севимли асарларидан бири бўлганини, адибни «Абдулла оби» деб эъзозлашганини қайд этади.

Адиб «Ўткан кунлар» романида қадимдан келаётган шарқона достончилик анъаналарига суянган ҳолда, XX аср арафасида турган инсоннинг тафаккурига, шаҳдига, шижоатига мослаб Шарқу Ғарб бадииятини синтез қилган янги бир ижод намунасини яратди. Бу бир

эксперимент эди. Шу илк экспериментнинг ўзидаёқ адиб ўзининг иқтидори, бадиий салоҳиятини тўла намоён эта олди.

Ўз халқининг ўтмиши, миллий маданияти ва қадриятларига бўлган собит муносабат, миллатнинг келажагини унинг эркида, озодлигида, маърифатида кўриш, ўзбекона тафаккур, ўзбекона урф-одат, ўзбекона характер ва образ, ўзбекона менталитетни бетакрор бадиий тасвир воситалари орқали тасвирлаб бериш ёзувчининг бош мақсади бўлган. Шунинг учун ҳам бу асарни ўзбек халқи қадриятларининг бадиий «қомуси» дейишимиз мумкин.

Адибнинг «Ўтган кунлар» романи ва бошқа асарларининг шу қадар шуҳрат топишининг сири-синоати нимада? Бизнинг назаримизда, бу саволга жавобни академик Наим Каримовнинг **“Абдулла Қодирий замондошлари” қомусидан топамиз.**

XX аср адабиётшунослиги, янги аср маданияти ҳамда адабиётида академик Наим Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Бу фидоий, заҳматкаш олимнинг умри том маънода адабиёт ва санъатимиз ривожига, улуғларимиз ҳаётининг кўпчиликка номаълум бўлган томонларини ёритишга бахшида бўлди. Айниқса, олимнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хизматлари чексиздир. Атоқли олим Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода каби XX асрнинг улуғлари ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар, олий ва ўрта ўқув юртлари учун нашр этилган қатор дарслик, мажмуа ва ўқув қўлланмалари яратди. У шу даврдаги ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ижодини миллий ғоя мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Унинг илмий фаолиятида адабиёт ҳодисаларини тарихий воқеалар, бадиий асарни эса ёзувчи ҳаёти ва маънавий-эстетик олами билан узвий алоқада ўрганиш устуворлик қилади.

Ўз даврида академик Бахтиёр Назаров олимнинг адабиётимиз тарихи олдидаги хизматларига: “Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигида замонавий асарлар матншунослигига асос солди. Олим бу меҳнати мобайнида адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб адибнинг чала қолган асарлари билан танишдигина эмас, уларни чуқур ва атрофлича ўрганиш бахтига ноил бўлди... Айниқса, “Чўлпон” ҳамда “Мақсуд Шайхзода” маърифий романлари, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди борасида олиб борган тадқиқотлари бу адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича адабиётимизда янги саҳифалар очишдан ташқари, буюк сўз санъаткорлари ҳаёти ва ижоди ҳақида наинки илмий, балки бадиийлашган илмий тафаккур юритишнинг ўзбек адабиётидаги жаҳон андазаларидан қолишмайдиган гўзал нануналаридан бўлди”, дея юксак баҳо берганди.

“Абдулла Қодирий замондошлари” қомуси академик Наим Каримов томонидан сўнгги йилларда яратган фундаментал асарларидан бири, Абдулла Қодирий ҳақида тўлақонли маълумот берувчи, қомусий асардир.

Ҳар даврнинг ўз қийинчиликлари, мураккабликлари бўлса-да, ҳар қандай ижтимоий муҳитнинг ижодкор ҳаёти ва руҳиятига таъсирини инкор

этиб бўлмаса-да, Қодирий ва унинг замондошлари яшаган давр, муҳит тамомила бошқача эди. Муаллиф урғуланганидек: “Абдулла Қодирий Навоий, Бобур, Машраб сингари салафлардан фарқли ўлароқ, шундай бир даврда яшадики, бу даврнинг кўзлари унинг ҳар бир қадамини кузатиб турди; унинг нималар ёзаётганини, қаерга бораётганини, кимлар билан учрашаётганини кўриб турди, бу даврнинг қулоқлари унинг сафдошлари, адабиёт мухлислари, қўни-қўшнилари билан учрашганида нималар деганини эшитиб турди, бу даврнинг темир қўллари уни буғиб ташлашга доим тайёр турди. Абдулла Қодирий яшаган замон ана шундай замон эди.

Абдулла Қодирий замондошлари орасида шу давр бешигида улғайган кишилар оз эмасди”.

Олимнинг мақсади шунчаки Абдулла Қодирий ва унинг замондошлари ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берибгина қолиш эмас, балки китоб муқаддимасида айтилганидек, жаҳон тамаддун тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби алломалари билан бир қаторда, бу анъаналарнинг XX асрда ҳам давом этганлиги, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ўз даврининг “машъал адиблари” бўлганлигини ёритиб бериш, Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш орқали ўтган аср бошида янгиланишга юз тутган ўзбек адабиёти, ўзбек тафаккуридаги эврилишлар босқичини ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Наим Каримов бу даврни адабиётимизнинг “олтин давр”и деб атайди.

Бу қомусни яратиш учун Наим Каримов узоқ тайёргарлик кўрган. Сал кам етмиш йиллик умри ушбу китобда акс этган воқеалар, фактлар, таҳлиллар билан бевосита боғлиқ десак, хато қилмаймиз.

1955–1958 йилларда Ўзбекистон Давлат университетининг ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича аспирантурада таҳсил ола бошлаган кундан эътиборан Қодирий даврига тааллуқли маълумотларга тўқнаш келган. Ҳамид Олимжон ёхуд Ойбек ҳақида ёзадими, барибир Қодирий даври ва унинг замондошлари билан боғлиқ фактларга дуч келаверган.

Бундан салкам қирқ йилча олдин ёзган бир мақоласига “Адиб яратган боғ” деб сарлавҳа қўйганди. Орадан йиллар ўтиб академик олимимиз бу боғнинг ҳақиқий “боғбони” эканини яна бир карра исботлади.

"Абдулла Қодирий замондошлари" китоби тарих ва адабиёт бирлашганлиги ҳамда тақдирлар чамбарчас уйғунлик касб этганлиги билан қимматли, икки соҳа учун ҳам бир хилда бой манбадир.

Академик Наим Каримов XX асрнинг бугун тарихга айланган оғир қатағон йилларида яшаган ва Абдулла Қодирий билан бевосита мулоқотда бўлган одамлар билан кўришган, суҳбат қурган ва илмий хулосаларга келган тарихий шахс ҳамдир. Шунинг учун китоб бой ва турфа хил асосли маълумотларга эга. Муаллифга китоб қаҳрамонлари, уларнинг тақдирига бегона ёки узоқ эмас. Бу китобни “бир асрлик тадқиқот” деб аташ мумкин. Зеро, Абдулла Қодирий ҳақида бу нашрга кирган маълумотлар сал кам бир аср мобайнида йиғилган, ўрганилган, тажрибага бой нигоҳ ила тадқиқ

этилган. Шунинг учун Абдулла Қодирий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлар ичида Наим Каримов ишлари улкан аҳамиятга эга ва ишончлилиги билан ажралиб туради. Наим Каримовнинг тили равон ва руҳиятнинг лирик тасвирларига алоҳида эътибор қаратиши китобнинг янада ўқишли қилган.

Наим Каримов "Абдулла Қодирий замондошлари" китобидаги қаҳрамонларни Абдулла Қодирий асарларидан айро қилмайди, уларни шунчаки тадқиқ ҳам қилмайди, балки тарихий сабабиятларини чуқур ўрганиб, шахс ҳаёти, замон талотўплари, асарларининг матн тарихи ва матншунослик жиҳатларидан келиб чиқиб ёндашади. Бу эса муаллифга катта ва кенг манбалар йўлини очиб берган.

Китобнинг кўлами шу даражада каттаки, буни бутун бошли бир институт илмий ходимлари эмас, балки ёши тўқсонни қоралаётган олимнинг бир ўзи ёзганига киши ишонгиси келмайди.

Ушбу китоб улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишда катта янгилик, ёзувчи ижодини таҳлил қилишда янги бир жабҳа очди. Унда ёзувчининг дўстлари, замондошлари, сафдошлари ҳақида кўплаб маълумотлар жамланган. Шунчаки жамланиб қолмаган, жуда ҳам содда, илмий тилда баён этилган.

“Абдулла Қодирий замондошлари” қомуси адиб яхши таниган, билган, яқиндан муносабатда бўлган олим ва ёзувчилардан тортиб, оддий одамларгача қамраб олинган. Шу жиҳати билан бу китоб Абдулла Қодирийнинг биз билган ва билмаган жиҳатларини янгидан англаш ва идрок этиш имконини беради.

“Абдулла Қодирий замондошлари” қомуси нафақат мутахассислар, адабиётшунос олимлар, балки кенг китобхонлар даврасида севиб мутолаа қилинаётгани заҳматкаш олимнинг узоқ йиллик меҳнати самараси натижасидир.

Академик Н.Ф.Каримовнинг мазкур қомуси Ўзбекистон маданияти ва адабиётини ўрганишда ғоят долзарб бўлиб, унда номлари деярли унутилиб кетаёзган ўнлаб зиёлиларнинг номлари ўрин олган. Янги давр ва айниқса, учинчи Ренесансга қадам қўйилар экан ушбу китоб ёш авлодга тарихимизнинг қоронғу нуқталарини ёритишга, миллатимиз фидойиларни танитишда бир улуғ мужда бўлади. Ҳеч шубаҳасиз, бугунги адабий жараён, миллий маънавиятимизда мазкур асарнинг ўрни бениҳоя юксак.

Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш миқёсини Наим Каримов олиб борган илмий ва ижодий изланишларсиз тасаввур қилиш, тадқиқ қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таъбри билан айтганда: “XX аср ўзбек адабиётини иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётидаги ривожланишни Наим Каримовсиз тасаввур қилиб бўлмайди”.

Наим Каримов Қодирий билан бевосита ҳамсуҳбат ва ҳамнафас бўлган кўплаб етук шахсларнинг фикрини ўрганган мунаққид, нафақат адиб ижодини кенг ва атрофлича таҳлил қилган шахс, балки унинг оғир

зиддиятлар ичида ўтган ҳаёт йўлини ўрганиб, Қодирийнинг маънавий портретини яратган ижодкорга айланди.

“Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида” китоби қомусий адиб ҳақида, унга замондош 260 яқин шахслар ҳақида, улар яшган замон, чеккан азоблари, изтироблари, ушалмаган орзулари, давр манзаралари ҳақида хассослик, закийлик билан яратилган бир асрлик бадиий тафаккуримиз қомусидир.

Қомусни варақлар экансиз, муаллиф унда келтирилган фактлар муҳрланган минглаб қоғозларнинг чангини ютиб, ҳар бир фактни эринмай ҳижолаб, миридан сиригача ўрганиб, юракдан англаб, юракдан ҳис қилиб, катта бир илм билан, юракларга етиб борадиган қилиб ёзганлигига амин бўламиз.

Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби улуғ мутафаккир Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини ўрганишда янги бир босқични бошлаб беради ва ҳеч шубҳасиз миллий маънавиятимизда, ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Абдулла Қодирий сиймосида ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдаги энг муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

КЕЛАЖАК ОДАМИ

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Баъзи давраларда оғзига буров солингандек чурқ этмай ўтирадиган одам, устоз Наим Каримов билан учрашганда нақд жағингиз очилиб кетади, эшитган-билганингизни тўкиб ташлайсиз. У киши эса беозор жилмайибгина қулоқ тутади, ўзингиз ундамасангиз орага бирон луқма ҳам отиб қўймайди. Қўлтиқ-қўлтиқ китоб ёзган аллома, умрнинг не-не довонларини ортда қолдирган тажрибакор, донишманд инсон сиз айтаётган гаплардан бехабар дейсизми? Ҳечам-да. Бу сомелик ички бир маданиятдан, андишаю табиатан камтарликдан, холос.

Хўш, сизники-чи? Сизнинг бундай сергаплигингиз азбаройи у кишининг турмуши ва ижод фаолиятини яқин билганингиздан туғилган бир хижолатмандлик туфайли, янада очиқроқ айтилса – пешгирликка ўхшаган гап. Қарийб отангиз тенги одам билан муомаладаги табиий ўнғайсизликни хаспўшлашга ожизона бир уриниш ҳам демоқ мумкин.

Адабиётимизда Наим акадек кўп ва хўб ёзган олим, заҳматкаш адабиётшунос топилармикан? Бу илмнинг у киши қўл урмаган бирор йўналиши қолганми? Боз устига – замонавий адабий танқид бобидаги фаоллик, санъатнинг талай нозик соҳаларига оид беҳисоб мақолалар, бир эмас, бир неча йирик-йирик бадиий биографик тадқиқотлар...

Лекин заррача ҳам даъво йўқ, кўкракка уриш йўқ. Одатдаги нолиш, шиква-шикоятни ҳам эшитмайсиз. Эҳтимол, кўнгилнинг пинҳон бир кунжларида нимадир ғимирлар, аммо уни ошкор этмоққа эски зиёлиларимизгагина хос бўлган сипогарчилик, андиша йўл бермайди. Майли, кимдир билар, бир кун келиб кимдир айтар, эътироф этилар, билмаса, айтмаса – тепада Холиқ барҳақ-ку!

Бу меҳнат, бу заҳматлардан асл муддао илмга, адабиётга беминнат хизматдирки, шу ҳол бора-бора кундалик эҳтиёжга, яшаш тарзига айланиб кетган; ҳаётий эҳтиёжидан одам бирон сийлов кутармиди денг!

Сизу биз қўшни идорага ҳам машинасиз бормоққа эринганимиз бир чоқда, аллақачон саксонлардан ҳатлаган, лекин ҳамон суяги енгил, чаққон бу одам оламжаҳон йўл босиб ишхонага пиёда бориб келади.

Сизу биз ҳафта бўйи тер тўкиб “қаттиқ чарчаган”ликдан шанба-якшанбаларда ҳордиқ чиқариш пайида бўлсак, бу киши айнан шу кунларни ғанимат билиб ишламоққа шошади.

Сизу биз бирор юмушга уннаётиб, шаҳардаги уйимда ўтириб қилсаммикан шуни ёки дала-ҳовлига чиқсаммикан дея тантиқланиб жой танлаб турганимизда устоз уч хонали торгина уйдаги невараларнинг чувур-чувуридан қочиб, ишхонани “штаб-квартира”га айлантириб олган; қанча-қанча тадқиқотлар, китоблар шу ерда дунёга келган.

Наим ака билан ўтирганда у кишига гап бермай жаврашларнинг сабаби мана шу хижолатмандликлардан эканлиги энди аён бўлгандир...

Ўлмас Чеховнинг қаҳрамонлари бот-бот келажак ҳақида хаёл суриб, юз йиллардан сўнг ҳаёт бутунлай бошқача бўлажаги, одамлар бахтли, фаровон кун кечиражаги, юксак инсоний мақомларга етишажагини ҳавас ила башорат қилишади. Дарҳақиқат, ҳар қандай осий банда ҳам келажакни кўз олдига келтирганда, ул замоннинг одамлари бугунгидан тўкис, комил ва олижаноб бўлади, ҳаммаёқда тинчлик, тотувлик ҳукм суради, мухтасар айтганда, жаннатий бир муҳит барпо этилади дегандек орзу-ўйларга бормоғи табиий. Дарвоқе, куни кеча “Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси” аталмиш бир чўпчак бўларди. Аслида у ҳечам чўпчак эмас, келажак одами, комил инсон тўғрисидаги орзу-истаклар жамулжами эди. Ҳа, чинакамига эзгу орзулар эди, ундаги бирор бандни рад этиб бўлмасди. Ҳаётдаги қаҳрамонлардан ҳам, адабий қаҳрамонлардан ҳам ана шундай юксак фазилатлар – ёппасига инсофу виждонийлик, адолатпешалик талаб қилинарди. Ҳайҳотки, хом сут эмган одам боласини бундайин олижаноб қолипларга солиш имконсиз экан.

Бугунги авлодга ҳар қанча эриш туюлмасин, ҳозир орамизда ана шундай ноёб фазилатли одамлар йўқ дейсизми! Унда устоз Наим Каримовни билмас, яқиндан билмас экансиз! У кишининг, у киши мансуб авлод вакиллари аксариятининг зуваласи ўша “кодекс”у китобий қаҳрамонлар замонида қорилгани сир эмас ва бу ҳолнинг ҳеч бир ёмон жойи йўқлиги энди-энди маълум бўлмоқда.

Яшириб нима, бугун сизу бизнинг кўп нарсага ишончимиз сусайган, унча-мунча орзуларга ҳам хушу ҳавасимиз қолмагандек.

Тўқсонни қаршилаётган Наим акамиз эса ҳамон ҳар нарсага ишонч-қаноат билан қарайди, ҳамон жўшқин орзуларга ғарқ!

Бу ҳаётда ким ютмоқдаю ким ютқазмоқда – шундан билиб олаверасиз.

Таҳсин айтмай илож йўқ.

АДАБИЁТНИ ҚИСМАТ БИЛГАН ОЛИМ
(Устоз Наим Каримов ҳақида бир шогирднинг дилсўзлари)

Улуғбек ҲАМДАМ,
филология фанлари доктори, профессор

Бадиий ижод, эҳтимол, ҳар куни ўқиб-ўрганишни, ундан-да муҳими, ҳар куни ёзиб-чизишни талаб қилмас, аммо олимлик доимий мутолааю ўз устингда бир умр тинмай меҳнат қилишни тақозо этади. Чунки бадиий ижод, бу нафақат билим ва тажрибанинг, балки савқитабиий бир ҳолнинг, лаҳзалик илҳомнинг ҳам маҳсулидир. Кўпгина улуғ шоирлар катта илм ва тажрибага эга бўлмасдан ҳам яшаб қоладиган, яшаб қолган асарлар битган, бита олганлар. Чунончи, Рембо, Лермонтов, Усмон Носир... Улар туғма шоир эдилар. Уларни улуғлаган, номларини тарих саҳифаларига ўйиб ёздирган

сифатлари бу - шоирлик эди. Олимлик эса... олимлик аксар ҳолда узоқ ва машаққатли меҳнатни, темир интизом ва аримас ғайратни, ўзни онгли равишда у ёки бу соҳага бутунлай бахш айлаб, шу ғоя йўлида фидокорона яшашни талаб қилади. Яъни зўр олим бўлиш учун киши бисотидаги энг қимматбаҳо “матоҳ” - умрини тикишига тўғри келади.

Хўш, олимлик нима дегани ўзи? Фақат кашф этишми? Математика, физика, кибернетика, медицина каби фанларни назарда тутсак, ҳа, бўлиши мумкин. Лекин инсоншунослик фани бўлмиш адабиёт илмида аҳвол сал бошқача кўринади менга. Бу ерда кошифлик иши тарозунинг бир томонида турса, бошқа палласида инсоният, наботот ва ҳашорат, қўйингки, бутун тириклик оламига бўлган муҳаббат ётади. Адабиётшуносда шундай муҳаббат бўлмас экан, унинг билағонлигидан, тўртта терминни бошқаларга нисбатан кўпроқ ёдлаб олганидан наф йўқ. Баъзан бу “наф” деганимиз зарар маъносигача турланиб туради. Чунки олим билгич бўлса-ю, тирик мавжудодга нисбатан катта маънодаги муҳаббати оқсаб турса, унинг илми кони зиёндир. Ануширвон “Кишининг илми бўлса-ю, фитрати шунга яраша бўлмаса, бу унга зиён етказгай ва ортиқча юк бўлгай” деган экан. Адабиёт илмида одамга муҳаббатсиз “олиб қочилган ҳар қандай арава” оламни менсимаслик юки билан қайтиб қолади. Шуниси хатарли. Билағонлик босим ўтириб ишлаш билан келади, лекин муҳаббатни бундай тарзда қўлга киритиб бўлмайди. (Халқимизнинг “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” деган ҳикматли сўзини бир эсга олинг-а!) Ҳа, бу ерда шомонлик иш бермайди. Ота-боболаримизу устозларимиз ҳар на қадар кучли бўлишига қарамай, ёмғирни чақирган шомондай одамларни, миллатни, инсониятни севиш фазилатини Яратгандан тилаб ололмаймиз, асло! У аввалбошданоқ берилган, ато этилган бўлади. Шу маънода гоҳида ўзимча ўйлаб кетаман: адабиёт оламига аслида айнан шундайларни танлаб олмоқ керак. Яъни шундай бир имтиҳон шарти ўйлаб топилсаю бу соҳа вакилларининг биринчи топширадиган фани одам ва оламга муҳаббати юзасидан бўлса!.. Чунки боланинг хотираси ўткир, бунинг устига тегирмондан бутун чиқадиган қув характери бўлса, ҳар қандай замоннинг ҳар қандай имтиҳонларидан кўзини чирт юмиб ўтиб кетиши турган гап. Лекин адабиёт дунёсига фақат хотира ва уддабуронлик билан киришнинг ўзи етарлимикан?.. Адабиёт бу, аввало, Инсоншунослик дегани! Адабиётшунослик ҳам, таъбир жоиз бўлса, Инсоншуносликнинг бир синонимидир. Ҳар ҳолда, юрагида азим муҳаббати бор олимларнинг тақдирига бўйласангиз, шундай таассуротни туясиз. Бугунги кунда адабий танқид ва, умуман, адабиётшунослик фанининг замондан сезиларли даражада орқада қолиши айни шу хусус билан ҳам, яъни замондош инсон қалбидаги олам ва одамга бўлган азал муҳаббатнинг андак кемтилиб қолгани билан ҳам белгиланса, ажабмас. Агар кучли муҳаббат бўлса, ўз-ўзидан билим ҳам, унинг ортидан катта-катта тадқиқотлар ҳам эргашиб келаверади. Ахир, ўзбекнинг мумтозу замонавий адабиёти ҳазилакам адабиёт эмас. Ишонмасангиз, ана чоғиштиринг: Шекспиру Гётени, Байрону Пушкиннни ўзимизнинг Навоийю Бобурга, Машрабу Чўлпонга қиёслаб ўқинг. Ёки Пабло

Нерудаю Нозим Ҳикматни, Вознесенскийю Евтушенкони улкан замондошларимиз Воҳидову Ориповга, Парфию Раҳмонга солиштириб мутолаа қилинг. Ёки кунимиз шеърий бадиий тафаккурининг чўққиларидан Ҳалима Аҳмедованинг назмий дунёсига бир бўйлаб кўринг-чи! Лекин қани Аҳмедова назми асрорини чақиб, қадоқ бўлган кафтига мағзини олиб кўрсата билгич “Белинский”ларимиз? Бир-икки ўртача савияда битилган эътирофлардан бошқа тадқиқотни учратганингиз борми?.. Шундай пайтда “бугун бизда профессионал танқид йўқ, адабиётшунослик замондан ортда қолди”, дея айюҳаннос солаётганларнинг овозлари янада баланд чиқаётгандек бўлаверади. Лекин кўзни каттароқ очиб, даврни яхлит кўра бошлаганимизда ҳатто ҳозир ҳам катта адабиёт илми уфқида Наим Каримов, Умарали Норматов, Тўра Мирзаев, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Ғафуров, Бахтиёр Назаров, Нўмон Раҳимжонов, Иброҳим Ҳаққулов, Қозоқбой Йўлдошев, Ҳамидулло Болтабоев каби ўнлаб фидойи олимларимиз сиймоларини кўриб турамиз. Бу олимлар ўзидан ортиб, ўзгалар ҳақида ўйлай олган, ўзгаларнинг қалбу онгидаги фикр ва туйғуга муҳаббат қўя олган заҳматкашлар ҳисобланади. Чунки адабиёт илми билан шуғулланувчи олим ўз ташвишини унутиб, ўзганинг қувончу кадарини бўлишгани, унга ҳамдарду ҳамнафас бўлгани келган жавонмардлардир. (Биргина Наим Каримовнинг Истиқлол йилларида нашр этилган “Чўлпон” ва “Маҳсуд Шайхзода” номли маърифий-биографик романлари зимнидаги катта илм ва мислсиз меҳнатдан ташқари ўз халқи зиёлиларига қаратилган муҳаббат ва садоқат каби юксак туйғулар салмоғини чамалаб кўринг-а!..) Зеро, адабиётшуносликнинг текшириш ҳадафи мавжуд бадиий адабиётдир. У бадиий ижод намуналарининг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратади, бадиий адабиёт қонуниятларини очади, тарихини ўрганади, ривожланиш тадрижини тадқиқ этади, хулосалар беради. Мана шу маънода у бадиий адабиёт учун энг хайрли ва энг беминнат ишни амалга оширади. Умуман, адабиёт илмини, адабий танқидни жини суймагич айрим шоир, ёзувчи ва драматург дўстларимизнинг қулоқларига шипшиб қўйгим келади: бу соҳалар асло иккинчи даражали эмас. Улар ҳам ўз ҳолича бир фану бир оламдир. Ўзининг ҳақиқий мутахассиси қўлида бадиий адабиётдан сираям қолишмайдиган чинакам ижодга айлангувчи сеҳрли соҳадир адабиёт илми. Келинг, яхшиси, адабиётшуносликни ана шундай юксак мартабаларга олиб чиққанларнинг сардорларидан бири устоз Наим Каримов ҳақида икки оғизгина сўз айтишга тутинай...

Устоз адабиётшунос бир умр ўз ишини шараф билан адо этиб келяпти, десам, баландпарвоз гап айтмаганимни ич-ичимдан сезиб тураман. Фақат у киши Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор каби XX аср ўзбек адабиёти дарғаларининг ижоди мазмун-моҳиятини ўқувчига имкон қадар тўлиқроқ етказиб беришга улгурайин, дея ҳаракат қиляпти. (Қани энди ҳар бир чинакам ижодкорнинг Наим Каримовдек билимдон, ҳалол ва ҳассос тадқиқотчиси бўлса!) Бунинг иккита асосий сабаби бор:

аввали, домла XX аср ўзбек адабиётини Навоий ва Бобур давридан кейинги иккинчи олтин давр, деб атайди ва бунга шаксиз ишониб қалам тебратади. Кейини шуки, Наим ака кўз аъзосидаги ўзгаришлар туфайли, минг афсуски, сўнгги вақтларда аввалгидек кўп ва хўп ўқий олмай қолганлигидан ҳозирги адабий жараённи мукаммал кузатиш имконига эга эмас. Аммо олимнинг энг катта хизмати, адабиётшунослигимиз тарихига қўшган, қўшаётган қиёссиз улуши - домланинг ўзи юксак баҳолаган "Янги ўзбек адабиёти" пойдеворини қўйган адиб, шоир, драматурглар, бир сўз билан айтганда, ўзбек халқи пешонасига битилган Улкан Зиёлилар ҳаёти ва ижодини автобиографик йўсинда тадқиқ этиб, чиқарилган натижаларни келажак авлод кафтига тутқазиб келаётганидадир. Шунинг учун бўлса керак, хориждан ўзбек адабиётини ўрганиш учун келган туркиялик тадқиқотчи, профессор Вели Саваш Елок устоз ҳақида шундай деган эди: "Юртимда экан, ўзбек адабиётини ўрганган кўпгина олимлар тўғрисида ўз тасаввурим бор эди. Бу тасаввурлар биздаги мавжуд адабиётлар негизида туғилган эди, албатта. Қизиғи шундаки, Ўзбекистонга келиб, ўша олимлар билан учрашиб узоқ-узоқ суҳбатлашганимдан кейин китоблар берган ўша тасаввурлардан воз кечишимга тўғри келди. Чунки у ерда экан, "дев олим" деганларим кичкина бўлиб чиққани ҳолда, Наим Каримов ҳеч кутилмаганда "дев олим" бўлиб кўз олдимда намоён бўлди!" Ҳа, хорижлик олим дўстимизнинг самимий эътирофларида домланинг олимлик қиёфасини акс эттира оладиган асосий чизиқлардан бири тўғри тортилган, дея ўйлайман. Яъни, бошқача айтганда, Наим ака, ҳеч шубҳасиз, катта масштабдаги олимлар сирасига киради.

Устоз билан 1997 йилдан бери бирга, битта илмий даргоҳда, ЎзФА нинг Тил ва адабиёт институтининг домла раҳбарлик қилаётган "XX аср ўзбек адабиёти" бўлимида ишлаб келаман. Домланинг ҳақиқий шогирдлари қаторида борманми-йўқми, бунисини билмадим-у, аммо шу ўтган қатор йиллар Наим акани мен учун чинакам устоз мақомига кўтарди, десам ҳақ гапни айтган бўламан. Йўқ, битта жойда, "раҳбар-ходим" сифатида меҳнат қилаётганимиз учун эмас, асло, мен ҳақиқий маънодаги, маънавий англамдаги устоз-шогирдлик узвини назарда тутаяпман. ***Аввало, Наим аканинг инсонлик сийрати*** устозликка муносиб, деган бўлар эдим. У киши бу дунёга келиб, мол-дунё орттирмади, унга кўнгил боғламади, севган ва билган касбига меҳр қўйиб, унгагина содиқ қолиб хизмат қилди, ҳануз ўз тавридан бир одим чекинган эмас. Ҳокисор, камтар, шу билан бирга, осон яраланувчан, ҳассос, энг муҳими, ўта ҳалол ва адолатпарвар киши у! Ҳамиша шогирдларининг кўнгли ва тафаккур кучига қараб муомала қилган, яшаган, яшаяпти, асло қўлига эмас, десам, айниқса, бугун мени кўпчилик тушунади, қўллаб қувватлайди, деб ўйлайман. Ўз таврига (позициясига) эга инсон. Ўзи етиб келган ҳаётий ҳақиқатларни қадрлайди, уларга оғишмай амал қилади. Айнан шу ердан Наим акага хос принциплар ўсиб чиқади. Ҳа, Наим ака принципли инсон! Буни ўзбеклар бурд деб атайди. Демак, бурдли инсон. Шу маънода гоҳи-гоҳида турли қинғир ниятлар билан адашиб келиб турадиган "шогирдваччалар" ёки уларнинг "амакиваччалари", одатда, муроду

мақсадларига етолмайдилар. Чунки домла бундай дамларда қўлга қарамликка чорлаётган “кўнгил”га қайрилиб ҳам қарамайди! Бебурд бўлишни истамайди! Бурдини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Чунки бу ўринда бурд - ҳамма нарса. Бурд бу – олимнинг шаъни, инсоннинг ўзаги. Наим акадек олимларга қараб туриб, олимликнинг, инсонликнинг нақадар юксак шараф, баланд мартаба эканлигини ич-ичингдан туясан, киши.

Кейингиси олимлик, зиёлилик сифатлари. Агар таъбир жоиз бўлса, Наим акани икки оёқли қомусий луғат, деган бўлардим. Ҳазор шукрки, шундай зиёлиларимиз бор. Наим ака ўшаларнинг илғорларидан. Аммо вақт ўтган сайин уларнинг сафи тобора торайиб бораётганлиги ҳам бор гап. Бугуннинг зиёлиси тор мутахассисликнинг теран доирасидан кўпда ташқарига чиқмайди, тўғрироғи, чиқолмай қолаяпти. Натижада улар билан фақат муайян масала юзасидангина кенгашиш мумкин, холос. Наим акалар билан эса, савол беришга, энг муҳими, тушунишга қурбингиз келса, бас, ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг аксариятида бемалол гурунг қилиб, маънавий завқланишингиз мумкин. Шахсан мен домлани нафақат XX аср ўзбек адабиёти бўйича йирик мутахассис, айни дамда жиддий танқидчи, санъатшунос, театршунос, қайсидир маънода тарихчи сифатида ҳам танийман ва қадрлайман. Яқинда домла “Шарқ юлдузи” журналига драматик асар тақдим этди. Бўлиб ҳам ўз асарини. Яна пухта, пишиқ, баланд бир савиядаги асар, денг. Демак, яқин келажакда Наим Каримовнинг ҳалигача ҳеч ким билмайдиган яна бир қирраси очилади: у - драматург.

Кўп вақт бўлгани йўқ, домланинг шогирдларидан бири: “Докторлик мавзуимнинг тасдиқланиши жараёнида илмий маслаҳатчимнинг иштироки шарт бўлиб қолди ва Наим акани Шарқшунослик институтида бўлиб ўтаётган кенгашга таклиф қилдим. Биласизми, у ердаги айрим ўқитувчи-муаллимлар Наим акани бир кўриш орзусида юрган бўлиб чиқди ва кутилмаган учрашувдан уларнинг бошлари осмонга етди” деди. Менинг ичимдан “Олим бўлсанг, шундай бўл!” деган ҳавас кечди. Чунки Наим ака XX аср ўзбек адабиётидан ташқари шу даврга оид рус ҳамда татар, турк, озарбайжон каби яна қатор қардош халқлар адабиётини жуда яхши билади. Билгани боис ўзбек адабиётининг шарқ адабиёти билан кесишган чорраҳаларида яратилаётган илмий ишларга бемалол раҳномалик қилади ва шунинг учун ҳам уни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтию Миллий университетдан ташқари Шарқшунослик, Санъат, Маданият каби қатор илмий даргоҳларда ҳам худди ўз олимларидек билишади, кутишади, ардоқлашади.

Кўринадики, Наим Каримов деган ўзбекнинг улкан олими феномени юқоридаги икки асосга суянади. Биринчиси, унинг Инсонлик, иккинчиси Олимлик пойдеворидир. Ана шу заминда оёқлари мустаҳкам турган профессор (бугун академик!) Наим Каримовнинг шахс сифатидаги қиёфаси аллақачон шаклланиб бўлган. Бу кимгадир ёқар, кимгадир йўқ, қатъи назар, домла ўз таврини ўзгартирмайди. Ишонмайсизми? Келинг, унда сизга яқиндагина ўз ҳаётим билан боғлиқ бир воқеани айтиб берай. 2011 йилда

каминанинг “Мувозанат” романи асосида “Ўзбек Драма театри” шу номли спектаклни саҳналаштирди. Аммо спектакль дастлаб “имтиҳон-кўрик”дан ўтолмади. Шунда режиссер менга спектаклни “ҳимоя қилиб берадиган” устоз мутахассислардан таклиф қиламиз, йўқса, спектаклга рухсат олишимиз чўзилиб кетиши мумкин, деб қолди. Мен Наим акага вазиятни тушунтириб, спектаклга таклиф қилдим. Ўша кун келди. Спектакль намойиш этилди. Сўнг ҳайъат аъзолари ва мутахассислар уни муҳокама қилишга тушишди. Ижобий ва танқидий мулоҳазалар тенгма тенг айтилиб турувди, денг, сўз навбати устозга келганда, яширмайман, ҳимояга умид боғлаб ўтирувдим, бироқ домла спектакль ҳақида битта илиқ гап айтган бўлса, тўққизта танқидий мулоҳаза билдириб қолса бўладими... Ўша пайтда андак ҳайратланганим, андак аччиқланганим ва ҳатто андак кулгим қистагани (чунки режиссер чунон ажабланиб, бир менга, бир устозга қараб-қараб қўярди-да!) чин гап. Аммо кейинроқ чуқурроқ ўйлаб кўриб, устозни тушундим ва унга бўлган ўн ҳурматим юз бўлди. Чунки Наим Каримов бошқача бўлолмасди, бўлмайди ҳам. Кимнингдир илтимоси (у шогирди бўлса ҳам) ерда қолмасин деб, ўзи ишонган ҳақиқатларнинг оёқ ости бўлишига қараб туролмайди домла. Аввало, Худо берган нозик феъли, қолмишига, театр соҳасидаги чуқур ва кенг билими унга бошқача йўл тутишга асло йўл қўймайди. Яхшиямки, дунёда оқни оқ, қорани қора дейдиган шундай ўжар одамлар яшаб юради. Эҳтимол, айнан шундайлар туфайли ҳам биз билган дунё дунё бўлиб ўз ўрнида тургандир, дейман баъзан ўзимга ўзим. Спектаклга эса, қайта-қайта ишланиб пишитилгандан кейингина “оқ фотиҳа” берилди.

Бу йил устоз адабиётшуноснинг юбилей тўйи! Жуда азим довонлардан ошиб ўтаётган домлага қараб кўнглим тўлиб, бўғзимга ҳаяжон урилади. Чунки ҳалол илмга бағишланган бундай баракали умр ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Адабиёт, бўлгандаям, катта адабиёт устоз олимнинг қисматига айланганига бугун заррача шубҳа йўқ. Домланинг ҳаёти мисолида уққаним бош ҳикмат шундан иборатки, инсон чинакам илмга қандай садоқат билан хизмат қилса, илм ҳам ўз навбатида худди шундай муҳаббат билан унга жавоб берар экан. Фақат жавоб олим ёзган, ёзаётган бебаҳо асарларнинг кейинги умрию унинг тарбиясини олган шогирдларнинг фаолиятида зуҳур топар экан. Бу борада Наим акага фақат ҳавас қилса арзийди.

Устоз! Оилангиз, шогирдларингиз, ўзбек адабиётшунослиги, санъатшунослиги илми ва маданияти бахтига доимо соғ бўлинг! Мен биламан, ҳали кўнглингизга тугиб қўйган олам-олам илмий ниятларингиз бор, шуларнинг муваффақиятли рўёбини кўриб яшанг! Энг муҳими, “Сизни яхши кўрамиз!” деб, бутун мамлакат бўйлаб сочилиб кетган ва адабиёт илми дунёсида ҳаёт маънисини ахтариб юрган ўнлаб, балки юзлаб шогирдларингиз номидан

ЮРТНИНГ АРДОҚЛИ ОЛИМИ

Акбар САБИРДИНОВ,
филология фанлари доктори,

Аннотация Мақолада Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Наим Каримовнинг ХХ аср ўзбек адабиёти қатор намоёндалари ҳаёти ва ижодининг оммага ҳали-ҳануз қорогнғу бўлган томонларни ёритишга бағишланган тадқиқотлари ҳақида фикр юритилган. Фидойи олимнинг илм-фанимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: жадидчилик, қатағон даври, жанр, ҳикоя, истиқлол, шеърият, наср.

ХХ аср ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги, матншунослиги, санъатшунослиги ва маданиятшунослиги ривожида устоз-мураббий, етук олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, академик Наим Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Ҳассос ижодкорнинг ўнлаб китоблари, юзлаб мақолалари бугунги кунда умр саҳифаларини безаб, игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнатининг самараси сифатида китобхонлар эътиборига тушган. Шундай ижодкорлар бўладики, уларнинг асарлари маълум бир давр, муҳит, географик ҳудуд билан чегараланиб қолмайди. Наим Каримовнинг ижод олами ҳам ана шундай кенг қамровли, бетакрор ҳамда турли қолипларга сиғмайди.

Фидоий олимнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Боту, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Амин Умарий, Ғайратий, Шукрулло, Шуҳрат, Туроб Тўла, Чархий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева каби ХХ аср ўзбек адабиёти қатор намояндалари ҳақидаги ўнлаб монография, илмий тўплам, рисола ва мақолалари чуқур хулосалари, янгича ёндашув ҳамда кузатишлари билан мутахассисларни доимо ўзига жалб этиб келмоқда.

Ҳассос ижодкорнинг “Бой ила хизматчи” драмасининг ижодий тақдири” (Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. Тошкент, Фан, 1988. -55-63-бетлар) мақоласи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ушбу асари ҳақидаги хилма-хил, зиддиятли маълумотларни таққослаш воситасидаги холис илмий таҳлиллари билан ҳамзашунослик тарихида янгилик бўлди. Мақолада М.Бузрук Солиҳов, Ю.Султонов, Л.Қаюмов, М.Раҳмонов, К.Яшин, С.Хусайн фикрларидаги зиддиятли жиҳадларни қиёслангани ҳолда мазкур драма 1917 йилда эмас, балки 1918 йилда ёзилганини ойдинлаштиради. Асарнинг дастлабки асл нусхаси изсиз йўқолгани боис М.Раҳмонов, Е.Бобожонов қўлидаги ва турли афиша нусхаларни солиштирилгани ҳолда Ҳамза томонидан яратилган дастлабки матн ҳақида тиниқ тасаввурлар берилади. К.Яшин қайта ишланган нусха эса асл матнда кескин фарқ этишини мисоллар асосида кўрсатилади.

Ёки, толмас олимнинг “Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шоҳимардоннинг қора баҳори” (“Ёшлик” жур., 1991 йил 10-сон. -50-59 бетлар) мақоласи бизни сўронли 1929 йил воқелигига олиб киради. Давлат ҳавфсизлиги қўмитаси материаллари ҳамда архив ҳужжатлари асосида Ҳамзанинг ўлдирилиши билан боғлиқ воқеликлар мақолада жонлантирилади. Шоирнинг ўлдирилишида аввало Шўро ҳукуматининг қўли борлиги фактлар асосида далилаб берилади.

Истиқлол йўлида қурбон бўлган халқимизнинг улуғ сиймолари фаолиятини ёритиш, қутлуғ номларини рўёбга чиқаришни мақсад қилган етук олимнинг “Чўлпон” (Тошкент, “Фан”, 1991) рисоласи бу борада ўзига хос қадам бўлди. Китобда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг кўпчиликка маълум бўлмаган оилавий ҳаёти, умр саҳифалари ҳақида кенг маълумот берилади. Драматург, таржимон, прозаик, шоир сифатидаги маҳорати мисоллар асосида таҳлил этилади.

“Усмон Носир” (Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1993), “Усмон Носирнинг сўнгги кунлари” (Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1994) китобларида эса оташқалб шоир ҳаёти, қатағон муҳитидаги фаолияти, қамоққа олиниши ва турмадаги машаққатли, азобларга тўла умри фактлар асосида тасвирланади. Халқ орасидла шоир ҳақида мавжуд ривоятларнинг китобларда ўрни билан бериб борилиши ҳассос ижодкорнинг ёркин сиймосини кўз олдимизда гавдалантириш билан бирга мавжуд ҳақиқатни юзага чиқарилишига ҳам ёрдам берган. Ҳар иккала китоб ҳам олимнинг узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишлари, тўплаган материаллари, Россиянинг Кемерово вилояти Суслово қишлоғидаги шоир “шахсий дело”си маълумотларини ўрганиш асосида юзага келган.

Ойбекшуносликнинг янги босқичга кўтарилиши, Ойбек ҳаёти ва фаолиятини янгича қарашлар асосида ўрганила бошлаши Н.Каримов номи билан бевосита боғлиқдир. Унинг “Ойбек гулшанида қолган ғунчалар” (Тошкент, “Фан”, 1985), “Ойбек” (Тошкент, “Ёш гвардия”, 1985), “Ойбек ва Зарифа” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 1990) каби салмоқли китоблари нозик туйғулар куйчисининг тугалланмаган асарлари, ҳаёти ва фаолияти, оилавий муносабатлари ҳақида батафсил маълумотларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Китобларда қатағонга асосланган шўро даври воқелиги аниқ фактлар асосида ёритилади.

Н.Каримовнинг “XX аср адабиёти манзаралари” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008) китоби олий ўқув юртлари филология факультетлари, шунингдек, лицей ва коллеж ўқитувчилари, аспирантлар ва талабалар учун ўқув қўлланмаси сифатида чоп этилган бўлиб, унда кўплаб ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти саҳифаларидаги муҳим жиҳатлар янги маълумот ҳамда таҳлиллар билан тўлдирилади. Қўлланманинг “Топилмалар” деб номланган бешинчи фаслида ҳали китобхонларга маълум бўлмаган Фитрат, Чўлпон, Боту, Миртемир, Усмон Носир қаламига мансуб асарларнинг биринчи бор эълон этилганлиги китоб қимматини янада оширган. “Адабий ҳаёт

манзаралари” фаслида XX аср тонгидаги “Ўзбекистондаги адабий ҳаракатлар”, “Чиғатой гурунги”, “Нашри маориф”, “Қизил қалам”, “Пролетар ёзувчилар уюшмалари”, “Ёзувчилар уюшмаси” ҳақидаги маълумотлар янги таҳлил ва талқинлари билан китобхонлар диққатини тортади. Хуллас, домла чуқур таҳлил ва талқинларга таяниб юз йиллик ўзбек адабиёти манзарасини чизиб беради. Якуний фикрларни айтиш билан бирга қатор намояндалар сиймосини ҳаққоний намоён этади.

Етук олимнинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий” (Тошкент, “Ўзбекистон” 2011) рисоласи XX аср бошларида Туркистонда юзага келган миллий уйғониш ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бўлган улуғ аждодимизнинг ҳаёти, адабий ва ижтимоий фаолиятини ёритиш мақсад қилинган. Унда Беҳбудийнинг сирли ўлими билан боғлиқ мавжуд қарама-қарши фикрлар таҳлил этилиб, холис хулосалар чиқарилади. С.Миржалолов, Ғ.О.Юнусовнинг тергов чоғидаги кўргазмаларни “архив”дан ўрганиб, Беҳбудий қотили Амир эмас, балки Шўро ҳукумати эканлиги ойдинлаштирилади. Биринчи ўзбек драмаси “Падаркуш”нинг яратилиш тарихи, унинг саҳнага қўйилиши билан боғлиқ янги тафсилотлар ҳам рисола қимматини оширган.

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар кўпинча халқнинг кучи билан, унинг ёрдамида амалга оширилган. Лекин ушбу янгиланишлар ҳузурини асосан муайян гуруҳлар, табақалар кўрган. Эркинлик ва фаровонлик учун курашган халқ вакилларининг умри эса аксари азоб-уқубатда, таъқибу турмаларда кечган. Россия империясида 1917 йил октябрида юз берган давлат тўнтариши ҳамда бунинг натижасида ҳокимият тепасига келган шўролар даврида бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Наим Каримовнинг 2013 йили нашрдан чиққан “Адабиёт ва тарихий жараён” китоби яқин тарихимизнинг қонли саҳифалари – XX асрнинг 20 – 50 – йилларида болшевиклар давлатининг қатағон сиёсати натижасида мамлакатнинг гули бўлган кўплаб тараққийпарвар зиёлиларнинг қатлиом этилиши тарихи ёпиқ архив ҳужжатлари асосида ёритилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳар қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, аввало, инсонлар хотирасига ва у орқали тарих зарварақларига муҳрланиб боради. Лекин ўтмишда кўпинча ўз манфаатидан келиб чиқиб айрим гуруҳлар ёрқин истеъдод ва даҳолар фаолиятини ёлғон талқин қилиб, келгуси авлодларга қора бўёқларда кўрсатишга уринган сир эмас. Вақт аталмиш олий ҳакам эса барча ҳақиқатни юзага чиқаради. Зукко ва ҳассос олим Н.Каримовнинг ушбу китобига жамланган мақолаларда аксарияти шўро даврида “халқ душмани” дея қораланиб, номларини тилга олиш тақиқланган жадид зиёлилари, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат ходимлари, маърифатпарварларнинг ўша омонсиз йиллардаги фаолияти ҳамда турмалардаги азоб-уқубатли ҳаёти билан танишамиз. Уларнинг юртимиз истиқлоли, халқимиз маданияти ва маърифатини юксалтириш йўлидаги жонбозликлари ҳақида янги маълумотларга эга бўламиз. XIX аср охири – XX аср бошларида юзага

келган жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг қамрови кенг, режалари улуғ, агар мустабид тузум мажақлаб ташламаганида, истиқболи нақадар порлоқ бўлишини тасаввур этамиз. Китобдаги элликдан ортиқ мақолаларни ўқиб илм ва маърифатга қадимдан ташна бўлган, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг ворислари эканимиздан фахр-ифтихор туямиз.

Китобнинг “Мумтоз адабиётга бир нигоҳ” қисмида рус шарқшунослари С.А.Жебелев, И.Ю.Крачовскийнинг “Ҳиндистон”, “Иллиада”, “Одиссея” асарларидаги ўхшаш ва муштарак фикрларнинг қиёсий-типологик таҳлиллари асосида Беруний ва Ҳомер ижодидаги ўзига хосликлар, таниқли олмон адабиётшунос олимаси Зиград Клейнмиҳелнинг “Алишер Навоий ва Аҳмад Пошшо” мақоласида ўзбек ва усмонли турк халқларининг ўзаро адабий алоқалари тарихи, москвалик таниқли туркшунос олим эдгел Танишовнинг кундаликлари асосида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаётига ойдинликлар киритилган. Араб савдогари ва олими Абу Мансур ас-Саолабийнинг “Ятимат ад-даҳр фи маҳосин ал-аср” асарида қайд этилган шошлик шоирлар ҳақидаги янги маълумотлар ҳам қимматлидир.

Китобнинг “Чароғбонлар” қисмидаги машҳур маърифатпарварлар: И.Гаспиринский, С.М.Граменитский, С.Азизий, С.Мажидий, М.Беҳбудий, А.Шакурий, М.Абдурашидхонов, Ҳ.Жовид, Е.Д.Поливанов, Б.Чубонзоданинг долғали фаолияти давр, ижтимоий-сиёсий муҳит билан боғлиқликда ёритилган.

“Тарихий лавҳалар” деб номланган навбатдаги қисмдан Россия мусулмонлари 1905 – 1906 йилларда уч бора ўтказилган қурултойларда кўтарилган муҳим масалалар, “Қутадғу билиг” Наманган нусхасининг топилиши тарихи, Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида қамал ҳолатидаги Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург) нишонланиши, фашистларга уруш даврида асир тушиб қолган шоир Мадамин Давроннинг кейинги оғир тақдири, Туркистон мухтор давлатининг қонга ботирилиши, севимли халқ достони “Алпомиш” тўғрисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 1952 йил 28 ва 31 мартда болиб ўтган таҳлилу талқинларга бағишланган мақолалар ўрин олган.

Ўрта Осиёга Рашид афанди деган ном билан дарвеш қиёфасида кириб келган венгер олими ва сайёҳи Арминий Вамберининг ўзбек ҳамроҳи Мулла Исҳоқ, буюк рус ёзувчиси Лев Толстой билан Ясная Полянада учрашган Абдувоҳид қори Абурауфқориев, Чўлпоннинг “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикояси прототипи, биринчи ўзбек тоғ инженери Обиджон Маҳмудов, 1924 - 1937 йилларда икки бор ҳибсга олиниб, сўнг қамоқхонада вафот этган Илҳом самоварчи (Илҳом Абдуғаниев) ҳақидаги мақолалар ҳам ўзига хос ифода усуллари билан ўқувчини ўзига тортади. Жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бўлган Саидносир Миржалолов, “ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик” масаласида Лев Толстой билан хат орқали мунозара қилган Убайдулла Хўжаев, Бухоро амирининг грузин набираси, рус театрининг

машҳур артисти Н.М.Серетели, кино тарихининг машҳур намоёндалари Сулаймон Хўжаев, Наби Ғаниев, ўзбек ашула ва рақс санъатига катта ҳисса қўшган Муҳиддин қори Ёқубов, юртимизнинг гўзал табиати ва бетакрор обидаларини расмларда акс эттирган, уста Мўмин номи билан машҳур бўлган А.Н.Николаев ҳақидаги мақолалар янгича талқин ва таҳлиллари билан ажралиб туради.

Домланинг “Шоҳимардоннинг қора баҳори” мақоласида шоир, драматург, маърифатпарвар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўлдирилиши билан боғлиқ воқеалар архив ҳужжатлари асосида ёритилганини кўрсак, “Наркомпросс иши”, “Ботир гапчилар” мақолаларида сталинизмнинг даҳшатли, ғирром сиёсати таҳлилга тортилган.XX асрнинг 30 - 50 йилларида Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзоданинг бошига тушган кўргиликлар китобдаги қолган мақолалар мазмунини ташкил этади. Хоразм булбули Сафо Муғанний, машҳур журналистлар Аъзам Аюб, Асил Мансуров, Юнус Латиф, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раиси Раҳмат Мажидийнинг мураккаб тақдирига бағишланган мақолалар китобнинг “Мусибат достони” қисмига жамланган.

Хуллас, ҳар бир масалага домланинг ўзига хос ёндашуви баён этилган мазкур китоб шўро даврида эл кўзидан яшириб келинган маълумотларни ўқувчига етказиши қимматлидир. Йиллар давомида хиралашган хотиралардаги, архив ҳужжатлари ва турли манбалардаги асл ҳақиқатни топа билишлик олимдан чуқур заковатни талаб этадики, “Адабиёт ва тарихий жараён” китобида бу вазифа муваффақият билан уддаланган. Китобда архив ҳужжатлари, манбалар тилга кирган, муаллиф тафаккури йиллар қатида мудраб ётган ҳақиқат булоқларини уйғотиб юборган.

Улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой: “ Севги ўлимни йўқ қилади ва уни қуруқ шарпага айлантиради, у маъносиз ҳаётга маъно бағишлайди, бахтсизликни эса бахтга айлантиради”, - деб ёзган эди. Ўзбекистон халқ шоири, машҳур жамият арбоби Зулфиянинг долғали ҳаёт йўли, улуғ муҳаббати, вафо ва садоқатни уйғунлаштирган фаолияти юқоридаги фикрнинг нечоғлик тўғрилигини исботлайди.

Наим Каримовнинг 2015 йил нашрдан чиққан “Зулфия” номли маърифий-биографик асари ана шу беназир ижодкор ҳаётининг кўпчиликка маълум бўлмаган айрим жиҳатлари, баъзи асарларининг яратилиш тарихи, фарзандлари, яқинлари, устоз ва шогирдлари билан муносабатларига бағишланади. Шоиранинг ноҳақдан қатағон қурбонига айланган акаси Нормат Исроилов тақдири ҳақидаги янги маълумотлар эса китобхонларнинг асарга бўлган қизиқишини янада оширади. Асар бизни XIX асрнинг 60-йилларидан то XX асрнинг 90-йилларигача бўлган Тошкент адабий муҳити, ижтимоий-сиёсий воқеалар оламига олиб киради.

Улуғ ижодкорлар Ҳамид Олимжон ва Зуллфиянинг тақдир тақозоси билан учрашишлари, ўрталарида муҳаббат пайдо бўлиши, оила қуришлари, ижодий ҳамкорликлари, асарларининг яратилиш тарихи билан боғлиқ маълумотлар китобнинг ўқишли бўлишини таъминлаган. Ҳамид

Олимжоннинг 1944 йил 3 июлда автомобил ҳалокатига учраши туфайли Зулфия бошига тушган фожиа тафсилоти китобхонни ларзага солиди. Шоиранинг “Сени бирдан жонсиз кўрдим…”, “Баҳор келди сени сўроқлаб…” каби шеърлари яратилиши билан боғлиқ тафсилотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Китобдан Зулфияда 70-80 йилларда Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотиралар китобини ёзиш истаги туғилиб, фикрларини қоғозларга тушириб борганлигини билиб оламиз. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек: “ХХ аср ўзбек шеъриятида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Раҳматулло Султоновларнинг вафоти муносабати билан ёзилган шеърлар адабиётимиз хазинасида унчалик кўп эмас. Зулфия шу шеърлари билан лирик кечинма ва ҳиссиётларни ифодалашнинг янги уфқларини кашф этди, реал турмушнинг ҳасратли томонларини дадил олиб кирди. Афсуски, “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақидаги ҳамда бошқа қарорлар муносабати билан Ўзбекистонда ҳам бундай шеърлар пессимизмни, умидсизликни тарғиб қилиш намуналари сифатида кескин қораланди,Зулфия шаънига ҳам қанчадан-қанча маломат тошлари отилди. Лекин тарих адабиёт учун мавзу танлашда табу йўқлигини, ҳамма гап шоир ва ёзувчи маҳоратида эканлигини асослаб берди”.

Зулфиянинг “Саодат” журналидаги 32 йиллик фаолияти унинг ижодий ҳаётида ҳам ғоят катта аҳамият касб этганлиги, аввало, шоира, қолаверса, жамоат арбоби сифатида хорижда ҳам кенг довруғ қозонишига хизмат қилганлиги қатор мисоллар асосида кўрсатиб ўтилган. Зулфиянинг меҳридарё шахс, етук мураббий бўлганлиги Пиримқул Қодиров, Ойдин Ҳожиева, Холида Аҳророва каби таниқли ижодкорлар хотиралари асосида ёритилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё икки қарама-қарши лагерга ажралиб қолди. Қуролланиш пойгаси авж олди. Мағрибдаги энг машҳур олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар профессор Федерико Жолио-Кюри атрофида бирлашиб, янги уруш хавфини аланга олдиришга қарши мардона курашган пайтда – 1956 йил декабрда Ҳиндистон пойтахти Деҳлида Осиёнинг 17 мамлакати ёзувчилари иштирокидаги биринчи конференсия бўлиб ўтди. Тошкентда чақирилган 1958 йилги иккинчи конференсияда, жумладан, Европа ва Америкадаги 13 мамлакадан ҳам вакиллар иштирок этди. Зулфия тарих тақозоси билан уюша бошлаган Осиё ва Африка ёзувчиларининг турли анжуманларида ўзбек халқининг, ўзбек хотин-қизларининг вакили сифатида қатнашди.

Асар хотимасида ушбу фикрлар, айниқса, диққатга сазовор:”Тириклик чоғидаёқ Зулфиянинг ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида ноёб ҳодиса эканлиги ойдек равшан эди. Зулфия ёруғ дунёни тарк этганидан сўнг унинг ўзбек адабиёти ва маданиятидаги ўрни бўм-бўш қолди.У шундай бўлишини билибми ё билмайми, ёш истеъдодли шоирлар авлодининг бошини силаб, уларга қанот бағишлади. Агар осмондаги чақноқ юлдузлардан бири сўнгги бор нур сочиб, парчаланиб, коинот бағрига сингиб кетса, Зулфия шеърият ёғдусини сочишдан тўхтаганидан сўнг Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Жўраева, Қутлибека Раҳимбоева сингари ўнлаб

шогирдлари устоз қўлидан тушган қаламни маҳкам ушлаб, ўзбек шеърияти равнақи йўлида ижод этмоқдалар. Ҳозир бу шоирлар гулдастаси “Зулфия мактаби” деб аталади. Сўнгги йилларда бу мактабга истеъдодли бастакор, рассом, шоира, журналист қизлар келиб қўшилди. Зулфия мактабининг бағри бағоят кенгайди”.

Илм фидойиси Н.Каримов ижодини бир мақола доирасида таҳлил этиш, табиийки, имконсиз. У кўплаб китоблар учун манба бўлажак. Ушбу ўринда ҳозирги кунда қизғин ижод палласидаги, қутлуғ 90 ёшни нишонлаётган қадрли домлага фаолиятида бардамлик ҳамда сиҳат-саломатлик тилаш билан бирга буюк мутафаккир И.В.Гётенинг “Фақат буюк шахсларгна инсониятга хизмат қиладилар” деган сўзларини эслашни жоиз деб биламан. Эл ардоғидаги олим, ўз касбининг устаси, муҳтарам устоз Н.Каримовнинг умр йўли, ёзган асарлари бунга ёрқин далилдир.

Адабиётлар:

1. Каримов Н. ХХ аср адабиёти манзаралари. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2008. -536 б.
2. Каримов Н. Чўлпон. -Тошкент: “Фан”, 1991. -84б.
3. Каримов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудий. -Тошкент: “O‘zbekiston”, 2011. 80б.
4. Каримов Н. Уч буюк сиймо. -Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2019. 428б.
5. Каримов Н. Усмон Носир. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари. -Тошкент: “Шарқ”, 1993-1994. -208-256 б.
6. Sabirdinov A. International of the banned period in the stories of Naim Karimov// Asian jornal of Multidimensional Resach (AJMR) // Vol.10.Issue 11, November 2021. Imdact Factor: sjif 2021=7.699. ISSN 2278-4853. P. 84-91.

П А Т Р И А Р Х

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори

1

Академик Наим Каримов ҳақидаги фикр ва хотирани куни кеча, яъни 2022 йилнинг 9 ноябрида рўй берган бир учрашувдан бошласам. Биз кунларимизни қадрламаймиз, уларнинг кўпи “бенишон, бесас” (А.Ориповнинг “Номаълум одам” шеъридан ибора) ўтиб кетаверади. Ваҳоланки, ҳар бир кунимиз – бу бизнинг бойлигимиз, энг катта бойлигимиз. Шундай қилиб, шу куни эрталаб, душанба куни эди, бир мақсад – Наим ака билан учрашмоқ учун отландим. Мақсадим, Саъдулла Аҳмад илтимосига кўра атоқли олимни устози Сарвар Азимов ҳақида суҳбатга кўндириш, бу

суҳбатни мен олиб боришим ва у режиссёр Тожибой Исроилов яратмоқчи бўлган ҳужжатли фильмга кириши керак эди.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи биносининг чап қанотидан иккинчи қаватга кўтарилиб, бу ўртада эшикбондан “Наим ака ўзларидами?” деб сўрадим, ҳар сафар бўлгани каби эшикбон хушнуд хайрихоҳлик билан “хоналарини биласизми?” дея сўради, мен тўхтамасдан юқори кўтарилар эканман, “минг марта келганман”, деб мақтаниб ҳам қўйдим.

Таниш хона эшигини ним тақиллатиб, ичкари кирдим. Оқсоқол ҳардоимгидек, ишлаб ўтирган эканлар, туриб очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Салом-аликдан сўнг мақсадим ҳақида гап очишим билан, эшик тақиллаб, Иброҳим Ғафуров, шахсан ўзлари, кириб келди.

Ана омад! “Сувон Мели, омадинг келди” деб қўйдим ичимда. Икки улуғ қарияни, академик ва Қаҳрамонни бир ерда кўриш, улар суҳбатига гувоҳ бўлиш. Бу Худо ёрлақаган бахт эмасми?

Ўрнимдан чаққон туриб, Наим акага яқин стулга меҳмонни ўтқаздим. Хона соҳиби иш ўрни, яъни тўрда ўтиргани учун узр сўради:

– Иброҳимжон, шу ер менга қулай.

– Академикнинг ўрни-да, – лутф қилди Иброҳим ака.

– Бу эса Қаҳрамоннинг ўрни, – деб қўшиб қўйдим мен.

Икки оқсоқол, бири 90, бири 85, гувоҳ, яъни мен 71 ёш, суҳбати бошланди.

– Жуда чарчадим. Яшагиси келмай қолар экан одамнинг. Кўп ғашга тегадилар.

– Ундай деманг, Наим ака, ҳали қиладиган ишингиз кўп, дея далда берди Иброҳим ака. Озгина тўхташдан сўнг Иброҳим ака – Одам жуда қариса вайрон бўлиб қолар экан, Шукрулло ака жуда хароб бўлиб қолгандилар.

– У кишига фақат мақтов бўлса ёқарди, қўшиб қўйди Наим ака.

Бу гапдан енгил киноя анқирди.

Икки ёшуллининг (Хоразм шевасига хос шу сўзни адабий тилимизга киритиш лозим, унда ёши улуғ ибораси бир сўзда гўзал ифодаланган) гап-сўзларида, айниқса Наим ака, кетишга интиқлик, тайёрлик сезилар, улар билан ўлим даҳшати ҳақида эмас, у оддий бир ҳодиса, дам олишга кетишдай ёқимли бир нарса, дегандек гапириш мумкиндек. Лекин бундай фикрлар мутлақ ортиқчадек туюлади. Ҳамда суҳбатдаги учинчи одам сифатида қаршимда ҳаётнинг аччиқ-чуяугини обдан тотган, Аллоҳ ато этган истеъдодни аъло даражада имкониятга айлантирган, энди сокин ҳолда руҳият оламига кетишга тайёр икки донишмандни кўриб турмоқда эдим.

Иброҳим ака мезбонга қарата:

– Қаранг, шогирдлар соқол қўйишяпти, деди. У киши кулди, мен изоҳ бердим:

– Отамиз соқолини қиртишлаб юрган кекса одамларни ёқтирмас, уларни сўкардилар. Мени ҳам сўкмасинлар, деб соқол қўйдим.

Иброҳим ака келишининг боиси, телевизорда бир тақдимотда китоб тарқатишаётганини кўрган ва ўша китобни олмоқ бўлиб бу ерга келган экан.

Наим ака Усмон Носир ҳақида янги китоби чиққанини, лекин ўша тақдимотда бу китоб тарқатилмаганини айтди. Мен бу китобни TV даги “Биргаликда ўқиймиз” кўрсатувида муҳокама қилганимизни, Иброҳим ака буни кўрмаганини айтди. Наим ака ўрнидан туриб шкафни очди ва Усмон Носир ҳақидаги китобни меҳмонга тақдим қилди.

Мезбон бизни зинагача кузатиб қўйишга шайланди. Каридор бўйлаб юрар эканмиз, Иброҳим ака бир хонани кўрсатиб, “шу хонада Азиз Пўлатович ўтирарди” деб қўйди. Наим ака “ҳозир бу ер омбор” деди. Иброҳим ака ўзига хос бўлган хазин овозда “одам ўтгандан кейин унинг хонаси омбор бўлар экан-да” деди. Мен шунда “Ҳазрат Навоий бежиз бу ҳаётни ҳубобга ўзшатмаган” дея, “ҳубоб” сўзининг ҳозирги тилдаги ифодасини тополмай, Наим акага юзландим. “Кўпик” деди у киши ва бирдан кулиб зарофат қилди:

– Сувон Иброҳим Ғафуровга ҳубоб нималигини тушунтирмоқчи.

Уччовимиз ҳам кулиб юбордик.

Наим ака зина олдида қолди. Икков ташқарига йўналдик. Устозни бекатгача кузатиб борар эканман, пайтдан фойдаланиб сўрадим:

– Иброҳим ака, таржима қилиш жараёнингиз қандай кечади.

– Бир сира қўлда ёзиб чиқаман, ундан кейин компьютерда босилган текстни ўқиб жиддий таҳрир қиламан.

– “Ака-ука Карамазовлар”даги каби мураккаб жумлалар, оламшумул фалсафий фикрларни бир йўла қандай ўгира оласиз?

– Минглаб, ўн минглаб қўлёзмаларни таҳрир қилавериб, кўзимиз пишиб кетган, шекилли. Барибир нимадир онгда қолар экан-да.

Шу ерда қўшиб қўйдилар.

– Олдин луғатини тузиб оламан.

Бекатга яқинлашганда, “Қаерга борасиз, устоз” дедим. “ЦУМга, китоб магазинларини бир айланмоқчиман” дедилар. Эсимдан чиқибди, Наим ака хонасида яна бир маъюс гап бўлди:

– Китобларимга қараб йиғлагим келади. Мендан кейин кимга қолар экан улар. Болалардан бирови ҳам бизнинг касбни олмади.

– Мен ўзимга зарур бўлмаган китобларни эшикка яқин жойга қўйдим. Кимга керак бўлса, олсин деб – деди Наим ака.

“Китобларим мендан кейин кимга қолар экан” деб дард чекаётган одам яна китоб дўконларида айланиши, у ерда албатта қандайдир китобни харид қилади, Иброҳим ака каби катта олим ва адиб, буюк таржимон умрининг сўнгги кунигача китоб олишдан тўхтамаслиги, китоб сотиб олиш – бу бундай аллома тафаккурининг ажралмас қисми эканлиги ва бу тафаккур қайсидир шаклда чин дунёда ҳам давом этиши ҳақидаги самовий фикр ақлим кўзгусида намоён бўлди.

Бекатга яқинлашар эканмиз, Наим акани “ҳубоб” ҳақидаги лутфини эслаб:

– Зўр зарофат бўлди, менинг зараримга бўлса ҳам.

– Йўқ, сизнинг зарарингизга эмас, – деди Иброҳим ака синиқ товушда. Бу енгил, ҳам қатъий эътирозга ўша пайт ҳайрон бўлдим, лекин ҳозир ўйласам, бу эътироз тўғри, яъни зарофатнинг юза қисмида менга енгил киноя, моҳиятда эса Иброҳим Ғафуров шахсига кўрсатилган юксак эҳтиром экан.

Бир зарофатнинг кучини қаранг!

Айтгандай, яна бир гап, аниқроғи амал, ёддан кўтарилибди. “Яна қачон академик Наим Каримов ва Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров бир хонада учрашади” дея қўшни хонадаги ёш илмий ходимларни расм олишга чорладим. Шундай қилиб, уччов турли ракурсда ҳамда ёш ходимлар иштирокида расмга тушдик. Хотира учун, келажак учун, Наим Каримовнинг “Қатағон қурбонлари” музейидаги хонасида.

2

Наим Каримов билан илк учрашувимни яхши эслайман. Журналистика факультетини битириш арафасида мен “Фауст” ўзбек тилида” мавзуида диплом иши ёза бошладим, илмий раҳбарим ўша пайтда факультет қошидаги “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиси Ғайбулла Саломов эди. Ўша пайт, яъни 1972-1973 йиллар, улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов Гётенинг буюк асари “Фауст”нинг биринчи қисмини таржима қилишга улгурган, табиийки, диплом иши ҳам ушбу қисм таржимаси бўйича эди. Биз, битирувчи талабалар икки кутубхона, Алишер Навиий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси ва ЎзФА Асосий кутубхонасида дарс қилардик. Унда Асосий кутубхона ҳозир бузилиб кетган Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уйда жойлашган, қизил, ҳозирги Мустақиллик майдонининг жанубий қисми, шу кунги Президент қароргоҳига киришга рухсатнома берадиган бино ўрнида эди. Мен кунда шунда эдим.

Кутубхона картотекасидан “Фауст. Трагедия Гете. В переводе и объяснении А.Л.Соколовского. СПб. 1902, 364 с.с илл.” деган ёзув чиқди.

Шу ерда бир гапни қистириб ўтиш лозим. Бу жуда ноёб китоб бўлиб, унда “Фауст” сатрма-сатр баён қилинган, уни амалга оширган А.С.Соколовский артиллерия зобити бўлиб, Гётенинг ашаддий мухлиси бўлган экан. Эркин Воҳидов асарни таржима қилиш жараёнида бу китобдан унумли фойдаланган, бу ҳақда ўз суҳбатларида бир неча бор айтиб ўтган.

Буюртма бердим, буюртма қоғозига “Китоб фалон номерли китобхон қўлида” деган ёзув чиқди. Ходимдан бу китобхон ЎзФА А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида ишлайдиган Наим Каримов эканини аниқладим ва шу даргоҳни излаб йўлга тушдим. Институт ЎзФА Президиумида жойлашган бинонинг биринчи қаватида жойлашган экан. Эшикбонлардан бири сўраган одамим ўтирадиган хонани кўрсатди. Ташқаридан кираверишдаги ўнг тарафдаги биринчи хона, ўртада йўлак, чап ва ўнгда икки хона экан, “Менга Наим Каримов керак” деган овозимни эшитиб, ўрта бўйдан юқорироқ ораста кийинган чиройли бир одам чиқди ва ёқимли овозда “Мен Наим Каримовман, хизмат?” деди. Икки оғиз гап билан

масалани англатдим, у киши қисқа қилиб, “Ҳа, шу китоб менинг қўлимда, уч-тўрт кунда топшираман” деди. Мендай оддий бир талабани ҳайрон қолдирган нарса, муомиланинг оддий ва самимийлиги, бironта ҳам ортиқча гап, мулозаматнинг йўқлиги эди. Кейинчалик, 2-3 йил ўтиб, тақдир мени шу илмий даргоҳга етаклади, Наим ака билан кўплаб мулоқотларда бўлдик. Лекин илк учрашув бутун тафсилоти билан ҳамон ёдимда.

3

Яна бир ёрқин хотира. 1987 йил Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Қўқон шаҳрида кўчма илмий анжуман ташкил қилдик. Ўша пайтлар “Билим” жамияти” деган ташкилот бўлиб, бизнинг Тил ва адабиёт институтида ҳам шаҳобчаси бор, мен унинг раиси эдим. Бир куни Республика “Билим” жамиятидаги ходим, рус аёли “Давайте организуем где-нибудь выездная научная конференция” деб қолди. Мен мавзуни ва шаҳарни айтдим. Маъқул бўлди. Институтнинг унга яқин ходими, директор Бахтиёр Назаров, олимлар Матёқуб Қўшжонов, Нинель Владимирова, Наим Каримов, Ғаффор Мўминов, Тўлқин Расулов, Малоҳат Абдураҳмонова, адибнинг турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳоровадан иборат илмий ҳайъат ўша йилнинг 20 майида Қўқонга қараб парвоз қилдик. Қўқон шаҳар театри биносида адиб ижодига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди, унда барча иштирокчилар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Мен Абдулла Қаҳҳор эпиграфлари ҳақида маъруза қилганим эсимда.

Анжуманда эсда қоларли бир воқеа содир бўлди. Қатнашувчилар асосан мактаб ўқитувчилари бўлиб, йиғин ҳайъатига “Абдулла Қаҳҳор Қўқонда туғилмаган, нега дарсликларда шундай деб хато ёзилади?” деган савол кетмакет туша бошлади. Мажлис раиси Б.Назаров танаффус олиб, залга туташ хонада йиғин ўтказди ва “Бундан кейин Абдулла Қаҳҳор Қўқонда эмас, Аштда туғилган” деб ёзишга қарор қилинди ва бу конференция иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди. Шунинг таъсирида бўлса керак, Озод Шарафиддинов “Абдулла Қаҳҳор. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар” (Т.: Ёш гвардия, 1988) китобида адибнинг туғилиши ҳақидаги лавҳаларни Аштдан бошлайди.

Яна Қўқонга қайтсак. Сўнг шаҳардаги Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт музейини томоша қилдик, расмларга тушдик. Шаҳардаги турли ташкилотларда тадбирлар ўтди, Кибриё опа билан бўлган учрашувлар айниқса, мароқли бўлди. Опанинг воизлик маҳорати юксак эди.

Шаҳар кўчаларини айландик, бизга қўқонлик ғазалнавис шоир Жавдат Абдулланинг ўғиллари адабиётшунос Маъмур Абдуллаев ва у кишининг акаси (исмлари ёдимда йўқ) ҳамроҳлик қилдилар.

Адашмасам Акбар Исломов (мен ўша пайт бу кишининг кимлигини билмасдим, кейин билсак Сталин қатағонлари пайтида ҳалок бўлган машҳур давлат арбоби экан) номидаги кўчада кетаётганимизда эсда қоларли бир воқеа рўй берди. Биздан, сайрчилар гуруҳидан 300-400 қадам наридан бир аёл қаттиқ овоз билан, ҳатто айтиш мумкин, кўчани бошига кўтариб, “Наим,

Наим!” деб югуриб келарди. Ҳамма беихтиёр тўхтади. Аёл югуриб келганича, Наим ака билан кўриша кетди.

Унинг катта кўчада “Наим, Наим!” деб нидо қилгани ҳали ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Ҳозиргача ҳайрон қоламан. Бу аёл кимлигини сўнг билдик, Наим аканинг курсдоши экан. Энди ўйлайман, бундай жўшқин ҳис-ҳаяжоннинг боиси нима? Қандай куч уни кўча бўйлаб жон ҳолатда югуришга мажбур қилди? У талабалик туғёни билан Наим акани севганмикан?

Энди бу аёлни қўйиб, ушбу ҳаяжон объекти бўлмиш Наим Каримовга қайтсак. Мен ўшанда Наим акага ҳавас қилдим. Ҳамма ҳам шундай интилишга (севги демай қўя қолайлик) лойик ва муносиб эмас. Шу одамда нимадир, қандайдир жозиб куч бордирки, бировни шу даражада ўзига жалб қилади. Ҳаяжонини боса олмай, уни ошкор қилишга мажбур бўлади.

Ўша пайтда Наим ака элликдан ошган салобатли олим эди.

4

Мен “ҳамиша Наим Каримовнинг изидан юрганман” деган гапни кўп такрорлайман. Буни у кишининг ўзига ҳам айтганман. Бу гапда жиддий асосим бор.

Маълумки, ўша пайтлар жуда машҳур бўлган “Ёшлик” (1989 йил 11-сон) журналида “Бой ила хизматчи” ёки Тикланган нусха муаммоси” номли мақолам чоп этилди. Мақола анча шов-шувга сабаб бўлди, ҳатто баъзилар мақолани ўша пайтдаги машҳур танқидчи Норбой Худойберганов ёзгану ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган Сувон Мелиев номидан чиққан, деган гапни ҳам айтишди. Бу гапнинг пучлиги тезда аён бўлди, албатта. Мақолада ўзбек адабиётшунослигида кўпдан буён ҳукм сураётган ёлғон – драматург Комил Яшин 1939 йилда Ҳамзанинг айрим кичик пьесаларидан фойдаланиб мукаммал драма ҳолатига келтирилган асар гўё 1918 йилда ёзилган-у, шунга таяниб Ҳамза ўзбек адабиётида социалистик реализм методи асосчиси рутбасига кўтарилганди – далил-исботлар билан фош қилинган эди. Агар шундай бўладиган бўлса, Ҳамза 1918 йилда туриб ўзи 1926 йилда ёзган “Бурунги сайловлар” пьесасидаги Қодирқул мингбоши ва Холматга оид саҳналарни (чунки улар тикланган нусхага кўчириб ўтказилганди) ва 1939 йилда Комил Яшин тиклаган 4 пардали мукаммал драмани ёзган бўлиб чиқарди. Бу - ғирт бемаънилик-ку!

Мақола, айтилганидек, шов-шувларга сабаб бўлди. У пайтда адабий ҳаётда катта мавқега эга бўлган Комил Яшин барҳаёт, Ҳамзани социалистик реализм асосчиси рутбасига олиб чиққан Лазиз Қаюмов ҳали отдан тушмаган эди. Лекин кейинги воқеалар, икки йил ўтиб халқимиз бошига қўнган бахт, Мустақиллик мақола атрофидаги кескинликни юмшатди. Чунки бахсдаги асосий нуқта – совет адабиётининг ҳукмрон методи социалистик реализм тамом пучга чиққан эди. Гап шундаки, ушбу мақола пайдо бўлишида туртки, икки асос айнан Наим Каримовга тегишли эди.

Биринчи асос. 1988-89 йиллар давомида ўша пайтдаги А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар

институтлари томонидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг беш томлик Тўла асарлар тўплами тайёрланиб, нашр этилди. Унинг 3-томига кирган эларо машҳур “Бой ила хизматчи” драмаси борасида илгари кўрилмаган мислсиз бир иш қилинган, яъни М.Бузрук Солиҳов “Ўзбек театри тарихи учун материаллар” китобида эълон қилинган икки ярим бетлик парча асосий матн сифатида, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган ягона қўлёзма нусха (“Суфлёр нусхаси”) вариант сифатида берилиб, шу пайтгача асосий матн ўрнида қўлланиб келинган К.Яшин томонидан тикланган нусха, жаҳонга кўз-кўз қилинадиган “Бой ила хизматчи” бори-йўғи “Илова” тарзда нашр этилган эди (Қаранг: Ҳамза Ҳ.Н. Тўла асарлар тўплами, 5 томлик. 3-том. Т.: Фан, 1988. 209-264-бетлар).

Мазкур томга масъул муҳаррир сифатида С.Мамажонов ва Н.Каримов кўрсатилган. Лекин бундай ташаббус, яъни тузум алқаб-ардоқлаган асарни “Илова”да, яна кичик шрифтда бериш Наим Каримовдан чиққанлигини К.Яшин бундан сал ўтиб ёзган “Давр овози” (“Совет Ўзбекистони”, 1989 йил, 5 март) мақоласида бу иш учун айнан Наим Каримовни койиганидан ҳам билса бўлади.

Иккинчи асос. Наим Каримов “Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари (тадқиқотлар) (Т.: Фан, 1988) тўпламига кирган “Бой ила хизматчи” драмасининг ижодий тақдири” номли мақоласида Ҳамза Тўла асарлар тўплами 3-томида қилинган амални атрофлича изоҳлайди ҳамда К.Яшин томонидан “қайта ишланган ва таҳрир этилган нусха” (мақоладан олинган ибора) тўлиқ ҳолда Ҳамзанинг асари бўла олмаслигини асослайди.

Шундай асосларга таяниб “Бой ила хизматчи” ёки тикланган нусха муаммоси” номли мақоламиз ёзилган эди. Кейинчалик, 2010 йилда шундай тўхтамга келинди: “Гап шундаки, 1939 йилда Комил Яшин томонидан тикланган “Бой ила хизматчи” XX аср ўзбек адабиётидаги, шубҳасиз, энг сара драматик асарлардан бири. Фақат асарнинг муаллифи – Ҳамза ва Комил Яшин, яратилган санаси – 1918; 1939 йил, деб кўрсатилса, олам гулистон. Шунда асарнинг таржимаи ҳоли узил-кесил ойдинлашади”[5].

Бу ҳам аслида асос-эътибори билан устоз Наим Каримов хизматидир.

Гап Ҳамза ижоди ҳақида борар экан, бу борада устоз олимнинг яна бир хизматини айтмоқ жоиз. Айрим адиб ва адабиётшунослар совет даврида Ҳамза номини от қилиб чопдилар. Уни қип-қизил Ҳамзага айлантирилар. Ваҳоланки, у дастлабки ижоди бўйича буюк жадид адиби эди. Бу фикрнинг нозик бир қиррасини олим совет замонидаёқ айтишдан ҳайиқмади. У Ҳамзанинг 100 йиллиги муносабати билан ёзилган “Ўлмас қўшиқ” (“Тошкент оқшоми”, 1989 йил, 19 май) номли мақоласида замонасоз ҳамзашунослар кўкларга кўтариб мақтайдиган “Яша, Шўро!” аслида “Яша, Турон!” эканлигини айтиб, ёзганди: “Бу фикр ҳақиқатдан узоқ эмас. Чиндан ҳам “Атир гул” тўпламидан жой олган шеърнинг нақорати қуйидагича бўлган:

[5] Мели С. Сўзу сўз. “Адабиёт фалсафаси”га чизгилар. Т.:Шарқ, 2020. 460-бет.

Яша, Турон! Яша, Турон!
Сен яшайдирган замон,
Эй турк ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

1915-1917 йиллар Ҳамза шеъриятининг асосий пафоси Туркистон (Турон) халқини ғафлатдан уйғотиш, унинг ижтимоий онгини оширишга қаратилган эди”.

Агар биз Ҳамзага ушбу нақорат шуъласида қарайдиган бўлсак, кўз олдимизда улуғ ватанпарвар, туркий оламнинг оташин куйчиси қиёфаси намоён бўлади. Шеър замонага мослангач эса адиб мустабид тузумнинг маддоҳига айланадики, замонасоз ҳамзашуносларга айни шу нарса керак эди. Улар анча вақт давру даврон сурдилар, бир муддат Ҳамзанинг Мустақиллик учун юзини қаро қилдилар. Лекин буюк Ҳамза улуғ ватанпарвар сифатида ўз қадди-бастини, албатта, тиклайди. Тиклаб бўлди ҳам. Бундай хайрли ишда Наим Каримов каби зукко ва чин ҳақгўй олимларнинг хизмати бемисл.

5

Олим ёки адибнинг асл ёки ноасллигини билай десангиз, унинг ҳақиқатга, бўлиб ўтган воқеаларга, улар яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, шижоат билан боқа олишига, яхшини ёмон, чинни ёлғон ёки аксинча, ёмонни яхши, ёлғонни чин дейишга тили бормаслиги, қалами юрмаслигида ҳамда ҳақиқатнинг юзига тик қарай олиш лаёқатига эътибор беринг. Агарки, адиб ёки олим ҳақиқатга беписанд қарши бора бошладими, унинг ё қалбида, ё ақлида қусур, кескинроқ айтганда, қурт бор.

Наим Каримов ҳақиқатга тик боқишдан чўчимайдиган олим. Агар шу кунда айримлар наздида ҳақиқат ва адолат тимсоли бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги бутун ҳақиқатни биладиган ва тан оладиган (баъзилар билса-да, тан олмайдилар) кам адабиётшунослардан бири десам муболаға эмас. Олимнинг 1992 йилги “Фан ва турмуш” журналининг 1-сонида терилган ҳолда оммавий нашрга қўйилмаган “Ботир гапчилар” мақоласи, қизиғи шундаки, журналнинг бундан олдинги ва кейинги сонларида Чўлпон, Усмон Носир, Шайхзода қатағонлари ҳақидаги мақолалар бемалол чоп этилган, қисқартирилган нусхада олимнинг “Адабиёт ва тарихий жараён” (Т.: Мумтоз сўз, 2013) китобида босилди.

Мақолада ГПУнинг “Зрелый” (“Етук”) лақабли хуфясининг кирдикорлари ҳақида гап борар, бу хуфя “Қ-ов” (мақолада муттасил шундай ёзилади) махфий идора топшириғига кўроа “Ботир гапчилар” – деган “ташкилот” тузиб, мақолада ёзилишича “ўзининг ҳақгўйлиги, қўрқмаслиги ва мардлигини намойиш этишдан чарчамаган” (шу китоб, 350-бет) ҳамда унинг хабари бўйича 1930 йил 30 январь оқшомида навбатдаги “гап” пайтида 18 киши қамоққа олинади. Улардан иккитаси – Ашурали Зоҳирий ва Лутфулла Олимий отишга ҳукм қилиниб, сўнг бу жазо ўн йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Қолганлар турли муддатларга қамоқ ва сургунга ҳукм қилинади. Кейинчалик улар 37 йил буҳронида деярли барчаси маҳв этилади.

Адабиётшунос учун “Қ-ов” кимлигини аниқлаш унча қийин эмас. Абдулла Қаҳоррнинг “Озгина ўзим ҳақимда” (биринчи марта “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журнали, 4-сон, 3-8-бетларда чоп этилган) деб номланган таржимаи ҳолида ёзилишича, “Орадан кўп ўтмай, мени область газетаси “Янги Фарғона” ишга чақирди. Газетада секретарь ва ҳажвий бўлим “Чиғириқ”нинг мудири бўлиб ишладим...

Буюк бурилиш йили бошланди. Шаҳарда нэпман, қишлоқда муштумзўр жон талвасасига тушди. Тақдир мени шу душман синф вакиллари билан, эски ва “янги” зиёлилар, ўзини миллат ҳомийси, миллатчи деб атаган бир гуруҳ ватан хоинлари билан учраштирди...

Мана шунинг натижаси бўлиб “Сароб” романи майдонга келди”[6].

Мана сизга “Қ-ов”нинг кимлиги. Наим Каримов учун қадимги буюк юнон Арастунинг “Афлотун дўст, лекин ҳақиқат ундан дўстроқдир” деган ҳикмати ҳамиша дастуруламал бўлган. Ҳақиқатга дўст бўлайлик!

6

Академик Наим Каримов XX аср ўзбек адабиётининг деярли (шу сўз ҳам ортиқча, шекилли) барча сиймолари мақола ёзган, тадқиқотлар олиб борган. Жабрдийда буюк шоиримиз Чўлпон ҳақида маърифий роман яратган. Бундан ташқари Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Зокиржон Фурқат ҳақида кашфиёт даражасидаги мақолалар ёзганини биламиз. Лекин бир адибимиз устознинг алоҳида меҳр ва эҳтиромига сазовор. Бу сиймо – Ойбекдир.

Олимнинг ойбекшунослик соҳасида яратган асарлари жуда кўп. Уларни санаб саноғига етиш қийин. Лекин академик Наим Каримов буюк адибнинг “Қутлуғ қон” романи борасида қилган бир амалини йирик олимга хос илмий жасорат, дея баҳолаш мумкин. Маълумки, 1938 йил кузида ёзиб тугалланган “Қутлуғ қон” романида бизнинг авлод ўқиган барча нашрларда рус инқилобчиси Петров образи бўлган. Бу образ ҳақида олим ўзининг “Петров жумбоғи” мақоласида шундай фикр юритади: “Асарнинг Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган ва бизгача етиб келган иккинчи муҳокамасида Ойбекка қўйилган энг катта ва асосий айб – романда ўзбек меҳнаткашлари ижтмоий онгининг ўсишида “улуғ рус халқи прогрессив роли”нинг кўрсатилмагани эди”[7]. Агар бу “камчилик”ни тузатмаса асари ҳеч қачон ёруғликка чиқмаслигини англаган адиб унга қамоқхона эпизодини киритишга мажбур бўлади. “Агар романнинг ўн саккизинчи бобига назар ташласангиз, Петров образининг шу саҳнага зўрма-зўракилик билан, муайян сиёсий идора вакилларининг тазйиқи остида киритилганини сезмаслик мумкин эмас”, деб ёзган олим мақолани “Агар улуғ адибнинг бу асари “Ўзбек халқининг ижтимоий онгини оширган” Петровсиз нашр этилса, романнинг асл нусхаси тикланиб, ҳақиқат тантана қилган ва китобхонларнинг янги авлоди бу ўлмас асарни ўқиб, ундан олам-олам завқ ва

[6] Шарафиддинов О. Абдулла Қаххор. Ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида лавҳалар. Т.: Ёш гвардия, 1988. 253, 254-бетлар.

[7] Каримов Н. Ойбек гулшанидан шабадалар. Т.: Маънавият, 2015. 39-бет.

баҳра олган бўлардилар”[8], дея якунлар экан, у шу мақсад-вазифани амалга оширди. Яъни роман Петровсиз нашр этилди.

Бу сиртдан қараганда муаллиф ҳуқуқларига зид амал, чунки ҳар қандай асарнинг муаллифи тириклигидаги охирги нашри дахлсиз бўлиб, ҳеч ким унга ўзгартириш киритиши мумкин эмас. Романнинг барча нашрларида Петров образи мавжуд. Академик, йирик ойбекшунос Наим Каримов катта журъат билан мавжуд амалиётни бузиб, айтилган нашрни амалга оширди.

Мен адабиётшунос сифатида бу амални тўғри, деб ҳисоблайман. Зеро, асарга тазйиқ билан киритилган образ тазйиқ кучини йўқотгач, ортиқча эканлиги аён бўлди. Агар мустабид тузум ўз кучида турганида эди (Худо кўрсатмасин!), асардан Петровни чиқаришга кимнинг ҳадди сиғарди? “Мустабид тузум йўқ, демак романдаги Петров ҳам йўқ” дея фикр қилади Наим Каримов. Ва тўғри фикр қилади.

Мен бу амал ҳақида, унинг ғоявий натижалари ҳақида “Петровсиз “Қутлуғ қон” деган мақола ёзиш ниятим борлиги боис, бу ҳақда кўп гапирмайман. Фақат бир фикрни айтмоқ лозим. Буюк адибнинг ижодий онг ва илғамида Йўлчи ватанпарвар, миллий қаҳрамон сифатаида гавдаланган. Асарга Петров киритилиши билан Йўлчи образида оғиш содир бўлади, энди у миллий, халқ қаҳрамони эмас, гўё рус инқилобчилари сафига ўтиб, салкам большевик сифатида кўрина бошлайди. Муаллифга бўлган босимнинг мақсади ҳам шу эди ва улар бу мақсадга қисман эришдилар.

Академик Наим Каримов улуғ романимиздан Петровни чиқариш билан уларнинг шу мақсадини пучга чиқарди.

7

Лотин тилида “Nomen est omen” (Ном – бу белги-аломатдир) деган ҳикмат бор. “Фарҳанги забони тожики” луғатида “Наим” сўзининг икки маъноси кўрсатилган, бири, неъмат, фаровонлик, иккинчиси, хуррамлик, сурур, саодатмандлик ва мажозий маъноси биҳишт, яъни жаннат экан. Энг қадимги ақидалардан бирида, одамнинг исмида унинг моҳияти ўрин олган бўлади, дейилади. Устоз Наим Каримов моҳиятида исмидаги ушбу барча сифатлар – жамулжам.

Устозга бағишланган бир кўрсатувда, “Академик Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигининг патриархи”, деган фикрни айтгандим. Патриархлик, бузруклик, улуғворлик устозга ярашади. Ярашганга – ярашади.

[8] Шу ки тоб. 41-бет.

ШАХСИЯТЛАР САБОҒИ

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбек адабиёти дарғаларидан бири, романчилик асосчиси муҳтарам адибимиз Абдулла Қодирийни юртмизда билмаган-танимаган одам жуда кам. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари нафақат ўзбек, балки дунё ўқувчилари кўнгилдан ва энг нодир китоблари жавонидан ўрин олмоқда. Адибнинг кимлигини, қандай маслакка, дунёқарашга эгалигини асарларидан билиш мумкин, шунингдек, Абдулла Қодирий билан бир даврда яшаган, унга ҳаммаҳалла, қўни-қўшни бўлган, мулоқот қилиб, адабий давраларда гурунглашган, баҳс-мунозараларга киришган, асарларини таҳлил этган кўплаб инсонлар борки, уларнинг кимлиги ҳам бугунги ўқувчилар учун қизиқ, албатта. Абдулла Қодирийларнинг адабий авлоди жуда мураккаб даврда саҳнага чиқди. Уларнинг сон-саноғи кўп. Аммо ҳар бир авлод орасида худди тун қаърини ёруғ юлдуздек ёритиб, нур сочиб турган шахсиятари бўлади. XX аср 20-30-йиллар адабий авлоди орасида Абдулла Қодирий айнан наср бобида шунда ёрқин юлдуз эди. Адиб ўзининг гўзал ижод намуналари учун мақтовлар баробарида танқид ҳам эшитди. Шундай бир паллалар бўлдики, Қодирий шон-шуҳрат шоҳсупаларига чиқди, аммо ўзини, ўзлигини, кимлигини унутмади у. Шундай замонлар бўлдики, адиб ўз миллий туйғулари, ватанпарварлиги, маърифатпарварлиги, адабий истеъдоди учун азоб-уқубатлар гирдобига тушди. Одамлар адиб асарларини ўз вақтида ёд олди, ман қилинган замонларда яширинча ўқиди. Аллоҳ азиз қилган зотларни бандаси хор қила билмайди. Ва ниҳоят янги замонларда Абдулла Қодирий сиймоси ҳам, асарлари ҳам қадрини топди. Тадқиқотчи олимлар ва оддий ўқувчиларни ҳам Абдулла Қодирий замондошлари қизиқтириши табиий. Шу жиҳатдан замонавий ўзбек адабиётининг улкан билимдони академик Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби эътиборга молик.

Яхши бир илмий-адабий китоб, табиийки, тинимсиз меҳнат, изланиш, ёзиш, текшириш, далиллар ортидан бунёд бўлади. “Абдулла Қодирий замондошлари” китобига назар солган ўқувчи, академик Н.Каримов Абдулла Қодирий асарлари билан бирга замондошлари ва уларнинг ижодини ҳам чуқур билишини аниқ тасаввур қилади. Адиб билан учрашиб суҳбатлашган зиёлиларнинг эътирофлари, ўз вақтида асарларини бошқа тилларга ўгирган таржимонларнинг фикрлари ёки романларини мириқиб ўқиган айрим китобхонларнинг хотиралари ҳам ушбу китоб мазмунини бойитишга хизмат қилади. “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби учун муаллиф биринчи навбатда адиб биографиясига, ёзган катта-кичик асарларига қайта ва қайта мурожаат этади. “Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида” китоби, ёзувчининг авлодлари томонидан ёзилган “Отам ҳақида” (Ҳабибулла Қодирий), “Ўтганлар ёди” (Масъуд Абдуллаев), “37-хонадон” (Шеркон Қодирий) каби китоблардан унумли фойдаланилади.

Жадидўунос олимлар, қодирийшуносликка доир тадқиқотлар ҳамда 20-30-йиллар ижодий муҳити тўғрисида айрим диссертация ҳам Н.Каримовга Абдулла Қодирий замондошлари сиймоларини теранроқ ёритишга ёрдам беради. Тўғриси, бу тадқиқотларнинг кўпчилигига Наим Каримовнинг бевосита алоқаси ҳам бор. Дейлик, Абдулла Қодирий ижодининг қайси бир қиррасига бағишланган ёки Ғулом Зафарий ва Ғози Юнуснинг ҳаёт йўли, ижодий меросига доир тадқиқотларга илмий раҳбарлик қилганидан хабарим бор. Шу даврга доир жуда кўплаб диссертацион ишларга Наим Каримов оппонентлик қилиб холис баҳолади.

Бугунги зукко ўқувчи “Абдулла Қодирий замондошлари” тоифадаги қомусий характердаги китобларни қисқа муддатда ёзиб бўлмаслигини англаши лозим. Н.Каримов ярим асрдан кўпроқ муддат ичида айни китобда келтирилган жуда кўп зиёлилар даврасида истиқомат қилди. XX аср ўзбек адабиётининг дарғалари ижодини ўрганди. Олимнинг тадқиқотлари Фитрат, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Мақсуд Шайхзода ва бошқа адиблар ижодининг поэтик мазмун-моҳиятини, лирик ва эпик образлари табиатини, уларга замондош ижодкорларнинг асарлари билан қиёси каби жуда кўп қирраларини англашга ёрдам беради.

Академик Наим Каримов илмий-адабий фаолияти кўп қиррали. Айни қирраларнинг барчасини битта жиҳат – одамларга қалбига адабиёт нурини олиб киришдек умумий бир маёқ бирлаштириб, олимнинг илмий фаолиятини ич-ичидан нурафшон қилиб туради. XX аср ўзбек адабиётининг тўлақонли манзараларини Наим Каримовнинг китобларни ўқиб тугал тасаввур қилиш мумкин.

Тасаввуримча, мустақиллик даври Наим Каримов ижодининг алоҳида босқичини ташкил этади. Қатағон довулига дуч келган зиёлилар бошидан кечган қисмат тарихи бўйича олиб борган изланишлари – бу алоҳида мавзу. Айни дамда қатл этилган миллат гуллари – шоир ва ёзувчилар тўғрисида ёзган асарлари алоҳида махсус ўрганишга, ибратланиб сабоқ олишга муносиб ижод намуналари саналади. Мен бу ўринда олимнинг “Чўлпон”, “Истиқлолни уйғотган шоир”, “Усмон Носир”, “Усмон Носирнинг сўнггги кунлари”, “Мақсуд Шайхзода”, “Фитрат”, “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари”, “Уч буюк сиймо (Қодирий, Чўлпон, Ойбек)” ва бошқа қатор китобларини назарда тутмоқдаман. Мустақиллик неъмати – эркин ижодий муҳит Наим Каримовга илҳом ва имкон берди; олим учун ҳақиқий маънавий қиёфасини, чин миллатпарвар зиёлига хос инсоний фазилатларини, қатъияти, шижоати, маърифий жасоратини намоён этиш учун майдон пайдо бўлди. Бу китоблар моҳиятида Н.Каримовнинг дардлари, адабий-ижтимоий қарашлари, давр адабий-назарий муаммоларига муносбатлари, ижод аҳлининг бошига тушган кўргуликларни сезишлари – барча-барчаси ўзига хос тарзда, баъзан фожеавий, гоҳида лиродраматик пафосга йўғирилган шаклларда намоён бўлди. Наим Каримов кўнгил одами. Бадиий ижод билан шуғулланиб, айрим шеърлар, ҳикоялар, драматик асарлар ёзганларидан хабарим бор. Худди шундай бадиий ижод табиатини англаш, унга меҳр-муҳаббат сезимлари

илмий асарларининг айрим саҳифаларида ҳам, хусусан, ижодкорнинг қалбига, ижод жараёнига тегишли ўринларда яққол билинади, кўзга ярқ этиб ташланади. Дарҳақиқат, олим “Абдулла Қодрий замондошлари” китобида ҳам ўз ижод йўлидаги адабий тажрибаларидан жуда ўринли фойдаланди. Кўплаб адабий манба ва маълумотлар мутолааси ҳамда синтезидан майдонга келган бу китобда Абдулла Қодирий билан боғлиқ бўлган икки юз элликдан ортиқ адабий сиймолар - шоир, ёзувчи, адабиётшунос, умуман, Абдулла Қодирийни кўрган, билган зиёлилар, оддий одамлар тўғрисида маълумотлар алифбо тартибида жойлаштирилган бўлиб, улар марказий мавзуни теранроқ ёритади. “Абдулла Қодирий замондошлари” китобига кирган шахсларнинг кўпчилиги, масалан, Мунаввар қори, Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Сулаймон барчага маълум ва машҳур сиймолардир. Айримлари эса, дейлик, А.П.Чехов, Максим Горький ёки Алексей Толстой каби рус адабиётининг машҳур намояндаларидир. Китобни ўқиб бу шахсларнинг бевосита ёки билвосита Абдулла Қодирийга алоқалари ҳақида ўқувчи керакли билимга эга бўлади. Н.Каримовнинг муҳим хизматларидан бири шуки, китобда бугунги кундаги кўпчилик ўқувчилар танимайдиган, аммо Абдулла Қодирий ҳаёти ёки ижодида ўз ўрнига эга айрим замондошлари учун ҳам саҳифалар ажратади.

“Муштум” журналининг рассоми ҳақида ким этишган? Барчага манхзур бўлган машҳур журналдаги қизиқарли ҳикоя, фельетон, ҳажвия асарларга барчанинг эътиборини тортадиган иллюстрация ва карикатуралар кимнинг қалами остидан чиққан? Марҳамат, китобда берилган Тулля Иоганн ҳақидаги маълумотлардан бу саволларга қониқарли жавоб олиш мумкин. Бу расмлар А.Қодирийга маъқул келгани боис адиб илтимосига кўра “Ўткан кунлар” романи алоҳида китоб кўринишида босилганида улар муқвасига ҳам Тулля расмлар чизган эди.

Ёки Лутфилла Абдуллаев – бу номнинг Қодирийга қандай алоқаси бор? Насабига қараб қариндошлиги хаёлга келиши ҳам мумкин. Аммо Абулла Қодирий асарларига меҳр қўйган бу инсон рассом бўлгани, мусаввир сифатида 60-йилларда адиб китобларига ўттиздан ортиқ расмлар-иллюстрациялар ишлаган. Истиқлол йилларида Алишер Мирзо ишлаган расмлар машҳур бўлди.

Китоб мазмунидан келиб чиқиб яна савол пайдо бўлади: дейлик, Рашид қози ким? Нима билан машғул бўлган у? Биров эшитган, биров билади ё билмайди. Рашид қози - Япония маркази бўлган Токода масжид қурдириб, ўша ерда имом-хатиблик қилган, XX аср аввалида Русия “Улфат” газетасин чиқарган зиёли - Абдурашид Иброҳимдир. 20-йилларда бир муддат Тошкентда ҳам бўлади. Бу инсон ҳам адибга замондош. Аммо Н.Каримов бу икки сиймонинг учрашган-учрашмагани борасида маълумотлар йўқлигини ҳам очиқ-ойжин ёзиб ўтади. Шунингдек, баъзи хотираларда келтирилган далилларнинг ишончлилик даражаси, ҳаётий асоси заиф бўлса, уларга ҳам муносабат билдирилади олим.

Ўқувчилар китобда айнан Абдулла Қодирий билан учрашиб суҳбатлашган ёки адабий ҳамкорлик қилган Холид Саид, Ализод Сайид Ризо,

Қамчинбек, Л.Е.Соцердотова каби ёзувчи асарларининг таржимонлари, уларнинг фаолиятига оид маълумотлар ҳамда сувратлари билан ҳам юзма-юз келишади.

20-йиллар адбий муҳити ҳақида “Улуғлар даврасида” китобини ёзган Масъуд Юнусов хотираларида ҳам Абдулла Қодирийга тегишли ўринлар бор. Ўтган асрнинг 90-йилларида бу инсон билан 20-йиллар адабий муҳити хусусида мен ҳам суҳбатлашган эдим. Одамнинг гоҳида Қодирийлар авлодини кўрганлар билан кўришганидан ҳам қалби қувончга тўлади. Академик Наим Каримов эса айни жиҳатдан ҳам жуда бой хазина эгасидир. Олим улкан қалб соҳиби ўлароқ қодирийлар яшаб ижод қилган муҳитни, одамлари дардини юрак-юракдан ҳис этади, Абдулла Қодирийга даврдош ва даврадош зиёлиларнинг кайфиятини сезади. “Абдулла Қодирий Навоий, Бобур, Машраб сингари ўз салафларидан фарқли ўлароқ, шундай бир даврда яшадики, бу даврнинг кўзлари унинг ҳар бир қадамини кузатиб турди; унинг нималарни ёзаётганини, қаерга бораётганини, кимлар билан учрашаётганини кўриб турди, бу даврнинг қулоқлари унинг сафдошлари билан, адабиёт мухлислари билан, қўни-қўшнилари билан учрашганида нималар деганини эшитиб турди, бу даврнинг темир қўллари уни бўғиб ташлашга доим тайёр турди”. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий яшаган мураккаб ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий замон об-ҳавоси шундай мудҳиш, бадбўй ва ҳар қандай ижодкорнинг кўнглини хуфтон қиладиган бир муҳит эди. Буни фақатгина шу инсонлар ўрнида туриб, ақалли бирор кун қўлига кишан кийган ёки терговчиларнинг туҳматона саволларига дуч келиб, ҳайрат бармоғини тишлаган инсонгина тасаввур қилиши мумкин.

Инсон умрини илм-маърифат, одамларга керакли китоблар безайди. Бу безакда олим ҳаётининг муҳри, юрагининг кардиограммаси, тафаккурининг бетакрор излари кўринади. Маърифатталаб ўқувчилар маънавият булоғи бўлган китобларни ўқиб, чанқоғини босишади ва дунёга бошқача назар билан боқишади. Яхши китоб – маънавият булоғи. Уларнинг манфаати, билмаганларга билмаганларини билдириши, мудроқ кимсаларни уйғотиши – бу эзгу ишда улкан савоб бор. Олим чинакам илмга бутун борлиғини бахшида этмагунча, ҳақиқатни топа билмайди. Агар илм инсоннинг умр мазмунига айланса, бу изланишлар, тадқиқотлар, тушуниш ва тушунтиришларда файз, завқ ва шавқ бўлади. Мен ўттиз йидан кўпроқ давр мобайнида билганим, бугун “Абдулла Қодирий замондошлари” китобини ўқувчиларга тақдим этган академик Наим Каримов ўз онгли умрининг бутун мазмунини илмга бағишлаган чинакам олим саналади.

“Абдулла Қодирий замондошлари” китобининг мазмун-моҳиятига кўра Абдулла Қодирий истеъдодининг олмос қирраларини замондошлари ҳам жуда яхши билишган эди. Академик Наим Каримовнингн умрбоқий асарлар хусусида келган хулосларидан бири шуки, “адабий истеъдодига абадият тамғасин босилган” адибларгина жисмонан қатл қилинса ҳам, ўз асарлари билан асрлардан асрларга ўтиб барча давр ўқувчиларига сирдош ва дилдош, даврдош ва даврадош бўлиб яшайди. Жумладан, Абдулла Қодирий ҳам.

ИЛМ ЗАҲМАТИДАН ТОПИЛГАН ШАРАФ

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Илм йўлидан юриш ҳамма замонларда ҳам осон бўлган эмас. Буюк шоир Муҳаммадризо Огаҳий таърифича, бу йўлнинг “нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг”. Лекин йўлчи собитқадам бўлса, охир-оқибатда кўзланган манзилга етмоғи ҳам айни ҳақиқатдир. Замонамизнинг машҳур адабиётшуноси академик Наим Каримов илм заҳматидан лаззат олиб, шараф топиб келаётган олимлардан.

Наим акани шахсан таниганимга ўттиз йилдан ошди. Илмий-адабий анжуманларда устознинг сокин, бироқ мағзи тўқ, теран илмий тафаккур маҳсули бўлган маърузаларини тинглаб, ҳавас қилганман. Қатағон қурбонлари тақдири ҳақида архив ҳужжатлари ва бирламчи манбалар асосида ёзилган, юксак интеллект ҳамда юрак тўлқинлари уйғун ифодаланган ҳароратли мақолаларини ўқиб, беҳад таъсирланганман, ҳатто газета ёки журналнинг ўша саҳифалари кўз ёшларимдан ивиб кетган.

“Фидокор” газетасида ишлаган кезларим журналистик фаолиятга бутун салоҳиятимни бағишлаганман. Замонамизнинг Озод Шарафиддинов, Тўрабек Долимов, Абдуқодир Ҳайитметов, Шариф Юсупов, Бегали Қосимов, Неъматулла Иброҳимов, Музаффар Хайруллаев, Тўра Мирзаев сингари атоқли олимлари, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов каби қаҳрамон шоиру адиблар билан адабий-маърифий суҳбатларим газетада пешма-пеш босилаётган кезлар эди. 1999 йил май ойининг бошларида устоз Наим Каримовнинг ҳузурига бориб, газета учун суҳбат ёзиб олиш ниятини билдирдим. Устоз мамнуният билан розилик билдирдилар. “Маърифат – саодат калити” сарлавҳали суҳбатимиз “Фидокор”нинг ўша йил 18 май сонида нашр этилди. Бу суҳбат учун Наим акамга илиқ фикрлар кўп айтилганига заррача шубҳам йўқ. Ҳатто каминага ҳам телефон орқали ёки бевосита кўришганда, раҳмат айтганларнинг сонини аниқ билмайман. Суҳбатни республикамизнинг барча вилоятларидаги бош газеталар кўчириб босди. Хуллас, устозга яқинлашганим заҳоти менинг ҳам шуҳратим ошиб кетди.

Шундан кейин Наим акам билан яқин одамларга айландик. Ўзаро мулоқотларимиз аста-секин ҳақиқий устоз-шогирд муносабати даражасига ўсиб чиқди. Яқинлашганим сари Наим аканинг ҳақиқий олим бўлиши баробарида одамийликда ҳам ўрнак бўла оладиган чин инсоний фазилатларини кашф эта бордим. Янгамиз ҳам муниса, меҳмондўст, самимий, устозга муносиб ҳақиқий зиёли аёл эканлар. Аллоҳ биргаликдаги умрларини зиёда этсин, бу оилага қанчалик ҳавас қилса арзийди.

Наим акам Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси ва Қатағон қурбонлари музейи томонидан ташкил этиладиган илмий анжуманларга мени мунтазам таклиф этиб келадилар. Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон ва

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг бошқа кўплаб намояндалари ижодий-маърифий фаолиятига бағишланган анжуманларда бирга иштирок этдик. Устоз Наим Каримовнинг иштироки бу анжуманларга алоҳида файз бағишлайди. Ҳар сафар янгидан-янги мавзуларда маърузалар қилиб, оҳори тўкилмаган тарихий-адабий факт ва маълумотларни келтирадилар, янги илмий талқинларни илгари сурадилар. Мен шундай тасаввур қиламан: Наим ака ҳатто уйда бўлган кезларида ҳам адабиёт ҳақида ўйласалар керак, илмий-ижодий тафаккур у кишининг доимий ҳамроҳи бўлса керак. Агар шундай бўлмаса, ҳозиргидек мўътабар ёшда ҳам бири иккинчисини такрорламайдиган янгидан-янги тадқиқотлар яратилмаган бўлар эди, деб ўйлайман. Назаримда ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл, Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл” деган ҳикматларини ҳаётий аъмоли даражасига кўтара олгани учун ҳам устоз Наим Каримов илмда, ижодий тафаккурда ҳануз фаол бўлса керак.

2019 йили умр йўлдошим Шаҳло Ҳожиева “Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини ҳимоя қиладиган бўлди. Ҳимоя кенгаши аъзолари биринчи расмий оппонентликка якдиллик билан чўлпоншунослик, наинки чўлпоншунослик, балки жадидшунослик ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Наим Каримов номзодини маъқуллади. Устозга телефон қилиб, бу хабарни етказсам, таклифни мамнуният билан қабул қилдилар. Ўзимча, устоз улуғ ёшда бўлсалар, уринтириб қўймасмиканман, дея истиҳола ҳам қилдим. Тақризни қўлёзма ҳолида тайёрласалар, компьютерга териб беришим мумкинлигини айтдим. Наим акам: “Безовта бўлманг, ўзим тайёрлаб бераман”, – дедилар.

Ҳимояга бир ҳафта қолганда, устоз менга телефон қилиб, тақриз тайёр эканини, олишим мумкинлигни айтдилар. Бориб тақризни олдим. Диссертация шу давр адабиётининг чинакам билимдони, Чўлпон ижодининг улкан тадқиқотчиси томонидан чин маънода чуқур таҳлил этилган эди. Илмий ишнинг ютуқлари ҳам, камчликлари ҳам теран тафаккур асосида далиллаб кўрсатилган, холис баҳоланган эди. Бу тақриз устоз Наим Каримовнинг ҳар бир ишга катта масъулият ва ҳалоллик билан ёндашувига ёрқин мисол сифатида биз учун ўрнак бўлди.

2021 йили муҳтарам Президентимиз қарорига кўра, Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Юбилей муносабати билан “Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция бизнинг Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказиладиган бўлди. Мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи олимлари иштирок этадиган анжуманга мақола ёзиб беришини сўраб, устоз Наим Каримовга мурожаат қилдим. Домла Абдулла Орипов ижоди бўйича мақола эълон қилмаганини айтиб, иштирок эта олмаслигини билдирди. Мен устознинг “Тошкент ҳақиқати” газетасида чиққан мақоласини ҳамда турли матбуот нашрларидаги

суҳбатларида билдирган фикрларини компьютерга кўчириб беришим мумкинлигини айтиб, у кишидан рухсат сўрадим. Рози бўлдилар. Барча маълумотларни бир тизимга солдим ва устозга электрон шаклда етказдим. Халқаро конференция 2021 йил 17 март куни ўтказилди. Ўша куни устоз Наим Каримов анжуманда ҳеч қандай қоғозга қарамай, Абдулла Орипов шеърияти ҳақида теран илмий тафаккурга асосланган ҳароратли нутқ сўзладилар. Анжуман якунида менга "Янги Ўзбекистон" газетасининг ўша кунги сони билан танишишни тавсия этдилар. Университет кутубхонасидан газетани олиб қарасам, не кўз билан кўрайки, Наим акам билан менинг ҳаммуаллифлигимда устоз Абдулла Орипов ижодига бағишланган "Нурли оҳанглар билан йўғрилган шеърият" сарлавҳали мақола чоп этилибди. Эҳтимол, турли нашрлардаги маълумотларни тизимга солишда айрим фикрлар қўшган бўлишим мумкин. Лекин Наим Каримовдай улуғ олимга ҳаммуаллифлик даражасида меҳнат қилмаганман, назаримда. Мана, шогирдга бўлган ҳиммат, бошқаларнинг озгина меҳнатини ҳам қадрлаш қандай бўлиши керак! Бу билан Наим акам менга устозлик мақоми ҳақида муносиб сабоқ берди. Бу сабоқни зинҳор унутиб бўлмас.

Наим акам билан бир қанча марта сафарларда бирга бўлганмиз. Устоз ҳақиқий олимларга хос самимий, қалби ҳар қандай гина-кудуратлардан холи, оққўнгил инсон эканига ана шундай сафарлар давомида қайта ва қайта иқрор бўлганман. Навоий шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодий меросининг жаҳон тамаддунида тутган ўрнига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда устоз билан алоҳида суҳбатлашиб қолдик. Устоз менга қараб, бундай савол бердилар:

– Матбуотда жуда фаолсиз, бунча ишга қачон ва қандай улгурасиз?

–Устоз, сизнинг ишларингиз олдида биз ёзаётган мақолалар бамисоли денгиздан бир томчидай, холос. Сиздай улуғ олимларга издош бўлиш насиб этса, қанийди... – дедим.

Наим Каримов ана шундай олим. Издошларининг ёзганларини ҳам муттасил ўқиб, ошириброқ баҳолаб, кейинги илмий-ижодий ишларга рағбат берадиган ҳақиқий устоз. Наим акам ўқиётганини билганимдан буён мақолалар ёзаётганда янада кўпроқ масъулият билан ёндаша бошладим. Худди устоз олим кузатиб тургандай, у кишининг ўткир ва теран нигоҳларини ҳис этиб тураман. Шогирдларнинг ишларига эътибор билан қарайдиган ана шундай устозларнинг борлиги қандай бахт-а!

Бир мухлис, издош сифатида устоз олимнинг Адабиёт музейи ва "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси жойлашган бинодаги ижодхоналарига тез-тез бориб тураман. Ҳар сафар борганимда устозни қизғин иш устида учратаман. Қайсидир китобни ўқиётган ёки компьютерда янги тадқиқотни ёзаётган бўладилар. Шундай табаррук ёшда муттасил илмий фаолият билан шуғулланиш учун қанчалик фидойилик, нечоғлик ғайрат ва шижоат керак-а!

Илмий-ижодий ишларини мунтазам ва режали йўлга қўйгани учун устозга қанчалик ҳавас қилса арзийди. Яқин йилларнинг ўзида устоз

олимнинг бутун бир юзйиллик адабиётимизнинг сара намуналари тадқиқига бағишланган “ХХ аср адабиёти манзаралари”, адабиёт ва ижтимоий-сиёсий муҳит муносабатлари теран таҳлил этилган “Адабиёт ва тарихий жараён”, оташин шоир ва фидойи педагог фаолияти янгича нуқтаи назардан ўрганилган “Муҳаммадшариф Сўфизода”, янги ўзбек адабиётининг бонийлари адабий мероси концептуал асосларда баҳоланган Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек ижодига доир оҳорли илмий кузатишларни жамлаган “Уч буюк сиймо” сингари бири-биридан салмоқли муҳташам китоблари дунё юзини кўрди. Илмий ҳаётнинг ичидаги одам сифатида шуни айтишим керакки, ХХ аср адабиётининг исталган масаласи устида тадқиқот олиб борадиган мутахассислар Наим Каримовнинг номлари саналган китобларини зинҳор четлаб ўта олмайди.

Устоз Наим Каримов табаррук 90 ёшни қаршилаяптилар. Худога шукрки, домла бу ёшни тетик ва бардам ҳолатда, чин маънода ҳавас қилса арзигулик илмий-ижодий хирмон билан кутиб оляптилар. Замонамизнинг улуғ олимини ана шу табаррук ёшлари билан қутлаймиз. Юз ёшга кирган кезларида ҳам устоз илмсевар ёшларга устозлик қилиб, Ҳақнинг ва халқнинг назарида бўлсинлар!

ЎТИШ ДАВРИ ЖАРАЁНИ ВА МУНАҚҚИД ЁНДАШУВИ

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари доктори

“Қайта қуриш” эпкини билан бошланган ўтиш даврига хос баъзи демократик ўзгаришлар ҳам ижтимоий-сиёсий соҳада, ҳам адабий жараёнда жиддий янгиланишларга, баҳс-мунозараларга кенг йўл очди. Бу даврга келиб халқимизнинг барча қатламларида, биринчи навбатда ҳамма соҳалардаги зиёлилиримизда фуқоралик туйғуси юксак даражада намоён бўлиб, ўзликни англашга бўлган иштиёқ кучайди. Натижада 80-йилларнинг охири ва мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган мақолалар, баҳс-мунозараларда адабий жараён муаммоларига оид кузатишлар билан бир қаторда адабий меросни, айниқса ХХ аср ўзбек адабиёти намояндалари ижодини қайта баҳолашга киришилди. Ўтиш даврида чоп этилган мақолалар янги фактларга, илгари кузатилмаган архив материаллари, хотира ва эсдаликларга бойлиги, шунингдек, ўткир публицистик руҳи билан нафақат мутахассисларда, балки кенг жамоатчилик ўртасида ҳам катта қизиқишга сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу типдаги мақолаларнинг халқимиз

дунёқарашини янгилаб, мустақиллик ғоялари руҳида шаклланишидаги ўрни бақиёс бўлди.

Шу жиҳатдан айниқса ҳассос мунаққид Наим Каримов фаолияти ибратли. Олимнинг бу даврда чоп эттирган ҳар бир мақоласи адабий жамоатчиликда катта акс садо берди. Айниқса, 90 - йиллар бошларида “Ўзбек зиёлилари жаллодлари” туркумидан “Фан ва турмуш” журналида чоп этилган “Чўлпон учун кишан” (“Фан ва турмуш”,1991,10-11сонлар), “Ассалому алайкум, дорнинг оғочи”(“Фан ва турмуш,1992,2 сон), “Қодирий боши − янги йил совғаси”(“Фан ва турмуш”,1992,3-4 сонлар), “Ойбек: тош экан бошим”(“Фан ва турмуш”, 1992, 6, 7-8-9 сонлар), “Ҳамзани ким ўлдирган ёхуд Шоҳимардоннинг қора баҳори”(“Ёшлик”, 1991,10-сон) каби мақолалар характерлидир. Ўзига хос дард ва ўткир фош қилувчи пафос билан суғорилган бу туркум мақолаларда собиқ шўро ҳукуматининг манфур, қаллобликка асосланган сиёсати аёвсиз фош этилади. Халқимизнинг уриб турган юраги, ор-номуси бўлган ўзбек жадид зиёлиларининг қисқа вақт – 1929 - 38 - йиллар оралиғида қатағонлик сиёсатининг курбони бўлишгани рад этиб бўлмайдиган далиллар билан асослаб берилади. Бунда барча нарса, айбномалардан тортиб тергов жараёнидаги савол-жавобларгача барчаси сохталаштирилгани, олдиндан белгилаб қўйилган режага мувофиқ тарзда ташкиллаштирилгани таҳлиллар билан асосланади.

Н.Каримов ушбу туркум мақолаларида ўзбек зиёлилари жаллодларининг кирдикорларини, жиноятларни аниқ далиллар асосида илмий-публицистик йўсинда талқин этиб беради. “Қодирий боши − янги йил совғаси” номли мақоласида улуғ адибнинг 1937 йилнинг сўнгги куни – янги йил арафасида ҳибсга олиниши тафсилотлари ёритилади. Ушба мақолада Абдулла Қодирийга оид сўроқ ҳужжатларида ўн ой давомида атиги бир марта, у ҳам бўлса, март ойига келиб чақирилгани қайд этилгани баён этилади. Мунаққид фикрича, аслида сўроқ жараёни ҳар куни шафқатсизларча давом эттирилган, аммо адибнинг метин иродасини синдириб, кўрсатма олиш март ойларигача чўзилганини қайд этади.

“Ҳозир собиқ ДҲҚ ҳужжатгоҳидаги Абдулла Қодирийнинг “жиноий иши”да фақат бир марта – ўша ҳам 1938 йилнинг март ойида (унинг ҳам куни қайд этилмаган) бўлиб ўтган сўроқнома сақланади.Бу сўроқнома билан танишган киши Абдулла Қодирий ўн ой ичида атиги бир марта сўроқ қилинган экан, деб ўйлаши мумкин. Аслида у шу ўн ой мабойнида тинимсиз сўроқ қилинган ва азобланган”[9].

Мақолада собиқ шўро жаллодларининг адиб иродасини синдириш учун турли усуллардан фойдаланишгани, нафақат тинимсиз сўроқ ва қийноқлардан, “...балки юзлаштирилган кечаги дўстлари ва шогирдларининг уни очиқдан-очиқ душман деб аташлари, унинг ижоди бўйича Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати томонидан ёзилган туҳматдан иборат тақризлар...”(22-бет)дан ҳам самарали фойдаланишгани қайд этилади.

[9] Каримов Н. Қодирий боши – янги йил совғаси .// Фан ва турмуш, 1992,3-4 сонлар.-Б.20.

Мунаққид адибга уюштирилган зулм туҳматининг бошдан оёқ сохталиги ва қонунсизлигини кейинчалик, 50-йиллардаги эътирофларни келтириш орқали ҳам асослайди.

1956 йиллардан сўнг “Хрушчеев баҳори” эпкини билан бошланган Қодирийни оқлашга оид саъй ҳаракатлар туфайли кўп сирлар очилишини ўша кезлари ҳаёт бўлган гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида ёритади. Бунга мисол тариқасида, 30-йилларда Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитаси раиси Холмат Қурбоновнинг Қодирийга уюштирилган туҳмат тақризни у ёзмагани, қўйилган баъзи имзоларининг ҳақиқийлигига шубҳа билдиргани ҳақидаги эътирофларидан, ўша кезлари қамоққа олиш ва тергов жараёнида иштирок этган Н.И.Тригуловнинг 1956 йилги кўрсатмаларида 1937-38 йилларда ИИХКда ўрнатилган қонунсизликлар ҳақида гапирилар экан, А.Қодирий шахсан Агабековнинг ташаббиси билан қамоққа олингани, савол-жавоб протоколлари Агабеков ва Апрасянлар томонидан шакллантирилиб, кейин маҳбусларга қўл қўйдиришлари ҳақидаги маълумотларни келтириш билан далилланади.

Ушбу мақолада мунаққиднинг куюнчаклик билан халқимизга қарата айтган қуйидаги таънамуз гаплари ҳам характерлидир:

“Мен соддалиги нодонлик билан уланиб кетадиган халқимдан ўпкалангим келади.1937 йилда уюшиб, Чўлпонларини, Қодирийларини, Фитратларини ҳимоя қилиши маҳол эди. Аммо жуда бўлмаса унинг, Абдулла Қодирийга ихлос қўйган кишиларнинг 1937 йил каллакесарларидан омон қолган мўътабар қўлёзмаларини спқлаб қолиши мумктин эди-ку! 1946 йил 1 декабрда Ҳабибулла Қодирий ҳибсга олингунга қадар “Ўткан кунлар”нинг ҳам, “Меҳробдан саён”нинг ҳам, “Обид кетмон”нинг ҳам қўлёзмаслари сақланиб келаётган эди. Адибнинг 2060 варақдан иборат қўлёзмаси, 2 ён дафтари, 217 саҳифадан иборат ёзишмаси ва унинг асарлари босилган яна бир талай журнал ва газета тахламлари шу куни олиб кетилди ва ёқиб ташланди. Адибдан қолган муқаддас буюмларнинг бу сўнгги намуналарини ҳам шу тарзда сақлаб қолинмади. Шунинг учун ҳам унинг хотираси олдида ҳаммамиз айблимиз”.[10]

Олимнинг “Чўлпон учун кишан” номли мақоласида ҳам буюк шоирнинг ҳибсхонада сўроқ қилиниши жараёнидаги қинғирликлар фош этилади.Бунда ДҲҚ архивида сақланаётган сўроқ савол-жавобларига оид ҳужжатлар тадқиқ этилиб, уларнинг шоирга нисбатан туҳмат айбловлар қўйиш учун уюштирилгани очиқланади. Тергов жараёнидаги қийноқлар боис иродаси синдирилган шоирга осонлик билан турли туман айбларнинг қўйилишини олим шундай изоҳлайди:

“Агабеков билан Тригулов 13-23 июль кунлари Чўлпон бошига ана шундай ит кунларни солган. Шундан кейин у, эиндондан тирик чиқишига заррача ҳам умиди қолмагач, ўзининг Совет ҳокимияти олдидаги “жиноят”ларини бўйнига олишга мажбур бўлган”.[11] Мунаққид

[10] Каримов Н. Қодирий боши – янги йил совғаси .// Фан ва турмуш, 1992,3-4 сонлар.-Б.23.
[11] Каримов Н. Чўлпон учун кишан // Фан ва турмуш. 1991, 11 сон.-Б.8

таъкидлаганидек, бошдан оёқ сохталаштирилган ушбу сўроқларда шоирга хитой жлсуси, партуркист, троцкийчи – мтддтй буржиа аксилинқилобий ташкилот аъзоси каби куракда турмайдиган айбловлар қўйилган.

“Бундай уйдирмадан иборат. Фақат ўзига эмас, балки барча зиёли дўстларига ҳам туҳмат тошларини ёғдирувчи қайдномаларни органнинг Агабеков, Тиригулов, Матвеев, Колосов сингари қаллоблари тузар, сўнг инсон боласи чидаши мумкин бўлмаган азоб ва таҳқирлар билан чалажон бўлиб ётган маҳбуслардан тасдиқлатиб олар эди”.[12]

Мунаққид ушбу шўро сиёсатчиларини фош қилувчи мақоласида яна битта оғриқли жиҳат ҳақида куюниб ёзади. У ҳам бўлса, Фитрат бир шеърида айтганидек, “шўр сувлар”дан чиқиб келганларнинг “думлари”, яъни ички хоинлар ҳақидаги фикрларидир. Мақолада ўша кезлари адабиётга алоқаси борлиги ҳам шубҳали бўлган Тўлқин, Н.Охундий кабиларнинг риёқорлик билан шоир ижоди ҳақида матбуотда иғво тақризлар уюштириши ҳақида ёзар экан, “...Чўлпон ва чўлпонларимизнинг қўл-оёқларига қадалган кишанларни уларнинг бу мақолада тилга олинган ва олинмаган замондошлари ясаган эдилар”, дея якун ясайди олим.

Н.Каримовнинг ўтиш даври фаолиятида шўро даврида яшаб ижод этган ижодкорлар ижодига бағишланган бир туркум мақолалари эълон қилинди. Булар асосан давр ситамларидан жабр кўрган У.Носир, Ойбек. М.Шайхзода, Шуҳрат каби ижодкорлар ҳақидаги мақолалардир. Таъкидлаш жоиз, бу давр танқидида Ойбек шахсияти ва ижодига жонкуярлик кўрсатган, у ҳақда кўп ва хўп ёзган мунаққид Н. Каримов бўлди. Олимнинг мақолаларида адиб ҳаёти ва ижодининг ҳали очилмаган қирралари янгича мезонлар асосида талқин этилди. Хусусан, унинг “Ойбек: тош экан бошим” (Фан ва турмуш. 1992. – № 5,6,7,8,9,10.) номли туркум мақоласи шу жиҳатдан характерлидир. Унда мунаққид Ойбек ҳаётининг номаълум ёки тўла ёритилмаган саҳифаларини қайта жонлантиради. Тарихий-биографик ёндашувнинг яхши намунаси бўлган бу мақолада Ойбек шахсиятига, ижодига 30-50 йилларда қўйилган айбловлар, туҳматларнинг илдизлари, зарарли оқибатлари очиб берилади. Ўзбек адабиётининг жаллодларидан бири бўлган, Ёзувчилар уюшмасида ишлаган В.Милъчаков ва унинг атрофига тўпланган маҳаллий хушомадгўйларнинг қабиҳ кирдикорлари фош этилади.

Бундай ёндашув ижодкор фаолиятининг очилмаган саҳифаларини ёритишга хизмат қилади. Унинг “Ўзбек адабиётининг жаллодлари”, «Ойбек ва жадидчилик», «Ойбек номли чўққи» каби туркум мақолаларида ҳам шу йўналиш давом эттирилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, устоз Наим Каримовнинг илмий фаолиятини кузатиб, ижодий ўзига хослиги ҳақида ўйлаганда, олим кузатишларида кўпроқ биографик ва қиёсий-тарихий методлардан самарали фойдаланиши ва тасаввур уфқининг кенглиги боис ижодкорнинг ижодий лабораториясига чуқур кириб боришини кўришимиз мумкин. Бунда олим худди моҳир изқувар ёки синчи каби ижодкор ҳаёти ва ижодига оид ҳар бир

[12] Ўша манба, 9-бет

факт ва детални, хотира ва тафсилотларни, ҳатто, ривояту афсоналарни ҳам синчиклаб ўрганиб, қиёсу таққослар орқали давр ҳақиқати ва ижодкор таржимаи ҳоли билан боғлаб, энг муҳими, ижодий фантазия билан бойитиб таҳлил ва талқин этадики, бу ҳол ижодкор поэтик оламини теран идрок этишга асос бўлади.

НАИМ КАРИМОВ – ҲАЙРАТ ФАРЗАНДИ

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори

Наим Каримовнинг “Ёшлик” журналида бундан ўн беш йиллар олдин чоп этилган “Брим қурган уй” деган эссеси хотирамда қаттиқ ўрнашиб қолган. Эсседа Бримнинг Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган асарларнинг юзага келишидаги хизматларига алоҳида баҳо берилган. Менда шундай таассурот уйғонганки: “Агарда Брим бўлмаса, бу асарлар пайдо бўлмасди”. Кейин Брим Германияга кетди. Нимагадир у ердан бирор бир ишининг акс-садоси эшитилмади, буткул йўқолиб қолди. Баҳодир Йўлдошевнинг янги ишларини томоша қилдик. Шундан сўнггина фикрлар тиниқлашиб, ҳамма нарса ўз ўрнига қайтди. Баҳодир Йўлдошев донишманд одам эди. Донишмандликнинг бош белгиларидан бири атрофдагиларига илҳом бахш этувчи қувват улашишида кўринади. Брим ҳам Баҳодир Йўлдош деган донишмандлик аккумляторидан қувват олиб ўз ишларини яратган экан. Наим Каримов ана қувват натижаларини илғаган, ҳайратланган, кўнгил лупаси билан қараб, катталаштириб ўқувчига тақдим эта билган экан.

Академик Тўра Мирзаев айтган бир хотира ҳам хаёлот уфқларимда тинмай айланиб юради. Наим Каримов деганда бот қалқиб чиқади. “Энди аспирантурага кирган вақт эди”, деб хотирлайди Тўра бобо. “Академиянинг гуманитар институти ёшлари янги йилни Шарқшунослик институти биносида тантана қилишди. Бордим. Шунда Наим Каримовни биринчи кўрганман. Гулдиратиб шеърлар ўқиб, даврани олиб борган эди...” Бу хотира ҳам чинакам ҳайратнинг акс-садоси бўлиб эшитилди, менга.

Устоз, академик Наим Каримовнинг Брим ҳақида ёзган асари ва у кишига замондош Тўра Мирзаевнинг “илк учрашув” билан боғлиқ хотирасида Наим Каримов ҳаёти, ижод йўлини аниқлашга хизмат қилувчи моҳият мағзи турибди.

Шеърни кўпчилик билади, ўқийди. Аммо катта давра иштирокчиларнинг ёдига бир умрлик хотир сифатида муҳрлаб, тантанани шеър билан бошқариш учун ҳам алоҳида иқтидор, талант керак бўлади. Энг муҳими кишида яратган юқтирган, ҳаммани руҳлантира олувчи илҳом булоғига эга бўлиш лозим.

“Бирим қурган уй” каби эсседа: “борни болдай кўрсатиш” маҳоратини намоён этиш, шеър воситасида СЎЗ сеҳри – магиясини тирилтириб, давра оқимини бир ўзанда юргиза билиш учун ҳам алоҳида ижодкорлик, ўзгача

қувват манбаига эга шахс бўлиш шарт. Наим Каримов иқтидорининг қирралари кўп... Домла том маънода ижодкор. Нимаики қилмасин, ижодкор мезонлари билан ўлчайди, баҳолайди, ёрита билади... Бу ҳодиса бизнинг – адабиётимиз, адабиётшунослигимиз ва халқимизнинг чинакам бахти...

Наим Каримов ижодини кузатар эканман яна бир жиҳат алоҳида эътиборимни олди. Бу фақат ижодкорларга хос хусусият эканлигини Чингиз Айтматов қаҳрамонлари мисолида яқиндан англагандек бўлган эдим. “Асрдан ортиқроқ кун” романининг асосий қаҳрамони Эдиге бу ҳақиқатни кўрсатди. Эдиге ким ўзи? Бир бийдай чўлдан ўтган, темир йўлнинг гадой топмас макондаги яримтўхтар жойда оддий навбатчи. Ғарбдан шарққа, шарқдан ғарбга қатновчи поездлар бу ерда нафас ростламайди ҳам. Асар аввалида ана шу темирйўл ёқасида изғиб, поездда кетувчиларнинг тасодифан вагон деразасидан ташлаб юборган нарсаларни еб кунини ўтказувчи тулки бекорга тасвирланмаган. Аслида вагон деразасидан атрофни томоша қилиб кетаётган йўловчининг кўзи тасодифан тулкига тушиб қолса, ҳайрат билан шерикларига: “тулки, тулки”, деб кўрсатгани каби, яримтўхтам ишчиси ҳам эгзотик томоша бўлиши аниқ. “Кун кўришга ишлаб турибди-да, бечора”, деб ўйлаганлар ҳам бўлади. Чингиз Айтматов ана шу одамни – бошқалар назарида оломоннинг типик вакили, бир қора ишчини, асарнинг бош қаҳрамони қилиб олади. У оддий кузатувчи эмас, кўнглида, онгида борлиқ олам – нафақат ер, балки бутун космос муаммоларига масъуллик ҳисси билан яшаётган инсон эканлигига бизни ишонтиради. Бу образ мени, ҳамиша йўл ўтказгичларда турувчи шундай кишиларни кўрсам, уларга Эдигедек алоҳида ҳурмат билан қарашни ўргатди. Академик Наим Каримовнинг мақола, эссе ва китобларидаги турли тақдирли кишилар ҳаёти ва ижодини ўқиш давомида ҳам ана шу хил кечинма кўнглимдан ўтади. Қанчадан-қанча қатоғон қурбонларининг ҳаёти Наим ака сабаб кўпга маълум бўлди. Шунчаки таништирилмади. Худди Эдигедай кўнгилларга ошно бўлгани бор гап...

Наим Каримовнинг ўзбек адабиётшунослиги ва адабиёти олдидаги энг катта хизматларидан бири XX аср адабиётимизнинг бир қатор пешқадам вакиллари ҳаёти, ижодини илмий маърифий роман сифатида жонлантириб кенг ўқувчиларга тақдим қилганида деб биламан. Бу шахслар ҳаёт йўли ва ижоди битилган асарларнинг аҳамияти вақт ўтган сари ортиб бораверади. Биргина шоир Миртемир ҳақидаги романни ёдга олайлик. Миртемир туғилган оила, қишлоқ, одамларнинг ҳаёти шунчалик аниқ, нуктадонлик билан берилганки, СИЗ Миртемир деган шоир ижодининг, поэтик тафаккурининг илдизларини яқиндан билиб оласиз. Шоир образлари ва асарлари ғоясининг қандай пайдо бўлганини теранлик билан англайсиз.

Наим домланинг театр, кино ва мусиқа санъатини нозик ҳис қилиб, етук мутахассис сифатида баҳо беришини кўпчилик билади, кўникилган воқелик. Яқинда у кишининг ўзига хос рассом эканларидан хабар топдим. Бу хабар менга Наим Каримов феноменини яқиндан кўриб тасаввур этишимга ёрдам берди. Наим Каримов – ҲАЙРАТ кишиси экан...

ЁНДАШУВЛАР СИНТЕЗИ ВА ПОЭТИК ИФОДА РАКУРСЛАРИ

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари доктори

Аннотация. Ушбу мақолада академик Наим Каримовнинг серқирра ва сероҳанг ижоди, хусусан ўзбек адабиётшунослигига бадиийлашган тафаккур усулини олиб кириши унинг инсоний табиатига хос шоирқалблик, фикрлаш йўсинида кузатилувчи эркин мушоҳадакорлик тамойили устуворлиги, адабий танқидчиликдаги ташаббускорлиги, журъатлилиги сингари профессионал фазилатлари, шунингдек ҳаётий тажрибалари, ижтимоий-адабий, маънавий-маърифий жараёндаги ўрни каби кўплаб омиллар билан чамбарчас боғлиқ тарзда комплекс ўрганилган.

Калит сўзлар: методология, адабий мерос, тадриж, бадиий матн, талқин, герменевтика, биографик метод, ижод лабораторияси, маданий-тарихий ёндашув.

XX аср адабиётшунослиги асосини рус адабиётшунослигида мавжуд методологик йўналишлар ташкил этди. Ўтган аср охирига келиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, умуммафкурада бўлгани каби, адабий меросга муносабат ҳам ўзгарди. Диний-тасаввуфий матнлар мумтоз поэтиканинг назарий таянч манбалари ёрдамида талқин этила бошлади. Адабий жараёнда содир бўлаётган турфа янгиланишларнинг ҳар бирига ўз моҳиятига мувофиқ тадқиқот мезонлари ва усулларини қўллаш эҳтиёжи юзага келди. Миллий адабиётшунослик ва адабий танқидчилик методологияси муаммолари тадқиқ этилган айрим диссертациялар, [Якубов И. 20:12] ўқув қўлланмалари ва рисолалар юзага келди. [Каримов Б. 15:88; Холбеков М. 21:140]

Муҳаммаджон Холбековнинг “Структур адабиётшунослик” (2014) рисоласида XX асрда Ғарбий Европа, Россия ва АҚШ адабиётшунослигида етакчи ўрин тутган структурализм ва структур адабиётшунослик тамойиллари ёритилди. Структурализмнинг ёрқин намоянлалари бўлмиш файласуф, адабиётшунос, тилшунос ва антропологлар ҳақида маълумотлар берилди. М.Холбеков тадриж, бадиий матн структур-семиотик талқини, Ролан Барт ва Алгирдас Греймаснинг структур адабиётшунослик назариялари, матн, интерматн ва интерматнлик – бадиий матнга “қайтиш” тарихий ва биографик адабиётшуносликдан жиддий фарқланувчи ҳодиса экани каби назарий масалаларни нисбатан кенгроқ ёритди. Дарҳақиқат, структурализм ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ рус адабиётшунослигида шакллана бошлаган, аммо унинг ривожига етарлича имкон берилмаган эди. Шунинг учун аср ниҳоясига келиб, рус адабиётшунослари ҳам эскича қарашлари инерциясидан қутулиш йўлларини излай бошлашди. [Греймас А. 2:135.]

Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдошнинг “Бадиий таҳлил асослари” китобида бадиий таҳлилнинг илмий асослари тадқиқ этилди. Бадиий асрларни таҳлил қилишнинг моҳияти, йўналишлари, етакчи тамойиллари каби назарий масалалар билан бир қаторда, муаммонинг амалий қирралари ҳам ёритилиб, жаҳондаги илмий мактаблар ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Жумладан интерпретация ва герменевтика, ижтимоий, формал, маданий-тарихий, натуралистик, тарихий-функционал, тарихий-типологик, қиёсий-тарихий таҳлил мактаблари, модерн ва постмодерн асарларга ёндашув йўсинлари ҳақидаги янгича қарашлар жамланди. [Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. 8:465]

Шунингдек, таҳлил ва талқин жараёнида Қуръон оятлари ва ҳадисларга таяниш, муайян тасаввуфий тамойиллар асосида ёндашув анъанаси ҳам қайта тикланди. Жаҳон адабиётшунослигида мавжуд биографик, социологик, формал, структурал, психологик, лингвистик, қиёсий-тарихий, герменевтик, синергетик, гипотетик методларни қўллаш ҳам ўз ижобий натижаларини бера бошлади.

Жумладан, биографик метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Бу методда муайян адиб шахси ва қизиқишлари, ижтимоий-адабий муҳити, тадқиқ қилинаётган асар ёзилган пайтдаги руҳий-психологик ҳолати, ижодига туртки берган омиллар, бадиий матннинг яралиш онлари – ёзувчи ҳаёт ва ижод тарзига дахлдор тарихий-индивидуал масалалар ҳамда ижод лабароториясига оид барча вазият-ҳоллар бадиий ижод моҳиятини белгиловчи факторлар саналади. Яъни санъаткор ижодини талқин этишда унинг “индивидуал тақдири ўзига хос калит вазифасини ўтайди”. [Борев Ю. 1:56] Зотан, чинакам бадиий асар ижодкор шахс интеллекти ва санъат ҳодисасининг табиати билан боғлиқликда юзага келади. И.О.Султоновнинг “Навоийнинг қалб дафтари”, Н.Ф.Каримовнинг “Чўлпон”, Д.Қуроновнинг “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” каби асарларида анашу хусусиятлар инобатга олинган эди.

Адабиётшуносликда биографик метод тамойилларининг ишлаб чиқилиши ва бу методнинг бадиий асарларга тадбиқ этилиши масаласини аксарият мутахассислар француз мунаққиди ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) номи билан боғлашади. Масалан, филология фанлари доктори Б.Каримовнинг “Адабиётшунослик методологияси” (2011) номли ўқув қўлланмасида Сент-Бёвнинг “Душанба кунларидаги суҳбатлар”, “Янги душанба кунлари”, “XVI аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори”, “Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи”, “Адабий портретлар. Танқидий очерклар” каби мақола ва китобларига мурожаат қилинган. Биографик метод адабиётшунослик амалиётига ёзувчи психобиографияси сифатида фаол тадбиқ этилган. Б.Каримов, тўғри таъкидлаганидек: “Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадиий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналлигини, ўзига хос табиатини намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги

ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталик, руҳий-ҳиссий кечинмалар, тўлқинланиш ва оғриқли дардлар, муаллақ ёки собит дунёқараш фонида унинг бадиий асарини талқин этиш ижобий самаралар бериши табиий. [Каримов Б.15:20]

Таъкидлаш ўринлики, ўқув қўлланмада Андре Моруа (1885-1967) ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Ўзбек адабиётшуноси А.Расулов тадқиқотларида ҳам биографик методдан фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланаётгани ижобий ҳол сифатида баҳоланган эди.

Дилафрўз Жабборованинг "Истиқол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида)" мавзусидаги диссертациясида замонавий ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижодининг назарий ва амалий масалалари қандай таҳлил этилгани ўрганилди. Ижодкор маҳоратини очишда қўлланилган концептуал ёндашув ва методларнинг илмий аҳамияти асослаб берилди. Диссертант мазкур тадқиқотнинг "Чўлпоншуносликда янгича босқич ёхуд тарихий-маданий ёндашув" фаслида Н.Ф.Каримовнинг "Чўлпон" (2003) маърифий романини таҳлилга тортди. Ёш олима Чўлпон фаолиятига бағишланган адабий-илмий манбаларни чўлпоншунослик тарихи аспектида махсус монографик йўсинда тадқиқ этаркан, ишга Сент-Бёвнинг биографик ҳамда Ипполит Тэннинг маданий-тарихий методларини методологик асос сифатида жалб қилади ва шундай ёзади:

"Чўлпон" романи улуғ шоир ҳақида битилган турли жанрдаги асарлар, унинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган илмий рисола ва монографиялар, хотира ва ёдномалар орасида ҳам илмийлиги ва ҳам оммабоплиги билан ажралиб туради. Чунки бу асарда Чўлпон яшаган давр, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқ турмуши, биринчи жаҳон уруши, Февраль ва Октябрь тўнтаришларининг Туркистон ҳаётига, зиёлилар дунёқарашига кўрсатган таъсири, охир-оқибат алданган, хўрланган халқнинг мард ўғлонлари олиб борган тенгсиз курашлар – барча-барчаси Чўлпон қисмати призмаси орқали талқин этилган. Унда жуда кўп далиллар, материаллардан фойдаланилган. Энг муҳими эса, Наим Каримов Чўлпон ижодининг бадиий-эстетик тадқиқидан, шоирнинг бадиий образини яратишдан тийилиб, бу улкан ва долзарб мавзуга маданий-тарихий аспектда ёндашиб тўғри усулни танлаган." [Жабборова Д. 4:136]

Кўринадики, Д.Жабборова мазкур асар жанрини "эссе-роман" тарзида белгилашда қуйидаги омилларни асос қилиб олган: 1.Илмийлик. 2.Оммабоплик 3.Талқиннинг Чўлпон қисмати призмаси орқали олиб борилиши. 4. Н.Каримовнинг бадиий-эстетик тадқиқдан, шоирнинг бадиий образини яратишдан тийилиб, бу улкан ва долзарб мавзуга маданий-тарихий аспектда ёндашгани.

Албатта, диссертант синчков кузатишлардан сўнг шундай хулосага келган. Бироқ, шу ўринда айрим мулоҳазалар ҳам туғилади. Зотан, "талқин" – арабча сўз бўлиб, у: изоҳлаш, шарҳлаш, тушунтириш, тарғиб қилиш каби маъноларни англатади. [ЎТИЛ 21:113] Адабиётшунослик нуқтаи назаридан

қаралганида, “талқинчи” – бу шарҳловчи, матнга ижодкорона ёнашувчи демакдир. “Тадқиқ” ҳам арабча сўз бўлиб, у – илмий асосда текшириш, ўрганиш, аниқлаш маъноларини англатади. Бу атама ҳам илмий текширишга дахлдор. Проф. А.Расулов ҳам талқин деганда, адабий матнни уқиш ва ўзлаштириш, сатрлар руҳига сингиш (микроанализ) имкониятларини, шунингдек структурал-семантик таҳлилни тушунади.[Расулов А. 18:232] Англашиладики, “Чўлпон” маърифий романи долзарб мавзуда битилган катта илмий-оммабоп тадқиқот экан. Н.Каримов изланишларининг гўзаллик ва нафис сўз санъати, бадиий ижод ва унинг шеър ҳамда бадиий наср шакллари, Чўлпоннинг адабиёт ва санъатга бўлган қарашлари системаси ҳақида бўлиши унинг адабий-эстетик ҳодиса эканини кўрсатади.

Шубҳасиз, ҳеч бир тадқиқотда бадиий образ яратилмайди. Аксинча, ёзувчи шахсининг шаклланиши, камол топиши билан боғлиқ барча омиллар атрофлича ўрганилади. Ижодий ниятда эмбирионал ҳолда юзага келган фикр-туйғунинг адабий-эстетик концепция даражасига ўсиб чиқиши ва уни ифода этишдаги поэтик маҳорат сирлари тадқиқ этилади.

Шундай экан, бу асарнинг “маърифий роман” эмаслиги негадир Чўлпон бадиий образи яратилмагани билан белгиланяпти. Умуман, маърифий романда “бадиий образ яратилиши” керакми? Бу жиҳат жанр табиатининг характерли белги-сифатими? Объектга маданий-тарихий аспектдан ёндашиш маърифий романлар учун мутлақо ёт ҳодисами? Агар, шундай бўлса, нима учун диссертант Андре Моруанинг И.С.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, В.Шекспир, О.Бальзак, В.Гюго, Ж.Байрон, Ч.Диккенс, Б.Шоу, М.Пруст, Л.Арагон ва бошқа рус, француз ва инглиз шоиру адиблари, драматурглари романлаштирилган биографияларини маромига етказиб ёзган шахс эканини эътироф этди экан?! Қолаверса, воқелик инсон қисмати призмаси орқали кўрсатилган асар илмийликдан кўра бадиийлик касб этмайдими?

Хуллас, жанрни белгилаш осон юмуш эмаслиги боис, юқоридаги сингари кўплаб саволлар туғилиши табиий. Зотан, Ш.Сент-Бёв биографик методида адабиётни изчил тадрижий жараён сифатида талқин этиш, муайян давр адабиётида сезиларли из қолдирган йирик адиблар ҳаёти ва ижодини халқ бадиий тафаккури тарихида тутган ўрни нуқтаи назаридан ўрганиш кўзда тутилади. Ипполит Тэн маданий-тарихий методи негизида ҳам адабиёт маданият ва тарихнинг ажралмас узви сифатида қаралади. Олим муайян миллатнинг у ёхуд бу кесимдаги тарихи, маданияти ва руҳий дунёси албатта эссе жанрида акс этади, – демаган. И.Тэнни қизиқтирган нарса ижодкор асарларида акс этган ҳаёт гўзаллиги, инсон қисматининг бадиий солномаси эди. Чунки, олим асарни муайян даврнинг бадиийлаштирилган ҳужжати сифатида қабул қилган эди.

Демак, истеъдод соҳибининг тақдири халқ қисматига вобаста ва поэтик маҳорати юксак бўлса, юқоридаги жиҳатлар ҳар қандай жанрда ҳам ёрқин намоён бўлиши мумкин. Бинобарин, биз “Чўлпон” асарида эссега хос айрим хусусиятлар мавжудлигини эътироф этган ҳолда, Н.Каримов унинг жанрини “марифий роман” сифатида тўғри белгилаган, деган фикрдамиз.

Дарҳақиқат, Наим Каримов XX аср ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойилларини чуқур ўрганган олимларимиздан бири. Кейинги йилларда у Чўлпон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Ойбек ва Ҳ.Олимжон сиймоларини роман жанрига кўчирди. [Каримов Н. 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14] Бу тасодиф бўлмай, Н.Ф.Каримов ўз изланишларида:

XX аср ўзбек адабий воқелигига хос кўплаб йўналишларни қамраб олди. Ойбек, Ҳ.Олимжон мукаммал асарлари нашрини тайёрлаш йўлида мислсиз заҳмат чекди. Бирламчи ҳужжатларни беҳад сабр-тоқат, сабот-матонат билан синчиклаб ўрганди. Тарихий-адабий фактларни қиёслаб, нуктадонлик билан таҳлил қилди;

А.С.Пушкин, М.Беҳбудий, Чўлпон, Ҳамза, У.Носир, Ҳ.Олимжон, Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаххор сингари атоқли адабий сиймолар ижодини холисона тадқиқ этди;

баҳс-мунозарали ҳолатлар, шаклланган нотўғри тасаввурларга маънавий жасорат билан аниқлик киритиш орқали кўплаб ноаниқликларни дадил бартараф этди;

ўтган аср миллий адабиётимиз панорамасини яхлит ва фундаментал тарзда яратишга астойдил ҳаракат қилди.

Шу тариқа адабиётшунос олим, носир ва драматург Н.Каримовнинг Навоий сиймоси яратилган музикали драмаси, шунингдек Чўлпон, У.Носир, М.Шайхзода ҳақидаги маърифий ва маърифий-биографик романлари юзага келди. Таъкидлаш ўринлики, ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ҳаёти ва ижодини миллий ғоя негизида ўрганишга самарали улуш қўшган олимнинг хизматлари муносиб баҳоланди. У – Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1985), филология фанлари доктори (1993), профессор (1994), Ўзбекистон республикаси фан арбоби (1996) бўлди. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. (1999), Ўзбекистон ФА ҳақиқий азолигига сайланди. (2018).

Академик Б.А.Назаров Н.Каримовнинг мунаққидлик фаолиятини ўрганишга бағишланган “Давр ва мунаққид” номли мақоласида: “Ижодий серқирралик, сероҳанглик, ранг-баранглик, кўтарилаётган муаммолар ҳамда уларнинг ечимидаги журъат, янгиликлар ва ташаббус сингари фазилатлар жиҳатидан бугунги танқидчилигимизда Наим Каримов билан беллаша оладиган мунаққидларимиз йўқ десам фикримни муболағага йўйманг” - деб ёзади. [Назаров Б.16: 3]

Дарҳақиқат, Н.Каримов табиатан шоирқалб инсон. Шу боис, у ўзбек адабиётшунослигига **бадиийлашган тафаккур усули**ни олиб кирди. Айни пайтда, олим тадқиқотлари илмий-ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан ғоят залворли ва теран. Унинг фикрлаш йўсинида қолиплашган услубдан кўра, мушоҳада тизгинини эркинроқ қўйиш тамойили устувордир.

Б.Назаров ва Ш.Аҳмедова қаламига мансуб “Миллатнинг ҳассос олими” номли рисолада Н.Каримов ҳаёт йўли ва илмий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинаркан, унинг дунёқараши, маслаги, ҳаётий позицияси, билимларининг кўлами ва қизиқишлари, бетакрор хулқ-атвори, маънавий юксаклиги, касбий

маҳоратининг узлуксиз такомиллашиб бориши жиҳатидан кузатилди. Адабиётшуноснинг ҳассос қалби ботинига имкон қадар теранроқ кириб боришни мақсад қилган муаллифлар фикрича: Н.Каримов нозик дидли, атрофни нафосатли англагувчи ижодкор инсон. У бутун бир соҳа ёхуд унинг улкан бир даври ҳақида атрофлича тасаввур бера олувчи ноёб мутахассислар сирасига киради. Н.Каримовнинг ҳис-туйғу ва кайфиятлари, руҳияти ҳамиша эмоционал ҳолатига мутаносиб. Ғоят соддадил ва айни пайтда, ўта билимдон бу шахс гўзалликдан фавқулодда завқланади. Шунинг учун, тахайюлида туюлган фикрларни нозик ҳиссиёт пардасига ўраб ифода этиш салоҳиятига эга. Ниҳоятда сезгир ва таъсирчан қалб соҳиби. Нарса-ҳодисалар моҳиятини тез ва тўғри ҳис этишга қодир. Ўткир зеҳнли фаол олим. Заҳматкаш мантншунос. Кузатувчан мунаққид ва беназир адиб. Беҳаловат публицист ва моҳир драматургдир. [Назаров Б., Ахмедова Ш. 17:23] Рисолага Сўзбоши ёзган Х.Дўстмуҳаммад: “... бундай мартабага кимнингдир хоҳиш-истаги билан ёки махсус саъй-ҳаракат ёрдамида эришиб бўлмайди, балки у – инсонга тақдирнинг ажиб бир иноятн сифатида насиб этади,” [Дўстмуҳаммад Х. 3:3] деб таъкидлайди.

Н.Каримов 1999 йилдан эътиборан Ўзбекистон маърифатпарварлари жамиятининг раиси; Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси; 2002 йилдан бошлаб “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори бўлиб ишлаган йилларида унинг илмий фаолиятида адабий ҳодисаларни тарихий воқеалар, бадиий асарларни адиб ҳаёти ва маънавий-эстетик олами билан чамбарчас боғлиқликда ўрганиш тамойили устуворлик қилди.

Кўринадики, Чўлпон, У.Носир, М.Шайхзода ҳақидаги маърифий-биографик романлар ёзилишида Н.Каримовни дунёга келтирган, танглайини кўтарган, камолга етказган оилавий ҳамда ижтимоий-адабий муҳит билан бир қаторда, унинг адабиётшунос, матншунос, мунаққид, эссенавис, методолог, драматург каби барча феноменал қирралари фаол иштирок этиб, тарихий-маърифий ёндашув йўсини юзага чиқишида муҳим омил вазифасини ўтаган.

Демак, маърифий-биографик роман ўз асарлари, бетакрор инсоний фазилатлари ва порлоқ образлари билан миллий маънавият, хусусан адабиёт хазинасидан муносиб жой олган, машаққатли тақдири билан боғлиқ ибратли хотиралар халқимиз онги ҳамда қалбида абадий яшаётган улуғвор сиймолар ҳақида яратилади. Унинг муаллифи кўпинча, танланган объектнинг юрак қони билан битилган асарлар, шахсий ва ижодий ҳаёти тасвирланган китоблар, замондошларининг хотиралари билан бир қаторда, халқдан пинҳон тутилган ҳужжатларга ҳам таяниб иш кўради.

Жумладан, Н.Каримов ўзининг “Мақсуд Шайхзода” номли маърифий-биографик романида Мирзакалон Исмоилий, Ҳаким Назир, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Йўлдош Муқимов, Марям Ёқубова, Ҳафиз Абдусаматов, Жуманиёз Жабборов, Шукрулло, Юсуф Шомансур, Туроб

Тўла, Жонрид Абдуллахонов хотиралари; шоирнинг Асқад Мухтор, Жамол Муҳаррамли, Жуманиёз Жабборов билан ёзишмалари; архив ҳужжатлари ва Шайхзода ҳаётига оид кўплаб фотосуратлардан самарали фойдаланган. Айрим асарларини таҳлилга тортган. Уларнинг ёзилиш тарихи ва тақдири ҳақида қимматли мулоҳазалар юритган. Ардоқли сиймоларнинг ҳаёт йўли, илмий ва ижодий фаолиятига теран назар ташлаб, уларнинг ақл-заковати, бой билими, руҳий оламининг гўзал ва нафис жилвалари, улуғвор инсоний қиёфаси, бетимсол сабр-бардошу матонати билан кенг китобхонлар оммасини яқиндан таништириш мақсадини кўзлаган. Бир мутафаккир инсон муборак номи – ҳақиқатга яқин сийрати халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмаслигини истаган.

Демак, маърифий-биографик романда муаммога ёдашув имкониятлари анча кенгаяди. Тарихнинг муайян босқичида яшаган ижодкор инсон сийратидаги миллат ва халқ руҳига яқинликка эътибор ортади. Унинг ижод лабораториясига чуқурроқ кириб борилади. Адабий асарларини тарихий-генетик, маданий-тарихий, психологик, социологик, биографик методлар асосида тадқиқ этиш ва санъат ҳодисаси сифатида ўрганиш имкони юзага келади. Ижодкор шахси шаклланишида оила, ижтимоий муҳит, даврнинг муҳим роль ўйнаши билан чегараланиб қолинмай, шоир сийратини унинг бадиий асарлари бағридан – руҳий биографиясидан излаш, ижодининг маънавий-руҳий жиҳатларини ўрганишга эътибор ортади.

Чунки, бадиий образ – ижодкорнинг дунё билан алоқаси таъсирида пайдо бўлган кечинмалари ифодаси. Унда муайян шахс маърифатига хос белгилар – шоирни қийнаган дардлар, ўй-ҳислар акс этади. Шунинг учун, маърифий-биографик романда интуитивизм ва психоанализ муҳим ўрин тутади. Янада аниқроқ айтганда, муаллифнинг шоирга бўлган “ҳамдардлиги” бадиий бутунликни интуитив тарзда бевосита тушуниш ва талқин қилишга олиб келади. Жумладан, Н.Каримов “кечинма”ни марказий ўринга қўяди. Контекстуал таҳлил асносида ижодкор шахси, унинг дунёқараши, инсоний қиёфаси масаласига жиддий эътибор қаратади. Бадиий асарни Чўлпоннинг ҳаёт йўли, кўп қиррали биографияси негизида ўрганади. Мавжуд фактларни жонлантиришга, айрим етишмаган ўринларни гипотетик мушоҳада асосида бойитишга ҳаракат қилади.

Муҳими, Н.Каримов маърифий-романларида шоирлар биографияси даврнинг ижтимоий, маданий, маърифий шарт-шароитлари билан чамбарчас боғлаб талқин қилинади. Муаллиф турфа ёндашувларни синтезлаштиришга эришади. У.Носир, Чўлпон, М.Шайхзола, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Зулфия каби кўплаб шоирларимизнинг ҳаётсевар ижодкор ва буюк инсон сифатидаги жонли образларини яратиб, китобхонда уларга нисбатан самимий ҳурмат, эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Афсуски, таниқли муаррих Бўривой Аҳмедовнинг Амир Темур, устоз навоийшунос Азиз Қаюмовнинг Алишер Навоий, адабиётшунос ва носир Пирмат Шермуҳаммедовнинг Беруний, Замахшарий, Султонбегим ҳақидаги асарларида юқоридаги фазилатлар етишмайди. Шу шахсларнинг ҳаёт йўли

тарихий ҳужжатлар асосида ёритилади. Ўша фактларга жон ато этилмайди. Шунинг учун, бу асарлар халқнинг аллома фарзандлари, улуғ саркардалар, донишманд олиму уламолар ҳақидаги тарихий-хроникал баён тусини олади. Тасвир ва талқин объектига маданий-тарихий аспектда ёндашган уч муаллифдан бири тарихшунос, иккитаси адабиётшунос. Уларнинг барчаси етарли илмий салоҳиятга эга. Шу боис, ўзлари танлаган қаҳрамонлар таржимаи ҳолига дахлдор манбаларга тадрижий-хронологик нуқтаи назардан ёндашишган. Бироқ, асар ижтимоий салмоғи ва бадиий-эстетик қимматини белгиловчи муҳим омил танланган объект шахсияти, ижодий концепциясига кириб боришда тасаввур ва тахайюл кенглиги таянишдир.

Наби Жалолиддин қаламига мансуб “Тегирмон” романида [Жалолиддин Н. 5:12-41] Чўлпон ҳаёти ва ижоди эпик кўламдорликда бадиий ифодага кўчган. Адиб романда ретроспектив тасвир усулидан самарали фойдаланади. Чўлпоннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари – маънавий-руҳий шаклланиш даврига экскурс қилади. Натижада, бўлажак шоир ота-боболари Муҳаммад Юнус ва Сулаймонқул баззозлар баҳонасида романга Андижоннинг истило қилиниши, Дукчи эшон қўзғолони каби ҳаёт картиналари кириб келади. Н.Жалолиддин воқеликка уч авлоднинг индивидуал муносабатини кўрсатиш орқали тасвир ракурсини турфа нуқтаи назарлардан олиб боради. Сабаб ва оқибатларни теранроқ очиш ва китобхонга англатишга эришади. Роман бадиий вақтига қарийиб олтмиш йиллик воқеаларни сиғдиради. Адабиётшунос Д.Қуронов таъбири билан айтганда, “... романдаги тафсилотлар полуфункционаллик касб этади”. [Қуронов Д. 23: 42]

Адиб даврни Чўлпоннинг мушоҳадакор нигоҳи, сезгир қалби билан кузатади ва баҳолайди. Китобхонни ҳам шоир яшаган давр руҳига имкон қадар ёвуқлаштиради. Д.Қуронов асарда давр воқелигининг зиёли нигоҳи билан берилишини “Клим Самгиннинг ҳаёти” (М.Горький), “Доктор Живаго” (Б.Постернак) асарларида қўлланилган ифда усуллари билан қиёслашга интилган. Биз ҳам романнинг кўплаб муваффақиятларини эътироф этамиз. Аммо, Д.Қуронов тўғри илғаганидай, ёзувчи ўтмиш фактлари изоҳида чалкашликларга йўл қўяди. Айрим ўринларда биографик маълумотлар изчиллигини ўзгартириб юборади. Жумладан, ўн саккиз яшар Чўлпоннинг портрети: “...басавлат, бўйи салкам уч газ келадиган, елкалари кенг ўн саккиз ёшлардаги кўркам йигит” тарзида чизилиши тасаввуримизга муҳрланган шоир сиймосини афсонавийлаштиради. Жимжимадор тасвир эса, реалистик ифода йўсинига мувофиқ келмайди. Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий “Бухоро жадидлариниг пешволаридан” бири экани ёхуд амирликда муфтий лавозимида бир неча йил фаолият кўрсатиши, баъзан башоратгўйлик қилиши каби талқинлар тарихий ҳақиқатга мутлақо мос келмайди.

Адиб романда жадидчилик ҳаракати йирик вакили, ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири, таниқли жамоат арбоби Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (1878-1937), Туркистон мухторияти ҳукумати Бош вазири Мустафо Чўқаев (1886-1941), туркий халқлар миллий озодлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, шарқшунос-туркшунос олим Аҳматзаки Валидов (1890-

1970), тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби Муҳаммаджон Тинишбоев (1890-1938) каби тарихий шахслар образини холис тасвирлашга эриша олмайди. Янада аниқроқ айтганда, уларнинг асл мақсади ва Туркистон жадидлари билан дўстона муносабатини етарлича англаб етмайди. Айни пайтда, романда ҳамиша ҳам поэтик ифода гўзаллиги таъминланмайди. Хуллас, Д.Қуронов, кейинчалик, проф. Қ.Йўлдошев Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср ижодий Кенгаши ҳисобот йиғилишидаги маърузасида таъкидлаганидек, романнинг анча ўринларида ҳаёт материали тўлақонли бадиий асарга, (“диспозиция композиция”га) айлантирилмайди.

Бадиият ҳодисаси юзага келмаслиги сабабларидан яна бири поэтик тасвир ўрнини тарихий ахборот эгаллашидир. Масалан, романда шундай ўринлар борки, улар етарлича бадиий сайқал топмай, қуруқ ахборот тусини олади. Хусусан, ёв қўлига ўтган эски Тошкент: “кўзи юмуқ ҳолда уйғониши”, яъни янги Тошкентда дунё тамаддуни янгиликлари жорий этилиши билан боғлиқ тафсилотлар фикримизни далиллайди:

“Тошкент ўрис полицияси (жандармерияси) ҳарбийлари яроғи остида мазлум Туркистоннинг маъмурий марказига айланиб борарди. Аҳоли сони, айниқса, мусофирлар ҳисобига нафақат йил сайин, балки кун сайин ортаверди. Янги Тошкентда дунё тараққиётининг янгиликлари жорий этилаётгани учун яшаш тобора осонлашиб борарди. Масалан, аввалларн Янги шаҳар аҳли Эски шаҳар орқали ўтган Хадрахон ариғидан сув ичган бўлса, энди ғаним сув қувурлари ўрнатишга киришди.” [Жалолиддин Н. 5:14]

Муаллиф шаҳарга кейинги ярим асрда ҳукмронлик қилган маҳаллий амалдорларнинг иштиёқсизлиги, низолар авж олиши, нафс йўлидаги турфа эврилишлар оқибатини кўрсатмоқчи. Очиғини айтганда, ёзувчи “ғаним” деб тилга олаётган кимсалар бунёд этаётган улуғвор обидалар эски Тошкентнинг забун аҳволини янада бўрттириш баробарида, бу бой минтақага неча юз йиллардан бери қармоқ ташлаб келаётган чор Россияси маъмурларининг асл мақсадини сояда қолдиради.

Умуман, “Тегирмон”нинг жанрини адиб “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳақида роман” дея тайин этишига қарамай, уни маърифий-биографик роман тарзида белгилаш мушкул. Чунки, кузатишлар шуни тасдиқлайдики, муайян асар жанрнинг мазкур шаклига мансуб бўлиш учун тарихийлик ва илмийлик таъминланиши факторигина етарли эмас. Шунингдек, объектнинг бадиий образини яратиш, асарни тўқима қаҳрамонлар ҳамда сюжет асосига қурилган воқеалар тасвири ҳисобига бойитиш ҳам ўзини оқламайди. Шоир ҳаёти ва ижоди талқинида илмийлик етакчи (лейтмотив) бўлиши лозим. Айни пайтда, аниқ бадиий-ғоявий концепция ҳам зарур.

Масалан, Н.Каримовнинг “Чўлпон” маърифий-биографик романида шоир ҳаёт йўлига дахлдор ижтимоий-хронологик баён унинг илмий-бадиий сиймосига хос чизгилар асосида берилади. Чўлпон яшаган давр ва шу муҳит одамлари тарихий-ижтимоий аспектда – маърифий биография ижтимоий-адабий муҳит контекстида ёритилади. Асарга шоирга дахлдор бўлган барча манбаалар фаол жалб этилади. Роман мундарижаси ҳам: “Уйғониш”,

“Булоқлар”, “Тонг сирлари”, “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола” тарзида тузилади. Бир қарашдаёқ, уларга Чўлпон асарларинng номи асос бўлгани, демак, адиб шоир ҳаёт йўлини унинг ўз битиклари негизида ёритгани англашилади. Н.Каримов қаламига мансуб “Мақсуд Шайхзода” маърифий-романи композицияси: “Булутли тонг”, “Гуллар баргида шабнам”, “Момагулдиракли йиллар”, “Бўрон гурлаганда”, “Яшил хиёбон”, “Дўрмон оқшомлари”, “Алвон шафақлар” қабилида номланувчи етти фаслдан таркиб топади. Бу ўринда шоир асарлари композицияга асос қилинмаса-да, адиб М.Шайхзода маърифий биографиясини давр контекстида ёритиш бадиий-эстетик концепциясига содиқ қолган. Таржимаи ҳолга дахлдор энг муҳим нуқталар изчил кузатилиб, улар шоир кўнгил кечималарининг бадиий ифодаси сифатида поэтик талқин қилинган.

Н.Каримов барча асарларида у ёхуд бу шоирнинг шахсияти, ижоди ва у яшаган давр ҳаётини яхлит уйғунликда тасвирлайди. Китобхон адабиётшуносликда фаол истеъмолга кирмаган хотиралар, архив ҳужжатлари билан танишади. Ҳатто М.Шайхзоданинг бўйи 165-170 см бўлганию 1950 йилнинг 30-31 ноябрь кунлари Ёзувчилар уюшмаси пленуми чақирилгани, унда кимлар “алоҳида фаоллик” кўрсатганигача билиб олади. М.Шайхзода ўлими ҳақидаги тиббиёт хулосасини кўради. Чунки, адиб зоҳиран статистика ҳисоблаш мумкин бўлган бундай маълумотларни ҳам асарга олиб кириш орқали фактларни асосли тарихий манбаалар, ўша давр воқеалари жонли гувоҳларининг хотиралари орқали далиллайди. Адабиётшуносларнинг айрим масалаларга дахлдор фикр-қарашлари ҳақидаги мулоҳаза-мушоҳадалар ҳам китобхон эътиборини жалб этади. Аксарият ўринларда, биз Н.Каримовни моҳир руҳшунос сифатида кўрамиз. Зотан, адиб ўз объектлари қалбида кечган нурли лаҳзаларни тиклашга, хассос қалби билан ҳис қилишга интилади. Шундай ўринларда, бу асар тарихий саналар ва манбалар, тарихий шахслар аниқ кўрсатилган, конкрет инсон ва тарихий давр, ижод ва ижод психобиографияси ёритилган индивидуал талқин – мустақил тадқиқот экани ойдинлашади.

Далиллар аниқлиги бу типдаги асарларга илмий-публицистик баён усулини олиб кирганини билсак-да, тасвирланган лавҳада соф бадиийлик таъминланмагани ҳафсаламизни пир қилмайди. Илмий очерк характерини касб этган талқинлар китобхонни ўз ортидан эргаштира олади. Бошқачароқ айтганда, Н.Каримов маърифий-биографик романлари баён тарзида талқин оҳанги турланиб туриши, улар бири иккинчисини тўлдириб, юксалтириб, асар оммабоплик хусусиятини таъминлаб келиши ўзига хос фазилат санашга арзийди. Тўғри, адиб ижтимоий-тарихий шароит ва ҳаётий вазиятлар талқини ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён қилишда илмий тадқиққа асосланса ҳам, танланган жанр типи оммабоплигидан келиб чиқиб, академик илмга хос аниқликка риоя қилмайди. Ана шу жиҳатни “Чўлпон” романи мисолида пайқаган профессор Б.Қосимов: “Чўлпондай шоирни кенг оммага танитиш йўлидаги мақсад ва иштиёқ муаллиф танлаган усулни оқлайди”, деб ёзган эди. [Қосимов Б. 22: 4]

Н.Каримов романда асосли далиллар: даврий матбуот нашрлари, “гувоҳ”лар ўз қўли билан ёзган ва давлат хавсизлик назорати органлари архиви заҳирасида сақланаётган маълумотлар, тергов стенограммаларига таяниб қалам тебратган. Чўлпон қисмати ва унинг кўнгил призмаси орқали шоир яшаган ижтимоий давр фожиалари, яккаҳоким мафкура сиёсатининг мислсиз шиддати ва бешафқат хунрезликларини холис таҳлил ва талқин қилган, асосли далиллашга эришган.

Адиб бу долзарб ва қутлуғ мавзуга кўпроқ маданий-тарихий аспектда ёндашган. У Чўлпон ҳаёти ва ижодини бадиий-эстетик тадқиқ этиш, шоир бадиий образини яратишдан тийилган. Романда турфа хил талқинлар синтезлашган. Маърифий-биографик роман мундарижаси ўзининг илмий-оммабоп табиати билан Чўлпон ҳаёт ва ижод йўли ҳақида бошқа жанрларда: (мақола, илмий рисола, монография, хотира-ёдномар) битилган асарлардан фарқланади. Романнинг маърифий аҳамияти унинг яқин ўтмиш тарихимиз ва қатоғонлик даври ноҳақ қурбони ҳақида битилгани билангина ўлчанмайди.

Н.Каримов маърифий-биографик романларининг аҳамияти қуйидаги жиҳатларда ёрқин намоён бўлади:

Биринчидан, улар миллат этносоциал бирлик эканини чуқур англаган, унинг эркин ва озод тараққиёт йўлига ўтишида фаол курашга отланган, шу маслак учун жонини аямаган ватанпарвар ва миллатпарвар инсонлар ҳақида битилган. Инсон қисматидан ибратли хулосалар чиқарилган. Улар яшаган давр ва жамият ҳукмрон мафкураси асосли тарзда инкор этилган.

Иккинчидан, бу романларда ёш авлодга ҳар бир инсон ўз-ўзини англаши замирида алоҳида шахс шаклланиши, шахслар бирлигидан эса, миллат юзага келиши уқтирилган. Муаллиф тарихимизни сохталаштирган ва миллат зиёлиларини қатағон қилганларга нафрат ўқиган. Биз ҳамиша ўзимизни мустақил миллат – улуғ халқ сифатида ҳис этиб келганимизни нафақат тарихий, балки илмий ва маданий-маърифий негизда кўрсатиб берган.

Учинчидан, мислсиз оғир кулфатларни бошидан кечирган ўзбек миллати ва унинг Усмон Носир, Чўлпон, Ойбек каби маърифатли зиёлилари муқаддас қадриятларидан воз кечмагани мисолида, ҳозир ҳам жаҳондаги барча миллат ва элатлар собиқ иттифоқ давридаги каби ассимиляциялашиш сиёсати томон эмас, балки ўз “мен”лигини намоён қилиш, тасдиқлаш сари астойдил ҳаракат қилаётганини уқтирган. Поэтик матн ботинида эса, ҳар қандай давлат тараққиётининг муҳим омили – бу миллатлараро самимий, беғараз ва дўстона муносабатлар эканига эътибор қаратган.

Тўртинчидан, Н.Каримов асарлари китобхонни яқин ўтмишдан ибратли сабоқлар чиқариш, истеъдодларни қадраш, ҳасад билан эмас, балки ҳавас билан яшаш, мард, жасур, курашчан бўлишга ўргатади. Адиб маънавий-маърифий салоҳиятимиз нақадар улуғ бўлганидан сўзлаш орқали, миллий онгимизга тарихий тараққиёт ва нурли истиқбол ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини сингдиради. Маданий мерос, тарихий хотира ва азалий қадриятлар ҳақидаги маърифий-биографик романларда ифодасини топган етакчи фикр-

қарашлар китобхон онгини фаоллаштириш, амалий ҳаракатини Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзланган аниқ мақсадлар ижросига йўналтиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, ўз-ўзини англаган китобхон барча маънавий бойликлар эгаси эканини ҳис қилади. Қаҳрамонлар ижтимоий-сиёсий феноменига хос: миллатимиз шаъни, қадр-қиммати, моддий-маънавий, иқтисодий-сиёсий манфаатларига зид ҳаракатлар содир этганларга қарши мардонавор курашиш хислатларидан ҳар қандай мушкул вазиятларда умуммиллий манфаатларни устувор қўйиш зарурлиги малакасини ўрганади. Ўзида ҳам уларни астойдил ҳимоя қилишига кучли импульс берувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятни юксалтиради. Миллий ғурурини оширади. Бинобарин, китобхон халқ, миллат, ватан ва аждодлар хотираси олдидаги масъулиятини янада чуқурроқ мазмун билан бойитади.

Адабиётлар:

1. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М: 1981.
2. Греймас А. Вестник Московского университета, – Сер. 9. Филология. 2010. № 5.
3. Дўстмуҳаммад Х. Тақдирнинг ноёб иноятн. / Назаров Б., Аҳмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими, – Т.: Фан, 2011.
4. Жабборова Д. Истиқол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида)” Филол.фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Самарқанд 2018.
5. Жалолиддин Н. Тегирмон, Роман / Шарқ юлдузи 2015. № 1; № 2.
6. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Камалак. – Т: 2014.
7. Каримов Н. Ҳамид Олимжон, – Т.: 1979.
8. Каримов Н. Ойбек, – Т.: 1985.
9. Каримов Н. Чўлпон, – Т.: 1991.
10. Каримов Н. Усмон Носир, – Т.: 1993.
11. Каримов Н. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари, – Т.: 1994.
12. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир, – Т.: 2000.
13. Каримов Н. Чўлпон, – Т.: 2003.
14. Каримов Н. Мақсуд Шайхзода, – Т.: 2010.
15. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. Филолог магистрлар учун ўқув қўлланма. – Т: Муҳаррир 2011.
16. Назаров Б.. Давр ва мунаққид // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – № 6.
17. Назаров Б. Аҳмедова Ш. Миллатнинг ҳассос олими., (Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Наим Каримов сиймосига чизгилар) – Т.: Фан, 2011.
18. Расулов А. Танқд, талқин, баҳолаш. – Т: Фан, 2006.
19. Холбеков М. Структур адабиётшунослик – Наврўз нашриёти ДУК – Т: 2014.

20. Якубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси – Филол. фанлари д-ри (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... – Т. 2018.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том. – Москва Рус тили нашриёти, 1981.
22. Қосимов Б. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004. 29 октябрь.
23. Қуронов Д. Ижодий жасорат меваси. / Шарқ юлдузи 2015, № 2.

НАИМ КАРИМОВ ОЙБЕК ИЖОДИНИНГ ТАРҒИБОЧИСИ СИФАТИДА

Шоира АХМЕДОВА,
филология фанлари дидоктори

Аннотация. Мақолада академик Н.Каримовнинг ойбекшуносликка қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилади, унинг Ойбекка бағишланган турли жанрлардаги асарлари таҳлил этилиб, мунаққидлик маҳорати, айниқса, ойбекшуносликдаги ўзига хослиги очиб берилади.

Калит сўзлар: ойбекшунослик, маърифий-биографик асар, эссе-роман, мунаққид, илмий-эстетик тафаккур, навоийшунос, рисола, талқин.

Ўзбек танқидчилари орасида ўзига хос услубга эга етук олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Н.Каримовнинг бой ва ранг - баранг илмий-эстетик тафаккур олами XX аср адабий танқидчилиги тараққиётида муҳим аҳамият касб етади. Академик Н.Каримов адабий- жараёнда сермаҳсул ижод этиб, қатор йирик илмий-тадқиқотлар яратиб, ўзбек адабиёти ва адабий танқиднинг камоли учун муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Н.Каримов Ҳамзадан тортиб Усмон Азимовгача жуда кўп шоирлар ҳақида тадқиқотлар яратди. Бироқ Ойбек шахси унинг учун том маънодаги сеҳрли маъво бўлиб қолди. XX асрнинг сўнгги чорагида Ойбек ҳаёти ва ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда Н.Каримов олимларнинг пешқадами бўлди. Чорак аср ичида Ойбек ҳақида эълон қилинган юзга яқин мақола, беш китоб, йигирма жилдлик нашрга бош-қош бўлиш бунинг далили бўла олади. Гап фақат мақола, китоб, бажарилган иш саноғидагина эмас, уларнинг салмоғида, моҳиятида, янгилигида, янги замоннинг янги талабларига муносиб эканидалигини ҳам эсдан чиқармаслик даркор. Ҳақиқатан ҳам олим умрининг деярли ярмидан кўпи ёхуд мутахассис сифатидаги бутун фаолиятининг изчил ва узлуксиз бир даври бевосита Ойбек ҳаёти, ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, буюк адиб хонадони муҳити билан чамбарчас

алоқадордир. Улуғ ёзувчи мероси жамланиб, изчил назардан ўтказилиб, вариантлари-ю, изоҳлари билан йигирма жилдлик академик нашр сифатида китобхонлар қўлига етиб боришида адибнинг рафиқаси муҳтарама Зарифа ая Саидносированинг ҳамда мутахассис сифатида, бундай нашрнинг тамойилларини Ўзбекистонда биринчи бор ишлаб чиққан ва амалга оширган Н.Каримовнинг хизматлари беқиёс.

Иқтидорли мунаққиднинг "Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари" деб номланган рисоласи Ойбек ижодий лабораториясининг баъзи қирраларини ёритишга бағишланган бўлса, "Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти" деб номланган китоби бу мавзунинг кенгроқ миқёсдаги тадқиқидан иборат. Бу асарлар олимнинг ижодида ҳам, ўзбек адабиётшунослигида ҳам олдинга ташланган дадил қадамлар бўлди.

Н.Каримов Ойбекнинг 20 жилдлик "Мукаммал асарлар"ини нашрга тайёрлашда энг фаол қатнашган олим сифатида шу жараёнда Ойбекнинг иш услубини, роман ёзишга қандай тайёргарлик кўрганини, образларига қандай сайқал берганини ва қаҳрамонлари прототипларини, тарихий манбаларни кузатади. Ўз рисоласида шуларни таҳлил этиш баҳонасида Ойбекнинг улуғ заҳматкаш ёзувчилигини ёритиб беради. Ойбек умр бўйи илмий тадқиқот билан бадиий ижодни қўшиб олиб борган ёзувчи эканлигини мисоллар асосида таҳлил қилиб беради. Масалан, бир эътиборли далил ва унга оид кузатишга диққатни қаратайлик: Ойбек "Навоий" романида Ҳусайн Бойқаро саройидаги олтиндан ва ҳар хил ноёб тошлардан ясалган дарахт тасвирини фантазия, хаёл ҳосиласи тарзида яратмаган экан. Балки испан сайёҳи Рюи Гонзалес де-Клавихонинг "Темурнинг Самарқанддаги саройига 1403-1406 йилларда қилинган саёҳат кундалиги" китобидан олинган реал далил эканлигини таъкидлайди тадқиқотчи. Бундай изланишлар ёш ёзувчилар учун ҳам, ёш тадқиқотчилар учун ҳам ўзига хос ўрнак, ибрат бўлиб хизмат этади. Негаки, ёзувчи ижодхонасига чуқур кирмай, унинг ижод тарзини чуқур билмай туриб, асарлари моҳиятини ҳам, оғир меҳнати ва изланишларини ҳам етарли баҳолаб бўлмайди.

Ойбек ҳаёти ва ижодини тинимсиз ўрганиш натижасида Н.Каримов "Ойбек"(1985), "Ойбек гулшанида қолган ғунчалар"(1985), "Ойбек ва Зарифа"(1990), "Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари" (1982) сингари асарларини чоп эттирди. Бундан ташқари Зарифа Саидносирова ҳаётлигида чоп этишга улгурмаган "Ойбегим менинг" китобини муаллифнинг илтимосига кўра Наим ака ниҳоясига етказди. Нашрга тайёрлашдан ташқари, унга муҳаррирлик қилди. Суйлаб берилган хотиралар билан китобни жузъий равишда янада бойитди..

“Ойбек ва Зарифа”ни мунаққид “муҳаббат ва садоқат достони” деб атайди. Баъзан ўйлаб қоламиз, нега биз мунаққидлар орасида Н.Каримовга бунчалик ихлос қўйганмиз? Бунинг сабабини ўзимизча топдик: чунки ул зот Ойбекни севадилар, биз ҳам Ойбекни, унинг ижодини севамиз. Ойбекни янада севиш, у билан фахрланиш туйғулари Н.Каримов китоблари орқали ўтган десак муболаға бўлмайди. “Ойбек ва Зарифа” китобининг иккинчи

нашрини (2005) ўқиганда уни йиғлаб-йиғлаб тугатган эдим. Ахир, нега? Бу бадиий асар эмас-ку, деб ўқувчи ажабланиши мумкиндир. Биринчидан, Н.Каримов айтмоқчи, менинг ҳам “севдигим” Ойбекка бўлган кучли ҳурмат, муҳаббат, унинг ҳаётни севиши, матонати ва жасорати, умрининг охирида тортган азоблари ва уларни мардонавор енгиб ўтиши...ҳақидаги сатрларни ўқиганда, шу билан бирга ҳар гал Ойбекнинг

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб,
Ой менга ҳамқадам - сокин юрамен.
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен...

сатрларини ўқиганда қалб ларзага келади. Илҳоми жўшган, тошган, аммо ёзиш бахтидан жудо бўлган адибнинг изтироблари битилган бу ҳароратли мисралар ҳар қандай қалбни ҳам титратади. Рисолада мунаққиднинг шеърни келтириб, кейин “Ойбек ўз орзусига етмади. Аммо у кўнглидаги режаларининг аксарини бажариб улгурди” деб ёзган дардли сўзлари эса ўзбек халқининг севимли адиби Ойбекни яхши кўрган ҳар бир китобхон қалбини титратмай қўймайди. Иккинчидан, ҳассос мунаққиднинг суюкли, “севдиги” Ойбекка меҳру садоқати, унинг Сўзидан таралган нурлар Сизнинг-да, менинг-да қалбимга нур бўлиб оқиб кирар, улар сизни-да, мени-да улуғ Ойбекка янада яқинлаштирарди. Бу мунаққид қалбининг эҳтироси, Сўзининг кучи ва қудратидан нишона эмасми? Шунинг учун бундай мунаққидларни ижодкор, ёзувчи деб атайдилар. Ўз сўзининг сеҳри билан китобхонни йиғлатган мунаққидни қандай қилиб, ижодкор, қандай қилиб ўзига хос адиб демаслик мумкин? Ўзбек халқининг ҳассос олими Наим Каримов ана шундай такрорланмас истеъдод соҳибидир.

Н.Каримовнинг "Ажойиб кишилар ҳаёти" туркумидаги "Ойбек. Машҳур ўзбек адибининг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар" асари “Ойбек ва Зарифа”, “Ойбегим менинг” номли китоблар билан биргаликда ойбекшунослик муҳим ютуғи ва айни вақтда улуғ сиймоларимиз қиёфасини наинки замона, балки келгуси авлодларга етказишда, шубҳасиз, ёрқин намуналардан бири бўлиб қолди. Олимнинг ўзи бир суҳбатида шундай деган эди: “ XX - асрда шундай буюк адиблар яшашдики, улар тўғрисида француз адабиётшуноси ва ёзувчиси Андре Моруа қанақа биографик асарлар ёзган бўлса, биз ҳам 20 - асрда яшаган ўзбек ёзувчилари тўғрисида мана шундай ҳаяжонга келтирадиган, ларзага соладиган биографик романлар ёзишимиз керак, деб орзу қиламан. Мен архивлар билан озми-кўпми ишлаб, шу йўлда қалам тебратишга ҳаракат қиляпман” . Ҳақиқатан ҳам олим маърифий –биографик характердаги ўнлаб асарлар яратдики, бугунги ўқувчи Ҳ.Олимжон, Усмон Носир, Ойбек, М.Шайхзода, Чўлпон, Миртемир каби ўзи айтганидек, “олтин аср”нинг буюклари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи, ўқувчи қалбини ларзага соладиган эссе-прманлар яратди. Шу жиҳатдан қараганда, мунаққид “Ойбек” эссе-романида шоирнинг туғилганидан умрининг охиригача бўлган даври, унинг бизгача етиб келган ижодий меросигача –барчаси ҳақида биз учун қимматли маълумотларни келтиради ва умумлаштиради. Рост, бу китобга

қадар Ойбек ҳақида кўпдан-кўп мақолалар, рисолалар, диссертациялар ёзилгани маълум. Ойбек ижодини ўрганган адабиётшунос борки, улар ижоди ҳурматга лойиқ. Улар орасида Ойбек ҳақида ўз сўзини айта олган Ҳ. Ёқубов, М. Қўшжонов, О.Шарафиддинов, И. Ҳаққул, кейинги авлод А.Сабирдинов, Улуғбек Ҳамдам ва бошқалар. Шу билан бирга Н.Каримовнинг ойбекшуносликда ўз ўрни борлиги яққол кўринади.

Шуниси муҳимки, ушбу асар орқали халқ севган шоир ва адибнинг бутун ҳаёти ва ижодидаги муҳим нуқталар, боболарию болалигидан тортиб, умрининг сўнгги дақиқаларигача кечган ҳаётига алоқадор ҳодисалардан воқиф бўламиз. Китобда шоир ҳаёти ва ижодига дахлдор кўпдан-кўп янги маълумотлар илк бор муомалага киритилади. Эътиборлиси, муаллиф китобнинг кўпдан-кўп саҳифаларида ўз тахайюлига, хаёлотига эрк беради. Бу услуб, ўз навбатида, асарнинг бадиийлигини ошириб, уни янада ўқимишли, сеҳрли, қизиқарли қилган. Олим тафаккуридан тўйинган шоир ҳаёти ва ижодига доир айрим маълумотларнинг ҳужжатли асоси бўлмаслиги мумкин, лекин уларга биз тўлиқ ишонамиз, чунки улар шоир турмуши, ижоди ва тақдирига доир шарт шароитлар билан ажралмас уйғунликда зоҳир бўлади.

Бу тарихий-биографик ёндашув асосида яратилган асарнинг энг муҳим ютуқларидан бири - унда тарихий-маърифий йўналиш уйғунлиги ҳамда Ойбек ҳаёти ва ижодининг барча томонлари акс эттирилганлигидир. Унда ўзбек адабиётининг чинорларидан бири Ойбекнинг биз учун қоронғу бўлган қирралар, ҳаёти ва ижодидаги ўзгаришларни ёрқин далил ҳамда лавҳалар орқали ёритиб беради. “Ажойиб кишилар ҳаёти” серияси остида чоп этилган эссе-романнинг илк бетида муаллиф тўрт мисра шеър келтиради:

Олтин қуёш нуридан,
Япроқлар суруридан
Тўқилган хотиралар
Кетмас асло мен билан...

Бу парчада мунаққид оддий китобхон сеза олмаган туйғуни очиб бермоқда. Асарнинг кириш қисмида ҳам Ойбек ҳаётидан, болалик давридан ажойиб лавҳани олиб кирган. Мунаққид шоирнинг туғилган маҳалласи, ўша даврдаги муҳит ҳақида тўлиқ маълумот беради. Ойбекнинг ёшлигидан билимга чанқоқлиги, унинг Алишер Навоий, Фузулий асарларини қизиқиб ўқиши, бунда оила муҳитининг таъсири катта бўлганлигини асослаб кўрсатади. Бундан ташқари Ойбек ўзининг илк сабоғини ҳаётдан чиқара олганига ҳам урғу берилади [Каримов Н.1:18]. «Олтин зарралар» Ойбекнинг қуйидаги сатрлари билан бошланади:

Бу чексизликдан сен олтин зарра.
Мени бошладинг гўзаллик-ла сен.
Қани, шеър сўйла абадиятдан,
Сукунатлардан юрагим яра.

Мунаққид Ойбекнинг билим даргоҳида таҳсил олиши, илк шеърий машқлари ҳақида далилларга таяниб фикр юритади. Шоир Ойбекнинг илк шеърий намуналарини таҳлил қилади. ”Улғайиш йўлида” қисми “Қалбдаги

олов” сарлавҳаси билан бошланади. Олим биринчи қисмда қанчалик гўзал қилиб, Ойбек ҳаётини, ижодини тасвирлаган бўлса, бу ерда ҳам шунчалик самимият билан фикр юритади. Ойбекнинг А.С.Пушкин юбилейига бағишлаб таржима қилган “Евгений Онегин” шеърий романи ҳақида мулоҳаза билдиради. “Камолот”да “хаёл кемасида сира чарчамай, кезамана жимгина, мен коинотман” деган шоирнинг иккинчи жаҳон уруши давридаги ижодини таҳлил қилиб, теран хулосалар чиқаради.

Ўзининг адабий ва илмий фаолиятида Навоий мавзуига қайта - қайта мурожаат этган Ойбек улуғ шоир асарларини, у ҳақдаги, у яшаган тарихий давр ҳақидаги илмий адабиётларни қунт билан мутолаа этади. Ана шу адабий ва тарихий асарлар орқали унинг тасаввурида пайдо бўлган Навоий сиймоси йил сайин бойиб, тобора жонли қирралар касб этгач, унинг диққат-эътиборини, шоирона хаёлини, нигоҳини, илҳомини тобора кўпроқ банд эта бошлади. Ойбек ҳам “Қутлуғ қон” ва “Навоий” романларини ёзишдан аввал уларнинг икки асосий нуқтаси - муқаддима ва хотимани аниқ, озми-кўпми тасаввур қилган. “Мен Навоийга алоқадор материалларни,- деб айтган эди Ойбек А.Қаюмов билан қилган суҳбатида (1966),- ўттиз биринчи ёки ўттиз учинчи йилдан бошлаб мунтазам суръатда тўплашга киришдим ва ўттиз олтинчи йилдаёқ тадқиқотни тугатдим”. Ойбек ўн йилдан ортиқроқ давр мобайнида Навоийни у яшаган давр ва муҳитни шу қадар синчковлик билан ўргандики, ҳатто унинг маънодор, ақлли кўзлари, олижаноб қиёфаси ва пок қалбини, узоқ ўтмишдаги Ҳиротнинг ҳар бир кўчаси ва бу кўчалардаги ҳар бир ҳовлини, Ҳусайн Бойқаро боғидаги ҳар бир дарахт, ҳар бир япроқни, подшо лашкарларидаги ҳар бир навкарни биладигандай таассуротга эга эди. Ойбек романларини ёзишда қанча адабиётлар, маълумотлар билан чуқур танишиб, қанча машаққат чеккан бўлса, танқидчи Наим Каримов ҳам ёзувчи, сафдош ижодкорлар, уларнинг асарлари ҳақида бизга маълумот берар экан, у ҳам бу китобларни ёзиш учун шунча кўп меҳнат қилганлиги яққол кўриниб туради. Бундан ташқари олим бошқа тадқиқотларида ҳам бу икки улуғ сиймо ҳаёти ва ижодидаги муштарак жиҳатларга кўп тўхталади. Китобнинг “Жасорат“ деб номланган қисмида Н.Каримов Ойбек ҳаётининг сўнгги даврини таҳлил қилар экан, умри кузида ёзган асарлари таҳлилига батафсил тўхталади.

Н.Каримовнинг Ойбек ижодига бағишланган ишлари ҳали ҳаққоний баҳосини олган эмас. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди: “Ойбек ҳақида китоб ёзишим керак эди. Китобда фикрларимни эркин айтган эдим. Аммо вақт тиғиз эди. Китобни ёзувчилар уюшмасига беришган. Улар ундан сиёсий хато топиб, мени ҳам “халқ душманига” чиқарган эдилар”. Шундан кейин ҳам олим изланишдан тўхтамади, Ойбек ижодига бағишлаб бир неча туркумдаги, жанрдаги тадқиқотлар яратди. Унинг Ойбекка бағишланган асарлари тезда халқ қалбига йўл топиб кетди. Олим, айниқса, Ойбек ва Навоий мавзусига кўпроқ диққатини қаратди, уларнинг иккаласига ҳам ихлос ва меҳр билан ёндашди. Бирисини қуёш деб билса, иккинчисини ой деб билди, шу боис 1991 йилда ёзган тадқиқотини “Қуёш билан ой” деб атади.

Бу тадқиқот “улуғ шоирларнинг улуғ мухлислари бўлади” деган сўзлар билан бошланади. ”Ойбек улуғ Навоийни бутун умри давомида тавоф этгани, унинг ўлмас сиймосини шоир сифатида ҳам, адиб сифатида ҳам, адабиётшунос олим сифатида ҳам яратгани, халқ қалбидаги унга нисбатан муҳаббат туйғуларини ўзининг фарахбахш ижодий меҳнати билан мавжлантириб юборгани, уларнигина эмас, балки шу билан бирга ўзининг инсоний камолоти, руҳий гўзаллиги, ҳотамтойлиги ва ўта меҳнатсеварлиги билан ҳам, назаримда, бошқа барча ижодкорларга нисбатан ўзбек шеъриятининг **қуёшига** яқиндир” деб ёзган мунаққид бу ажиб уйғунликнинг мантиқий бош сабабларини излашга киришади. Айтиш мумкинки, Ойбек қалбида улуғ Навоийга меҳр-муҳаббат учқунининг пайдо бўлиши ёшлигидан бошланган. Буни академик Б.Назаров ҳам Ойбек ижодидаги мўъжизалардан бири деб ҳисоблайди [Назаров Б. 2: 86]. Асарда ҳақиқатан ҳам ёш Ойбекнинг Навоий ғазалларига мафтун бўлиши, “унда пок севги” уйғотиши, шоир шеърларини завқ билан, чуқур ҳис билан ўқиши самимий тасвирланганки, олим ва адиб навоийшунослигининг бошланишини ана шу ошуфталикдан деб талқин этади танқидчи. Ойбекнинг Навоий номидаги таълим–тарбия техникумида ўқиб юрганида ана шу учқуннинг аланга олиши тезлашади. Н.Каримов асарда адибнинг дўсти, тарихнавис ёзувчи М.Осимнинг қимматли маълумотларга бой хотираларини келтириш орқали китобхонни Ойбекни Навоий чўққиси сари элтувчи биринчи ва энг муҳим поғона билан таништиради.

Ойбек орадан беш аср ўтгач, меҳр-муҳаббат ва фидокорона меҳнат орқасида Навоий ҳаётини кўз ўнгида гавдалантириб, унинг асарлари қатида ётган нозик мушоҳадалар ва башарий фикрларни зукколик билан илғай олди. Навоий ижодига бағишланган мислсиз даражада катта илмий қимматга молик тадқиқотлари билан эса навоийшунослик соҳасини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Шубҳасиз, бу даврда унинг ёнида С. Айний, А. Фитрат, В.Маҳмуд, А.Саъдий, Олим Шарафиддинов, М. Шайхзода сингари Алишер Навоий ижодининг билимдонлари бор эдилар. Уларнинг пешқадами ва буюк шоир меросини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиб келган, навоийшунослик олдида турган вазифаларни белгилаб берган ва бу вазифаларни кўплаб адо этгани Ойбек эди. Н.Каримов ўз тадқиқотида айни шу жиҳатларга эътибор қаратган. Ва шунинг учун Навоийни ўзбек шеъриятининг қуёши, Ойбекни эса ойи деб атаганида ҳақ эди.

Н.Каримов “Ойбек ва Зарифа”да ҳам бу мавзуга яна қайтади. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш йўлидаги жонбозликлари, ўзбек ва рус тилида ёзган мақолалари ҳам ойбекона жасоратдан дарак беришини тўғри кўрсатади. Шу билан бирга олимнинг қуйидаги аччиқ сўзлари ҳам ҳақиқат эканлигини ҳам тан олгимиз келади: *“Шунинг учун ҳам у халқнинг меҳр- муҳаббатини қозонди. Шунинг учун ҳам унинг истеъдоди камалак ранглари билан порлаб кетди. Фақат ногирон тақдир бу бебаҳо гавҳарни тарихнинг мураккаб ва мушкул даврларидан бирида яратиб, унинг Навоий сингари буюк чўққига кўтарилишига имкон бермади. Унинг илҳом булоғи*

айрим ҳолларда ўткинчи давр қадриятларини куйлашга сарфланди”. Аммо бундай тўсиқларга қарамай, у наср ва назмда шундай бебаҳо дурдоналар қолдирдики, улар XX аср ўзбек адабиётидан келгуси авлодларга ўлмас адабий обидалар сифатида ўтиб боради”[Каримов Н.1:56].

Агар амалга оширилган бу ишлар қаторига танқидчининг "Тарих сўқмоқлари измидан чўтир..", "Ойбек: Тош экан бу бошим..","Икки дарға", "Ёзилмаган дурдона", "Ойбек ўгитлари", "Ойбекнинг сўнгги қўшиғи", Ойбек номли чўққи”, “Ойбек ижоди XX аср ўзбек адабиёти кўзгусида” сингари ўнлаб илмий жиҳатдан бақувват мақолаларини қўйсак, Н.Каримовнинг ойбекшуносликка қўшиб келаётган улуши ғоят беқиёслиги аёнлашади. Асосийси, мунаққид мақолаларининг деярли ҳар бирида адиб ҳақида адабиётшуносликка номаълум бўлган янгиликларни олиб киради. Масалан, ёзувчининг ёзиб тугалланмаган "Бобур" номли достони ҳақидаги "Ойбекнинг сўнгги қўшиғи" ёки "Қаҳқаҳаи ҳусн" номли пьесаси ҳақидаги "Ёзилмаган дурдона" мақолалари ёки “Ойбек гулшанида қолган ғунчалар” рисоласи – барчаси далилларга бойлиги, илмий-эстетик тафаккурнинг ўзига синтези сифатида намоён бўлади.

Муборак 90 ёшини қаршилаётган ҳассос мунаққид Наим Каримовнинг Ойбек ижодига бундай муносабати буюк сиймоларимиз қиёфасини китобхонларга, шу билан бирга келгуси авлодларга барҳаёт етказишда, шубҳасиз, ёшларга ўрнак бўла олади. Ана шундай эзгу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган академик Наим Каримовнинг китоблари мухлислар, адабиётчилар томонидан севиб ўқилмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов Н. Ойбек. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1985.
2. Назаров Б. Ҳаётийлик - безавол мезон. Тошкент. “Ёш гвардия”. 1985.
3. Назаров Б., Ахмедова Ш.Миллатнинг ҳассос олими. Тошкент. “Фан”, 2012.

НУКТАДОН ТАНҚИДЧИ, ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,
филология фанлари доктори, профессори

Аннотация: Мақолада “ХХ аср ўзбек адабиёти манзаралари” биринчи китобининг аҳамияти, профессор Н.Каримов таҳлил маҳорати ҳақида фикр юритилган. Олимнинг ўзбек адабий танқидчилигига қўшган ҳиссаси ҳақида холис илмий фикр билдирилган.

Калит сўзлар: адабиётшунослик, танқид, мафкура, ижтимоий, шеърият, наср, ташвиқот, қатағонлар.

Адабиётшунослик, унинг таркибий қисми ҳисобланган адабий танқид адабиёт ривожи, бадиий тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутади. Тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида узоқ ўтмишда яратилган М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Рисолаи аруз”(“Мухтасар”) асарлари, ХХ асрга қадар яратилган тазкиралар миллий адабиётимиз тарихини ўрганиш, ўша даврлар адабий жараёни, илмий-назарий фикрлар тараққиётини ўрганишда бебаҳо хазиналардир. Ҳозирги пайтда ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди Шарқу Ғарб, умуман, дунё адабиётшунослиги ютуқларидан баҳраманд бўлиб ва уларни ўзида мужассам этган ҳолда ўз миллий заминида улкан ютуқларга эришмоқда.

“Адабий танқиднинг хос хусусияти аниқ бадиий асар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш, уни баҳолаш бўлиб, унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини белгилашдан иборат. Айни вақтда у дабий жараён тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади”,-дейилади [Назаров Б. ва бошқалар.2:7]. “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигида. Ана шу муҳим ва масъулиятли вазифани бажариб келаётган ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айниқса, ХХ асрда фан сифатида шаклланган адабиётшунослик илмида улкан олимлар етишиб чиқди. Ана шулардан бири нуктадон танқидчи, заҳматкаш олим Наим Каримовдир. Атоқли олим олтмиш йилдан ортиқ илмий фаолияти давомида ўнлаб фундаменталь тадқиқотлар, юзлаб илмий мақолалар яратди, дарсликлар, қўлланмалар муаллифи бўлди. Олимнинг илмий фаолиятига “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигида муносиб баҳо берилган: “У ўзининг Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Ҳ.Олимжон, У.Носир, Шайхзода ижодига доир тадқиқотларида асарларини ўрганиш билан чекланмай, уларнинг ижодий лабораториясига ҳам чуқур кириб боради, ҳар бир санъаткорнинг хос услуб ва маҳорати йўналишларини илмий-эстетик, тарихий-маърифий жиҳатдан чуқур таҳлил этади. Шаклдаги гўзаллик билан композициядаги топқирлик, илмийликка зид бўлмаган эркин бадиий тахайюл Н.Каримов тадқиқотларининг ўзига хослигини белгилайди, қизиқарли ўқилиши ва жозибасини таъминлайди” [Назаров Б. ва бошқалар.2:26].

Ҳақиқатан ҳам олим илмий мақолаларини ўқиган киши роман ҳақида роман, қисса ҳақида қисса, ҳикоя ҳақида ҳикоя ўқигандек бўлади, таҳлил услуби, тадқиқотчилик маҳоратига қойил қолади. Заҳматкаш олим илмий асарларини санаб ўтиш беҳуда вақт сарфлаш, холос, чунки адабий жараён ҳеч қачон унинг назаридан четда қолмаган, ҳар бир адабий ҳодисага ўз вақтида муносабат билдиришда ҳамиша салафларига намуна бўлиб келаётганликларини алоҳида таъкидлашни истардим. 2008 йилда олимнинг “XX аср адабиёти манзаралари” илмий асарининг биринчи китоби нашр этилди. Бу ўзбек адабиётшунослиги илмида улкан воқеа, адабий танқид ривожида катта ютуқ бўлди. Танқидчи, драматург ва публицист Шуҳрат Ризаевнинг ушбу эътирофи китобнинг қай даражада маърифий, эстетик ва илмий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади: ”... ўтилган йўлдан ўтишни асло истамайдиган том маънодаги олим сифатида Наим ака ўз умрининг файласуф палласида илмий ва инсоний жасорат кўрсатди. Шонли ва фожеий бир асрнинг яхлит адабий ҳам ижтимоий-маънавий манзарасини чизмоққа жазм этди. Чизганда ҳам қиёфаларни аниқ, рангларни тиниқ қилиб, ҳар бир ҳодиса ва воқеанинг қонуний жой-жойини кўрсатиб, ҳеч нарсани хаспўшламай, итоаткор андишага, муте мулоҳазаларга бормай, фикрий мустақиллик, илмий холислик ва, яна муҳими, назокат ва фасоҳат билан юз йиллик адабий ҳаётнинг маҳобатли манзарасини яратди” [Ризаев Ш. 3:4-5].

Улкан, муаззам илмий тадқиқот олти фаслдан иборат. Булар: “Ижтимоий ҳаёт манзаралари(XX асрнинг биринчи чораги)”, “Миллий уйғониш даври адабиёти намояндалари”, “Адабий ҳаёт манзаралари(XX асрнинг иккинчи чораги)”, “Ижтимоий силсилалар даври адабиёти намояндалари”, “Топилмалар”, “Икки соҳир–икки жавоҳир” номлари билан аталган. Бу фаслларнинг ҳар бирида ижтимоий ва адабий ҳаёт чуқур таҳлил этилган, муайян бир давр манзаралари ўзига хос тарзда тадқиқ этилган, шу даврларга мансуб адабиёт намояндалари ўта холислик билан, ўткир нуктадонлик билан тавсиф этилган. Мунаққид бундай улкан ишга қўл уришга журъат этганлигини ҳам ўрни келганда чиройли изоҳлаб ўтган:

“Ўзбек адабиётининг янги, мустақиллик даврида ёзувчиларимизнинг ўтган асрда қўлга киритган энг муҳим ютуқлари ёддан кўтарилмаслиги, энг яхши адабий анъаналар давом этиши, атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг бой ижодий тажрибаси унут бўлмаслиги, аксинча, адабиётимизнинг навқирон намояндалари устозлари эришган чўққидан туриб парвоз қилишлари лозим” [Каримов Н. 1:6];

Бу эзгу ният мунаққидни XX аср адабиётимиз тарихининг нурли саҳифалари билан бирга фожеий манзаралари, зулм, зўравонлик, шафқатсиз қатағонлар гирдобида умрбоқий асарлар яратилгани, бу асарларни яратган фавқулодда ноёб истеъдод эгалари бўлган шоир ва адибларимиз номларини ҳамиша фахр-ифтихор билан ёдга олишга масъул эканлигимизни унутмасликка даъват этади. Миллий Уйғониш даври адабиёти намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Тавалло, Ҳожи Муин, Хислат, Мискин ижоди, фожеий қисматлари тўғрисидаги аниқ далиллар ва тарихий

ҳужжатлар асосида ёритилгани, ижтимоий силсилалар даври адабиёти намояндаларидан Абдулла Алавий, Боту, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадқиқотларда юксак бадиий маҳорат билан яратилган асарлар билан бирга ҳукмрон мафкура талабига хизмат қиладиган, бадиийликдан йироқ, мадҳиябозлик руҳида зўрма-зўракилик билан ёзилган асарлар ҳам улар ижодида учрашини қайд этади ва бу асарлардаги камчиликлар, нуқсонларни илмий асослаб кўрсатади, бундай асарлар яратилишининг сабаблари ҳам изоҳланади. М.Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон ҳаётида юз берган, кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган маълумотлар келтириладики, уларнинг тазйиқ ва таъқибларга қарамай юксак бадиий савиядаги асарлар ярата олганликлари XX аср ўзбек адабиёти тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этиши ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади. Ижтимоий силсилалар даври деб мунаққид 30-йилларнинг ўрталаридан 50-йилларгача бўлган даврни кўзда тутади. Бу даврда ўзбек адабиёти янги жанрлар билан бойиди, кўплаб истеъдодли шоир ва ёзувчилар етишиб чиқди. Аммо шу даврда ижод аҳлига тазйиқлар ҳам кучайди, даҳшатли 37-йилнинг қатағонлари ҳеч кимни аяб ўтирмагани, ҳукмрон мафкура талабларига зиғиртаккина бўлса ҳам бўйсунмаган асарлар қораланиб, уларнинг муаллифлари таъқиб қилинди, қамоқларга ташланди. Кўп ижодкорлар жон сақлаб қолиш учун ҳам мустабид тузумни шарафлашга мажбур бўлди, кўпчилиги янги тузум мафкураси тўла ҳукмрон бўлган пайтда туғилиб, шу мафкура руҳида тарбияланган сабабли жон-жаҳдлари билан партияни, совет тузумини мадҳ этди. Рус ва Европа халқлари тилларидан қилинган таржималар ўзбек адабиёти хазинасини бойитди, янги жанрларнинг пайдо бўлишига, янгича бадиий тафаккур шаклланишига олиб келди. Аммо руслаштириш сиёсати миллий адабиётларнинг ривожига тўсиқ қўйиб қўйди. К.Зелинский деган тадқиқотчи “Октябрь ва миллий адабиётлар” деган тадқиқотида миллий адабиётлар рус адабиёти тажрибаларидан фойдаланиши, миллийликдан қочиши лозимлигини очиқ-ошкора тарғиб этган. Шу сабабли шоир ва адиблар ўз асарларида мафкура талабларига бўйсунишга мажбур бўлишди, ўзлари истамаган ҳолда мустабид тузумни шарафлашди, инсонга шодлик, бахт ато этган жамият деб улуғлашди. Ғафур Ғуломдай буюк сўз санъаткори яратувчилик, бунёдкорлик, ҳаётсеварликни улуғловчи чуқур фалсафий мушоҳадаларга бой шеърларда ҳам “Келажакка, Ленинга, партияга минг раҳмат”, “Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз” каби баландпарвоз, замини пуч мадҳиябозликларга йўл қўйди. Ҳамид Олимжон “Россия” шеърида “Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон”, деб ғурурланди. “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари”да бу ҳолга объектив баҳо берилган, бундай асарларнинг пайдо бўлиши сабаблари ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги етарли даражада асослаб берилган. Ҳамид Олимжоннинг “Россия” шеърида шундай мисралар бор:

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир шараф.

Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда
Навоий шарафи яшар муқаддас.
Олим шарҳлайди:

“...Пушкинни эъзозловчи ҳар бир рус хонадони, айрим истисноларни эътибордан соқит қилганда, ҳеч қачон Навоийни билмаган, ўқимаган, шарафламаган. Билишни ҳам, ўқишни ҳам истамаган. Сирасини айтганда, биз, ўзбекларнинг ўзимиз ҳам Навоийни бир чеккага суриб қўйиб, Пушкинни таржима қилиб, нашр этаверганмиз. Фурқатдан бошлаб қарийб барча машҳур шоирларимиз, маърифатпарварларимиз бизда миллий ғурур туйғусини эмас, рус маданияти, фани ва техникаси олдида ҳайрат туйғусини тарбиялаб келишган” [Каримов Н. 1:230].

Бу–аччиқ ҳақиқат. Истеъдодли шоир бўлган Амин Умарийнинг шеърларида мутлақо миллий руҳнинг йўқлиги ҳақида ачиниб ёзади муаллиф. Танқидий мулоҳазалардан кейин мунаққиднинг эзгу нияти жуда улуғ, хайрли эканлигидан кўнглингиз равшанлашади:

“Шубҳасиз, мен рус шеъриятидан ё испан шеъриятидан ўрганишни бас қилайлик, демоқчи эмасман. Мен энди шу орттирилган тажрибани миллий адабий анъаналар билан уйғунлаштириш лозимлигини, уларни миллий заминга, халқнинг миллий дидига ва эҳтиёжига яқинлаштириш йўлларини ахтариш зарурлигини таъкидламоқчиман. Токи, жаҳон мавқеига чиқажак ўзбек адабиёти соф миллий ва ўзига хос жозибали ҳодиса сифатида етти иқлимда эътибор қозонсин” [Каримов Н. 1:230].

Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадқиқотларда илмий-адабий манбаларга кирмаган тафсилотлар келтирилган, уларнинг ижоди бугунги кун нуқтаи назаридан қандай баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

“Топилмалар”, “Икки соҳир–икки жавоҳир” фасллари китобнинг ноёб саҳифаларидир. “Топилмалар”да Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Миртемирнинг эълон қилинмаган, ҳеч ким воқиф бўлмаган асарлари берилган. Фитратнинг “Турк эли”, “Биз киммиз”, “Темур саганаси устинда” шеърлари Туркияда 2000 йилда нашр этилган “Қутулиш йўлида” китобига кирган. Чўлпоннинг Қўқон мухториятининг мадҳияси бўлган “Озод турк байрами” шеъри ҳам қўлёзма шаклида бизгача етиб келган ва илк бор халқимиз мустақилликка эришгандан кейин Н.Каримов томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган. Унинг Фитратдан илҳомланиб ёзган “Юрт қайғуси” шеъри Саттор Жабборнинг Туркияда нашр этилган “Қутулиш йўлида” китобига кирган. Чўлпон Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмасидаги Фарҳод ва Шопур дуэтини ёзган, шоир Абдулла Алавий вафотига онаси Ҳабибахоним марсия-ғазалига мухаммаси, сирдош дўсти Шарафиддин Салоҳиддин ўғлига шеърий мактублари, Ғафур Ғулом билан мушоираси топилмалар сифатида китобдан жой олган. Усмон Носир И.В.Гётенинг “Эгмонт” трагедиясидан парча таржима қилган ва у шу пайтгача ҳеч қаерда эълон қилинмаган. Таржима айнан Усмон Носирга тегишли эканлигини олим Усмон Носир устидан олиб

борилган тергов материаллари билан танишиб аниқлаган. Миртемирнинг “Ҳалиманинг дафтарига” шеъри ҳам шу пайтгача ҳеч қаерда эълон қилинмаган, Ҳалиманинг Миртемирга қандай алоқадорлигини ҳам кўпчилик билмайди. Ҳалима Раҳимова ўз вақтида истеъдодли рақҳоса бўлгани ва Миртемир билан турмуш қургани, Миртемир 1932 йилда номаълум сабабларга кўра қамалгач, Ҳалима бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетганлиги, қамоқ муддатини ўтаб қайтган шоир оиласини қайта тикламоқчи бўлгани, аммо бунинг имкони бўлмаганлигини мунаққид барча тафсилотлари билан баён этган. Шеър эса шоирнинг ўша пайтдаги қалб изтиробларини жуда таъсирли ифодалаган.

“Икки соҳир–икки жавоҳир” ўзбек адабиётининг икки буюк намояндаси Абдулла Қодирий ва Ойбек ижодига, бу адибларнинг “Ўткан кунлар” ва “Қутлуғ қон” романлари таҳлилига бағишланган. Ҳар иккала сўз санъаткорининг бадиий маҳорати, бир-бирини такрорламасликлари, бир-бирини тўлдиришлари илмий асослаб берилган.

“XX аср ўзбек адабиёти манзаралари”нинг биринчи китоби, шубҳасиз, ўзбек адабиётшунослигининг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқларидан бири. У улкан олим, адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, табаррук тўқсон ёшни қаршилаган устоз мунаққид Н.Каримовнинг серзаҳмат меҳнати маҳсули сифатида яна ҳам қадрлидир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов Наим, XX аср адабиёти манзаралари, Тошкент, “O`ZBEKISTON”, 2008 й.

2. Ўзбек адабий танқиди тарихи (университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик), Тошкент, “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2012 й.

3. Ризаев Шуҳрат, Китоб ва унинг муаллифи ҳақида бир-икки сўз.

“КАМОЛ”НИ КАСБ ЭТГАН ОЛИМ

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори

Комиллик инсониятнинг азалий ва абадий муаммоларидан биридир. Инсон камолоти руҳнинг энг юксак мақомдаги кўринишидир. Инсон фитрати поклик ва имондан қувватланган экан, у доим ўз ибтидоси Яратувчиси сари талпиниб яшайди, камолотга интилади. Комиллик инсон зотини Оллоҳни севишга, Ўзини танишга, Имонни асрашга, Руҳини поклашга ундайди. Ҳазрат Навоий айтганидек: ”камол”ни касб этиш, яъни камолотни касбга айлантириш, комилликни Руҳинг учун озуқа манбаига айлантирсанг, “олам уйидан” ғам билан кетмайсан. Камолотда илм ва олимликнинг мақоми анча баланд. Олим тийнатида икки: илмий ва маънавий қиёфа аксланади. Олимнинг илмий қиёфаси унинг илмий потенциалини, интеллект даражаси, интеллектуал салоҳиятни белгилайди. Маънавий қиёфасида эса олимнинг Имони ва Эътиқоди бўй кўрсатади. Ҳар икки қиёфанинг бир сийратда жам бўлиши инсоннинг камолидан хабар беради. Илм фан ва маданияти ривожида ўзининг ҳалол ва фидоий меҳнати билан хизмат қилган устоз Наим Каримов ўз сийратида улуғ авлиё ва олимларнинг инсоний фазилатларини жам қилди. Ҳаёт йўлини комиллик бекатлари билан йўлдош қилган Наим Каримовнинг ҳаёт йўли ҳар бир миллат фарзанди учун ибрат мактаби бўларлик даражада аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Домла Руҳият уламоларининг тариқатларига ўзини чин Ворис деб билди ва шу йўлда бир сония бўлса ҳам чекинмади. Сабаби устоз улуғларимиз сингари Руҳни тарбия қилди, нафсини поклади, Имонини сақлади. Қуйида устоз шахсиятидаги айрича сифатлар ҳақида сўз айтишни мақсад қилдикки бу фикримизнинг исботи бўлиб хизмат қилсин. Айтилган ҳар бир сифат устоз сийратидаги муҳим хислатларни очиқлашга хизмат қилади.

Нафсга тобе бўлмаслик. Нафснинг жилваларига алданмаслик, эътиқодида собитлик, сўз ва амал бирлиги шахсий бутунликнинг энг муҳим белигиларидир. Нафс тушунчаси инсон ҳаёти ва кечмишида ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Нафснинг жилвалари, товланишлари ҳар қандай одамни йўлдан адаштиради, мақсаддан чалғитиб қўйиши ҳеч гап эмас. Устоз Н.Каримов руҳият уламолари сингари нафсига эгалик қилди, уни имон йўриғига солишга ҳракат қилди. Устоз нафсига тобе бўлиб амалга қул бўлмади, мартаба кетидан қувмади, шуҳратга интилмади йўлини хокисорлик билан боғлади. Устоз нафсини эзгуликка, хайрли ишларга сафарбар қила олган донишмандлардан биридир.

Эътиқодда собитлик. Устознинг қарашлари ҳар қандай манфаатлардан холи бўлган, оғир вазиятда ҳам ўзига содиқ қолган зиёлининг тутумларини кўрсатади. Домла ҳаётий мезонларида ҳалоллик ва адолатни таянч билдилар. Замонасозлик қилишни, даврнинг елвизак шабадаларига алданмасликни англаб етди ва буни амалда уддалай олдилар. Раҳбарларга ёқиш учун

ялтоқланишни ўзига эп билмади, маддоҳлик қилмади. Шу боис домлага аталган давлат мукофотлари “йўлидан адашиб” кетгандир, эҳтимол. Жамият ҳаётидаги илм ва олимнинг қадр қиммати домлани оғиринтиргандир ёки қуруқ расмиятчилик озор бергандир, аммо улар бу ҳолни билдирмайди. Кўнгли оғирсада, бировларнинг дилини оғритгиси келмайди, индамай кўя қолади. Ҳеч қачон ўз нафси учун бирон нарса “тиламайди”, ялтоқланмайди. Устознинг илмга нисбатан эътиқоди айрича. У чин маънода адабиётни, ижодни севади. Чўлпон, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир ҳақида кўз ёшларисиз гапира олмайди. Уларни қалб ардоғида асрайди. Илмга борини берган олимни Яратган сийлайди, ажр даражасини юксалтиради. Зеро, берган одам олади, деган ҳикмат умиднинг тажаллийсидир.

Камтарлик. Камолотнинг муҳим белгиси бўлиб, домла ниҳоятда камтарона ҳаёт тарзини танлаганлиги принципларида кўриниб туради. Бу устознинг ҳаётий тутумларида, кийиниш маданиятида, муомала муносабатида, ўзини тутишида, суҳбатларида ҳам хокисорлиги билан ажралиб туради. Илмий анжуман ёки муҳокамаларда ваколатидан ташқарига чиқмайди, меъёрларга қаътий амал қилади. Академик бўла туриб ҳамма қатори бир хонада ўтирганда ҳам устоз ўзига алоҳида жой сўраб талаб қилмайди. Ич-ичидан оғиринсада, юзага чиқармайди. Андишани маҳкам тутади. Имоннинг зоҳирий белгилари шундай сифатлар орқали бўй кўрсатар, балки...

Таъмадан йироқлик. Устоз билан яқин ўттиз йиллар давомида бир бўлимда ишлаш имкони насиб этди. Жуда кўп нарсаларни ўргандим, баъзи яхши сифатлари билан ҳулқланишга ҳаракат қилдим. Домла таъмадан жуда йироқ одам, ҳеч қачон кимдирнинг қўлига таъма кўзи билан қарамаган. Илмига таъмани аралаштирмаган дея тўлиқ ишонч билан айтиш мумкин. Илм қадрсизланган йилларда маош озлиги боис кўпчилик бошқа йўлдан кетишга мажбур бўлди, йўлдан адашди, баъзи устозлар олим “ясайдиган цех”лар очиб, кимларгадир диссертация ёзиб бердилар. Аммо устоз бирон марта виждонига қарши бормади, бундай номаъқул ишлар билан шуғулланмади. Борига қаноат қилиб яшадилар.

Кибрга берилмаслик. Устоз муносабатларда ҳалоллик ва холисликни маҳкам тутади. Кибр инсонни одамлардан узоқлаштиради, одамлар кўнгилига гумон солади. Домла ҳеч қачон ўзини юқори тутмайди, олдига ким келса ҳам очиқ юз билан кутиб олади, қўлидан келганча ёрдам беради. Бугун зиёлилар орасида ҳам амалдорликни шараф сановчилар учрайди ва улар ҳеч кимни менсимай қолишади, андишани унутиб қўйшади. Атайин ишни чўзиб эшик ортида кутиб ўтириғишни жуда ҳоҳлайдиган кимсаларга устознинг умр йўли ибрат бўлади. Илмий кенгашнинг раиси сифатида бирон марта имзо қўйдириш учун келганларни куттириб ўтиришини ўзига эп кўрмайди, иложи борича бировларнинг ишини тез битиришни маъқул кўради. Домла кибрни ўз виждонига бўйсундирди. Бу ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган юмушдир.

Вақтни қадрлаш. Наим Каримов фаолиятида Вақтнинг қиймати алоҳида аҳамиятга эга. Устоз фаолияти давомида ҳар бир сонияни, дақиқани

қадрига етишга ҳаракат қилади. Ўтиб кетаётган лаҳзаларни илм орқали тарих саҳифаларига муҳрлаш учун тинмай изланади, ўқийди, манба кўради. Домла ўзи ва ўзганинг ҳам Вақтини аяйди, қадрлайди. Устоз тафаккурининг ҳосиласи бўлган кетма-кет чоп этилаётган китоблар сиз шошириб қўяди. Ғайрат ва шижоат билан ишлайдилар, ўтирган хоналари китоб ва журналларга тўла. Вақтни англаш, унинг тезлигини ва муваққат эканлигини билиш ҳам асл файласуфнинг белгисидир.

Сўзга ошиқлик. Домла қалбан ижодкор. Чин маънода сўзга ошиқ, шайдо. Нафақат ақлий илмлари билан балки ҳиссий сезимлари орқали асарни баҳолайди, мисраларни юрак қўри билан таҳлил қилади. Домланинг шоирлиги ва носирлиги ҳам бор. Ўзбек адабиётида маърифий биографик роман жанр ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорлардан саналади. Рангтасвир, саҳна санъатининг ҳам етук билимдонларидан ҳисобланади. Буларнинг барчасида Сўзни англаш ва Қадрлаш туйғуси устувор саналади.

Бағрикенглик ва мурувват. Домланинг раҳмдиллиги ва меҳрибонлигидан биз каби уқувсиз шогирдлар жуда кўп фойдаланганмиз. Баъзи ўринларда эса ишончларини суистеъмол қилиб ҳам улгурганмиз. Устоз шогирдларининг оила, фарзандлар ташвишидан ҳам хабардор бўлиб туради. Шогирднинг ранги рўй, усти боши, руҳий ҳолати барчасини кузатади. Имкон доирасида даълда беради. Домла шогиридининг ишини эринмай ўқийди, ҳар бир сатр устига ёки ён саҳифаларини тўлдириб ўзига хос оргинал услубдаги ҳуснихати билан “безаб” чиқади. Ҳошияларни тўлдириб ишни бойитадиган маълумотларни ёзиб қолдиради. Домланинг ҳуснихати ҳам саънат асари каби ўзига хос чизги саналади. Унда инсон қалбининг нафислиги ва кўнгил ипларнинг нозиклигини англатувчи қабартма белгилар етарлича топилади.

Устоз Н.Каримов нафсини эзгуликка, хайрли ишларга сафарбар қила олишга эришган донишманд устозлардан бири саналади. Кичик мақола мисолида устоз Н.Каримовнинг сийратларига хос чизгиларни беришга ҳаракат қилдик. Бу чизгилар бизнинг англовларимиздир, ҳали англанмаган уфқлар борлигига гумонимиз йўқ. Олимга илм берилса-ю, амал бўлмаса бу илмнинг на соҳибига ва на бошқаларга нафи тегади. Устоз Н.Каримов илмига амали билан эришиган миллатпарвар чин маънодаги Зиёли. Домла қутлуғ ёш остонасида турибди, Оллоҳ илмини, умрини баракали ва мазмунли саҳифалар билан бойитсин, соғ бўлсинлар!

ТИТАН ОЛИМ

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари доктори

Мен 2000 йилда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти кундузги бўлим аспирантурасига ҳужжат топширганимда, адабиётшунос Наим Каримовга шогирд тушаман, деб келгандим. Аммо қисмат эмас экан... Мен билан аспирантурага кирган тошкентлик қиз Нилуфар Мирсаидова Наим Каримовга шогирд бўлди, мендан сўраб ҳам ўтиришмасдан, маъмурият филология фанлари доктори, профессор Нўъмонжон Раҳимжоновга буйруқ чиқаришган. Мен бундан хафа бўлганман. Мен минг километрдан Наим акага шогирд бўламан, деган орзу билан келгандим. Умуман, бирорта китобини ҳам ўқимаган одамга шогирд тушдим, деб бироз ранжиганман. Бу гапларим Нўъмонжон Раҳимжоновнинг қулоғига ҳам етиб борган, албатта. Кейин ўзим хижолат бўлиб қолдим. Домланинг олдига кириб, кечирим сўраганман. Нўъмонжон ака “Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри” мавзусини берди. Шу мавзу устида уч йил ишлаб, тўртинчи йили ҳимояга чиқдим. Устозим Нўъмонжон Раҳимжонов бугун бу ёруғ оламда йўқ. (Жойлари жаннатда бўлсин!) Устоз билан яхши ишлашдик, илмий маслаҳатларини ҳеч қачон аямади. Олдинига домлани хафа қилган бўлсам, кейин англаб етдимки, Нўъмонжон Раҳимжонов ҳам жуда катта адабиётшунос, устоз, ҳатто академик билимга, салоҳиятга эга одам эди. Афсуски, ҳаётдан бироз эрта кетди...

Наим ака билан деярли йигирма икки йилдан бери бирга ишлашамиз. Расман у кишига шогирд бўлмасам ҳам, ташқаридагилар, мени “Наим Каримовнинг шогирди” деб ҳисоблашади. Албатта, бу менга яхши маънода кайфият беради. Бундан ғурур туяман... Академик Наим Каримов ҳақида бирон нарса қоралаш ўта қийин иш. Чунки, домла денгиз... Домланинг билим доираси денгиздек теран ва кенг. Денгизда чўкиб кетишим ҳеч гап эмас.

Домла ниҳоятда катта билим эгаси. Ҳатто эшитганларим бор, Наим Каримовни кимлардир “Икки оёқли тирик энциклопедия”, яна кимлардир “Сўнгги Могикан”, яна кимдир “Отахон устоз”, “Академик”, “Ота” деб аташади. Бу гапларнинг ҳаммасида жон бор, албатта. Домла XX аср замонавий ўзбек адабиётшунослигининг деярли барча илмий муаммолари билан шуғулланди. Домла кимларни ўрганди? – деган саволга жавоб беришдан кўра, нималарни ўрганмаган? – деб савол қўйсак тўғрироқ ва осонроқ бўлади. Домла XX аср ўзбек замонавий адабиётининг юзлаб ижодкорлари ҳақида минглаб тадқиқотлар яратган улкан олим ҳисобланади. Ана шу тинимсиз илмий ижодий изланишлар натижаси ўлароқ Наим Каримов XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратди. Ажойиб адабиётшунос Сувон Мелиевнинг образли ифодаси билан айтадиган бўлсак, Наим ака яратган тадқиқотлар “ўнта туяга юк бўлади”. Шу топда кенг саҳрода ўнта бақувват туя ва унга юкланган китоблар, бу туяларнинг виқор билан саҳрони,

тун ва кун сукунатини бузиб, дадил одимлаб кетаётгани кўз ўнгимда пайдо бўлди.

Ҳозир институтимиздаги ягона академик Устозимиз Наим Каримов бўлади. Шахсан мен Наим Каримов домладан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Буларнинг биринчиси, илмда тинимсиз ўқиш ва изланиш қандайдир натижаларга олиб келишини тушундим. Домла шогирдларига ўта меҳрибон Устоз. Наим Каримов илмий раҳбарлигида жумҳуриятимизда таниқли бўлган Акбарали Сабриддинов, Раъно Иброҳимова, Шоира Дониёрова (жойлари жаннатда бўлсин!), Улуғбек Ҳамдамов, Санобар Тўлаганова, Пошша Кенжаева каби фан докторлари етишиб чиқди. Фан номзодлари, PhD докторлар ҳам талайгина. Масалан, Ю.Шомансуров, О.Усмонов, Ж.Сувонова, Н.Мирсаидова, Б.Абдулхайров, Нодира Соатова, Раъно Муллахўжаева, Муҳайё Ҳамроева, Дилнавоз Салимова, Шоҳсанам Сўфиева, Беҳзод Фазлиддин, Муҳайё Қодирова, Ойимхон Эшниёзова, Меҳрибон Ёдгоровалар Наим Каримов илмий раҳбарлигида ўзларининг номзодлик ҳамда (PhD) докторлик ишларини ҳимоя қилишди. Домла тахминан умумий ҳисобда 30 дан зиёд докторлик ва номзодлик ишларига илмий раҳбарлик қилган.

Биз ёшлар домла билан ҳеч қачон тенглаша олмаганмиз. Шу бугун суҳбатимизда айтилган гаплар, бир ҳафтадан сўнг, матбуотда чоп қилиниб кетарди. Домла ана шундай жуда тезкор ишлайдилар.

Наим Каримов ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон, Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия кабилар ҳақида ўнлаб фундаментал тадқиқотлар яратди. Ўзбек халқининг миллионлаб болалари Наим Каримов ва бошқа академик олимлар ҳаммуаллифлигида яратилган дарсликлар туфайли замонавий “Ўзбек адабиёти” ҳақида тушунча ва билимга эга бўлди. Шахсан ўзим ҳам Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов тайёрлаган “ХХ аср ўзбек адабиёти тарихи” китобини ҳижжалаб ўқиганман.

Домла қатағон қурбонлари даври ижодкорларининг ҳаёти ва ижодини жиддий ўрганган заҳматкаш олимларимиздан бири ҳисобланади. Олим архив ҳужжатларни титкилаб, ўрганишдан ҳеч эринмади. Домла айниқса, ёзувчи ва шоир, академик Ойбекни жуда қаттиқ яхши кўради. Ойбек ҳақида гапирса, йиғлаб гапиради. Нега шундай? Академик Матёқуб Қўшжонов домла ҳам “Кўнгилда қолиб кетган гаплар” кундалик сатрларида Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ҳақида энг кўп ёзганини эътироф этиб, аммо шу ижодкорлар ичидан кўнглига энг яқини, энг тозаси “Ойбек” деган тўхтамга келган. Наим Каримов учун ҳам худди шундай. Назаримда, Наим Каримовлар авлоди учун Ойбек шахсияти жуда катта феноменал ҳодиса бўлган. Ахир, нега иккита академик олим ҳам Ойбекда тўхталяпти. Албатта, бунинг бир сири бўлса керак. Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари, жумладан, Наим Каримов “Ойбек. Мукаммал асарлари тўплами. 20 томлик”ни яратишда қаттиқ меҳнат қилишди. Аммо шу олимлар орасида айниқса, Наим Каримов жуда катта жонбозлик кўрсатди. Шу бугун ҳам

Ойбек уй музейи фаолиятини Наим Каримовнинг ойбекшунослик бўйича олиб борган залворли тадқиқотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Домла Ойбек ижодига бўлган катта муҳаббати туфайли фарғоналик шогирди Акбарали Сабриддиновга “Ойбек ижоди поэтикаси” мавзусини докторлик иши сифатида тавсия этди. Акбарали ака жуда катта қийинчиликлар билан бўлсада, бу мавзуда ажойиб диссертация ёзиб, ҳимоя қилди. Баъзи бир қаршиликлар бўлсада, у кишининг юзлари ёруғ бўлди.

Бундан ташқари, домла Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг мукаммал тўпламини нашрга тайёрлаш ишларида ҳам катта меҳнат қилди. Домланинг бадиий матн билан ишлаш тажрибаси ниҳоятда шаклланиб кетган. Маҳоратли олим бадиий матнни гапиртира олади. Матн остидаги кўзга кўринмай ётган ижодкорнинг бадиий нияти ва рамзий ишораларини Наим Каримов сезгирлик билан илғаб олади. Моҳир овчи сингари ҳар бир мисра, ҳар бир парчадан олам-олам бадиий маъно топа олади. Академик Устознинг бадиий матн билан ишлаш тажрибасини биз ёшлар ўрганишимиз ва ўзлаштиришимиз керак. Шундай эмасми?

Наим Каримов дейилиши билан негадир хаёлимга “Титан” деган сўз келади. Ҳайронман. Нега шундай? Бу бежиз эмас, албатта. “Титан” – улкан, буюк дегани. Юнон мифологиясида Олимп тоғида яшовчи маъбудларни “Титанлар” дейишади. Шу маънода, Наим Каримовни ҳам ўзбек адабиётшунослик илмининг “ТИТАН ОЛИМИ” десак хато бўлмайди. Домланинг қалам теккизмаган мавзуси қолмади, назаримда. Олим Беҳбудийдан тортиб, Усмон Азим, Турсун Али, Хуршид Дўстмуҳаммадгача ўрганди. Ҳозирги адабий жараённинг кўзга кўринган ижодкорлари Усмон Азим, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам ижодини шогирдларига алоҳида монографик тадқиқот сифатида ишлатди.

Менинг яна ҳайратланган жойим шундаки, Наим Каримовда ёзма нутқ билан оғзаки нутқ иккаласи баравар равон шаклланган. Аслида, бу жуда қийин иш. Иккита томонни ҳам аъло даражада ушлаб туриш учун киши ўз устида қанча меҳнат қилиши керак. Кўпинча, кузатаман, баъзи катта олимларимиз ёзма нутққа куч берганлари ҳолида оғзаки нутқи оқсоқ бўлиб қолади. Масалан, Сувон Мелиевда шундай. Оғзаки нутқда бироз нотекис гапиради. Аммо янги фикр айта олади. Наим Каримов домла ёзганида ҳам, гапирганида ҳам грамматик жиҳатдан ўта шаклланган, ўта етук академик салоҳиятга эга олим эканини ҳар сафар исботлаб туради. Мен домланинг ана шу фазилатларига доим ҳавас қилганман. Телевидения ва радиоларга интервью беришда, ёки илмий-адабий анжуманларда Наим Каримов ниҳоятда текис, равон нутқи билан мени мафтун этади. Аммо домла ниҳоятда паст товушда гапирадилар. Бу ҳам домланинг ички маданиятидан дарак беради. Домла бақир-чақир қилиб, қўпол ва дағал гапиришни “маданиятсизлик” деб ҳисоблайдилар. Шу маънода, домла ўзининг оғзаки нутқи устида ҳам қаттиқ ишлаган Устоздир.

Бизнинг авлодимиз Устоз академик Наим Каримовдан жуда кўп нарсани ўрганиши керак ва зарур. Кўз ўнгимизда жуда катта адабий илмий ижодий мактаб яратган Титан олим турибди. Аммо кўпда Домланинг қадрига етмаймиз.

Яна бир гап... Хаёлимга келди... Шоира Дониёрованинг маслаҳати билан академияга аспирантурага келгандим. Наим аканинг шогирди Шоира опам билан устоз-шогирдлик муносабатларини кўриб-кузатиб ҳам ҳайратланганман. Масалан, домла Шоира опамга “Сочингизни турмаги ўзгарибдими, ярашибди”, “Янги кофтангиз жуда ярашибди” ёки “гўштли овқат еб турибсизми?” деб сўраганларини ҳам эшитганман. Домла баъзи бир шогирдларини ўз фарзандидек кўради, оталарча меҳрибонлик қилади. Аммо баъзи бир шогирдларидан хафа бўлиб қолсалар, умуман кечирмайди. Оқ қилиб юборади...

Мен Нўъмонжон Раҳимжоновнинг шогирди бўлганим учун академик Бахтиёр Назаров (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!) исмимни билсалар ҳам атайлаб, “Нўъмоннинг кичкина шогирди” дерди. Аммо Наим Каримов доимо мени “Марҳабо” деб ўз исмим билан атайди. Телефон қилсам ҳам шу ёшларида ҳам овозимдан тез таниб оладилар. Ҳайрон қоламан. Домла ҳеч адашмайди. Домла “ХХ аср ўзбек адабиёти” ва “Ҳозирги адабий жараён” бўлимлари бирлашиб кетганидан сўнг ҳам узоқ йиллар бўлим мудири лавозимида ишладилар. Сўнгра, бўлимни болалар адабиёти мутахассиси Раҳматилла Баракаевга топширди. Домла бошчилигида “Абдулла Қодирий энциклопедияси”га материаллар ёздик. Фундаментал лойиҳамизнинг сўнгги йилларида ҳужжат ишларини Наим ака менга ишониб топширдилар. Менга билдирилган ишончдан куч-қувват олиб, беш йиллик якуний ҳисоботлар устида қаттиқ ишладим. Умуман олганда, домла билан ҳамкорликда анчагина ишларни қилдик, назаримизда. Масалан, “Ўзбек адабиётшунослигининг икки маликаси: Нинель Владимирова ва Машҳура Султонова замондошлари хотирасида” (Илмий мақола ва хотиралар тўплами), “Шотурсун Ғуломов замондошлари хотирасида” (Хотиралар ва мақолалар тўплами), “Шотурсун Ғуломов. Сайланма” (бадиий асарлар тўплами), “Ўзбек адабиёти масалалари” (конференция материаллари), “Эркин Аъзам бадиий олами” (Илмий мақолалар тўплами) китобларининг дунёга келишида домла ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямадилар. Баъзи бир китобларга “Кириш сўз” ёзиб берган бўлсалар, баъзиларига масъул муҳаррирлик қилдилар. Бу китоблар шунчаки, нашр этилибгина қолмади. Балки, ҳар бир китобни нуфузли ташкилотларда Устоз бошчилигида тақдимот маросимларини ҳам ўтказдик.

Мана қўлимда “Академик Наим Каримовнинг биоблиографик кўрсаткичи” турибди. Бу биобиблиографик кўрсаткич Устознинг 85 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган. Китобни нашр этиш ишида филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг хизматлари катта бўлган. Мазкур кўрсаткични кутубхонашунос Зуҳра Бердиева ва Индира Худойберганова тузган. Масъул Муҳаррир Ҳамидулла

Болтабоев. Кириш сўзи муаллифи Озод Шарафиддинов. Мана бу биобиблиографик кўрсаткичга қараб, Наим Каримов илмий фаолиятига қисқа штрихларни чизиш мумкин. Наим Каримов 70 га яқин илмий монография, рисола ва дарсликлар муаллифи. Олимнинг илмий фаолияти ўтган асрнинг 1953 йилида бошланган. Илк мақоласи “Ёш ленинчи” газетасида “Озодлик денгизчиси” сарлавҳаси билан чоп этилган. Б.Ҳасанов билан ҳаммуаллифликда. Агар сўнгги беш йилликни ҳам ҳисобга олсак, академик Наим Каримовнинг эълон қилинган ишларининг умумий сони 2000 тадан ошиб кетади. Менимча, бу кўрсаткич ўзбек адабиётшуносларининг бирортасининг ижодий фаолиятида кўзга ташланмайди. Домла кенг қамровли ижодий фаолияти билан Геннишнинг “Рекордлар” китобига киришга лойиқ номзод.

Домла сўнгги йилларда илмий ижоддан ташқари, драматургия билан ҳам шуғулланиб, драмалар ёзди. Кўп бор кузатганман, Наим Каримов академик Иззат Султонни ниҳоятда ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳам Иззат Султоннинг қайтадан чоп этилган “Навоийнинг қалб дафтари” китобига салмоқли кириш сўзи ёзди. Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” китобини қайта нашрига ҳам масъул муҳаррирлик қилди. Устознинг серқирра ва кенг кўламли илмий, бадиий, жамоатчилик фаолияти ҳақида бирма-бир тўхталамиз десак, вақтимиз ҳам, варағимиз ҳам етмайди.

Устоз Наим ака том маънода ўзини илмга бағишлаган одам. Илм ва адабиёт йўлида ҳеч қачон таъмагир бўлмасдан, холис ва беминнат хизмат қилиб келаётган инсон. Домла каминани ҳам жуда кўп қўллаб-қувватлади. Хусусан, докторлик диссертациямни эсон-омон ҳимоя қилишимда Устознинг маънавий-руҳий ёрдами беқиёс бўлди. Мен доим учта академик олим билан бир институтда ишлашганимни айтиб, фахрланиб юраман. Булар, академик Тўра Мирзаев, академик Бахтиёр Назаров, академик Наим Каримовдир. Ҳар учаласининг менинг ҳаётимда, ижодий фаолиятимда қандайдир даражада улкан ўрни бор. Улардан кўп нарсаларни ўргандим. Энди ўрганганларимни шогирдларимга ўргатиш ниятидаман.

Бугунги ўзбек адабиётшунослигининг ТИТАН ОЛИМИ академик Наим Каримов бу йил муборак 90 ёшни қаршилайдилар. Биз шогирдлар Устоз олдида доим таъзимдамиз! Устозимиз соғ-саломат юрсинлар! Изларида этагини маҳкам ушлаган шогирдлари бахтига ҳам соғ бўлсинлар!!! Домланинг бандасининг олдида ҳам, Яратган олдида ҳам юзи ёруғ!! Биз ёшлар ана шу эътиқодли ва имонли Наим Каримовдек бўлишга интилишимиз керак. Идеалимиз шундай бўлиши керак!!! Бўлиши керак...

8.11.2022 йил.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА БАХШИДА УМР

Пошшажон КЕНЖАЕВА,
филология фанлари доктори

Йиллар, даврлар ўтгани сайин одамзод
ўзининг энг яхши инсоний фазилатларини
бой бериб, бағри тош, дийдаси қаттиқ
роботларга айланиб бормоқда.
(Академик Наим Каримов
“Отам, болалик ва илк мақола...”)

Устоз, аввалambор, насиҳатгўй тарбиячи, илм йўлида йўлбошчи, раҳнамо, илм-фанда йўл-йўриқ кўрсатувчи муаллим... Шу маънода ҳар бир касб ёки ҳунар эгаси албатта, устоз таъсирида, устоз воситасида шаклланиб камолот чўққисига эришади. Айниқса, илм йўлидаги турли машаққатлар, синовлар қаршисида устознинг ўрни бениҳоя катта! Шу маънода менга адабиётшунослик соҳасида таълим берган қимматли ва қийматли устозларимдан бири академик Наим Каримовдир. Устозим, академик Наим Каримовнинг муборак 90 ёшни қаршилаётган таваллуд айёми қутлуғ бўлсин! Илм йўлидаги фидокорона меҳнатларингиз роҳатини кўриб, ҳар доим шогирдлар ардоғида юринг устоз!

Устоз “XX аср турк ҳикоячилигининг тараққиёт тамойиллари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациямга илмий маслаҳатчи бўлганлар. Диссертацияни ёзиш жараёнида ўзларининг илмий маслаҳатларини ҳеч ҳам аямаганлар. Устоз ҳар бир ёзган мақолаларимни бетма-бет синчиклаб ўқиб, даставвал шу мавзуда олиб борилган олдинги тадқиқотларни мукаммал даражада ўрганиш, уларнинг назарий фикрларига илмий жиҳатдан ёндошиш, мақола олдига қўйилган мақсад-вазифанинг қандай амалга оширилиши, илмий-назарий қараш ёки мунозараларга қайси ўринларда жиддий муносабат билдириш зарур, ҳар қандай тадқиқот қайси мавзуда ёзилишидан қатъий назар қайси мезонларга таяниши керак, бадиий асар таҳлилида албатта, асар ёзилган давр ва ундаги шарт-шароитлар, асарнинг асосий мавзуси ва ғояси, бадиий тили, жанрнинг ўзига хос табиати сингари масалаларга диққат-эътибор қаратиш лозимлигини қайта-қайта уқтирар эдилар.

Устоз нафақат илмий тадқиқот ишларимда, балки бадиий таржима соҳасида ҳам ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаганлар. Турк ҳикояларини таржима қилиш жараёнида бадиий таржиманинг тамойилларига, хусусан, ҳикоя жанрини таржима қилишда унинг жанрий хусусиятларига эътиборли бўлиш, айниқса ўзбек тилидаги муқобил сўзларни ўз ўрнида маҳорат билан қўллай билиш кераклигини ҳар замонда таъкидлаб келганлар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, устознинг бадиий таржимашунослик соҳасидаги хизматлари ҳам бор. Арман шоирлари

Шушаник Кургиняннинг “Қандилларни ўчиринг”, Аветик Исаакяннинг “Хастаман, азизам”, белорус шоири Якуб Коласнинг “Талаш бобо”, тожик шоири Абдусалом Деҳотийнинг “Ферузахон ухлайди” сингари эркин таржималари уларнинг бу соҳадаги тажрибаларига яққол мисол бўлади.

Шунингдек, турк адабиётшунослари билан ҳар гал учрашганимда улар ўзбек адабиётида XX аср адабиёти, айниқса, ўзбек жадид адабиётининг етук билимдони сифатида академик Наим Каримовнинг илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтишади. Устознинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Усмон Носир, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шуҳрат, Шукрулло, Асқад Мухтор, Ҳамид Олимжон, Зулфия сингари XX асрнинг йирик ва жаҳонга машҳур шоир-ёзувчилари ҳақидаги бир қатор илмий-назарий тадқиқотларидан Туркия олийгоҳларининг “Замонавий туркий тиллар ва адабиёти” кафедрасида ўқитилиб келаётган ўзбек адабиёти фанида маъруза сифатида унумли фойдаланиб келинмоқда. Ҳатто, аксарият ҳолларда шунга ҳам амин бўлганманки, XX аср ўзбек адабиёти бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган турк изланувчилари даставвал академик Наим Каримовнинг бу борадаги илмий тадқиқотларини излайдилар ва ўрганадилар. Ўзбекистонга келишганида албатта устозни кўриб, улар билан яқиндан танишиш илинжида бўлишади. Дарвоқе, туркиялик йирик олимлар устознинг бир қатор тадқиқотларини турк тилига таржима қилиб Туркияда нашр қилишган.

Дарҳақиқат, устоз ўзбек адабиётига умрини бахшида қилган энциклопедик олимлардан бири ҳисобланади, улар ҳозиргача жадид адибиётининг аксарият намояндалари ҳаёти ва ижодини илмий далиллар асосида синчиклаб тадқиқ қилиб келмоқдалар. Илмда ҳалигача ўрганилмаган, ҳам долзарб, ҳам мавҳум масалаларга аниқлик киритиш мақсадида бетиним изланадилар ва жиддий тадқиқот олиб борадилар. Уларнинг илмга бўлган астойдил садоқати, фидоийлиги бугунги ёшлар учун ўрнак бўлиши керак, зеро, йирик мунаққид Озод Шарафиддинов айтганидек: “Ҳой, яхшилар. Теварак-атрофингизга қаранг – оддийлик қиёфасида юрган улуғларга бефарқ бўлманг! Уларнинг қўлини олиб, суҳбатидан баҳраманд бўлинг!”[13]

Йиллар давомида устоз берган ўгитлар натижаси ўлароқ шундай хулосага келдимки, илм йўлидаги заҳматни, машаққатни сабр-тоқат билан енгиб ўтиш, ҳар бир тадқиқот олдига қўйилган илмий масалани жиддий тафаккур қилиш, илмий натижа ва хулосаларнинг асосини назарий-амалий жиҳатдан аниқ талқин қила олиш қобилияти бўлажак олим тийнатида шаклланиши муҳим экан. Бу жараённинг шаклланишида устознинг кўрсатмалари асосий вазифани ўтайди. Шу маънода, фурсатдан фойдаланиб илмга кириб келишимда жонбозлик кўрсатган меҳридарё улуғ устозим Наим Каримовга чексиз миннатдорчилик билдириб, бош эгиб таъзим қиламан!

[13] Шарафиддинов О. Оддийликдаги улуғлик / Домлалар. Маънавият., Т-2009. -Б.172.

ОЛИМЛАРНИНГ УСТОЗИ

Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари доктори

Илми билан амали бир бўлган олимлар Аллоҳга суюмли бўладилар. Шундай олимларнинг устози-чи? Савоби кўп бўлса керак, Аллоҳ даргоҳида азиздир деб ўйлайман. Илоҳо, шундай бўлсин, ахир халқимиз “Илм билан шуғулланиш игна билан қудуқ қазимоқ” эканини ўз мақолида алоҳида таъкидлаган-ку! Умрини филология илмига бағишлаган, юзлаб олимларга устоз саналган олимлар номини тилга олсак, ўзбек фольклори, ўзбек адабиётшунослиги, ўзбек тилшунослиги дарғалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Улар шўро даври оғирчиликларини енгиб, филология илмини, бу илмнинг шонини асрдан асрга олиб ўтдилар, миллат адабиёти равнақи йўлида беминнат хизмат қилдилар. Бу йўлда борларини сарфладилар. Шундай устозлардан бири, юзлаб олимларнинг устози Наим Каримов илмдан ўзга улуғлик йўқлигини англаган ва шогирдларига шу ҳикматни англатган улуғ устоз! Гоҳо “улуғ” сўзини қўллашда торлик қиламиз, гоҳо кераксиз ўринларда шу сўзни қадрсиз айлаймиз. Аммо академик Наим Каримов мутафаккир олим, улуғ устоз дейишимизга муносибдирлар. Бунга устоз яратган юзлаб илмий асарлар ва у киши бевосита ҳамда бавосита тарбият этган шогирдлар борлиги далилдир.

Устозни таниганимдан буён бавосита сабоқ олган шогирд сифатида феъл-атворларига ҳавасланганман. Таъби нозик, вазмин, ютуқлар олдида ҳам, қийинчиликлар палласида ҳам феъли ўзгариш топмаган, овози баландламаган, муомала-муносабат маданиятига кўра аслзодаларга хослик касб этган устознинг табиатлари беқиёс, ҳавасга муносиб. Одатда, донишманд устозлар жуда камтар, аммо ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадрини билгувчи, ҳаётларининг ҳар бир дақиқасини эл манфаати, Ватан равнақи учун сарфлайдиган, умр сарҳисобида изи чаманзор зотлардир. Устоз шундай зотлардан. Ахир Наим Каримовга ҳамкор, ҳамқадам бўлган академик Тўра Мирзаевни ич-ичимдан шундай таърифлар эдим, аммо ўзларига айтолмадим-ку! Бугун Наим Каримов ҳақларида ўйлаганларимни ёзиш имкони туғилганига шукр! Зотан, жадидлар ҳаётига оид манбаларни назардан ўтказиш учун ҳашамдан воз кечгани, умри қаламга эш, қоғозлар ичида ўтгани ҳаммамизга, айниқса, бугунги ёшларга ибрат мактабидир.

Устознинг биргина китоблари ҳақида ёзиш ҳам масъулият талаб қилади. Чунки Наим Каримов яратган илмий асарлар чуқур изланишлар, заҳматли меҳнатлар самараси ўлароқ бунёд бўлган. “ХХ аср адабиёти манзаралари” китоби олимнинг устозга айланган йиллари маҳсулидир. Бу китобга устоз адабиётшунос олим Ш.Ризаев мухтасар, айни дамда, муносиб тарзда баҳо берган: “Мазкур китобда аср адабий жараёнлари ва ҳодисалари моҳиятидан келиб чиқиб, муаллиф ўз даврлаштириш концепциясини таклиф этган ва шунга кўра, қарашларини янги-янги топилмалар билан далиллашга, асослашга муваффақ бўлган. Таъбир жоиз бўлса, мен бу китобни эскига

янгитдан янгича қараш, мавжуд ҳақиқатларни бор тафсилоти билан тўлиқ билган, англаган ва идрок этган ҳолда бугунги холис тушунча ва тасаввурлар билан, яна янги топилган далиллар билан қайта ёндашиш ҳамда баҳолаш эҳтиёжининг маҳсули, деб таърифлаган бўлардим”[14]. Бу фикр жуда ўринли. Чунки XX асрнинг зиддиятли даври ҳақида мустабидлик ва истиқлол даври ижтимоий-сиёсий ҳаётини атрофлича билган, XX аср адабиётини доимий тадқиқ қилган устоз олим ёзган китоб кейинги давр адабиётшунослиги учун зарур манбалардан бири бўла олади. Бу китобнинг аҳамиятини қуйидагиларда кўрдик:

1.Китобда жадидчилик даври, унинг намоёндалари ҳақида архивдаги маълумотларга, қатор тадқиқотчилар назаридан тушиб қолган турли манбаларга таяниб янги маълумотлар берилган. Бундай маълумотларнинг кўплиги китобнинг қадрини яна бир карра орттиради. Масалан, китобнинг 11-бетида келтирилган маълумотга кўра XX аср бошида зиёлиларимиз Ҳиндистонда форс тилида чоп бўлган “Ҳабл ул-матн”, Мисрда форс тилида босилган “Чеҳранамо” газеталарини ҳам топиб ўқиганлар. Устоз бу маълумотни етук ёзувчимиз Садриддин Айний қаламига мансуб “Қисқача таржимаи ҳолим”дан олганларини таъкидлаб ўтадилар.

2. Мустабид тузумнинг халқимизга, Ватанимизга муносабати билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Масалан, китобнинг 13-бетида “Новое время” журналининг 1908 йилги сонларидан бирида “Туркистонни “рус тожининг қимматбаҳо дурдоналаридан биридир”деб айтилганини келтирар эканлар, устоз у кимсалар учун фақат олтин муҳим бўлганини таъкидлайдилар. Бундай таҳлиллар ёшларга мустақиллик қадрини чуқурроқ англашига ёрдам беради.

3. XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган, фаолияти, асарлари кам ўрганилган ижодкорлар ҳаёти ва ижоди ёритиб берилган. Мисол қилиб Хислат, Мискин, Тавалло, Ҳожи Муинлар, Абдулла Алавий номларини келтириш мумкин.

4. Жадидчилик даври адабиётидан кейинги адабиёт вакиллари ҳаётига оид қизиқарли тадқиқ ва талқинлар мавжудлиги эътирофлидир. Бунинг учун Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти ҳамда ижоди ёритилган саҳифаларни ўқиб чиқиш лозим. Умуман олганда, китобнинг фазилатларини ҳали узоқ санаш мумкин. Муҳими, китоб талабаларга, магистрларга, мактаб ўқитувчиларига, олимларга, қўйингки, XX аср ўзбек адабиётининг А.Ориповларгача бўлган даврини ўқиб-ўрганиш учун барчага зарур қимматли манбадир. Биринчи китоб дейилганига кўра устоз иккинчи китобни яратиб, XX аср ўзбек адабиёти манзараларининг қолган қисмини кўз олдимизда яна бир бор тўлиқ намоён қиладилар деб умидвор бўлиб қоламиз. Аллоҳ олимларнинг устози, бизнинг ҳам устозимиз Наим Каримовга соғлик-саломатлик, узоқ умр берсин, илоҳо!

---

[14] Ризаев Ш. Китоб ва унинг муаллифи ҳақида бир-икки сўз // Китобда: XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. – Б.5.

HAYOT VA IJOD YO‘LI

(N.Karimovning “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romani haqida ayrim mulohazalar)

Maqsud ASADOV,
filologiya fanlari doktori

Annotatsiya: Mazkur maqolada taniqli adabiyotshunos, fan arbobi, yozuvchi, publitsist, akademik Naim Karimovning “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romani xususida bahs yuritilgan. Xususan, asarning umumiy mazmuniga chizgilar keltirilib, roman badiiyatiga xos o‘ziga xosliklar borasida atroflicha ma’lumot berilgan. Ustoz N.Karimovning yozuvchilik mahoratiga, ijodiy jarayonning muhim tamoyillariga, qolaversa, “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romanining o‘zbek adabiyotidagi o‘rni va ahamiyatiga diqqat qaratilgan.

Kalit so‘zlar: roman, Usmon Nosir, ijodiy jarayon, hikoya, bo‘lim

Ijod jarayoni – ruhning sokinlik va jo‘shqinlik oralig‘idagi anglab bo‘lmas najib bir holat. Og‘ir, siniqqan, toshbosgan xayollarning tiriklik shabbodasi, hayot quyoshining umidbaxsh nurlaridan farah tuyib uyg‘ongan sirli qiyofasidir. Ijod jarayoni dardning shirin sharpasi, iztirobning teran nigohlari, shodlikning oydin og‘riqlaridir. Qalb kitobining barcha sharhu izohlarini yozish qiyin, yozmaslik undan-da azobli. Ayniqsa, she’riyat osmonida yog‘du taratib, chaqmoqdek bir yonib o‘chgan Usmon Nosir haqida yozish uchun dengiz po‘rtanalari kabi asov va engilmas, yovqur va shiddatkor, uchqur va tizginsiz kayfiyati, buloq suvlariday top-toza, tog‘ havosi yanglig‘ rohatbaxsh ijodi xususida mushohada yuritish uchun Usmon Nosirning qalb haqiqatlarini teranroq idrok etish, unga yaqin bora bilish kerak. Ehtimol, shu uchundir adabiyotimizda Usmon Nosirga bag‘ishlangan badiiy asarlar, harqalay, uncha ko‘p emas. Qisqagina umri davomida o‘zidan bir nechta she’riy to‘plamlar, dostonu dramalar, tarjima asarlar meros qoldirishga ulgurgan favqulodda yorqin iste’dod sohibi Usmon Nosirning hayot va ijod yo‘li adabiyotga daxldor har qanday kishi uchun juda qiziqarli ham ibratlidir.

Bundan 25 yillar oldin, hali o‘rta maktabda o‘qib yurgan kezlarimizda, “Istiqlol fidoyilari” turkumida e’lon qilingan “Usmon Nosirning so‘nggi kunlari” kitobchasini zo‘r qiziqish bilan qayta-qayta o‘qiganim yodimda. Qadrli ustoz, adabiyot ilmining mohir bilimdoni, akademik Naim Karimov bilan g‘oyibona tanishuvimizga ham ana shu – “Usmon Nosir” vosita bo‘lgan. Shoirning “Bobomning falsafasi”, “Yurak”, “YAna she’rimga”, “Bog‘im” she’rlarini yod olib, ulardagi o‘tli nafasni his qilishga intilib yurgan o‘smir yoshimizda bu kitob shu qadar aziz va mo‘‘tabar bo‘lib qolganini hozir izohlash qiyin. Ammo bugun adabiyotimiz, o‘zbek kitobxonlari uchun o‘ziga xos tuhfa bo‘lgan “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romani – 430 betlik, ya’ni hajman katta, salobatli, qolaversa, ma’lumotlarga nihoyatda boy kitob. SHu o‘rinda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning qatag‘on qurbonlarini yod etish marosimida so‘zlagan nutqlaridan quyidagi jumlalarni keltirish o‘rinli bo‘ladi: «Butun dunyoda bir parcha qog‘oz bo‘lsayam, qancha mablag‘ ketsayam, o‘zbek millatiga mansub

hujjatlarni topinglar, deb topshiriq bergandim. Oxirgi yillarda yana qancha qatag‘on qurbonlari aniqlandi. Adolat nuqtai nazaridan qahramon bobolarimizning nomlarini tiklayapmiz”. Darhaqiqat, mazkur roman ana shu yo‘ldagi muhim qadamlardan biridir, desak sira xato bo‘lmaydi.

Haqiqat shunday jonki, pardoz uning husnini buzadi, deydi xalqimiz. Haqni nohaqdan, rostni yolg‘ondan, oqni qoradan ajratib olib, bor gapni ochiq-oshkora ayta olish – kitobxonga etkazish ham qalam ahlining ma’naviy burchi, mas’uliyati, vazifasidir. Chunki “Usmon Nosirning hayoti to‘g‘risida rost gapga qaraganda yolg‘on gap ko‘proq yozilgan... Bu gaplar orasidan Usmon Nosir haqidagisini ajratib olish oson ishlardan emas” [Karimov N, 2:3]. Mana shu fikrlarning o‘ziyoq “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romanining nechog‘lik mashaqqat, mehnat va sabot evaziga yaratilganiga yorqin dalildir. Muallif tarixning asl qiyofasini tiklash uchun, o‘zi aytganidek, Usmon Nosirning “Qo‘qon, Samarqand va Kemerovo”dagi izlaridan yurgan, “Toshkent, Kemerovo va Moskvada”gi arxivlarga borib, tegishli hujjatlarni sinchiklab o‘rgangan. Shu sababli, “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romanida, eng avvalo, tarix haqiqatlari so‘zlaydi, arxiv hujjatlari gapiradi, Usmon Nosirning yor-birodarlari, do‘st-oshnolari, shoirni ko‘rgan-bilganlar, shogirdlari u haqida hikoya qiladi, ya’ni asarda o‘tmishda voqealar qanday bo‘lgan bo‘lsa, shundayligicha aniqlik va ochiqlik bilan bayon qilinadi. Romanda xronologik ketma-ketlikka qat’iy rioya etilgan. Yillar, sanalar Usmon Nosirning tug‘ilishidan o‘limiga qadar kechgan hodisalarni muayyan tadrijiylik asosida ko‘rsatib turibdi.

Roman muallifi badiiy ifodada o‘ziga xos uslubni tanlaydi: Usmon Nosirning hayot va ijod yo‘lini o‘zaro mushtaraklikda tasvirlaydi, aniqrog‘i, kitobxonga shoirning tarjimai holi, adabiy merosi va uning poetik fazilatlari bilan yaxlit, bir butun tarzda tanishishga imkon beradi. Tasvirdagi parallelizm yozuvchining o‘ziga xos talqini va mahoratini yuzaga chiqarib, romanning qiziqarliligi, estetik ta’sirchanligini ham oshirgan.

Asarda yozuvchi – roviy hikoyalar va boblararo bog‘liqlik, mutanosiblikni muayyan tizimga soladi. Hikoyalar ham mazmun, ham badiiy jihatdan bir-birini to‘ldiradi, ularda roman muallifining hayotiy kuzatishlari obrazli tafakkur imkoniyatlaridan keng foydalanib nihoyat darajada ta’sirli ifodalanadi. Qolaversa, kitobxon mazkur asarda yozuvchi N.Karimov va adabiyot ilmining nuktadon bilimdoni, olim N.Karimovning ma’naviy qiyofasini uyg‘un tarzda ko‘radi. Jumladan, Usmon Nosirning terimchi qiz “Tojixon” haqidagi she’ri borasida asarda mana bunday deyilgan: “Shoir saharda turib dalaga oqqan terimchi qiz obrazini o‘zbek she’riyatiga birinchilardan bo‘lib olib kirdi va bu obrazni shunday shoirona nafis bo‘yoqlar bilan yaratdiki, keyinchalik ilg‘or paxtakor xotin-qizlar to‘g‘risida qanchalik ko‘p she’r va dostonlar ijod qilingan bo‘lmasin, Usmon Nosirning “Tojixon”i bu she’rlar ummonida yo‘qolib ketmadi” [Karimov N, 2:205]. Haqiqatan, romanning tili engil, jozibali, ta’sirchan, uslubi ravon. Kitob bir zarb bilan, hech qaerda turtinmasdan, surinmasdan, katta ishtiyoq bilan o‘qiladi. Yozuvchi imkon qadar qisqalik va aniqlik tamoyillariga tayanadi. Bu, eng avvalo, roman bo‘limlari va fasllarining nomlanishida ko‘zga yaqqol tashlanadi: Birinchi bo‘lim. SHoirning bolaligi; Ikkinchi bo‘lim. Ijodiy hayot debochasi; Uchinchi

bo‘lim. Dorilomon kunlar; To‘rtinchi bo‘lim. Zulm saltanati; Beshinchi bo‘lim. Sho‘rolar jahannamida. Fasllar sarlavhasidan gap nima haqida, qaysi mavzuda borishi o‘z-o‘zidan ravshanlashadi. Roman bo‘limlarida garchi Usmon Nosir haqida hikoya qilinsa-da, aslida, ularning har biri o‘ziga xos mazmuni va badiiy vazifasiga ko‘ra bir-biridan sezilarli darajada farq qiladi. Birinchi va beshinchi bo‘limlardagi hikoyalar soni teppa-teng – 10 tadan. Ikkinchi, uchinchi va to‘rtinchi qismlarda keltirilgan hikoyalar miqdori esa turlicha. Ko‘rinadiki, yozuvchi roman strukturasiga alohida e’tibor bergan, ya’ni birinchi bo‘lim – muqaddima sifatida Usmon Nosir, uning bolalik yillari, ijodining ilk bosqichlari xususida yorqin tasavvur beradi, so‘nggi – beshinchi bo‘lim xotima o‘rnida bo‘lib, shoirning fojeali hayoti, umrining so‘nggi kunlari borasidagi ma’lumotlarni o‘z ichiga qamrab olgan. Boshqa bo‘limlarda Usmon Nosir shaxsiyati, ma’naviy kamoloti, ijodining tadrijiy takomili borasida atroflicha fikr yuritilgan. Aytish mumkinki, Usmon Nosir haqida o‘ziga xos haqiqat hujjati bo‘lgan bu asar Sharq adabiyotining poetik unsurlaridan “hikoya ichida hikoya” usulini xotirga keltiradi. “Usmon Nosir”da shoirning do‘stlari aytib bergan voqealar, xotiralar, arxiv hujjatlaridagi yozishmalar – xatlar yozuvchining maqsad-muddaosini, asar mazmunini teran tushunishga, kengroq mushohada qilishga yo‘l ochgan. Masalan, “Usmon Nosir shoir hayotni bilishi o‘rganishi kerak, degan iborani yuzaki tushunuvchi ijodkorlardan emas edi, - deb eslaydi Nasrulla Davron. – U tabiatdagi har bir hodisani, kishilar xatti-harakatini diqqat-e’tibor bilan kuzatar ekan, boshqa oddiy kishilarpayqashi mahol bo‘lgan tafsillarga katta e’tibor berardi. “SHoir mavzuni qahramonni, she’riy bo‘yoq va ohanglarni hayotdan olishi va ularni tasvir etishda haqqoniylikka erishishi lozim”, der edi u” [Karimov N, 2:149]. Romandan bu kabi o‘rinlarni ko‘plab keltirish mumkin. Umuman, bu kabi ma’lumotlar, mulohazalar Usmon Nosir ijodiy olamiga keng yo‘l topish, shaxsiyatini chuqur anglash, uning o‘ktam, isyonga to‘la qalb haqiqatlari baralla jaranglab turgan maftunkor she’riyatiga, uyg‘oq ruh sohibining adabiyotga, she’rga bo‘lgan munosabatini to‘la idrok qilishga ko‘mak beradi. “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romani etuk shoir tarjimai holi, shaxsiyati, ijodiy kamolotining muhim qirralaridan yaxshi xabardor bo‘lgan yirik adabiyotshunos tomonidan bitilgan. Unda badiiy so‘z tarovatining yorqin ifodasi, ilmiy tahlil va talqin mahorati o‘zaro uyg‘un tarzda namoyon bo‘lgan. “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romanini o‘rganish nafaqat Usmon Nosir ma’naviy-axloqiy olami, ijodi, adabiy merosi, balki ma’rifiy-biografik roman tabiati, uning o‘ziga xos tamoyillari, qolaversa, olim va adib N.Karimov ijodiy labaratoriyasining muhim jihatlarini bilishga ham imkon yaratadi. Bu esa adabiyotshunosligimiz oldida turgan navbatdagi vazifalardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Zrezidentining 2020-yil 8-oktabrdagi f-5598-son “Yatag‘on qurbonlarining merosini yanada chuqur o‘rganish va ular xotirasini abadiylashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoyishi // https://lex.uz/docs/-5041012

2. Karimov N. Usmon Nosir. – Toshknt: Fan, 2022. – 430 b.

ЗАМОНЛАР САҲНИНИ ЁРИТГАН НУР

Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди, профессори

Аннотация: Мазкур мақолада атоқли адабиётшунос Наим Каримовнинг маърифий-биографик романлари хусусиятлари, “Абдулла Қодирий замондошлари” китобининг аҳамияти тўғрисида сўз юритилади. Заҳматкаш адабиётшуноснинг факт, далилларга асосланган мақола ва китоблари XX аср ижтимоий ҳаёти ва адабиёти тўғрисидаги ҳақиқатларни ёритадиган нур эканлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: Наим Каримов, адабиёт, ижтимоий ҳаёт, маърифий-биографик роман, “Абдулла Қодирий замондошлари”, бирламчи манбалар, қиёсий таҳлил.

Тақдирнинг кўринмас иплари кишиларнинг таржимаи ҳолини белгилаб, уларнинг ҳаёт йўлини феъл-атвори турфа хил одамлар, бир-бирига ўхшамаган манзил-маконлар билан боғлайди. Тақдир Наим Каримовни бу жиҳатдан роса сийлади. У замонасининг энг машҳур инсонлари даврасини кўрди, улар билан ҳамсуҳбат бўлди. Тақдирнинг ана шу неъмати Наим Каримов илмий-ижодий фаолиятидан “қизил ип” бўлиб ўтди. У маданият, илм-фан, сиёсат “саҳна” сида муайян из қолдирган кишиларнинг ижодий фаолияти, шахсий ҳаёти билан яқиндан таништирадиган мақола, китоблар битди. Ўқувчилар Наим Каримовнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода каби улуғ сиймолар тўғрисидаги мақола, китобларини худди бадиий асар каби қизиқиш билан ўқишади. Чунки уларда адабиётшуносликка хос таҳлил, роман, қисса, ҳикояга хос бадиий тасвир ўзаро уйғунлашиб, ижтимоий ҳаёт мураккабликлари, инсон тақдири чигалликлари тўғрисида ёрқин тасаввур уйғотади. “Чўлпон”, “Мақсуд Шайхзода”, “Миртемир”, “Усмон Носир” маърифий-биографик романлари Наим Каримовни халқ ҳаёти, миллат тақдири ва одамларнинг аҳволи ҳамиша қизиқтириши, худди шу муаммо унинг онгли ҳаёти мазмун-мундарижасига айланганини аён этади. Уларда тақдим қилинган материаллар, қиёсланган далиллар ҳажми, кўлами шу қадар катта ва салмоқлики, уларни тўплаш, жамлаш ва таҳлил қилиш учун ўнлаб кишилардан иборат гуруҳ узоқ йиллар давомида изланиш керак. Лекин шундай оғир, машаққатли меҳнатни биргина киши – Наим Каримовнинг ёлғиз ўзи бажаргани кишини қойил қолдиради. XX аср ўзбек адабиёти намояндалари тўғрисидаги маърифий-биографик романлари, “XX аср адабиёти манзаралари” китоблари Наим Каримов мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослари орасида энг самарали ижод қилганига чин исбот бўла олади. Ушбу ҳақиқатни барча якдиллик билан эътироф этади. 90-йиллардан кейинги давр ўзбек адабиётшунослиги дарғасига айланган Наим Каримов

ўзининг мақолалари, китобларида яқин ўтмишнинг энг мудҳиш воқеалари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари топталган, одамнинг қадри ерга урилган зулмат замоннинг шу пайтгача кўпчиликдан яшириб келинган ҳақиқатларини очиб ташлайди. Бу ҳақиқатлар адабиётшунос Наим Каримов кучли иродага эга, ўзига ишонган, зукко инсон эканини кўрсатади. У яқин ўтмишимиз тўғрисида дарсликларда баён қилинган маълумотлар қанчалик "объектив" эканлиги, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпоннинг бошидан нималар кечгани билан таништиради. Наим Каримовнинг бу хусусдаги мулоҳазаларида унинг миллат дардида ёнган юрагидаги ғуссаси, замонамиздаги нокас одамлардан ранжиши акс этади.

Наим Каримов яхши ҳикоя қилади. Ёзганларидан у санъатни ғоят севиши, адабиётга зукколарга хос бағрикенглик билан алоҳида эҳтиром билан қараши сезилади. Унинг дард, изтироб силқиб турган фикрлари, чуқур мантиққа асосланган кутилмаган таққослашлари ўқувчини маҳлиё қилиб қўяди. Муаллифнинг Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода, Чўлпон тўғрисидаги маърифий-биографик романлари, мақолалари узоқ давом этган машаққатли меҳнат натижасида юзага келгани яққол билиниб туради. Наим Каримов аксарият адабиётшунослардан фарқли ҳолда, зукколик ва назокат билан фавқулодда ошиқиб қалам тебратади. Адабиётшуноснинг маърифий-биографик романлари ва шу пайтгача истеъмолга киритилмаган факт, далил, янги материалларга асосланган мақолалари мазмунига кўра ҳам, шакли жиҳатидан ҳам, ифода тарзига кўра ҳам қойилмақом.

Ўқувчилар адабиётшуноснинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир асосий образ қилиб олинган илмий-маърифий асарлари матни Наим Каримов сўзларни турли тусда товланадиган ипак ипларга айлантириб, бири биридан кўркам, жозибадор сўзаналар тикадиган моҳир каштадўзлар каби қунт билан ишлашидан далолат беради. У қатор қисса, романлар битиб, ўқувчилар эътиборини қозонган тажрибали адиблар сингари ўқувчини ҳаёт воқелиги ичига олиб кириб, қаҳрамонларининг тақдир йўлларидаги тўсиқлар, чигалликлар билан таништиради. Адабиётшуноснинг эътибор қаратилган муаммо хусусидаги мулоҳазалари инсон қисмати мураккабликлари, ҳар бир одам ўз тақдирини яшаб ўтиши тўғрисидаги тасаввурни теранлаштиради. Шунда ўқувчи кўнглида ўзига бино қўйган такаббур кимсалар, ғаламис, ҳасадгўй одамларга нисбатан нафрати кучаяди ва у турмуш зиддиятларга тўла кураш майдони экани, қабиҳ кимсалар барча замонда исталганча топилишини янада кенгроқ англаганини сезади. "Усмон Носир" маърифий-биографик романи муаллифи олис тарихимиз тўғрисида эмас, яқин ўтмишимиз ҳақида ҳам ҳали кўп нарсаларни билмаслигимиз, одамлар электр энергияси, темир йўл, телефондан фойдаланган XX аср аввалида ҳам зулмат замон ҳукмрон бўлгани, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода каби сиймолар ҳаёти ва ижод йўли тўғрисидаги асл ҳақиқатлар атайин яшириб, сир тутиб келинганидан хабардор этади. Чунки адабиётшуноснинг маърифий-

биографик романлари, мақолаларида тарихий шахслар дарслик, қўлланмаларда таъриф-тавсиф қилинганидан сал бошқачароқ яшаб ўтгани маълум қилинади. Уларнинг ҳар бири бошқаларга ўхшамаган феъл-атворга эга жонли одам сифатида кўринади. Адабиётшуноснинг ижодкорлар ҳаёт йўли ёритилган чиқишлари тарихда ном қолдирган барча сиймолар инсон сифатида беҳад даражада зиддиятли шахс бўлганлиги, жумладан, шоирлар, ёзувчилар, мунаққидларнинг ўзаро муносабати ҳамма замонда қарама-қаршиликларга тўла ҳолда кечганини, ҳозир ҳам бу жараён ўзига хос кўринишда давом этаётгани ҳамда бунинг сабабларини ойдинлаштириб беради.

Заҳматкашлиги, зукколиги, миллатпарварлиги билан халқ орасида шуҳрат қозонган адабиётшунос Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби (Тошкент: “Akademnashr”, 2019 – 320 б.) мазмун-моҳиятига кўра қомус – энциклопедия характеридаги муҳташам тадқиқот бўлиб, унда улуғ адиб билан бир даврда яшаган, унинг ҳаёти ва ижодига алоқадор 254 нафар киши тўғрисида мухтасар маълумот берилади. Муаллиф уларнинг таржимаи ҳоли, ўзбек романчилиги асосчиси билан муносабатини баён қилиш асносида Абдулла Қодирий яшаган замон манзарасини чизиб кўрсатади. У тақдим қилган маълумотлардан “Ўткан кунлар” муаллифи ва унинг сафдошлари зулмат замонда яшаб ўтгани аёнлашади. Китобда ўша мудҳиш даврда ҳаёт кечирганлардан аксариятининг суратига жой ажратилади. Уларнинг қиёфасидан ҳадик, қўрқув, хавотир ҳисси ёғилиб туради. Аъзам Аюб, Вадуд Муҳмуд, Заҳириддин Аълам, Маъруф Расулий, Мискин, Мунаввар қори сингари зиёлиларнинг расмини кўрган киши беихтиёр Абдулла Қодирий ва унинг сафдошлари инсон қадри топталган замонда яшаган экан-да, деган хаёлга боради. Чунки уларнинг ночор аҳволи, ғамгин, умидсиз қараб туриши дабдурустдан кўнгилга шундай нохуш ўйлар солади. Санжар Сиддиқ, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Шоҳид Эсон, Элбек, Ғози Юнус, Қаюм Рамазон, Ғулом Зафарий, Ҳожи Муин каби қаламкашларнинг расмига қараган одам адолатсизлик, зулм ва зўравонлик инсонни ожиз, нотавон қилиб, уни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан абгор этишини дарҳол англаб етади.

Зулмат замон картинаси чизилган ушбу китоб оҳорли маълумотларга тўла эканлиги билан диққатни жалб этади. Абдулла Қодирий замондошлари таржимаи ҳоли билан боғлиқ бу маълумотлар ижтимоий-тарихий жараённинг турли жабҳаларини қамраб олади. 254 нафар кишининг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига дахлдор жиҳатлари тўғрисидаги мулоҳазалардан зулмат замон фуқаролари руҳий изтироблар, азобу қийноқлар ичида умргузаронлик қилгани, уларга ўша мудҳиш даврда “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби асарлар таскин-тасалли бергани, шунинг учун одамзод азал-азалдан адабиёт ва санъатга эҳтиёж сезиб яшагани, шу боис то ҳануз уни эъзозлаб, ардоқлаб келаётгани ойдинлашади.

Мазкур китоб яна бир ҳақиқат – Наим Каримов “Абдулла Қодирий замондошлари” ўқувчилар қўлига етиб келиши учун игна билан қудуқ

қазигандай меҳнат қилганидан дарак беради. Зукко ўқувчилар китобда қайд қилинган маълумотлар узоқ йиллар мобайнида заҳмат чекиб тўплангани, муаллиф ўтмишнинг қоронғи саҳифалари қатларида бекитиб келинаётган ҳақиқатни очиш мақсадида заргарона қунт билан иш олиб борганини дарҳол пайқашади. “Абдулла Қодирий замондошлари”да тақдим қилинган аксарият маълумотлар бошқа бирор манбада учрамайди. Фидойи адабиётшунос узоқ йиллар давомида излай-излай топган маълумотлари манбасини кўрсатиш билан кифояланмасдан, уларда қайд қилинган мулоҳазаларга холислик билан ўз муносабатини ҳам билдиради. Ушбу холислик эса “Абдулла Қодирий замондошлари”га алоҳида файз, бўлакча салмоқ бағишлайди.

Наим Каримов ўзбек романчилиги асосчисини “ўзбек адабиёти дарғаларидан бири, буюк маърифатпарвар” деб улуғласа-да, ундан фаришта ясашга, уни идеал инсон сифатида кўрсатишга уринмаган. Бу ҳам “Абдулла Қодирий замондошлари”нинг қимматини оширган. Масалан: “Қодирий айрим ҳажвияларида маърифат ва маданиятнинг турли соҳаларида хизмат қилаётган биродарларини баъзан ўринли, баъзан ўринсиз ҳажв қилишга мойил бўлган” дейилган ва бунинг исботи сифатида: “У “инқилобий матбуот”нинг 6 йиллиги муносабати билан ёзилган “6 йиллик базм” (1924) ҳажвиясида, бошқа ёзувчи ва журналистлар қатори Ҳожи Муин кимнингдир вафот этганини эшитиб, таъзиянома ёзган. Таъзиянома босилиб чиққанидан сўнг “марҳум”нинг ҳаёт эканлиги маълум бўлиб қолган. Бу воқеадан хабар топган Қодирий ҳажвиянинг Ҳожи Муингa аталган қисмини: “Унинг 6 йиллик умри таржимаи ҳол ёзиш билан ўтди” деган сўзлар билан бошлаган ва ўша воқеани мазахнамо баён қилгач: “Ҳар нечукда Ҳожи Муин кўз остиға олған улуғ кишилари (мавзулари) кўб бўлса ҳам, бахтга қарши, ҳамон марҳум бўлмай, бечорага тузукроқ ишлашка имкон бермай келадирлар”, деган киноя билан тугатган” деб аниқ мисол келтирган (“Абдулла Қодирий замондошлари”. Тошкент: “Akademnashr”, 2019 – 320 б. – 314 бет).

Абдулла Қодирий яшаган зулмат замон билан яқиндан таништирадиган мазкур қомусда жуда кўп ёзувчи, шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, “Ўткан кунлар” муаллифининг оила аъзолари ва қадрдонлари тўғрисида бошқа бирор дарслик, тадқиқотда қайд қилинмаган ҳақиқатлар тақдим қилинади. Масалан, Сотти Ҳусайн тўғрисида: “Ҳеч қаерда ўқимагани ва бироната адабиётчидан таълим олмагани ҳолда” 1941 йилгача 5 та шеърлар тўплами, 116 та ҳикоя, 1 қисса, 5 та кичик пьеса, “Душман” ва “Ҳуқуқ” романларини ёзади” дейилади. Бундай далиллардан кейин Сотти Ҳусайн фаолият кўрсатган майдон ҳамда унинг Абудулла Қодирий шахси ва ижодига муносабати тўғрисида сўз юритилади. Жумладан: “Ҳусайн Шамс қалам тебрата бошлаган йилларда завод ва фабрикалардаги ишчи-шоирларга катта эътибор берилган ва уларнинг фаол иштирокида “пролетар (йўқсил) адабиёт”ини яратиш ғояси кун тартибига қўйилган эди. Шу ҳол Ҳусайн Шамснинг 1931 йилда матбаатчилик соҳасидан олиниб, Ўзбекистон Пролетар ёзувчилар уюшмасига иккинчи котиб этиб тайинланишига сабаб бўлади... Ҳусайн Шамс Қодирий маҳоратининг юксаклигини озми-кўпми

тушунганига қарамай, унинг ижодини пролетар (йўқсил) адабиёти мезонларидан келиб чиққан ҳолда баҳолаган” дейилади ҳамда “Душман” романи муаллифи ўзбек романчилиг асосчиси шахси ва ижоди хусусида қандай нолойиқ, нораво фикрлар билдиргани қисқача маълум қилинади.

Абдулла Қодирий замондошлари тўғрисида мазкур қомусда тақдим қилинган маълумотлар жуда муҳим ҳақиқатни – ўша даврда барча одамлар доимий қўрқув ва ҳамиша ҳадиксираш ичида беҳаловат ҳаёт кечирганини аён этади. Қалбини қамраб, бутун вужудини эгаллаб олган хавотир, чўчиш ҳисси уларнинг суратида ҳам аксланиб, сезилиб туради. Наим Каримов улуғ адибнинг сафдошлари, замондошлари, қадрдонлари билан таништираётиб, зулмат замоннинг қора пардаларини чок-чокидан йиртиб ташлайди ва “Нега ўша пайтларда ҳаёт фожиали кечган? Бунинг сабаби нима ва айбдори ким?” деган саволни қўяди ва замондошларимизни, келгуси авлодларни одамзоднинг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашига нима тўсқинлик қилиши тўғрисида ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Абдулла Қодирийнинг Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари кўплаб замондошларининг аянчли қисмати эса ҳар қандай кишининг кўнглига оғриқ солади. Абдулла Қодирий замондошларининг фожиали тақдири билан танишган ўқувчиларнинг қалби, руҳи аллақандай тушуниксиз қийноқлар ичида қолади. Аллома адабиётшуноснинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати “мева”си бўлган мазкур китоб 254 нафар инсоннинг мухтасар таржимаи ҳоли орқали зулмат замоннинг кўриниши қанчалик хунук эканини тасаввурда жонлантиради. Таълим даргоҳлари учун дарслик бўлишга муносиб мазкур қомус бугунги кунни қадрлаш, келажакка дадил қадам қўйишга интилиш учун ўтмишни унутмасликка даъват этади. Наим Каримовнинг ушбу муҳташам тадқиқоти шундай зарур ва муҳим сабоқ билан ёшларимиз онгидаги бўшлиқни тўлдириб, замондошларимизнинг бундан бир аср аввалги ижтимоий турмуш тўғрисидаги тасаввурини тиниқлаштиради.

Наим Каримов золим замоннинг инсонга нораво ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, Абдулла Қодирийнинг сафдошлари феъли, аъмолидаги мусбат ва манфий жиҳатларидан қатъи назар, фаол ҳаёт кечиргани, улар олам чайқалиб турган серғалва замонда пана-пастқам жойда жимгина писиб, индамасдан туришдан номус қилганига урғу беради. У ўша даврда адабиёт ва санъат халққа фикр етказишнининг бирдан-бир манбаси бўлгани, XX асрда, ундан аввалги замонларда одамларнинг онги, дунёқараши айнан адабиёт таъсирида шаклангани, шу боис у давлат, ҳокимият учун мафкура қуроли бўлиб келганини алоҳида таъкидлайди. “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби ўзининг мана шу каби яна кўплаб жиҳатлари билан бирламчи манбаларни ўқимаган, турли узуқ-юлуқ, таги пуч маълумотларга ёпишиб олган мунозараталаб мардумлар башарасига муносиб зарба бўлиб тушади.

“Абдулла Қодирий замондошлари”дан яна бир нарса – Наим Каримов чинакам маънода зиёли инсон экани, у адабиёт ва санъат тўғрисида мушоҳада юритиш, юртдошларини ижод ва илм аҳлининг ҳаёт йўли билан таништириш, уларнинг асарлари мазмун-моҳиятини ёритишни ўзининг яшаш

тарзи, кундалик доимий одатига айлантирганидан хабардор қилади. Бу китоб шуғулланадиган касбинг, ишингга бутун борлиғингни бағишламагунингча у сенга ҳеч нарса бермаслиги, ҳеч кимга бахт, омад, шон-шуҳрат ҳеч қачон яхлит ҳолда тақдим этилмаслиги, улар одамнинг ўзи амалга оширадиган ҳаракатлар натижаси эканига яна бир карра ишонтиради. Муаллиф “Абдулла Қодирий замондошлари” орқали зулмат замонни ёритиб, бугунги юртдошларимизни, келгуси авлодларни нурга етаклайди, ҳаётсеварликка, одамларни эъзозлаб, қадрлаб, ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб яшашга чақиради. Китобдаги 254 нафар кишининг мўъжаз портретида муаллифнинг ўша замон ҳодисаларига, бугунги кундаги ўзгаришларга холис, беғараз, куюнчак муносабати аниқ акс этади.

“Абдулла Қодирий замондошлари”даги мўъжаз портретлардан давр эврилишлари ичида қолган кишиларнинг ҳаёт йўли зиддиятли кечиши, уларнинг ўзаро муносабатида ошкора ёки зимдан адоват устунлик қилиши англашилади. Айни ҳолат, хусусан, Абдулла Қодирий билан Михаил Шевердин, Сотти Ҳусайн муносабатларида яққол сезилади. Наим Каримов биринчи ўзбек романи босилиб чиққач, Михаил Шевердин 1928 йил “За партию” журналининг 3-сонида “Бу роман ... бизга ётдир... “Ўткан кунлар”нинг салбий томонларини, ҳатто, унинг катта бадиий қимматга эга экани билан ҳам оқлаб бўлмайди” деган мазмундаги “қонталаб тақриз” эълон қилди. У Абдулла Қодирий романини танқид қилиш билан чекланмасдан, ўзбек матбуотини ҳам: “Вақтли матбуот сукут сақлаяпти: гўё романдаги ғоявий хатоларни маъқуллаяпти, романдаги мавжуд нотўғри, ҳатто, зарарли ғояларни, ўтмишни бўяб кўрсатишга уринишни, савдогарлар тоифасини қаҳрамон даражасига кўтариб, улар ўзбек халқининг ҳақиқий вакили сифатида талқин этилишини қўллаб-қувватлаяпти” (Ўша манба. – 253-бет) деб кескин айблаб чиқди. Михаил Шевердин бошлаб берган ана шу “айблов” бандлари кейинчалик юз берган қатағон жараёнида Абдулла Қодирий ва унинг сафдошлари бошига болта бўлиб тушди, кўпгина зиёлиларнинг ҳаёти фожиали якун топишига сабаб бўлди. Сотти Ҳусайн, Ҳусайн Шамс сингари бир қатор қаламкашлар билиб-билмаган, тушуниб-тушунмаган ҳолда, Абдулла Қодирийни қоралади, деб қайд қилган.

Наим Каримов “Абдулла Қодирий замондошлари”даги портретларда “Меҳробдан чаён” муаллифи нозиктаъб инсон, улуғ адиб бўлганини урғулаш баробарида, ёзувчининг сафдошлари феъл-атворидаги энг муҳим жиҳатларга, улар таржимаи ҳолидаги шу пайтгача қоронғида қолиб келган нуқталарга эътибор қаратган. Масалан, ёзувчи, шоир Шуҳрат 1951 йилда “Усмон Носирнинг тарғиботчиси”, “Абдулла Қодирий билан Чўлпон китобларини ўқиган ва тарғибот қилган”, “уйидан “Ўткан кунлар” романи топилган” деган айб қўйилиб, 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, деган (Ўша манба. – 261-бет).

“Ўткан кунлар”га қора кўзойнак тақиб қараган Сотти Ҳусайннинг биринчи ўзбек романи муаллифини қоралашининг мағзи-моҳияти: “Сотти Ҳусайн С.Хўжаев, И. Тоҳирий сингари замондошларидан фарқли ўлароқ, “Ўткан кунлар” романини марксча-ленинча таълимот асосида текширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Танқидчининг диққат марказида бўлган “Ўткан кунлар”ни “таҳлил қилиш”да романнинг китобхонларни мафтун

этган бадиий латофати сирларини очиш эмас, балки тарихий ўтмишни ва шу ўтмишда яшаган роман қаҳрамонларини синфийлик мезонлари асосида текшириш масаласи турган” (Ўша манба. – 192-бет) деб очиб берилган. Қомусда шу тарзда Абдулла Қодирий замондошлари ўзлари англаб-англамаган ҳолда, бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳга ажралиб қолгани, аниқроғи, зулмат замон уларни беҳад адаштириб қўйгани, зулм ва зўравонликка асосланган мустабид тузум одамларнинг қалбидаги меҳр-оқибат ҳисларини сўндириб, бир-бирига ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик торларини бўшаштириб ташлагани алам тўла ачиниш ва чуқур изтироб билан нақл қилинган.

Умуман, заҳматкаш адабиётшунос Наим Каримовнинг зулмат замонни нур бўлиб ёритадиган “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби, бир-биридан баркамол маърифий-биографик романлари ҳамда кўплаб мақолаларида тақдим қилинган далил ва маълумотлар, улар юзасидан баён қилинган фикр-мулоҳазалар ўтмиш ва бугунги кун тўғрисидаги тасаввурни тиниқлаштириб, глобаллашган давр одамларининг дунёқарашини теранлаштиради. Улар адабиёт ҳамма замонда ҳаёт дарслиги, саҳифаларида ҳақиқатни акс эттирган китоблар эса замонлар саҳнини ёритадиган нур эканига ишонтиради.

Адабиётлар

1. Каримов Н. Абдулла Қодирий замондошлари. – Т.: “Akademnashr”, 2019 – 320 б.
2. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (1-китоб). – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2008. – 536 б.
3. Karimov N. Usmon Nosir: ma’rifiy-biografik roman. – Toshkent: O’zR FA “Fan” nashriyoti, 2022. – 432 b.
4. Қаҳҳор А. Асарлар: Беш жилдлик. 1-ж. Сароб: Роман. Ҳикоялар. – Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б.
5. Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 204 б.
6. Ҳамза Ҳ. Н. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Т. 2. Шеърлар. педагогик рисолалар, насрий асарлар. – Тошкент: “Фан”, 1988. – 564 б.
7. XX аср ўзбек адабиёти тарихи: Университетлар ва педагогика институтлари бакалавр иқтисосини олувчилар учун дарслик / Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров ва бошқалар / – Т.: “Ўқитувчи”, 1999. – 544 б.
8. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т.: “Маънавият”, 2010. – 392 б.
9. Беҳбудий М. Танланган асарлар.–Тошкент: “Маънавият”, 1997.–232 б.
10. Чўлпон Абдулҳамид. Асарлар. Тўрт жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: “Akademnashr” 2016. – 320 б.
11. Фитрат А. Танланган асарлар: 1 – 5-жилдлар. –Тошкент: “Маънавият”, 2000 – 2010.

АДАБИЁТШУНОСЛИК ИЛМИНИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ

Обиджон КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди, доценти

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Наим Каримовнинг адабиётшунослик фаолияти ёритилган. Шу билан бирга филолог-олимлар тайёрлашдаги хизматлари, олимнинг ибратомуз фазилатлари мисоллар билан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабий танқид ва адабиётшунослик, тақриз, монография, поэзия, жадид, дарсликлар муаллифи, маърифатпарварлик ғоялари, адабий тур, мажоз, публицистика.

Доно халқимиз орасида “ *Ҳалол меҳнат эрур энг яхши одат, Чунки меҳнат берур бизга саодат”* деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Ўзининг ҳалол меҳнати билан донг таратган инсонлар ҳар соҳада маълум ва машҳур.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори устозимиз Наим Каримов бугун қутлуғ ёшларини нишонлар эканлар, кечган умрларидан мамнунлик ва масрурлик туйишга чин дилдан ҳақлилар, деб биламан. Боиси, адабиётга ошуфта халқимизга қатор-қатор илмий рисолалар ёзиб туҳфа этдилар, кўплаб ўзларига ўхшаган зукко адабиётшунос шогирдлар тайёрлаб, улар камолотига қанот бердилар, ҳозир ҳам ижоддан тинмаяптилар, ёшларга ибрат бўлгудек даражада фаоллик кўрсатиб келдилар. Бу унча-мунча инсонларга насиб этавермайдиган толе, омад ва бахту саодатдир, албатта.

Мен Наим ака тимсолида ўз ҳаётини адабиётшунослик илмига, маърифатга бахшида қилган, эзгулик ва самимийликни ўзига шиор қилган жафокаш, тиниб-тинчимас, ғайратли ИНСОНни кўраман. Наим ака ўзига ва шогирдларига нисбатан ниҳоятда талабчан, самимий, шу билан бирга, камтар ва ҳалол инсон. Мен адабиётшунос олимнинг Ойбек ва Ҳамид Олимжон ҳақидаги китобларини ўқиб чиққанимда устозга меҳрим тобланган ва ғойибона шогирд тушганман. Ўша вақтда университетда талаба эдим.

Устозни таниганимга 35 йилдан кўп вақт бўлди. Ўшанда Ўзбекистон халқ шоири Сўфизода таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб катта анжуман шоир туғилган юрт Наманганда ўтказилган эди. Мен Наманган давлат университетида ишлардим. Бизга Тошкентдан келадиган меҳмонларни кутиб олиш топширилганди. Ўзбекистоннинг кўзга кўринган олим ва шоирлари қаторида Салоҳиддин Мамажонов, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Абдуғафур Расулов, Ўткир Ҳошимов ва Абдулла Ориповлар бор эди. Биз наманганлик адабиётшунос олимлар Ўғилой Азимова, Тожибой Ғозибоев, Нуриддин Бобохўжаев, Одилжон Носировлар (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) меҳмонларни кутиб олдик ва

меҳмонхонага жойлаштирдик. Аввал устоз Наим Каримовни китобларидан таниган бўлсам, шу тадбир баҳона кўриш, суҳбат қуриш бахтига муяссар бўлганман.

Илм йўлига кириб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил-адабиёт институтида аспирант чоғимда устозни яна учратганман. Аниқроғи, менинг устозларим – илмий раҳбарларим академик Салоҳиддин Мамажонов ва академик Бахтиёр Назаровлар (Аллоҳим ўз раҳматига олган бўлсин!) устоз Наим ака билан янада чуқурроқ таништириб қўйишган. Булар ана шу муқаддас даргоҳда фаолият кўрсатишган. Мен шу даргоҳда Наим акадан ташқари Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Ҳомил Ёқубов, Умарали Норматов, Баҳодир Саримсоқов, Уммат Тўйчиев, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Ҳаққулов, Нўъмон Раҳимжонов (Аллоҳим ўз раҳматига олган бўлсин!) каби адабиёт илмининг буюк дарғалари билан учрашиб, уларнинг кўп дилтортар суҳбатларини, ёшларга фойдали ўгит ва насиҳатларини эшитиш бахтига мушарраф бўлганман. Афсуски, уларнинг кўпи бугун орамизда йўқ...

Устоз Наим аканинг ижоди жуда ҳам серқирра. Истаган мавзуга мурожаат қилган тадқиқотчига устоз беғараз ёрдам бера олади, десак мутлақо адашмаймиз. Устознинг кўплаб монография ва илмий рисолалари, ўрта мактаблар учун ёзган дарсликлари, шунингдек, филолог-талабалар учун XX аср ўзбек адабиёти, Ҳозирги адабий жараён ва Ўзбек адабий танқиди тарихи фанлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари эътирофга лойиқ. Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир ва яна ўнлаб ижодкорлар ҳақидаги тадқиқотлари кенг ва ёркин таҳлилларга бойлиги билан китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Абдулла Орипов ижоди ҳақида ёзган илк илмий мақолаларим ҳам Наим аканинг бевосита ёрдами билан республикамиздаги энг нуфузли журнал бўлмиш “Ўзбек тили ва адабиёти” да чоп этилган. Устоз ўша вақтда журнал таҳририятида масъул котиб лавозимида ишлардилар. Ўшанга ҳам 34 йил бўлибди, ёзган илмий мақоламни уч марта қайтарганлар. Ўзлари ёнларига чақириб, барча хатоларимни бартараф эттирганлар. Кейин ҳар икки мақолам устоз тақризи остида журналда эълон қилинган. Илмий ишимни якунлаб, ҳимояга чиқишимда ҳам устознинг хизматлари катта. Семинарда ҳам, ҳимояда ҳам Наим ака бевосита иштирок этган. Биринчи оппонентим сифатида диссертациям (“Абдулла Орипов шеърларида метафорик образлар тизими”) бир неча бор устоз қўлидан ўтган. Устознинг беминнат маслаҳатлари, фойдали ўгитлари ўз самарасини берди. Мен муваффақиятли ҳимоя қилиб олдим. Устоз монографиямни чиқишида ҳам бош-қош бўлганлар.

Мен Ҳамид Олимжон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳамиджон Ҳомидов, Умарали Норматов, Бахтиёр Назаров каби машҳур шоир ва олимларнинг ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияларда ҳам устознинг ҳароратли чиқишларини,

таҳлилларга бой маърузаларини эшитганман. Бахтлиманки, мен ҳам шу конференцияларнинг кўпида устоз билан бирга ўз маърузам билан иштирок этганман. Кўп нарсаларни ўрганганман, дейишга бурчлиман.

Устоз Наим Каримов кенг қиррали олим ва маърифатпарвар бўлиш билан бирга шогирд тайёрлаш борасида ҳам мақтовли ишларни амалга оширган. Домла раҳбарлигида адабиётшунослик фанидан номзодлик ва докторлик ишини ҳимоя қилган шогирдлари ҳам ҳисобсиз. Бу эзгу иш бардавом бўлишини хоҳлаймиз. Устоз-шогирд ҳақида гапирарканмиз, машҳур шоир Эркин Воҳидовнинг ёд бўлиб кетган ҳароратли мисралари яна ёдимизга келди:

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.
Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Наим ака Каримов бугун табаррук ёшни қаршилаш арафасида турибдилар. Фурсатдан фойдаланиб, устозни чин юракдан муборакбод этамиз. Фан йўлидаги машаққатли, ҳалол меҳнатларининг роҳатини яна кўп йиллар кўришларини, мустаҳкам соғлик ва аъло кайфият асло тарк этмаслигини Яратгандан сўраб қоламиз.

НАИМ КАРИМОВ – ЧЎЛПОНШУНОС

Шаҳло ҲОЖИЕВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация Мақолада Наим Каримовнинг жадид адабиёти, хусусан, Абдулҳамид Чўлпон биографияси, шеърий ва насрий меросига доир тадқиқотлари таҳлилга тортилган. Олимнинг ўзбек жадидшунослигида тутган ўрни, Чўлпон ижодига доир бирламчи манбалар – қўлёзмалар, ўша давр матбуоти материаллари, архив ҳужжатлари асосида амалга оширган илмий ишларига холис баҳо берилган. “Чўлпон” маърифий романининг миллий адабиётимизда тутган ўрнига доир қарашлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жадид, жадид адабиёти, Чўлпон, шеърият, , маърифий роман, тадқиқот, бадиий талқин.

Атоқли академик олим, филология фанлари доктори, профессор, адабиётшунослик ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган кўплаб илмий ва илмий-оммабоп асарлар муаллифи, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Наим Каримов бутун салоҳиятини адабиёт илмига бағишлаб келаётир. Ўзбек адабиётшунослигининг Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов каби дарғалари қаторида академик Наим Каримовнинг ўрни алоҳида.

Олим кўп қиррали фаолияти давомида жадид адабиёти намояндалари адабий меросини архив ҳужжатлари, бирламчи манбалар асосида ўрганишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Чўлпон, Фитрат, Ҳамза каби жадид мутафаккирлари ижодининг тадқиқи устоз адабиётшунос фаолиятида, айниқса, муҳим ўрин тутади. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ҳамза асарлари кўп жилдлигини тайёрлашда ҳам олим жонбозлик кўрсатаётир. “Ҳамид Олимжон” (1979), “Ойбек” (1985), “Усмон Носир”, “Усмон Носир ҳаётининг сўнгги йиллари” (1993-1994) каби илмий-оммабоп китоблари ўзбек адабиётшунослигига янги факт ва маълумотлар, оҳорли қарашлар ва талқинларни олиб киргани жиҳатидан қимматлидир. муҳим манбалар бўлиб қўшилди.

Янги давр ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ривожини Наим Каримов илмий-ижодий фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Олим кўп йиллардан буён қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш устида иш олиб бормоқда. У “Шаҳидлар хотираси” мемориал мажмуасига ҳамда “Қатағон курбонлари хотираси” музейига асос солинишида катта ҳисса қўшган.

Устознинг илмий фаолияти ҳақида таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул шундай ёзган: "Наим Каримов XX аср ўзбек адабиётининг миришкор боғбони деса муболаға бўлмайди. Мазкур давр адабиёт "боғи"да қандай "дарахт"лар ўсиб-улғайгани, уларнинг ўрни қаерда, ҳосилдорлиги

қандай Наим Каримов бехато билади" [Ҳаққул И. 4:32], – деганда мутлақо ҳақ эди. Олимнинг тадқиқотлари, илмий мақолалари, маърифий романлари ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг катта ютуғи бўлди.

Наим Каримов илмий фаолияти давомида Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир ҳақида китоблар ёзган, мақолалар эълон қилган. Ҳамза, Миртемир, Зулфия ва бошқа ижодкорлар асарларини тадқиқ қилган. Ўзбек адабиётининг Наим Каримов ўрганмаган, илмий муносабат билдирмаган даври ёки шоиру адиби йўқ десак, муболаға бўлмас. Академик Иззат Султон адабиётшунос Наим Каримов ва унинг илмий-ижодий ишларига қуйидагича баҳо берган: "Мен адабиётшунос-лигимизда бутун бир аср адабиётимизнинг манзарасини тўла тасаввур этиб, унинг ҳар бир даври, ҳар бир ҳодисаси ҳақида малакали илмий фикр айта оладиган мутахассис етишганидан фахрланаман. У билан нафақат мен, айни чоғда бутун адабиёт илмимиз фахрланса арзийди". Иззат Султондай ҳар бир ишга юксак мезонлардан туриб ёндашган, ҳар бир сўзига теран масъулият билан қараган олим саноқли адабиётшуносни бу даражада эътироф этган. Ҳақиқатан, Наим Каримов адабиё илми тараққийси учун муҳим тадқиқотларни амалга оширди. Олимнинг Чўлпон ҳаёти ва ижодига оид илмий изланишлари, айниқса, алоҳида таҳсинга сазовордир. Чўлпон биографияси, лирикаси, насри, таржималари, мусиқага оид қизиқишларини комплекс тадқиқ қилди, буюк шоир шахсияти ва феноменини ҳар томонлама очиқлади.

Абдулҳамид Чўлпон ижодини ўрганиш шоир ҳаёт кезларидаёқ бошланган бўлса ҳам, ўтган асрнинг 80-йилларидан такомил босқичига кирди. Бу улуғ ижодкор меросини чинакам адабий-эстетик мезонлардан туриб тадқиқ қилишда биринчилардан бўлиб Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов ва Наим Каримов жонбозлик кўрсатди. Устоз Наим Каримов Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва жадид адабиётининг бошқа намояндалари ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганди. Олим Чўлпоннинг Чўлпон бўлишида у туғилиб тарбия топган оилавий муҳитнинг ўрни ҳақида мана бундай ёзади: “Сулаймон замонасининг тараққийпарвар кишиларидан бири бўлгани боис бошқа мамлакатларда рўй бераётган воқеалардан, хусусан, шу мамлакатлардаги савдо-сотиқ ишларидан хабардор бўлиш мақсадида бир неча хорижий газеталарга ёзилганди. Абдулҳамиднинг дунё ҳақидаги, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги халқлар ҳақидаги тасаввури ва билими шу нашрлар ёрдамида шаклланиб борди” [Каримов Н. 3:6].

Наим Каримовнинг илмий ишлари чўлпоншунослик такомилида алоҳида ўрин тутиб, ушбу соҳадаги кейинги изланишлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилаётир. “Чўлпон адабиётимизнинг чинакам чўлпони, мард, жасур, миллатсевар шоири эканини халқимизга танитган олимлардан бири Наим Каримовдир”, [Ҳаққул И. 4:31] деган эътироф олимнинг бу борадаги фаолиятига берилган муносиб баҳо.

Олимнинг Чўлпонга бағишлаб ёзилган илк мақоласи “Салом, Чўлпон” номи билан 1987 йили чоп этилган. Бу вақтда Чўлпон ва унинг ижодига

бағишлаб матбуотда қатор мақолалар эълон қилинган бўлса ҳам, шоир ижодига ҳаққоний баҳо мустақилликдан кейин берилди. 1991 йили устоз адабиётшуносниng чўлпоншуносликдаги дастлабки ишлардан бири бўлган “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон” китоби нашрдан чиқди. Бу китоб Чўлпон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки илмий асар сифатида қимматлидир. Наим Каримов шоир ижодига манбалар ва архив ҳужжатлари асосида холис илмий ёндашади. Чўлпон руҳиятини нафис санъат ҳисобланган адабиёт одами сифатида нозик ҳис этади. 1917 йил февраль инқилобини ўзбек зиёлилари, жумладан, Чўлпон ҳам катта умид ва некбин туйғулар билан қаршилагани, Туркистонни истибдод исканжасига олиб турган сиёсий тузум қулаб, ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришуви учун имконият пайдо бўлгани, шунинг учун ҳам жадидлар ушбу тарихий воқеани қувонч билан кутиб олгани ҳақидаги фикрлари буни тасдиқлайди. Олимнинг аниқлашича, "Назокат" газетасида эълон қилган "Ўзбек ёшларина" шеърида Чўлпон Чор Россиясининг мустабид ҳукумати ағдарилганидан мамнун бўлиб, ёш юртдошларини халқ манфаати йўлида хизмат қилишга чақирди ва бу нарсаларни фахрли юмуш деб билди:

Миллат учун ишласизлар, бу сизларга саодат,
Миллат учун ҳеч тинмасдан меҳнат қилиш на роҳат...

Ушбу фикрларни келтирганда мунаққид ҳақ эди. Чўлпон ҳақиқатан бу тарихий воқеани катта қувонч билан кутиб олган. Маърифатпарвар жадидларнинг барчаси Ватан ва миллат учун яхши кунлар келишига умид билан қараганлар. Бу воқеа ўзбек халқига озодлик ва эркинлик олиб келади, деган умид уларнинг воқеликка реал қарашига тўсқинлик қилган. Ушбу руҳият шоирнинг “Қизил байроқ” шеърида ҳам кузатилади:

Камбағалга на саодат уни кўрмак бу ҳолда,
Ҳам ҳаққи бор камбағалнинг, чунки ўзининг моли.

“Камбағалнинг моли” ифодаси орқали Чўлпон унинг бу байроқ матосини тўқиганигагина эмас, балки инқилобий курашлардаги иштирокига ҳам шама қилмоқда. Яна у октябр билан камбағал халқ умиди орасида узилмас алоқа борлигини айтмоқда. Шоир юқоридаги мисрага жойланган фикр калавасини ечар экан, ортида:

Уни олиб чиқмоқ учун қоронғудан ёруққа,
Дарёлардан оқмадими камбағалнинг қонлари?
Уни олиб бермоқ учун мазлум, ожиз бу халққа
Қолмадими Сибирларда ишчиларнинг жонлари?
Сиз, буржўйлар, кибор синфлар, яқин келманг байроққа,
Сиз эмасми илгаридан унинг қонхўр душмани?!
Энди қора яқин келмас нурлар сачратган оққа.
Кўпдан энди ўтиб кетди қораларнинг замони!

Академик Наим Каримов таъбири билан айтганда, буни Чўлпоннинг “шеъриятни халққа, унинг ҳаётига, қалбига, изтироблари, азоблари, орзу ва умидларидан иборат руҳий оламига яқинлаштирган”и [Каримов Н. 2:208] сифатида баҳолаш мумкин.

Олим Чўлпон шеъриятидаги поэтик образларга эътибор қаратади, Ғарб ва Шарқ қарама-қаршилигига алоҳида тўхталади. Шоирнинг “бойлик ва тўқликдан ёрилай деган Ғарбга умид кўзларини тикишидан” мақсад Октябр тўнтарилишидан кейин бошқа халқларга ҳам шундай бир ёруғлик келишига ишониш эди. Бу шеър таҳлили жараёнида мунаққид шоирнинг сиёсий кайфиятини ҳам ёритишга ҳаракат қилади. Чўлпоннинг Октаябр инқилобига ҳеч қандай ғаразли кайфиятда бўлмаганлигини алоҳида такидлаб ўтади.

Биламизки, Чўлпон насрий асарларида ўзбек хотин-қизларининг фожеали ҳаётини яхши ёритиб бера олган. Бу китобда мунаққид шоирнинг “Мен ва бошқалар” шеърини ана шу мавзуга боғлаб таҳлил қилади. Гарчи ўзбек аёллари “Ҳужум” кампанияси сабабли паранжи-чачвонларини ташлаётган, саҳнада қўшиқ куйлаш, рол ижро этиш имкониятларига эга бўлаётган бўлса-да, то сўнгги пайтларга қадар ҳақ-ҳуқуқсиз оғир меҳнат остида эзилиб келаётганига эътибор қаратади.

Аксар чўлпоншунослар “Бузилган ўлкага” шеърини турлича нуқтаи назарлардан келиб чиқиб турлича таҳлил қилгани кузатилади. Аммо бу қарашларнинг деярли ҳаммасида ҳам шеър ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлаб таҳлил қилинган. Наим Каримов ҳам шеърни шу нуқтаи назардан баҳолайди: “У бу шеърда ўлкада рўй берган дахшатларни буюк жасорат билан тасвирлади” [Каримов Н. 1:45]. Мунаққид бундай мавзудаги шеърнинг ўша даврда ёзилиши ва эълон қилинишини жасорат деб баҳолаши, айнан сиёсий-маданий ҳаёт билан боғлаб талқин этгани исботидир. Олимнинг: “Бизнинг адабиётимиз яқин-яқингача бугунги ҳаётни эмас, балки унинг ўрнида барпо этилажак эртанги ҳаётни акс эттириб келди. Бу йўл билан у китобхонни янги ишларга илҳомлантиргандек бўлди. Амалда эса у китобхонни алдади. Чўлпон бугунги жароҳатларни яшириш эмас, даволаш лозим, деган ақидага амал қилди. Шунинг учун ҳам унинг асарларида тасвирланган ҳақиқат социалистик реализм адабиётига кўниккан китобхон учун даҳшатли бўлиб туюлиши табиий” [Каримов Н. 1:47] – деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Наим Каримов тадқиқотларида Чўлпон замонавий ўзбек шеъриятига асос солгани, адабиётга янги мазмун ва образни, янгича шакл ва ғояларни олиб киргани, унинг лирик асарлари жадид адабиётининг энг сара намуналари экани ҳақидаги илмий-назарий хулосалари акс этган. Бу орқали олим Чўлпоннинг жадид адабиётида тутган ўрнини муносиб баҳолади.

Олим “Чўлпон” маърифий романининг ҳам муаллифидир. Маърифий романда ўша давр матбуоти материаллари, архив ҳужжатлари ва шоир асарларининг ўзи ҳаёт кезларидаги нашрлари орқали тўпланган тарихий-адабий материалларни олим бадиий тасвир орқали жонлантирди. Бу орқали Чўлпон яшаган даврнинг мураккаб ва зиддиятли қиёфаси, шоирнинг умр ва ижод йўли, кечинмалари, орзу-ўйлари, армонлари ҳақидаги қарашларини ўзига хос талқин этди. Чўлпонни халққа, халқимизни севикли шоирига яқинлаштирди. Ушбу маърифий роман орқали Наим Каримов ўзининг юксак

илмий салоҳият эгаси бўлиш билан бир қаторда бетакрор бадиий тафаккур соҳиби эканини исботлади.

Хулоса қилиб айтганда, чўлпоншунослик академик Наим Каримов фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Олим Чўлпон ҳаёт йўли ҳамда ижодига оид янги фикрларни, оҳорли илмий қарашларни илгари сурди. Шунга кўра, устоз адабиётшуноснинг Чўлпон биографияси ва адабий меросига доир тадқиқотлари чўлпоншуносликнинг янги саҳифасини ташкил этди, деган фикрни айтишга бурчлимиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов, Наим. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. -Тошкент: Фан, 1991.

2. Каримов, Наим. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2008.

3. Каримов, Наим. Чўлпон ҳақида сўз. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.I. – Тошкент: Академнашр, 2016.

4. Ҳаққул, Иброҳим. Олимлик – нуктадонлик ва саботдир. /XX аср ўзбек адабиёти масалалари: филология фанлари доктори, профессор Н.Ф.Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами – Тошкент: Фан, 2018.

“УСМОН НОСИР” МАЪРИФИЙ-БИОГРАФИК РОМАНИ ТЎҒРИСИДА

Мехрибон ЁДГОРОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Адабиёт тарихи алоҳида ёзувчиларнинг ижодларидан таркиб топади. Шунинг учун адиблар ижодини индивидул ўрганиш адабиётшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида ёзувчилар ижодида ҳам умумий ижод жараёни ва адабиёт тарихи акс этади. Айнан мана шу омил катта умумлашмалар яратишга асос бўлади.

Ёзувчи таржимаи ҳолидан тортиб, ижодкор шахсининг индивидуал хусусиятлари, дуёқарашини шакллантирган омиллар, тарихий воқеликни бадиийлаштириш жараёнидаги руҳий кечинмалари, эстетик диди, шахсий кундалиги, қайдлари, шахсий ёзишмалари, китобхонлар билан бўлган хат орқали ёки бевосита мулоқотлари, ёзувчи ҳақидаги замондошларининг хотиралари, ҳаттоки, ижод жараёнидаги ўзига хосликларини ўрганиш ҳам муайян хулосага келишда ўзининг ижобий самарасини беради.

Ўзбек адабиётшунослигида ёзувчи биографиясини ижоди билан ҳамоҳангликда тадқиқ этишни Фитрат бошлаб берган, Иззат Султон, С.Азимов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Ў.Носиров, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Д.Қуронов, Б.Каримов, Ҳ.Умуров, У.Жўрақулов, Р.Қўчқоров, С.Тўлаганова, О.Жўрабоев, Н.Зиёдуллаева, М.Қўчқоровалар изчил давом эттиришди. Бир қатор ижодкорларнинг фарзанд ва рафиқалари, жумладан, Ҳ.Қодирий, К.Қаҳҳорова, З.Саидносирова, М.Ёқубова, И.Ёқубов ҳамда Г.Воҳидовалар ўзларининг хотира китобларида адиблар ҳақидаги қимматли маълумотларни тақдим этишди.

Бу йўналишдаги ишлар орасида академик Наим Каримовнинг Чўлпон, Ойбек, Миртемир, У.Носир, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Зулфия ва бошқа адиблар ҳақидаги тадқиқотлари илмий-оммабоблиги ҳамда шу пайтгача махфий архивларда яширин сақланган ҳужжатлар асосида адиблар биографиясининг номаълум қирраларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганлиги билан алоҳидалик касб этади. Жумладан, яқиндагина нашр этилган “Усмон Носир” маърифий-биографик романини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Мазкур китоб олимнинг “Усмон Носир: ҳаётий лавҳалар, ҳужжатлар, ривоятлар”, “Усмон Носирнинг сўнгги кунлари”[15] китоблари асосида қайта ёзилган бўлиб, бу асар домланинг ўттиз йиллик изланишлари натижаси ҳамдир. Китобни ўқир эканмиз маълумотлар аниқлигининг қайта-қайта текширилганлиги, уларнинг муттасил тўлдирилиб борилганлиги ҳамда

[15] Каримов Н. Усмон Носир: ҳаётий лавҳалар, ҳужжатлар, ривоятлар. – Тошкент: Шарқ, 1993.; Ўша муаллиф. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари. – Тошкент: Шарқ, 1994.

топилмаларнинг шоир ижоди билан муқояса қилиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Чунончи, Н.Каримов шоир ҳақида мақоладан мақолага, дарсликдан дарсликка ўтиб юрган “Усмон Носир Наманганнинг Чуқур кўча маҳалласида туғилган” деган сўзларнинг асоссиз эканлигини унинг эски газеталарнинг биридан топилган “Танҳогўр маҳалласидаги болалик дўстларимга” шеърини келтириш орқали далиллайди[16].

Шунингдек, олим Усмон Носирнинг дунёқараши шаклланиши, ижодий потенциалининг юзага чиқишидаги омилларга атрофича тўхталиб, отасининг вафотидан кейин онасининг Қўқонга турмушга чиқиши, бу ерда дастлаб Пўлатжон Қаюмий мактабида сўнг “Дор уш-шафақа” интернатида олинган таҳсил, айниқса, “Санойи нафиса” тўгарагидаги фаол иштироки шоирнинг кейинги фаолияти учун муҳим босқич бўлганлигини ҳужжатлар, Усмон Носирнинг ўша пайтдаги таниш билишларининг хотиралари, қолаверса Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссасидаги “Дор уш-шафақа” интернати тасвири билан кўрсатиб бериб (А.Қаҳҳор ҳам шу интернатда ўқиган), уни қўқонлик шоир деб атайди. (27-41-бетлар). (Бу таърифни олим бутун асар давомида қўллайди.)

Н.Каримов У.Носирга қадар ҳам кўплаб ижодкорлар ҳақида биографик тадқиқотлар яратган. Бу асарларда олим ҳақиқатга тик боқиб, масалани атрофича ёритишга эришган. “Усмон Носир” маърифий-биографик романини ёзишда ҳам ўз принципидан чекинмайди. У.Носирни “савобу-гуноҳлари” билан биргаликда гавдалантиради. Бунда шоир учун фазилат бўлмаган хислатларини кўрсатишдан тап тортмайди. Ўқувчи кўз олдида уни бор бўй басти билан кўрсатиб, ҳар бир китобхонга ўз Усмон Носирини кашф этишига майдон қолдиради. Шоирнинг Москва, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги бетартиб ҳаёти манзаралари бунинг яққол мисоли бўла олади. Айниқса, маҳбуслик йилларида унинг инсонийлик қиёфасини буткул йўқотганлигини ўқиш ўқувчи учун қийин бўлса-да, олим ана шундай фожиали тасвирлар ортида ҳам буюк шоир борлигини кўрсата билади.

Н.Каримов “Усмон Носир” маърифий-биографик романини яратиш учун шоирнинг ортидан Наманган, Қўқон, Самарқанд, Тошкент, Москва, Златоуст, Магадан, Колима, Камерово, Маринск шаҳарларига боради. Махфий архивларнинг чанг босган ҳужжатларини ўрганади. Уни кўрган-билганлардан хотиралар, маълумотлар йиғади. Натижада 25 ёшида жувонмарг кетган эрка шоирнинг биографиясини муфассал ёритишга муваффақ бўлиб, бутун умр ўзи тадқиқ этган “ХХ аср ўзбек адабиёти манзаралари”ни янада ойдинлаштиради. Домланинг бу борадаги хизматлари ибрат мактабидир.

---

[16] Каримов Н. Усмон Носир. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 16.

ЖАДИД АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА НАЙИМ КАРИМОВНИНГ ЎРНИ

Гулбаҳор БЕКТАШЕВА,
АДУ таянч докторанти,
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада адабиётшунос олим Н.Каримовнинг ўзбек жадид адабиётшунослик илмига қўшган ҳиссаси, жадид адабиётшунослиги тараққиёти тадрижидаги олимнинг ўрни каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: жадидшунослик, миллий ғоя, жадидчилик, жадид шеърияти, таҳлил, талқин.

Миллий мустақиллик кўплаб соҳалар қатори адабиётшунослик илмида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилишига замин бўлди. Истиқлол ғояси ўтмишда қолипга солинган, нохолис ва тескари таҳлил қилинган ўзбек бадиий адабиётига объектив баҳо бериш, миллий мафкуравий қуролланган ҳаққоний таҳлил ҳамда талқин этиш имконини берди. Айниқса, жадид адабиётшунослигида янги кўтарилиш, туб бурилиш содир бўлдики, буни тарихда Туркистонни мустамлака қилган собиқ Иттифоқ машъум сиёсатининг барҳам топиши билан боғлаш мумкин. Жадидчилик ҳаракати номи остида миллий мустақиллик учун курашган зиёлилар фаолияти, ёзувчи ва шоирлар ижодини тўғри баҳолаш ва халқимизга соф ҳолда етказиш адабиётшунос олимларнинг маънавий бурчидир. Шу маънода истиқлол тарбия этган жадид адабиётшунослари етишиб чиқди. Бугунги кунда яратилаётган илмий тадқиқотларда жадид адабиётига бўлган холис муносабатлар ўз аксини топмоқда.

Истиқлол даврида Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Салоҳиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Бахтиёр Назаров, Нўъмон Раҳимжонов каби замонавий адабиёт масалаларини ўрганувчи адабиётшунослар оқими етишиб чиқдики, уларнинг ижодида жадид адабиётига муносабат бутунлай очиқ-ошкора бўлиб, истиқлол жадидлар ижоди ва фаолиятини ҳаққоний баҳолаш имконини берди. Профессор С.Мирвалиевнинг “Абдулла Қодирий” монографияси истиқлол мафкураси тамойилида яратилган дастлабки уринишлардан биридир. Мустақиллик йилларида XX аср адабиёти тараққиёти хусусиятларини очиш, хусусан, ўзбек жадид адабиётини миллий ғоя асосида ўрганиш масаласини биринчилардан бўлиб бошлаб берган академик Наим Каримов эди. Унинг “Чўлпон” (1991), “Усмон Носир”, “Усмон Носирнинг сўнгги кунлари” (1994), “Истиқлолни уйғотган шоир” (2000), “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари” (2008) китоблари жадид адабиётини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради.

Профессор Наим Каримов “XX аср адабиёти манзаралари” китобида жадид адабиёти вакиллари — Беҳбудий, Ҳамзадан то Чўлпон, Усмон

Носиргача ўз адабий қарашларини ёритар экан, бадиий асарни ёзувчининг ҳаёти ҳамда маънавий- эстетик дунёқараши билан ҳамоҳанг таҳлил қилади. 20-йиллардаги жадидчилик ҳаракати, жадид адабиётининг туғилиш ва ривожланиш йўлларини ўрганиши натижаси ўлароқ, “XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши” сингари тадқиқотлари унинг том маънода жадид адабиётшунослиги илмида муҳим фигуралардан бири эканлигини исбот этади. Олимнинг “Истиқлол фидоийлари” рукни остида чоп этилган адабий портретлари ҳамда архивдаги изланишлари маҳсули сифатида майдонга келган Абдулла Авлоний, Боту, Абдулла Алавий, Вадуд Маҳмуд каби 20-30-йиллар адабий муҳитида фаол ўрин тутган зиёлилар тўғрисидаги мақолалари жадид адабиётимиз, миллий мустақиллигимиз учун курашган зиёлилар тарихидан янги-янги маълумотлар беради.

Олимнинг “Чўлпон ва XX аср ўзбек шеърияти” мақоласида жадид шеърияти, яъни XX аср ўзбек шеъриятидаги янги давр, “шеър тузилишидаги ислоҳот” Фитрат ва Чўлпон номи билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтади. Одатда, ислоҳот тушунчаси сиёсий жараёнлардаги янгилик сифатида ишлатилади. Лекин шеъриятдаги ислоҳот деганда олим шуни назарда тутадики, бир вақтлар Чўлпон Фитратни арабий-форсий шакллардан воз кечиб, “жонли халқ тили билан халқ шеърияти вазнларида ёзганлиги”ни ислоҳот деб атаб, бевосита Чўлпон уни давом эттираётганлигини айтиб ўтади. Шу ўринда Чўлпоннинг ҳам адабиётшунос олим сифатида Навоийдан Муқимийгача бўлган даврни “бир хил, бир хил, бир хил” дея таърифлаб, “Улуғ ҳиндий” мақоласида “кўнгил янгилик қидирадир” дея, янгича шаклларда ёзиш истагини айтиб ўтади.[Каримов Б. 2:123] Олим Чўлпон ижодига баҳо берар экан, эскича поэтик шакллардан воз кечиб, Фитрат томонидан Чўлпон тахаллуси билан тақдирланган, Беҳбудий, Қодирий, Ҳамза, Авлоний, Тавалло кабилар ичидан “отилиб чиқиб”, “ўзбек шеъриятини миллий уйғониш қуролига айлантирибгина қолмай, тили ва услубини, шакл ва воситаларини янгилаб” берган ижодкор дея баҳолайди. Чўлпоннинг таъсир доирасини, унинг анъаналаридан фойдаланишни беш босқичга бўлади. Чўлпон шеъриятининг бадиий ва илмий хусусиятларини кўрсатиш орқали жадид адабиётига хос умуммиллий белгиларни ҳам ажаратиб беради. Жумладан, шеъриятнинг халқ руҳий оламига яқинлашиши, ҳиссиётнинг шеърий асардаги кучини бениҳоя оширганлиги, янги вазнни янги жанр ва шакллар билан бойишига хизмат қилганлиги Чўлпон ижодидаги кўтарилиш нуқталари бўлганлигини синчковлик билан таҳлил қилган олим Н.Каримовнинг жадид адабиётшунослиги тараққиётида етакчи тадқиқотчилардан бири эканини исботлайди.

Қолаверса, олим қатор мақолаларида жадид адабиётининг юзага келиши ва унинг тараққиёт йўналишлари каби муаммоларга очиқ ёндашади. “XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши” мақоласида жадидчилик ҳаракатининг бошланиши масаласига алоҳида тўхталар экан, бу давр адабиётини синчковлик билан ўрганган хорижлик

тадқиқотчи Боймирза Ҳайитнинг “жадидчилик XIX асрнинг охирларида бошланган” дея Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Абай каби шоирларнинг номларини ҳам тилга олганлигини таъкидлайди. Олим бу фикрга изоҳ берар экан, “жадидлар сафини юқоридаги сингари кенгайтиришга уриниш тамойили йўқ эмас” дея жадид сўзининг аслида қачон пайдо бўлганига тўхталади ва архив материалларидан фойдаланиб, жадидчиликнинг моҳиятан қачон пайдо бўлганига принципиал ёндашади. “Газет ўқувчиларни муллалар “жадидчи” номи билан атар эдилар. Мен ҳам шу жадидчилар қаторига кирдим. 1904 йилдан жадидчилар тўдасида ишлай бошладим. Жадид мактаби очиб, ўқитувчилик қила бошладим.”[Алимова Д. 1:24] Олимнинг Авлоний таржимайи ҳолида келтирилган фикрлардаги таъкиддан ҳам кўринадики, 1900 йиллардан жадидчилик ҳаракати фаолияти юзага келган.

Биографик методниинг инсон феномени доирасида марказлашуви ушбу методнинг универсаллик даражасини оширади. Ушбу метод ижодкор биографиясидан фақат ахборот манбаи сифатида фойдаланмайди, балки бунда ижодкор биографияси бир бутун тизим ўлароқ ижод моҳиятини очишга хизмат қилади. Бадиий ижод намунасини биографик ўрганиш йўлидаги илк қадамлар XIX асрнинг биринчи ярми француз илмий-адабий муҳитида кўзга ташланади. Жаҳон адабиётшунослари томонидан биографик методнинг асосчиси деб эътироф этилган Шарл Сент-Бйов томонидан ўз даври илмий доираси учун янгилик сифатида тақдим этилган биографик тадқиқ йўналиши уч йирик омилга таянади. Булардан келиб чиқиб, профессор Н.Каримов масалага ёндашишда биографик методдан унумли фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Яъни ўз фикрини исботлашда жадид ижодкорларининг таржимайи ҳолидаги маълумотлардан фойдаланиб, илмийликка асосланиб иш кўради. Ш.Сент Бйов ёзади: “Адабий танқид соҳасида ва адабиёт тарихида буюк одамлар биографияси каби юракка яқин, гўзалроқ, ибратлироқ нарса камдан-кам учрайди”. Демак, биография муаллиф ҳаёт йўлининг шунчаки баёни эмас. Тадқиқотчи ижодкор “руҳиятига кириши”, “уни турли қирраларини кўрсата билиши” керак экан, Н.Каримов ҳам жадид намоёндаларининг биографиясини яратишда ана шундай йўлдан борди. Ҳар бир фигуранинг руҳиятига кира билди. Жумладан, Ҳамзанинг 1908 йилларда газета-журналларни бировлар номига ёздириб, қўрқиб бўлса ҳам ўқиганлигини таъкидлар экан, сиёсий вазиятнинг ўша даврда ана шундай мураккабликларини кўрсатиб беради. Жадидчиликнинг тарихий вазият тақозоси билан вужудга келганлигини исботлаб беради.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякостанинг ўз мамлакатига йўллаган 1906 йилдаги хуфяномасида “Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч ўзбек жадидларидир” [Алимова Д. 1:33] деган фикрини алоҳида қайд этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўзбек жадид адабиётшунослиги тараққиётида профессор Н.Каримовнинг илмий тадқиқлари айрича аҳамият касб этади. Унинг ижодий лабораториясини ўрганиш ва таҳлил этиш адабиётшунослигимиз илмида долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимова Д. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам. №1. – Т.: Университет, 1999. –Б.24-33.

2. Каримов Б. Ўзбек адабий танқиди:[анталогия] – Т.: Турон Иқбол, 2011. –Б.123.

3.Каримов Н. Адабиёт ва тарихий жараён. – Т.: Мумтоз сўз. 2013.

4.Каримов Э.А. Развитие реализма в узбекское литературе. – Т.: Фан,1989.

5.Жадидчилик // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. – Тошкент, 1993.

OYBEKSHUNOS OLIM FAOLIYATIGA BIR NAZAR

Zulxumor MUXTORJONOVA,
Farg‘ona davlat universiteti magistrant

Annotatsiya: Maqolada o‘zbek adabiy tanqidchiligi, Naim Karimov ilmiy faoliyatining bir qismi, xususan, Oybek ijodini o‘rganishga oid qarashlari tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: O‘zbek adabiy tanqidchiligi, Naim Karimov ilmiy faoliyati, oybekshunos olim, roman, munaqqid tahlili.

O‘zbek adabiyotshunosligi taraqqiyoti va rivojida adabiy tanqidchilik faoliyatining ahamiyati yuqori. Adabiy tanqid har bir millat adabiyotining shakllanishi va ravnaqida muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Zero, millatparvar yozuvchimiz Mahmudxo‘ja Behbudiy ta’kidlaganidek, tanqid saralamoqdir. Yaxshi asarlarni ko‘ra olish, tahlil qilish, uni xalq ichiga olib kirish, sayoz fiklilarining kamchilik va xatolarini ayta olish, xolis baho berish tanqidchilikning vazifasi hisoblanadi. Tanqidchi go‘yo g‘avvosdek, adabiyot ichidan dur-u gavharlarni tera olishi kerak. U ijodkor bilgan narsadan ko‘ra ko‘prog‘ini bilishi, tahlil jarayonida dadil turib fikrini isbotlay olishi uchun tinimsiz izlanishi zarur. Shundagina uning so‘zi haqiqatdan muhim, foydali va kelgusida ahamiyatga ega bo‘ladi. O‘zbek adabiy tanqidchiligi taraqqiyotiga katta hissa qo‘shgan olimlardan biri, adabiyotshunos, filologiya fanlari doktori, professor Naim Karimovni ana

shunday munaqqidlardan deyish mumkin. Olim o‘zining ilmiy faoliyati davomida ko‘plab o‘zbek ijodkorlarining asarlarini, hayot yo‘li va taqdirini, qoldirgan merosini o‘rgandi, adabiyotimizga zarur manbalarni hozirladi. Uning “Hamid Olimjon” (1979), “Oybek” (1985), “Cho‘lpon” (1991), “Usmon Nosir” (1993), “Usmon Nosirning So‘nggi kunlari” (1994),“Cho‘lpon” ma’rifiy roman (2003) “Bu ajib dunyo”(2016), “Botu” tanlangan asarlar (2016), “Bu ajib dunyo”(2018), “Izzat Sulton. Zamondoshlari qalbi va xotirasida” (2020) va boshqa kitoblari, maqolalari o‘zbek adabiyotshunosligi rivojida muhim ahamiyatga egadir.

Naim Karimov Oybek ijodini o‘rganishga bag‘ishlangan bir nechta kitoblar yozdi. Oybekning “Mukammal asarlar to‘plami” XX jildini nashrga tayyorlashda rahbarlik qildi. Adibning boy ilmiy, badiiy merosini xalqimizga jamlab yetkazib berdi, u haqida ko‘plab maqolalar yozdi. Uning “Oybek”(1985) nomli kitobi buyuk yozuvchi hayoti, bolaligi, ijodiy faoliyati haqida so‘zlaydi.

Naim Karimov Oybek lirikasiga baho berar ekan, shunday yozadi: O‘zbek she’riyatining XX asrda yangi, yuksak bosqichga ko‘tarilishida Oybekning hissasi buyukdir. Oybek-shoirni uch muhim fazilat ajratib turadi. Bular — bilim va dunyoqarashning kengligi, tuyg‘u va fikrning o‘zaro munosabatida fikrning ustuvorligi, shuningdek, liro-epik tasvirga moyillikdir.[17][Karimov N. 2:297] Olim fikrlarini davom ettirgan holda, Oybekdagi bu xususiyatlar uning nasr olamida keng ijod qila olishiga sabab bo‘lganini ta’kidlaydi. Hamid Olimjon Oybekning “prozada shoir-u poeziyada prozaik” ekanini bejiz ta’riflamagan edi. Chindan ham Oybekning nazm va nasrda o‘ziga xos uzviylikni yarata olish qobiliyati tahsinga sazovor edi. Oybek romanlaridagi bo‘yoqdorlik, tasvirning haqqoniyligi uning shoirona nigohida aks etgan hodisalar bilan bog‘liqdir. Naim Karimov Oybek romanlarining yozilish jarayoniga nazar solib adibning yangi qirralarini kashf etadi. Oybekning she’riyat sohasida katta yutuqlarga erishganiga qaramay, she’riyat endi unga torlik qila boshlagani va nasrda o‘z so‘zini aytish uchun xalq dardi-yu qiyinchiliklarini qalamga olganini ta’kidlaydi. Oybek yashagan davr siyosiy tuzumida katta o‘zgarishlar sodir bo‘la boshlagan, haqiqatni aytish mushkul bir pallada xalqni uyg‘onishga chorlovchi asarlar yozish katta bir jasorat edi. “Qutlug‘ qon” romani ayni shu vaqtda, Oybekning ichdan toshib chiqqan so‘zlari o‘laroq, bir ehtiyoj farzandi sifatida dunyoga keldi. Naim Karimov ushbu roman yaratilish tarixiga nazar tashlar ekan, u yozilgan 1938-yilda 1916-yil qo‘zg‘olonining guvohlarigina emas, balki aksar ishtirokchilari ham tirik bo‘lgani aytadi. Taxmin qilish mumkinki, Oybek ularning ayrimlarini yaxshi bilgan, xotiralarini tinglab, ularni o‘z “xotira daftari”ga muhrlab qo‘ygan. Oybekning o‘zi ham bu haqida “Garchi men roman voqealari yuz bergan davrda hali kichik bola bo‘lsam ham, xalq turmushini ko‘rdim. Kambag‘allarning qorong‘u va dim uy-joylarini, boylarning atrofi baland-baland devorlar bilan o‘ralgan hashamatli imoratlarini, muzdek hovuzi bo‘lgan bog‘larini ko‘rdim. Men keyinchalik romanimda tasvir etilgan turmush va ijtimoiy munosabatlarning ko‘pgina tomonlarini o‘sha vaqtdayoq chanqoqlik bilan kuzatgan va tushungan edim. Men

[17]N.Karimov. Uch buyuk siymo. T.:Mumtoz so‘z, 2019. 297-bet.

o‘z qahramonlarim qiyofasida bo‘lajak kurashchilarni…payqab olgan edim. “Qutlug‘ qon” romanimni yozish uchun material yig‘ib o‘tirmadim, roman uchun material ko‘ngildan, xotiramdan quyilib kelaverdi…” deb yozadi. Oybekdek izlanuvchan, har ishga diqqar va sinchkovlik bilan kirishuvchi adib uchun, bu hayotiy voqealar ayni muddao edi. Lekin u biror marta roman qahramoni Yo‘lchining hayotdagi prototipi haqida so‘zlamaydi. Munaqqid Naim Karimov o‘zining “Uch buyuk siymo”(2019) nomli kitobida buni o‘rganishga bag‘ishlangan “Yo‘lchining prototipi bo‘lganmi?” maqolasini yozadi. Unga ko‘ra Yo‘lchi Shokirov ismli shaxs 1916-yil voqealarida qatnashgan va qo‘zg‘alon paytida qurbon bo‘lganini ko‘rsatuvchi manbalar mavjud. Qo‘zg‘olonning yana bir qatnashchisi Yo‘lchi Ibrohimov ismli shaxsning hayotida romandagi Yo‘lchi taqdiri bilan ba’zi mushtarak o‘rinlar borligini ma’lum qiladi. Olimning fikricha, Oybek “Qutlug‘ qon” romanini yozayotgan vaqtda Yo‘lchi Ibrohimov “xalq dushmani” sifatida jazo muddatini o‘tayotgan edi. Ehtimol, adib Yo‘lchi obrazini yaratishda prototipining 1916-yil bilan bog‘liq bo‘lmagan hayoti faktlaridan foydalanishni lozim ko‘rmagan.

Ushbu maqola tufayli Oybek yaratgan obrazning naqadar hayotiy ekanligini yana bir bor anglaymiz. Naim Karimov bundan tashqari yana ko‘plab maqola va kitoblarida Oybek asarlarini, ijodini chuqur tahlil qiladi. Uning har bir izlanishi, tadqiqotlari keng qamrovli va aniq fikrlarga asoslanadi. Oybekshunos olimlar qatorida Naim Karimovning qarashlari alohida ahamiyatga ega ekanligi mana shu mehnatlar samarasidandir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov N . Oybek. T.:O‘zbekiston LKSM Markaziy Komiteti “Yosh gvardiya” nashriyoti, 1985-yil;
2. Karimov N. Uch buyuk siymo. T.:Mumtoz so‘z, 2019. 297-bet;
3. https://kh-davron.uz/kutubxona/Naim Karimov. Oybek cho‘qqisi;
4. www.bbc.com Taniqli olim, professor Naim Karimov bilan suhbat.

QUTLUG‘ YOSH OSTONASIDA

(Akademik Naim KARIMOV bilan tadqiqotchi Nigora URALOVA suhbati)

Suhbat uchun ancha chog‘landim, ich-ichimda suhbatdoshim haqida nimadir yozishga bo‘lgan xohish va ishtiyoq tinchlik bermasa-da, ammo «...adabiyotshunosligimizda butun bir asr adabiyotimizning manzarasini to‘la tasavvur etib, uning har bir davri, har bir hodisasi haqida ilmiy fikr ayta oladigan» donishmand olim bilan suhbat qurish, suhbat davomida adabiyotshunosligimizdagi salobatiga yarasha salmoqli fikrlar ayta olish mas’uliyati o‘ylantirardi.

Gap yirik adabiyotshunos olim va munaqqid, adabiyotimizning sinchkov tadqiqotchisi, Hamid Olimjon, Zulfiya, Mirtemir kabi shoirlar poetik mahoratiga haqqoniy baho bera olgan, Abdulla Qodiriy, Oybek, Cho‘lpon, Usmon Nosir kabi ma’rifatparvar adib va shoirlarimizning hayoti bilan bog‘liq sirli jumboqlarni arxiv hujjatlari orqali adabiy jamoatchilikka ma’lum qilgan, yuzlab imiy-tahliliy maqolalari bilan o‘zbek adabiyoti rivojiga o‘z hissasini qo‘shgan olim ***NAIM KARIMOV*** *haqida bormoqda.*

Ustoz bugun tabarruk 90 yoshni qarshilash ostonasida. Lekin hamon tinib-tinchimaydi, ilmiy izlanishlardan, shogirdlariga qimmatli maslahatlarini berishdan to‘xtagani yo‘q. Suhbatimiz xotiralar, adabiy jarayon, og‘riqli nuqtalar, armonlar xususida bo‘ldi.

– Ustoz, xalqimiz sizni dunyoga taniqli adabiyotshunos olim va adib sifatida, qolaversa, ulug‘ ma’rifatparvar allomalarimiz nomini oqlash, ularning ijodiy faoliyatlarini olamga tanitishdagi ilmiy izlanishlaringiz orqali yaxshi taniydi.

Keling, suhbatimizni sizning bolalik yillaringiz, o‘sha vaqtdagi orzu-istaklaringiz va ular ushalishida ko‘makdosh bo‘lgan yaqinlaringiz, ustoz-murabbiylaringiz ibratli xotirasi bilan boshlasak…

– 1932-yili Toshkent shahridagi Kesakqo‘rg‘on mahallasida tug‘ilganman. Eski shahar bilan Ko‘kcha dahasi oralig‘ida joylashgan Sassiqhovuzga tutash chorrahadan o‘tilgach, bizning mahalla boshlanardi. Mahallamizda madrasa, masjid bo‘lardi. O‘sha madrasa imomi mening bobom bo‘lgan va bu madrasadan ko‘plab jadidlar yetishib chiqqanligi, hatto Sidqiy Xondayliqiy ham bir muddat ushbu madrasada tahsil olganligi aytiladi.

Bobomning uch o‘g‘il, bir qiz farzandlari bo‘lgan. Farzandlarining hammasi ziyoli insonlar bo‘lishgan. Eng katta amakim Zohid Karimov moliya sohasida faoliyat yuritgan va o‘sha paytlarda qaysi bir jamiyatning vaqfiyasida moliyaviy ishlar bilan shug‘ullangan. Ikkinchi amakim Obid Karimiy matematik edilar. U kishi Bokuda o‘qigani tufayli Shayxzoda bilan yaqin do‘st bo‘lgan. Amakim ozar adiblarining kitoblarini ko‘p mutolaa qilar, o‘z o‘rnida menga ham Husayn Jovidni, Fuzuliyni o‘qishga tavsiya qilib turardi. Husayn Jovidning qatag‘on qilingan asarlarini ham amakimdan olib o‘qiganman. Amakim SAKU o‘qituvchilari uchun qurilgan uyda turardi. O‘sha uyning ro‘parasida amakimning

ilmiy rahbari, mashhur akademik Qori Niyoziy yashardi. Amakim va ustozi o‘rtasidagi oilaviy munosabatlar, qo‘shni ziyoli olimlarimizning shaxsiy hayoti, ma’naviy dunyosi va ilmiy ish tartiblari to hanuzga qadar barchaga ibrat bo‘larlik. Uyimizdan sal narida 1-son maktab bo‘lardi, ammamiz o‘sha yerda biologiya fanidan dars berardilar. Otam Fotih Karimov fizika o‘qituvchisi bo‘lganlar. U kishi akademik Sa’di Sirojiddinov, yozuvchi Hamid G‘ulom singari mashhur olim va shoirlarga dars berganlar. Shuningdek, otam do‘stlari Lutfulla Murodov orqali G‘afur G‘ulom bilan ham yaqin munosabatda edilar. Otamning kitoblari nihoyatda ko‘p edi. Adabiyotni juda yaxshi ko‘rar edilar. Onam Rahbarnisa Rasul qizi uy bekasi bo‘lib, biz bolalar tarbiyasi va uy-ro‘zg‘or ishlari ularning yelkalarida edi. Onam oddiy bir kosibning qizi bo‘lsalar ham, nihoyatda mirishkor, pazanda, chevar, davr talablarini tushunuvchi va biz farzandlarga mehribon volida edilar. Onam Zulfiyaxonim bilan mahalladosh, maktabdosh bo‘lganlar. Tog‘alarim temirchi usta bo‘lishgan. Bolaligimda tog‘amlarnikiga (temirchilar mahallasiga) borganimda hamma bolalar hayit arafasida o‘zlariga surnay yasab olishardi. Shunda men ham ularga qo‘shilib o‘zimga surnay yasab olardim, hatto mahallamizdagi bolalarga ham surnay olib kelib berardim.

Otam ziyoli inson bo‘lganligi uchun o‘sha paytlarda uyimizda ziyolilar yig‘ilishib turishardi. Patefon, grammafon qo‘yilardi, mashhur hofizlarning qo‘shiqlar tinglanardi, ba’zan mehmonlarning o‘zlari kuylashardi. O‘sha paytlarda o‘qish, yozishni bilmaydigan kichik yoshda bo‘lishimga qaramasdan, mehmonlar tomonidan so‘ralgan har qanday plastinkani topib berar ekanman.

Ustozlarim orasida Murshida Ikromova, Nabi Nurmuhamedov, Yelizavetta Vasilyevna Zaxarova qalbimda alohida joy egallagan. Adabiyot fanidan saboq bergan ustozimiz Murshida opani biz o‘quvchilar shunchalik yaxshi ko‘rar ekanmizki, hatto darsdan keyin ko‘pchilik bo‘lib uyigacha kuzatib qo‘yar edik. Murshida opa Akmal Ikromovning jiyani edi. Shu sabab bir-ikki yil dars berar-bermas, uni shahar tashqarisiga chiqarib yuborishdi. Ularning o‘rniga Nabi Nurmuhamedov degan yigit bizga dars o‘ta boshladi. Birinchi o‘quvchilari bo‘lganimiz uchun ustozimiz biz bilan aka-ukalardek munosabatda bo‘ldi. Va shu hol bu ajoyib inson va o‘qituvchi bilan bizning oramizda yaxshi munosabatlar o‘rnatilishiga, adabiyot faniga bo‘lgan qiziqishlarimiz alanga olishiga sabab bo‘ldi. Rus tili va adabiyotidan dars bergan tajribali va dono o‘qituvchimiz Yelizavetta Vasilyevna Zaxarova biz o‘quvchilarda rus adabiyotiga bo‘lgan mehrning oshishi uchun o‘z shaxsiy kutubxonasidan kitoblar olib kelar va bizga mashhur rus yozuvchilarining asarlarini o‘qishni tavsiya etardi. Men bu aziz o‘qituvchilarimiz xotirasi oldida o‘zimni qarzdor deb bilaman.

Maktabni oltin medal bilan tamomlaganman. O‘sha paytlarda Moskva va Leningraddagi oliy o‘quv yurtlariga borish urf edi. Men ham Moskvaga o‘qishga borishimga imkoniyat yaratishini so‘rab otamning yaqin o‘rtoqlari, Fanlar akademiyasining akademik-kotibi bo‘lib ishlagan Adham Yunusovning huzuriga bordim. Adham aka yo ota kasbimni tanlab MDUning fizika-matematika fakultetiga, yo ularning sohasini tanlab Meditsina institutiga borishimni maslahat berdilar. O‘z fikrimda qat’iy turib, filologiya fakultetini tanlaganim bois ular ham

o‘z fikrlarida qat’iy turib bu borada menga yordamlashmadilar. Shundan keyin O‘rta Osiyo davlat universiteti (hozirgi Milliy universitet)ning filologiya fakultetiga o‘qishga kirdim. Birinchi kursni yakunlaganimizdan keyin universitetning a’lochi talabalari qatorida Moskva, Leningradga sayohatga borib keldik.

Talabalikda juda ham kitobga qiziqardim. Bu holatni faqat o‘zimga xos, desam, xato bo‘ladi, bu davrda kitobga, mutolaaga ommaviy qiziqish bor edi. Ko‘p vaqtimni kutubxonalarda o‘tkazardim. Toshkent shahrida uchta kutubxona bo‘lardi: Narimonov nomidagi kutubxona ular orasida eng g‘aribi edi. Ba’zan u yerga borardim. Eski shahar bozori yonida «Oktabr» – hozirgi «Turon» kutubxonasi bo‘lardi. Asosan, mana shu kutubxonadagi kitoblardan foydalanardim. Ilgarigi Pushkin, hozirgi Abdulla Qodiriy bog‘ining yonida xotin-qizlar klubi bo‘lardi. O‘sha klubga qarashli katta kutubxona ham men uchun sevimli maskanlardan biri edi…

– XX asr o‘zbek adabiyoti o‘z davriga mos holda munaqqidlar uchun ham murakkab adabiyot sanaladi. Mazkur yuz yillik uchta ijtimoiy-siyosiy tizimda kechdi va bu, tabiiyki, adabiyotda o‘z in’ikosini topgan. Bu davr adabiyotining to‘laqonli manzarasini yaratish anchayin mushkul ish va bunga adabiyotshunoslar orasida ma’nan haqqi bor olimlar kam. Siz shunday sharafli ishni amalga oshirgan adabiyotshunoslardan sanalasiz. Sizningcha, XX asr o‘zbek adabiyotining taraqqiyot tadrijidagi muhim burilishlar nimalardan iborat?

– Darhaqiqat, XX asr turli tadrijiy taraqqiyot bosqichlarini boshdan kechirdi va bu asrni davrlashtirishda ham turli mulohazalar ilgari suriladi. Nazarimda, bu asr uchga emas, balki to‘rt davrga bo‘lib o‘rganilishi lozim. Sababi XIX asrning oxiri, XX asrning boshlarida dastlab ma’rifatparvarlik adabiyoti yuzaga kelgan va bu yo‘nalishda Furqat, Muqimiy, Zavqiy kabi shoirlar samarali ijod etgan. Ma’rifatparvarlik adabiyoti qisqa umr ko‘rgan bo‘lsa ham, ulkan yozuvchilarni yetishtirib berdi va shakllana borib jadid adabiyotiga ulanib ketdi. Ko‘pincha jadid adabiyoti yirik yozuvchilarni, yirik asarlarni yetkazib bermaganligi ta’kidlanadi. Bu fikrga qo‘shilmayman. Bu davr adabiyotida ham yetuk asarlar yaratilgan va ular hanuzga qadar o‘z qimmatini yo‘qotmagan. Ma’rifatparvarlik adabiyotida ham salmoqli asarlar yaratilgan. Birgina Furqatni oladigan bo‘lsak, uning asarlari jamiyatning badiiy, g‘oyaviy tafakkurini o‘zgartirishga ulkan hissa qo‘shgan. Endigi tadqiqotlarda ma’rifatparvarlik adabiyoti ham alohida bir davr sifatida olinib, jadid adabiyoti undan o‘sib chiqqanligi ko‘rsatilsa yaxshi bo‘lardi.

Jadid adabiyoti garchi unchalik uzoq umr ko‘rmagan bo‘lsa ham (XX asrning boshlaridan 1930-yilgacha) qisqa muddat ichida yangi matbuotni, yangi adabiyot va teatrni yaratdi, maktablarni isloh qildi. Jadidlar uchun teatr birinchi o‘rinda turgan, chunki xalq ongiga kirib borish, ularni yangiliklar tomonga boshlashda teatr muhim ahamiyat kasb etgan. Ushbu davr matbuoti ham muhim ahamiyatga molik. Chunki bu davrda matbuotda jadid yozuvchilarning maqolalari, ocherklari, shoir va yozuvchilar ijodidan namunalar muntazam chop etib borilgan. Cho‘lponning “Kecha va kunduz”, Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” kabi

asarlar ham dastlab matbuotda e’lon qilingan. Agar “Sadoi Turkiston”, “Sadoi Farg‘ona” gazetalari, “Oina” jurnallari birma-bir ko‘rib chiqiladigan bo‘lsa, yana ko‘plab jadidlar, xalqimizning fidoyi farzandlari haqida ma’lumotlar topilishi shubhasiz.

1917-yildan boshlab sovet adabiyoti davri boshlanadi. Bu 1930-yilgacha Cho‘lponlar qilichini tashlamagani holda sovet mafkurasini qo‘llab-quvvatlovchi asarlar yaratila boshlaganligi bilan izohlanadi.

Bugungi kunda jadid adabiyotini o‘rganish bo‘yicha ishlar birmuncha to‘xtab qolgan. Bu sohada faoliyat yuritayotgan Begali Qosimov, Sherali Turdiyevdek zabardast olimlarimiz vafot etdi. Ulug‘bek Dolimov ham ancha keksayib qoldi. Shu sohani sinchkovlik bilan o‘rganadigan yosh adabiyotshunos olimlarimiz yetishib chiqsa, nur ustiga a’lo nur bo‘lardi.

1917-yildan 1991-yilgacha sovet adabiyoti davri deb yuritiladi. 1991-yildan buyog‘i mustaqillik davri adabiyoti sanaladi. Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Odil Yoqubov, Pirimqul Qodirov kabi yozuvchi, shoirlarni mustaqillik davri adabiyotida samarali mehnat qilgan ijodkorlar safiga qo‘shish mumkin. Hozirgi kunda sanab o‘tilgan ijodkorlar o‘rnini bosa oladigan ijodkorlar bor deb o‘ylamayman.

– Suhbatimiz davomida jadid adabiyoti bo‘yicha ancha keng qamrovli fikrlar bildirdingiz va jadid davri adabiyotini o‘rganish ma’lum sabablarga ko‘ra to‘xtab qolganligini ta’kidladingiz. Siz adabiyotshunos olim, munaqqid, shu soha bilimdoni, qolaversa, ustoz sifatida bugungi kunda jadid adabiyotini o‘rganmoqchi bo‘lgan yosh adabiyotshunoslarga qanday tavsiyalar bergan bo‘lardingiz? Ular qaysi jihatlarga ko‘proq e’tibor qaratishlari kerak deb o‘ylaysiz?

– Jadid adabiyoti, jadidlar harakati bu keng tushuncha. Hozir biz bu tushunchani juda toraytirib qo‘ydik. Shuhrat “Jadid teatri” degan asarini e’lon qilgan. Unda sanoqli dramaturglar nomi keltirilgan va bizda bugungi kunda jadid dramaturgiyasi deyilganda faqat o‘shalar nazarda tutiladi. Boybo‘ta Do‘stqorayevning jadid adabiyoti to‘g‘risidagi asarida ham kam sonli jadidlar haqida fikr yuritilgan. Begali Qosimovda ham shu ahvol. Va bizda jadidlar haqida gap ketganda faqat nomlari zikr etilgan o‘n-o‘n ikki nafar kishilar tushunilishi oddiy hol bo‘lib qolgan. Vaholanki jadidlar juda ko‘p bo‘lgan. Faqat biz ularni bilmaymiz. Bularni aniqlash uchun ushbu davrga tegishli vaqtli matbuotning barchasi o‘rganib chiqilishi kerak. Har bir viloyatning gazetasi bo‘lgan, qancha asarlar chop etilgan. Chetga olib chiqib ketilgan asarlar qancha. Moskvaga borib Lenin kutubxonasida ishlaganimda yerto‘laning qayerlarida o‘zbek adabiyotiga doir asarlar borligini ko‘rganman. Keyin tushib o‘shalarning orasida hali hech kimning qo‘li tegmagan kitoblarni topib tanishib chiqqanman. Navoiy kutubxonasi eski binodaligida ham yerto‘laga tushib, bo‘g‘otning tagida qancha-qancha kitoblar borligini ko‘rganman. Nomlari shu kungacha ochiqlanmay qolayotgan jadidlar topiladi. Shuning uchun bu borada izchil izlanishlar olib borilishi kerak. Mana shundagina jadidlarning doirasi kengayadi. Qolaversa, jadid deganda faqat badiiy ijod bilan shug‘ullangan odamni tushunmasligimiz kerak. Fayzulla Xo‘jayev ham

jadid. U “Yosh buxoroliklar” partiyasining rahbari. Demakki, jadidlar partiyasining rahbari. Bundan kelib chiqib aytmoqchimanki, jadidlarning siyosiy, g‘oyaviy qarashlari ham o‘rganilishi kerak. Agar jadidlarning badiiy ijodi bilan bog‘liqlikda o‘rganiladigan bo‘lsa, endi bu boshqa masala bo‘ladi. Bu borada yengil ishlar bajarib bo‘lindi: jadidlarning nashr etilgan asarlari olinib, arxiv materiallari asosida hayoti ham o‘rganilib, chop etildi. Bu borada keng qamrovli ishlar amalga oshirilishi talab etilmoqda.

Cho‘lpon haqida bir narsa yozmoqchi bo‘lib Milliy xavfsizlik xizmatidagi «delo»si bilan tanishib chiqqanimda, ko‘p narsa topolmadim. Shundan keyin Cho‘lponga yaqin insonlarning «delo»lari bilan tanishib chiqa boshladim. Shunda ancha-muncha materiallarni qo‘lga kiritdim. Fitrat to‘g‘risida ham Cho‘lponga o‘xshagan kattaroq bir narsa yozaman deb materiallarni yig‘ib qo‘yganman. Faqat vaqt bo‘lmayapti. Bu bilan nima demoqchiman? Aynan bir kishi hammasini o‘rgana olmaydi. Shuning uchun bu borada izlanishlar olib borayotgan yoshlarning biriga Cho‘lpon, boshqasiga Fitrat va hokazo qilib bo‘lib berilishi kerak. Shunda ular izlanishlari jarayonida Hamza yo Behbudiyga tegishli material topsa, o‘shani shu sohada ilm qilayotgan odamga ma’lum qilsa, shundagina yana katta ishlar amalga oshadi. Qolaversa, jadidchilikni o‘rganish markazi tuzilsa ayni muddao bo‘lardi.

Adabiyotning yangi tarixini, O‘zbekistonning yangi tarixini yaratish kerak. Sovet davrida yozilgan tarixlarning hammasi yolg‘on tarix. Masalan, Fayzulla Xo‘jayev bilan bog‘liq qanaqa hujjatlar bor? Akmal Ikromov, Usmon Yusupov, Sharof Rashidov bilan bog‘liq hujjatlar ham o‘rganilishi talab etiladi. Nafaqat O‘zbekistondagi, balki Moskvadagi, Milliy xavfsizlik xizmatiga qarashli arxivlardagi hujjatlar ham o‘rganilib, keyin tariximiz qaytadan yozilishi kerak. O‘shandagina ishonchli tarix yuzaga keladi.

– Ustoz, bir paytlar adabiyot darsliklarida Hamzaga yaxshigina o‘rin berilardi. So‘ng u butunlay olib tashlandi, hatto nomi ham unchalik tilga olinmaydigan bo‘ldi. Siz matnshunos olim, arxivlar bilan yaqindan tanishgan inson sifatida bu borada qanday pozitsiyadasiz?

– Hamza jadid bo‘lgan. Hamza – o‘sha Cho‘lpon, Qodiriylardek jadid adabiyoti namoyandalaridan biri. Uning ijodi ham o‘rganilishi, tadqiq etilishi kerak. Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani birinchi o‘zbek romani sifatida talqin qilinadi. Lekin ushbu romanni o‘zbek tilidagi eng yaxshi birinchi roman, desak, to‘g‘ri bo‘lar. Undan oldin 1914-yilda Hamzaning «Yangi saodat» romani chiqqan. Bu sof ma’nodagi jadid romani. Birinchi roman. Shuning uchun nafaqat Hamzaning o‘ziga, balki uning asarlariga bo‘lgan munosabat ham o‘zgarishi kerak. Lekin bu fikrni eshitadigan odam yo‘q. Bu haqda «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasida bir maqola bergandim. Lekin bugungi kunda bunday maqolalar bo‘yicha fikr bildirilmaydi. Go‘yo hamma befarqlik kasaliga yo‘liqqandek. Bunday maqolalar yuzasidan soha bilimdonlari tomonidan munosabat bildirilganda, bahs-munozaralarda aniq fikr shakllangan bo‘lardi. Ilgarilari biron mavzu yuzasidan biron maqola e’lon qilinadigan bo‘lsa, asosiy mavzu doirasida bahs-munozara davom etardi. Hozir maqola yoziladi, e’lon

qilinadi, lekin hech kim hech qanday munosabat bildirmaydi. Yozilgan narsa yozilganicha qolib ketaveradi. Bu juda achinarli, kerak bo‘lsa ayanchli hol.

– Istiqloldan keyingi ilmiy faoliyatingizda yangi janr – ma’rifiy romanlar yaratish alohida yo‘nalishni tashkil etadi. Cho‘lpon, Hamid Olimjon, Oybek, Mirtemir, Maqsud Shayxzoda kabi yozuvchi, shoirlar hayoti va ijodini aks ettirgan bunday asarlarni yaratishda qanday ilmiy-ruhiy ehtiyoj sezdingiz?

– Qatag‘on qurbonlari oqlanib, ular xalq dushmanlari emas, balki xalqning asl farzandlari ekanligi ochiqlanib, ularning hayoti va ijodiy faoliyati o‘rganila boshlangach, ularning ongimizga singdirilganidan ko‘ra tamomila boshqacha odamlar bo‘lganini bildim va shuncha yil azob-uqubat chekib, tuhmatlardan qaddi egilgan odamlarni yuzaga chiqarmasak, kimlarni yuzaga chiqaramiz, degan fikr paydo bo‘ldi. Shuning uchun ularning hayotini o‘rganishga kirishdim. Shu yillari Til va adabiyot institutida “Ko‘p jildli asarlar” bo‘limi ochildi. Shu bo‘limda birinchi bo‘lib Oybekning yigirma jildlik asarlarini tayyorlashga kirishdik. Bu paytda Oybek domla hayot edilar. Yonlariga borib maslahatlashganimizda oldin Navoiyning ko‘p jildligini chiqarishimizni maslahat berdilar. Shunda Navoiyning ko‘p jildligini boshqa bo‘lim chiqarayotganini aytganimda: “Mayli, o‘sha boshqa bo‘lim Navoiyning ko‘p jildligini chiqarib bo‘lishsin, keyin menga o‘tasizlar”, degandilar. Oradan ko‘p o‘tmay Oybek domla vafot etib qoldilar...

Oybek domlaning ko‘p jildli asarlari ustida ishlash, ular haqida bir qancha maqolalar e’lon qilishim barobarida domla haqida kitob yozish istagi paydo bo‘ldi. Xuddi shu holat boshqa qatag‘on qurbonlari bo‘lgan ijodkorlar ijodini o‘rganish jarayonida takrorlandi va shundan keyin birin-ketin ma’rifiy romanlarim dunyo yuzini ko‘rdi.

– Tarjima muayyan milliy adabiyot mentalitetiga ijobiy ta’sir etuvchi, uni milliy qobiqdan chiqishiga ko‘maklashuvchi kuchli omil hisoblanadi. Mening nazarimda, o‘zbek adabiyotida jahon adabiyoti andozalari bilan o‘lchanganda ham yuksak baholanadigan adiblar ham, asarlar ham yetarli. Ammo uning jahon adabiyotshunosligidagi e’tirofiga keladigan bo‘lsak, bunday baho hali berilgan emas. Mana shunday vaziyatda o‘zbek adabiyotida tarjimaning o‘rni qanday bo‘lishi kerak?

– Xorijda o‘qib kelgan yoshlar bugungi kun adabiy jarayoniga butunlay boshqa havoni olib kirmoqda. Mana shunday yoshlar bilan suhbatlashganimda, ulardan: “Volterga o‘xshagan, Gyugo, Pushkinga o‘xshagan yozuvchilar bizda ham bor ekan-ku, nega shu paytgacha bizlarga ularni o‘qitishmagan, nega biz ularni bilmaganmiz”, degan fikrlarni eshitaman. Hozir yoshlarda katta uyg‘onish ketyapti. Bu vaziyatdan foydalanishimiz kerak, ularning bilimidan, xorijiy tillarni yaxshi bilishidan foydalanib o‘zbek xalqini yaqindan tanish imkonini beruvchi, xalqimiz haqida xorijliklarda tasavvur uyg‘otishi mumkin bo‘lgan asarlarni xorijiy tillarga tarjima qildirishimiz zarur. Ana shundagina o‘zbek adabiyotini mutolaa qiluvchilar, o‘rganuvchilar, qiziquvchilar paydo bo‘ladi va holatimiz tenglashadi.

Agar o‘zbek tilidan boshqa xorijiy tillarga o‘zimizning yoshlar tarjima qiladigan bo‘lishsa, bu boradagi vaziyat ancha yengillashadi. Bu birinchi jihat. Boshqa tomondan, jahon adabiyoti durdonalari hisoblangan barcha asarlar ham

hali o‘zbek tiliga to‘liq tarjima qilinib ulgurilganicha yo‘q. Jahon adabiyotidan yaxshi xabardor barkamol avlodni tarbiyalashda ko‘maklashadigan asarlar tarjimasi bilan ham xorijiy tillarni ikkinchi ona til darajasida biladigan yoshlarimiz shug‘ullanishsa juda yaxshi bo‘lardi. Bunday tarjimalar, ayniqsa, ijod maktablarida juda kerak bo‘ladi. Shuning uchun bundan keyin tarjimaning o‘rni oshsa oshadi, kamaymaydi.

Oybekning “Oltin vodiydan shabadalar” asari deyarli eslanmaydi, tarjima ham qilinmaydi. Lekin ushbu asarning Turkiyada ketma-ket ikkita nashrini chiqarishdi. Asarda tasvirlangan o‘tgan asrning 50-yillarida qishloq xo‘jaligida kechgan jarayon bilan bugungi kunda Turkiyada kechayotgan jarayonlar o‘rtasida uyg‘unlik bor ekan. Shuning uchun ular ushbu kitobni turk tiliga bajonidil tarjima qilishdi.

– Agar o‘zingizda imkon bo‘lganda qaysi asarlarni o‘zbek tiliga o‘girgan bo‘lardingiz?

– Ko‘zlarimda uch marta jarrohlik amaliyoti amalga oshirilgan. Shuning uchun jahon adabiyotining doimiy mutolaasi menda cheklangan va bu borada yoshlarga aniq tavsiyalarni berolmayman.

– Ustoz, siz uzoq yillar davomida arxivlar bilan ishlagansiz, demakki, ko‘pchilik bilmaydigan talay sirlardan voqif insonsiz. Qatag‘on qurbonlari hayotiga oid maxfiy ma’lumotlar bilan tanishish jarayonida xalqimizning bir hassos farzandi sifatida qanday tuyg‘ularni his etdingiz? Ular bilan o‘rtoqlasha olasizmi?

– Haqiqatda ham nafaqat arxivlar bilan ishlash jarayonida, balki hayotim davomida juda ko‘p yozuvchilar bilan uchrashdim, ularni yaqindan o‘rgandim. Mana shu jarayonda yozuvchilarning qaysi biri asl inson bo‘lgan, qaysi biri sotqin bo‘lganligini bildim. Shundan keyin yozuvchilarni ikki guruhga ajratish xohishi paydo bo‘ldi: birlari ham yaxshi yozuvchi, ham yaxshi inson hamda buning aksi. Birinchi toifaga qarashli insonlarga hurmatim, ixlosim baland, lekin ikkinchi toifa insonlar bilan unchalik munosabatda bo‘lmayman.

1940-yilda Usmon Nosir o‘zini oqlashlarini so‘rab Stalinga yozgan xati saqlanib qolgan. O‘sha xatda “men nohaq qamaldim, sovet davlatining dushmani emasman, ishimni qayta ko‘rib, ozod bo‘lishimga yordam bering. Men Magadanda o‘ta og‘ir sharoitda yashashimga qaramasdan uchta pyesa, bitta she’riy roman, bir turkum she’rlar yozdim”, deyiladi. Ushbu xat 1944-yilda Turkiston harbiy okrugiga yuborilgan. Harbiy okrug ko‘rib chiqish uchun xatni Yozuvchilar uyushmasiga jo‘natadi va shu xat bo‘yicha ma’lumot berishlarini so‘raydi. Keyin har bitta shoir chaqirib so‘ralgan. Ana o‘shanda faqat xatning o‘zigina Yozuvchilar uyushmasiga jo‘natilib, qolgan pyesa, she’riy roman-u she’rlar Moskvada qolgan, bizgacha yetib kelmagan. Komissiyada Shayxzoda, o‘sha paytlarda o‘zbek tilini yaxshi biladigan rus olimi Borovkov, “Qizil O‘zbekiston” gazetasining muharriri Siddiq Rajabov bo‘lgan. Mana shu komissiyaga faqat xatning o‘zi berilgan. Komissiya Usmon Nosirning “Mehrim” nomli to‘plamida millatchilik kayfiyati mavjudligi, Lermontov va Pushkinning asarlaridan qilgan tarjimalarida qasddan buzib ko‘rsatilgan o‘rinlar borligini ko‘rsatib xulosa bergan, lekin xulosa yetib

borgunga qadar shoir vafot etgan. Shunday paytlarda agar Usmon Nosirning Magadanda yozilgan asarlari ham komissiyaga taqdim etilganda, balki shoir oqlangan bo‘larmidi, degan armon yurakni o‘rtaydi.

Yana bir holat. Usmon Nosir Toshkentdan Magadanga yetgunga qadar qamoqda qattiq kaltaklangan. Bunga shoirning ayrim hujjatlarga imzo chekishdan bosh tortgani yoki o‘ziga qo‘yilgan “millatchi” tamg‘asini tasdiqlovchi misollarni aytmaganligi kabi sabablar ko‘rsatiladi. Albatta, bunday holatda o‘sha paytlarda mahbuslar ayab o‘tirilmagan. Shohidlarning so‘zlariga ko‘ra keyinchalik o‘sha kaltaklar ta’sirida Usmon Nosirda ruhiy kasallik belgilari kuzatilgan va bu kasallik o‘qtin-o‘qtin o‘zini namoyon etib turgan. Buni quyidagi holat tasdiqlaydi. Magadandayam qaysi bir sabablar bilan kelib qoladigan mahbuslar bo‘lgan. O‘shalarning orasida marg‘ilonlik Tojixon Shodiyeva ismli ayol Usmon Nosir yotgan qamoqxonaga ikkinchi marta kelgan paytida jala quyib turgan ekan. O‘sha paytlarda mahbuslar palonchining oldiga ketyapti, deyilganini eshitsa, asrab qo‘ygan bir burda nonmi, qandmi deganday sovg‘a-salom berib yuborishar ekan. Tojixon ham shunday sovg‘ani olib Usmon Nosir yotgan qamoqxonaga kelgan. Yomg‘ir quyib yotibdi. *(Domlaning ovozi titrab, ko‘zlari yoshlandi)* Barakning oldida bir temir qafasga o‘xshagan joy bor ekan. O‘sha qafasda tarvuzning po‘choqlari turibdida, qafasning ichida tarvuzning yarim pallasi po‘chog‘ini boshiga kiyib olgancha Usmon Nosir o‘tirgan ekan. Tojixon Shodiyeva: “Usmonjon, yaxshimisiz, zamon o‘zgaryapti, bu kunlar o‘tib ketadi hali”, deb gapirsa, Usmon Nosir hech qanday javob bermaydi. Bu kasali qo‘zigan payt bo‘lgan bo‘lsa kerakki, uni shu qafasga qamab qo‘yishgan bo‘lsa kerak. Lekin ayrim arxivshunoslar tomonidan Usmon Nosir sog‘lom, juda go‘zal bir asarlar yozadigan chiroyli tarzda tasvirlanadi, bu xato. Arxiv materiallari buning aksini ko‘rsatadi.

Bu voqealarni ko‘zda yoshsiz xotirlay olmaysiz...

Yana bir voqeani aytib beray. Chelyabinskda Zlatousk degan shahar bo‘lgan. Qamoq jazosiga hukm qilingan va Magadanga yuborilishi kerak bo‘lgan mahbuslarni jo‘natish uchun suv yo‘lining ochilishi kutilgan. Suv yo‘li ochilgunga qadar mahbuslar Zlatouskdagi qamoqxonada saqlangan. O‘sha qamoqxonada Usmon Nosir bilan bitta kamerada birga yashagan Rozenfeld ismli mahbus keyinchalik akademiyada Oybek bilan birga faoliyat yuritgan. O‘sha insonning hikoya qilishicha, Usmon Nosir ko‘pincha haqoratlanganidan keyin vatandoshlari ko‘ziga ko‘rinmaslikka harakat qilar ekan. Qarindoshlari tomonidan yig‘ib berilgan ozgina puli bor ekan. O‘sha puliga nazoratchidan iltimos qilib qamoqxona bufetidan yo papiros, yo konfet olib chiqtirar, qog‘oz ham so‘rab olar ekan. Yegan konfetlarining qog‘ozlarini ham tashlamas, keyinchalik o‘sha konfet qog‘ozlardan shaxmat figuralarini yasab, hech kim bilan gaplashmay, o‘zi bilan o‘zi shaxmat o‘ynab o‘tirarkan. Mahbuslar ma’lum bir paytda ochiq havoga olib chiqiladi va bu paytda kameralarning havosi ham almashtiriladi. Shunday paytlari ham Usmon Nosir kameradan chiqmas ekan. Bir kuni nazoratchi kelsa, Usmon Nosir baland ovozda nimalardir deyayotganmish. “Bu senga filarmoniyamas, ashula aytadigan”, deb urishsa, “Men ashula aytayotganim yo‘q, men shoirman, she’r yozyapman”,

deydi. Xuddi shunday qamoqxonalarda yozilgan ikkita she’ri institutda birga ishlagan hamkasbimiz Nasrullo Davronda saqlanib qolgan ekan, e’lon qilindi. Bunday she’rlar ko‘p bo‘lishi kerak. Keyingisi Magadandan xat bilan birga Stalinga jo‘natilganlari, lekin ularning izini ham topolmadik. Qidirib Moskvaga borganmiz. NKVDning idoralari ham ko‘p ekan. Kechgacha u idoradan bu idoraga yurdik. Hech narsa topolmadik. Ortga qaytadigan kunimiz yaqinlashib qolganda bir arxivga borganimizda o‘sha yerda ishlaydigan mayor bizni juda yaxshi kutib oldi. Qidirgan narsamizni topishga yordam berishini aytdi. Faqat o‘sha mahbusning Toshkentda qachon qamalgani, Toshkentdan boshqa joyga qachon etap qilingani, qayerga borgani, u yerdan qachon chiqqani va yana qayerga borganini yozib berishimizni so‘radi. Ortga qaytayotganimizda Nodira Rashidova: “Naim aka, harholda men Usmon Nosirning jiyaniman, shu ishni men olaqolay, sizga keyin natijasini ko‘rsataman”, deb qoldi. Shu bilan bu masala qoldi. Oradan ancha payt o‘tgach, so‘rasam, u ham yozmagan ekan.

Usmon Nosir Toshkentdan Magadanga, so‘ng Magadandan Kemerovodagi qamoqxonaga keltirilgan, umrining oxirida Kemerovoda bo‘lgan. Oldin biz bitta guruh bo‘lib borganimizda obkom sekretarining ikkinchi o‘rinbosari qabul qilgan. O‘sha borishimizdan oldin nima maqsadda borayotganligimizdan xabar topgan bo‘lsa kerak, juda yaxshi kutib oldi, so‘ng: “Men tanishib chiqdim, ancha ming betdan iborat hujjat. Sizlarning Usmon Nosir haqidagi tasavvurlaringiz juda yaxshi ekan, lekin men sizlarga bu hujjat bilan tanishib chiqishni maslahat bermayman, chunki bu hujjat bilan tanishib chiqqanlaringizdan keyin Usmon Nosir haqidagi tasavvurlaringiz butunlay o‘zgarib ketadi”, dedi. Fikrlarimiz o‘zgarish-o‘zgarmasligidan qat’i nazar, men adabiyotshunos sifatida ushbu hujjat bilan tanishib chiqishim shart edi.

Keyin men ikkinchi marta yana ruxsat olib Kemerovoga borganman. Kemerovo viloyati Ichki ishlar vazirligining viloyat bo‘limi arxiviga olib kirishgan. O‘shanda borganimda «delo» ancha qisqartirilgan edi. Bu arxiv hujjatlaridan men unchalik ko‘p narsa topa olmadim. Masalan, Usmon Nosirning Magadandan qanaqa qilib Kemerovoga ko‘chirilganligiga oid biron hujjat yo‘q. Ba’zilarning fikricha, Usmon Nosirning Stalinga yozgan xati tufayli uning ishini yengillatish maqsadida Kemerovoga ko‘chirilgan. Lekin Kemerovoga kelganidan to vafot etguniga qadar sog‘lig‘i yomon bo‘lgani uchun lazaret (qamoqxonaning kasalxonasi)da yotgan. Ba’zan Usmon Nosir haqidagi qamoqxona kutubxonasida ishlaganligi, pyesalar yozganligi, umuman, jo‘shqin ijodi, qizlar bilan o‘yin-kulgisi to‘g‘risidagi xotiralarga ham ko‘zimiz tushib qoladi. Bu g‘irt axmoqlik. Sababi shoir kurortda emas, qamoqxonada yotgan. Unga u yerda bugun ijod qilaqol, ertasiga qizlar bilan o‘ynab kulaqol, degan sharoit yaratilmasligi barchamizga kundek ravshan. Shuning uchun bunday xotiralar bilan tanishganimda xafa bo‘lib ketaman.

– Sohaning zakiy bilimdoni sifatida jadid adabiyoti namoyondalari hayotini qay tartibda o‘rgangan ma’qul deb o‘ylaysiz?

– Menga qolsa qatag‘on davrida yashab ijod qilgan ijodkorlarni qamalgani, otilgani, qiynalganiga qarab emas, balki bizga qolgan ijodiy merosi, jild-jild

asarlari, necha avlod o‘sha asarlarni o‘qib voyaga yetganligiga ko‘ra nomini ko‘tarishga harakat qilinsa yaxshi ish bo‘lardi. Masalan, Shayxzoda, Mirtemir qanchadan qancha ilmiy, badiiy asarlar yaratishdi, o‘z davrida qancha yoshlar o‘sha asarlardan bahramand bo‘lib voyaga yetdi, bu asarlarning ko‘pchiligi bugunga qadar ham o‘z ilmiy salohiyatini yo‘qotmagan. Men qarshi emasman Usmon Nosir nomi ko‘tarilayotganiga, lekin undan oldin yuqorida nomlari keltirilgan adiblarga ham e’tibor berilsa yaxshi bo‘lardi.

– Domla, siz bilan suhbatlasha turib, sizning jonli ensiklopediya, tarix ekanligingizga yana bir bor amin bo‘ldim. Xotiralaringizni to‘plab kitob holida chop etish niyatingiz ham bormi? Bu kitob, xotiralar biz kabi keyingi avlod vakillari uchun keyinchalik dasturilamal bo‘lishi, juda ko‘p asqatishi tayin.

– Bugungi kunda hamma ijodkor ham kitob chop ettira olmaydi. Hozir kim kitob chiqaradi? Qo‘lida ortiqcha mablag‘i bor, o‘ziga to‘q yoki homiy topgan, yoki o‘sha kitobni sotib foyda olishiga ko‘zi yetgan odamgina kitob chiqara oladi. To‘g‘ri, Yozuvchilar uyushmasi ham ba’zi kitoblar chop etilishiga ko‘maklashmoqda. Menga ham “Hamid Olimjon” va “Usmon Nosir” nomli kitoblarimni chiqarib berishga va’da berishdi. “Usmon Nosir” nomli kitobim chop etilibdi, signal nusxasini olib kelishdi. Undan oldin Behbudiy to‘g‘risida katta bir kitob yozgandim, lekin hanuzgacha nashr etilgani yo‘q. Nashr etilib qolar.

– Bosib o‘tgan hayot yo‘lingiz va ilmiy-ijodiy faoliyatingizda rejalashtirilgan, ammo amalga oshirish imkoni bo‘lmagan orzularingiz yoinki o‘z ishingizdan ko‘nglingiz to‘lmagan, agar imkon bo‘lsa, qaytadan yozishni istagan o‘rinlar ham bormi?

– Bu savolingizga javob tariqasida ikki holatni keltirmoqchiman. Birinchi holat: Hamid Olimjon ijodi yuzasidan dissertatsiya yozdim, bir qancha maqolalar tayyorladim, so‘ng shular asosida ma’rifiy roman yaratishga jazm etdim. Kitob chiqdi. Hatto bir necha marta nashr etildi. Bu kitobning o‘ziga yarasha tarixi bor. Asarni yaratish jarayonida Zulfiya opaga bir necha marta telefon qilib, “Zulfiya opa, qachon borsam bo‘ladi yoningizga, savollarim bor edi”, desam, “Naimjon, vaqtim bo‘lganda o‘zim aytaman”, dedilar. Bir kuni bu kitobning nashriyotda chop etilayotganidan xabar topibdilar va darhol menga telefon qilib: “Kitobni nashrga berib yuboribsiz, hali ko‘rishga ulgurmagandim. Hamid Olimjonni mendan ko‘ra yaxshiroq biladigan odam bormi? U kishi nimani yoqtirardilar, qaysi ovqatni sevib iste’mol qilardilar so‘raganingiz ham yo‘q-ku”, deb qoldilar. Men: “Zulfiya opa, sizga bir necha marta telefon qildim, lekin hech vaqtingiz bo‘lmadi. Bu yoqda kitobni topshirish muddati yakuniga yetib qolgandi”, dedim. “Mayli, qo‘lyozmani olib kelib bering”, dedilar. Bosmaxonada kitob bosilish jarayonini to‘xtatib, qo‘lyozmani Zulfiya opaga olib borib berdim. Bir necha kundan keyin chaqirdilar. Bordim. Zulfiya opa ko‘zda yosh bilan: “Naimjon, shu kungacha Hamida Olimjon haqida nimaiki yozilgan bo‘lsa, o‘shalarning ichida eng yaxshisi shu kitob ekan”, dedilar...

Ikkinchi holat: Oybek aka bilan o‘n yillar yon-yonma bo‘ldim. Ko‘p jildli asarlari nashr etilishida bevosita ishtirok etdim. Oybek akaning ayollari Zarifa opa

Saidnosirova Qishloq xo‘jaligi institutida kafedra mudiri bo‘lib ishlardilar. Ertalab vaqtli ketadilar, kechqurun soat oltidan keyin keladilar. Biz ham o‘sha paytga yetib boramiz. Oybek akaning xatini o‘qish qiyin. Mana shunday ishlash jarayonida Oybekning “Navoiy” romaniga ko‘zim tushdi. Negadir kitobning to‘rt tarafini ham sichqon g‘ajib tashlagandek edi. “Oybek akaning asarlarini qanday qilib saqlayotganingizni ko‘rib turibman, lekin mana bu kitobni qay betini varaqlamaylik, hammasini sichqon kemirgani ko‘rinib turibdi. Bu kitob sichqonga nega yem bo‘lganini tushunolmay hayron bo‘lyapman”, desam, kula-kula tushuntirdilar: “Ba’zan ijod jarayonida xayollari ketib qolsa, kitobning chetidan yirtib olib, og‘izlariga soladigan odatlari bor edi”. Shunda Oybek akaning gaplarini esladim: “Navoiy” romanini yozayotganimda, xayolan Hirotda yashadim. Navoiy qaysi ko‘chaga kiryapti, nimalar qilyapti – hammasi ko‘z oldimda shakllangandi”. Oybek bu asarini Navoiyning butun hayotini yashab, keyin yozgan.

Oybek haqida yozgan ma’rifiy romanim yozuvchi yubileyi arafasida tezlik bilan yozilgan. O‘zimga qolsa mana shu asarimni qaytadan ko‘rib chiqqan, yangi tafsilotlar bilan boyitgan bo‘lardim. Lekin imkonim yo‘q. Qo‘limdagi ishlarni tugallab olganimdan keyin, xudo umr bersa, Fitrat hayoti va ijodi yuzasidan to‘plagan materiallarim asosida bir asar yozish niyatim bor.

– Mazmunli suhbatingiz uchun tashakkur!

Турсун АЛИ

УСТОЗ

Академик Наим Каримовга

Навқирон адабиёт янглиғ у инсон
Қаримас
Юраги тулпор каби у.
Бошида қуш мисол ўтмишу замон,
Руҳий дунёсида ранго-ранг туйғу.

Кеча-кундуз унга
Ҳамнафас Ойбек,
Қоронғу кечадан қўл чўзар Чўлпон.
Дунёни ёритгай бамисли ойдек
Адабиёт аталмиш бесарҳад уммон.

Музлаган Сибирнинг қаҳратонида,
Юрак алангасида
Шеър ўқир Усмон[18].
Сувайдо буюклар қаҳкашонида,
Гоҳи ғамгин, гоҳи масрур у инсон.

Зах босган ертўла,
Зиналар аро,
Тарих илма-тешик варақларини
Адашмай варақлар кўнгли садпора,
Ва ёритгай ўтмиш чироқларини

Қодирийни чаққан меҳробдан чаён,
Илм йўлда жон тиккан Мунаввар қори.
Фитрат туркий тилда айлаган исён,
Тоғ келбат бўй чўзгай
Миллат виқори

Шаҳидлар қабрини излайди ҳамон,
Қўлёзмалар узра толгайдир кўзи.
Вужудда сирқирар ўкинч,
Алам, қон,
Абадият сари учгай ҳар сўзи.

Букун улуғ олим, ўзи ҳам тарих,
Буюк алломалар сафида мағрур.
Ноёб китоблари нур сочгай ёруғ,
Устозга шеър битдим
Руҳимда ғурур.

[18] Усмон Носир назарда тутилган

ЖАДИДЛАР МАТБУОТИДА ҲАЖВИЙ ПУБЛИЦИСТИКА

(Ижтимоий мавзулар ва шаклий-ижодий изланишлар)

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Аннотация: Мазкур мақола XX аср бошларида ўлкамизда вужудга келиб фаолият юргизган тараққийпарвар жадид матбуотида ҳажвий публицистиканинг ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Унда газеталар саҳифаларида ҳажвий публицистик материалларнинг мавзу доираси, жанрий хусусиятлари ва бошқа масалалар таҳлилл этилади.

Калит сўзлар: Жадид матбуоти, ҳажвий публицистика, ижтимоий мавзу, шаклий-ижодий изланиш.

Маълумки матбуот ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини ўзида акс эттирувчи ғоявий-маънавий восита бўлиб унда журналистик ижоднинг барча қирралари ўз аксини топади. Ҳаётни тасвирлашдаги ўзига хос ғоявий йўналиш ва ижодий услуб қўлланиладиган ҳажвий публицистика ҳам шулар жумласидандир. Ҳажвий публицистика ижтимоий ҳаётни ёритишда, ундаги факт, воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда сатира ва юморга асосланиши, яъни ижтимоий кулги танқиди билан иш кўриши нуқтаи назаридан публицистиканинг бошқа турларидан ажралиб туради. Бу ижтимоий-ижодий ҳодиса ўтган асрнинг бошларида ўлкамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган жадидчилик ҳаракати тарафдорларининг дунёқарашларида ва улар ташкил этган матбуот нашрларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Жадидлар (бу сўз арабча жадидун, янги ва уйғониш деган маъноларни билдиради) жамият тараққиёти муаммолари, ижтимоий фикр борасида эскича, қотиб қолган тушунчалар тарафдорлари, мутаассиб диндорлар, феодал-ҳукмронлик тарафдорлари бўлмиш қадимчилар (арабча қадимун – эски, қадимдан қолган)га қарама-қарши ўлароқ тараққиёт, эзгулик, адолат, илм-маърифат шиорларини кўтариб чиқдилар, асрлардан буён давом этиб келган зулму залолат, жаҳолат ва қолоқликка қарши кураш эълон қилдилар. Бу ҳаракатга ўша даврнинг машҳур зиёлилари, мутафаккир арбоблари бўлмиш Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар бош бўлдилар. Дастлабига мактаб-маориф соҳасида янгича ўқитиш усули, ўқувчиларга диний-исломий фанлар билан бир қаторда дунёвий-замонавий билимлар ҳам берилиши тарафдорлари бўлган жадидлар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам янгиликларнинг амалга ошиши, тараққиёт тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Уларнинг бу интилишларини ҳаётга татбиқ этиш, ўз маърифатчилик ва тараққийпарварлик ғояларини кенг оммага ёйиш учун матбуот зарур эди. Ўша пайтдаги ҳукмрон рус империясининг ўз

мамлакатида бўлиб ўтган биринчи инқилобдан замини бўшашиб қолганлиги бунга маълум даражада йўл очди. Чор подшосининг ўз фуқароларига сўз ва матбуот эркинлиги рухсатини бериш ҳақидаги 1905 йил манифести натижасида айрим хусусий газеталар очиш имконияти туғилди ва 1905 йилнинг ўрталарига келиб биринчи жадид нашрлари – “Тараққий”, “Хуршид”, “Турон”, “Шуҳрат”, кейинроқ “Самарқанд”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” каби газеталар ва “Ойина” журнали вужудга келди. Ушбу нашрлар чор империясининг органи бўлган “Туркистон вилоятининг газети”ни ҳисобга олмаганада илк ўзбек миллий матбуоти нашрлари эди.

Асримиз бошида дунёга келган тараққийпарвар жадид матбуотининг илк нашри – 1906 йилнинг 14(27) июнидан эътиборан чиқабошлаган “Тараққий” газетаси бўлди. Муҳаррири ўзининг ҳур фикрлари ва ижтимоий адолатсизликка қарши ҳаракатлари учун Қозон шаҳридан Тошкентга бадарға қилинган Исмоил Обидов бўлган бу нашр З.Саид таъбирича “Жадидларнинг фикр тарқатғувчиси, энг севикли ва тўнғич газетаси”эди. [5:50] “Нажот: Маслакда сабот, тўғриликда ижобат” шиори остида иш кўрган бу газета ўз саҳифаларида қолоқлик ва мустамлакачиликка қарши жиҳод эълон қилди, миллат тараққиёти, ватан мустақиллиги учун курашди, жамоатчиликка ҳурлик, озодлик ғояларини тарқатди. Ижтимоий ҳаёт масалаларини дадил кўтариб чиққан бу нашр саҳифаларидаги материалларда танқидий руҳ, фош этиш йўналиши кучли эди. Газетанинг биринчи сонида эълон қилинган бош мақолага: “Биз – мусулмонларни ҳурриятда ҳақлари борми? Йўқ! Қариндошлар, юз марта йўқ!” деган сарлавҳа берилиб унда чор ҳукуматининг халққа эркинликлар ваъда қилган Манифести Туркистон халқларига ҳеч қандай эркинлик бермаганлиги, ҳамон миллий ва сиёсий зулм-истибдод ҳукм уриб келаётганлиги ғазаб билан очиб ташланади:

“Ҳозирда ижтимоий калом, матбуот учун берилган ҳурриятлар тўшак устида, оғзига сув томизилиб турилган оғир хастадек эканини тилсиз ва кўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар. Бу каби заиф ва ланж ҳурриятларга халқимиз ҳамон рози бўлмай курашиб, тортишиб... ҳуррият, яъни озодлик ва шодлик байрамларини умри боқи одамларга кўрсатурлар.” [1:3]Кўриниб турибдики, бу ўринда ижтимоий-ҳажвий танқиднинг кескин, заҳарханда услубидан фойдаланилган.

Газета феодал қолоқлик, жаҳолат, диний мутаассиблик каби иллатларни танқид қилар экан, бунда ҳажвий публицистиканинг фельетон жанридан ҳам кенг фойдаланди. “Тараққий” саҳифаларида фельетон “Туркистон вилоятининг газети”даги каби шунчаки рукн номи эмас, ўз ижтимоий функцияси – танқид ва фош этиш вазифасини бажара бошлади. Газета ўз фельетонларида тараққиётга тўсқинлик қилиб келаётган мутаассиб “қадимчи”ларни ҳам ҳажвий танқид остига олди. Шундай материаллардан бирида эски “қадимчи”ларнинг ёнини олувчи “Туркистон вилоятининг газети” ҳамда унинг муҳаррири Остроумовни ҳам аямасдан танқид қилди. “Руҳ” имзоли муаллифнинг газетанинг 1906 йил, 14-июн сонида босилган “Руҳ ёки авомчи” сарлавҳали фельетонида эса “юмуртқа қадар бошини

тегирмон тоши қадар салланинг ичига тиқуб”, “шариат не эканини билмай туриб авминносға шариатдан ваъз ўқувчи”, “бор фикру хаёли миллатни алдамоқ” ниятида бўлган шахслар танқид қилинади. Ана шундай заҳархандали тасвир орқали ўқувчиларнинг кўз ўнгида мутаассиб “қадимчи”лар гавдаланади ва ундайларга нисбатан нафрат ҳисси уйғонади.

Газетанинг шу йил 20-сонида босилган “Маъмурлар” сарлавҳали фельетон (гарчи бу материал имзосиз босилган бўлса-да, услуб жиҳатидан у газета муҳаррири И.Обидов қаламига мансуб эканлиги кўриниб туради)да эса ҳукумат амалдорларининг такаббурликлари, оддий халқни менсимасликлари ижтимоий киноя билан очиб ташланади: Фуқаронинг хизмати учун тайин қилиниш бўлғонлари хотирларига келмоқ шуйла турсин (уёқда турсин – М.Х.) балки билакс фуқарони ўзлари учун халқ қилинмиш (яратилмиш – М.Х) жонивор ҳисоблаб, кибр-ғурур ила бутун дунёни тўлдирадилар”, дейилади фельетонда.

“Тараққий”нинг муҳаррири ва асосий муаллифи бўлган И.Обидов қаламига мансуб ҳажвий мақола ва фельетонларда юқорида айтганимиздек заҳархандали киноя услуби қўлланилган бўлса, ўзбек жадид матбуотининг атоқли намояндаси Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлининг ушбу газетада босилган фельетонларида олинган мавзуга нисбатан кўпроқ ачиниш, куйиниш руҳини сезамиз. Унинг “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” сарлавҳали фельетон-мақоласида жаҳолат ва нодонлик танқид қилинар экан, муаллиф бу ижтимоий иллатларнинг натижаси бўлган ҳаётий манзараларни ачиниш орқали тасвирлайди:

“Бу жаҳолат натижасидирки, ўзимиз ерли мусулмонлардан ўлдигимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдик ва бу жаҳолат ҳоҳишидирки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бугун миллатни ёддан чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарга сарф этмоқдадурлар” [1:4]

Турган гапки, “Тараққий”нинг ижтимоий дадиллиги, унинг саҳифаларидаги ҳур фикрлар, фельетон ва мақолаларнинг фош қилувчи аччиқ тили чор ҳукумати ва маҳаллий қора кучларга ёқмади ва газета дастлабки сонидан бошлаб ҳукумат таъқиби остида бўлди, 19-сонидан сўнг у ёпиб ташланди ва муҳаррири қамоққа олинди. Аммо “Тараққий” бошлаб берган йўл – зулм ва истибдодни фош этиш ҳамда бунда аччиқ ва ҳаққоний сўз – ҳажвий публицистикадан кенг фойдаланиш ундан кейин бирин-кетин дунёни кўрган “Хуршид”, “Шуҳрат” ва жадид матбуотининг бошқа нашрлари томонидан давом эттирилди.

Илк ўзбек миллий матбуоти нашрларидан бири – 1906 йил сентябр ойидан эътиборон чиқа бошлаган “Хуршид” газетасидир. Ўзбек халқининг фидойи мутафаккир фарзанди Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли томонидан чиқарилган бу оммавий нашр “Тараққий” йўлидан бориб, жадидчиликнинг илғор ғоялари – тараққиёт, эрк, маърифат учун курашнинг ғоявий майдони бўлди. “Эл орасидаги эътиборига қараб баҳо қўйилғонда “Тараққий”дан кейин кўзга илинарлик газета – “Хуршид” газетаси бўлди”,–

деб ёзган эди ўша давр ғоявий етакчиларидан бири бўлган Абдулла Авлоний. Газетанинг маслак ва мақсадини унинг асосчиси ва муҳаррири томонидан ёзилган бош мақолада маърифат учун, миллий тараққиёт учун курашдан иборат, деб кўрсатилган эди. “Хуршид” халқни тараққиёт, илму маърифатга ундар экан, бу йўлда ғов бўлиб турган жаҳолат, бидъат ва мутаассибликни фош этди ва бунда ҳажвий публицистиканинг таъсирчан жанри – фельетондан кенг фойдаланди. Унинг иккинчи сонида босилган “Тарки одат – амри маҳол” сарлавҳали фельетонда жаҳолат устидан кулинса, Мулла Густоҳ Бухорий имзоли муаллиф “Йиғарлар пора бўйин йўғонни, солурлар ўртаға қизу жувонни” сарлавҳали фельетонида турли хил бидъат кўринишлари устидан кулинади.

“Хуршид”да босилган фельетонларнинг мавзу доираси анча кенг бўлиб, уларда ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари, долзарб муаммолар ўз аксини топди. Бу жиҳатдан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг газетанинг 1906 йил, 11-октябр сонида “фельетон” рубрикаси остида босилган мақоласи аҳамиятли бўлиб, унда ўша даврнинг энг муҳим масалалари ўз аксини топган эди.

“Хуршид” ўз фельетонларида ижтимоий иллатларни умумий фош қилиш билан чегараланмасдан, ана шу иллатларни бевосита ташувчиларни ҳам аниқ кўрсатиб берди, чор амалдорларининг порахўрлиги, адолатсизликларини фактлар билан очиб ташлади. Масалан, Абдумўмин исмли муаллифнинг (Мўминжон Муҳаммаджонов) фельетонида (сарлавҳасиз) Оҳангарон қозисининг порахўрлиги аниқ далиллар билан фош этилса , шу муаллифнинг иккинчи бир фельетонида Тошкент уезди 2-участка приставининг қамоққа ҳукм қилинган каллакесар ўғриларни пора эвазига озод қилиб юборгани айтилади. “Ажабо, қандай замондурки, ўғрилар ва ёмон одамлар ушбу вақтларда олий даража ривож топди!”− деб хитоб қилади муаллиф ўз фельетонида. [1:5]

Бу даврда жадид матбуотида муҳим ўрин тутган нашрлардан бири “Шуҳрат” газетаси бўлди. Ўз даврининг зиёли маърифатпарвари бўлган Абдулла Авлоний муҳаррирлик қилган бу газета ўз саҳифаларида жаҳолат, қолоқликка қарши ўт очди, оммани илму маърифатга чорлади. Учқун имзоли муаллифнинг “Илм ва маориф”, И.Алиевнинг “Қай ерда ўқитамиз” каби фельетонларида мактаб-маориф муаммолари кўтарилади. Шоир Абдулла Авлоний газетада босилган ҳажвий шеърида ижтимоий лоқайдлик ва турғунликни шундай ҳажв қилади:

Тафаккур ила кўзни очсак – ажиб замонадамиз,
Фалакнинг тиғу жафосиға хўб нишонадамиз,
Ҳамиша ғайри тараққий, биз остонадамиз,
Уйғонув уза ҳама, биз – шаробхонадамиз.[1:3]

“Шуҳрат” газетаси ўз саҳифаларида ижтимоий масалаларга кенг эътибор қаратгани учун унинг 10 та сони чиқиши билан чор ҳукумати томонидан таъқиқланди. Бу даврда чиққан “Тужжор”, “Осиё” газеталари ҳам чор ҳукуматининг таъқиқлари натижасида кўп умр кўрмади.

1912-1913 йилларга келиб Россияда йиллар давомида ҳукм суриб келган ички зулм-зўравонлик бироз бўшашди ва бу ҳол унинг мустамлакаси бўлган Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Ижтимоий ҳаёт жонланди, янги матбуот нашрлари чиқабошлади. Булар 1913 йилдан эътиборан Самарқандда чиқабошлаган “Самарқанд”, Тошкентда 1914 йилдан нашр этила бошлаган “Садойи Туркистон” ва Қўқонда чиқа бошлаган “Садойи Фарғона” газеталари ҳамда шу йилларда Самарқандда нашр этила бошлаган “Ойина”, Тошкентда чиқа бошлаган “Ал-Ислоҳ” журналлари эди.Турли дунёқарашдаги кишилар томонидан чиқарилган бу нашрлар 1913 йилдан то Русия февраль инқилобигача бўлган давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттирди ҳамда жамоатчилик фикрини ифодалади.

Мазкур нашрлар ичида Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан нашр этилган “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журнали алоҳида ўрин тутди. Шу даврда Тошкентда нашр этила бошланган “Садойи Туркистон” газетаси чинакам оммавий нашр бўлган эди. Тошкентли ўқимишли ҳуқуқшунос Удайдулла Асадуллахўжаев муҳаррир бўлган бу газетада Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамёров, Ҳамза Ниёзий, Чўлпон, Нўширавон Ёвушев ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Газетанинг маслагини шоир Абдулла Авлоний газета чиқа бошлаши муносабати билан ёзган шеърида “Маслаги – бетараф, тараққий − йўли”, деб таърифлаган эди.

“Садойи Туркистон”да ўша даврдаги бошқа нашрлардан фарқли ўлароқ ўз саҳифаларида адабий асарларга ҳам кенг ўрин берди. Масалан, газетанинг 1914 йил июлидан бошлаб бир неча сонларида Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон)нинг “Дўхтур Муҳаммадёр” деб номланган ҳикоя-қиссаси “фельетон” рукни остида берилган. Газетада ўша даврнинг фаол журналистларидан бири Нуширавон Ёвушевнинг “Саёҳат парчалари” деб номланган йўл очерки ҳам босилган. Ҳаётни диққат билан кузатиб, ундаги воқеа ва ҳодисаларни ижтимоий-публицистик таҳлил қилган муаллиф халқнинг аҳволи, жойлардаги зулм-залолат, қолоқлик, жаҳолат кўринишларини танқид қилади. Асосан жиддий таҳлил йўлида ёзилган бу асарда фельетон руҳига мос келувчи ўринлар ҳам учрайди. Жумладан, муаллифнинг юқоридаги умумий сарлавҳа остида берилган “Қирғиз ва қозоқ шогирдлар диққатина” (1914, 14-июл), “Маданият ва Хитой” (1915, 15-январ) фельетонларида қозоқ ва қирғиз ёшларига илм бериш ҳамда Хитойга тобеъ бўлган Шарқий Туркистон мусулмонларининг ҳаётидаги қийинчиликлар тилга олингангда заҳархандали ташбиҳлар, ўхшатмалар кенг қўлланилади.

“Садойи Туркистон”да ҳажвий публицистика ва унинг асосий жанри бўлган фельетонга ҳам бевосита, кенг ўрин берилган. Газетанинг турли сонларидан ўрин олган қатор фельетонлар, жумладан Фозилжонбоевнинг “Бизда ўқувчи болалар”, “Жигар кабоб” тахаллусли муаллифнинг “Афсус бизнинг ҳолимизға”, Ҳолид Саиднинг “Жим ўтир жувонмарг, гапирма ҳароми!”, Маҳмуд Бадалийнинг “Мусулмонлар ҳаётидан бир лавҳа”, Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Эски мактаб турмушидан” фельетонлари илм-маърифат, одоб-аҳлоқ мавзуларида эди. Бу хил фельетонлар орасида

Ҳамза Ниёзийнинг “Фақирлик недан ҳосил ўлур?” сарлавҳали публицистик асари алоҳида ўрин тутади. Адиб унда ўша даврдаги оғир ҳаёт, косиб-ҳунармандларнинг бозори касод, хўжалиги вайрон бўлаётганлигини ачиниш билан ёзади ва бунинг сабабини қолоқлик ва илмсизликда деб билади.

Газетада ўша даврнинг таниқли маърифатчи журналисти ва шоири Абдулла Авлоний ҳам ўзининг қатор фельетонлари билан қатнашган. У ўз фельетонларига “Индамас” деган тахаллус қўярди. Авлоний фельетонларининг мавзу доираси анча кенг бўлиб, уларда жаҳолат, нодонлик танқид остига олинар, илм-маърифатга чорланарди. Публицист “Маданият тўлқинлари” фельетонида халқимизнинг маданий тараққиёти тарихи ҳақида фикр юритар экан, яқинлашиб келаётган жаҳон ижтимоий инқирози ва даҳшатли инқилобий ҳодисаларни олдиндан кўргандай ва унинг давосини излагандай “ХХ асримиз инқилоб замонидир”,− деб огоҳ этади ва ”Замонанинг сел ва тўфонига қарши ҳеч ким мақовмат қилолмас. Магар ул пўртонадан илм ва маориф соясида саломат қолмоқ мумкиндир”,− деб башоратомуз мулоҳаза юритади.[2:3]

Адиб ўзининг “Ҳифзи лисон” сарлавҳали публицистик мақоласида миллий тил ва адабиётни ривожлантириш муаммосига тўхталади ва бу борадаги ижтимоий нуқсонларни қаттиқ танқид қилади.”Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигшини кўрсатадирган ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир”,− деб таъкидлайди адиб. Аммо Туркистонда “Миллий тилни сақламақ бир тарафда турсин, кундан-кун унутмак ва йўқотмак”да эканлиги, “тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тили ҳам ёпиштирилаётганлиги ҳақида куйиниб ёзади. “Дуруст, бизларга ҳукуматимиз ўлон рус тилини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби керакли нарсадир. Лекин ўз меъёрида ишлатмак ва сўзламак лозимдир.Зиғир ёғи солиб қилинган мошкичири каби қилуб аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадир”,− деб таъкидлайди адиб. [2:3]

Публицистнинг ўзбек театри масаласига бағишланган фельетонида (1914, 2-апрел) эса “театр бидъатни, ҳар бир миллатнинг ёмон урф-одатларини йўқ қилмоқ учун чиқарилган ибратхона” эканлиги айтилади ва театрни “ҳаром” деб аслида “мадраса ва меҳмонхоналарда бировнинг қиздан сулув боласининг кўзларидан мўлдир-мўлдир ёшларини оқизиб, бошига кокил солиб “айлансин, ўргилсин”, деб юрган” кимсаларни қаттиқ танқид қилади.

“Садойи Туркистон” ўз саҳифаларида шеърий асарларга ҳам кенг ўрин берди. Унинг саҳифаларида ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари М.Сўфизода, Ҳ. Ниёзий, Т.Хўжамёров, Мискин, А.Авлонийларнинг замонанинг муҳим мавзуларига бағишланган, қолоқликни танқид қилиб илм-маърифатга чорловчи шеърлари босилиб чиқди. Макзкур шеърларнинг аксарияти ҳажвий-танқидий хусусиятга эга бўлиб, уларда ҳажвий публиццистиканинг фош этиш, масхаралаш, киноя, пичинг, заҳарханда каби унсурларидан кенг фойдаланилар, ижтимоий иллатлар устидан жамоатчилик фикри уйғотилар эди.Шу боисдан “Садойи Туркистон” саҳифаларида ўзбек

адабиётидаги шеърий ҳажвиёт билан ҳажвий публицистика қўшилиб кетган эди, деган хулосага келиш мумкин.

Қўқонда 1913 йилнинг 3-апрелидан чиқа бошлаган “Садойи Фарғона” газетаси ҳам ўша давр матбуотида маълум бир ўринни эгаллаган нашр эди. Унинг ноширн ва муҳаррири бўлган Обиджон Маҳмудов газетанинг биринчи сонида босилган “Газета надир ва на учун лозим?” сарлавҳали мақоласида газетани “фикрлаш воситаси” эканлигини айтади ва Туркистон халқи учун матбуот нашрининг жуда зарурлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам “Садойи Фарғона” ўша даврда фақат Фарғона водийсигагина эмас, бутун Туркистонга ижтимоий ахборот тарқатувчи нашрлардан бири бўлди. Шу билан бирликда унда миллий тараққиёт йўлини излашга, жаҳолат ва қолоқликни танқид қилишга бағишланган мақолалар, шеърлар бериб борилди. Бу жиҳатдан Ҳ.Ниёзийнинг “Биз ва жумъа байрамимиз” (1913, 25-май), “Ана ўзгалар, мана – биз!” (1914, 4-июл), “Муаллим афандиларга улуғ рижоларимиз” (1914, 25-октябр), “Мактабул дорилятом” (1914, 17-сентябр) каби мақолалари ва бир қатор ҳажвий шеърлари муҳим ўрин тутади. Мазкур мақолаларда жиддий публицистик таҳлил билан бир қаторда ҳажвий мушоҳада юритиш ҳам кучлидир.

Газетада бевосита ҳажвий публицистика ва унинг бош жанри – фельетонга ҳам кенг ўрин берилди. Масалан, Ш.Мухторийнинг “Али ҳам Вали”(1914, 3-апрел), М.Раҳимийнинг “Омонбой-Эсонбой” (1914, 6-июл) каби ва бошқа фельетонлар фикримизга далил бўла олади. Мазкур ҳажвий-публицистик асарларда жаҳолат ва қолоқлик, мадрасалардаги ачинарли ҳолатлар танқид остига олинади.

Шуни айтиш керакки, мазкур газета ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Садойи Туркистон”дек марказий ўринни эгаллай олмади. Газета секин-аста “жиддийлашиб” фақат ички ва ташқи ахборотлар ва рекламалар бериш билан чеклана бошлади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг “Садойи Туркистон” газетасида босилган “Гапур” радифли шеъридаги матбуот саҳифаларида ортиқча шов-шув ва кўп рекламалар берилишини танқид қилиб ёзган:

Қўй ондин-мундин хабар, эълон керосин ёйма кўп,
Исму журнолу китоб, яхши рўмонлардан гапур,

деган сатрлари айни “Садойи Фарғона” учун тегишли эди. [2:6]

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бу даврда чиққан газета саҳифаларида ҳажвий публицистика асарлари анчагина кенг ўрин ола бошлади ҳамда улар Туркистонда миллий уйғониш ғояларига хизмат қилди.

XX аср бошларидаги жадидлчилик оқимининггина эмас умуман ўзбек миллий матбуоти тарихида алоҳида ўрин тутган йирик нашрлардан бири “Ойина” журнали бўлди.

Россияда бўлиб ўтган февраль инқилоби натижасида чор ҳукуматининг ағдарилиши Туркистон учун ҳам катта ижтимоий воқеа бўлиб, омма орасида кучли сиёсий жонланиш қўзғатди. Туркистонликлар, жумладан илғор фикрли ўзбек зиёлилари, жадидлар бу воқеани шод-хуррамлик билан кутиб олдилар, янги матбуот нашрлари пайдо бўлди. 1917 йилнинг март ойидан бошлаб

муваққат ҳукуматнинг “Нажот” газетаси чиқарила бошланди.Муҳаррири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли бўлган бу газета туркистонликларни ҳуррият йўлида бирлаштиришга чақирди. Бу даврда Тошкентда “Кенгаш”, “Турон”, “Турк эли”, “Улуғ Туркистон” газеталари ҳам нашр этила бошланди, уларда халқни бирлашишга чақирувчи материаллар кенг ўрин ола бошлади. Мазкур газеталарда ўша даврнинг энг муҳим масалалари кўтарилган мақолалар, фельетонлар пайдо бўлди. Жумладан ўша даврнинг фаол публицисти ҳисобланган Мирмуҳсин Шермуҳаммедов “Турон” газетасининг 1917 йил 25-апрел сонида “Тарихий икки воқеа” сарлавҳали мақоласи билан чиқди. Ўткир танқидий руҳ билан ёзилган бу мақолада ўлкамизда тараққиётнинг ўзаги бўлган мактаб-маориф соҳасида ҳукм суриб келган аянчли аҳволни Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мисолида кўрсатиб берилар экан, рус чор тузумининг тугатилиши билан шояд бу камчиликларга ҳам барҳам берилса, деган умид билдирилади. “Азиз миллат болаларин рангнларин саб-сариқ қилган, чочларин белларига тушурғон, очликдан тишларин кирини сўрдурғон Бухоро ва Хивадаги даҳшатли, қоронғу, зах зиндонлар эшиги энди ёпилди... Мактаб, мадраса ислоҳи деса тишларини қичирлатуб, кўзларини олайтиратурғон маориф душмани судрама чопон, бир тўда жонли тегирмонлар иш бошидан қувилурлар!− деб ёзади муаллиф ва бу борада ҳақиқий ислоҳотларни амалга ошириш вақти етганлигини таъкидлайди: − Шояд мактаблар интизомга қўйилур. Мадрасаларда дарс программалари ясалур. Янги усулга тиш-тирноғини ботируб келган бўяма фикр, мунофиқлар шояд энди дарс бошидан сурилурлар...”

Аччиқ тил билан бўлса-да ҳаққиқат очиб ташланган бу мақола мутаассиб, тор фикрли руҳонийларга ёқмайди. Уларнинг ўша пайтда ташкил этган “Уламо” ва “Шўрайи исломия” жамиятлари раҳбарлари мақоланинг моҳиятига тушунмасдан муаллиф М.Шермухаммедов ва газета муҳаррири А.Авлонийни “кофир”, деб эълон қилади ва уларни тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво беради. Авлоний “тавба-тазарру” билан омон қолади, аммо жоҳил қадимчилар М.Шермуҳаммедовни ушлаб эшакка тескари миндириб, уриб-калтаклаб кўчама-кўча сазойи қиладилар. Шу муносабат билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) “Улуғ Туркистон” газетасида “Туркистон Протопоповлари” сарлавҳали фельетони босилиб унда жоҳил мутаассибларни Росиянинг қонхўр ички ишлар министри Протопоповга қиёслайди ва бу зулм-залолатни кескин қоралайди.

Шу даврда Самарқандда билимдон олим Абдурауф Фитрат муҳаррирлигида чиқарилган “Ҳуррият” газетасида ҳам замоннинг кескин воқеалари ўз аксини топади ҳамда зулм-залолат қораланувчи қатор фельетонлар босилади. Бу газета Россияда болшевиклар бош кўтарган энг алғов-далғов даврда ҳам чиқиб турди. Абдурауф Фитрат ўзининг “Сиёсий ҳоллар” деб номланган мақоласида октябр ўзгариши натижасида қўллари баланд келган кучларнинг зўрлик ва шафқатсизликка асосланишларидан оммани огоҳлантириб “Россияда янги бир бало бош кўтарди, бу – болшевиклар балоси!”− деб огоҳлантирган эди.

Газетанинг “Шапалоқ” деб номланган ҳажвий бўлими бўлиб ўша пайтларда юз бераётган ижтимоий ҳодисалар, болшевикларнинг зўравондикларини ҳам аямай фош қилди. “Шаҳримиздаги “Шўраи ислом” бева-бечораларга мазалик шўрболар бериб қоринларини тўйғизмоқда экан. Бир фирқа бузуқбош ишчилар чиқиб, шўрбонг тузсиз экан, деб ичига бир этак туз солибдилар. Шўрбо бўлди шўр, ичган киши бўлди ичи бурма... “Бу бўлимда ташкил этилган “Ажина телеграммалари” рукни остида берилган материалларда ижтимоий воқеалар киноялы заҳарханда сезилиб туради:

“Болшевикларнинг ҳаракатини эшитиб амир бутунлай шошиб қолғон,− деб ёзилади мазкур бўлимда босилган материаллардан бирида (муаллифи – Занбур). Ўз мамлакатларидаги ўн беш яшар бесоқол болаларни йиғдируб, аларни ясатмоқдадирки, балки болшевиклар аларға хуштор бўлиб, Бухороға тўп отмоқдин қўл кўтарсинлар. Бир неча жадидчи кофирлар амирға: “Дарҳол Германиядан тўп ва пулеметлар сипориш қилмоқ керак, йўқса бу доқиёнусдан қолғон тўп ва милтиқларға болшевиклар фотиҳа ўқимаслар”, деган эди. Муллалар: “Ҳеч парво қилманг, ҳазрат Баҳовиддиннинг бир хишти қолғунча болшевиклар Бухороға ола қаралмаслар”,− деб амирни хотиржам қилдилар. Қозикалон эса: “Мен бошимдағи дасторимни кўтарсам бутун болшевиклар кўр бўлиб қолур”,− деган” [1: 5]

Ўша давр ҳажвий танқидининг намунаси бўлган бундай мисоллар ижтимоий ҳаётда юз берган кескин ўзгаришлар матбуот нашрларидан ҳажвий публицистиканинг таъсирчан ва ўткир шаклларидан фойдаланиш заруратини қўйганлигини кўрсатиб турибди.

Бу даврда Тошкентда нашр этилган “Чаён” ҳажвий журнали ижтимоий ҳаётни ҳажв нуқтаи назаридан ёритишда кенг фаолият олиб борди.

Умуман олганда ўлкамизда асримиз бошидан то октябр ўзгаришигача бўлган даврда кенг ва қизғин фаолият кўрсатган жадидлар матбуотида ижтимоий ҳаёт воқеалари, қолоқлик, жаҳолат ва сиёсий зўравонликларга қарши курашда ҳажвий публицистикадан кенг ва унумли фойдаланилганлиги кўриниб турибди. Афсуски Россияда ва унинг ўша даврдаги мустамлакаси бўлган Туркистонда ҳокимиятни ўз қўлига олган болшевиклар сиёсий, ижтимоий соҳадаги каби мънавий соҳада ўз сиёсатини кескин равишда ўтказа бошладилар. Совет ҳукуматининг “Матбуот ҳақидаги декрет”ига мувофиқ Россиядаги каби Туркистонда ҳам барча мавжуд газета ва журналлар ёпилди ва уларнинг ўрнида коммунистик ғоянигина тарғиб этувчи матбуот нашрлари чиқарила бошланди. Бу матбуот бошқа ижтимоий фикрлар қаторида жадидлар мафкурасини, унинг маърифатпарварлик ва эркинлик борасидаги ғояларини сиқиб чиқариш, бутунлай тугатиш йўлини тутиб иш кўриб, уларга қарши шафқатсиз ғоявий ва сиёсий кураш йўлини тутдилар. Шуни айтиш керакки, тараққийпарвар ўзбек зиёлилари октабр ўзгаришини турлича қабул қилдилар, айримлари – Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний кабилар янги тузум хизматига ўтдилар, М.Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби жадидчилик таълимотининг ғоявий раҳбарлари эса табиийки, болшевикларнинг зўровонлик сиёсати билан келиша олмадилар,

улар ҳамда Фитрат, Чўлпон, Элбек сингари ҳур фикрлар тарафдорлари янги тузумга мухолифатда бўлдилар ва совет тузуми сиёсий қатағони қурбонига айландилар. Аммо асримизнинг бошида вужудга келган маърифатпарварлик оқимининг давомчиси бўлган ва мамлакатнинг тадрижий тараққиёт йўлини, оммани маърифатли, илмли қилиш йўлини танлаган ҳамда қолоқлик, жаҳолатга қарши доимий курашган жадидлар ҳаракати, улар курашган халқчил, миллий ва умуминсоний ғоялар ҳамда унга хизмат қилган жадидлар матбуоти келгуси авлод учун доимий намуна ва ўрганиш, ижод мактаби бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Тараққий”, “Хуршид”,”Шуҳрат” газетадарининг 1906 йил сонлари.

2. “Самарқанд”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона” газеталари ва “Ойина” журналининг 1913-1814 йил сонлари.

3. “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Ҳуррият” газеталарининг 1917-1918 йил сонлари.

4. Муаллифнинг “Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари (Х1Х аср охири – ХХ аср ўрталари ўзбек матбуоти материаллари асосида)” деб номланувчи докторлик диссертацияси – 2001 йил.

5. Саид З. Ўзбек матбуоти тарихидан материаллар. Танланган асарлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 50-б.

Г.ШЕНГЕЛИ – ЧЎЛПОН ТАРЖИМОНИ

Дилмурод ҚУРОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Таниқли рус шоири, таржимон ва адабиётшунос Георгий Аркадьевич Шенгели (1894 – 1956) ўтган асрнинг 20-йиллари охирларида Самарқандга келгани, бир муддат шу ерда яшаб, Педакадемияда дарс бергани маълум. Бироқ қизиқ жиҳати шуки, интернетда мавжуд манбаларнинг жуда кўпларида Г.А.Шенгели ҳаётининг айни даври қайд этилган эмас, қайд этилганларида эса шунчаки Самарқандда бўлгани айтиб ўтилади холос. Бу ҳол унинг Педакадемиядан ишдан кетиши бироз нохуш бўлгани билан боғлиқ бўлса эҳтимолки, зарурат бўлса буни Шенгели шахсий архивини ўрганиш орқали аниқлаш ҳам мумкин. Бизга бунинг зарурати йўқлиги важҳидан архивдаги Чўлпон билан бевосита боғлиқ материалларни ўрганиш билан чекландик. Яъни, биз учун энг муҳим томони – Г.А.Шенгелининг Чўлпон билан ижодий ҳамкорлиги, деб қарадик.

1931 йилда Л.Андреевнинг “Осилган етти кишининг ҳикояси” Чўлпон таржимасида алоҳида китобча шаклида чоп этилганида, унинг титул варағига “Профессор Шенгели томонидан бироз қисқартирилган” деб ёзиб қўйилган [Андреев 2: 1]. Шу ёзувнинг ўзиёқ Чўлпон асар таржимасига қўл ураркан Г.Шенгели билан маслаҳатлашганини кўрсатади. Айтмоқчимизки, Чўлпон ўз даврининг таниқли шоири Г.Шенгели билан ижодий алоқа боғлаган, хусусан, у 1929-1930 йилларда Самарқандда ишлаган [Перельмутер 3: 67] даврда (маълумки, бу вақтда Чўлпон ҳам Самарқандда эди) иккаласининг ҳам бадиий таржима билан шуғулланган сабаб бу алоқа анча тиғиз бўлган кўринади. Мазкур ҳол Россия давлат адабиёт ва санъат архиви (РГАЛИ)да сақланаётган Г.Шенгели шахсий архивини синчиклаб ўрганиш заруратини юзага келтиради. Зеро, агар бу иш амалга оширилса, Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги ва муҳим материаллар топилиши эҳтимоли катта. Афсуски, Инновацион ривожланиш вазирлиги гранти доирасидаги Москвага илмий сафар давомида (2022 йил июль) биз, вақт тиғизлиги сабабли, фақат рўйхатдаги қайд номи диққатимизни тортган (яъни номи ичида Чўлпонга алоқадор материал бўлиши мумкин деган фараз уйғотадиган) айрим йиғмажилдларнигина кўриб чиқа олдик. Ҳолбуки, баъзида шахсий архив папкалари ичидаги материаллар рўйхатдаги саналарга тўғри келмайди; баъзан рўйхатда “хатлар” деб ёзилгани ҳолда йиғмажилддан баённомалар, турли қўлёзмалар, гоҳ эса номлари зикр қилингандан бошқа муаллифларнинг асарлари таржимаси чиқиб қолади. Ёки рўйхат номида аксар умумлаштириб “ёзишмалар”, “ижодкорлар билан тушган фотолар” дебгина қайд этилган, бундан эса, табиийки, “*кимлар билан* ёзишмалар?”, “*кимлар билан* тушилган фотолар?” экани маълум бўлмайди. Хуллас, “синчиклаб ўрганиш зарурати” деганимиз шулар билан боғлиқ.

Изланишларимиз давомида Г.Шенгели шахсий архивидан Чўлпоннинг рус тилига ўгирилган “Клеопатра” ҳикояси ва тўртта шеърининг кўлёзмалари топилди. Қўлёзмаларнинг айримлари машинкаланган (чамаси, мутаржим уларни тугалланган деб ҳисоблаган) бўлса, бошқаларида айрим тузатишлар киритилган, чизилган, ўчирилган ўринларнинг борлиги уларнинг устидаги иш ҳали якунига етмаган деган фикрга олиб келади. Таржима учун танланган шеърларнинг иккитаси “Соз” тўпламига кирган “Октябрь” [Чўлпон 1: 27-30], “Норин дарё” [Чўлпон 1: 36-38]), иккитасининг эса ўзбекча оригиналини аниқлаб бўлмади: Чўлпоннинг эълон қилинган ва бизга маълум шеърлари орасида таржима матнига мос келадигани йўқ. Уларнинг бири “Вахш” [РГАЛИ, ф.2861, оп.1, ед.хр.37, л.4], иккинчиси эса “Солнце зимой”[РГАЛИ, ф.2861, оп.1, ед.хр.37, л.16] деб номланган шеърлардир. Ҳар икки таржима қўлёзмасининг юқори қисмида “Чолпан” деб ёзиб қўйилган, демак, уларнинг Чўлпон қаламига мансуб эканлигига шубҳа қилмаса бўлади. Айтиш керакки, “Вахш” ва “Солнце зимой” шеърларининг руҳи-мазмуни “Соз”даги шеърларга яқин келади. Шунга кўра, агар “Соз” тўпламининг 1935 йилда босилганини эсласак, Г.Шенгелининг Чўлпон асарларини таржима қилишга киришиши 1935-1937 йилларга тўғри келишини тахминлаш мумкин. Агар шу тахминни асос қилиб олсак, ўз-ўзидан яна бир тахмин келиб чиқади: ўзбекча асли топилмаган шеърлар Чўлпоннинг охирги – нашриётга топширилган ва кейин йўқ қилинган деб ҳисобланувчи “Жўр” тўпламидан жой олганмикан? Катта эҳтимол билан шундай. Айтмоқчимизки, расмий доираларнинг ўзига муносабати сал илиқлашиб, “Соз”ни чоп эттирган, энди романи ва “Жўр”ни чоп этишга шайланиб турган Чўлпон эски қадрдонидан айрим асарларини таржима қилишни сўраган бўлиши мумкин. Соддалиги ё некбинлигидан Чўлпон шеърлари, бўлиб ҳам шўро даврини алқайдиган шеърлари рус тилида босилса, бошидаги хавф арир деб ўйлаган, умидланган бўлса ҳам эҳтимол. Нима бўлганда ҳам, Г.Шенгели юқоридаги таржималарни 1935 йилдан кейин амалга оширгани ҳақиқатга яқин кўринади.

«Вахш» шеърининг таржимаси оққа кўчирилмаган, мутаржим матнга бир нечта тузатишлар киритган. Шеър биринчиси ўн, иккинчиси саккиз мисралик иккита банддан таркибланган бўлиб, мана бундай бошланади:

В твоём стремлении – стремленье мятежа
Века ты рвешь русло, бунтуя и дрожа...
(Сенинг интилишингда – исёнлар шиддати,
Асрлар давомида исён ва титроқ-ла ўзанинг ёрасан)

[Бу ерда ва кейинги ўринларда сўзма-сўз таржима мақола муаллифиники.]

Ушбу мисралар шеърнинг бошланмаси бўлиб, улардаги фикр биринчи бандда изчил ривожлантирилади – куч-қудрати ўзанига сиғмаганидан ўкириб оқаётган асов дарё, табиат стихияси тасвирланади. Иккинчи бандда эса лирик қаҳрамоннинг шеър ёзилган давр руҳига мос дарёга мурожаати берилган:

Но,- старый бунтовщик,- ты сколько-б ни рычал,
И, крови требуя, ни прыгал между скал,

Ни сотрясал бы мир всей злобностью своею...
.....
Ты смирно потечещь под гордым горным кряжем
И будет жизнь твоя такой, как мы прикажем.

(Бироқ,- кекса исёнчи, - ҳар қанча ўкирсанг-да
Ва қон талаб этиб, қоялар орасида сакрасанг-да
Борки ғазабинг билан дунёни зир титратсанг-да
.....
Мағрур тоғ тизмалари оралаб ювош оқарсен
Ва сенинг ҳаётинг биз буюргандек бўлажак.)

Эътиборли томони, ушбу шеър ўзининг мазмуни ва руҳи, тематик композицияси нуқтаи назаридан Чўлпоннинг “Норин дарёга” номли бошқа бир шеърини эслатади. 1934 йилда ёзилган бу шеър “Соз” тўпламидан жой олган. Худди “Вахш” шеъридаги каби, унинг бошланишида ҳам Нориннинг куч-қудрати тавсиф этиладики, эътибор берилса, иккала дарё тавсифидаги ўхшашликни кўриш қийин эмас:

Бош кўтарган қуллар каби ҳиддат билан,
Хужум қилган қўшин каби шиддат билан
Тўлқинлардан ўркач отиб юксакларга,
Аччиқ билан ўзни уриб тирсакларга,
Оч йўлбарсдай наъра тортиб келишинг бор!

Иккала шеър ҳам ташхис (апострофа) усулида – дарёга мурожаат шаклида қурилган. Иккинчи шеърда ҳам лирик қаҳрамон Норинга хитобан кун келиб сени тушовлаймиз ва бизнинг измимизда юрасан деб айтади. Фақат “Норин дарё” шеърида бу гап тафсилли тарзда, исботлари билан айтилади. Лирик қаҳрамон Норинга Ниагара ва Днепр дарёларини, иккаласининг ҳам ғоят қудратли бўлгани ва иккиси ҳам инсон томонидан бўйсундирилганини эслатади. Фақат давр руҳи таъсирида, шунингдек, ўзининг шўро воқелигига хайрихоҳ эканлигини кўрсатиш учун ҳам, фактга синфий ёндашади: Ниагаранинг капиталга, Днепрнинг эса меҳнаткаш халққа хизмат қилишини таъкидлайди. “Вахш” шеърида ҳам дарёнинг муқаррар бўйсундирилиши ҳақида сўз боради, фақат бунда энди синфий бўёқ анча туссизлантирилган: лирик қаҳрамон шўро кишиси сифатидагина эмас, балки, умуман XX асрда табиатни ўзига тамом бўйсундиришга чоғланган башарият вакили ўлароқ гапиради.

Икинчи шеърнинг таржимаси матнидаги тузатишлар “Вахш” шеъри таржимасдагига қараганда кўпроқ. Шунингдек, унда бандларнинг тартиби ўзгарган: 5,4,3,1,2 тартибида берилган. Маълумки, Чўлпонинг бир қатор шеърларида бандлар тартиби рақамлаб берилган. Таржимадаги рақамлаш тартиби бўйича ўқилса, чиндан ҳам шеърнинг тематик қурилиши бинойидек кўринишга келади. Бундан эса таржимадаги рақамлаш кўпроқ мутаржимнинг

ишлаш усули билан боғлиқ бўлиши мумкин, оққа кўчирганида аслиятдаги тартибда ёзилса керак, деган фикрга келамиз. Рақамланишига кўра шеърнинг бошланмаси қуйидагича:

Сегодня солнце поднялось на тусклом небе ледяном
Прозрачным смехом разлилось во льду узорном за окном...
(Бугун хира музранг осмонда қуёш кўтарилди,
Муз нақшли ойна ортида шаффоф кулги бўлиб ёйилди).

Кўриб турганимиздек, шеър қиш тонгида кун чиқиши тасвири билан бошланади. Таржимада "Солнце зимой" деб сарлавҳа қўйилган бўлса-да, бизнингча, аслиятда шеър "Қишки қуёш" деб аталган бўлса керак. Бундай дейишимизнинг сабаби – "қишки қуёш" шеърдаги марказий поэтик образ эканлигидир. Ифода тарзига кўра бу шеър "Гўзал" шеърига ўхшаш: у "қишки қуёш" билан лирик қаҳрамон мулоқоти асосига қурилган. Иккинчи банддан бошланади бу мулоқот:

Глядит в окно и говорит: "О легкомысленный поэт,
Попробуй ка моё вино,- вкусней его и лучше нет;
Такого не найдёщь вина, хотя объездишь целый свет.
В кувшине узком нету дна, пей сколько хочешь,- полным ртом.

(Деразамдан боқиб айтадир: "О енгилтак шоир,
Майимдан тотиб кўр, ундан ширини ва яхшиси йўқ".
Бутун оламни кезиб чиқсанг-да бундай май тополмайсан,
Ингичка кўзанинг таги йўқ, истаганча оғзинг тўлдириб ич").

Таржима матнидан "Қишки қуёш" шеъри Чўлпон бошлаган ижодий тажрибалар доирасидаги, драма ва лирика хусусиятларини синтезлаштириш йўлида яратилган асар экани кўринади. Зеро, беш бандли шеърнинг биринчи бандидан кейинги барча бандлари диалог шаклидадир. Тўлақонли лирик персонаж мавжудлиги, асар мазмун-моҳияти лирик персонаж билан "лирик мен" кечинмалари бирлигида намоён бўлиши "Қишки қуёш" шеърининг том маънода персонажли лирика намунаси эканлигини кўрсатади. Яъни бу асар Чўлпоннинг янгиланаётган миллий адабиётимизда лирик шеърнинг *субъект жиҳатидан ташкилланиши* борасида татбиқ этган янгиликларни ўзида мужассам этган самарали ижодий изланиши натижасидир. Маълум бўладики, агар шеърнинг асл матни топилса, Чўлпон поэтик тадрижини кузатиш учун муҳим манба бўлади. Шундай экан, Чўлпон ҳаёти ва ижоди, умуман, ўтган аср бошлари – 30-йиллари ўзбек адабиёти бўйича изланишлар олиб борганда, унинг "Вахш" номли шеъри ҳам борлигини ёдда тутиш лозим бўлади. Шундай қилинса, ажабмаски, бир жойдан чиқиб қолса...

Худди Чўлпоннинг ўзи сингари, Г.Шенгели ҳам аслида ҳассос шоир, таржимонлик билан эса иккаласи ҳам, бир чеккаси, мажбурият орқасида шуғулланишган. Чўлпон гўзал таржималар қилгани каби, Г.Шенгелининг тажималари ҳам юксак баҳоланади. Айтмоқчимизки, сиртдангина кўриб

ўтилган юқоридаги икки шеър таржимасида ҳам мутаржимнинг шоирона нигоҳи, матнни ҳис қилиши, уни аслига монанд моҳирона қайта акс эттиришга интилиши яққол кўринади. Бу эса Г.Шенгелининг Чўлпон асарларини таржима қилишда, умуман, ўзбек шеърияти намуналарини рус тилига ўгиришда намоён бўлувчи маҳоратини тадқиқ этиш бугунги таржимашунослик учун қимматли ва аҳамиятли материал бўла олишини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Чўлпон. Соз. – Ўздавнашр, 1935
2. Андреев Л. Осилган етти кишининг ҳикояси. Чўлпон таржимаси.- Тошкент-Баку: Ўзнашр, 1931
3. Перельмутер В.Г. Живущий на маяке (Над архивом Георгия Шенгели)// Вопросы литературы.- 1990.- №6.- С.57-85
4. Василий Молодяков: Георгий Шенгели. Биография. 1894-1956.- М.: Водолей, 2016

БЕҲБУДИЙ ВА ТУРКИСТОНДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Аннотация Мақолада Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таълим ислоҳоти борасидаги фаолияти Туркистон жадидчилик ҳаракати контекстида тадқиқ қилинган. Улуғ маърифатпарварнинг таълим ислоҳоти юзасидан матбуотда эълон қилинган назарий қарашлари ва бу йўналишдаги амалий фаолияти аниқ мисоллар таҳлили асосида ёритилган.

Калит сўзлар: жадидчилик, матбуот, таълим ислоҳоти, маориф, тил масаласи, усули савтия, янги мактаб.

Жадидчиликнинг тамал тоши дея эътироф этилган маориф ислоҳи жадидлар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлгани аён. Негаки, илму маърифатда мутараққий мамлакатлар ёшларидан қолишмайдиган, оламнинг аҳволидан хабардор, янги фикрлайдиган авлодни тарбияламай туриб, миллатни таназзул гирдобидан тараққиёт соҳилига, инқироз зулматидан тамаддун ёруғлигига олиб чиқиш имконсиз эди. “Янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси” (Бегали Қосимов таъбири) Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида таълим ислоҳоти масаласи концептуал аҳамиятга эга бўлгани сабаби шунда.

Устози Исмоилбек Гаспрали Туркистон мактабларида ўқитиш тизимини ислоҳ қилиш таклифи билан генерал-губернатор барон Вревскийга мурожаат этган 1892 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий навқирон 17 ёшда эди. Демак, ёш Маҳмудхўжа қалбида “усули савтия” мактаблари ғояси Исмоилбек Гаспрали таъсирида шаклланди. Кейинчалик саёҳатлари давомида таълим соҳасидаги дунё тажрибаси билан танишиш баробарида, Истанбулда “усули савтия мактабларининг Русияда бонийи муассиси” бўлган Гаспрали билан бевосита учрашгач, бу ғоя унинг ҳаётий аъмолига айланди. Беҳбудий бу ғояни Ватан мустақиллиги, миллат тараққийси мақсадларига йўналтирди. Академик Наим Каримов фикрича: “Беҳбудий Туркистондаги маориф тизимининг ислоҳ этилиши ва вақтли матбуотнинг ташкил топишидаги хизматлари билангина эмас, балки нутқлари ва матбуот орқали баён қилган ғоялари билан ҳам янги жамиятнинг, яъни ижтимоий ҳаётнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшган” [Каримов Н. 7:38].

Бу жиҳатдан у ўша даврда туркий дунёнинг энг машҳур сиймоларидан бирига айлангани сир эмас. Немис жадидшуноси Ингеборг Балдауф улуғ маърифатпарварнинг бу борадаги фаолиятини: “Маҳмудхўжа фаолиятининг ғоят ўзига хослигидан қатъи назар, у Қримда Гаспрали, Қозон татарларининг Қаюм Носирийси, усмонли туркларнинг Аҳмад Мидҳати сингари Ўрта Осиёнинг халқ муаллими эди”, [Балдауф И. 1:26] дея баҳолайди.

Беҳбудийнинг таълим ислоҳотига доир фаолияти икки йўналишда кечди: 1) назарий ва 2) амалий. Улуғ мутафаккирнинг янги мактаб ғояси асосида уч концептуал масала туради: **биринчиси,** авлоднинг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлиги; **иккинчиси,** таълим жараёнини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, таҳсил усулини янгилаш; **учинчиси,** мактабда эътиқодимиз асоси бўлган диний илмлар билан бир қаторда замон тақозоси ҳисобланган дунёвий фанларни ўқитиш ва бу орқали миллатнинг мутараққий халқлар даражасига юксалмоғига хизмат қиладиган салоҳиятли авлодни тарбиялаш.

Беҳбудий авлоднинг саводи ўз она тилида чиқмоғи зарурлигини миллий таълимнинг бош шарти деб билди. Шу боис ўзи муҳаррир бўлган “Ойна” журналида тил масаласига асосий эътиборни қаратди. “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида “Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни(нг) тақриру таржималари форсчадир. Бу қоида, яъни дарс китоби – арабий, муаллим – туркий, тақриру таржимани(нг) форсийлиги хийла ажибдур” [Беҳбудий М. 2:152], дея она тилига эътиборсизликдан таажжубланади. “Тил масаласи” сарлавҳали мақоласида улуғ маърифатпарвар тил нозик масала экани, шунга кўра унинг софлигини сақлашга чуқур мантиқ билан ёндашув зарурлиги ҳақида ёзади. Туркий халқларни ўзаро ҳамкорликка чақиради. Арабий ва форсийни имкон қадар камроқ қўллаб, тараққий этган туркий шевалардаги илмий ва фанний китобларни англашга саъй ва ғайрат этмоқ кераклигини таъкидлайди [Беҳбудий М. 2:184-189]. Миллатимизнинг руслар томонидан “сарт” деб аталишига жиддий эътироз билдирди. “Сарт сўзи мажҳулдир”, “Сарт сўзи

маълум бўлмади” сингари мақолаларида эътирозига рад этиб бўлмайдиган далиллар келтирди.

1907 йилдаёқ (Туркистон мухторияти эълон қилинишидан ўн йил олдин!) “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”ни тузиб, кўриб чиқиш учун Русия Давлат Думасига тақдим этган Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод этилиши; умумий ўрта ва олий мактабларга мусулмонлардан комиссия тайинланиши, рус ҳарфини мусулмон мактабига жорий этмаслик сингари талабларни қўяди [Беҳбудий М. 3:146-156]. Бу эса, Беҳбудийнинг она тили, миллий имло масалаларига нақадар катта эътибор берганини кўрсатади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таълим усулини замонга мослаштириш, яъни “усули ҳижо” ўрнига “усули савтия”ни жорий этиш, шунингдек, усули таҳсил – ўқитиш методикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Бунда у бир вақтнинг ўзида ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи сифатида намоён бўлади. Унинг фикрича, муаллим, биринчидан – олим, иккинчидан – ғайратли, учинчидан – усули таҳсилдан хабардор бўлмоғи зарур. Жумладан, мутафаккир “Ислоҳи таҳсил” мақоласида мана бундай ёзади: “Агар муаллимнинг ўзи ҳозирги аксар мактабдор ва мударрислардек камҳавсала ёинки камилм бўлса, ёинки илми бўла туруб, усули таҳсилдан хабарсиз бўлса, ани(нг) шогирдлари нодон қолур” [Беҳбудий М. 4:289].

Аллома таълимни замон талабларига кўра ислоҳ этмоқ учун ўзига хос дастур бўларли фикрларни билдиради. Унинг қарашича, замона уламоси: 1) турк билан туркча, форс билан форсча, араб билан арабча эркин ва мунтазам сўзлаша олиши, бу уч тилдаги матнларни юқори савияда таҳрир этиш иқтидорига эга бўлиши; 2) калом – ақида илмига оид китобларни тизимли ўқитиб, муборак динимизни мазҳабсизлар, мулҳид (динсиз – Н.Ж.) ва даҳрийлар, миссионерлар таъна ва эътирозларидан ҳимоя қила оладиган олимларни етиштирмоғи зарур.

Мактабда диний илмлар билан бир қаторда миллатнинг замонавий тараққиёти учун ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланган дунёвий илмларни ўқитиш муаммоси ҳам Беҳбудийнинг диққат марказида турди. Унингча, ёш авлодга тиб, астрономия, математика, география, иқтисод, сиёсат, тарих, нафис санъат, ҳикмат сингари илмларни талаб даражасида ўқитмоқ зарур. “Тарбиятхона (пансиён)ларни очмоқ учун ва ҳукумат дорулфунунлариға бола тайёр қилмоқ учун “нашри маориф” ёинки “жамияти хайрия” ва ёинки “тарбияти атфол” жамияти ва ё ўзга исм ила, хулоса, жамиятлар керакдур. Токи бу жамият(лар) халқдин оқча жамлаб, миллат болаларини ўқитиш ва миллатни(нг) ояндаси учун керак бўлатургон қози, яъни судя, закунчи, яъни ҳуқуқшунос, инженер, яъни муҳандис, муаллим, яъни замона мактабдори, миллатни(нг) ҳомийси ва ходими, яъни давлат Думасиға депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва иҳё этувчи, яъни техник, тижоратхона ва бонкаларда бизға ёрдам бергувчи, яъни тижорат илмини ўқиган коммирсант, шаҳар думахоналариға ва минбаъд Туркистонда очилатурғон земства идораларинда бизни(нг) тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун, дини

мубийни ислом учун, зуафо учун, фуқаро учун ишлайтурғон одамларни етушдурмак керакдур” [Беҳбудий М. 2:160-161].

Ўрта ва олий мактабда дунёвий фанларни ўқитмай туриб миллий маърифатни юксалтириш, миллатни тараққийга бошлаш имконсиз эканини теран англагани боис Беҳбудий “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия”, “Мухтасари тарихи ислом”, “Мадхали жуғрофияи умроний”, “Мухтасар жуғрофияи Русий” сингари географияга доир бир қанча дарсликлар яратди.

“Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” дарслигида Беҳбудий ўша даврдаги бошқарув усуллари ҳақида қимматли маълумотларни беради. Зеро, таълимдан кўзланган бош мақсад миллат ёшларининг сиёсий онгини юксалтириш, авлод дунёқарашини ўстириш эканини у теран англаган. Дарсликда Беҳбудий ўша даврга хос уч хил бошқарув усули ҳақида ёзади: 1) идораи мустақалла (идораи мутлақа); 2) идораи машрута; 3) идораи жумҳурият [Беҳбудий М. 2:243-245].

Алломанинг қарашича, *“идораи мустақалла”нинг ўзига хос хусусиятлари* қуйидагилардан иборат:

- бунда ҳукмдорнинг истаги – қонун, яъни у соҳиби ихтиёр. Бошқача айтганда, ваколатлари мутлақо чекланмаган;

- қўл остидаги барча мажлис, маслаҳатхоналар хукмдорга бўйсунади, унинг айтгани айтган, дегани деган;

- ҳукумат, валиаҳдлик қоидалари асосида, “ўшал ҳукуматни қўйган тартиб ва тадбириға мувофиқ” [Беҳбудий М. 2:243] бўлади.

Идораи мустақалла давлат бошқарувининг монархия усулига тўғри келади.

Беҳбудий таҳлил этган *иккинчи усул – идораи машрута* мана бу хусусиятлари билан ажралиб туради:

- бу ҳукуматга тобе одамлар аксари дунёдан хабардор илм аҳллари. “Эл ва уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишлариға тараққий қилган”;

- фуқаролар ўз ораларидан инсофли, илм ва дунёдан хабардор кишиларни ўзларига раҳбар ва бошқарувчи вакил этиб сайлайдилар;

- “сайланган вакилларни подшоҳ муқаррарий маҳкамаларға, мамлакатдорлик ишлариға жамлайди... Аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини “миллат мажлиси”, “маслаҳатхона”, “парламент”, “гўсударски дум”, “мажлиси синодий”, “эл мажлиси” деган исмлар ила ёд қиладур” [Беҳбудий М. 2:243];

- “Миллат мажлиси” аъзолари ҳукуматни машварат билан бошқаради. Ҳукмдор бу мажлис амрига бўйсунади. Мамлакат тақдири билан боғлиқ масалаларни шу мажлисда муҳокама этмай, ўз хоҳишича ҳал этолмайди.

Мамлакат бошқарувининг бу усули конституция ва парламентга таянувчи давлат хусусиятларига мувофиқ келади. Парламент, дума, сенат, миллат мажлиси сингари қонун чиқарувчи органлар ҳақида бундан юз йил аввал фикр юритгани Беҳбудийнинг сиёсатчи сифатида нечоғлик етук бўлганидан дарак беради.

Беҳбудий таърифлаган *учинчи усул – идораи жумҳурият*нинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- аксар фуқароси аҳли илм. Кенг дунёқарашли аҳоли сайлаган вакиллар ўз мамлакат ва ҳукуматини бошқармоғи учун ораларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ этиб сайлайди. У “раиси жумҳурият”, “садринишини миллат” ёки “президент” деб аталади;

- бундай ҳукмдор ҳар бир ҳукм ва амрини “Миллат мажлиси” тузиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомномаларга мувофиқ амалга оширади;

- бу усул асосида бошқариладиган ҳукуматда “Миллат мажлиси” катта ваколатга эга. Ҳатто вазир ва унга тенглаштирилган мансабдорларни тафтиш қилиш, терговга тортиш, лавозимидан озод қилиш ҳуқуқларига эга.

Бошқарувнинг “идораи жумҳурият” усули, замонавий ибора билан айтганда, чинакам ҳуқуқий демократик давлат хусусиятларини ўзида мужассам этиши билан алоҳида ажралиб туради.

“Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу уч усулни(нг) бириға дохил, тобе ва мувофиқдир, – деб ёзади Беҳбудий. – Мустақил ҳукмдорларни(нг) қўл остиға ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милйўн халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам – подшоҳни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмиға тобе эмасдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросиға на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун кураи арзға ҳоким ва мутасаррифдурлар” [Беҳбудий М. 2:244].

Беҳбудийнинг бу фикрлари барча замонлар учун бирдай аҳамиятли. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам, улуғ миллатпарвар орзу қилганидек, мамлакат бошқарувида ҳар бир фуқаро иштирок эта оладиган мутараққий жамиятни барпо этишдан иборатдир.

Беҳбудий оламда кечаётган воқелик моҳиятидан хабардор, сиёсий вазиятни тўғри баҳолай биладиган етук арбоб эди. Унинг “Хайр ул-умури авсатуҳо” мақоласидаги фикрлар ҳам буни тасдиқлайди. “Ҳозир Русия давлати(нинг) тариқи ҳукмронлиги ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши иқрор этар, – деб ёзади Беҳбудий. – Давлат қонунларини(нг) ислоҳ ва таждидиға ҳар ким мойилдур” [Беҳбудий М. 2:246].

Бу фикрлар дарсликда ўқитилгани назарда тутилса, Беҳбудий ёш авлоднинг сиёсий, ҳуқуқий маърифатини оширишга нечоғлик катта эътибор қаратгани аён бўлади.

Таълим ислоҳи амалиётчиси сифатида Беҳбудий 1903 йили Саидаҳмадхўжа Сиддиқий яшаган Ҳалвойи ҳамда Абдуқодир Шакурий истиқомат қилган Ражабамин қишлоқларида усули савтия мактабларини очди. Бу мактаблар учун “Китобат ул-атфол” (“Болалар мактублари”) дарслигини ёзди. Дарслик ўқувчиларда Туркистоннинг шаръий ва миллий маҳкамаларида амалдаги ҳужжатлар ва васиқаларни юрита олиш малакасини ҳосил қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Дарсликда бундай расмий ҳужжатларни юритиш тартиби, нималарга эътибор қаратиш

зарурлиги 18 банд асосида кўрсатиб берилади. Жумладан, муаллифнинг алоҳида таъкидлашича, расмий ҳужжатларда тилга масъулият билан қараш зарур: “Туркий ёзилур экан ва иборотни(н) туркийси бўла туриб, ани(нг) ўрниға русий ва ажнабий исмни ёзмоқни аҳли дониш манъ қиладурлар”.

Бундан ташқари, ҳар қайси хат қай соҳага тегишли эканига кўра ҳам ўзига хослика эга. Мактуб (мақола) ёзувчи ёки расмий ҳужжатларни юритувчилар буни диққат марказида тутмоғи керак: “Аҳли фан, уламо ва удабоға махсус ёзилатурғон хатлар, маҳкама ва дорулқазо мактублари, илмий ва сиёсий мақолалар яхши ва адабий суратда ёзилса керак...”. Яна: “Бир нимарса ва ё одамни ниҳоят мадҳ ва таъриф ва ё ёмонламоқ ва муболаға этмоқдан ҳазар қилиб, барча ҳолда ўрта қисмға қалам ишлатмак керак” [Беҳбудий М. 2:218].

Беҳбудий бундай хатларни ёзиш этикасини, яъни ахлоқий меъёрларини ҳам белгилаб беради: “Хатни камсўз, сермаъно ёзмоқ керакдур... Мактубға ҳақорат, таъна, ҳазил, фисқ ва гуноҳга тааллуқ сўзлар асло ёзилмасун” [Беҳбудий М. 2:218].

Бу фикрлар, биринчидан, ўша давр ёшларини расмий ҳужжатларни юритиш қоидалари билан таништирса, иккинчидан, уларда ёзма нутқни ўстиришга хизмат қилиши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Профессор Улуғбек Долимов “Ушбу ўқув дарслиги ўлка миқёсида таълим-тарбия муассасалари – эски ва янги мактаблар учун катта аҳамият касб этган”ини таъкидлайди [Долимов У. 6:202].

1913 йили “Нашриёти Беҳбудия” очилади. Нашриётда ўша йили Фитратнинг “Баёноти сайёҳи ҳинди” асарининг русча таржимаси чоп этилган. Беҳбудий тузган Туркистон харитаси нашр қилинган. Беҳбудий ушбу санадан “Самарқанд” газетасини таъсис этди. Таассуфки, газета фаолияти 45 сонидан кейин тўхтатилди. Ўша йилнинг 20 августидан “Ойна” журнали нашрини йўлга қўйди. Беҳбудий мазкур матбуот нашрларида ҳам Туркистонда маориф ислоҳи масаласига кенг ўрин ажратди. “Ойна”нинг дастлабки сонларида босилган “Аъмолимиз ёинки муродимиз” мақоласида, жумладан, мана бундай фикрларни ўқиймиз: “Тўй ва маърака оқчасидин болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу оқчадин талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулға ва Русия дорулфунун ва доруссаноатларига юборилуб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етишдурмоққа саъй қилинсун. Бизни(нг) Туркистонда муаллим оздурки, тўю маъракаға сарф қилинадурғон оқча ила Кафказ, Қрим, Ўрунбурғ ва Қозонға усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур...” [Беҳбудий М. 2:160].

Бундан ташқари, умумдиний таҳсил жараёнига дунёнинг илғор ўқитиш усулларини жорий этмоқ талаб этиларди. Беҳбудийнинг Туркистон маорифига Ҳижоз, Қоҳира таҳсил усулларини жорий этиш, иқтисод, сиёсат, нафис санъатлар ва ҳикмат илмларини эгаллаши учун ёшларни ҳукумат очган замонавий таълим муассасаларига бериш, билимлари такомили учун уларни Петербургдаги дорулфунун ва бошқа олий мактабларга юбормоқ таклифини бериши замирида ана шу ҳақиқат ётади. Академик Наим Каримовнинг: “Беҳбудий хайрия жамиятларини ташкил этиб, истеъдодли ёшларни Қоҳира, Петербург сингари Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги илмий марказларга юбориш, уларнинг нафақат туркий ва форсийни, балки араб ва

рус тилларини ҳам эгаллашларига даъват билан чиқди” [Каримов Н. 7:25], деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Мутафаккирнинг қарашича, чинакам тараққийга эришмоқ учун ёш авлод ўз даври илмларини ўрганиш билангина кифояланмаслиги керак. Эртанги кун учун ҳам қайғурмоқ, келар замон илмини-да пухта эгалламоқ зарур. Улуғ маърифатпарварнинг: “Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худои таоло халқ этди, сизларнинг замонингиздан бошқа, яъни келар замон учун” [Беҳбудий М. 5:56], деган сўзлари бунинг исботидир. Кўринадики, улуғ маърифатпарвар миллат фарзандларининг замондан бир қадам олдинда юришини истаган, бутун фаолиятини ана шу буюк мақсад йўлига сафарбар этган.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасини ислоҳ қилиш масаласи Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида асосий ўринни эгаллаган. У “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналида бу мавзуни кенг ёритди. Ўз тафаккурида шаклланиб, саёҳатлари давомида янада мустаҳкамланган маориф ислоҳи ғоясининг ўша даврда Туркистон учун ҳаёт-мамот масаласи эканини публицистик мақолаларида чуқур таҳлил асосида далиллади. Амалда усули жадид мактаблари очди. Бу мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиши учун жидду жаҳд қилди. Халқаро илғор тажрибани Туркистон таълим тизимига олиб киришга ҳаракат қилди. Улуғ маърифатпарварнинг таълим ислоҳи ва ўқитиш усулларининг такомилига доир қарашлари ўша давр учун нечоғлиқ долзарб бўлган бўлса, бугунги кунимиз учун ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Ma'naviyat, 2001, 26-бет.
2. Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Бегали Қосимов) – Тошкент: Ma'naviyat, 2006
3. Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Бегали Қосимов) //“Жаҳон адабиёти”, 2003, 8-сон, 146-156-бетлар.
4. Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Ж.1 (Сўзбоши муаллифи, тўплаб, изоҳлар ва луғат билан нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад). – Тошкент: Akademnashr, 2018, 289-бет.
5. Беҳбудий, Маҳмудхўжа. Таҳсил ва сафар замони ва таом. / Ойина. – Т. “Академия”, 2001, 56-бет.
6. Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Тошкент: Noshir, 2012, 202-бет.
7. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008, 38-бет.

АҲМЕД ҲАМДИ ТАНПИНАР ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Вели Саваш ЙЕЛОК,
филология фанлари доктори, профессор
Анқара, Ҳажи Байром Вали
университети savas.yelok@hbv.edu.tr

Замонавий турк адабиётининг кўзга кўринган йирик вакилларидан бири, турк ҳикоячилигида ўзига хос услуб яратган ёзувчи Аҳмед Ҳамди Танпинар 1901 йил 23 июнда Истанбулда дунёга келди. Бошланғич таълимни Истанбул бошлаган Аҳмед отасининг хизмати билан боғлиқ тайинловлари туфайли Эргани, Синоп, Сиирт, Каркук ва Мўсул сингари турли шаҳарларда давом эттиришга мажбур бўлди. Онасидан ўн уч ёшида жудо бўлган Аҳмеднинг руҳиятида содир бўлган ўзгаришлар, аламли изтироблар унинг илк ижоди маҳсули бўлган шеърларида намоён бўлди. Унинг онадан айрилиқ ортидан кечирган руҳий ҳолати кейинги ижодида ҳам сезиларли из қолдирди. 1918 йилда Истанбулга қайтган Танпинар олдинига ветеринарлик мактабига ўқишга кирди. Лекин адабиётга бўлган қизиқиш уни 1919 йилда Истанбул университетининг адабиёт факультетига етаклади. Бу ерда ўқитувчилик қилган машҳур ёзувчи Яҳё Камол Беятли билан танишади, дўстлашади. Университетни тамомлагандан кейин Аҳмед Танпинар бир муддат Эрзурум, Коня ва Анқарадаги турли лицейларда ўқитувчилик қилди, 1933 йилдан Истанбул Гўзал санъатлар академиясида санъат тарихи фанидан дарс берди. 1939 йилда Истанбул университети адабиёт факультетида янги турк адабиёти фани профессори лавозимида фаолият юритди. 1942 йилда ТБММга (Туркия Буюк Миллий Мажлиси) Мараш шаҳридан депутат қилиб сайланди. 1942 – 1946 йилларда депутатлик билан бирга қисқа муддат Миллий таълим вазирлигида тафтишчи, Истанбул университетининг Гўзал санъатлар академиясида эстетика фанидан дарс ҳам берди. 1949 йилда Истанбул университети адабиёт факультетидаги олдинги лавозимига қайтган Танпинар илмий ва ижодий изланишлар ортидан Франция, Бельгия, Голландия, Англия, Испания, Италия, Швейцария ва Португалия каби мамлакатларга саёҳат қилди. У 1962 йил 24 январда оламдан кўз юмди.

Аҳмед Ҳамдий Танпинар “Олтин китоб” журналида босилган “Мўсул оқшомлари” шеъри (1920) билан катта адабиётга қадам қўйди. Кейинчалик унинг шеърлари “Даргоҳ”, “Миллий мажмуа”, “Ҳаёт”, “Гўруш”, “Улку”, “Варлиқ”, “Ўлуш”, “Култур ҳафталиги” ва “Оила” журналларида мунтазам чоп этилди. 1944 йилда “Машҳур баста” номли илк романи “Улку” журналида нашр этилди, ундан кейин эса 1949 йилда ўз ҳаётидаги воқеалар асосида ёзилган “Ҳузур” номли романи босилди.

У адабиёт факультетида талабалик йилларидаги устози Яҳё Камол Беятлидан кўп нарсалар ўрганди. Шунга қарамай унинг дастлабки асарларида Яҳё Камолдан кўра кўпроқ Аҳмед Ҳошим ижодининг таъсири сезилади. Танпинар ҳам Ҳошим сингари кичик ёшда онасини йўқотгани

сабаб бўлса керак, шеърларида она қайби ортидан қалбан ҳис қилган изтироб ва ўзини овутадиган севги ва соғинч кўпроқ кўзга ташланади. Бу каби шеърларида у руҳан табиат билан муносабат ўрнатишга ҳаракат қилади. [Mustafa Y. ва бошқалар 1.]

Танпинар шеъриятининг яна бир жиҳати Бергсон фалсафасидан озиқланган замон тушунчасидир. Адабий турнинг барча жанрларида ижод қилган Танпинар деярли барча асарларида "замон"га мурожаат қилади. Ғарб адабиётининг тараққиётини мунтазам кузатиб борган Танпинар романларида Ғарб ва Шарқ маданиятининг ҳамоҳанглиги ҳам кўзга ташланади. Бу ҳамоҳанглик ҳам туйғуда, ҳам фикрда, ҳам ижоддаги маҳоратда ўзини намоён этади. У асарларида хитоб, нутқ ва насиҳатга ўрин бермайди.

Турк адабиётидан Яҳё Камол ва Аҳмад Ҳошимни, Ғарб адабиётидан эса Паул Валери билан Марсел Прустни ўзига устоз деб билади. Адабиётда гўзаллик ва мукаммалликни бош планга чиқарган Яҳё Камол ва Ҳошим, адабиётнинг сиёсий ва ижтимоий ғоялар остида ташвиқот воситаси бўлишига қарши чиққан Паул Валери билан Марсел Пруст сингари Танпинар учун ҳам адабиёт айнан рассомлик ва мусиқа каби гўзал санъатларнинг тармоқларидан биридир. Фақат у яратган асарларда инсон ва ҳаётнинг тасвири, қўлланилган ва танланган сўзлар, иборалар, ўхшатмалар жиддий фарқ қилади.

Аҳмед Ҳамди Танпинар ижодкор сифатида замонавий турк адабиётида ўз ўрнига эга етук ёзувчидир. Унинг адабиётгаги ўчмас ўрни Шарққа бўлган муҳаббати, шарқона қарашларнинг асарларига моҳирлик билан сингдирганлиги билан ўлчанади. Ижодкор ўз даврнинг етакчи фикр оқимларига у қадар эргашмади, аксинча янада теран, боқий фикрлар, мангу санъат эстетикаси каби изланишлар йўлидан борди. У ўзига бўлган ишонч, ташқи омилларга нисбатан сабри сабаб ҳам замонавий турк адабиётининг юксак асарларини ёзишга муваффақ бўлди.

1970 йилларда Танпинар ижоди ҳақида сон-саноқсиз изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилди, турк адабиётида энг кўп тилга олинган ёзувчилар қаторидан ўрин олди. Танпинар фикрий талотўпларни бошдан кечирган, ўзига хос ўтиш даври зиёлиларидан бири сифатида ўз қарашлари ва ҳаёт фалсафасини Ғарбдан олган бўлса, ич дунёси ҳамон турк халқининг шонли мозийси билан чамбарчас боғлиқ эди.

Танпинар ижодида шеърият катта аҳамият касб этади. Ёзувчи шеър ёзмаган дамларида, яъни "жим қолган" пайтларида роман ва ҳикояларини қаламга олганини эътироф этиши унинг шеърга бўлган муносабатини янада очиқроқ кўрсатиб беради: "Шеър, ёзишдан кўра кўпроқ жим қолиш санъатидир. Айни мана шу жим қолган, шеърда айтолмаган нарсаларимни ҳикоя ва романларимда тасвирлайман. Шу сабаб қоғозга тўкилмаган қалб сирларим, шеърларимнинг калитларини роман ва ҳикояларим беради". [Ahmet Hamdi. 2.] Шу сабабдан ҳам ёзувчига машҳурлик келтирган унинг шеърияти эмас, айнан насрий асарларидир. Унинг ижодида ҳикоялар у қадар кўп эмас, аммо у ёзиб қолдирган 14 ҳикоя замонавий турк адабиётидаги ҳикоячиликнинг шаклланиши ва ривожида жуда катта ўрин тутади. Аҳмед

Танпинар дарҳақиқат замонавий турк ҳикоячилигига тамал тоши қўйган адиб сифатида эътироф этилади.

Танпинар ҳикояларида туш ва ҳақиқатнинг ўзаро уйғунлиги, замон воқеаларининг ўзига хос услубда акс эттирилши, сюжетдаги психологизм, кўпмаъноли, кўпқиррали рамзлардан моҳирона фойдаланиш ўнг планга чиқади. Ва бу Танпинар ҳикояларининг бетакрорлигини, ёзувчи ижод қирраларини ўзига хос услубга эга эканлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткичлардир. У ҳикояларида ҳар доим "гўзаллик яратиш" сари интилади. Ҳикоя, Танпинарга кўра, "ҳаёт гўзаллашиши" учун ёзилиши керак. Танпинар ҳикоялари ихчам, ҳажми катта у қадар катта бўлмаса-да, яхлит бир тугалланган сюжет, фалсафий маънога эга. Бу ҳикояларнинг барчасида туш, мусиқа, замон, кўзгу, сукунат, Ватан соғинчи, сир, тасодиф, эртак, танглик, ваҳима каби калит сўзлар учрайди. Ёзувчи ижодида бу сўзларнинг изоҳи, улар билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат муҳим ўрин тутади.

Унинг ҳикояларида яққол кўзга ташланадиган мотив, шубҳасиз, тушдир. Танпинар ижодида туш етакчилик қилади. Ёзувчи туш хусусида кўп мушоҳада юритади, уни ижодининг асоси деб билади. Инсон тахайюли чўққиларидан бири бўлган тушни Танпинар айри бир санъат сифатида кўради ва унга санъат асари каби қарайди, талқин қилади. Шу билан бирга, у тушни санъат билан чамбарчас боғлиқ бадиий тафаккур воситаси деб ҳам ҳисоблайди. Танпинар ижодида туш у қадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ҳам, у илмдаги туш билан боғлиқ тадқиқотларни жиддий ўрганади, турли ёзувчилар ижодидаги туш мотивларига диққат қаратади. Бу йўл орқали ёзувчи сифатида Танпинар туш ҳақидаги ҳам илмий, ҳам ижодий қарашларни синтез қилади ва ижодига хос "туш бадийяти"ни яратишга уринади. Танпинар санъат манифести сифатида таърифлаган "Анталялик ёш қизга мактуб"да шундай дейди: "Асл эстетик қарашим Валерини таниганимдан кейин (1928 – 1930 йилларда) шаклланди. Бу эстетик қараш ёки шеърга берган таърифларимни "туш" сўзи ва "онгли меҳнат" ғоясининг қоришмаси дейиш мумкин. Ёхуд мусиқа ва туш. Валерининг "тушларини қоғозга туширишни истаган киши ўта зийрак бўлиши керак" жумласини "ўта зийрак ҳаракат ва меҳнат орқали дилда туш ҳолатини қурма" тарзида ўзгартиринг, менинг шеър ҳақидаги тушунчамни билиб оласиз". [Ahmet Hamdi. 2.] Танпинар "Мактуби"ни ўқиган киши ижодкор учун насрнинг назмдан фарқ қилмаслиги, улар бир хил эканлиги ҳақидаги тасаввурларини, эътирофларини англаши қийин эмас.

Аҳмед Танпинар ҳикояларини ҳеч иккиланмай "туш ҳикоялари" дейиш мумкин. Хусусан, "Абдуллоҳ афандининг тушлари", "Тушлар", "Ёз ёмғири", "Ўтган замон либослари", "Одам билан Ҳавво" ҳикояларини "туш"га асосланган ҳикоялардир. Бу ҳикояларда Фрейд ҳамда туш ҳақида мушоҳада қилган бошқа олимларнинг қарашлари сезилади. Тушлар қаҳрамонлар учун баъзан ҳаётга бўлган муносабати, баъзан эса беморлик ҳолатининг асл сабабидир. Аммо ҳикоя қилувчи / ёзувчи учун туш шакл танлаш, гўзаллик яратишнинг асосий унсури ҳисобланади. У бошқа ҳикояларида "туш"дан

“фойдаланмаса” ҳам, сюжет ривожида ўқувчини “эртак”, “туш” каби хаёлот оламига етаклайди. Шу сабаб ҳам бу ҳикояларда кўллаган ўхшатишларда “туш” шаклларига мурожаат қилади. Ҳикояларда “туш” чорасиз одамга умид бағишлаш, бошига тушган машаққатлардан қутулиш истагини оловлантиришга қодир умид учқуни бўлиб кўринади. Танпинар ҳикояларида “туш” рассом тасвирлашга уринган манзара, ҳолат, тахайюл кенглиги каби тушунчаларга эга. Чунки ёзувчи “туш”га “афсоналарнинг фарзанди” сифатида қарайди ва талқин қилади.

Танпинар ижодига хос бўлган яна бир унсур бу, мусиқадир. Ҳикояларидаги “туш”ни “мусиқа” билан “тўлдириш”га ҳаракат қилади. Танпинар мусиқани кўзларини юмган ҳолда тинглар экан, таралаётган куй уни тахайюл оламига етаклайди ва кўз ўнгида “жисм”ларни жонлантиради. Бу борада ўзида кўплаб тажриба қилган ёзувчи кўз ўнгида “жонланган” воқеликни “уйғоқ ҳолатда кўрилган туш” дея таърифлайди. Бундай “тажриба”ларни унинг кўп ҳикояларида кузатиш мумкин. “Анталя мактуби”да шундай ёзади: “... тушдан ҳам кўра кўпроқ туш кўраётганнинг кўнгилдан кечаётган кечинма, туйғу муҳимдир. Бу асл туйғудир. Мусиқийлик даврага кириб келади. Чунки бу туйғу мусиқашунос бўлмаслик шарти билан мусиқани севганларда мазкур санъатнинг уйғотган ҳиссига ўхшайди. Буни яшаб турган даврамиздан бошқа замонга ўтиш дея таърифлайман. Бошқача ритми бўлган ва макон, ашё билан ичдан манба олган замон”. Тоҳир Абажи таъкидлаганидек, мусиқа Танпинар асарларининг борлиғи, ҳатто баъзида тўғридан-тўғри эгасидир. Зеро, ёзувчи бор гўзалликни мусиқа орқали ифодалайди. У миллий турк мусиқасига қанчалар ошиқ бўлса мумтоз Ғарб мусиқасига ҳам шунчалар асирдир. Мусиқа тинглаш ёзувчи учун бир айри маросим, ушбу маросимнинг кульминацияси эса ўзликдан кетиш, экстаз онидир. Танпинар наздида мусиқа илоҳий мўъжизадир.

Танпинар ҳикояларидаги яна бир мотив бу, замон. Танпинар замонни яхлит тасаввур қилади, у ҳеч қачон парчаланиб кетмайди. Ҳикояларда “на замон ичида, на ундан ташқарида”да бўлган қаҳрамонлар бутунлай тараддудда яшайдилар. Қаҳрамонлар “худди ўша пайтда бажарган ва гапираётган нарсалардан бошқа ичида муҳимроқ, ҳаётини чуқурроқ эгаллаган тушунча ортидадир, алоҳида ва фақат ўзига хос замонни яшаётгандек”лар. Танпинар замон тушунчасида “давомийлик”, “узвийлик” тарафдоридир. Пруст, Гегел, Бергсон бу мавзуда унга йўл кўрсатувчи маёқлардир. Замон кетма-кетлигига мос келмаган қаҳрамонлар трагик вазиятга тушади. Мозий инсоннинг ҳар доим ортида яшайди. Жуда кўп қаҳрамонлар ўтмишида яшайди, бу эса патологик ҳолат тарзида майдонга келади. Ичида бор бўлган онни бирхил қабул қилмайдилар. Ўтмиш бугунга айланади ва онни / ҳозирни бўғади».[Ahmet Hamdi. 2.]

XX аср давомида юз берган маданиий ва ижтимоий янгиланишлар, эврилишларнинг бевосита иштирокчиси сифатида Танпинар ўзи ҳис қилган барча ҳолатларни ҳикояларидаги қаҳрамонларга кўчиради. Бир тарафдан у

янгиликка, ўзгаришга мойил бўлса, иккинчи тарафдан эса мозийдаги анъаналарга содиқ. Жамият ҳаётига кириб келаётган ҳар қандай янгилик замон ва бутунликни парчаланишига, онгнинг маълум маънода “яраланишига” ҳам сабаб бўлади. Танпинар асарларидаги қаҳрамонлар ҳозирги замон билан мозийнинг тўқнашган нуқтасида, замонлар синтезида яратилгани сабаб ҳам уларнинг руҳиятлари ана шу синтез натижасида парчалангандек гўё. Улардаги бу руҳий парчаланиш асардаги чигал нуқталарнинг ҳал қилинишида ётган иккиланишда, танлай билмасликда кўзга ташланади. Танпинар қаҳрамонлари замондан хушланмаган, қандайдир бўшлиқдаги инсонлардир. Бу инсонлар уйқу ва уйғоқлик ўртасида кўрган хаёллардан, тушлардан йўл, из топишга ҳаракат қиладилар. Шу маънода туш улар учун ўзларидан қочиш, тузоқлардан қутулиш, реал ҳаётда эриша олмаган мақсадларига эришиш.

Қаҳрамонларнинг деярли барчаси руҳан синиқ, иккиланувчи шахс сифатида намоён бўлади. Воқеаларга боғлиқ аниқ бир фикрлари йўқ. Барча қарама-қарши фикрларни ўзларида мужассам этишади. Замон оқимига ўзларини ташлашади. Уларнинг ёнларидаги персонажлар ҳам ўзлари каби танлов олдида нима қилишини билмай турган шахслардир. Уларнинг барчаси асардаги воқеаларни, вазиятларни ҳал қила оладиган тўғри тушунчалардан мосуводирлар. Ҳар доим “остона”дадирлар.

Танпинар ҳикоялари социология, психология, фалсафа, тасаввуф, рассомчилик, меъморчилик, хаттотлик, мусиқа, кино, театр, тарих сингари кенг, чуқур маданият илмига таянади. Унда ҳам Шарқ, ҳам Ғарбнинг фалсафий, ахлоқий, ижодий қарашлари излари сезилади. У ижодини бойитувчи ҳар қандай фалсафий қарашларни ўрганади, улардан фикр олади, ижоди ва услубига татбиқ этади.

Абдулҳақ Шиноси Ҳисор фикрига кўра, Танпинарнинг “камтар, хаёлпараст, санъаткор, савдойи, ўз мусиқалари хотиралари билан ўз муаммолари ичида яшаган” қаҳрамонлари Достоевскийни, Шукран Қурдақул таъбирича, даҳшат ботқоғида типирчилаётган бу характерларнинг баъзилари Нежиб Фозил шеъриятини, гоҳ-гоҳ эса Паёми Сафо ижодини эслатади. Ўрхон Ўкай фикрича, унинг қўрқув ва туш ҳоким бўлган ҳикояларида Эдгар Аллан По ижодининг таъсири сезилади. Суҳа Ўғузэртем Танпинарнинг Зигмунд Фрейд ижодидаги туш тафсирларидан ва психоанализдан таъсирланган ҳикояларида, хусусан, Жеймс Жойснинг тасвир излари борлигини таъкидлайди. Илҳан Алемдар эса “Танпинар ҳикояларида сув, тупроқ, зулмат, қўрқув ва шунга ўхшаш турли рамзларга тез-тез мурожаат қилади. Руҳий таҳлиллар ифодасида ва фойдаланган рамзларида Бачелорднинг таъсири маълум”, - деб фикр билдиради. Тоҳир Абажи эса унинг ижодини шундай баҳолайди: Яҳё Камол, Нитше, Бергсон, Камю... Шак-шубҳасиз, буларнинг бари тўғри. Аммо ҳеч қандай таъсир унда намоён бўлмайди ва буюк ёзувчининг фақатгина материали, йўл кўрсатувчиси бўлади. Натижада Танпинар бу таъсирлардан оригинал ёзувчи бўлиб етишишнинг уддасидан чиқади.

Танпинар ҳикояларида кенг, теран маънавий қарашлар ётади. Фалсафий масалалар, тарихий латифалар, мусиқий ифодалар, мифологик қарашлар, туш тортишувлари... Ҳикояларда жуда кўп машҳур исмларга, тушунчаларга дуч келамиз. Авлиё Чалаби, Ҳофиз, Мавлави Меҳмед Пошо, Муртазо Пошо, Азиз афанди, Бектош оға, Итри, Бакир оға, Тузсиз Дели Бакир, Доктор Моро, Галилей, Дабуси, Биринчи Шарл, Қирол Гудеа, Персефона, Равел, Шекспир, Софокп, Қирол Оидупус, Антигона, Отелло, Сервантес, Давид Копперфилд, Бодлер, Куинси, Наполеон, Искандар, Гулливер, Фауст сингари бир қатор номларни тилга олади.

Танпинар тилга янгилик олиб кирган ёзувчилардан эмас, балки анъанавий ёзувчилардан бири. Тилда соддаликка интилмайди. Фикрини ифода эта оладиган ҳар қандай сўздан фойдаланади. Унинг ҳикоялари тилида соф, равон туркча бор. Тилидаги кўзга ташланган жиҳат шеърий тилнинг мавжудлигидир. Худди ҳикоялар шеърий тарзда баён этилгандек туюлади.

Танпинар ҳикояларида кўпинча шакл устуворлик қилади. Даҳшат, қўрқув ва фантастик турда ҳикоялар ёзган Танпинар монолог, онг оқими, ўтмишга қайтиш, рамзий тасвир, мавҳумлаштириш сингари ифода усулларидан фойдаланади.

Танпинар замонга таяниб умуман турк адабиётининг, хусусан, турк ҳикоячилигининг йирик ёзувчилари қаторидан ўрин олган, ўзидан кейинги авлод ҳикоянависларга ҳам бой маънавий мерос қолдирган адиблардан биридир.

Адабиётлар

1. Mustafa Yücel, Ahmet Hamdi Tanpınar, Berikan Yayınları, Ankara, 2002.
2. Ahmet Hamdi Tanpınar, “Antalyalı Genç Kıza Mektup”, Edebiyat Hakkında Makaleler, Dergâh Yayınları, İstanbul, 1992.

ЎЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Улуғбек ҲАМДАМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Машҳур қозоқ шоири, айни дамда, ёзувчи, дипломат, бадиий ва илмий фаолияти Қозоғистон меҳнат қаҳрамони, Қозоғистон халқ шоири каби юксак унвонлар билан тақдирланган Ўлжас Умарович Сулаймонов 1936 йил 18 майда Қозоғистоннинг аввалги бошкенти бўлмиш Алма-Ата шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Шунингдек, у жамоат фаоли ҳисобланиб, “Невада-Семипалатинск” деб номланган антиядровий ҳаракатга асос солган. Ўлжас Сулаймонов забардаст лирик шоир бўлиш билан бирга, тилшунос, архившунос, тарихшунос ва адабиётшунос тадқиқотчи сифатида ўлмас бир ишнинг муаллифи сифатида ҳам тарихда ўзидан ёрқин из қолдирган-қолдираётган олимдир: бу унинг ёзилганидан бери дунё олимлари орасида баҳсу мунозараси сира тўхтамаган “Аз и Я” асаридир.

Ўлжас Сулаймонов 1954 йилда мактабни тамомлаб, Қозоқ университетининг “Геология-қидирив” факультетига ўқишга киради. Уни 1959 йилда якунлаб, муҳандис-геолог мутахассислигига эга бўлади. Яъни шоирнинг бирламчи касби ижоду адабиётдан, айниқса, тилшуносликдан бутунлай йироқ соҳа бўлиб, тақдир унинг йўлини 1955 йилдагина адабиёт томон буради. 1959-1961 йилларда Москвадаги Горький номидаги Жаҳон адабиёт институтида таҳсил олади. Бироқ айрим сабабларга кўра, шоир ўқишни якунламасдан Қозоғистонга қайтишга мажбур бўлади ҳамда ўз юртида турли соҳаларда меҳнат қилади.

Ў. Сулаймонов 1962-1971 йиллар орасида «Қозоқфильм» студиясида бош муҳаррир, сўнгра «Простор» журналида бўлим мудири, 1972 йилдан эса Қозоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси котиби лавозимларида ишлаган. 1995 йилдан мустақил Қозоғистоннинг Италиядаги элчиси сифатида фаолият юритади. Шунингдек, шоир кўплаб расмий ва жамоатчилик вазифаларида ишлайди.

Ёш Ўлжаснинг илк тўплами — “Арғумоқлар” 1961 йилда нашр этилади. Секин-аста эса шоирнинг “Қуёшли тунлар” (1962), “Ажойиб тоб”, “Оловнинг кўчиши”, “Юмалоқ юлдуз”, “Қутлуғ тонготар” (1964), “Маймун йили” (1967), “Сопол китоб” (1969) шеърий китоблари, “Оқдарё устида” (1970), “Бутун бахт” (1975), “Аз и Я” (1975) каби ўнлаб шеърий, насрий, илмий китоблари ўқувчилар қўлига етиб боради.

Унинг шоир сифатида дастлабки энг катта муваффақияти инсоният тарихида космосга илк парвоз қилган Ю. Гагаринга бағишланган шеъри билан боғлиқ эди. Бу вақтда Москвадан келиб “Қозоқ ҳақиқати” газетасида ишлаётган шоирга газета муҳаррири мавзу бўйича шеър ёзишни топширади. Ёзилган шеър жуда тезлик билан машҳурликка эришиб, самолётдан аввал Алма-Ата шаҳрига, кейин Қозоғистоннинг бошқа шаҳарларига сочиб тарқатилади. Кўп ўтмай эса, мазкур шеър асосида “Инсонга таъзим қил,

Замин!” (Достон номини “Қойилмисан инсонга, замин!” дея ўгирувчилар ҳам бор) деган достон пайдо бўлади. Кўриниб турибдики, шоир ўз даврининг фарзанди сифатида унда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимо ҳозиржавоб бўлиб яшаган. Бундай ҳозиржавоблик 60-йиллар шоирларининг аксарияти ижодига хос бўлиб, айни вақтда ва бироз кейинроқ ўзбек шеъриятида Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон каби забардаст шоирлар худди шундай вазифани адо этганлар. Яъни бу авлод шоирлари ўз даври муаммоларининг самимий ва ёрқин таржимонларидир.

Мутахассислар 60-йиллар авлодига мансуб шоирларнинг яхши шеър ёзиш билан чекланмай, ёзганини қойилмақом қилиб ўқиши талаб қилинганини ҳам эслашади. Яъни давр шундай бир давр эдики, хонанишинлик четга сурилиб, шеърият кўпнинг дардини куйлашга бел боғлаганди. Ўлжас Сулаймонов ҳам ана шундай шоирлар сирасидан бўлиб, кўпнинг, элнинг, миллатнинг, керак бўлса, инсониятнинг дардини тарих воситасида куйлаш йўлини танлади. Шундай қилиб, у тарихни куйлади. Тарих эса, туркий миллатнинг шонли даврларини унинг кўз ўнгида сеп каби ёйди. Натижада Ў. Сулаймонов тарихчи шоир бўлиб танилди: туркийлар тарихини, қипчоқлар ҳаёти ва кўнглини шеъриятга кўчирди ва бу ишни умрининг, ижодининг бош аъмоли даражасига кўтарди.

Ў.Сулаймонов икки – қозоқ ва рус маданияти негизида шаклланган шоир. Ҳар икки маданиятнинг энг кучли тарафини ўзига сингдирган. У қозоқ – қипчоқ, умуман, туркийлар тарихини рус тили орқали тараннум этди.

Айни вақтда, 60-йиллар авлоди она заминнинг, унинг бугунию эртаси қайғусини ўз қайғуси билиб қалам тебратди. Гўё қалам воситасида дунёни, курраи заминнинг дардини сўриб оладигандек эди улар:

Замин, айланайин, ўргулай, замин,
Жону дилим билан сенга бойландим.
Дардингни олайин, қурбон бўлайин,
Сўнгсиз йўлларингда тинмай айлангум, –

дейди шоир бир шеърида. Ҳа, бу авлод вакиллари ҳаёт деб аталган кенг-мўл майдонга тушиб, ҳамма нарсадан маъно қидирган ва топган, шундан келиб чиқиб уларга муносабатда бўлган шоирлар эди. Бас, шундай экан, улар замин атрофида гиргиттон бўлдилар: унинг гуллаган бўстонидан севиниб, қон силқиган ярасига малҳам босишга уриниб ижод қилдилар.

Ў. Сулаймон лирикасини ичига шўнғиб борар экансиз, унинг шаклу шамойилидан тортиб, мазмун-маъносигача дашт одамларининг озод руҳини ҳис қиласиз. Мавзу, образ, деталлар ҳам қайноқ ҳаёт бағридан олинган: овчи, бўри, чўл, қасос, ўт, майса, йигит, қиз, от, қипчоқ, дала, қозоқ...

Ўҳ, қозоқ, шўрлик,
Қозоқ манглайига қисмат ёзилган –
Қаёққа юз бурса, фақат чўл, чўлдир...

Лекин шоир ўзи мансуб бўлган саҳройи халқи ҳаётидаги яхшиликларни ҳам топади, топиб алқайди, суяди, айни пайтда, бу билан кифояланмай,

топганларини энг баланд пардаларда – бўғзини йиртарчасига куйлайди. “Ажаб, у ерлар гиёҳ битмайдиган чўлу биёбон бўлса, нега бунча ҳаяжон?” деган табиий савол туғилади. Жавоб шоирда бор. Жавоб – Ватан!..

Небраскага борар эдим-у,
Соғинибман Ватанни, укам,
Унда ҳам шу манзара ва шу …
Ватанимга қайтаман, укам.
Унда адай дашти бор, азал
Янтоқ ўсар, чимчир совуқ ҳам,
От бор, чанг бор! Жуда ҳам гўзал!
Ватанимга қайтаман, укам...

Сарсор солсак, худди мана шундай анология ўзбек шеъриятида ҳам “манаман” деб турибди. А. Ориповнинг талай шеърларини, хусусан, машҳур “Қарши қўшиғи” номли отасига бағишланган каттагина битигини ўқир эканмиз, юқорида қайд этилганга яқинликни, ҳамоҳангликни, уйғунликни кўрамиз, ҳис қиламиз:

Мана бу кун, эй юртим, ғоз турибман қошингда,
От айланиб жойини топар, деганлар доим.
Сен ҳақингда шеър битиш шарафи бор бошимда,
Эй, сен саҳройи халқим, эй сен, туғилган жойим.

От айланиб топган жойи – чўл, дашту биёбон бўлса ҳам, бу жой саҳройи халқи яшаётган жойдир ҳамда бу жойнинг оти – Ватан!

Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил саҳро бари,
Фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмга.
Унча ҳам сулув эмас саҳронинг жонзодлари,
Насрга ярашмаса, ярашмайди назмга.

Аммо борлиғи қип-қизил саҳродан иборат ернинг табиат инъони бўлмиш фасли бор – баҳор:

Лекин унинг баҳори, о сен, чўллар баҳори,
Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин...

Айнан мана шундай жойларнинг гўзалликлари яна-да чиройли, яна-да хуш бўлади, одатда. Буни ҳар икки шоир жуда аниқ ва тиниқ кўради. Чунки улар борлиқдаги контрастлар зимнидаги гўзалликларнинг ошуфтаси. Ахир, кечагина атроф-жавониб чўл эди, гиёҳ битмайдиган дашту биёбон эди, бугун бирдан жилмайиб, чечак очиб, кўкламой кириб келди. Бундай юртнинг кўклами онанинг дийдоридек ширин бўлмасдан яна нима бўлсин! Ҳар икки – қозоқ шоири ҳам, ўзбек шоири ҳам ўз элининг чекига тушган гиёҳ битмайдиган чўлу биёбонлардан сўз очмоқда: бироқ қақраган табиати учун уни ёмонотлиқ қилмаяпти, балки гўзалликларини топиб алқаяпти, севяпти,

кўкларга кўтариб мадҳ этяпти. Чунки униси – Ватан, буниси эса шу Ватаннинг бир парчаси – фарзанддир, фарзанд!..

60–йиллар авлодига эргашиб, уларнинг шеъриятдаги ҳаётбахш анъаналарини давом эттириб, ўзлари ҳам адабиёт тарихида “70–йиллар авлоди” деган номни яратиб кириб келганлардан бири – Ўзбекистон Халқ шоири Хуршид Даврон “Ўлжас Сулаймонов ҳақида мухтасар сўз” номли мақоласида “70-80 – йилларда ёш ўзбек ижодкорларининг интилишлари тимсолларидан бири таниқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов эди” деб ёзадики, бу ҳаққи рост эди. Чиндан ҳам 60-йиллар авлоди вакилларидан А. Вознесенский, Е. Евтушенко, В. Высоцкий, Қ. Қулиев, Р. Ҳамзатов, Ў. Сулаймонов каби шоирлар парчаланиб кетган шўро ҳукмронлиги даврида мамлакатга бир ютим тоза ҳаво олиб кирган улкан ижодкорлар эдилар. 1986 йилда АҚШда чоп этилган журналлардан бири “Аз и Я” ни А. Солженицыннинг “ГУЛАГ Архипелаги”дан кейин мамлакатда янгиланиш нафасини олиб келган иккинчи асар деб бежиз эълон қилмаган эди.

“Аз и Я” асари икки қисмдан иборат бўлиб, илк боби русларнинг “Игорь жангномаси” (Тўлиқ номи – “Игорь қўшини ҳақида жангнома”дир). достонининг лексик бойлигининг таркиби устида амалга оширилган лингвистик тадқиқотдир. Бу ерда тадқиқотчи асар сўзларининг катта бир қисми (30 фоизгача) туркий сўзлардан ташкил топганини аниқлаган, илгари сураётган ғоясига исботу далиллар келтирган. Албатта, катта бир халқнинг эпосида иштирок этган лексика талай қисмининг ўзга тилга тегишли бўлиб чиқиши эпос эгаси бўлмиш миллат олимларини ўйлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам асар битилгандан, яъни 1975 йилдан то шу кунгача “Аз и Я” устидаги баҳсу мунозаралар тинган эмас. Ўз ватқида СССР Фанлар акедемиясининг тил ва адабиёт бўлимида муҳокама қилиниб, кимдир Сулаймоновнинг тил тарихини билмасликда айбласа, кимдир тилшунослик тарихи бўйича дилетант, яъни ҳаваскор даражасида иш тутганини иддио қилади (масалан, академиклар Д.С.Лихачев, Л.А. Дмитриев, О.В. Творогов), бошқа бировлар эса туркий халқлар ўтмишини ҳаддан ташқари идеаллаштиришда айблайди ва ҳ.к. Ў. Сулаймоновнинг ўзи бўлса, асар ёзилган вақтда жамиятда билингвизм ҳукм сурганини, бас, асар вужудга келишда ҳар икки тилдан баравар фойдаланганлиги ўз даври учун ғоят табиий бўлганлигини, икки тилли (зуллисонайн) автор иккитилли ўқувчига хитоб қилиб ёзганини таъкидлайди. Бундан унинг рус халқини ерга уриб, туркийларни кўтариш даъвоси йўқлигини англашилади. Шунга қарамай, Ў. Сулаймонов танқидий қарашлардан ҳисобга олиб “Аз и Я”ни қайта ишлайди, айрим тузатишлар киритади, лекин асосан ўз қарашларида қатъий қолади. У айтадики: “Совет тарих фанида қипчоқ (половец) ва татар-мўғул истилоси даврида рус тилига “арқон” ва “қимиз”га ўхшаш бир неча туркий сўзлар кириб келган, холос, дейилади. Мен ҳамиша русча деб қаралган кўринмас ТУРКИЗМлар ҳақида ёздимки, худди шу нарса академикларни жунбишга келтириб юборди. Қанчалик ғалати бўлиб туюлмасин, мен “Игорь

жангномаси”нинг қалдирғоч билингвистик ўқувчиси бўлдим”. “Кўринмас туркизм” деганда Ў. Сулаймонов асли туркийча бўлиб, кейинчалик трансформацияга учраб, кўринишидан тамомийла русчага айланган сўзларни назарда тутганини эътиборга олсак, олимнинг нима демоқчи бўлгани яққол англашилади.

Мана, масалан, “буйтур” сўзини олайлик. Олим ёзади: “Всеволод тахаллуси – “буйтур”ни мустансих сезмаган туркизмлар сирасига киритаман. Йилномаларда бу князнинг ҳарбий истеъдоди ва мардликлари алоҳида қизиқиш билан ёритилади. “Игор достони”нинг кўп жойида унинг жанговар қаҳрамонликлари васф этилади. Муаллиф Всеволодни “буйтур” деб аташи беҳуда эмасга ўхшайди. “Ботир” сўзининг келиб чиқишини тушунишни истовчи туркшуносларучун бу топилма (батур, боотур, богатур, богатыр). “Игор жангнома”си (“Игор достони”) XIII асрдан сўнг кенг ёйилган бу атаманинг эски шаклини сақлаган ягона обидадир. X аср манбаларида ҳали йўқ эди... Тўғрироғи, XI-XII аср қипчоқ муҳитида пайдо бўлди (буй-туре, бўй тўра; аслида бойтўра, ёки бектўра, бейтўра, бийтўра – тарж.) ҳам бўлиши мумкин, лекин “бўй-тўра” тўғрироқ, сўзма-сўз таржимаси: ўйчан жаноб, юксак, баланд, новча жаноб). Волга туркларитил хусусиятларини ўзида сақлаган.

... Игорь ждетъ мила брата Всеволода.
И рече ему буйтуръ Всеволодъ...”
(Йўлдош Эшбек таржимасидан).

Асарнинг иккинчи қисми “Шумернома” деб аталади. Бу ерда тадқиқотчи шумерларга тегишли миххатлардаги 60 та туркизм (туркий сўзлар)ни келтиради. “И.М.Дьяконов мисол сифатида юздан сал ошиқ шумерча сўздан фойдаланди. Мен 60 тасини тўпладим. Гарчи 50 ёки 80 сўз топишим мумкин эса-да, нечун 60 рақамида тўхтадим? Чунки Шумер(ча)да бу рақам олий ҳисоб ўлчовидир. 60 – энг сўнгги – энг юксак сон ҳисобланарди – 60х60, 60х60х60 ва ҳ.к. 60 лик ҳисоб анъанаси шундан бери келмоқда: дақиқа – 60 сония, соат – 60 дақиқа, доира-айлана – 360^{o} ва ҳ.к... Шу рамзни тутамиз, балки ёрдами тегиб қолар. Тўлиқ луғат тузишганда ёки тадқиқ этишганда илк 60 сўз (орти)дан майли, 60 ва 360 баробар кўпроғини бошқалар топишсин. Лекин менинг қаноатим шу – тотини билиш учун бутун Тинч уммонини хўплаб юбориш, ҳаммасини ичиб қўйиш шарт эмас, шўрини шамол юзингга пуркаган бир неча шўр томчи ҳам кифоядир” деб ёзади Ў. Сулаймонов “Аз и Я” асарида.

Лекин кейинроқ Ў. Сулаймоновнинг озарбойжонлик сафдоши ва издоши Ойдин Мамедов туркизмлар сонини 800 тага етказиб аниқлади. Ҳозирда бундай туркизмларнинг сони 1000 тага яқинлашди. Ў. Сулаймоновнинг ўзи ҳам ҳалигача мазкур иш устидаги изланишларини тўхтатган эмас. Бу ҳақда у турли давраларда кўп бора сўзлаган. (“Аз и Я” га бағишланган интернет материаллари)

Айтиш лозимки, “Аз и Я” нашр қилингандан кейин кўп ўтмай тақиқга учради ва унинг барча экземплярлари китоб дўконларидан йиғиштириб олинди. Бу ҳол муаллифнинг ўзига ҳам қаттиқ таъсир қилиб, у саккиз йил давомида деярли шеър ёзмади.

“Нима учун китоб бундай ноодатий номланишга эга?” деган савол туғилади. Бунинг сабабини муаллиф шундай изоҳлайди: “Қадимги рус ва қадимги славян лаҳжаларини ўрганар эканман, “Азия” сўзида бир вақтнинг ўзида бир олмошнинг икки шаклини илғаб қолдим: кўҳна “Мен” ва замонавий “Мен”. Демак, Ў. Сулаймонов айтмоқчики, бу ерда икки “мен” бор, бири кўҳна, иккинчиси эса янги, ҳозирги “мен”. Асарни ўзбек тилига жуда катта меҳнат ва матонат билан таржима қилган истеъдодли шоир ва мутаржим Йўлдош Эшбек ёзади: “Аз и Я – қадимги рус алифбосининг биринчи ва охирги ҳарфлари, яъни бошланғичдан охирига қадар маъносида; эски тилда – сен ва мен; шунингдек, Осиё каби маънолари ҳам бор”.

Бир қарашда чиройли сўз ўйинидек туюладиган ном остида улкан тадқиқот маъносига ишора қилувчи мазмун яширин: “бошдан охирни қамраб олиш”. Қолаверса, руслар “Осиё”ни “Азия” дейишади. Бас, шундай экан, бу ерда туркийлар макон тутган жой номи ҳам англашилиб туради, дейиш мумкин.

Яна шоирнинг лирикасига қайтамиз. Қозоқ шоирининг рус тилида битилган шеърлари ўзбек тилида ҳам гўзал шаклларда жаранглаган, уларга тартиб берилиб, тўпламлар чоп этилган. Ў. Сулаймонов шеърларини ўзбек тилига Р. Парфи, У. Азим, Ш. Раҳмон, С. Раҳмон, М. Раҳмон, А. Суюн, Ф. Камолова, М. Мирзо, М. Кенжабоев, С. Саид каби шоирлар маҳорат билан ўгирганлар. Айтиш керакки, Ўлжас Сулаймонов эскирган эмас, унинг асарлари таржималари ҳали-ҳануз давом этмоқда. Чунончи, икки таниқли шоир ва таржимон Йўлдош Эшбек ҳамда Ойдиннисо амалга оширган таржималари сўзимизнинг яққол исботидир. Й. Эшбекнинг, ўзига яраша камчиликларидан қатъий назар, улкан тадқиқот устига қурилган “Аз и Я”ни таржима қилиб, элимизга тутгани бу – ўзбек таржимашунослигида алоҳида воқеа. Унга ҳали кўп ва хўп тўхталинади. Шоира Ойдиннисо тақдим этган янги таржималар шуни кўрсатадики, вақтлар ўтгани сайин у ёки бу дурдона асарларнинг янги таржималарига эҳтиёж ҳамиша сақланиб қолаверар экан. Умуман, бир вақтнинг ўзида икки таржимон амалга оширган таржималар турлича чиқиши ғоят табиий эканлигини қабул қилишимиз керак. Чунки ҳар бир таржимон аслий матнни ўзига қараб турган томонини кўради, тушунади, ҳис қилади ва ўгиради. Шунинг учун ҳам қўлингиздаги китобда, оз бўлса-да, бир шеърнинг икки хил – бир-биридан анчайин фарқланиб турувчи ўгирмасига ҳам дуч келишингиз мумкинки, буни ўқувчи такрор деб ўйламасин.

Шунингдек, қозоқ шоирининг шеърлари дунёнинг кўплаб бошқа, жумладан, инглиз, испан, француз, олмон, венгер, чех, польяк, слован, турк, мўғил, тожик, қирғиз каби элликдан ортиқ тилларга таржима қилинган. Айниқса, шоирни Францияда жуда яхши билишади, шеърларини севиб

ўқишади. Ў. Сулаймоновнинг турли даврлар маҳсули бўлган “Маймун йили”, “Сопол китоб” каби тўпламлари Францияда нашр қилинган ва нозиктаъб шеърхонлар томонидан жуда илиқ кутиб олинган.

Ўлжас Сулаймоновнинг шеърлари ва унинг ҳаётий фаолиятида ўзига хос муштараклик бор. Чунончи, шоир “Невада – Семипалатинск” антиядровий ҳаракатига асос солиш билан бирга, бу ҳақда лирика орқали дунёга ҳайқиради. 1973 йилда ўз даври учун ниҳоятда ўткир ва қалтис мавзуда битилган “Ёввойи дала” шеъри шундай мисра билан якунланади: “Яшасин синовларга қўйилган нуқта!”Шоир қандай синовларга қўйилган нуқта ҳақида сўзламоқда? Наҳотки, Бойконурдаги ядровий бомбалар синовига?.. Собиқ шўролар давлати айни кучу қувватга тўлган бир даврда-я?.. Ҳа-ҳа, айнан ўша даврда ҳамда шеърда сўз ядровий синовларни тўхтатиш устида кетмоқда. Шеър шу мақсадда ёзилган. Ҳозирги даврда бундай мазмунли битиклар битиш анчайин осон, ижодкордан алоҳида жасорат талаб қилмайди. Лекин бундай ҳаракатга асос солиш ҳамда бундай мавзуларда баралла ёзиш ўтган асрнинг 70 – йиллари учун шоирдан жуда катта мардлик, қаҳрамонлик талаб қиларди. Хўш, шоир нега бу ишга қўл урди? Чунки фақат 1949 ва 1963 йилларда ўтказилган атом ва водород бомбалари синовининг кучи Япониянинг Хиросима шаҳрига ташланган АҚШ атом бомбасидан 2500 марта қувватлироқ эди. Бундай ҳолда қозоқ тупроқларига жуда катта экологик зарар етказилаётган эди. Экозарардан ташқари, қирғин келтирувчи бомбалар синовидан инсониятга хайр йўқ, билъакс, фақат ва фақат хавф бор, хатар бор эди. Буларнинг барини ғоят теран англаган шоир ўз даврида, натижасидан қатъий назар, ҳам сўз билан, ҳам амал билан бомбалар синовига “Тўхта!” деди, дея олди.

Шоининг илк тўплами “Арғумоқ” деб аталади, деб ёздик. Тўпламдан жой олган “Арғумоқ” шеъри бор. Худди шу шеърда мард, жасур ва танти қозоқ элининг тарихий сиймоси яратилган десак айни ҳақиқатни сўзлаган бўламиз.

Йилқиси билан машҳур,
Қадим қипчоқ ерида
Оқиб боради уюр
Куйган ўтлар селида.
Томиримда қайнар қон,
Тулпоридан сайлаб бер.
Елдирай мисли бўрон
Остин-устун бўлсин ер.
Еллар аланга солсин
Арғумоқнинг қонига.
Қиёқ, алафлар қолсин
Туёқлар тўзонида.
Ҳужум, яшаш, – бу надир,
Арғумоқ билиб қўйсин.
Жасорат бизга тақдир,
Сўқмоқлар гулдурасин!

Шеърда нафақат қозоқ эли мансуб бўлган учта катта туркий уруғдан бири бўлмиш қипчоқлар сиймосига чизгилар чизилган, айни вақтда, унинг шонли тарихига ҳам ишоралар қилинган. Чунки томирида қон қайнаб тошган, сайлаб олинган тулпорларни бўрондай елдириб сўқмоқларни гулдиратиб чопган, туёқ остида қиёқу алафларни қолдирган кўйи (қиёқу алафлар бу ерда нафақат ўт-ўлан, шу билан бирга, душману ёвнинг ҳам рамзи ўлароқ келмоқда) ҳаёти мудом жангу жадаллар билан кечган улкан туркий қавм кўз ўнгимизда ёрқин гавдаланади.

Тантилик, мардлик қозоқнинг, туркийнинг қонида бор. Бу қон Ўлжас Сулаймоновнинг ҳам томирларида оқади. Унинг “Қумоқ қўшиғи” шеърида шу руҳ жуда гўзал шаклда акс этган:

Шамолдай еларман содиқ отимда,
Бир умр,
Бир умр ўзга ёқлардан,
Фақат чуқур излар қолур ортимда,
Вафодор отимнинг туёқларидан.
Токим ёмғирдан сўнг
Бу чуқур излар
Минг-минг пиёладай турсинлар қатор,
Ёвларим келганда ортимдан излаб,
Мендай ташналикдан
Чекмасин азоб.

Қаранг, содиқ, вафодор отида шамолдай елиб бораётган суворий нималарни хаёл қилмоқда? Отим туёқларидан қолган чуқур изларга ёмғир сувлари тўлиб, минглаб сув тўла пиёлаларни ҳосил қилсину ортимдан келаётган ёв мендек ташналар бўлмасдан чанқоғини қондирсин, демоқда. Бу ерда шеърдаги гўзал ташбеҳ (отнинг туёқ изларига ёмғир тўлишию пиёлалардаги сувларга айланиши!) дан завқ оласанми ёки лирик қаҳрамоннинг ўз ортидан қувиб келаётган ёвга яхшилик раво кўришидек инсоний баландлигидан – билмай қоласан, киши. Иккисининг кучи бирданига келиб онгу қалбингга урилганда эса, бадиий завқ бўйининг ўткирлигидан бошларинг айланиб кетади. Бундай шеърият ўқувчини мардлик ва гўзаллик руҳида тарбиялашига асло шубҳа йўқ.

Қозоғистон халқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг озод руҳли, ҳароратли шеърлари, туркий халқлар тарихи, тили бўйича олиб борган ўлмас тадқиқотлари, жумладан, “Аз и Я” асари нафақат қозоқ эли, нафақат туркий халқлар, айни замонда, умумбашар маданияти, адабиёти ва илмига қўшилган улкан ҳиссадир.

РОСТГЎЙ ШОИР

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада XX аср ўзбек шеъриятининг улкан вакили Рауф Парфи Ўзтурк ижоди ҳақида фикр юритилган. Р.Парфи шеъриятида Туркистон мавзуси қандай ўрин тутиши, айни мавзунинг тарихий омиллари нималардан иборат экани таҳлилий ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Лирика, лирик пафос, ички “мен”, лирик тафаккур, тарихий асос, маърифий талқин, лирик сюжет, лирик образ, лирик матн.

Рауф Парфи Ўзтурк – XX аср туркий адабиёт кашф этган мўъжиза, миллат ўтмиши, бугуни ва келажагини, олам ва одам хусусидаги ҳайратларини чўнг юрагига сиғдира олган шоир, ботин шеъриятининг ноёб вакилларидан. Зотан, туркий поэтик тафаккур бу каби ноёб кашфиётлар борасида қашшоқ эмас. Ўзининг илк қадамлари билан дунёни ҳайратга солган ўнлаб шоирлари бор унинг. Шу муҳташам карвоннинг бошида турмиш Ҳазрати Амир Низомиддин Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ёзадилар: “Ва мужмал тафсили будурки, Нуҳ алайҳиссалом тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам мажмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битарлар... Ва Ёфас ўғлонники, Абут-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дубтурки, нубувват тожи билан сарафроз ва рисолат мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу уччовнинг авлод ва атбоъи орасида шоеъ бўлди...” [Алишер Навоий. 2:10-11]

Ҳазрати Навоийнинг бу ёзганлари асл тарих ҳақиқатидирки, айни ҳақиқат, минг афсус, нафақат дунё, ҳатто атрокнинг баъзи жамоалари орасида ҳам бир неча асрдан бери жиддий қабул қилинмай келади. Бу жумлада қабул қилинмай келган, эҳтимол англаб етилмаётган биринчи ҳақиқат дунёдаги барча тилларнинг маншаъи уч тилга бориб тақалишидир. Иккинчи бир ҳақиқат, туркий тилнинг аввали ҳазрати Ёфасдан ибтидо олишидир. Учинчи, ва имкон қадар яшириладиган, тан олинмай келаётган ҳақиқат эса бош бобомиз ҳазрати Ёфас – Абут-туркнинг “рисолат мансаби била қардошларидан мумтоз” бўлганларидир.

Аҳли фан, аҳли моддиюн, аҳли мантиқ бу ўринда далил сўрайди. Далил сўрар экан, минг йилликлар тўзони аро юз берган тиллар ва миллатлар қоришуви (ассимляция) жараёни уларни чалғитади. Муқояса-ю солиштирмалар бирор натижа бермайди. Бошлар қотади, тиллар айланмай қолади. Баъзи ҳолларда бу каби асл ҳақиқатлар атай яширилади. Калаванинг топилган учлари яна тарихнинг чувалашган калаваси ичига қўшиб юборилади. Яна бир ажиб ҳол: бугунги дунё узра ҳукмрон мафкуралар ўз ҳақиқатини олам қулоғига қўрғошиндек қуядилар. Оқибат шу бўладики, рост сўз моддиюн мезонларига бўй бермай қўяди, оқибат асл ҳақиқатларга худди ғайбга ишонгандек ишониш, ботин товушига сомеъ бўлишдан ўзга чора қолмайди. Яратган шу тарзда башар иймони-ю ишончини синайди...

Хўш, асл ҳолимиз шу экан, глобаллашган дунё ичида бўғилган ботин товушини ким тинглайди, ким ҳис этароқ англайди? Асл ҳақиқат бу ёқда, дея ким бонг уради? Юраккуш шовқинлар ичра ғайб ҳақиқатларини ким тасдиқ этади? Албатта, шоирлар! Қуръони каримнинг “Шуаро” сурасида мақталган шоирлар, Рауф Парфи Ўзтурк каби ростгўй, “сўз водийларида” дайдимаган шоирлар... [Қуръони Карим.1:225-226]

Мазкур сура, гарчи “Шуаро” деб аталган бўлса ҳам, ундаги воқелик биз тушунган маънодаги шоир, адабиёт ҳақида эмас, балки башар тарихи ҳақида. Тарих бўлганда ҳам иймон, ислом, асл ҳақиқатлар тарихи ҳақида. Сурада Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳазрати Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб (алайҳимуссалом), уларнинг қавмлари хусусида ҳикоя қилинади. Ҳикоя қилинган тарихий воқеалар мазмунан жуда ўхшаш: деярли барча қавмларнинг ўз Пайғамбарларини ёлғончи қилганлари, таъқибу тазйиққа олганлари, ўзлари эса ёлғон хабарни ҳақиқат ўлароқ қабул этганлари, бошқаларга ҳам шу тарзда кўрсатишга уринганлари тўғрисида. Шоирлар ҳақидаги оятлар сура сўнгида, валлоҳу аълам, тарихнинг асл ҳақиқатларини тўғри қабуллаш, тушуниш, етказиш ҳақидаги ҳисса – хулоса ўлароқ келади. Албатта Қуръондаги ҳар бир ҳар бир товуш, ҳарф, сўз, жумла, оят, суранинг биз билмайдиган беҳисоб маъно-ю ҳикматлари бор. Айни пайтда, қуйида келтириладиган оятларнинг қосир ақлимиз билан англанган яна бир ҳикмати, унинг асл тарих ва уни асллигича етказиш масъулияти хусусидаги илоҳий кўрсатма эканидир. Суранинг “Шуаро” деб номланиши ва тугалламасидаги етти оят айни масъулиятнинг бутун башар, айниқса, Оллоҳ истеъдод берган шоирларга тегишлироқ эканини урғулайди.

Бу инжа ҳикмат улушини ҳис этиш учун оятларни тўлиқ келтирамиз: “221. (Эй Муҳаммад, айтинг: “Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? 222. Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб, 223. Эшитиб олганларини уларга ташларлар. Уларнинг (жинларнинг) кўплари ёлғончидир”. 224. Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. 225-226. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ва нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларини айтишларини кўрмадингизми?! 227. Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздирувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар”. [Қуръони Карим.1: 221-222-223-224-225-226-оятлар.]

Оятлар ҳикматидан англаган нисбий улушимизни бандлар асосида ажратиб кўрсатадиган бўлсак, тақрибан қуйидаги манзара ҳосил бўлади. *Ёлғончи шоирлар* (умуман бадиий ижодга даъвогарлар): а) аввало, ўз нафслари хоҳишига кўра шеър айтадилар (ўзларига ёққан одам ва нарса-ҳодисаларни асоссиз мақтайдилар, ёқмаганини таҳқирлайдилар); б) амал қилмаган ишларини тарғиб этадилар; в) бундай шоирлар гуноҳга ботган товламачилардир; г) шунинг учун ҳам уларнинг ҳомийлари, илҳом манбалари, “ёлғон ваҳий” олиб келиб, қулоқларига қуювчилари кофир жинлардир; д) айни шоирлар жинларнинг ёлғончилари ғайб оламидан

ўғирлаб айтган, чала, ҳақиқатга зид сўзларни “бадиийлаштирадилар”; е) ўз “асар”ларига “йўлдан озганлар”ни эргаштирадилар, шунинг орқасидан обрў, шон-шуҳрат, умуман, ўткинчи дунё учунгина ярайдиган моддий неъматларга эришадилар. *Ростгўй шоирлар* (умуман, иймонли ижодкорлар): а) ростгўй шоирларнинг энг муҳим фазилати – иймон келтирганлик, Оллоҳга бандалик; б) улар яхши амал қиладилар, амал қилган сўзларини айтадилар; в) уларнинг тиллари доимий зикрда бўлади; г) энг муҳими, ростгўй шоирлар дунёда мазлум, оламон кўзида мағлуб, аммо ислом зафар топгач ёки Қиёматда – ҳақиқат қарор топган Кунда музаффар бўладилар; д) улар ёлғончи шоирлардан фарқ қиларок “йўлдан оздиргувчи” эмас, тўғри йўлга бошловчилардирлар.

Такрорлаш ўринлики, туркий адабиёт тарихида “ростгўй шоир” мақомини бошда тутганлар жуда кўп. Уларнинг санаб саноғига етиш қийин. Аммо бу силсилада турувчи шоирлар ичида ёлғончилари ҳам кам эмас. Айниқса, кейинги уч-тўрт асрда, дунё йўриғи моддият жиҳатидан устунлар қўлига ўтган, “оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойни ўғли гапрадиган” даврларда шоир олдига катта синовлар келди. Танлов йўли эса иккита эди: яшаб қолмоқ ёки ўлмоқ. Бундай синов чиғириғидан айни замонда яшаб қолмоқнинг ўлим, ўлмоқнинг эса яшаб қолиш эканини англаган шоирларгина ўта олдилар. Рауф Парфи Ўзтурк мана шу тоифа шоирлардан эди ва айни сабабдан бугун ҳам яшаяпти.

Оқсоч тарих XX аср ўзбек шоирлари ичида ҳазрат Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”ида зикр қилинган “Абут-турк” номини шеърга солган Рауф Парфидан ўзга шоирни эслолмаса керак. Шоирнинг бу ном тарихи, унинг билан боғлиқ ҳақиқатлар, ҳис қилинган фахр, мақом ва фожиавий лаҳзалари ҳазрат Навоийга нақадар яқинлиги билан ҳайратга солади. Ҳолбуки, Рауф Парфи замонига келиб, асл ҳақиқат устини кул босган, ислом, иймон туйғуси, миллий фахр ҳисси қаро ер остига кўмилган, турклик сўзи мақом мазмунини унутган эди. Хотирот барҳақлиги-ю вазминлиги, хаёлот парвози рўёга эврилганди гўё. Шунга қарамасдан шоир туғилар, яшар, мукофотлар олар ва бу дунёни тарк этарди. Бепоён “Водийлар” эса ҳудудсиз осмон билан туташиб кетган, унда адашмаслик эҳтимоли эса нолга тенг эди. Бу замонда Қуръонда хабари келган, кофир жинлар олиб келадиган сохта “ваҳий” ҳаммолларининг қўли қўлига тегмасди. Бозор-дунёдаги энг қиммат ва энг арзон нарса ҳам шу “ваҳий” эди. Бундай “бемисл неъмат”дан баҳра олмаган шоир зоти қолмаган эди ҳисоб...

Шу тариқа “ҳисоб” нелигин унутган шоирлар гуруҳи оламни тутди. “Ваҳийлар” қуюнида адашган шоир борки, асл ҳикмат ҳақиқатин унутди, ботинида эсмиш маърифат эпкинин қўзғатмоқ нари турсин жиловлаб тутди, ҳақиқат гавҳарин ота сўзида келмиш – “думини кўрсатмай” ичига ютди. Оқибат ботин уйи нафси аммора ила бандлик машаққатига банди бўлди. Бандлар шарори ичра ота сўзи “ҳавосиз ҳаво”ларни юта-юта бағри қонга тўлди. Ва шу қон (“алақ”) қобиғини парчалаб, азал қонунларига битилмиш – жаҳл ичра маърифат, ёвузлик ичра эзгулик, хиёнат ичра вафо, мутеълик ичра музаффарият, ёлғон ичра ҳақиқат туғилгани каби – асл шоир туғилди. Маккорлар режаси барбод, аждодлар дуоси ижобат, алқисса, Тангри неки ёзган эса айтгани келди.

Рауф Парфи Ўзтурк дунё билан келишмади. Улуғ аждоди шоҳ Машрабга монанд ҳаёт кечирди. Англиб етгани, замон кўтарганича узлат ҳаловатини излади. Тақдир битмиш манзили ичра оёғи етган пучмоққа қадар чекинди. “Ҳаммоллар” назарида хор ва мағлуб кўринишдан ор қилмади. Зоҳир кўзини ақли етганича бекитди. Дунё шўришларига ботин нигоҳила боқа билди. Жумла оламни тутмиш Туркистон қайғусини тахир майга қўшиб ичига ютди. Бу қайғу шу қадар аччиқ эдики, уни пинҳон сақлашнинг иложи бўлмади. Шоир ботинига сиғмаган миллат қайғуси танидаги ҳар битта тук тимсолида бош кўтарди. Давр қуюнларидан сарғайган, қайғу уммонида оқарган ҳар бир хат (тук, соч толаси) ботин овозини ошкор этароқ бадиий хатга, тирик сўзга айланди. Бу сўзлар қатида миллатнинг шонли ўтмишидан тортиб, шоир замонига қадар кўрган-кечирганлари, устини кул ва ғубор қоплаган асл ҳақиқатлари яширин эди.

Мана Рауф Парфи Ўзтурк, Туркистон шоирлари қиличдек тилини ичига ютган, “аждаҳо комида” кун кечираётган йилларида, аниғи, 1974 йили туркийлар тарихи, туркий тил, адабиёт, маданият, салтанат ибтидоси ҳақида нима деган эди:

Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,
Абут-турк нафаси, Олтой чечаги.
Хун давридан омон келди Ғиротинг,
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги... [Рауф Парфи. 3:169]

Муҳими шуки, бу тўрт сатрда бирорта ёлғон йўқ.

Ростдан ҳам, тил руҳнинг қаноти. Айнан шу тил Оллоҳни танишимизга восита бўлган. Шу тил волситасида инсон ўзининг нақадар шариф яратиқ эканини англаган. Оллоҳ ўз бандаларига шу тил орқали асл ҳақиқатдан сабоқ берган. Бани одам ростлик шевасини фаромуш этган пайтларда бошқа Пайғамбарларини юборди. Уларгада сўз воситасида мурожаат қилди, йўл-йўриқларини сўз воситасида башариятга етказишни буюрди. Зеро, башарият ҳали сўз воситасида чиққан чўққиларининг бирортасига бошқа воситалар орқали чиқолган эмас. Муҳаммад алайҳиссалом буюк Меърож тунида Оллоҳ азза ва жалла билан роз айтишдилар. Шу боис сўзга берилган “руҳнинг қаноти” ташбеҳи шубҳасиз ростдир. Шоир иккинчи сатрда туркий тилни Абут-турк нафаси ва Олтой чечагига ташбеҳ этяпти. Абуттурк ҳақида Навоий сўзларини келтирдик. Туркий тилнинг туб асоси шу муҳтарам зот нафаси билан боғланишини билдик. Бу улуғвор нафас дунёнинг қайси манзилларида чечак ўлароқ кўкарганини асрлар ўзанидан орттга қайтиб аниқлаш мумкин эмас. Ҳозир бу ўзанларнинг ўрнини ҳам топиш мушкул. Ҳар ҳолда, кўҳна Бобил ва Олтой – Билгамиш авлодлари бўлмиш шумерлар ери, Олтой кенгликлари бу чечак дастлаб бош кўтарган манзил бўлса эҳтимол. “Хун” сўзи эса бу ерда рамзий вазифа касб этади, қадим маъносини англатади. Зотан, Шумер Билгамишидаёқ Ғирот туёғининг излари сақланиб қолган. Бу от замонлар оша гижинглаб Энасой (бугун рус ўлкасида Қолган Енисей) сувларидан чанқоқбосди қилган. Чангу ғуборлардан покланган. Энасой эртаги ҳам айнан Ғирот ва унинг устидаги баҳодир ҳақида.

Урхун бўйларида тошга айландинг,
Кўкларга санчилдинг, Турон бўлдинг сен.
Мангулик сафарга қачон шайландинг,
Қачон бу аламга – кучга тўлдинг Сен.

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,
Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони.
Ёғийларинг жигар-қонингни ичди.

Жигар-қон жарангги тутди жаҳонни,
Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг,
Бироқ кечирмадинг асло ёлғонни... [Рауф Парфи. 3:169]

Шеърдаги “Урхун бўйларида тошга айландинг” мисраси шубҳасиз тарихий ҳақиқатга асосланади. Буюк турк ҳоқонлиги, унинг шонли ўтмиши, тарих йўлларида қолдирган изларидан нишон беради. Билга ҳоқон, Култигин, Тунюқуқ каби биру бор, Сомаду Аҳад бўлган Оллоҳга – Кўк Тангрига эътиқод билан яшаб ўтган аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилади бу тош. Унинг оёғи ерда бўлса ҳам боши кўк билан туташ, илоҳий маърифатдан насибадор. Қадим туркийлар тушунчасига кўра, “билга” сўзи илоҳий маърифат соҳибини англатади. Бу қавм шундайларга эргашган, шундайлардан ўзига раҳбар, етакчи танлаган. Миллат оталарини “билга” атаганки, бу ҳақиқатнинг илк шоҳиди шумер эпоси қаҳрамони Билгамишдир. Айни далиллар туркийлар шавкатининг чўққига чиққан замонлари ҳақида. Бироқ аввало, кўк Тангрига бўлган эътиқоднинг бузилиши, турли шаклдаги ички низолар, тож-тахт, молу мулк, обрў учун ички курашлар бошланган кундан эътиборан миллий бирлик, жаҳоний шон-шафкатга футур ета бошлади. Туроннинг тиниқ осмонини қора булутлар тўсди. Нафс деган ботиний душман зоҳирдаги ёғийлар билан тил топишди. Турналар “қурув”и янграган осмонда қузғунлар “бузув”и сурон солди. Жанг майдонлари шаҳид қонига бўялди. Қузғунлар галаси учун базм бўлди. Зотан, жигарлар бир-бирига хиёнат қилди. Улус ичра хоин оралади. Она Турон эса ҳатто хоин фарзандинида кечирди. Ўнгланиш учун унга имкон берди. Фақат ёлғончи, мунофиқ кимсаларни кечирмадики, бундай қатъият асосида ҳам “билга йўли” – илоҳий маърифат туради. Чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Ёлғончи мўъмин ҳам, мусулмон ҳам бўлмас”, деган ҳадислари бу сўзимизни тўла тасдиқлайди.

Рауф Парфи Ўзтурк шеъриятининг асосий қисми шонли тарихга эга туркий қавм таназзули, бундай ўкинчли таназзул сабабларини излашга қаратилган. Ҳатто шоирнинг зоҳиран муҳаббат, оила, шахсият (таржимаи ҳол), табиат, ижтимоий ҳаётга бағишлангандек туюладиган шеърларида ҳам шу руҳ етакчи. “Отам хотирасига”, “Навоий”, “Ғунча фалсафаси”, “Бир сўз бор”, “Она”, “Ҳамлет”, “Алвидо, Гулсари”, “Чўли Ироқ”, “Она тилим”, “Эски туркийлар”, “Дилоромнинг кўзлари”, “Бир лаҳза” ёки исталган бошқа шеъри моҳиятига назар солсак, уларда албатта шоир ботинидаги Туркистон, юрт қайғуси, шундай буюк қайғунинг сабаблари ростлик мақомида шеърий талқин этилганини кўрамиз.

Шоир ёлғончи дунё фитналарини теран англайди. Миллат кўргуликлари зимнида шундай фитналар турганини гоҳ ишора билан, гоҳ очиқ-ойдин баён этади. Аммо кўргуликлар, бахтсизликларнинг асл сабабчиси инсон нафси деган хулосани деярли барча шеърларида такрорлайдики, бу жиҳат унинг ростгўйлигига шоҳидлик қилиши билан бирга, навоийлар йўлига содиқ эканини мунтазам равишда тасдиқлаб туради:

Нечун юракда Тош, кўзларда ҳузун,
Нечун?! Хўрланган инсонлар фарёди? –
Нечун? Нечун ёлғоннинг умри узун...

Нечун иймонини сотиб яшайдир,
Нечун қуллигидан бехабар ҳар қул,
Нечун зулм яшар, зулм ошайдир?!
Ҳақсиз оламоннинг тириклиги шул...

Бу ҳақли саволларнинг жавоби қуйидаги сатрларда ўз аксини топган:

Маъбадлар тобламиш ўзига башар,
Онларин ичида энг шуми шайтон...
[Рауф Парфи. 3:253-254]

Демак, нафақат туркийлар, балки бутун башарият бахтсизлиги, бошидан кечирган фожиаларининг бош сабаби нафс, шайтони лайъинга қуллик деган хулоса Рауф Парфи Ўзтурк шеъриятининг асл моҳиятини ташкил этади. Худди шундай талқин, поэтик хулосасига кўра биз унга ростгўй шоир мақомини бера оламиз. Зотан, Рауф Парфи Ўзтурк бир умр ботинида асраган Туркистон қайғуси билан яшади. Чўнг шеъриятини Абуттурк нафасига йўғирароқ, бани Одам ҳақида куйлаб ўтди.

Адабиётлар:

1. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
2. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн / Алишер Навоий. МАТ. 16 том. – ИТошкент: Фан, 2000.
3. Рауф Парфи. Туркистон руҳи. Сайланма. – Тошкент: “SHARQ” НМАКБТ, 2013.

“АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИДА (1915-1918) АДАБИЁТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Қулдош ПАРДАЕВ,
филология фанлари доктори.

Аннотация XX аср бошларида нашр этилган “Ал-Ислоҳ” журналидаги адабиёт материаллари тасниф қилинган. Журналнинг XX аср боши Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва адабий муҳити билан чамбарчас боғлиқлиги, адабиёт материалларнинг мавзу кўлами, жанр хусусиятлари, адабий-танқидий мақолалар моҳияти тадқиқ қилиниб, умумлашма илмий-назарий хулосалар чиқарилган. Журналнинг миллий уйғониш даври матбуотида ҳамда миллий журналистикамиз тарихида тутган ўрни кўрсатилди.

Калит сўзлар: адабиёт, жанр, ғазал, мақола, муаллиф, миллий уйғониш, жадидчилик, маърифат, жаҳолат, таҳлил, матбуот.

Жадидлар кун тартибига қўйилган асосий муаммоларни ҳал этишда матбуотни асосий восита деб билдилар. Улар матбуот воситасида миллат равнақига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, мутараққий миллатлар даражасига етиш мумкинлигига қаттиқ ишондилар. Шу боис матбуот фаоллаша борди. Янги адабиёт, санъат ва шу каби соҳалар ривожида матбуот асосий омил бўлиб хизмат қилиши ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Аслида ҳам, маърифатпарвар жадидларнинг мақсади тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларга, миллатни таназзул гирдобига тортаётган иллатларга қарши курашишда матбуотдан фойдаланиш эди. Бу даврдаги бошқа нашрлар сингари “Ал-Ислоҳ” журналида ҳам Туркистоннинг мустамлака ҳолатига тушиш сабаблари, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳақида мақолалар эълон қилинди. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари даражасига кўтарилиш зарурати кун тартибига қўйилди.

Янги адабиёт юзага келди. Профессор Б.Қосимов бу давр адабиёти матбуот билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланганини таъкидлайди. Тошкентда ўтган асрнинг 10-йилларида “Садои Туркистон” (1914, муҳаррири Убайдулла Хўжаев), Фарғонада “Садои Фарғона” (1914, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), “Тирик сўз” (1915, муҳаррири Обиджон Маҳмудов), Бухорода “Турон” (1913) каби газеталар қатори Тошкентда “Ал-Ислоҳ” журнали (1915-1918) чиқиб турганини, “адабий кучлар кўпроқ ана шу газета-журналлар атрофида уюшган”ини қайд этади[Қосимов Б. 1:85].

Абдулла Авлоний тил ва адабиётни “Миллат ойнаси” деб атайди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов “Қани замонаға муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун” деган фикрни ўртага ташлайди, анъанавий шеъриятдаги ишқ мавзуи ижтимоий воқелик талқини билан ўрин алмашади. Сиддиқий-Ажзий маърифатга муҳаббат эълон қилади. Маъшуқанинг анъанавий сифатларини маърифатга кўчиради.

Маълумки, адабий муҳит, жараён XX аср бошларида миллий матбуотда, газета ва журналлар, китоб ва рисолаларда акс этди. Ўша давр ўзбек миллий матбуотининг нуфузли нашрларидан бўлган “Ал-Ислоҳ” журналининг адабий манба сифатидаги хизмати катта эканини таъкидлаш керак.

Журналнинг 1915-1918 йилги сонларида 101 та адабиёт материаллари босилган. Буларнинг аксарияти назмий асарлардир. Шу йиллари нашр этилган 101 асардан 74 таси шеърий, қолган 27 таси эса насрий асарлар экани бунинг далилидир.

“Ал-Ислоҳ”да чоп этилган соф адабий асарлар таснифига ўтишдан аввал, таъкидлаш керакки, бу адабиёт намуналарининг барчаси ҳам юксак бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Бинобарин, жадид адабиёти ҳақида ёзар экан, профессор Б.Қосимов бу хусусиятни алоҳида қайд этган эди: “Бу адабиётнинг илк намуналари бадииятига кўра у қадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилади. Ялонғоч даъват ва чақириқлар, шиорбозлик кўзга ташланади. Жадид адабиёти 10-йилларнинг охири, 20-йиллар бошидагина тўлақонли адабиётга айланди” [Қосимов Б. 2:124].

“Ал-Ислоҳ” журналидаги адабиёт материалларни бадиий савиясига кўра икки гуруҳга тасниф этиш мумкин. Биринчиси, ғояга бирламчи аҳамият берилган асарлар, иккинчиси, юксак бадиият намуналари. Таъкидланганидек, журналда нашр этилган адабиёт материаллари орасида салмоқ жиҳатдан шеърий асарлар етакчи ўринда туради. Журналдаги шеърий асарларни мавзуига кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин:

а) маърифий шеърлар;

б) диний шеърлар;

в) ижтимоий-сиёсий шеърлар;

Биринчи гуруҳга оид шеърлар: “Кўрмадим”, “Иттифоқ хусусинда”, “Ислоҳи тадрис ҳақинда”, “Миллий алоқа”, “Мубашширхондан мухаммас”, “Ислоҳ ҳақинда”, “Баҳор”, “Туркистон шоирларина хитоб”, “Камийдин Тошхўжа Асирийға марсия”, “Таассуф”, “Танбеҳ”, “Ташвиқот”, “Азмийдан ташаккур”, “Мана шеърий жавоб”, “Очиқ ҳақиқат”, “Таълим даркор”, “Сахийларким”, “Заруратдин”, “Таълими ислоҳ”, “Муносиб замон”, “Ҳайратийдин мухаммас”, “Васлийдин Тошхўжа Асирийга марсия”, “Жавҳарийдин Асирийга марсия”, “Мирза Аҳмаддин шеър”, “Ибратдин “Ислоҳ”га изҳори ташаккур”, “Бахтсиз миллат” ва шу кабилар.

Бу сингари шеърларнинг деярли барчаси маърифатга тарғиб этувчи асарлардир. Маърифат миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг бош мавзуси экани аён. Бу ўша замон билан унинг миллат олдига қўйган муаммолари инъкосидир. Бинобарин, маърифатга тарғиб этиш ўша давр шеъриятиниг етакчи хусусияти эди.

Иккинчи гуруҳга доир шеърлар: “Мавлуди шариф”, “Муножот”, “Ҳижоб хусусинда”, “Тасаттири нисвон”, “Тажвиди Қуръон”, “Мавлуди шариф ҳақинда”, “Диний мухаммас”, “Очиқлик”, “Хоибдин ҳижоб тўғрисинда”, “Уламодин эмас, шоирдин Тўлаган Хўжамёровга шеърий жавоб” ва ҳоказо.

Учинчи гуруҳга оид шеърлар: “Ҳуррият ҳақинда”, “Ҳуррият”, “Муҳтарам Шўро идорасиға”, “Замона аҳволи”, “Ҳуррият замонаси”, “Туркистон идораларига”, “Ишчи талаб қилмоқ” ва ҳоказо.

“Ал-Ислоҳ”да нашр этилган 74 та шеърдан 51 таси ўзбекча, 23 таси эса форс-тожик тилида. Уларда анъанавий мумтоз шеърий жанрлардан ғазал–45 та, мухаммас–14 та, мусаддас 7–та, таърих –3 та, марсия–4 та, қасида–1 та бўлиб, шеърларнинг умумий ҳажми 1077 байт (2154 мисра)ни ташкил этади.

Бу шеърларнинг муаллифлари: Саидаҳмад Васлий, Каримбек Камий, Сидқий Хондайлиқий, Зафархон Жавҳарий, Ҳамза, Шамсиддин Хоиб, Бахриддин Азмий, Исҳоқхон Ибрат, Тавалло Хўжамёров, Мирзо Аҳмаджон, Абдураҳмон Муфтизода, Маҳмуд Ализода Тошкандий, Мулла Абдухолиқ, Мулла Абдужалил, Мирсардор қори, Мулла Толибжон, Мулла Ҳошим Ҳайратий, Нусрат Абдушокирлардир.

Шеърларнинг ичида энг кўп учрайдиган ғазалдир.

Маълумки, ғазал шарқ халқлари классик поэзиясининг энг кўп тарқалган лирик жанрларидан. Фақат мумтоз шеъриятида ғазал асосан ишқ-муҳаббат мавзуида битилган бўлса, XX аср бошида ғазал миллат дардини ифодалади, юрт истиқболи учун қайғуриш, унинг таназзул гирдобига тушганидан изтироб туйғуларини акс эттирди.

Баҳриддин Азмийнинг “Кўрмадим” [Ал-Ислоҳ. 3:164] радифли ғазали таҳлили ҳам фикримизни тасдиқлайди:

Бул жаҳон боғида, бир иш фароғат кўрмадим.
Ҳар на кўрдим, эгри кўрдим, тўғри ҳолат кўрмадим.

Бул жаҳонда ҳар кими мағрури иззу жоҳидур,
Миллатнинг қайғусиға ҳеч кимға ҳожат кўрмадим.

Илмнинг дурдонасин термай жаҳолат кўйиға,
Бизни миллат ўғлидин илму маҳорат кўрмадим.

Турфа ҳолатким улусға тўғри келгай эгрилик,
Эгриликдин бу замонда ўзга ҳолат кўрмадим.

Ғазалнинг қофияланиш тартиби анъанавий тартибда, яъни а-а, б-а, в-а тарзида. Фароғат, ҳожат, маҳорат, ҳолат сўзлари ўзаро қофияланиб келган. Радиф ғазалда ифодаланган фикрни таъкидлашга, мазмун таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Ҳуқуқсизлик, маърифатсизлик изтироб туйғуси ифодаланган ушбу ғазални бадиий жиҳатдан мукаммал деб бўлмайди.

Ижтимоий мавзудаги шеърлар орасида табиат тасвирига бағишланганлари ҳам бор. Саидаҳмад Васлийнинг “Баҳор” шеъри бунинг исботидир. Зоҳиран табиат тасвири ифодаланган шеър моҳиятан шоирнинг ички, руҳий ҳолатини акс эттирган. Бу шеърда табиат тимсоллари ҳам ўз маъносида, ҳам рамзий маънода келган.

Васлий табиатнинг реал тасвирини мақсад қилмаган. Миллат дардини, жамиятдаги инқироз ҳолатини рамзлар воситасида таъсирчан ва ёрқин ифодалайди. Шоир:

Бир ёнда гул чечаклар отуб нур чаман,
Бир ёнда булбул оҳ чекур эътизордан.

Ағёринг олди гулнинг гулобин териб-териб,
Гулшан хазона дўнди тушиб эътибордан, –

дея мустамлака сиёсатининг оғир оқибатларини гул, булбул, гулшан, хазон сингари анъанавий тимсолларга янгича мазмун юклаш орқали тасвирлайди.

Журналда Тошхўжа Эшон Асирий вафотига бағишлаб ғазал жанрида ёзилган 4 марсия нашр этилган. Бу марсиялар Каримбек Камий[Ал-Ислоҳ. 4:67], Саидаҳмад Васлий[Ал-Ислоҳ.5:127], Зафархон Жавҳарийлар[Ал-Ислоҳ. 6:98] қаламига мансуб. Шундан 2 таси Жавҳарийга тегишли бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида битилган. Жумладан, Каримбек Камий ёзади:

Тошхўжа Эшон номи мулаққаб ба Асирий,
Йўқ эрди жаҳон ичра одили ва назири.
Афсус бевақт вафотидин у зотнинг,
Доғ ўлди Хўжанд аҳли сағирию кабири.
Кел эмди дуои фотиҳа руҳига онинг,
Билғилки киши қолмағай оламда охири.

Камий Тошхўжа Асирий билан жуда яқин дўст ва адабий ҳамкор бўлган. У 1912-1914 йиллар давомида шогирди Хислат билан бирга бир неча бор Хўжандга Тошхўжа Асирий ҳузурига борган. Мактублар орқали бир-бирларидан аҳвол сўраб турган[Жалолов А. 7:168]. Тошхўжа Асирий вафот этганида, Камий, шоирга бўлган чексиз ҳурматини изҳор этиб, таъзия билдириб, шу марсияни ёзиб таърих туширган.

Журналда босилган қасида жанрига мансуб асар битта бўлиб, муаллифи ўратепалик Зафархон Жавҳарийдур[Ал-Ислоҳ. 8:164]. Қасида шарқ шеъриятининг хос жанрларидан экани маълум. “Ал-Ислоҳ” журналида босилган қасида журнал идорасига ва Абдураҳмон Сайёҳ номига бағишланган.

Журналда босилган шеърлар бадиий жиҳатдан мукаммал бўлмаса-да, улардан айримларида бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган. Айниқса, Васлий, Азмий, Жавҳарий, Ҳайратий, Хоиб шеърларида бадиий санъатлар ўринли ва кўп қўлланган. Айниқса, талмеҳ, ташхис, муболаға, истиора, тазод каби санъатлар журналда нашр этилган шеърларнинг бадиий-эстетик қимматини оширган. Масалан, Васлийнинг “Ислоҳ” тадриси ҳақинда” мусаддасида “Бу замонда олим ўлмоқға керакдур умри Нуҳ” каби талмеҳ санъати воситасида фикрнинг ёрқин ифодалангани кузатилади.

Булардан ташқари, мухаммас жанридаги назмий асарларда мумтоз шеъриятига хос тахмис, тазмин каби бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган. Жумладан, Мутриб Абдураҳмон Жомий ғазалига тахмис

боғлаган. Жавҳарий эса Бедил ғазалига тазмин боғлаган. Форс-тожик тилида битилган бу асарлар мумтоз шеъриятдаги зуллисонайилик анъанаси XX аср бошида ҳам юксак савияда давом этганини кўрсатади.

Журналда нашр этилган диний мавзудаги шеърлар асосан форс-тожик тилида ёзилган. Таъкидлаш керакки, журналда форс-тожик тилидаги асарларга кенг ўрин берилган. “Ал-Ислоҳ”даги мақолалар ва бадиий асарларнинг учдан бир қисми форс-тожик тилида экани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Диний мавзудаги шеърлар ичида бироната анъанавий ишқий ва ҳажвий шеърлар учрамайди.Чунки бундай шеърлар уламоларнинг кескин танқидига учраган. “Ал-Ислоҳ” журналида чоп этиш жараёнида насрий асарлар ҳам давр руҳидан келиб чиққан ҳолда маълум даражада сараланган ва шундан кейингина журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Назмий асарларда бўлгани каби насрдаги ижод намуналарида ҳам бадиийликдан кўра ижтимоийлик биринчи ўринда турган.

Журналда асосан ахлоқий мавзудаги ва дин тарихига оид ҳикоятлар, ҳикматли сўзлар билан биргаликда адабиёт назарияси ва адабий танқидга доир адабий мақолалар босилган. Жумладан, “Одил киши” (1915, 2-сон), “Қойил қилмоқ” (1915, 1-сон), “Саъй ва кўшиш” (1915, 1-сон), “Музокараи “Ислоҳ” (1915, 4-сон), “Усули тараққий” (1915, 10-сон), “Уламои салаф ва толиби илм” (1915, 1-сон) каби ахлоқдан баҳс юритувчи ҳикоятлар шулар жумласидандир. “Дунё ва охиратнинг саодати” (1915, 2-сон), “Дин ва дунёнинг баробарлиги” (1915, 1-сон) “Муҳаммад пайғамбарнинг туғилиши” (1915, 2-сон), “Хадича ойим” (1915, 2-сон), “Қуръони карим надур?” (1915, 2-сон), “Тарихи ислом” (1915, 2-сон), “Иймон надур?” (1915, 3-сон) сингари ҳикоятлар эса дин ва жамият, дин ва дунё мавзуларини ёритишга бағишланган.

Бу ҳикоятларнинг барчасида муаллиф номаълум бўлиб, имзосиздир. Масалан, “Усули тараққий” ҳикоятини кўришимиз мумкин: “Қадим замонда бир ёввойи одам ила бир инсон сафарда йўлдош бўлдилар. Йўлдошликдин айрилмасликка, бир-бирларини алдамаслигини шарт қилдилар. Қиш фасли эди, эрта бирлан совуқдан инсон ўз бармоқларини иситмоқ учун пуфламоқға киришди, ёввойи одам сўрадики: “На учун ўз бармоқларингни пуфлаюрсен?” Инсон: “Бармоқларимни иситурмен”- деб жавоб берди. Ёввойи одам ҳайрон қолди. Бир оз фурсатдан сўнг емак ҳозирланди, дастурхон ёйилди, шўрбо емак учун қўйилди. Инсон шўрбони совутмоқ учун идишни кўтариб пуфламоққа бошлади. Ёввойи одам ҳайрон бўлиб сўрадики: “Буни нима учун пуфлаюрсен?” Инсон: “Шўрбони совутурмен деб жавоб берди…” Ҳикоятда маданий инсон илмлилик, ёввойи одам эса илмсизлик тимсолидир. Унда инсон камолоти ва жамият равнақи учун маърифатнинг нечоғлик зарур эканлиги ҳаётий мисоллар орқали тасвирланади.

Журналда нашр этилган насрий асарларнинг бадиий тафаккур савияси юқори бўлмаса-да, улар миллатни фикрий уйғоқликка чақириши, ўша замоннинг долзарб ижтимоий муаммоларини муолажа этишга қаратилгани, энг муҳими, самимияти билан алоҳида ажралиб туради.

“Ал-Ислоҳ” журналида соф бадиий асарлар билан бирга адабиёт назариясига оид ва адабий-танқидий мақолалар ҳам чоп этилган. Шубҳасиз, бу мақолалар ҳам адабий жараён, адабий муҳит тарихини ўрганишда муҳим адабий манба вазифасини ўтайди.

Адабиёт назариясига оид “Адабий шижоат нимада?” деб номланган мақола журналнинг 1917 йил 5-6-11- сонларида чоп этилган. Унда миллий адабиётимизнинг XX аср бошларидаги ва ўтган асрлардаги аҳволи қиёсий таҳлил этилган. Асар яратишда ижодкор маҳорати масаласи ва асарнинг қай даражада халқ маънавиятига хизмат қилиши зарурати муаммоси тадқиқ қилинган. Ўтган замон файласуфларидан Арасту, Афлотунлар назариясига аҳамият қаратилиб, араб, эрон олимларининг илмий асарларидан иқтибослар келтирилган.

Журналдаги адабий танқидга доир мақолалар ҳам эътиборга моликдир. Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” (1915, 5-сон), “Матбуот ва ислоҳ бақияси” каби адабий мақолалари (1915, 6-сон), “Шўро” журналидан кўчириб босилган “Интиқоднинг (танқид) шартлари” деган адабий танқид назариясига оид тадқиқот “Ал - Ислоҳ”нинг 1917 йил 1-2-3 сонларида идора номидан босилган; Мулла Баҳриддиннинг “Шоирларга савол” (1916, 11-сон), Мақсудхўжа муфтининг “Жавонбозлик тухмини миллати ислом ораларига сочадурғон шоирларимиз” (1916, 12-17 сонлар), Завқийнинг “Иштибоҳ” (1916, 17-сон), Абдураҳмон Муфтизоданинг “Жавонбозлик балоси” (1916, 21-22) сингари мақолалари шулар жумласидандир.

Ушбу мақолаларни адабий-танқид, илмий баҳс-мунозара намуналари сифатида баҳолаш мумкин.

Иброҳим Тоҳирийнинг “Матбуот ва ислоҳ” мақоласида Туркистонда нашр этилаётган асарлар ва газета-журналлар тили танқид қилинади, муаллиф “Тўй” ва “Падаркуш” драмалари хусусида “адиблик мағрурияти ила ёзилган” мактаб болаларининг иншо ва имлоларидан буларнинг фарқи борми?” деган саволни қўяди.

Бундай янги асарлар ҳақидаги фикрлар “Ойна” журналида ҳам чоп этилиб турди. Масалан, “Тўй” драмасининг муаллифларидан Ҳожи Муин асардаги камчиликларни иқрор этиб, “Ойна” журналида (1915, 14-сон) “Танбеҳга ташаккур” сарлавҳали мақола эълон қилади ва бундай ёзади: “Бу хатоларнинг энг биринчи сабаби ўзумнинг мубтади ва ноқислигимдандир. Ҳар мубтади танбеҳ ва таълим ила бора-бора камолотга етишмоғи янги ўсмир адабиётимиз ҳам фақат танқидлар соясунда ишланиб, тараққий топиши ва “Адабиёт” деярлик мартабаға чиқмоқлиги зарурдир”.

Умуман, булар барчаси “Ал-Ислоҳ” журнали адабий манба сифатида аҳамиятли эканини кўрсатади.

“Ал-Ислоҳ”да чоп этилган замонавий адабий танқиднинг илк куртаклари бўлган танқидий мақолаларда адабий жараёнга, янги асарларга фикр билдириш билан бирга, ўша асарнинг бадиий савияси, имло ва тилида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Бу танқидий мақолаларни юксак маҳорат билан ёзилган дея олмасак ҳам, XX аср

бошидаги адабий жараёнда фикрлар хилма-хиллиги, янги яратилган асарларга нисбатан ўқувчиларнинг бефарқ бўлмагани каби омиллар бу турдаги асарлар қимматини оширади.

Хуллас, “Ал-Ислоҳ” журналида 101 та адабиёт материаллари босилган. Булардан 74 та назмий, 27 та насрий асарлар чоп этилган бўлиб, шундан 13 таси ҳикоят, 3 таси адабиёт назариясига оид, 11 таси эса танқидий мақолалардир. “Ал-Ислоҳ” журналидаги адабий материалларнинг барчаси ҳам бадийяти юксак бўлмаса-да, ўша адабий жараёнда майдонга келиб, ўзининг ютуқларига эришган реалистик адабиётнинг илк намуналари сифатида қимматлидир.

Адабиётлар

1. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., ва бошқалар.Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти дарслиги. – Т.: Маънавият, 2004.-Б.85.

2. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Т.: Маънавият, 2002.-Б.124.

3. //Ал-Ислоҳ, 1917, 15-сон.-Б.164.

4. //Ал-Ислоҳ, 1916, 11-сон.-Б.67.

5. //Ал-Ислоҳ, 1916, 10-сон.-Б.127.

6. //Ал-Ислоҳ, 1916, 11-сон. .-Б.98.

7. Жалалов А. Ўзбек маърифатпарвар демократик адабиёти. 1905-1917.-Т., Фан, 1978.-Б.168.

8. //Ал-Ислоҳ, 1916, 15-сон.-Б.164.

МЎМИНЖОН ТОШҚИННИНГ “ЭСКИ МАКТАБ ТУРМУШИ ЁКИ ТОЛИБ” АСАРИ ХУСУСИДА

Муқаддас ТОЖИБОЕВА,
филология фанлари доктори, доцент

Аннотация: Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқиннинг “Эски мактаб турмуши ёки толиб” асари XX аср бошларида юртимиз маданий-маърифий ҳаётида юз берган воқеалар ҳақида ёзар экан, ўзи шоҳид бўлган давр воқеаларининг тасвири бадиийлик билан уйғунлашган ҳолда ифодаланади.

Таянч сўзлар: мумтоз наср, XX аср ўзбек насри, хотира-роман жанри, “Турмуш урунишлари”, усули қадим мактаби, маърифатпарварлик ғояси, Туркистон манзараси.

XX аср бошлари ўзбек адабиётида муайян из қолдирган Мўминжон Муҳаммаджон ўғли Тошқин(1883-1964)нинг “Турмуш урунишлари” [Тошқин М. 1.], “Эски мактаб турмуши ёки толиб” каби асарлари жадид насрининг ўзига хос намунаси сифатида XX аср бошларида юртимиз ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётида юз берган воқеалар хусусида сўз юритувчи саноқли асарлар сарасига киради.

Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Эски мактаб турмуши ёки толиб” асари XX аср бошларида юртимиз маданий-маърифий ҳаётида юз берган воқеалар ҳақида ёзар экан, ўзи шоҳид бўлган давр воқеаларининг тасвири бадиийлик билан уйғунлашган ҳолда ифодаланади, натижада асар ўтиш воқеаларини тасвирлаш билан тарих учун, бадиийлик хусусиятларига эга бўлганлиги билан адабиёт учун бадиий манба сифатида бўй кўрсатади. Миллат қайғуси билан яшаган Мўминжон Тошқин жамики жаҳолат ва бахтсизликнинг сабаби маърифатсизликда, саводсизликда деб ҳисоблайди. Тошқиннинг деярли барча асарларидаги асосий ғоя – илмсизлик туфайли қолоқлик ботқоғига ботган Туркистон ҳаёти. Тошқиннинг деб номланган “рўмон”и ҳам айнан шу мавзуда. Асар 1915 йил (27 март, жума кун, “Хўқанд”)да ёзилган бўлиб, 1923 йилда Туркистон давлат нашриёти (Туркдавнашр) томонидан чоп этилган. Асарда аянчли турмуш манзарасини халққа кўрсатиш ва унинг кўзини очиш, миллатни маърифатли кўриш истаги асосий фикр саналади, яъни асарда ўқувчида илм-маърифатга бўлган қизиқиш туйғуларини шакллантириш, маорифни инсон тақдирида нечоғлик катта аҳамиятга эгалигини очиб бериш мақсад қилинган. Ёзувчи шу эзгу мақсад йўлида ҳаётдан олинган ҳодисалар асосида инсонга ибрат бўладиган воқелик ва ибрат бўладиган қаҳрамонларни яратади. Қолаверса, М.Муҳаммаджо-новнинг мазкур “рўман”ни ёзишдан кўзлаган мақсади асарнинг бошланмасидаги кириш сўзида шундай изоҳланган: *“Ўзимизга яқин турган тотор қариндошларимизнинг ўз тирикчиликларидан олиниб ёзган ибратлик бир неча юзлаб рўмон (ҳикоя) китоблари бўлуб турган бир замонда*

биз Туркистон мусулмонлари орасида бир дона ҳам бўлсун фойдалиқ рўмон ёзилиб, матбуот оламиға чиқмағониға кўб вақтлардан бери жуда қайғуруб ва ичим ачиб юрар эди. Қўлумдан келмаслигиға кўзим етса ҳам "шул рўмоннинг бир нечини таваккал қилиб ўзим ёзиб юборсаммикин?" деб баъзи-баъзида ғайратланиб кўнглумға кетириб қўяр эдим. Ернинг айланиши нима бўлуб, Тошкандда чиқадирған "Садои Туркистон" газитасининг бошқармасиға хизматға кириб қолиб, тўрт ой миқдори турған эдим. Шул муддатда вақтни ғанимат билиб, хаёлхонамда бекиниб ётған ҳалиги "рўмон"нинг ярмидан озроғини "Садои Туркистон"нинг 3-4 нумирасига "пилятўн" равишида бошлаб ёзған эдим. Ул бошқармадан чиққанимдан кейин бу газитанинг ўқувчиларидан бошқа киши бундан фойдаланмай қолишларини ўйлаб ва бутун элнинг фойдасини кузатиб, бу рўмонимни китоб тарзида ёзиб ва босдириб чиқармоқға қарор бердим ҳам қолғанини газитага бермасдан алоҳида ёзиб тамом қилдим. Газитадаги оти бошқа бўлса ҳам, бунга "Эски мактаб турмуши ёки Толиб" деб от қўйдим" [Муҳаммаджон ўғли М. 2:3]. Демак, ёзувчи китобхонларга *"фойдалиқ рўмон"* тақдим этишни мақсад қилган. Асарнинг ғоявий мазмуни жамиятда юз тутган илмсизлик, яъни жаҳолат, аҳлоқий-маънавий таназзул авж олган муҳит қуршовини кўрсатиб беришдан иборат. Ёзувчи асар бошланмасидаёқ Туркистон аҳолиси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммони кўтаради. Яъни Муслим ака ана шу муҳитнинг домига тушган биринчи қаҳрамон. У олти-етти ёшли ўғли Толибни *"озғина бўлса ҳам қулоғимиз ғалва, жанжалдан қутулуб, тинч турамиз-ку!"* мақсадида эски усулдаги мактабга олиб боради. Яъни Муслим аканинг илмсизлиги, фикрий ожизлигига асар сюжетининг бошидаёқ дуч келамиз. Отанинг мақсади тайин: фарзандини илм олишидан ҳам кўра боланинг ортиқча ғалваларидан қутулиш эди. Ёзувчи усули қадим мактабидаги ўқитиш усули билан таништиришдан аввал мактабнинг кўриниши, у ерда таҳсил олаётган болалар ҳақида ёзади: *"Мактабхона узундан-узун тор кўчага ўхшаб узайиб кеткан бўлуб, усти киши боши тегар-тегмаслик қилиниб, эгри-бугри оғочлар ила ёпилған эди. Бир томон деворидаги қиш бўлса қоғоз тутуб қўюб; ёз бўлса очиқ турадирған икки кичкина-кичкина тешиги ила бир оз қабрдан ажралур эди. Болаларнинг баъзилари бўрё чўбдан қўчқор ясаб урушадурған, баъзилари шундан от, ароба ясаған, баъзилари бир-бирларининг бутун айб ва лақабларини юзларига солиб, сўкушуб ўтурған ва баъзилари мактабнинг эшик олдиға чиқишиб "хатлам-хутлам" ўюнини ўйнаб юрушкан эдилар!"* [Муҳаммаджон ўғли М. 2:7].

ХХ асрнинг 10-йилларида миллатни ўстириш ва тараққий эттиришнинг ягона йўли илм эканлиги ва ва бунга "асос мактаб"лиги борасидаги фикрлар жадид адиблари томонидан кўп бора таъкидланиш билан бир қаторда маърифатга даъват руҳидаги асарлар пайдо бўлди. Хусусан, Беҳбудийнинг "Падаркуш"ида илмсизлик оқибати баён этилса, Чўлпонннинг "Дўхтир Муҳаммадёр", Ҳамзанинг "Янги саодат" асарларида ёзувчилар идеалидаги

илмли кишиларнинг порлоқ келажаги ҳақидаги ғоялар илгари сурилган [Тожибоева М. 3:170].

Мўминжон Тошқин асарининг асосини ҳам маърифатпарвар ғояси ташкил қилади. Асар “Эски мактаб турмуши ёки толиб” деб номланишининг ўзиёқ шунга ишора қилиб турибди. Муаллиф Туркистон халқи фақат илм эгаллаш, маърифатли бўлиш билангина тараққий этиши мумкин деган фикрни илгари суради. Асардаги Муслим ака образи орқали жамиятда рўй бераётган барча иллатларнинг илдизи жоҳилликда, илмга, маърифатга лоқайдлик билан қарашда эканлигини очиб беради. Муслим ака ўзи саводсиз бўлибгина қолмай, фарзандининг ҳам илм олишига, келажагига беписадлик билан қарайди. Ҳар нарсага ишонувчан, соддадил, илмга чанқоқ Толибжоннинг бора-бора беадаб, жоҳил бўлиб боради.

Ёзувчи асарда инсоний характерларни эмас, балки усули қадим ва усули жадид мактабларини бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш йўлидан боради. Бундай контрастлик орқали ёзувчи ўз ғояларини кенгроқ ифолайди. Ёзувчини безовта қилган масалалардан бири усули жадид ва рус-тузем мактаблари очилган бўлишига қарамай, Толибнинг отасига ўхшаш инсонлар ўз фарзандларини келажагини ўйламай, эски мактабларга ўқишга бераётганлиги эди. Қолаверса, янги пайдо бўлаётган усули жадид мактаблари ҳақида “*Эй тангрим бу қандай охири замони оламони?! Тўрт маҳалла нарига усули жадидми ? Усули жадидми деган мактаб очилғон эмиш! Барчанинг оғзида дув-дув гап бўлуб кетди. Баъзилари унинг оти ноғай мактаб эмиш ёпирай- ёпирай худоё ўзинг пана бер! деб ёқаларини ушлашган баъзилари йўқ унинг оти усули жадид эмиш усул аслининг янги дин деган сўз бўлади динимизга ҳалал кетурмак учун очилғон! Унинг илгарироқ олдини олмоқ керак!”* [Муҳаммаджон ўғли М. 2:31]каби ножоиз фикрларга боришлик юртнинг энг оғриқли нуқтаси эканлигига ишора сезилади. Табиийки, асар қаҳрамони ёш Толибжонда ҳам янги очилган усули жадид мактабига бориш истаги пайдо бўлади. Кунларнинг бирида ўртоқлари билан янги мактабни томоша қилишга келишади ва “ниҳоятда ёқтурғанидан оғзидан сувлари келиб қайтуб кетади”. Шу ўринда усули қадим ва усули жадид мактабларидаги ҳаёт ва таълим жараёнини бир-бирига қарама-қарши тасвирлаш йўлидан борар экан, бундай контрастлик, аввало, мактабларнинг ташқи кўриниши ва ўқитиш услуби, талабалар ҳаёти, муаллимларни талабаларга бўлган муносабатини тасвирланишида кўзга ташланади: *“Бу янги очилғон усули жадид мактабга нима учун болаларнинг ҳаваслари келмасин?! Нима учун ёқтирмасунлар?! Барча кишилар борадурган ўз мактабларида чуриган бўйро, барча кийимлари булғаниб тупроғ остида ўтирадурлар. Ҳеч нарса билмасалар ҳам эртадан кечгача шовқин сола - шовқин сола томоғлари бўғилиб ўқийдурлар. Ҳар кун бир неча йўл домлаларидан қаттиғ калтаклар еб, жабр-жафо кўрадурлар. Буларнинг устига домланинг боғ, ҳовли хизматларини қишин-ёзин қулдак қиладурлар. Бу янги очғон мактабда бўлса, болаларға жуда роҳат, тинчлик, мактаб синф-синфга ажратилиб, кенг-кенг қилиниб солинғон, болалар ерда ўтурмасунлар*

деб икки кишилик-икки кишилик парталар қилинғон, ўқутғучини домла демасдан муаллим дейилиб, бу муаллим афанди жаноблари болаларни урмас, сўкмас, туртмас, сан-санламас, сиз-сизлаб юмшоқ-юмшоқ сўз сўзлар, кўкка қаратмасдан китоблари, сабоқлариға қаратиб ўқутур, шовқин солдурмас, қичқиртурмас, ҳар ўқуғон сўзнинг ўзини ҳам маънисини билдирур, бир неча мартаба қайтариб, ёздириб ўқутур эканлар" [Муҳаммаджон ўғли М. 2:35]. Мўминжон Тошқин Толибжоннинг мана шундай шароитдаги янги мактабга ошиққан болаларча беғубор қалб истагини, юрак талпинишларини вужудида ниш урган туйғуларини манзаралантирар экан, *"дадажон мени ҳам обориб қўйинг, жон дада, деб Муслим акага кўб ялинди ҳам этакларига ёпишди... Толиб қанча ялиниб-ёлвориб ҳатто йиғлаб ёпушса ҳам сира элтиб қўймади"* дея "бечора масъум бола"нинг "чорасизликдин яна ўз кўкнори домласида қолган"ини ҳикоя қилади. Шундан кейин Толибнинг аввалгидек мактабга ихлоси қолмаса-да, отасининг зўри ила бориб турадиган бўлди. Чамаси, ўн икки ёшида "Каломи шариф"га тушди. Бу "Каломи шарифнинг озодлиқи", яъни талабаларнинг устозларга берадиган ҳадяси "каттароқ" бўлганидан, Муслим ака дарров топиб бера олмади, шу сабабли Толиб икки ҳафта мактабдан қочиб юришга мажбур бўлди, чунки мактабга озодликсиз борса болаларнинг аҳволи тайин эди. Шу тариқа ўлда-жўлда, ихтиёрсиз дарсга бориб-бормай юрган Толибжон қўшниси Ҳакимжон бойнинг ўғли билан ҳамтавоқ бўлиб, самоварҳоналарга чиқадиган, жума кунлари бўлса йигитлар билан "уёғ-буёғга боришга оз-оз ўргана бошлаған эди". Бу орада Толибнинг онаси Зайнаб кеннойи хасталикдан дунёдан ўтади. Толиб онасининг вафотидан кейин яна бир ой мактабга бормайди. Онасининг бетоблигидан бошлаб уч ой мактабга бормаганидан ўқишдан кўнгли анча совиган эди. Отаси Муслим ака етим кўнгли синиқ Толибни ялиниб-ёлвориб яна мактабга юборди, аммо Толиб мактабга бир кун борса, икки кун бормайдурғон одат чиқарди. Хуллас, хафталаб уйига келмайдиган одатлар чиқарди. Қатортолдаги бир тўда қиморбоз йигитларга қўшилиб, ножўя ишларга аралашди. Ўн олти ёшли Толиб на саводдан, на хатдан, на ҳунардан буткул хабарсиз бўлиб қолади. Ёзувчи воқеликни кузатиш, мушоҳада этиш, реал ҳаётга яқинлашиш йўлидан боради. Асарда бир инсоннинг тақдирини кенг ва ҳар томонлама талқин этади. Давр кайфияти, миллатнинг мавжуд аҳволи, жаҳолат ботқоғига ботган халқнинг қолоқлик домида муқаррар қолиб кетиш хавфининг кучайиб бораётганлиги асарда яққол кўзга ташланади. Ёзувчи бу ҳолатни манзарасини чизиб бериш билан бирга уни юзага келишига сабаб бўлган таназзул омилларини воқеалар давомида бирма-бир келтириб ўтади. Энг аввало, оила муҳитининг ўзи носоғлом экани, ота фарзандининг ғалва-ғашликларидан бироз нари бўлиш учунгина уни мактабга элтгани, эски мактабдаги муллоларнинг ўринли-ўринсиз, талошу тортишишлари, чиркин урф-одатлар, вақфи масжиду тўй ошилар, панжшанбалик ҳадялар, "бирини "палоқ"қа осиш, бирисини орқага опишдириб урушлар", "хотин оши" ҳам қизларға "қиз оши"лар, "баччабозлиқ"лар, "сийланган бойлар, туртулган йўқсуллар" каби сабаблар жаҳолатни келтириб чиқарганлиги маълум бўлади.

“Рўман” деган ном остида чоп эттирган мазкур асар ҳажмига кўра, поетик қамров, композицияси, жамият ва шахс масалалари тасвирига кўра қиссага яқин туради. Эпик асарларда, хусусан, романчиликда ёзувчи томонидан чизилган портретлар асарнинг бадиий концепциясини белгилашда, характерлар моҳиятини очиб берилишида катта аҳамият касб этади. “*Эски мактаб турмуши ёки толиб*” романида қаҳрамон ва персонажларнинг портрети у қадар мукаммал тасвирланмайди. Кўп ҳолларда қаҳрамонларнинг ҳаракатлари орқали уларнинг қиёфа ва қалбларини очиб беради. Масалан, *“домла, эчкининг терисидан ясалиб, ўттуз-қирқ йилларнинг ўтқузган эски пўстакларнинг устига чиқиб ва томоқларини қира-қира тиз букуб ўтурганларидан кейин мактаб болалари ҳам ўтурушдилар... Домла жанобларининг ёшлари 50 ларга етган бўлиб, ҳар кун 2 косадан кўкнор ичишлари.... ва сўзлаб ўтуруб хаёл дарёсиға чўмуб кетишларидан билиниб турар эди. Ёшликларида жуда келишган, кўп хушсурат бўлиб, мадраса муллобаччалари орасидан мударрис домла жаноблари бу кишини дарсхона хизматиға лойиқ кўрганлари сабабли дарсхонада туриб, ҳар кун икки-уч йўл ҳазрат домлаларіға эзиб берган чоғларида бир ҳўплам икки ҳўплам таъмини тота бошлаб, бу фалокат ва пес кўкнориға мубтало бўлғонларини сезмай қолғон эдилар”*[Муҳаммаджон ўғли М. 2:13]. Кўринганидек, домла ҳаракатлари унинг ботинида кечаётган номақбул туғёнларни фош этади. Аслида Толибнинг отаси Муслим ака ҳам ёмон инсон, ёмон ота эмас. Фарзандини яхши кўради, оила тирикчилигига масъулликни зиммасига олган, ёшлигидан қийинчилик кўриб катта бўлган. Аммо илмсизлиги, ўта содда ва ишонувчанлиги унга панд беради. Домла билан бўлган суҳбатда жамиятнинг қолоқ инсони қиёфасида кўринади. Одатда, портрет ва ҳаракат мутаносиблиги асарнинг бадиий жиҳатдан пишиқ ва мукаммал бўлишини таъминлайди. “Эски мактаб...”асарида эса ҳаракат ва характер уйғунлигини кузатиш мумкин, яъни асар қаҳрамонларининг жисмоний, фикрий ҳаракатлари ўша қаҳрамоннинг характерини очиб беришда ёрдам беради.

Тўғри, асар муаллиф томонидан “рўман” деб тақдим этилган бўлса-да, роман жанрига хос эпиклик хусусияти тўлақонли ўрин олмаганлиги боис уни роман дея олмаймиз. Асар сюжети, қаҳрамон ва персонажлар сони, уларнинг воқеликдаги ўрни, конфликт ва ёрдамчи конфликтларнинг тус олишидаги саёзлик каби ҳолатлар роман жанри таомилларига тўла-тўкис жавоб бермайди, яъни воқеалар ривожи анчайин суст, тарқоқ, ҳаётий воқеликларни тасвирлашдаги юзакилик натижасида асосий ғоя чуқур очилмаган. Қолаверса, реалистик эпик тасвир бадиий жиҳатдан анчайин заиф ва хира, сабаби ёзувчи ҳар бир воқеа ва қаҳрамоннинг ҳаракатига урғуни ортиғи билан берадики, бу ҳолат бадиий тасвирни босиб тушади. Қаҳрамонлардаги хислатлар тасвири ҳам талаб даражасида кўзга ташланмайди ёки жоиз бўлса, воқеликни ифодалашда ҳиссий туғёнлар бўртиб турмайди. Аслида ёзувчининг ўзи сўзбошида *“рўмон” ёзишлик қўлумдан келмаслигига кўзим етса ҳам “Шул рўмоннинг бир нечини тавакkал қилиб ўзим ёзиб*

юборсаммикин?” деб баъзи-баъзида ғайратланиб кўнглумга кетириб қўяр эдим” дейиш билан катта эпик жанрда асар ёзишдаги ибтидоий тажрибаси, дастлабки урунишлари эканлигига ишора қилади. Даврий эҳтиёждан келиб чиқиб, давр воқеликларини рўйи-рост очиб берувчи асарлар битиш вазифасини ўз олдига қўяди ва шу тариқа асар дунёга келади. Асарда жанр талаблари қиёмига етмаган бўлса-да, ўқувчи асарда илгари сурилган фикр мазмунини англаш билан М.Муҳаммаджонов яшаган давр, яъни XX аср бошларидаги ҳаёт моҳиятига кириб боради. Қолаверса, асар ёзувчининг босиб ўтган йўллари ҳақида тасаввур беради.

Ёзувчи XX аср бошлари Туркистонда рўй берган катта қамровли воқеликни англаш ва уни талқин қилишда, ундан бир парчасини танлаб олади ва тасвирлайди. Асар сюжети ўша даврдаги кўпчиликни бошидан ўтган воқеага қурилганлиги тайин. Асар нисбатан ноодатий сюжетга қурилганлиги, персонажларнинг ҳам ўзгача табиати, контрастлар, кутилмаган воқеалар, композитсиянинг жуда тарқоқлигини ёзувчининг эпик асарни реализм оламиятидан туриб яратиш тажрибасининг тўлмаганлигида деб изоҳлаш мумкин. Аммо шундай бўлса-да, ёзувчи қалбини безовта қилган илмсизлик ва жаҳолат масалаларини эпик усулда ёритиб бериш йўлидаги уринишини ижобий баҳолагимиз келади. Сабаби муаллиф асарнинг ғоявий томонига урғу беради. Муҳими, Муслим ака, Толибжонларнинг аянчли қисмати – илмсизлик эканлигига, миллий зулмнинг қаттиқлигию жаҳолат исканжасининг зўрлигига ўқувчини ишонтиради ва бундан хулоса чиқаришга ундайди. Демак, “Эски мактаб турмуши ёки толиб” асарида Мўминжон Тошқиннинг поэтик изланишлари миллатни уйғотиш, уларни сергаклантириш ғоясига қаратилган. Аслида асар сарлавҳасидаёқ ўша даврнинг нечоғлиқ долзарб муаммоси кўтарилганини англаш мумкин. Тошқин миллатнинг куюнчак фарзанди сифатида даврнинг чиркин воқеликларини зийраклик билан кузатгани ҳолда уни ўз “рўман”ида акс эттирди. Узоқ асрлар давомида яшаб келган феодал муносабатлар, чиркин диний бидъатлар, ножўя одатлар, “баччавозлик” каби турли ахлоқсизликлар Туркистоннинг тараққиётига тўсиқ бўлганлигини Муслим ака ва унинг оиласи, домла ва эски мактаб ҳаёти орқали очиб беради, бир сўз билан айтганда, хурофот ва бидъатнинг яна бир хилдаги кўринишини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мўминжон Тошқин. Турмуш урунишлари (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи Муқаддас Тожибоева) – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2014.
2. Муҳаммаджон ўғли М. Эски мактаб турмуши ёки толиб / Андижон Адабиёт ва тарих музейи қўлёзмалар фондида VR59/ 8-3.M93 инвентарь рақами остидаги қўлёзма.
3. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари ва маҳорат масалалари. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2017. -260 б.

“ЗАНЖИРБАНД ШЕР”НИ ЮРАГИГА СИҒДИРГАН ШОИРА

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори

Тарихдан маълумки, қадимги Туркистон бутун дунё маданияти ва адабиётида ўзига хос салмоқли ўрин тутган буюк авлиёлари, мутаффакирлари ва шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари хазинасига ўзининг бебаҳо дурдоналари, бетакрор санъати, нодир ҳикмати, мумтоз адабий намуналари билан танилган бир юртдир. Айниқса, Шарқ шеърияти ўзининг илоҳий ҳикмати ва назмий нафосати дунё аҳлини ҳайратга солди, қалбларни ҳаяжонга солди. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий, Бобур каби улуғ шоирларни етиштирган қадим юрт улуғларига муносиб ворисларни, улуғ сўз ҳикматини қадрлаган шоирларни яна қайтадан кашф этиши айни ҳақиқатдир.

Шеърият, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ таолонинг инсониятга берган улуғ неъматлардан, яъни ҳикматларидан биридир. Шеър — инсон руҳияти ва қалб садосининг шакл — сўзга кўчиб ўтишидир. Руҳнинг олий мақомдаги ҳолати, кайфияти шеърда аксланади. У уммон қадар чексиз, осмон каби бепоён. Руҳнинг чексиз самоларида учиши, тафаккурнинг кўз илғамас юксакликдаги парвозидир. Унинг зеболиги, таъсири ва кўламини аниқлаш осон иш эмас. Дардчил инсон ҳис-туйғусига дахл қиладиган шеърлар аввалambор Оллоҳ ўз неъмати — Истеъдод билан сийлаган ижодкор томонидан яратилади. Бу неъматланиш шоирнинг юрагида, қалбида, тафаккурида аксланади, ботинида юз беради, барчасининг синтези ўлароқ муқаддас Сўзга кўчади. Сўзни улуғлаган, Сўздан руҳини юксалтирган, Сўзга топинган, Сўздан қувватланган, ҳаётини Сўзга айлантира олган ўзбекнинг улуғ шоираси Ҳалима Худойберидева миллатнинг, туркий дунёнинг, инсониятнинг фахри ва ғурурига айланди. Қадим ўзбекнинг улуғ ва беназир шоираси Ҳ.Худойбердиева шеърияти ўзининг самимий ва соф туйғуларга бойлиги, мағзи бутунлиги, поэтик образнинг ёрқинлиги билан ўзбек лирик тафаккурида салмоқли из қолдирди. Шоиранинг ички туғёнларини, қалб оташи, аёл назокати уфуриб турган ёниқ шеърлари миллий адабиётимизнинг ноёб дурдонаси сифатида эътироф этилади.

Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен,
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар...
Болам, кимсан, ким бобонгнинг қотили,
Билармисан туркнинг тўқсон зотини?
Томиримдан чиққудайин отилиб
Найман онанинг ноласи уйғонар.

Шоира ижодида Ватан ва Имон туйғуси энг олий қадрият сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Шеъриятда у Найман Она қиёфасида қайтадан “тирилди”, миллатни руҳий ҳурриятга, эрк озодлиги йўлида томирларидан “чиққудайин отилиб” бор овозида ҳайқирди. Найман она сингари элини

маънавий уйғоқ бўлишга даъват этади, руҳни уйғотишга даъват қилди. У яратган мисралар ортида халқининг орини, ғурур ва номусни ўз ориятига тенглаган руҳи бақувват ва кучли аёл сиймосини кўрамиз. Шоира Найман она бажарган улуғ миссияни вазифани ўз зиммасига олади, бурч деб қабул қилади. Найман онанинг дард аламлари билан шоира қалбидаги изтироблар қайсидир маънода ҳолдош эди. У меҳрибон ва хокисор Аёл, Она бўлиб эмас, исёнкор, кўнгил изтиробларини юрагига қамаб яшаган Аёл, фарзандлари ва халқи учун курашга отланган жанговар Она сифатида гавдаланади.

Шоира шеъриятида Аёл — Она — Ватан туйғуси алоҳида мазмун моҳият касб этади. Руҳ бедорлиги, қалб Ғалаёнининг Исёнга айланиши ҳамда бу руҳий ҳодисанинг шеърга кўчиб ўтиши ўта нозик ва латиф жараён саналади. Инсон қалбида юз бераётган жонли жараённи суратга олиш, айни руҳнинг қизғин палласини муҳрлаш осон иш эмас. Энг қизиғи бу ҳол ўзгарувчан, товланувчан айни пайтда ўтиб, яъни оқиб кетаётган Лаҳзадир. Лаҳзани тутиб қолиш, руҳнинг жазба палладаги ҳолини “сурат”га олиш ва энг асосийси, уни қайтадан сайқаллаб юракларга “узатиш” шоир зиммасидаги улкан Омонатдир. Ҳар қандай моҳир тасвирчи ҳам бир вақтнинг ўзида уддалаши мушкул юмушни сўз орқали айта олиш бу янаям закийлик ва нуктадонликни талаб этади. Теранроқ назар солинса, шеър — Ҳолнинг суратидир. Бундай “сурат”ни маромига етказиб олиш учун Яратганнинг инояти ва истеъдоддан насибаси бўлмаса у ижодкор бўла олмайди. Асл ижод туйғусидан бебаҳра ўтади, умри шамолларга соврилади, ёзгани изсиз кетади.

Бундай туйғу шоиранинг шеърларида ўзгача жаранглайди, янги мазмун топади. Қадим қадрият ҳақидаги сўз, янги шаклга эврилади. Шоира шеърларида Ватан Сўзнинг поэтик семантик маъно қамрови кенгайиб кетади, янги маъно либосига бурканади, қайтадан идрок этилади, ҳиссий сезим орқали англаш, билиш юзага келади. Шоира Ватан туйғусини Дард сифатида идрок этди, дард чекади, малҳам истади. У малҳамни сўздан истади, сўзга топинди. Ватан дарди шоирани салафлари Навоий, Бобур, Нодирабегим сингари улуғларга йўлдош қилди.

Ғамим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Шамим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Камим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Менам тўлдиролмай ўтаётибман.
Сиз-ла ғамдош тушсак, дўст тушсак керак,
Оқ сочларимизни ўришсак керак,
Моҳларойим, тезда кўришсак керак,
Менам йўл сўнгига етаётибман.
Менда ҳам Сиздаги илоҳий ор бор,
Менда ҳам Сиздаги ғаним бор, мор бор,
Демакки, олдимда тахтми ё дор бор,
Менам олдингизга кетаётибман.

Ҳ.Худойбердиева шеъриятида адабиётнинг, сўзнинг илоҳий неъмат эканлиги алоҳида жазба кашф этади. Нодира бегимга мурожаат қилиб менда ҳам “илоҳий ор” бор дейди. Илоҳий ор — Яратгандан инган сифат, у ижодкорнинг яралашида, ибтидосида ва интиҳосида ҳам бўлади. Бундай сифатланган зотлар шунчаки яшаб ўтиш, ёки шунчаки ёзиш учун қалам тутмайдилар. Шоира шеъриятини юрак билан, қалб билан тинглаш лозим, баъзан уни тафсир қилиш имконсиз. Унинг шеърияти шундай катта уммонки, кўз илғамайди, сарҳадлари чексиз, нафасинг етмайди, сўз топилмайди. (“Руҳим юрагимга қаттиқ муштлайди, Руҳим киябошлар совутларини”).

Ҳ.Худойбердиева Руҳ ҳолатларининг тиғиз палласини ва ўта нафис лаҳзаларни сўзга сола олди, унга мос шакл топди, янги маъно либоси билан зийнатлади. У шеърларида Она каби меҳрибон ва Аёл сингари назокатли, садоқатли Ёр, Ватанини севувчи элпарвар сифатида гавдаланади. Бу шоира ижодининг зоҳирий кўринишини билдирса, ботинида эса улуғвор Руҳ, исёнкор Кўнгил, жанговар Юрак тебранишлари “овоз” беради. Шоира шеърларида тизгинсиз алам ва изтиробларини юрагига қамаб яшаган Аёл, фарзандлари ва миллати учун курашга отланган мардонавор Жангчининг руҳини ҳис қиласиз.

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин
Курагимнинг синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйғотмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.
Баланд бир ўт ёнган ичимни
Мен совутиб яшашим керак.
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни,
Мен овутиб яшашим керак.
Аёл ўтиб борар... шўх юриб
Шамолларда соч ёйган аёл.
Ич-ичида йўлбарс ўкириб,
Сиртдан майин жилмайган аёл.
Сен сўрама, мен ҳам айтмайин...

Ҳалима Худойбердиева шеъриятини юрак билан, қалб билан тинглаш лозим, баъзан уни таъриф ва тафсир қилишнинг имкони йўқ. Мана шу кичик шеърнинг ўзидаги маъно қатламлари ақлни шоширар даражада катта қамровга эга. Шеърдаги ҳар бир сатр, ҳар бир мисра ўзида улкан мазмун ташийди. Уни талқин қилиш, маъноларни англаш катта тажрибани, назмий нафосатни талаб қилади. “Курагимнинг синганини қарс”, ёки “Юрагимда ётар бир йўлбарс”, “Ич-ичида йўлбарс ўкириб” каби мисраларни таҳлил этиш, мазмунга мос шарҳ топиш осон эмас, англов ва ҳис этиш лозим... бу қадар ташбеҳ, талмеҳ, нуктадонлик...

Шоира шеърларида “муқаддас аёл”нинг курашчан руҳи ва кучли иродаси бот-бот ўзини эслатиб туради. У шунчалар матонатлики, ўз кураклариниг “қарсиллаб” синишини эшитади, бу оғриқ азобини ҳис қилади, аммо буларнинг барчасига сабр қилишга ўзида куч топади. Энг

муҳими бунга сизни ҳам ишонтиради. Инсон зотининг “юрагидаги йўлбарс”ни тутқунликда сақлаши, унинг ҳайбатли ўкирикларини қалб тубига кўмиб юбориши учун улкан сабот ва матонат зарур. Йўлбарснинг ҳайқириғи оламни ҳуркитади, қўрқитади, унинг ҳайбати ва қудрати жонзотларни ваҳимага солувчи даҳшатли ўкригида билинади. Шоира юрагидаги туғёнларни йўлбарс ўкригига менгзайди, аммо у бу шиддатли тўлқинни ичига қамаб ўтишга мажбур. Айни шу мажбурлик уни шеър ёзишга ундайди. Шоиранинг иродаси ва жасорати йўлбарснинг ҳайбатидан асло кам эмас. Шу боис шоира уни юрагида зиндонбанд этишга ўзида куч топа олади. Йўлбарснинг итоатга бўйсунмай озодликка интилиши нечоғли кучли бўлмасин, шоиранинг иродаси унинг кучини маҳв эта олганида кўринади. Ҳ.Худойбердиева “юрагидаги йўлбарс”ни ҳазрат Навоий сингари зиндонбанд этиб яшади. Ажиб ҳолат. Навоий ўзининг куч қуввати, идроки, тахаюл қудратини ақлан ҳис қилади, аммо чорасизлик — тарихий вазият уни занжирга боғлиқ қилди. Ҳазрат Навоийнинг қалб жавҳари, Имон нурини, тафаккур ёғдусидан шоиранинг дард армонлари аригандай бўлди. Ижодкор бежиз шер, арслон, йўлбарс образига қайта қайта мурожаат қилмайди. Биз эътибор қаратган икки нуқта: Навоийнинг “занжирбанд” шери ва шоиранинг “юрагида ётган” йўлбарс образининг ҳар бири алоҳида мазмун моҳиятга эга. Шер, йўлбарс, арслон жонзотларнинг энг йириги ва сардори, куч ва қудрат тимсоли.

Истеъдодли шоира неча асрлар аввал ҳазрат Навоий чизган занжирбанд шерни ўзига хос ранг ва суратда қайтадан “чизди”, маъно маржонига тизди. Руҳ чексиз, у вақтни масофани билмайди. Шоиранинг оловли қалби ҳазрат Навоийнинг улуғ руҳини ўзига сирдош ва ҳолдош санади. Шер бўйнидаги занжирда ҳазратнинг мўминлиги, маърифати, садоқати акс этган. Занжир Навоийнинг кўнгил ишини юрт ташвишига алиштириш мажбуриятини қўйган, неча бора Ҳажга отланган шоир эл юрт қайғусида ортга қайтган эди. Сирли ҳилқат саналмиш инсон руҳиятига, табиатига нисбатан қўлланилган аниқ чизги, ҳолатни кўрсатувчи ташбеҳ ва айни нозик лаҳзаларга берилган таърифнинг барчасида улкан истеъдоднинг нафаси бор, руҳи бор.

Шоира Ҳазратнинг дард армонларини юрак билан англайди, мажбурият ва маҳкумликни ўзига тарзда ифодалайди. Шоира ўзи сингари дунё маломатларидан безган, руҳи озорланган, қалби шикаста Пири Комилини излаб топади, унга таянади. “Юрагимда ётар йўлбарс” бир мисранинг залвори, салобати дилларни шоширади, муносиб сўз излашга ундайди, имкон эшикларини тамбалаб қўяди. Мисрадаги маъно юкини бир сўз билан кўрсатиб бўлмайди. Ҳ.Худойбердиева кўксида йиғилиб турган аламларини тафаккур элагида “элади” зувала қилди, мазмунга мос шакл топди, қалб меҳварида пишитди, элга, сўзнинг қадрига етадиган мухлисларига тақдим этди. Навоий тасвирлаган шер шоир сийратидаги Руҳнинг ўз эркинлигидан маҳрум эканлиги ва ихтиёри ўзида эмаслигини англатса, Ҳ.Худойбердиева эса юрагидаги исённинг кучини, залворини йўлбарс қудратига менгзайди. Шоира қалбида йиғилган алам ва армонлар бош кўтарган, ғалаён юз

бермоқда, исён борган сари кучаймоқда. Исённинг кучланиш даражаси йўлбарс куч қувватига тенг келадиган даражада шиддатли ва аёвсиздир. Мана шу аёвсиз куч юракдаги йўлбарсга тенгланади. Яна бир шеърида шоира шундай ёзади:

Овга чиқмам, чиқсам арслон овим менинг,
Бу – кўнглима худо солган довим менинг,
Шивир-шивир, висир-висир ёвим менинг,
Қўнғироққа ошиқликни берсанг бўлди.

У фақат арслонни ов қилишга чиқади, энг қудратли жонзотни ўлжа билади. Шоиранинг дунёни англаши, тафаккур тарзи, поэтик англами, ҳиссий сезимлари, назмий нафосати ва шахсиятидаги айричалик унинг тийнатидаги сифатлар билан боғлиқ бўлиши табиий ҳол.

Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ, бу — шоирга ўлим!

Ҳақиқатан ҳам шунчаки ёзмоқ — фақат шоирнинг эмас, адибнинг ҳам, олимнинг ҳам ўлимидир". Олим таъкидлаб кўрсатган "Мен шунчаки куйлагим келмас", сатрларида шоиранинг ўзи ҳам вужудидаги кучни, қудратни сезиб турибди, шу боисдан "Овоз пардаларим чидаб берса бас" дея ҳайрат остига беркинган андишасини яширмайди. Шоира учун "шунчаки" ёзиш ўзини алдаб ўтишдир, ижод унинг учун ҳаёт мамот масаласи каби аҳамиятга эга.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда.
Бу талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда,
Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

Сўзни шунчаки тизмоқ, қофияга эргашмоқ, баландпарвоз гаплар билан мадҳ этмоқ шоира учун тирикликнинг йўқликка айланишига тенгдир. Шоиранинг мазкур сатрлари унинг ижодий концепциясини белгилайди, ҳаётий дастури ўлароқ аҳамият касб этади. Шоира шеъриятида Инсон шарафи, Имон туйғуси ўзига хос мазмун моҳият касб этади, руҳни уйғотади, маърифатга чорлайди.

Мусулмонмиз,
Ҳар инсон
Инсон тарафга юрсин.
Бири-бирига пешвоз
Имкон тарафга юрсин...
Минг ёлғонни оралаб
Бир чин топмоқ истаган,
Томирларида юрган
Сўзин топмоқ истаган,
Ўзин топмоқ истаган
Қуръон тарафга юрсин!

Мусулмонмиз,
Ҳар инсон
Инсон тарафга юрсин!

Шоира шеъри орқали ислом дининг асл моҳиятини, Имон талабини, ҳақиқатни англаб етишнинг ягона йўли Қуръони Карим эканлигини баён қилади. Ўзлигини англаш умидидаги инсон ҳақни фақат Яратгандан, унинг мезонларига амал қилишдан топишини шеър бағрига сингдириб юборади. Ҳар бир инсон мукаррам қилинган зот, кимки инсонлар ўзаро оқибатни, мурувватни сақласа инсоният яшашда давом этишини уқтиради. Оллоҳ жамолидан баҳрамандлик туйғуси шоирани “инсон тарафга” теранроқ назар солишга ундади.

Субҳоноллоҳ, биҳамдилиллоҳ,
Қайтгим келди ўзингга Оллоҳ,
Айтгим келди ўзингга Оллоҳ,
Кўнглим сенга сузиб боради...

Шоиранинг “Демакки, сен шоирсан...” шеърида шундай дейилади:

Нафақат
Кўтарса халқ,
Кўксингдан итарса халқ,
Пешонанг намакоб, талх,
Шўрдаям хайқиролсанг,
Демакки,
Сен шоирсан!
Нафақат Зар, зўрларни,
Узсанг, тўсин, тўрларни,
Чайқалтирсанг гўрларни,
Гўрдаям ҳайқиролсанг,
Демакки,
Сен шоирсан!”

Юқорида шоиранинг шеър ёзиш, шоир бўлиш маъсулияти ҳақида сўз борган эди. Мазкур шеърда эса шоир ким ва у қандай бўлмоғи лозим деган саволларга жавоб топасиз. Ижодкорнинг жим ўтирмоққа, лоқайд бўлмоққа ҳаққи йўқ, у миллат маънавиятига маъсул одам. Шу боис “Гўрдаям ҳайқиролсанг” дея ёзади шоира. Ҳар қандай “Зўр, зарлар”га тобе ҳамда нафсига қул бўлмаслик шоир учун эркини бой бермоқ билан баравардир.

Аввал ичингда қил ибодатингни,
Аввал ичингда ёй шахд-қанотингни...
Ғам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас,
Аввал ўз ичингга кир, кириб бўлмас.
Ички бургут кўклаб, ўзни урарми,
Ташқарида Сени ўлдириб бўлмас.

Шоиранинг ижодини кузатар эканмиз йўлбарс, шер, арслон, бургут каби кучли ва ғурурни ҳар нарсадан устун қўйган жонзотлар жуда кўп ҳолатда такрор қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Шоира камтар бўлиши билан бирга ҳаётда ўз ўрнини яхши билган. Ғурур ва ориятда ниҳоятда юксак мезонларга амал қилган, номус учун курашган, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли шоира “ички бургут”ини енгиб бўлмаслигига ишора қилади.

Юқоридаги мисолларда шоиранинг жанговор кайфиятдаги исёнкор шеърлари ҳақида сўз юритдик. Тақдир шоирани кўп синовлар билан имтиҳон қилди. Ижодкор шахсий ҳаётидаги зиддиятлар, давр силсиласининг изғиринлари, атайин қилинган тақиқ ва таъзийиқлар унинг ижодида чуқур из қолдиради. Шоира ҳам бу борада кўп йўқотишлар қилди, қурбонликлар берди. Аммо буларнинг барчаси шоира Руҳини юксалтирди, Ўзини танишига йўл очди. Айирилиқ ва азобни шоира ибрат ўрнида қибул қилди. Аламлар шоирани Улуғворлик ва Донишмандлик босқичига кўтарлишида маълум бир зинапоя вазифасини бажарди. Ҳақиқий авлиё зотлар сингари шоира Руҳи юксаклик комиллик сари парвоз қилади. У синовни куч ва умид билан қарши олади, руҳий тушкунликка берилмайди, тақдирдан ёзғирмайди.

Кўнгандим-ку, дунё ўйинларига,
Чидадим-ку, бўрон, қуюнларига,
Ҳурлар қўл ташлабми бўйинларига,
Арслон болам мисли хон, султон ётар.

Во дариғ, ё Раббим, бу не тақдирдир,
Байрамни кам кўрдим, кўпи таҳқирдир,
Худо, тақдиримга бу не таҳрирдир?!
Руҳимда минг йиллик жим исён ётар.

Шеърнинг дастлабки мисаларида Оллоҳга юзланиб қисматидаги жумбоқларга жавоб сўрагандай бўлади, аммо тақдиридаги “таҳрир”дан нолимайди. Шоира “Руҳимда минг жим исён ётар” дея қалбидаги армонларни Сабрга, йўқчиликни Қаноатга, тақдирдан Ризо орқали Яратганнинг розилигини олишни энг асосий ечим сифатида қабул қилади. “Бу кунларга етганлар бор етмаганлар бор”.

Ҳалима Худойбердиева сўзнинг маъноларини турфа жилвалари ила тасвирлай олган, мағзи бутун шеърлари билан ўзбек китобхонининг калбидан жой ола билган, ўзига хос, бетакрор ижодкор. Шоира қайси мавзуда шеър ёзмасин, гўзал ўхшатиш ва ташбеҳлардан унумли фойдаланади. Шоира туйғулар тасвирига алоҳида эътибор қаратади, шакл ва мазмун мутаносиблигига эришади, ҳақиқатни айтиш, адолат тантанасини улуғлаш учун ижодий изланади. Барчамизга таниш сўзлар янги ва чуқур маъно билан зийнатланади. Буларнинг барчаси унинг ҳақиқий истеъдод соҳибаси эканлигини кўрсатади. Шоиранинг “Муқаддас аёл” шеърида “Унамадинг, аёл ўзи терс халқ, дедилар”, “Ичолмагач юз ўгириб шўр, талх,

дедилар” каби ўнлаб мисраларида ҳам гўзал ташбеҳ қўлланилади. Яна бир мисол:

Ўз кучи, ўз бардошини билмаган дарахтман мен,
Қоқилгандай битта жойдан жилмаган дарахтман мен.
Сершох, сербарг новдалари чақчақлатиб қушларни
Умр буйи ўзи бир бор кулмаган дарахтман мен..

Биров пичоқ билан кесди, сўрди ширaларимни,
Бошка биров каллаклади, кўрди ичим, қаърими.
Баргим пилла қурти еди, биров кийди заримни
Мен-чи, бировлардан бир барг юлмаган дарахт ман мен...

Шоира ҳазрат мир Алишер Навоийни анаънага айланиб улгурган қолипдаги улуғлашлардан воз кечади, ўзи таниган билган улуғ шоирнинг сийратини чизишга ҳаракат қилади:

Навоий – нон. Тусма. Унга борар йўлдан қоч,
Ғашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,
Ахир нонга мусулмону кофир бирдай оч.

Навоийнинг маърифати, ижодий фалсафаси бани башарга, инсониятга бирдай тааллуқли эканлигига ишора қилади. Навоий инсон маънавиятини озиқлантиради, кўнгилларни тўлдиради.

Ҳ.Худойбердиева ҳаёти ва шеърияти бугунги кун миллат фарзандлари учун намуна Мактаби бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳар бир сатри, мисраси Юрт, Эл, Миллат, Ватан дарди билан тўйинган, оғриғи билан дард чеккан, азобларига малҳам истаган шоиранинг жонфидолиги кўрсатади. Унинг вужуди, руҳи Ватан тупроғига сингиб кетди, бутун борлиғини Юрт қайғусига сафарбар этди.

Бир кун... бир кун топмасангиз
Бўлсам ғойиб
Туркистоннинг тупроғидан
Изланг мени.

“СЕНГА ҚАЙТМОҚДАМАН, ШЕЪРИЯТ!” ЁХУД ҚУТЛИБЕКА РАҲИМБОЕВА ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,
филология фанлари доктори.

Аннотация: Мазкур мақолада ўтган асрнинг 70-йилларида шеърият майдонига кириб келган Қутлибека Раҳимбоеванинг ҳаёти ва ижоди, шеъриятига хос муҳим бадиий-ғоявий хусусиятлартаҳлил этилди.

Калит сўзлар: Ўзбек шеърияти, Қутлибека, аёллар шеърияти, ижтимоий мазмун, лирик шеър, пейзаж шеър.

Қутлибека Раҳимбоева 1952 йил 9 февралда Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз вилояти, Олтмиш қишлоғида зиёли оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Отаси Бозорбоев Раҳимбой (1909-1961) колхоз раиси лавозимида ишлаган. Онаси Матсафоева Пошша (1924-2001) бутун умр ўқитувчи бўлиб, ўқувчилар қалбига зиё тарқатган. Қутлибека Раҳимбоева ўрта таълимни мактабида олгач, олий таълимни Фарғона давлат педагогика институтида (1969-1973) давом эттирган. 1973-1974 йилларда Фарғона вилояти, Қува тумани, Ойбек номли 29-мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқитувчи бўлиб ишлаган. Сўнгра, у Туркманистонга қайтиб келади. Бу ерда 1974-1978 йиллар оралиғида Тошҳовуз шаҳридаги 14-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларига дарс беради. Қутлибека ўз кўнглида қандайдир бир кемтиклик борлигини ҳис этади. Унинг қалби, бағри бутун бўлиши учун унга кенгроқ майдон керак эди. Унинг кўнгил майли бошқачароқ ижодий муҳитни излаётган ва истаётганди. Шу мақсадда бўлажак шоира пойтахт Тошкентга келади. Бу ерда у 1978-1979 йилларда Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида оддий лаборантликдан ишни бошлайди. 1979-1983 йилларда эса Қутлибека Раҳимбоева Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётига муҳаррир бўлиб ишга киради. Шундан сўнг, 1983-1988 йилларда “Саодат” журнали таҳририятида муҳаррир, муҳаррир муовини, масъул котиб лавозимларида ишлайди. Сўнгра, Қутлибека бир муддат яъни, 1988-1994 йиллар орасида эркин ижодкор сифатида фаолият юритади. 1994-2009 йилларда “Саодат” журнали таҳририятида масъул котиб лавозимида ишни бошлайди. 2009-2018-йиллар орасида Қ.Раҳимбоева “Саодат” журнали Унитар корхонаси масъул котиби, 2018-йилдан эътиборан эса шу журналда ижтимоий-сиёсий бўлим мудири лавозимида ишлаб келади. Айтиш мумкинки, Қутлибека ўзи истаган ижодий адабий муҳитни том маънода таҳририятларда, айниқса, “Саодат” журналида топди. Шоира Зулфия уни ўз қаноти остига олди. Ҳатто илк шеърий туркумига “Оқ йўл” ёзиб берди. “Саодат” журнали таҳририятида Қутлибека ижодий парвозларга шайланиб, кенг қулоч очиб ижодга шўнғиди. Устоздан ва бу муҳитдаги кўплаб

ижодкорлардан маслаҳатлар олиб, тобланди. Айниқса, Қутлибека ўз даврининг пешқадам шоиралари Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Нуруллаевалардан кўп нарсаларни ўрганди. Уларни ўзига устоз деб билди, уларга эргашди. Шоиранинг шу кунга қадар бир қанча шеърий китоблари чоп этилган. Шунингдек, таржимон сифатида М.Цветаеванинг “Менинг Пушкиним” эссесини (Ойгул Суюндикова билан ҳамкорликда), шеърларини рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Бундан ташқари, Лесия Украинка (Украина), Алфонсино Сторни (Аргентина)дан бир неча шеърларни ўзбекчалаштирган.

Қутлибека Раҳимбоева машаққатли ва ҳалол меҳнатлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1994), “Шуҳрат” медали (1999), “Мустақилликнинг 15 йиллиги” эсдалик нишони (2006), “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони (2016), “Меҳнат Шуҳрат” ордени (2020) билан нишонланган.

Қ.Раҳимбоеванинг шу кунга қадар “Юрагимда кўрганларим” (1981), “Узун кундузлар” (1984), “Уйғониш фасли” (1989), “Озодлик” (1997), “Кўксимдаги Тангритоғ” (2002), “Қоракўзларим” (2012), “Муҳаббат, сен чиройлисан” (2015), “Тўйлар муборак” (2017), “Чақмоқлар фасли” (2022) номли ўнга яқин шеърий, насрий, публицистик мақолалар китоблари чоп этилган. Шоиранинг илк китоби “Авторнинг илк китоби” туркумида нашр этилади. Мазкур китобнинг қўлимдаги нусхасида ички муқовага Қутлибеканинг қуйидаги дастхати ёзилган: “Миразиз ака! Мен дунёдаги ҳамма нарсалар Сизга ўхшашини истардим. Теран ҳурмат билан Бека. 21.08.81”. Кузатиб турганимиздек, бу дастхат бундан роппа-росса қирқ бир йил олдин ёзилган. Ўшанда Қутлибека йигирма тўққиз ёшида бўлган. У ўша пайтда ижодга ва адабиётга меҳри баланд, юраги шеър ёзиш ишқи билан тўлиб-тошган гўзал навқирон ёшда эди. Миразиз Аъзам ўзбек адабиётида шоир, моҳир таржимон сифатида таниқли. Қутлибека учун Миразиз Аъзам “Идеал шахс” эди. Буни қарангки, тақдир экан, уларнинг ҳаёт йўллари ҳам бирлашиб, оила қуришиб, бола-чақали бўлишиб, бугун бу икки ижодкор жуфтлик неваралар ва фарзандлар ардоғида яшамоқда. Тақдир бу икки меҳнаткаш инсонни, икки адабиётсевар, шеърсевар ижодкорларни бирлаштирди. Улар ҳамжиҳатликда бирга-бирга ижод қилишди. Қутлибеканинг шоира сифатида ўсиб-улғайишида биринчидан “Саодат” журнали ва турли нашриёт таҳририятларидаги адабий ижодий муҳит сабабчи бўлса, иккинчидан оилавий муҳит ҳам катта роль ўйнади. Қутлибека уни тушунадиган, сўз ва шеър қадрини чуқур англайдиган умр йўлдошини кечикиб бўлсада топди.

Қутлибека Раҳимбоева ўтган асрнинг 70-йилларида илк шеърий машқлари билан адабиёт майдонига кириб келди. Шоиранинг илк тўпламига кирган шеърлари мавзусидан пейзаж тасвири, фасллар, айниқса, куз манзаралари, пахта далалари ва пахтакор қизлар, ёшликка хос завқ-шавқ, севги, талабалик йилларининг унутилмас лаҳзалари бадиий ифодаланганини

кузатиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Қутлибека шеъриятида самимий ва содда, аммо тоза бир маромдаги юрак уриши эшитилади. Жумладан:

Совуқдан кичрайиб қолган қуёшни
Иситгим келарди бағримга босиб.
Ҳавойи булутнинг куйдириб кўзин.

Сал ўтмай турнанинг қанотларидан
Тушиб қолар эди хушбўй бир фасл,
Қучоқлаб ялпизнинг ёқимли исин.

Куртаклар жилмая бошларди аста...
Улар бир очилиб жилмайганида
Лабида унарди ол, пушти гуллар.

Ўрикзор боғларни қилиб элаги,
Қуёшнинг минг тусли шуълаларини
Сермайса заминга эларди еллар...
Баридан кетяпман...

Қадрдон қишлоқнинг яшил суврати
Кўзимдан қалбимга чўкиб кетар жим.
Энди олдимдаги узун йўлларда
Қалбимга термулиб яшайди кўзим. [Раҳимбоева Қ. 1: 8.]

Қутлибека қадрдон она юртидан, гўзал табиий шароитдан пойтахтга бош олиб чиқиб кетсада, унинг бутун ижоди меҳварида гўзал табиат, қишлоқ кўчалари, тупроқ йўллар ва одамлари, уларнинг оғир дала меҳнати унинг асосий лейтмотиви бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, Қутлибека шеърияти иккита катта ўзандан озиқланади. Буларнинг биринчиси, ўзбек замонавий шеърияти бўлса, иккинчиси ўзбек халқ оғзаки ижодидир. Шоира лирикасида халқ оҳанглари ниҳоятда маҳорат билан синтез қилинган. Жумладан, “Бойчечагим бойланди...”, “Зуҳро ўтинчи”, “Тоҳирлар қайда?”, “Олис садолар” (Эртакдан сўнг туркуми), “Ҳақбой буванинг содда фалсафаси”, “Талаба укаларимга”, “Келинг, жон”, “Энаман”, “Қишнинг охирлари” каби қатор шеърлари ҳамда достони ўзбек халқ қўшиқлари, достонлари, алёрлари таъсирида халқона оҳангда ёзилган. Шоира ижодида 80-йилларда яратилган “Узун кундузлар” ҳамда “Мактуб бўлиб бораяпман” туркум шеърлари алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, Қутлибеканинг ушбу туркум шеърларнинг бадиий-шаклий услубидан тортиб, бадиий ғоясигача янгиланиш қилишга уриниши сезилади. Муаллифнинг “Мактуб бўлиб бораяпман” туркум шеърлари еттита шеърий мактубдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳафта куни номлари билан аталган. Шу туркум шеърлар орасида Қутлибеканинг онасига бағишлаб ёзган “Онамга” *Биринчи саҳифа*, *Иккинчи саҳифа, Учинчи саҳифа* шеърлари ниҳоятда таъсирчан, соғинч

туйғусини баланд пафос билан куйлагани билан эътиборни тортади. Масалан: *Биринчи саҳифа*дан:

Оз ёзасан, деб тортманг ташвиш,
Қувончим ҳам, юпанчим ҳам шеърдир.
Сатр битмоқ жуда осон иш,
Ростни ёзмоқ бироз оғирдир.
Ухланг ахир, дарров отар тонг,
Ёруғ тушлар кўринг, онажон.

“Миш-миш”ларга ишонманг, қўйинг,
Эрмак эмас менга муҳаббат.
Бир одамни жон қадар суйдим,
Ўшани деб ўтарман фақат.
Ухланг ахир, ҳозир отар тонг,
Ёруғ тушлар кўринг, онажон. [Раҳимбоева Қ. 2:39-40].

Қутлибека камтар, ўзига ортиқча бино қўймаган ниҳоятда оддий инсон. Ана шу оддийлик ва самимият, камтарлик унинг ижодига ҳам сингишиб кетган. Мана юқоридаги шеърда ҳам ўзини “Кам ёзадиган” шоир сифатида тилга олади. Ваҳоланки, чинакам ижод сони билан эмас, сифати билан аҳамиятга эга. Юқоридаги шеърнинг давоми бўлган *Учинчи саҳифа*дан парча келтирамиз:

“Қизинг ўзгарди”, деб айтибди кимдир,
Она, хатингизда бироз хавотир...

Эслайсизми, бизни ҳар тонг қуёшмас,
Соатлар жаранглаб уйғотар эди.

Ҳуррият байрами куни даладан
Юлдузни чиқариб, сўнг қайтар эдик.

Тўрт фасл пахтани машаққатини
Бутун қишлоқ билан бир тортар эдик.

Ташвишларим ҳамон ўша-ўшадир,
Онажон, сиз мендан олманг хавотир.
[Раҳимбоева Қ. 2:42-43].

Агар эътибор берилса, Қутлибеканинг 70-80-йиллар шеъриятида кўпроқ ўзбек халқининг пахта қулига айлантирилиши, уларнинг оғир меҳнати, оқ пахтазор ичида ҳатто қўшиқ айтишга ҳам ҳоли келмаётган, аммо янгроқ овозга эга ўзбек аёлларининг қиёфаси жонли тасвирланган. Албатта, бу қора

меҳнат қилаётган бободеҳқонлар, аёлларнинг, болаларнинг оғир меҳнатини Қутлибека ўз кўзи билан кўрган, ҳатто улар билан бирга эрта тонгдан қора хуфтонгача ишлаган. Шу сабабли шоира лирикасида шўро давридаги “пахтакор”га, “оқ олтин қулларига” айлантирилган ўзбек халқининг реал тарихи акс эттирилган. Қутлибека шеърларини мавзу нуқтаи назардан ижтимоий лирика, пейзаж лирика, кўнгил лирикаси деб, учга ажратиб ўрганиш мумкин.

Қутлибеканинг унча катта бўлмаган ижод намуналарида нафақат, ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги шўро даври одамлари, кайфияти ва воқеаларининг руҳи, балки шоирнинг шахсий ҳаёти, умр йўллари ҳам зуҳурланган. Шоира икки тузумни кўрди, икки тузумда яшаш, икки тузумни таққослаш имкониятига эга бўлди. Шунинг учун шартли маънода, Қутлибека шеъриятини иккига бўлиб даврийлаштириб, ўрганиш мумкин. Булар:

1. Қутлибеканинг шўро даврида ёзган шеърлари;
2. Қутлибеканинг мустақиллик даврида яратган ижод намуналари.

Қутлибеканинг ўзбек шеъриятидаги бадиий-услубий изланишлари айниқса, “Уйғониш фасли” шеърий тўпламига кирган 20 дан зиёд шеърлар ва “Қишнинг охирлари” достонида ёрқин кўринади. Шоиранинг миллат ва ватан тақдири ҳақида куйиниб ёзилган қатор шеърлари ўзининг ижтимоий пафоси билан ажралиб туради. Жумладан, Қутлибеканинг ватан, пахта далаларидаги оғир меҳнат, ўзбек тилининг мақоми учун қайғуриш, афғон урушига кетган жангчилар ҳақидаги қатор шеърларида, жумладан, “Ўзбекистон. Баҳор”, “Ватан хусусида 10-синф қизларига сабоқ”, “Илк бора тик қаддинг эгилди ерга”, “Қишнинг охирлари” (достон) ушбу мавзу тараннум этилган. Шоиранинг “Қишнинг охирлари” достонида 80-йиллардаги ўта фожиавий ҳолат, яъни колхозлардаги қўшиб ёзишлар, планвозлик, меҳнат мажбуриятининг ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги, иш соатининг кеча-кундузга айланиши, раис аёл Норгулнинг руҳий драмаси, фожиавий қисмати орқали шўро даврининг фожиалари ҳаққоний тасвирланган. Айниқса, достонда раҳбар аёлнинг икки марта эрга тегиб ҳам тинчимагани, ҳар икки турмуши “амалпараст аёл”дан воз кечгани жуда таъсирчан ифодаланган. Мазкур достон 1986 йилда, деярли бир йил мобайнида яратилган. Шоира колхоз раиси Норгул қисмати, унинг руҳий драмасини бериш орқали давр фожиасини чуқур очиб беради. Умуман, олганда Қутлибека ижодида “Қишнинг охирги кунлари” достонида чуқур ижтимоий дард, ватан ва миллат тақдири ҳақида куйиниш мотиви мужассамлаштирилган.

Шоиранинг 80-90-2000-йиллар шеъриятида миллатни бирлашишга чақириш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллийлик мавзуси ниҳоятда ёрқин ифодаланган. Масалан:

Бу қандай сўроқдир – ўргатгувчинг ким?
Жосусга ўхшайди ахир бу савол.
Кел, яқин ўтириб қилайлик ажрим
Бир онанинг икки боласи мисол.

Мен учун у тараф, бу тарафлар йўқ,
Ватан бир бутундир, бутундир миллат.
Жоноғрир жойимга санчиб ўтар ўқ,-
Ундаги ҳар яра, жароҳат, иллат.

Итин ҳам бировга хўрлатгим келмас,
Ажратиб севмайман йирик, майдага.
Мен шундай севгини тушунаман бас,
Қолган барча гаплар ғийбат, майда гап.

Ўнг кўзни чап кўзга ёвлатиб хатлаш,
Кеча дор, сургунлар туққан бу усул.
Миллатни бир этмоқ доим баландлаш,
Ажратиб юрмоқлик доим таназзул.

...Бу қандай сўроқдир, сўратгувчинг ким? [Қутлибека К. 3:6.]

Қутлибеканинг “Ёлғиз сизга ишонамиз” шеърида онгсиз, ҳақ-ҳуқуқсиз деҳқонни уйғотишга, жонланишга, қўзғолишга даъват чақириғи етакчилик қилади. Беш бандли бу шеърда ўзбек бободеҳқонларининг қуллик психологияси, бошлиққа ўз дардини, камчилигини айтмасдан, дардини ичига ютиб яшайдиган тобеъ одам образи маҳорат билан чизиб берилган. Шоира эрк, ҳуррият, озодлик мотивларини куйлашда кўп жиҳатдан Чўлпонга эргашади, ундан таъсирланади, ундан руҳ олади. Жумладан, “Мен сизни соғиндим, ҳазрати Чўлпон”, “Кимни суйибман?”, “Ҳақ йўли” шеърлари Чўлпон шеърларига эргашиб, ундан илҳомланиб яратилган. Бундан ташқари, Қутлибека ўзи ҳурмат қилган устозлар ҳақида алоҳида уларга бағишлаб шеърлар ёзган. Жумладан, Бобур, Чўлпон, Зулфия, Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиеваларга аталган шеърлар бор.

Адабиётшунос Б.Каримов Қутлибеканинг “Қоракўзларим” шеърий китобига ёзган сўзбошисида шундай ёзади: “Қутлибека опа баланд шоира, ҳатто ўзидан баландда туриб, жаранглатиб сўз айтади: “Ўзимдан баландлаб кетаман, Кўнглим йўл кўрсатгич девона”. Фарзандларига мурожаат қилган бир ўринда: “Ерда ўтиргин кўнглим, кўкка ўрласин пича”, дейди.

Шоира руҳига хитоб этган “Қалблар ўша...” сўзи билан бошланувчи шеърида ёзадики: эй, руҳим, агар чўкадиган бўлсанг ҳам “баланд кўкка чўк”, агар ўладиган бўлсанг “юлдуз бўғзида ўл...”. Паст кетмаслик, юксалиш орзуси, баланд бўлиш ва шу мақомга тарғиб – булар, фикримча Қутлибека шеърларининг юрак томиридан, томир уришидан дарак беради”. [Каримов Б. 4:4.] Дарҳақиқат, Қутлибека шеърияти шахсийлашмаган, шахсий дард, кечинмалардан устун бўлган баланд шеърият ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида шоира Озод Ўзбекистон, ўзбек халқи ҳақида жўшиб ёзди:

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар
Айтсам ҳар товшимдан сачраб чиқар чўғ.

Ҳар товши кўксимда Тангритоғ тиклар,
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ.

Фақат шу унвон деб куйса бўлади,
Фақат шу арзийди одам жонига.
Байроқ каби қадаб қўйса бўлади.
Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига.

Кўз ёш билан келар ҳақиқий шодлик,
Йиғлаб қувонаман, халқим, бахтингдан.
Гўрўғли кўринар ҳар битта отлиқ,
Қуёшлиқ излайман тола ёқтингдан.

Эркнинг жон сувидан ҳовучлаб олиб,
Ҳар битта ўзбекка сепгим келади.
Ўзбеклигим учун ўзгалар қолиб
Ҳатто, ўзимни ҳам ўпгим келади. [Каримов Б. 4: 9.]

Қутлибека шеърларида Тошҳовуз вилояти ўзбекларининг шева сўзларидан ҳам ўрни-ўрнида фойдаланади. Юқоридаги шеърда “товуш” сўзини шева акценти билан “товши” деб ишлатса, “ёруғлик” сўзи ўрнида “ёқти” деб ишлатади.

Шоиранинг “Хаёл”, “Келинг, жон”, “Азизим, мени қизғон”, “Севишиб юрибмиз”, “Қалбга яна истаклар тўлди” каби ўнлаб шеърларида инсоний муҳаббат туйғулари нафис лиризм билан суғорилган. “Хаёл” шеърининг охирги бандлари қуйидагича:

Энди қўлимизда ёлғон қарсак йўқ,
Кўнгил қабармайди уни чалсак, йўқ.
Сохта навозиш йўқ овозимизда,
Қуллик, хушомад йўқ тавоземизда.

Бунча бахтни бирдан кўтармоқ оғир,
Эҳтимол, салгина йиғлаб олармиз.
Бироқ шу бахт ичра, азизим, ахир,
Ўзимизни яна севиб қолармиз.

Келинг, атиргулдан ясаб гулқайиқ,
Хаёл денгизида суза бошлаймиз. [Каримов Б. 4:43.]

Лирик қаҳрамон жамиятдаги сохта муносабатлардан кўнгли озурда бўлган, қуллик, хушомадгўйликдан безиб кетган. Шунинг учун, лирик қаҳрамон севгилиси билан атиргулдан гулқайиқ ясаб, хаёл денгизида сузишни истайди. Чуқурроқ разм солсак, Қутлибека шеъриятида инсон

руҳини мудом тозартиришга, руҳини баланд мақомга кўтаришга даъват этувчи юксак бадиий-ғоялар борки, булардан кўз юмиб бўлмайди.

Шоира сўнгги йилларда эсселар ва ҳикоялар ҳам ёзди. “Бунча оз севасиз, ёмон-е севасиз? *Марина Цветаева билан билан юзма-юз*”, “Ёдлаганлар ичра бўларман мен ҳам” (Анна Александрова Баркова ҳақида) номли публицистик эсселари ниҳоятда ўқишли услубда яратилган. “Тўйлар муборак” публицистик тўпламида Қутлибеканинг жами ўн тўртта замонавий ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларга қаратилган мақолалари жамланган. Қутлибека публицистикасида моҳир журналист ва ўткир нигоҳли адибнинг нигоҳи бирлашиб кетган. У маиший ҳаётимиздаги кўплаб, муаммоларни кўтариб чиқди. “Янгиликлар нимани янгилаяпти? Ярамизними?” публицистик мақоласида ўзбек миллий тўйларида Европага тақлидан пайдо бўлган баъзи бир кераксиз тадбирлар, чиқимлар, ҳашамлар, зеб-зийнатлар, одатлар қаттиқ танқид остига олинади. Умуман олганда, публицист адибанинг “Тўйлар муборак” публицистик мақолалари мазмуни бевосита тўй тадбири билан боғлиқ кўпгина жараёнлар, совчилик, фотиҳа қилиш, сарпо қилиш ва ҳ.золаргача ўз ичига қамраб олган. Ана шу миллий ўзбек тўй маросимига ташқаридан келиб қўшилиб қолган бегона одатлар, ўзбеккка хос бўлмаган қилиқлар аёвсиз танқид остига олинади.

Қутлибеканинг энг сўнгги “Чақмоқлар фасли” китобига янги шеърлари, олтита шеърий китобларидаги шеърлари, таржималари, эсселари ва бир нечта публицистик мақолалари жамланган. “Муҳаббат, сен чиройлисан” тўпламига адибанинг қирқдан зиёд ҳикоялари жамланган. Қутлибека шоир сифатида ўз адабий қиёфасини намоён этиб, сўнгги йилларда публицист, ёзувчи сифатида мақолалар, ҳикоялар билан вақтли матбуотда фаол иштирок этиб келади.

Хулоса шуки, шоир, публицист, ёзувчи, таржимон Қутлибека Раҳимбоева Янги ўзбек адабиётида ўз овози, ўз қиёфасига эга бўлган гўзал ижодкорларимиздан бири саналади. Шоира буюк шеър илоҳаси соғинчи билан яшайди. У шундай ёзади:

Буюк соғинч мени топдими излаб,
Асл сифатига кўчди ўнгу чап.
Бўғзимга қадалиб турибди сўзлар,
Улкан сувлоқ топган чўлдай ҳансираб,
Сенга қайтмоқдаман, шеърият!

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимбоева Қутлибека. Юрагимда кўрганларим. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
2. Раҳимбоева Қутлибека. Узун кундузлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
3. Қутлибека. Кўксимдаги Тангритоғ. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Каримов Б. Қоракўзларим. – Тошкент: Адиб, 2012.

МИФИК СЮЖЕТ ВА РОМАН КОМПОЗИЦИОН ҚУРИЛИШИ

Манзура ОТАЖОНОВА,
филология фанлари доктори

Аннотация. Мақолада ҳозирги ўзбек насрида ёзувчининг бадиий идрок этилган воқеликни тасвирлаш усулида оламни мифологик англаш асосига қурилган универсал архетипик моделлар, образ ва мотивлардан фойдаланишга интилиш ҳамда бадиий асарнинг мифологик подтекст асосига қурилиши полифонизмни келтириб чиқарувчи асосий омилга айланиб бораётганлиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: мифология, мифологизм, архетип, мифологик сюжет, мотив, бадиий образ, архаик мифология, космогоник миф, анимистик миф, поэтик усул, композицион структура.

Ҳозирги ўзбек насрида яратилаётган асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёзувчининг бадиий идрок этилган воқеликни тасвирлаш усулида оламни мифологик англаш асосига қурилган универсал архетипик моделлар, образ ва мотивлардан фойдаланишга интилиш ҳамда бадиий асарнинг мифологик подтекст асосига қурилиши полифонизмни келтириб чиқарувчи асосий омилга айланиб бораётганлиги кузатилади. Мифопоэтик анъанадан фойдаланиш эса ўз навбатида, асарда тасвирланаётган воқелик баёнида реалистик талқин билан рамзий-метафорик, мифологик-символистик ифодаларнинг уйғун ҳолда берилишига ҳамда хронотоп йўналиши ва тасвирланган бадиий олам замирига архаик тафаккурга хос мифик қарашлар ва тасаввурларнинг сингдириб юборилишига олиб келмоқда.

XX аср бошларидан тортиб то ҳозирга қадар яратилаётган насрий асарлар учун мифнинг муҳим поэтик воситага айланганлигини кузатиш мумкин. Сюжетида мифларнинг аралашиши ёки ечимнинг мифик ҳал қилиниши, асар мағзига мифологик қарашларнинг уйғунлаштирилиши ёхуд бадиий ғоянинг мифга йўғрилган ҳолда етказилиши каби ҳолатлар замонавий романлар учун хос хусусиятларга айланмоқда. Зеро, «қадимги инсоннинг коинот, табиат ҳодисалари ҳақидаги тушунчалари, уларнинг онгидаги фантазиялар мифни ташкил этади»[Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. 6:198]. Улар аждодларимизнинг борлиқни тушуниш, тиллашиш ва у билан муносабатни ташкил этишга бўлган эҳтиёжлари натижасидан келиб чиққан.

Халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш мифнинг ёзма адабиёт намуналарида қўлланилиши адабиёт тараққиёти учун ёт ҳодиса эмас эди. Бироқ «Таъбир жоиз бўлса, миф ўтмиш адабиётида замоннинг «шартли либоси» эди» [Холбеков М. 4:365]. Аммо замонавий адабиётда ҳам мифнинг қўлланилиши, функцияси ижодкорларнинг поэтик мақсадига, китобхоннинг оламни англаш билан боғлиқ дунёқарашига мос равишда тубдан ўзгарди. «Замонавий адабиётда, айниқса, ғарб ёзувчилари қалами остида миф инсоният ҳаётида мунтазам такрорланаётган қонуниятларни ёритувчи узоқ

ўтмиш «ҳосиласи» сифатида тарихий қиёфа»га эга бўлди, мустақил тарзда идрок қилинди, алоҳида ўрганиб чиқилди» [Холбеков М. 4:365].

Замонавий ўзбек романчилигида мифопоэтик тафаккур билан алоқадор тасвирлар қуйидаги манбалар асосида шаклланди: а) маросим, одатлар ҳамда мифологик тафаккур ва ёндашув; б) фольклордаги мифологик мотивлар; в) фольклордан озиқланган миллий ёзма адабиётда акс этган мифологизмлар; г) диний дунёқараш; е) юнон мифологияси.

Истиқлол даври ўзбек романларида намоён бўлган мифопоэтик хусусиятларни диний дунёқарашга асосланган мифологизмлардан фойдаланилиши (У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романлари); анимистик ва фетишистик дунёқарашга асосланган мифопоэтик тафаккур изларининг намоён бўлиши (И.Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” романлари); асар сюжетининг юнон мифологиясида акс этган мифопоэтик тафаккурга асосланганлиги (Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи); неомифологик тафаккур изларининг намоён бўлиши (Ш.Бўтаевнинг “Шох” романи); тотемистик дунёқарашга асосланган мифопоэтик тафаккур изларининг намоён бўлиши ўрганилди.

Мустақиллик даври романчилигида юзага келган Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, М.Алининг “Улуғ салтанат”, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш”, И.Султоннинг “Боқий дарбадар” романларида халқ эътиқодий қарашлари муҳим ўрин тутади. Миллий менталитетга хос хусусиятлар, халқнинг ишонч-эътиқоди билан боғлиқ мифологик қарашлар реалистик услубда яратилган асарларда қаҳрамонлар характери, руҳиятини бадиий далиллаш, воқелар ривожини таъминлаш, ғоявий асосни мустаҳкамлаш мақсадига хизмат қилган бўлса, модернистик характердаги романларда ноанъанавий шаклий-услубий изланишларга йўл очди. Маълумки, туркий халқлар мафкурасида бўри тотеми алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқ афсона ва эртакларида ушбу образ муқаррар ҳалокатлардан огоҳлантирувчи, эзгулик ва ғалаба келтирувчи халоскор куч сифатида гавдаланади. Замонавий ўзбек романларида ҳам туркий халқларнинг бўри тотемига оид мифологик қарашлари уйғунлаштирилган ҳолатлар учрайди. П.Қодировнинг “Она лочин видоси” ҳамда М.Алининг “Улуғ салтанат” романларига бўри билан боғлиқ афсона ва ривоят қистирма эпизод тариқасида киритилган. “Фано даштидаги қуш”да Эна Кўкбўри асар сюжетида муҳим ўрин тутиб, китобхон кўз ўнгида бош қаҳрамон хаёллари орқали гавдаланади.

Туркий халқлар мифологиясида бўри тотеми авлодлар давомийлигининг сақлаб қолинишида сабабчи; меҳрибон, оққўнгил, саховатли; эзгулик тарафдори; буюк ишларга даъваткор ва ҳомий куч сифатида тасвирланади. Ушбу романларда ҳам халқ мифологиясининг ана шу жиҳатлари устуворлик қилади.

Аслини олганда, эртак ва достонларда ҳам қора, қизил, оқ ранглар рамзий моҳият ташиб, қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлидаги муайян ўзгаришларга ишора қилувчи воситага айлантирилади. “Ффу” романида ёзувчи кун ва туннинг рамзий белгисидан ташқари рақамлар зиммасига ҳам муайян поэтик

мазмун юклайди: “Мулла Тошпўлат етти эшикка борди” [Мухтор О. 2:19-39]. Бу каби тасвирлар рақамлар магиясига ишончнинг замонавий адабиётда бадиий ифода этилишига мисолдир. Халқ эртакларида ҳам уч, етти, тўққиз каби рақамларнинг сирли-сеҳрли кучига ишонч қаҳрамонлар тақдирига муайян таъсир кўрсатиши бадиий асосланган.

Роман сюжетига асос бўлган воқеаларда халқ ишонч-эътиқоди, асар бадиий тўқимасида фольклор унсурлари, мотивларидан фойдаланиш, қаҳрамонлар табиатига хос характерли хусусиятларни ёзма адабиётга кўчириш орқали бадиий эпик ифода имкониятларининг янада кенгайганини кўришимиз мумкин.

Ёзувчи У.Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романи ўзлигини таниб, идрок этиб бораётган шахс қисмати, унинг иқрорлари ҳақида. Ёзувчи Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги диний мифология билан бугунги кун кишисининг тақдирини параллел тарзда келтириш усули орқали шахс қисматини ифодалаган. Олий мақсадлар, юксак идеаллар қаршисида турган инсон кечмиши, у англаб етган ва ишонч ҳосил қилган ечим, хулосалар тўғрисида баён этади. “Исён ва итоат” романи Акбар исмли қаҳрамоннинг ўз ички “Исён” йўлини босиб ўтишдаги бошдан кечирган воқеалари ва ўзини қийнаб келган савол “ҳаётнинг маъниси нима эканлигини излаш”и хусусида боради.

Асарда Яратган тамонидан одамнинг яратилиши ва одамзодни эса шайтон йўлдан оздирган ҳолда муқаддас мевани ейди ва Адан боғидан қувилади. Шунда Яратган инсоннинг яна бир “Яратганга қилган исён”ни кўрсатиб беради ва бунга жавобан “Кўнглингдаги иштибоҳдан, томирингда қўшилиб оқаётган исёндан тамомила халос бўлиб, яна ҳузуримга тавба қилиб қайтиб келмагунингча, чинакам саодат нима эканлигини билмагайсан!..” [Улуғбек Хамдам. 3:102] дея айтган холда одамзодни ер куррасига бадарға қилади. Ана шу кундан бошлаб инсон умр йўли давомида шу исёндан то итоатга қадар йўлни босиб ўтади.

Асар қаҳрамони Акбар образи ҳам қалбидаги исённи бостириб Итоат йўлига кирган образдир. Хўш, унга бу йўлга киришида нима ёрдам берди?

Биринчи навбатда ёзувчи томонидан ушбу асар қаҳрамонлари қалбида исён бор ва бу исённи Итоат йўлига етишиш учун одамзодга УМР йўли берилганини кўрсатиб берилган. Шу ўринда савол туғилиши табиий, нега Акбар ўзга мамлакатларга пул излаб кетиб қолди, нега ўз оиласи бағрида яшамади, шаҳарга йўл олди, кейин эса яна қишлоққа қайтиб келди? Айнан сизга айтмоқчи бўлганимиз иккинчи хусусият эса бу САФАРдир. Ҳаётимиз эса биз туғилганимиздан бошлаб то сўнгига қадар биз ана шу сафарни босиб ўтамиз. Асар сўнгида эса Акбар қалбидаги Исённи чуқур англаб етади ва Итоат йўлига киради. Унинг устози бўлган табиб ҳам ушбу йўлни босиб ўтган ва шогирди Акбарга маслаҳатлар бериб ўтади. “Туғилмоқликнинг, дунёда яшамоқнинг маъниси шу гўзалликни ҳис қилиш ва унга эътибор кўрсатишда ҳам эмасмикан...” [Улуғбек Хамдам. 3:82]

Баъзан эса инсон бу йўл давомида ҳаётнинг маъниси жавобини, ҳаётнинг гўзаллиги ёки ишқни ҳис қилиш, деб ўйлайди. Албатта, Яратган

томонидан одамзодга ишқ бежиз берилмаган. Айнан шу орқали инсон итоат йўлига киришида ишқ ва муҳаббат пиллапоя вазифасини ўтайди. Демак, инсон яшаши керак экан, севиш ва ишониш ҳам керак.

Н.Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида қаҳрамон ҳаётида учраган қоралик муқаррар ҳалокат ва тақдирида кутилаётган фожиани рамзий ифодалашга хизмат қилиши кўрсатилган. Роман сюжетини ташкил этувчи воқеалар бошланмасдан олдин: “Айтсам етгаймикин, энажон, зорим, Юракда ғамим кўп, ичда зангларим!...” – деган “Гўрўғлининг туғилиши” достонидаги Гўрўғли монологидан ҳамда “...ҳаёт сувин излаб ўтди Гилгамиш” деган эпиграфлар келтирилади. Бу сатрлар мазмунида ёзувчининг ғоявий-эмоционал муносабати акс этган.

Асарда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган халқ оғзаки ижоди ёдгорлиги, қаҳрамонлик эпоси “Гўрўғли” достони ҳақида гап бўлмаса ҳам, достондаги моҳият маълум маънода акс этган. Гўрўғли гўрда туғилади, ижтимоий-маънавий таназзулни илк бор ёш Гўрўғли руҳан ҳис қилади. У бир-бирини қўллаб-қувватламаган одамлардан аразлаб, Болли кўлига чиқиб кетаркан, эл оқилларининг подшо Райҳон(араб)га қарши бирлашишини жуда хоҳлайди, аммо бундай бўлмайди. Мамлакатни ички ва ташқи душмандан халос этиш учун кураш ёлғиз Гўрўғлининг зиммасига тушади. Гўрўғли турли ўлкаларга сафар қилиб, улуғ қаҳрамонликлар кўрсатади.

“Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи сюжетида мавжуд анъанага эргашиш кузатилади. Асар бош қаҳрамони Н. имони бутлиги, ҳақиқат ва адолатга интилиши, омонсиз курашга отланишида халқ поэтик даҳосидан озиқланган. Н. ўзининг тириклигини, мавжудлигини, ўзининг “мен”и борлигини исбот қилиб беролмаган лаҳадга ўхшаш жамиятда яшайди. Инсон маънавий камолотига изн бермаган жамият танқид қилинади. Н. ғайриинсоний воқелик олдида ожиз қолади. Бошқачароқ айтганда, этнос анъанавий достонлардаги каби ўз халоскорини улғайтирмайди. Оғир ва машъум шароит уни ўз гирдобига тортиб кетади.

Романда ўлик дунёдан тирик оламнинг яралиши, яъни архаик мифология талқинича хаос (йўқлиқ) бағридан космос(борлиқ)нинг вужудга келиши ҳақидаги мифологик асос жамият ҳодисалари воқелигига кўчирилар экан, ўз моҳиятини тубдан ўзгартиради. Яъни демифологизация воситасида қадимий миф моҳиятида кузатилган бирламчи космоснинг пайдо бўлишини изоҳлашдан иборат семантик функция ўрнини табиат ва жамият қонунларига хос уйғунликнинг йўқолиши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган ҳолатдан инсониятни огоҳ қилиш мақсади эгаллайди.

“Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” асарида архетипик символлар ва тизимнинг иллатлари, унинг ижтимоий ҳаётга кўрсатадиган ножўя таъсирлари ўзаро алоқадор тарзда ишлатилади. Сиёсий тузумнинг ижтимоий ҳаётга нисбатан ўтказган ҳар қандай таъсири инсоннинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади ва инсон ўзининг ҳақиқий қиёфасидан йироқлашади.

“Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” асари Н. исмли ишчининг лавозими кўтарилгани ва бошлиқ уни кўриш учун чақиртиргани тўғрисидаги воқеа

билан бошланади. Барча ишчилар унга ҳавас билан боқиб, бошлиқ билан учрашувда нималар дейиш лозимлиги ва нималар ҳақида сўзламасликни ҳасад аралаш ҳавас билан уқтиришади. Аммо бошлиқ Н. эмас, балки К. исмли ишчини чақиртирган бўлиб чиқади ва барча ишчилар бир маромда “К. бўладими ёки Н. ми ёки Ў. бўлса ҳам ҳеч қандай фарқи йўқ, биз ишчилармиз, барчамиз иш ҳақида фикрлаймиз”, дейишади. Асарнинг ана шу нуқтасида ўзининг ҳақиқий моҳиятидан узоқлашган инсонларни кўриш мумкин. Воқеалар ривожи давомида эса инсонларнинг индивидуаллигини йўқотиб, муайян ғоя – идеология қурбони бўлган бутун бошли оммага бирлашгани маълум бўлади. Н.нинг ҳужжатлари поезд тагида қолиб, вафот этган шахс ёнидан топилади ва барча уни ўлганга чиқаради. Н.нинг ўзи келиб, англашилмовчилик бўлганини тушунтиришига қарамай, ҳеч ким унга қулоқ солишни истамайди. Уларнинг барчаси Н.аслида тирик эканлигини кўриб-билиб бурган бўлса-да, юқоридан жасадни дафн этиш учун чиқарилган буйруққа ҳеч қанақасига қарши бориш мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Энди Н.ни ҳеч ким тирик инсон сифатида қабул қилмай қўйганди, чунки ҳужжатига кўра, у аллақачон вафот этган. Шунингдек, Н. “вафот этган” куннинг эртасигаёқ унинг ўрнига ишчи олинганлиги маълум бўлади. Асарни архетипик таҳлил қиладиган бўлсак, асарда “персона (шахс)” архетипига урғу берилганига гувоҳ бўламиз. “Персона (шахс)” – инсоннинг жамият қонунларига бўйсуниш, жамиятдаги талабларга мос кўринишда бўлиш учун кийиб олган “ниқоб”и, иккинчи шахсидир. Инсон ҳаётида сохта шахсиятнинг ўрни қанча йириклашиб бораверса, киши ўзлигидан узоқлашиб бораверади. Бутун бошли жамият ҳаётида “персона” архетипининг устунлик қилиши бевосита сиёсий таъсир туфайли содир бўлади ва бундай ҳолатда худди шу асардаги каби “роботлашган”, ўзлигини йўқотган оломон шаклланади. Асар қаҳрамони Н. эса ўзининг инсонийлигини йўқотмай, тузум вайрон этган айрим инсонлар оқимига қарши курашмоқчи бўлиб, муваффақиятсизликка учрайди. Чунки Н.нинг атрофидаги кишилар ўзларини инсон сифатида эмас, балки фақатгина маълум бир касб эгаси сифатида кўришар, Н. билан индивидуаллик масалаларида ҳамфикр бўла олишмас эди.

Асардаги воқеликнинг мифик ифодаси, роман услуби, қўлланилган тимсоллар, фалсафий моҳияти, ғоявий мазмуни ёзувчи мушоҳада тарзида эпосларга хос руҳий яқинлик борлигини тасдиқлайди. Ёзувчи одам ва жамиятни англашга интилар экан, инсон шарафланмаган, унинг шаъни эътибор топмаган ижтимоий муҳитни инкор этади. Ҳақиқат ва адолат излаб сарсон бўлган Н. саргузаштлари, ҳаёт синовларини енгишга уриниш йўлида чеккан изтироблари мисолида ворислик тамойили унутилган, такомиллашувдан бегона жамият қонунлари устидан истеҳзоли кулади. Жамият эркидан, ихтиёридан буткул маҳрум қилган кишиларда муайян қиёфа бўлмагач, шартли исмлар ўша қиёфасизликни бўрттириб кўрсатиш имконини беради. Н. ўзи тушиб қолган мужмал ҳолатдан кутулиш иложини тополмайди. Маҳкамада ҳар қандай ходимга К., Н., Т. ёки Ў. қабилида мурожаат қилиниши қандайдир чалкашлик эмас, балки инсон шахси ва унинг

тақдирига бефарқлик, эътиборсизлик натижасидир. Раҳбарларнинг бундай муносабати туфайли юзага келган тасодифий чалкашиш ва адашиш Н. ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. У исён қилади: “– Балким сизга бунинг фарқи йўқдир. Лекин менга фарқи бор. Исм – бу одамга ўзини ифода этиш учун берилган. Менинг исмим – бу менинг ўзим, яъни бу мен. Шундай экан, мен ҳеч қачон К. Ў. ёки сиз айтгандай, Т. деб чақиришларини истамайман. Мен Н.ман. Н. бўлиб қолишни истайман. Менга ҳам Н. деб мурожаат қилишларини, мен айни шу Н. исми орқали мени танишларини талаб қиламан. Раҳбар мени айнан К. деб эмас, айнан Н. деб чақиришларини истайман” [Назар Эшонқул. 1:12].

Н. бутун роман давомида ўзининг бор-йўғи тирик эканлигини исботлаб беролмайди, жамият қонун ва тартиблари бунга йўл бермайди. Охир-оқибат унга марҳумлар каби яшашдан бошқа имконият қолмайди. У лаҳадга қайтишга мажбур бўлади.

Асарда Н.ни калта бўйли, думли одамчаларнинг кузатиши тасвири мавжуд. Кузатувчининг “калта бўйли” тарзда тасвирланишида ҳам ўзига хослик мавжуд. Ҳаётда бировларнинг ишига тумшуғини тиқиб юрадиган, кимнингдир ҳаётига оид нарсалар ҳақида бошқаларга маълумот етказиб юрадиган ёки қандайдир манфаатлар важидан гап ташувчи қилиғи паст одамларни муаллиф айни шакл билан уйғун тасвирлагандек. Асарда жамиятдаги айрим чиркин иллатлар ҳам бадиий-рамзий ёки ғайритабиий шаклда ўз ифодасини топган. Турли идора ёки корхоналардаги эрталабдан кечгача бесамар қоғозларга кўмилиб ишда ўтирувчи, натижада, оиласи, фарзандига деярли вақт ажратолмайдиган айрим ходимлару мутахассислар ҳамда раҳбарлар фаолияти танқид қилинади.

Асарда ҳаёт уммонидаги чигалликлар олдида боши қотган қаҳрамон руҳияти чуқур таҳлил қилинган. У давр ва жамиятнинг чиркин иллатлари олдида ожиз. Бу жамият бўшлиқдан бошқа нарса эмас: “У ўзининг доира ичидаги даҳлизга – зулмат қоплаган бўшлиққа чиқиб қолганини тушунди – шунда ҳаёт нақадар аянчли, деган фикр келди хаёлига” [Назар Эшонқул. 1:87].

Муаллиф бу дунёда турфа тақдирлар яратилиши, ҳар хил одамлар билан дуч келиш мумкинлиги, шу билан баробар, ҳаётда юзингга кулиб қараб, аммо зоҳиран бошқа қиёфадаги одамлар мавжудлигини кўрсата олган. Бундай одамлар табиатида ёлғон ва ҳасад, мужмаллик ва қабиҳлик асосий характерга айланган. Муаллиф таъкидланганидек, “ёлғон бу дунёга кўнгил қувончи, шавқи, завқи қилиб жўнатилган. Ёлғон одамдан, одамзотдан кўра кучлироқ салтанат, одамзотни қириб ташлаш, йўқ қилиш мумкин, лекин ёлғонни йўқ қилолмайди, чунки у қалб ўйини, қалб ҳарами, қалб қароргоҳи…”[Назар Эшонқул. 1:16].

Назар Эшонқул роман бадиий воқелиги марказига Н.нинг бешафқат дунё зиддиятларидан ўртанган қалбини олиб чиқади. Роман бадиий реаллигида яқин ўтмиш ҳаёти ва қадр топмаган инсон умрини абсурд сифатида талқин қилишга интилган. Муаллиф ўз асарида сиёсий жараённинг

ижтимоий жараёнга нисбатан таъсирини инсонларнинг руҳий йўқотишларисиз кечмаслигини ифода этиб, алоҳида шахсдан “персона”га айланиб қолган оломонни танқид қилади ва ўзликдан кечиш ҳалокатли йўл эканлигига ишора қилади.

Адабиётшунос Ҳ.Каримов: “Инсон тафаккуридаги ўзгариш давр ва жамиятдаги ўзгариш таъсирида бўлиши табиий ҳол, ўз навбатида жамиятнинг тўғри йўналишини белгилаш билан бирга, ўзининг ҳаётдаги ўрни ва мавқеини ҳам намоён қилади ҳамда инсоният диққатини жалб қилади. Бу нарса ўзбек романларида ўз ифодасини топаяпти. Демак, уларда воқеа-ҳодисалар эмас, инсоннинг ўзи, унинг ўй-фикрлари, аламлари, изтироблари, руҳияти, психологик олами етакчилик қилаяпти, тасвирланаяпти, очиб берилаяпти”, – деб баҳолаганда, табиийки, «ўтиш даври» силсилаларида йўлини йўқотган ва изланаётган инсон образини назарда тутган.

Умуман олганда, истиқлол даври адабиёти намуналари, айниқса, романларда синкретиклик хусусияти яққол кўзга ташланган белгилардан бири бўлди. Синкретиклик хусусияти хилма-хил шаклий-бадиий услубларда намоён бўлиб, романларда янгича поэтик кашфиётларнинг юзага келишига боис бўлди. “Боқий дарбадар” романида ўтмиш ва бугун, янгилик ва эскилик, эзгулик ва ёвузлик, огоҳлик ва лоқайдлик каби абадиятга дахлдор тушунчалар тўқнаш келган нуқталарда изчиллик ва оламнинг мувозанати асоси таъминланиши ҳақидаги қарашлар ёритилар экан, унда диний ривоятлар, замонавий фан-техника тараққиёти, илмий муаммолар, шунингдек, тасаввуфий руҳ, дидактика ва шу кабилар қоришиқ шаклда ифода этилди. Асарда халқ оғзаки ижоди намуналарига хос саргузаштлилик ва қизиқарлиликни ҳам, руҳий таҳлилга асосий аҳамият қаратувчи “онг оқими” йўналиши хусусиятларини ҳам, модерн асарларга хос янгича изланишларни ҳам, Шарқ адабиётига хос рамзийлик ва маърифийликни ҳам, постмодерн намуналарига хос қуроқ-қоришиқлик жамланишни ҳам, интеллектуал романларга хос илмийликни ҳам кузатиш мумкинки, бу белгилар романдаги синкретиклик хусусиятини ёрқин намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, миф замонавий романларда ёзувчининг жуда кўплаб ғоявий-бадиий мақсадларини юзага чиқаришга ёрдам берувчи поэтик восита вазифасини бажаради. Мифологиядан кенг кўламда фойдаланиш ва миф моҳиятини янгича бадиий идрок этиш анъанаси ҳозирги замон жаҳон романчилигининг поэтик қамровини кенгайтирувчи асосий омиллардан бирига айланди. Қадимги мифологик архетиплар ҳамда архаик сюжетларга мурожаат қилиш роман жанрида тасвирланадиган бадиий замон ва маконга оид чегаралари абстракт-рамзийлик даражасига қадар кенгайишига замин яратди. Романнинг маконий қамровини ифодаловчи мифологемалар ижодкорга ўз бадиий оламини бирламчи космоснинг мифологик ифодаси моделлари асосида талқин қилиш имконини берди. Шу орқали роман қаҳрамонлари замон ва макон чегараларини ёриб ўтишга муваффақ

бўладилар, мавжуд маконий чегаралар унга тўсиқ бўла олмайди. Мифологик талқин романнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Назар Эшонқул. Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2018. – Б.87.
2. Мухтор О. Ффу. / Аёллар мамлакати ва салтанати. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б. 19-39.
3. Улуғбек Хамдам. Исён ва итоат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2003. – Б.102.
4. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2014. – Б.365.
5. Сулстад Д. Норвег насри – Оврўпа модернизми / Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари) – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б.378.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б.198.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДАГИ ПОЭТИК ИЗЛАНИШЛАР

Умида РАСУЛОВА,
филология фанлари доктори

Аннотация: Мақолада замонавий ўзбек шеъриятидаги поэтик ифода турфалиги, ҳиссиётлар оқими, руҳият манзаралари таҳлиллар воситасида ёритилади.

Калит сўзлар: шеър, поэтика, оҳанг, ифода, руҳият, тизим, моҳият, шакл

Бугунги шеъриятда изланиш, яшариш, янгиланиш жараёни кечмоқда. Воқелик ва инсон табиатининг тинмай ўзгариб туриши, янги ғояларнинг туғилиши, макон ва замон хоссаларини идрок этиш – буларнинг барчаси ҳаёт қатламларини тадқиқ қилишни теранлаштириш билан баробар янги шаклларни қам юзага чиқармоқда; адабиётимизда воқеа бўлган ҳар бир асар эса жанр қирраларини бойитмоқда. Яъни, халқ ҳаётининг ҳозирги тарихий тараққиёт босқичидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларни замондошларимиз руҳияти билан, кўнгилда туғилиб қолган фикрлар билан омухталикда чуқур таҳлил қилиш кучайди; инсон нима учун дунёга келади, у қандай яшаши лозим каби саволлар лириканинг диққат марказида туради.

Ҳозирги лирик асарларда ҳам образли тафаккур тарзи, ҳаяжонли кечинмаларни тиниқ ифодалаш, руҳиятдаги эврилишни нозик изҳор ифодалаш етакчилик қилмоқда. Лирик қаҳрамон монологи безовта қалбдаги туғёнли ҳиссиётлар, кечинмали ўйларни тингловчига ҳис қилдиради. Воқеа-ҳодисалар қаршисида турган лирик қаҳрамоннинг қалб нидоларини ифодалаш бевосита, объектив борлиқдаги нарсаларнинг образини яратиш билан бир қаторда, уларга соме кўнгил садоларини тасвирлаш усулидир.

Замонавий ўзбек шеърларида ҳам лирик қаҳрамон характерини яратишда тасвирда руҳият бош омилга айланди. Яъни, лирик қаҳрамон руҳиятини ижтимоий муҳит, воқелик масалалари билан уйғун ҳолда тадқиқ этиш майли кучайди. Буни қуйидаги объектив ва субъектив омиллар билан изоҳлаш мумкин. Сўнгги йилларда инсон шахсига бўлган эътиборнинг кучайиши қаҳрамон руҳий иқлимларини, қалбининг тўрт фаслини тадқиқ этиш бевосита, унинг сажиясини ҳам кенг қамраб олишни тақозо этди. Кейинги пайтда ҳаётимиздаги ўзгаришлар, мустақиллик шарофати билан дунёга чиқиш, инсон маънавий дунёсини ҳам онгини ҳам, фикрлашини ҳам, тубдан ўзгартириб юборди, Бу мушоҳадакорлик теран фикрлаш жараёни фақат айрим одамлар шахсидагина рўй бериб қолмай, бутун халқ учун характерлидир.

Ижод майдонида сокин кўнгил розларини муҳибларга тақдим этаётган Эшқобил Шукур, Усмон Азим, Вафо Файзуллоҳ, Азиз Саид, Сирожиддин Рауф, Салим Ашур кабиларнинг ахлоқий, фалсафий қарашлари эътиборга

молик. Сиртдан қараганда баъзи шеър ташбеҳларига юкланган фикр, туйғулар кўнгил кўзида акс эттан мутлақо нореал, тушдаги каби тартибсизликдай кўринади. Лекин чуқурроқ мушоҳада қилинса, унинг моҳияти англашилади. Чунки одамийлик шарафини улуғлаш, инсон руҳияти, мунаввар ҳаёт, боқий дунё ҳамда фонийлик маҳзанига риоятдир. Шундай экан, тасвирнинг ғайритабиий бўлиши ҳайрон қоларли ҳол эмас. Бироқ гап тасвир ва ташбеҳларнинг реаллигида эмас, унинг замирида ётган фикр ҳамда унинг моҳияти муҳимдир.

Сирожиддин Рауфнинг дўстига бағишлови умуминсонга тааллуқлиги билан эътиборни тортади:

Майдон ичра бир вафодор мард қани?
Чин вафодор марди майдон ўтгуси
Мингта дўстинг бўлса ҳам кам, водариғ
Гарчи битта дўст қадрдон ўтгуси

Ҳаёт синоатларида кишига тасалли, мадад берадиган, уни борича қадрлайдиган, шодлигу ғуссасига елкадош бўлган шахс ҳақиқий дўст мақомини белгилаб беради. Тириклик диёрида чин дўсти бор киши хотиржамлик, ҳаловат ичра фаровон умр кечирса, боқийлик оламида роҳату фароғатга мушаррафлик муждаси ҳадиси шарифда аён бўлган.

Усмон Азимнинг лирикасида фасллар жозиби, иқлими киши туйғуларига параллел ёхуд контраст суратланади:

Тонг чоғи тун билан кундуз учрашди,
Тунда армон билан юлдуз учрашди.
Баҳор билан кузак бахтхуш учрашди
Тошлар учрашдилар, биз учрашмадик.

Субҳи содиқ тун пардасининг кун ҳаририга алмашиш онларига шоҳид бўлади. Тун само зийнати юлдузларнинг ҳазин армон садоларининг гувоҳига айланади. Баҳорий сурур кузги тароватга қадар бахт лаззатини туюшга муяссар бўлади. Вақт ҳукми ила тоғу тошлар учрашади, аммо ошиқларга висол дақиқалари насиб этмайди. Шоир киши кўнгил розларини образли ифодалашга ноил бўлади.

Шодмонқул Салом лирикасидаги оҳорли мисралар, жозиб ифодалар зимнидаги фалсафий тугаллик киши сезимларига таъсир этади:

Мен яна тонгларга чиқаман пешвоз,
Кафаним эгнимда, эрким кўнглимда
То булбули таъбим фиғони ортар,
Боғларни булғаган зоғлар қошинда
Мени Маҳшар қадар бир қисмат кутар,
Кафаним эгнимда, қўлим бошимда

Ҳақиқат маслагига сиддиқлик, эркка ташналик инсон шахсини, мақомини белгилаб боради. Бу бағишлов адабиёт, санъатга фидокорликни намоён этибгина қолмай, шоир тийнатидаги тавакаллик, жўмардликка ҳам ишора беради. Боқий дунёга қиё боқмаган, ўлимга тик борган озод кўнгил парвозга шай туриб, зоғлар фитнасидан ҳайиқмайди. Ундаги қатъият, ўзлик дунёнинг турли нағмаларига зарба беришда таянч саналади.

Зебо Мирзонинг “Онам хотирасига “ шеъридаги айрилиқ онлари бундай садоланади:

Фиғони фалакка чиқади тандир,
Дастурхон бошида совийди чойнак.
Сиз эккан бултурги ток новдалари
Бағри хун, эзилиб томади чак чак...

Шоира ўзбек аёли, онаси турмуш тарзини у яшаган муҳит, қадрдон нарсалар доирасида қамраб олишга интилади. Тандир азиз нон неъмати пишадиган, аёл пазандалигини намоён қиладиган восита эмас, у ўз эгасидан айрилганини ҳис этиб фарёд чекаётган ҳамроҳ. Оила баракаси она меҳри, беминнат меҳнати, қалб қўридан юзага келади. Чойнинг совиши ҳам айнан айрилиқ ноласини, ёш ток новдалари сағир сасини тинглашга даъват этади. Ҳар бир инсон учун ота, онадан жудолик жуда оғир ҳолат, шоира бу андуҳни китобхонга ҳам юқтириб, дарддошига айлантиради.

Шеърларда сўз бўёқдорлиги, бадиий умумлашманинг фалсафий, эстетик мазмундорлиги шоир сифатида шаклланаётганидан дарак беради. Икром Искандар, Беҳзод Фазлиддин, Бектемир Пирнафас, Хуршид Серобов, Жонтемир, Муҳиддин Абдусамад, Насрулло Эргаш, Рустам Мирвоҳид, Суҳроб Зиё, Меҳриноз Аббосова, Гўзалбегим каби шоирларнинг шеърларида туйғуларнинг тасвирини бериш, кечинмалар уйғотган фикр, ўйлар суратини чизиш етакчилик қилади. Ёшларнинг ватан, миллат ҳақидаги шеърларида миллий ғурур кўзга ташланади. Улар шеърхонни фикрлашга жалб қилиши, муайян хулоса чиқаришига имконият яратиши қалбни гўзаллик туйғулари билан йўғиришнинг ҳолатидан биридир.

Мунаққид Умарали Норматов: “Менимча, шеъриятимизнинг ифодалар, шакллар оламини ҳозиргидан бойроқ, ранг-барангроқ қилиш имкониятилари бор...Шунга кўра изланувчи шоирларни, хусусан, ёшларни бу борада чўчитмай, уларнинг изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим.” (Норматов У.Танланган асарлар. Т.:Шарқ. 2021.389-б). Ёш шоирлар руҳиятидаги дадиллик, кўтаринкилик улар тийнатидаги олижаноб туйғуларни ифодалашга туртки беради

Ҳар бир инсон қадрдон гўшадан айро яшай олмайди. Тинчлик ҳукмрон юртда тараққиёт ҳам жадаллашади, муҳими халқ хотиржам, фаровон кун кечиради. Бугунги кунда бу неъматга хиёнат қиладиган ватанфурушлар миллатининг нафратига учрайди. Муҳиддин Абдусамад ёшларни бундай ҳалокатдан огоҳ айлайди:

отасин, онасин, ўзини алдаб,
юртин дардларига бўлмасдан далда
юрган ул кўзи кўр, кўнгли кўрлардан
юртим, ўзинг асра “Ватанхўрлардан”

Бу сатрларда ёлғон, ҳийла кишини энг эъзозли ота, она, юртдан маҳрум айлаши, басиру нафс бандисининг хорликка мубтало этилиши образли тақдим қилинади. “Ватанхўр” поэтик топилмаси шоирнинг фарёди даражасини, миллатнинг қаҳри кўламини сездиришда муҳим саналади.

Мазкур сатрлар иқлимига мазмунан яқин мисралар Насрулло Эргашнинг “Хиёнат” шеърида кўзга ташланади:

Ай, кўҳна тарихлар келмиш хотирга
Юракни ўртамиш ўтлуғ сўзингиз
Ватан топилмайди, Ватан сотилмас
Ичдан сотмасангиз уни ўзингиз

Шоир асарларида Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат кабиларнинг эзгу ёзиғига муштараклик ҳам аёнлашади. “Кишан”, “Халқ”,”Кўнгил”, “Миррих юлдузига” каби шеърлар композициясида ҳам эрк, ҳурлик неъматлари қадрланиб, истибдод нағмалари кескин қораланган эди.

Насрулло Эргаш ҳақиқат, маърифатни тарғиб қилиш, мозийдаги жўмард матонатли боболар маслаги ила миллат виждонига айланганини англатишга ноил бўлади. Унинг “Сарбадор қўшиғи” шеърида

Лекин мен бошимни шу Ватан учун
Тикмоқ керак бўлса тиккайман дорга

сатрлари зимнида миллий ўзлик, юртга садоқат пафоси етакчилик қилади. Шоир тийнатидаги адллик, фидойилик, ҳаммаслаклик шеърларига ўзгача кўламдорлик бахш этади. У ватани учун азиз жонидан воз кечишга тайёр миллатнинг ҳур ўғлонидир.

Бугунги ўзбек шеъриятидаги яна бир тамойил адабиётнинг сўз санъатлиги, унинг ўзига хос хусусиятларини рамзийлик, бўёқдорлик, жарангдорлик сифатлари билан зийнатлашда кузатилади. Шоирнинг маҳорати яратган поэтик образларида, ифода маданиятида намоён бўлади. Ёш шоирлар кўнглида кечаётган жараённинг сирлилигини, фикр, мушоҳада уйғотган тўлқинни янги образлар тилига кўчира олганлигининг шоҳиди бўласиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Норматов У.Танланган асарлар. Т.:Шарқ. 2021

XORAZM DOSTONCHILIGI RIVOJIDA BAXSHICHILIK AN'ANALARINING AHAMIYATI

Nasiba SABIROVA,
Xorazm VPYMO`MM Tillarni o'qitish metodikasi kafedrasi mudiri, dotsent, filologiya fanlari doktori (DSc)

Annotatsiya: Ushbu maqolada so'z baxshi ijrochiligining paydo bo'lishi doston janrining shakllanishi bilan bog'liq ekanligi, qadimgi madaniyat o'choqlaridan biri bo'lgan Xorazmda san'atning shakllanishi va taraqqiy etishi haqida so'z boradi. Shuningdek, Xorazm vohasida eng qadimgi baxshi, o'z navbatida baxshilar piri Oshiq Oydin haqida ancha ishonarli ma'lumotlar saqlanib qolganligi va bu bilan bog'liq dostonlar, ularning tarixi haqida ilmiy ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: baxshi ijrochiligi, doston janri, zardushtiylikning muqaddas kitobi "Avesto", eng qadimgi baxshi, Oshiq Oydin piri, oshiq baxshilar, "Kitobi dadam Qo'rqut", Qo'rqut ota.

Baxshi ijrochiligining qachon paydo bo'lganligini, albatta doston janrining shakllanishi bilan bog'lashga to'g'ri keladi. Ayrim manbalarda "X-XI asrlarda dostonlarni do'mbira jo'rligida aytiladiganlari yuzaga kelgan. Dostonning bunday namunalari Kaspiy va Orol dengizlari bo'ylaridagi qadimgi ko'chmanchi turkiy qabilalar orasida vujudga kelgan. Epik dostonlarni yaratuvchi va kuylovchi badihago'ylar ko'payib borgan sari ustoz-shogirdlik an'analari vujudga kela boshladi"[Pardaev T. 1:117], deb yozadi tarixchi olim T.Pardaev. Professional baxshichilikning shakllanishi bilan bog'liq holda masalaga yondoshilsa, ushbu fikrga qo'shilish mumkin. Biroq, baxshichilikning qo'shiq shaklidagi turli ko'rinishlari yuqorida ta'kidlaganimiz kabi ibtidoiy jamiyat davriga borib taqaladi. Qadimiy madaniyat o'choqlaridan biri bo'lgan Xorazmda san'atning shakillanishi va taraqqiy etishi miloddan oldingi davrlarga to'g'ri keladi. S.P.Tolstovning "Qadimgi Xorazm sivilizatsiyasini izlab" kitobida san'at tarixi uchun muhim bo'lgan quyidagi so'zlar bor: "Tuproq qal'adagi marosimlar zali devorlarida rombsimon kataklarga mashshoqlarning rasmi ishlangan. Shu rasmlardan biri – arfa cholg'u asbobini chalayotgan ayolning sarg'ish rangdagi nafis rasmi butunicha saqlanib qolgan. Shu xonada surnay va qum soati shaklidagi qo'sh nog'ora tasvirlangan naqsh fragmenti ham topildi. "Arfachi ayol xonasi" ostidan do'mbiraga o'xshash ikki torli cholg'u asbobining pardasini ushlab turgan odamning qo'li tasvirlangan naqsh fragmenti, yana bir xonadan esa niqob bilan o'ynayotgan ayol tasviri topildi. Bularga o'xshash rasmlarni Rim davridagi Suriya-Misr va qisman Qora dengizning Shimolidagi muzofoti tasviriy san'atida, O'rta dengiz vohasi hamda Hindiston, Eron san'atida yaratilgan obrazlarda uchratish mumkin. Shu tariqa bu rasmlarda ikki badiiy uslub, ikki an'ana bir-biri bilan uyg'unlashib ketgan, biroq ular qadimgi Xorazm san'ati negizida o'ziga xos

o’zgarishlarga uchragan” [Tolstov S.P. 2:214-215]. Miloddan oldingi davrdayoq shunday yuksak madaniyatga erishgan xalq orasida iqtidorli baxshilarning yetishib chiqishi ham tabiiy holdir. Zardushtiylarning muqaddas kitobi “Avesto”ning yaratilishi va uning “goh”larini kohinlar tomonidan kuylanishi ham kohinlik, shomonlik, baxshilik kasb-korla[Бертельс Е.Э. 3:24]rining paydo bo’lishiga zamin hozirlagan. Zardushtiylik dini hukmron bo’lgan davrlarda har bir Rustakda (qishloq, mahalla) otashgohlar bo’lib, unda kohinlar “Avesto” kitobini targ’ib qilishgan. Shu sababdan bo’lsa kerak Xorazm dostonlarida “Avesto” va “Shohnoma”ga aloqador mifologiya hamisha o’zini namoyon qilib turadi. Bertels bergan ma’lumotlarga qaraganda XI asrning 1 yarmida Unsuriy degan forsiygo’y shoir yashab, lirik she’rlar yozish bilan birga uchta doston ham yaratgan. U Beruniy bilan bir davrda yashab ijod qilgan. Uning “Vomiq va Uzro”, “Xing but-u surxbut (Oq sanam va qizil sanam), “Shodbahru Aynul hayot” kabi dostonlarini Beruniy arab tiliga tarjima qilgan. Ushbu dostonlar orasidagi “Vomiq va Uzro” asari hozirgacha yetib kelgan. Demak, X asrlardayoq turli asotirlar negizida dostonlar ijod qilish, ularni tarjima, targ’ib qilish faol rivojlangan. O’sha davrda ijod qilingan ko’plab dostonlar syujeti turli o’zgarishlar bilan hozirgacha kelib yetgan. Albatta ularni o’qiydigan, ijro qiladigan talantli shaxslarning bo’lganligi ham tabiiydir. Xorazmda ko’l va daryolarda qayiq va kema haydovchilar o’zlarining piri sifatida Nuh payg’ambarni tan oladilar. Temirchilar ish boshlaganda Dovud payg’ambarni yodga solishadi. Xorazm baxshilari esa o’zlarining ma’naviy ustozi sifatida Oshiq Oydinni e’zozlashadi. Bu tabarruk shaxs turkman baxshilarining ham piri hisoblanadi [Карриев Б.А. 4:134]. To’ra Mirzaevning yozishicha, Samarqand dostonchiligi doirasida baxshilar piri sifatida mulla G’oyib tan olinadi. Ushbu shaxs haqida shu nomdagi doston ham bor [Мирзаев Т. 5:66]. Shuni ta’kidlash kerakki, bir paytlari “Oshiq Oydin” nomli doston ham bo’lgan [Жирмунский В.М.6:294]. Qoraqalpoq va qozoqlarda So’ppasli Sipira Jirov, Ozarbayjonlarda Qo’rqut ota kabi shaxslar ham baxshi, jirovlar piri sifatida ulug’lanadilar. Oshiq Oydin pirning nomi “Xirmondali”, “Oshiq Najab”, “Oshiq Alband” kabi Xorazm dostonlarida ko’plab uchraydi. Ayniqsa “Oshiq Najab” dostonida uning faoliyat doirasiga katta e’tibor qaratilgan. Najab Oshiq Oydin pirga xizmat qilib, uning dutorini sovg’a sifatida olishga muvaffaq bo’ladi. “Xirmondali” dostonida soz va so’z borasida hech bir kimsa yenga olmagan Xirmondalini Oshiq Oydin aytishuvda yengib chiqadi. “Oshiq Alband” dostonida Oshiq Oydin pir epik qahramon taqdirining eng qaltis damlarida Albandga duch kelib, unga yo’l-yo’riq ko’rsatadi, dalda bag’ishlaydi:

Tanisangiz nafas etgan piringman,
Oshiqlarning maqsadini bilurman,
Sango duo etganOydinpiringman,
Ko’pyig’lama, sevar yorni ko’rarsan [Oshiqnoma.7:184],

deb ko’zdan g’oyib bo’ladi.

Dostonlarda oshiq-baxshilar, piri bo’lgan ushbu shaxs haqida ko’plab rivoyatlar to’qilgan. Aytishlaricha uning qabrini tunagan baxshilarga pir sharob tutar ekan, agarda uni shogird ichsa, ulug’ sozanda, oshiq-baxshi bo’lib yetishar

ekan. “Oshiq Mahmud” dostonining O’zR FA TAFI folklor bo’limining qo’lyozmalar fondida 1431-raqamli inventarda saqlanayotgan qo’lyozmasida Mahmudjon va Nigorxonlar suvga cho’kib hayotdan ko’z yumganlarida Oshiq Oydin pir ularni “Jon tana gir” kuyini chalib tiriltiradi. Oshiq Oydin pir dastlabki xalifa Abu Bakr Siddiq (632-634) bilan aloqador silsilaga borib bog’lanadi. Bu silsila o’ziga xos g’oyaviy oqim bo’lib, so’fiylik silsilasi deb yuritilgan. Bu oqimga Abu Ali Ibn Sino, Abul Hasan Haraqoniy, Abu Sayid Maxnaiy, Abduxoliq G’ijduvoniy, Mansur Xalloj, Ahmad Yassaviy, Yusuf Hamadoniylar ham kirganlar. Oshiq Oydin pir maqbarasining shayxidi saqlanadigan “Tazkirat ul Husayin” nomli kitobda bu haqda aniq ma’lumotlar bitilgan. Shayxning vafoti hijriy yilning 632-sida voqe bo’ldi. Mudqat muboraklari shahri Bo’stonning Diyorbakr haddida hamda Bag’dodda ikki joyda ham ziyoratgohlari bor turur”. Bertelsning “So’fizm va so’fiylik adabiyoti” kitobida ushbu davr bilan aloqador muhim ma’lumotlar uchraydi. Jumladan, o’sha kitobda as-Suhravardiy degan muallifning “Avoriful-maorif” degan ishi haqida so’z yuritib, uning adabiyot va san’at rivojiga qo’shgan katta ulushi xususida aytib o’tadi. Uning Giloniyning shogirdi ekanini ta’kidlab, 1255 (melodiy) yilda vafot etganini qayd qiladi [Бертельс Е.Э. 8:184-185]. Ushbu shaxsning Oshiq Oydin pir ekanligiga shubha qilmasa ham bo’ladi.Chunki biz yuqorida ta’kidlab o’tgan “Tazkirat ul Husayn” asarida Oshug’iddinning vatani shariflari Suhravarddir deyilgan. Yana o’sha kitobda aytilishicha shayx hazratlarining “Avorif sharif as Salohiy Had” degan asari ham bo’lib, u Makkada chop etilgan. “Oshiq Najab” dostonida Oshiq Oydinning shahri Bo’stonda yashaganligi, 360 so’fisi borligi, 115 yoshda ekanligi aytib o’tilgan. “Xirmondali”da ham shunga yaqin ma’lumotlar berilgan. Uning Chingizxon bosqinidan keyin 16 yil yashaganligi haqida ma’lumot beruvchi manbalar ham mavjud.So’nggi ma’lumotlarga qaraganda haqiqatan ham Oshiq Oydin pirning shajarasi Eronning Suhravard shahri bilan uzviy bog’lanadi. Ular uch qarindosh Najib Suhravardiy (1097-1168), Shayx Shahobiddin Abu Hafs Yahyo Suhravardiy (1115-1191) Shayx Shahobiddin Abu Hafs Umar Suhravardiy, (1144-1234) bo’lib, Najib Suhravardiy ularga ustozlik qilgan [O’zbek milliy ensiklopediyasi. 9:184-185]. An-Nasaviyning yozishicha, Xorazmshoh Muhammadning obro’-e’tibori yuksalib, ulug’vor ishlarga qo’l urib boshlaydi va Bag’dodga yurish maqsadini amalga oshirishi ma’lum bo’lib qoladi. Uning bu maqsadidan qaytarish uchun eng obro’li, shayxlar shayxi nomini olgan Shixobiddin as-Suhravardiy Xorazmga elchi qilib yuboriladi. Biroq Xorazmshoh shayxni mensimay kutib oladi. Hatto ancha navbat kutib huzuriga kirganda unga o’tirishga ruxsat bermaydi. Nihoyat shayx unga payg’ambar hadislaridan so’zlamoqchi ekanini aytadi. Xorazmshoh bunga rozi bo’lib, pastga tushib tiz cho’kib o’tirib, shayxni tinglaydi. Shayx hadis orqali uni urush qilish maqsadidan qaytishga undaydi. Biroq bu harakatlar bekor ketadi. Nihoyat u Bag’dodga yurish qiladi. Ammo qo’shini tabiat injiqliklari tufayli parokandalikka uchraydi. Bundan ta’sirlangan Xorazmshoh as-Suhravardiyning so’ziga amal qilmaganidan pushaymon etib, shayxni qaytadan Xorazmga elchi sifatida kelishga taklif etadi [An-Nasaviy. 10:30-40]. Sal o’tmay Chingiz bosqini yuz beradi. Shayx

Shixobiddin Suhravardiyning Xorazmshoh tomonidan yaxshi kutib olinmaganligi, Shayxning bashorati to'g'ri chiqib, Xorazmshohning xor-zorlikda halok bo'lishi Oshiq Oydinning xalq orasidagi obro'si oshib pir darajasiga ko'tarilishiga sabab bo'lganligi ehtimolga juda yaqin. Umar Suhravardiyning o'g'li Shayx Zayniddin (Zayniddin bobo) ham diniy va jamoat arbobi bo'lgan. O'sha soha bo'yicha u Toshkentga ham kelgan. Umar Suhravardiy asos solgan suhravardiylik tasavvuf tariqati deb ataluvchi bu oqim ikki daryo oralig'ida zohidlik maktabi negizida tarkib topgan bo'lib, uning a'zolari hunarmandlar va o'qimishli ziyolilar xisobiga kengayib borgan. Suhravardiylar sunniylik aqoyidchilari bo'lib mo''tadil so'fiylik qarashlarini targ'ib qilganlar. Ular dunyoviy ilm bilan ilohiy ilmning uzviy bog'lanishini tan olishgan. Umar Suhravardiy o'zining 63 bobdan iborat "Avorif ul maorif" asarida "dunyoviy ilm-go'yoki sut, ilohiy ilm esa-uning qaymog'idir" deb yozadi. Uningasarlari arab, fors, nemis va ingliz tillarida nashr etilgan. Maboda e'tibor berilsa, Oshiq Oydin pir baxshilarning Qambar, bobo esa sozandalarning piri sifatida mashhurlik kasb etadi. O'tgan asrning 90-yillarida Oshiq Oydin pir qabri joylashgan Vos qal'asida Oshiq-baxshilar musobaqasi o'tkazish an'anaga aylangan edi. 1991 yilda bu yerda baxshilarning xalqaro bellashuv ko'rigi bo'lib o'tgan. Bu anjumanda Ozarbayjon, Turkiya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, O'zbekiston respublikalaridan kelgan ko'plab baxshilar ulug' pir qabrini ziyorat qildilar. Ayniqsa Xorazm, Toshovuz va Qoraqalpoq baxshilari bu tadbirda faol ishtirok etishdi [Oshiq Oydin. 11:4]. "Kitobi dadam Qo'rqut" eposining barcha shoxobchalarida faol harakat qiladigan asosiy obraz Qo'rqut otadir. Bu obraz haqida turli olimlar turli fikrlar bildirishgan.V.V. Bartoldning ko'rsatishicha, u bahodir emas, balki urug' oqsoqolidir. Unda xalq donoligi mujassamlashgan [Бартольд В.В. 12:41].

Qo'rqut ota bashoratchi baxshi va afsonaviy shaxs. O'z navbatida u sehrgar, shomondir [Короглы Х.Г. 13:61]. Binobarin, Qo'rqut ota kitobning bosh qahramoni emas. Lekin uning fikrlari, qiyofasi, jami hodisalar va qahramonlar taqdirida tutgan o'rniga ko'ra butun asarni birlashtirib turuvchi qahramon rolini o'ynaydi [Nazarov B. 14:40]. Qo'rqud ota haqida dastlab fikr yuritgan shaxs Abul G'oziy Bahodirxondir. Buyuk tarixchi olim "Shajarai tarokima" asarida Qo'rqud otani 14 joyda tilga oladi. Uning ko'rsatishicha, Qoraxo'ja o'g'li Qo'rqud Inal Yavi xonning vaziri bo'lib, 295 yil umr kechirgan, uchta xon davrida vazirlik qilgan, g'aroyib ishlarni amalga oshirgan. Butun o'g'uz eli unga bo'ysungan, biror farzand tug'ilsa, albatta u kelib ism qo'ygan [Кононов А.Н. 15]. T.Mirzaevning yozishicha, Salor Qozon turkumini tashkil etuvchi qahramonlik qo'shiqlari Sharqiy Turkistondan kelgan turkiy qabilalarga tegishli bo'lib, XI asrda saljuqiylar davrida bu turkum Kichik Osiyo va Kavkazga o'tib, "Kitobi dadam Qo'rqut" tarkibidan joy oldi [Mirzaev T. 16:45]. "Go'ro'g'li" turkumining ustuvorlik qila boshlashi bilan Qo'rqud ota to'g'risidagi doston unutilib ketgan: XIX asr boshlariga kelib, "Kitobi dadam Qo'rqud" eposining yozma nusxalarga ko'chirilishi an'analari asosida "Go'ro'g'li" turkumi dostonlari ham yozuvga olina boshlagan.Qo'rqut ota haqida jiddiy tadqiqotlar olib borgan X.G.Ko'ro'g'li o'zining "Shaman, polkovodets, ozan" (evolyutsiya obraza dede-Korkuta) maqolasida Qo'rqut ota

shaxsida shomonlik, o’zonlik (baxshi) xususiyatlari mavjud bo’lganligini tasdiqlaydi, o’z navbatida uning sarkarda (polkovodets) bo’lganligiga shubha bildiradi [Короглы Х.Г. 17:48-62]. Qozoq-qirg’iz asotirlarida Qo’rqut ota shamon obrazi sifatida talqin qilinadi. Etnograf Ch.Ch.Valixonov Qo’rqut otaning o’limdan qochishi motivini shomonlik bilan bog’laydi. Qirg’iz shomonlaridagi ushbu rivoyatda Qo’rqut ota birinchi shomon sifatida e’tirof etiladi. O’rta Osiyodagi yozma yodgorlik – “Do’st Sulton tarixi” kitobida esa Qo’rqut ota baxshilar piri sifatida tasvirlanadi. Qozoq baxshilari shu sababdan dostonni boshlash oldidan undan yordam so’rashadi, iltijo qilishadi. Qadimgi davrga oid afsonalarda Qo’rqud ota shomon tarzida tasvirlansa, Islom dini ta’sirida yaratilgan so’nggi afsonalarda u avliyo darajasiga ko’tarilgan. A.Divaev bu haqda Qozonli hududidagi Xorxut toponimi bilan aloqador afsona borligini tasdiqlaydi. Uning yozishicha, Xorxutning qabri 1880 yilgacha saqlangan, keyin uni Sirdaryo yuvib ketgan [Диваев А. 18:193-194]. Abulg’oziy Bahodirxon Qo’rqud otani donishmand vazir sifatida tasvirlasa, Rashididdin asarlarida baxshi, O’zon tarzida beriladi. O’zon atamasi turkmanlarda ham uchraydi. Maxtumqulining bir she’rida shunday misralar bor:

Davlat ela galar bo’lsa,
Boshdan burun o’zon galar.
Davlat eldan getar bo’lsa,
Mulla bilan to’zon galar [Магтымгулы. 19:234].
O’zon atamasi ilgari Xorazmda ham ishlatilgan.

Qo’rqud otaning lashkarboshi tarzida berilishi Abulg’oziyda ham bor bo’lib, bu ma’lumot ikki shaxsning ismini aralashtirish natijasida kelib chiqqan. Bundan tashqari o’g’uzlarda shu nomdagi urug’ ham uchraydi [Короглы Х.Г. 20:52].

Bu ikki shaxs haqidagi fikr K.A.Inostranev ishlarida ham uchraydi. Qolaversa, lashkarboshining ismi Qirqud tarzida yozilishini A.N.Kononov ham birinchilardan bo’lib, aniqlagan edi. Folklor asarlarida Qo’rqud-shomon, afsungar, tabib, uning musulmonlikka aloqasi rasmiyatchilik tariqasida qayd qilinadi xolos. Tarixiy asarlarda esa bu shaxs musulmon dinining muqaddas kishilaridan biri sifatida ta’kidlanadi. X.G.Koroglining mazkur maqolasida Qo’rqud ota faoliyatiga doir masalalar keng doirada tahlil etiladi. Yuqorida keltirilgan barcha tafsilotlar Qo’rqud ota obrazining to’laqonli qiyofasini gavdalantira oladi. Maqola oxirida “Kitobi dadam Qo’rqud”ning g’arb o’g’uzlarida tarqalgan yodgorligi xususida so’z yuritiladi. Barcha afsona va rivoyatlarda Qo’rqud-shomon, o’zon, davlat arbobi, hukmdor maslahatchisi, barcha o’g’uz elining donishmand ustozi sifatidagi evolyutsion obraz sifatida gavdalantiriladi. Uning baxshi sifatidagi faoliyati hech qachon yo’qolmagan. O’z navbatida uning tarixiy prototipini izlashga ham asos yo’q.

Adabiyotlar ro’yxati:

1.Pardaev T. O’zbek dostonchilik maktablarining teran ildizlari ma’naviyatimiz asosi. / Jahon sivilizatsiyasida... – B.117.

2.Tolstov S.P. Qadimiy Xorazm sivilizatsiyasini izlab. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2014. –B.214-215. (380)

3.Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана. – М.: Наука, 1988. –С.24. (558)

4.Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. - М.: Восточтая литература,1968. - С.134.

5.Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008.-С. 66.

6.Жирмунский В.М.. Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.-М.: ГИХЛ, 1947. -С.294.

7.Oshiqnoma, IIkitob, Urganch, «Xorazm”, 2006, 187-bet.

8.Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965, -С. 485.

9.O’zbek milliy ensiklopediyasi, 8-tom. - T.: “O’zbek milliy ensiklopediyasi”, 2004, 184-185-betlar.

10.An-Nasaviy Shixobiddin Muhammad, Sulton Jaloliddin Manguberdi tafsiloti. -T.: “O’zbekiston”, 2006, 30-40-betlar.

11.Oshiq Oydin - 94, Dashxovuz, 1994,3-bet.

12. Бартольд В.В. Коркуд, соч. т.v - М.: 1968, С.41.

13. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. – М.: Наука, 1983, С.61.

14. Nazarov B. “Qo’rqut ota kitobi” haqida. // “Yoshlik”, 1988, №5, 40-bet.

15. Кононов А.Н. Родословная.туркмен.Сочинение Абу-л-Газы хана хивинского, - М., - Л.: Изд. Ан, 1958.

16.Mirzaev T. Qahramonlik eposining yuzaga kelishi.// O’zbek folьklorining epik janrlari, -T.: Fan, 1981, 43-bet.

17. Короглы Х.Г. Шаман, полководец, озан (эволюция образи деде – Коркута). // Советская тюркология. – Баку, 1972, №2. – С.48-62.

18.Диваев А. Несколько слов о могиле Хорхут-ата-ЗВО РАО, Т.Х.СП.б. 1896. – С.193-194.

19.Магтымгулы. Ашгабат, «Туркменистан», 1977. – Б.234. (678)

20.Короглы Х.Г. Кўрсатилган мақола, 52-бет.

АВТОБИОГРАФИК–ДИЛОГИК ҚИССАЛАРНИНГ БАДИИЙ-КОМПОЗИЦИОН, СИНКРЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Башорат ЖАМИЛОВА,
филология фанлари доктори

Аннотация: Мақолада автобиографик-дилогик қиссаларнинг жанрий - бадиий хусусиятлари, муаллиф образи ва бадиий концепция масалалари ҳақида фикр юритилган. Бундай асарларнинг тарихий тадрижий такомилига хос хусусиятлар ойдинлаштирилган.

Калит сўзлар: автобиографизм,концепция, дилогия, қисса, сюжет, персонаж, бадиий деталь, кундалик, ёднома, бадиа.

Ҳар бир мамлакатнинг ўлмас қадриятлари, тарихи ва тараққиёти ўша халқнинг етук шахслари, ижодкор ҳамда мутафаккирлар ҳаёти ёрқин кўрсатади. Улар ҳақидаги реалистик бадиий ижод намуналари эса дунё халқларига мамлакат, миллат номидан сўзлайди.

Шу сабабли устоз ёзувчиларнинг ўз болаликлари, ёхуд истеъдодли адиблар ҳамда шоирлар сиймосига бағишланган қиссалари адабиётда алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон ўз болалик ва ўсмирлигини умри давомида унутолмаслиги оддий ҳақиқат. Бу ёшдаги энг ёрқин хотираларни бир умрга эслаб қолиш учун камида икки жиҳат зарур бўлади: биринчиси – хотира муаллифи ноёб қобилият эгаси бўлиб, болаликданоқ ҳар бир воқеа деталини аниқ-тиниқ эслай олиши ҳамда буларни ноёб дурдона янглиғ қалбида сақлай билиши; иккинчиси эса муаллифни йиллар давомида безовта қилиб келган ижтимоий –сиёсий, шахсий ҳаётидаги руҳий изтироблари, қийинчиликларининг унутилмас сабоқлари.

Ҳақиқатан, ижодкорнинг хотира, кундалик ва ёдномалари бу – оддий қайдлардан иборат эмас. Бунда воқеалар, ҳолатлар гоҳ ёзувчининг олис хотираси янглиғ болаликнинг жўшқин оҳангларида, гоҳида эса ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари реалистик баён қилинади. Масалан, М.Горькийнинг “Болалик” қиссаси отасининг ўлими воқеаси билан боғлиқ хотиралардан бошланади. М.Горький ўз болалигига назар ташлаганда, бутун рус ҳаётининг, оддий, қашшоқликда кун кечирадиган мужикларнинг, озгина мерос учун ака-укалар (тоғалари Михалько ва Яков мисолида) ва ота-болалар (бобоси Василий Каширин ва умуман, Каширинлар хонадони мисолида) ёқавайрон, ур-сур, қон тўкиш, ёқа йиртиш даражасига бориб етганини очиқ-ойдин тасвирлайди[Горький М. 1:214]. Бинобарин, рус адабиётида улуғ адибларнинг ўз болалиги ҳақидаги автобиографик қиссалар XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларидаёқ алоҳида жанр сифатида вужудга келганлигини таъкидлаш жоиз. С.Т.Аксаков, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, И.А.Бунин, А.Н.Толстой, А.Гайдар, К.Чуковский, С.Маршак, В.Катаев, В.Распутин, В.Астафьев, кабиларнинг “болалик”лари, энг аввало, ўз

халқларининг, сўнгра собиқ шўро даври халқлар адабиётида ҳам оммалашиб, бу туркумдаги асарлар яратилишига замин ҳозирлаган эди.

Дарҳақиқат, А.М.Горькийнинг “Болалик” қиссасида қувончли ҳодисалар жуда оз, аксинча, болаларга нисбатан катталарнинг нафратли муносабати, оғир турмуш тарзи, оила аъзоларининг ўзаро жанжаллари, фожиавий қисматлар тасвири кўпроқ ўрин эгаллайди. Бу ёш қаҳрамоннинг мурғак қалбига дарж этилган илк хотиралар, жароҳатлар бўлса-да, аслида ўтган аср бошларидаги қашшоқ рус ҳаёти лавҳалари, чекка қишлоқлардаги халқнинг оғир турмуш тарзи, умуман, жамиятда болаликнинг ўрни ҳақида яхлит тасаввур уйғотади. Ёзувчининг ана шу бадиий нияти автобиографик жанр учун асос бўлганига шубҳа йўқ. Айтиш мумкинки, бу жанр жаҳон ва қардош халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти учун ҳам етакчи жанрга айланишига туртки бўлган.

Бадиий асар ва унда муаллифнинг иштироки ҳақида йирик назариётчи олим В.Е.Хализев муаллиф (автор – *лот.* auctor) сўзини шарҳлаб, бу бадиий асар ижодкори сифатидаги ўз тақдири, шахсий фазилатларига эга реал шахс эканлиги, бадиий матнга сингиб кетган муаллиф образи тўлалигича асар ботинига жойлашиб олган рассом эканлигини таъкидлайди [Хализев В.Е. 5:73].

XX аср ўзбек қиссачилигида бола образи ҳақида фикр юритган Р.Умурзоқов шундай ёзади: “Қисса қаҳрамони асл исми пинҳон тутилган Шум бола, 14-15 ёшли ўсмир йигитдир. У ярим йиллик саргузашти давомида ҳаётнинг барча жабҳаларини, ундаги икир-чикирларгача кўздан кечиради. Агар ерда зулм кўпайса, ижодкор мавзу ва маконни ўша ердан олисга кўчиради, қаҳрамонларини саргузаштга чорлайди ёхуд воқеа-ҳодисаларни арши аълога кўчиради. Ғ.Ғулом қаҳрамони саргузаштга чиқади. Муаллиф ўз бадиий ниятини саргузашт давомида англатиб боради. Қиссадаги реал воқеликлар ғайришуурий тарзда акс эттирилади. Руҳият биринчи планга олиб чиқилиб, ақл иккинчи даражали қуролга айланади. Агар Шум бола ақл эгаси сифатида гавдалантирилганда бу каби эркинликларга эга бўлмасди ва асар ҳам ҳозиргидек мавқе қозона олмасди. Муаллиф буни англаган ҳолда ўз қаҳрамонига катта руҳий эркинлик беради. Бадиий асарда руҳий эркинликни таъминлаш эса бадиийликнинг муҳим асоси саналади” [Умурзоқов Р. 4:4].

Кўринадики, қиссадаги автобиографизм умуммиллий, умуммаданий аҳамиятга эга. Бу асар аввало давр ижтимоий-сиёсий ҳаётининг энг мураккаб йиллари, қатағонлик ва шахсга сиғиниш фожиалари юз бераётган бир даврда ёзилган бўлса-да, бадиий жиҳатдан юксаклиги мавзу ва воқеликнинг ранг-баранг талқини, ҳикоя услуби, қаҳрамонлар тафаккурида янгилик зоҳир бўлиши билан белгиланади. Яъни айнан асар персонажлари, кўпроқ ёш қаҳрамонлар кўзи билан ҳаётдаги жиддий муаммолар акс эттирилиши, бола-ўсмирнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилиши ёхуд жамиятнинг болаликка муносабати муаммосининг бош масалага айланиши

Болалар адабиёти ёш китобхонларнинг бадиий-эстетик савияси ва тафаккури, онг ва идрокининг ривожланишига муҳим таъсир кўрсата олиши

эътиборга олинса, А.Обиджон (“Ажинаси бор йўллар”), Х.Тўхтабоев (“Қайдасан, болалигим”), Э.Малик (“Болалик ва ўсмирлик кўчалари”) асарлари дилогик, синкретик жанрий хусусиятлари билан эътирофга сазовор.

“Ўзбек адабиётида, – деб ёзади профессор Қ.Йўлдош, – биографик ва автобиографик йўналишда бир қатор асарлар яратилаётгани характерли ҳолдир. Алоҳида бир одам ва унинг ҳаёт йўлига қизиқишнинг ортгани миллат аҳлининг шахслашаётгани ва уларда алоҳида одам тақдири чинакам қизиқиш уйғонаётганидан белгидир. Шунингдек, бирор адабиётда биографик йўналишдаги битикларнинг кўпайиши ўша ерда одам шахсига эътибор орта бошлаганидан далолатдир” [Йўлдошев Қ. 6:10].

Х.Тўхтабоевнинг “Қайлардасан, болалигим” деб номланган тўпламидаги қисса ва ҳикоялар, эртакларнинг жанрий, композицион, бадиий хусусиятлари ранг-баранг. Асар автобиографизми ўзига хос усулда акс этган. Яъни, муаллиф сиймоси, кечинмалари, ўй фикрлари кўпгина ҳикоя қаҳрамонлари тимсолида гавдалантирилган. Айниқса, катта Тагоб қишлоғи, Ориф чол ҳақидаги ҳикояларда бобоси, шунингдек, айрим персонажларда ойиси, укаларининг сиймоси, улар ҳақидаги ёрқин, реалистик лавҳалар акс этган.

Бу ҳақда С.Матжон шундай дейди: “Тақдим этилаётган ҳар бир асар Х.Тўхтабоевнинг болалик йиллари, болалик орзулари, болалик севинчлари, болалик соғинчлари ҳақида сўзлайди” [Тўхтабоев Х. 3:222].

Болалар адиби Э.Малик ҳам ўзи тенги авлод болалиги, хусусан, ўзининг ҳаётий кечинмалари ҳақида ёзган автобиографик ҳикояларини умумлаштириб, дилогик қисса шаклига келтиргани эътиборга лойиқ [Малик Э. 2:488].

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Қайлардасиз, онажон”, иккинчи қисми “Оймома тўлган кунлар” деб номланган. Китоб сўнггида унинг яна давом этиши ҳақидаги фикр эса рус адабиётида мавжуд бўлган дилогик, трилогик автобиографик асарлар туркумига мансублигидан далолат беради. Маълумки, дилогия, трилогия, тетралогия, пенталогия каби атамалар асосан роман жанрига нисбатан қўлланилар эди. Аммо қиссада ҳам воқелар, қаҳрамонлар тақдири иккинчи қисмида ҳам давом этса; икки асар бир яхлит сюжет чизиғини ташкил қилса, уларни дилогик қисса дейиш мумкин, албатта. Шу маънода, Э.Маликнинг дилогик-автобиографик қиссаси ўзбек адабиётида шу вақтгача учрамаган янги йўналишни бошлаб берди, дейиш мумкин.

Иккала қисмдаги мустақил сюжетли ҳикояларнинг ички сарлавҳаларга, ажратилиши “Ўтмишдан эртаклар”га яқин турса ҳам, Э.Малик уруш даври болалик хотиралари билан асар марказида туради. Унинг ҳикояларида ўзининг болалик ва ўсмирлик йиллари тасвири теран ҳамда реалистик акс этган. Ҳар бир ҳикояда ёш қаҳрамоннинг руҳияти, воқеаларга фаол аралашуви, гўдак бошига тушган кўргуликлар изчил баён қилинади. Ёзувчи аниқ фактик маълумотларни ҳам бадиий деталлар тасвирига йўғириб, ўзига хос ҳикоя услубида, яхлит композицион бутунликда акс эттиришга эришади. Айтайлик, дилогик-автобиографик қиссадаги “Чаён қовурдоқ”, “Овулда”,

“Ойимни топиб беринг” кабилар мустақил сюжетли ҳикоялардир. Ёки “Омон тоға”, “Мужгон опа”, “Ўлмас опа”, “Тегирмончи тоға” сингари ҳикоялар эса муаллифнинг тенгқурлари, дўстлари, ўгай онаси, дадаси, аммаси ва жамики ўзи билан мулоқотда бўлган инсонларнинг феъл-атвори, суҳбатлари – диалогларда бадиий ифодасини топади.

Шу маънода дилогик қиссада ҳикоя қилинган воқеалар муаллиф болалигининг яхши-ёмон кунлари, ҳатто аячаси – ўгай онасининг аёвсиз жазолагани, обрезга ётқизиб, устига чиқиб олиб ўлгудек савалагани-ю, Омон амаки каби яхши инсонлар туфайли соғ қолгани, ҳатто боланинг қўрқувдан балдоқни киссасидан вокзалга ташлаб юборганида, ўша амаки топиб, боланинг номига иснод келтирмаслик учун томдан топиб олдим, зағизғонлар олиб кетган экан дея, раҳм-шафқат қилгани кабилар, аввало, биргина гўдак қаҳрамоннинг онасини вокзалда йўқотиб қўйиб топа олмай, сарсонлиги, онангни топиб бераман деган лўлиларнинг гапига чиппа-чин ишонган ёш боланинг аянчли аҳволигача таъсирчан, бадиий бўёқларда тасвир этилиши асарнинг ўқимишлилигини таъминлаган. Буларнинг барчасида ёзувчи мақсади ёш авлодга бугуннинг қадрига етмоқ учун кечаги кун тарихи, ота-боболари бошидан кечирган машаққатларини ҳис қилишга қаратилган бўлса ҳам, автобиографик қиссалардаги поэтик деталь, макон-замоннинг кенглиги, қаҳрамонларнинг ёши ва миқдори жиҳатдан кўплиги, ҳатто қардош халқлар образлари ёркин чизилгани кабилар жанрий такомил тадрижини намоён қилади. Қиссада етимлик, ўгайлик, ёлғизлик мотивлари оҳорли воқеалар тафсилотида намоён бўлади. Жанр такомилидаги новаторлик ҳам айнан шу каби янги воқелик, янги талқинларнинг пайдо бўлишида кўринади, дейиш мумкин. Қиссада тирик етимликнинг азоби тағинда оғирлигини асар қаҳрамони бошидан кечиргани учун онасини адаштириб қўйиб, йиллар давомида уни тополмай, ҳар куни умид билан кутиши, дийдаси тош қотган отасининг эса ўз фарзандига ўгай онанинг қаҳр-ғазаби, миннату-хўрлашидан ташқари, замона зайли билан ўз фарзандига бир итга раҳм қилганчалик шафқат кўрсатмаслигининг надомати уфуриб туради.

Э.Маликнинг болалик оламига муносабатида ўз қарашлари мавжуд. Унинг эшитгани шуки, донолар ҳаётни бежиз оқар дарёга ўхшатишмаган. Ана шу дарёнинг эса икки қирғоғи бор: бири – болалар бўлса, иккинчиси – кексалардир. Бири ҳаётдан кетиб боради, иккинчиси дунёга келиб, уларнинг ўрнини тўлдиради. Лекин ҳар иккала қирғоқ ҳам заиф, ёрдамга муҳтож... Бири ғўр болалик туфайли ҳеч нарсага қодир бўлмаса, иккинчиси, кексалиги, жисмоний камқувватлиги учун жамиятда ожиз... Қиссада ана шу икки олам вакиллари энг кўп учрашининг сабаби, эҳтимол, шундадир.

Зеро, автобиографизм эндиликда нафақат автобиографик қиссаларда, балки ёзувчи-муаллифларнинг деярли ҳар бир асарида ўзига хос намоён бўлаётгани ҳам англашилади. Яъни, ҳар қандай адабий асарда автобиографик унсурлар мавжуд, чунки асар муаллифнинг ҳаётий тажрибаси асосида дунёга келади: ижодкор ҳаётида юз берган айрим воқеалар, у гувоҳ бўлган ҳолатлар, шулар таъсирида юзага келган уй-кечинмалар матнга сингиб кетиши табиий.

Автобиографик характердаги асарда биографик унсурлар салмоқли ўрин тутгани ҳолда, бадиий тўқима ҳал қилувчи аҳамият касб этади [Қуронов Д.. 7:8].

Адабиётлар:

1. Горький М. Болалик. – Т.: Ёш гвардия, 1981. – Б.214.
2. Малик Э. Болалик ва ўсмирлик кўчалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – Б.488.
3. Тўхтабоев Х. Қайлардасан болалигим. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – Б.222.
4. Умурзоқов Р. XX аср ўзбек қиссачилигида бола образи (Ғ.Ғулом, Ойбек, Т. Мурод асарлари мисолида). – Шарқ юлдузи . – 2014. – № 4
5. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2004. – С.73.
6. Қозоқбой Йўлдош. Ўзлик сари йўл. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таваллудига 70 йил. – Тошкент, 2017. – Б.10.
7. Қуронов Д., Мамажонов З.,Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.8.

ABDULLA ORIPOV SHE’RIYATIDA DINIY-AXLOQIY MEZONLAR

Adiba DAVLATOVA,
Filologiya fanlari doktori;
Dilnoza TADJIBAYEVA,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti talabasi.

Annotatsiya: Ushbu maqolada A.Oripov she‘riyatida diniy g‘oyalarning xalqona ohang kasb etishi, uning adabiy-estetik idealni yaratish barobaida islom dinining asosiy ustunlari bo‘lgan iymon va e’tiqod tuyg‘ularini insonlar qalbiga jo qilishi, ko‘ngillarni munavvar, hayotlarini saodatli qilishga erishilayotgani haqida mushohada yuritilgan.

Kalit so‘zlar: Qur’oni karim, zamonaviy o‘zbek she’riyati, din, axloq, ma’naviy yuksalish, tavba, Vatan, sog‘inch.

O‘zbekiston Respublikasida mustaqillik yillarida ta’lim-tarbiya jarayoni tubdan o‘zgardi. Bu o‘z navbatida ta’lim sohasida olib borilayotgan davlat siyosatining huquqiy-tarbiyaviy asoslarini yaratishdan boshlandi. Ta’lim-tarbiyani milliy istiqlol g‘oyalari asosida yuksak darajaga ko‘tarish davatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishi va bugungi globallashuv jarayonlarining ijtimoiy talabiga aylandi, desak aslo mubolag‘a bo‘lmaydi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan ishlab chiqilgan «O‘zbekiston Respublikasini

yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi»da ham jismonan sog‘lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat’iy hayotiy nuqtayi nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish yo‘lida ularning ijtimoiy faolligini yuksaltirish, yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda ta’lim muassasalarining samarali faoliyatini tashkil etish, ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag‘batlantirish bilan birgalikda amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish hamda uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta’lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirishda zamonaviy o‘zbek she’riyatining ma’naviy miqyosi, badiiy salohiyati kundan-kunga oshib borayotganligi hech kimga sir emas. Shu ma’noda hozirgi o‘zbek adabiyotida lirikaning o‘rni alohida tahsinga sazovor.

Har bir xalqning adabiyoti uning milliy ruhi, tafakkur tarzi, ustozlar tajribasi, axloqiy-ma‘naviy, diniy-ilohiy tushuncha va qadriyatlariga tayanadi. Shuning uchun bularni nazardan chetga surib, adabiy jarayon mohiyatini belgilash ham, adabiy an‘analarning badiiy ijoddagi roli va ahamiyatini to‘g‘ri baholash ham mumkin emas. Zero, badiiy ijodda ma‘no, tuyg‘u yoki haqiqat yo‘q joydan kashf etilmaydi. Bunda din va falsafa, ma‘rifat va ma‘naviyat, tafakkur va ahloqiy qadriyatlarning ham o‘rni va mavqei bo‘ladi. Ana shu bois XX asr oxirlariga kelib til, tarix, din va tasavvuf ta‘limotiga yangidan qiziqish ehtiyoji tug‘ildi. Istiqloldan keyingi o‘zbek she‘riyati sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi. Xususan, ijodiy erkinlik darajasi, milliy qadriyatlarimizning qayta tiklanishi mafkuraviy yakkahokimlik asoratlarini bir qadar cheklab qo‘ydi, badiiy izlanishlarning falsafiy-intellektual saviyasini oshirdi hamda shakliy-uslubiy, mazmun miqyosini yanada boyitdi. Zero, jamiyat ma‘naviyatini yuksaltirish har doim ham yetuk mutaxassilar zimmasida bo‘lgan.

Ajdodlarimizning boy ilmiy va adabiy merosi ham ma‘naviy-axloqiy, ham ma‘rifiy tomondan o‘z ta‘sirini o‘tkaza boshladi. Jumladan. A.Oripov she‘riyatida diniy g‘oyalarning xalqona ohang kasb etishi, S.Sayyid, E.Shukur, A.Mahkam izlanishlarida tasavvufiy aqidalarga moyillikning ortishi, M.Abdulhakim ijodida bedilona ifodaning shakllanishi, Faxriyor talqinlarida rumiyona falsafiylikning kuchayib borayotganligi ko‘zga tashlanadi.

O‘zbekiston Qahramoni Ozod Sharafiddinov “Adabiyotda diniy ohanglar” maqolasida mustaqillik yillarida dinimizga bo‘lgan e’tiborning kuchayishi respublikamizda amalga oshirilgan keng ko‘lamli ishlar, xususan Qur’oni karim ma’nolari tarjimalarari, buyuk muhaddis Ismoil al-Buxoriyning to‘rt jildlik hadislarining chop etilgani, yana avvalgidek adabiyot bilan islom dinining integratsiyalashuvi yuz berganini ta’kidlaydi. Muqaddas islom dinining asosiy ustunlari iymon va e’tiqod tushunchalari orqali insonlarning ko‘ngil munavvarligi, inson hayotining saodatmandligiga erishilayotganligini aytadi. “….shoirlik-nurga, ma’naviy yorug‘likka intilish. Shoir-olamni oydin haqiqatlarda ko‘rib, yorug‘ hissiyotlarda qalam tebratadigan shaxs. Tashqi dunyonigina emas, insonning ichki olami ham nurli bo‘lishi dardida yashaydi. Bu unga ilhom baxsh etadi”. [Haqqul I. 4:56] A.Oripovning ko‘plab she’rlari katta fikriy zahmatlar ilhomida yaratilgan,

shuning uchun ham ular o‘quvchi qalbiga “buyuk zamonaning otashin zarb”larini olib kirishga qodirdir.

“Din gunohni qoralaydi. Ammo, gunohlariga iqrorlikni to‘la yoqlaydi. Chunki tavba-tazarru qilib tozalanish kerak. Lekin gunohkorlik – faqat ayb va aybdorligingga iqroqlik deganigina emas, asosiy mohiyatni bilish, Haqiqatning muqaddas eshigiga kalit solish hamdir” [Haqqulov I. 4:288].

Abdulla Oripovning istiqlol yillarida yozilgan Haj daftari nomli she‘riy to‘plamida buni yaqqol ko‘rishimiz mumkin. A.Oripovning Haj daftari turkumiga kirgan she‘rlarini ko‘zdan kechirar ekanmiz, unda insonni to‘g‘ri yo‘lga soluvchi, yomonlikdan qaytaruvchi, komil inson darajasida yetishishda sabr-qanoatli va ma‘rifatli bo‘moqlik da‘vat etiladi. Shoir bu g‘oyalarning kitobxon ongiga singdirishda muborak Hadislardan, Qur‘oni Karim suralaridan foydalanib, she‘riy misralarda jozibali ifoda bilan yetkaza olgan. Darhaqiqat, A.Oripovning “Tavba” she‘ri shu asosda dunyoga keldi. “Niso” surasining 17-oyatida “Bilmasdan yomonlikka yo‘l qo‘yib, darhol tavbaga o‘tganlarning tavbasini Alloh qabul qiladi. Alloh bilim va hikmat egasidur” [Mansur A. 2:77], deb aytilgan so‘zlardan kelib chiqibshoir ushbu misralarni yozadi:

Yo‘q, hali olamda mavjuddir shafqat,
Yo‘q, hali tebranur mehr beshigi.
Tavba qil, tavba qil, tavba qil faqat,
Senga ochiq faqat tavba eshigi.

Qur‘onda tavba-tazarruga katta ahamiyat berilganligini ko‘rishimiz mumkin. Inson o‘z xatosini tushuna olishi ham bir saodatdir. Insonning hayotdagi o‘rni, o‘z umrini yaxshilikka, go‘zalliklar yaratishga safarbar etish masalasi shoirning har bir she‘rida alohida o‘rin egallaydi. Fikrimizning isboti “Yillar armoni” she’rida ham o‘z aksni topgan:

Kimgadir yaxshi gap aytdik, birodar,
Kimdir bir umrga ranjib ham ketdi.
Kun kecha yosh derdik o‘zni bir qadar,
Bugun-chi, balog‘at payti ham yetdi.
Inson o‘z umrini o‘ylasa ko‘p vaqt,
Qiynaydi o‘zidan o‘tgan qusurlar.
Kimgadir aytilmay qolgan bir rahmat,
Kimdandir so‘ralmay qolgan uzrlar.

Inson o‘tgan umriga bir nazar solsa kimnidir ranjitgan, kimnidir xursand qilgan. Lekin yillar o‘tib borar ekan, hech qachon yo‘qotilgan yillar qaytib kelmasligi erta anglamog‘imiz kerak.

Abdulla Oripov jon rishtasi bilan Vatanga bog‘langan, qalbi ona yurt ilhomlari bilan to‘la shoir. U dilidagi eng muqaddas, eng ardoqli hislarini Vatan iqboliga bag‘ishlaydi. Inson musofir bo‘lsagina Vatanga bo‘lgan sog‘inch va muhabbatini chinakamiga his qiladi. Buni ushbu misralar orqali ko‘rishimiz mumkin:

Bir umr kurashdik orzular uchun,
- Ha, oyi, so‘z aytib o‘rtama jonni.
Dunyo karvonining boshida bir kun
Ko‘rsam yetarlidur O‘zbekistonni.

“Payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v.) ham o‘z yurtini tashlab ketishga majbur bo‘lganlar. Makkadan chiqib ketayotganida Abu Bakr Siddiq ham yonlarida edi. Bir tepalikka chiqqandan keyin Makka tomonga qarab uzoq turib qoldilar. Makkaga qarab aytdilarda, ey Makka, ona shahrim agar meni jonimga qasd qilinmaganda va bu yurtdan chiqishga majbur bo‘lmaganimda, Alloh shuni xohlamaganda edi, sendan chiqib ketmasdim, sendan boshqa joyni Vatan qilmasdim” [Qozonchi A. 10:188] degan edilar. Abdulla Oripovda ham yurt sog‘inchi judayam kuchli bo‘lgan. Bu sog‘inchini yuqoridagi misralardan bilishimiz mumkin. “Vatan! Mening bor qismatim shu bir so‘zda hal”, deb yozadi Abdulla Oripov. Zero, chindan ham, inson uchun Vatan – Yaratganning ulug‘ ne’mati. Uni tanlash imkoniyati berilgan emas. Vatan – taqdir, Vatan – qismat. Uni sevish iymondandir, odamiylik ziynatidur. Yetuk shoirning asarlari bizga bu haqida unitilmas saboqlar beradi” [Jabborov N. 6:230].

Shoir qirq yillar muqaddam “Onajonim she’riyat” she’rida ijod uning uchun dunyodagi yagona, eng yuksak yumush ekanligini o‘zi yashab turgan davrning barcha xursandchiliklari, jarohatlari, yaxshisi-yu yomoni uning qalami uchun begona emasligini, garchi mushkulotlar uchrasa-da, haq yo‘lidan adashmaslik hamisha uning shiori bo‘lib qolishini izhor qilgan, nurli manzillarga yetib borishni orzulagan edi. Oradan o‘tgan yillar shoirning hayot haqiqatiga aylangan badiiy haqiqat tamoyillariga, so‘zga, bu olamda “topgan toj-taxti” – she’riyatga sodiq qolganligidan, vaqt degan buyuk hakamning qarshisida mulzam bo‘lmasligidan guvohlik berib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mirziyoyev Sh. Niyati ulug‘ xalqning ishi ham ulug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi. – T.: O‘zbekiston, 2019.
2. Qur’oni Karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. Shayx Abdulaziz Mansur. – T.: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019.
3. Haqqulov I. Irfon va idrok. - T.: Ma’naviyat, 1998.
4. Haqqulov I. Mushohada yog‘dusi. – T.: Fan, 2000.
5. Haqqulov I. Tasavvuf va she‘riyat. – T. Adabiyot va san‘at, 1991.
6. Jabborov N. Maoniy ahlining sohibqironi. –T.: Adabiyot, 2021.
7. Oripov A. Tanlangan asarlar. 3-tom. – T.: Adabiyot va san’at, 2001.
8. Oripov A. Tanlangan asarlar. 4-tom. – T.: Adabiyot va san’at, 2001.
9. Oripov A. Yillar armoni. – T.: Adabiyot va san’at, 1984
10. Qozonchi Ahmad Lutfiy. Saodat asi qissalari. – Samarqand: Imom Buxoriy xalqaro markazi, 2020.

ҲАССОС ШОИРНИНГ ҲАЯЖОНЛИ ШЕЪРЛАРИ

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

АННОТАЦИЯ. Мақолада таниқли шоир ваа таржимон Усмон Қўчқорнинг адабий мероси, шеъриятининг мавзу кўлами, жанрлар таркиби, образлар олами тўғрисида фикр юритилади, шоирлик маҳоратининг асосий қирралари кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: Усмон Қўчқор, адабий мерос, шоир, таржимон, шеър, мавзу, жанр, бадиий тасвир воситалари, ўзига хослик, маҳорат.

Мағзи тўқ, тўрт мучаси бутун шеърлари билан ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин тутган ҳассос шоир, сермаҳсул ва серқирра мутаржим, моҳир муҳаррир Усмон Қўчқор 1953 йилнинг 15 июлида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тугатган. Шундан сўнг 1975–1977 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди. 1977–1979 йилларда она юрти Шофирконга бориб, ўрта мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Яна пойтахтга қайтиб, «Ўзбекистон» (1979–1986), «Чўлпон» нашриётларида (1986–1988) муҳаррир, «Ёшлик» журналида, «Маънавият» нашриётида бош муҳаррир лавозимида (1988–1996) ишлаган. Меҳнат фаолиятининг катта қисми “Ўзбекистон” ва “Маънавият” нашриётларида ўтган.

Шоир ижодининг бошланиши 70-йиллар охири – 80-йиллар бошларига тўғри келади. Унинг биринчи шеърий тўплами 1982 йилда “Ҳаяжонга кўмилган дунё” номи билан чоп этилган. Тўпламга кирган кўпчилик шеърлар ёшликнинг беғубор, содда, самимий туйғу-кечинмаларидан ташкил топганлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Сўнгра шоирнинг “Акссиз садолар” (1986) номли иккинчи шеърлар тўплами босилди. Кетма-кет “Уйқудаги минора” (1987), “Оғир карвон” (1991) каби анча жиддий, салмоқли шеърий гулдасталари яратилди. Бу тўпламлар шоир дунёқарашининг кенглиги, мавзу доирасининг беқиёслиги, фикрларининг теранлиги билан ажралиб туради. Шоир ўз шеърларида ҳамиша замонлар қиёсидан ҳақиқат, нур излайди. Инсонни эзгуликка етакловчи ва мукаммал этувчи кучни излайди, баъзан топади, баъзан эса... Шоир “Қувғин” достонида қатағон даври изтироб ва аламлари тасвирига бағишланган. “Имом Бухорий”да беназир муҳаддиснинг ҳаёт йўли, ислом дини тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда давомида турли қийинчиликларни ақл-идрок ва донишмандлик билан енгиб ўтган улуғ сиймонинг шахси, характери очиб берилади. Унинг “Чамангул” (1966) номли болалар учун ёзилган шеърий гулдастаси Республика Давлат матбуот қўмитасининг йиллик мукофотига сазовор бўлган.

Усмон Қўчқор таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилиб, Шарқ ва Ғарб адабиётларининг энг яхши намуналарини ўз она тилига таржима қилган. Шоир ижодининг иккинчи, айтиш мумкин, асосий қаноти таржима ҳисобланади. Чунки у қолдирган таржималар ўзининг адабий меросидан бир неча баравар ортиқ: у, жумладан, у озарбайжон сўз санъаткорларидан Имодиддин Насимий ғазаллари, Воқиф шеърлари, Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” ва «Шайх Санъон» драмалари, Жалил Маммадқулизоданинг қисса ва ҳикоялари, Юсуф Самад ўғлининг “Қатл куни”, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, “Мен, сен ва у”, Собир Рустамхонлининг «Кўк тангри» романи, Юнус Ўғузнинг “Амир Темур”, “Султон Алп Арслон”, “Малика ва жодугар”, Ҳусайн Кўрўғлининг “Сайланма”, Ҳидоятнинг “Тоғлар қўшиғи”, Элчиннинг икки жилдли “Танланган асарлар”и, Андерсеннинг “Сув париси”, “Ўн икки йўловчи”, “Қор маликаси” каби эртаклари ва бошқа асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Озар адабиётига муҳаббат Усмон Қўчқорда ёшлигидан бўлган экан. Ўзбекистонлик озар дўстлари Акиф Бағир ва Яшар Қосимга бағишланган “Иқрор” шеъри, Анорнинг “Сизсиз” хотира-қиссасини мутолааси таъсирида эр-хотин адиблар Расул Ризо ва Нигор Рафибейлига бағишлаб яратган “Хазардан муждалар” шеъри, Рустам Собирхонлига бағишланган саккизлиги унинг озар адабиётига алоҳида муҳаббат билан қараганидан далолат беради. Кейин бу адабиётдан жуда кўп шеърий ва насрий таржималарни амалга оширди.

У турк тилидан “Илоҳий ҳадислар” тўпламини ҳам ўзбекчалаштирган. Бу нарса эса ижодида ўзининг изини қолдирмаслиги мумкин эмас. Шеърларидаги диний оҳанглар худди шу нарса билан изоҳланади.

2017 йил 21 сентябрда Тошкент шаҳрида вафот этган.

Усмон Қўчқор деган камтар ва камсуқум бир шоир яшаб ўтди. Шеърлари пишиқ-пухта, мағзи тўқ ва бадиий мукаммал бўлса-да, ўзини майдонга урмагани, бир четга тортиб яшагани учун етарлича даражада танилмай, эътироф этилмай, муносиб баҳосини олмай кетди. Ҳолбуки, у ўзига хос шеърият яратиб, ўзбек адабиёти тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб кетди. Айни жиҳатдан таниқли шоир ва маънавият фидойиси Хуршид Даврон унинг вафоти муносабати билан: “Усмон Қўчқор яхши инсон, истеъдодли шоир, маҳоратли таржимон эди. Ҳеч нима даъво қилмасдан, индамасдан ижод қилди. Гарчи юрагида дарди кўп бўлса-да, уни ҳаммага очавермади, фақат ва фақат шеърига ишонди”, – деб ёзганида ҳақли эди.

Камтарлиги ва самимийлиги учун ҳамма уни яхши кўрар, адабий жараёнда ўз мавқеи ва обрўси бор эди.

Усмон Қўчқор шеърият майдонига ҳаяжон билан кириб келиб, ҳаловат нима билмай, туғён билан ижод қилган эди. Шеърларида ҳаяжон, туғён, ҳаловатсизлик сўзларининг кўп учраши бежиз эмас. Шоир – ҳаловат билмаган жон. Ижод аҳлининг ҳаловат нималигини билмаслиги ҳақида қатор шеърларида ёниб-жўшиб ёзади:

Чорлаб борар олдинга ҳамон
Энг яқин дўст, ашаддий ғаним –
Ҳаловатга бермасдан имкон –
Излаганим, топмаганларим...

Бошқа бир шеърида “Менсиз қонлар йиғла, ҳаловат” деб ёзган шоир “Ҳаётнинг сўнгги нуқтаси” номли шеърида бу борадаги фикрларига гўё ўзига хос якун ясайди:

Оромга қийин,
оромга оғир,
оромга жабр –
Ахир,
бир умр
Мен қочиб яшайман оромдан.
Бир кун мени топиб олар у,
Топиб олару –
Ўкраб юборди
аламдан.

Зеро, шеърнинг асосида дард ва ҳаяжон ётади.
У ўзидаги ҳаяжонни ўқувчига ҳам юқтиради.
Усмон Қўчқор шеърияти исёнкор бир руҳдан ҳам холи эмас эди:

Бас, дунёга ортиқ керакмас
Курашлардан қочган шеърият.

Албатта. ўз йўлини топиб олгунча у аввал Абдулла Ориповга эргашди, кейин Рауф Парфига. Жумладан, “Хоин” шеърига Жамол Камолнинг “Хиёнат” шеърининг таъсири бор. Айни пайда бу шеърда Абдулла Орипов руҳи ва услубини ҳам дарк этамиз. “Севги”, “Кечикди” каби мураббаларида ҳам Жамол Камол таъсири ёрқин кўринади.

Абдулла Орипов каби шеърларини *абаб* тарзида қофиялаб, шаклий мукаммалликка эришишга ҳаракат қилади.

Менинг хотиротим – заминдек қадим,
Ёшим баробардир Қуёш ёшига.
Лекин ҳеч бепарво қарай билмадим
Хилқатнинг ҳар битта гулу тошига.

Шоирни баъзида бир байти ёки мисраси машҳур қилади. Шу биргина байт ёки мисра унинг шоирлик салоҳиятига ҳам далолат қилади. Жумладан, Усмон Қўчқорнинг образлилик асосига қурилган мана бу мисраси ҳақида шундай дейиш мумкин:

Ҳамал боғларида сумбула оҳи...

Бу мисра Абдулла Ориповнинг:

Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси, –

сатрини эсга солади. Лекин У.Қўчқор сатри образлиликка асосланган билан бадиий мукаммалликка эга.

У.Қўчқорнинг “Мовий дунёлардан бир насим келур” шеъри ҳам шаклан ва мазмунан мукаммалликка эга. Оҳанги ҳам оҳанрабо каби ўқувчини ўзига тортади:

Мовий дунёлардан бир насим келур,
Маним бу насимга ҳавасим келур.
Жисмим бунда менинг, руҳим ундадир –
Мовий дунёлардан нафасим келур.

Шоирнинг бахти шеърларини халқ севиб ўқиб, ёд айтиб юришида.

Усмон Қўчқорнинг бахти – ўқувчилар такрорлаб юрадиган шеърларининг борида.

Усмон Қўчқор билимдон, маърифатли шоир эди. Шеърларида ҳикмат нури балқиб туриши шундан далолат беради. Хусусан, тарихий мавзудаги шеърлари ва тарихга мурожаатларда унинг ўз халқи тарихи, муҳим воқеа-ҳодисаларни, тарихий шахсларни яхши билиши яққол намоён бўлади. Бундай ўринларда у талмеҳ санъати воситасида ўтмишга мурожаат қилиб, тарих баҳона бугуннинг оғриқли саволларига жавоб излайди. Воқеан, у тарихий мавзуда “Қувғин” ва “Широқ” достонлари, “Имом Бухорий” драмасини ҳам яратган. Аслида унинг тарихий мавзудаги битиклари тадрижий равишда тарихий асарлар яратилишига олиб келди. Мисол тариқасида биргина озар дўстлари Акиф бағир ва Яшар Қосимга бағишланган “Иқрор” шеърининг иккинчи қисмини олиб кўрайлик:

Оқчорлоқлар чорлар Хазар устида,
Мунтазир Қуёш ҳам чорлайди порлаб.
Жайҳунман, Хазарнинг кўҳна дўстиман,
Борурман –
тўлқинлар тураркан чорлаб.

Борурман, мақсадим – собит, мусаххир
Ганжа елларига қонмоқ, қотилмоқ.
Муқанна қавмига фарз эрур, ахир,
Собит Баз қалъасин зиёрат қилмоқ.

Ғанимлар оз эмас ҳали очунда,
Сўймоққа қотил бор – товондан бошлаб.
Насимий девонин қўлтиқлаб, тунда
Пичирлаб юрибди ҳали ҳам Машраб.

Девлар бор – Авазни йўлда қўрқитган,
Чамбилни босғон бор, бордир бостирғон.

Туяда бепарво Дада Қўрқутга
Гўрўғли саломин элтар Бозиргон.

Минг йиллик орзулар тирик бу юртда,
Юрак чидаб берар, кўзлар кўнади –
Ҳақиқат эртакка эврилур эрта,
Эртага афсона ҳаққа дўнади.

Ўтмиш-ку ўшадир – биз англагандай,
Туркийча оҳанглар янграб турар лек –
Ғафурнинг ундови жаранглагандай:
“Самад, юр, Нозимни кўриб келайлик!”

Келажак ёдига қондай сачраб ман,
Мозийнинг қалбида аламли тугун –
Мен ўша Бозиргон, ўша Машрабман –
Борурман,
Мен ўзим Жайҳунман бу кун.

Умуман, шоир тарихга кўп мурожаат қилади – замондан топмаган ҳақиқатларини тарих қаъридан қидиради.

Усмон Қўчқор – фикру мушоҳада шоири. У олам ва одам, ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги қарашларини мулоҳаза-мушоҳада ўлароқ шеърга солади. Шеърларида ҳам тимсолу ташбеҳлардан ҳам кўра фикр устунлиги, фалсафий мулоҳазалар кўплиги шундан. Ўзи яшаётган дунёни англашга ва англаганларини бадиий талқин қилишга интилади. “Ҳақ йўли ёки комил инсон”, “Дунёни англаш”, “Англаш” шеърлари шоирнинг кўп йиллик фалсафий мушоҳадалари маҳсули ўлароқ қоғозга тушган. “Маобитдаги Муса мактуби” бошдан-оёқ шоирнинг фалсафий қарашлари ва ҳаётий ҳикматлари асосида ёзилган. Айни жиҳатдан, у ўзига хос мавъиза шеърга ўхшайди.

Ботирнинг маслаги бўлмас ярадор,
Қўрқоққа ватандир ҳамиша жони.
Ахир, ким кечирар бизни, биродар,
Бемаслак қолдирсак жон деб, дунёни?!

Қай шаҳид яшашдан юзини бурган,
Қайси мард тупроқни қучган беармон?
Парвозга шайланиб ночор пат урган
Ярадор бургутга тутмагил осон.

Тириклик маъноси – тирикчиликмас:
Инсонга юзма-юз келаркан ажал,
Амаллаб саломат қолмоқлик эмас –
Баъзида зафарни ўлим этар ҳал.

Усмон Қўчқор ҳар бир шеърида бир фикр айтишга, бир кечинмани ифодалашга ҳаракат қилади – унинг ижодида шунчаки сўзлар уюмидан иборат зўраки ва сохта шеърларга дуч келмаймиз. У сира ўзини зўрлаб шеър ёзмас, сохта ва ялтироқ сўзларни ўзига яқинлаштирмасди.

Шеърларининг жозибадорли ва таъсир кучини ошириш учун у бадиий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланади. Ташбеҳ, муболаға, тазод, ташхис, ирсоли масала, истиора санъатларини маҳорат билан қўллаш аслида шоир салоҳиятининг кучлилигидан далолат беради.

Ватан мавзуи ҳам шоир ижодида муҳим ўрин тутади. Ватан ҳақидаги алоҳида шеърларидан ташқари кўплаб шеърларида ўзи туғилиб ўсган юрт ҳақида фикр юритади.

Олис истиқболга ўйчан тикилган,
Неча бор адашган – зол эрур бу юрт.
Ҳар қандай некликни қибла деб билган,
Дуога қўл очган чол эрур бу юрт:

“Бу юртни авайла, руҳинг, болам ҳой,
Келажак олдида токи пок бўлсин.
Ким уни топтаса, бўлсин хокипой,
Ким бошга кўтарса – хокипок бўлсин”.

Шоир шеърларида ёмғир образи кўп учрайди, чунки ёмғирдан сўнг олам мусаффо бўлади – у бутун гарду ғуборларни ювиб кетади. Шунинг учун ҳам шоир дунёни ёмғир босишини тилайди:

Хаёлингни севинч танғир,
Ёмғир ёғар, йўқ поёни...
Ва англайсан: боссин ёмғир,
Ёмғир боссин дунёни.

Тупроққа, тошга атаб шеърлар битади.

Онасидан жудо бўлган Садриддин Салим уни тупроққа қўяр экан, энди кўнгли каъбасини ўз бағрига олган тупроқ ўзига қанчалик севимли ва қадрдон бўлиб қолганлигини ичдан ҳис қилади ва тупроқни нега она деб аташлари сабабини дафъатан идрок этгандай бўлади:

Онамни топширдик тупроққа,
Онамга айланди бу тупроқ.
Муқаддас саналиб, қучоққа
Онадай жойланди бу тупроқ.

Жигаргўшасини тупроққа топширган Усмон Қўчқор ижодида эса бу мавзунинг яна бир ўзига хос бадиий талқинини кўрамиз:

Ота тупроқ деб айтган эдим,
Она тупроқ деган эдим, ҳай.

Ватан тупроқ деб айтган эдим,
Болам тупроқ, деб қандай айтай?

Халқ беҳуда: “Ота-онам деб йиғлангу бола-чақам деб йиғлагулик қилмасин”, – демайди.

Усмон Қўчқор арузни ҳам нозик ҳис қилар эди – яхши ғазаллари бор. Махтумқули йўлида қатор яхши мураббалар яратган. Теран саккизликлар ҳам ёзган эди.

Ижодида китобий шеърлар ҳам оз эмас. “Гўрўғли”ни, “Қиёмат”ни ўқиб шеърлар ёзади. “Ибтидан қолган қўшиқ”, “Чўлпоннинг видо қўшиғи”, “Улуғбекнинг туши”, “Кенжа ботир” каби шеърлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Лекин китобий тасвирлардан ҳаётий хулосалар чиқаради. Навоий, Бобур, Қодирий, Қаҳҳор, Р.Парфи каби қатор шоирларга шеър бағишлаган – бу улар ижодини яхши билганидан далолат беради.

Усмон Қўчқор ўзидан самимий шеърлар қолдириб кетди. У “Маобитдаги муса мактуби”, “Қон юракка қайтар гупуриб”, “Бу дунёдан тайин ўтарим”, “Сенга асраб келдим йигирма уч йил”, “Арафа”, “Карвон... карвон... булут карвони...”, “Мусаввир”, “Тутинган дўст”, “Кунлар кечаверар галма-гал, шодмон”, “Одимлар: ўксинган лоқайд, бешафқат...”, “Урилади қалбга ҳаяжон”, “Интизорлик”, “Ёнгинамда маъюс ўлтириб”, “Ёбонлардан ўтиб борсанг”, “Чол йиқилди оёқдан қолиб”, “Тунда қалбни бор бўйи билан”, “Иқрор”, “Ситораи Моҳи Хоса”, “Шоир”, “Ҳаётнинг сўнгги нуқтаси”, “Самарқанд сафари”, “Триптих”, “Амударё”, “Тошлар” туркуми, “Хон”, “Ички душман”, “Қандай жазо бўлса, унга бердилар”, “Беҳбудий”, “Бухоронинг акссиз садолари”, “Саҳро манзараси”, “Чорлов”, “Халқ оҳангида”, “Сенинг кўзларингга тушди-ю кўзим”, “Авазнинг банди бўлиши”, “Мовий дунёлардан бир насим келур”, “Севги”, “Абдулла Қодирийга”, “Эрк”, “Ёлғон дунё”, “Илоҳий сабоқ”, “Бобур сабоғи”, “Қодирий сабоғи”, “Қаҳҳор сабоғи”, “Ваҳима”, “Тарих – оғир карвон...”, “Тарихим, ҳой олис-олисим менинг”, “Кечикди”, “Лазизжон марсияси”, “Узатилган қиз қўшиғи”, “Дунёни сен рост деб айтдинг”, “Муҳаббатнинг азобин кўрдим”, “Сен турган қирғоққа ёйилди баҳор”, “Умрида рўшнолик кўрмаган одам”, “Тушов узган от”, “Сен – гулсан”, “Инқилоб Бу юртнинг бошига етди”, “Бир куни дарёга қулайди зимдан”, “Кулфат, “Оққан дарё оқмай қолмас”, “Юзим, ишқдан бўлдинг заъфарон”, “Гуноҳкор”, “Сўзлар шарҳ этолмас ҳолимни маним”, “Қайдасан, гулим?”, “Яradор қуш”, “Мусаввир”, “Замин беражакдир баҳорга ҳисоб”, “Менга зуғум қилма бу қаро”, “Жулдур булутлардан музтар бир тунда”, “Сарҳисоб умрга ташларкан назар”, “Ҳар тонгда мен кўксимни йиртиб”, “Ҳаёт ҳақидадир ҳар қандай қўшиқ”, “Агар Будда каби донишманд бўлсанг”, “Ҳисобли дунё”, “Сунбула шикастаси”, “Уммон”, “Бахтлидир бу дунё...” каби ўнлаб пишиқ ва мукаммал шеърлари, “Имом Бухорий” драмаси, “Қувғин” ва “Широқ” достонлари, турли жанрдаги кўплаб таржималари билан ўзбек адабиёти равнақига муносиб ҳисса қўшган кўзга кўринган ижодкор ҳисобланади.

“АЙТИЛМАГАН БИР СЎЗИМ БОР БЎҒЗИМДА...”

Олим ОЛТИНБЕК,
филология фанлари номзоди, доцент

Сўз – Рауф Парфи энг кўп мурожаат қилган сўзлардан бири. Бу, албатта, бадиий Сўз – Адабиёт, хоссатан, шеърият маъносида. Мумтоз шеъриятимизда ҳам сўз баъзан мана шундай маънода ишлатилган. Сўфи Оллоёрнинг қуйидаги байти ҳам сўзга эмас, шеърга берилган таъриф:

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз, [Ушбу “сўз” – куйдириш, ўрташ маъносида***]***

Ани сўз демагил, эй мажлисафрўз.

Рауф Парфи ижодида ҳам сўз мана шундай кенг маънода қўлланилади. У “Шеърият” номли верлибрида: *“Сўзлар керак Бош Ҳарбларда яралганган, Бош ҳарфлардан яралган Сўзлар”*, – дейди. Бу билан шоир адабиётнинг бош вазифасига урғу беради. Бош ҳарфлардан яралган сўзлар, бу – ЭРК, ИНСОН, ИЙМОН, ВАТАН, МИЛЛАТ, ҲАҚИҚАТ... Ва айнан шу тушунчалар йўлидаги кураш – *“Бош Ҳарблар”*дир. Рауф Парфи наздида адабиёт мана шундай катта ҳарфлардан яралган тушунчалар йўлидаги курашларга яраши керак. Агар шундай бўлмаса, бундай “овоз” керак эмас, бундай “келбат” ҳам:

Шундай бўлмаса агар,
Нега керак бу келбат, бу овоз?!
Шунчаки дарахтдай ўсмоқми,
Шунчаки дарёдай оқмоқми
дарбадар?!.

Рауф Парфи ижодга мана шундай масъулият билан ёндашади. Унинг учун адабиёт кўнгилхушлик эмас, шунингдек, ижодкор ҳам шунчаки дарбадар – бемақсад чопадиган “дарё” эмас...

Ҳар қандай бой тил ҳам инсоннинг руҳий олами, ранг-баранг туйғулари ва кечинмаларини ифодалашга ожизлик қилади. Адабиёт ўша номсиз туйғуларни ўз “тили” воситасида акс эттиради. Туйғулари сержило ижодкор ўз ҳолатини ифодалашга муносиб сўз тополмагач, ўзини зимистон тун қўйнида ҳис қилади, унда гўёки *“бўшлиқнинг темир қўллари”* кўксини қисади, ҳасратини тўка олмайди, чунки бунинг учун Сўз керак. Ўша сўз йўқ, ўша сўзлар ухлаб ётибди, тўғрироғи, ухлатиб қўйилган. Асрлар давомида боболарни уйғоқ тутган бу сўзлар донг қотган. Уларни уйғотиш керак. Уйғотиш эса шоирдан юрак қонини сўрайди ва бу Сўзлар юрак қонидан яралади. Рауф Парфи, аслида, ўз дарди бўлган ушбу ҳодисани латиш шоири Улдис Берзиншга кўчириб айтади:

Улдис Берзинш сўзларни қаттиқ севар...
Уйғонмаган сўзларни ҳай-ҳайлар, энди
Сепмак керак уйқули кўзларига юрагининг қонини.

Шоирнинг энг катта салтанати – Сўз. Ундан маҳрумлик – йўқлик. Бу Сўз шундай қудратки, у ўз яратувчисини ўзига бўйсундиради. Сўзга қайсарлик

қилиб бўлмайди, уни енгиб ҳам бўлмайди. Ҳатто ижодкор айтиш лозим бўлган бу Сўзни айтмаслик ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун ҳам Р. Парфи: *“Сўз мени таъқиб қилар, Чирқиратар ўйиб кўксимни, Сен кимнинг божисан, эй Сўз?!”* – дейди. Ташқаридан кирган молга бож тўланади. Шоирнинг қалбига кирган “мол”га тўлайдиган божи унинг Сўзи. У қалбига инган дардни айтиш билан бу “бож”ни тўлайди. Шоир шунга масъул. Бу шоирга Яратганнинг ҳам ҳукми, ҳам имтиёзи. *“Нега шеър ёзасиз? – сўради ошнам. Нега шеър ёзмайсиз? – сўрадим мен ҳам”.* Бошқалар шоирнинг нега шеър ёзишига қанчалар ҳайрон бўлса, шоир бошқаларнинг нега шеър ёзмаганига шунчалар таажжубда. Бу сўзларни Сўзнинг чинакам қудратини ҳис қилган шоиргина айтиши мумкин. Шоир эътиқодига кўра, Сўзнинг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч йўқ: *“Ҳар нега қодирдир соҳир шеърият”*, дейди у бир шеърида. Бундай шеъриятни яратиш учун эса *“Шоир – Эрк ўғлони, номус сарвари”* бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, Рауф Парфи нафақат Сўз, балки унинг яратувчиси ҳақида ҳам бош қотиради. Унинг ижодкор сифатидаги ўзини англашга ҳаракати, шоир ким, шеърият нима, деган саволларга жавоб излаши ижодининг дастлабки йилларидан бошланган. Шоирнинг 1962 йилда ёзилган “Исикава Такубоку хотирасига” шеъри бир қараганда япон шоири хотирасига бағишлангандай. Шу билан биргаликда, бу шеър Р. Парфи адабий-эстетик қарашларини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Келинг, шеър матнига эътиборни қаратайлик:

Ҳасратимнинг
Суюқ тошларидан
Даҳма қурмоқчиман
Ўзимга
Ичида ўз жасадим бўлсин.

Ижодкор *“ҳасратимнинг суюқ тошлари”* деганда ҳасратларини ўзига сингдирган шеърларини назарда тутмоқда. Бу “тошлар” воситасида қурмоқчи бўлган “даҳма”си эса ўзидан кейин қолдиражак ижоди. Шоир ушбу “даҳма”да фақат ўзим бўлишим керак, дейди, яъни бу билан Рауф Парфи ўз олдига ҳеч кимга ўхшамаслик талабини қўймоқда. Яна бир шеърида: *“Она, куйланмаган бир куй истайман”*, деган эди у. Бу шунчаки истак эмас, бу – шоирнинг адабий-эстетик талаби. Йигирма ёш атрофидаги ҳаваскор шоирнинг бундай талаби кишини ҳайратга солади, албатта.

Рауф Парфи ижодидаги қуш образи орқали унинг руҳиятида камол топаётган Шоирликнинг эволюциясини кузатиш мумкин. Шоирнинг 1955 йилда ёзилган илк шеърларидан бири “Қушлар” деб номланади. Лекин ундаги қуш ҳали поэтик образ даражасига кўтарилмаган. Бир йилдан кейин ёзилган яна бир шеър “Тўрғайга” дейилган. *“Мен севаман, сайрагил, тўрғай”*, деб бошланади у. Шоир Тўрғай билан дўст бўлишни, унинг нафис қўшиғига жўровоз бўлишни истайди. Ўзи билан Тўрғай орасида ажиб ўхшашликлар кўради: *“Сенга ўхшаб эркин юраман, Сенга ўхшаб юракларим хуш”*. Шоир уни ўзига банд қилишни хоҳламайди, ўз макони бўлган кўк

юзида эркин, завқли нафас олиб, парвоз этиб юришини тилайди. Лекин лирик қаҳрамоннинг бир илтимоси бор: *“Куйларингдан менга ташлаб кет!”*, дейди. Чунки Тўрғай билан шоир қалбида ҳамоҳанглик ва кайфиятлар муштараклиги бор.

Рауф Парфининг 60-йиллар ижодида эса “қушча” образи пайдо бўлади. Мана, шундай шеърларидан бири:

Бир қушча деразам ёнида,
Ўлтирар паришон ва ғариб.
Йиғлайди, кўзлари ёнади,
Кўзлари иккита марварид.

Бир ажиб навога ўхшайди,
Шоирга ўхшайди у ҳассос.
Мискин соз чалмоққа у шайдир,
Дардига бордир-ку бир асос.

Мен унга қарайман оҳиста,
Мен қушча ҳолига йиғлайман.
Ва лекин билмайман, не истар,
Билмайман, ҳеч қачон билмайман.

Энди тўрғай билан ушбу қушчани қиёслайдиган бўлсак, биринчи фарқ шоир билан улар орасидаги масофада кўринади: тўрғай осмонда, қушча шоир деразаси ёнида. Иккинчи фарқ уларнинг кайфияти билан боғлиқ: тўрғайнинг куйлари шўх, нафис, “юраклари хуш”, шунингдек, у кўк юзида парвоз этиб юрган эркин ва завқли қуш. Қушча-чи? *“Ўлтирар паришон ва ғариб, Йиғлайди, кўзлари ёнади...”* Унинг қалбида бир дард бор. Лирик қаҳрамон қушчанинг дардини билгиси келади, лекин билолмайди, фақат унга ҳамдард бўла олади, унга қўшилиб йиғлайди. Ўша 60-йилларда ёзилган шеърларидан бирида Рауф Парфи қушчани яна тилга олади: *“Бир қушча сайрайди менинг руҳимда, Мен сенинг исмингни билмайман, Қушчам”*. Энди қушча дераза олдида эмас, шоирнинг руҳида сайраяпти. Бу – Рауф Парфи руҳиятидаги Шоирлик эди. Энди Рауф Парфи номли Шахс билан Шоирлик бир вужудда яшаяпти. Лекин шунда ҳам шоир “қушча”ни танимайди: *Мен сенинг исмингни билмайман, Қушчам!* Чунки инсоний ақл билан уни танишнинг, англашнинг иложи йўқ, у ҳис қилинади, холос. Агар шоир ижодидаги қуш образини тадрижий ўргансангиз, ушбу поэтик образ динамикасини кузатасиз. Бу – Рауф Парфи руҳияти замирида томир отган Шоирликнинг ўсиши. Шоирнинг 1994 йилда ёзилган бир шеърида эса: *“Аччиқ чирқиради номаълум бир қуш”,* дейилади. Демак, шунгача ҳам бу қуш “номаълум”лигича қолмоқда. Фарқи, биринчидан, “қушча” энди “қуш”га айланди. Иккинчидан, энди у “йиғламайди”, балки “чирқирайди”, чирқираганда ҳам “аччиқ чирқирайди”. Шоир умрининг охирларида ёзилган бир шеърида эса:

Йўқ, мен қушман, чала сўйилган қушман,
Айтилмаган бир Сўзим бор бўғзимда, –

дейди. Эътибор бераяпсизми, энди шоирнинг ўзи қушга айланиб бўлди, бўлганда ҳам “*чала сўйилган қуш”*га. У чала бўғизланган. Энди *“аччиқ чирқираш”*дан ҳам маҳрум у. Лекин шу ҳолатда ҳам бўғзида айтадиган Сўзи бор. Ана шу Сўз Рауф Парфини умрининг охиригача ёндириб куйлатди. Бу – Ҳақ Сўз эди. Шоирнинг ихтиёри ўзида эмас эди, уни мана шу Сўз бошқарарди. Шунинг учун ҳам Рауф Парфи: *“Сўзламайман дейман. / Сўзлайман. / Сўзларимнинг ортидан эргашаман / Қаро гўргача”,* дейди. Зеро, чинакам Ижодкорни мана шу Сўз бошқаради.

ЛИРИКАДА БАДИИЙ КОММУНИКАЦИЯ ОМИЛЛАРИ

Саъдулла МАТЯКУПОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Мақолада монолог ҳамда диалог уйғунлиги шаклдан мазмун яратган ҳолда услубий ўзига хосликни вужудга келтириши, онг ва дунёқараш эса яхлит воқеликни эстетик баҳолаш мезони сифатида таҳлил қилинади. Шунингдек, ижод фалсафаси ва поэтик мантиқ, бадиий коммуникация шаклланишида ифода ва тасвир масаласи илмий-назарий таҳлил қилинади.

Калит сўзлар. Лирика, диалок, монолог, бадиий коммуникация, ривоя техникаси.

Шеърий идрокда диалог тушунча поэтик моҳиятини очиб берадиган асосий эстетик восита, бадиий коммуникация сўз – ғоя – матнни англаш учун таянч марказ вазифасини ўтайди. Муносабат ҳамда талқин лирик ифода табиатини белгилайди. Унда муаллиф ва қаҳрамон, тасаввур ва таассурот бир-бирига қоришиб келади. Туйғу моддийлашуви, материяни қайта баҳолаш жараёни ҳамда фалсафий мушоҳада яхлитлиги эса масалани янада ойдинлаштиради. Тасвир субъекти ва таҳлил малакаси мувофиқлиги айни мунозарани тавсифлаган ҳолда ҳаёт эстетик даражаси назмда руҳий ҳолат идрокини тўлдиришга хизмат қилади:

Бир ҳикмат ўқийман хазонларда мен:
“Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен” [Орипов А. 4:35].

Шеърда инсон ва табиат, ҳаёт ва идеал ўртасидаги ришта риторик муносабат силсиласида очиб берилади. Аслида тасдиқ-инкор категорияси поэтик мурожаат сатҳини белгилайди: “Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен”. Ҳукм-хулоса кескин бўлиб, реалликка нисбатан залворли. Мантиқий таъкид (бироқ) эса мушоҳада салмоғини оширади. Муаллиф тафсилотда муқояса ҳосил қилади. Ифода табиий ҳамда таъсирчан тасвири фалсафий умумлашма учун восита хизматини бажаради. Лирик қаҳрамон кашф этган ҳаётий ҳикмат

китобхон ғашига тегмайди. Негаки, чин кўнгилдан чиққан дил рози ўқувчини ишонтиради. Ҳеч бир зўриқишсиз яратилган ҳолат чизгиси аниқ, лўнда ва ёркин ҳиссиёт уйғотади. Ҳаёт ҳақиқатидан сабоқ олиш, руҳоний дард қувват-ҳофизасини кўрсатишга интилиш бир томонлама диалог ўзига хослигини таъминлайди. Оҳанг вазминлиги ва мусиқий ритм бадиий нутқ услубини белгилайди. Табиатнинг ҳар бир қиррасидан ҳаётий ҳикмат кашф қилиш, нозик кузатиш ва жонли мушоҳадани бир-бирига пайвандлаш фақат истеъдодли шоир ижодий феноменига хос фазилатни тақдим этади.

“Лирик асарда нутқнинг эмоционаллиги кўпроқ лирик қаҳрамоннинг конкрет пайтдаги (бу турга мансуб асарда бадиий вақтнинг жуда қисқалиги, “ҳозир” билан белгиланишини эътиборга олиш зарур) кайфияти, ҳолати, кечинмалари билан боғлиқ” [Қуронов Д. 9:244] тарзда намоён бўлади. Ушбу ҳолатда, биринчидан, ҳиссий идрок сезгиси субъект ташкилланишини таъминлайди, иккинчидан, тонал ифода аниқлик ва мавҳумлик бир-бирига ўтиб туришига замин ҳозирлайди, учинчидан, бадиий нутқда тасвир миқёси номинатив бирликдан семантик сатҳга кўчади. Оҳанг, маром ҳамда муносабат мантиқий изчиллиги ривоя техникаси структурасини тубдан ўзгартиради. Қабариқлик, тарқоқлик ва тугалланмаганлик унинг специфик хусусиятини белгилайди:

Қизарган лабларинг титради бехос:
– Наҳот бошимизга ёмғир тўкилса?
– Ажабланма, дилдор, бу зўр эҳтирос,
Ажабмас, булут ҳам эриган бўлса [Орипов А. 4:49].

Кўринадики, бадиий нутқда ҳосил бўладиган дифференциация ҳодисаси унинг мустақил ташкилланиш тизими билан боғланади. Миллий тил базасида сўз-ғоя танлови руҳий кечинма тадрижини марказлаштиради. Поэтик лавҳада қўлланилган таянч номинатив бирликлар (қизарган лаблар, ёмғир, булут, зўр эҳтирос) тасаввурни уюштиришга йўл очади. Ўзгарувчан предикация (ёмғир-туйғу, булут-кайфият) тасвир маъноси ҳосил бўлишига замин ҳозирлайди. Ифода имкониятини ихчамлаштиришни диалог зиммасига юклаган муаллиф манзарани яхлитлаштиради. Аслида мулоқот жараёни руҳоний ҳолат давомийлигини англатади. Унда сезим ҳамда мушоҳада ўзаро жипслашади.

“Бизнингча, Абдулла Ориф деган самимий ва бетакрор поэтик ҳодисани у яшаган давр яратмади, билъакс бу феномен чоғдошларнинг руҳий олами, туйғулар тизими ва тафаккур тарзига кардинал таъсир кўрсатиш орқали ўз даврини яратди. Тўғри, шоирнинг шеърлари ижтимоий тузумни ўзгартириб юбормади. Лекин бу яратиқлар одам руҳиятига хос асл жиҳатларни сездириш орқали одамни мафкуранинг сохта қутқуларига берилиб кетишдан сақлаб қолди” [Йўлдошев Қ. 3:656-657] - дея таъкидлайди, мунаққид Қ.Йўлдошев. Шоир бадиий изланишлари шеър ва ўқувчи таранг муносабатига қурилади. Руҳий таҳлил кескинлиги боғловчи ришта, поэтик ифодада мунтазам тасдиқ-инкор-тасдиқ тезиси бир-бирини мантиқан тўлдириб туришга ҳам хизмат қилади:

Дунёдан ўтаркан улуғ бир даҳо,
Худога сўнгги бор қилди илтижо:
– Мендан сўнг номимни бирор зурёдим
Пеш қилиб юрмаса бўлди, Илоҳо! [Орипов А. 4:77].

Абдулла Ориповнинг диалоглашган нутқи теран ўйга толдирадиган, фалсафий тахайюлга қоник сезимлар тақдим этади. Тасвир самимияти, ҳаётий ақида урғуси, содда ва равон ривоя йўсини билан ажралиб турадиган битикларда тафсилотдан ҳукм-хулоса чиқаришга майл сезилади. Инсон ҳаётда ҳамма нарсага ўз кучи, иқтидори билан эришмоғи лозим. Илтижо, истак ва илинж қоришадиган мулоқотда маиший ҳолат, ундан келиб чиқадиган оқибат хусусида сўз боради. Туйғу ҳамда истак ички муносабати бадиий нутқ йиғиқлигини тавсифлайди. Англаймизки, инсон аъмолини унинг амали тайин этади. Ўз-ўзини тафтиш қилиб яшаган даҳо тилаги пок номига доғ туширмасликдан иборат. Матнда ички поэтик руҳ ва ҳикматомуз мантиқ омухталашади. Дидактик қатлам теранлашуви маъно воситасида тўлиқ далолатланади. Бир тарафлама риторик мурожаат замирида реал турмушда учрайдиган иллат қораланади, мавжуд вазиятда “ном” тушунчасини ўз маъносида тушуниш жоиз эмас, конструкт шаън, нуфуз ва амал яхлитлигини таъминлайди. Айни инсонийликни белгилайдиган **учлик** ҳаётда жуда муҳим!

“Санъат асари борки, яратувчи (ёзувчи) билан китобхон (ўқувчи) орасидаги мунозара, баҳс, мулоқот сифатида пайдо бўлади... санъат асарлари табиатида китобхон билан муносабат жиддий ўрин эгаллайди. Қайсики бадиий асарда китобхон масаласига жиддий эътибор берилган бўлса, ўша асар узоқ яшайди. Бошқача айтганда, бадиий асар муаллифи китобхон имкониятлари тўла намоён бўлиши учун руҳий-маънавий маконни кенг, замонни узоқ олган бўлса, ўша асарнинг онтологик таянчи (узоқ яшаш кайфияти) мустаҳкам бўлади. Ижодкор асар яратар экан, шуурий ва ғайришуурий равишда, руҳий-маънавий имкониятларини тўлиқ сафарбар этган ҳолда ҳаракат қилади” [Расулов А. 5:93-94]. Руҳий муносабат мувозанати бадиий нутқ табиатини белгилайди. Нисбатан юксак талабчанлик икки томонда ҳам тўлиқ сақланади. Шоир сўз ёрдамида икки амал: ғояни шакллантириш ва тасвирни чизиш ижросини таъминлашга интилади. Ифода имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда ижодий тасаввурни йиғиш моҳиятан бадиий маҳорат ва ҳаётни эстетик жиҳатдан идроклаш малакаси такомилига бориб туташади:

Учрашди жаҳоннинг икки зўр пири,
Уларни қийнарди дунёнинг сири.
Бири йиғлаб дерди: – Уни тушундим,
– Тушунмадим, - дея йиғларди бири [Орипов А. 4:79].

Одамзод пайдо бўлибдики, “мавжудлик жумбоғи” моҳиятини англашга уринади. Долзарб муаммо азал-азалдан барчани бирдек қизиқтириб келган. Тўртликда тазодий муносабат устувор: “жаҳоннинг икки зўр пири” борлиқ сир-синоатини идроклашга интилади, бироқ “дунёнинг сири” мураккаб ва зиддиятларни кўндаланг қўяди. Тасдиқ ҳамда инкор категорияси бир-бирига

ҳамоҳанг тушунчалар, самимий иқрор тушуниш йўлидаги довонларни бирлаштиради. Табиатан “мавжудлик жумбоғи”ни туйиш инсонга ўзлигини англашга ёрдамлашади. Фалсафа ва мантиқ қоришуви асл маънони яхлит текширишга замин ҳозирлайди. Негаки, унда таҳлил ва талқин малакаси тенглашади.

“Лирикада муаллиф ва қаҳрамон муносабатини қадриявий мезонлар белгилаб беради. Материя ва унинг эстетик қиймати баҳолаш ҳамда баҳоланиш комплексини вужудга келтиради, жорий механизм диалогни онг билан пайвандлайди” [Кристофер К. 6:122]. Бу ҳолат, биринчидан, бадиий нутқ амалий ишланганлик даражасини тафовутлайди, иккинчидан, ривоя техникаси функционал аҳамиятини оширади, учинчидан, муаллиф ва қаҳрамон позициясига ойдинлик киритади, тўртинчидан, моддийлашган тушунча эстетик қийматини баҳолашга замин ҳозирлайди. Номинатив тасвир ҳамда семантик ифода аслида бир-бирини мантиқан тўлдиради. Ижод фалсафаси асосини маъно қирралари танлови ҳамда унга юклатиладиган эстетик қиймат залвори белгилаб беради. Унда тасвир ва ифода диалогик тарзда акс этади.

Сўз санъати реал воқеликни поэтик ўзлаштиришда онг ва дунёқараш нисбатига таянади. Бинобарин, образ ва ифода кесимида қайта тикланган бадиий шартлиликда моҳиятни англаш даражаси таянч марказ вазифасини ўтайди. Аслида “адабиёт фалсафаси Сўз, унинг олд-орт ва қаъридаги кичик ва катта оламлар фалсафасидир. Бадиий адабиёт кўзи билан қаралса, муайян асардаги оддий, туйқус кўзга ташланмайдиган жумла, қаҳрамонга берилган тавсиф катта маъно юки ташиб, худди сеҳргар таёқчасидек бадиий асарга янги қиёфа касб этиши мумкин” [Сувон Мели. 7:9]. Мазкур иқтибосда бир нечта хусусият катта аҳамият касб этади: бадиий адабиёт сўз ёрдамида фалсафа ҳосил қилиб янги воқелик ўлчами ҳодиса эстетик қувват-ҳофизасидан озиқ олади. Шунингдек, маъно ғоя, матн ва мантиқ боғланишини мустаҳкамлайди:

Саҳобалар деди: – Ё Расулуллоҳ,
Бу новда жисмида яширин қай сир?
Расул жавоб қилди: – У энди, валлоҳ,
Гўрнинг азобини енгиллатгайдир [Орипов А. 4:106].

“Шафқат ва иноят ҳиссин” туйган саҳобалар бир қабр қошида тиловат қилиб, яшил новдани қадаб қўйган Муҳаммад Алайҳиссалом амалидан бироз ажабланишади. Ҳаёт нафаси уфуриб турган “яшил новда” аслида тириклик тимсоли! Унда Ҳақ “илоҳий асрори”, “зўр қудрати” зуҳур топади. Муаллиф “ҳаёт ўзи берган” энергия фаолият асосини ташкил этишига урғу беради. Ранг билан боғлиқ (яшил) ифода нисбий мустақилликка интилади. “Гўр азоби” инсон хатти-ҳаракатлари сарҳисобига ишора этади. Тафсилот одамзод ибтидоси ва интиҳосини диний-маърифий сатҳда баҳолашга замин яратади.

“Санъат асарининг бадиий мукаммаллиги, умрбоқийлиги, мафтункорлиги талай адабий-эстетик омилларга боғлиқ. Ўқувчи кўнгилга завқ берадиган, инсон олами, воқелик кўлами, ҳис-туйғулар жуда тиниқ

тасвирланган, айни чоғда, умуминсоний муаммоларни бетакрор услубда, ўзига хос санъат тилида образли талқин этган бадиий асар қандай жанр ёки ижодий методда ёзилганидан қатъи назар энг сара саналади” [Баҳодир Карим. 1:36]. Онг ва дунёқараш силсиласида қайта идрокланадиган туйғу ўзига хослигини айнан истеъдод даражаси белгилайди. Аслида ижод фалсафаси тушунчани ҳиссий туйиш ва оҳангни илғашни муддао қилиб қўяди. Усул хилма-хиллиги ҳамда ахборотни қабул қилиш йўсини тафовути тасвир руҳияти имкониятларини шарҳлайди:

Дунёга яшай деб келади Инсон,
Яшамоқ учун ахтарар имкон.
Сен-ку бу дунёдан тўйган экансан,
Бошқаларни нега қийнайсан, нодон?! [Орипов А. 4:108].

Шоир адабий талқинида дарак гап ва риторик муносабат бир-бирига қоришади. “Инсон” омили ва “имконият” конструкти ахборот залворини яхлит тасаввурга йўналтиради. “Дунёга яшай деб келади Инсон, Яшамоқ учун ахтарар имкон” стилистик баёни замирида парадокс мавжуд. Бир томондан, яхши яшаш истак, иккинчи томондан, истак ва имкон ҳамиша бир-бирига мос келавермайди. “Нодон” истак йўлидаги энг катта тўсиқ, кураш шахс аъмолини белгилайдиган етакчи мезон саналади. Мурожаат кескинлиги воқеликни эстетик баҳолаш таомилларини белгилайди. Унда изчил ривоя устувор ҳамда тасвир, таҳлил ва талқин ўриндошлиги асосий ўринга чиқади: “Бошқаларни нега қийнайсан, нодон” тагматнида А.Орипов ижодий феноменига хос ижтимоий-фалсафий позиция қабариқлиги сезилиб туради.

“Олам манзараси, эркин танлов масъулияти сифатида диалог ва монолог бир-бирига ўтиб туришини таъминлайди. Мунозара табиати икки тушунча муносабатини бирлаштиради. Унда эстетик талқин ахлоқий ўлчам ҳосил қилади. Айнан бадиийлик модуси сўз-ғоя-матн алоқасини ўзгартиради. Билим, тасдиқ ёки инкор аслида бадиий коммуникация қирралари, муносабат тақвими бадиий нутқ спецификасини белгилайди” [Тюпа В. 8:77]. Поэтик нутқ ижод солномасини белгилаш баробарида муаллиф ва бегона овоз динамикасини жипслаштиради. Ички манфаатдорлик ривоя техникаси импульсини тайин этади, унда шарҳ, изоҳ ва таҳлил воқеликни тадқиқ этишга йўналтирилади.

Бадиий муносабатда муаммо ва ғоя, шакл ва мазмун, таҳлил ва талқин тугаллик касб этсагина, матн поэтик қудратга эришади. Тўғрироғи, муаллиф ифода ва тасвирни тенглаштиради ҳамда ҳаётий зиддиятлар фалсафий теранлигини вужудга келтиради. Унда шоир адабий талқини мурожаат-таъкид бирикувига йўл очади. Сўз, маъно ва тушунчани яхлитлиги асносида онг диалоглашади, монологда яхлит маъно, ҳар бир маъно қиррасида гўзал оҳанг, ёрқин ранг ва руҳоний тароват устуворлашади. Айнан тасаввурни тасвирга йўналтириш ва ифодада кўрсатиш моҳиятни анча ойдинлаштиради.

Ақл дейди:

Шеъримдан не наф,
Машқларнигдан лаззат олар ким?

Йўк, дер менга, ўлтирма ўйлаб,
Шеър ёз, дейди нодон юрагим [Воҳидов Э. 2:46].

Эркин Воҳидовнинг “Юрак ва ақл” шеъри контраст белгиларга асосланган. Бир-бирига зид тушунчалар, одатда, тасвирни ёркинлаштиради, моҳиятга аниқлаштиради. Тазод замиридаги муносабат ҳаракат-ҳолат узлуксизлигини таъминлайди: ақл “шеърингдан не наф”, дея иддао этади, “нодон юрак” эса ақлни инкор қилади. Совуққон идрок ҳамиша ақл билан иш юритишни тавсия қилади. Кўнгил амрига эса буйруқ бериб бўлмайди. Шу тариқа ҳаётий зиддиятлар фалсафий теранлигини умумлаштирган шоир баҳс-мунозарани кескинлаштиради. Ушбу сатрларда сўз-ғоя-матн тизими устуворлашади.

Янги давр ўзбек шеърияти такомилида Эркин Воҳидов ижоди салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир адабий талқинида шахс фалсафаси ва жамият тақозоси ғалати тарзда омухталашади. Унда кўнгил рози, руҳ манзараси ижтимоий илдизларини топиш ҳамда таҳлиллашга мойиллик кучли. Ижодкор эстетик идеалида кузатилган янгиланиш шакл ва мазмун, образ ва ғоявий тизимда ислоҳотлар ҳосил қилади. Бадиий тафаккурда ижодий мустақилликка интилиш муаллиф етакчи эстетик таомили. Юксак фалсафий умумлашма устуворлиги, тиғиз ва серқатлам ифода ўзига хослиги ҳамда ҳаётий тафсилотлар бадиий вазифадошлиги ижодий дунё қараш ўзига хослигини тайин этади. Шу маънода, “ҳаётни унинг буюк ҳаракати жараёнларида илғай олиш ва тасвирга тушириш, вақтнинг бир дамлик суратини ўлмас қилиб чизиш, вақтнинг суратига ўз қалбининг расмини қўшиб чизиш, олам, табиат, жамиятда сония сайин рўй бераётган ўзгаришларни илғаб олиш, уларнинг миқёси ва даражасини чуқур англаш ва ниҳоят, англаган нарсаларни шеъриятининг фалсафасига айлантириш учун интилиб келаётгани Эркин Воҳидовни адабиётимизда ижодкор шоир сифатида мустақил ўринга, мустақил мавқега кўтарди” [Ғафуров И. 10:183-184].

Таъкидлаш керакки, шеърий идрокда онг, шу жумладан, бадиий нутқ шакллари воқеликни поэтик тадқиқ этишнинг асосий воситаси саналади. Унда монолог, диалог ва полилог бадиий вазифадошлиги матн поэтик структурасини ҳосил қилади. Ахборот ҳажмини кузатиш ва мушоҳада нисбати асосида баҳолаш муносабат оттенкасини бирламчи ўринга чиқаради. Сўз ва ифода юришлари эса адабий талқин услубини белгилайган ҳолда тушунчалараро ҳамкорлик ғоя тарқоқлигига замин ҳозирлайди.

Ижод амалиётида диалог мушоҳадани ихчам ифодалаш, тасвирда ёркинликка эришиш кафолати бўлиш баробарида оҳанг, идрок ва алоқани жипслаштиради. Унда умумхалқ сўзлашув услубига хос жонлилик ҳамда позитив баҳо ўзига хос тарзда омухталашади. Тафсилот, манзара ва ҳолат аниқликка эришувини таъминлайдиган восита тасаввур бадиий-эстетик қийматини оширади. Мулоқот шакли, поэтик мақсадни услубий вазифадошликка йўналтирган ҳолда муаллиф-матн-китобхон манфаатини бирлаштиради. Шунингдек, таҳлил ва талқинни муайян нуқтага йиғиш,

ахборот узатиш ва ҳиссий қабул қилиш жараёнини тавсифлайди ҳамда маъно ғоявий-мантиқий тараққиётини белгилаб беради.

Таҳлиллардан кузатиладики, лирикада бадиий коммуникацияни белгилаш ижодкор муддаоси ва фикр юритиш малакаси жипслашувига таянади. Муаллиф монолог ҳамда диалогдан фойдаланиш даражаси тасаввурни муайян нуқтага йиғиш, руҳий ҳолат манзараси таҳлилини теранлаштириш ва поэтик жараён имитациясини шакллантириш имконини беради. Ҳолат драматизми устуворлиги шеъриятда нутқ типлари қоришувини тақозолайди, унда тасвир ҳамда ифода муттасил ўрин алмашинуви ривоя техникасини ёрдамчи эстетик воситага айлантиради. Аслида матнда муносабат, мунозара, таҳлил ва талқин ижодий малакаланади. Шунингдек, мураккаб боғлам мувозанатини фалсафа ва мантиқ уйғунлиги таъминлайди.

Диалог бадиий нутқ такомилини белгилайди: бир томондан, тафсилотга аниқлик киритиш, иккинчи томондан, бадиий умумлашма ёркинлигини таъминлаш тушунча зиммасига тушади. Аслида лирик ифода шаклланишида ривоя техникасидан фойдаланиш қалтис усул, негаки, мулоқот шакли бажарадиган вазифа аниқ белгилаб олинмаса, тасвир руҳияти парокандалашади. Айнан ифода мустақиллигини таъминлаш ҳам нутқ шакллари ишланганлик даражасига пайвандланади. Зеро, тафсилот ва ифода нисбати ижодкор услубини белгилайди, унда тасдиқ-инкор-тасдиқ учлиги тавсифдан талқинга, маънодан тасвирга ўтиб туриши қонуният ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2016.

2. Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2016.

3. Йўлдошев Қ. Очқич сўз. – Тошкент: Тафаккур, 2019.

4. Орипов А. Адолат кўзгуси. – Тошкент: Адолат, 2005.

5. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007.

6. Кристофер Кодуэлл. Иллюзия и действительность. – Москва: Прогресс, 1969.

7. Сувон Мели. Сўзу сўз. – Тошкент: Шарқ, 2017.

8. Тюпа В.И. Анализ художественного текста. – Москва: Академия, 2009.

9. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018.

10. Ғафуров И. Юрак – аланга. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

ПОЭТИК НУТҚДА ЛАКОНИЗМ ВОСИТАЧИЛИК РОЛИ
(Шоди Отамурод шеърияти мисолида)

Илҳомбек ҚУРБАНБАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент, ҚҚДУ

Аннотация: Мақолада поэтик нутқда аниқлик, қисқалик ва ёрқинлик ўрни ҳамда услубий вазифадошлиги Шоди Отамурод шеърияти мисолида таҳлилланади. Унда шаклий ихчамлик ва фалсафий мушоҳада ички алоқаси, ифода ҳамда тасвир уйғунлашувида лаконизм ҳодисаси тавсифи, сўз семантик танлови ва эстетик баҳолаш мезонлари муқобиллиги, ҳиссий идрок сезгиси ва мантиқий изчиллик нисбати хусусида сўз юритилади. Аслида тил ижодий имконияти ва стилистик восита субъектив-эмоционал муносабат асносида вужудга келади.

Таянч сўзлар: лаконизм, шаклий ихчамлик, аниқлик, руҳият, бадиий нутқ, мантиқ, фалсафий мушоҳада, ҳиссий идрок ва эстетик баҳолаш мезони.

Шеърда маъно устамаси ва мушоҳада ёрқинлиги муносабати шаклий ихчамлик ёрдамида амалга ошади, сиқиқ ифода поэтик мантиқ янгиланиши учун восита вазифасини бажаради. Тасвир руҳияти аслида образ тақвимига ёндош ҳодиса, ритм ривоя техникаси лаконизмини белгилайди. Ваҳоланки, “лаконизм – («Лакония» - қадим Юнонистон вилояти номи) хилма-хил ҳодиса, ҳолат, кечинма, фикр ва нарсаларни ёрқин, шу билан бирга энг қисқа тавсифлаб берувчи сўзлар ва иборалар” [Салаев Ф., Қурбониёзов Г. 4:106] экан, мушоҳадани лўнда ҳамда эмоционал таъсирчан ифодалаш асосий мезон даражасига кўтарилиши аёнлашади. Шаклий ихчамлик фалсафий теранлик ва мантиқий изчилликни уюштиради, тасаввур аниқлиги ва ёрқинлигини тайин этади. аштиради. Шоир поэтик маҳоратини белгилайдиган стилистик восита айнан ташбеҳ қўллаш иқтидорига боғланади, жорий ҳолатда тушунча идроки бадиийликнинг муҳим шарти сифатида услуб ҳамда вазифада даражаланади:

Олмасанг гар
Ол рангидан,
Олдингдан мен
Қайтмасман [Шоди Отамурод. 5:13].

Вокал ҳамда консанант аллитерация бирикуви (унли ва ундош товуш уйғунлиги: ол) асосига қурилган шеърда муаллиф мушоҳадани сиқиқ-ёрқин жилвалантириш мақсадида шакл товланишларидан самарали фойдаланади. Матнда “ўн учта сўз бор. Олтита «ол» сўзи ва «ол» ўзаги ўйинидан шеър ясалган” [Баҳодир Карим. 3:96]. Фонетик-стилистик усул сифат ва феъл (ол-қизил, ол-ҳаракат) такроридан ихчам тафсилот ҳосил қилади: Олис оқшом, Юрагимни, Олиб келдим, Олдингга. Поэтик муқояса (юрагимнинг ол ранги) тасаввурни ислоҳ этади, инчунун, “олис оқшом” ошиқ ва маъшуқа орасида кечадиган ҳижрон изтиробини қуюқлаштиради. Оҳори тўкилмаган кайфият чизгиси ифода ва маъно тақчиллигини вужудга келтиради, сўз қисқаруви жараёни тасвир руҳияти – қуюқ образлилик шаклланишига имконият беради.

“Бадиий сўз кўрсатади ва англатади, ўйлатади ва ҳис қўзғайди, ўзгартади, тарбиялайди ва курашади, аммо унинг бу фазилатлари шеъриятда алоҳида куч-қувват касб этади. Шеърий нутқ – характер – кечинма, поэтик лексика, интонация, ритм ва мусиқийлик компонентларидан иборат [Адабиёт назарияси. 2:405] экан, маъно бадиий яхлитликни аниқловчи категория экани аёнлашади. Тасвир ҳамда ифода уйғунлиги аслида поэтик нутқ эмоционал-экспрессив моҳиятини далолатлайди, тафаккур йиғиқлиги эстетик қийматини белгилайди. Ғоя ва бадиий умумлашма ҳиссий идрок таъсирчанлигини тайин этади. Сўз қувват-ҳофизасини туйиш ривоя техникаси асосини таъминлайди:

Дунё кетиб борар,
Дунё айланар
Мени тақдирларга қўйганча элтиб,
Кўксим йиртиғини яширган сайин
Тақдирлар кўксимнибормоқда йиртиб [Шоди Отамурод. 5:40]

.“Дунё” шеъри поэтик структураси уч банддан иборат. Фалсафий ўй-хаёлни ижод руҳиятига ўгирган шоир тушунча ва тасаввурни муқобил тарзда ривожлантиради: “Кўз ёшларни тунларга бериш”, “ҳар кун тонгларга қараб отилаётган юрак” ва “кўнгил йиртиғи” – муқоясалар тасаввурда мантиқан қайта тикланган фалсафани шарҳлайди. Ихчам шаклга катта маъно сиғимини юклаган муаллиф ифодани мустақиллаштиради, “тақдирлар” ички поэтик руҳ сийратига берилган чизгиларни тавсифлайди. Тафаккурда мантиқ зўриқиши ўқувчини бироз қийнаб қўяди,бироқ мураккаблик даражаси илдизи “нотаниш ёзувга тўлишди манглай” – одамзод аҳволи-руҳияси чигаллигига туташади.

Бадиий нутқда лаконизм ҳодисаси матн таъсирчанлигини белгилайдиган асосий омил, ихчам, сиқиқ ва лўнда тасвир йўсини ифодани теранлаштириш амалини бажаради. Поэтик маҳорат билан боғлиқ тушунча моҳияти “турли даврлар қўйган талаблар, халқнинг эстетик диди, қарашлари такомили, миллий адабиётдаги услуб ва анъаналар ривожи билан алоқадордир. Ҳар бир шоир тилигина эмас, ҳар бир давр поэзияси тили ҳам ўзига хос белгиларга эга. Бу хислат муайян шоир ё муайян давр поэзиясининг ғоявий-тематик йўналиши, ўсгич тенденциялари, метод, жанрлардан фойдаланиши ва услуб соҳасидаги индивидуал томонлари билан алоқадор ҳолда туғилади [Адабиёт назарияси. 2:404-405]. Иқтибосдан англашиладики, бадиий нутқ миллий тил амалий ишланмасида ифодани қайта шакллантиради, жорий ҳолатда ғоявий-тематик диапазон, метод, жанр ва услуб эстетик таянч марказ вазифасини ўтайди. Образ лаконизми тасвир қувват-ҳофизасини тўлдиришга йўғрилади:

Хайр, баҳорларим,
Хайр, кузларим,
Аросатда қолган мен битта фасл.
Бешта бармоғимнинг бирини кесдим,
Тўрт устун дунёга мен тушгач асир [Шоди Отамурод. 5:33].

“Айрилиқ боғи” шеъри шоир услубий изланишларида алоҳида ўрин тутади. “Синган қадаҳдайин юраги ярим” лирик қаҳрамон ҳижрон дардида қийналади, “билдим, сафингиздан менга ўрин йўқ” иқрори изтиробни янада қуюқлаштиради. Ўн банддан иборат муаззам битик достон руҳиятини ифода этади, унда модал сўз (хайр) китобхонни шафқатсиз ҳукм-хулосага (энди ҳижронлар бор, энди йўқ васл) етаклайди. Матнда ҳиссий идрок мақоми

устувор, тил сатҳида кузатиладиган тафаккур ислоҳоти шоир услубини индивидуаллаштиради, бадиий бўёқдорлик мантиқий боғламни кучайтиради.

Умуман, Шоди Отамурод шеъриятида лаконизм руҳий ҳолат, лирик кечинма тавсифи ёрқинлигини таъминлайди, мушоҳадани ихчам, сиқиқ ва лўнда ифодалаш шакли ҳам сўз, ҳам матн таъсирчанлиги ва тезкорлигини жилвалантиради. Шоир поэтик маҳорати адабий тафаккур асносида мажоз тилини тақдим этишида қабариб кўринади, жорий ҳолатда бадиий мантиқ теранлашади, ҳаётни эстетик баҳолаш мезонлари ўзгаради. Маъно қатимида услубий тафовутланадиган нутқ типида ўзига хослик устувор, унда таҳлил ва талқин рақобатга киришади, унда тасвир ва ифода бир-бирига ўтиб туради, унда сўз ва ғоя муқобиллиги ижод мантиқий тараққиётини белгилаб беради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

2. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1978.

3. Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2016.

4. Салаев Ф., Қурбониёзов. Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

5. Шоди Отамурод. Соғинч ранглари. – Тошкент: Адиб, 2014.

6. www.ziyo.com.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

Обиджон КАРИМОВ,
НамДУ доценти, ф.ф.н.
Акрамжон ҲАМДАМОВ,
ҚарДУ доценти, ф.ф.н.

Аннотация: Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов услуби ва унинг ўзига хос жиҳатлари мазкур мақолада атрофлича ўрганилган. Бу борада шоир ишлатган метафоралар, уларнинг халқоналиги, содда ва самимийлиги, айниқса, халқ оғзаки ижодининг – фольклорнинг таъсири сезиларли экани мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Фикрларни исботлаш мақсадида шоирнинг энг сара асарлари танлаб олинган.

Калит сўзлар: Абдулла Орипов услуби, жонли тил, метафора, фольклор, миллий руҳ, бадиий ғоя, фантастика, маънавий қадриятлар, экология, бадиий тафаккур, жонлантириш, мақол, матал, рамз.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” [А. Орипов. 1:302] асари халқ оғзаки ижодидан таъсирланиш омилига ёрқин мисол бўла олади. Абдулла Орипов услубининг ўзига хос белгиларидан бири ҳам халқ жонли тилига яқинликдир. Жонли тилга яқин дегани эса халқ турмуши билан яқин дегани бўлади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ишонч эътиқодларини чуқур билиш шоир қўллаган метафораларнинг халқона бўлишини таъминлайди, уларга соддалик, гўзаллик ва самимият бахш этади. Шу билан бирга шоир ижодида фольклорнинг – халқ оғзаки ижодининг таъсири ҳам сезиларли даражада кучли эканини пайқаш мумкин. Миллий руҳда битилган мазкур шеърда оламдаги барча тирик мавжудотларга меҳр худди қуёш нуридек зарур деган фикр илгари сурилади. Шеърдаги шоир фантазияси халқ эртакларида акс этган хаёлотнинг учқурлигига, чексизлигига ўхшаш. Бадиий ғоя илмий фантастикага яқин бўлса-да, унда халқона поэтик тафаккур уйғун. Унда соддалик ва аниқлик мавжуд.

Адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров асар ҳақида шундай ёзади: “*Меҳр-оқибат, адолат, инсоф, виждоний поклик, маънавий гўзалликни улуғлаш ва уларга монелик қилувчи ҳар бир ҳодисага қарши бешафқат курашиш Абдулла Орипов шеърларидаги юксак маънодаги гуманизмнинг ҳужайраларидир. Бу масалага шоир изчил реалистик услуб асосига қурилган шеърларидагина эмас, фантастика элементларидан унумли фойдаланган асарларида ҳам мурожаат этади.* “*Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси" ана шундай асарлардан биридир*” [Назаров Б. 2:121].

Қиссанинг бош ғоявий мақсади – меҳр-оқибатни улуғлаш. Шоир асар ботинидаги бадиий муаммони сарлавҳага олиб чиққан. “Самовий меҳмон” ўрганилиши лозим бўлган текшириш объекти. Асосий тадқиқотчилар – беш донишманд. Донишмандларнинг йўл қўйган хатоларини кўрсатиб берувчи “оппонент” – фаррош кампир. Сарлавҳанинг мазмунидан ҳам маълум бўляптики, “меҳр-оқибат”ни ҳимоя қилиш мақсадида шоир ҳатто донишмандларни ҳам аяб ўтирмайди. Шеърий қуйидагича бошланади:

Хабар келди Фан шаҳрига
Олис Жунгли томондан.
Ўтган кеча алланарса
Ёниб тушмиш осмондан. [Орипов А. 1:302]

Бу хабар тезда илм аҳлига етказилади; воқеани ўз жойида ўрганиш учун нуфузли комиссия тузилади: “Жўнатдилар Жунгли томон топиб бешта вакилни. Бешови ҳам тенгсиз олим, Беш қитъадан бўлмиш жам. Дунёдаги барча илм шул бешовда мужассам. Дунёдаги тилларни-ку Беш бармоқдай билишар. Керак бўлса қушлар билан хандон суҳбат қуришар. Хуллас, бешов йиғилишиб Жунгли томон елдилар. Ҳатто фаррош кампирни ҳам Бирга олиб келдилар” [Орипов А. 1:302]. Беш донишманд самовий меҳмонни ўрганишга киришади. Олимларнинг иш услуби қанчалик мукаммал бўлмасин, лекин

меҳмон билан мулоқотга кириша олмайдилар. “Иш чиқмади, демак бизни тушунмади у тараф!” – деб, текширишни тўхтатадилар. “Ўша пайт, денг фаррош кампир Кириб келди тентираб. – Вой бечора болагинам, Дард забтига опти-ку! Ҳолдан тойиб, бошқа кўзи Юмилиб ҳам қопти-ку! Рангини кўр, сомон дейсан, Сувданмикан ё ўтдан!”

“Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” асари давримизнинг долзарб масалаларидан бири – инсон меҳр туйғусини асраб-авайлаш мавзуига бағишланган. Зеро, маънавий қадриятлар ҳам табиат экологияси мисоли йўқолиб боряпти. Тўғри, илмий-техника инқилоби давлат қудратини оширишда чексиз имкониятлар яратди. Шу билан бирга, замондошларимиз маънавий дунёсининг маълум даражада қашшоқлашишига олиб келди. Бу ҳолат барча ижодкорлар каби Абдулла Ориповни ҳам ташвишга солади. Шу маънода инсон маънавий-ахлоқий маданиятининг муҳим белгиси бўлган меҳр туйғусини эъзозлашга бағишланган шеърий қисса шоирнинг сара асарларидан биридир. “*Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунлик бузилганда, буни олдин қушлар билан шоирлар англаб етадилар*,-деб ёзади адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров. - *Булоқ қуриса, олдин шоирлар изтиробга тушади, у бошқа булоқлар ҳам қуришига бефарқ қараб туролмайди. Табиатда мувозанат бузилган чоғда у тинимсиз сигналлар бера бошлайди. Абдулланинг шеърлари мана шунинг қаршисида ғафлатда қолмасликка бир чақириқ каби туюлади*” [Ғафуров И. 3:221].Биз таҳлил этаётган “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси” ана шундай маънавий экологиянинг ҳимоясига чақириқ сифатида жаранглайди. Шеърий қиссани қисқача “Фаррош кампир” деб атаса ҳам бўлар экан. Негаки, фаррош кампир асарнинг марказий қаҳрамони саналади. Образ ҳар томонлама мукаммал яратилган. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи санъаткорона маҳорат билан гавдалантирилган.

Абдулла Орипов ижодида меҳр-оқибат тушунчаси унинг ижодидаги етакчи мавзулар сирасига киради. Улар ҳақидаги кечинмаларини китобхонга етказмоқ учун шоир халқ оғзаки ижоди намуналаридан ташналик билан зўр илҳом олади. Шоирнинг мақсади ривоятларни шеърий тизимга солиш эмас асло. Асл мақсад эл орасида тобора сийраклашиб бораётган меҳр-оқибатни сақлаб қолишга даъват, эзгу интилишдир. Ана шу бадиий-эстетик қимматига кўра “Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қисса”ни сўз санъатининг нодир намуналари қаторида санаш мумкин.

Бошдан-оёқ чуқур донишмандларга хос мазмун ва шаклан халқ оғзаки мотивлари билан суғорилган асарлардан яна бири “Шарқ ҳикояси” (1980) шеъридир. Унда айтилишича, жуда камбағал ота-ўғил узоқ йўлга отланишади.

Қуриб кетсин йўқчилик ҳам
Ким неларга зор эди.
Икковининг ўртасида
Битта эшак бор эди [Орипов А. 1:304].

Ота-бола узоқ тортишувдан кейин эшакни навбат билан минишга келишиб олади. Биринчи бўлиб эшакка ота минади. Бир қишлоқдан ўтаётганда, тўрт-беш одам орқаларидан пиқирлашиб кулишиб қолади:

– Аҳмоқ экан манави чол,
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.
Ўзи улов миниб олган,
Ўғли эса пиёда (Ўша жойда).

Уялиб кетган ота шартта эшакдан тушиб, ўғлини миндириб қўяди. Яна бир қишлоқдан ўтаётганда, ортларидан тўрт-беш одам пиқирлашиб кулишади. Боланинг орияти қўзғаб, шартта эшакдан тушиб, пиёда кета бошлайди. Бир қишлоқдан ўтаётганда, орқаларидан яна кулишиб қолишади, унга чидай олмаган ота-бола жанжаллашиб қолади. Шу билан "Шарқ ҳикояси"даги асосий воқеий мазмун тугайди, шоир шеър хотимасига яна бир банд қўшишни лозим топади, бу аслида, бадиий-эстетик хулоса ҳисобланади.

"Шарқ ҳикояси"да халқона руҳ асарнинг фақат ифодавий услубида эмас, балки воқеаларнинг халқ оғзаки ижодига хос тадрижий ривожида ҳам яққол кўринади, шеърнинг асосий пафоси қайсар ўғилнинг ота насиҳатларига беписанд қараганлиги, оқибатда улар ўртасидаги "*қондошликнинг миллион йиллик ришталари узилганлиги*" ҳақидаги ғоя шоир эътирофида янада тўлароқ намоён бўлади. Зероки, меҳр-мурувват ва эзгуликни улуғлаш адабиётимизнинг азалий мавзуси.

Шоир Абдулла Ориповнинг шеърларини таҳлил қилишда давом этарканмиз, кўплаб халқ мақоллари ва ибораларини учратамиз. Шоир ана шу халқ тафаккури дурдоналарини тайёр ҳолатда асарга киритиш, шу тариқа асарини бадиий безаш йўлидан бормайди. Аксинча, шеър мазмунини янги ижтимоий-ахлоқий ғоялар билан бойитади. Ўзбек халқининг юксак одоб-ахлоқи ва маданиятини кўрсатадиган мақол ва маталлари жуда кўп. Халқнинг кўнглига кўзгу бўлган бундай ҳикматлар шеърда ибратли чуқур маъно касб этади; унинг эстетик таъсир кучини оширади. Шоир халқ ибораларини, мақол ва маталларини шундай ўринли қўллайдики, китобхон бу ҳикматлар халқникими ёки шоирнинг ўзи тўқиганми, пайқамай қолади. Бу ҳол халқ қалбига яқин шоирнинг шеърлари моҳиятидаги халқона поэтик тафаккурни янада ёркинроқ намоён этади. Абдулла Ориповнинг халқ руҳини, унинг фикрлаш тарзи ва ижодкорлигининг асосий жиҳатларини пухта ўзлаштириб олганлигига дилдан ишонч ҳосил қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 1-том, 2001 йил, 302-бет.
2. Назаров Б. Севинч-дардим – бари Ватаним. Абдулла Орипов билан суҳбат. Бу ҳақда қаранг: Абдулла Орипов. Адолат кўзгуси. Т., 2005. 120-121-бетлар.
3. Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.221.

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ИЖОДИЙ ФЕНОМЕНИ

Тозагул МАТЁҚУБОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг энг мураккаб даври: 20-60-йилларда яшаб ижод қилган академик шоир Ғафур Ғуломни инсон ва ижодкор сифатида теранроқ тушуниш учун унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон кечинмалари шоирнинг онг ости туйғулари билан боғлаб тадқиқ этилган. Ғ.Ғулом лирик мероси замон руҳи ва етакчи тенденциялари, лирик қаҳрамони ижодкор ғоявий-эстетик идеали, бадиий маҳорати каби турли ракурслардан кузатилган.

Калит сўзлар. Лирик қаҳрамон, шеърият, бадиий ифода, ижодкор, онг ости, ижодий принцип, туйғу, ўзликни англаш, мотивация.

Лирик шеърият “субъектив поэзия” [Белинский В.1:134] бўлиш баробарида, шахсий кечинма ва қарашлардан ташқари, муайян шоир яшаган замон руҳи ва етакчи тенденцияларини ҳам ифода этади. Шеърнинг лирик қаҳрамони ижодкор ғоявий-эстетик идеали ва бадиий маҳорати билан узвий боғлиқдир.

Ғ.Ғулом “замон жарчиси”га айланиши шоирнинг ўз “мен”ини “омма” сифатида тушуниш дастури билан изоҳланади. Шоир учун шеърият ҳамиша ҳам руҳ неъмати эмас, балки аксарият ҳолларда ташвиқот воситасидир. Шубҳасиз, у инсон эрки ва камолини улуғлайди. Бироқ шоир тасаввуридаги инсон ёки халқ кенг маънода олиб қаралса, жаҳон пролетариати – социалистик лагер вакили, унинг амалидир.

Ғ.Ғулом ижодий принципларида умрининг ҳар онини давр мазмунига ҳамнафас қилиш, яъни: “Замоннинг мазмунини ишқий вазнга солмак” тамойили етакчилик қилган [Ғ.Ғулом. 7:288]. Шунинг учун шоир лирик меросининг ўз даврида қайноқ ва оташин бўлиб туюлган, аммо бугунги кунда замонасозлик туфайли яратилгани аён кўринувчи каттагина қисми вақт синовларига бардош беролмади.

Шубҳасиз, Ғ.Ғулом ноёб ақл, кучли лирик ҳиссиёт соҳиби сифатида ҳаётий ва маънавий-руҳий тажрибаси орқали ўз амалий фаолияти қандай оқибатларга олиб келишини қалбан туйиб, уларни бошқариш қобилиятига эга эди. Шунга қарамасдан, шоир ўз ҳаётининг ҳар бир босқичида ижтимоий-тарихий жараёнларни индивидуал талқин қилиш асносида даврга мослаша борди. Бу ижтимоий адаптация унинг ҳаёт ва ижод йўли учун фаол йўналиш танлаши ҳамда оптимал яшовчанлигини таъминлади. Аммо шоир ёши олтмишга етганида ўз-ўзини тафтиш қиларкан: “Кўпинча ҳақ ёздим, баъзида оздим”, дея иқрор бўлади. Бунинг табиий, оилавий-генетик ва ижтимоий-сиёсий сабабларини изоҳлашга шоирнинг ўзи калит беради:

Соч, соқол оқарди, мункайиш, тишлар...

Билунур баъзида яширин дард изи. [Ғ.Ғулом. 7: 314].

Кўринадики, эрта қариш табиий асослар туфайлигина содир бўлмаган. Чунки “яширин дард” шоир қалбига солган чандиқ излари бундан аниқ гувоҳлик беради.

Ғ.Ғулом таъкидлаган “яширин дард”лар ҳақидаги ошкора иқрор бизга унинг онг ости фикрлари онг сферасига кўчган ҳолат – субъектив борлиғидан хабар беради. Бу субъектив реалликда шоир онг остининг барча иерархик даражалари: сезги, идрок, тасаввур, тушунча, ҳукм, хулоса, гипотеза, концепция мужассам. Бизнингча, ушбу унсурларнинг барчаси муҳим ҳиссий-рационал информация ташиган ва шоир эстетик идеалини қувватлантирган.

Ғ.Ғулом ўз-ўзини кузатиб борган ва фаолиятининг мотивациясини англаган. Бироқ, шоир шуурини ташқи омилларга боғлиқ ихтиёрсизлик ва тафаккурининг давр билан шартлангани тизгинлаб турган. Аммо, донишманд шоир “вульгар материализм”нинг инсонга ерда кечган жараёнлар ҳосиласи (планетар ҳодиса) сифатида қарашдек чекланган жиҳатларига эргашмади. Инсон зотини коинот эволюциясининг табиий маҳсули – космик ҳодиса деб билди. Тафаккур ривожини Қуёш тизимида миллион йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ажратиб қарамади.

“Инсоннинг қатра қони менга оламча мазмун, Фақат ўзинг буюксан Қуёш системасида” каби мисраларда ҳам шоир инсоният тарихини Қуёш тизими билан боғлаб талқин қилади. У нафақат ер юзида балки бутун сайёралар ичра инсондан улуғроқ, буюкроқ зот йўқлигини поэтик жилолантиради. Мазкур ўринда “инсоннинг қатра қони”, “оламча мазмун” каби ифода воситалари орқали инсон табиати, ҳаёти, руҳияти сир-синоатга тўла эканлигига ишоралар қилади. Инсоннинг буюклигини улуғлаш баробарида яшашнинг, тирикликнинг у учун берилган буюк неъмат эканлиги поэтик талқин этилади, шеъриятга ҳаётбахш руҳ олиб кирилади.

Натижада, Ғ.Ғулом иродаси, ички кечинмаларини ошкор этишга тўсиқ бўлиб келган барча омилларни бартараф этолган:

Баъзида кутилмаган бир даҳшатдан сўнг
Тўсатдан келади умрнинг кузи [Ғ.Ғулом. 7: 314].

Эътибор жиҳати шундаки, шоир лирик қаҳрамони кутилмаган даҳшатлар ҳақида бемалол сўзлаётир. Холбуки, Ғ.Ғулом яшаган замонда ҳукмрон мафкура туғдирган қўрқув, хавф ва ваҳима ҳаддан ошиши ҳақида ошкора муҳокама юритиб бўлмас эди. Аёнки, бу ўринда табиий офатлар келтирувчи даҳшат назарда тутилмаган. Бизнингча, шоирнинг юраги эҳтимол тутилган машъум бир даҳшат ваҳмидан титраган:

Баъзан фарзанд доғи, қўрқув ва алам
Қалбингга чўкирар оғир изтироб. [Ғ.Ғулом. Ғ.Ғулом. 7: 314].

Одатда, чидаш имконсиз бўлган кезлардаги аянчли ҳолат инсон кўнглида юқоридаги каби азоб-изтироб ҳиссини туғдиради. Ўша руҳий кайфият-ҳолат ғоятда мудҳиш ижтимоий воқеа-ҳодиса таъсирида туғилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Унда фарзанд доғидан ташқари, миллий адолат топталган, золимнинг зулми қаршисида иложсиз қолган қўрқув ва

аламзадаликдан ўртанган кўнгилнинг ўтли туғёни акс этган. Зотан, шеърда узоқ йиллар давомида кўнглида ҳасратлар тўпланиб, бутун борлиғи абгор бўлган инсоннинг гиряси ўз ифодасини топган:

Қаттол урушлар ҳам очлик фалокат
Қилолур вужудинг хонасин хароб. [Ғ.Ғулом. 7: 314].

Назаримизда, юқоридаги мисралар шўро тузуми устидан чиқарилган кучли айбномадир. Чунки унда Ғ.Ғулом ўз ҳаёти давомида бошидан ўтказган, бевосита гувоҳи бўлган: XX асрнинг 20-30-йиллардаги очлик ва оммавий қатағон, иккинчи жаҳон уруши фожиалари, муттасил давом қилган синфий кураш ҳамда адабий сиёсат оқибатлари, умуман ўтган асрнинг 20-60-йилларида содир этилган барча ижтимоий-ғоявий фожиалар кўламдор тарзда қаламга олган.

Муҳими, Ғ.Ғулом англанган ҳодисаларга ҳиссий муносабат билдирган ва миллий манфаатлар асосида баҳолаган. Бу ҳол шоир ҳаётий тажрибаси давомида шу каби ҳақиқатларни қалбан тасдиқлаб, фикран ривожлантириб борганини кўрсатади. Тўғри, у ҳамиша ҳам ижтимоий таъсирларга қарши ҳиссий реакция билдира олмаган. Кексалик йилларига келиб шоирда ўз-ўзига ҳисоб бериш ва ўтган умрини тафтиш қилиш туйғуси кучайган. Объектив реаллик шоир субъектив дунёсида қайта ишланган. Чунки инсон онги нафақат воқелик объектларига, балки ўз-ўзига муносабатни, ўзликни англашни ҳам қамраб олади. Умуман, шоир умри вафо қилган ва салоҳияти тўла намоён бўлиши учун ўз даври имкон берган даражада ижод қилган.

Адабиётшунос Д.Қуронов тўғри таъкидлаганидек, “Оний кечинмани тасвирловчи лириканинг бадиий вақти ҳамиша – “ҳозир”: у айни ҳозир кўнгилда кечаётган ҳис-туйғуларни тасвирлайди, шеър қачон ёзилганидан қатъий назар, шеърхон уни ҳозир кўнгилда кечаётган туйғу каби қабул қилади” [Қуронов Д. 4:153]. Бу фикрлар бевосита Ғ.Ғулом шеъриятига ҳам тааллуқлидир.

Она юрт тупроғи бежиз отадай муқаддас, она каби мўътабар саналмайди. У олис момою боболаримиз хоки туроби ётган азиз маскан. Бугунги насл ҳам шу қадрдон тупроқнинг миллиарддан бир зарраси. Ушбу фикр тасдиғи Ғ.Ғуломнинг “Кулол ва заргар” номли шеърида яққол намоён бўлади. Шеър кулол оиласида туғилиб Халқ шоири даражасига эришган Мирмуҳсин Мирсаидовга аталган. Ғ.Ғулом ота – кулолнинг баланд эътиқодига таҳсин ўқийди. Чунки у бир чангал жўн лой – бир бурда Ватандан умр бўйи кўз узмай, унга зийнат ато этган, оддийлиги билан улуғворлик касб этолган меҳнаткаш инсон. Улуғ шоир Хайём сопол пиёла ва синиқ кўзада инсон жисми узвларини кўрган эди. Ғ.Ғулом эса, ҳар тепалик остида олис мозий асрори яширин эканига диққат қаратади:

Бу тепа қаеру бу қайси қўрғон,
Бу ерда ким яшаб, ким обод қилган.
Халқи кимлар эди ва қандай замон
Қай умид ўртаган, не ижод қилган? [Ғ.Ғулом. 7: 296].

Тажҳилу ориф санъати асосида яратилган ушбу байтларда шоир олис мозий бағрида мужассам сир-асрорларга тўхталиб ўтиш билан бирга халқнинг ободончилик ишлари, қалбидаги умид учқунларига ҳам ишоралар қилиб ўтади. Шеър лирик қаҳрамони қалбидаги она-Ватанга муҳаббат, халқига эҳтиром туғулари ўзига хос тарзда тараннум этилган.

Шоирнинг соҳир қалами миллий замин тарихи, халқ тақдирига ҳамнафас ва унинг истиқболини куйлашга сафарбар эди:

Менга қизим совға қилди бежирим авторучка,
Бу қаламда ўз халқимнинг бахтин ёзаман фақат. [Ғ.Ғулом. 7: 298].

Академик Б. Назаров таъкидлаганидек, Ғафур Ғулом шеърлари қатига "...реалликдан ташқари, орзу ва идеал ҳам сингишиб кетган" [Назаров Б. 3:55]. Шеърнинг лирик қаҳрамони, аввало, халқ орзу-истаклари, ниятларини теран англовчи ва унга ўзини дарддош, қисматдош деб билувчи кишидир. Унинг ер юзини кўркам ва бутун инсонларга она ҳолида кўришни, эркин инсон юзида нур, ҳар бир хонадонда бахт-иқбол кулишини исташи умуминсоният орзусига ҳамоҳанглиги билан қимматлидир.

Ғ.Ғулом халқ бахтини компартия иттифоқдош республикаларда ўтказган умумсиёсатдан буткул ажратиши имконсиз эди. Шунга қарамасдан, унинг қалби ботинида эл озод, юрт фаровон, ватан тинч бўладиган ҳур замонлар орзуси чарх урган. Шоир ўз фикрини таманниъ усулида, яъни орзу-истак изҳори сифатида ифода этган. Ушбу усул орқали лирик қаҳрамоннинг инсон ҳақ-ҳуқуқи ҳақидаги ўй-кечинма ва ҳис-туйғулари ботинига ўз халқи ҳолининг баёнини яширишга эришган.

Ёнбағир мисоли Урганч гилами,
Муттасил қизғалдоқ, муттасил лола.
Тепалар ботирлар базмидан сўнгра
Тўнкариб қўйилган гулгун пиёла [Ғ.Ғулом. 7: 303].

Ғ.Ғулом юқоридаги фикрни очиқ ифодалай олмагани боис, мажозлар орқали фикр юритган. Шунинг учун, мулоқот контекстига "ботирлар базми" ва тўнкариб қўйилган "гулгун пиёла" бирикмаларини олиб кириб, тепаликлар бағрида эзгу умидларининг рўёби йўлида лола ранг қони тўкилган эрк курашчилари хоки ётганини "коса тагида нимкоса" шаклида акс эттирган. Шоирнинг ҳар бир кўкламдаги муттасилликни таъкидлаб кўрсатишидан англашиладики, унинг ботинига яширинган сифатлашда эъзозланаётган ботирлар руҳи олдидаги эҳтиром лирик қаҳрамон учун мутлақо ўткинчи кайфият эмас.

Ғ.Ғулом XX аср 50-йилларнинг иккинчи ярмида санъат ва адабиёт нафақат халқлар ўртасидаги муҳим коммуникация воситаси, балки: "киши руҳининг олий ифодаси", яъни кўнгил иши эканинини ҳам баралла айтишга имкон топган.

Шоир:

Мен ўзбек шоириман –
Ўз халқимнинг тилиман;

Қалбим буюрганини
Ёзиб келдим ҳамиша. [Ғ.Ғулом. 6: 40].

дея мўъжаз иқрорнома битганди. Бунда Ғ.Ғулом адолат тантанаси йўлида қалби амрига зид бормагани, ўз халқи дилидаги озодлик соғинчини ифода этувчи шоир эканидан мамнуният туйган.

Сир эмаски, Ғ.Ғулом инсон тоқати замирида бир куни гувиллаб отилажак вулқон қудрати яширинлигини улуғвор патетик оҳангларда куйлаган. Бу ҳол шоир эстетик позициясининг бир қирраси – иллюзия ҳосил қилувчи зоҳирий қатлами. Дарҳақиқат, Ғ.Ғулом шеърияти аксарият ҳолларда икки "қаватли". Шоир лирик меросидаги зоҳирий қатлам орқали замонга, тузумга садоқат ифодаланади. Шу боис, кўтаринки пафос бирданига замондошимизга "юқмайди". Аммо, инсоният зулм ва зўрлик, қуллик ва ҳақорат занжирларидан халос бўлишига некбин ишонч билан қараган Ғ.Ғулом одам боласининг тафаккур кучи, идроки узлуксиз зулматда ўртанишга тоқат қилолмаслигини теран билган. Инсоният тарихида ақл-идрок ҳар қандай истибдод қуюни, зулм тўфони, жаҳонгирлик шамширидан устун бўлиб келганидан тегишли хулосалар чиқара олганидан кўз юмиб бўлмайди [Матёқубова Т. 2: 87].

Шоирнинг қуйидаги мисраларида жаҳон воқелиги асосида шахсийлашган кечинмалар миллий адабий-эстетик хотирага таянган ҳолда поэтик идрок этилган:

Бузғун, оч-етимлик, хароб хонумон
Чўлоқ чумолилар уяси, уруш... [Ғ.Ғулом. 7: 240].

Шеър лирик қаҳрамони ижтимоий-психологик кайфият-ҳолати мантиқий изоҳи муаллиф шахсий ҳаёти, кузатиш-тажрибалари, руҳиятидан келиб чиқади. Шеърда шоир поэтик тафаккури оламгирлик мақсадидаги уруш ва истилолар замирида бузғунчилик, етим-есирларни зор қақшатиш, одамлар хонумонини хароб қилишдек улкан мантиқсизлик мавжудлигини англагани – "чўлоқ чумолилар", яъни қўл-оёғи эмас, балки ақли ноқис – тафаккури оқсовчи кимсаларни инкор этганини кўрсатади. Ғ.Ғулом ўзлигини англаб, моддий дунёдан ҳақ ва ҳақиқат излаган муаззам Шарқнинг Хитой, Вьетнам, Корея; жаҳоннинг Руминия, Болгария, Чехословакия, Польша сингари кўплаб мамлакатларида эркка талпиниш истагидаги инсонларга ўзини ҳамдам, ҳамнафас сезади.

Кўринадики, шоир қалби дунёнинг қайси буржида экани, ҳатто миллату ирқидан қатъий назар, неча асрлардан бери зулм ва зулмат исканжасида дили ҳасратга тўлган бутун жаҳонни сиғдира олган. Чунки шоир умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган ҳамда Қуёшни ҳам ўз ичига олган икки юз миллиарддан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси – Галактика миқёсида фикрлайди. Шундай экан, шоир тафаккур оламини ўз даври ва муҳити билангина чегаралаш Ғ.Ғуломни ИНСОН ва ИЖОДКОР сифатида феноменал тушунишдан йироқлашишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Танланган асарлар. Ўздавнашр. – Т., 1955. – Б.347
2. Матёқубова Т. Ғафур Ғулом бадиияти. – Т.: Фан ва технология, 2006. – Б.160
3. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Т.: Фан, 2004. – Б.240
4. Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр., 2010. – Б. 397
5. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Т.: Фан, 1983 – Б. 326
6. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. – Т.: Фан, 1984. – Б. 430
7. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3. – Т.: Фан, 1984. – Б. 427

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА ПОЭТИК РЕАЛИЯЛАРНИНГ ГЕРМЕНЕВТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Мусо Тожибоев
ЧДПУ доценти

Аннотация. Мақолада фраземаларнинг бадиий матн доирасида бадиий асар ва бадиий таржима муваффақиятини таъминловчи лингвопоэтик имкониятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Фразеологик бирлик, турғун ибора, лексикология, персонажлар нутқи, лингвомамлакатшунослик, реалия, жаргон, герменевтика, миллий колорит.

Фразеологик бирлик (ФБ)лар тилшуносликда фразеологизм, фразеологик ёки турғун ибора, фразеологик бирикма ва ибора каби бир нечта номлар билан аталади.

Илгари тилшуносликда фразеология қатлами лексикологиянинг кичик бир бўлими саналиб келинарди. Кейинги йилларда унинг устида олиб борилган кўплаб илмий изланишлар ва улардаги турли янгилик жиҳатлари фразеология филологиянинг алоҳида бир қисми сифатида қаралишига олиб келди. Чунки унинг тилда миқдори жиҳатидан ҳам, маънодорлиги жиҳатидан ҳам жуда кенг эканлиги эътиборга моликдир.

Ҳар бир тилда эркин мулоқотда бўлиш ва шу тилда ишлатиладиган ҳамма нозик маъноларни тушуниш учун шу тилнинг фразеологик луғати билан яқиндан таниш бўлиш керак. Бирор бир тилнинг ёки ўша тилда гаплашувчи халқнинг тил бойлиги – унинг бўёқдор, сержило лексикасининг, фразеология қатламининг бойлиги билан ҳам ўлчанади.

Фразеологиянинг яна бир асосий томони, бу фразеологик бирикмаларнинг бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз эркин таржима қилинмаслигидир, чунки фразелогизмларнинг маъноси бирикма орасида иштирок этувчи сўзларнинг бирламчи маъносига боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам бадиий таржимада француз тили фразеологизмларини ўзбек тилига таржима қилиш масаласи мураккаб масалалардан саналади. Масалан, бирор асар мазмунини бойитишда, персонажлар нутқининг образли ва индивидуал бўлишини таъминлашда фразеологизмлардан фойдаланилади. Уларни ўзбек тилига ўгириш алоҳида лингвистик тайёргарликни талаб қилади.

Кўпинча таржимада фразеологизмларнинг маъноси берилади. Аммо таржимада асосий муаммо бир тилдаги фразеологизмларни бошқа тилга ўгиришда таржима қилинаётган тилда ҳам фразеологизмлар орқали таржима қилиш, яъни таржима қилинаётган тилда муқобил вариантларини топа олиш таржимондан билим, қунт ва маҳорат талаб қилади. Шундай экан, фразеологизмлар тилда бир неча юз йиллардан буён мавжуд бўлиб, кўпгина иборалар оғиздан-оғизга кўчиб, ҳар бир миллий тилнинг равнақи учун муҳим аҳамият касб этади.

Француз ва ўзбек тилларидаги фразеологик иборалар ўзларининг турғунлик даражаси, семантик бирлиги ва тузилиши билан фарқланади. Аввало биз француз тилида мавжуд бўлган фразеологик ибораларни, уларнинг характерли хусусиятларини чуқур ўрганган швейцариялик тилшунос Шарль Баллининг фикрига тўхталиб ўтамиз. У ҳамма сўз бирикмаларини уларнинг ўзаро қўшилиш даражасига кўра икки катта гуруҳга, яъни эркин сўз гуруҳлари ва турғун сўз гуруҳларига ажратади.

Аслият матнида ёзувчилар ўз асарларини жонли, ҳаққоний ва қизиқарли тарзда ифода этишда фразеологик бирликлардан жуда сермаҳсул фойдаланишади. Шу ўринда, биз буюк француз ёзувчиси О.де Бальзакнинг “Евгения Гранде” ва “Горио ота” романларида қўлланилган фразеологик бирликларни таржимада берилиши хусусида фикр юритамиз.

– Voilà madame qui se remue; elle va faire son sabbat: faut que j’y aille. Vous veillerez au lait, Christophe, rapport au chat. (*Balzac. Le père Goriot, p. 48*).

– Никаких, хозяйка завозилась, поднимет сейчас гам, надо идти. Кристоф, постереги-ка молоко от кошки. (*Бальзак. Отец Горио, стр. 262*)

– Бека уйғонди шекилли? Ҳозир уйни бошига кўтаради, мен борай. Кристоф қараб тур сутга мушук тегиб кетмасин. (*Бальзак.Горио ота, стр.41*)

Мазкур мисолда *faire* феъли *son sabbat* сўзи билан қўшилиб ФБ ҳосил қиляпти. Бу бирикманинг *Шовқин-сурон солмоқ, ғалаён кўтармоқ* деган маънолари ҳам бор, лекин айнан *уйни бошига кўтармоқ* деб таржима қилиниши турғунликни таъминлаб берган.

Таржимашунослик ва лингвомамлакатшунослик соҳаларида асосий лисоний лексик бирликлардан бири реалиялар ҳисобланади. Тиллар орасидаги тафовут одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатлар, миллий анъаналарнинг бошқа халқлар турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли уларнинг номлари ҳам

бошқа халқлар тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланар экан, халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар, шубҳасиз, бадиий, тарихий ёдгорликларнинг миллий бўёғини ва уларнинг ўзига хослигини ифодалайди. Айнан шу ҳодиса бадиий асарни тўлақонли тушуниш масаласида муҳим факт ҳисобланади.

Маълум бир миллат менталитети ёҳуд миллийлигини ўзида акс эттирадиган ҳамда муайян даврга хос бўлган моддий-маънавий манбаларни ифода этувчи сўз ёки сўз бирикмалари поэтикада реалия деб аталади. [6:438] Ҳар бир миллатга хос бўлган бундай реалияларнинг ифодаси бадиий асар таржимасида тўлақонли акс этишидаги катта бир тўсқинлик – бу фақат ўша миллатга хос бўлган колоритни ифодаловчи жиҳатдир.

Ҳар битта яратилган асар – бу миллатнинг кўзгуси. Чунки ушбу асарда айнан шу миллат менталитети, маънавий турмуш тарзи, урф-одат ва миллий анъаналари, тарихи, дини, адабиёти, санъати, географик жой номлари ва шу каби барча миллий хослик, бир сўз билан айтганда – миллий колорит билан суғорилган бўлади.

Бадиий адабиётнинг асосий материали сўз экан, демак, бадиий таржимада ҳам фақат лисоний ашёлар – сўзлар билан боғлиқ колорит ўрганилмоғи керак. [7:98] Ғ. Саломовнинг ушбу фикри таржимонлар олдига янада улкан маъсулиятни қўяди. Энди таржимон аслият асари тегишли бўлган миллатни ҳар томонлама ўрганмоғи керак бўлади.

Реалия-сўзларни таржима қилиш таржимашуносликнинг энг муаммоли, шу билан бирга сермаҳсул соҳаларидан бири ҳисобланади. Хос сўзлар, яъни реалиялар таржимасида энг аввало уларнинг муайян матнларда ифодаланиб келаётган ахборот жиҳати ва услубий вазифаларни аниқлаш, кейин эса таржима тилида уларга мос шу тил меъёрига хос лисоний воситаларни танлашга тўғри келади. Реалиялар таржимаси оддий лексик бирликлардан тубдан фарқ қилади, уларни таржима қилишда транслитерация ва транскрипция усулидан фойдаланиб, уларнинг этимологияси ва изоҳлари лингвомамлакатшунослик нуқтаи назаридан талқин қилинади. Реалияларни таржима қилаётган матнда қўллаш бир томондан, асл нусхани қўлланилишига, бошқа томондан эса матн мазмунини очиб беришда таржимон қандай воситалардан фойдаланаётганлигига боғлиқдир. [5:80]

Машҳур француз реалист ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг билвосита рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган «Горио ота» ҳамда “Евгения Гранде” романларидаги баъзи бир миллий колоритдаги сўзларнинг таржимада берилиши хусусида фикр юритамиз.

Франция жанубидаги чекка қишлоқларнинг биридан келиб, эндигина киборлар даврасига қадам қўяётган, келгуси буржуа жамиятининг вакили Эжен Растиньяк бир куни қариндоши виконтесса де Босеан хонимникига балга боради. Шу балда у ғоятда латофатли ва малоҳатли графиня Анастази де Ресто билан танишади. Эртаси куниёқ у гўзал хоним билан учрашув белгилайди. Ниҳоят, Растиньяк ғоятда башанг кийиниб, ширин хаёллар оғушида графиня ҳузурига йўл олади. Эжен кийимларига чанг юқтирмаслик

учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан юриб бормасин, барибир кийимлари чанг бўлади. У шими билан этигини тозаларкан, шундай дейди:

— Si j'étais riche, se dit-il en changeant une pièce de cent sous qu'il avait prise *en cas de malheur,* je serais allé en voiture, j'aurais pu penser à mon aise.

(*Balzac. Le père Goriot, p. 63*)

— «Будь я богат, — размышлял Ежен, разменивал монету в сто су, взятую *на крайний случай,* — ехал бы я себе в карете и мог бы думать на свободе». (*Бальзак. Отец Горио, стр. 51*)

— Бой бўлганимда, — дерди ўзига ўзи, ҳар эҳтимолга қарши чўнтагига солиб олган юз сўмлик пулини майдалатаркан, — каретада юриб, бамайлихотир хаёл сурган бўлардим. (*Бальзак. Горио ота, стр. 56-57*)

Аслиятдаги *sous* сўзининг маънолари французча-ўзбекча луғат (ФЎЛ)да **sou –** 1. *су* (беш сантимга тенг бўлган пул бирлиги); 2. **~s** (кўплик) – *пул, ақча* каби берилган. [10:537] *Une pièce de cent sous* иборасини рус таржимони Е.Корша *монету в сто су* тарзда ўгириб оригинал маънони сақлаган. Ўзбекча матнида эса С.Муҳаммаджонов *юз сўмлик пул* деб таржима қилган. Сўм – бу ўзбек миллий пул бирлиги. Бу жойда аслиятдаги **sous** реалияси ўз миллийлик хусусиятини йўқотган, натижада асар мазмуни анча тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Бу ўринда таржимон транслитерация ёки транскрипция усулидан фойдаланиб, *юз су пулини* тарзида таржима қилганида аслият матнига яқинроқ маъно касб этган бўларди. Таржимон томонидан маҳаллий колоритга бу каби путур етиши аслият асарини сунъий равишда ўз миллийлик хусусиятини, қолаверса, қадри ва дурдоналигини (албатта дурдона асаргина бошқа тилларга таржима қилинади.МТ.) йўқотишга сабаб бўлади.

Кўриниб турганидек, аслиятдаги ***Requiem*** реалиясини рус таржимони В.Верховский реквиемлигича қолдирган, қолаверса, бу сўз рус халқига ёт ҳам эмас. Requiem – реквием, яъни католиклар черковида ўқиладиган мотам ибодати (ФЎЛ). Хўш, мутаржим Даврон томонидан амалга оширилган таржимада бу реалияни **жаноза** деб олиш тўғри бўладими? Қайсидир маънода тўғри ҳам дейлик, лекин христиан динида жаноза ўқиладими? Христианлар риквием ибодатини амалга оширишади. Лекин реквиемни жаноза билан алмаштириб бўлмайди, нега деганда, улар бошқа-бошқа динларга хос сўзлар ҳисобланади. Жаноза – фақат ислом дини (мусулмонлар)гагина хос реалия. Ҳар бир миллатда фақат шу халқнинг урф-одатлари билан боғлиқ турли реалиялар мавжудки, бу каби предметлар номларини бошқа тилда эквивалентар таржимада бериб бўлмайди [9:259], деган назарияга асосланиб, бу ўринда таржимон транскрипция ва транслитерация усулига ёндашиб, *Реквием ўқилгандан кейин...* деб таржима қилиб, *реквием* сўзининг изоҳи ихтибосда келтирилганда адекват таржимага даъво қилиши мумкин эди.

Яна бир мисол:

– Ah! ah! Vous avez fait fête à votre neveu...(*Eugenie Grandet, p. 78*).

– Эге! Вы устроили праздник племяннику...(*Евгения Гранде, стр.125*).

– Эҳе! – Жиянимиз келганига ҳайит қилиб юборибсиз-ку! (*Евгения Гранде, 81*)

Бу гапдаги *fête* сўзини реалия дейиш аслида хато, чунки бу сўз барча тилларда мавжуд; рус тилида – *праздник*, ўзбек тилида – *байрам, базм* деб таржима қилинади. Лекин асарни жиддий кузатишлар билан таҳлил қилганимизда шу нарса аниқ бўлдики, юқоридаги мисоллар *fête – праздник – ҳайит* деб таржима қилинган. Ҳайит сўзи ҳам мусулмонлар оламига хос, бундан ташқари, асар француз миллатига тегишли ва бу гап жаноб Гранде тилидан янграяпти. Шунинг учун *ҳайит қилиб юборибсиз* компонентини *байрам қилиб юборибсиз* тарзида ўгирилса тўғрироқ бўларди.

Келтирилган мисолларимизнинг ўзидаёқ диний реалияларни ўзбек тилида беришнинг маълум тамойиллари йўқлигидан дарак бериб турибди. Диний реалиялар таржимаси борасида Р.Ширинованинг шундай фикрлари бор: Таржимонларнинг аслият тилида сўзлашадиган халқ амал қилувчи диний таълимот ва унинг тарихини яхши билмасликлари, католик черков тузилиши ҳамда христиан диний маросимлари ва кундалик амалиётидан етарли хабардор эмасликлари билан изоҳланади. Натижада, бу муаммоларни ҳар бир таржимон ўз таржима принципларидан келиб чиқиб, ўзича ҳал қилади. Диний реалиялар борасидаги бу хилма-хиллик таржиманинг сифатига таъсир қилиб қолмай, ўқувчида у ёки бу халқнинг эътиқодий одат ва маросимлари хусусида нотўғри тасаввур уйғотади, уни чалғитади. Бу ҳол диний реалиялар таржимаси билан боғлик хилма-хилликка чек қўйиб, бу борада муайян меъёрларни белгилаб олишни тақозо қилади [11:14].

Асар таржимасида бу каби камчилик билан бир қаторда унинг ютуқлари ҳам талайгина. Булардан бири, О.де Бальзак асарларида тез-тез учрайдиган **bonhomme** сўзига тўхталсак.

Cette clémence insolite, cette amère gaieté, frappèrent madame Grandet, qui regarda son mari fort attentivement. Le bonhomme… (*Eugenie Grandet, p.* 92)

Это необычное милосердие, эта желчная веселость поразили г-жу Гранде, и она пристально посмотрела на мужа. Добряк…(*Евг. Гранде,137*).

Бу ғайри оддий раҳмдилликдан, бу истеҳзодан Гранде хоним ҳайрон қолди, шунинг учун ҳам эрига тикилиб қарай бошлади. Чоли тушмагур...

(*Евгения Гранде, 98*)

Ёзувчи бу сўзни ўзи ҳам жуда яхши кўрса керакки, уни асарларининг деярли ҳар саҳифасида қўллайди. “Евгения Гранде”да жаноб Грандега, “Горио ота”да Горио ота, Эжен Растиньякларга нисбатан ишлатилиб келинган “**bonhomme**” сўзига Бальзакнинг ўзи асар ичида шундай изоҳ бериб ўтади: “Францияниng Турень, Анжу, Пуату ва Бретан шаҳарларида кишининг бағри тошлиги ёки кўнгли юмшоқлигидан қатъи назар, маълум ёшга етгач, у шу сўз билан таъбирланаверади, лекин бу сўз унинг ҳеч қандай шахсий хусусиятларини ифодаламайди” [Евгения Гранде, 92]. Бизнинг таржимонларимиз бу атамани шундай моҳирлик билан, топқирлик билан “**тушмагур**” дея талқин қилдиларки, бу билан сўзнинг моҳиятини тўла очиб бера олган. Қолаверса, биз ўзбекларда ҳам *йигити тушмагур, боласи*

тушмагур деган иборалар мавжуд. Бу сўз аслиятдаги *bonhomme* сўзига тўлақонли муқобил бўла олади.

Юқорида кўриб ўтилган қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир миллатга хос бўлган бундай реалияларни таржима қилиш таржимонга анча мушкуллик туғдиради. Таржимон миллий колоритдаги сўзларни таржимада беришдан аввал таржимани ўқиган китобхоннинг маълумотларни қабул қилиш даражаси ва тасаввур ҳосил қилиш эффекти аслиятни ўқиганда унда пайдо бўладиган таржиманинг аслиятга қай даражада яқинлигини ақл тарозисига тортиб кўриши керак. Агар реалияни таржима тилидаги бирон-бир сўзга алмаштирганда аслиятдаги тасаввурни бермаса ёки умуман акс маънони англатса, муаллиф мақсадидан келиб чиқиб, бу сўз ёки иборани транскрипция ва транслитерация усулида таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бадиий асарни, хусусан ундаги реалиялар ва образли фразеологик бирикмаларни таржима қилишда таржимон оригинал текстга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиши лозим. Чунки фразеологик бирикмалар нотўғри таржима қилиниши ва реалияларнинг таржимада бузиб берилиши асар тилини нурсизлантириши билан бирга, ундаги бадиий қийматга ҳам путур етказади. Хусусан, бадиий асардаги миллий колоритдан уни маҳрум қилиб қўяди.

Француз тили жаргон қатламини ўзбек тилига таржима қилиш муаммоли иш. Бу ерда аслиятнинг стиликтик хоссасини йўқотиш бор нарса. Умуман, суҳбатлашув ёки нутқнинг китобий қатламидан олинган ФБдан фарқли ўлароқ икки тил жаргон фразеологизмлари бир-бирига камдан-кам ҳолларда мос келади. Биргина сўз ёки ибора бизга инсон шахсиятини, унинг турмуш тарзини ва гоҳо касбини тушуниш имконини беради. Шу нуқтаи назардан вульгаризмлар жаргон сўз ва ибораларидан экспрессиврокдир.

Реалиялар масаласи – бадиий таржима назарияси ва амалиётида энг қийин ва энг кам ишлатиладиган муаммодир. Реалиялар халқнинг бутун кундалик ҳаёти хусусиятларини, унинг ўтмиши ва ҳозирини акс эттиради ва бир миллатни бошқасидан фарқ қилувчи хусусиятларини англашга имкон берадиган алоҳида аломат ҳисобланади. Бинорин, таржимада миллий колоритдаги сўзларни қайта гавдалантириш аслият миллий ўзига хослигининг бутун ранг-баранглигини адекват ифодалашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Фил.ф.док...дис.: 10.02.02. Ўзб.ФА Тилшунослик институти, Т., 1991, Б. 270.

2. Бадалов Ф.А. Фразеологик бирликларнинг семантик хусусиятларини ўрганишдаги баъзи-бир мулоҳазалар. Халқаро симпозиум материаллари. Термиз. 2004. Б. 44.

3. Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. Тошкент: 1993, Б. 4.

4. Имяминова Ш.С. Адекват таржимага эришиш тамойиллари. // Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2011. Б. 81.

5. Имяминова Ш.С. Адекват таржимага эришиш тамойиллари. // Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2011. Б. 81.

6. С.Влахов, С.Флорин. Непереводимое в переводе. Мастериство перевода. М.: 1970, С. 438.

7. Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1983. Б.98

8. .Имяминова Ш.С. Адекват таржимага эришиш тамойиллари // Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах: 2011, Б. 80.

9. Одилова Г.К. Таржимада инсон қиёфаси, феъл-атвори, миллий колоритдаги сўзларни узатиш муаммоси// Бадиий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах: 2011, Б. 259.

10. Французча-ўзбекча луғат / тузувчилар: Х.Ибрагимов, А.Мамадалиев, У.Мансуров ва бошқ. Т.: 2008. Б. 537

11. Ширинова Р.Ҳ. Диний реалияларни бадиий раржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 2002. Б. 14.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ, МАҚОЛ ВА РУҲИЙ КЕЧИНМА

Йўлдош РАҲМАТОВ,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори иниститути катта илмий ходими

Аннотация. Мақолада халқ қўшиқлари ва мақолларнинг ўзаро муносабати ҳақида сўз боради. Мақолларнинг халқ қўшиқларига таъсири, уларнинг бадиий тимсоллар яратишдаги ўрни мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади. Мақолларнинг қўшиқлар таркибида ўзгариши ва лирик тизимга мослашиши илмий асосланади.

Калит сўзлар: мақол, қўшиқ, руҳий кечинма, оғзаки ижод, образли тафаккур, мотив, поэтик образ, анъанавий рамзлар, ритм, халқ тафаккури.

Халқ оғзаки ижодининг катта қисмини халқ қўшиқлари эгаллайди. Чунки халқ туйғуларининг ҳам, қарашларининг ҳам, эътиқодининг ҳам ифода ибтидоси шеърий йўлда вужудга келган. Кўнгил изҳори ҳамиша эҳтирос ва туйғулар жунбушидан юзага келиб, бу изҳор одатда қўшиқ бўлиб туғилади. Бу борада фольклоршунос Ш.Турдимов шундай дейди: “Қўшиқ сўз ва куйдан ташкил топади. Қўшиқ куйланади, унинг куйланиш жараёни алоҳида ҳодиса. Куйга солиб айтилган сўз аввало кўнгилга, сўнг ақлга боради” [Турдимов Ш. 8:4.]. Халқ қўшиқлари ҳақида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” дарслигида шундай таъриф берилади: “Қўшиқ” атамаси туркий “қўшмоқ” феълининг ўзагидан ясалган бўлиб, мисрага мисрани қўшиб куйлаш, айтиш маъноларини англатади ва бу атама икки маънода қўлланади. Кенг маънода у оғзаки лирика турини англатиб ва бу маъно, яъни шеърият, қасида, қўшиқ маънолари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарида ҳам қайд этилган [Маҳмуд Кошғарий. 6:252.]. Тор маънода қўшиқ атамаси оғзаки лирик тургa мансуб мустақил жанрни англатади. Қўшиқнинг мустақил жанр атамаси эса асарда ифодаланган мазмунга, қўшиқнинг ижро ўрни, тарзи ва функциясига қараб турли сифатловчилар билан биргаликда номланади” [Имомов К. 4:142.]. Бинобарин, қўшиқ меҳнат жараёнида меҳнат қилаётган кишилар томонидан куйланса ва мазмуни бевосита меҳнат билан боғлиқ бўлса, бу турдаги қўшиқлар меҳнат қўшиқлари деб аталади. Мабодо қўшиқда ишқ-муҳаббат мотиви устун бўлиб, ёр васф этилса, лирик қўшиқлар саналади. Худди шундай қўшиқ мазмунига қараб маросим қўшиқлари, бешик қўшиқлари, тарихий қўшиқлар каби турларга бўлинади. Зеро, “Реал воқеликни шахснинг кечинмалари орқали акс эттирувчи, севги ва вафо, ҳижрон ва соғинч, алам ва ўкинч, кишилар қалбидаги ўтли дард туфайли вужудга келган, фақат куйлаш учун яратилган мустақил тўртликлар лирик қўшиқ дейилади” [Имомов К. 4:156.].

Айтиш мумкинки, лирик қўшиқлар ўзининг бадиий қиймати билан халқ оғзаки ижодининг мустақил жанрлари сирасига киради. Унинг оғзаки

ижоддаги бошқа лирик жанрларидан фарқли хусусияти шундаки, лирик қўшиқларда киши қалбида пайдо бўлган ҳис-туйғулар муайян образ ва предметлар тасвири орқали воқеланади. Шу сабаб лирик қўшиқларда халқ оммасининг инжа ҳис-туйғулари, кечинма ва орзулари бутун гўзаллиги ҳамда табиийлиги билан бўй кўрсатади. Демак, лирик қўшиқларнинг асосини дардли мазмун, доно фикр ва бетакрор мусиқийлик ташкил этади. Бу учала ажралмас бирлик лирик қўшиқларнинг ўзига хослигини таъминлайди. Бу ҳақда рус олими Н.Добролюбов шундай дейди: “Ҳақиқий юксак поэзия ана шу уч асос – гўзаллик, эзгулик ва оқилоналикнинг тўла мужассамлашувидан таркиб топади” [Добролюбов Н. 2:8.]. Лирик қўшиқлардаги оқилоналикнинг таъминловчи воситалардан бири эса халқ мақоллари саналади. Кўп ҳолларда лирик қўшиқ таркибида мақоллар ҳаётий тажриба хулосаси сифатида лирик қаҳрамон кечинмасига мувофиқлашиб келади. Жумладан,

Сув келадур гулдур-гулдур,
Севгоним қизил гулдур.
Сени биздин айиргонлар,
Сўнгоксиз қип-қизил тилдур [Турдимов Ш. 9:34.].

Қўшиқда турли гап-сўз сабабли ёридан айрилган ошиқ изтироби акс эттирилган бўлиб, бу қўшиқ учун халқнинг “Қизил тил суяксиз бўлар”, “Тил суяксиз бўлар” мақоллари асос бўлган дейиш мумкин. Анъанавий рамзларга бой бу қўшиқда ошиқнинг чин севгисига етолмагани, ёмонлар қилмиши туфайли ёридан айрилгани ҳақида сўз юритилган. Қўшиқдаги “сув”, “қизил гул”, “сўнгаксиз тил” рамз саналади. Сув поклик ва тинчлик, ҳосилдорлик рамзи бўлиб бу ҳақда А.Мусақулов шундай дейди: “Сув поэтик образи қўшиқлардаги энг фаол табиат ҳодисасидир. Унинг табиатда айланиб юриши архаик дунёқарашдаги жоннинг кўчиб юриш ғоясига ҳам жуда мос келади... у дунёнинг асл, илк ҳолатига қайтиши, оламнинг покланиши рамзидир” [Мусақулов А. 7:188.]. Ёки, “Милоддан аввалги VII асрга оид Хитой трактатларидан биридаги таъриф сув ҳақидаги қадимги тасаввурларни бирмунча умумлаштиради: “Сув – ернинг қони ва ҳаётий қувват манбаи, у юмшоқ ва тоза, инсон кирларини ювади – бу сувнинг одамийлиги. Идиш тўлса, ортиқча сув сиғмайди – бу адолат, қаноат. Сув доим ҳаракатда, фақат текисликда тўхтайди – бу ҳалоллик. Одамлар кўтарилишга интилса, сув пастга шошилади – бу камтарлик”[Евсюков В. 3:25.]. Қуръони Каримда эса сув ерни тирилтирувчи илоҳий туҳфа, барча жонзотнинг илк асоси ҳисобланади. Хусусан, “Анбиё” сураси 30-оятида Аллоҳ шундай дейди: “...сувдан барча жонли мавжудодни (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми - билмадиларми?!” [Қуръон. 5:464.]. Навоийшунос олим И.Ҳаққулов Алишер Навоийнинг бир ғазалини таҳлил қилиб: “Сув бир “кўзгу”дирким, унда қуёш жамол кўрсатади. Бу қуёш – ҳусн шоҳи, яъни Оллоҳдур” [Ҳаққул И. 10:105.]. Кўринадики барча манбаларда сув илоҳий неъмат ва беқиёс софлик рамзи сифатида талқин этилади. Мазкур қўшиқда ҳам рамзлар анъанавий маъноларида қўлланган бўлиб, ошиқ ўз севгисини сувдек мусаффо ва жўшқин эканлигини, машуқаси қизил гул каби гўзал ва пок эканлиги

тараннум этган. А.Мусақуловнинг таъкидлашича: “Қўшиқларда гул образи қўлланиш даражасига кўра сувдан кейинги иккинчи ўринда туради. У жуда кўп бадиий-эстетик вазифаларни бажариб, қалб кечинмалари, инсон ҳолати, муносабатларини ифодалашга хизмат қилади. Қизил гул – балоғат ёшидаги қиз, гўзаллик рамзи” [Мусақулов А. 7:210.]. Қўшиқда рақиб образи қизил тил бўлиб, қўшиқ хулосасида мақол орқали моҳият ойдинлашади. Яъни тил суяксиз у эҳтиёт қилинмаса, барча балоларга сабаб бўлади. У бўҳтонга ҳам, туҳматга ҳам, ғийбатга ҳам қодир бўлиб, икки севишганни ҳам айиргандир.

Мақоллар асрлар давомида халқ тафаккури, нутқида яшаб келаётгани боис уларнинг таъсир кучи ва кўлами ниҳоятда кучли бўлади. Шунинг учун лирик жанрларда: кўшиқ, алла, лапар, ёр-ёрларда ҳам ўрни билан мақолларга кўп мурожаат этилган. Буни таъкидлаб фольклоршунос олима М.Алавия шундай ёзади: “Халқ минг йиллар давомида сўзнинг таъсирий кучини синагани учун, ҳар бир масалага мослаб мақол қўллайди ёки бир тўртлик шеърни мисол келтиради. Бу ҳол шахсий суҳбатлардагина эмас, ҳатто мажлисдаги нотиқнинг нутқида ёзилган асарда ҳам анъанага айланиб кетган” [Алавия М. 1:26.]. Тўғри, ижтимоий турмушнинг барча соҳаси мақол ва қўшиқларда ўз аксини топади. Шунинг учун бу жанрлар бир-бирига жуда яқин. Қўшиқда фикрни конретлаштириш, хулосани пишиқлаш учун мақолларга мурожаат этилади. Шунинг учун аксарият ҳолда қўшиқ матнида кўплаб мақолларга дуч келамиз. Жумладан, фольклоршунос олима Музайяна Алавия бу ҳақда шундай дейди: “Фикрнинг конкрет моҳиятини очиш учун бадиийликка оид халқ иборалари қўлланиб, кишининг диққати тасвирланаётган нарса атрофига тўпланади. Халқ мақоллари қўшиқда кўп учрайди.

“Бош ёрилса, бўрк ичида,
Қўл синса, енг ичида
Сарғайиб сомон бўлдим,
Чордеворнинг ичида” [Алавия М. 1:26.].

Халқ мақоллари барча жанрлардаги каби лирик қўшиқларда ҳам маълум мақсадда қўлланади. Асосан, ишқ-муҳаббат борасидаги ибратли ғояларни кучайтириш, севги билан боғлиқ муаммолар ечими ва асосий лирик қаҳрамон фикрига далил ва исбот вазифасини ўтайди. Масалан, “Йўл бўлсин” қўшиғига эътибор қилсак:

Гулмидим очилгани,
Булбулмидинг сайрагани?
Ваъдалар шундоқмиди,
Ўлмай туриб айрилгани?

Кўрмайин бостим тиконни,
Тортадурман жабрини.
Кўрсам эди босмас эдим,
Тортмас эдим жабрини

Йўл бўлсин-о йўл бўлсин,
Босган изларингиз гул бўлсин [Турдимов Ш. 9:41.].

Қўшиқнинг сўнгги бандида “Билмайин бостим тиканни, тортадирман жабрини” мақоли келтирилган. Мазкур мақол ёшлик қилиб, бирор хатога йўл қўйган, пушаймонлик туйғусини туяётган киши ҳолатини кўрсатади. Қўшиқда ҳам айни шу маъно устувор бўлиб, вафосиз ёрга йўлиққан маъшуқа тилидан айтилиб, бўлган воқеалардан афсус ва надомат чекиш ҳолати ифодаланган. Мақол банд талаби, ритм ва оҳанг эҳтиёжи билан кенгайган, яъни қўшимча икки мисра қўшиш орқали мақол мантиқига мос таъкид киритилган.

Ёмон йўлбарс йўлда ётар, шерга йўл бермас,
Отасидан қарғиш олган илгари босмас.
Дўст, илгари босмас, яна илгари босмас,
Бодом қовоқ юпқа томоқ, додима етсанг-чи! [Турдимов Ш. 9:46.].

“Бодомқовоқ” қўшиғидан олинган мазкур бандда параллел тарзда икки мақолни кузатиш мумкин. Биринчи мисрада мажозий маънога эга бўлган “Ёмон йўлбарс йўлда ётар, шерга йўл бермас” мақоли қўлланади. Мақол мазмунан ўзига бино қўйган, муштумзўр, ҳаддини билмай ўзидан улуғ кишиларга ҳурматсизлик қилиб ном чиқарган кишиларни тавсифловчи характерга эга. Бу қўшиқда мақол бўз йигитнинг ота-онаси, яқинлари сўзига кирмай, ўз билганидан қолмай хатога йўл қўяётганини исботлаш учун қўлланган. Кейинги сатрлар таркибида турган ва ўз маъносида қўлланадиган иккинчи: “Отасидан қарғиш олган илгари босмас” мақоли эса олдинги сатрлардаги мазмунни тўлдирувчи восита вазифасини ўтаган ҳамда шундай хулоса бериш учун хизмат қилади. Ҳар иккала мақол қўшиқ поэтикасининг такомиллашуви баробарида унинг дидактик характерини оширишга ҳам ёрдам берган. Бу ўринда бир мақолнинг мазмуни иккинчи мақол билан қувватлантирилганини кўриш мумкин.

Демак, халқ қўшиқчилигида мақол ҳамиша ўз ўрнида, керакли мазмунни изоҳлаш мақсадида маҳорат билан фойдаланилади. Лирик қўшиқлар таркибида қўлланадиган мақоллар ўзининг дидактик вазифаси ва бадиий қиммати билан алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1959. – Б.26.

2. Добролюбов Н. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 8.

3. Евсюков В. Мифы о веселенной. – Новосбирск: Наука, 1968. – С.25.

4. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.142.

5. Қуръони азим мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур. – Тошкент: Movarounnahr, 2019. – Б.464.

6. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғоти-т-турк. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б. 252.
7. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 188.
8. Турдимов Ш. Халқ қўшиқларида рамз. – Тошкент: Фан, 2020. – Б.4.
9. Ўзбек халқ қўшиқлари. (сайланма) / тузувчилар: Турдимов Ш., Назарова Ш. – Тошкент: Фан, 2020. –Б. 34.
10. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 105.

G‘AFUR G‘ULOM HAYOTI VA IJODINI O‘RGANISH

Manzura PIRNAZAROVA
UrDU dotsenti;
Bekposhsha AHMEDOVA
UrDU magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada taniqli yozuvchi va shoir G‘afur G‘ulomning hayot yo‘llari, ijodiy faoliyati to‘g‘risida maktab o‘quvchilariga yanada chuqurroq bilimlarni berish,yozuvchi ijodini sinfdan tashqari mutolaa qilishga qiziqtirish ko‘zda tutiladi. Shuningdek, shoir hayoti va ijodi batafsil tahlil qilinib, o‘quvchilarga o’rgatish uchun istiqbolli tavsiyalar beriladi.

Kalit so’zlar: “Mirza", “G’ulom”, badiiy adabiyot, yozuvchi, “Qora buvi”, o’g’ri“gina”, g‘oyaviy yetuklik.

Bolalarning sevimli shoiri bo‘lgan G‘afur G‘ulom ijodini o‘rganish g‘oyat maroqlidir. Yoshligidan yetim qolib, darbadarlikni boshidan kechirgan shoir o‘z ijodining salmoqli qismini bolalarga bag‘ishladi.

G‘afur G‘ulom tug‘ilib, ko‘z ochgan dunyo nihoyatda murakkab edi. To‘qqiz yoshida boshiga oila tashvishi tushgan yosh o‘spirinning o‘sha alg‘ov-dalg‘ov zamonda boshidan kechirgan sarguzashtlari uning ijodida hamisha akssado berib turdi.

Adibning murakkab hayot yo‘li uning o‘zi yozgan tarjimai holida har tomonlama batafsil va qiziqarli hikoya qilingan:

“Men 1903 yil, 10 may, juma kuni erta bilan soat 6 da tug‘ilgan ekanman. Bu dehqoncha yil sanog‘i bilan baliq yili bo‘ladi. Tug‘ilgan yerim Toshkent shahri, Shayxontohur daha, Qo‘rg‘ontegi mahallada. Men tug‘ilganda otam G‘ulom Mirza Orif o‘g‘li 35 yoshda, onam Toshbibi Shoyusuf qizi 21 yoshda ekan. Ko‘pincha kerak bo‘lib qolganda otamning nima ish qilib tiriklik o‘tkazganini aniq ayta olmayman. “Dehqon” deb qo‘ya qolaman. Kalas atrofida 5-6 tanob yeri bo‘lib, unga bug‘doy, jo‘xori, mosh deganday, don-dun ekar ekan. Qolgan vaqtlarda umrini shahar ichida o‘tkazar ekan. Otam durustgina savodli, o‘zbekcha, tojikchani

yaxshi bilar va uncha-muncha ruscha ham so‘zlashar ekan. Shahar ichida kishilarga ariza, spravkalar yozib berib yurar, shuning uchun ham ismiga “Mirza” degan laqab qo‘shimcha bo‘lgan ekan.

Otam adabiyot bilan juda qiziqar ekan. Uyimizga o‘zbek shoirlari va xattotlaridan Xislat, Shomurod kotib va boshqalar kelib yurganini es-es bilaman. Farg‘ona vodiysidan keladigan shoirlar ham: Muqimiy, Toshxo‘ja Asiriy, Furqat, Muhyi va boshqalarning biznikiga ko‘p kelganini aytadilar. Otam “Mirza” va “G‘ulom” taxalluslari bilan talay she’rlar yozgan. Lekin bular bir yerga to‘planib, yo bo‘lmasa bosilib chiqqan emas. So‘nggi yillarda amakim (otamning kichik ukasi) Mirza Abdulla Mirza Orif o‘g‘li “Mirza” taxallusini o‘ziniki qilib olib, she’rlar yozar edi. Uning “Bayozi Mirzo” degan kitobi 1913-(1331-hijriy) yilda Toshkentda “G‘ulomiya” bosmaxonasida bosilgan.

Onam ham o‘zbekcha, tojikcha adabiyotlarni o‘qib, anglay oladigan zehnli xotinlardan edi. O‘zi she’r havaskori bo‘lganidan, xalq og‘zaki termalari vaznida uncha-muncha she’rlar aytib yurganini eslayman. Bulardan, ayniqsa, otam o‘limiga bag‘ishlab aytgani hali ham quloqlarimdan ketmaydi...

Otam 1912-yilda, 44 yoshida mazkur Qo‘rg‘ontegi mahalladagi o‘z hovlimizda vafot qildi. Hovli bo‘lganda ham qanday deng?! Qo‘rg‘on tegi-da, ya’ni “na dne”da 25 kvadrat sajenli zaxkash, tutday to‘kilay deb turgan bir hovlida o‘pka shamollashidan o‘ldi. Unga hech kim doktor ham chaqirgani, banka ham qo‘ygani yo‘q, pentsillin bilan ham ukol qilgani yo‘q. Biz besh yetim bola qola berdik. Men 9 yoshda, eng kichik singlim Bahri 6 oylik edi...

Men bu yoshda allaqachon savodim chiqqan. Navoiy, Hofiz, Sahdiylarni bemalol o‘qir edim, chiroyligina xatim ham bor edi. Bunchalik tezfahmlikni biz o‘qigan eski maktablardan kutish qiyin edi. Masalan, bizning mahallalik Abdurahmon Pari degan yigit 16 yilda ham “Haftiyak”dan chiqmagan edi. Mening savodli, xatli bo‘lishimga boshda otam, so‘ng onam sabab bo‘ldilar” .[Adabiyotimiz avtobiografiyasi. 1:173-174]

O‘quvchilarga adibning biografiyasidagi ushbu lavhani o‘qib eshittirish bo‘lajak shoir haqida ularda dastlabki tasavvurni shakllantiradi. Keyin muallim adib hayotidagi asosiy sanalarni ko‘rsatmali qurolga yozib, devorga ilib qo‘yishi lozim.

1903 yil 10 may. G‘.G‘ulom Toshkent shahrida tug‘ildi.

1912 – Shoirning otasi vafot qildi.

1916 – Rus-tuzem maktabiga o‘qishga kirdi.

1918 – Shoirning onasi vafot qildi.

1919 – Boshlang‘ich maktabga o‘qituvchi bo‘lib ishga kirdi.

1923 – Bolalar uyiga tarbiyachi bo‘lib ishga o‘tdi.

1923 – Dastlabki she’ri – “Go‘zallik nimada?” nomi bilan bosilib chiqdi.

1925 – “Kambag‘al dehqon” gazetasiga kotiblik vazifasiga tayinlandi.

1930 – Toshkent viloyati gazetasi “Sharq haqiqati”ga ishga o‘tdi.

1934 – Butunittifoq yozuvchilari I qurultoyiga delegat bo‘lib qatnashdi.

1931 – “Dinamo” kitobi bosilib chiqdi. Shu yili “Jo‘ra bo‘za”, “Yigit” to‘plamlari bosildi. 1932 – “Kulgi hikoyalar” nashr etildi.

1932 – 40 – “Netay”, “Tirilgan murda”, “Shum bola” qissalari bosilib chiqdi.

1940 – 50 – “Mukofot”, “Tongotar qo‘shig‘i”, “Bari seniki” kabi bolalarga atalgan kitoblari nashr etildi.

1943 – O‘zbekiston fanlar akademiyasi akademigi qilib saylandi.

1946 – Davlat mukofoti laureati bo‘ldi.

1966 yil 10-iyulda vafot etdi.

1971 – 1978 - o‘n tomlik to‘la asarlar to‘plami bosilib chiqdi.

Yozuvchining qiyofasi ko‘proq buyuk kishilar tomonidan unga berilgan baho doirasida yorqin namoyon bo‘ladi. Shu sababli shoir haqida uning zamondoshlari, safdoshlari, shogirdlarining xotiralarini o‘quvchilarga o‘qib eshittirish har jihatdan muhimdir.

1. **I.A.Karimov**: “Bu ulug‘ zotning Vatanga sadoqat, hayotga, insonga muhabbat tuyg‘ulari bilan yo‘g‘rilgan betakror asarlari yangi nasllarning ham mahnaviy-ruhiy shakllanishiga, yoshlarimizning kamolotiga xizmat qiladi”. O‘z AS, 2003, 16 may.

2. **Hamid Olimjon**: “G‘.G‘ulom har taraflama kamolotga erishgan ijodkordir. Uning tili sermazmun va ixcham. G‘.G‘ulom ham shoir, ham prozaik, ham lirik, ham yumorist. U rangorang mavzularda asar yozadi. G‘.G‘ulomning har bir asarida bir yangilik bor. U hozir O‘zbekiston Fanlar akademiyasining akademigidir”.

3. **Qozoq yozuvchisi, akademik Muxtor Avezov:** “Uning ovozi muhabbat, qardoshlik va do‘stlik shiori bo‘lib baland ohangda yangradi”.

4. **Akademik Naim Karimov**: “Agar zamondoshlarining shoir haqidagi xotiralarini o‘qisak, uning qomusiy bilim sohibi, serqirra iste’dod egasi, “Shum bola”ni ham, falsafiy mazmun bilan yo‘g‘rilgan she’rlarini ham “kotib”larga badehatan aytib yozdirgan shoir sifatidagi obrazi qarshimizda qad ko‘taradi”

5. **Professor Nuriddin Shukurov**: “G‘.G‘ulomning individual poetik uslubini belgilovchi asosiy xususiyatlar-novatorlik va falsafiylik, operativlik va hozirjavoblik, g‘oyaviy yetuklik va tarixiy konkretlilik, milliylik bilan internatsionallikning ajib bir yo‘sinda uyg‘unligidan iboratdir”.

6. **Rus yozuvchisi Aleksandr Fadeev**: “Shoir va akademik G‘.G‘ulom davr poeziyasining o‘ziga xos va mislsiz hodisalaridan biridir. Eng latif lirikasidan oratoriyagacha (xor uchun yozilgan maxsus she’r) –uning diapazoni ana shunday. Uning shehrlari hamisha zo‘r faxr va teran tuyg‘ular bilan sug‘orilgan. U tom ma’nosi bilan chinakam, buyuk shoir”.

7. **Professor Salohiddin Mamajonov**: “ U shoirlikni eng injiq va eng mushkul ish ekanligini ta’kidlab, she’rni insoniyat ma’naviy dunyosini o‘rganuvchi, boyituvchi va go‘zallashtiruvchi hamda insoniyat yovlariga qaqshatg‘ich zarba beruvchi buyuk g‘oyaviy qurol deb bildi”.

8. **Professor Ozod Sharafiddinov**: “Shoir ijodidagi G‘oyaviy va badiiy barkamollik-Sharq poeziyasi, xalq ijodi va jahon adabiyotidan oziqlangan”

9. **Akademik Baxtiyor Nazarov**: “Uning otashin insonparvar va vatanparvar nafasi o‘tgan yuz yillikdan o‘tib, mana yangi yuz yillikka ham xalqi, yurti bilan birga tozarib, yanada yasharib yetib keldi. Bu nodir nafas kelgusida ham ko‘pdan-ko‘p yuz yilliklar bilan yuzlashadi, demak, u boqiydir”. [B.Nazarov.2:61-62]

Ushbu fikrlar adib hayoti va ijodini idrok qilishda katta ahamiyatga ega.

Iloji boricha taniqli yozuvchilar, olimlarning shoirga bergan yuksak baholari adabiyot kabineti ko‘rgazmalari orasidan munosib o‘rin egallashi kerak.

Sinfdan tashqari o‘qishda “Mening o‘g‘rigina bolam” voqeiy hikoyasi berilgan. Mazkur hikoya paydo bo‘lishi bilan og‘izga tushib ketdi. Bu hikoyaning mashhurlik qozonganligi haqida professor Abduqodir Hayitmetov shunday yozadi: “G‘afur G‘ulomning so‘nggi davr ijodidan mening eng sevimli o‘qiganim “Mening o‘g‘rigina bolam” hikoyasi desam, xato bo‘lmaydi. Unda insongarchilik g‘oyasi sharoit taqozosi bilan o‘g‘irlik yo‘liga kirgan yigit va rahmdil uy egasi timsollari sof o‘zbekona tushuncha hamda uslub orqali yaxshi tasvirlab berilgan.

Men bu hikoyani gazetada bosilib chiqqan kuni kechroq-uyquga yotish oldidan o‘qiganman. O‘qib bo‘lgach, hayajonim ichimga sig‘may, uxlashga hozirlik ko‘rayotgan barcha oila a’zolarimizni to‘plab, uni o‘zim o‘qib bergan edim”.

Hikoya juda samimiy, shirali tilda yozilgan. Uning sarlavhasini o‘qishning o‘zi darhol kishi e’tiborini tortadi. “O‘g‘rigina” so‘zidagi “gina” qo‘shimchasi o‘zbek tilida erkalash, kichraytirish va samimiyat ma’nolarini anglatadi. Xo‘sh, shunday ekan nega bu so‘z “o‘g‘ri” so‘ziga qo‘shib ishlatilayotir. Hamma gap ana shu yerda. Sarlavhani o‘qigan kishi o‘sha so‘zga ajablanib qaraydi. O‘zi o‘g‘ri bo‘lsa, “Qora buvi” nega uni o‘z bolasidek yaqin tutib gapiradi?

Gap shundaki, bu bola tom ma’nodagi o‘g‘ri emas. Uni zamona zayli shu kuyga solgan. Beshafqat hayot, tirikchilik ilinji o‘g‘irlik qilishga majbur qilgan. “Qora buvi” ana shu holni yaxshi anglaydi. Qolaversa, “Qora buvi” siymosida hayot so‘qmoqlarini birma-bir bosib o‘tgan, hayot achchiq-chuchuklarini totgan qalbi keng, jafokash o‘zbek ayoli siymosi o‘z ifodasini topgan. Bu ayolda millat mentaliteti o‘zini namoyon qiladi. “Qora buvi” “o‘g‘rigina bola”ni xuddi mehmondek qabul qiladi. Hatto xayrlashganda ham “kelib tur” deya iltifot ko‘rsatadi. Bu holat o‘quvchida bir tomondan kulgu qo‘zg‘asa, bir tomondan achinish tuyg‘ularini uyg‘otadi.

“O‘g‘rigina bola” ham uyat, andishani biladi. O‘zini tanitishni istamaydi, “juda ham yuzimni sidirib tashlaganim yo‘q, andisham bor, uyalaman”, deb choy ichish taklifini rad qiladi. Hikoya voqea ishtirokchisi bo‘lgan bola tilidan bayon qilingani uchun juda sodda va samimiy tarzda o‘qiladi.

Hikoyada G‘. G‘ulomning hayotni reallashdagi barcha mahorati bo‘rtib turadi. Asar tilida voqealar bo‘lib o‘tgan davr bilan aloqador badiiy nutq, o‘ziga xos leksika ko‘zga tashlanib turadi. Shu sababli hikoya oxirida lug‘at berilgan. Ammo lug‘atda berilmagan, ammo hozirgi o‘quvchiga tushunarli bo‘lmagan so‘zlar ham ko‘plab uchraydi. O‘qituvchi ushbu so‘zlarni matn tarkibidan topib, lug‘atga qo‘shimchalar kiritishi zarur. Bular quyidagilar:

Tanob*-katta ma’nosida. Tanob uzunlik o‘lchov birligi, bir gazga teng. (har gaz 1,20 m.)* ***Bozori kasod****-o‘tmas mol ma’nosida.* ***Sirach****-elim.* ***So‘zan****-igna.* ***Gorodovoy****-soqchi.*

Bundan tashqari hikoya matnida anchagina maqollar, turli iboralar ishlatilganki, ularni, albatta, o‘quvchilarga sharhlab berish lozim. Bular tubandagilar:

Ibora	Ma’nosi	Ishlatilishi sababi.
Tiriklik toshdan qattiq	Hayot mashaqqatdan iborat	Hayotning qiyinchiligini tahqidlash uchun.
Tuyaning ko‘ziday non anqoga shafig‘	Non topish o‘limdan badtar.	Kambag‘allik, qashshoqlikni ifodalash uchun.
Kimning ham ko‘zi uchib turibdi deysan.	Kim ham istar edi.	Qizlarga ishtiyoqmandlarning yo‘qligini ifodalash uchun
Bir tovuqqa ham don kerak, ham suv kerak.	Bitta insonga ham oziq-ovqat kerak.	Tirikchilikning qiyinligini ko‘rsatish uchun.
Non topish uchun o‘zimni o‘tga, cho‘qqa, Alining tig‘iga uraman.	Yashash uchun o‘zini to‘rt tomonga urmoq.	Hayotning nihoyatda mashaqqatli ekanini ko‘rsatish uchun.
Zamon-zamon o‘sha iligi to‘qlarniki.	Zamon boylarniki	Kambag‘alning ahvoli chatoqligini ko‘rsatish uchun.
Turib yeganga turum-tog‘ chidamas.	Yotib yeganga tog‘ chidamas	Bekorchilikning yomon ekanini anglatish uchun.

Bu iboralar orasida “Alining tig‘i” birikmasiga alohida sharh berish kerak. Ali choriyorlarning biri. Mumtoz adabiyot va folklorda “Alining dulduli (oti)” “Alining Zulfiqori (qilichi kabi iboralar ko‘p uchrashini bu ot va qilich mo‘jizakor ekanini qisqacha aytib o‘tish maqsadga muvofiqdir.

Oxirida qissadan hissa chiqarib, hikoya-g‘oyasini ifodalovchi bitta maqol topishni o‘quvchilarga havola qilishi zarur. Uni “Qora buvi”ning samimiy gaplaridan keltirib chiqarish lozim. Chunki uning yaxshi muomalasi yomon niyatda kelgan “O‘g‘rigina bolani” shashtidan qaytaradi. Bunga xalq orasida tarqalgan quyidagi maqol xulosa bo‘la oladi:

Yaxshi so‘z bilan ilon iniga kiradi,

Yomon so‘z bilan pichoq qinidan chiqadi.

O‘quvchilar ushbu g‘oya orqali hikoyadan kattagina ma’naviy tarbiya olishadi. Hozirgi davrning, tinch-farovon hayotning qadriga yetishni tushunib yetadilar. Mazkur g‘oyani hozirgi zamonga bog‘lab tushuntirish muallimning bilimiga, mahoratiga bog‘liqdir. Agar o‘qituvchi o‘z maqsadiga erisha olsa, o‘quvchilar G‘.G‘ulomning boshqa nasriy asarlarini ham qiziqib o‘qishga kirishadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Adabiyotimiz avtobiografiyasi. – T.: “Adabiyot va san’at”. 1973. 173-174-betlar.

2. B.Nazarov. Ijodning jon tomiri. – T.: “Tafakkur tomchilari”. 2021. 61-62-betlar.

ICHDIM G‘AM MAYIN

Nasiba DJUMANIYAZOVA,
filologiya fanlari nomzodi,
Urganch davlat universiteti dotsenti

Annotatsiya. Mazkur maqolada shoir Abduvali Qutbiddinning she’rlarida ramziy-majoziy ma’no qirralari tadqiq qilingan. Uning she’rlari tahlili orqali ilohiy ishq mavzusi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Ramziy-majoziy obrazlilik, mavzu, badiiyat, falsafiy lirika, lirik manzuma, yetakchi tamoyillar, janr.

Badiiy tafakkur takomilining bugungi bosqichidagi yangilanish, shuningdek, lirikamizdagi badiiy-estetik umumlashmalarning epik mazmun bilan to‘yinib, boyib borishini ta’minlamoqda. Bu hol, avvalo, lirik manzumalardagi falsafiy mushohadakorlikning ichki sezim qatlamlari bilan va majoziy obrazlilikning intellektual qarashlar bilan tabiiy uyg‘unlashuvida namoyon bo‘lmoqda.

Bugungi lirikamizda surat (shakl) va siyratdagi (mazmun) yetakchi tamoyillar, shoirlarning lirik va epik she’riyatning turli mavzu va ko‘rinishdagi namunalari, shaxsning ma’naviy-ruhiy olamini qamrovli badiiy kashf etish, falsafiy-intellektual teranlik, ramziy-majoziy obrazlilik hamda an’anaviy lirik janrlarning yangi mazmun bilan boyishi kabi xususiyatlar yaqqol namoyon bo‘ladi. “Bugungi poetik jarayon yuzasidan olib borilgan muayyan kuzatishlarga tayanib, quyidagilarni aytish mumkin. Birinchidan, hayot haqiqatini badiiy haqiqatga aylantirish she’riyatimiz taraqqiyotining barcha davrlari uchun ham bosh xususiyat bo‘lib kelgan. Unga erishish yo‘llari ko‘p, usullari nihoyatda xilma-xil. Xususan, majoziy, timsolli obrazlilik haq so‘zni aytishning, voqelikni ramzlar vositasida realistik idrok etishning shakllaridan biri. Bugungi falsafiy lirikamizda hayot va o‘lim, tiriklikning mazmun – mohiyati, zamonga munosib yashash ma’nosi, ezgulik va zulm-zalolat, ishq-muhabbat, sadoqat va xiyonat, riyo va h.k. boqiy masalalar teran tadqiq etilmoqda. Bog‘, Daraxt, Yo‘l, Oftob, Tong, Nur, Shamol, Suv, Tuproq, Kuy va h.k. ramzli obrazlarning ma’no teranligi, kengligi shoirlar badiiy dunyosining nechog‘lik boyligidan, go‘zal hissiy tafakkur miqyoslaridan darak beradi.” [3:64-65]

Shoir Abduvali Qutbiddin she’riyatida ham ramziy-majoziy tasvir usullari nihoyatda teran mazmun anglatishi bilan ajralib turadi.

Avval kosibga uchra dilingni chegalasin
Avval kulolga bor yangi bir ko‘za bersin…
Avval temir kovush top…
Avval po‘lat ko‘ylak kiy…
Keyin…
Toshga yolvor boshingni tosh qilsin…
Dasturxonga yolvor eganing osh qilsin…
Keyin…

Jo‘na Charxpalakchining oldiga…
Baxtingni ochib bersin…
Ochib bersa…
Avval…
Avval…
Avvval…[Abduvali Qutbiddin. 1: 21]

Shoir bu she’rida ko‘hna dunyo qahramoni qismatini yoritgandek go‘yo, aslida odam tabiati hamon o‘sha-o‘sha. Inson ruh, qalb va tanadan yaralgan. Turmush tashvishlari, yashash mashaqqati odam qalbini yaralab, sindirib boraveradi. Shoir bu she’r orqali hammamiz uchun ma’lum bo‘lgan hayot qonunlarini oddiy qilib ifodalamayapti. Shoir bu she’ri orqali inson qismati naqadar chigal va murakkab ekanligini chiroyli badiiy tasvir orqali ifodalab bergan. Bu o‘rinda dilni chegalash ya’ni yamash orqali hayotning azob-uqubatlariga hozirlik ko‘rishni anglatyapti. She’rda “temir kovush”, “po‘lat ko‘ylak” kabi majozlar orqali hayot sinovlaridan o‘tish azoblarini teran anglash kerakligi e’tirof qilingan. Bu o‘rinda majoziy ma’no tashigan temir kovush, po‘lat ko‘ylak og‘ir turmush zarbalariga tayyor turish va dosh bera olish kerakligiga ishora. Xalqimizda boshing toshdan bo‘lsin degan ibora uchraydi. Bu bejiz emas, hayot past-u balandliklaridan o‘tish uchun odam irodasi metindek mustahkam bo‘lmog‘i kerak.

Ne deyin, sahroda dardkashim sarob.
Sir aytarim saksovul, ne deyin.
Kundan kun ahvolim xarobdan xarob,
Ichdim g‘am mayin. [Abduvali Qutbiddin. 1: 7]

May mumtoz adabiyotda ilohiy ishq ma’nosini anglatadi. Lirik qahramon ilohiy ishq komida qovrilar kan, faqat bir ilinj ya’ni visol ilinji uni yashashga undaydi. Ishq mayi jon-u jahoningni xarob aylaydi. Shu vayronalik dilni poklash uchun bir yo‘l desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki ishq olovi qanchalik shiddatli bo‘lsa, u shunchalik poklanish sari undaydi.

Ko‘p kezdim. ko‘rmadim birorta karvon,
Bilmadim qayonda mag‘rib-u mashriq.
Mashaqqat sohibim, arkonim armon,
Amirim qashqir…
Hukmi ravonimga bo‘ysunmas taqdir,
Endi yo‘l birgina ruhlar ko‘shkiga.
Tinch komga men qanday tushaman, axir,
Ishqiga to‘ymadim,
Ishqiga… [Abduvali Qutbiddin. 1: 7]

Bu olam misoli katta sahro, har bir odam bu sahroga kirib o‘z karvoni bilan umr yo‘llarini bosib utishi kerak. Lekin lirik qahramon yolg‘izlik bilan qoladi. Xuddi Majnun kabi sahrolar kezadi. Uning karvonsiz yolg‘iz yurishi, bu dunyo sir-sinoatlarini anglash yo‘lidagi harakatlaridandir. Mashaqqat chekish, o‘z qalbining tubiga nazar tashlash orqali odamzot o‘z taqdir yo‘lini belgilay oladimi? Qismat bitiklari insonga bog‘liqmi, u o‘z taqdirini yarata oladimi? Lirik qahramon nazdida

shu savollar hammasi Ollohga olib boruvchi, o‘zligini anglab yetishida, o‘z vazifasini to‘la ado etishida bir yo‘l ekanligi e’tirof etiladi. Shoir ilohiy ishqni kuylash uchun bugungi lirikada o‘ziga xos yo‘l topishi kerakligini biladi. Tanlangan so‘zlar obraz darajasiga chiqishi, har bir so‘z muayyan ma’no yukini ko‘tara olishi orqali mohiyat betakror jilo berishi kerak. Shoir shu o‘rinda asar qanday vaznda yozilishi, qanday yo‘nalishda tasvirlanishidan qat’iy nazar, ilohiy ishq mavzusi teran ifodalanishi muhimligiga e’tibor qaratgan.

Shoirning tasavvufiy mazmunda yozilgan “Munojot” she’rida Olloh va lirik qahramon o‘rtasidagi munosabat aks ettiriladi. Har bir banda yaratuvchining qudrati oldida bir zarra ekanligini biladi. Ollohning rahmati esa beqiyos ekanligi, lirik qahramon shu marhamatdan hamisha umidvor ekanligi yoritilgan.

Bomdod quyoshining iliq nafasi,
Ko‘ksimga to‘lmadi yoding-la, Alloh.
Netay qafasliman, achchiq qafasli,
To‘rt mucham sog‘u to‘rt muchamda dog‘.
[Abduvali Qutbiddin. 1: 15]

Bandaning Ollohga bo‘lgan ishqi cheksiz qudratga ega. Yaratuvchining yaratiqlari ham shu sevgi qatiga singib ketishi tabiiy. Bomdod oftobining iliq nafasida lirik qahramon tangrining buyuk marhamatini his qiladi. U o‘zini yaratgan tomonidan odamzotga berilgan juda katta in’omlar oldida vujudi va ruhi qafasda turgan banda ekanligidan hasrat qiladi. Bu o‘rinda qafasli so‘zi majoziy ma’noda o‘z erkiga ega bo‘lmagan inson ekanligi tasvirlangan.

Sensan, faqat sensan, faqat sen ozod,
Faqat sen qodirsan, o‘zing yakto qil.
Odamning o‘zidan ozod qil, ozod,
Menga ham odamlik baxtin ato qil…
Yo, rabbim… [Abduvali Qutbiddin. 1: 15]

Rabbiga munojot qilar ekan lirik qahramon odamning nafs yo‘lida o‘zini ozod bo‘lishini yolborib so‘raydi. Shoir she’rlarida ilohiy ishq mavzusini aks ettirilishida ramziy-majoziy obrazlar bilan tasvirlash muhim ahamiyat kasb etadi. Abduvali Qutbiddin she’riyatida ramziy - majoziy tasvir usullari bilan boyigan va turli badiiy-tasviriy vositalarni mahorat bilan qo‘llash yetakchilik qiladi. Shoir ularni o‘z g‘oyaviy-badiiy niyatini ifodalashda mavzu, janr va uslub xususiyatlarini hisobga olgan holda istifoda etadi. Xususan, shoir ijodida ijtimoiy-falsafiy, ishqiy lirikaning o‘ziga xos mazmun qirralarini aks ettirilishda, so‘zlarning turli ma’no tovlanishlari salmoqli badiiy-estetik vazifa tashishi bilan betakrordir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Abduvali Qutbiddin. Xayol kechasi. – T: “Yozuvchi”, 1994. 32 b.
2. Yo‘ldoshev Q.Yoniq so‘z.-Toshkent, 2006.-778 b.
3. Rahimjonov N. Mustaqillik davri o‘zbek she’riyati. – T: “Fan”, 2007. 260 b.

“МИНГ БИР ЁҒДУ” МАЪРИФИЙ ДОСТОНИ ҲАҚИДА

Манзура ПИРНАЗАРОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мазкур мақолада Алишер Навоий ижодининг Омон Матжон ижодига таъсири масаласи ёритилган. О. Матжоннинг “Минг бир ёғду” маърифий достони мавзуси, тузилиши, оҳанги, бадиияти, поэтикаси-барча-барчасида Навоий анъаналари сезилиб туриши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: “Хамса”, маърифий достон, бадиият, поэтика, ифода услуби, ҳужжат-байт

“Минг бир ёғду” маърифий достони Омон Матжоннинг шоир руҳиятидаги изтироблар, қалб кечинмалари “Хамса” яратилганига беш юз йил тўлиши саналари арафасида зуҳур этишидан бунёд бўлган асардир. Шоир бу асарни ёзишда Навоий асарларига татаббуъ, назира ва мухаммас боғлаш ёки шарҳ битиш анъаналаридан фарқли равишда буюк “Хамса” асаридан ўзига маъқул бўлган маъноларни териб олади. Навоий фикрларига монанд ўз мулоҳазаларини параллел равишда бериб борадики, шоир маҳоратига ўқувчининг қойил қолмасдан иложи йўқ. Бу эса достон тузилиши, оҳанги, бадияти, поэтикаси – барча-барчасида акс этиб турибди. Бу асарнинг “сабаби назми китоби” тайин. Бунга муаллифнинг ўзи аниқ жавоб беради: “*Олам муттасил айланиб, ўзини янгилаб турибди, лекин жуда кўп савол ва муаммолари ўша-ўша. Улуғ бобомиз ўзининг улуғвор ижоди – тарихимизнинг, маданиятимизнинг, жаҳон адабиётининг гултожи бўлган буюк “Хамса”сида бу жумбоқларнинг деярлик барчасига аниқ ва лўнда жавобни бундан беш юз йил бурун тайёр қилиб қўйибди. Биз учун яратилган бу асарга – бу нурли меросга қонуний ворислик ғурури билан қарашимиз зарур*” [Омон Матжон. 5:47]; Демак, шоир вужудини изтиробга солган, достон битишга ундаган нуқталар:

1. Янгиланаётган дунёнинг эски дардлари. 2. Бугунги ижтимоий ва бошқа муаммоларга беш юз олдин кўрсатилган ечимлар сари интимаслик сабаб ва оқибатлари. 3. “Хамса”га “нурли мерос” эгаси сифатида қонуний ворислик ҳисси билан ёндашишимиз ва яшашимиз зарурлигини англаб етиш.

Достон бошланмасида ҳам “Хамса”нинг ўзи асрларни ошиб, жаҳолат деворларини ўйиб келган жозибали нурга ўхшатилган. Бош ҳарф билан ёзилган “нур” бу ерда улкан тарихий мерос, юксак инсоний қадриятлар, ўзликни англаш тимсолига айланган”[Шукуров А.6:116]; Яна бир нигоҳ билан қараганда Нур – “Хамса”нинг ўзи экани муқаррар. “Нажиб ранглар”га бурканган “тарихимиздан хабар” бўлиб етиб келган, “маданиятимизнинг ойинайи жаҳонномаси” саналмиш “вақт ўйинларидан”, “зулмат довонларидан”, “жаҳолат деворларидан ўтиб” бизни топган “Ёғду – бизники”. Шоир достон ибтидосиданоқ “Хамса” қаърида буюк бир куч –

миллатни бирлаштириш, якқалам қилиш, бир манзилга биргаликда интилтириш қуввати борлиги ҳақида бонг уради:

Бир-биримизга яхшироқ, яқиндан қарайлик:
Ҳаммамиз шу ёқтилик элчиларимиз,
Ҳаммамиз шу нур фарзандлари!
Лекин... нега мунча бегонасираймиз?!
Нега мунча нифоқ, низо, надомат, нола, носоғлом назар?

Достонда барча ўлмас асарларда мавжуд фазилат бор: ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ўз оҳорини йўқотмайди. Достонда ўз вақтининг кескин муаммолари – қўшиб ёзиш, ошкоралик масалаларига тўхталган бўлишига қарамай, унда кўтарилган аксар муаммо ва масалалар эскирмас, ҳар бир замон ва маконга оидлиги билан ажралиб туради. Масалан, "Ҳамма нарса инсон учун деган шиорни ўрта асрдаёқ байроқ этган шоир!"

Лекин "Ошкоралик, эркин фикрлаш тарафдори..." бандида достон ўзи яратилган пайт – йигирманчи асрнинг саксонинчи – тўқсонинчи йиллари ҳаётига оид муайян масала ҳақида сўз юритганда ҳам барча замон ва маконларга дахлдор муаммоларни ўртага ташлайди. Масалан, қуйидаги жумлаларда собиқ тузумнинг сўнгги йилларида улкан ўпирилиш ва емирилишини сездирмаслик мақсадида "ижод қилинган" ошкоралик ғоялари эмас, умуминсоний ҳаёт қонуниятлари ўз ифодасини топган: *"Шоҳларни ўз фикрларига эл фикрини солиштириб кўриб, сўнг ҳукм чиқаришга чақиради! Акси бўлса, элнинг тилига, дилига, эркига, қўлига кишан тушгани"*. Ундан кейин ҳужжат-байтлар сифатида қуйидагилар келади:

Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
Муътамад раъйидин иста кушод.
Шоҳки раъйини кўп этти писанд,
Раъй кўрар эл тилига солди банд.

Ўрни билан таъкидлаш лозимки, Омон Матжон томонидан келтирилган ҳужжат-байтлар мазмунини бир қадар чуқур англаш учун камида "Хамса" достонлари таркибида байт(лар) олинган бобни мутолаа қилиш зарур. Шу маънода юқоридаги байтлар "Ҳайрат ул-аброр"нинг йигирманчи – хулоса мақолатидан олинган. Бу мақолат сарлавҳасининг ўзида валиаҳд Бадиъуззамонга қарата "бу насойиҳ кўнглида қолғай ва бу жавоҳирни қулоғиға олғай" [Алишер Навоий. 2:317]; деб умид билдирилади. Айни шу мақолатда Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги шахсияти яққол намоён бўлган. Омон Матжоннинг маҳорати шундаки, ҳам давр ижтимоий-сиёсий руҳига жуда муносиб далил топа олган, ҳам бугунги ўқувчини бу борадаги мулоҳазалари билан тўла танишишга ундай олган, тўғрироғи, мажбурлаб билган. Алишер Навоий бу бобда мазкур сўзларига қадар жуда катта ижтимоий-сиёсий масалалар ечими ҳақида гапиради. Сўзни эса нозик фалсафий масала – борлиқдаги ҳар бир нарса унинг зоҳири бўлиб, моҳияти унинг зотида яширин бўлиши ҳақида бошлайди: "Олам аро ҳар не ҳувайдо дурур, Сирри анинг зимнида пайдо дурур. Қайда зуҳур айласа моҳияти, Музмар эрур зотида хосияти". Бобда давлат ва жамият бошқарувига оид

фикрларни Алишер Навоий ҳадди сиққани учун (“Гар санга ҳам панд десам ери бор,..”)гина эмас, айтиши лозим бўлгани учун айтган. Омон Матжон эса ана шу олтин байтлар силсиласидаги сирларни англаш баробарида ҳужжат-байтларни ниҳоятда ҳассослик билан келтирганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам шоир “...буюк Навоий даҳосига мурожаат этиб, кўп ва хўп асарлар битган, XX аср ўзбек шеъриятининг яхши тамойилларини изчил давом эттирган” [Норматов У.4:377]– дея оламиз.

Эътиборли жиҳатларидан бири достоннинг Омон Матжон қаламига мансуб айрим қисмлари ҳужжат-байтларнинг замон ҳаёти ва ҳодисалари билан уйғун шарҳлари сифатида таассурот уйғотади. Лекин булар ҳар бир замондош кўз ўнгида бўлишига қарамай, ҳар бир замондош айта оладиган, бадиий ифода бера оладиган кўринмайди. Масалан, “Илмсизлардан зор чеккан аллома” ифодасининг ўзиёқ одамни титроққа солади. Бунда тазод ҳосил қилаётган икки тушунча – *илмсиз (одам) ва аллома* сўзлари англатган қарама-қаршилик қирралари ўта ўткирлиги кишини ларзага солади, шу баробарида шоир маҳоратига таҳсин айтамиз. Бу каби қисмларда Омон Матжон сўзлари ҳужжат-байтларда айтилган фикрларни ривожлантирилган, замона хулосалари билан бойитилган кўриниши қиёфасини касб этади:

Илмсизлардан зор чеккан аллома айтадиларки,
Замон тескари эврилгаи замонда
илмлик ўз бошига,
илмсизлар эл бошига кулфатлар солади.
Чала олимлар ул-бул билганларини ҳам
жоҳил сардорлар хизматига қўядилар.
Ёшлар илмга меҳрсиз,
дунё шундоқ қурилгаи экан-да, дерлар.

Не ажабки, шоир қаламга олган ҳолат, айниқса, достон эълон қилинганидан кейин кўп ўтмай, чуқур ижтимоий-сиёсий буҳронлар даврида намоён бўлди. Омон Матжоннинг Алишер Навоийдек даҳо билан бу қадар уйғун фикрлаша олиши, Ҳазрат ижод дунёси, руҳий оламига бу қадар яқинлиги боиси ҳам унинг шундай мислсиз меросдан баҳрамандлигидир.

Омон Матжон томонидан чиқарилган *илмсизлар эл бошига кулфатлар солиши* ҳақидаги хулосаси Ҳазрат Навоий томонидан қуйидагича ифода топган эди:

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.
Кўзларни олишмоққа чекиб тиғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам. [Алишер Навоий 1:655];

Омон Матжон замон муҳитидан келиб чиқиб, Ҳазрат Навоийнинг нодонлик ва ҳасад бир танда қарор топган жоҳиллар эл бошига ҳам, ўз бошига етиши ҳақидаги фикрларини оқиллар ўз бошига етиши ҳақидаги хулосаси билан бойитади. Лекин бу хулоса ҳам Алишер Навоий қарашларидан ташқари, Навоий сўз юритган мавзулардан четда эмас. Мумтоз

адибларимиз томонидан ҳамиша бу борада ҳам том маънода, ҳам истеҳзо билан сўз борган. Хусусан, “Ҳайрат ул-аброр”да ўқиймиз:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олиму жоҳил азиз...
Разлға рифъат, билик аҳлиға ранж.
Тоғ уза хорову ер остида ганж [Алишер Навоий. 2:213];

Бу сатрлар “Ҳайрат улаброр”нинг илм бобидаги ўн биринчи мақолати муқаддимаси. Достонда ана шу мақолатда яна бир ўринда ҳужжат-байтлар келтирилади:

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмиға шойиста амал айласа,
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.[Алишер Навоий. 2:220];

Шу ўринда мавзу доирасида бир неча жиҳатга эътибор қаратайлик:

Биринчидан, биринчи байтни бу ҳолатда ўқиган китобхон пурмаъно сатрлардан бир маъно англаши мушкул, балки акс маъно тушуниб қолиш хавфи бор. Негаки, биринчи мисрадаги *амал* арабча сўз бўлиб, аслиятда امل шаклида ёзилади. “Навоий асарлари луғати”да унинг “умид, истак, тилак, орзу” каби маъноларни англатиши тўғри изоҳланган ҳолда, техник сабабларга кўра عمل шаклида нодуруст ифодаланган. Бу англашилмовчилик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да бартараф этилган [Алишер Навоий. 3:349]; Демак, унинг ўз шаклдоши *амал* عمل 1. Иш ҳаракат, ижро 2. Мансаб маъноли сўздан фарқлаш лозим. Шунга кўра биринчи байт “агар олим (ўткинчи) орзу-ҳаваслардан кечиб, илмига лойиқ амал қилса...” маъносини англатади. Агар *амал* امل ва *амал* عمل сўзларини бир-биридан фарқламасак, “олим агар фаолиятини тўхтатмаса,..” мазмунида тескари маъно чиқади.

Иккинчидан, аслиятда келтирилган икки байт орасида қуйидаги байт ҳам бор:

Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Боқмаса туз дунйийи фони сари.[Алишер Навоий. 2:220];

Яъни, “дунёвий ўлаксалар – арзимас матоларга (ўзбекча матнда “дунё” деб ўқилган сўз аслиятга қараб ўқилганда от сўз туркумидан бўлган *дунё* эмас, сифат саналмиш *дунийи* دنیی– дунёга хос, дунёвий маъносидаги сўздир) назар солмаса, ўткинчи дунёвий нарсаларга тик қарамаса,..” ҳақиқий олимдир. Шу тариқа ушуб уч байт бир мураккаб қўшма гапни ташкил қилиб, биринчи ва иккинчи байтлари, эргаш гап қисмлари, учинчи байт эса бош гап қисмлари саналади. Ушбу уч байт бир бутунликда илм нима ва олим ким деган азалий саволга мухтасар жавоб ҳамдир. Омон Матжон бу йўл ўқувчини мақолат билан тўлиқ танишиш, бунинг устига мақолатга илова сифатида берилган Имом Фахриддин Розий ва Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳақидаги ҳикоятни ҳам мутолаа қилишга ундайди. Умуман олганда, мазкур асар Омон Матжон ва Алишер Навоий руҳиятини боғловчи ҳалқага айланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 655.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-жилд. – Тошкент, 1991. – Б. 220
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 349.
4. Норматов У. “Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт” (Омон Матжон шеъриятига бир назар) // Омон Матжон. Иймон ёғдуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат пашриёти, 1995. – Б. 377.
5. Омон Матжон. Минг бир ёғду. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 47-бет
6. Шукуров А. Лингвопоэтик талқиннинг график воситалар ёрдамида ифодаланиши //Ilm sarchashmalari. №7 2019. – Б. 116.

ШУҲРАТНИНГ “ҚЎША ҚАРИНГЛАР” КОМЕДИЯСИДА ХАЛҚОНА ПАФОСНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ

Нодира Соатова,
филология фанлари номзоди,
ЖДПУ доценти

Аннотация: Ушбу мақола кўпқиррали ижодкор Шуҳратнинг “Қўша қаринглар” комедиясида халқона пафосга хос жиҳатларини аниқлаш, уларни таҳлил қилишда миллий қадриятлар, анъаналар ва бадиийлик тамойиллари каби бир қанча масалаларни ёритишга бағишланган. Драмада Шуҳратнинг адабий-эстетик қарашлари драма қаҳрамонлари нутқидан намоён бўлганлиги илмий асослаб берилади. Комедияда бош ва иккинчи даражали қаҳрамонлар бошидан ўтказган воқеалар орқали ҳаёт сўқмоқларида адашиш, қоқилиш ва ундан сабоқ чиқариб, ўзлигини англаб етганликлари кўрсатиб берилади. Шуҳратнинг драмалари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани мақолада алоҳида эътироф этилади.

Калит сўзлар: драма, комедия, ғоя, пафос, монолог, диалог, қадрият, миллийлик, ибрат, маҳорат.

ХХ аср ўзбек адабиёти тараққиётининг мазмун ва шакл жиҳатдан янгиланиб, тараққий этишини ўрганиш даставвал, “...бадиий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш”[ЎзР Президенти.1:5] ини кўрсатса, иккинчидан, уларнинг жамият ва ҳаёт ҳақидаги хулосаларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса адабиётшунослик фани олдига кўпқиррали

ижодкор Шуҳрат каби қалам аҳлларининг адабий меросини кенг қамровда ўрганиш бўйича муҳим вазифаларни қўяди.

Шуҳратнинг халқчил драматик асарларида халқона пафосга хос жиҳатларини аниқлаш, уларни таҳлил қилишда миллий қадриятлар, анъаналар ва бадиийлик тамойиллари каби бир қанча масалаларни олиш мумкин. “Китобхон ижодкордан ҳар доим мураккаб, оригинал образли фикрлардан иборат янгича “ҳаёт дарслиги” яратиб беришни кутади” [Расулов Т.9:123]. Биз ана шу объектив қонуният мезонларини назарда тутган ҳолда, XX аср ўзбек драматургиячилигида Шуҳрат драмалари ҳозиргача махсус тадқиқ этилмаганидан келиб чиқиб, адибнинг драматик асарларида халқона пафоснинг эстетик моҳияти масаласига муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

Биз муаммо сифатида ўрганаётган “Пафосда шоир худди жонли, гўзал мавжудотга кўнгил бергандек, ғояга мафтун бўлган зот сифатида намоён бўлади, бу мавжудотнинг ўзи ана шу ғоя билан эҳтиросли равишда тўлиб тошган бўлади ва санъаткор ғояни онги, идроки билан эмас, фақатгина бир ҳис билан эмас ва ўз руҳининг бирорта қобилияти билан эмас, балки ўз маънавий ҳаётининг бутун тўлалиги ва яхлитлиги билан мушоҳада этади” [Белинский В.Г..4:378]. Асар пафоси ўз бағрида яширинган ғояни манзилга элтувчи эҳтирос эканлигини И.Султон “Адабиёт назарияси” китобининг “Ёзувчи ижодининг пафоси ва бадиий асар” бўлимида тадқиқ этган [Султонов И. 10:159]. Ҳар бир ижодкор халқ дардини ўз яратиқларида баён килар экан, унда ҳиссий жўшқинлик бўлиши табиий, шу баробаринда “...санъат асарининг мағзи, жавҳари эстетик моҳиятга эга бўлган ҳис-туйғулардан иборат бўлсагина, ўзига хос пафосни ифода этади” [Олимов М 7:7]. Шуҳратнинг “Беш кунлик куёв” (1969), “Қўша қаринглар” (1971), “Она қизим” (1972-1973), “Дўстимнинг ўғли” (1981-1982) каби комедияларнинг эса худди шундай яратиқлар сирасига киритиш мумкин.

Драматик асарлар саҳна учун ёзилиб, асар ғояси негизи пафос билан боғлиқ. Пафос саҳна асарининг табиий ва ҳаётийлигини таъминлайди. Бадиий асар объекти инсон экан, қаҳрамоннинг кечмишлари, руҳий ҳолатлар: бошига тушган офату балодан куйиниб йиғлаш, бошига қўнган бахт қушидан шодлигу қувончга тушиши, яъни инсонларга хос бўлган хусусиятлар: “икки турли ўзгаруб турар, баъзи вақтда фалак бир одамни қайғуга солар, ул ўзи тушуниб, ўйлаб туруб, оҳ тортуб йиғлар. Бу ҳасратларни ўз ичига сиғдиролмас. Бировга айтса, “Вой бечора” деюрмукин, деб қайғусини бировга айтмакка тилар. Тўп тўғри айтганда у қадар таъсир қилмас. Адабиёт ила айтганда албатта таъсир қилар” [Чўлпон. 12:35], экан Шуҳратнинг драмалари ҳам шу мақсад йўлида яратилган.

“Пьеса қаҳрамонларини атайлаб ақлли қилиб кўрсатиш ярамайди. Уларни шундай шароитга тушириб қўйиш керакки, бунда улар ўз-ўзларидан ақл ишлатишга мажбур бўлсинлар” [Дидро Д. 6:107]. Жавлон – “Қўша қаринглар” комедияси қаҳрамони худди шундай қаҳрамонлар сирасига киради. Комедия икки пардали, тўққиз кўринишли. “Қўша қаринглар”

комедиясида Жавлоннинг хотини Тасаддиқхон ортидан ишга бориб, касалхонада ўлим билан олишаётган бир ёш бемор йигитнинг бошига қўлини қўйиб ўтирган ҳолатини кўриб, ич-этини ейиши, жуфти ҳалоли – аёлига шубҳа билан қараши, бунинг натижасида тинч ҳаёти ичидан зил кетиши аччиқ кулгили ҳолатда тасвирланади.

Маълумки, саҳна учун ёзилган асарларда қаҳрамон қиёфаси, характери наср ёки назмдек муаллиф ҳикояси, характеристикаси, портрет тасвири орқали очилмай, балки қаҳрамоннинг бошқалар билан муносабати, ўз нутқи ҳамда бошқа персонажларнинг у ҳақдаги сўзлари, фикрлари орқали очила боради. Тасаддиқхон билан Жавлоннинг диалогидан, эрининг калтабин, қалби нопок характери тўлиқ намоён бўлади. Комедияда келтирилган мана бу матн фикримизнинг тасдиғини кўрсатади.

“Тасаддиқхон (жаҳл билан). Бузуқ эркак-чи?

Жавлон (истеҳзо билан). Эркакка ҳеч нарса эмас, жуда ошиб кетса, “хотинбоз” дейишади. Бу унчалик айб эмас. Эркакнинг фариштаси улуғ” [Шуҳрат. 11:8]. деган сўзлари Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Ҳомиднинг “Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ... хотинларга “эр” деган исмнинг ўзи кифоя” [Қодирий А 13:10-11]. деган сўзларини ёдга солади.

Комедияда Жавлоннинг ўзига ўхшаган маънавияти паст, ўз ҳаётини изга сололмаган, уч боласи, жуфти ҳалолини кўчага ҳайдаган, иккинчи аёлини “ичишни камайтиринг” деган сўзлари учун қўйиб юборган, доимо кайфи баланд бўлиб юрадиган Тайлоқхўжанинг хотини ҳақидаги иғво сўзларига учиб, аёлини уйдан ҳайдаб юборади.

Тасаддиқхон қайнонаси қишлоқда тургани учун у ерга бормай дугонаси Севарникига боради. Севаранинг сўзлари билан айтганда, “учган қушнинг қўнадиган ерини биладиган” қайнотаси Собитҳафсала Тасаддиқхонга ёрдам бериш таклифини беради. Воқеалар ривожида Собитҳафсала ҳийласи билан Жавлоннинг кўзлари мошдек очиб қўйилиши ишонарли комик тарзда тасвирланади. Шу ўринда айтиш лозимки, комедияда бош қаҳрамон билан бирга иккинчи даражали қаҳрамон Собитҳафсала образи “..воқеанинг бориши ва тараққиёт механизмида зарур бўлмаган битта ҳам шахс бўлмаслиги керак” [Белинский В.Г.3:194], деган қарашнинг тўғрилигини кўрсатиб берган. Воқеалар тафсилотини ипидан игнасигача ўрганган Собитҳафсала ишга киришади, унинг режасича Жавлоннинг кўзларини очиш учун Тасаддиқхоннинг турмушга чиқиш саҳнасини уюштириш керак. Пухта режа. Келини Севаранинг эрини, уйланмаган йигит алфозида, гўёки Тасаддиқхонни ёқтириб қолиб уйланмоқчи бўлган қилиб кўрсатиш керак. Комедияда бу жараён Шуҳрат томонидан маромига етказиб тасвирланади.

Собитҳафсалани Жавлоннинг олдига келиб, гўёки танимаган ҳолда ўзини сипо тутиб, келин қилиш мақсадида Тасаддиқхонни суриштириши Жавлонни шошириб қўяди. Зеро, “кулгили ҳолатлар кўпчилик ҳолларда шакл билан мазмун, интилиш ва натижа, даъво билан ҳақиқат, улуғворлик билан реал пуч моҳият ўртасидаги аниқ ёки яширин номувофиқликда, зиддиятда

кўринади” [Абдуғафуров А. 2:30]. Аёлим деб айтолмаган Жавлон, Собитҳафсаладан ўғли ҳақида суриштирар экан, уйламаганини билгач, битта боласи бор жувонга нима сабабдан уйланади, деган саволига “подшонинг ишқи қурбақага тушган экан” деган жавобни эшитгач, ўзи ҳам бақадек қотиб қолади.

Драмада бировдан қолган хотину бировнинг боласини боласи қилиш нарёқда турсин, ўз жуфти ҳалолидан ноўрин сабаб билан юз ўгирган Жавлонни (рашкига сабаб бўлган оғир бемор йигит эртасига вафот этган эди) Собитҳафсаланинг айтган гаплари ўйлантириб қўяди. Бизнингча, ижодкор бу сўзларни Собитҳафсала тилидан айтган бўлсада, бу қарашда адибнинг дунёқараши ўз аксини топгандек:

“Собитҳафсала. Йўқ, бой бўлгур, қишнинг кунидай жуда қисқа ўйлаяпсиз. Бу зўр иш. Биринчидан. Дунёда бир тирик етим камаяди, иккинчидан, бир беванинг кўз ёши тинади. Қиз олиб кўнгилсиз бўлганлар, ажралишиб кетганлар озми? Гап қиз-жувонликда эмас, инсофда, диёнатда. Қиздур, жувондур аёл зотида ҳаё, иффат, номус бўлиши шарт”[Шуҳрат. 11:19]. Мана шу ўринда адибнинг адабий-эстетик қарашлари, иймон-эътиқодли аёлларга бўлган хайрихоҳлиги кўринади.

Собитҳафсаланинг Тасаддиқхонга уйланмоқчи бўлган ўғли инженер эканлигини билган Тойлоқхўжа Жавлонга “Бир машина ғишт фалон пул!. Обрезной тахта-чи? Бир машинасини оширса борми.. Битта мактабнинг завхози мен шунча ишни қилиб юрибманку” ”[Шуҳрат. 11:19], деган сўзларидан жамиятда ўша пайтда урчиб келаётган порахўрлик, давлат мулкига ҳиёнат қилишлик каби иллатларни моҳирлик билан Собитҳафсала нутқида бериб кетиши драманинг аҳамиятини оширган.

Комедияда Тасаддиқхоннинг ички бўқоқини даволатиш учун касалхонага ётишлигини айтиб, боласини Жавлонга қараб туриш учун ташлаб кетиши асар драматизмини кучайтирган. Драматург асар қаҳрамонига боласини қаратиш баҳонасида, ҳам ишлаб, ҳам рўзғор қилиб, бола боқаётган аёлнинг зиммасида бўлган оғир рўзғор ишларини кўрсатиб берар экан, эркакларни шунча залворли юкни нозик елкасига кўтарган аёлга илиқ муносабатда бўлишлик кераклигини кўрсатиб беради.

Диалогсиз драматик асарни тасаввур қилиш мумкин эмас. Зеро, “Пьесада иштирок этувчи шахслар фақат ана шу шахсларнинг нутқлари воситасида, яъни тасвир тили билан эмас, соф жонли тил воситасида яратилади”[Горкий М.5:192]. Худди шундай диалоглардан бири эшик қоқиб келган Собитҳафсала билан Жавлон ўртасидаги суҳбатдир. Жавлон эшикдан кириб келган Собитҳафсалани кўриб ҳафсаласи пир бўлади. Келин бўлмиш касал бўлиб ётиб қолганини айтганда, ичдан зил кетиб:

“Жавлон. Бойвачча куёв болага айтинг-да машинасида айланириб юрганда, ойнасини бекитиб қўйсин, шамол бўқоққа ёқмайди.

Собитҳафсала. Сиз шунақа қилармидингиз? Ўша учрашганимизда огоҳлантирмаган экансиз -да, бой бўлгур. Энди ҳисобга оламиз, ўғлимга айтаман ҳисобга олади.

Жавлон. Иложи бўлса паранжи ёпиштирсин, шамол тугул, бегона эркакнинг кўзи тушмайди.

Собитҳафсала. “Бегона эркакнинг кўзи”, бу ҳар кимнинг виждонига боғлиқ. Кўчада очиқ юрган ҳар бир аёл ғар-у, ҳар эркак ҳаром ният эмас. Ҳаром иш қиладиганлар паранжи-чачвон довруғли пайтда ҳам бўлган, бой бўлгур. Эркакка ҳам олам паранжидагидек қоронғу”. Собитҳафсала сўзларидан Жавлоннинг дунёқараши торлигини, китоб ўқимаганлигини, жумладан Абдулла Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин”, ёки дунё адабиётининг дурдона намунаси бўлган “Минг бир кеча”ни ўқимагани кундек равшан бўлади, ўқиганда у дунёга ҳозиргидек эмас, Собитҳафсала кўзларидек назар ташлаган, равшан фикрлаган бўлар эди.

Драмада Собитҳафсаланинг Жавлонга берган маслаҳати аёлига ўз эҳтиёжини қондирадиган тегишли бир буюмдек қарайдиган, аёлининг ҳис-туйғулари билан қизиқишни билмайдиган эркакларга қаратилгандек янграйди: “Ҳеч қандай қулфу занжирнинг кераги йўқ, бой бўлгур. Сиз шундай яшангки, сиз айтгандек ширин сўзни бошқа ҳеч кимдан кўрмасин. Хотин тутиш ҳам бир санъат. Булбулнинг ҳам эркаги сайрайди, бой бўлгур! Гўзал гўзал эмас, севилган гўзал! Ахир асалари ҳам сўлиган гулдан бол эммайди” [Шуҳрат. 11: 35-36].

Драмада Жавлоннинг онаси қишлоқдан ташриф буюриши, аёлсиз уйнинг файзи бўлмагандек, ҳамма ёқ ивирсиб ётганини кўрган онаси Ўғилбиби Жавлонни қилган хатоси учун қаттиқ койиши, унга жавобан уни эрга тегаётганини айтганда онаси ўғлига ишонмай, келини Тасаддиқхонга бориб берган дашноми драмада алоҳида аҳамият касб этади. Чунки қайнона танбеҳида оила қурадиган ҳар қизга ибрат бўладиган сабоқнинг берилиши асарнинг таъсирчанлигини кўтарган:

“Бир уйнинг тўрт бурчаги бор. Икки бурчагидан бол, икки бурчагидан қон томади. Болидан лаззат кўрган, қонига ҳам чидайди. Ёки бир хил хотинларга ўхшаб эрингизга устунлик қилгингиз келиб қолдими! Қўйинг-э, сизга ярашмайди. Ўз қадрини билмаган хотин шунақа қилади.

Севар. Вой, холажон, Тасаддиқхон опам унақа хотинлардан эмаслар. Эрларини орқасидан ҳам сизлаб гапирадилар.

Ўғилбиби. Гапиргани шуми! У, унда зор, бу бунда зор. Минг қилганда ҳам эр-авра, хотин-астар. Авра астардан ортиқ турмайди.

Севар. Вой, холажон-эй, бирам қизиқ гапларни топиб гапирасизки..бизлар астарми?

Ўғилбиби. Ҳа, астар! Аврани авра қиладиган астар. Яхши бўлсангиз ипак астар, ёмон бўлсангиз бўз астар.

Севар. Руслар “хотин – бўйин” дейишади. Сизники уларникидан ҳам ўтиб кетди, холажон.

Ўғилбиби. Ҳа келинг, ўшалар айтгандек бўйин бўла қолинглар. Лекин эсинглардан чиқмасинки, бўйин қанча узун бўлмасин, бари бир бошдан қуйида туради” [Шуҳрат. 11:46].

Драма икки ёшнинг қайта топишиши билан тугайди, бунга ақли расо катталар: Собитҳафсала ва Ўғилбибининг ҳиссалари катта бўлади. Айниқса, асар охирида Собитҳафсала тилидан айтилган “қайнанали келин қарқара келин, қайнанасиз келин масхара келин” деган сўзлари комедияда ўзбекона миллийликни кўрсатган.

Юқоридаги Шуҳратнинг биргина драматик асари таҳлилидан кўриниб турибдики, ижодкорнинг драмалари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган экан “..саҳнага қўйилмаган драматик асар уйқудаги гўзал”[Погодин Н. 8:227] лигини ҳисобга олган ҳолда, ўз вақтида саҳнадан тушмаган ижодкор драмаларини бугунги кунда ҳам ўз томашабинларига етказиш муҳим, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил, 5 апрелдаги ПҚ-3350-сон рақамли “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2018 йил 6 апрель № 15 (4465)
2. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира.-Т: Фан. 1972
3. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1955.
4. Белинский В.Г. Собр.соч.. – М .: т.3. 1949.
5. Горкий М. Адабиёт ҳақида. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962.
6. Дидро Д. Собрание сочинение. – Москва – Ленинград: Наука, Т. 5.
7. Олимов М. Хозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Тошкент: 1994.
8. Погодин Н. Автобиографическая заметка. – В кн.: Советские писатели. В 2-х т., Т. 2. – М.: Госполитиздат, 1959.
9. Расулов Т. Адабий ижодда услуб //Адабиёт назарияси. Икки томлик. 11 том (Адабий–тарихий жараён). –Т.: Фан, 1979.
10. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
11. Шуҳрат. Беш кунлик куёв. Пьесалар.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
12. Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: Чўлпон, 1994.
13. Қодирий А.Ўткан кунлар. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2014.

ЙИЛ ҲИКОЯЛАРИ ТАДҚИҚИ

Айимхан ЭШНИЯЗОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: Ушбу мақолада “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 2021 йилда чоп этилган ҳикоялар таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: ҳикоя, воқеа, тасвир, сюжет, тарихий ҳикоя, бадиий маҳорат, услуб, қаҳрамон.

“Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида 2021 йилда чоп этилган ҳикояларини сарҳисоб қилар эканмиз, адабиётимизнинг салмоқли жанрига айланган ҳикоячилигимизда адибларимизнинг самарали ижод қилаётгани, янги юрилмаган йўллардан юриш, бугуннинг маънавий қиёфасини ёритувчи, натижали баҳс-мунозаралар, таҳлилларга туртки бўладиган масалаларни қаламга олишга интилаётгани кузатдик. Адибларимизнинг изланишлари туфайли замонавий жаҳон адабиётидаги янгича тамойилларга туташ, айни пайтда миллий қадриятларимиз заминида шаклланган бетакрор ҳикоялар матбуотимиз саҳифаларини тўлдирди.

Байрам Алининг “Кутилмаган ташриф” ҳикоясида дўст хиёнати, икки дўстнинг бир қизга кўнгил қўйиши Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси сюжетини эсга солади. Воқеаларни қаҳрамонлар диалоги асосида ёритади. Адиб ҳикояга бош қаҳрамон сифатида ёзувчи образини танлаган бўлиб, воқеалар ҳикоя ичида ҳикоя шаклида бадиий ҳақиқат асосида ҳаёт ҳақиқати айтилади. Асар қаҳрамони йиллар ўтиб дўстига қилган хиёнатни тан олган, ботинидаги изтиробни ўз асарида айта олган Бердиёр Исмат. Унинг фалсафаси “... табиат ҳодисалари – тақдири илоҳий”. Табиатда нима содир бўлмоғи керак бўлса, юз бериш ҳақиқатини инсон тақдири билан муштаракликда кўради. Ёзувчи ҳикояни ҳам шу фалсафа асосида номлайди. Асарда ҳаловатдан изтиробни афзал кўрувчилар нафратга лойиқ дея ўз виждонига таскин бераётган инсон қиёфасини кўришимиз мумкин. Ҳикоя бадиий асар ёзувчининг дарди хулосасини беради.

Шодиқул Ҳамроевнинг “Тушимдаги оловхон” ҳикояси воқеалари кечувчи замон ва макон туш. Оловхон – шайтон, иблис. Инсонни ҳар диом йўлдан уришга интилади. Муқаддас китобда шундай дейилади: “Мени иғвога учирганинг сабабли, албатта, мен уларни Тўғри йўлингдан тўсиб ўтираман. Сўнгра, уларнинг олдиларидан, орқаларидан, ўнг томонларидан ва чап томонларидан келаман. Ва уларнинг кўпларини шукр қилувчи ҳолда топмассан” (“Аъроф” сураси, 16-17 оят). Ҳикоя Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши архитепига асосланган. Илон тимсоли азалдан алдаб-авровчи, Оловхоннинг воситачиси. Архитепда эса шайтон илон қиёфасида жаннатга киради. Ҳикояда Шайтон меҳробдан жой олган жонзот, оловдан

яралган (Оловхон), қудрати дунёни титратадиган беназир зот, оловдан яралгани учун дунёга ҳарорат бағишлайди, ақли бутун, кўзи очиқ каслар унга интилади, бу дунёнинг саодатига эришиш учун унинг этагини кўзларига сурадилар дея таърифланади. Унинг ваъда қилган саодатига эришиш учун унга қалбингиздан жой беришингиз лозим. Оловхон – лаънатланган маҳлуқ. Ҳикоя инсонга ойна тутади. Шайтон ҳар доим меҳроб, яъни қалбимизнинг эгаси бўлиш, ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Ш.Ҳамро ҳикоянинг ечимини китобхонга ҳавола қилади. Инсон Оловхонни маҳв этадими ёки унга кўнгил тубидан жой берадими ёзувчи билмайди. Ҳукмни инсоннинг ўзи чиқаради.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Дардингни олай” ҳикоясида бугунги кундаги инсонийлик мезонининг энг улуғи бўлган меҳр-муҳаббат ўрнини бепарволик, сохталик ва юзакиликка бўшатиб бераётганини ўзига хос услубда талқин қилади. Ёзувчини қийнаган ва куйлатган дард бугунги куннинг дарди, бутун инсониятнинг дарди. Дард – қандай дард, бу – бепарволик, беэътиборлик. Бу дард жазога лойиқ. Инсоннинг ердан оёғи узилса, фақат ҳавойи нафс қулига айланади, кўзи кўрмайди, қалби эшитмайди. Асар сюжети Эркин Аъзамнинг “Чапаклар ва чалпаклар мамлакатида” қиссасини ёдга солади. Ўзга юртга саёҳат қилган, ҳаммани ҳайратга соладиган қаҳрамон Тошқул юрт соҳибида кибр-ҳаво, беписандлик ва виқор, “ичида дарди бор”лигини ҳис қилади, кўради. Ҳикояда Тошқул одам ичини бехато кўриш-билиш борасида устаси фаранглардан эди дея таърифланади. Тошқул инсониятнинг тупроқдан яралгани, қадами ердан узилмаслигини истаганидан дардингни олай дейди.

Муртазо Қаршибойнинг “Эл-классико” ҳикоясида футбол иштиёқманди бўлган икки қаҳрамоннинг суҳбат асосида китобхон, бадиий асар, босма нашр учлигининг бугунги кунига назар ташланади. Бугунги китобхонларни қизиқтираётган бадиий асарлар, уларнинг мавзу-мундарижаси, нашриётларнинг ғариблигини енгил кулгуга қориштириб беради. Зиёли қатламнинг обрўси тўкилмаслиги учун нашр этилаётган китобдаги хатони тузатишдан кўра, ёлғон маълумотни ҳақиқатга айлантириш йўлига ўтгани, устоз ва шогирдлар қиёфалари ёритилади. Ёзувчининг фокуси оддий қоровулнинг иккита китобдаги камчиликни тезда илғагани ва унга оқилона ечим топа билганига қаратилган.

Ёш ижодкорлардан Ирода Бекмуродованинг “Кимдир” ҳикоясида воқеалар тасвирида, танлаган деталларида ютуғи, топилмалари анчагина. Асар қаҳрамони фарзандсиз, аёлининг таъбири билан айтганда гуноҳкорлиги учун фарзанд кўрмаган, тавба-тазарру қилиши лозим бўлган инсон. Унинг гуноҳи ўз айби учун дўстини қаматди, хотинини уйдан ҳайдади. Қилмишлари олдида ожиз қолган инсоннинг виждони билан юзма-юз қилган савол-жавоби. Ҳикоя қаҳрамонининг хулосаси Назар Эшонқул “Қора китоб” асари қаҳрамонининг қарашларига яқин, яъни “Кўнглим супасида шундай улуғ суд бўлиб ўтди”. Қаҳрамоннинг гуноҳлари имзосиз хатларда ёзилади. Ҳикояда Кимдир қаҳрамоннинг ички “мен”и, яъни у ўзига ўзи тикилиб турган ўзим

эдим дейди. Қаҳрамоннинг: “Яшиннинг нури қуёшникидай бўлолмаслигини энди кўрдим. Мен бир умр ёруғлик деб интилганим аслида бир мартагина чақнагану шу заҳоти ўчган чақмоқнинг ёруғи экан, ҳақиқий ёруғлик қуёшдалиги аён бўлди” хулосасида асарнинг моҳияти акс этган. Ҳикояда гуноҳкор банданинг энг оғир жазоси ўз мени олдида, виждони олдида саволларга жавоб бера олиши тасвирланади.

Муяссар Тиловованинг “Табиб” ҳикоясида одамгарчилик, фидоийлик ва дард тасвири берилган. Пандемия даври, оғир шароит, синовли дамда инсоннинг ўзлигини сақлаб қолиши, оломон психологияси, инсон табиатидаги эврилишларни ўзгача тарзда ёритган. Ота ва қиз ўртасидаги муносабат, оғир вазиятдаги қаҳрамон руҳияти, табиат ва инсон мувозанати, инсоннинг таҳликали дамда синовдан ўтиши, бу жараёндаги оғишлар ўз аксини топган. Қишлоқда тарқалган ўлатнинг авж олиши, табибнинг чорасизлиги ишонарли тасвирланган. Умрини инсонлар деб яшаган чинакам инсонга ҳам қарилик, ҳам касаллик соя солган, қувватини тортиб олган, шундай ҳолатда ҳам табиб Тўра муллани инсофга келтириш учун уйига боради. Мулланинг қилмишлари уни ларзага солади, табиб йўлда вафот этади. Адиба синовли дамда инсон маънавий ва руҳий қиёфасини яхши очиб берган.

Фаррух Жабборов “Топар ойи” ҳикоясида ичкиликка муккасидан кетган, руҳан кучсиз инсон изтироблари тасвирланади. У усти юпун бир қиз, уч ўғилнинг олдида боши боши эгик ота, хотинининг олдида қарздор эр, ҳар доим ширакайф дўст. Ҳикоя қаҳрамонининг исми Эгамқул бўлса ҳам, у Яратганнинг эмас, хўжайинининг, нафснинг қули. Эгамқул жамиятимиздаги оиласига, болаларига ҳам эгалик қилолмайдиган, фикрсиз, қўрқоқ, муте инсонларнинг умумлашма тимсоли. Унинг журъати хўжайинининг тўрт сих кабобни ўғирлашга етди. Ичкиликка муккасидан кетган қаҳрамоннинг бутун фожиасини ҳис қиласиз.

Жасур Кенгбоевнинг “Нимадир йўқолди...” ҳикоясида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани ота ва ўғиллар муносабатида акс этади. Ҳикоянинг тугуни Нурмат отанинг йўқолиб қолиши ва кенжа ўғилнинг жон куйдиришларидан бошланади. Фарзандлар отанинг дилини оғритган. Нурмат отанинг қуйидаги гапларида ҳикоянинг мағзи жамланган: “Кеча онанг тушимга кирибди. Негадир безовта... Раҳматли ўзи билан меҳр-оқибатни ҳам олиб кетгандай”.

Ҳикоянинг сюжети Нормурод Норқобиловнинг “Ададсиз азоб” қиссасини эсга солади. Қиссада бойлик сабаб Нодир чолнинг фарзандларидан кўнгли ўксийди. Нодир чол ҳам тоғда адашиб вафот этганда ити Оққуйруқ ёрдамида топишади. Ҳикояда эса Нурмат отанинг оёғи синиб тоғда адашиб қолганда ити Олапар орқали уни қутқаришади. Ҳикоя хотимасида Нурмат ота косадаги гўштни итга илинади. Унинг ҳаётини ити сақлаб қолган эди. Нормурод Норқобиловда ит образи орқали асосий фокус жонзотларнинг ички олами, инсонга садоқатига қаратилса, Жасур Кенгбоев

ҳикоясида ота ва фарзанд ўртасидаги йўқолиб бораётган меҳрни акс эттирувчи восита вазифасини бажарган.

Холиёр Сафаровнинг “Мағлубиятидан ғалаба” ҳикояси анъанавий йўналишда ёзилган бўлиб, илмнинг қудрати, илмли инсон қадрланиши тасвирланади. Равшан оддий, аммо китобхон дурадгор. Ҳаёт унга илм олишга, олий даргоҳда ўқишга имкон бермади. Ҳикоя номи ва воқеалар ривожида қарама-қаршиликлар кузатилади. Ёзувчи мағлубиятдан ғалаба, дурадгордан ғолиб китобхон, армондан умидни яратади.

Шавкат Дўстмуҳаммаднинг “Бойбованинг болалари” ҳикоясида танлаган мавзу, тил ва тасвир услубида ўзгачаликка интилаётгани яққол кўзга ташланади. Ҳикоя қаҳрамони ровий “Ўлимдан гўзаллик қидирадиган, мол бўғизлаётганда кўзидан ёш чиқадиган, ўлимолди жониворнинг қонталаш кўзидан нафосат қидирадиган” қассоб Ғаниқул. Унинг Бойбоваси – амакиси.

Ҳикояда 1920 йилда Олмонияга борган ўзбекнинг асл ёшлари тақдири, қассобнинг отни майиб қилиб китоб ортиб келган, Бухоро тарихини битган зиёли бобокалонининг қатағон қилиниши, қўрқув кейинги авлодни гунг, сўқир ва илмсиз қилгани тасвирланади. Бойбованинг невараси келажакка умид тимсоли, яъни қўрқув банди қилган ўрта бўғиннинг уйғоқ шамоллар эсганидан дарак берувчи сарин шамоли, мағзи тўлиқ меваси. Бу уйғоқлик, бу илмга ташналик, бу сарин шамолнинг ўз-ўзидан кичик авлодда пайдо бўлиши, балки янги замонга қадам қўйганимиз билан баҳоланар. Бундай залворли, халқ ўзлигига ойна тутадиган мавзуларнинг янгича услубда ёритилаётгани адабиёт оламига истеъдодли ёшларнинг кириб келаётганидан дарак беради. Ҳикоя мавзуси, тили ва тасвир услуби жиҳатдан Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романига ҳамоҳанг. Роман ва ҳикоядаги қаҳрамон ўзлигини англаган, елкасида аждодлар юки бор танланган ёшлар. Романда уйқудаги миллатнинг тасвир бўёқлари жуда қуюқ ва аёл-қизларнинг пок тийнати бутун роман давомида қора рангларда тасвирланади. Ўзбек аёлларининг тоза руҳини романда қидириб ҳам тополмайсиз. Ҳикояда миллатнинг тоза руҳини ҳис қиласиз. Жумладан, Бойбова ва момо тасвирида: “... Пиёлага қуйилган чойни қўлига оларкан, бармоғига тегиб қўйсин момомизнинг. Қизариб, уялиб кетсин етти болани шу кишидан дунёга келтирган момомиз худди бобомизни энди кўраётгандай ийманиб, балоғатга етган қиздай ўтли жилмайиб”. Ҳикояда миллий ўзликнинг ёрқин тасвири, тоза қон келажакка умид ва миллатнинг ўлмаслигидан далолат беради.

Гўзал Рўзиеванинг “Шамоллар макони” ҳикоясида бобонинг хотираси ва хотира муқаддаслиги макон-жой воситасида акс этади. Ҳикоя тили содда, тушунилиши осон, сабр-матонат, борига қаноат, тинимсиз меҳнатнинг самарасиз эмаслиги, меҳнатнинг тўлови яхшиликлар келтиришини акс эттиради. Ҳикоя китоб оламига кириб келаётган ёш авлодни руҳлантириб, келажакка умид уйғотишга хизмат қилади. Шу маънода ёшларимизнинг шу мавзудаги ҳикоялари ҳам ўзини оқлайди.

Ражаббой Рауповнинг “Таҳлика” ҳикояси қатағон қурбонлари хотирасига бағишланади. Қатағон даврининг таҳликаларида инсоннинг

ўзлигини сақлаб қолиши, тузумнинг кўзига тик қарагани учун умри азобда ўтган она ва оила қурмай яшаётган сингил Малика, қурқувнинг қулига айланган, саводсизлиги туфайли ўз укасининг ҳаётига зомин бўлган ака Асад ферма образларида аксланади. У шундай давр эдики, қўрқувга ён берганларни аямади, оқибат афсус-надоматга кўмди. Унсурнинг акаси номидан қўрқиб чўлга қочди, унсурнинг онасидан қўрқиб, яъни ўз онасини охирги йўлга кузатишга бормади. Ҳикоянинг бош қаҳрамони Асад ферма ўз укасини билмасдан сотгани, яъни сохта маълумотга имзо қўйгани учун укаси қатағон қилинган ҳақиқатни англаганда ўзини кечиролмади. Ўтовдан болта билан пичоқни олиб чиқди. Сурувдан қўчқорни олиб келиб, бўғзига пичоқ тортди. Қон отилган лаҳзада оғзини қонга босди, қон шимирди. Нола қилди: “Укажон, сени сотган қўлим сотқин, оғзим қон, ақлим сотқин, бағрим қон”. Айбномага бармоқ босган ўнг қўл панжаларини кундада чопди. Асад ферма ҳаётий мисол келтиради. “Она қўйнинг қулоғини бураб, пешонасига бир мушт урсангиз, боласини унутиб, орқасига қарамай кетади”. Асад фермани ҳам тузум сиёсати шу кўйга солган эди. Оқибат у ҳам бошини кундага уриб ёрди. Ҳикоя мотивида қатағон даври истеъдодларни йўқ қилиш билан бирга, халқнинг юрагига ваҳима солиб, қўйга айлантиришга ҳаракат қилгани тасвирланган.

Мансур Инъомнинг “Қамал” тарихий ҳикоясида мўғил хони Чингизхоннинг гўзал ва беҳисоб бойликларга эга Ахсикент қалъасини эгаллашга бўлган иштиёқи ҳамда ишончли саркарда Жўба Нўённинг қалъани қамал қилиш воқеалари тасвирланади. Ахсикент қалъасининг ҳукмдори шоҳ Исмоил душманга қарши мардонавор курашади. Жўба Нўён қалъани ололмагач, хийла ишлатади, Зебогулдан фойдаланади. Зебогул ўз ота-онасининг, халқининг юзига оёқ қўйган, ҳаётнинг аччиқ синовларини бошидан кечирган аёл. Зебогул душманнинг халқини нобуд қилишига, юртини вайронага айлантиришига имкон яратиб берди. Ҳикояда ёзувчи мардликни куч билан енгиб бўлмаслиги, хиёнат, сотқинликнинг тўлови, синовли дамда тўғри йўлни танлай билишнинг аҳамиятини қамал асосида ёритади.

Салим Ашурнинг “Бугуннинг ҳикоялари” туркумидан берилган “Алдамчи қиш”, “Эркин” ҳикояларида шиддаткор даврда инсоннинг турфа қиёфасини сўзда чизади. “Алдамчи қиш” ҳикоясида касал одамнинг шолғомдан даво излаши, шолғом олишга пули етмаслиги, одамлардан меҳр-оқибат, ишончнинг йўқолиб бораётгани тасвирланади. Эр-хотин сотувчилардан шолғомни қарзга сўраганда сотувчи эркак уни сўкиб ҳайдайди, аёли болаларим учун бераман дейди. Аммо бетоб харидир аёлдан олмайди. Қиш алдамчими, аёлми ёки ҳаётми? Жавобни китобхон чиқаради. “Эркин” ўқишга иштиёқи баланд қишлоқ ёшларининг ҳаётидан ҳикоя қилади. Асар қаҳрамонининг исми Эркин бўлса ҳам, қишлоғига, ижтимоий муҳитига, ота-онасига банди қилинган. Эркин уйидан ўз порлоқ келажаги учун қочади, аммо ёшлиги сабабли қатъий журъат етишмади, қишлоғига

қайтиб кетади. Ҳикоя ўқишга интилган, келажагини ўзгартиришга ҳаракат қилаётган умидли ёшларни тасвирлайди.

Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “услуб ўзгармаса, дунёқараш, ҳаёт мураккабликларини бадиий идрок ва ифода этиш йўсинлари ўзгармаса, шу йўлда турфа тажрибаларга қўл урмаса, бундай ёзувчи нафақат миллий адабиётда лоақал ўз ижодида ҳам бирор янгилик яратиши амримаҳол” деган эди. Биз кегусида миллат дарди, улкан дард билан йўғрилган, инсон тафаккур кенгликлари акс этган ҳикоялар яратилишига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2021 йил сонлари
2. Шарқ юлдузи. 2021. 1-12 сонлар
3. Ёшлик. 2021. 1-12 сонлар

“ЎТГАН КУНЛАР” ТАНҚИДИ ХУСУСИДА

Махфуза ТУЙЧИЕВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,

Аннотация: Мақолада Абдулла Қодирий дунёдаги янги романчилик мактабига асос солган ва ўзбек адабиётида янги саҳифа очган “Ўткан кунлар” романи теграсида бўлган ҳар хил қарашдаги фикрларнинг, муносабатларнинг билдирилиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Абдулла Қодирий, янги романчилик мактаби, газета, журнал, танқид, мақола.

Бадиий адабиётнинг муҳим талаби бор: тасвирланаётган воқеалар, хусусан, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг қилмишлари ишонарли бўлиши керак. Яхши асар ёзиш масъулияти яна биринчи бўлиш масъулияти осон эмас. “Ёзмоққа ниятланганим ушбу “Ўткан кунлар”янги замон рўмончилиғи билан танишиши йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғрироғи, бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги – ибтидоий даврида талай камчиликлари билан майдонга чиқиши, аҳлларнинг етишмакликлари ила секин-секин тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далдасида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурғон қусур ва хатолардан чўчиб турмадим.”

Абдулла Қодирий шу журъати билан дунёдаги янги романчилик мактабига асос солди ва ўзбек адабиётида янги саҳифа очди. “Ўткан кунлар” ўша давр учун янги ҳодиса эди ва асар ҳақида ҳар хил қарашдаги фикрларнинг, муносабатларнинг билдирилиши табиий. Лекин алғов-далғов оғир бир шароитда бу жараён устозимиз, профессор А.Қулжоновнинг

мақоласида айтилаганидек, “ур-йиқитувчиликдан” иборат бўлган, ноҳалол жанг эди. “Ноҳалол жанг ҳеч қачон ва ҳеч вақт чинакам адолатга олиб борган эмас ва олиб бормайди” Қодирий ижодини даврлаштирган адабиётшунос Қулжонов “Ёзувчи ижоди 1917 – 1926 йиллар орасида юксалиш бир даврга кирганини тасдиқ этади. Бу даврни у “Ўткан кунлар”дай машҳур роман билан якунлади...

1926 – 1939 йиллар – А. Қодирий ижодининг сўнги даври бўлиб, у ўзининг баъзи жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, бу йилларда авваллари сингари адиб газета ва журналларда маъсул ишларда хизмат қилмайди. Иккинчидан, 1926 йили нохуш келди – қамалди. Учинчидан, айни шу йилдан бошлаб А. Қодирий ижоди ҳуда-беҳуда кучли танқид объектига айлана бошлади.”[Қушжонов, 5: 26]деб таъкидлайди. Ойбекнинг 1966 йилда “Дуружба народов” журналида чоп этилган мақоласида Қодирийга қилинган тез-тез ҳужумларга ёзувчининг муносабатига тўхталади. “У иложи борича бунга эътибор бермасликка тиришса ҳам танқид тошлари иззат-нафсига тегиб, қалбини яраларди.

- Манавини қаранг-а, - деди у бир мақоланинг муаллифи ҳақида, - бу гўдакни ёзишга ўзим ўргатувдим-ку! Ҳаммасидан ҳам мени ҳақимда ёзганларимни ўзимдан эшитиб олганди, фақат оёғини осмондан қилибди холос! ” [Тўплам 3: 4] Қодирийни қалбини яралаган мақола муаллифи ким? Ойбек бу ҳақда ёзмаган бўлса ҳам Қодирий мақолалари билан танишганлар бу мақола муаллифи Сотти Ҳусайн эканлигини фаҳмлайдилар.

Абдулла Қодирийнинг биринчи романи танқид қилинган мақоланинг ўзи кейинчалик тадқиқотларга сабабчи бўлди. Масалан, Махкам Маҳмудов “Ҳаёт ходисаси ва ижодкор нияти” номли тадқиқотида Сотти Ҳусайн эътирозларига бадиий асар қонуниятларига мувофиқ жавоб беради. Нима учун Қодирий тарихий воқеалар кўламини кенг олмаганлигини, тарихий шахсларнинг сюжетдаги ўрни ёзувчи мақсадига қанчалик мос келишини далилайди.

Ўз даврида Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” ва ўтган кунлар танқиди устида баъзи изоҳлар”номли мақолани эълон қилади. Мақола Сотти Ҳусайннинг “Шарқ ҳақиқати”газетасининг 1929 йилда кетма-кет чоп этилган мақолаларига жавобан ёзилган. Мақола ўз даврнинг адабий, сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги муҳитиин гавдалантириб, айни вақтда адибнинг шахсияти ҳақида ҳам тасаввур беради.

Мақолада Сотти Ҳусайн “бирор йилллар муқаддам” Қодирийнинг ўзидан “Ўткан кунларни танқид қилиш нияти борлигини билдириб ёрдам сўраганлигини, ёзувчи унга “агар сиз шу ниятингизга собит қолсангиз, танқидчиликдаги бир нуқсонимизни йўқотасиз!”дея керакли маълумотларни бериб, роман ёзишга ҳаваслантирган Жўржи Зайдон билан таништириб, унинг асарларини тавсия қилганини ва орзуси бўйича таржимаи ҳолини ёзиб берганини келтиради. “Дарҳақиқат, сиз ва бизнинг вазифамиз бундай ёш ва ғаюр йигитларга ҳам доим далда беришликдир”дейди ва Сотти Ҳусайннинг танқидига жавоб берганларнинг баъзилари “бу қадар катта ва тўла танқидни

кўрмаган”ликлари сабаб ёки “эҳтимолки, маним юзим учун бўлса керак” “зериктирди, мавзудан чиқди”дея мунаққиднинг баҳсига тушунмаганлигидан деб изоҳлайди. Уларни холис бўлишга чақиради. Танқидчининг қусурини “бунинг ёшлиғига ва тажрибасизлиғига ҳавола қилиш лозимдир”дейди. [Қодирий, 4: 194]

Қодирий асар ҳақидаги танқидларга жавоб беришни ўз вазифаси деб билмайди (“чунки бу меним вазифамга кирмас деб ўйлайман”) фақат “ғариброқ туюлган бир неча нуқталар устида изоҳлар бериш”ни лозим кўради.

Адиб мақолада ўзини “мантиқсизлик” айбланганлигига кенгроқ изоҳ беради. Сотти Ҳусайн “Кумуш қиз экан, ота-онаси ундан сўрамай, ризолигини олмай эрга беради, эрдан чиққандан сўнг (Отабекдан сохта ажралганидан кейин)иккинчи эрга беришда ота-онаси Кумушнинг ризолигини оламиз, деб овора бўлишадилар. Бу мантиқсизлик А. Қодирийнинг эсига келмайди, чунки шу мантиқсизлик ишлатилмаса, романни боғлайдирган ип чўзилиб кетади”деб ўтади. Қодирий ўз изоҳида халқ урф-одатларини яхши билишини асар воқеалари устида чуқур ўйлаганини мисоллар орқали далиллаб беради. “Ёзувчиларимиз ва танқидчиларимиз учун халқ орасига кириш, унинг урф-одатига гарчи машаққат бўлса ҳам вуқуф ҳосил қилиш лозимдир”дейди.

Хушруйбиби танқидчига ғайри табиий (бўлмаган) тип бўлиб кўринади. Қодирий бунга жавобан мунаққидни “турмуш кишиларини ўрганиш учун машаққатини зиммага олиш керак”лигини билдиради. Дарҳақиқат, ёзувчининг ўзи ҳаётни синчковлик билан кузатган. Ойбек таърифлаганидек “Абдулла Қодирийнинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади”

Бу образ Абдулла Қодирий инсон психологиясини чуқур билганлиги билан бирга ёзувчи сифатида асар фабуласини яхши ўзлаштирганлигини кўрсатади. Хусусан, Матёқуб Қўшжонов [Қўшжонов,5:64] фикрича, Хушрўйбиби образи ёзувчи томонидан мантиқий куч борасида алоҳида ғам ейиши ҳосиласидир. Олим “Ўзбекнинг ўзлиги”китобида Хушрўйбиби образининг асардаги ўрнига алоҳида тўхталади. Роман охирларида ҳалигача бирор сезиларли ҳаракат қилиб ўзини кўрсата олмаган Зайнаб воқеаларда иштирок этиб ўзини кўрсатиши керак. Зайнаб образини ғоят масъулятли ишни бажаришга восита сифатида Хушрўйбиби жалб қилинади. Зайнаб вазиятга қараб дарров хулоса чиқарадиган, ўша вазиятга мос бирор тадбир кўриш учун шошиладиган шахс эмас, балки дардини у қанчалик оғир бўлмасин, ичига ютиб, пишириб юрадиган бир кимса. Унинг кўзини очадиган Хушрўйбиби бўлади. Эгачиси ўргатган ақлга биноан Зайнаб Кумушни заҳарлайди. Бу ишни Хушрўйбиби аралашмасдан қилиниши характерлар мантиғини бузилиши бўлар эди. Зайнабнинг феъл атвори агар эгачисиникига ўхшаш бўлганда ҳам мантиқ бузилар эди. Чунки Зайнаб ўз ҳиссини, ўз ниятларини дарров ифода қила бермайдиган, ичидан пишиб юра

берадиган бир шахслигидан Отабекни ғафлатда қолдирди. Демак, романнинг асосий тугунини ишонарли қилиб ечишга олиб бориш учун Хушрўйбиби керак эди. Бу ерда икки образ бирлиги бажарилиши қийин бўлган бадиий мақсад орқали амалга оширилди.

“Қизил Ўзбекистон”газетасида 1935 йилда чоп этилган “Ёзувчи ўз иши тўғрисида”докладида А.Қодирий шундай ёзган эди: “Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар томонлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиши керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар ”. Шу сабабли ҳам адиб романи давр синовларидан ўтиб, севиб ўқилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳкам Маҳмудов “Талант ва ижод фалсафаси”. – Т.:1976. – 284 б.
2. Наср султони. – Гулистон: 1994. 116 б.
3. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. – Т .:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 176 б.
4. Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Т.: 1969. – 216 б.
5. Матёқуб Қўшжонов “Ўзбекнинг ўзлиги”. – Т.: 1994. – 133 б.

АДИБАЛАР НАСРИ МАРГАРЕТ ОЛИФАНТ ИЖОДИ ТАЛҚИНИДА

Хулкар МУХАММЕДОВА,
фалсафа доктори, PhD., доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация: Мақолада XIX аср инглиз адабиётида сермаҳсул ижод қилган адибалардан бири Маргарет Олифант ижоди таҳлилга тортилган. Шотландиялик адиба Маргарет Олифант серқирра ижодкор ҳисобланади. У ҳаёти давомида ўттиздан ортиқ асарлар яратди. Адиба викториан анъаналар таъсирида улғайган бўлишига қарамай аёлнинг тенг хуқуқли шахс сифатида тасвирлашга ҳаракат қилди. Маргарет Олифант аёлнинг қалб кечинмаларини сўз билан ифодалаб беришга кучли эътибор қаратади. Адиба ижодида турли типга мансуб аёл образларини кўришимиз мумкиндир. Бундай образларда оддий уй бекасидан тортиб қиролича Виктория тимсолидаги аёлларни кўришимиз мумкиндир.

Калит сўзлар: Викториан давр, образ, асар, анъана, хусусият, қаҳрамон, адабиёт

Адибалар насри атамаси нафақат инглиз адабиёти балки инглиззабон ва ғарб адабиёти тарихида ўзига хос бўлган тарихга эгадир. Бу атама ҳозирги кунгача баҳсталаб мавзулардан бири ҳисобланади. Бугунги кунгача бу

масала юзасидан тадқиқотчилар ҳамон илмий изланиш олиб бормоқдалар. XIX аср инглиз адабиёти тарихида адибалар насри юқори босқичга кўтарилди. Айнан мана шу давр инглиз адабиётида викториан давр номи билан аталди. Англия қироличаси бўлган Виктория ҳукмронлигида инглиз адабиётида адибалар томонидан шоҳ асарлар яратилди. Булар опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл, М.Олифант ва Ж.Элиотлар эди. Гарчанд ўз даврида адибалар насри муносиб тарзда баҳоланмаган бўлишига қармай, адибалар ўзига хос овозга эга эканлигини асарлар мисолида исбот қилишди. Адибалар орасида Шотландиялик Маргарет Олифант ижоди юқорида таъкидлаб ўтилган адибаларга қараганда кам ўрганилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Унинг ижодини ўрганган тадқиқотчи Роберт Колби адибага "pot boiler-қайнаган қозон" деб ном берган эди[Colby R.1:104] Адибанинг сермаҳсул ижоди шуни кўрсатадики юздан ортиқ мақола ва ўттизга яқин йирик роман мавжуд. Инглиз тадқиқотчси Э.Жэй фикрига кўра Маргарет Олифант романлари нафақат Англия балки Шимолий Америка қолаверса Европа мамлакатларида шуҳрат қозонган, адибанинг ўзи яхши таҳрирчи сифатида ҳам танилган[Jay E.2: 69].

1849 йили адибанинг илк романи "*Passages in the life of Mistress Margaret Maitland -Муаллима Маргарет Мэйтленд ҳаётидан лавҳалар*" нашр этилди. Адибанинг илк романи нашр этилган вақтда йигирма бир ёшда эди. Орадан беш йил ўтиб адибани танқидчи сифатида ишга таклиф қилишди. Адиба ижодига баҳо берган танқидчилар Маргаретнинг ҳаётий тажрибаси катта эканлигини таъкидлашади. Адиба романлари ва ҳикояларида жонли ифода мавжудлигини ва бу айнан адибанинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ эканлигини ҳам билдириб ўтишади.

1862 йилда адиба "*The Doctor's family-Докторнинг оиласи*" романини яратди. Романнинг асосий қаҳрамони Нэтти Андевуд исмли қиздир. У опаси билан бирга турмуш ўртоғи Фрэд Райдерни топиш мақсадида Австралиядан Англияга келган. Опасининг уч нафар фарзанди ҳам бор. Нэтти опасини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга ҳаракат қиларди. Фрэд укаси доктор Эдвард Райтер билан бирга яшарди. Нэтти илк марта доктор Эдвард Райдер билан тўқнаш келганида ибрат бўла оладиган викториан инглиз аёлига ўхшамасди. У қорачадан келган бўлиб, тим қора кўзлари чақнаб турар, қизил лаблари эса билинар билинмас титрарди. Шу билан бирга унинг феъл атворида қизларга хос димоғдорлик мавжуд эди. Унинг чақнаб турган қора кўзларида атрофдагиларни айниқса йигитларни мафтун қиладиган аллақандай жозиба бор эди. Нэтти ўзи ҳақида мен ўзим ҳақимда қайғура оламан ва бу билан Лондонлик ойимтиллаларга ўхшамайман деб таъкидларди [Oliphant M.4:77-78]. Нэттининг мақсади опасига ёрдам бериш, уни оғир дамларда қўллаб-қувватлаш билан бирга унинг турмуш ўртоғи Фрэд Райтерни топиш эди. Бу хусусият асар муаллифи билан қаҳрамон табиатида мавжуд. Нэтти сингари Маргарет ҳам оиласини доимо қўллаб қувватлаб келарди. Ўзи гарчанд молиявий кўмакка муҳтож бўлсада ўзи ишлаб топишни афзал кўрарди. Маргарет ҳар доим иккита акасининг фарзандларига кўмаклашиб келарди.

Нэтти кечалари тикиш ва бичиш ишлари билан банд бўлган бўлса, Маргарет ёзиш билан банд бўларди. Нэтти ва Маргарет яшаш учун курашишарди. Уларнинг иккаласи ҳам оиланинг муҳим кишиси яъни оила боқувчисига айланиб қолганди. Ўн тўққизинчи асрда аёлнинг оила бошлиғи яъни таъминотчиси бўлиш ноодатий ҳол эди. Нэтти Калингфорддан ижарага уй топиб опасини ва жиянларини жойлаштиради. Шу билан бирга ижара ва кунлик харажатларни ҳам ўз зиммасига олган эди. Нэтти бу билан оиланинг "rigid gueardianship-қаттиққўл поспони"га айланиб қолди. Эдвард Райдер оила аъзоларининг Нэттига қулоқ солиши ва унинг маслаҳатларига амал қилиши ажаблантирган эди. Нэттининг оилани бошқариши айниқса учта жиянини йўлга сола олиши ва бунга маъсулият билан ёндашиши китобхонга унинг ибрат бўла олгулик сифатларини кўрсатади. Маргарет Олифант эса бу билан оилада ҳамманинг ҳам маъсулияти мавжудлигини ва айниқса оила бошқарувида ота-онанинг ўрни муҳимлигини кўрсатиб беришга уринади. Кейинчалик Нэтти кекса ота-онасига ҳам ғамхўрлик қилади. Нэттининг бундай жиҳатлари викториан давр аёлининг шундай бўлиш кераклигини кўрсатади. Зеро оила бекасининг вазифаси оила аъзоларига ғамхўрлик қилишида ва ўзини оиласига фидо қилишида кўринишини Маргарет Нэтти мисолида ёритиб беришга уринади. Шу билан бирга опасининг оиласига ғамхўрлик қилишга Нэтти мажбурмиди ёки у Маргарет Олифантнинг қиёфасими деган мулоҳазали савол туғилади. Биз бу саволга адибанинг ҳаётий манбаларидан жавоб излашга уринамиз. Маргарет ҳам Нэтти каби жиянларига ғамхўрлик қилишни бурчи деб биларди. Уларнинг ҳолидан хабар олган ва уларни қайсидир маънода тарбия қилган Маргарет учун муҳим ҳисобланади. Дастлаб учта опа ва акаларидан айрилган адиба уларни йўқотмаслика уринарди ва яқин ришталарни сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Айнан "Докторнинг оиласи" асарида биз оила учун жонкуяр бўлган Маргаретнинг прототипи бўлган қатъиятли Нэттини кўрамиз.

Асардаги Фрэд Райдер образи мисолида биз адибанинг укаси Вилли қиёфасини кўрамиз. Маргарет Олифантнинг барча асарларида эркак образлари аёлларга қараганда кучсиз ва жонсиз яратилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Фрэд Райдер ўзининг оиладаги масъулиятини ҳис қилмасди ва у укаси Эдвард Райдер қаноти остида яшашни афзал кўрарди. Бу Виллига хос бўлган жиҳатдир. Оила бошлиғи масъулиятини билмаган Вилли ҳам Маргарет қаноти остида бўлишни мақул кўрарди. Адибанинг шахсий ҳаётига оид айрим воқеа ҳодисалар мазкур асарда ўз аксини топган. Дастлаб асарда Фрэд "*a large man, interpenetrated with smoke and idleness – чекишга муккасидан кетган катта бекорчи одам*" [Oliphant M. 4:154] сифатида тасвирланади. Вилли прототипини адиба "*nobody's enemy but his own-ўзига-ўзи душман*" сифатида очиб беради. Мазкур асарга инглиз адабиётшуноси Эллен Моэрс Англиянинг қимматли ва машҳур асари бўлганилигини таъкидлаб ўтади [Moers E.3:49].

1866 йилда Маргарет Олифантнинг "*Miss Marjoribank-мисс Мэжорибанкс*" нашр этилади. Мазкур асар адиба асарлари орасида шоҳ асар

ҳисобланади. Одинги образларидан фарқли ўлароқ бу сафар адиба аёл тафаккурига эътибор қаратади. Асар қаҳрамони Лусилладир. Мазкур образни муаллиф қуйидагича тасвирлайди: "*She was well-developed but not at all pretty as yet – у ақлли бироқ ҳуснда етарлича гўзал эмас эди*"[Oliphant M.5:8]. Бир тарафдан Лусилла Жорж Элиот яратган Доротея Брукка ўхшаб кетади. Онасининг вафотидан сўнг Лусилла отасига энг яхши ёрдамчига айланади.Мактабда ўқир экан Лусиллани атрофдагилар катта қиз деб аташарди: "*For Lucilla was already personage at Mount Pleasant – the most common description they gave her was – a large girl* –Маунт Плезант мактабида Лусилла аллақачон ўз мавқеига эга эди ва унга катта қиз деб таъриф беришарди"[Oliphant M. 5:5]. Мактабда етарлича ўқиган Лусилла ўқишни тугатиш учун ҳорижга жўнаб кетади. Орадан бир йил ўтиб у Калингфордга қайтиб келади. У ҳар тарафлама ривожланишга ҳаракат қилишига қарамай етарлича чиройли эмас. Унинг қалин сочлари жинглаксифат бўлиб доим тўзғиб турарди. Бир неча бобдан сўнг китобхон Лусилланинг оддий викториан аёллари каби итоаткор ва тобе аёл эмаслигини сезади. Унинг феъл атворида дадиллик ва кучли ирода мужассам эди. Унинг кучли ирода соҳиби эканлиги айниқса унинг парламент аъзоси бўлишга уринишларида кўриш мумкин. Хорижда ўқиганлиги унинг ўзини тутишида ва муомаласида сезилиб турарди. Айниқса унинг нозик қочиримларга бой киноялари атрофдагилар билан қилган муомаласида яққол кўзга ташланади. Танқидчи Ливис фикрига кўра Лусилла викториан аёл образининг янги қиёфасидир. Янги қиёфада биз эркакларга хос бўлган тафаккурни ва ақлни кўрамиз.

Лусилла мактабда ўқир экан ўқитувчисидан сиёсий фанлардан билим беришини илтимос қилади. Сиёсий фанларни ўрганар экан у мактабда яхши нотиқ сифатида шаклланади. Калингфорд шаҳрида Лусилла пайшанба кечалари ташкил қиларди. У ҳар соҳада етакчилик қилишга уринишлари пайшанба кечалари мисолида кўришимиз мумкин. Пайшанба кечаларига келган меҳмонларни у ўзи тайёрлаган таомлар билан сийлар, либослар намойишларини ўтказар ва аста-секинлик билан пайшанба кечалари Калингфорднинг асосий кунига айланди. Бу кечаларда Калингфорд шаҳри етакчилари Лусилла билан сиёсат ҳақида суҳбатлар бўлар, парламентда юз бераётган ўзгаришлар муҳокама қилинарди. Пайшанба кечалари фақат кўнгил очди кеча эмас эди. Нуфузли меҳмонлар даврасида Лусилла нотиқлик санъатини намойиш қила оларди. Бу Калингфорд қироличаси мавжудлигини кўрсатарди. Викториан даврда чекланган аёлларнинг бундай ҳаракат қилиши бироз ажабланарли туюлади. Маргарет Олифант айнан Лусилла мисолида қиролича Виктория образини тасвирлашга уринади. Унинг саъй ҳаракатлари билан кейинчалик пайшанба кечалари ташкилотга айланади. Бу ташкилотнинг муҳим аъзоси Лусилла бўлиб қолди. Калингфорддаги ўзгаришларда Лусилланинг роли мавжуд. Танқидчи Э.Лэнгланд фикрига кўра "Мисс Мэжорибенкс" асарида аёлнинг ривожланган тафаккури ва унинг жамиятни бошқара олиш кучи намоён бўлади.

Лусилланинг ноодатий образ эканлиги ва бу образнинг жуда бўрттириб юборилганлигини кўплаб танқидчилар эътирозли фикр билдиришган. Маргарет Олифант бундай образ мисолида янги аёл қиёфасини яратганини таъкидлайди. Жамиятнинг фаол аъзоси, ўз мавқеига эга Лусилла викторианликлар учун ибратли намуна бўла олди. Коментри Петморнинг уй фариштаси эндиликда уйдан ташқарига чиқиб янги қиёфага киргандек эди.

1876 йилга келиб адиба “Калингфорд хроникалари” туркумига кирувчи “Ёш Фуби” номли асарини нашр эттиради. Олдинги асарларидан фарқли ўлароқ бу сафар адиба викториан анъаналарига мос келувчи образ яратди. Асар қаҳрамони роман сарлавҳасида таъкидланганидек Фуби Бихем исмли қиздир. XIX аср инглиз адабиётида роман сарлавҳасини бош қаҳрамон билан номлаш анъана сифатида шаклланди. Айнан мана шу даврда бундай типдаги романлар бошқа даврларга қараганда жуда кўп учрайди. Маргарет Олифант ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Адибанинг бир қатор “Agnes-Агнес” (1866), “Madonna Mary-Мадонна Мэри” (1867), “Mrs. Arthur-Мис Артур” (1877), “The Lady Lindores-Линдорс хоним” (1883), “Sir Tom-Жаноб Том” (1883), “Hester-Эстер” (1883), “Old Mr. Tredgold-Кекса жаноб Треголд” (1895) каби романлари бош қаҳрамон номи билан номланган. Серқирра ижодкор ҳисобланган Маргарет Олифант ижоди бугунги кунда ҳам тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Colby R. *The Equivocal Virtue: Mrs. Oliphant and the Victorian Literary Market Place*. New York: Archon Books, 1966. – 250 p.

2. Jay E. Women’s writing. London: Routledge 1999. –P 340.

3. Moers E. Literary Women: The Great Writers. Oxford: Oxford University Press 1977. – 370 p.

4. Oliphant M. The Doctor’s family. London: Methuen & Co. Ltd 2010. –260 p.

5. Oliphant M. Miss Majoribanks. London: Methuen & Co. Ltd – 380 p.

ҒАДА АС-САММАН ВА ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ ИЖОДИДА “СОЦИУМ АЁЛ” КОНЦЕПТИ

Дилафруз АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси

Аннотация: Замонавий араб ва ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ижодида ҳозирги кун адабиётшунослик майдонида ўта долзарб бўлиб бораётган аёллар мавзуси кенг китобхонлар оммаси ҳамда адабиётшунослар томонидан алоҳида диққат-эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бу икки адибанинг насри, хусусан, ҳикоячилиги турли ижтимоий-сиёсий вазиятлар муҳити ва воқелигида яратилганлиги билан характерлидир. Мазкур мақолада Ғада ас-Самман ҳамда Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида социум аёл масаласи ҳамда икки адиба ижодидаги ўзаро муштаракликлар тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: Араб адабиёти, ўзбек адабиёти, аёллар образи, Ғада ас-Самман, Зулфия Қуролбой қизи, социум аёл.

Ижодкорлар ўз асарларида инсон ва уни қуршаб турган жамият ҳаётини тасвирлар эканлар, жамият ва ҳаёт ўзгаргани, ривожлангани сари, бадиий адабиётда ҳам мавзулар кўлами, образлар силсиласи ва уларнинг қиёфаси ўзгариб, ривожланиб боради. Бугунги кун аёллари мустақил фикрли, ижтимоий мавқеъга эга ҳамда кишилик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидирлар. Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи яратган аёл образлари шу каби аёллар бўлиб, улар замонавий аёл тушунчасини янги талқинда намоён этади.

Ғада ас-Самман (Зулфия Қуролбой қизидан фарқли равишда) феминист ёзувчи бўлиб, бу борада аниқ фикрларини айтади ва замонавий аёлларни озод ва эркин бўлишликка чорлайди:

"The liberated woman is not that modern doll who wears make-up and tasteless clothes…. The liberated woman is a person who believes that she is as human as a man. The liberated woman does not insist on her freedom so as to abuse it, (www.encyclopedia.com *)*

“Озодликка эришган аёл – бу юзига ортиқча макияж қилиб, дидсиз кийиниб юрадиган олифта қўғирчоқ дегани эмас... Озодликка эришган аёл – ҳудди эркак каби ўзини тенг ҳуқуқли инсон деб биладиган шахсдир. Озодликка эришган аёл ўзининг эркинлиги ва мустақиллигини ҳеч қачон суиистеъмол қилмайди.”

Ғада ас-Самман ўз ҳаётий тажрибасида, замонавий озод ва мустақил фикрга эга аёл ўлароқ, журналистлик фаолияти давомида, юқорида айтилганидек, Сурия ҳукумати томонидан ўзининг сиёсий фаолияти сабаб жиноий жавобгарликка тортилиб, уч ой давомида ҳибсда сақланган. Натижада Ватани Сурияни тарк этиб, Ливандаги Байрут шаҳрига кўчиб кетади. Ижодининг илк палласидаёқ унинг асарлари араб Ислом

жамиятидаги аёлларнинг ижтимоий тенгсизлигини танқид қилган (феминистик ва б.) ғояларни илгари сургани учун цензурага учраб, китоблари нашр қилинмаган эди. У “Ғада ас-Самман нашрлари” номи остида ўз нашриётини очишга мажбур бўлади. Байрутдаги сиёсий вазият, диний ички қарама-қаршиликлар, конфессионализм ва уруш (бу даврда адибанинг уйи ва кўплаб қўлёзмалари ёниб кетган) сабаб 1984 йил Франция пойтахти Парижга кўчиб келиб, ҳозирга қадар яшаб келмоқда.

Ўз бошидан кечирган ҳамда шахсан ўзи гувоҳ бўлган жараёнларни кузатиб, Ғада ас-Самман аёл кишининг ўзи яшаган араб жамиятида озод ва ҳур, мустақил фикрига эга бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаракатланиши ва ривожланиши мушкул деган хулосага келади. Бу фикрлари, айниқса, унинг Европада яшай бошлаганидан сўнг янада қатъийлашади. Адибанинг аввал ёзган ҳикоялари (масалан: “Ўзга бир совуқ оқшом” ҳикоясида Тима, “Охирги қуш қўриқчилари” ҳикоясида рассом аёл, “Байрут қизи – 1973” ҳикоясида ёзувчи аёл Лина, талаба қизлар Марям ва Алия образларида) аёл кишининг араб жамиятида озод ва ҳур яшаши ғоясини тарғиб қилган бўлса, Европада яшаган даврида ёзилган (“Миллиард туни” романи, “Мушукни бошини олиб ташла”, “Оққуш пари”, «Кондиционерли тухум” ва б.) ҳикояларидаги каби моҳожир араб аёлларининг Европа жамиятидаги эркин ва мустақил ҳаётлари ҳақида ёзган.

Унинг "قطع رأس قطة" – (“Мушукни бошини олиб ташла”) ҳикоясининг номи “قطع رأس القط من ليلة العرس” – “Никоҳ кечасида мушукни бошини олиб ташла” деган араб мақолидан олинган. Ҳикоя бош қаҳрамони Абдурраззоқ исмли Парижда истиқомат қилувчи муҳожир араб йигити бўлиб, ўн ёшидан бери Францияда яшовчи ҳамюрти Надин исмли араб қизини ёқтиради ва унга уйланишни истайди. Лекин у Европаликларга хос эркин ҳаёт тарзини қабул қилган Надин билан араб анъаналарига мос оила қуриб, яшаб кетиб бўлмаслигини тушунади. Надин мустақил, ҳур фикрли, ўз озодлигининг қадрига етадиган қиз эди. Абдурраззоқнинг оила қуриш таклифига жавобан шундай дейди:

تذكر ما أقوله لك: أنا تمامًا مثلك ...

وفي فرنسا لا يمكنك قمعي بقوة الرأي العام ، كما يحدث في بلدن.

Сенга айтадиганларимни яхшилаб эслаб қол: мен ҳудди сен кабиман...

1. *Францияда эса, юртимизда бўлгани каби, мени (араб) жамият(и) фикрининг кучи билан бошқара олмайсан*. [غادة السمّان. القمر المربع. بيروت، منشورات غادة السمّان، 1994. 5:8]

Болалик чоғида Европага кўчиб келган ва Шарқу Ғарб латофатини ўзида уйғунлаштирган Надин ўз эркинлиги ва озодлигини, жамиятдаги мавқеини ҳеч нарсага алишмаслиги аниқ эди. Абдураззоқни холаси эса унга Ливандан миллий анъана ва урф-одатларги мос қилиб тарбияланган қизни келин қилиб олиб келишни таклиф қилади. Абдурраззоқ учун жуда мураккаб танлов турарди – эркин ва мустақил Надин ёки Ливанлик ёш ва содда келин...

Ғада ас-Самман Европадаги араб муҳожирларининг ҳаётини тасвирлар экан, маданий муносабатлардаги ассимиляция ва аккультурация масаласини, яъни бошқа бир маданият қадриятларига ўтиб кетиш ёки шунга яқинроқ бўлиш каби масалани кўтаради. [И. Е. Билык. 2:180]. Баъзи персонажлар Абдураззоқ каби Европа маданиятига сингиб кетишни рад этишади. Араб

жамиятидаги чекловлардан қутилгандан сўнг, Европадаги тенглик ва эркинлик қадриятларини жуда тез ва осон қабул қиладиганлар Надин каби бу маданиятга сингиб кетиб, Европа жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланадилар. Мазкур ҳикоя адиба Ғада ас-Самманнинг “Квадрат ой” (Ажойиботлар ҳақида ҳикоялар) номли тўпламидан бўлиб, муаллифнинг мазкур тўпламга кирган барча ҳикоялари психологик реализм ва магик реализм услублари уйғунлигида баён этилган. Ҳикояда Абудурразоқнинг холаси билан бўлган суҳбатлари, холасининг унга Ливандан келин топиб қўйгани каби маълумотлар реал ҳаётдагидай берилган. Аммо ҳикоя давомида холаси аслида бундай бир неча йиллар ўлиб кетган бўлиб, у суҳбатлашаётган аёл эса, холасининг руҳи эканлиги аён бўлади. Ёзувчи буни китобхонга очиқ-ойдин айтмайди, аммо катта йўлда холанинг тасодифан пайдо бўлиб, яна йўқ бўлиб қолиши, танасидан автомобилнинг ўтиб кетиши, Абдураззоқнинг тилидан айтилган холасининг ўлими ҳақидаги айрим тасвирий чизгилар орқали персонаж аслида руҳ эканлигига ишора қилади. Ҳикоя сўнгида Абдураззоқ қандай қарор қабул қилгани ва кимга уйланиши масаласи очиқ қолади, адиба Ғада ас-Самман ўз услубига кўра, мазкур масалага ечимни китобхон ихтиёрига ҳавола қилади.

Ғада ас-Самманнинг яна бир "جنية البجع" – (“Оққуш пари”) номли ҳикоясининг бош қаҳрамони ҳам Париждаги ҳаётига Надин каби тез мослашиб, сингиб кетган араб аёли тимсолида гавдаланади. У Европада гарчи мусофир бўлсада, айнан ўзга юртда у шахс сифатида шаклланади. Иш жойида уни мутахассис сифатида қадри баланд, фарзандлари эса унинг ютуқлари билан фахрланишади, ҳатто турмуш ўртоғи ҳам уни ҳурмат қилади. Мусофирчиликнинг аввалги йилларидаги йўқчилик ва қийинчиликлар эр-хотинни бир-бирига янада яқинлаштиради. Ўз Ватанидаги оилавий вазиятига зид равишда – бу ерда улар бир-бирларига ўзгача меҳр ва оқибатли бўлишга интиладилар.

Аёлнинг турмуш ўртоғи Ливанда йирик бизнесмен ва бадавлат шахс бўлади. Уруш сабаб унинг бизнеси касодга учрайди. Оиласи билан Францияга қочиб келган собиқ миллионернинг Европадаги ҳаётга мослашиши, иш топиб ҳаммасини янгидан бошлаши жуда қийин кечади. Аёл эса Ливандаги ҳаёти давомида бир умр уй бекаси бўлган, “инженер-дизайнер маълумоти қайд этилган университет дипломи ошхона деворлари безаб туришдан бошқага ярамаган”, шахс сифатида тан олинмаган ва жамиятда ҳеч қандай мавқеъ, ҳатто оилада ҳам овозга эга бўлмаган рафиқа сифатида тасвирланади. Муаллиф араб аёлининг Европадаги эркинлик ва гендер тенглик сабаб, мухожирликда ўзлигини топиши, озод ва ҳурфикр шахс сифатида шаклланишини ҳикоя давомида аёл характери ва руҳиятидаги қатъият ҳамда мазкур озодликка бўлган масъулиятнинг ортиши орқали тасвирлайди.

2. Аёл, шунингдек намунали фаоллиги ва меҳнатсеварлиги билан мартаба пиллапоясида кўтарила бошлайди, оила боқувчисига сифатида барча харажатлар унинг зиммасига тушади. Эрини эса Ливандаги бизнесининг қулаши синдириб қўяди. Вазият шу даражагача борадики, “у шиша ароқнинг тубига қулайди”. .[غادة السمّان. القمر المربع. بيروت، منشورات غادة السمّان، 5:110] Аёл ва

фарзандлари Франция фуқаролиги паспортини оладилар. Эри эса бегона юртда доимий муддатга қолишни истамай рад этади.

تعبت من تعليق شهادتي في المطبخ في منزل زوجي ، وتعبت من استضافة حفلات الاستقبال ، وحررتني الحرب!

Дипломимни эримни уйидаги ошхонага осиб қўйишдан чарчадим, зиёфатлар ўтказишдан чарчадим, уруш эса мени озод қилди! .[5, 114]

Байрутда уруш тугайди. Тўққиз йиллик мусофирчиликдан сўнг, эрининг Байрутдаги бизнеси тикланади. Эри унга Байрутга қайтишни таклиф қилади: аммо аёл Ватанига қайтишни рад этади.

في المنزل ، سئمت الشعور المستمر بأنني كنت معيبًا ، وإطارً ا احتياطيًا في أحسن الأحوال. ولا أريد العودة إلى وطني الذي أحبه ، وهي تحبني فقط كحيوان أليف. أنا لست امرأة عربية ، لكنني لست امرأة غربية أيضًا...

3. *Уйда (Ватанимда) ўзимни нуқсонли ҳис қилишда, нари борса захирадаги шина-ғилдираки каби бўлишликдан чарчадим. Мен Ватанимни яхши кўраман, у эса мени уй ҳайвони сифатида яхши кўради халос. Мен энди араб аёли эмасман, лекин Ғарб аёли ҳам эмас...* .[غادة السمّان. القمر المربع. بيروت، منشورات غادة السمّان، 1994. 5, 114]

Мазкур образ орқали Ғада ас-Самман аёл киши озод ва эркин бўлиши ҳамда жамиятда шахс сифатида ўз ўрнини топиши учун – у аввалambор унга бу имкониятларни бермаётган, ривожланишига, ҳаракатланишига тўсқинлик қилаётган жамиятдан қочиши керак, деган ғояни илгари суради. Муҳожирлик эса, ўзига яраша қийинчиликларга бой бўлгани билан бир қаторда, меҳнатсевар ва тиришқоқ инсонга, хусусан ҳуқуқлари ва имкониятлари чекланган араб аёлларига ривожланиш ва ўзликни топиш учун янги бир имконият, деб ҳисоблайди ёзувчи. Аммо бундай вазият кимдир синса, бошқаси оёққа туришини адиба мазкур ҳикоядаги эр-хотин тақдири мисолида очиб беришга ҳаракат қилган.

Адиба муҳожир аёллар ва уларнинг Ғарбга мослашуви ҳамда сингиб кетиши мавзусини ёритар экан, албатта гендер тенглик муаммосини ҳам кўтарган. Унинг Ғарбда истиқомат қилувчи аёл қаҳрамонлари кучли, иродали, сабр-бардоши, энг муҳими жуда тиришқоқ ва меҳнатсевар аёллар. Улар ўзлари учун бегона бўлган жамиятда қийинчиликларни енгиб, муҳожир деган “тамға” билан бўлса-да, ўз ўрнини тополган, муваффақиятларга эришган, ҳамкасблари ва атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлган аёллардир. Шундай образлардан яна бири, "بيضة مكيفة الهواء" – «Кондиционерли тухум” ҳикояси қаҳрамони Нью-Йоркдаги йирик банкларинг бирида бошқарувчининг ўринбосари сифатида 25 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Сурияlик араб аёли бўлиб, мусофир юртдаги муваффақиятли карьерасига қарамасдан, она Ватани – Сурия, севимли шаҳри Дамашққа қайтишни орзу қилади. Амма бунинг асло иложи йўқлигини тушунади. Эркаклар билан тенг ишлайдиган, фикрлайдиган озод аёлни Дамашқ энди қандай қабул қилади?.. Аммо у Нью-Йоркда яшолмай бўғилаётган, худди “тухум ичига қамалиб қолгандай”, бу қобиғни ёриб чиқиб, тўйиб нафас олиб яшашни истайди.

«Кондиционерли тухум” ҳикояси ёзувчининг Ватанидан бошқа юртга муҳожир бўлиб кетмоқчи бўлган ҳамюртларига бир огоҳлантириш мисоли янграйди – муҳожирлик гарчи аёлга озодлик, эркинлик, чексиз имкониятлар

ва тенг ҳуқуқлиликни берган бўлсада, Ватан соғинчи, Ватанга муҳаббат каби туйғуларни ўлдира олмаслигига ишора қилади. Ғада ас-Самман бу йўл билан муҳожирлик сари қадам ташлаётган ҳамюртларини огоҳлантиради. Мазкур ҳикоя қаҳрамони ҳам, гарчи АҚШда етук молиячи мутахассис сифатида катта муваффақиятларга эришган бўлса-да, ўз Ватани сари талпинади, аммо қайтолмайди.

Зулфия Қуролбой қизи ижодида ҳам жамиятнинг бир бўлагига айланган, ўзининг мустақил фикри ва қарашларига эга аёл образларни учратамиз. Бу каби ўқимишли ва зиёли аёлларинг аввал яратилган аёл образларининг фарқи шундаки, улар бошқаларни ҳам ўзи каби мустақил, эркин фикрлайдиган, жамият билан баробар ривожланиб, ўз устида ишлайдиган, доимо пешқадам бўлишликка чорлайди.

Шундай образлардан бири адибанинг «Тўхтаб қолган вақт сувратлари” ҳикоясидаги Малика образидир. Малика шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушган, ёш ижодкор қиз. Турмушга чиққунига қадар шаҳардаги нуфузи нашрларда унинг шеърлари, мақолалари мунтазам равишда нашр қилиб келинган. Аммо тақдир экан, Малика оддий бир қишлоқ йигитига кўнгил қўйиб, тўйдан кейин куёвнинг оиласи билан қишлоқда яшай бошлайди. Табиийки, бу жараён осон кечмайди. Аввалambор шаҳардаги шарт-шароитга ўрганган Маликани, қишлоқдаги тирикчилик заҳматлари чарчатиб қўярди. Лекин ўзининг меҳнатсеварлиги, самимийлиги ва ижодкор кўнгли билан ҳар ишга ўзгача меҳр билан ёндашиб, оддий рўзғор юмушларидан ҳам завқ олишга ҳаракат қилади. Маликанинг қўли кун чиққандан то ярим тунга қадар уй юмушлари, рўзғор ишларидан ортмасада, унинг тафаккури мудом ижод билан банд бўларди. Ҳар куни, ҳар лаҳза ишлардан тезроқ қутулиб бўлиб, хонасига кириб, ҳаётида ўйлаб, пишитиб қўйган ижод маҳсулларини ёзишни ният қиларди. Лекин бундай омад унга камдан-кам насиб этарди. Натижада Малика ўзини ибтидоий замонларга тушиб қолгандай ҳис қила бошлади ва унинг кўнглида норозилик кучая бошлайди:

“Биз чумолимиз, эртадан-кечгача ғимир-ғимир қилишдан мақсад битта – яъни қорин тўйдириш эканлигини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади . [Зулфия Қуролбой қизи. 1:327]

Маликанинг кун давомидаги ягона ҳамсуҳбати ва уй ишлардаги шериги – овсини Норбуви эди. У шу қишлоқда туғилиб, катта бўлгани сабаб, Малика ундан кўп нарсани билиб олишга уринарди. Аммо Норбуви бутунлай ўзга олам эди. Адиба Зулфия Қуролбой қизи Норбуви образида типик қишлоқ аёллари образини гавдалантирган:

Норбуви энди ўттиз бирга кирган. Аммо мудом қаддини букиб юрадиган бу аёлнинг ажин босган ҳорғин чеҳрасига қараб, камида қирқ беш-элликни бериш мумкин. .[Зулфия Қуролбой қизи .1:329]

Фикримизча, мазкур ҳикоя адиба ижодида алоҳида ўринга эга. Асарда шаҳар ва қишлоқ ҳаёти тафовутлари, ўзига хос мураккабликлари, бир миллат, бир дин, бир мамлакат аммо турли ижтимоий муҳит вакиллари бўлган икки овсин образи қиёсланган. Ҳар иккисининг ҳам ўзига яраша мураккаб қисмати баён этилган. Муаллиф шоира ва ёш ижодкор сифатида жамиятда ўзининг маълум бир ўрнига ва ўз қарашларига эга Малика образи

нигоҳида қишлоқдаги ҳаёт, оддий қишлоқ одамлари, у ердаги аёллар ва уларнинг қисматларини тасвирлайди.

Маликанинг кўз олидан кундалик меҳнатдан, рўзғорнинг ташвишидан чарчаган Норбуви янга... Норбувилар ўтди. Қурилишда ишлаётган коржомали аёллар, далада, саратон тиғида кетмон чопаётган аёллар... Улардан Нодира, Увайсий ёинки Маҳзунани сўраб кўрингчи, билишармикин? Ойдин ҳақида гапириб кўринг-чи. Балки эшитишни ҳам хоҳлашмас...

...Ахир Норбуви янга ҳам мактабда ўқигандир, илм олгандир... .[Зулфия Қуролбой қизи. 1:334]

Шу каби фикрлар уммонига ғарқ бўлган Малика, ўйлай-ўйлай охири бир хулосага келади ва бу ҳолатнинг асосий сабаби сифатида камбағаллик ва йўқчиликни кўради. Агар Норбуви янга ва унга ўхшаш аёлларда бу қадар кўп турмуш ташвишлари, қийинчиликлар бўлмаганида эди, эҳтимол, улардан олимаю шоиралар чиқмаса-да, ҳар қалай мустақил фикрловчи, заковатли уй бекалари етишиб чиқарди, деган хулосага келади. Шу каби фикрлари ёзилган 8 бетли мақоласини, аввалари ўзи ишлаган шаҳардаги редакцияга – устози Темур Носирга почта орқали юборади. Мақоланинг нашрдан чиқиши Маликанинг келинлик уйида ва қишлоқда катта шов-шувга сабаб бўлади. Қайнотаси, овсини ва эри унинг бу каби фаолиятига қарши чиқадилар. Шу воқеадан сўнг Малика учун азобли кунлар бошланади. Унинг қилмишини кечира олмай, оила аъзолари у билан гаплашмай қўйишади. Малика бор аламида меҳнатдан олишга уринади. Шундай кунларнинг бирида, уй ой аввал қўшни қишлоқдаги маҳаллий касалхона бош шифокорининг лоқайдлиги сабабли вафот этган икки норасида боланинг онаси Маликага шу масалани матбуотда ёритиб беришни илтимос қилиб келади. Ҳикоя шу тарзда якун топади, яъни Маликанинг оиласи унинг фаолиятига қанчалар қарши бўлишларидан қатъий назар, ҳаттоки унинг шаҳарда ё қишлоқда яшашига қарамасдан, у ўзи яшатган жамият учун керакли шахс бўлиб қолади.

Жамиятда Малика каби жамиятда ўз ўрнини топган, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга ҳамда ўз фаолияти орқали жамиятнинг бир бўлагига айланган аёл образлар адиба Зулфия Қуролбой қизи ижодида кўп учрайди. Масалан, “Ҳилола” ҳикоясидаги ўқитувчи қиз Ҳилола образи шулар сирасидан бўлиб, турмушга чиқадиган ёши ўтиб бораётган Ҳилола ўз умрини касбига бағишлайди, икки сменалаб дарс бериб, онаси ва укаларининг рўзғорига кўмаклашади. Ишлаётган мактабда ҳам унинг дарс ўтиш маҳорати юқори баҳолангани сабаб қадри баланд бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кун ижодкорлари каби Ғада ас-Самман ва Зулфия Қуролбой қизи ҳикояларида ҳам аёл образи янги қиёфасини топди. Аввалambор, ижодкорлар ракурсни уларнинг руҳияти ва табиатига қаратдилар. Қарийб ярим аср аввал гавдалантирилган аёл қиёфаси якранглик касб этарди. Аёл тимсоли тасвирида асосан оила ва маиший ҳаёт билан боғлиқ масалалар ёритилган бўлса, бугунги кунда аёлнинг ижтимоий соҳадаги мавқеи билан бирга унинг ботиний оламига дахлдор барча чизгилар бадиий асар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

4. Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий қўшиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

5. Кросс-культурный оазис: актуальные тенденции развития арабской филологии в России: (Коллективная монография) / Отв. ред. И. Е. Билык, В. А. Кузнецов. М.: ИВ РАН, 2020.

6. Марушейх Мухаммад Салех. «Личность и общество» в трактовке сирийских новеллистов 60-80 –х годов». Дис. … канд. филол. наук. – Т. 1993.

7. Солижонов Й. “Адабиёт хиёбони”. Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Фарғона, 2020.

8. غادة السمّان. القمر المربع. بيروت، منشورات غادة السمّان، 1994.

ОЛИМ ОТАХОН ИЖОДИНИНГ АЙРИМ ЎЗИГАХОСЛИГИ ХУСУСИДА

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: Ушбу мақолада ёзувчи Олим Отахоннинг бир қатор қисса ва ҳикоялари ҳақида сўз боради. Баъзи асарлари таҳлилга тортилган ҳолда муаллифнинг ижодий ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталинади. Мақола давомида ёзувчининг таржималари ҳам эътироф этилади.

Калит сўзлар: Олим Отахон ижоди, услуб, рамз, жанр, ўзигахослик, таржималар.

Ёзувчи ва таржимон Олим Отахон 1951 йили 12 апрелда Тошкентнинг Бешёғоч даҳасига қарашли Чақичмон маҳалласида дунёга келди. ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультети кечки бўлимида таҳсил олди (1969-1974).

Иш фаолиятини ҳозирги “Туркистон” газетасида мусаҳҳиҳликдан бошлади (1969-1970). Тошкент вилояти кино прокатида реклама муҳаррири (1971-1974), Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикасида экспедитор (1975-1979), сўнг Ўзбекистон телерадио Давлат Қўмитасининг адабий-драматик эшиттиришлар бош таҳририятида муҳаррир (1980-1992), Ўзбекистон телевидениеси дубляж студиясининг бош муҳаррири (1993-1998) вазифаларида ишлади.

У ўзбек насрига янги овоз, янгича талқинлар билан кириб келган истеъдодли ёзувчилардан бири ҳисобланади. Олим Отахоннинг “Кутиш” номли биринчи ҳикояси ўқувчилик йилларида “Тошкент оқшоми” газетасининг 1967 йил 7 ноябрь сонида босилиб чиққан эди. Шундан сўнг “Болалик каптарлари” (1981), “Оқшом хаёллари” (1986), “Озод қушлар ҳақида қўшиқ” (1988), “Адоқсиз кўчалар” номли ҳикоялар тўпламлари ва “Танланган асарлар”и (2021) эълон қилинди. Олим Отахон насрининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у сўз юритаётган ва қаламга олаётган воқеа ҳамда ҳодисаларда ҳаёт ҳақиқатидан кўра ёзувчининг бадиий ҳақиқати устунлик қилади. Ёзувчининг қатор ҳикоя ва қиссалари эндигина ижодга кириб келаётган ёш ижодкорларга ижодий туртги бериши билан биргаликда кўплаб баҳс мунозараларга ҳам сабаб бўлган.

Олим Отахоннинг “Гулзор чеккасидаги қуёш” сарлавҳали ҳикоясида сўз юритилаётган вақтнинг аниқ кўрсатмаси билан бошлайди. “Октябрнинг ўрталарида” дея бошланган ҳикояда келтириладиган воқеалар бошланиш нуқтасига қайтиш учун шу пайтга қадар қанча вақт ўтганлиги маълумламаси яъни “уч ойдан буён” деган вақт кўрсатилади. Ҳикоя қаҳрамони Муайяд аҳволини ўқувчига очиқлаш мақсадида вақтнинг кўрсатилиши ва унинг шифохонадан чиқишига кенгаш қарори билан жавоб берилиши ҳолатни муайян маънода тасаввур қилишга имкон беради. Ҳикоя сокинлик билан кечган воқеалар асосига қурилган. Қаҳрамонларга эътибор қаратилса иккита ном қайд этилган Муайяд ва унинг рафиқаси Зарифа. Бундан ташқари Муайяднинг укаси, онаси, шифокор ҳам тилга олинади, лекин исми кўрсатилмайди. Улар воқеалар кечувида ора орада бўй кўрсатиб туради

холос. Муаллиф ҳикояда диалогларга жуда кам эътибор қаратади. Шифокорнинг Зарифа билан суҳбати, икки уч маротаба Зарифа ва Муайяд суҳбати, Муайяднинг онаси билан кечган биргина суҳбати берилади. Ички монологлар деярли берилмайди. Ёзувчи асосан ўқувчига бутун воқеаларни таништиришни ва ҳикоя қилиб беришни мақсад қилганганлигини ҳикояни ўқиш давомида амин бўлиш мумкин. Негаки ҳикояда муаллиф тили етакчилик қилади. Бу каби муаллиф тилининг етакчиликгини ёзувчининг бошқа қисса ва ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин. Шуларни қиёсий ўрганиш орқали ижодкорнинг ўзига хос услубида диалоглардан имкон қадар қочишни кузатиш мумкин. Қолаверса мутассил равишда образларнинг ўзини гапиртириш каби асарнинг узайиб ва зерикарли бўлиб кетишига сабаб бўлувчи омилларни четлаб ўтишига бўлган уриниш ҳам сезилади. Юқорида келтириб ўтган сабабалар билан бир қаторда умумий тарзда маълумот ва тасвирлар асосан муаллиф тилидан берилишини ёзувчининг услубий ўзигахос жиҳатларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Адибнинг “Кимсасиз кўчалар” деб номланган ҳикоясининг бошқа ҳикояларига қараганда бир талай рамзлар ва рамзий ишоралар учрайди. Бу ҳикоя ёзувчининг 1990 йил нашр этилган “Адоқсиз кўчалар” номли қисса ва ҳикоялар тўпламидан ўрин олган. Ҳикояни дастлабки ўқишда маъно моҳиятига етиш, ҳикоянинг туб тубидаги фалсафани англаш қийин кечади. Қисқа қилиб айтганда бу ҳикоя бир ўқишда ўз сирини ўқувчисига очиқламайди. Рамзийлик ҳикоянинг номланишиданоқ бошланади. Нега кимсасиз кўча эмас айнан “Кимсасиз кўчалар”. Ҳикоядаги баён қилинаётган воқеалар асосида ўқувчи дастлаб муайян хулосалар чиқаришга бироз қийналади. Бунинг сабабларидан бири ҳикоядаги мураккаб теранликдир. Бу мураккаблик, фалсафий теранлик, кўп маънолилик Олим Отахоннинг бутун ижод намуналарида у ёки бу тарзда бўй кўрсатади. Қолаверса адиб ўз асарларида диалогларни ва қаҳрамонлар тилидан маълумотларни қисқа кўринишларда берган. Тасвирлар, шарҳлар, изоҳлар ва образларнинг ҳар хил ҳолатлари муаллиф томонидан батафсил баён қилинади. “Кимсасиз кўчалар”да воқеалар тасвирнинг фақат муаллиф тилидан берилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳикояда куз, кеч вақти, қарғалар, шамол ва чанг-тўзонлари, дарахтларнинг хорғин шохлари каби бир талай мағзи тўқ рамзий тасвирлар ва ишоралар берилган. “Кўча яна жонсиз сувратга айланди. Қаровсиз тунд уйлар хира кўзлари билан ҳувиллаган кўчага ҳўмрайиб қарайди; омонатгина ёпилган эшиклар ана-мана тарақлаб ёки ғижирлаб очилади-ю, ичкарида – диққинафас қоронғи йўлакда шуни кутиб нафаси қайтган одамлар бирдан югуриб чиқадиганга ўхшайди. Шамол учираётган кир-чир қоғоз парчалари дарахт тагида тухум пўчоқларидек шалдирайди... дераза ромлари қуюқ чанг, йўлкаларни хазон қоплаган, ҳаммаёқда латта-путта, шох-шабба сочилиб ётибди.”[19] Парчадан англаш мумкинки ҳикоя тиғиз ва қуюқ тарзда баён қилинган. Ҳикоянинг дастлабки мутолаасида ёзувчи нима демоқчилигини тушуниш, англаш бироз қийин кечади. Бу шундан далолатки Олим Отахон ўз ўқувчисини мушоҳадага чорлайди, фикр

[19] Олим Отахон “Адоқсиз кўчалар” Ёш гвардия Тошкент.: 1990 йил. 216-б.

юритишга ундайди ва шу йўллар орқали хулоса чиқаришни фақат китобхоннинг ўзига ҳавола қилади.

Назаримизда “Кимсасиз кўчалар”да ҳикоя ёзилишидан бироз олдинги ва ҳикоя ёзилаётган вақтлардаги шўро сиёсатининг бутун иттифоқ давлатларига, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан олиб борган сиёсати натижасидаги манзаранинг тасвири берилгандай. Ўша давр муҳити ва вазияти рамзларга кўчирилган ҳолда бадиий сўз воситаси орқали жамият юзига кўзгу тутиши билан биргаликда давр руҳидан ўқувчини шу тақлид хабардор қилаётгандек. Ҳикоя мутолаасига киришган ўқувчида тасаввур қилиш қийин бўлмаган манзарани яна ҳам аниқроғи бир ўқишда ўзига жалб қилиши қийин бўлган кўринишни ҳикоя шаклида бериш керакмиди деган савол туғилиши табиий. Давр руҳидан келиб чиқиб ёзилган ҳикоя ва ўша даврни бир бирига муқояса қилиш орқали ўқувчи ўзида туғилган саволларга бир бир жавоб топса бўлади.

Олим Отахон ҳикояларида болалик мавзуси, болалар образлари тиғиз учрайди. Ҳикоялардаги болаликнинг беғуборлиги, софлиги, тозалиги, ҳалоллиги, самимийлиги каби энг эзгу ва ҳақиқий туйғуларнинг, ҳаётий воқейликнинг бошқа ижодкорларникига ўхшамаган ифода услуби, баён тарзи ва тушуниш ҳазми мураккаблиги билан ҳам ўз авлодига мансуб ижодкорлардан тубдан ажралиб туради. Юқоридаги сўзларимизга ёзувчининг “Қасам”, “Иброҳим” каби ҳикоялари яққол мисол бўла олади.

“Адоқсиз кўчалар” қиссасида ёзувчи услубининг маълум қирраларини кашф этиш мумкин. Ўқувчида асар бошланишидаги воқеалар одатий қиссалар каби таассурот уйғатади. Исми берилмаган бош образ ҳасрати бироз зерикарлидек туйилади. Лекин воқеалар ривожи натижасида қисса мутолаасидаги ўқувчининг тарқоқ хаёлларини бир жойга жамлашга мажбур қилади. Асар бошидан содир бўлаётган воқеаларни бирма бир хотирлайди кетма кетлигини эслайди ва сюжетнинг боришига қизиқиши ортган ҳолда қиссани ўқиб тугатишга, воқеалар кульминацияси алал оқибат нима билан тугашини билишга шошади. Олим Отахон кўплаб ҳикоя ва қиссалари билан миллат китобхонининг дид ва савиясини ўстиришга хизмат қилди.

Олим Отахон истеъдодли ёзувчи бўлиш билан бирга жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, адабиётимизни бойитиш ишларига ҳам улкан ҳисса қўшган таржимон ҳамдир. Айниқса, рус, Лотин Америкаси, Европа ва Япония адабиётига оид Фёдор Достоевскийнинг «Маъсума» (1985 йил), «Ғаройиб олам» (1988), Жек Лондоннинг «Оқ сўйлоқ» (2011) қиссаларини, Хулио Кортасарнинг «Ўйиннинг тугаши» (2018), «Биз Глендани шундай севамиз» (2018), Ясунари Кавабатанинг«Оқ гуллар» (2019), Фёдор Достоевскийнинг «Ўлик уйдан мактублар» (2020) каби гўзал таржималари ҳали ҳамон адабиёт мухлисларининг, ижодкорларнинг севиб ўқийдиган асарлари қаторидан тушмаган.

ТАНҚИД ТАРИХИ

Махсума ДЕҲҚОНОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: ўзбек адабий танқиди XX асрда ривожланиб, адабиёт фанинг муҳим тармоғига айланди. Танқидчилик турли босқишларда ўзини намоён этди. Мақолада ўзбек адабий танқиди тарихи ва шаклланиши бўйича мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: адабиётшунослик, адабий танқид, таҳлил, талқин, шаклланиш босқичи

Қадимда муайян асарнинг ютуқ ва нуқсонларини кўрсатишда мунаққиднинг юксак диди, дунёқараши муҳим аҳамиятга молик бўлган. Қадим замонлардан юнон-рим манбаларида адабиётга муносабат ва илмий мушоҳадалар кўзга ташланади. Гесиод, Протагор, Исократлар ўзларининг санъат ҳақидаги қарашларида адабиёт ва унинг инсонга бўлган таъсири хусусида фикр билдирган. Дастлаб юнон софистларининг “нотиқлик нотиқлик учун” ғоялари қаттиқ танқидга учраган. Шу маънода софистлар адабий танқид тафаккурнинг шаклланиши ва ривожида асосий бўғин ҳисобланади. Қадимдан ҳар бир ижодкорнинг асарларида маълум маънода адабий танқидий қарашлар ўз аксини топган. Яхлит ҳолда тадқиқот олиб борилмагунча уни фан назарияси сифатида қабул қилинмаган. Умуман олганда, адабий танқидий қарашларнинг ривожи риторика билимдонларининг номи билан боғлиқдир. Платон, кейинчалик Аристотел бадиий адабиёт хусусида ўзларинг мулоҳазаларини исботлаб келган ва уларнинг тадқиқотлари адабий-танқид ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Адабиётшуносликда танқид тарихига тааллуқли талай асарлар яратилганига қарамай, бу соҳада умумий методика ҳали майдонга келганича йўқ. Ҳозирча илмда ҳамма учун манзур тушган бирдан-бир қоида – танқид тарихини адабиёт тарихининг асосий босқичлари билан алоқадорликда ўрганишдир. Бу йўналишнинг илмий ҳамда амалий жиҳати шундаки, у адабий-тарихий жараёнда адабиёт ва санъат асарларининг адабий танқид билан параллел ва узлуксиз ривожланишининг назарда тутилишидир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, адабий танқиднинг асосий вазифаси муайян бир (ёки бир неча) қаламкаш ижодини, адабиётимизда алоҳида воқеа сифатидаги бадиий асарларни таҳлил этиш, шу асосда, адабиёт ривожига туртки бўладиган муммоларни кўтариб чиқиш, текшириш, эстетик моҳиятини очиш ва баҳолаш, шунингдек, умумлаштиришдан иборат. Адабий танқидчилик ҳақида сўз кетганда, профессор Б.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Бадиий матн борми, демак, унинг яратувчиси, қабул қилувчиси, ўзлаштиришга ёрдам берувчи, йўл кўрсатувчиси бўлган. Шарқдами, Ғарбдами, ҳозирми, қадимдами, бадиий матн, уни яратиш, қабул қилиш, талқин, таҳлил қилиш, баҳолаш муаммоси, тарихи бўлган” [Каримов

Б. 1:18]. Бадиий асар борки, у ўқилади, таҳлил этилади, талқин қилинади. Шу маънода, ўзбек адабий танқидчилиги тизимли равишда тараққий этиб келмоқда. Манбаларда ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари турлича даврлаштирилади. Хусусан, “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи”(1987) китобида қуйидагича даврлаштирилган: 1.Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари (1917-1932); 2.Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида (1932-1941); 3.Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқиди (1941-1945); 4.Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек адабий танқидчилиги (1945-1956); 5.Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши (1956-1961); 6.Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши (1962-1972); 7.Ўзбек адабий танқиди янги босқичда (1972-1980)

Юқоридаги даврлаштиришдан кўриш мумкинки, босқичларга бўлишда адабий танқидий жараённинг ўсиши эмас, балки жамиятдаги сиёсий ўзгаришларга таянилган. Ўзбек адабий танқидчилиги тараққиёт босқичларини даврлаштириш бўйича кўплаб адабиётшуносларимизнинг қарашлари турлича бўлган. Бу борада, А.Расулов ва Н.Худойбергановлар даврлаштиришида тарихи ва фан сифатида шаклланишига эътибор қаратган бўлса, В.Раҳмонов “жадидчилик”, “шўро” ва ундан “кейинги давр”га ажратган. С.Содиқ ҳам танқидчилик тараққиётини тўрт босқичга бўлишни тавсия қилган. Б.Назаров, А.Расуловлар ҳам танқидчиликни тўрт босқичда даврлаштирган ва даврлаштириш сабабларини изоҳлаб кетган [Назаров Б. 2:41]

Ўзбек адабий танқидчилиги дастлаб матбуотда ўзини намоён этган. Ҳар бир давр адабиётшунослиги ўз-ўзидан газета ва журналларда бўй кўрсатади. Ўзбек адабий танқидчилигининг дастлабки намуналари ҳам, асосан, матбуотда кўрина бошлаган. Айниқса, жадидлар бу соҳада шижоат кўрсатган. Жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади бўлган, халқ онгини ўстириш ғояси ҳам, асосан, матбуот орқали амалга оширилган. Бу даврда А.Фитрат, А.Қодирий, А.Саъдий, Элбек адабиётшунослик ҳақидаги фикрларини ёритиб борган. Албатта, биринчи танқидий мақолаларни чуқур илмий-назарий тадқиқот деб бўлмаса ҳам, бу соҳанинг биринчи қадамлари ва тарихий тараққиёт даврини ушбу тадқиқотлар белгилаб туради.

Ўзбек адабий танқидчилигида 80-йиллар алоҳида ўрганишни талаб этадиган даврдир. Бу даврда Шўро мафкурасидан бироз чекиниш ва ўз фикрини айта олиш имконияти бироз кенгайди. Шунга қарамай, эски анъаналардан қутула олмаслик ҳам йўқ бўлиб кетмаган эди. Адабий танқидчиликнинг ҳар бир даврида жанрлар имконияти кенгаяди ёки тадқиқотчилар бир хил жанрда ижод қила бошлайдилар. 80-йиллар адабий портрет жанри ривожи тараққий этди. “60-80-йилларда адабий портрет жанрида самарали натижаларга эришилди. Чунончи, ...С.Мамажонов “Ғайратий” (1973), М.Маҳмудов ва В.Маҳмудовлар “Иброҳим Раҳим” (1974), Л.Қаюмов “Зулфия” (1975), А.Абдусаматов “Ҳабибий” (1977), Ш.Отабоев “Мирзакалон Исмоилий” (1978), С.Сирожиддинов “Абдулҳамид Мажидий”

(1982) каби портретлар ана шулар сирасига киради”. Ушбу тадқиқотларни ўрганган олимлар фикридан маълум бўладики, адабий портрет жанри тараққий этган бўлсада, портретлар қуруқ баён қилинган. Ёзувчи шахси ва асарлари ҳақидаги фикрлар билан чекланганлик юқори, ижодий фантазия, асар матнини талқин қилиш саёздек кўринади. 80-йилларда адабий портрет жарни билан бирга танқидий-биографик очерклар ҳам ривожланди. “80-йилларда нашр этилган “Адабиёт ва замон”, “Ҳаёт кўзгуси” сингари адабий-танқидий мақолалар тўпламида “Адабий портретлар”, “Адабий портретга чизгилар” рубрикаси остида танқидий-биографик очерклар босилди”[Назаров Б. 2:407].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Муҳаррир, 2011. – 87 б.

2. Назаров Б, Расулов А, Аҳмедова Ш, Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Тошкент: Tafakkur anoti, 2012. – Б.405.

3. Назаров Б. Жамиятимиз тараққиёти ва танқидчиликнинг методологик масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, № 6. – 3-6 б.

МУЛЛА ЙЎЛДОШ ХИЛВАТИЙНИНГ “МАВЛУДИ ШАРИФ” АСАРИ КОМПОЗИЦИЯСИ ХУСУСИДА

Озодахон БОЛТАБОЕВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Наманганда яшаб ижод этган мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари композицияси ҳамда асарнинг бадиий қиммати кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: жанр, аруз меърожнома, маснавий, манзума, поэтик маҳорат, поэтик образ, анъана ва новаторлик.

Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий шоир, мударрис, олим, маънавият ва маърифат фидойиси сифатида XIX аср охири XX аср бошларида Наманганда яшаб ижод этган. Унинг “Мавлуди шариф” асари халқ орасида “Мавлуди шарифи туркий” номи билан машҳур бўлган. Асар шоирнинг ҳаётлик даврида, яъни 1899, 1908, 1911, 1913, 1916 йилларда қайта-қайта чоп этилган. Хилватийнинг ушбу асари туркий тилда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) алайҳиссалом мавлудлари ҳақида ёзилган биринчи шеърий асар ҳисобланади. Хилватий устози Иноятхон Махдум Лангарий (вафоти 1889 йил) домла илтимосига кўра “Мавлуди шариф”

асарини ёзади. “Мавлуди шариф”нинг яратилиш тарихи Хилватийнинг қуйидаги байтлари орқали изоҳланган:

Бир куни пири ҳидоят дастгоҳ,
Толиби дийдор, шайдойи Илоҳ.

Шафқат айлаб дедиларким: “Эй фалон,
Сенга бергумдур саодаттин нишон.
Илгингга олғил давоту хомани,
Қил китобат бу саодатномани.

Яъни “Мавлуди набий”ни назм қил,
Қўйи умматликка эмди азм қил.

Кимки уммат бўлса они ўқусун,
Токи бордур танда жони ўқусун [Хилватий. 5:8].

Хилватийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) таваллудлари ҳақидаги “Мавлуди шариф” асари ва унинг композицион тузилиши ҳали адабиётшунослик илмида махсус ўрганилмаган. Шўро даврида маънавиятимизни бойитувчи, диний эътиқодимизни мустаҳкамловчи бундай асарларни ўқиш тақиқланган эди. Шундай бўлса ҳам, Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари хонадонларда севиб ўқилди, ўрганилди. Ушбу асарни нашр этишга талаб кўплигининг бир сабаби шуки, халқимиз мавлуд маросимида ўқиладиган арабча китоблар мазмун-моҳиятини тушунишга қийналган. Худди шу мазмундаги асарларни фақат араб тилини яхши билган олимлар, уламоларгина ўқиган.

Мустақиллик шарофати билан диний асарларни нашр этиш имконияти туғилди. Масалан, Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари 1991 йил Хайрулла Қосим Элтурк, 2000 йилда эса Абдулҳамид Қурбонов томонидан нашр этилди. Халқимизнинг диний эътиқоди мустаҳкамлана бораётган бир шароитда асарни ўқишга бўлган талаб кундан кун ортиб борди. “Мавлуди шариф”нинг янги нашрлари Хилватийнинг XX аср бошларида чоп эттирган тошбосма асари нусхалари асосида нашр этилмоқда. Хусусан, ушбу асар 2003, 2004, 2013, 2015, 2017 йилларда ҳам кирилл ёзувида нашрдан чиқди.

Шоир Аллоҳга ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бўлган муҳаббатини “Мавлуди шариф” асарида изҳор этади. Асар 10 байт ҳамд ва 14 байт наът, 33 байт “Мавлуди шариф” ўқишнинг хосияти ва уч мисра салавот, 69 байтли ҳикоят, яна бир 62 байтли ҳикоят ва уч мисра салавот, 11-бобдан сўнг Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келишлари шарафига ёзилган иккита ғазал, 14-бобдан сўнг яна бир 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна 6 боб ва Меърожнома ҳамда хотимадан иборат. Асарнинг биринчи, тўртинчи, олтинчи, тўққизинчи бобларида икки мисрадан, иккинчи ва ўн тўртинчи бобларида эса қуйидагича уч мисрадан салавот ҳам берилган:

Ассалоту вассалом алайка, ё Расулаллоҳ!
Ассалоту вассалом алайка, ё Ҳабибаллоҳ!
Ассалоту вассалом алайка, ё хайру халқаллоҳ!

[Хилватий. 5:10].

Маснавий усулида ёзилган ушбу асар қуйидаги байтлар билан бошланади:

Ҳамд ул зотиғаким, Рабби жаҳон,
Холиқи арзу самоу инсу жон.

Подшоҳи бесипоҳу бевазир,
Тождори бекулоҳу бесарир [Хилватий. 5:7].

Асарнинг 14 байтли наът қисмида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам сифатлари қаламга олинган:

Ул Муҳаммадким, расулуллоҳдур,
Сарвари жумла гадоу шоҳдур.

Андалиби гулшани ловлок ул,
Қурб дарёсида дурри пок ул.

Мазҳари барча халойиқ нуридур,
Мабдаи жумла халойиқ нуриду [Хилватий. 5:7].

Асарнинг 11-бобидан сўнг иккита наът-ғазал берилган. Уларда икки олам сарвари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам сифатлари ва дунёга келишлари васф этилади:

Бу фано дайр ичра, эй нури Худо, хуш келдингиз,
Мабдаи нури зиё, кони сафо, хуш келдингиз.

Шуълаи шамъи рисолат, партави хуршиди қурб,
Ахтари буржи нубувват, Аҳмадо, хуш келдингиз.

Лайлат ул-меърожда қилмоқ учун Сизга Бурок,
Қудсиларни дийдасига тўтиё, хуш келдингиз.

Кишвари иззат аро маснаднишини подшоҳ,
Шаҳсуворо, боргоҳи кибриё, хуш келдингиз

[Хилватий. 5:38].

Асарнинг 14-бобидан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) туғилганларида боболари Абдулмутталибнинг қандай хурсанд бўлгани ҳақида 28 байтли ҳикоят, сўнгра яна олти бобда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) туғилишлари билан оламда юз берган кўп хайрли ишлар тасвирланган. Асар 29 байтли хотима билан якунланади. Демак, асар кириш, 20 бобли асосий қисм ва хотимадан таркиб топган. “Мавлуди шариф” маснавийда, рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон, айрим байтлари эса

фоилотун, фоилотун, фоилун, яъни рамали мусаддаси маҳзуф –V– – // – V – – // – V –) вазнида ёзилган.

Асар қуйидаги байт билан якунланган:

Афв этиб журму хатосини тамом,
Неъмати дийдор бергил, вассалом [Хилватий. 5:73].

Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асарида Муҳаммад (с.а.в) нинг меърожлари баёни учрайди. Бу асар Хилватийнинг пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) меърожлари билан боғлиқ Шарқ адабиётида яратилган “Меърожнома”лардан хабардор эканини билдиради. Жумладан, у Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Алишер Навоий, Машраб, Имом Барзанжий, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг Муҳаммад (с.а.в) мавлудлари ҳақидаги асарларидан таъсирланган. Шоир улардан илҳомланиб, анъанавий мазмунга ўзгача тасвир услубини қўшади. Унда Муҳаммад (с.а.в) нуридан бу олам яратилгани, яъни нури муборак, дастлаб, тўрт қисмга бўлингани, биринчисидан қалам, иккинчисидан лавҳ, учинчисидан арши азим ва ниҳоят, тўртинчи қисмини яна тўрт қисмга бўлиб, биринчисидан осмон, иккинчисидан ер ҳамда учинчисидан жаннат ва дўзах яратилади. Нури муборакнинг тўртинчи қисми яна тўрт қисмга ажратилиб, биринчисидан мўмин аҳли кўзларига нур, иккинчисидан дилларига нур, учинчисидан эса кароматлар ва ниҳоят тўртинчи қисмидан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нури мавжуд қилингани баён этилади. Воқеаларни бу тарзда схемали тасвирлаш шоирнинг халқ оғзаки ижоди ҳамда Қуръон оятларидан яхши хабардор эканини англатади. Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асарида 189 байтли “Меърожи ан-набий саллаллоҳу алайҳи васаллам” номли бобнинг берилиши асар композицияси бошқа “Меърожнома”ларга нисбатан анча мукаммал сюжетга эгалигидан далолат беради. Айрим ўринларда асар сюжети билан боғлиқ воқеалар баёнида фарқли жиҳатлар мавжуд. Масалан, ранглар тасвири билан боғлиқ эпизодларда меърож жараёнида юз берган воқеалар турлича ҳикоя қилинади. Хилватий “Меърожнома”сида кўкка парвоз қилиш йўлида оққан маржон-маржон терлардан, яъни Муҳаммад (с.а.в) терларидан оқ гул, Буроқ исмли тулпорларидан оққан тердан кўк гул, Жаброил (с.а.в) терларидан яшил майса ва қизил гул униб чиққани айтилган. Бошқа адабиётларда, жумладан, Сулаймон Боқирғоний ижодида эса меърож билан боғлиқ воқеаларда сариқ, яшил, қизил, оқ рангли тўн ҳақида сўз боради:

Тўрт тўн келди расула: сариғ, яшил, қизил, оқ,
Сариғ, қизилни қўйди, яшил, оқни олдиё,
Пайғамбарлар тўнидир, яхши қилдинг тедиё.
Расул айди, эй амин, ажабдурур бу мушкул,
Соғдин-сўлдин келгон ун, на ундур ул тедиё
[Меърожнома 2:13].

Рабғузийнинг “Қисасул анбиёи туркий” асарида эса меърож ҳақидаги тасвирлардан бирида оқ, яшил, қора, сариқ ранглар билан боғлиқ воқеа учрайди: “Андин ўтуб борур эрдим, бир фаришта тўрт тўн келтирди. Бири оқ, бири яшил, бири қора, бири сариғ экан. Оқ бирла яшилни хоҳладим.

Биродарим: оқ тўн шариат, яшил тўн мўъминлар, қораси кофирлар, сариғи жуҳудлар тўни эрди, ани олмоғонингиз хўб бўлди,– дедилар” [Меърожнома 2:67]. Бу ранглар изоҳи билан боғлиқ тасвирлар бошқа меърожномаларда учрамайди.

ХХ аср бошларида яшаб ижод этган шоиралар Нисо ва Хоний адабий меросида ҳам Муҳаммад (с.а.в) ҳақидаги қиссаларнинг шеърий шакллари учрайди [Эшонова С. 11]. Унда воқеалар мусаддас жанрида тасвирланган, Хилватий эса маснавий усулида Муҳаммад (с.а.в) ҳаётлари ҳақидаги воқеаларни нисбатан мукаммал эпик тасвирда баён этган. Хилватийнинг “Мавлуди шариф” асари инсон камолотини шакллантириш ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг гўзал табиатлари, ҳаётлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Имом Барзанжий. Мавлиди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 104 б.

2. Меърожнома. – Тошкент: Ёзувчи, 1955. – 96 б.

3. Хилватий. Мавлуди шариф / Хаттот: Абдулқодир Шоший. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонаси, 1913. – 73 б.

4. Хилватий. Муҳаммад алайҳи с-салом туғилишлари / Нашрга тайёрловчи: Элтурк Х.Қ / Эй, туркий эл. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.155-215.

5. Хилватий. Мавлуди шариф / Нашрга тайёрловчи: Қурбонов Абдулҳамид.

– Наманган: Наманган, 2000. – 79 б.

6. Хилватий. Мавлуди шариф. – Наманган: Наманган, 2003. – 79 б.

7. Хилватий. Мавлуду-н-набий Саллаллоҳу алайҳи васаллам. – Тошкент: Моваройннаҳр, 2004. – 72 б.

8. Хилватий. Мавлуди набий. – Тошкент: Моваройннаҳр, 2013. – 144 б.

9. Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2015. – 256 б.

10. Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Моваройннаҳр, 2017. – 256 б.

11. Эшонова С. ХХ аср бошларидаги Қўқон шоиралари (Нисо ва Хоний): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 97.

БОЛАЛАР НАСРИ ТАРЖИМАСИДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

Дилрабо ИГАМУРАТОВА,
ф.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация: Мақолада А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги русча фразеологизмларнинг ўзбекча муқобили таққосланиб, илмий хулосалар чиқарилди. Шунингдек муаллиф услубига хос бўлган жиҳатларнинг қайта яратилиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: А.С.Некрасов, қисса, фразеологизм, миллий ўзига хослик, муаллиф, таржимон.

Барқарор бирикмалар ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, табиати, психологияси, турмуш тарзи ўлароқ юзага келади. Одатда фразеологизмлар кўчма маънода қўлланиб, образли фикр ташувчи нутққа эмоционал-экспрессив ҳолатларни юкловчи воситалар саналади. Асар бадиийлигини ошириш, унинг тилини жонли тилга яқинлаштириш ва бадиий асар қийматини ўстириш мақсадида ижодкорлар барқарор бирикмаларга бот-бот мурожаат этадилар. А.С. Некрасов асарларида ҳам шундай халқона фразеологизмлардан унумли фойдаланилганлигини кузатиш мумкин.

Бадиий асар таржимасида бошқа тилдаги фразеологизмаларни ўзбек тилига ўгириш бир қанча муаммоларни юзага келтиради. Бу муаммоларнинг олдини олиш учун таржимондан жуда юқори билим ва малака талаб қилинади. Таржимашуносликнинг умумназарий асосларига кўра бошқа тилдаги фразеологизмларни таржима қилишда таржимон қуйидаги умумий усулларга амал қилмоғи лозим: 1. Мақол ва маталларни – таркибидаги сўзларнинг (объектларнинг) моддий маъносини айнан сақлаган ҳолда – аниқ таржима қилиш. 2. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик оборотлар таркибидаги сўзларнинг моддий мазмунини ёки шаклини бирмунча ўзгартириб таржима қилиш. 3. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик бутунликларни асар таржима қилинаётган тилда ҳақиқатда мавжуд бўлган муқобил билан алмаштириш. [Саломов Ғ. 5:278].

А.Некрасов “Капитан Врунгелнинг саргузаштлари” қиссасида кекса денгизчининг ғаройиб саргузаштларини тасвирлаб берар экан, унда денгизчилар лексикони (сўзлашиш услуби)га хос бўлган бир қатор фразеологик бирикмалар, мақолларни ишлатган. Ушбу асарни таржима қилган Қ.Пўлатов бундай фразеологик бирикмалар ва мақоллар таржимасида қуруқликдан, ғализликдан имкон қадар қочиб, уларнинг жонли бўлиши ва ўзбек тилида табиийроқ чиқишига ҳаракат қилган. У таржима жараёнида рус тилидаги ибора, мақолларга эквивалент вариант, мазмунини сақлаган ҳолда, калька, лексик таржима каби усуллардан фойдаланган. Баъзан муаллиф фикрини тўлақонли етказиш мақсадида русча оддий жумлалар ўрнига

халқимиз жонли тилида фаол қўлланадиган мақол ва ибораларни ҳам қўллаган.

Асар бош қаҳрамони капитан Врунгель ёшлигини эсга олиб, йигитлик давридан бошлаб тажриба ва мартабага эга эканлигини айтиб ўтади. Ёш бўлишига қарамай катта пароходга капитанлик қилиши мумкинлигини, лекин ўзи икки кишилик кичик кема ясатиб, денгиз бўйлаб саёҳатга чиқишни режалаштирган қаҳрамон ўзига ўзи баҳо бериб, ҳамма нарсанинг ечимини топа олишини таъкидлаб шундай дейди:

*"**Стрелянный**, так сказать, **воробей**, на хорошем счету, с положением, и, скажу вам не хвастаясь, по заслугам."* [Некрасов А. 3:8]

Таржимада: *"Яхшилар қаторида саналадиган **тегирмонга тушса бутун чиқадиганлардан** эдим десам бўлади, сизга айтсам, мақтаниш эмас-у, хизматимга яраша мартабам ҳам бор эди."* [Некрасов А. 2:8]

Маълумки, фразеологизмлар ҳар қандай ҳаракатни, вазиятни баҳолашга ҳамда асар тилини жонлантириб, сайқаллашга ёрдам беради. Таржима жараёнида ушбу аслиятдаги фразеологизм унга яқин бўлган мазмунли фразеологик бирикма орқали берилиши билан унинг семантик эквивалентлигига эришилган. Рус тилида билимдон, уддабурон, тажрибали одамга нисбатан "*стрелянный воробей*" ибораси ишлатилади. Ўзбек тилида ҳар қандай қийин вазиятдан ҳам чиқиб кета оладиган уддабурон одамга қўлланиладиган ушбу иборанинг "*юлдузни бенарвон урмоқ*", "*қилни қирқ ёрмоқ*", "*тегирмонга тушса бутун чиқмоқ*" каби эквивалентлари мавжуд. Таржимон муаллиф фикрини мантиқан тўғри акс эттириб, бу фразеологизмни ўзбек тилига "*тегирмонга тушса бутун чиқади"* деб таржима қилган. "*Юлдузни бенарвон уради*" деб таржима қилинганда эҳтимол, аслиятга янада яқинроқ бўлар эди, лекин ушбу ҳолатда ҳам таржимада муаллиф фикри тўғри акс эттирилган.

Кейинги мисол: *"Яхта, правда, требовала небольшого ремонта, но под личным моим наблюдением её **в два счёта** привели в порядок: покрасили, поставили новые паруса, мачты, сменили обшивку, укротили киль на два фута, надставили борта… Словом, пришлось повозиться. Но зато вышла не яхта – игрушечка! Сорок футов по палубе. Как говорится: "**Скорлупка во власти моря**."* [Некрасов А. 3:9]

Таржимада: *"Ростини айтганда, кема бироз таъмирталаб эди. Лекин шахсан назоратим остида уни **ҳаш-паш** дегунча тартибга келтиришди, бўяшди, янги елканлар, мачталар ўрнатишди, қопламани алмаштиришди, килни икки футга қисқартиришди, бортларни кўтаришди... Хуллас калом, бироз урунишимга тўғри келди. Шунга қарамай, кемамисан кема бўлиб чиқди, худди ўйинчоқ дейсиз! Палубасигача қирқ фут келади. "Бамисоли **денгиз салтанатидаги писта пўчоқ"** деяверинг*. [Некрасов А. 2:8]

Биринчи фразеологизм *"в два счёта"* аслият ва таржимада ҳам "*бир зумда, тез, кечиктирмасдан, кўз очиб юмгунча"* каби маъноларни билдиради. Таржимон матни идрок этишни осонлаштириш мақсадида оғзаки нутқ

манбаларидан фойдаланиб, “*ҳаш-паш”* сўз орқали мазмунни аниқ етказиб бера олган.

Врунгель саёҳатга чиқиш учун топган кемасини таъмирлаб, тартибга келтиргандан сўнг уни ўйинчоққа ўхшатиб “*скорлупка во власти моря*” дейди. Рус тилидаги “*скорлупка во власти моря*” фразеологизми кичик, катта борлиққа қаршилик кўрсата олмайдиган ва кураша олмайдиган, заиф, мўрт нарсага нисбатан ишлатиладиган ибора. А.Некрасов қаҳрамони денгизчи бўлгани учун, айтиб ўтганимиздай, асарда кўпроқ уларга алоқадор сўзлашув услуби қўланган. Она тилимизда бунга тўла мувофиқ келадиган *“дарёга тушган хас каби”* ибораси ҳам мавжуд. К.Пўлатов русча иборани калька усулидан фойдаланиб қайта яратган ва ушбу ҳолатни ёш китобхон англаши ҳамда тасаввур қила олишига эришган. Бу мисол таржимасида таржимон сўзлар ва иборани жуда ўринли мослаштириши натижасида у аслида ҳам ўзбек тилида ёзилгандек таассурот ҳосил қилади.

Кейинги мисолда Фукс аслида матрос эмаслиги, унинг кемадаги ҳеч қайси ускунани тушунмаслигини сезмаган Врунгель унга буйруқ бера бошлайди. Фукснинг денгизчиликдан хабари йўқлиги туфайли топшириқни бажара ололмаслигини кўриб, Врунгель шундай дейди:

“Ну, я вижу, достался матрос! ***Ни в зуб ногой***!” [Некрасов А. 3:43]

Ўзбек тилида: *“Роса матросга учраган эканман, деб ўйладим ичимда*. ***Тепса-тебранмайди-ку*****!**” [Некрасов А. 2:43]

Рус тилида *“ни в зуб ногой”* фразеологизми ҳеч нарсага ярамайдиган, ҳеч нарсани тушунмайдиган кишига нисбатан ишлатилади. Таржимада эса ушбу ҳолатни тасвирлаш учун “*тепса-тебранмас*” – бепарво, дангаса, жонини койитмайдиган кишига нисбатан ишлатилган ибора билан берилади. Бу топилма аслиятдаги мантиқни айнан сақлаб қолишга хизмат қилган.

Кейинги мисол: *“Но гонку-то я всё-таки выиграл, а* ***победителей****, как говорится,* ***не судят****. В этом смысле и председатель ответил.”* [Некрасов А. 3:53]

Таржимаси: *“Барибир пойгада ғолиб чиққаним ҳақиқат-ку, демак,* ***ғолибларни суд қилиш мумкин эмас****. Раис ҳам худди шу маънода унга жавоб берди*.” [Некрасов А. 2:52]

Рус тилидаги *“победителей не судят”* мақоли ўзбек тилига “*ғолибларни суд қилиш мумкин эмас”* тарзида сўзма-сўз ўгирилиши китобхонга тушунарли бўлиш учун қилинган. Бироқ мазкур мақолнинг ўзбек тилидаги “*мард йўлида ғов қолмас*” тарзидаги муқобили ҳам мавжуд. Шу ўринда таржимон бу мақолни инобатга олмаган, ёки рус мақолини сўзма-сўз таржима қилишни афзал кўрган дейиш мумкин. Ҳолбуки, бадиий асарда мақолни таржимадаги муқобили билан алмаштириш қиссанинг бадиий жиҳатдан мукаммал бўлишини таъминлаши шубҳасиздир.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида гоҳида сўзма-сўзликдан қочиш ёки, аксинча, сўзма-сўз таржима қилиш натижасида кўпинча янги бирикма ҳосил бўлиб, таржима тилига кириб келиши таржимашуносликда кўп кузатиладиган ҳолат ҳисобланади, чунки “мақол, матал ва идиоматик

бирикмаларни ўзбек тилига, шунингдек, ўзбек тилидаги бирикмаларни рус тилига сўзма-сўз таржима қилиш натижасида янги бирикмалар ҳосил қилинади. Таржима ишининг тилни бойитишдаги асосий роли ҳам ана шунда кўринади". [Саломов Ғ. 4:151].

Навбатдаги мисол: *"Неприятно принимать такие подачки, но* ***голод****, как говорится****, не тётка****."* [Некрасов А. 3:77]

Таржимада: *"Бундай садақаларни олишдан ҳазар қилиш керак эди-ю, аммо* ***очлик*** *деган нарса ҳам* ***амакингиз бўлмасди****."* [Некрасов А. 2:76]

Рус тилидаги "*голод не тётка*" ибораси "*очлик амакингиз бўлмасди*" тарзида таржима қилинган. Ҳолбуки, "тётка" – "тётя" сўзининг ўзбекчадаги маъноси "хола", "амма", таржимон эса уни "амаки" сўзи билан алмаштирган. Образли иборани рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишда унинг айнан муқобили йўқлиги муаммо туғдирганлиги оқибатида таржима ғализ бўлиб "бир тилдаги мақол ёки матални иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилганда сунъий бирикма ҳосил бўлишидан эҳтиёт бўлиш лозим"лигини [Саломов Ғ. 4:151.] инобатга олмаган. Ўзбек тилида очликка доир бир қатор мақоллар мавжуд бўлиб, матндан келиб чиққан ҳолда бу жумлани: "Бундай садақаларни олишдан ҳазар қилиш керак эди-ю, аммо "*тўқлик не дедирмас, очлик не едирмас*" мақоли билан берилганда, бизнингча, таржима янада табиийроқ ва тўлақонли чиқар эди.

Очликка тааллуқли яна бир мисол: *"Лом оживился, повязал фартук, собрался стряпать. Первого пингвина зажарили на вертеле, и мы тут же, стоя, отведали*, ***заморили червячка****."* [Некрасов А. 3:97]

Таржимада: *"Ломга жон кирди, дарров пешбанд тутиб олиб, овқат тайёрлашга киришди. Биринчи пингвинни сихда кабоб қилди, уни шу ерда, турган жойимизнинг ўзида тамадди қилиб,* ***нафсимизни бироз ором олдирдик****."* [Некрасов А. 2:94]

Рус тилидаги "з*аморить червячка*" ибораси енгилгина тамадди қилиб олиш маъносида ишлатилади. Бу жумла айнан таржима қилинганда "*қуртни ўлдириш*" маъносини англатади ва табиийки, бу ҳам ўзбек китобхонига тушунарсиз ҳолат бўлади. Аслида, бу ва шунга ўхшаш аслиятдаги ибораларни ҳамма ҳам билавермаслиги ва тўғри тушунмаслиги мумкин. Ҳар бир таржимон ижод қилар экан, ўз тилининг кенг имкониятларидан фойдаланишга, одамлар орасида кўп қўлланиладиган жумлаларни ишлатишга ҳаракат қилади. К.Пўлатов бу иборани "*нафсимизни бироз ором олдирдик"* тарзида бериш билан "нафс"ни айнан қорнини тўйдириш дардида юрган қаҳрамонлар ҳолатини тасвирлашда ўринли қўллаган.

Кейинги мисолда Врунгелнинг кемаси ўққа тутилиб, ҳалокатга учрайди. Иккига бўлиниб кетган кема денгизга ғарқ бўлишидан олдин Врунгель Фуксга жонини сақлаш учун қутқарув чамбарагини олиб, қирғоққа қараб сузишга буйруқ беради. Фукс Врунгелнинг ўзи кемада қолаётганини кўриб, усиз ҳеч қаёққа кетмаслигини айтади:

Аслиятдаги: *"Там с голоду ноги протянешь. ...мы против них никуда не годимся.* ***Обдерут, как липку****, по миру пустят.*

И меня так тронула эта верность, что я ощутил прилив сил. "Эх, – думаю, – ***рано панихиду петь***!" [Некрасов А. 3:147]

Таржимада: *"У ерда очдан ўлиш ҳеч гап эмас. ... бизлар уларнинг олдида* ***ип эшолмаймиз****. Пулинг у ёқда турсин* ***терингни ҳам шилиб олишади***.

Фукснинг бу садоқатидан ***юрагим тоғдек кўтарилди, бошим осмонга етди. "Мотам тутишга ҳали барвақт экан****!" деб ўйладим*." [Некрасов А. 2:143]

Бу жумлалар таржимасида ҳам мутаржим тилимиз сўз бойлигини имкон қадар ўринли акс эттиришга муваффақ бўлган. Русча *"обдерут, как липку"* фразелогизмини таржимон унга эквивалент бўлган, ўзбек тилида кенг қўлланадиган *"терингни* ҳам *шилиб олишади"* ибораси билан таржима қилган. Чунки "мақол ва маталларни бир тилдан бошқа тилга деярли сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслигини назарда тутиб, таржима жараёнида у ёки бу халқ тилида ўша маънода қўлланадиган ядро сўзи мавжуд бўлган мақол ва маталларни танлашга ҳаракат қилиш лозим". [Лю М. 1:77–81]. Бу мисолдаги рус тилидаги *"обдерут, как липку"* (айнан "липа дарахтининг пўстини шилиб олмоқ") бирикмаси ўзбекчада инсонга кўчирилиб таржима қилинган. Чунки бирон номаъқул иш қилган одамга нисбатан жонли тилимизда "*терингни шилиб оламан*" ибораси қўлланади.

Аслиятдаги оддий жумлаларнинг "*мы против них никуда не годимся*" – *"ип эшолмаймиз"*, "*меня так тронула эта верность, что я ощутил прилив сил*" – "*юрагим тоғдек кўтарилди, бошим осмонга етди"* сингари иборалар билан берилиши қаҳрамон кайфияти, ҳис-ҳаяжони ва ҳолатини ўзбек тилида янада кучлироқ тасвирлашга хизмат қилган. Чунки "рус тилида тўғри маънода ишлатилган бирикмаларни ҳам, контекстга, асарда тасвирланган персонажнинг индивидуал хусусиятларига қараб, компенсация мақсадида, идиомалар, қисман, мақол ва маталлар билан ҳам алмаштириш мумкин". [Саломов Ғ. 5:283] К.Пўлатов ҳам ушбу ўринда тилимизга хос бўлган туйғуларни англатувчи иборалардан унумли ва ўринли қўллаган.

Бу мисолдаги "панихида" – христианлар черковида ўлган одам хотирасига бағишлаб қилинадиган амал бўлиб, унда диний қўшиқлар айтилади. "Панихида" – реалия, шу ўринда таржимон китобхонга нотаниш бўлган сўз уни чалғитмаслик мақсадида таржима матни асл нусхадаги каби табиий тарзда қабул қилиниши учун *"рано панихиду петь"* фразеологизмини "*мотам тутишга ҳали барвақт*" тарзида ўгирган. "Панихида куйлашга барвақт" деб таржима қилинмаганлигини ёш ўзбек китобхони "панихида" сўзининг қандай маъно англатишини билмаслиги мумкинлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд, бу каби реалияларни ўз ҳолича қолдириб уларга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ, зеро китоб ўқиш жараёнида китобхон янги маълумотларга эга бўлади.

Хулоса килиб айтганда, ушбу асар таржимасида фразеологик бирикмалар, мақолларни таржима қилиш жараёнида К.Пўлатов уларнинг ўзбек тилида ширали, жонли бўлиб жаранглаши, русча ибораларга тўлиқ мувофиқ келувчи, маъносини аниқ етказиб берадиган, уларга эквивалент

бўлган вариантларни топиб ижод қилган дейиш мумкин. Шу ўринда таржима жараёнида таржимон калька усулидан фойдаланиб, аслиятдаги мазмун ва бадиийликни она тилимизда қайта яратишга эришган. Таржима тилида фразеологизм, мақолларни эквиваленти ёки аналоги бўлмаган тақдирда таржимон уни тавсифлаш (тушунтириш) орқали етказиб берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лю М. Мақол ва маталлар таржимасининг айрим хусусиятлари // Таржима муаммолари. 3-китоб. – Тошкент, 1991. – Б. 77–81.

2. Некрасов А.С. Капитан Врунгелнинг саргузаштлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 176 б.

3. Некрасов А.С. Приключение капитана Врунгеля. – М.: Дет.лит., 1983. – 177 с.

4. Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси / Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент, 1961. – Б. 151.

5. Саломов Ғ. Тил ва таржима. –Тошкент: Фан, 1966. – Б. 306.

ИЖОДКОР ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Нигора ХОЛМАТОВА,
Қўқон давлат педагогика институти
ўқитувчиси, ф.ф.б.ф.д.(PhD)

Аннотация: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг бадиий асарларида замонавий қаҳрамон руҳияти, тафаккур тарзи, турмуши тасвирланади. Уларда халқ дарди, орзу-ҳаваси, кишиларнинг интилиши, жамиятдаги турли воқелик бадиий-эстетик ёки бадиий-публицистик жиҳатдан баҳоланади.

Калит сўз: бадиий публицистика, мақола, сафарнома, фикра, адабий қайдлар, адабий портрет, хотира, адабий-эстетик дунёқараш.

Маълумки, бадиий асарда, аввало, муаллифнинг ўзи мансуб бўлган халқнинг, қолаверса, бутун инсониятнинг етук бадиий-эстетик идеали ифода этилади. Шу маънода Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг бадиий асарларида замонавий қаҳрамон руҳияти, тафаккур тарзи, турмуши тасвирланади. Уларда халқ дарди, орзу-ҳаваси, кишиларнинг интилиши, жамиятдаги турли воқелик бадиий-эстетик ёки бадиий-публицистик жиҳатдан баҳоланади. Бу эса ёзувчи адабиий-эстетик дунёқарашига боғлиқ бўлади. Зеро, “Тизимли аниқланиб бориладиган бадиият бадиий сўз санъатининг эстетикаси бўлиши керак”[Бахтин. 6:10]. Шу боис Эркин Аъзам

ижодини тизимли тадқиқ этиш орқали унинг сўз санъати эстетикасига бўлган муносабатини теран англаш мумкин.

Адиб шу кунга қадар ўндан зиёд бадиий тўпламларини кенг адабий жамоатчиликка тақдим этди. У ўзбек насрининг роман, қисса, киноқисса, ҳикоя жанрларида ва драматик турда баракали ижод қилди. Шу билан бирга, ёзувчи бадиий публицистиканинг мақола, сафарнома, фикра, адабий қайдлар, адабий портрет, хотира, суҳбат жанрларида ҳам қалам тебратди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ўз ижодий услубини яратиш учун ўзидан олдин ўтган салафлари А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Мухтор, С.Аҳмад, Ш.Холмирзаев ижодини ва уларнинг индивидуал бадиий маҳоратини чуқур ўзлаштирди. Ўзига устоз санаган ўзбек реалистик ҳикоячилигининг асосчиларидан бири А.Қаҳҳор ҳақида “Ҳалоллик ва шижоат” (1987), “Жасур посбон” (2007) номли хотира-мақолалар ёзди. Мақолаларда Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик дунёсида чуқур из қолдирган А.Қаҳҳорнинг “Ҳақиқатгўй”, “Жасур”, “Матонатли шахс”, “Ҳалол”, “Адабиёт жонкуяри” сифатидаги сиймоси гавдалантирилади: “Мен Абдулла Қаҳҳор сиймосида ҳақиқатнинг тимсолини, тимсол не, ҳақиқатнинг ўзини кўргандек бўламан. Ул зот ҳаётда ҳам, ижодда ҳам адлу инсоф учун оғишмай курашган, сўнгги нафасига қадар бировга на эгилган, на букилишни билган жасур, матонатли инсон сифатида ҳар бир ижодкорга ибрат бўлғусидир”. Мазкур фикрдан, Эркин Аъзам воқеликни бадиий-эстетик англаш ва ифодалашда ҳаққонийлик тамойилини Абдулла Қаҳҳордан ўрганган, деган хулосага келиш мумкин.

Аммо асарни ўқувчига завқ беришини, бунинг учун асар бадиий жиҳатдан етук бўлиши ҳақидаги принципиал мезонни Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳордан ўрганганини таҳлил этилаётган мақоласининг бошқа жойида эътироф этади: “Сароб” – ҳозир менинг энг севимли китобларимдан, ўқиб тўймайман, неча қайталаб ўқиганиму яна неча бор ўқияжагимни ҳам айтолмайман. Уни зиддиятли йигирманчи йиллар зиёлилари ҳаётининг маълум сабабларга кўра бизга қоронғи жиҳатларини ҳаққоний акс эттирган нодир, илҳомбахш асар деб биламан. Ҳақгўй танқидчимиз Озод Шарафиддинов бу асарни Абдулла Қодирий романларидан кейин адабиётимиздаги “иккинчи чўққи” деб атаганда минг бора ҳақ! Аммо ўшанда “Сароб”нинг бадиий қадрию Салимхондек мураккаб образнинг чинакам талқини нима эканини менга ўхшаган бир ғўр бола қаёқдан билсин!”[Аъзам.Э.1:254]. Демак, ёзувчи “Сароб” романини қайта ва қайта ўқиш билан бирга, унинг тагмаъноларини ҳам мушоҳада қилган. Бу эса ёзувчига ўз асарларига ҳам тагмаънолар сингдириш йўлини кўрсатган. Масалан, ёзувчи “Жаннат қайдадир” драмасида аслида ўз туғилган юртингдан азиз ва қадрли жой йўқ, деган ғояни сингдириб юборган. Бу ерда ҳам зиёлининг фожеасини тасвирлайди, аммо энди бу ХХ аср сўнгги ўн йиллигидаги зиёли фожеаси эди. У кўп жиҳати билан А.Қаҳҳор асаридаги зиёлидан фарқ қилади. Демак, бу ерда анъана ва ўзига хослик кўзга ташланади.

Эркин Аъзам А.Қаҳҳорга бағишланган иккинчи мақоласида атоқли адибнинг бешафқат реализми, ҳалол айтилган мардона сўзларига юқори баҳо беради: “Абдулла Қаҳҳор ҳеч вақт фаришталик даъвосида бўлмаган. Бугун биз хаёл қилганимиздек у киши мудом содиқ шогирдлари қуршовидаю оқибатли сафдошлар ардоғида ҳам эмас эди. Бандалик, бир замонлар адибга бадхоҳлик қилган, танасидаги дард, юзига эртачи ажин солганларнинг ҳаммаси ҳам энди ҳаётда йўқ. Бироқ ҳамон унинг “душман” лари кам эмас. Адиб уларга шахсан бир ёмонлик қилмаган, аксариятини ҳатто кўрмаган ҳам. Шунга қарамай, шунга қарамай...

А.Қаҳҳорнинг “ёмонлиги” – унинг бешафқат қалами, ёзган асарларидаги айрим нусхаларга муросасиз нафрати, ҳаётнинг, адабиётнинг софлиги йўлида ҳалол туриб айтган мардона сўзлари, холос!” Демак, ёзувчи адиблар узоқдан улуғвор кўриниб, фаровон яшайди, деган сохта тушунчани инкор этиб, ёзувчи доимо ўз қарашлари, ўзи мансуб халқ бадиий-эстетик қарашларини ҳимоя қилиб яшаши лозимлигини эътироф этган. Ўзи ҳам шунга интилган. Асарларида реал воқеликни бадиий ҳақиқатга айлантира олган. Хусусан, “Сув ёқалаб” асарида собиқ раис образида жамиятдаги қатор маънавий иллатлар, ислоҳотларнинг кишилар ҳаётига таъсирини кўрсатган. Натижада битта намунали оиланинг бир ўғли тадбиркор, аммо унинг отаси билан суҳбатлашишга вақти йўқ, иккинчи ўғли ичувчи, ахлоқсиз, ягона қизи эса дардини ичига ютиб яшайди, кенжа ўғил ота армонига сўнгги умид сифатида олинади. Болта Мардон ўз-ўзи билан курашиб, ўз севгисини қалбида бир умр асраб, ошкор қилмасдан яшаган мард инсон сифатида кўрсатилган. Шу образда “шафқатсиз реализм”нинг нопок кимсаларга нафрат билан қарашни ўргатувчи тамойиллари юзага чиққан.

Бир суҳбатда эса кўпчилик тушунчасида ўзи меҳр қўйган азиз юрти, унинг маънавий мероси бахшичилик анъаналари билан ривожланганини ва у ерларда ҳам ижодкор чиқиши мумкинлигини, баъзи кишилардаги “улардан ёзувчи чиқмайди” деган бирёқлама тушунчани очиб ташлайди: “Бундан чамаси кўп йил бурун, 67-йиллар, биз Усмонбой, Муҳаммад Раҳмон билан А.Қаҳҳорнинг суҳбатида бўлганмиз, у киши бир гапни айтгани эсимда, *ўшандай жойлардан* (Сурхондарё назарда тутиляпти – таъкид бизники. Н.Х.) ҳам ёзувчи чиқяпти, мана Шукурларни қаранг” деб... бизнинг элимизнинг қўшиғи бор, дўмбира, бахшилари бор, йирик асарлари ҳам. Шунингдек, Сурхондарёда бахшичилик яхши ривожланган.

Сурхондарё воҳасидан шўро даври адабиётида биринчи бўлиб Шукур Холмирзаев ёзувчи бўлиб етишиб чиқди ва у киши ўзбек прозасини бир поғона кўтарди... Сурхондарё катта буюк адабиётга қадам қўйди”[Сарвар Тўраев.5]. Бу ўринда адиб, 70-йилларда Сурхондарёда шаклланган адабий муҳит ҳақида фахр билан гапирганини сезиш мумкин. У Тоғай Мурод, Шукур Холмирзаев, Усмон Азим, Эшқобил Шукурларнинг ижоди мисолида адабий жараёнга баҳо беради. Демак, бадиий-эстетик тафаккур илдизи аждодлар анъанаси ва уни янгича шаклларда давом эттираётган ижодкорлар мисолида тараққиёт этмоқда, деган фикр илгари сурилган.

Аввал таъкиланганидек, Эркин Аъзам ижоди ва унинг асосий эстетик тамойилларининг шаклланишида А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ойбек каби устоз ижодкорлар қаторида Асқад Мухторнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис адибнинг бадиий публицистикасида А.Мухторга бағишланган учта хотира-мақола ўрин олган. Муаллиф устозининг ҳаёти, ижоди, шахсини ўзи ва авлодлар учун ибрат намунаси қилиб кўрсатади: “Одатда, бош муҳаррир деганлари вақти-вақти билан ходимларни ҳузурига чорлаб сиёсат қилиб туради, “юқори”нинг кўрсатмаларини халққа етказади. Бизда эса тартиб бошқача эди. Асқад ака ҳеч кимни беҳуда чақирмас, ишлари бўлса, ўзлари бўлимга чиқар эдилар. Бирор юмуш билан хоналарига кириб қолсангиз – муттасил кимнингдир қўлёзмасини ишлаб ўтирган ҳолда кўрардингиз. У ердан қуруқ чиқмасдингиз: қандайдир янги фикр биланми, кутилмаган мулоҳазаларни эшитибми...

Ибрат!”[Аъзам.Э.3:313]. Кўринадики, Эркин Аъзамнинг дунёқарашидаги бошқаларнинг шахсий эркини ҳурмат қилиш, адабиётга меҳр, меҳнаткашлик, ўзаро ҳурмат, фидоийлик каби фазилатларни айнан шу йилларда устоз ижодкорлар таъсирида шаклланган.

Мазкур мақолада Эркин Аъзам устози А.Мухторнинг ибратли фазилатларини ҳаётий воқеалар асосида кўрсатиб беради. Ёзувчининг кўз ўнгида А.Мухтор меҳнаткаш, доимо янгича фикрлашдан чарчамайдиган уйғоқ қалбли ижодкор, ёшларга меҳрибон устоз, танти ва камсуқум, ўта мурувватли инсон, донишманд, зукко файласуф адиб қиёфасида намоён бўлади. Демак, ёзувчи ушбу мақоласида устози адабий портретини яратган.

Адибнинг бошқа бир мақоласида А.Мухтор билан боғлиқ хотиралари, устоз-шогирд ўртасидаги муносабатлар, устози ҳақидаги илиқ хотиралар, ҳаётий воқеалар баён этилган. Мақола структураси ҳам ўзига хос бўлиб, унга А.Мухторнинг “Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим" шеърий мисраси эпиграф қилиб олинган. Хотира-мақоланинг экспозициясида биринчи марта Асқад Мухторни шоир сифатида Бойсун марказига ўрнатилган радиокарнай орқали таниганини ёзади. Ўқувчилик йилларида ёзувчининг “Туғилиш” романи ҳақида китобхонлар конференциясида маъруза қилгани ҳикоя қилинади. Сўнгра “Гулистон” журналида бирга ишлашгани, таҳририятда кечган қизғин иш жараёнлари тўғрисида ҳам ихчамгина ҳаётий ва ҳиссий кечинмага бой хотираларини қисқа қилиб баён қилади. Воқеалар ривожидаги юқори нуқта устознинг касалхонада уни кўргани келган шогирдига тобут расмини чизиб берган лавҳа саналади.

Мақоланинг муҳим жойларидан бири А. Мухторнинг шогирдига ёзган хати ҳисобланади. “Бу мактубни мен кўп кишига кўрсатдим, кўпларга ўқиб бердим. Бирор жойга ташлаб қўйишга кўнглим бўлмадими, негадир ирим қилибми, доимий ҳамроҳим - папкамга солиб олдим. Қоғоз титилиб кетгунча, уч йилми-тўрт йил ёнимда юрди"[Аъзам.Э.2:317]. Мазкур парчада устозидан келган бир мактубни эҳтиёт қилиши, ундан фахр туйишини баён этар экан, ёзувчи устозининг унга кўрсатган меҳрини бадиий ифодалашга ҳаракат қилган.

Ёзувчи А.Мухтор адабий портретини яратар экан, унинг ижодида реализм етакчилик қилгани, муаллиф кучли характерга эга эканлигини ҳам таъкидлайди: “Бу - адибнинг “назарногирроқ” асарларидан ҳисобланади. Ажабо, уни ўқиганим сари ҳайратим ошарди. Ширали тилию тиниқ тасвирларини кўрсангиз! Манаман деган қорақалпоқ ёзувчиси ҳам ҳавас қиладиган пишиқ-пухта асар. “Қизил”роқ ўринларини олиб қўйсангиз, қирқ-қирқ беш йил бурун ёзилган бу қиссадаги фожиавий ҳолатлар жаҳон адабиёти даражасидаги асарларга асос бўлгулик!

Қани эди, ижодий ҳасби ҳолингизда лоақал шундай бир асар бўлса!"[Аъзам.Э.2:317]. Парчадан маълум бўяптики, Эркин Азам Аскад Мухтор асарларига баҳо берар экан катта адабиётшунос сифатида ўзини намоён этади. Бу, айниқса, ёзувчи асарлари тилидаги жозиба, услуби ҳамда асарни жаҳон адабиёти даражасида эканлиги ҳақидаги фикрларда яққол кўринади. Бундан ташқари, охирида “шундай ҳасби ҳолингиз” бўлса, деган жумласида эса, келажакда ўзи ҳақидаги таржимаи ҳол асар яратиш ҳақидаги ниятига ҳам ишора қилади. Демак, юқорида тилга олинган биографик асар яратилишига А.Мухторнинг таъсири бўлган ва ушбу мақолада бу ҳақда олдиндан айтилган.

Эркин Аъзамнинг устози ҳақидаги учинчи мақоласи “Оғир қоғоз заргари” деб аталади. Унда адибнинг бадиий ижод жараёнига бўлган бадиий-эстетик қарашлари, устозининг масъулияти ҳақида ҳаётий далилларни келтиради: “Чинакам ижодкор анчайин бир хатни ҳам қўл учида ёзмайди. Ёза олмайди. Ижодий виждони бунга йўл бермайди. Қоғозга бирор нима ёзиб-чизиш лозим бўлганда уни ҳамиша астойдил, бор имкон, тажрибасини ишга солиб бажаради. Ҳар қанча тажрибакор, ҳар қанча улкан истеъдод эгаси бўлмасин, кору аъмоли шу! Биладики, кўнглининг таржимони мана шу оқ қоғоз, уни кўнгил буюрмаган ношойиста сўзлар билан наридан-бери тўлдирмоқ – гуноҳ. Ёзув машғулоти, айниқса, ижод иши эса ҳамиша машаққатталаб, негаки “ҳаммасидан оғири – қоғоз...”[Аъзам.Э.1:294]

Мазкур парчада ёзувчининг бадиий ижодга ёндашуви, бадиий сўздан фойдаланиш маҳорати ва бадиий-эстетик тамойиллари ифодасини топган. Тўғри, у буларни устозига нисбатан таъкидлайди. Аммо ўзи ҳам шундай фикрга эгалиги сезилиб туради. Бундан кўринадики, ҳаётий материалларга бадиий-эстетик муносабат адиб психологиясига Асқад Мухтор ибрати билан кўчган.

Демак, бадиий-эстетик тафаккур илдизи аждодлар анъанаси ва уни янгича шаклларда давом эттираётган ижодкорлар мисолида тараққиёт этмоқда, деган фикр илгари сурилган.

Адабиётлар рўйхати:

1.Аъзам Э. Ҳалоллик ва шижоат / Эрталабки хаёллар. – Тошкент. Ўзбекистон, 2015. – Б.294.

2. Аъзам Э. Оғир қоғоз заргари / Эрталабки хаёллар. – Тошкент. Ўзбекистон, 2015. – Б. 317

3. Аъзам Э. Бутунларнинг бутуни / Эрталабки хаёллар. – Тошкент. Ўзбекистон, 2015. – Б. 313.

4. Аъзам Э. Ибрат. / Эрталабки хаёллар. – Тошкент. Ўзбекистон, 2015. – Б. 302.

5. https://www.youtube.com/c/sirojiddinibrohim // Эркин Аъзам "Орамиздаги одамлар" кўрсатуви меҳмони. Суҳбатдош Сарвар Тўраев, ТерДУ археология йўналиши магистранти, журналист ва ёш ёзувчи

6. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – С.10

РЕТРОСПЕКЦИЯ–ХОТИРАНИНГ ИЖОДИЙ-ЭСТЕТИК МОҲИЯТИНИ ЁРИТИШДА ЁЗУВЧИЛАР УСЛУБИДАГИ ОРИГИНАЛЛИК

Баҳор Тўраева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Аннотация. Мақолада ретроспекция усулининг шаклан ва мазмунан мураккаб ҳамда хилма-хил ижодий-эстетик мундарижани ташкил этиши, бадиий сюжет ҳодисаси баробарида, энг аввало, шу сюжет қурилишининг асосий принципларидан бири сифатида ўтган ва ҳозирги замонларнинг жонли алоқасини кўрсатиш имконини берувчи адабий усул эканлиги изоҳланган. Ретроспекция воқеалар замонини режалаштиришнинг ҳамиша ажралиб турадиган усули, композициявий асослаш воситаси бўлиб, қаҳрамоннинг олдинги тарихини кенгайтириш учун имконият яратиши, аҳвол-руҳиятини аниқлаштириши Чингиз Айтматов ва Нормурод Норқобилов романлари мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ретроспекция, роман, проспекция, ретардация, ретроспекция-хотира, ретроспекция-ҳикоя, ретроспекция-ривоят, ретроспекция-афсона, ретроспекция-эпиграф.

Ҳар бир адабий жанр ўз бадиий-поэтик хусусиятларидан, муаллифнинг ижодий-эстетик ниятидан келиб чиққани ҳолда ретроспекциянинг турли шаклларидан фойдаланади. Ҳам жанр, ҳам бадиият – маҳорат бобида, ҳам яратилиш замон ва маконида яқинлик мавжуд бўлган йирик эпик асарларнинг зоҳирий ўзига хос мухтасаргина рамзий қиёсидан кўзланган илмий-назарий мақсадимиз қиёсий типология ва ижодий индивидуаллик ўлароқ, Ч.Айтматов ва Н.Норқобиловнинг ретроспекция усулидан фойдаланиш маҳоратининг қай даражада индивидуал теранлик касб этганини аниқлашдан иборат. Н.Норқобилов қаҳрамон хотиралари орқали унинг ўтмишидаги изтиробли ва маҳзун ҳолатларга эътибор қаратса, Ч.Айтматов

нафақат персонаж ўтмиши, балки узоқ тарихда содир бўлган воқеликларни ҳам параллел тасвирлайди. Ч.Айтматов романларида қаҳрамонлар ўтмишига саёҳат муҳим композицион вазифа бажаради. «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Қулаётган тоғлар» романларида ўтмиш юқори мавқега эга бўлиб, муаллиф ва китобхон эътибори шунга йўналтирилади. Ч.Айтматов замон моделида ўтмиш ҳозир ва келажакдан устун туради. Ёзувчи қаҳрамонлари ўтмишини уларнинг ўй-хаёллари ва хотиралари асосида тасвирлайди. Эдигей Бўроннинг қандай қилиб Сариўзак чўлига келиб қолиши, касалликка чалиниш сабаблари, Казангап билан танишиши; Авдий Каллистратовнинг диний таълимотни ўзлаштиришида оилавий муҳитнинг, отаси дьяконнинг таъсири, диний семинариядаги таҳсил олиш кезлари ва қувилиш тафсилотлари, Инга Фёдоровна билан муносабати; Арсен Саманчин билан қисмати самовий туташган, казову қадарнинг амри-иродаси билан битта буржнинг юлдузлари остида ёруғ дунёга келган Жаабарснинг аччиқ хотиралари; Андрей Крильцов, кейинчалик ўзини самовий роҳиб сифатида таништирган Филофей (аслида булар битта образ – Т.Б.)нинг болалар уйига қор учқунлаб турган кечада онасининг ташлаб кетиши, болалар уйи тарбиячиси Валерия Валентиновнанинг меҳр-шафқати, унга яшаш учун берган маънавий далдаси – ҳаммаси бир-бир қаҳрамонларнинг хотира варақларида саҳифаланади. Нормурод Норқобилов романларида қаҳрамон ўтмишида содир бўлган, ҳозирни драматик таранглиқда сабаб-оқибат билан ўзаро боғлаган лаҳзалар ҳозирда кечаётган воқеалар оқими билан уйғунлашиб кетади, яъни персонаж руҳиятидаги ҳозирги ҳолат билан боғлиқ ўтмиш воқеалари кенг ва батафсил ёритилади. Эрманнинг Итолмас томонидан банди қилиниши ҳамда олтин қазиш учун қул қилиб ишлатилиши натижасида уйғонган юрагидаги чексиз нафрат туфайли ғул итини тарбиялаши; Эшқул полвон халқ корига яраш мақсадида подани даштга ҳайдаб кетиши; ҳокимият, аслида ўз нафси илинжида Фармонов Эшқул полвонни таъқиб қилиши билан боғлиқ хотиралар аслида қаҳрамон ўтмишида юз берса-да, унинг ҳозирида доимий равишда бўй кўрсатиб туради. Ч.Айтматов ва Н.Норқобилов романларида хронотопнинг ретроспекция, проспекция ҳамда ретардация каби ифода усуллари бир-бирини тўлдиради ва ёзувчиларнинг ижодий мақсадига кўра турли вазифаларни бажаради. Ҳар иккала ижодкор романларида ретроспекция характерларни очиб берувчи моҳиятлар манбаи сифатида эмас, балки қаҳрамонларнинг ҳозирдаги фаол ҳаракатларига туртки берувчи манба сифатида қизиқтиради. Қаҳрамонларнинг ўтмишида юз берган воқеалар кескин ва уйғунлашмаган туртки билан ҳозирдаги воқеаларнинг табиий оқимига ва қаҳрамонлар онгига бостириб киради ҳамда уларни чуқур мушоҳадага чорлаб, реалликнинг юқори босқичларига олиб чиқувчи хатти-ҳаракатлар қилишга ундайди. Романлар мавзуларининг яқин ўтмишдан ретроспектив махсус танланганлиги, демак, улар эпик замонининг аниқлиги, энг муҳими – ўтган замонни муаллифнинг ҳозирги замон иллюзиясида бадиий яхлит, эпик замонга «айлантириш» санъатида эканлигидир.

Адибларнинг бадиий маҳорати шундаки, воқеаларга ровий ёки персонаж нигоҳи орқали назар ташлайди. «Асрни қаритган кун» романида воқеалар кўламининг марказий нуқтасида Эдигей Бўрон образи туриши баробарида ҳар бир ҳодисага унинг донишмандларга хос теран мушоҳадалари сезилиб туради. «Дашту далаларда» романида Эшқул полвоннинг мулоҳазалари ёзувчининг ўй-фикрлари билан уйғунлашади, нафақат инсон-инсон, балки жамият ва инсон муаммоларига ҳам айнан шу қаҳрамон ечим излайди. Чингиз Айтматов ва Нормурод Норқобилов романларининг ғоявий-бадиий концепциясини шакллантириш ва ифодалашда шу усулни самарали қўллашган. Персонаж ҳаётида қачонлардир рўй берган воқеа асосида асар сюжети қурилар экан, уларнинг юз бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақти бир-бирига мос келмайди. Сюжет чизиқларининг персонаж ҳозиридан унинг ўтмишига томон шиддатли ривожланишию кутилмаган бурилишларга эгалиги ижодкор онгида акслланган воқеликнинг бадиий моделини яратишда ўзгача услуб сифатида намоён бўлади.

«Эпик асарда ривоянинг объектив ва субъектив кўринишлари кузатилади. Биринчи ҳолда ровий «холис кузатувчи» мавқеидан туриб олиб борилади, яъни ровий воқеаларга аралашмайди, тасвир предметига муносабат очиқ ифодаланмайди; иккинчисида эса, аксинча, воқелик «ичдан ўтказиб» берилади, тасвир предметига муносабат ҳам ошкор ифодаланади» [Қуронов Д. ва б. 8:252]. Ҳар иккала адиб романларида иккинчи жиҳат устувор бўлиб, «Асрни қаритган кун»да Эдигей Бўрон, Казангап, «Қиёмат»да Исо Масиҳ, Авдий, Бўстон, «Дашту далаларда» романида Эшқул полвон, «Қорақуюн»да Оқбўта, Қалайбек образлари инсонлар дардини ўз дарди деб билган жавонмардлар сифатида қалбан, руҳан ва фикран муаллифга ҳамқадам бўлиб, *воқеликни «ичдан ўтказишади».* Адиблар тасвирланаётган воқелик ичида, қаҳрамон шахсида яшар экан, ҳеч вақт ўзлигини йўқотмайди. Персонаж юрагида ўз қалбини жойлайди, ўз ғоясини асар тўқимасига, ундаги қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари, қувонч ва дардлари, бахт ва фожиаларига сингдириб юборади.

Замонавий романларда ретроспекциянинг *хотира, ҳикоя, ривоят, афсона, эпиграф* шакллари мавжуд:

Ретроспекция–хотира. Қаҳрамон ўтмишида рўй берган, онгига, шуурига сингиб кетган ҳодисаларни эслайди. Ретроспекция–хотира персонаж қалб туғёнларини, руҳий дунёсини чуқур очишга хизмат қилиш баробарида образ руҳий оламидаги эврилиш натижасида, яъни икки ҳолатда ўтмишига назар солади.

1. Азоб-уқубатли кунларини хотирланишига сабаб бўлувчи маҳзунлик ҳолати юз берганда.

2. Юраги севинчдан ҳапқириб, қувонч онларини хотирлаш лаҳзаларида.

Тадқиқот объекти сифатида танланган романларда биринчи ҳолат кўпроқ учрайди. Китобхонлари қалбини дарду андуҳлардан ларзага солган Ч.Айтматов қаҳрамонлари аччиқ қисмат эгаларидир, Н.Норқобилов қаҳрамонлари тийнатида эса қисматдан, ёвузликдан ўч олиш – исён бор.

«Асрни қаритган кун» романида Она Байит қабристонига Казангап чолни дафн этиш учун боришдаги фурсат оралиғида Эдигей Бўрон бир асрга тенг воқеаларни хотирлайди: Уккубола билан кечирган бахтли дамлари, урушдан контузия касалига йўлиқиб қайтиши; Казангап ва хотини Бўкей уларга ёрдам қўлини чўзганлиги (Эдигей ва Уккуболани Сариўзакка олиб келиши ва шубат унинг дардига шифо бўлади деб, Оқбош ва Қоранорни ҳадя қилиши); Абутолиб ва Зарифаларнинг Сариўзакка кўчиб келишлари, Абутолибнинг Жанубий Баварияда немислар қўлига асир олиниши, умрининг охирига қадар асирлик пешонасига тамға сифатида босилиб, чағиркўз Тансиқбоев томонидан Абутолиб Қуттибоевнинг болалари учун ёзилган хотираларига сиёсий айблов қўйилиши; Эдигей Зарифанинг болалари: Довул ва Эрмакларга отаси Абутолибнинг сўнгги илтимоси – денгиз ҳақида сўзлаб бериши, Зарифани севиб қолиши, аммо буни сезган Зарифа билдирмасдан Сариўзакдан кетиб қолиши; Казангапнинг ўғли Собитжон отасига номуносиб фарзанд бўлиши – ҳамма-ҳаммаси Эдигей Бўрон хотиралари асосида асарда образли ифодаланади. *«Она Байит сари боришар экан, Эдигей шу аснода йўл-йўлакай турли хаёлларга ғарқ бўлди. Уфқ узра бош кўтара бошлаган қуёш ҳаёт оқимини ўлчаб, бўлиб ўтган жамики турмуш аччиқ-чучукларини эслатди унга»* [Айтматов Ч. 1: 115].

Қўллари боғлиқ ҳолда машина устида ётаркан, ҳар турли аччиқ, аламли ўйлар сурган, ёлғизлик алами кўнглини ўртаб юборган Авдий ўзи учун қадрли хилқат – Ингани, семинариядан ҳайдалганини, гиёҳвандликни қоралаб, очерк ёзмоқ ниятида нашаванд чопарлар сафида Мўйинқум ва Чу чўлларида ўлим билан юзма-юз бўлганини бирма-бир эслайди: *«Қийналса ҳам, қувонса ҳам, унга мурожаат қилади. Оғир ҳолатга тушганда бир-бирларига жуда яқин кишиларнинг телепатия йўли билан фавқулодда мулоқотга киришишлари рост бўлса, унда ўша мунис-меҳрибон хилқат ўша кеча нимадандир қаттиқ ўртаниб, ниманидир қаттиқ соғиниб, нимадандир юраги бир нотинчликни сезган бўлиши керак...»* [Айтматов Ч. 2:50].

«Дашту далаларда» романида Эшқул полвон хотиралари ёзувчининг бадиий-ғоявий мақсадини теранроқ ифодалаш имконини берган, чунки шўролар даври воқеалари шу қаҳрамон ўтмишини тасвирлаш орқали аёнлашади. Асарда гарчи бош қаҳрамон сифатида Тўланбой образи ҳам гавдалантирилса-да, роман Эшқул полвоннинг эл чорвасини сақлаб қолиш мақсадида даштга ҳайдаб кетиши натижасида Фармонов билан, даштдаги булоқни асраб қолиш учун Шавкат билан ижтимоий зиддияти, Ўсарқул баттол билан шахсий зиддияти асосида қурилган. Ч.Айтматов асар воқеалари марказига Эдигей Бўрон, Н.Норқобилов Эшқул полвон образларини қўяди. Ч.Айтматов абадий ва ўткинчи ҳодисалар доимо тўқнашиб турадиган бугунги кунда меҳнаткаш одам адибга шахсияти, бой маънавий дунёси, замоннинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлантиргани билан ҳам қизиқарли ва қадрли эканини таъкидлаб, шу боисдан Эдигей Бўронни давримизнинг чархи олам меҳварига – ўзини ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилганлигини эътироф этади. Тадқиқотчи С.Базаров

Н.Норқобилов асарлари поэтикасини тадқиқ қилар экан, адиб романларида акс этган инсон ва жамият муносабатларини қуйидагича изоҳлайди: «Тўғрироғи, муаллиф эпик макон тасвирига кўпроқ урғу берар экан, замон зиддиятларини инсон характерини шакллантиришга хизмат қилдиради. Эпизодик чизгилар, характерли бадиий деталлар миллат турмуш тарзини асар руҳига сингдиради, натижада инсоний муносабатлар миллий анъаналарни ёрқин ифодалаган типик характерли умумлашмаларни юзага чиқаради [Базаров С. 3:19].



1-расм: «Дашту далаларда» романининг қолипловчи ва қолипланувчи сюжет чизиқлари [Норқобилов Н. 5:224].

«Асрни қаритган кун» романининг умумретроспектив таркиби композициявий хилма-хил ва мураккаб бўлиб, горизонтал ва вертикал маконда содир бўлган воқеалар тизимида бири учун иккинчиси ёки учинчиси композиция жиҳатдан қолипловчи ҳамда қолипланувчи вазифасини бажаради. Эдигей Бўрон ва Уккубола сюжет чизиғи қолипловчи бўлиб, барча сюжет чизиқларини туташтириб, асар яхлитлигини таъминлаган. Таниқли таржимон Ғайбулла Саломов «Қиёмат»да Акбара билан Тошчайнар романнинг деярли барча қисмларини бир-бирига асосий қолипловчи восита бўлганидек, «Бўронли бекат»да Қоранор шундай воситачилик қилганини таъкидлайди [Саломов Ғ. 7:159]. Эдигей Бўрон ва Уккубола сюжет чизиғи

роман сюжет чизиқларини ўзида қамраса, Қоранор Эдигейнинг доимий ҳамроҳи сифатида қолипловчи восита саналади. А.Рашидовнинг эътирофича, «Асрни қаритган кун» – ғоявий-бадиий юксак асар. Унинг бадиий сюжети ва композицион тузилиши ҳам кенг кўламли ва шу билан бирга ғоятда ихчам бўлиб, биз унда кўпгина воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олган сюжет чизиқларини кўрамиз: Эдигей – Казангап, Эдигей – Абутолиб, Эдигей – Елизаров, Эдигей – Собитжон, Эдигей – Уккубола, Эдигей – Зарифа, Эдигей – Қоранор, Эдигей ва кекса оқин Раймали оға, бошқалар – буларнингнинг ҳар бири ўзича тугал, ўзича мукаммал бир қисса бўлиб, ҳар бир персонажнинг ички ва ташқи олами, дунёқараши табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган[Рашидов А. 6:177]. Қуйидаги расмларда «Асрни қаритган кун» ва «Дашту далаларда» романларининг сюжет чизиқлари таҳлили келтирилган.



2-расм: «Асрни қаритган кун» романининг қолипловчи ва қолипланувчи сюжет чизиқлари. 1-нашри.

3-расм: «Асрни қаритган кун» романининг қолипловчи ва қолипланувчи сюжет чизиқлари. 2-нашри.

«Асрни қаритган кун»да Эдигей Жонгелдин, «Қиёмат»да Авдий, «Кассандра тамғаси»да Андрей Крильцов, «Қулаётган тоғлар»да Арсен, «Қорқуюн»да Эрман, «Дашту далаларда» романида Эшқул полвоннинг хотиралари акс этган бўлиб, улар ўз ўтмишларини турли кайфиятда хотирлашади. «Эслаш усули руҳият тасвирида асар персонажларининг муайян ҳолатлардаги ўй-фикрларини, хатти-ҳаракатини ўтмиш воқеалари билан боғлиқликда асослаш вазифасини ҳам адо этади. Айрим ҳолларда бу усул персонажнинг ўй-мулоҳазалари, онг оқими билан боғлиқликда қўлланади. Бундай ҳолларда эслаш усули персонажнинг ўта мураккаб руҳий ҳолатидан, унинг онги ва қалбида кечаётган аччиқ руҳий изтиробларни сўндириш, барча қилмишларида ўзини тўла ҳақ эканлигини исботлаш учун хизмат қилади» [Исаева Ш. 4:36].

Асарларнинг ғоясига сафарбар ретроспектив чекинишлар ҳар бири ўз ҳолича, бир нечаси муштарак мундарижада замон-макон диалектикаси асосида ҳикоя қилинаётган муайян замонларда кечмиш воқеа-ҳодисаларнинг бадиий мантиқ занжирига қолипловчи ёки қолипланувчи замон мақомларида ўзаро ҳалқаланади. Биргина эслашдан иборат руҳий ҳолатнинг ўзи ҳар бир характер хатти-ҳаракатидаги янги қирраларни очиш имконини берган. Ретроспекция–хотиралар – қаҳрамоннинг ўтмиш ҳаёти хотирланиши, эсга олиниши асардаги воқеалар оқимини тўлдиришга, замон-макон (хронотоп)ини кенгайтиришга ёрдам берган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Айтматов Ч. Асрни қаритган кун: (Чингизхоннинг оқ булути, Тангрига тавалло): роман. /Рус тилидан Асил Рашидов ва Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: «Sharq», 2019. – 560 б.
2. Айтматов Ч. Қиёмат: роман. /Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: «Янги аср авлоди», 2015. – 432 б.
3. Базаров С. Нормурод Норқобилов асарларининг поэтикаси: Филол.фан. фалс. д-ри ...дисс.автореф. – Жиззах, 2021. – 53 б.
4. Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: Фил.фан. ном. дисс. – Т., 2001. – Б. 36.
5. Норқобилов Н. Дашту далаларда: роман. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 224 б.
6. Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. – Т.: «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 256 б.
7. Саломов Ғ. Мен сув ичган дарёлар. Мулоқот. Мушоҳада чечаклари. Шингил воқеалар. Одамлар ва тақдирлар. – Т.: “Ёш гвардия” нашриёти, 1990. – 272 б.
8. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 411 б.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ “МУНГЛИ КЎЗЛАР” РОМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ

Рухсора ТУЛАБАЕВА,
Филология фанлари номзоди
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети

Аннотация: Мақолада ўзбек болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” романи таҳлил қилинди. Унда “Мунли кўзлар” романи қаҳрамонлари бўлмиш ўсмир болалар характери, ички олами, жамиятда тутган ўрни, шунингдек, ижтимоий муҳит таъсирида бола руҳиятидаги ўзгаришлар масаласи тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар: роман, болалар, ўсмирлар, руҳият, ижтимоий муҳит, жамият.

Ўзбек болалар прозаси ҳақида сўз очганда, биринчи навбатда Худойберди Тўхтабоев кўз ўнгимизда гавдаланади. Адибнинг деярли барча роман ва қиссаларида ўсмир ёшидаги боланинг характери ифодалаб берилган. Бола, айниқса ўсмир руҳияти мураккаб, зиддиятларга бой, тушуниш ва тушунтириш мушкул бўлган масалалардан биридир. Уни бадиий асарда гавдалантириш эса, ёзувчидан катта истеъдод, бола қалбини чуқур англашни талаб этади. Худойберди Тўхтабоев ана шу мураккаб муаммони ўз асарларида акс эттирар экан, ўсмир руҳиятидаги ўзгаришлар, уларга ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Ижтимоий муҳитнинг бола руҳиятига таъсири масаласи Х.Тўхтабоевнинг “Мунгли кўзлар” романида яққол намоён бўлади. Бу асар қаҳрамонлари адибнинг барча қаҳрамонларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби, адиб яратган болалар образларининг кўпчилиги гўлроқ, кўпинча ё очликдан қийналаган, ё мактаб директори ва ўқитувчиларидан дакки эшитиб юрувчи, содда қишлоқ болалари эди. Аммо, “Мунгли кўзлар”даги болалар ҳеч қандай муҳтожлик билмаган, эрка ва арзанда болалар. “Мунгли кўзлар” романи қаҳрамонлари катта шаҳарда, данғиллама кошонада яшайдилар. Улар бой ота-оналарининг эркалари. Бу уйда ҳамма нарса муҳайё, ота-онанинг қўли узун, мактаб директоридан тортиб, барча таниш-билишларигача уларга қуллуқ қилади. Болалар табиатига ҳам бу ҳолат таъсир этмай қолмаган.

Болалар руҳиятида кибр бўй кўрсатиб борарди: “... Очиғини айтсам, Илҳом, Манзура сингари аълочиларни аълочилиги, ҳурмати мендан баланд бўлгани учун унча хушламайман. Ичи қораликданми, ҳасадданми, ишқилиб, ёқтирмайман-да. Лекин улардан устун келишнинг, ҳурмат қозонишнинг бошқача йўлларини ҳам билардим. Биз бой, жуда ҳам бадавлат яшардик... Туғилган кунларни нишонлаганимизда... шўринг қурғур аълочиларнинг таъзирини бериб қўяман. Бири китоб, бошқаси бир сўм йигирма тийинлик

сассиқ атир кўтариб боради. Мен бўлсам совғанинг энг каттасини қиламан. Ҳаммасининг кўзи ўйнаб кетади...” [Тўхтабоев Х. 2:26.]

Боланинг онги дастлаб тоза оқ қоғоз сингари бўлади ва унга қандай чизиқ тортсангиз, ўша чизиқлар сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам бола тарбияси ҳақида Шарқда бежиз оила бирламчи, деб кўрсатилмаган. Қизиғи шундаки, ҳамма нарса муҳайё бўлган бу оилада нимадир етишмасди. Сабаби бу хонадонда ўйин-кулги, ҳазилҳузил, эркинлик, табиийлик ва самимийлик танқис. Катталар ўз оламида яшайди. Зафар, унинг укалари ота-онага эркаланишни, улар билан самимий муносабатда бўлишни истайдилар. Лекин бойвачча ота, бойвучча она бола олдидаги бурчини уларни едириб-ичиришда, кийинтиришда деб англайдилар.

“Мунгли кўзлар”да Худойберди Тўхтабоев вайрон бўлган бир кошона сирини фош қилади. Зафарлар оиласи бирдан таназзулга учрайди: ота пора билан қўлга тушади, ноқонуний савдо билан шуғулланувчи тиллафуруш онанинг жиноятлари фош бўла бошлайди. Рўй берган фалокат эрка фарзандларни ҳанг-манг қилиб қўйди: Акбар хонасига қамалиб, индамас бўлиб қолди, Зафар дам холаси, дам поччаси билан ҳали у маҳкамага, ҳали бу идорага танда қўйди, Зуфар ўзи билан ўзи бўлиб қолди, Нигора эътиборсиз қолиб кетди. Фожиа чуқурлашди: она қамоқхонада вафот этди. Болалар гўё осмондан ерга қуладилар: қон қақшаб, етим бўлиб қолдилар. Х.Тўхтабоев қулаган кошона билан боғлиқ фожиаларни изчил кўрсатиб борди. Буларнинг барчаси болалар руҳига таъсир этмасдан қолмади. Дастлаб, фожиалар бошланмасдан олдин оилада икки хил муҳитдан нафас олган болалар борлигига ишора қилинади. Булар: Зафар ва акаси Акбар. Зафар – бой ота-она билан фахрланиб юрувчи такаббурроқ бола. Акбар эса, жисми ногирон, аммо қалби бутун бола эди. Бунинг сабаби, у устози Атаулло Исаевичдан жуда кўп нарсани – ўз оиласидан топа олмаган хотиржамликни ўрганар эди. Атаулло муаллим таъсирида бу бола меҳнат қилиш бахти, самимийлик, эркинлик каби туйғуларни ҳис этиб яшайди. Муҳитлар хилмахиллиги болалар ўртасига зиддият солади:

“—– Ҳа, энди, – деб қўйди бир маҳал ўзига келиб.

– Нима демоқчийдинг?

–Дадамни айтаман-да. Пора олишини айтяпман, тушунсанг-чи.

– Бир дадам эмас, ҳамма олади-ку.

– Бошқалар инсоф билан олса керак.

– Демак, ака, сенингча дадажоним инсофсиз экан-да?

– Зафаржон, укагинам, кўп нарсага ҳали тушунмайсан... Лекин ақлли укам, ўзинг ўйлаб кўр. Дадамнинг ишида қинғирлик кўп эди-да. Бу бахтсизлик бугун бўлмаса, эртага, албатта, юз берарди-да. Эҳтимол, бугунгиси ваҳимадир. Лекин эртага чинаками юз бериши аниқ-ку.

– Ака! – дея гапини бўлдим...” [Тўхтабоев Х. 2: 5-6.]

“... Акам қайсар-да, шунинг учун тушунишни истамайди. Хўш, ҳамма пора олганда нега дадам олмас экан?... Биламиз, сен бечора ойижонимга

чайқовчидек қарайсан. Ойим чайқовчи эмас. Бундай ўйлашга ҳаққинг йўқ. Ойим ҳожатбарор, ҳожат чиқаради” [Тўхтабоев Х. 2:18.]

Болалар бир ота-онанинг фарзанди бўлса-да икки дунёқараш, икки хил тушунчалар асосида тарбия топади. Уларнинг қарашларида ўзини ҳақ деб ҳисоблашлари кўриниб турибди. Ака ҳам, ука ҳам ўзича ота-онасини яхши кўради. Лекин бу муҳаббат орасида фарқни келтириб чиқарган муҳит уларнинг тез-тез зиддиятли баҳслашувига олиб келади. Зафар – бой ота-она муҳитида улғайди, уларнинг тарбиясини олди ва дунёнинг мазмуни бойликда, деган тушунча миясига сингиб бора бошлади. У ота-онасини севади, аммо ота-онасини қандай бўлса, шундайлигича, порахўрми, чайқовчими, бундан қатъи назар, уларни ҳақ деб билади ва айни шу масалада акаси билан келиша олмайди. Аканинг фикрлари унда ғазаб уйғотади. Акани оқибатсиз, ота-она қадрини билмайдиган ёки китоб ўқийвериб “сал ғалатироқ” бўлиб қолган, деб ҳисоблайди. Ака ўзича ҳақ. У устози, ўқиган кўплаб китоблари таъсирида дунёни бошқача англайди. У ҳам ота-онасини яхши кўради. Аммо болага ота-онаси нотўғри иш қилаётгани ва бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлиги тинчлик бермайди. Акбар ажойиб рассом, унинг ижодкор ва нозик қалби ҳақиқат торларини доимо чертиб туради. У ҳаммаси бошқача бўлишини истайди. Отасининг пора олиб гуноҳга ботиши, онаси ноқонуний савдо билан шуғулланиб, жиноятга қўл уриши уни қўрқитади. Бир кун келиб бу ишларнинг оқибати у кутган фожиаларни бошлаб келишидан қўрқиб яшайди. Оқибатда, ўзи ҳам англамаган ҳолда, яъни ота-онасини хавфдан огоҳлантириш мақсадида уларнинг устидан ОБХССга ёзиб юборади. У буларнинг оқибати даҳшат ва фожиа билан якун топишини ўйлаб кўрмаган эди. У шунчаки ўз ҳақиқатини англатмоқчи, отаонасини келиши мумкин бўлган хавфдан огоҳ қилмоқчи эди. Аммо фожиа шиддат билан юз берди. Ота узоқ йил қамоққа, она боқий дунёга кетишига сабаб бўлган ишлар фарзандларни довдиратиб қўйди. Айниқса, бу зарба Акбарга ҳаммадан ёмонроқ таъсир қилди. У шунчаки муҳитни ўзгартирмоқчи эди. Ҳа, муҳит бутунлай ўзгарди. Улар отадан, онадан, оилавий дўстларидан, мол-у дунёларидан, ҳузур-ҳаловатларидан, борингки, бой ота-она нималарни уларга берган бўлса, ҳаммасидан айрилишди. Энди улар бутунлай ёлғиз ва кимсасиз қолишди. Бу зиддиятни ўсмир руҳи кўтаролмайди. Унинг руҳиятида синиш юз беради, натижада бола ўзини ёқиб юборади.

Болада психологик трагизм шу шаклда юз беради. Зафар психологияси бироз бошқача талқин этилади. Тўғри, унга ҳам юз берган ҳодисалар таъсир этмай қолмайди. Аммо бу боланинг руҳиятида динамик ўзгаришлар ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар руҳий синиш ва ўзга одамлар билан мулоқотда бўлгани натижасида юзага келади.

А.Расулов шундай дейди: “Ёзувчи халқи салкам авлиё, келажакни кўра билувчи зот бўлади. “Мунгли кўзлар” 1987-1988 йилларда, Шўро деган давлат чириб, ҳалокат чоҳи тепасига келиб қолганида ёзилди. Бу давлатни кимлар, нималар қулатди? Уни юлғичлар, порахўрлар, тўралар,

амалпарастлар, худбинлар, нафс гадолари яксон қилдилар. Муҳими, бу тузум бошиданоқ сохта ғоялар, назариялар асосида вужудга келган эди. Унда фирқа мафкураси етакчи бўлиб, маънавият, соғлом ҳаёт, идеал ҳақида кўп яхши гаплар илгари сурилганди. Лекин барча эзгу гаплар қоғоздагина эди холос" [Расулов А. 3:57]

Бундай ижтимоий муҳитда улғаяётган болалар, албатта, руҳий зиддиятлар гирдобида қолиши табиий. Х.Тўхтабоев бу романи билан бола руҳини парваришлаб, гўзал ишлов бериш ҳам, уни таназзулга бошлаб бориш ҳам ижтимоий муҳитга боғлиқ эканлигига ишора қилади.

Ижтимоий муҳитда бола руҳияти шаклланади, ривожланади ва қандай эканлигини намоён этади. Ижтимоий муҳит, жамият аҳволи шахснинг ҳам аҳволини белгилаб бериш даражасида катта кучга эга.

"Мунгли кўзлар" романида эса бошқача ижтимоий муҳит болалар руҳиятига катта таъсир этади. Тўкин-сочин оила фарзанди эканлиги асар бошида боланинг бошқача руҳиятини ифодаласа, асардаги фожиалар давомида болалар руҳиятида ўзгаришлар динамикасини юзага келтиради. Ушбу динамика турли ижтимоий муҳитда турли руҳий кечинмаларнинг юзага келиши билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Тўхтабоев Х. Беш болали йигитча. – Тошкент, 2005. – Б.126.
2. Тўхтабоев Х. Мунгли кўзлар. – Тошкент, Ёш гвардия, 1988. – Б.5-6.
3. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, ―Мумтоз сўз, 2009. – Б.

ДАВЛАТИ – ҚАЛБ ШЕЪРИ ВА ЭСКИ ТАНБУР...

Миролимбек ХАМИДОВ,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ФарДУ катта ўқитувчиси;
Хуршидахон КОМИЛОВА,
ФарДУ магистранти.

Аннотация: Мақолада Ойбекнинг “Машраб” шеърида Машраб образи талқинидаги ўзига хосликлар ёритилган. Шеърий санъатлар, тасвирий воситалар, бадиий тафсиллардан фойдаланишдаги шоир маҳорати тадқиқ этилган. XX аср ўзбек адабиётида “Машраб” шеърининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: шеърий санъатлар, тасвирий воситалар, маҳорат, шеърият, ўзбек адабиёти, Машраб образи, бадиий тафсил.

Ўзбек шеъриятида биринчи марта Бобораҳим Машраб образини акс эттирган ижодкор Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳисобланади. Унинг “Машраб” номли шеъри 1937 йилда босилиб чиқди. Биринчи марта “Қуёш қўшиғи”да, сўнг “Танланган асарлар”и ва “Асарлар”ининг биринчи томларида эълон қилинди.

Шеър шоир архивида сақланаётган қўлёзма нусхада достон деб аталган. Афтидан, шоир ўзининг “Юлдузлар” туркумида тасвирланган машҳур сиймолар - Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, А.Пушкин, М.Горький тўғрисида лирик достонлар ёзишни кўзда тутган ва аксарият ҳолларда ўз ниятини амалга ошира борган. Маълумки, Ойбек яратилажак образларини аввало шеърларида акс эттирган. Сўнг ушбу образлар унинг лиро-эпик асарларига кўчган. Кейин қисса ва романлар яратилишида асос бўлган.

Жами саксон мисрани ташкил этувчи шеърнинг ҳар бир банди бешлик сатрларидан иборат бўлиб 6+5 тарздаги ўн бир бўғинли вазндадир. Машраб ҳақида турли қарама-қарши фикрлар ҳукмрон бўлган, мумтоз адабиётимиз намояндалари ҳақида ижобий фикр айтиш қалтис ҳисобланган даврда унга бағишлаб асар яратишнинг ўзи жасорат эди. Шу боис Ойбек давр талабини ҳисобга олган ҳолда “сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган” йўсинда оловқалб, ҳақиқатпараст, халқпарвар, тиксўз шоир қиёфасини яратишга эришади. Шоир маҳорати туфайли тарихий ҳақиқатни айтиш мумкин бўлмаган даврларда у бадиий ҳақиқат асосидаги Машраб қиёфасини яратади.

Шеърнинг дастлабки

Сочлари потила, кўзлари махмур,
Кўзларда сачрайди қора, кучли нур.
Саратон қуёши, қиш изғирини
Ишламиш юзларнинг маъно, сирини...
Давлати – қалб шеъри ва эски танбур.

Кулоҳдан тошарди жингалак сочи,
Мағрур ва кўркамди ҳар қачон боши.
Ташир ҳам қиш, ҳам ёз бир кўсқи пўстин
(Унда қолмагандир ямоқсиз ўрин),
Белида каттакон бир нос қовоғи... [Ойбек. 1:63]

сатрларидаги потила, кулоҳдан тошган жингалак сочлар, қора кучли нур сачраган махмур кўзлар, эски танбур, ямоқсиз ўрин қолмаган кўсқи пўстин, каттакон нос қовоқ сингари портрет-деталлар Машрабнинг дарвешона ва шоирона қиёфасини яратилишига хизмат қилган. “Саҳролардан шамол каби ошиб ўтувчи”, оёқларига тиканлар майса бўлган, илҳом ва сози ёлғиз ҳамдами бўлган ижодкор Машраб тасвири кейинги шеър банднинг асосини ташкил этади. Адабиётшунос А.Сабирдинов таъкидлаганидек “Машраб” шеърида Ойбек ... Буюм орқали, ташқи тафсиллар орқали Машрабнинг маънавий оламига кириб боради. Унинг касбига, қилиқларига, ички оламига ва ташқи қиёфасига хос чизгиларни тасвирлаш жараёнида у яшаган даврнинг аниқ манзарасини гавдалантиришга эришади” [Сабирдинов А. 2:9].

Шеърда ташқи қиёфасига хос жиҳатлар акс эттирилмаётгандек туюлсада, аслида ушбу чизгилар воситасида Машраб сажиясига хос жиҳатлар ўз ифодасини топган. Машрабга хос некбинлик, гўзалликка ташналик фазилатлари шеърнинг

Бир ҳовуч сув ютиб тоза чашмадан,
Ясланар тошларга, ёзилар бадан.
Осмонни бир томчи мовий ёш каби
Эритар кўзларнинг жонли оташи;
Тақир тошларда у кўради чаман.
мисраларида талқинини топган.

Табиийки, Ойбек Машраб қиёфасини яратишда халқимизнинг шоир шахсияти ва ижодига бўлган беқиёс меҳрини ифодаловчи халқ достонлари ва қиссаларидаги ривоят ва афсоналардан таъсирланган. Халқ китобларидан бўлган “Қиссаи Машраб”да шундай воқеа баён этилади: “Алқисса, шоҳ Машраб бу муножотни ўқиб, Туркистонга кирдилар. Шул келганларича, бориб ҳазрати султоннинг марқадлариға миндилар. Ҳазрати султон шоҳ Машрабни кўтариб, ташладилар, яна миндилар ва дедиларки: “Эй Бузруквор, бардошт қилинг, ман меҳмондурман”. Андин сўнг Туркистон аҳли бу ҳолдин хабар топиб келдилар. Қарасалар бир қаландар қави ҳайкал, сурхинрў, шаҳло чашм, пайваста абрў, сочлари фатила-фатила гирди камариға тушган, муҳаббатнинг бодасига ғарқ бўлғон. Ҳалойиқлар шоҳ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар. Андин сўнг ҳамалари келиб, шоҳ Машрабни зиёрат қилиб, қўлларини кўзлариға суртобердилар. Андин сўнг Туркистон аҳли “бу одам авлиё эмасму?” деб улуғ кичик ҳамалари ихлослари ҳаддин зиёда қилдилар. Шоҳ Машраб айдилар: “Эмди мунда турғудек бўлмадим”, - деб Тошканд шаҳриға қараб равона бўлдилар” [Қиссаи Машраб. 3:111]. Ойбек Машраб образини яратишда ушбу маълумотлардан ҳам самарали фойдаланганлиги шеърнинг кейинги бандларида яққол кўзга ташланади:

Оёғи босмасдан шаҳар қопқасин,
Хабари тўлқиндек тарқарди, локин
Маҳалла, чойхона, такя ва гузар
Минутни соат деб йўлга кўз тутар,
Кўрмаган чизарди шоир сиймосин.

Юқоридаги сатрларда халқнинг Машрабга бўлган юксак эҳтироми ифодаланган бўлса, қуйидаги сатрларда унинг беғубор, самимий характери болаларга бўлган муносабатида ҳамда болаларнинг унга бўлган чексиз меҳру муҳаббати тасвирини топгандир:

Ана, шоир келар.., Бир тўда бола –
Унинг орқасида ажралмас соя.
Кўзлар акс этади муҳаббат, мароқ,
Уни билиш қийин: гўё «жуфи тоқ».
Асрлар кўрмаган ажиб девона.

Ойбек “Асрлар кўрмаган ажиб девона” сатрларини яратишда “Шоҳ Машраб қиссаси”даги ушбу маълумотлардан яхшигина хабардор бўлган:

“... Шоҳ Машраб озурда хотир бўлиб, даргоҳдин мағмуми паришон аҳвол Ёрканд тарафға равона бўлдилар. Бир дамда ўзларини Ёрканд вилоятида кўрдилар. Ёрканд аҳли Машрабни кўрмоққа орзуманд эдилар, пешвоз чиқиб, кўрдиларки, бир оташ нафас, жазб ҳолатлиғ, сочлари патила-патила, гирди камариға тушган, оташи ишқ жабхасидин аланга уруб турубдур. Ёрканд ҳокими келиб зиёрат қилди. Тамом одамларға беҳудлик рўй берди. Ёрканд охунларининг шогирдлари айдилар: “Эй, тақсир, Охунум, банги қаландарни олдиға пешвоз чиқиб бўлурму? Тамоми аъзоси очуқ келадур?” Охунд айдилар: “Эй ёронлар, хато қилдинглар, бориб зиёрат қилинглар!” дедилар. “Авлиёликни бир нишонаси шулдур”, дедилар. Ёронлар келиб, мулоқот қилдилар. Шоҳ Машраб буларни бир назар билан кибри анониятларини кўнгилларидан дуо қилдилар. Ҳаммалари софдил бўлиб, ақоларидин сару побарҳна сайҳа тортиб, юрдилар” [Шоҳ Машраб қиссаси. 4:15].

Шеърда Машрабнинг бойликка қизиқмаслиги, мол-дунёга ўч шахсларга нафрати олтин танга тутган қандайдир бир зотнинг тангасини пичинг ила кулиб отиб юборишида, усиз ҳаётнинг рангин ва сеҳрли деб билишида кўринади. Ўтин қаловга эпчиллик, олов ва дудни севиши, кафтида чўғларни моҳирлик билан ўйнатиши қаландарона ҳаётда тобланганига ишорадир. Унинг оловда қуёш жилвасини кўриши олов табиатли эканини ҳам англатади. Машрабнинг бақувват ва тобланганлиги каттакон чилимидан бир қарич ўт чиқиб тутунлар булутга айланишида ифодаланган бўлса, санъатга, адабиётга юксак ихлоси қуйидаги сатрларда аксини топган:

Чилим тугар, сўздан — созга келар гал,
У қаттиқ чертарак ўқийди ғазал.
Жаранглар ҳавода баланд, хуш овоз,
Ҳаммаси табиий, унда йўқ пардоз,
Руҳларнинг қаърида ёқади машъал [Ойбек. 1:64].

мисраларида соз чалишнинг устаси, хуш овоз соҳиби Машрабдаги руҳларни ром этиш маҳорати мадҳ этилади. Унинг хуш овози барчани ўзига асир этган. “Туя миниб келган саҳройи қозоқ”дан токи косиб, бўзчи, деҳқонгача унга қулоқ берганлар. Машраб чалган куйнинг таъсири барчанинг бошини тебратишга мажбур этади.

Оддий ҳаётни, “жун тўқимни кимхобдан тўн”дан аъло билиши, сўзи халқни гоҳ қаттиқ кулдириши, гоҳ эса қалблардан оҳ урдуриши, ҳар гўшанинг маълумлиги Машрабнинг камтарона ҳаётига, сўзга чечанлигига, дарбадар қаландарона ҳаётига ишорадир. Беқарор девонанинг қўним билмас ҳаёти, разил мударрис, муаллимларга мағрур эгилмаслиги, сўз ва фикр тиғининг кескирлиги, ундаги ҳар бир иш ва қилиқ чуқур мантиққа эгалиги Машрабнинг донишманд қиёфаси, сажиясини намоён этади. Машрабдек буюк шахснинг қадрига етмаган замонга айбнома қуйидаги банддаги сатрлар асосини ташкил этади:

Қалбаки эътиқод, қалбаки ахлоқ —
Асрлар чириган, сасиган ботқоқ
Ҳеч қачон бўғмади унинг нафасин...
Оппоқ дасторларга тўкиб тувагин,
Исбот қила олар: нақ ундадир ҳақ [Ойбек. 1:65].

Шеърда Машрабнинг бу дунёнинг иззат-икромларига нафрати, оддий турмушни аъло билиши, оппоқ дасторларга тўкиб тувагин исбот қила оладиган тафаккур эгаси эканлиги ёритила боради.

Қочади ҳар ерда кошоналардан,
Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан.
Ис босган кулбада топар ранг, зиё,
Хон қиз бўлолмас ишқига Лайло,
Қидирар қуёшни майхоналардан... [Ойбек. 1:65]

Шеърнинг сўнгги бандида Машрабга шоирнинг юксак эҳтироми акс этган ўзига хос мадҳияси ўрин олган.

Булутдай кезса халқ ичидан шоир,
Хотираси қуёш каби қоладир.
Кўнгли кўтаргунча ҳар даргоҳ гулшан,
Билинмас нашъаси, ғами нимадан,
Ҳаёти минг қуроқ бир афсонадир [Ойбек: 1:65].

Нашъаси ва ғами нимадан экани билинмайдиган, афсонага айланган Машрабнинг сирли ҳаёти шеърда ўзига хос ифодасини топган. “Маълумки, булут ёмғир томчиларига айланиб, ерга сингганида майсалар унади, борлиқ ҳаракатга келади. Ойбек булутнинг ана шундай яратувчилик, ундурчилик хусусиятидан фойдаланган ҳолда чуқур фалсафий ифодага эга сатрлар яратади. Аммо оламнинг яшил либосга бурканишида, майсаларнинг бўй чўзишида қуёш нурларининг ҳам аҳамияти каттадир. Шоир асарларининг халқ қалбидан ўрин олиши, яхшилик уруғларининг унишига ёрдам бериши ёмғир томчиларининг хизматига ўхшашдир. Машраб жисми - ўткинчи. Бу жиҳатдан ҳам у бир шаклдан иккинчи шаклга кириб турувчи булут кабидир.

Аммо Машраб хотираси – қуёшдек порлоқ ва абадий, асарларининг ёрқин таровати ҳеч қачон сўнмайди, демоқчи бўлади Ойбек. Шеърдаги “булутдай” ва “қуёш каби” ўхшатишлари ўртасидаги маъно контрасти ана шу тарзда умр ўткинчилиги билан ҳаёт абадийлиги ҳақидаги фалсафий фикрни ифодалашга хизмат қилади” [Сабирдинов А. 2:10-11].

Хуллас, Ойбек ушбу шеърида Машрабнинг оддий, ҳалқпарвар, ҳақиқатгўй шоир, санъаткор сифатидаги қиёфасини гавдалантиради. Унинг қаландарона ҳаёти, бу дунё хашамларига нафрати ҳаққоний ёритилгани асар муваффақиятини белгиловчи жиҳатлардандир. Ушбу шеър тарихий сиймоларимиздан бўлган Машрабни халқимизга танитиш йўлидаги илк асар сифатида қимматлидир.

Адабиётлар:

1. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1975.

2. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Akademnashr, 2010.

3. Қиссаи Машраб. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1992.

4. Шоҳ Машраб қиссаси. – Ангрен: Шарқ, 1991.

“ЯНГИ ЙЎЛ” ЖУРНАЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАЪРИФАТИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Нодира ХОЛИКОВА,
Филология фанлари номзоди,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети докторанти.

Аннотация. Мақолада хотин-қизларнинг “Янги йўл” журналида аёллар саводхонлиги масаласига оид мақолалари ҳамда Ҳамза, Чўлпон сингари жадид маърифатпарварларининг мавзуга доир асарларидан парчалар келтирилиб, таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: саводхонлик курси, билим юрти, билимли мураббия, Собира Холдорова, Маъсума Қориева

Миллий уйғониш даври ҳаракатининг вужудга келиши ва жадидчилик ғояларининг кенг тарқалишида матбуот, шунингдек, нашр ишлари алоҳида ўрин тутган. Бу давр публицистикасининг мавзу доираси ниҳоятда кенг бўлиб, даврий матбуотнинг бирламчи вазифаси халқаро муносабатлар, дунёвий воқеликлар, ижтимоий, сиёсий, диний ислоҳотларни қамраб олишга уринган. Табиийки, даврий нашрларнинг аксар ҳолларда муаллифлари бўлган жадид зиёлилари ўлканинг ижтимоий ҳаётига таъсир ўтказиш,

юртдошларининг дунёқараши ва савиясини ошириш, халқона айтганда, миллат кўзини очишдан иборат эди.

XX аср бошида хотин-қизлар эрки, озодлиги ва саводхонлиги, миллат тарбиясида маърифатли онанинг даркорлиги масаласи адабиётда энг долзарб мавзу, образга айланишида матбуот ҳал қилувчи майдон бўлиб хизмат қилган. Бошқача ифодалаш мумкин бўлса, ижтимоий ҳаётда фаол аёл тимсоли адабий асарга матбуот дарёси билан сизиб борди. Зеро, урғу бериладиган жиҳат шуки, ўша даврда яшаган оналаримиз, опа-сингилларимиз саводхонликка оид тарғибот ишларини ва ўз ғояларини даврий матбуотда нашр этилишида ташаббускор бўлишди. Бу ҳаракат нафақат Туркистонда, балки қардош ўлкаларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, қозоқ тилида "Аял тандиги" (1929), озарбайжон тилида "Шарқ қодини" (1924-1927), татар тилида "Озод хотин" (1927-1929) каби журналлар фаолияти аёлларнинг саъй-ҳаракатлари билан йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳодиса уларнинг тамаддун сари қўйган собит қадамларидан бўлди.

1930 йилга келиб "Ёрқин турмуш", 1941 йилдан эса "Саодат" деб номлана бошлаган ўзбек тилидаги илк хотин-қизларга бағишланган журнал "Янги йўл" эди. XX аср бошида ўзбек матбуоти анчайин ранг-баранг, долзарб мавзудаги мақолалар, боз устига, рангин суратларга бой бўлганини биргина мазкур ойномадан билиб олса бўлади. Аввало, унда эълон қилинган мақола, эълон, хабарлар рукни хилма-хиллиги билан диққатни тортади: "Сиёсат", "Маориф", "Таълим-тарбия", "Кооперация", "Ишлаб чиқариш", "Ҳуқуқ", "Адабиёт", "Тиббий ёрдам", "Уй-рўзғор", "Хўжалик ишлари", "Почта қутиси", "Бизнинг турмуш", "Чет элларда", "Ёшлар", "Соғлиқни сақлаш", "Фан ва техника", "Китобиёт", "Илм-ҳақиқат", "Илмий суҳбатлар", "Суд ва маишат", "Бизга нима ҳақида ёзадирлар?", "Ҳар томондан", "Қурама", "Янги йўл" идорасига саволлар", "Бошқармадан жавоб ва маслаҳатлар" "Келган маслаҳатлар", "Келган хатлардан", "Аралаш-қуралаш", "Ундан-бундан", "Эълон ва билдиришлар".

Мазкур рукнлар остида эълон қилинган мақолаларнинг ижтимоий ҳаёт, мавжуд шарт-шароит, эҳтиёжидан келиб чиққани ҳисобга олинса, энг кўп мурожаат қилинган мавзу хотин-қизлар саводхонлиги ва маърифати масаласига бориб тақалгани кўринади: *"Саводсизликни битиришда янги кучлар" (Нафиса, 1926, №5, Б.15), "Ўлка ўзбек хотин-қизлар билим юрти" (Раҳимова Хосият,1926, №5, Б.21-22),"Хотин-қизлар учун ҳозирлиқ қурслари"(1926, №7-8, Б.22), "Болалар тарбияси тўғрисида зарур маслаҳатлар" (Ўзбек қизи, 1926, №4, Б. 26), "Хотин-қизлар клуби ва унинг вазифалари" (А.Ж., 1927, №1, Б.33), "Чақалоқ тарбияси ва оналар вазифаси" (Марям Мурод қизи, 1927, №10-11, Б.30-31), "Хотин-қизларни қайтадан тайёрлаш курси"(Марям, 1927, №10-11, Б.40), "Саводсизлар курси: (Самарқанд Эски шаҳарида саводсиз аёллар учун 6 ойлик "Хат-савод" курси очилган)" (Мирхўжаева, 1927, №12, Б.25), "Тошкент ўлка хотин-қизлар юрти" (Р.Носир қизи, 1927, №8, Б.19-20), "Бизга соғлом она ва болалар керак" (Абдуллаев, 1928, №2, Б.15-16), "Оналик – хотининг ижтимоий*

вазифасидир” (Сайфулмулук И., 1928, №3, Б.27-29), “Хотин-қизлар ўртасида соғлиқни сақлаш билимларини тарқатиш иши” (Сайфулмулуков Қ., 1928, №4-5, Б.16-20), “Билимлик мураббиялар етиштирайлик” (Қориева Маъсума, 1928, №7, Б. 11-12), “Навбатдаги вазифаларимизнинг зўравони” (Хотин-қизлар маорифи масаласи), (Ғ.Р., 1928, №9, Б. 2-4), “Хотинларда уйғониш” (Ш., 1929, №2, Б.2-3) ва бошқалар.

Кўринадики, аксар мақолалар деярли бир хил мавзуда, бири иккичисини такрорлаб, тўлдириб келган. Таъкидлаш керакки, ўша вақтда бошқа газета ва журналларда ҳам аёллар саводхонлиги масаласига мурожаат қилинган. Жумладан, “Иштирокиюн” газетасида “Хотин-қизлар орасига онг-билим тарқатув” (Бибихоним, 1919, 6 декабрь), “Хотин-қизларга нашри маориф” (Чақмоқ, 1919, 7 ноябрь), “Туркистон” газетасида “Бизга ўқиган хотин-қизлар керак” (Анқабой, 1924, 9 март), “Хотин-қизларни ўқитиш керак” (А.Ниёзий, 1924, 9 март), “Хотин-қизлар маорифи” (С., 1923, 16 май), “Хотин-қизлар маорифи” (Ғози Юнус, 1923, 3 октябрь), “Хотинларни мактабаларга жалб қилингиз” (Рачинская, 1924, 4 ноябрь) каби мавзулардаги мақолалар фикримиз тасдиғидир.

Саводхонлик масаласи долзарблик касб этиб, кун тартибига чиққани жадидлар ўз ёзганларини, аввало, кундалик газета ва жаридаларда эълон қилишганида кўринади. Абдулла Авлоний 1919 йилда Тошкентда очилган Дор ул-муаллимат муносабати билан “Эр ила хотун” деб номланган шеърини эълон қилган бўлса, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эса “Муҳтарама оналарима хитоб”, “Ўзбек хотин-қизларига”, “Чин озодлик даври келди, сизлар ҳамон” каби шеърларини, “Қалбга билимни йўлини очайлик”, “Миллат – маърифат билан тирик” номли мақолаларини, Абдулҳамид Чўлпон Андижонда “Кўмак” ҳайъати томонидан ташкил этилган курслар муносабати билан “Савод курслари”, “Ҳозирлиқ курслари”, “Хотин-қизлар учун савод курслари” сингари мақолаларини дастлаб матбуотда эълон қилишганди. Шунингдек, мунтазам ўз мақола ва шеърларини эълон қилган илк журналист ва шоира Хосият Тиллахонова, Марям Султонмуродова, Собира Холдоровалар ҳам маориф ишларини жадаллатишда фаоллик кўрсатган. Хусусан, 1926 йил 8 мартда “Қизил Ўзбекистон” газетасида Собира Холдорованинг “Хотин-қизлар маорифи”, айни йилнинг 18 февралида Ойдиннинг “Хотин-қизлар замон кишиси бўлсин” мақолалари эълон қилинган. Шу ўринда “Янги Фарғона” газетасининг 1927 йил 22 февраль сонида “Чиғириқ” саҳифасида “Товонтеша” имзоси билан босилган Ҳамзанинг “Ўзбек хотин-қизларига” шеърини кузатайлик:

Чўриликни муллолар сенга қилдилар такрир,
Кел бугун бу заҳмингга, маърифатни дармон қил.
Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
Юзларини қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.
Ой юзинг қора чиммат зулмидан қутултирғил,
Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.
Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,

Нурларин олиб кўзга сурмайи Сулаймон қил. [Ниёзий Ҳ. 1:169]

Ҳамзанинг энг катта мақсади аёллар эрксизлигига қарши кураш, уларни илм-маърифатли қилиш эди. У хотин-қизларни жамиятдаги ҳукм сураётган “жоҳиллик” кишанларидан қутулишга даъват этади. Зеро, жаҳолат нечоғли аянчли фожиа ва кулфатларга олиб келгани жадид зиёлиларининг қатор асарларида ёритиб берилган. Шоирнинг “Чин озодлик даври келди, сизлар ҳамон...” деб бошланувчи шеъри ҳам юқорида баҳс этилган адабий асарга узвий алоқадор. У “мунглуғ ҳамширалар”ни, “сингил”ларини “илм, ирфон” эгаллашга чақиради.

Чин тарбия кўрмай, мунглуғ ҳамширалар,
Чин турмушда мангу яшаб ўтолмайсиз.
Сиздан кўпроқ бизга лозим илм, урфон,
Биз тарбия кўрмай сиз ҳеч яшолмайсиз.
Бизлар қўлдан келганича очдик мактаб,
Сизлар ҳамон азо-тўйдан бўшолмайсиз.
Мусоводу адолатни даври келди,
Ҳамон ҳаққу асоратдан, ҳой синглим, бўшолмайсиз.

[Ниёзий Ҳ.Ҳ. 1:271]

Зотан, Ҳамзага замондош барча қалам аҳли миллатнинг илму маърифати, зиёси, эрки ва истиқболи муаммосининг ечимини, энг бирламчи, хотин-қизларни маърифатли қилишда, деб билган ва унинг инъикосини матбуот материалларида кўриш мумкин.

М.Қориеванинг “Янги йўл” журналининг 1928 йил 7-сонидаги “Билимлик мураббиялар етиштирайлик” мақоласи хотин-қизлар саводхонлиги ва болалар тарбиясига бағишланган. Унинг фикрича, “Хотинлар озодлиғи учун энг аввало уларнинг болалари тўғрисида кўнгилларини тинчитиш зарур”. М.Қориева мактаб ва боғчаларга тайёргарлик курсларини тамомлаган билимли мураббияларни олиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ёзади: “Мактабгача тарбия ишларида илгаридан тайёрлиғимиз йўқ, педогугия фани билан ошнолиғимиз жуда оздир. Ҳозирда фан билан қуролланған, ўз ишини суйгучи мураббиялар тайёрлаш иши энг зарур вазифамиздир” [Қориева М. 4:12].

Энди бир оғиз сўз мақола муаллифи ҳақида. Унинг ким экани билан танишишдан шунга амин бўламизки, ўзбек хотин-қизлари ХХ аср бошида, яъни туркистонлик аёлларнинг асосий қисми паранжи ёпинган бўлишса-да, ҳам ижодда, ҳам санъатда, ҳам илму маърифатда пешқадам бўлгани Абдулҳамид Чўлпоннинг “Шарафли хизмат” шеърининг остига ёзиб қўйилган қуйидаги сўзлардан ҳам маълум бўлади: “Ўзбек саҳнасининг қимматли санъаткори М.Саъдия Тўташга”. М.Саъдия-Туташ ўтган асрнинг 20-40 йилларида машҳур бўлган ўзбек драма театри артисти М.Қориева (1902-1946) эди [Чўлпон А. 2:343]. Мазкур шеър 1922 йилда М.Қориеванинг ўзбек саҳна санъати равнақи йўлидаги ўн йиллик хизмати шарафига ясалган бенефис куни ўқилган.

Ўзбек қизи ўз оғзи-ла айтолмаган сўзини
Сенинг ўткир тилинг билан эшиттирди элига.
Ўзбек қизи сил оқартган, сўлғин, ғамли юзини
Сен орқали кўрсатди-да қутултириш йўлига.
Ўзбек қизи яна кўп йил кишанлардан қутулмас,
Кўз ёшлари яна кўп йил ўз юртига тўкилур...
Кўз ёшлари яна кўп йил шодлик кўрмас, очилмас,
Яна кўп йил товушлари қоронғида йўқ бўлур...
Шунинг учун мендан сенга энг самимий олқишлар,
Эй йўқсиллар саҳнасида энг қимматли санъаткор!...

[Чўлпон. 2:113]

Саҳнада ижод қилиб, халқ меҳрини қозонган М.Қориева том маънодаги зиёли, маърифатли аёл сифатида барча хотин-қизларни илм эгаллашга чорлаганини юқорида тилга олинган мақола матнида равшанлашади. Чўлпоннинг шеъри эса жамият ва ўзбек аёли тақдири масаласи нечоғли узвий боғлиқ эканининг, ижодкор ўзбек аёли қисматига бефарқ бўлмаганининг исботидир. Шу боис Чўлпон ёзади: “Бечора ўзбек хотуни! Сенга 12 ёшингда кафан кийгизган жаноблар туғилган кунингдаёқ сени иримларнинг бемаъни қучоқларига ирғитадурлар! Билмайсен. Билмайсен. Билмаганинг учун сен ҳали кўп йиллар шу иримлар учун энг тоза умидларингни сўлдиргайсен! Сенинг билмоғинг, ўрганмоғинг учун кенг йўл очилган шу замонда сенга очилгуси мактабларнинг таъминоти учун маҳаллий маблағнинг кўпайишини тилайлик!” [Холикова Н. 3:94] Чўлпоннинг бу ёниб-куйишлари бежиз эмасди, чунки у билардики, ўзбек аёллари орасида ҳам зеҳни ўткир, зукко ва истеъдодли, жасоратли аёллар талайгина. Шоир орзу қилган кунлар кўп ўтмай амалга ошди. Хотин-қизлар учун очилган саводхонлик курслари ва билим юртлари ҳақидаги “Ирфон келадир!” шеъри ўзбек билим юртининг илк беш қалдирғочига бағишланган:

Тоза қонларга иштаҳа сақлаб
Кутадир йўлда оч, ҳарис душман;
У улуғ йўлни нур билан тозалаб
Етасан истагингга, эй ирфон!
Чунки сен янги, тоза бир кучсан,
Билагинг бир темир, пўлат кабидир.
Чунки сен ёғду-нурга кўп ўчсан,
Тилагинг бир олов, бир ўт кабидир. [Чўлпон А. 2:160]

Билим юртида таълим олганларга ишончи чексиз шоир ёшларни “янги, тоза” кучга, билагини “темир, пўлат”га, тилагини “олов, ўт”га қиёс қилиши бежиз эмас.

Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг мадори илм.
Гар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб, бедор бўл, даркор илм, даркор илм.
Ул ҳақиқат ошёнига сайқал истарсан Ниҳон,

Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм!

Ҳамза эса оламнинг хуршиди – Қуёш, дея таъкидлаб, худди шунинг каби одамнинг Қуёши, яъни қалбини ёритувчи, йўлини ойдинлатувчи, ҳаётига нур, мазмун берувчи омил – илм, илм ва яна илмдир, дейди.

Қадимий Чин ўлкаси чегараларидан тортиб то узоқ Оврупонинг ич-ичларигача узанган Ўзбек давлатининг байроғи ҳар вақт баландда турган, асрлар давомида буюк халифаликлар, сулолалар, енгилмас империялар ўлароқ жаҳонга эга чиқиб келишган. Улар дунё тамаддуни, илм-фани, тиббиёти, иқтисоди ва сиёсати борасида ҳамиша илғорлик яловини қўлда тутдилар. Шон-шараф, бетимсол ўтмиш, ор-номус ва Ислом шавкатига мушарраф бўлдилар. Буларнинг бари, албатта, миллатимизнинг соф иймони, жасорати ва муҳими, авлоддан-авлодга келаётган мерос илмларни эгаллашга ва уларни замонавий илмлар билан такомиллаштиришга интилиш туйғусининг борлигидадир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, 1925 йилдан - 1929 йилга қадар мунтазам равишда чоп этилган “Янги йўл” журнали хотин-қизлар маърифатини тарғиб қилган дастлабки журналлардан бири бўлган. Унда замон кайфияти, руҳияти ва воқелигини биз учун яққолроқ ва аниқроқ ҳис қилиш учун ёрдам берадиган тадқиқотлар чоп этилгани баробарида келажак авлоднинг тарихий, социологик, адабий-публицистик тасаввурларини бойитишга хизмат қилади. Журнал шўролар тузуми даврида чиққанидан собиқ Советларнинг муайян ғоя, мафкурасини акс эттиргани табиий. Зеро, унинг мундарижаси оммага номаълум бўлса-да, ўзбек хотин-қизларининг илму маърифати, зиёси, дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутувчи манбалиги аниқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ниёзий Ҳ.Ҳ. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи том. Шеърлар. Педагогик рисолалар. Насрий асарлар. – Тошкент: Фан, 1998.

2. Чўлпон А.С. Асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. Шеърлар, мансуралар. Шеърий хатлар. – Тошкент: Akademnashr, 2016.

3. Холикова Н., Умаралиев Х. Комил инсон: ғоя, талқин ва тадриж. – Тошкент: Fan ziyosi, 2022.

4. Қориева М. Билимлик мураббиялар етиштирайлик // Янги йўл. – 1928. № 7.

УЧ ҲИКОЯ ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Феруза БУРХАНОВА
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доц. ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик даври ўзбек адабиётининг янгиланиш жараёнлари истеъдодли носир Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоялари таҳлили мисолида ёритилган. Адибнинг “Ўн сония”, “Дардингни олай”, “WO AI NI” ҳикояларидаги поэтик янгиланишлар, рамзий-мажозий мазмун ва услубий ўзига хослиги қиёсий аспектда таҳлилга тортилиб, уч ҳикоясига хос бўлган муштарак ғоя инсон умрининг ўткинчилиги ва боқийлиги илмий назарий таҳлиллар билан асосланади.

Таянч сўзлар: адабиёт, деталь, рамз, метафора, миллий ва умуминсоний қадриятлар, услуб, хронотоп, хроникали - ассоциатив сюжет, ҳикоя.

Истиқлол даври ўзбек адабиёти тараққиётида бетакрор услуби, метафорик ва фалсафий-бадиий тафаккури, ижодида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарини уйғунлаштирган серқирра адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг муҳим ўрни бор. Адиб ўз ижодий фаолияти давомида публицистика, танқид ва адабиёт илмига оид тадқиқотлар, илмий мақолалар билан бир қаторда бадиий пухта ҳикоя, қисса ва романлари билан ўзбек насри ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Адабиётшунос олим Баҳодир Каримов адиб услубий ўзига хослиги ҳақида тўхталиб: “Янгиликка интилиш, дунё адабиёти билан ўзбек адабиётини уйғунлаштириш, ҳикояларни сирли, рамзли, топишмачоқли ва янгича усулда ёзиш бора-бора адиб ижодидаги муҳим адабий тамойилга айланиб бораётганлигини қайд этади” [Каримов Б.7:5].

Шу боисдан адабий жамоатчилик орасида адиб асарлари қизғин баҳс-мунозараларга, турли тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Адибнинг сўнги йилларда ёзган “Ўн сония”, “Дардингни олай”, “WO AI NI” каби ҳикояларида илгари сурилган ғоявий концепциянинг муштараклиги эътиборимизни тортди. Ҳар учала ҳикояда ҳам глобаллашув-цивилизациянинг Инсон қалби, кечинмалари, туйғуларига таъсири турфа хил ракурсларда поэтик тафтиш этилади. “Ўн сония” асарида К.нинг шиддатли ҳаёти, мақсад интилишларининг қалб туйғуларига бўйсиниб эврилиши, “Дардингни олай” ҳикоясида тараққиёт натижасида инсон ақлини шошириб, ҳайратлантирадиган мамлакат фуқароси “соҳиб жаноблари”нинг кўнгил тубидаги дарди ва муҳаббатининг фожиавий якуни, “WO AI NI” асарида эса Бек томонидан “Сариқ ёқа”нинг нурсиз ва маҳзун чеҳрасини ёритувчи “сўзнинг” айтилиши ва унга кўрсатилган ғамхўрлик тасвирлари воситасида меҳр-муҳаббатнинг бутун инсоният ва оламни тутиб турувчи энг асосий устун эканинига урғу қаратилади. Ҳикояларда яратилган бош қаҳрамонларнинг барчаси кузатувчи-образлардир. (К., Бек, Тошқул) Демак, ҳикоялардаги ўхшаш жиҳатлардан яна бири кузатувнинг асосий воситага

айлангани, айни шу восита орқали юзага келадиган муносабатларда қаҳрамон ўзлигини намоён қилади. Шу билан бир қаторда ёзувчининг образ (характер) яратишдаги услубий ўзига хослиги ҳам яққол кўринади. Ҳар бир яратилган образнинг умумий хусусияти бу ёзувчи нигоҳининг қаҳрамонлар мушоҳадаларига кўчганлиги, қаҳрамонларнинг кузатувчилиги орқали ифодаланишида кўринади. Жумладан, “Ўн сония”да К.нинг рақиблари ва “Қўшни” қизнинг ҳаракатларини диққат билан кузатиши, қаҳрамон нигоҳи орқали унинг индивидуал хусусиятлари (шу пайтга қадар ўз тенгқурлари оила қуришганда ҳам, унинг сўққабош бўлиб юриши, қизларга эътиборсизлиги, мақсади сари чекинмаслиги, кучли ирода ва нозик қалб соҳиби экани)намоён бўлади. “Дардингни олай”да Тошқулнинг нигоҳи, кузатуви воситасида “дунёнинг ярмини ларзага солиб турган давлатнинг ишончини қозонган амалдор” қалбини кемираётган дардни очиқланиши ва Тошқулнинг одамнинг ичини бехато кўриш қобилияти, “қайсар-кажбаҳслиги”га қарамай “қитиқ пати”га текканларни-да, “дард кўрмагур” дея алқаши, “WO AI NI” асарида Бекнинг ҳамкасблари мексикалик Хозе ва ҳиндистонлик Чак ва бошқалардан фарқли жиҳатлари, ўзгалар дардига малҳам бўлиш истаги, инсонпарварлиги намоён бўлади. Умуман, адиб ҳикояда инсоний қадр-қиммат, оқибат, дардкашлик, меҳр ва муҳаббат каби умуминсоний тушунчаларни миллий образлар воситасида акс эттиради. Емирилиб бораётган бундай улуғ фазилатларни миллий образлар орқали ифодаланиши асарнинг маърифий-эстетик қийматини ошираб, миллий ва умуминсоний қадриятлари улуғлашга ундайди.

Маълумки, бадиий деталь асарнинг ғоявий мазмунини очишда, эстетик таъсир кучини орттиришда, образнинг руҳий оламини ёритишда кенг қўлланилади. Шунингдек, “...бадиий воқеликнинг тўлақонли ва конкрет ҳис этиладиган даражада жонли тасвирлашга хизмат қилади” [Қуронов Д. 8:89].

Шу маънода адиб ҳикояларида қўлланилган бадиий деталлар (предмет деталь, руҳият деталлари, портретик деталь, нутқий деталь) ҳам давр руҳини ифодалашда, образлилик ва қисқаликни таъминлашда муҳим ўрин тутган “ WO Ai NI” ҳикоясида “ WO Ai NI” *ёзувли кармон* – маҳзун қиёфали Сариқ ёқанинг қалб армонини ифодалайди. Мазкур ҳикояда ёзувчи Она юрти, қавму – қариндошларидан олисда мусофирликда пул топиш илинжида меҳнат қилаётган, ҳатто фикр-ўй, хаёл суриши ҳам таъқиқланган инсоннинг маънавий-руҳий оламини рўй-рост тасвирлаш орқали нафақат моддий қарамлик, айни пайтда маънавиятида юз берадиган глобал инқирозларнинг салбий оқибатидан китобхонни огоҳ этади. “Майли-да, бир зумга бўлсин, лип этиб ўша ўзинг бунёд этган ҳордиқ лаҳзасига кириб оласан-да, нафас ростлайсан, бир зумгина бўлсин, ўз ҳолингга қоласан ва яна зип этасану “ҳордиқ лаҳзаси”ни тарк этиб, ҳеч нарса кўрмаган-билмаган одамдек “ташқари”га чиқиб оласан!” [Дўстмуҳаммад Х. 12:4].

Ёзувчи мазкур психологик детални қўллашидан мақсад тонг саҳардан то тунгача тик оёқда меҳнат қилаётган “ақл-идрок, шуурдаги барча катта-кичик мурувватлар эрта тонгданоқ чирқ-чирқ қилиб ўчирилган”, ўй ўйлаш, хаёл

суришдан ҳам маҳрум инсоннинг кўнгил истагини, руҳий ҳолатини, маънавий оламини ҳаққоний тасвирлашдир. Шу уриндаги руҳият деталининг табиийлиги ва ҳаётни жуда аниқ ифодалаганлиги асарнинг эстетик таъсир кучини орттиради, китобхон қалбини ларзага келтиради. Ҳикояда адиб дунёда ҳар нарса моддият билан ўлчаниб, ҳаётнинг тобора шавқатсизлашиб бораётгани, меҳр-оқибат, саҳоват-у ҳиммат каби чин инсоний тушунчалар камёблашиб бораётганига ҳам урғу қаратиб, мана шу ҳолатни ҳаётий лавҳаларда ажнабий юртда Бек ишлаётган “Burger King” хронотопи мисолида ёритади. “Бу ерда тартиб-қоида темирга чўкичлангандек – бир мири етмаса ҳам мижозга шафқат кўрсатилмайди, ҳиммат кўчасига йўламайди ҳеч ким” [Дўстмуҳаммад Х. 12:5].

“Дардингни олай” асарида ҳам бадиий деталлар полифункционал характер касб этиб, бир қатор вазифаларни ўташга хизмат қилган. Жумладан, ривожланган мамлакат фуқароси соҳиб жанобларининг осмонўпар биноли уйнинг 50-қаватида истеъқомат қилиши, қўғирчоқ детали муаяйн вазифаларни бажарган. 50-қаватдаги уй нафақат юксак меъморлик намунаси, тараққиёти натижаси сифатида тасвирланади, балки одам оёғининг ердан узилиши, кибр “тизгинсиз баландлик туйғуси” авж олган “соҳиб жанобларини ғоятда сервиқор одамга айланганига” ишора ҳамдир. Қўғирчоқ детали эса дунёни лол қолдириш даражасига етган ривожланган мамлакатдаги беҳад банд инсонларнинг тимсоли. Бу инсонлар учун иш ҳаммасидан муҳим. Инсоний қадр-қиммат, оилавий муносабатлар, қалб кечинмалари ҳам иккинчи даражадаги майда икир-чикирлар ҳисобланади. Асосийси давлатнинг қудратини ошириш, юксак тараққиётга эришиб дунёни лол қолдириш, хукмронлик ҳиссининг устуворлиги етакчилик қилади. Қўғирчоқнинг қулатилиши эса – фалокат нишонаси бўлибгина қолмай инсоний муносабатларни емирилишига ишорадир. Ёзувчининг услубий ўзига хос томонлари рамзийликка мойилигида ҳамда сюжет воқеаларини “сирли баёнида”да ҳам кўринади.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ўн сония” ҳикоясида қаламга олинган мавзу долзарб аҳамиятга молик. Ҳикоя ҳажман кичик, мазмунан теран. Адиб ҳажман кичик ҳикояда башариятга алоқадор ҳаёт ва унинг моҳияти ҳақида сўз юритади. Ҳикояда бугунги шиддатли, тезкор замоннинг инсоният ҳаётига, мақсад-муддоларига ва ҳатто энг нозик қалб кечинмаларига, ҳис-туйғуларига ҳам кўрсатаётган салбий таъсири хусусида ишоралар қилади.

Ҳикояда хроникали – ассоциатив сюжет типлари етакчилик қилиб, К.исмли қаҳрамоннинг 100 метрли масофани 10 сонияда югириб ўтиши жараёнидан олдинги, жараёндаги ва финишдаги кечинмалари, уй-фикрлари ва мушоҳадалари баён этилади. Носир ҳикоя қаҳрамонларига ном ҳам бермайди (К., “Қўшни”, “Биринчи”). Бундай ифода усули дунё адабиёти мавжуд бўлиб, адибнинг ижодий таъсирланиши, ифодада янгиликка интилиш ва энг муҳими образнинг ички оламига, уй-фикрларига асосий урғуни қаратиши ҳосиласи сифатида баҳоланиши мумкин. Бир қарашда асар енгил атлетика спорт турининг қисқа масофага югурувчи (Sprinter) спортчи-

қаҳрамоннинг мусобақа ғолиблиги учун кураш жараёни тасвирига бағишлангандек таассурот уйғотади. Бироқ адиб рамзлашган мусобақа жараёнидаги муросасиз кураш эпизоди орқали инсониятнинг ўтиб бораётган шиддатли умрини реаллаштиради. Адиб ҳикояда тасвирлаган 100 метрли масофа – инсон умр йўлига менгзалади. Яъни бугунги глобаллашув жараёнда шиддатли, тезкор ҳаёт Инсон умрини, ҳаловатини, мақсад-муддаоларини, эҳтиёжини, кечинмаларини-да шиддат измига солиб қўймоқда. Таъкидлаш жоизки, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ўн сония” ҳикояси тасвирида публицистик руҳ устуворлик қилади. Умуман, сўнги давр ўзбек насрида бадиий-публицистик услуб етакчилик қилаётганини кузатиш мумкин.

Адиб ҳикояда илгари сурган асосий концепцияда ҳаёт моҳиятини англашда МЕҲР-МУҲАББАТ, чин инсоний туйғулар ҳар қандай шиддатдан (кучдан) қудратли эканини китобхонга англатишга уринади. Лекин моҳиятни англаш учун инсонга “ўн сония”дек қисқа умр берилган...

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. II-жилд. – Тошкент: Фан, 1991. –382 б.
2. Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. – Т.: Фан, 2018. – Б.352.
3. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.: Ғафур Ғулом, 2015. –Б.354
4. BURKHANOVA F. The Use Of Myths And Legends In Creation Of Story In Modern Uzbek Prose. *Int. J. of Aquatic Science*, *12*(2), 2795-2800.
5. The methods of studying and analyzing classical poetic arts in literature lessons // Journal of critical reviews, 2020.– №5. – Б. 1631-1641
6. Burkhanova F. The Wisdom In The Works Of Alisher Navoi // Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446X (Dec 03, 2021) P. 32467-32472
7. Каримов Б. Адиб қалбининг қўёши // Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларига ёзилган сўзбоши. – Т.: Янги аср авлоди, 2021. –Б.14.
8. Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б.398
9. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Тошкент: Navoiy universiteti, 2018. – 480 b.
10. Қўшжонов М.Танланган асарлар. – Т.: Sharq, 2019. – Б.712.
11. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. . – T.: G‘afur G‘ulom, 2018. – B.308

Интернет сайтлари:

12. https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/xurshid-dostmuhammad/
13. http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.05.279
14. http://www.turkjphysiotherrehabil.org/
15. http://www.journal-aquaticscience.com/article_134329.html

TURKISTONDA MILLIY UYG'ONISH HARAKATI

Nilufar MIRSAIDOVA,
Toshkent davlat pedagogika universiteti
dotsent v.b.

Annotatsiya. Maqolada XIX asr oxiri XX asr boshlarida Turkistonda kechayotgan tarixiy o'zgarishlar haqida fikr yuritilgan. Maqolada milliy uyg'onish, o'zlikni anglash, milliy ozodlik harakatlarining kuchayishi haqida batafsil bayon qilingan. Turkistonda jadid ziyolilarining sa'yi harakatlari bilan shakllangan matbuot, maorif va yangi maktablarlarning ochilishi haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: jadidchilik, jadid adabiyoti, ma'rifarparvarlar, jadid maktablari, shaxsga sig'inish illati, uslubiy – shakliy izlanishlar, mamuriy – buyrukbozlik usuli, qatog'on qurbonlari qismati, badiylik mezoni, adabiyotda insonparvarlik masalasi.

XIX asr oxiri XX asr boshlarida Turkiston ijtimoiy-siyosiy hayotida jiddiy o'zgarishlar sodir bo'la boshladi. Toshkent, Samarqand, Qo'qondagi zavod-fabrikalar va temir yo'l ishchilari orasida ish tashlash, mitinglar bo'lib o'tdi. Aholi o'rtasida mustamlakachi amaldorlar va mahalliy boy mulkdorlardan haq-huquqni talab qilish, og'ir ish sharoiti, yetishmovchiliklar, nohaqliklarga norozilik bildirish hollari ro'y berdi.

Asr boshi Turkistondagi siyosiy harakatlar, da'vatlar Rossiyadagi kabi siyosiy to'ntaruv emas, balki undan farqli o'laroq, mustamlaka va istibdoddan norozilik hamda milliy-ozodlik harakati tarzida namoyon bo'ldi. Samarqand atrofidagi Nomoz kabi xalq qasoskorlarining isyoni milliy-ozodlik harakatining o'ziga xos ko'rinishi edi. Rossiyaning 1914-yildagi jahon urushiga tortilishi Turkiston xalqi boshiga ham juda og'ir musibatlar olib keldi. Ikki yil ichida yer solig'i hunarmandlardan olinadigan soliq deyarli 2,5 barobar oshdi, salkam 100 ming ot, tuya, qoramol tekinga olindi. Xalqning 19 yoshdan 43 yoshgacha bo'lgan minglab farzandlari Nikolay podshoning amri bilan mardikorlikka yuborilib, ko'pdan ko'p oilalar boquvsiz qoldi.

Natijada juda ko'p joylarda g'alayonlar, qo'zg'olonlar bo'ldi. Bu davrda Turkistonga Rossiya ta'sirida ilm-fan, madaniyat, sa'nat, adabiyot, matbuot sohasida qator ilg'or zamonaviy yangiliklar (telefon, telegraf) ham kirib keldi.

Oktyabr to'ntarishiga qadar Turkiston o'lkasida qator rus-tuzem maktablari ochildi. Chor hukumati bularda yerli xalq farzandlarini savodli–ma'lumotli qilishdan ko'ra, ko'proq o'z farzandlarini o'qitishni ko'zlardi. Bunday maktablarda o'qigan tub joy aholi farzandlari juda oz edi.

Shunday sharoitda milliy uyg'onish, o'zlikni anglash, ozodlik harakatlari kuchaydi. Bu harakat 1916 yilda avj pardasiga ko'tarildi. Samarqandda xalq harbiy gubernator uyi atrofida katta g'alayon ko'tardi. Toshkentda Beshyog'och dahasi aholisi eski shahar politsiya boshqarmasi idorasiga hujum qildi. To'ytepa, Piskent,

Yangibozor dehqonlarning chor askarlari bilan to‘qnashuvi ro‘y berdi. Natijada shor hukumati 1916 yilning iyulida Turkistonda harbiy holat e’lon qilishga majbur bo‘ldi.

1917 yildagi fevral inqilobi Turkistonda ham kuchli aks sado berdi. Xalq bu to‘ntarishga katta umidlar bog’ladi, biroq yanglishdi. Shunga qaramay, 1917 yil oktyabr to‘ntarishigacha bo‘lgan muddatda Turkistonda milliy uyg’onish, o‘zlikni anglash, istiqlolga erishish qonuniy va siyosiy uyushgan bir qator harakatlar sodir bo‘ldi.

Stixiyali tarzda paydo bo‘lgan va dastlab, asosan, ma’rifiy vazifalarni amalga oshirish maqsadi bilangina maydonga kelgan jadidlarning birlashishi va keng qanot yozishida, o‘zbek jadidchilik harakatining yo‘lboshchisi Mahmudxo‘ja Behbudiyning xizmatlari beqiyosdir. U kelajakda milliy bosmaxona va nashriyotni tashkil etish, qo‘shni xalqlar hayoti, jumladan, maktab va maorifi bilan tanishish, bu mamlakatlardagi taraqqiyparvar kuchlarning tajribalarini o‘rganish va o‘zbek jadidlarining xalqaro aloqalarini izga solish uchun Rossiyaning bir qancha sanoat markazlariga va yaqin Sharq mamlakatlariga bordi. Buxoroda tashkil etilgan “Tarbiyai atfol” jamiyatining sa’yi harakatlari bilan Fitrat Turkiyaga tahsil ko‘rgani bordi. [Karimov N.5:23]

Turkiston jadidlarining otasi Mahmudho‘ja Behbudiyning “Ikki emas to‘rt til lozimdur” [Mahmudxo‘ja Behbudiy.9:160-161] maqolasida: “Biz turkistonliklar turkiy, forsiy, arabiy va rusiy tilni bilmoqligimiz kerak. Zero turkistonliklar aksariyat o‘zbekcha so‘zlashadilar. Forsiy til bo‘lsa madrasa va ulamo tilidur. Bugungi kunda Turkistonning har tarafida eski va yangi maktablarda forsiy nazm va nazsr kitoblaridan ta’lim berilib kelgandur. Barcha madrasalarda sharhiy va diniy kitoblar arabiy ta’lim berilsa ham, mudarrislarni tahrir tarjimalari forschadir.

Turkistonda qadimdan beri bu uch til joriydur...

Xulosa, bugun bizlar to‘rt tilni o‘rganmog’imiz kerak. Shu to‘rt tilda tahrir va taqrir etuvchilar kerak, ya’ni arabiy, forsiy, turkiy, rusiy...” Jadidchilik, ma’rifatparvarlikdan qudratli siyosiy harakatga qadar bo‘lgan murakkab rivojlanish yo‘lini bosib o‘tdi. Turkistondagi mustamlaka, uning turli tuman tanazzullarga yuz tutganligi, xalqning og’ir iqtisodiy va ijtimoiy ahvoli, jahonning taraqqiy etgan mamlakatlaridan iqtisodiy, ijtimoiy va ma’naviy jihatdan ortda qolishi, madaniy qoloqlik – jadidlarni jahon taraqqiyoti tajribasidan foydalanib, tezlikda bu holatdan chiqish yo‘llarini izlab topishga chorladi. Yetilib qolgan muammolarni hal etishdagi dastlabki yo‘l sifatida ma’rifatparvarlik harakati yuzaga keldi.

Nima uchun masala aynan shunday qo‘yildi. Sababi jadidlarning o‘zlari talaba yoshlar edi. Ular ham Sharq, ham G’arb madaniyati yutuqlarini egallashga intildilar, o‘qidilar va o‘zgalarni ham shunga da’vat qildilar. Jadidlar xorijga chiqib, turli mamlakatlardagi madaniyat va ta’lim taraqqiyoti darajasini ko‘ra oldilar, ularni solishtirdilar va bu zehnli yoshlarda jahon taraqqiyoti yutuqlarini Turkistonga keltirish istagi paydo bo‘ldi. Natijada, jadidlarning diqqat markazida birinchi bosqichda ta’limni isloh qilish vazifasi qo‘yildi. Ular bunday islohatlarni o‘tkazish zaruriyatini nafaqat, nazariy jihatdan isbotlab berdilar, balki yangi usuldagi maktablar, kutubxonalar, o‘quv zallarini ochib, darsliklar yozib, o‘z

g’oyalarini amalga oshirishga katta kuch sarfladilar. Arxiv hujjatlarining guvohlik berishicha dastlabki jadid maktablari 1898-yilda Qo‘qonda Salohiddin domla, 1899-yilda Toshkentda Mannon qori va shu yili Andijonda Shamsiddin domlalar tomonidan ochilgan. XX asr boshlarida bu harakat tezlik bilan rivojlanib ketdi. Milliy ziyolilarning o‘zligini tashkil etuvchi jadidchilikning ko‘zga ko‘ringan vakillari – Munavvar qori Abdurashidxon o‘g’li, Ubaydullo Asadullaxo‘ja o‘g’li, Abdulla Avloniy, Toshpo‘lat Norbo‘taev (Toshkent), Mahmudxo‘ja Behbudiy, Xoji Muin Shukrullo, Abduqodir Shakuriy (Samarqand), Sadriddin Ayniy, Fayzulla Xo‘jaev, Abdurauf Fitrat, Ubaydullo Xo‘jaev (Buxoro), Ashurali Zohiriy, Po‘lat Soliev, Obidjon Mahmudov (Qo‘qon), Nosirxonto‘ra Kamolxonto‘raev, Ishoqxon Ibrat (Namangan) kabilar harakatning yetakchilari edilar.

Mahalliy xalqning fan texnika yangiliklarini egallashi, uni o‘zlashtirilishi, millat manfaatini himoya qilishlari uchun eng avvalo xorijiy tillarni o‘rganish orqali amalga oshirilishini taraqqiyparvar jadidlar juda to‘g’ri anglaganlar va ularni o‘rganishga bo‘lgan sahyi harakatlarni rag’batlantirganlar.

1917-yilda Turkistonning ijtimoiy-siyosiy hayotida eng muhim masalalardan biri, bu Turkistonda yangi boshqaruv usulidagi davlatchilikni tashkil etish edi. O‘sha tarixiy shart-sharoitlarda milliy davlatchilikka ega bo‘lish g’oyasi turli tashkilot va partiyalarning o‘zaro kurashida asosiy qurolga aylangan edi. Jadidlarning intilishlari Turkistonda federatsiya asosida milliy demokratik davlatni barpo etishga qaratilgan edi. Shu maqsad yo‘lida ma’rifatparvar ziyolilar bir qator sa’yi harakatlarni boshlab yubordilar. Masalan, «Sho‘roi ulamo» tashkiloti Toshkentda 1917-yil oktyabrda bo‘lgan qurultoyida «Turkiston muxtoriyati»ni ta’sis etishga bir ovozdan qaror qildi va mustaqillik g’oyalarini ilgari surdi. Shu qurultoy hujjatlarida Turkiston hukumati o‘z pulini chiqarishi, o‘z qo‘shinlari va o‘z militsiyasiga ega bo‘lishi huquqlarini qo‘lga kiritish zarurligi haqida fikr yuritildi. Shu davr adabiyotiga nazar soladigan bo‘lsak, unda xalqni marifatga chorlovchi, jadidchilik g’oyalarini ilgari suruvchi asarlar bilan bir qatorda diniy yo‘nalishdagi asarlar ham yaratildi. Vatanparvarlikka, milliy uyg’onishga chorlovchi ilg’or shoirlar bilan bir qatorda ananaviy ruhda o‘rtamiyona she’r yozuvchi shoirlar ham oz emas edi.

An’anaviy aruz vazni qatoriga barmoq vazni kelib qo‘shildi. Og’ir zamonadan va chor istibdodidan norozilik ruhidagi folklor namunalari va xalq qo‘shiqlari ko‘paydi.

Sahna asarlari paydo bo‘ldi. Xalq sahnada o‘z dardi, muammolari, orzu-umidlari, ideallari badiiy talqini bilan yuzma-yuz uchrasha boshladi, bu o‘zbek madaniyati uchun yangilik edi, adabiy tanqid jonlandi. Davr adabiyotida realistik, romantik, satirik yo‘nalishlari paydo bo‘ldi. Zamon, tuzum, mustamlaka siyosatidan norozilik kuchaya borib, hayotni o‘zgartirishga chorlovchi asarlar ko‘zga tashlandi Inqilobiy adabiyotning tug’ilishi shu davrga to’g’ri keladi.

Jadidchilik harakati nima, u nega Turkistonda paydo bo‘ldi, bu harakatning mohiyati, tarixdagi o‘rni qanday? Jadidchilik harakati jahonshumul harakat kasb etganmidi?

Javobni bu savolning oxirgisidan boshlaylik: ha, jadidchilik ma’lum ma’noda jahonshumul ahamiyat kasb eta olgandi. Bu fikrni isbotlash uchun gapni umuman insoniyat tarixining o‘ziga xos taraqqiyot yo‘liga qisqacha bo‘lsa-da, to‘xtashdan boshlash joiz.

Kishilik jamiyatining ko‘p asrlik tarixi xilma-xil harakatlarni, ta’limotlarni, siyosiy oqim va firqalarni vujudga keltirdi. Buning asosiy sababi insoniyatning adolatli, jamiyat a’zolarining tengligi asosiga qurilgan, insonparvar jamiyat yuzaga keltirish uchun tinimsiz izlanishlar bo‘lgan. Jumladan, XIX asrda g’arb mamlakatlarida boshqa ta’limotlar qatori marksizm ta’limoti ham yuzaga kelib, u insoniyatning orzusini amalga oshirishning ilmiy asoslarni ishlab chiqishga intildi. Bu ta’limotning poydevori etib sinfiy kurash nazariyasi olindi. Bu ta’limotning amalga oshishi o‘zidan qonli iz qoldirdi. Oqibatda, u tarix sahnasidan surib tashlandi.

XIX asr Sharq esa, g’arbdan farqli o‘laroq taraqqiyotning quyiroq darajasiga xos illat va zulmlarga qarshi kurashishi kerak edi. Feodal qoloq Sharqni G’arbdagi mustabidlarga qaram bo‘lishiga olib kelganidan milliy zulmdan qutilish uchun ozodlik kurashi asosiy hodisa hisoblanardi. Ozodlik mustaqillik, erkka feodal qoloqlik, jaholatdan qutilgandagina erishish mumkin bo‘ladi. Buning uchun jamiyatdagi mavjud tuzumni tubdan isloh qilish lozim bo‘lib, buni amalga oshiruvchilar qotib qolgan dakki kuchlarga, yani «qadim» (eski) larga qarshi turuvchi «jadid» (yangi)lar sifatida maydonga keldilar. Shu bois jadidlar Misrda ham Turkiyada ham Turkistonda ham siyosiy oqim sifatida paydo bo‘ldi. To‘g’ri, ularning shakllanganlik, taraqqiy topganlik darajasi bir xil emasdi. Chor Rossiyasi tomonidan bosib olingan o‘lkalar ham XIX asr oxiriga kelib milliy-ozodlik harakatlari natijasida oxir-oqibatida jadidlarni tarix sahnasiga chiqardi. Milliy istibdod zanjiriga tushgan xalq va elatlar istibdod zanjiridan faqat birlashib harakat qilgandagina qutilishlari mumkin edi. Buning uchun, eng avvalo, milliy ongni uyg’otish, millatning o‘zligini anglab etishuviga erishishi lozim edi. Ana shunday fikrga birinchilardan bo‘lib qrimlik Ismoilbiy Gaspirali kelgandi. U turkiy qavmlar, umuman musulmonlar birlashib katta kuchga aylangandagina dunyoning taraqqiy etgan davlatlari qatoriga kirishlari, buning uchun asriy jaholatdan, feodal qoloqlikdan qutilib, dunyoviy ilmlarni, zamonaviy fan va texnikani egallab, taraqqiy topgan millatlar darajasiga ko‘tarilish lozimligi g’oyasini ilgari surdi. Shu bois harakatni eng avvalo insonning dunyoqarashini, saviyasini shakllantiradigan ta’lim-tarbiya tizimini isloh etishdan boshlash kerak, degan qat’iy qarorga kelgandi. Natijada, musulmon olamida yangi bo‘lgan «usuli savtiya tadrijiya»ni joriy etishga kirishdi va kutilgan natijalarga erishdi. Bu usulni u Kavkazdagina emas, Turkistonda, Volga bo‘yida ham joriy etishga tashviq qildi. Mazkur o‘lkalarda ham uning tarafdorlari, izdoshlari yuzaga keldi. Turkistonda Behbudiy, Munavvar qori, Abdulqodir Shakuriy, A.Avloniy va boshqalar ularning hammaslaklari edi. Marksistik ta’limotdan farqli o‘laroq, jadidchilik sinfiy mansublikka emas, dunyoqarashdagi mushtaraklikka, maslakdagi umumiylikka qarab shakllandi. Shu bois ijtimoiy kelib chiqishlari jihatidan ular turli tabaqa va toifalarga mansub edilar.

Uyg’onish – tsivilizatsiya (Sivilizatsiya” so’zi lotincha civilize so’zidan olingan bo’lib, fuqaroviy, davlatiy mahnosini bildiradi. 1) madaniyat; 2) taraqqiyot. Taraqqiyot bosqichlari mahnosida). tarixida (bu so‘z avval davlat taraqqiyotiga, so‘ng ilm-fan va ijtimoiy taraqqiyotga nisbatan qo‘llanilgan) frantsuzcha “Renessans”, ruscha “Vozrojdenie” deb yuritilgan. Bu so‘zlar anglatgan ma’no o‘zbekcha “uyg’onish” so‘zi bilan ifodalangan.

“Uyg’onish” atamasining tarixiga kelsak, u antik adabiyotning mislsiz taraqqiyot davriga nisbatan ilk marotaba qo‘llanilgan. Undan so‘ng ilm-fan rivoju ravnaqiga nisbatan ishlatilgan.

“Madaniyat” so‘zi esa arabcha bo‘lib, “madina” so‘zidan kelib chiqqan. “Madina” shahar ma’nosini ifodalaydi.

Millat – natsio Navoiyda etnos (el, elat), Qur’oni karimda din, mazhab ma’nosida qo‘llanilgan. Bu atamaning ijtimoiy-falsafiy maonosi jadidchilik davrida kengaydi, boshqacha aytganda, asl mazmuniga ega bo‘ldi.

Uyg’onish adabiyotda ham, ilm-fanda ham sodir bo‘lgani ko‘hna tarixdan ayon. Badiiy adabiyotda antik davr, ilm-fanda IX-XVI -asrlarda Uyg’onish davri kuzatiladi. Uyg’onish so‘ziga “millat” so‘zi qo‘shilib, “milliy uyg’onish” birikmasi hosil bo‘lgan. Uyg’onish bilan milliy Uyg’onish atamasini mutlaqo farqlash zarur. Uyg’onishda davlat, ilm-fan, adabiyot va madaniyat taraqqiyotini, milliy uyg’onishda esa milliy o‘zlikni anglash nazarda tutiladi.

Milliy uyg’onish davri o‘zbek adabiyoti XIX asrning ikkinchi yarmi XX XX asrning boshlarini o‘z ichiga qamrab oladi. Shu o‘rinda Milliy uyg’onish davri adabiyoti va jadid adabiyoti atamalarining fanda iste’molga kirishi bevosita istiqlolning “mevasi” va samarasi demoq darkor. Avvallari bu davr adabiyoti “burjua davri o‘zbek adabiyoti”, “uch revolyutsiya davri o‘zbek adabiyoti”, “ma’rifatparvarlik davri o‘zbek adabiyoti” , “o‘zbek demokratik adabiyoti” kabi nomlar bilan atalgan. Keyinchalik “inqilobiy adabiyot” atamasi ba’zi adabiyotshunoslarga yoqib tushdi shekilli, yuqorida zikr qilingan va o‘shanday nomlangan adabiyotdan inqilobiy mazmun hamda ruh izlandi. Negaki, sho‘ro adabiyoti inqilobiy harakat, mazmun va g’oya bilan bog’liq, go‘yo bu oktyabr to‘ntarilishidan keyin tug’ilgan adabiyotning tomirlarini teranlashtirish, “tana”sini mustahkamlash edi. Holbuki, bu davrda oktyabr to‘ntarilishi haqida onda-sonda madhiya, she’rlar, ayrim publitsistik maqolalar yozilgan. Ular avvalambor kam sonli bo‘lib, yaxlit adabiyotni tashkil etmas edi. Qolaversa, sho‘ro adabiyotining namunalari deb baholangan adabiy hodisalar mohiyat e’tibori bilan jadid adabiyotining namunalaridir.

“Muxtoriyat bilan birga jadidchilik harakati va uning adabiyoti ham o‘z faoliyatini tugatdi” degan iddaolar biroz o‘rinsiz ekanligini ta’kidlab o‘tmoqchimiz. Zero milliy uyg’onish mintaqamizda jadidchilik shaklida namoyon bo‘ldi. 10-yillarda jadid matbuoti bilan birgalikda jadid adabiyoti ham maydonga keldi. Bu adabiyot asosan 1905-1918-yillarda shakllanib, Turkiston muxtoriyatining maьlubiyatga uchrashi bilan o‘z umrini tugatdi va uning aksar vakillari sho‘ro hokimiyati bilan murosaga kelishdilar.

Ismoilbek “Tarjimon”ning 1906-yil sonlarida “Oqgul dastasi yoki adabiyoti jadida xizmatlari” sarlavhasi ostida materiallar berib borganki, jadid adabiyoti atamasi ham uning nomi bilan bog’liq.

Milliy uyg’onish davri adabiyotini ikki bosqichga bo‘lib o‘rganish maqsadga muvofiqdir:

1) milliy uyg’onish davri adabiyotining ilk bosqichi (XIX asr oxirlari);

2) ijtimoiy va milliy kurashlar davri (XX asrning birinchi choragi).

Birinchi davr aniq yillar hisobida 1890-1905-yillar; ikkinchi davr – 1905-1917, 1917-1925-yillarni o‘z ichiga oladi. Shundan 1905 va 1929-yillar jadid adabiyoti davriga kiradi. Uning eng avj nuqtasi 1910-1925-yillarni tashkil qiladi.

Milliy uyg’onish davri va uning tarkibiy qismi jadid adabiyoti haqiqiy ma’noda o‘zbek realistik adabiyoti bo‘lib, tarixdan mustahkam o‘rin oldi. Bundan tashqari, bu davr milliy g’oya va mafkuraning ilk shakllanish davri ekanini ham hisobga olishimiz kerak. Shu ma’noda Milliy uyg’onish davri o‘zbek adabiyoti va uning uzviy qismi jadid adabiyoti mustaqillikning sharofati tufayli o‘rganildi va shunday nomlandi. Aks holda sho‘ro davrida bunday nom va talqin qilishga yo‘l bo‘lsin edi.

Mahalliychilik (o‘zbekchilik) 1918-1920-yillarda Birinchi jahon urushida asrga tushgan turk ziyolilarining Turkistondagi maorif sohasidagi faoliyatga ishtirok etib, usmonli turkchilikni keng jabhada targ’ib qilish va uni mahalliy xalq o‘rtasida yoyishiga o‘zbek ziyolilari monelik ko‘rsatish shaklida namoyon bo‘lgan.

Jadidchilik harakatining paydo bo‘lishi va yakunlanish tarixi, shubhasiz, faqat shu nuqtalardangina iborat emas. O‘zbekistonning yangi tarixini, xalqimiz hayotining bu muhim davrini to‘g’ri va mukammal yoritish davr ziyolilarining oldida turgan eng muhim vazifalaridan biridir.

Adabiyotlar

1.A’zamxo‘jaev S. Turkiston muxtoriyati. Toshkent. “Ma’naviyat” 2000.

2.Baldauf I. XX asr O‘zbek adabiyotiga chizgilar. – Toshkent “Ma’naviyat” 2011.

3.Allworth E. Uzbek literature London 1964

4.Abduazizova N. Turkiston matbuoti tarixi. Toshkent. Akademiya.2000.

5.Karimov N. Cho‘lpon. Toshkent. 2000. G’.G’ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti

6.Sh.Rizaev. Jadid dramasi. Toshkent. Ma’naviyat. 1997.

7.Tarixning noma’lum sahifalari. Toshkent. Akademnashr.2018.

8.Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar.Toshkent. Ma’naviyat.2000.

9.Mahmudxo‘ja Behbudiy. Tanlangan asarlar. Toshkent. Ma’naviyat. 2000.

10.Rustam Sharipov. Jadid adabiyotida yangilanish, islohat va mustaqillik uchun kurash. Toshkent. 2005.

ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ – БАДИИЙ ОБРАЗЛАР МИСОЛИДА

(Ўзбек тили дарсларида ўзбек адабиёти дурдона асарларидан фойдаланиш тажрибаси)

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, истеъфодаги подполковник
Малоҳат БАДАЛБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Тиллар кафедраси бошлиғи подполковник.

Аннотация. Мақолада миллий адабиётимиздаги миллат характерини бериш, миллий субъектликни сақлаш ва миллий ўзликни англашда алоҳида ўрин тутганлигини Абдулла Қодирий ва Тоҳир Малик асарларининг ўзаро муқояса қилиш орқали бадиий образлар силсиласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёзувчи, роман, “Ўтган кунлар”, “Шайтанат”, адиб, китобхон, адабиёт, одоб-ахлоқ, тарбия масаласи, инсон образи, характер.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги жасур ва оташқалб Отабек ҳақида гапирганда, қўланса ва хотинбоз Ҳомидни ёддан чиқармаслигимиз, Тоҳир Маликнинг беш китобдан иборат “Шайтанат” қиссасидаги мард Асадбек тўғрисида фикр юритганда, ғирром ва номард Ҳосил бойваччани ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Биз мазкур мақоламизда юқорида зикр этилган асарларда ўзбек характерини ифодалашда адибларнинг тутган йўлларини кўриб чиқамиз.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабекни нима учун халқимиз бу қадар севади ва ардоқлайди. Мана шу саволларга жавоб излаб, асарга мурожаат қиламиз. Адибнинг ўткир қалам кучи ва маҳорати шундаки, у асарда мавжуд кичик деталларга ҳам алоҳида эътибор беради. Жумладан, диққатингизни Отабек билан Ҳасанали ўртасидаги карвонсаройда бўлган суҳбатга қаратмоқчимиз. Суҳбат ҳар икки инсонни бир-бирини ўзаро ҳурмат қилган ҳолда олиб борилади. Отабек кичик хўжайин, лекин у қуллари бўлган Хасанали билан суҳбатда тарбия кўрган, одобли ва яхши хулқ-атворли одам образида гавдаланади. У, баъзан бошқа зодагон оила фарзандларига ўхшаб ўзига бино қўйиб, қулларга нисбатан терс ва қўпол равишда нутқ сўзлаши мумкин эди, аммо Тошкентдаги “Беклар беги” мадрасасида ўз даврининг илғор мударрислардан ҳам диний, ҳам дунёвий илм ўрганиб, таҳсил олган бу ёш йигитчанинг тарбияси бунга йўл қўймас даражада ахлоққа бой эди. Асарда бир эпизодда Раҳматнинг саволига жавоб беришдан аввал Ҳасаналини ўзидан нарига узоқлатиши, унинг шу ўринда нақадар олижаноблигидан далолат беради. Асардан қуйидаги парчани мисол қилиб келтирамиз:

Шу орада ҳужрага бир чол кириб ул ҳам меҳмонлар билан сўрашиб чиқди. Бу чол Ҳасанали отлиқ бўлиб, олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнггироқ пешоналик, сариққа мойил, тўғарак қора кўзлик, оппоқ узун

соқоллик эди. Соқолининг оқлиғига қарамасдан унинг қаддида кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди.

Отабек меҳмонларни танчага ўтқузиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:

– Тузукмисиз, ота?

– Худога шукур, – деди Ҳасанали, – боялғидан бир оз енгилладим. Мазмуни ис теккан экан.

– Баъзи юмушлар буюрсам...

– Буюрингиз, ўғлим.

– Раҳмат,ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берсангиз-чи.

– Хўб, бегим.

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайтиб соғлиқ сўрашқандан кейин сўради:

– Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб сўнгра жавоб берди:

– Қулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди.

– Қулингиз?

– Шундоғ... [А.Қодирий. 1:8]

Ёш хўжайиннинг бу қадар одоблилиги ва камтарона жавоби китобхонни лол қолдиради ва Отабекни ўзига хос сир ҳамда романтизмга буркайди. Китобхон муаллифнинг бундай чизги ва тасвирларидан Отабекнинг оламига ошуфта бўлади. Суйган ёри Кумушга қасд қилган уч баттолни якка ўзи маҳв этиши ва бу ҳақда ҳеч кимга билдирмаслиги Отабекни ўзбекларга хос камсуқумлигини билдиради. Асарда қозоқ овулидаги қимиз сайлидан қайтган Отабек, қипчоқ қирғинининг устидан чиқиб қолади. Отасига одоб сақлаган ҳолда аччиқ гапларни айтади ва бундай ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради. У хунрезликни қоралайди ҳамда қипчоқлар ҳам ўзимизнинг халқлигини айтади. Биродаркушлик урушлари яхшиликка олиб келмаслигини адиб бадиий сўз орқали бизга етказади ва бу сўзларни айтган Отабекни китобхонга яқинлаштиради. Асар сўнггида ўрислар билан урушда ватан, халқининг озодлиги ва эрки учун шаҳид бўлиши, уни кўз ўнгимизда нафақат оташин муҳаббат соҳиби, балки ҳақиқий ватанпарвар ва миллатпарвар бўлганлигидан далолат беради. Мана шуларнинг ҳаммаси Отабекни китобхонга шу қадар боғлаб қўядики, у беихтиёр бу образни яхши кўриб қолади. Шунинг учун Отабек исми нафақат ўзбеклар, балки қўшни халқларда ҳам оммалашиб кетади. Отабек исми қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, татар ва юртимизда яшайдиган бошқа миллат вакилларида ҳам кўплаб учрайди.

Энди Тоҳир Маликнинг XX аср охири ва XXI аср бошида ўзбек китобхонларининг бестселлерига айланган “Шайтанат” асаридаги Асадбек образини олайлик. У нимаси билан халқимиз меҳрини қозонди. Асадбек жиноят оламининг йирик вакили, унда ҳам оддий жиноятчиларга хос қусурлар мавжуд. У ҳам бировнинг ҳақидан жирканмайди. У вақтдаги ёғли корхона раҳбарларидан чўтал йиғади. Керак бўлса қотилликдан ҳам тап тортмайдиган инсон. Эътибор беринг, Отабекни лақаби йўқ, Асадбекни

жиноят оламида “Ўқилон” дейишади. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг таъбири билан айтганда “Асадбекка бизнинг жамиятимизда ўрин йўқ ва у орамизда яшашга ҳақли эмас!”. Лекин нимагадир халқимиз Асадбек образини севади ва янги туғилган чақалоқларга шу исмни қўйишади. Бу қандайдир феномен бўлиб, идрок этиб ва тушунтириб бўлмас ҳодиса эди. Бунга нима сабаб? Ёзувчининг ҳайротомуз чизгиларими ёки образнинг хатти-ҳаракатими? Бу саволга жавоб излаб асарни варақлар экансиз, беихтиёр Асадбекни маҳалла имоми Каримулла билан суҳбатини ўқийсиз:

“– Пулни қаердан оласан? Камбағал-фақир бўлсанг?..

– Бегим, қариндош-уруғ бор, ҳозир ўн беш минг пулми? Гуноҳларни кўп қилардик, охиратни ўйламасдик...

– Охиратни дегин... Ўн беш мингни тўлаб у ёқдан майда-чуйда олиб келсам, харажатни қоплармикин?

– Асадбек бу саволни синов учун берган эди. Бунинг фаҳмига етмаган Каримуллага жон кирди.

– Чиқади, бегим, унча-мунча қолади ҳам.

– Ҳаражатдан ташқари йигирма минг қолармикин?

– Каримулла бу саволга ўйламай-нетмай жавоб қайтарди:

– Йигирма минг чиқмас-ов, аммо ўн мингча қолар.

– Шунақа дегин, ҳисоблаб қўйибсан-да, а ?

– Энди одамлар айтиб юришибди-ку...

Асадбек жавонга яқинлашиб, эшигини очди. Каримулла таҳланиб турган пулларни кўриб, энтикиб кетди. “Харажатни кўтаради шекилли”, деб қувонди.

– Қариндошларингни тинч қўй, – деди Асадбек, пул санаб туриб. – Мана сенга ўн минг, – у шундай деб бели букилмаган пулларни Каримулла томон ташлади. Каримулланинг пулга узатган қўллари муаллақ қолаверди.

– Сен ҳаром қадамингни Маккага босма, Маккага покиза одамлар бориши керак. Йўқол энди, кўзимга кўринма.” [Т.Малик. 2]

Эътибор беринг бошиданоқ Асадбекни муомаласи имомга салбий бўлиб, унга пул бераётганда ҳам яққол кўзга ташланади. У пулни шунчаки бермайди, балки итга суяк ташлагандай бўлади. Бу билан адиб эҳсондан тугунни учини ушлаб кўриб, шунга қараб эҳсон қилувчига дуо ўқийдиган имомларни аёвсиз фош қилади. “Гуруч курмаксиз бўлмайди”, дейди доно халқимиз. Аслида пулга ружу қўйиш илмсизлик ва билимсизлик натижасидир. Бундай илмсизлик ва билимсизлик Яқин ва Ўрта Шарқни қайси аҳволга солганини гапирмасак ҳам бўлади.Тўғри, бу парчани ўқиган китобхонда дин пешволарига нисбатан салбий муносабат шаклланиши мумкин. Лекин унутмаслик керакки, бу воқеа-ҳодисалар бошбошдоқлик ҳукм сурган саксонингчи йилларнинг охирида бўлган ҳамда жамият инқирозга юз тутган даврлар эди. Динни ниқоб қилиб олиб, ҳаром-харишдан қайтмаган имом-домлалар тилга олинаётган ва аёвсиз танқидга учраётган пайтлар эди. Ўша пайтдаги бадиий адабиётда бундай гаплар Асадбекдек ошкора айтилган эмас. Бу эса ўз навбатида мазкур образга нисбатан китобхоннинг алоҳида меҳрини уйғотади. Ёзувчи томонидан қаҳрамонга берилган ўзбекона тавсифлар, ўзбек характерини очиб беради ҳамда Асадбекни халққа яқинлаштиради. Унутмаслик керакки, Асадбекнинг бетоб укаси

Самандарнинг ва онасининг ўлимлари жигаржон ва оқибатли халқимизнинг раҳмини келтиради. Жигар пораларидан айрилган Асадбекка одамларда ачиниш ҳисси уйғонади. Муҳтожликдан ҳовли жойидан айрилган одамларга ёрдам бериши бизга Асадбекни бамисоли Намоз ботирдек қаҳрамонга айлантиргандек бўлади. Тўғри, Асадбек мард йигит, лекин минг афсуски, у шайтоннинг дўконидан нарса олган ва унинг хунини эса, албатта, тўлаши керак. У қизининг номуси ва ўғлининг ҳаёти билан хун тўлайди. Асадбек мураккаб образ, унинг қалбида эзгулик ва ёвузлик доимо курашда. Эзгулик тантана қилса, масжид қуришдек, камбағалларга ёрдам беришдек савоб ишларга қўл уради. Лекин масжидга ишлатилган пуллар ҳалол эдими? Бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмаганмиз. Ёвузлик устун келса, шайтоннинг малайига айланиб, жирканч жиноятчи бўлиб қолади, тамом-вассалом. Асадбек ёшлар ўртасида нима учундир машҳур, бунга сабаб уларни оҳангрободек ўзига жалб қилувчи жиноят оламининг сохта романтизмидир.

Хулоса шуки, биз мазкур мақолада бамисоли икки қутб ҳақида мушоҳада қилдик. Отабек ва Асадбекни бир-бири билан солиштирсак, бири шимолда бўлса, иккинчиси жанубдадир. Отабек диний оилада миллий қадриятлар асосида тарбия олган софдил, ҳалол, юртпарвар, мард ва иймонли йигитдир. Асадбек мард йигит бўлсада, у бошқа муҳитда тарбия топган. Отаси “халқ душмани” сифатида қамалиб, онадан эрта етим қолган Асадбек болалар уйида, “халқ душмани”нинг фарзанди сифатида жамиятдан нафратланиб ўсди. Охир-оқибат қаҳри қаттиқ, дийдаси қотган, юраги қаҳру ғазабга тўла йигит бўлди. Ҳар бир қарорида жамиятга ўзини қарши қўйди. У мустаабид тузумнинг маҳсули, бу унинг фожиаси ҳамдир. Балки, отаси ноҳақ қамалмаганда, онаси барвақт ўлмаганда, Асадбекдан яхши олим, донгдор муҳандис ва халқнинг дардига малҳам бўлувчи шифокор чиқиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг машҳур “Хамса” асаридаги “Садди Искандарий” достонида халқимиз орзу қилганидек адолатли жамият қуриш учун курашмоқдалар. Шундагина адолатсизликларга буткул барҳам берилиб, қонун устуворлигига эришиш мумкин бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2009 й. 8-б.

2. Тоҳир Малик. Шайтанат. “Ҳилол” нашриёти. Т.: 2020.

САДРИДДИН АЙНИЙ – БУХОРОДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Фаррух ТЕМИРОВ,
т.ф.ф.д(PhD), доцент
БухДУ Археология ва
Бухоро тарихи кафедраси мудири

Аннотация: Ушбу мақолада маърифатпарвар олим ва ёзувчи Садриддин Айний илмий-ижодий меросининг тарихий-манбавий таҳлили, илмий-маърифий қарашлари, замондошлари томонидан унинг ижодига муносабати манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инқилоб, жадид, маърифатпарвар, гузар, шариат, ислоҳотчилик, ҳисоб, матбуот, руҳоний, муҳаррир, таржумон, инқилоб, Бухоройи шариф, Турон

Дунёнинг илмий тадқиқот марказларида туркистонлик мутафаккир алломаларнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, XIX асрнинг охири – XX бошларида мусулмон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаёти, жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ҳамда жадид намояндаларининг бу ҳаракатда тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил Бухорога ташрифида "Дарҳақиқат, ўтмишда қанча-қанча синов ва қийинчиликларга дуч келмасин, Бухорои шарифнинг илм-маърифат, маданият ва санъат дарёси ҳеч қачон тўхтаган эмас. Бу кўҳна юртда туғилиб ижод қилган Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний сингари маърифат фидойиларининг ибратли ҳаёти бугунги кунда ҳам юртимизда янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатмизни юксалтиришда бизга беқиёс куч бағишлаб келмоқда” деб, айтган ибратли фикрлари бугунги кунда ўз тасдиғини топмоқда.

Маърифатпарвар адиб, йирик олим ва жамоат арбоби, ўз ижоди билан мактаб яратган Садриддин Айнийнинг илмий мероси ва ижтимоий фаолияти дунё илмий жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилган. Туркистоннинг XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида кечган тарихий жараёнларни ўрганишда Айнийнинг тарихий ва бадиий асарларининг аҳамияти катта. Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг Халқаро конгрессида Садриддин Айний номи буюк олимлар ва ёзувчилар қаторида тилга олинган. Европа олимлари Садриддин Айнийни “Шарқ маданиятини пухта ўрганган буюк билимдон” деб баҳолаганлар.

Мустақиллик даврида миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг моддий ва маънавий мерос намуналарини холис ўрганиш имконияти яратилди. Маърифатпарвар зиёлиларнинг ибратли ҳаёт йўллари, тарихий қарашларини замон талаблари асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 августда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда Ватанимиз тарихи ва унда ўтган буюк сиймолар тўғрисида фахрланиб, шундай фикр билдирган эди: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.

Ўз даврида Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашиш баробарида мураккаб тарихий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида фаолият олиб борган Садриддин Айнийнинг тарих фани тараққиёти ҳамда бадиий адабиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва келажак авлодларга ўрнак бўлувчи хизматлари инобатга олиниб, у 2001 йилда Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

Садриддин Айнийнинг илмий-ижодий меросига замондошлари катта аҳамият берган. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти долзарб бўлиб келганлиги учун қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Тадқиқотнинг манбавий асосини қуйидаги гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Бухоро амирлиги даврида яратилган асарлар.
2. Даврий матбуот материаллари

XIX аср иккинчи ярми - XX аср биринчи чорагида яшаб ўтган Шарифжон Махдум Садри Зиё, Мирза Абдулазим Сомий Бўстоний, Мирза Салимбек, Афзал Махдум Пирмастий Бухорий, Абдуллахожа Абдий, Ҳожи Азими Шаърий, Мирза Саҳбо Вобкандий, Ҳожи Муҳаммад Неъматулло Муҳтарам, Идрисхожа Рожий, Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорий, Иброҳим Саидкамолзода, Абдуқодир Шакурий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Васлий Самарқандий, Вадуд Маҳмуд, Ҳожи Муин Шукрулло, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев каби замондошлари, ҳамфикрлари Айнийнинг ҳаётлик чоғидаёқ унинг шахси, ижоди ҳамда жадидчилик ва тараққийпарварлик фаолиятига холисона баҳо берганлар.

Жумладан, ўша вақтдаги адабий ва тарихий муҳитнинг намояндалари қаторида Айнийни эҳтиром ва самимият билан тилга олган Абдуллахожа Абдийнинг 1904-1906 йилларда тузилган “Шуарои мутааххирини Бухоро” асарида уни “заковатли, билимдон, нодир фикрлар соҳиби” тарзида тавсифласа, Афзал Махдум Пирмастий Бухорийнинг “Афзал-ут-тазкор фикри зикр-уш-шуаро в-ал-ашъор” (“Шоирлар ва шеърлар ҳақидаги Афзал тазкираси”) китобида (1904) “Айний Садриддин-хожа адабиётшунос ва талантли шоир, ноёб истеъдод соҳибидир”, деб тилга олади.

Ҳожи Азими Шаърийнинг “Тазкират-уш-шуаро”, Ҳожи Муҳаммад Неъматулло Муҳтарамнинг 1908 йилда ёзган тазкирасида эса, у ҳақда ўзининг ижобий фикрларини билдириб, “тарихнавис адиб ва беназир шоир” сифатида таърифлайди. Идрисхожа Рожийнинг “Баёз”ида (1907), Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат Бухорийнинг “Тазкират-ут-шуаро” тазкираларида Айнийнинг шоирлик истеъдоди ҳақида илиқ фикрларни билдириб ўтилган.

Ўша вақтда энди адабиёт оламига кириб келаётган ва илк шеърлари билан танила бошлаган ёш Садриддинхўжа Айнийдаги истеъдодни пайқаган ва унинг Бухоро мадрасаларида таҳсил олиши, шу Шариф шаҳарнинг илмий-адабий муҳитидан хабардор бўлишида кенг йул очиб берган машҳур зиёлиларидан бири, илм-маърифат ихлосманди бўлган Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867-1932) ўзининг "Тазкират – уш – шуарои мутақаддимин" китобида 162 нафар "Шуарои мутааххирин" тазкирасида 80 дан ортиқ ва "Фузалои мутааххирин" тазкирасида тилга олинган 79 нафар шоирлар ва олимлар қаторида Айнийни ўша даврдаги адабий муҳитнинг энг кўзга кўринган сиймоларидан бири сифатида ҳурмат билан тилга олган. "Айний – Мулло Садриддинхожа Ғиждувондандир. Шоирлик, нуқтасанжлик, нозикфаҳмлик, зеҳни заковат ва идрок қилиш қуввати жиҳатидан ўхшаши ва тенги йўқ йигитдир".

Шарифжон Махдум Садри Зиё "Фузалои мутааххирин" тазкирасида Айний ҳақида шундай ёзади: "Айний Амир Олимхон замонида жадидчилик ва инқилобчилиги учун қаттиқ қаршиликка учраб, Самарқандга кетиб ва у ердан қўниб топган эди. То шугунгача – ҳижрий 1345 йилга қадар (1927) ўша вилоятда (Самарқандда) маориф ва нашриётчилик ишлари билан машғулдир". Таниқли тарихчи олим Мирза Салимбек (1848 – 1930) ўзининг машҳур "Тарихи Салимий" ("Салимий тарихи") асарида Айнийнинг тараққийпарварлик ва маорифпарлик фаолиятига ижобий баҳо бериб ўтади.

Ўзбек миллий зиёлиларидан Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942) ўз даврида Айнийнинг маърифий-тарихий қарашларига, унинг асарларидаги тарихий жараёнларнинг тасвирига, айниқса, адибнинг йирик асари бўлган "Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар" асарига ўз даврида биринчилардан бўлиб холисона баҳо берган.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллахожа Абдй. Шуарони мутааххирини Бухоро. / Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. № 64, вар. 122 а Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2019. – Б. 146.

2. Айний замондошлари хотирасида. Хотиралар, мақолалар, ҳикоялар, шеърлар (Тўплаб нашрга тайёрловчи М.Ҳасанов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 191.

3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

4. Мирза Салимбек. Тарих – и Салими. (Источник по истории Бухарского эмирата). Т: Академия, 2009. – С. 143.

5. Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе: 1963.

6. Мулложонова З, Азизқулов Ж. Феҳристи асарҳои С.Айнӣ ва адабиёт оид ба ӯ (то охири соли 1961). – Душанбе: 1963.

7. Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарам. Тазкирату – ш – шуаро. – Душанбе: 1975. – Б. 61.

8. Саҳобиддини Сиддиқй. Садри Зиё ва тазкираҳои ў (Садри Зиё ва унинг тазкиралари). – Душанбе: Шужоиён, 2010. – Б.102, 172, 178; (Шунингдек, қаранг: Садри Зиё. Наводири Зиёия. – Душанбе: 1991. – Б. 5.).

9. Садри Зиё. Фузалои мутааххирин. / Саҳобиддини Сиддиқй. Садри Зиё ва тазкираҳои ў. – Душанбе: Шужоиён, 2010. – Б. 102.

10. Tazkare Ashar. Sharif-jan Makhdum Sadr Zia, Ed., by M. J. Shakuri Bokhari. Soroush. Press. Tehran, 2001. – P. 332.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ЛИРИКАСИДА АНЪАНА ВА ЯНГИЛАНИШ

Гулноза ОРИПОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
ФарДУ адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мустақиллик даври ўзбек лирикасининг шаклий-мазмуний янгиланишларида адабий анъаналарнинг таъсири ва ижодкор поэтик маҳорати тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: адабий анъана, адабий таъсир, анъанавий образ, поэтик маҳорат, поэтик ғоя, поэтик маъно.

Бадиий адабиётдаги анъана – бу моддий борлиқни бадиий идрок этиш, ҳиссий билиш борасида даврдан даврга, авлоддан авлодларга ўтиб келаётган адабий тажрибадир. Яъни ўтмиш авлод сўз санъаткорлари ижодига хос бўлган энг муҳим, энг халқчил фикр ва ғояларни, бадиий тасвир воситаларини кейинги авлод санъаткорлари томонидан ижодий давом эттириш, ривожлантириш ҳамда қўллаш демакдир [Жумабоева Ж.1:18]. Кўринадики, ҳар бир шоир анъанага айланган адабий тажрибаларни чуқур ўрганади ва уларни ижодий ўзлаштиради. Мустақиллик даври ўзбек лирикаси ҳам ўзидан олдинги адабий тажрибаларни ўрганаётган ва ижодий ўзлаштираётган шеърият уммонидир. Жанрларнинг янгиланиши, ғоявий-бадиий жиҳатдан бойишида анъана ва янгиланишларнинг уйғунлашуви мустақиллик даври шеърияти учун ҳам хос адабий ҳодисадир.

Барҳаёт мумтоз анъанавий образлардан бири булбул ёр (гул) жамолидан маст бўлган ошиқ (булбул)дир. У хушовоз оҳангда қалб кечинмаларини куйлайди. Булбул образи халқ қўшиқларида ошиқ йигит тимсолини ифодалайди:

Саҳарда сайраган булбул
Кўнгил зеҳнини очди.
Очилган қизил гулни
Ёрим севгига сочди

тарздаги мисраларда булбул гулнинг ошиғи эканлиги ва саҳарданоқ гул ҳажрида нола чекиши ифодаланган. Мумтоз шеъриятимиз бўстонида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларга дуч келамиз. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида гул ва булбул образи динамик равишда ўсганлигини кузатиш мумкин: //Сен гулсену, мен ҳақир булбулдурмен// ёки // Эй гул, ишқинг мени айлади булбулдек// каби.

Абдулла Орипов булбул образига ижодий ёндашган ҳолда ҳақиқат ила дил розини куйловчи шоирлар тимсоли сифатида янги поэтик маъно юклаганлигининг гувоҳи бўламиз:

Бугун холи қўйдим яна дафтаримни,
Буни балки кимдир ялқовликка йўйди.
Асли сенга айтар ҳамма гапларимни
Булбул айтиб қўйди.

Шоир халқ дардини куйловчи эл фарзанди. У фақат ҳақиқатни сўйлайди. Ҳақиқатни эса баланд овозларда фақатгина булбул хониш қилиб айтади. Маълумки, тўти тақлидчи. Булбул эса ўз овозига эга, дил розини, юрак сўзини ўз оҳанги билан куйловчи қуш образидир. Шоир ўзининг поэтик ғоясини ифодалашда булбул образи орқали шоир тимсолини ифодаловчи кўплаб мисраларни келтирган. Шулардан бири “Охират” шеърида қуйидагича ифодаланган: “Боққа ногоҳ адашиб кирсанг, Ғазаб билан сайрар булбуллар” [Абдулла Орипов. 2:59].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Алишер Навоийнинг “Ғурбатда ғариб…” деб бошланувчи рубоийсида ҳам булбул образи келтирилган. Рубоийдаги булбул ўз ватанидан жудо бўлган, ғарибликда оғир ҳаёт кечираётган шахс тимсоли сифатида ифодаланган:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш..

[Алишер Навоий. 3:778]

Рубоийда ўз ватанидан йироқда ғам-алам чекиб, шафқат кўрмаган, ўз ошёнига, озодликка интилган эрксевар булбул тасвири орқали ватанпарвар кишилар тимсоли ёритилган. Булбул ўз ватанини севган ватанпарвар кишиларнинг мажозий образидир. Алишер Навоий анъаналарини давом эттириш, унинг ижодий-фалсафий қарашларини ғоявий-эстетик ва бадиий жиҳатдан ўрганиш бугунги замон кишиларида миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган ўзбек адабиётининг забардаст шоири Эркин Воҳидовнинг “Шукурким, келди истиқлол” шеърида шоир қалбидаги эркка ташналик

туйғулари баралла ўз ифодасини топади. Алишер Навоий яратган “олтун қафас” даги эркка, озодликка интилган булбул образи Эркин Воҳидов шеърида “банди кишан” бўлган эрксеварга айланади:

Агарчи исмим Эркин.
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим,
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,
Тилим йўқ, бесухан бўлдим.

[Воҳидов Э. 4:213]

Шоир Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони “Мен эрсам, ваҳ, не ғурбатким, Ватанда беватан бўлдим”, дея ўз ватанининг мустабид тузумга қарамлигидан, халқининг аянчли қисматидан оҳу нола чекади. Рубоийдаги “ғурбатда ғариб”га ҳамоҳанг тарзда поэтик образ ва ифодалар яратади. Истиқлол шарофати билан юртимиз ва халқимиз мустамлака кишанларидан озод бўлди. Шоир мустақиллик туфайли ўз ватанига соҳиб, ўз юрти ва чаманида озод бўлганидан ифтихорга тўлади. Алишер Навоий анъанасини давом эттирган шоир қафасдаги булбулни миллий истиқлол туфайли озодликка, эркка эришган, ўз чаманининг соҳиби булбулига айлантиради.

Шукурким, келди истиқлол,
Умидим рост қил, Оллоҳим,
Ки, шояд беқафас булбул
Каби соҳиб чаман бўлдим, -

дея шукроналик туйғуларини тараннум этади.

Эркин Воҳидовнинг “Ҳуррият тонготари” шеърида булбул образи Ватанга ошиқ киши сифатида ифодаланган. Дастлабки бандда йиллар давомида юрт мустақиллигини кутиб (булбул), Ватан (гул) озодлиги ва бахти умидида яшаган ошиқ фуқаро ҳоли тасвирланган. Шоир гул ва булбул анъанавий образларидан моҳирлик билан фойдаланиб, Ватанни гулга шу ватан фарзандини ошиқ булбулга гўзал ташбеҳлар асосида қиёслайди.

Ғунча очилишин зор кутиб, саҳар –
Булбул кўзларини уйқу оларкан.
Ошиқ ёр васлига интилиб йиллар,
Етганда тили лол бўлиб қоларкан. [Воҳидов Э. 4:212]

Шеърнинг кейинги бандида “Ўша булбул – менман, ошиқ – ўшаман”, дея лирик қаҳрамоннинг ҳуррият тонгидан кўзлари қамашган ҳолатини тасвирлайди.

Шавкат Раҳмон “Қайсар булбул” шеърида булбул образига янги поэтик маъно юклаб, ҳақиқий истеъдод эгаси бўлган шоир қисматини ифодалайди:

Зоғлар орасида булбулни кўрдим,
беш-ўн қўтир зағча бошин чўқиган
юраги ёрилиб ўлсин деб шўрлик,
булбул ҳақида кўп иғво тўқилган.

[Шавкат Раҳмон. 5:358]

Шеърда булбул образи орқали қағиллаган зоғларнинг иғвохатларига гирифтор бўлган, ҳамиша хониши аразли ва элни исён кўтаришга даъват

қилувчи, “ашаддий миллатчи” деб қоралanган шахсларнинг фожеали қисмати ифодаланган. Шоир булбул образига поэтик маъно юклар экан, давр манзарасини ҳам ҳаётий тарзда яққол тасвирлаган. Қатағон қурбонига айланган истеъдод соҳибларининг аянчли қисмати булбул образи орқали ёрқин катиналарда тасвирланган. Булбул образи Шавкат Раҳмон ижодида юрак тимсолини ҳам ифодалайди. Шоир қуйидаги шеърида юрагига “хаста булбулим”, деб мурожаат қилади ва юрак хаста булбул образига айланади:

Айт, эй, хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?
Яшил боғлар сарғарди,
Мағиз бўлди гужумлар.
Оҳ, вой, мунча йўл оғир,
Булбулим…

Кўринадики, Шавкат Раҳмон анъанавий булбул образига ижодий ёндашган. Чунки адабиёт тарихида хаста булбул гул (ёр) ҳажрида ўртаниб, ғам-ғуссага ботади ва ошиқ булбул ҳоли хасталикка айланади. Шоир Шавкат Раҳмон эса хаста булбулни хаста юракка менгзаб, лирик қаҳрамон умрининг сўнгги лаҳзаларидаги руҳият манзараларини тасвирлайди.

Шоир Матназар Абдулҳаким булбул образи орқали ошиқ элчиси тимсолини ифодалайди.

Булбулларни қилдим мен элчи
Чаҳ-чаҳларин қолдирдинг ерда…
Кеч эмас. Йўқ. Кутаман. Кел жим.
Кутаман. Кел бугунми-эрта. [М.Абдулҳаким. 6:226]

Лирик қаҳрамон ёр жамолини кўриш учун булбулларни элчи қилиб унинг ҳузурига юборади. Булбул образи элчи тимсолида янги поэтик мазмун касб эта бошлайди.

Иқбол Мирзо ижодида булбул образи шоир қисматини ифодалайди. Унинг “Булбул” номли шеърида қуйидаги эпиграф келтирилган: “Элликқалъада Муҳаммад Юсуф ўтқазган эман дарахти бор…” Ана шу эман дарахти ярофидек дилгир, жонсарак булбул тун бўйи гирён бўлиб сайрайди.

Шоирона кеча Элликқалъада,
Ой сочини ёзган мунис, паришон.
Кўзга уйқу парда тортган паллада
Бир булбул бўзлади дилгир ва гирён
[Иқбол Мирзо. 7:162]

Адабиёт боғидан не-не даҳоларнинг жувонмарг кетгани лирик қаҳрамон қалбини ўртайди. //Менинг оғам эди қоп кийган жаллод, Худо кечирса ҳам кечирмайман мен// дея, нола чекади. Шеърда лирик қаҳрамон “Сизни асролмадим, мен қандай зурёд”, дея эркка ташна шоир қисматидан ўкинади. Шеърнинг охирги бандида булбул нолалари лирик қаҳрамонни сўроққа тутади:

Шу кеча ўзимни алдадим: бу – туш,
Юрагим кўнмасди, силтаб урарди.

Қўшиғин бас қилиб, энди ўжар қуш
Қайда юрувдинг деб тинмай сўрарди!

Иқбол Мирзо “Устоз Эркин Воҳидов сабоқлари” номли тўртлик шеърида эса шоир тимсолини ифодаловчи булбул образини тадрижий ўстиради ва ҳозирги замон қиёфасини кўрсатишда образга янгича поэтик мазмун юклайди:

Бир киши берди савол Дўрмонда юрган чоғлар:
“Не учун булбул кўринмас, майна кўп, ўртоқлар?”
Эркин устоз кулги бирла унга айтди: “Эй жўра,
Сен бунинг боисини, бор, майнавозлардан сўра!”

Ҳақиқий истеъдод соҳиблари, ўз овозига эга адолат ва ҳақиқатни айтувчи шоирлар тимсоли “майнавозлар” образи орқали ифодаланган кимсалар туфайли рўёбга чиқа олмаётганлиги сатира остида фош қилинади. Худди шу ҳолат тасвирини Сирожиддин Саййиднинг “Бир булбулнинг атрофида” шеърида кузатамиз. Шеърда булбул каби хониш қилувчи шоир атрофига йиғилган майналар, қарғалар тимсолидаги кимсалар аёвсиз танқид остига олинади:

Қайда бир булбул бўлса гар,
Билгилки майна бўлади.
У майнанинг ёнида ҳам
Бир-икки майна бўлади.
Яна кўп қарға бўлади,
Бир қарға дарға бўлади.
Қаердаким кўп қарғаю,
Яна кўп майна бўлади –
Бир булбулнинг атрофида
Кўп чайна-чайна бўлади. [С.Саййид. 9:111.]

Маълумки, қарға образи ўзбек адабиётида XX аср бошларида пайдо бўлган. Профессор А.Сабирдинов Чўлпон шеърларини таҳлил қилар экан, куз ва қиш мустамлака остида эзилаётган юрт тасвирини ифодалашини, мустамлакачилар совуқ эллардан келган қарғалар тимсолида намоён бўлишини таъкидлайди. Мустақиллик даврига келиб эса шоирлар ижодида қарға ва майна образлари янгича поэтик мазмун касб этиб, чинакам шоирлик рутбасига эришолмай, чин сўз айтгувчи шоирлар ортидан ғийбат қилувчи кимсалар тимсолида ифодаланган. Сирожиддин Саййиднинг юқоридаги “Бир булбулнинг атрофида” шеърида ушбу ҳолатларни кузатиш мумкин.

Хуллас, мустақиллик даври ўзбек лирикасининг ҳам шакл, ҳам мазмун борасидаги янгиланишларида адабий анъаналарнинг давом этиши ва ижодкор поэтик маҳоратини белгилашдаги аҳамияти кузатилди. Анъанавий образлар асосида янги поэтик образларнинг юзага келиши, ифода имкониятларининг кенгайиши лирик жанрлар поэтикасида ўзига хос адабий ҳодисадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жумабоева Ж. Ўзбек совет шеъриятининг шаклланиш хусусиятлари. – Тошкент: “Фан”, 1991. – Б.4.
2. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б.59.
3. Ўзбек адабиёти бўстони. Алишер Навоий. Топмадим. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 778.
4. Эркин Воҳидов. Тўла асарлар тўплами, 3-жилд. – Тошкент: “Шарқ” 2016. – Б.213.
5. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1997 . – 358.
6. Матназар Абдулҳаким. Жавзо ташрифи. – Тошкент, Шарқ, 2008. – Б.226.
7. Иқбол Мирзо. Кўнглингда нима бор, билмайман. 2-жилд. Тошкент: “Шарқ”, 2020. – Б.162.
8. Сирожиддин Саййид. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: “Шарқ”, 2019. – Б.111.

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ МУНАҚҚИДЛИК МАҲОРАТИ

Насима ҚОДИРОВА,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов серқирра ижодкорлардан бири. Мунаққид сифатида ҳам ўзбек адабий танқидчилигида ўз ўрнига эга бўлган шоирнинг шеърият таҳлилига бағишланган бир қатор мақолалари эълон қилинган. Мақолада Эркин Воҳидовнинг “Шоиру, шеъру, шуур...” тўпламига киритилган адабий танқидга доир тадқиқотлари ҳақида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: шоир, мунаққид, услуб, дунёқараш, истеъдод, ўзига хослик.

Ўзбек адабий танқиди тарихини кузатар эканмиз, ҳар мунаққиднинг ўзига хос, бошқалардан ажратиб турувчи услубининг гувоҳи бўламиз, албатта, услуб юксак маҳорат эгалари ижодидагина ёрқин кўринувчи ҳодисадир. Услубни белгиловчи омиллар ниҳоятда хилма-хил. Масалан, ижодкор дунёқараши. Шоир оламни ўзгача кўради, олим ўзгача. Шоир олим бўлсачи, унинг шоирона нигоҳи танқидий мақолаларида ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Адабиётимизнинг серқирра ижодкордаридан бири Эркин Воҳидов танқидий мақолаларида ҳар бир матндаги ички сезимларни топқирлик билан англай олишини кўриш мумкин. Зеро, ижодининг аксариятини лирика ташкил этувчи мунаққид ҳар бир масалага шоирона нигоҳ қаратган. Шеър ва шоирлик ҳақида мушоҳада юритар экан, шундай ёзади: “Шеьр шоир қалбида туғилган ҳаётий туйғуларни ифода қилади ва шу билан ўқувчи юрагини ром қилади. Шоир ўзи ёнмаса, бошқаларни ёндиролмайди, қалб ҳисларида оташ бўлмаса, бошқа қалбларга ҳарорат беролмайди. Бу сеҳрли оташсиз ҳар қандай шеьрий жимжималардан, бадиий воситалардан, маҳоратдан наф йўқ”. Кўринадики, мунаққиднинг шоир олдига қўядиган энг биринчи талаби – шеърдаги ҳарорат, оташ. Мунаққид наздида шеър муваффақияти ва китобхонга етиб боришида унда ифодаланган мазмун етакчилик қилади. Шакл эса унга эргашади. “Санъат ва тафаккур” мақоласида танқидчи бўлажак шоирлар учун талабни ниҳоятда қатъий қўяди. Биринчидан, туғма истеъдодга эга бўлиш, иккинчидан, фикран ва руҳан замон даражасида бўлиш, санъат олийжаноб ғояни ифода этишда хизмат қилиши, шахс сифатида баркамол бўлиш лозимлиги. Буларни ўрганиш учун эса, албатта, даҳо ижодкорлар, хусусан Алишер Навоий ижодини синчиклаб кузатмоқ ва англамоқ лозим. Мақолада истеъдод ҳақида, ўлмас анъаналар, танқидчининг мумтоз асарларга муносабати ҳақидаги мулоҳазалари ўрин олган. Танқидчи ёзади: «Барча истеъдодлар каби шоирлик истеьдоди ҳам туғма бўлади ва болаликдан ўзини намоён этади. Бу кундуздек равшан, ҳақиқатнинг ўзидек аён. Туғма истеьдод эгаси бўлмаган, шеьриятга ҳавас туфайли адабиётга кириб қолганлар умр бўйи ҳаваскор бўлиб қоладилар» [Воҳидов Э. 1:15].

Мунаққиднинг барча адабий-танқидий мақолаларини умумлаштирувчи жиҳатлар бор. Улардан бири истеъдодни қадрлашга даъват, яна бири адабиётни сохта истеъдодлардан халос қилиш. Адабиётнинг келажаги ҳақида қайғуриб мунаққид истеъдодсиз, фақат бойлик ва шуҳрат учун адабиётга кирганларни кичкина илонга қиёслайди, бу илон вақт ўтиши билан аждарга айланиши ва кўплаб истеъдодларни даф қилиши мумкинлигини таъкидлаб, бунга бефарқ бўлмасликка чақиради. Ҳар бир матнни холис танқид қилиш лозимлигини куюнчаклик билан ёзар экан, дарв мунаққидларида кези келганда жасорат ва адолат етишмаслигидан озорланади. Мунаққид наздида истеъдодсиз адабиётга киришни истаганларни ўз вақтида тўхтатиш энг тўғри йўл, акс ҳолда бундан адабиёт ҳам шоир ҳам катта зарар кўради.

Мунаққид адабиётнинг юксалиб боришида истеъдоднинг роли ниҳоятда катта эканлигини қайта-қайта айтса-да, бунинг ўзигина етарли эмаслигини ҳам таъкидлайди. Зеро, “адабиёт майдони – кураш майдони, шафқатсиз майдон” [Воҳидов Э. 1:124]. Ва бу майдонда ўз ўрнига ва ўз сўзига эга бўлиш учун ижодкорда руҳ ўктамлиги, шуҳрат юкига бардош, таъна тошларига чидам керак. Кўринадики, истеъдод соҳибларинида ўз домига тортиб уларнинг қобилиятларини йўққа чиқарувчи “шуҳрат юки”ни мунаққид бежизга тилга олмайди. Бу ёш ижодкорларни асраш маъносида айтилган бир огоҳликка даъватдир. Бундан ташқари, истеъдодни ҳалок этувчи омиллардан

бири сифатида ўз тинчини ўйлашни танқидчи алоҳида таъкидлайди. Жанг майдони бўлган адабиётга ҳақиқий жангчилар кераклигини ва бу каби жанговарлик руҳи шеъриятимизга янги ёш авлод орқали кириб келаётганлигидан мамнун бўлади, уларнинг шижоатлари, интилишларини қўллаб-қувватлайди. Шунинг баробарида улар ижодидаги ғоявий мукаммалликнинг бироз оқсашини ҳам айтади. Уларнинг елкаларига адабиётимизнинг эришган барча ютуқларидан баҳраманд бўлиб, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш вазифасини юклайди.

Мунаққид мақолаларида ижодкорлар шеърияти ва насрида йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар дадил айтилса-да, уларнинг бошқа мунаққидлардан фарқли равишда анчайин "юмшатиб" берилишини кўриш мумкин. Бунинг сабабларидан бири танқидчининг ўзи шоир бўлгани боис ижод машаққатини тўла ҳис этиши, яна бири ижодкор кўнглининг нозиклигини англаган ҳолда унинг руҳини сўндирмаслик ва бу орқали истеъдодни асрашга интилиш.

Эркин Воҳидов мақолаларида шоирона тафаккурнинг яна бир ифодасини кўрамиз. Бу фикрни қувватлаш учун қўлланиладиган мисолларнинг ўзига хослиги, ўхшатишлардан шоир каби фойдаланиш. Масалан, шеъриятнинг сўзма-сўз таржимасини бузилган иморатнинг ускунасига, меҳрсиз, ёлғиз қалам ҳақи умидида қилинган таржима муҳаббатсиз никоҳдан туғилган етим болага, сарбаст ўлчов қирғоғига сиғмаган тошқин туйғуларнинг вазнига, ёш авлоди бўлмаган адабиёт гўдак боласи йўқ оилага қиёсланиши шоир-мунаққиднинг бадиий топилмаларидир. Адабий-танқидий мақолаларда бу каби ўхшатишлар, "Халқ тилининг тоза булоғига юрагини очиб қўймаган ижодкорнинг кўммакка айланиб қолиши табиий" [Воҳидов Э. 1:15] сингари образли ифодалар асарнинг ўқимишли бўлишини таъминлаш баробарида китобхонга эстетик завқ беради.

Эркин Воҳидовнинг адабий-танқидий мақолаларида миллий руҳнинг ифодаси ҳам мунаққид индивидуаллгини кўрсатувчи воситалардан бири. Танқидчи мақоларида халқимизга хос хусусиятларни ифода этувчи ибора ва мақолларни кўплаб қўллайди. Масалан, "дўппини олиб гаплашиш" иборасига такрор-такрон дуч келамиз, ёхуд "гап кўп-ку, умр оз дейди, ўзбеклар", "муҳаббатсиз иморат вайрон бўлади, дейди ўзбеклар" каби мақоллар халқ номи билан биргаликда келтирилади. Ўзбек халқига нисбатан Навоийхон, Бедилхон, ҳалол, қўли қадоқ, меҳнаткаш, танти, донишманд сингари сифатларнинг қўлланилиши халқимизнинг характер хусусиятлари ва дунёқарашини ёритиш баробарида ижодкорларга шу халққа муносиб ижод қилиш масъулиятини юклайди. Мунаққиднинг халқ ичига тобора кириб боришга, шунингдек, ҳар бир ижодкорни ҳам халқ ҳаётидан ташқарида эмас, балки халқ ичида бўлиб, фақат у учун хизмат қилишга даъват этиши ўзбек халқига бўлган самимий ва чексиз муҳаббатининг ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Воҳидовнинг адабий-танқидий мақолалари қайси масалага бағишланмасин, шоир-мунаққиднинг қалб эҳтиёжи ва она халқи адабиёти келажаги учун қайғуриш заруриятидан келиб

чиқиб яратилди. Мақолалар содда тилда, поэзияни севгувчи ўзбек халқи учун ўзига хос бадиий безаклар билан бойитиб тақдим қилинди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Воҳидов Э. Шоиру, шеъру, шуур. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
2. Ўтаев Ў. Танқид ва услуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
3. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006.

ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА ЎРНАКЛИК

Барно МИРЗАЕВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада Ҳоди Зарифовнинг тадқиқотчи сифатида шаклланиши ҳамда етук олим бўлиб етишувида дастлабки қизиқишлари ва унинг атрофидаги устозларининг ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: фольклор, этнография, экспедиция, мақол, матал, достон, қўшиқ, хрестоматия.

Ҳеч бир инсон дунёда олим бўлиб туғилмайди. Унинг етук олим, эл корига ярайдиган инсон бўлиб етишувида энг аввало иқтидор, беминнат устоз ва заҳматли меҳнат ётади. Устоз ўгитларини жон қулоғи билан эшитган, у берган билимларни қалбида нақшлаган шогирдгина, устозга издош олим бўлиб етишади. Худди шундай ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифовнинг етук олим, халқ ижодининг билимдони бўлиб етишувида беназр хизмат қилган устозлари бор, албатта.

Бу хақда олимнинг эсдаликларида ўзи қайд этган ва гувоҳлик берган хотиралари сақланиб қолган. Ҳоди Зарифовни яқиндан таниган замондошлари хотираси, олим етиштирган шогирдларнинг устози ҳақидаги ёдномалари, қолаверса, издошларнинг у ҳақидаги фактик маълумотлари унинг илм оламига кириб келиши, устозлари ва илм йўлидаги заҳматлари ҳақида тасаввур қилишга тўла имкон беради. Қўлимизда мавжуд барча қўлёзма ва нашр этилган манбалардаги далиллар Ҳоди Зарифовнинг олимлик тақдирида беминнат ўрнак бўлган мураббий Ғози Олим Юнусовга тегишлидир.

Дарҳақиқат, Ҳоди Зарифовнинг ўзбек халқ оғзаки ижодининг билимдони сифатида тарбияланишида ўзбек тилшунослик фанининг асосчиси, профессор Ғози Олим Юнусовнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Ғози Олим Юнусов Ҳоди Зарифовга нафақат устоз, балки меҳрибон тоға ҳам эди. Ҳоди Зарифов отасининг вафотидан кейин (1919) тоғаси, профессор Ғози Олим Юнусов уйида яшайди [Мирзаев Т. 1:10]. Ғози Олим Юнусов XX асрнинг бошларида ўзбек халқ ижоди ва этнографиясини тўплаш бўйича дастлабки экспедицияларни ташкил этган ва шу йўналишда вақтли матбуотда айрим мақолаларини эълон қилган олим эди. Шу боис, Ҳоди Зарифов тоғаси таъсирида ўзбек фольклоршунослигига қизиқиб, 1923 йилда "кўнгилли, ҳаваскор" фольклор тўпловчиси сифатида кириб келади. Бундан ташқари, ўша даврнинг машҳур этнографи ва фольклоршуноси, қозоқ фольклорини тўплаш, нашр этиш ва ўрганишда салмоқли ишларни амалга оширган профессор А.А. Диваев Ғози Олим Юнусов хонадонининг энг яқин кишиларидан бири эди. Илмга чанқоқ ёш Ҳоди Зарифовнинг икки буюк олимнинг ижодий суҳбатларига қизиқиши табиий ҳолдир. Бундай суҳбатлар чоғида у фольклоршунослик сирларидан бохабар бўлиб борар эди. Ҳоди Зарифовнинг фольклорга бўлган қизиқишини сезган рус олими А.А. Диваев ўзининг ўша давр матбуотида эълон қилинган мақолаларининг қирқма нусхаларидан тузилган бир альбомни унга совға қилади [ЎзРФА. Инв №1919. 2]. Бу альбом ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида сақланмоқда.

Ҳоди Зарифов фольклоршунос сифатида дастлаб халқ ижодиёти намуналарини ёзиб олиш ва тўплашдан бошлади. Аниқроғи, олим дастлаб ўзбек халқ мақоллари ва маталларини тўплашга киришди. Шу боис, унинг тадқиқот ишларида халқ мақоллари ва маталларига муносабат алоҳида ҳодиса саналади. Бу ҳақда фольклоршунос олим Йўлдош Раҳматов шундай маълумот беради: "Ўтган асрнинг 30-йилларидан илмга ўзбек фольклори атамасини олиб кирган Ҳоди Зарифов оғзаки ижод намуналарини тўплаш ва нашр эттириш баробарида уларнинг жанрий табиати ва ўзига хослиги ҳақида ҳам фикр юритди. Олимнинг 1939 йилда нашрдан чиққан "Ўзбек фольклори" номли педагогика институтлари учун хрестоматиясида оғзаки ижод намуналари маълум тартиб асосида бўлиб берилди. У халқ мақолларининг қадимийлиги, тузилиши, ихчам шакл ва чуқур мазмун ифодалашини инобатга олиб хрестоматияни халқ мақоллари билан бошлади. Мазкур китобда мақоллар 3 даврга бўлиб берилган" [Раҳматов Й. 3:59]. Кўринадики, Ҳоди Зарифов халқ оғзаки ижодини ўрганишни халқ мақолларини тўплаш ва таснифлашдан бошлаган, унинг даслабки илмий мушоҳадалари ҳам халқ мақоллари билан боғлиқдир. Олим халқ мақолларини ўрганишда даврлаштириш ва тадрижий эволюцияни муҳим омил деб билади. Шу боис олим мазкур хрестоматияда "Девону луғотит турк"да ва "ҳозир ўзбекларда" дея кичик сарлавҳа остида 26 та мақолни қиёслайди [O'zbek folklori. 4:15–17]. У мақолларнинг даврлаштириш жараёнини учга бўлади.

Мазкур "Ўзбек фольклори" мажмуаси олимнинг бевосита фольклор лари чоғида ўзи ёзиб олган достон ва термаларини, эртакларини, мақол ва

топишмоқларини, қўшиқларини, халқ драммаларини, ўзбек халқ бахшилари ҳақидаги маълумотларини ўзда жамлаган муҳим манба саналади.

Ҳоди Зарифовнинг XX аср бошларидаги фаолияти тўғрисидаги фактик материаллар олимнинг издош шогирди академик Тўра Мирзаевнинг хотираларида ҳам муҳирланган. Т. Мирзаев бир ўринда: “Йиғилган материалларни Туркистон Халқ маориф комиссариатининг илмий кенгаши қошидаги ўзбек билим комитетига топшириб турди” [Мирзаев Т. 1:11], – деб ёзган бўлса ҳам, ёш, “кўнгилли” тўпловчининг бу йилларда (1923–1926) ёзиб олган мақол ва маталлари, шунингдек, бошқа материаллари бизгача етиб келмаган. Бироқ, шуни тахмин қилиш мумкинки, олимнинг кейинчалик тузган ва нашр этган ўзбек халқ мақоллари тўплами дастлабки тўпловчилик фаолияти даврида ўзи томонидан ёзиб олинган материаллардан ташкил топганлиги ҳақиқатга анча яқиндир. Олим илк мақоллар тўпламини сўзбоши ҳамда мақолларга шарҳлар билан нашр этган [Зариф Ҳ. 5:108].

Ҳоди Зарифов XI асрнинг улкан олими Маҳмуд Кошғарийни фольклоршунос ва этнограф сифатида ўрганиш зарурлигини, ўзбек фольклорининг ёзиб олиниш тарихини улкан тилшунос олими номи билан боғлаш мумкинлигини айтиб келса-да, фольклоршунослик тарихини 1920 йилларнинг бошларидан ўрганилишини таъкидлайди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида халқ қўшиқлари, ривоятлари, мақолларидан мисол тариқасида келтирса-да, улар фольклоршунослик нуқтаи назаридан илмий бир тизим ҳосил қилмаган. Бундан ташқари, халқ ижоди намуналари луғатда фақат изоҳловчи манба сифатида келтирилган. Баъзи ўринларда улар ҳақида фикр юритилган бўлса-да, илмий хулосалар мавжуд эмас. “Девон”даги оғзаки ижод намуналари Маҳмуд Кошғарийнинг тўпловчилик фаолиятини кўрсатади. Бу ҳақда Ҳоди Зарифов шундай дейди: “Девону луғотит турк”да фольклорнинг у ёки бу жанри, муайян бир қўшиқ ёки мақол ҳақида уларнинг муаллифларининг бир қанча илмий-назарий қарашлари мавжудлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Буларни, менимча, фольклоршунослик тарихи намуналари, деб эмас, балки фольклористик қарашлар тарихи тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир [Мирзаев Т. 6:217–219]. Олимнинг фикрича, фольклористик қарашлар тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалса-да, фольклоршунослик ҳақида бундай хулосага келиб бўлмайди, чунки халқ ижоди намуналарини бевосита ижодчи ва ижрочилардан ёзиб олиш, уларни нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари йўлга қўйилиши билан фольклоршунослик тарихи ҳам бошланади.

Шунга кўра, Ҳоди Зарифов ўзбек фольклоршунослиги фаннинг янги соҳаси сифатида ўзбек фольклоршунослиги тарихини 20-йилларнинг бошларидан, аниқроғи, Ғози Олим Юнусовнинг Сирдарё ва Самарқанд вилоятларига, Элбекнинг Тошкент вилоятига, Ғулом Зафарийнинг Фарғона водийсига уюштирган экспедицияларидан бошлаш керак, деб ҳисоблайди. Сабаби, бу олимлар Ўзбек билим ҳайъати топшириғи билан уюштирилган экспедицияларда бевосита халқ ижодчилари оғзидан ўзлари ёзиб олганлар

ҳамда мазкур фольклор асарларидан намуналарни дастлабки илмий ахборий мақолалар тарзида 1922–1923 йилларда ўша давр матбуотида эълон қила бошлаганлар.

1918–1920 йилларда Туркистон маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги илмий шўронинг туркий секцияси аъзоси, 1920–1924 йилларда Ўзбек билим ҳайъати раиси сифатида фаолият юритган Ғози Олим Юнусов фольклор ва этнография материалларини тўплаш ва ўрганиш ишларини биринчилардан бўлиб амалга оширган. У Ўзбек билим ҳайъатининг Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига, Фарғона водийсига уюштирган фольклор экспедицияларида қатнашган. Ғози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарийлар лапар, ўлан, болалар қўшиқлари, эртак ва афсоналарни, оғзаки драма ҳамда маросим фольклорига оид материалларни ёзиб олишган. Ўша даврда ёзиб олинган фольклор асари намуналарини матбуотда эълон қила бошлаганлар. “Наука и просвещение” журналининг 1922 йил 2-сонида Ғози Олим Юнусов тўплаган фольклор материалларининг рўйхати эълон қилинган. Бу рўйхатда 132 та халқ қўшиқлари, 100 дан ортиқ топишмоқлар, 20 дан ортиқ эртак, 1500 та мақоллар, икки қисмли ва атиги 50 саҳифадан иборат “Алпомиш” достони қўлёзмаси, 12 та ҳикоялар ўрин олган [Юнусов Ғ.О. 7:47-50]. Ғози Олим Юнусов Фозил Йўлдош ўғлидан “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Юсуф билан Аҳмад” достонларини ёзиб олган. Ғози Олим Юнусов томонидан тўпланган материалларнинг жуда оз қисмигина нашр этилган. Қолганлари архивларга топширилмаганлиги, кейинроқ олимнинг қатағон қилинганлиги туфайли улар бизгача етиб келмаган [Каримов Н. 8:161].

Ҳоди Зарифов тўпловчи сифатида фақат бир достончига ёки бир фольклор жанрига боғланиб қолмади. Жонли жараённи бутун Ўзбекистон бўйлаб кузатишга ҳаракат қилди. У Ғози Олим Юнусов раҳбарлик қилган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари экспедицияларида иштирок этиб, 1929 йили китоблик Абдулла Нурали ўғли, бойсунлик Холёр Абдукарим ўғли каби халқ шоирларини аниқлади. 1930 йили эса Хоразм экспедициясида Бола бахши, Қурбон созчи, Биби шоира, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёз бахши Воис ўғли каби куйчилар аниқланди. 1932 йили Чирчиқ ва Оҳангарон воҳаларига уюштирилган фольклор, этнография ва диалектология экспедицияларида иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳоди Зарифов фольклор дурдоналарини илк тўпловчиси ҳамда тадқиқотчи бўлиб етишишида Ғози Олим Юнусовнинг ўрни беқиёс. Ҳоди Зарифов ўзбек фольклоршунослиги фанининг мустаҳкам асосини яратди. Ўша даврдан бошлаб Ўзбекистонда фольклоршунослик ишларига доимий равишда раҳбарлик қилди. Академик Тўра Мирзаев ўз ёзишмаларида шундай дейди: “Ҳоди Зарифов қиёфасида биз етук олимни – ўзбек фольклори ҳақидаги фанни яратувчисини кўрамиз. Унинг тўпловчи ва тадқиқотчи сифатидаги меҳнатлари билан ўзбек халқ ижоди тўғрисидаги фаннинг мустаҳкам асоси яратилди. Ҳоди Зарифов ўзбек фольклоршунослигида ўз мактабини яратган устоз, олимдир”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф. Адабий портрет. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 82 б.
2. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти. ЎзРФА. Инв №1919.
3. Раҳматов Й. Ҳоди Зариф – ўзбек мақоллари тадқиқотчиси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2021. – 4-сон – Б.59-63.
4. O‘zbek folklori / Pedagogik institutlar uchun xrestomatiya. Tuzuvchi: Hodi Zarif. – Toshkent, 1939. – 384 b.
5. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи. Тузувчи Ҳоди Зариф. – Тошкент, 1947. – 108 б.
6. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: SHAMS-ASA, 2013. – 380 б.
7. Опись материалов по этнографии узбеков собранных Гази Юнусом (летом 1922 года) в Самаркандской области и уездах Ташкенском и Голодностепском Сыр-Дар. обл. // Наука и просвещение. Журнал Народного Комиссариата Просвещения Туркреспублики. – Ташкент, 1922. – №2. – С.47–50.
8. Каримов Н. 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин”нинг фожиали оқибатлари. – Тошкент, 2015. – 161 б.

ОЙДИН ҲОЖИЕВА ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ТАФАККУР

Дилнавоз САЛИМОВА,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ЖДПИ катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада шоира Ойдин Ҳожиева шеъриятининг ўзига хос бетакрорлик касб этган ҳаёт моҳияти мавзуси, фикр теранлиги ҳамда бадиий жозибадорлиги унинг шеърияти – поэтик тадқиқоти ҳақида сўз “Умр чархпалаги”, “Чорлаш”, “Сумбуладан элчи келар” каби шеърий турлари талқинида сўз боради.

Калит сўзлар: ижодкор шахсий табиати, ижодкор оламни тафаккур ва идрок этиши, шоира тасаввури, шоира нигоҳи, поэтик идрок.

Ижодкорнинг ҳаёт ҳодисалари асосида шахсий табиатини намоён эта олиши, оламни тафаккур ва идрок қилишдаги ўзига хос ёндашуви ва тасаввури бадиий асарни яратишидаги асосий омиллардан саналади. Чунки таъсирчанлик, кузатувчанлик, тасаввур ҳамда идрок ижодкор тасаввурини юзага келтирибгина қолмасдан, шунингдек, маълум даражада бойитиб боради ва шу аснода асар муаллифи ҳақидаги китобхон тасаввурини ҳам

уйғотади. Китобхон наздида шоир ёки адиб қиёфасини инкишоф этади. Ҳақиқий лирика “самимият билан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам ҳар бир лирик шоирнинг ўз қалбини самимий ифодалаш қобилиятини ҳар қанча ардоқласа ва қўллаб-қувватласа арзийди” [Бўтаева Фарида Афрўз. 5:76].

Ўзбек шоираларининг (хусусан, ўтган аср ва ҳозирги замон) ижодига мансуб бўлган мавзулар турфалиги шоираларимиз шеъриятининг умумийлик ҳамда ўзаро муштараклик хусусиятидан гувоҳлик берса-да, бироқ ҳар бир ижод соҳибаларининг бир-биридан ажратувчи ўзига хослик – индивидуаллик қирралари намоён этилади. Ушбу алоҳида кўзга ташланиш қалам соҳибалари тафаккур оламининг қай йўсинда бадиий намоён бўлгани боис ўзига хосликни юзага келтиради. Чунончи, шеърият бўстонида кўплаб шоираларга ибрат ва маҳорат мактабини ўтаган Зулфияхоним ижодининг гултожиси саналган муҳаббат, вафо-садоқат руҳидаги манзумалар Ҳалимахоним, Зулфия Мўминова, Қутлибека Раҳимбоева, Фарида Афрўз, Сайёра Тўйчиева, Шаҳло Аҳророва каби нозик қалб эгаларининг кўнгил мулкида бетакрор тараннум қилиниб, янги қиёфа ва мушоҳада касб этади. Айтиш жоизки, ўзбек шоиралари бадиий олами умумий поэтик полотнода кўнгил изҳорлари бир юртнинг, бир даврнинг фарзандлари экани ўлароқ муштарак жиҳатлари шоиралар тазкирасини ташкил этади, бироқ, уларнинг тафаккурий оламлари ҳар бири алоҳида бир бадиий ҳодиса сифатида бири иккинчисини такрорламайдиган шеърий тадқиқот вазифасини ҳам ўтайди. Гўё ушбу поэтик тафаккур меваси турли рангларда омухталанган, камалакни эслатади. Дарҳақиқат, шоир қалбидаги тафаккурий олам у эгаллаган ҳаёт материалининг поэтик мушоҳадаси ва бадиий тадқиқи, деб ўйлаймиз. Фикрларимиз асоси сифатида Ойдин Ҳожиеванинг шеърларига мурожаат қиламиз. Ўзбек шоираси Ойдин Ҳожиева шеъриятига баҳо бераркан, адабиётшунос В.Зоҳидов: “...Ойдин ижтимоий воқеликдаги деярли барча муҳим соҳаларнинг тегишли поэтик тадқиқоти - ифода ва акс-садоси бор” [Зоҳидов В. 2:338] дея таърифлайди.

Сир эмаски, лирик қаҳрамони – дунё аҳволидан хабардор, юз бераётган ижтимоий воқеалар моҳиятини англаган, ўзгарган шароитда яшаш ва равнақ топиш шароитларини биладиган, миллатнинг ҳолига бефарқ қарамайдиган юрт ташвиши учун қайғурадиган инсон тараннуми Ойдин Ҳожиева шеъриятига хосдир. Шоиранинг ишқий шеърларини оламизми, ёки ижтимоий поэзия намуналариними, анъанавий, бироқ ўз услубида ёзилган шеърлари ёки янгиланиш изланишларими - поэтик талқинларида “лирик мен”ининг қалби суратланиб туради. “Назокат” шеърий тўплами муқаддимасида Ойдин Ҳожиеванинг тафаккурий идроки бадиий-эстетик ифода этилган сатрлари биз таҳмин қилган шоира поэтик тадқиқотига гўё эпиграф вазифасини ўтаётгандек таассурот қолдиради:

Ўзин ўтга урган парвонадурман,
Парвона феълимдан афсонадурман.
Найқамиш дилимни агар ошиқлар

Чалсалар бир дардли таронадурман.
Эл меҳрин айладим жонга кўзмунчоқ,
Юртимда бир Ойдин нишонадурман [Ойдин Ҳожиева. 4:8].

Биз юқорида санъаткор учун муҳим саналган кузатувчанлик ва таъсирчанликнинг ўта муҳим омиллардан эканини таъкидлаб ўтган эдикки, ҳар қандай назм навоси санъаткор кузатуви ва ҳаёт ҳақиқатидан тасирланиш асносида юзага келади. Ана шу таъсир оний лаҳзаларда осмон чақмоғидек бир ярқ этади-ю, ўзининг борлигини кўрсатади. Ушбу кўзга кўринмас, аммо оний лаҳзада барчани эътиборини тортган табиат ҳодисаси наздимизда санъаткор илҳомида ҳам шундай содир этилади. Жумла шоир қалбида яратганнинг инъом этган ушбу ноёб ҳодисаси илҳом деб аталади. Эътиборга молик масала – ана шу илҳомнинг ҳам муҳаббат, вафо-садоқт мавзулари сингари шоиралар ижодида албатта тилга олинмасдан қолмайди. Илҳом – образ, ҳар кўнгилда ҳар ифода тарзида намоён бўлгувчи, назм саройига олиб кириб, фақат эзгулик сари чорлайдиган сирли ҳолат Ойдин Ҳожиева шеърида ҳам акс этади:

Қайлардасан, камнамо илҳом,
Кийик бўлиб чўлларга қочдинг?
Ё мен билмай қолдим: намозшом
Марваридинг кўлларга сочдинг?
Дўсту душман орасин очиб,
Ҳабиб айла, дўст айла бир йўл.
Тандан жондай юрмагил қочиб,
Кел, Ҳизрдай, чўзгил менга қўл!

Мазкур сатрларни ўқиганимизда мумтоз шоирларимиз Ойбекнинг илҳомни *соз* образида тонг юлдузига, Ҳамид Олимжон илҳом парисини ҳуркак оҳуга менгзагани ёдимизга тушади:

Ойбек: Уйғонгач, умрнинг илк баҳори,
Соз бўлди кўнглим самимий ёри.
Ҳамшира каби қин ва длбар,
Тонг юлдузидек умидга ундар [Ойбек. 3:234.].

Ҳамид Олимжон: Ишим бордир ўша оҳуди,
У менга кўринур ҳар замон,
Фикримни чулҳайди беомон,
Ишим бордир ўша оҳуда [Ҳамид Олимжон. 6.189-б.].

Фарида Афрўз тасбеҳларида илҳомнинг ноанъанавий шаклидаги қисқа, бироқ аниқ ифодасини учратамиз:

Туннинг танобини тортиб,
Тонгнинг шаробин ичиб –
Шеър ёздим![Бўтаева Фарида Афрўз. 1.89.]

Панд-насиҳат руҳидаги назм намуналари Ойдин Ҳожиева ижодининг маънавий мукаммаллик даражасини белгилаши билан ҳам эътиборимизни тортади. Чунончи, “Танбеҳ”, “Теша бобо айтар ривоят”, “Бу саҳар, бу саҳар

мунаввар” сингари шеърларида шоира тафаккурий дунёсининг ҳикматларга мойил анъанавий бадиий чизгилар замона руҳида қайта тикланади:

Шоирлар ўлса, Ватан деб ўлгандир,
Ватан ҳажрида паймонаси тўлгандир.
Муқаддас дарахтдир аслида Ватан,
Яшил баргидай шоир ўз шоҳида сўлгандир...

Шоиранинг панднома туркумига монанд шеърлар шодасида диний маънавиятга дохил мавзу-моҳият китобхонни умр қадри-қиммати ҳусусида теранроқ фикр юритишга ундайди, яъни “Қадр кечаси”нинг савоб олиш фурсати-имконияти эканининг ўзи бир улкан қадр эканлиги яратган бир инъомидир дея идрок қилинади:

Юрагинг тубига қарагил:
Аллоҳдан мўъжиза бу манзил
Айт, ҳою ҳавасми ё ҳасад,
Инсофми, меҳрми, диёнат,
Озормми, эҳсонми ё хислат,
Не бор бу мулкатда омонат?
Эй ғафлат бандаси кўзни оч
Ўзингга ўзингсан тилмоч:
Иймонни маҳак тош қилурсан,
Мисмисан, кумушсан – билурсан...

Фикр ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги, мазмундорлиги, кўтаринки руҳни ва албатта таъсирчанликни ошириб юборувчи шеърлари, шунингдек, “Алмисоқдан қолган бу дунё”, “Эътиқодимсан, халқим”, “Топган ноним она сутим каби ҳалолдур” деб номланувчи ва бошқа шеърлари лирик қаҳрамони эл-юртига меҳр-муҳаббати билан боғланган Ойдин Ҳожиеванинг – ўзининг қиёфасида гавдаланади. Чунки, Ойдин Ҳожиева тафаккурий оламида шоиранинг кучли, қудратли иродаси ва одамларга нечоғли керак эканлигини ҳис қиламиз. Шоира ўзи эътироф этганидек: “Шеърият – одамларнинг юрагидан кимё излашга ўргатди” [Ойдин Ҳожиева. 4. 8].

Фикрларимиз хулосасида айтмоқчимизки, шеъриятга хос устувор жиҳатлар фикр ва туйғу бирдамлиги ўлароқ китобхон юрагига бориб қуйиларкан, санъаткорларнинг туйғу тажассумида нафосат, назокат, ҳайрат торларини чертишга бел боғлайди, фикрий ифода эса ҳикмат, дунёқараш сарҳадларини кенгайтириш кучига эга бўлади. Шу боис, шоира тафаккурий оламини туйғу билан қоришиқ бадиий тадқиқот дейишга арзийди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўтаева Фарида Афрўз. 7 тасбеҳ ёҳуд 1001 кеча. – Т.: Pravo-press., 2020. – 336 б.

2. Зоҳидов В. Ойдин “Навос”си. / Адабиёт ва замон.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – 360 б.

3. Ойбек. Танланган асарлар. Шеърлар, поэмалар. –Т.: Бадиий адабиёт., 1957. – 376 б.

4. Ойдин Ҳожиева. Назокат. Шеърлар, достон, қасида, бадиалар, ўйлар. – Т.: Шарқ, 2007. – 160 б.

5. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –226 б.

6. Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи том. Шеърлар. 1925-1944. – Т.: Фан, 1979.- 404 б.

ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИДАГИ ИЧКИ НУТҚНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Ферузахон КАРИМОВА,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти илмий ходими

Аннотация: Мақолада Э.Аъзам асарларидаги монологик ва диалогик нутқлар таҳлилга тортилган. Ёзувчи маҳоратида асарнинг тил хусусиятлари қаҳрамон ички дунёсини ёритиб беришда ўзига хос восита эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Э.Аъзам, тилшунослик, нутқ. руҳият, руҳий покланиш.

Маълумки, сўнгги йилларда мулоқот жараёни, диалогик дискурс, нутқий актлар, сўзловчи ва тингловчининг ахборотни узатиш ва қабул қилиш жараёни ва ундаги ижтимоий ва индувидуал томонлар тадқиқига бўлган қизиқиш ортганини кузатиш мумкин. Бу қизиқишлар замирида тил ҳодисаларини ундан фойдаланувчи шахс тушунчаси билан бирга тадқиқ этиш тамойили ётади. Дастлаб В.Гумбольднинг “халқ руҳи” ҳақидаги ғоялари, кейинчалик “Ёш грамматикачилар тилшуносликнинг бевосита ўрганиш объекти нутқий жараён, индувидуал нутқ эканлигини эътироф этганликлари” [Нурмонов А. 2:21] ҳақидаги қарашлар, шунингдек, уларнинг изланишида тил гуруҳлари жамоасининг руҳий ҳосиласи сифатидаги қарашидан илҳомланган Ф. де Соссюрнинг нутқий фаолият: тил-нутқ дихотомиясини тил тарихида алоҳида бурилиш ясаганлиги ва унинг замирида замонавий тилшунослик бағрида антропоцентрик қарашларнинг устивор бўлганлиги кузатишимиз мумкин. [Нурмонов А. 2:35] Нутқнинг асосий кўринишларини ифодаловчи диалог ва монолог ходисалари тадқиқи ҳам ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради.

Ёзувчи Э.Аъзам асарларида келтирилган жонли нутқ парчалари мисолида юқоридаги масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Тилшуносликдаги диалог ва монологга алоҳида махсус тўхталган ишлар рўйхати узун эмас.

Ушбу мавзуда профессор Н.Маҳмудовнинг “Диалогларда эллипссис” номли номзодлик ишини, Ў. Лапасовнинг “Диалогик нутқда субъектив модалликнин ифодаланиши” номли докторлик диссертациясини ва Л.Раупованинг “ Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи” номли докторлик диссертацияларини келтириш мумкин. Диалогларни тадқиқ этиш жараёнида адресант ва адресант яъни сўзловчи ва тингловчининг индивидуал томонларига кириш орқали тил билимлари билан бирга нолисоний омилларнинг нутқий мулоқот жараёнини кечишдаги ролини аниқлаш мумкин бўлади. Улар қаторига нутқий вазият, контекст, имо-ишора ва нутқ кечаётган даврдаги иштирокчиларнинг руҳий ва ижтимоий холатлари, макон ва замон кабилар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ёзувчи қаламига мансуб “Анойининг жайдари олмаси” қиссасидан олинган қуйидаги қисқа мисолга эътибор қаратайлик:

Юзи шишинқираган, кўзлари ич-ичига чўккан, кўйлак-шими ғижим бир кимса, Рамазон!

- Ҳа?!-дедим. Таҳлика билан.

- Келдим.

- Қандай? Ҳали, ҳали.. вақт бор-ку?! [Аъзамов Э.1.]

Биринчи суҳбатдош (Рамазоннинг дўсти) жумласининг мазмуни келтирилган нутқий вазият орқали тушунилишига имконият туғилган. Унга кўра *Сен нима қиляпсан бу ерда, бошқа жой(сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган жой-қамоқ)да бўлишинг керак-ку?!* Мазмуни диалогдаги “Ҳа?!” сўроқ-таажжуб гапи ичига яширинган. Диалогда нутқий вазият сабаб савол бу тарзда қўйилмаган, ихчамлик ва тежамкорликликка эришилган. Мазкур диалогда Рамазоннинг дўсти *Нега кўйлак-шиминг ғижим,қамоқдаги муддатинг тугамади, бу ерда нима қиляпсан, қўйиб юборишдими ?* каби саволлар билан мурожаат қила олмаслигига сабаб ижтимоий сабаб бўлиб, уларнинг ўзаро дўст эканлиги ва Рамазоннинг мавжуд аҳволини янада оғирлаштирмаслик, дилини оғритмаслик каби руҳий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ. Ушбу диалогда тежамкорлик тамойилига амал қилинган бўлиб, нутқий вазият келтирилганлиги сабаб тўлиқсиз гаплар мазмунан тўлиқ тушинилмоқда.

Ёзувчи Э. Аъзам қаҳрамон ҳақида, унинг ички дунёси, руҳиятини очиш мақсадида монологлардан ҳам моҳирона фойдаланган. Қуйида монолог ичида диалог ходисаси ҳам юз бераётганини ва бу инсон ички нутқи орқали ўзини тафтиш қилиши ва бу унинг дунёсини покланиши ва юксалиши учун зарурлигини кўрсатиб бермоқчи бўлади.

Эҳтимол, пайти келиб бу саргузаштларимни ҳикоя қилиб ёзарман. Ўшанда уни ўқиб тахминан шундай дейишлари мумкин “Хўп, ана, шартакироқ бир йигит бўларкан. Дуч келган одамга, юзингда кўзинг борми, демай муомала қилавергани учун ҳамма ундан қочар, ҳамма ундан безор экан. Бадъфеъллиги туфайли, ҳа, айнан шу туфайли, кўнгил қўйган қизи ҳам ундан юз ўгириб, бошқага тегиб кетибди. ***(Ажаб қилибди-нима, бу бедавони деб бахтиқаро бўлсинми шўрлик?!)-(“Бахтиқаро бўлмаслик керак”*** *деган яширин маъно бор) Аччиқ устида яна шартакилиги қўзиб, адабиёт тарихи*

*дарсидан қувилибди (баттар бўлсин!)-**(“Шунга лойиқ”, деган маъно уқилади)** ва табиийки, оқибатда имтиҳондан ўтолмабди (бу ҳам оз!). Кейин, аламига чидолмаймн тағин талай беъманиликлар қилибди. Хўп, ана, севгилиси ташлаб кетган бўлса (кимни ташлаб кетмаган?)-**(ўз-ўзини юпатиш)**, бир кун бирор шўрпешона учрар, учрамаса-садқаи сар, дунёдан моховдек тоқ ўтар (ўз-ўзини камситиш). Хўп, ана имтиҳондан йиқилган бўлса (ким йиқилмаган?)-**(“Ҳамма йиқилиши мумкин” яширин мазмунли далда!)**, бир кун амаллаб топширар, топширмаса-садқаи сар, ўқишдан итдек ҳайдалиб кетар. Шу ҳам гап бўлдими, шуни ҳам ёзиб ўтириш керак эканми?!* [Аъзамов Э.1.] Қаҳрамоннинг ўз ички ўйларига нисбатан жавоб реакциясини ҳам пайдо бўлиши тинч ҳолдаги монологларда у қадар юзага чиқавермайди. Қачонки қаттиқ ҳаяжонланиш, норозилик, ички руҳий кураш кетаётган жараёндаги ички нутқлардагина юқоридаги ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Ёзувчининг маҳорати шундаки, асар қаҳрамонини ўз тилидан ўзининиг камчиликларини ўзи тафтиш қилиши орқали самимий ва ростгўй инсонлар типини гавдалантирмоқчи бўлган ва жонли нутқдан фойдаланган ҳолда бунга эришган. Адибнинг “Кимларга эшик очасан?” номли ҳикоясида ҳам қизиқарли ички монологик нутқни диалогга айланишини кузатиш мумкин:

- Ҳозир ётоқ жойингга боргач, нима қилмоқчисан?

- Ёлғиз қолмоқчиман! Хонамга кираман-да, эшикни ичкаридан қулфлаб, ҳеч кимни қўймайман!

- Бундан мақсад?

- Оч ўтириш!

- Қачонгача?

-Стипендиягача.

- Эҳ-ҳе, унга қадар очликдан...

-Майли!

- Мабодо сенга беғараз ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, кимларга эшик очардинг?

- Бутун оламга!

- Бутун олам кирса... Тошқул билан Ражаб ҳам киради-да!

- Йўқ. Уларни киритмайман!

- Яна кимларни?

- Буни ўйлаб кўриш керак. [Аъзамов Э.1.]

Ушбу парча аслида сўзловчининг ўзигагина тегишли бўлган монологик нутқ ҳисобланади, аммо бир қарашда бу икки кишининг диалогига ўхшаб кетади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи ички монологлардан фойдаланганда инсон доимо савол-жавоб кўринишидаги мулоқотда эканлигини, ҳар қандай монолог тагида маълум воқеликка жавоб реакцияси тарзида юзага келган стимул-реакция мавжуд эканлигини исботлаб беради. Шу билан бирга ёзувчи асарларидаги диалогик бирликлар нутқий вазият ҳамда қаҳрамонларнинг индувидуал-ижтимоий хусусиятлари билан чамбарчас боғланганлиги ҳам акс этган.

Шунингдек, ёзувчи ўз асарларида ўзбек халқига хос бўлган самимий ва ҳақиқатгўй инсонларининг руҳий портретларини жонли диалоглар мисолида моҳирона чизиб бера олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аъзамов Э асарлари: https://www.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/erkin-a-zam-1950

2. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлар ва йўналишлар (“лингвистика” йўналишидаги магистрлар учун қўлланма). Тошкент. 2006. – 182 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАМДА УИЛЬЯМ ШЕКСПИР ИЖОДИДА ПАРИ (СОҲИРА) МИФОЛОГИК ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Гулбаҳор НАЗАРОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
БухДУ Инглиз адабиётшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ҳамда ўзбек адабиёти намояндалари Уильям Шекспир ва Алишер Навоий асарларида пари (соҳира) мифологик образи хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш билан бирга, қиёсий таҳлили натижалари ёритилган.

Калит сўзлар. Мифологизмлар, мифологик образлар, пари, соҳира, фея

Маълумки, мифологик образлар инглиз ҳамда ўзбек адабиётида асрлар давомида оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида кенг қўлланиб келинмоқда. Қадимги инглиз адабиётидан то ҳозирги замонавий адабиёт намуналарида ҳам мифологик образларни учратиш мумкин. Эльфлар, парилар, гоблин ва троллар, аждаҳолар инглиз адабиётининг оғзаки ҳамда ёзма намуналарида кўп учрайдиган мифологик образлардандир.

Британия фольклорида энг кўп учрайдиган ижобий мифологик образлардан бири **феялар, яъни соҳиралар** (Fairy) ёки **пари**лардир. Соҳиралар инглиз афсоналарида учиб юрадиган ва қўлида сеҳрли таёқчаси билан мўъжизалар яратишга тайёр капалак ёки капалакча кўринишидаги образлардир. Одатда, соҳиралар ижобий хусусиятларга эга бўлиб, фақат яхшилик ва эзгу ишларга тайёр ҳисобланади. Аммо улар баъзан айёр ва маккор, шафқатсиз, баъзан эса меҳрибон кўринишда тасвирланади. Соҳиралар жуда кўнгли нозик ва завқли туйғуларга бой бўлиб, одатда, ўйин-кулгини, қўшиқ айтишни ёқтиришади. Шу билан бирга, улар жуда садоқатли ва донишманд бўлишади.

Инглиз адабиётида соҳира образи жуда кўп асарларда учрайди. Соҳиралар ҳатто замонавий инглиз адабиётида ҳам кўп учрайди, аммо бу

мифологик образ замонавий адабиётда узоқ ўтмишдаги анъаналар замирида яратилган. Соҳиралар ўрта аср инглиз адабиёти намуналаридан бошлаб, В.Шекспир асарларигача, Виктория даври адабиёти намуналарида ҳам мавжуддир.

Ўрта асрлар Британия адабиётида соҳиралар образининг оммавийлиги аста-секин пасайиб бориб, замонавий адабиётнинг илк босқичларида яна қайта жонланади. Энди соҳиралар шеъриятнинг, хусусан, Шекспир даври назмининг асосий қаҳрамонларига айланади.[Briggs K. 1:23] Шеърият билан бирга, драматик асарларда ҳам соҳира образининг оммалашганини кузатиш мумкин. Соҳираларнинг Британия адабиётида қайта оммалашганининг сабаблари бир нечта: давлатлар орасида бўлаётган жангу жадаллардан толиққан ҳалқнинг руҳланиши учун мўъжизага бой асарлар ва шеърларга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, Элизабет давридан кейин Американинг давлатларни колонияга айлантириш жараёнлари каби сиёсий жараёндир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Британия қироличаси Элизабет I ва унинг шахсияти сеҳрли образларга бой асарлар яратилишига сабаб бўлди. Унинг сеҳрли қироличадек халқ томонидан ҳурмат қилиниши ва мадҳ этилиши бир қатор шоир ва ижодкорларнинг бетакрор асарларининг яратилиши учун туртки берган. Масалан, “Faerie Queene” Эдмунд Спенсернинг қироличага атаб ёзилган биринчи шеърий намунасидир. Ушбу шеърдаги соҳира образи ижобий образ сифатида тасвирланиши билан бирга, баъзан муаммолар келтириб чиқарувчи мифологик образ кўринишида акс эттирилган.

В.Шекспирнинг “A Midsummer Night’s Dream” (1594-96) шеърий тўпламининг бош қаҳрамони Титания (Titania) ҳам соҳирадир. У қўпол савдогарни севиб қолганлиги сабабли ушбу шеърда масхара қилинади. Титания бошқа соҳиралардек севгилисининг тушига кириб, уни сеҳрлаб қўйиш ўрнига, ўзи тушида ўша қўпол савдогарни кўриб, сеҳрланиб қолади.

В.Шекспир ўз шеърларида соҳиралар образидан ўзгача услубда фойдаланади. У соҳираларни олдинги давр адабиётларидек кучли, бақувват аёл кўриниши эмас, балки ювош, бўйсунувчан қиёфадаги образ сифатида келтиради. Бундан кейинги давр адабиётида соҳиралар, асосан, шу кўринишда ифодаланишда давом эттирилаверади. Титания инсонларга ўхшаш кўринишда тасвирланган бўлишига қарамай, унинг хизматкорлари бўлмиш бошқа соҳиралар жуда кичик қилиб тасвирланган. Фольклоршунос Пуркисснинг фикрича, Шекспир шеърларидаги соҳиралар фольклор намуналари мотивларидан олинмаган, балки мумтоз адабиёт намуналаридаги мифологик образларга бошқача кўриниш берган ҳолда ифодаланган. [Purkiss D. 2:158] Инсонларга хос кўринишга эга бўлган Титания соҳирасидан ташқари, Шекспир ўзининг машҳур асари “Ромео ва Жульетта”да ҳам соҳиралардан фойдаланган. Ушбу асардаги Меб образи, олдинги соҳиралардан фарқли ўлароқ, ёнғоқдек жуда кичкина ва нозикдир. Унинг бундай кўриниши Ўрта асрлар Британия адабиётида тасвирланган мағрур, мафтункор соҳиралардан анча фарқлидир. Аксинча, Шекспир Мебни очкўз, бойликка ўч сифатида тасвирлайди. Қадимги Британия адабиёти

намуналардаги соҳиралар, одатда, жуда кўп бойликка эга бўлиб, ўз севгилисини бойликлар билан сийлаб турадиган хусусиятга эга бўлса, Шекспир асарларидаги соҳиралар, хусусан, Маб бироз очкўз ва мағрурликдан анча йироқ қилиб тасвирлаган. Масалан:

O'er courtiers' knees, that dream on cur'sies straight;

O'er lawyers' fingers, who straight dream on fees.

Ушбу мисрада соҳиранинг сарой амалдори тиззаси ҳамда ҳуқуқшунос бармоқлари устидан учиб бориши унинг жуссаси қанчалик кичик эканлигидан далолат беради. Шекспир соҳираларни "хонакилаштириш"да икки хил усулдан фойдаланади: уларни кулгили ва жуссаси кичкина ёки ҳар иккала хусусиятга эга кўринишда тасвирлайди. Соҳираларнинг бу кўриниши кейинчалик Стюарт даври адабиёти намояндалари Уильям Броуни, Роберт Херрик ижодида ҳам ўз аксини топган.

Мифологик образлар буюк шоир Алишер Навоий ижодида ҳам кўп қўлланилган. XV аср буюк маърифатпарвар ўзбек шоири Алишер Навоий ўз ижодида қадимги мифларга кўп мурожаат қилган. Навоий ўз асарларида миф сюжетларини баъзида янги кўринишларда берса, баъзан асосий мотивларни сақлаган ҳолда эркин қўллашга эришган. Ундан ташқари, шоир ижодида ҳаёт дарахти, тириклик суви, қуёш, ой, шамол, юлдуз ва шунга ўхшаш мифологик маъно касб этадиган анъанавий образларни ҳам учратиш мумкин. Бу образлар шоир яшаган даврнинг муаммоларини ёритганда, маълум эстетик ғояларни ифодалаш мақсадида қўлланилган. Шоир асарларида дев, пари, аждар, Қақнус, Ахриман, Заҳҳок, Қаюмарс, Жамшид каби мифологик образлар ҳам қўлланилган. [Пардаева Д.Р. 7:13] Жумладан, шоирнинг "Сабъаи сайёр" асари ўн тўртинчи фаслида ҳамда "Лисон ут-тайр" достонида афсонавий қақнус ҳақидаги мифологик тасаввурлардан моҳирона фойдаланилган. Қақнус қушининг сайраётганидаги ноласидан ўт чиқиб, қушнинг ўзи ҳам ёниб, кулга айланиши ва ушбу кул ичидан Қақнус боласи пайдо бўлиши каби фикрлар орқали буюк мутаффакир ҳаётнинг абадийлиги тўғрисидаги ўз фалсафий қарашларини илгари сурган.[Жўраев М. 3:87] "Лисон ут-тайр" достонида эса Қақнусдан ташқари Анқо, Семурғ, Ҳумо орнитомифопоэтонимлари бадиий тимсол сифатида келтирилган.

Парилар образига нафақат ўзбек фольклори намуналарида, балки мумтоз адабиёт асарларида ҳам кўп мурожаат қилингани кузатилади. Хусусан, буюк шоир ва мутаффакир Алишер Навоий ижодида пари образи кенг қўлланилган. Шоир ижодида мифологик образлар талқини ўша давр поэтик анъанасига мувофиқ кўпроқ тасаввуфий тушунча ва қарашларни бадиий ифодалаш учун хизмат қилган.

Алишер Навоий ижодида пари кўпинча гўзал маъшуқа, дев ёки аждаҳо нафс, Хизр тириклик сувини етказувчи ҳомий куч, шайтон йўлдан оздирувчи, Азроил жон олувчи, фаришталар поклик, бало – мусибат ва офат ёғдирувчи тимсолларида қўлланилган. Айниқса, пари образи Навоийнинг ишқий ғазалларида маъшуқанинг беҳад гўзаллигини муболағали тасвир этиш мақсадида кўп қўллангани кузатилади. Чунки ибтидоий инсонларнинг эзгу ва

ёвуз руҳларга ишончи билан боғлиқ анимистик тасаввур-тушунчалари асосида келиб чиққан пари образи одамларга ҳомий ёки зарар етказувчи қиёфасида тасвирланишини билган шоир уни жабр етказувчи ҳамда ҳушни эгалловчи сифатида талқин этади. Қолаверса, халқда парига учраган киши ақлу ҳушидан айрилиб телбага, жин чалган жиннига, дев урган девонага айланиб қолади, деган ишонч ҳам мавжуд. Бу ҳақдаги халқона қарашларга таяниб, Навоий ёзади:

*Ки, **эй мажнун, пари** кўрдунг магарким тарки ҳуш эттинг,*
Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.

[Навоий Алишер. 6:239]

Эътиборли томони шундаки, Алишер Навоийнинг яна шу руҳда ёзилган “Кўргали ҳуснунгни зору...” деб бошланувчи машҳур ғазали рус ва инглиз тилларига таржима қилинган. У “Хазойин ул-маоний” куллиётининг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида 16-ғазал сифатида келтирилгани маълум. Ғазал аслияти қуйидагича ўқилади:

Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.
Қай **пари пайкарға** дерсен: телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.
Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.
Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

Ушбу ғазалда қўлланиб келган бало, пари, пари пайкар, Жоми Жам, Хизр суйи каби сўз ва бирикмалар, аввало, мифологик моҳият касб этиши билан таносиб санъатини вужудга келтирган.[Ражабова М. 8:186]

Шоир ўз шеъриятида, асосан, пари образининг инсон кўринишидаги тасвиридан фойдаланган бўлса-да, унда ҳам париларнинг қушга эврилиш хусусиятига ишора қилинган. Масалан, қуйидаги парчада таҳлил қиладиган бўлсак, унда шоир париларни қушларга қиёслаганлиги кўринади:

Гар парийлар қуш каби рам қилсалар мен телбадин,
Ғам йўқ, ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак.

[Навоий Алишер. 6:239]

Бу мисралар орқали шоир ўз ёрини парига қиёслаб, унинг қанчалик гўзал ва латофатли эканлилигини таъкидламоқда.

Пари образининг хусусиятларидан яна бири инсонлар кўзига кўринмаслигидир. Алишер Навоий ижодида парининг бу хусусиятига ҳам ишора бор:

Юзунг Ҳақ нур, жисминг руҳи пок, эй руҳдек ғойиб,
Сенингдек бир малаксиймо париваш йўқтур инсонда.

[Навоий А. 5:479]

Ўзбек фольклорида пари талқинида инглиз фольклоридаги парилар талқинидан бироз фарқли жиҳатлар мавжуд. Бу фарқ уларнинг ташқи

кўриниши билан бирга, характер-хусусиятида ҳам кўринади. Жумладан, ўзбек афсона, эртак ва достонларида парилар кўпроқ ижобий образ, гўзаллик рамзи, маъшуқа, садоқатли ёр тимсолида гавдалантирилади.

Шундан келиб чиқиб, “Ўзбек миллий энциклопедияси”да пари образига шундай таъриф берилган*: “Шарқ халқлари фольклорида кенг тарқалган мифологик образ; маъшуқа тимсолининг идеаллашган шакли; гўзаллик рамзи”.* Буни инглиз афсоналаридаги пари образи билан таърифига қиёсланса, бир неча фарқлари англашилади:

биринчидан, инглиз афсона ва эртакларида парилар кичкина, қанотларини силкитиб учадиган, қўлларида сеҳрли таёқчаси бор, ёқимтой ва меҳрибон образ бўлса, ўзбек афсоналарида улар ниҳоятда гўзал, ўта ақлли, латофатли ва назокатли аёл кўринишида талқин этилади;

иккинчидан, инглиз афсона ва эртакларида парилар ер ости ёки тошли уйларда яшаса, ўзбек афсона, эртак ва достонларида Кўҳи Қоф тоғи яқинидаги Эрам боғи париларнинг қўним топган асосий манзили сифатида кўрсатилади;

учинчидан, инглиз афсона ва эртакларида парилар кўзга кўринмас руҳ, ўликлар руҳи, баъзан эса фалакдан тушган фаришталар, яъни на ёмон хусусиятли ва на яхши хусусиятга эга бўлган самовий образ сифатида таърифланса, ўзбек мифологиясида эса улар ҳам салбий, ҳам ижобий образ кўринишида берилган;

тўртинчидан, инглиз фольклорида париларнинг турли хил кўринишлари тасвирланган. Масалан, табиат парилари (Nature Fairies), Қора Аннис (Black Annis) каби тоғ парилари, Лейкестершаенинг Дейн қирларида изғиб юрувчи ювош пари Анна (Gentle Annie) бунга мисол бўлса, ўзбек мифологиясида улар, олов пари, сув пари, гул пари, илон пари, қиз пари, кампир пари, йигит пари каби кўринишларда берилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, пари образи инглиз ва ўзбек оғзаки ҳамда ёзма адабиётида ўзига хос турлича кўринишларда, характерли белги-хусусиятларда талқин этилган. Шунга кўра, ҳар иккала халқ фольклори ва ёзма адабиётида пари образи алоҳида ўринга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Briggs K. Fairy. Collier’s Encyclopedia. – New York: MacMillan, 2005.– Vol. 9.– p. 23.

2. Purkiss D. Troublesome Things – A History of Fairies and Fairy Stories.– London: Penguin, 2000. – P.158.

3. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б.87.

4. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик V жилд. Бадоеъ ул - васат. –Тошкент: “Фан”, 1990. – Б. 239.

5. Навоий А. Тўла асарлар тўплами. I жилд., – Т., Ғафур Ғулом. 1987.– Б. 479

6. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик V жилд. Бадоеъ ул - васат. –Тошкент: “Фан”, 1990. – Б. 239.
7. Пардаева Д.Р., Марказий Осиё ёзувчиларининг мифология элементларидан фойдаланиш маҳорати; Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2021. – Б.13.
8. Ражабова М. Алишер Навоий ғазалларида демонологик тимсоллар/Филология ва маданият масалалари. Илмий-услубий мақолалар тўплами.– Карабук. 2019. – Б. 186.

ЖАҲОН АДАБИЁТИДА МАГИК РЕАЛИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ

Нодира МАНСУРОВА,
Навоий давлат педагогика институти, катта ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрга хос адабий ҳодиса сифатида шаклланган магик реализмнинг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Магик реализм, сеҳрли реализм, рационал тафаккур, детерминизм, реалистик тасвир, антиутопия, антипрагматизм.

Магик реализм XX асрга хос ҳодиса бўлиб, дунёнинг янги, шиддат билан ўзгарувчи манзарасига ҳамда мураккаб, кўп қиррали воқеликка замонавий санъатнинг жавоб реакциясидир. “Магик реализм” атамасини илк бор 1925 йилда “Постэкспрессионизм. Магик реализм” номли китобида қўллаган Франс Рох бир қанча мусаввирларнинг манзараларни ўзгартириш ва фазовий борлиқ тартиботини бузиш орқали “сеҳрли” жиҳатлар билан бойиган суратларидаги ғаройиб реаллик ҳақида ёзади. XX асрниг 20-йилларида Италия адабиётида тарқалган бир оқим ҳам “сеҳрли реализм” деб аталган. 1927-1928 йилларда ушбу оқим ёзувчи Массимо Бонтемпелли томонидан нашр этилган “Новеченто” журналида назарий жиҳатдан асосланиб, ушбу атамани айнан бадиий адабиёт жабҳасига нисбатан ишлатганини таъкидлаб ўтиш керак. Ўша нашрда немис, инглиз, француз ва итальян ёзувчиларининг айни шу руҳдаги асарлари эълон қилинган. Муаллифлар орасида Георг Кайзер, Жеймс Жойс, Дэвид Герберт Лоуренс, Виржиния Вульф кабилар ҳам бўлган. “Новеченто” журналининг ғоявий-эстетик дастури XX асрда кўҳна қитъадаги маънавий ва ижтимоий вазиятларга, шарт-шароитларга мос келувчи шундай адабиёт шакллари кенг ёйилишини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда шунга имкон яратишнинг “европача уриниши” сифатида ифодаланган эди. Италиялик олим замонавий

санъатнинг вазифаси инсонни ўзининг маънавий ватанига қайтаришдир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, инсон олами ички ва ташқи реалликдан таркиб топган, рассом шу икки реалликни қайтадан бунёд этиши керак. Ёзувчи зиммасига эса “реал дунё” ҳамда “тасаввурдаги дунё”ни узвий равишда бирлаштириш вазифаси юклатилган. ХХ асрнинг “икки дунёли” мураккаб қиёфасини миф ҳамда афсоналарсиз қайта тиклаб бўлмайди. Бонтемпеллининг фикрича, соҳир реализмга мансуб асарлар олами эртаклар олами эмас, балки ҳеч бир муболағасиз турли синоатлар, жумбоқлар ва қалтис саргузаштлар билан “тўлиб-тошган” насрий кўринишдаги кундалик ҳаётнинг одатий дунёсидир. “Магик” деганда сирли ва тушуниб бўлмас реалликни ҳам қамраб олади. Ёзувчининг вазифаси айнан ўша реалликни тасвирлаб беришдир. Иккинчидан, “магик”лик мусаввирнинг парчаланиб кетган ва ўз қобиғига ўралашиб қолган буюмлар дунёси ҳамда инсоний муносабатларни бир бутунликда бирлаштириш, дунё ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг янги моделини яратиш орқали унга маъно-мазмун бахш этиш салоҳиятининг айнан ўзи бўлмоғи керак [Гугнин А. 1:488].

Иккинчи жаҳон урушидан кейин сеҳрли реализм ҳодисаси немис адабиётида романтизм ва экспрессионизмга асосланган ҳолда қайта уйғонган. Эрнст Кройдернинг “Чордоқдаги жамият” (1946), Герман Казакнинг “Дарё ортидаги шаҳар” (1947) романларида шу ҳолни кўриш мумкин. Аммо “соҳир реализм” атамаси 1960-1970 йилларда Мигель Анхель Астуриас, Габриэль Гарсиа Маркес, Алехо Карпентьер, Хорхе Луис Борхес сингари Лотин Америкаси адиблари ижодий тажрибалари туфайли кенг ёйилган. Таниқли рус мунаққиди А.Гугнин ХХ аср сўз санъатида Лотин Америкасининг сеҳрли реализми насридан ташқари Андрей Платоновнинг “Чевенгур” (1929), “Чуқур” (1930), Иво Андричнинг “Бехосият ҳовли” (1954) сингари асарларни ҳам ушбу йўналишга мансуб деб ҳисоблаган.

“Сеҳрли реализм”нинг келиб чиқиши XIX аср рус реалистик насрига ҳамда ХХ аср бошларидаги адабий жараёнларга бориб тақалади, деган қарашлар ҳам мавжуд. Чунончи, Николай Гоголь асарларида, хусусан, Санкт-Петербург билан боғлиқ “Портрет” ва “Невский проспекти” (1835), “Бурун” (1836) қиссаларида реал воқелик ва мўъжизавий ҳодисалар нисбатида фольклор-эртак мотивларининг таъсири катта. Бу борада Владимир Одоевскийнинг “Манзара”, Михаил Лермонтовнинг “Қимор”, Эрнст Теодор Амадей Гофманнинг “Қум одам”, Александр Пушкиннинг “Пиковая дама”, асарларини ҳам эслаб ўтиш мумкин.

Соҳир реализм намуналарида фантастик омил фаол равишда намоён бўлади, қўшимча роль ўйнайди. Ҳақиқий воқелик ва афсоналарнинг, фантастик рўё ҳамда одатий кундалик ҳодисаларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши шунга олиб келадики, натижада ақл бовар қилмас воқеалар ростга ўхшаб кўринади ва аксинча, оддий ҳолатлар ғаройиб бўлиб туюлади.

Таниқли олим Вячеслав Иванов эса “Достоевский ва роман-трагедия” номли мақоласи таркибига кирувчи “Иблислар” романидаги асосий миф” деган фаслида миллий ғоя мифологияси ва роман қаҳрамонларининг

инжилона изланишлари ҳақида тўхталиб ўтади. Айтиш мумкинки, реализмда дунёни идрок этишнинг мифологик, универсал тамойили шаклланган, бу эса XIX аср адабиётидан ҳам сеҳрли реализм манбаларини излаш мумкинлигини кўрсатади, бу ҳол кўпроқ рус адабиётига тегишли.

Мифик-магик дунёқарашга асосланган асарлар XX асрда эса тасвирий санъатда ҳам, адабиётда ҳам етарлича топилади. Тадқиқотчи О.Овчаренкога кўра, “соҳир реализм” атамасининг қўлланилиш миқёси аллақачон Лотин Америкаси сарҳадларидан ташқарига чиқиб кетган [Овчаренко О. 3:428]. У далил сифатида 1980 йилда канадалик тадқиқотчи Д.Хэнкок томонидан “Магик реализм” номи билан чоп этилган бир ҳикоядаги, шунингдек, замонавий Африка сўз санъатидаги ўхшашликларни далил қилиб келтиради. Умуман, соҳир реализмга хос қуйидаги асосий, характерли жиҳатлар қуйидагиларда намоён бўлади: қўшалоқ реалликнинг – бирламчи ва яширин реалликнинг мавжудлиги. Ушбу икки реалликнинг биргаликда юз кўрсатиши ҳамда бир-бирига сингиб кетиши. Фантастик ва одатдаги кундалик воқеликнинг чатишиб, қўшилиб, уйғунлик ҳосил этиши. Соҳир реализмда ҳаётийлик ва мўъжиза ёнма-ён келади. Буюк адиб Маркес шундай деб ёзади: “*Мен шунга аминманки, агар Соҳибжамол Ремидиос оқ чойшабда кўкка кўтарилмаганида “Ёлғизликнинг юз йили” романимнинг ўқувчиси бу қизнинг осмонга учиб кетишига ишонмаган бўларди*” [Маркес Г.Г. 2:6]. Бундан ташқари, соҳир реализмнинг бошқа намояндалари – Мигель Астуриас ва Алехо Карпентьерлар ёш пайтларида Парижда яшашган, шу боис улар ижодининг илк даврида бу икки адибга француз маданияти ҳамда санъати учун характерли бўлган сюрреализм оқимининг таъсири жуда кучли бўлган. Уларнинг сюрреализмни ўзлаштиргани Лотин Америкасига қайтишлари билан ўзлари учун ушбу минтақани, у ернинг ёзувчидан ижодий услубни янгилашни тақозо қилувчи мўъжизакор реаллигини қайта кашф этишларига туртки бергани шубҳасиз.

Макон ва воқеликнинг реалликка мувофиқ келмай қолиши. Бу туш мотиви, реаллик ва ирреаллик ўртасидаги чегараларнинг ўзгариши орқали намоён бўлади. Сюрреалистик матнларда тасвирланган туш онгдаги янглишиш ва чалкашликларни, кишининг ўз хаёлот оламига ҳаддан ортиқ берилишини акс эттирса, магреализмда у яширин реалликдир. Габриэль Маркес қаламига мансуб “Полковникка ҳеч ким мактуб ёзмайди” қиссасидаги кекса полковникнинг кечмиши туш бўлиб, полковник одамлар унинг ўтмишдаги қаҳрамонона хизматларини эслашларига ҳамда ўзи узоқ кутган фахрийлик пенсиясини олишга умид боғлайди.

Вақт субъектив ва нисбий. Бу ҳол рационал тафаккур тарзидан чекиниш ва дунёни поэтик ҳис этиш натижасида юз беради. “Ёлғизликнинг юз йили” романида муаллиф ҳаракатсиз, тўхтаб қолган вақтни ҳамда алоҳида бир шаҳарда бир неча йил давомида узлуксиз ёққан ғайритабиий ёмғирни тасвирлагани фикримиз далилидир.

Ёзувчи тафсилотлар чоғида маърифатли кишининг қарашларини – дастлабки ва яширин реалликни тўғридан-тўғри ҳамда гўдакларча тушуниб,

қабул қилувчи оддий, онги ривожланмаган одамларнинг қарашлари билан тизимли равишда алмаштириб боради. Алехо Карпентьернинг 1949 йилда битилган “Замин салтанати” қиссасида муаллиф ғайризаминий салтанатга жўнаган гаитилик қул Макандал тимсоли изидан боради. Воқеликка шу тимсол қарашлари, кечинмалари асосида ёндашади. Асли бразилиялик бўлган америкалик адиб Карлос Кастанеда ўзининг қатор романларида кекса ҳинду Дон Хуан тимсолида ҳаётни сезиш ва англаш жараёнини бадиий-фалсафий тадқиқ этган (“Дон Хуан таълимоти: яки ҳиндуларини англашга йўқ” (1968), “Ўзига хос реаллик: махсус келишув феноменологияси” (1971), “Жимжитлик қудрати: Дон Хуаннинг галдаги сабоғи” (1987)).

Диалогларда воқеликни англашнинг мифологик, мистик, реалистик типлари баравар иштирок этади. Хуан Рульфонинг “Педро Парамо” романида (1955) қаҳрамоннинг марҳумлар билан мулоқоти сабаб жаҳоний зулм-зўравонликлар, шафқатсизликлар манзараси қайта юз кўрсатади.

Психологик детерминизмдан чекиниш ёхуд унинг инкори. Руҳий детерминизм моддий ва руҳий оламларнинг объектив жиҳатдан қонуний ҳамда сабабий боғланишларидаги ўзига хос фактор бўлиб, инсон руҳиятидаги мураккабликлар детерминизм қонуниятлари асосида идрок этилади. Соҳир реалистларнинг асарларида, дейлик, Михаил Лермонтов, Фёдор Достоевский, Лев Толстой романлари даражасидаги психологик таҳлил бўлмайди.

Антиутопия ва антипрагматизм (аксилхаёлот ва аксиламалиётчилик). Алехо Карпентьернинг “Замин салтанати” қиссасида “заминий салтанат”дан қочиш мотиви бор. Бу ҳол қаҳрамонларнинг йўли қаёққа тушмасин – мифопоэтик кўринишдаги реаллик дунёсигами ёки ўтмишгами, бари бир улар ҳамиша жазога мустаҳиқ экани билан боғлиқ.

Миллий, руҳий, маънавий, тарихий тажриба – вазият ва характерларнинг сабабчиси, ҳикоячиликнинг асоси ўлароқ майдонга чиқади. Бунга Мигель Астуриас ижодидаги ҳиндуча миф яратувчилик мисол бўла олади.

Магреализм асарларида қаҳрамонлар сеҳрлиликни реаллий ўлароқ қабул қилади. Рамзларан қуюқлиги, одамнинг ҳис-туйғулари, бинобарин, жинсий интилиш ҳамда эҳтиёжларининг батафсил тасвирланиши; вақт оқимининг издан чиқиши, шу боис унинг даврий бўлиб ёки умуман мавжуд эмасдек туюлиши ҳам шу йўналишдаги асарларга хос. Вақт билан боғлиқ яна бир усул ҳозирги замон такрорланганда ёки ўтмиш эсланган чоғда вақт коллапси (сусайиши) юз беришидан иборат.

Сабаб ва оқибат ўрнининг алмашинуви. Масалан, асар тафсилотлари кетма-кетлигига кўра қаҳрамон фожеий воқеалари баёнигача мусибатларни бошидан ўтказган бўлиши мумкин. Шунингдек, халқ оғзаки ижодига ёки афсоналарга хос унсурлар ҳам магик реализм намуналарининг таркибий қисми бўлади.

Воқеа-ҳодисалар қарама-қарши, муқобил нуқтаи назарга биноан ифодаланганида ровий тили учинчи шахсдан биринчи шахсга кўчади. Турли персонажлар нуқтаи назарлари ҳамда ички монолог орасидан нисбатан

умумий алоқадорлик ва хотираларнинг тез-тез кўчиб, ўтиб туриши ҳам соҳир реализмга хос.

Турли миллий адабиётларда, айниқса, постколониал (собиқ мустамлака) мамлакатларнинг сўз санъатида кенг ёйилар экан, магик реализм муҳим аҳамиятга эга маданий ўзгаришлар учун бадиий асос тайёрлади. Унинг ўзанида кўп асрлик теран анъаналар ва айни шу негизда юзага келган адабиёт ривож топди ҳамда ҳақиқий дурдона асарларнинг яратилишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. Шундай қилиб, адабиётшунослар соҳир реализм "миллий ва лисоний чегараларни ёриб ўтиб, кўп жиҳатдан адабий анъаналарнинг асл илдизларидан узоқлашган халқаро воқеликдир" деган хулосага келдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гугнин А. Магический реализм // Литературная энциклопедия терминов и понятий. М., 2001.

2. Маркес Г. Г. Сто лет одиночества. – М., 1979.

3. Овчаренко О. Магический реализм // Теория литературы. – М.: Наследие, 2001.

4.http://delakrua.ru/?item=b5cf2524-edf5-4a3f-aabc-9cb5aa8f1149&termin=d0407656-6a8f-4831-8d54-0b63a63a3ef9

5. https://en.wikipedia.org/wiki / %22900%22, _ Cahiers _ d%27Italie _ et _ d%27Europe

---

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТАСВИР

(Н.Каримовнинг «Мақсуд Шайхзода» маърифий-биографик романи хусусида)

Нигора УРАЛОВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Наим Каримовнинг "Мақсуд Шайхзода" маърифий романи таҳлилга тортилган. Тарихий фактлар, шоҳидларнинг хотиралари асосида ёритилган ушбу асарда Наим Каримов закоси, олимнинг машаққатли меҳнатлари ва унинг меваси бўлган асар ҳамда асарнинг бош қаҳрамони – Мақсуд Шайхзода ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: роман, маърифий роман, асар, қаҳрамон, Мақсуд Шайхзода, тарихий ҳақиқат, бадиий тасвир, таҳлил.

Одатда, ҳажми анча катта, хилма-хил қаҳрамонлар, сертармоқ сюжетга эга бўлган, асосан, проза йўли билан ёзилган асар роман ҳисобланади [2: 391]. Ўтган асрнинг бошларида ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий томонидан бошлаб берилган ушбу жанр ўзбек адиблари томонидан самарали давом эттирилди ва бу жанрда яратилган кўплаб асарлар китобхонлар эътирофига сазовор бўлди. XX асрнинг сўнгги чорагида Азиз Қаюмов томонидан яратилган ҳужжатли “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино” асарлари яна бир жанр – маърифий роман жанри яратилишига асос бўлди, десак, адашмаймиз. Кейинчалик ушбу жанр Бўрибой Аҳмедов, Наим Каримов, Пирмат Шермуҳамедов каби ёзувчи ва олимлар томонидан ривожлантирилиб, маърифий, маърифий-биографик, тарихий роман каби шакллар билан бойитилдики, бу ўзбек адабиёти хазинасининг янги-янги асарлар билан бойишига хизмат қилди. Жумладан, таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов томонидан кенг китобхонлар оммасига тақдим этилган “Чўлпон”, “Зулфия”, “Миртемир”, “Мақсуд Шайхзода”, “Усмон Носир” каби қатор маърифий-биографик романлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Маълумки, бадиий тўқиманинг жуда камлиги ёки умуман йўқлиги, асар воқеаларининг тарихий фактлар, далиллар, шоҳидларнинг хотиралари асосида шакллантирилиши, роман қаҳрамони юзасидан илгари сурилган муаллиф тахминлари, шахсий мулоҳазалари билан бойитилиши маърифий роман жанрида битилган асарларга хос хусусият бўлиб, бу типдаги асарларда ҳужжатлилик муҳим аҳамият касб этади ҳамда муайян адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда ўқувчи-китобхон учун муҳим манба ҳисобланади.

Наим Каримовнинг шоир, драматург, адабиётшунос олим, таржимон, педагог, ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги ва таржима мактаби тараққиётига улкан ҳисса қўшган адиб Мақсуд Шайхзоданинг машаққатли тақдири акс этган “Мақсуд Шайхзода” номли маърифий-биографик романида адиб ҳаётининг биз билган ва билмаган жиҳатлари замондошлар хотиралари ва архив материаллари асосида батафсил ёритилганлиги, бадиий маҳорати таҳлил призмасидан бир қур ўтказилганлиги, амалга ошмай қолган режалари, якунланмай қолган асарлари хусусида ҳам ишончли манбаларга таянган ҳолда билдирилган фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Романда акс этганидек, Мақсуд Шайхзода – тақдир шамоли Тошкентга учириб келган ва бу шаҳарни ўзининг иккинчи ватани деб билган, ўзбек халқига бўлган чексиз эҳтиромини ўзбек тилида асарлар ёзиш орқали изҳор эта олган озар ўғлони. Ўз даврининг зиёли оиласида дунёга келган Мақсуд Шайхзода адабиётга жуда эрта ҳавас қўйган. Дастлабки шеърлари, адибнинг ўзи ҳаётининг сўнгги йилларида эълон қилган таржимаи ҳолида эътироф этганидек, беш ёшларида 8–10 мисра “масал” тўқиш билан бошланган бўлса-да, унинг илк шеъри 1921 йилнинг 12 декабрида “Коммунист” газетасида чоп этилган. Кейинчалик 1926 йилларда “Маориф йўли” газетасида чоп этилган “Адабий суҳбатлар”и, Наим Каримов таъбири билан айтганда, эндигина 18 ёшга қадам қўйган шоирнинг “нафақат Номиқ Камол, балки Пушкин, Лермонтов, Гёте, Байрон, Фирдавсий ижодидан ҳам хабардор, шеъриятнинг

асосий вазифа ва талабларини билган шоир ва танқидчи” [Каримов Н. 1: 26] бўлиб етишганидан дарак берарди.

Тақдир тақозоси билан ўз ватанидан 3 йилга бадарға бўлган шоир ота-онасининг маслаҳати билан Тошкентда қўним топди ва ҳаётининг кейинги сал кам қирқ йилини яшаган ушбу маконда яратилган асарлари ўзбек адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Китобхон-ўқувчи маърифий-биографик роман билан танишиш жараёнида олимнинг 1929 йил “Шарқ ҳақиқати” газетасида босилган ўзбек тилидаги дастлабки шеъри “Трактор”дан [Каримов Н. 1: 50] тортиб “Ўзбекистон овози” газетасининг 1966 йил 15 декабрь сонида чоп этилган сўнгги салмоқли мақоласи – “Ғазал мулкининг султони”гача [Каримов Н. 1: 319] бўлган давр оралиғидаги кечган ҳаёти билан танишиш жараёнида бевосита Наим Каримов тасвиридаги Шайхзода билан бамисоли бирга яшайди: кулса – кулади, куйса – куяди.

Одатда, роман жанри тарихий ҳақиқатлар билан бир қаторда бир қанча бадиий тўқималарни ҳам талаб этадики, бу тўқималар ўз ўрнида асарнинг қизиқарли бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ Наим Каримовнинг маърифий романларида бундай тўқима образларни учратмайсиз. Адабиётшунос олим ҳар бир адиб ҳаётини ёритар экан, қаҳрамонининг ҳаётида рўй берган воқеалар ўзининг реал тасвири билан бирга бадиийлик нафосати билан йўғрилади, гоҳо олимнинг ўз фикр-мулоҳазалари устунлик қилса, гоҳо замондошлар томонидан ҳикоя қилинган воқеалар эътиборни тортади. Буларнинг барчаси ҳақиқатдан иборатлиги билан ўқувчи таҳсинига сазовор бўлади. Романда архив ҳужжатларига таяниб келтирилган чекистлар тасвиридаги “бўйи ўрта, жасади тўла, елкаси кўтарилган, бўйни калта, сочлари қора, юзи думалоқ, манглайи баланд, қошлари ёйсимон, бурни катта ва кенг, оғзи катта, лаблари дўрдоқ, даҳани текис, қулоқлари катта” [Каримов Н. 1: 4] Шайхзода қиёфаси Наим Каримов изланишлари ўлароқ сайқал топиб, ўқувчи кўз ўнгида ўта билимдон олим, истеъдодли адиб, ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай шароитда ҳам ваъдасини бажарадиган субутли, нафақат дўст-ёрлари ва яқинлари, балки шогирдларига-да меҳрибон инсон, бир сўз билан айтганда, улкан қалб эгаси сифатида гавдалана боради. Фикримизни Ж.Жабборов илтимоси билан машҳур рассом Ўрол Тансиқбоев ҳақида таҳририятда бир ўтиришда “ҳеч нарсага қарамай, ҳеч бир факт-рақамни ё асарлари номини бировдан сўрамай” [Каримов Н. 1: 263] ёзилган мақола, Шайхзода наздида дунёнинг гўзаллиги “саховатли кишилар илм йўлида заҳмат чекаётган ёшларни унутмасликлари, улар ҳолидан хабар олиб, уларнинг бошларини силаб туришлари” билан мукаммаллашиши, шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда шоирнинг “ўз ёш дўстларини “зиёрат” қилиш баҳонасида уларнинг пучайиб қолган қоринларини овқат билан, шамол ғувиллаб турган киссаларини эса пул билан қаппайтириб” [Каримов Н. 1: 230] туриши, ўз ўрнида бундай ёшлар Шайхзодани ўз оталари каби қадрлаши, шеър тинглаганда “кўзларидан тушаётган ёш томчилари кўзойнаклари тагидан кулча юзларига сизиб-сизиб” [Каримов Н. 1: 209] тушиши, “ҳар бир суҳбати олам-олам маърифат, янги фикр ва ўй” бағишлаши, “заковатли, аллома, хушсуҳбат, самимий ва камтарин”лиги, “ширинсўзлиги ва сўзларни озарбайжончага мойил қилиб талаффуз этиши”, “тангри бандаларига жаҳл билан табассум улашганида Шайхзодага озгина

жаҳл ҳам теккан, аммо у бу жаҳлни доимо узоқ-узоқларда яшириб юриши” [Каримов Н. 1: 85] ҳақидаги хотиралар далиллайди. Шунингдек, Наим Каримов томонидан “Шайхзоданинг Навоий ижоди билан “чангланиши”да Чўлпоннинг ҳам ҳиссаси оз эмас”лиги, “Мирзо Улуғбек” трагедиясидаги Хўжа Аҳрор образи нотўғри талқин қилинганлиги, шунинг учун ҳам ушбу образни “Хўжа Асрор ёки бошқа бир исм билан аташ тўғри бўл”иши [Каримов Н. 1: 238] каби асосли фикрлар ҳам билдириладики, бу асар қимматини оширади.

Асар билан яқиндан танишиш жараёнида китобхон нафақат Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди билан, балки адиб ҳаётига боғлиқ ҳолда бевосита собиқ Иттифоқ, жумладан, мамлакатимизнинг урушгача, уруш даври ва урушдан кейинги тикланиш ва турғунлик йилларига доир ҳаққоний тарихдан ҳам воқиф бўлади. Шайхзода ҳаётига боғлиқ ҳолда тасвирланган урушдан олдинги давр адабиёти ҳам ўзининг жами мураккабликлари билан ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади. Жумладан, 1937-йилда Пушкин вафотининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар сабаб Ойбекка – “Евгений Онегин” шеърий романи, Элбекка – Пушкиннинг шеърий эртаклари, Абдулла Қаҳҳорга – “Капитан қизи” қиссаси, Ҳамид Олимжонга – “Кавказ асири” ва “Сув париси”, Усмон Носирга – “Боғчасарой фонтани”, Темир Фаттоҳга – “Лўлилар”, Шайхзодага – “Мис чавандоз” ҳамда “Моцарт ва Сальери” шеърий асарларини таржима қилиш топшириғи берилганлиги ва унинг адиблар томонидан аъло даражада бажарилганлиги; Москвада ўзбек санъати ўнкунлигининг ташкил этилиши ва унинг муваффақиятли якуни ниҳоясида унга бош-қош бўлган Файзулла Хўжаевнинг Москвада қамоққа олиниши ҳақидаги маълумотлар ўқувчида тасаввурида ўша даврнинг машъум ҳолатини гавдалантиради. Шундан кейин бошланган “қама-қама”лар миллатнинг асл фарзандлари, жумладан, “24 апрелда Фитрат, 27 майда Рафиқ Мўмин, 2 июлда Отажон Ҳошим, 12 июлда Қаюм Рамазон, 13 июлда Чўлпон, 14 июлда Усмон Носир, 3 августда Босит Қориев, 5 августда Зиё Саид, 6 августда Ғози Юнус, 7 августда Миён-Бузрук Солиҳов, 9 августда Анқабой, 14 августда Тавалло, 4 сентябрда Ашурали Зоҳирий, 26 сентябрда Муҳаммад Ҳасанов, 29 сентябрда Қосим Сорокин, 15 октябрда Аъзам Аюб, 29 октябрда Ғулом Зафарий, 31 декабрда Абдулла Қодирий ва бошқа ўнлаб, юзлаб ёзувчилар, олимлар, журналистлар, санъаткорлар қамоққа” [Каримов Н. 1: 76] олинганлиги ҳақидаги маълумот тутдай тўкилган ўзбек зиёлиларининг, Наим Каримов таъбири билан айтганда, “момогулдиракли йиллар”даги тақдиридан сўзлайди.

Уруш бошлангач, халқни ғалабага руҳлантириш учун “ёзувчилар машҳур тарихий шахслар ва фольклор асарлари қаҳрамонларининг ватан озодлиги йўлидаги мардлик ва жасоратлари тасвирланган асарларни яратишга бел боғладилар. Ҳамид Олимжон – Муқанна, Ойбек – Маҳмуд Торобий, Мақсуд Шайхзода эса мўғул ва араб босқинчиларига қарши курашдаги жанговар жасоратлари ҳақида саҳна асарлари ёзишга аҳд” [Каримов Н. 1: 105] қилганлиги, бу жараёнда Жалолиддин Манкбурни айнан Шайхзода томонидан Мангуберди деб аталганлиги, ушбу драмани яратишда адиб хоразмшоҳлар тарихини чуқур ўрганиш билан бир қаторда Шаҳобуддин Муҳаммад Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангбурни” ҳамда

Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушойи Жувайний” асарларини чуқур ўрганиб, шу асарлар асосида драмани ёзишга киришганлиги, ўз даврида драма жуда катта шуҳрат қозонганлиги, драмада ролларни Обид Жалилов (Хоразмшоҳ), Амин Турдиев (Чингизхон), Олим Хўжаев (Амир Бадриддин), Сайфи Олимов (Муҳаммад Насавий), Сора Эшонтўраева, Шоҳида Маъзумова, Холида Хўжаева (Султонбегим), Тошхон Султонова (Она) каби актёрлар ижро этганлиги, рассом Ҳамидулла Икромов, композитор Манас Левиевнинг хизматларидан хабардор бўлиш баробарида ўқувчи 1946 йил 26 августда қабул қилинган Марказий Комитетнинг “Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш йўллари ҳақида”ги қарори туфайли жуда кўплаб етук асарлар билан бир қаторда Шайхзода ва унинг «Жалолиддин Мангуберди» драмаси ҳам “феодал ўтмишни қўмсаш ва идеаллаштириш”да [Каримов Н. 1: 142] айбланиб, анча қора кунларни бошдан кечирганлигининг гувоҳи бўламиз.

Урушдан кейинги даврдаги мамлакатда ҳолатни биргина Ёзувчилар уюшмасидаги вазият орқали тасаввур қилиш қийин эмас. Мильчаков, Шевердин ва уларнинг ҳаммаслаклари саъй-ҳаракатлари ўтган асрнинг 50-йилларида қанчадан-қанча зиёли қатлам вакиллари қаторида Шайхзоданинг бошига ҳам қора кунларни солди. 1952 йилнинг 20 сентябрида Шайхзодани қамоққа олиш билан бошланган кулфатлар унинг 1953 йилнинг сентябрида 25 йилга меҳнат-тузатув лагерига юбориш ва 5 йиллик сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланиши билан ниҳоясига етди. Фақат 1954 йилга келибгина – 20 ойлик қамоқдан сўнг озодликка чиққан Шайхзоданинг ҳаётида бундай синовлар, албатта, изсиз кетмаганлиги асар охирига бориб аён бўла боради.

Асарда нафақат Мақсуд Шайхзода, балки Шайхзода яшаган давр муҳити, уни қуршаган одамлар олами ҳам ўзининг ҳаққоний тасвирини топган. Жумладан, асарда Мухтор Авезов, Шукур Бурхонов, Аброр Ҳидоятов, Усмон Юсупов, Отажон Ҳошим, Ойбек, Ғафур Ғулом, Сакинахоним каби кўплаб шахслар қиёфасига ҳам Наим Каримов томонидан кўринмас бўёқлар билан жило бериладики, натижада уларнинг нурли суврати кўз ўнгимизда секин жонлана боради. Адабиётшугос олим асарда яна шундай “суврат”ларни чизадики, беихтиёр “дунёда ноқобил фарзанднинг ота-онасига, ношуд шогирднинг устозига нисбатан хиёнатидан қабиҳроқ жиноят бўлмаса керак”лигига [Каримов Н. 1: 182] амин бўласиз.

Олим ўз изланишларига таянган ҳолда Мақсуд Шайхзоданинг бир қанча асарлари ўз якунига етмаганлиги, бир қанча режалари амалга ошмай қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Жумладан, Шайхзоданинг “Алишер Навоий” опера либреттоси, “Абу Райҳон Беруний” тарихий драмаси ёзиб бошланганлиги, аммо ниҳоясига етмаганлиги, “Саҳрога бахт” пьесасини ёзиш, “Шарқ энциклопедияси” – “Қомуси Шарқия”ни нашрга тайёрлашни режалаштиргани, “Бобур ва Фурқат ҳамда уларнинг Ҳиндистон билан боғлиқ ҳаётлари ҳақида ҳам асар ёзмоқчи” бўлганлиги, “ажойиб зиёлилар ҳақида” [Каримов Н. 1: 311] ҳам саҳна асарини ёзиш нияти хусусида мулоҳазалар баён этилган. Шайхзоданинг адабий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш билан машғул бўлган Муҳсин Зокиров томонидан берилган маълумотларга таяниб билдирилган фикрларга кўра “Абу Райҳон Беруний” тарихий драмаси “беш

парда, етти ёки тўққиз кўринишдан иборат” бўлиши керак эди. Яна бир эътиборни тортадиган жиҳат: адиб мазкур драмани яратишда Берунийнинг қуръачилар, мунажжимлар ва фолбинлар билан бўладиган қизғин мунозара саҳнасини тасвирлаш учун бу “ноёб” соҳа вакиллари билан учрашиб, фолбинлардан фол очиш усулларини диққат билан ўрганганлиги, кекса саҳҳофлар орқали қуръа ва фол очиш ҳақидаги китобларни топтириб, улар билан танишиб чиқанлиги айтиб ўтилганки, бу орқали ўқувчи Мақсуд Шайхзоданинг ҳар бир асарини яратишга ўта жиддий ёндашганлигидан воқиф бўлади.

Маърифий-биографик романда келтирилган Мирзакалон Исмоилий, Ҳаким Назир, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхон, Ҳафиз Абдусаматов, Жуманиёз Жабборов, Шукрулло, Туроб Тўла ва бошқалар томонидан баён этилган хотиралар ҳам адиб ҳаётини ёритишда, бир томондан, Наим Каримовнинг машаққатли меҳнатларини ифодаласа, бошқа томондан Шайхзода ҳаётини ҳаққоний тасвирловчи ишончли манба бўлиб хизмат қилган.

1937–1938-йилларнинг қора қуюни, уруш даври машаққатлари ҳамда 1950-йилларнинг “момогулдиракли” шамоли Мақсуд Шайхзода ҳаётида ҳам изсиз кетмади. Узоқ давом этган хасталик шундай улкан адибни 1967-йилнинг 19-ноябрида орамиздан олиб кетди. Наим Каримов тилида айтганда, “Оллоҳ Шайхзодадек фозил ва ҳар томонлама истеъдодли ижодкорга яна бир неча йил умр ато” [Каримов Н. 1: 311] этганда эди, адабиётимиз хазинаси яна қанча бебаҳо асарлар билан бойиши шубҳасиз бўларди.

Хуллас, асар билан танишган ўқувчи, биринчидан, Наим Каримовнинг машаққатли меҳнатларининг самараси ўлароқ Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди хусусида тўлиқ ва мукаммал маълумотларга эга бўлади; иккинчидан, “йиғинчоқ” туриши учун иккита катта дафтарга битилган “Абу Райҳон Беруний” драмасининг тақдири соҳа мутахассисларини янги изланишларга чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Наим Каримов. Мақсуд Шайхзода. Маърифий-биографик роман. – Тошкент: Шарқ, 2010.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. Беш жилддик. Учинчи жилд.

SHE’RIY TARJIMADA HARFIY SAN’ATLAR IN’IKOSI

(„Farhod va Shirin“ dostoni tarjimasi misolida)

Zuhra AZILOVA,
Nukus davlat pedagogika instituti
O‘zbek adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada Navoiyning „Farhod va Shirin“ dostoni qoraqalpoqcha tarjimasida harfiy san’atlarning ifodalanishi haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: she’riy san’at, arab yozuvi, harfiy san’atlar, kitobot, muammo, tarjima, tarjimon.

Navoiyning „Farhod va Shirin“ dostoni M.Daribayev, J.Aymurzayev, N.Japaqov, A.Shamuratov, R.Majitov, K.Jumaniyazov tomonidan qoraqalpoq tiliga tarjimalanib, 1941-yilda „Qoraqalpoq mamleket baspası“ da kitob holida nashr qilingan. Mazkur kitob N.Dawqarayev tomonidan yozilgan „So‘zboshi“ bilan boshlanadi.

„Farhod va Shirin“ asari „Xamsa“dagi yirik she’riy dostonlardan biri bo‘lib, asarning g‘oyasi, mazmuni adabiyotshunosligimizda keng o‘rganilgan, uning qoraqalpoqcha tarjimasi ham chuqur ilmiy qiyosiy tahlilga muhtojdir. She’riy san’atlarning bir-biriga qanchalik muvofiqligi, o‘zbek va qoraqalpoq she’riyatining ritmik tuzilishi, boshqa tilga tarjima qilingan she’rning shaklan va mazmunan kitobxonga ta’sirini aniqlash tarjimashunoslikda kam ishlangan masalalardan biridir.

„Farhod va Shirin“ dostoni she’riy san’atlarga nihoyatda boy dostondir. Xo‘sh, dostonning qoraqalpoq tilidagi tarjimasida bu san’atlar qay darajada saqlangan, ularni tarjimonlar bera olganmi? Shu nuqtayi nazardan harfiy san’atlar qo‘llangan baytlarni tarjima bilan qiyoslaymiz.

Mumtoz she’riyatimizda shoirlar ko‘p murojaat qiladigan, ular ijodida uchratishimiz mumkin bo‘lgan she’riy san’atlarning ko‘pchiligi bevosita arab yozuvi bilan bog‘liq bo‘lib, bu esa tarjimada jiddiy qiyinchilik tug‘diradi. Arab yozuvidagi harflar asosida shoir harflarning shakli, so‘zlarning yozilishidan foydalanib, harfiy san’at – kitobot san’atini yaratadi. Kitobot – arab alifbosi harflari shaklidan lirik manzaralar chizishda, poetik obraz yaratishda foydalanish san’ati. „Farhod va Shirin“da Navoiy o‘zining ustozlari haqida gapirib kelib, har qancha chiroyli so‘zlasang ham, agar so‘zingning boshlanishi eshituvchiga noma’lum bo‘lsa, bu gaping hech kimga yoqmaydi, degan fikrni IX bobda shunday ifodalagan:

Gar iymon elga rahmatdin nishondur,
Va lekin chun alifsizdur, yamondur.
Agarchi shamsni oltun ko‘rar his,
Vale chun shindin ayrildi, bo‘lur mis.

„Iymon“ so‘zidan birinchi harf – alif olib tashlansa, „yamon“ so‘zi hosil bo‘ladi. „Shams“ xuddi oltinday his etilsa ham „shin“ harfi olib tashlansa, misga aylanib qoladi.

Tarjimada:

Xalqqa rahat berushi iman,
Halı mushkil onıń ayrılsa „A“dan.
Adamǵa altınday koringen Shams,
„Sha“ bo‘lmasa altın emes, bolar mıs.

Tarjimada „yamon“ so‘zi tushib qolgan. Biroq mazmun, keyingi baytlardagi „Shams“, „mis“ so‘zlari saqlangan. Demak, kitobot san’ati tarjimada aks etgan.

Dostonning XIII bobi Farhodga ism qo‘yish haqida aytiladi. Bu bob tarjimada beshinchi bobdir. Bu parchada keltirilishicha, „Farhod” ismi ikki yo‘l bilan hosil bo‘ladi. Birinchisi: „Farhod” so‘zi „farri shohi“ so‘zidan „far“ va „hikmat“ so‘zidan „h“, „iqbol“ so‘zidan „i“, „davlat“ so‘zidan „d“ harflari olinib bir-biriga qo‘shilsa, yuqoridagi nom „Farhod“ kelib chiqadi.

Bundan tashqari, shoirning adolatli shoh haqidagi orzu-umidlari, ideali bilan bog‘liq holda „farri shohi“ – „shohlik nuri“, himmat, iqbol va davlat to‘g‘risidagi qarashlari ham o‘z ifodasini topgan. Shoir bu baytlarda muammo san’atini qo‘llagan. Muammo arabcha „yashiringan, berkitilgan” degan ma’noni bildirib, hajm jihatdan bir yoki ikki baytdan tuzilib, misralar zamirida ko‘pincha biror nom yoki bir so‘z yashiringan bo‘ladi. Tarjimada esa mazmun bo‘lgani bilan Farhod ismining birinchi bo‘g‘iniga asos bo‘lgan farri shohi, himmat, iqbol, davlat so‘zlari yo‘q. Qiyoslang:

Asliyatda:

Jamolidin ko‘ringach farri shohi,
Bu fardin yorudi mah to ba mohi.
Qo‘yub yuz himmat-u iqbol-u davlat,
Hamul far soyasidin topti ziynat [Navoiy A. 1:48].

Tarjimada:

Patshalıqtıń nurı balqıp balada,
Juzinen ol saule shashtı dunyaǵa.
Kelejaktıń saltanatı korindi,
Xanlar onıń sansına suyindi [Nawayı A. 2:38].

Tarjimada muammo san’ati aks etmay qolgan. Ko‘rinib turibdiki, ajoyib san’at oddiygina qilib o‘girilgan.

Ikkinchisi: „Farhod“ so‘zi „firoq“, „rashk“, „hajr“, „oh“ va „dard“ so‘zlarining birinchi harflari olinishidan kelib chiqadi:

Anga farzona Farhod ism qo‘ydi,
Xurufi ma’xazin besh qism qo‘ydi.
Firoq-u rashk-u hajr-u oh ila dard,
Biror harf ibtidodin aylabon fard.

Bu baytlar o‘zbek tilida nasriy yo‘lda quyidagicha ma’noni beradi: „…unga dono Farhod ismi qo‘yildi. Bu ismning harflari kelib chiqishi ham besh qismga

bo‘linadi. Besh so‘zning boshidan bittadan harf ajratganda, „firoq“dan „f“ni, „rashk“dan „r“ni, „hajr“dan „h“ni, „oh“dan „o“ni va nihoyat „dard“dan „d“ni sevgi ustozi bir-biriga biriktirganda „Farhod“ ismi tartib topdi“ [Navoiy A.3:23].

Baytlarda muammo san’atini qo‘llash orqali shoir doston bosh qahramonining shunchaki nominigina emas, uning ma’nosini ham chuqur ochib beradi. Farhod uzoq yillar farzandsizlik dog‘ini chekkan Xoqonning „firoq-u, rashk-u, hajr-u, oh ila dard“larini o‘zida ifodalaydi.

Tarjimada:

Farhad dep isimin bilgishler qoydı,
Ol sozdiń bes turli manisi boldı
Ayralıq kuyinu, ajırap ketu,
Íńranıp, eriksiz qayǵı, dart etu.

Ko‘rinib turibdiki, baytda „Farhod“ ismi hosil bo‘lmay qolgan. Shu o‘rinda G‘.Salomov fikrlarini keltirib o‘tmoqchimiz: „Umuman aytganda, she’riy san’atlarni tarjimada qayta yaratish borasida uchraydigan asosiy to‘siqlar ko‘proq tillar bilan adabiy an’analarning uzoq-yaqinligiga bog‘liq. Alohida olingan bir san’atni turli tillarda aks ettirish imkoniyati ham turlicha bo‘ladi. Bu – masalaning obyektiv tomoni. Ammo har qanday tarjimaning taqdirini uning ijodkori hal qilar ekan, asar badiiyatining ajralmas qismi bo‘lgan she’riy san’atlarning qay daraada qayta namoyon bo‘lishi tarjimon-san’atkorning bilimi, tajribasi, talanti va mahoratiga bog‘liq“ [Salomov G‘. 3:138].

Yuqoridagilardan xulosa shuki, she’riy san’atlarning tarjimada qay darajada aks etishi tarjimonning mahoratiga bog‘liq. Chunki, „badiiy tarjima ham chinakkam ijoddir. O‘ziga xos bir so‘z san’ati“ [Salomov G‘. 3:143]. Asarni tarjimon o‘z tilida qayta yaratar ekan bor bilimi, salohiyatini, so‘z qo‘llash mahoratini namoyish etmog‘i darkor.

Foydalangan adabiyotlar:

1.Navoiy A. „Xamsa“ Qayta tuzuvchilar: A.Hayitmetov, M.Mirzaahmedova. T.: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1986. –424 bet.

2. Nawayı A. „Farhad ham Shirin“ dostoni M.Daribayev, J.Aymurzayev, N.Japaqov, A.Shamuratov, R.Majitov, K.Jumaniyazov „Qoraqalpoq mamleket baspası“. To‘rtkul – 1941.

3. Navoiy A. „Farhod va Shirin“. G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti. Toshkent – 1975.

4. Salomov G‘., Jo‘rayev K., Olimov S. Tarjima san’ati va san’at tarjimasi. (Maqolalar to‘plami) 4-kitob. G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti. Toshkent – 1978.

“XORAZM FOJIASI” QISSASIDA SHOH VA SHOIR OBRAZINING BADIIY TALQINI XUSUSIDA BA’ZI MULOHAZALAR

Ro‘zagul JUMANIYAZOVA,
UrDU “O‘zbek tilshunosligi” kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada shoh va shoir Muhammad Rahimxon Feruz obrazining badiiy talqini xususida fikr yuritiladi. Tarixiy haqiqat va badiiy to‘qima munosabatining masalasi mazkur obraz orqali ochib beriladi. Erkin Zohidovning “Xorazm fojiasi” qissasi asosida Feruzning ma’rifatli xon, yetuk shoir, san’at homiysi ekanligi tahlilga tortiladi.

Kalit so‘zlar: badiiy to‘qima, tarixiy haqiqat, badiiy obraz, shoh, shoir, Xiva adabiy muhiti, tarixiy shaxs, qissa.

Ko‘hna Xorazm elining shonli tarixi, uning buyuk siymolari haqida qanchadan qancha tarixiy, ilmiy-ommabop va badiiy asarlar yaratilgan. Xorazm elining farzandi Erkin Zohidovning bir qator hikoya va qissalarida shu zamin tarixi, uning qahramon farzandlari hayoti haqida qiziqarli voqealar bayon qilinadi. Uning “Xorazm fojiasi” qissasida shoh va shoir Muhammad Rahimxon Feruz (1845-1910) hayoti, uning xonlik davridagi ayrim voqealar qalamga olinadi.

Ma’lumki, tarixiy shaxslarga bag‘ishlangan asarlarda, tanlangan mavzu va materil xarakteriga ko‘ra, voqelik hamda shaxs talqiniga kengroq o‘rin ajratiladi. Badiiy adabiyotda, odatda, Vatan va xalq manfaati yo‘lida nom qozongan mashhur shaxslar va olamshumul voqealar tarixiy mavzu uchun ob’yekt bo‘lib kelgan. Bu mavzu silsilasida ijodkor tarixiy shaxslarga bag‘ishlangan asarlarning o‘ziga xos o‘rni bor. “Chunki har bir tarixiy shaxs, ayniqsa, tarixiy ijodkor shaxs qismatida tarixning uch tarkibiy qismi - o‘tmishi, hoziri va kelajagi bir butun uyg‘unlikda yashaydi”. [Karimov H. 2:3]

Ta’kidlash joizki, shoh va shoir Muhammad Rahimxon Feruz hayoti xalq va vatan manfaati uchun fidoyilik namunasi, poetik ijodi esa ezgulik g‘oyalarining chinakam ifodasi bo‘lib, hozirgi kunda ham katta ma’rifiy-ma’naviy ahamiyat kasb etadi. Shu bois u haqda oldin yaratilgan tarixiy-badiiy manbalarda hayot haqiqati buzib ko‘rsatilib, Feruz zolim shoh sifatida tasvirlangan bo‘lsa, istiqlol davrlarida yaratilgan asarlarda uning faoliyati tasvirida tarixiy haqiqat va badiiy talqin munosabati real yoritila boshladi.

Ma’lumki, tarixiy fakt va badiiy to‘qima munosabati badiiy talqinning o‘rganilishi zarur bo‘lgan asosiy muammolaridan biridir. Obraz yaratish jarayonining bu ikki qirrasi o‘zaro bir-birini taqozo etib, umumiy yaxlitlik vujudga keltirsagina asar mohiyati va adabiy xarakter yorqin ifodalanadi. Xususan, tarixiy shaxsni badiiy obrazga aylantirish, albatta, badiiy to‘qimasiz, xayolot unsurisiz bo‘lmaydi. Chunki mavjud faktlar tarixiy shaxs faoliyatidagi tadrijiylikni, turli vaziyatlar bilan bog‘liq evrilish va o‘zgarishlarni doimo ham aniq ifodalamasligi mumkin. SHu sababli chinakam tarixiy asarlarda “tarixiy shaxslar o‘z davrida

tutgan sotsial mavqei, hayotdagi roli, tarixiy haqiqatga mos ravishda buzmasdan saqlanadi va to‘qima yo‘li bilan yaratilgan xarakterlarga bog‘langan holda haqqoniy tasvir etiladi”. [Izzat Sulton. 1:194]

“Xorazm fojiasi” qissasi o‘ziga xos kompozitsion qurilishga ega bo‘lib, alohida qismlarga ajratilgan, har bir qismga sarlavhalar qo‘yilib, voqealar bayon qilingan. Qissa kech kuz payti Feruzning ovga chiqishi voqeasi va tabiat tasviri lavhalari bilan boshlanadi. Asarda Feruz mard va jasur, baquvvat, pahlavon sifatida tasvirlanadi. Ov paytida xonga birdaniga yo‘lbars hamla qiladi, shunda uning miltig‘i bir tomonga, qilichi esa ikkinchi tomonga uchib ketadi. Tasodifiy holatdan navkarlarning hushi boshidan uchib turgan bir paytda, 25 botmondan ortiq keladigan yo‘lbarsni ustidan itarib, xon o‘rnidan turadi. Yana bir holatda shoh Feruz Ko‘rp ko‘lida botib qolgan otini dast ko‘tarib botqoqdan olib chiqqanligi tasviri orqali uning pahlavon kelbatli, arslon yurakli xukmdor bo‘lganligini ko‘rsatadi. Asarda Feruz tarixiy haqiqatga monand ravishda adabiyot va san’at homiysi, kuy-navo, betakror musiqa shaydosi sifatida tasvirlanadi. Ovdan qaytayotgan Feruz nogahon sirli musiqa sadolarini eshitadi va shu tomonga ot choptirib ketadi: “Kuy..... tabiat shovqinlari odamga bunchalik rohat bagi‘shlamaydi-ku! Hozirgina ot boshiday yog‘ochga tortilgan ikki ipak tordan taralgan ohanglar uni ne kuylarga solmadi. Shu kuy ta’sirida hatto dunyodan kechish ham mumkin. Bu kuyni kimdir yatargan-ku! Qizning o‘yini. Mana necha yillardan beri bazmi jamshid qilib, hatto har iqlimdan san’atkor oldirib kelib ham bunday mo‘’jizani ko‘rmagan. Bu raqs emas. Inson qalbidagi sirli ohanglarning jilvasi..”. [Zohidov.E. 3:5] Tasvirdan ko‘rinadiki, Feruz obrazi butun vujudi bilan musiqaga shaydo inson sifatida badiiy talqin qilinadi. Shu bois asarda saroydagi musiqa kechalari, shoirlar bilan bo‘ladigan mushoira oqshomlari tasviriga keng o‘rin beriladi.

Qissaning “Soz bazmi” sarlavhali qismida Feruzning Gash qishlog‘ida uchratgan raqqosa qiz Onajonni saroyga keltirishi voqeasi hikoya qilinadi. Feruz ovdan qaytayotgan payti dutor chalayotgan ona va uning mo’jizaviy raqsga tushayotgan qizini ko‘rib qolib, unga mahliyo bo‘lgan edi. Endi shu qizni o‘z saroyiga oldirdi: “Onajonning haramga olib kelinishi hammadan ham xonning sevimli raqqosasi Ra’noga qattiq botdi. U xuddi jismi-jahoniga o‘t tushganday yeru ko‘kka sig‘may borardi”.[Zohidov.E. 3:16] Shundan keyin Ra’no xayolida reja tuzib, Onajonni saroyni aylantirish, arkni ko‘rsatish bahonasida olib chiqadi va ikkinchi qavatga ko’tarilayotganda uni siniq zinapoyaga chiqaradi. Onajon zinapoyadan pastga qulaydi va oyog‘i sinadi. Biroq oyog‘i singan bo‘lsa-da shu kech xon saroyidagi bazmda raqsga tushadi va uning raqsidan barcha hayron-u lol bo‘ladi. Bayoniy, Rojiy, Komil Xorazmiy va shoh Feruz Onajonning raqsiga shu zahoti she’r bitadilar. Feruz qo‘liga dutorni olib, shunday ashula aytadi:

Raqsingni ko‘rganning yo‘qdir armoni,
O‘yiningdan xasta topar darmonni.
Ahli davramizning shudir farmoni,
Shu sanamning lazgisiga sallamno!

Shunda Onajonga sovg‘alar uzatdilar, biroq qiz ularni ololmay yiqilib tushadi. Shundagina xon raqqosa bilan yuz bergan voqeani devonbegidan eshitadi va Ra’noga qanday jazo berish haqida ayonlari bilan maslahatlashadi. Oqibatda Ra’noni Qnajonga qul qilib beradilar va umrbod raqs tushish ta’qiqlanadi.

Feruz o‘z davrida san’at va musiqaga juda katta e’tibor beradi va shu bilan birga musiqani buzib, xato ijro qilganlarga ham qattiq jazo bergan. Ana shunday jazoni Feruz qissada Xudak bulomonchiga nisbatan qo‘llaydi. Bulomonchining uyiga to‘rt navkar yuborib, uyining tomini ochdirib tashlaydi. Xudak bulomonchi kelib, xonga arz qilib, buning sababini so‘raganida, Feruz “-Sen hali kuy avjiga chiqqanda bulomonni tuproqqa tiqib, kuyning ustini ochdin-ku... Biz senga bir narsa dedikmi?”- deb javob beradi. Xudak bulomonchi qilgan ishiga ming pushaymon bo‘lib, boshqa bunday qilmaslikka va’da bergach, xon navkarlari borib uning tomini yopib berishlarini aytdi.

Muallif Feruz davridagi Xiva adabiy muhitida kamolga yetgan shoirlar, ularning betakror g‘azallari borasida olib borilgan mulohaza va bahslar tasvirini berish asnosida davrning ma’naviy-ma’rifiy manzarasini badiiy talqin qiladi. Bu davrda Feruz saroyida ustoz shoir, tariznavis Ogahiy, Bayoniy, Komil, Tabibiy, Mirzo, Xodim kabi “ahli shuaro”, Feruz shajarasiga mansub aka-uka ijodkorlar Sultoniy, Sa’diy, Komyob, Farrux, Murodiy singari ijodkorlar bo‘lib, har bir yig‘ilishda yangi yozilgan g‘azallar muhokama qilinar, ilmu urfondan, san’at va musiqadan munozara qilinardi. Qissaning “Feruz” deb nomlangan qismida Feruz va Ogahiy suhbati beriladi. Xonning ustoz Ogahiy huzuriga borishi, o‘zi yaratgan kuyni chalib berishi va u yerda Feruz I,II,III musiqalarining yaralishi go‘zal badiiy tasvirlar orqali bayon qilinadi. Ogahiyning xon chalgan musiqaga “Feruz” deb nom qo‘yishi va xonning shu musiqaga ustozdan g‘azal bitib berishlarini iltimos qilishi jonli lavhalar orqali ifodalanadi.

“Har kimning ko‘ngli har narsaga mubtalo. Agar saroyda bo‘lib turgan ko‘ngilxushliklar, ov va sayohatlar rad etilsa nima qoladi. Oh-faryod, qon va qarg‘ish”. [Zohidov.E. 3:26] Ana shu sergirdob hayot orasidagi xon Feruzni hamisha she’r va musiqa o‘ziga tortaveradi.

Qissaning “Mushoira” deb nomlangan qismida ham xon saroyidagi musiqa va g‘azalnavislik, yangi kuylarning yaratilishi, ijro etilishi voqealari qalamga olinadi. Bunda Ogahiy, Komil Xorazmiy, Muhammad Yusuf Bayoniy kabi tarixiy shaxslar badiiy talqin etiladi. Ayniqsa, Ogahiy “shoirlarning piri” deb ta’riflanadi va Feruz bilan “ustoz-shogirdlik” maqomida ekanligiga alohida urg‘u beriladi. Mushoirada Feruz “Segoh” maqomini shunday mahorat bilan ijro qiladiki, Bayoniy kuy to‘xtagach: “...agar hamma yozganlarimni shu siz aytgan kuyga almashsam, bu dunyoga behuda kelmagan ekanman, deb ko‘z yumardim”-deydi. Xon Feruzning betakror shoir, ajoyib bastakor, musiqashunos bo‘lganligi qissada bir-biridan qiziqarli voqealar orqali bayon qilinadi. “Mushoira” qismida zamonasining yetuk shoiri Bayoniy ijodi haqida ham ma’lumotlar keltiriladi. Uning she’rlari badiiy jihatdan baquvvat, Ogahiy tahsiniga sazovor bo‘lganligi alohida e’tirof etiladi: “To‘ram, Xorazm osmonida yana bir yulduz porlay boshlagani bilan sizni chin

qalbimdan tabriklayman. Shu bugundan e’tiboran Muhammad Yusuf Bayoniy yetuk shoirlar safiga qo‘shilmish” – deydi Ogahiy.

Qissada Feruzning xon sifatidagi obrazi ham mahorat bilan yoritiladi. Asarning “Ovda”, “Qul bozori”, “Rus elchisi”, “Arzxonada”, “Maxfiy kengash” kabi qismlarida Feruzning xonlikni boshqarishdagi donoligi, aql va iqtidor sohibi ekanligi badiiy talqin etiladi. Feruz yurtni boshqarishda har bir masalada ulamolarning maslahatlarini bafurja o‘ylab, adolat va aql bilan harakat qiladi. Xalq arzga keladigan arzxona qarshisida ustozi Ogahiyning quyidagi baytlarini marmar toshga o‘ydirib yozdirib qo‘yadi:

Faqirlar ko‘z yoshin daryo kabi ko‘p to‘kma, ey shohim,

Sani ham zo‘r etib qo‘ymas, olorni xor etib davron....

Har safar arzxonaga kelganda bu baytlarni qayta-qayta o‘qiydi. Qissaning keyingi qismlarida ham Feruzning tadbirli xon ekanligini ko‘rsatuvchi voqealar yoritiladi.

Xullas, “Xorazm fojiasi” qissasida Muhammad Rahimxon Feruzning shoh va shoir sifatidagi obrazi to‘laqonli gavdalantiriladi. Asar tili sodda va ravon. Unda Xorazm shevasiga oid so‘zlardan unumli foydalaniladi. E.Zohidovning ushbu asari 1992-yilda ya’ni mustaqillik yillarida qoralangan bo‘lsa ham, unda Sovet davri siyosati uchqunlari ko‘rinib turadi. Asarni tahlil qilar ekanmiz, qahramon xarakter xususiyatidagi tarixiy haqiqatdan yiroqlashgan o‘rinlar ko‘proq kuzatiladi va Feruz, asosan, zolim xon sifatida talqin qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. –Toshkent: O‘qituvchi, 1980.

2. Karimov.H. Tarixiy shaxs va badiiy obraz: Filol. fanlari nomzodi ... diss. avtoref. – Toshkent: TAI, 1999.

3. Zohidov.E. Xorazm fojiasi. –Toshkent. “O‘zbekiston”. 1992.

ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТГА БИР НАЗАР

Зебо САБИРОВА,
ЎзДЖТУ, Жаҳон адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий ўзбек шеърияти Фахриёр ижоди мисолида таҳлилга тортилиб, бугунги ўзбек шеъриятидаги мавзу ва ғоя, глобаллашув даври натижасида адабиётимизга кириб келаётган янгича шакл ва мазмун, янгиланган образнинг турфа хил кўринишлари ҳақида қисқача фикр юритилади.

Калит сўзлар: шеъриятда шакл ва мазмун, ғоя ифодаси, образлилик, давр шеърияти, глобаллашув, руҳий эҳтиёж.

Шеърни англаш, ғоясини тушуниш учун ўқувчидан чуқур тафаккур талаб қилинади. Бунда ижодкор ифодаламоқчи бўлган поэтик ғоя билан бадиий асар контекстида китобхон идрок қилаётган ғоя ҳам борки, унда албатта, китобхоннинг савияси муҳим аҳамият касб этади. “Маълумки, шоир учун кўнгилдагини қоғозга тўкиш, ўйлаганини айтиш нафас олмоқ каби табиий бир эҳтиёж. Бироқ бошқа томони, шоир табиати билан боғлиқ бу эҳтиёж билан бирга унинг қондирилишига монелик қилувчи омиллар (маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий) ҳам ҳамиша мавжуд. Айни ҳол эҳтиёжни қондириш йўлини излашга ундайди, буни ижодий-руҳий заруратга айлантиради. Яъни, ижодий-руҳий зарурат ва ижтимоий шарт-шароитлар келтириб чиқарган турли тўсиқлар орасидаги зиддият шоирнинг аналогиялар асосида, рамз ва метафоралар воситасида фикрлашга туртки беради“.[У.Ҳамдам.6.240]

Фахриёр шеъриятида инсониятнинг мавжуд тарихини инобатга олган ҳолда қадриятларни шеърга сингдиришга қаратади. “Рапсодия” шеърида эса бевосида халқ қўшиқлари оҳангида лирик қаҳрамоннинг умидини гавдалантиради.

умидни боғлайман тушларга
ҳушларга
қушларга
боғлангиси келмас умиднинг
арқонини узиб қочади
минилмаган асов от мисли
(Фахриёр. “Излам”. 193 бет.)

“Рапсодия” юнончада “эпик қўшиқ” деган маънони беради. Халқ достлнларидаги сажъ, яъни насрдаги қофия тарзида ёзилган ушбу шеърда сажъдан унумли фойдаланилган.

умидни туймоққа чоғлайман
суймоққа чоғлайман
куймоққа чоғлайман

чоғлангиси келмас умиднинг
ёлғиз қолган ҳуркак оҳудай
армонларга қўшилар бориб

Биринчи банддаги тушларга, ҳушларга, қушларга сўзлари, иккинчи банддаги туймоққа, куймоққа, суймоққа каби сўзларнинг қофияланиши достонлардаги насрий қофияланишни эслатади. Лирик қаҳрамон умидлангиси келгани сари ундан айро тушаверади. Умид эса, табиий, армонга дўниб бораверади.

дирдов отдай ҳорийди
кундан-кунга қарийди
дард мисоли арийди умид
роғлангиси келмас умиднинг
ўнг келмаган шўрлик ёҳудай
не кўргулик не бало дориб

(Фахриёр. “Излам”. 193 бет.)

Шеър шу шаклда якунланади. Умидини ҳоритган, қаритган лирик қаҳрамон охири умиддан ҳам умидини узади. Шоирнинг ижодий нияти лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ёлғизлигини чуқур ҳис қилган ҳолда ифодалайди, “фикр ва хаёлнинг самарадор бўлиши учун ижодкорда муайян ижодий ният, изчил концепция бўлиши керак. Ижодий ният эса у ёки бу даражада ўзгаришларга учраган мақсаддан иборатдир”. [Б.Саримсоқов.5.86]

Шоир Абдулла Шернинг “Сонет сирлари” мавзусидаги кўламдор мақоласини ҳисобга олмаганда, адабиётшуносликда сонетнинг жанрий белгилари, бадиияти махсус тадқиқ этилмаган. Аммо сонет хусусида анча батафсил фикр билдирилган бу мақоладаги бир жиҳат эътирозлидир: “Сонетда мазмун –моҳият шакл ҳодисасига бўйсундирилади, шакл мазмун устидан ҳукмронлик қилади, қофиялар эркин бўлолмайди”. [А.Шер.1.4] Шаклнинг мазмундан устунлиги ҳақидаги бу фикр адабий асарларда мазмуннинг ҳал қилувчилик мавқеи тўғрисидаги жаҳон эстетикасидаги аллақачон эътироф этилган хулосага зиддир. Иккинчидан, сонет бизга четдан кириб келган жанр эканлиги боис, унинг структурасига қисман миллий унсурларнинг қўшилиши мумкин. Муҳими шундаки, ҳозирги шеъриятимизда унинг ҳар жиҳатдан етук, миллий анъаналар билан бойитилган намуналари анчагина [Н.Жуманиёзова.3.85]. Усмон Носир бошлаб берган, Рамз Бобожон, Рауф Парфи, Барот Бойқобилов, Эргаш Муҳаммад муваффақиятли давом эттирган бу жанрда бугунги кунда Матназар Абдулҳаким, Фахриёр Мирпўлат Мирзо ҳам қалам тебратмоқда. Матназар Абдулҳаким сонетларини Рауф Парфининг фалсафий-ижтимоий ва ишқий йўналишдаги сонетлар туркумларидан (“Мунажжим”, “Барнобону”, “Микеланжело севгиси”, “Дилоромнинг кўзлари”, “Муҳаббат”, “Она Туркистон” ва бошқалар) кейинги жиддий ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

Фахриёрнинг “Кўзёш сояси” сарлавҳасидаги туркуми шеърлар сонетлардан ташкил топган бўлиб, 1 ва 2-банд тўрт мисра (катрен - тезис) абаб, сдсд тарзида, 2 ва 4-банд (терсет-синтез) вгв, дгд тартибда

қофияланган, жами олти қисм, ўн иккита сонетдан иборат. Матн позициясини юқори ифодаловчи воситалардан саналган сарлавҳа ва эпиграфда ҳис, кечинмаларнинг қуюқлаштирилган маъно қирралари очиб берилган. Туркумга “Мен суйган кўнгилга ҳеч озор берманг” (М.А) эпиграфи қўйилган. Эпиграф туркум моҳиятини очиш ҳамда лирик қаҳрамон кечинмаларини англашинарли ифодаланишига хизмат қилган.

Тематик композиция ўзагини ташкил қилган лирик кечинма, ҳис-туйғуни образлаштириш орқали маъно янада чуқурлашган.

Томиб бўлган кўзёшларингнинг –
сояси муаллақ. Инмайди.
Ниқтагин, сиқтагин, урун минг,
соя тўкилмайди, синмайди. (Фахриёр. “Ислам”. 18 бет.)

Лирик асарда воқеадан кўра кечинмларнинг ривожланиб, ўсиб бориши кузатилади. Лирик қаҳрамоннинг кўзёшларири томиб бўлгани билан уларнинг сояси – хотираси, дилга солган озоридан сира қутилиб бўлмайди. У бир нурсиз сояки, армон кўнгилда қотиб, унутилмагани янглиғ у ҳам унутилмайди. “Лирик асарнинг тематик композицияси уч асосий нуқтада: бошланма, ўй-фикр ва ҳис-кечинмалар ривожи ҳамда якунланмада [Д.Қуранов.4.225] гўзал ифодаланади.

Фахриёр ижодида қофияланишнинг ўзгача талқинларини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан:

Топиб беролмаслик севгига қисмат :
на сенлана олди у, на менлана.
На манфийланди у ва на у мусбат-
ланди, на бўйланди ва на энланди**.**

(Фахриёр. Ислам, 33-бет.)

Шеърда биринчи сатрда келган “қисмат” сўзига қофия сифатида танланган учинчи қатордаги “мусбат” сўзининг ўзак қисми қофия сифатида қолдирилиб, қўшимчалари эса кейинги қаторга бўлиб ўтказилган. Бу билан қаторларни ташкил этувчи бўғинлар сони тенглашиб, қофия ҳолати ҳам сақланган.

Шу ўринда шоирнинг шеърлаи сарлавҳасига ҳам бар назар солсак: “Кўзёш сояси”, “Хокистар хок истар”, “Геометрик баҳор”, “Уятчан кўклам”, “Пичоқ кўланкаси”, “Хонтахта шеър”, “Имло луғати”дай ёлғизлик”, “Вақтсизлик” каби бир ўқишда ўзига тортадиган, чуқур маъно касб этган образли ифодалаш; “Рондел-1 (-2,-3.)”, “Вариациялар”, “Black and White”, “Et setere”, “Ракурс”, “Элэгиялар” каби бошқа тил сўзлари ва терминлари билан номлаш; “Қантар”, “Хонтахта шивири”, “Ҳайит”, “Кампир сандиғида”, “Қайрағоч” сингари миллийлигимизга ишора қиладиган шеърлар мавжуд.

Бугунги инсоннинг виртуал оламдаги ҳаёти шоирнинг “Onlie ҳаёт” номли шеърига кўчган. Шеър шундай бошланди:

Бойлик керак эмас бу қизга
like йиғади ижт. тармоқларда.
Like санайди, яна like излар

бир – бир букиб бармоқларини.

(Фахриёр. “Излам”. 232 бет.)

“like” сўзи инглиз тилидан таржима қилганда сифат бўлса, – ўхшаш, бир хил айнан, от бўлса, – айнан ўхшаш киши ёки нарса, феъл бўлса, – ёқтирмоқ, туймоқ, истамоқ, хоҳламоқ, олд кўмакчи бўлса, - ўхшайдигандек, одатдагидек каби маъноларни беради. Демак, лирик қаҳрамонга дунёқараши ўзидек бўлган киши керак. Унинг кимлиги ва қаерданлигининг аҳамияти йўқ. Шеърда лирик қаҳрамон “like”ларга шунча ташнаки, уларни на ер, на кўкка ишонмасдан сндиққа жойлайди. Агар улар орасидан “dislike” (dislike - ёқтирмаслик, хушкўрмаслик, ёмон кўриш) лар чиқиб қолса, улардан тезроқ қутилиш чораси кўрилади. Бутун дунёни тўплаб, мобил алоқага жойлаганлиги ва одамзод усиз энди яшай олмаётганлиги жуда гўзал ифодаланади.

Кун келар бир “like”ни танлар қиз,
Никоҳ ўқиттирар ўшанга.
Тўй virtual бўлади сўзсиз,
Бирор website бўлар гўшанга.
Урфдан чиқиб кетди гиламлар,
Like-дан бола кўради аёл.
Дам бу дамдир – online дамлар,
Омон бўлсин virtual ҳаёт.

(Фахриёр. “Излам”. 233 бет)

“Шеър – номаълумликка таниш ишора берадиган, номаълумликни ўқиганнинг кўнглида давом эттириб, фақат унинг ўзигагина мужда нарсаларни очишга туртки, мухлиснинг кўнглидаги унинг ўзи учун янги фикр. Шу маънода, бир шеърдаги муҳаббат – бу минг муҳаббат, минг одам ўқиса, шунча муҳаббат туйғуси. Лекин маъно таниш бўлса-да, яна тўлиғича айтилса, бу атиги бир шеър, холос”.[А.Аъзам.2.5]

Шеърий тафаккур моҳиятига назар соладиган бўлсак, у ижодкор томонидан қайта идрок этилади, сўз орқали турли маъно товланишлари касб этади, юксалади. Бадиий контекстда сўз образга айланар экан, унинг кўчма маънолари, сўзнинг сўз билан ўзаро муносабати орқали ўзгача қиёфа касб этади. Поэтик образ тараққиётини кузатсангиз, у ўзида ижтимоий тараққиёт босқичлари, маънавий-адабий, руҳоний тафаккур эҳтиёжлари билан уйғунликка киришади. Фахриёр ижодида ҳам айни анъанавий ҳамда поетик образлар, замонавий талқинлар билан бадиий-эстетик тафаккур маҳсули сифатида шоирнинг поэтик ғоясини, эмотсиясини шеърхонга гўзал ифодаларда этказиб бера олган. Бу эса шоирнинг истиқлол даври ўзбек шеъриятини образ турфалиги билан бойитиб, поэтик образнинг инсон ва воқеликни бадиий ўзлаштиришга кўмак бера олганлигидан далолатдир.

Фойдалаилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Шер. Сонет сирлари.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 23 октябр.

2. Аҳмад Аъзам. Сўз боши. Фахриёр. Аёлғу. – Т: Шарқ, 2000. Б 5.
3. Жуманиёзова Н. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида услубий йўналишлар//дисс. Тошкент. 2009. 85 бет.
4. Қуронов Д. Адабиётшунослик назарияси асослари. 225 бет
5. Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент: Фан, 2004. Б. 86.
6. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти: Илмий мақолалар. – Тошкент: Адиб, 2012. Б. 240

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНЛАР

Гулбаҳор ЭРНАЗАРОВА,
Шароф Рашидов номидаги
Самарқанд давлат университети ассистенти

Аннотатция: Ҳозирги ўзбек шеъриятида воқеликни поэтик идрок этишда тасаввуфий оҳанглар – рамзлар, символик образлар, риндона қарашлар, оламни ва одамни бутун мараккабликлари ва зиддиятлари билан фалсафий талқин ҳозирги ўзбек шеърияти поэтикасида мустаҳкам қарор топа бошлади. Масалага ушбу мақолада, ҳозирги ўзбек шеъриятида тасаввуфий тимсоллар ифодаси ҳақидаги қарашлар асосида эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: тасаввуф, бадиий тафаккур, фалсафий тафаккур, тасаввуф анъаналари, руҳий камолот, поэтик услуб.

Тасаввуфшуносликка оид илмий мақолаларда, монографик тадқиқотларда тасаввуф дунёдаги турли халқларнинг ижтимоий, фалсафий, бадиий тафаккуридан кенг ўрин эгаллаган ва кўп тармоқли мураккаб таълимот эканлиги таъкидланади. Жумладан, профессор Нажмиддин Комилов шундай ёзади: “…тасаввуф бирор-бир фалсафий тизим ўрнини эгаллашга даъво қилган эмас. У бир томондан диний, иккинчи томондан, фалсафий-ирфоний қарашлардан озиқланган ўзига хос таълимот ва ахлоқий уставлар мажмуидир” [Комилов Н. 1:9]. Чиндан ҳам тасаввуф Шарқ фалсафий тафаккурида муҳим ўрин эгаллаганлиги, маънавиятимизни бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган эзгу ғоялар ва гўзал ҳикматлар силсиласи, тасаввуф таълимоти турли хил ирмоқлар ва дарёлар қўшилувидан юзага келган катта бир уммон.

Жумладан, профессор Нажмиддин Комилов юқорида эслатилган асарида Аттор фалсафаси хусусида фикр юритиб, Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеърига муносабат билдириб ўтади. Иброҳим Ҳаққул Ғафур Ғулом тўғрисидаги мақоласида унинг ижодини Шарқ шеърияти, жумладан, Бедил

ижоди билан қиёслаб ўрганиш зарурлигига эътибор қаратади [Ҳаққулов И. 6:18-23].

Адабиётшунос Дилором Салоҳий “Тасаввуф ва бадиий ижод” ўқув қўлланмасида Абдували Қутбиддин ижодига тасаввуф нуқтаи назаридан эътибор қаратади. Жумладан, қуйидагиларни алоҳида қайд этади: “Абдували Қутбиддин ҳам мумтоз шеъриятимизнинг мумтоз бадиий тимсолларига бевосита мурожаат этади. Чунки мумтоз шеъриятимиз буюгида ҳам, кичигида ҳам асл – бир, моҳият – бир, талаб – бир, эҳтиёж – бир. Худди шунингдек, “жанона” ҳам бир, “майхона” ҳам бир. Буюк Навоий “жанона”си – Ҳақ таоло васли, “май”и эса шу васлга етказувчи ишқ...” [Салоҳий Д. 4:161].

Профессор Ш.Ҳасановнинг “Достон таркиби ва табиати” монографиясида ҳозирги шеъриятда, хусусан, Асқар Маҳкам ва Абдували Қутбиддин шеърлари ҳамда достонларида тасаввуф анъаналарига издошлик кузатилаётганлиги масаласига тўхталган [Ҳасанов Ш. 8:230].

Салкам бир асрлик атеизм ҳукмронлиги даврида асрлар давомида адабиётга илҳом бахш этган тасаввуф ғоялари, мавзуларини куйлаш имконсиз эди. XX аср адабиётида учрайдиган “руҳ”, “нафс”, “ишқ”, “маърифат”, “ҳақиқат”, “комиллик” каломларини совет воқелиги адабий истеъмолга киритмаган, бу анъанавий мотивлар мумтоз шеъриятдан кўчган эди. Бироқ замонавий адабиётда уларнинг маъно кўлами торайганлиги сезилади. Чунончи, “руҳ” тасаввуфдагидек мутлақ руҳ маъносида эмас, балки муайян инсоннинг руҳи маъносида, “ишқ” – илоҳий ишқ маъносидамас, заминий, авом севгиси маъносида, “комиллик” баркамоллик маъносида қўлланадиган ва талқин этиладиган бўлди. Боиси диний эътиқоду эркинликни чеклаб қўйган атеистик тузумда тасаввуф ва у билан боғлиқ тушунчалар ҳақида ҳам ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмасди. Буни янада аниқроқ ва конкретроқ тушуниш учун, энг аввало, тасаввуф ва соцреализм методологиясига эътибор қаратиш зарур. Ҳар икки адабий йўналишнинг адабиёт, умуман, санъат асари олдига қўйган талаблари масаланинг моҳиятини аниқлаштиради. Мумтоз адабиётда асосий масала нафсга қарши жиҳод ва шу жараёнда руҳни поклаб бориш, руҳий камолотга интилиш билан боғлиқ бўлса, соцреализм адабиёти синфлар курашига, “воқелик”ни революцион тараққиётда кўрсатишга асосланган эди. Соддароқ қилиб айтганда, тарозининг икки палласига идеализм ва материализм қўйилган эди. Бири илоҳиётга интилса, иккинчиси шафақатсиз реализмга интиларди.

Тасаввуфшунослар Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққуллар ҳозирги ғарб фалсафасида кўринадиган психологик билимлар мажмуи, яъни психонализ, паропсихология, экзистенциолизм кўп жиҳатлари билан ориф сўфийлар ҳамда Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий фикрларини эслатишини уқтиришади.

XX аср ўзбек шоирлари ижодини кузатадиган бўлсак, тасаввуфий ғоялар, тушунчалар, талқинлар баъзан англанган, баъзан англанмаган, гоҳ онгли, гоҳ стихияли равишда ўзлигини намоён этиб турди. Бизнинг

диссертациямиз объекти қилиб олинган шоирлар тариқат йўлини босиб ўтмаганлар. Бизда бундай маълумотлар йўқ. Бу масалада конкрет фикр юритиш учун, аввало, мазкур шоирлар ижоди ва шахсиятини биографик метод тамойиллари асосида ўрганиб чиқиш лозим. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шеърларида тасаввуфий қарашлар акс этган ижодкорларнинг барчаси ҳам тариқат босқичларини босиб ўтишмаган. Иброҳим Ҳаққулнинг “Тасаввуф ва Бобур шеърияти” мақоласида бу борада атрофлича фикр юритилган [Ҳаққулов И. 5:162-173].

Истиқлол шарофати туфайли миллий, диний, эътиқод ва эркинликларга кенг йўл очилди. Бу эса ўз навбатида ҳозирги шеъриятда тасаввуфий анъаналар ҳамда оҳангларнинг асосини кучайтирди. Бу ўринда Йўлдош Эшбек ҳамда Мирзо Кенжабекдан бошлаб Ҳалима Аҳмедова, Абдувоҳид Ҳайитгача бўлган ўнлаб номларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳамиша ҳам тиниш белгиларга амал қилмаслик, сатрбошининг кўпинча кичик ҳарфлар – белгилар билан гўёки юқоридаги мисранинг давомидек ёзилиши, бармоқнинг қўшма вазнларини қўллаш, эркин вазнга хос зинапоя шаклини бармоқ вазни билан уйғунлаштиришга ҳаракат, оч қофиянинг такрорланиб туриши, оҳангдорликнинг интонация асосида юзага келтириш каби қатор аломатлар анъанавий ўзбек шеърияти учун янгилик эди.

Асқар Маҳкамнинг “Ишқ” достонида бу аломатларнинг деярли барчасини кўриш баробарида мумтоз моҳият ўзининг поэтик ифодасини топган. Асарда тасаввуфнинг илк даврларида шаклланган зоҳидларнинг нуқтаи назари устиворлиги сезилади. Лирик қаҳрамон ўзи яшаб турган реал воқеликка зоҳидлар, дарвешлар нигоҳи билан қарайди ҳамда қатор маънавий-аҳлоқий муаммоларни бутун мураккаблигу зиддиятлари билан қамраб олишга интилади. Достоннинг “Ишқ” аталиши ҳам бежиз эмас, асарда бу калиманинг илоҳий ишқ билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратилади.

… Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ сармояси
сармояси
сармояси
Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ ҳамсояси
ҳамсояси
ҳамсояси
Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ остонаси
остонаси
остонаси
Деди Гадо – Ўлим бу – Ишқ ҳамхонаси... [Маҳкам А. 2:316].

“Ишқ” достонидан олинган бу шеърий парчадан лирик қаҳрамоннинг оламни идрок ва ифода этиш тарзи, тасаввуфий-фалсафий дунёқараши англашилиб турибди. Унинг “Ўлим” ва “Ишқ” тушунчаларига муносабатидан салафлари – тасаввуф пирларининг айни масалаларни талқин этишларига яқинлик ва ҳамоҳангликни илғаш қийин эмас.

Ишқ тушунчасини бундай талқин қилиш замонавий адабиётимизда янгилик эди, чунки биз тасаввуфий ишқ, ҳажр тушунчаларидан йироқлашган

эдик. Замонавий шеъриятимизнинг асл ўзанларидаги анъана ва тушунчаларга қайтиши, муайян масалаларни талқин этишдаги издошлик осон ва силлиқ кечмаган.

Тасаввуф моҳият эътибори билан фалсафага яқин ва улар тарихий тараққиёт жараёнида янада яхлитлик касб этган. Кўпинча бу икки атаманинг биргаликда қўлланилиши шундан. Олам ва одамни ўрганишда тасаввуфда кўпроқ руҳий изланиш йўлларидан борса, фалсафада ақлий ёндошув устивор. Шунинг учун поэтик услуби ўзагида фалсафий фикрлаш тарзи кўзга ташланадиган шоирлар ижодида тасаввуфий оҳанг ва анъаналарни учратиш мумкин. Жумладан, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов шеъриятида бунга кўп мисоллар учрайди.

– Нега қаддинг эгик, нега бошинг хом,
Нега нигоҳингни тортади тупроқ?
– Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ [Орипов А. 3:18-285].

Бугунги кунда эътибордан соқит бўлган, ҳеч ким шуғулланмай қўйган инсон қалби тарбияси тасаввуф илмининг таянч масаласи бўлиб келган. Илми ҳол вакиллари яралишдан инсон табиати учун хос бўлган нафс, кибр, ҳасад, ёлғон ва ғийбатга мойиллик каби қатор салбий иллатлар инсонни таназзулга етаклайдиган майда ҳою ҳаваслардан қутулиш йўлларини ахтаришган.

“Шарқ адабиётида, жумладан туркий адабиётда асрлардан асрларга, ижодкор аждодлардан авлодларга ўтиб келган тасаввуфий анъаналар бўлган. Бу тасаввуфдаги адабиёт эмас, балки адабиётдаги тасаввуф. Яъни бадиий ижод “корхона”сида ишланган, сайқалланган ғоя ва тимсоллар, ҳаёт ва тириклик руҳи сингдирилган тасаввуфий ғоя ва тимсоллардир. Шу маънода ва ушбу анъана таъсирида ҳозирги адабиётимизда қайсидир шаклда тасаввуф ўз аксини кўрсатиши мумкин”, [Ҳаққулов И. 7:116] – деб ёзади Иброҳим Ҳаққул.

Хуллас, янги давр ўзбек шеъриятида воқеликни поэтик идрок этишда тасаввуфий оҳанглар – рамзлар, символик образлар, риндона қарашлар, оламни ва одамни бутун мараккабликлари ва зиддиятлари билан фалсафий талқин этишлар, сўфийларнинг ҳикматлари, ибратлари, лутфлари, муборак номлари, аъмоллари қолаверса, имо-ишоралар тилида яшаб қолди, ҳозирги шеърияти поэтикасида мустаҳкам қарор топди.

Адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёти. 1993. – Б. 208.
2. Маҳкам А. Ҳақ. Душанбе “Адаб”, 1998. – Б. 514.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Т.: SHARQ. 2019. – Б. 784.

4. Салоҳий Д. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2018. 161-162-бетлар.
5. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент, Ғафур Ғулом нашриёти. 1991. – Б. 184.
6. Ҳаққул И. Шарқ мумтоз адабиёти ва Ғафар Ғулом ижодиёти// Ўзбек тили ва адабиёти. 2018, № 3. 18-23-бетлар.
7. Ҳаққул И. Эътиқод ва ижод. Т.: Фан, 2007. – Б. 116.
8. Ҳасанов Ш. Достон таркиби ва табиати. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. –Б. 230.

QOG‘OZGA TO‘KILGAN QALB TUG‘YONLARI

Muyiba OTAMURATOVA,
Urganch davlat universiteti o‘qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada zamonaviy o‘zbek she’riyatida o‘zining betakror asarlari bilan kitobxonlar qalbidan joy olgan shoira Halima Ahmedova ijodining o‘ziga xos qirralari tahlil qilinadi. Shoira asarlarida qalamga olingan shaxs ruhiyati va insoniy tuyg‘ular talqini aks ettiriladi.
Kalit so‘zlar: Ijod, uslub, badiiyat, obraz, tashbeh, tasvir, ruhiyat.

Zamonaviy o‘zbek she’riyatida o‘z so‘zi va uslubiga ega bo‘lgan ijodkorlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Ularning asarlarida inson qalbi nihoyatda teranlik va mohirlik bilan tasvirlangan. Ana shunday ijodkorlardan biri shoira Halima Ahmedovadir. Uning ijod namunalarida eng ko‘p qalamga olinadigan tushuncha bu – insoniyatga xos ko‘ngil kechinmalaridir. Shoiraning ushbu mavzuni yoritgan she’rlari shaxs ruhiyatiga haqqoniy chizgilar berishi bilan ahamiyatlidir.

“Tiriklik – dunyodan tilangan –
Anduhdir, yetilur intiho
Rayhonlar nafasi Vatandur –
Yashaymiz u dunyo, bu dunyo
Ketaylik…” [Ahmedova H. 1: 74]

Yuqorida ta’kidlangan misralar Halima Ahmedovaning “Tashbeh” to‘plamidan olingan bo‘lib, ushbu asarda shoira ijodining eng go‘zal va yorqin namunalari jamlangan. Uning she’riyati chindan betakror tashbehlarga yo‘g‘rilgan. Shoiraning yozganlarida so‘zlar o‘z shaklini unutib jonli hayotga aylanganday tuyuladi. Shoira go‘yo tiriklikni dunyodan tilab olingan anduh kabi ta’riflaydi va bu anduhlar faqat inson intihosidagina yakun topishiga ishora qiladi. Insonga boqiy tiriklik, uning ruhiga mangu uyg‘oqlik baxsh etish uchun muhabbat atalamish bebaho ne’mat yaratilgan. Bu ilohiy yaratiq insonlarning bir-birining qalbida abadiy yashamog‘iga xizmat qiladi. Mazkur she’rda o‘z yorini rayhonlar nafasida

vatan tutib, ikki olam aro ko‘ngil amri ila hur va baxtiyor yashamoqqa chorlayotgan oshiq iltijosi aks ettirilgan. Shoira lirik qahramon tilidan so‘zlar ekan, uning timsolida o‘z qalbini-da namoyon etadi. “Badiiy adabiyotda har bir ijodkor muhabbatning betakror suvratini o‘z hislar mo‘yqalamida chizadi. Shu tariqa yorga bo‘lgan ulkan sevgining, ishqning nomasi dunyoga keladi. Bu muhabbatnoma aniq bir shaxsga atalgan bo‘lib, uning markazida o‘sha shaxs – inson turadi. Bu an’ana necha avlod so‘z san’atkorlari ijodining asosiy xususiyatlaridan bo‘lib keldi”. [Jumaboyeva J. 2:293]

“Men sevdim…
Jonimga o‘t qo‘yib sevdim,
Qayg‘u tuprog‘ini men osmon etdim.
Dilbar titroqlarning xarobatida
Yetsam faqat boshimga yetdim”. [Ahmedova H. 1: 85]

Ushbu she’r ham xuddi oldingisi kabi kuchli dard va yuqori pafos asosiga qurilgan. Suyib – joniga o‘t qo‘yib, qayg‘u tuprog‘ining qadrini muhabbat qudrati ila osmon etgan ijodkorning lirik qahramoni dilbar titroqlarning xarobatida visolga emas, faqat o‘z boshiga yetganidan zarracha o‘kinmaydi. Zero, inson qalbida muhabbat tuyg‘usi bo‘lmog‘ining o‘zi sharafdir.

“Ketasan…
Qismat – ikkimizga ochilmagan fol,
Men-da bir orzuman, sen-da bir xayol,
Sir bermay kuladi tun – sohibjamol”. [Ahmedova H. 1: 87]

Shoiraning “Ketasan” sarlavhali she’ri boshidan oxiriga qadar noyob tashbehlar bilan to‘yinganligi diqqatga sazovor. Ilk misralardanoq ko‘z oldimizda bizni tark etayotgan qadrdon chexralar qiyofasi qayta jonlanadi. Qismat yozg‘iti biz uchun ochilmagan fol, biz o‘z taqdirimizni oldindan ko‘ra bilmasligimiz ayon. Shoira orzuga to‘la qalbini “men-da bir orzuman” deya chuqur entikish bilan ta’riflasa, ikkinchi o‘rinda o‘zini tark etayotgan insonni bir xayolga – ko‘ngli talpinuvchi ro‘yoga qiyoslaydi. O‘z bag‘riga jamiki sirlarni, sukunat-u zulmatni jo qilgan sadoqatli tunni esa sohibjamolga tashbeh etadi.

“Ketasan…
Olislar – o‘qilmay yoqilgan kitob,
Jonim – gunohimga asralgan javob.
Qayga botib ketdi men sevgan oftob?” [Ahmedova H. 1: 87]

Mazkur bandda ijodkor “Olislar – o‘qilmay yoqilmay kitob” poetik ifodasida ikki xil ma’noni: o‘z qadrdoni bosh olib ketgan nigohlar va qadamlar yetmas olis manzillar va birga umrguzaronlik qilish mumkin bo‘lgan yorug‘ kelajak ma’nosini umumlashtiradi va o‘qilmay yoqilgan kitobga qiyoslaydi. Chunki bosh olib ketgan insonning manzilini izlash endi befoyda, qadrdoningsiz yorug‘ kelajak esa faqat yolg‘izlikka yo‘l… Jon – gunohlar evaziga asralgan javob, lirik qahramon jon qadar sevgan oftob – orzular quyoshi allaqachon botgan. Bu quyoshning qayta porlamog‘i amrimaholdir. She’rda ifodalangan umidsizlik va o‘kinch go‘zal muhabbatning ayriliq qo‘shig‘ini eslatadi. Bu iztirob banddan-bandga chuqurlashib boradi.

“Ketasan…
Bulutlar – osmonda lahzalik qabr,
Bo‘g‘zimda kuyar so‘z – ming yillik asir.
Izlaring jimgina yuvadi yomg‘ir.
Ketasan… [Ahmedova H. 1: 87]

Misralar ko‘z oldimizda borliqning lirik qahramon tasvirlagan shaxsning ketishi tufayli tobora rangsizlanib, o‘z go‘zalligini sirli mavhumlikka cho‘ktirayotganini akslantiradi. Bulutlarni samo sathida turli shakllarda, xayoliy suratlarda jonlantirmagan inson bo‘lmasa kerak. Bu tabiatning buyuk go‘zalligiga havaslanib boqamiz. Ammo lirik qahramon sevgan yorning ketishi uing xayolotini-da qorong‘ulikka chulg‘aydi. Endi bu musaffo bulut to‘plari – lahzalik qabrlarni yodga soladi. Ushbu navatorona tashbeh bizning tasavvurimizni tamoman o‘zga yo‘singa burib yuboradi. “Qol” deyishga chog‘langan til ojiz, ayol bo‘g‘zida asir bo‘lgan so‘z kuyishga mahkum. Hammasi tugaydi, yomg‘ir ketgan odamning izlarini jimgina yuvmoqda. Ayriliq oxirida hech narsa o‘zgarmagan kabi hayot o‘z yo‘sinida sokin davom etadi. Shoira inson taqdirida fojeiylikka sabab bo‘luvchi hodislarning boshqa shaxslarga va voqealarga umuman ta’sir o‘tkazmasligi, bir shaxsning fojeasi aslida jamiyat fojeasi bo‘lsa-da, atrofda befarqlik avj olayotganini, ko‘ngillar bir-birini anglashga qodir emasligini “yomg‘ir” obrazi orqali ko‘rsatadi. Har bandning boshida takrorlanayotgan “ketasan”| so‘zi she’rga yanada chuqur mazmun va kuchli ohangdorlik bag‘ishlaydi. Bu she’r iztirobning qog‘ozdagi so‘zli suratidir.

She’riyat – ruh erkinligi. Inson ruhining sarhadsiz kengliklarga sayridan go‘zal ijod namunalari yaraladi. Bu hurlik va cheksizlik badiiy ijod olamiga sirli safarni yuzaga keltiradi. Shoirlar o‘z asarlarida o‘z qalblarini qayta kashf etib, sharhlab boradilar. Bunga misol sifatida Halima Ahmedovaning quyidagi she’rini keltirishimiz mumkin.

“Garchi mag‘rur edim nochorlik aro
G‘anim qurshaganda o‘ng-u so‘limni.
Umrimni ko‘tarding yelkangda, Hayot,
Nega ko‘tarmading mening ko‘nglimni?!”
[Ahmedova H. 1: 150]

Shoira qismat bitgan nochorlik va dilgirlik ichra o‘zini yo‘qotmay, g‘animlar qurshovida boshini baland ko‘tarib yashayotgan mag‘rur ayol qiyofasini jonlantiradi. Hayotga murojaat qilar ekan, uning butun umrini o‘zida mujassamlashtirib, yelkasida ko‘targan hayot nega ko‘nglini ko‘tarmaganligini anglashga urinadi. Ma’lumki, ijodkorlar eng nozik qalb egalaridir. Ayollar-da xuddi shunday. Bu ikki hilqat bir jismga jo bo‘lsa, ushbu noziklik yanada titroqli, yanada jozibali tus oladi. Yuqoridagi she’r – dardchil ko‘ngilning so‘rog‘i –ayol yuragining titrog‘idir.

Halima Ahmedova she’riyati bedor qalbning orombaxsh allalari kabi ruhimizni erkalaydi. Shoiraning asarlarini mutolaa qilar ekanmiz, o‘zimizga, o‘zligimizga teranroq nazar tashlaymiz. Umuminsoniy dard tushunchasini, uyg‘oqlikni anglaymiz. Ruhimizda yengillik va shifo tuyamiz. Shoira o‘z dardi

bilan bizning dardimizga davo bo‘ladi. Uning kechmishlari yuragimizga siyoh kabi, qon kabi, yosh kabi tomchilaydi. Bizni umumiylik – go‘zal qayg‘ular qayg‘udoshligi bog‘laydi. Shu bois, Halima Ahmedovaning she’rlari oddiy satrlar emas, balki qog‘ozga to‘kilgan qalb tug‘onlaridir!

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ahmedova H. Tashbeh. – T: “Akademnashr”, 2017. 270 b.
2. Jumaboyeva J. XX asr o‘zbek she’riyatida psixologik tasvir mahorati. – T: “Fan”, 2004. 336 b.
3. Rahimjonov N. Mustaqillik davri o‘zbek she’riyati. – T: “Fan”, 2007. 260 b.

ЖАДИД АДАБИЁТИ ВА ҒОЗИ ЮНУС

Муслимбек АЛИЖОНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи
катта илмий ҳодими

Аннотация: Ушбу мақолада жадидчилик ҳаракатининг вакилларидан бири Ғози Юнуснинг XX аср жадид адабиётида тутган ўрни унинг шеърий мероси асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ғози Юнус, Туркистон, Турон, жадидчилик, Абдурауф Фитрат, Абдулолоҳ Шоший.

Марказий Осиёнинг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихи ўзининг мураккаб ва қарама-қаршилик жараёнларига тўлалиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса ушбу асрларда юзага келган, шаклланган ва 1917 йилга келиб назарий ва амалий жиҳатдан кучли сиёсий ҳаракатга айланган жадид (جديد) чилик ҳаракати ва ушбу ҳаракат номоёндаларининг фаолиятини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Жадидчилик ҳаракатининг деярли барча вакиллари Туркистон халқларининг онг ва тафаккурини янгилаш ва юксалтириш учун адабиётдан моҳирона тарзда фойдаланган, адабиётга миллатнинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи энг муҳим восита сифатида эътибор қаратган. Ғози Юнус ҳам (1887-1942) ўз шеърияти орқали Туркистоннинг азалий ва долзарб муаммоларини матбуот саҳифаларига олиб чиқди.

Жадид тараққийпарвари Ғози Юнуснинг (1887-1942) шеърияти ўзининг халқчиллиги, ўткир тил ва мазмун-моҳиятга эга бўлганлиги билан XX аср шеъриятидан тубдан фарқланиб туради. Ғози Юнус ўзининг даврий матбуот

саҳифаларида чоп этилган шеърлари орқали жамиятдаги ижтимоий сиёсий муаммоларни танқид қилиб, инсонларни ушбу муаммолар билан курашга даъват қилди. Адиб ўзининг “Эски мактаблар ҳақинда”, “Қаламға хитоб”, “Порахўр тилидан”, “Бўлсам эди”, “Поездда кўр”, “Бир мунофиқ тилидан”, “Топар чўпчаклар”, “Ёш савдогар тилидан”, “Устолпарастлик маслаги” ва бошқа шу каби кўплаб шеърлари орқали жамиятдаги ижтимоий сиёсий муаммоларни базан аччиқ тил воситасида танқид қилди, базан эса ҳажв остига олди. Шу манода шоир, адиб, публицист ва моҳир драматург Ғози Юнус шеъриятини таҳлил қилиш, ХХ аср бошида Туркистондаги ижтимоий сиёсий ҳолатни очиб бериш борасида долзарб аҳамият касб этади.

Ғози Юнуснинг шеъриятидаги мавзулар хилма ҳил шаклга эга бўлиб, унда ХХ аср бошида Туркистондаги ижтимоий сиёсий муаммоларнинг деярли барча жиҳатлари қамраб олинган. Адиб энг аввало тараққийпарвар шахс сифатида халқни илму маърифатга чақириб, жадидлар томонидан очилаётган янги усул мактабларида миллат болаларини ўқитишга даъват этди. Жумладан у ўзининг “Эски мактаблар ҳақинда” номли шеърида ушбу заруратни энг биринчи даражада ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири деб билди. Жумладан Ғози Юнус ушбу шеърида:

“Кўз очинг Турон эли, биз илмсиз помолмиз
Иш агар бу йўлда кетса не бўлур аҳволимиз
Янги мактаблар очилди бизга лозимдур ўқиш
Илм олсақ яхши бўлғай бизнинг ҳам афъолимиз” –

деб ёзди [Ғози Юнус. 4:2].

Гап шундаги ХХ аср бошларига келиб Туркистон ва Бухорода кўплаб жадид мактаблари очила бошлади. Бироқ бази бир маҳаллий мутаассиб диндор қатлам вакилларининг нотўғри ташвиқотлари сабаб халқ ўз болаларини янги мактабларга беришга шошилмади, аниқроғи қўрқди. Биргина Бухорода жадидчилик ҳаракатининг ниҳоятда қийинчилик билан ривожланганлигига мисолни Абдурауф Фитратнинг “Жоҳилона таассубға мисол” мақоласида кўришимиз мумкин. Фитрат ўзининг ушбу мақоласида ХХ аср бошидаги Бухоронинг усули жадидга бўлган муносабати очиқ ойдин тарзда ёзади ва ўтакетган мутаассиблик ва кўр кўрона қаршиликдан чуқур таассубга тушади. Фитрат ушбу мақоласида: “Бухоро шахрининг ўрамларийна ушбу мазмунда бир эълон ёпишдирилғон эди: “Янги чиқғон жадидлар, болаларимизнинг эътиқодларини бузарлар, мунлар ҳузурларида ҳеч ким боласини ўқутмасун, ўқуса шул кишини ўлдиражакмиз. Бошқа мамлакатларда бундай маноси, имлоси бузуқ, аҳмоқлиқ аломати бўлғон эълонлар, ёзувларнинг аҳамияти бўлмасада, Бухоро кабик ўрунда афкор умумияьнинг мундан мутаассир бўлуви мумкин. Шул сабабли бундай жоҳилона таассубға қаршу илтифот этмий қолув бизнинг учун мумкин эмас” деб қайд этди [Фитрат. 2:3].

Туркистонда ҳам Бухорода бўлгани каби жадид-қадим мунозаралари, хусусан жадидлар ва қадимчилар ўртасида янги усул мактаблари борасида бир-бирларига нисбатан душманона муҳит ҳукмрон эди. “Садойи Туркистон”

газетасининг 1914-йил 23-май кунги сонида чоп этилган “Жадид ва қадим недур?” мақоласи сўзимизга исбот бўла олади. Мақола муаллифи Абдуллоҳ аш-Шоший жадид ва қадим калималарида ҳеч қандай гуноҳ йўқлигини таъкидлаб, балки ҳақиқий гуноҳ “расмий қабиҳчамиз ила одати шаръийядадир” [Абдуллоҳ аш-Шоший.1:3]. Шу боисдан ҳам ўзаро иҳтилофларни тугатиб, икки томон ҳам бир-бирини энг аввало тушуниб олишлари лозим ва лобуддир. Шунингдек муаллиф мусулмонларнинг иккинчи манбаси бўлмиш ҳадисдан “Бинобарин Ҳазрати Имом Раббонийни мужаддиди соний дерлар. Яьни санойи ҳижрияьнинг иккинчи минггида динни жадид қилғувчи, ривожлантиргувчи ва нусрат юборгувчи дейиладир ва ҳам ҳадисда келибдурки, “Аллоҳ таоло ҳазрати юборур ва пайдо қилур ушбу уммат марҳаматининг нафи учун ва дини исломнинг ривожи ва тараққийси учун ҳар юз йил бошида мужаддид юборадур” мисолини келтириб, илоҳий моҳият ва диннинг ўзи жадидчиликни яьни ислоҳотчиликни талаб қилишини ёзади.

Ғози Юнус бу борада ўзининг қатъий позициясига эга бўлиб, у эски мактабларни ёпиш кераклигини таъкидлади ва янги мактаблар болаларни миллати инсоний этса, эски мактаблар эса ҳайвон сифатида тарбиялашларини ёзиб қаттиқ танқид қилди.

Ғози Юнус шеърий тарзда кўтариб чиққан яна бир XX аср бошларидаги Туркистоннинг муаммоси бу порахўрлик бўлиб, адиб ушбу иллатни халқни ҳаробликка олиб боргувчи энг ёмон жиноят эканлигини “Ёр ёр” куйига солган ҳолда ёзди ва матбуотда эълон қилди. “Мих” таҳаллуси остида ёзилган ушбу шеър порахўр тилидан айтилган бўлиб, биз унда виждонсиз, пул учун хар қандай қадрият ва виждонини сотишга тайёр бўлган манфур шахс қиёфасини кўрамиз. Порахўр ўзининг тилида порага таъриф берар экан, пора олиш сариёғдек ёқимли иш эканлигини, қолаверса бу иш жиноят ҳисобланмасдан аксинча инсонларга нисбатан кўрсатиладиган “кўмак”лигини айтади:

Сариғ ёғдек ёқимлидек пора олмоқ ёр ёр.
Қўл узатиб секин олиб ёнға солмоқ ёр ёр.
Пора олиш қандай яхши бел оғримай ёр ёр.
Менга деса бергувчилар қоқилиб ўлсин ёр ёр.
Мусулмонлиқ бир бирига “кўмак” бериш ёр ёр.
Пора олиш ҳеч айбмас “кўмак” эрур ёр ёр [Мих (Ғози Юнус). 3:2].

Шунингдек Ғози Юнус ушбу шеъри орқали Туркистондаги барча сохаларда каби хусусан темирйўл тизимларида ҳам порахўрлик авж олганига ишора қилади:

Пора берсак темирйўлда юриш осон ёр ёр.
Турсунбойға вагон ичра жой бўғувси ёр ёр.
Арзи додинг таъсир этгай узатганда ёр ёр.
Ҳар бир ишинг ишга ошқай чироғ ёқсанг ёр ёр.
Ёғламасанг ғилдираклар айланмағай ёр ёр.

Овоз қилмас минг чирангиз тар тараклар ёр ёр.

Ғози Юнус “Поездда кўр” шеърида эса маҳаллий халқни темирйўл транспортида очиқдан очиқ камситиш ҳоллари мавжудлигини танқид қилди. Муаллиф маҳаллий халқ поездда зулм, истибдоддан азият чекаётганлигини таъкидлаб:

Ерли халқнинг кўрмаган озорини пездда кўр!
Зулм, истибдод, ваҳшат қонини поездда кўр!
Бадбурушлиқ, қаҳри шиддат нарҳи арзон ҳаммадан,
Бадқовоқлиқнинг қизиқ бозорини поездда кўр!
Бирлашиш ўрнига душманлиқ билан қўполлиқ,
Элчилик, гиначилик асрорини поездда кўр!
Сенга пандим шул эрур чиқма поездға саллалик,
Бу узун тўн, салла оҳу зорини поездда кўр!” –

деб ёзди [Нус (Ғози Юнус). 6:13].

Ҳақиқатдан ҳам Туркистондаги XX аср бошларидаги ижтимоий сиёсий аҳвол миллий айирмачилик устига қурилган ва бундан маҳаллий халқ қаттиқ азият чеккан. Далилларга юзлансак. 1919 йилдаги шароит тақозоси бўйича Тошкентдаги Озиқ овқат комитетини ислоҳ қилиш, комитетнинг ишларини назорат қилиб ҳуқуқ бузилишига йўл қолдирмаслик, бир сўз билан айтганда ишни тўғри йўлга қўйиш Эски шаҳар ижроия қўмитасининг вазифаси бўлган. Бироқ Эски шаҳар ижроия қўмитасининг ўзи ҳам бу даврда ислоҳ қилинишга муҳтож бўлганлиги сабабли ижроия қўмитаси ҳам маҳаллий халқнинг шикоят ва аризаларини қондиришга доир айтарли бир ишни амалга ошира олмаган. Шунингдек янги шаҳар (яьни руслар яшайдиган қисм) маҳаллий халқга қараганда Озиқ овқат самарали фойдаланган. Эски шаҳар аҳолиси эса бу масалага жиддий ёндошмагани ва қолаверса ҳукуматнинг эътиборсизлиги сабаб қийинчилик ичида кун кечирган. Ғози Юнуснинг бу борада келтирган рақамлари қуйидагича: “…икки юз минг жонға молик икки шаҳарга олти ойда яьни 1918 йил 1 июлдан то 31 декабрғача тақсим қилинган озуқ ва молларнинг миқдорини бу ерда кўрсатаман. Шунинг бирла эски шаҳар овқат комитетидан халқнинг фойдаланиши қандайлиги ўз ўзидан очиқ кўринса керак. Мисол учун, 152,83 пут биринч, 4465 пут тариқ, 9825 пут мош, 994 пут кефак, 19007 пут кунжара, 14044 пут зиғирмой, 9113 пут сабзавот, 2505 пут туз, 28,430 пут қуруқ мевалар, 2446 пут шўлҳа, 3135 пут беда, 1132 пут керосин, 2379 пут собун, 742 дона мол қўй, гугурт 98342 қути, резинка калуш 1270 жуфт, газлама (чит) 701, 395 газ, машина ип 23, 492 дона” [Ғози Юнус. 5:2].

Бу тўғридаги маълумот эски шаҳар Озиқ овқат комитети тарафидан нашр қилинадиган “Озуқ ишлари” газетасида эълон қилинган бўлсада, ушбу рўйҳатдаги моллардан базилари умуман халққа берилмаган. Берилмаган моллар қуйидагилардир: биринч, мош, тариқ, сабзавот, беда, керасин, совун, қўй қўзи, резинка калиш, газлама (чит), машина ип. Мана бу моллар бус бутун берилмаган ва қолган берилганлари ҳам нотўғри яьни кам берилган. Гарчи муаллиф бу тоғрида “Озуқ ишлари” газетасидан изоҳ талаб қилган

бўлса, ҳеч қандай жавоб ололмаган. Ва мақоланинг умумий руҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Озуқ овқат комитети томонидан берилган молларнинг бундай адолатсиз тақсимоти фақатгина Эски шаҳар халқи учун тадбиқ қилиниб, асосан руслар яшайдиган янги шаҳар аҳолиси учун бундай қинғирликлар қилинмаган.

Юқоридаги муаммоларнинг асосий сабабчилари сифатида Ғози Юнус лавозимини қаттиқ севгувчи ва халқнинг ижтимоий иқтисодий аҳволи билан мутлақо қизиқмайдиган амалдорларни айблади. Унинг "Устолпарастлар маслаги" шеъри шу мавзуга бағишлаган.

Ғози Юнуснинг ушбу шеъри ҳам ўтирган "устули" (лавозими М.Алижонов) учун ҳар қандай жирканчликни қилишга тайёр бўлган амалдор тилидан айтилган бўлиб, унинг учун ягона мақсад нима қилиб бўлса ҳам лавозимини сақлаб қолиш, фикру зикри порахўрлик қилиб бутун ҳимматини шу йўлда сарфлашдан иборатдир. Ғози Юнус тасвирлаган амалдор шу даражада айёрки, у халқнинг олдига чиққанда тилида "халқим, халқим", "жоним фидо" каби сўзларни айтиб барчаганинг кўзини шамғалат қилади, ёлғиз қолган эса унинг асл башараси очилиб унга ишонган одамларнинг устидан кулади:

Маслагим устул талашлиқ мақсадим дунёғина
Фикру зикрим порахўрлиқ ҳиматим балоғина
Яхшилиғ ўрнига тутдим дум бўлишлиқ йўлини
Бўлмаса бошимда ҳар кун неча минг ғавғоғина.
Лоф урарман "жон фидо" деб эл кўзида эл учун
Юзта элдан менга чирвон шоҳ эрур аълоғина.
Савлатим яхши келишкан айшу ишрат жойида
Эл агар ёнса, қирилса менга не парвоғина
[Нус (Ғози Юнус). 7:18].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ғози Юнус даврий матбуот саҳифаларидаги шеърлари орқали XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларини дадил ҳолда жамоатчилик диққат марказига олиб чиқди. У қайси мавзуга қўл уришидан қатъий назар, доимо миллий манфаатлар чегарасида туриб фикр юритди ва мустамлакачи ҳукуматдан ерли халқнинг ҳуқуқларини таъминлаб қўйишни талаб қилди. Адиб, ўз шеърлари орқали доимо Туркистондаги ижтимоий-сиёсий иллатларни танқид қилиб, уларни бартараф этишга доир мулоҳазаларини эълон қилиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Абдуллоҳ аш-Шоший. Жадид ва қадим недур? // Садойи Туркистон. – 1914-йил 23-май. –№ 12. –Б. 3.

2. Фитрат. Жоҳилона таассубға мисол // "Шўро" журнали. –1917 йил 15 январ. –№ 2. –Б. 3.

3. Мих (Ғози Юнус). Порахўр тилидан // "Муштум" журнали.– 1923 йил 2 апрел. –№ 4. –Б. 2.

4. Ғози Юнус. Эски мактаблар ҳақинда // “Иштирокиюн” газетаси. –1919 йил 25 июн. –№ 129. –Б. 2.

5. Ғози Юнус. Эски шаҳар озуқ комитетидаги машмашалар // “Иштирокиюн” газетаси. – 1919 йил 12 июн. –№ 111. –Б. 2.

6. Нус (Ғози Юнус). Поездда кўр // “Муштум” журнали.– 1925 йил 5 сентябр. –№ 9. –Б. 13.

7. Нус (Ғози Юнус). Устолпарастлик маслаги // “Муштум” журнали.– 1925 йил 4 ноябр. –№ 11. –Б. 18.

ҲУРРИЯТ ЙЎЛИ

Шаҳноза НАЗАРОВА,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Миллий ҳаётимизда янги давр бошланди. Фикр одамларига, миллий ғурур кишиларига яна қайтадан жуда катта эҳтиёж туғилмоқда. Талатўп дунёда мана шу эҳтиёж бизни тинчлик ва фаровонликда сақлаб қолади. Унинг ҳар бир заррасида Миллий мустақиллик акс этади. Президентимиз мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: “...бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз... Бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас”, деган эдилар ва бу йўлнинг шарафи ҳамда масъулиятини такрор тайин этдилар. Яна таъкидладиларки, “Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир. Шу сабаб Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз”.

Сўнг 104 йил ўтиб “Гўзал Туркистон” миллий қўшиғи янгради. Жўровоз бўлаётган минглаб байрам иштирокчилари, телевизор қаршидаги миллионлаб томошабинлар ҳаяжанидан билиндики, ичимизда ёниб турган ҳуррият шами янада гурлабди, меросий ҳақ ичимизда тирик экан.

Бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида, хусусан, туркий халқлар жадид адабиётини ўрганиш борасида дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муасссасалари, жумладан, АҚШнинг Колумбия, Мичиган, Чикаго, Калифорния университетлари, Япониянинг Токио хорижий тадқиқотлар университе, РФнинг Россия ФА, Россия ислом институти, Қозон федерал университети, Туркиянинг Анқара, Эже, Истанбул университетлари, Озарбайжоннинг Озарбайжон ФА, Қўлёзмалар институти, Боку давлат университети, қўшниларимиз – Қозоғистоннинг Евроосиё миллий универтитети, Туркманистон ФА, шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзР ФА Қатағон қурбонлари музейи, ЎзМУ ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб

борилмоқда. Шу тариқа дунё илм-фанида жадидчилик ҳаракати, жадид адабиётига доир энг янги илмий изланишлар қўйидаги олти йўналишда устувор тадқиқот тармоғига айланди.

1. Умумтурк жадидчилиги фалсафаси ва мафкураси. Бу йўналиш тарихий-сиёсий-мафкуравий жараёнларни қамраб олади. Қозон федерал университети, Хакас давлат университети, Боку давлат университети, Анқара ва Эже университетлари айни йўналишдаги тадқиқотларга эътибор қаратишган. Қадим ва жадид муносабатлари, уларнинг адабий манбаларига доир изланишлар Чикаго, Пешавар, Анқара университетларида олиб борилмоқда.

2. Умумтурк жадид зиёлиларининг муаммолари. Бу тармоқ миллий, диний, ижтимоий жиҳатларни, тил-имло-маориф, хотин-қизлар масалаларини назарда тутади ва бу муаммоларнинг ҳеч бири бугун ҳам башарият кун тартибидан тушмаганлигини, юз йил аввал очилган яралар ҳали ҳам ёрилмаганлигини тасдиқлайди. Жадид адабий-тарихий манбалари тил, имло, маориф ислоҳини ифода этувчи манба сифатида Измир Котиб Чалабий университети, Озарбайжон Қўлёзмалар институти, Туркманистон ва Бошқирдистон ФА томонидан тадқиқ этилган ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

3. Умумтурк жадид адабиёти тармоғида шеърият, наср, драматургия, адабий танқид масалалари ўрганилади. Туркистонда жадидчилик ҳаракатларининг ғоявий асосларини аниқлаш ва уларнинг ўзбек жадид насри, драматургияси, шеъриятида акс этиши, ўзбек жадид шеърияти морфологияси масалалари тадқиқи Колумбия, Мичиган университетларида; жадид адабиёти намоёндалари, адабий сиймоларини библиографик аспектда таҳлил этиш Евроосиё миллий университети, Туркман жаҳон тиллари миллий институтида йўлга қўйилган.

4. Умумтурк жадид матбуоти ва нашр фаолиятига доир тадқиқотлар Озарбайжон ФА Адабиёт институти, Анқара Ҳожи Байрам Валий университетида олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот марказларида жадид терминологиясини ишлаб чиқиш борасида ҳам натижаларга эришилган.

5. Хайрия ва адабий жамиятлар, вақфлар, фондлар фаолияти; янги адабий ҳаракатлар, шарт-шароитлар Калифорния университети ва Карлетон коллежида алоҳида тармоқ сифатида ўрганилган.

6. Умумтурк жадид театри ва санъати, ўзбек жадид драмаси ва шеъриятида метафора масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар Токио хорижий тадқиқотлар университети, Мичиган ва Эже университетларида олиб борилган.

Ўзимизда Ўзбекистон миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзР ФА Қатағон қурбонлари музейи (Ўзбекистон)да жадид феномени ва унинг Туркистон маданий ҳаётидаги ўрни, маърифатпарварлик адабиёти, жадид насрининг ўзига хослиги, жадид

шеърияти поэтикаси, ўзбек жадид адабиётининг тарихий илдизлари масалаларини ўрганиш борасида тадқиқотлар яратилган.

Эндиликда жадид адабиётшунослигига ёндош тарзда жадид тилшунослиги, жадид фольклоршунослиги, жадид таржимашунослиги, жадид педагогикаси каби тармоқ йўналишлар шаклланди. Шуниси аҳамиятлики, жадид адабиёти, бадииятига доир асосий назарий тадқиқотлар айнан бизда – Ўзбекистонда олиб борилган. Дунё илм-фани жадидчилик ҳаракатларини кўпроқ сиёсий-тарихий жараён сифатида ўрганади ва манбаларга шу нуқтаи назардан ёндашади.

Шу тариқа жадидчилик ва жадид адабиётига доир илмий изланишлар халқаро миқёсда, эришилган илмий натижаларни умумлаштириш ва қиёслаш йўлига чиқди. Халқаро фан тармоғи сифатида 2002 йилдан бери анъанавий тарзда Çağdaş Türklük Araştırmaları Sempozyumu (ÇTAS 2021) – Замонавий туркологик тадқиқотлар симпозиуми (ЗТТС-2021) ўтказиб келинади. Бу галги йиғилиш Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ЎзМУ билан ҳамкорликда ташкил этилди. 2021 йилнинг 21-24 сентябр кунлари бўлиб ўтган симпозиумда янги назарий хулосалар, янги манбалар тадқиқи натижасида соҳа ўзининг келажак режаларини белгилаб олди, очиқ турган масалаларни биргаликда ўрганиш, тадқиқотлар харитасини кенгайтириш борасида халқаро келишувларга эришилди. Зеро мазкур даврдаги ҳар бир миллий адабиётнинг янгиланиш омиллари ва тамойилларини тадқиқ этиш ўша миллий адабиётнинг дунё адабиётидаги ўрни ва қиёфасини белгилашга имкон беради.

Фитрат, Чўлпон шеърлари янги авлод тилидагина эмас, юрагида ҳам акс-садо бера бошлади. Ренессанс орзуси балки асрий қонларимизда оқиб юрган миллий ғурур туйғусини мана шундай ҳаракатга келтираётгандир. Чунки жадид боболаримиз Миллий истиқлол ғоясини биринчи бўлиб кўтарган эдилар. Улар марказлашган, ўз ҳудуди, ўз қўшини, ўз иқтисоди, ўз маориф тизими, ўз маданий дунёсига эга, мусулмон Ренессансидан улги олаётган ва айни вақтда тараққий этаётган дунёга қўшилиб кетишга қодир давлат бунёд этиш орзуси билан яшади ва шу йўлда шаҳид кетди. Фитрат 1917 йил Туркистон мухторияти эълон қилингандан бир ой ўтмай қуйидагиларни ёзган эди: “Кучга таянган ҳар буйруғга бўйинсундик, бутун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшрунтурдик, эмгакларимизға ўраб сақладик: Туркистон мухторияти!” Бу ҳуррият йўли бизни янги ренессансга олиб чиқиши керак эди. Аммо бу орзу армон бўлиб юракларимизга чўкди ва мана энди мустақиллик ҳавосида шу армон ушалишни истайди, шаҳидлар қони улар орзулаган тамаддун эшигини очмагунимизча бизни ҳаракатга ундайверади.

Жадид адабиёти ўта кескин ижтимоий-сиёсий жараёнларда туғилди. Адабиётимизнинг бугуни ва эртаси айнан ўтган ўша давр акс-садосидир. Аммо ўзбек адабиёти учун энг муҳим бўлган бу даврнинг холис тадқиқи мустақилликка қадар чекланди. Уларни илмий-назарий баҳолашда изчиллик билан иш тутилмади. Шу маънода, давр адабиёти, тарихига оид ўзига

хосликлар ва уларнинг юзага келиш омилларини илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳим вазифалардан бири эди. Истиқлол шарофати билан XX аср бошларида ўзбек адабиёти, тарихини ҳар жиҳатдан изчил ўрганишнинг кенг имкониятлари вужудга келди. Истиқлол муҳитида фикри етилган янги авлод тадқиқотчилари эндиликда бу борада ўз сўзини айтиши керак. Адабий даврлар чегарасини белгилаш, адабий авлодлар занжирини бир бутун тасаввур қилиш, янги манбаларни ўрганиш, ўрганилган манбаларни қайта баҳолаш ва уларнинг барчасини истиқлол муҳитида қайта идрок этиш шулар жумласидандир.

Фақат энди бир нарсага улгуриш керак. Устозлар бошлаб берган шарафли йўлни оғишмай, кечикмай давом эттириш, миллий уйғониш даври манбаларини сақлаб қолиш зарур.

XX аср бошларида жадид боболаримизнинг жасорати билан чиққан газета-журналлар, қўлёзма-тошбосма-босма китоблардан яқин 5-10 йилда сўнг ҳеч нарса қолмаслиги мумкин, улар шиддатли вақт бўронларида чанг ва капалакларга айланиб бормоқда. Ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланаётган “Сабзазор” (1914); ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи нодир қўлёзма, тошбосма ва босма асарлар фондида сақланаётган “Миллий ашъори Таржимон” (1910), “Миллий шеърлар мажмуаси ёхуд адаби дин” (1912), “Янги адабиёт” (1915); Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нодир бўлимида сақланаётган “Ўзбек ёш шоирлари” (1922) баёз, мажмуа, шеър тўпламлари мавжудки, уларни изоҳ ва тадқиқлари билан қайтадан мукаммал нашр этишга улгуриш лозим.

Уларнинг сақланиш ҳолати халқаро талаблар даражасида эмас. Янги, сифатли қоғозларга нусхалари кўчирилмаган, электрон вариантлар ҳам тиниқ ва сифатли бўлмай, фойдаланувчилар учун ёпиқ ҳолатда. Германия, Туркия, Россия, ҳатто Нидерландия фонд ва архивларида бўлса Чўлпон, Фитратларнинг бизга номаълум мислсиз асарлари, тарихий ҳужжатлар бизни кутаётгандир.

Бундай кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш, хориждаги материалларни аниқлаш, йиғиш, олиб келиш, аввало, уларни белгиланган тартибда талаб қилиш учун аниқ ҳуқуқий асосларга ва ҳаракат доирасига эга бўлиш зарур. Халқаро талабларга жавоб берадиган шароитда сақлаш, манбалардан фойдаланишда очиқликка эришиш, эришилган барча илмий натижаларни бир нуқтада жамлаш ва уларни миллий ғурур тимсоли сифатида ўрганиш учун Халқаро жадидчилик илмий тадқиқот маркази, унинг ўз ҳаракат дастури керак бўлади. Янги уйғониш нуқтаси айнан биздан бошланиши керак. Бизда 90 ёш остонасида турган улуғ устозимиз академик Наим Каримов ҳамда кўплаб олимларимизнинг билим ва тажрибаси бор. Ўтюрак шоир Усмон Носир таваллудининг 110 йилиги, устозимиз Наим Каримовнинг 90 ёш таваллуди кунларида шу орзуни амалга оширсак, бир миллий армонимиз ариган, Ренессенс уфқлари бизга янада яқинлашиб келган бўлар эди.

BOLALAR ADABIYOTINI O‘QITISHDA NOAN’ANAVIY TA’LIM METODLARI ASOSIDA O’RGANISH

Mahliyo ELBOYEVA,
Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va adabiyoti universiteti stajyor-o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada bolalar adabiyotini o‘qitishning noan’anaviy ta’lim metodlari asosida o‘rganish masalasi qo‘yilgan. Bu metod orqali dars jarayonnini tashkillashtirish, darsning samaradorligini ta’minlash bilan birga bolani mustaqil fikr yuritishga, fikrni jamlashga o‘rgatadi.

Kalit so’zlar: Noan’anaviy ta’lim, texnologiya, modellashtirish, tadqiqot, loyihalash metod.

Bolalar adabiyoti darslariga noan’anaviy darslarni olib kirish va uni ta’lim mazmuniga singdirish, dars o‘tishning yangi-yangi usullarini topish, Davlat ta’lim standartlari talablarini bajarishga zamin yaratadi.Adabiyot darslarida noan’anaviy metodlardan foydalanish dars samaradorligini hamda bolaning darsga bo‘lgan qiziqishini orttiradi. Bolalar adabiyotiga oid yaratilgan ko‘pgina asarlar kinofilmlar, multifilmlar tarzida televidenyada namoyish etilgan.Shuning uchun bolada bu asarni ko‘rganman,bilaman degan noto‘g’ri tushuncha paydo bo‘ladi va u asarning badiiy qimmatidan bebahra qoladi.Bunday ma’naviy tanballikdan qutulish uchun o‘qituvchi o‘quvchining e’tiborini jalb qila oladigan metodlardan foydalanib dars o‘tishi, ekranda ko‘rsatilmagan, faqat so‘zdagina aks etgan jihatlarga urg’u berishi maqsadga muvofiq. Shu maqsadda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni fanga olib kirish bugungi kundagi aniq maqsadlarimizdan biri hisoblanadi. Zotan, ta’lim har doim takomil va yangilanishga mushtoqdir. Shuning uchun, iloji boricha, ta’limning yangi usullari ustida izlanishimiz talab etiladi. Chunki, o‘quvchilarga ham bir xil usuldagi darslar yoqmaydi, ularni zeriktiradi. Bolani zeriktirmaslik uchun dars o‘tishning turli xil usullaridan foydalanish darsning samarador o‘tishini ta’minlaydi. Dars jarayonida notiqlik, suhbat, hikoya, mustaqil ish, yozma ish, zamon bilan bog’lash, mustaqil fikrga tayanish shakllariga katta e’tibor berishimiz lozim. Har bir o‘tilayotgan darsga o‘quvchilar tomonidan berilayotgan baho biz uchun muhim va qadrlidir.

Bu borada noan’anaviy darsning asosiy yo‘nalishlari:

a) O‘quvchilarga mustaqil fikr yurishni o ‘rgatish ;

b) O‘quvchini fikrini bir nuqtaga jamlash;

c) O‘quvchilarda fan asoslari, yutuqlari to‘g’risida aniq tushuncha hosil qilish;

d) Olgan bilmlarni amaliyotda qo‘llash va boshqalarga o‘rgatish va hokozo…

Darhaqiqat, darsni noan’anaviy ta’lim metodi asosida tashkil qilarkanmiz, eng avvalo, bir savol tug’iladi noan’anaviy ta’lim texnologiyasi nima? Ushbu tushunchani yaxshi o‘rganib olishimiz, darsimiz samaradorligini hamda

bolajonlarimiz savodxonligini oshirishimizga yana ham katta yordam beradi. [D.A.Axatova. 1:49];

Noan'anaviy ta'lim texnologiyasi – muayyan muddatga mo'ljallangan, ta'lim jarayoni markazida o'quvchi shaxshi bo'lib, o'qitishning zamonaviy shakli, faol o'qitish metodlari va zamonaviy didaktik vositalarning majmuini ta'lim-tarbiya ishidan ko'zlangan maqsad va kafolatlangan natijaga erishishga yo'naltirishdir. Noan'anaviy ta'lim texnologiyasi an'anaviy ta'lim texnologiyasidan farq qilib, o'quvchilarning bilish imkoniyatlarini rivojlanishiga sharoit yaratadi, mustaqil ishlashlariga alohida e'tibor beriladi, bilish faoliyatlari izlanuvchan va ijodiy xarekterga ega bo'ladi. Noan'anaviy ta'lim texnologiyasi o'z navbatida uchga bo'linadi: [Saidova G.2:53];

- **Hamkorlikda o'rganish**
- **Modellashtirish**
- **Tadqiqot (loyiha)**

Hamkorlikda o'rganish – o'quvchilarning bilimini o'zlashtirish, singdirish, mustahkamlash bo'yicha reproduktiv faoliyatini ta'minlovchi, mahorat va malakani ketma-ketlik bo'yicha o'quvchining bevosita boshchiligida ishga solishni tashkil etishga asoslangan o'qitish va bilim olishdir. U o'quvchilarning mustaqil guruhlarda ishlashi evaziga ta'lim olishni ko'zda tutadigan metodlardan iborat. Bularga kitob bilan ishlash, o'quv suhbati, davra suhbati, aqliy hujum, kichik guruhlarda ishlash, bahs-munozara kabi metodlarni kiritish mumkin.

Bolalar adabiyotini o'rgatishda, hamkorlikda o'qitish texnologiyasidan foydalanish bir muncha afzalliklarni keltirib chiqaradi. Bu texnologiya orqali bolalar bilan ishlash, ularni o'zaro hamkorlikga chorlash, birga fikr yuritish, o'z-o'zini boshqarish kabi harakatlarni o'rgatadi, hamda o'qituvchining vaqtini tejashni va darsdan yaxshi natija olishni amalga oshirishda yordam beradi. Hamkorlikda o'qitish g'oyasi turli mamlakatlarda ishlab chiqilgan. Xususan, Amerikada J.Xopkins universiteti professori – R.Slavin, Minnesot universiteti professori – R.Jonson, D.Jonson, Kaliforniya universiteti professsori – Sh.Sharon tomonidan ishlab chiqilgan. Amerika olimlari tomonidan ishlab chiqilgan hamkorlikda o'qitish, asosan o'quvchilarda DTS va fan dasturida qayd etilgan bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish, Isroil va Yevropa olimlari tomonidan tavsiya etilgan hamkorlikda o'qitish, yuqorida qayd etilganidek, ko'proq o'quvchilar tomonidan o'quv materialini qayta ishlash, loyihalash faoliyatini rivojlantirish, o'quv bahsi va munozaralar o'tkazish nazarda tutiladi. Mazkur g'oyalar bir-birini to'ldiradi, didaktik jihatdan boyitadi va bir-birini taqozo etadi. Hamkorlikda o'qitish texnologiyasi Buyuk Britaniya, Germaniya, Avstraliya, Niderlandiya, Yaponya, Isroil mamlakatlari ta'lim muassasalarida 1970-yildan boshlab keng qo'llanila boshlagan.[D.A.Axatova. 1:37];

Hamkorlikda o'qitish texnologiyasi mualliflaridan biri bo'lgan R.Slavinning ta'kidlashicha, o'quvchilarga topshiriqlarni hamkorlikda bajarish uchun ko'rsatma berilishi yetarli emas. O'quvchilar tom ma'nodagi hamkorlik, har bir o'quvchining qo'lga kiritgan muvafaqqiyatidan quvonish, bir-biriga sidqidildan yordam berish hissi, qulay ijtimoiy-psixologik muhit vujudga kelishi zarur. Mazkur texnologiya

o‘quvchilarning bilimlarini o‘zlashtirish sifatini aniqlashda ularni bir-biri bilan emas, balki har bir o‘quvchining kundalik natijasi avval qo‘lga kiritgan natija bilan taqqoslanadi. Shundagina o‘quvchilar o‘zining dars davomida erishgan natijasi jamoaga foyda keltirishini anglagan holda mas’uliyatni his qilib, ko‘proq izlanishga, bilim, ko‘nikma va malakalarni o‘zlashtirishga intiladi.[Barakayev R. 3:54];

Hamkorlikdagi o‘qitish texnologiyasi bolalar adabiyotini o‘rganishda yana ham soddaroq, bolaga tez yetib boradigan hamda bolaning mustaqil izlanishiga turtki bo‘ladigan, asosiy metodlardan hisoblanadi. O‘ylaymizki ushbu metod bolalar adabiyotini o‘rganishda ko‘zlagan maqsadimizga yetishda ko‘mak beradi. Shuni ham ta’kidlab o’tishim kerakki, ta’lim texnologiyalarini tanlash va amalga oshirishda bolalarning o’quv bilish faoliyatlarini e’tiborga olish lozim. Amaliyotdagi oddiy qoida shu haqda guvohlik beradiki, yangi tushunchalar berish tipidagi darslarning dastlabki 7-10 daqiqasida bolalarga yangi bilimlarni berish amalga oshiriladi, keyin esa bahs-munozara, kichik guruhlarda ishlash va boshqa shu kabi noan’anaviy metodlarni amalga oshirish orqali berilgan bilim mustahkamlanishi lozim. Bolalarning o‘zlashtirish darajasiga o‘qitish metodlarining ta’siri darajasini ko‘rib chiqamiz:

1) Ma’ruza – eshitganimizning 5%
2) O‘qish – o ‘qiganimizning 10%
3) Videousul, namoyish –ko‘rganimizning 20%
4) Tajribani namoyish qilish-ko‘rgan va eshitganimizning 30%
5) Bahs-munozara-muhokama qilganimizning 40%
6) Mashqlar-o‘qigan, yozgan, gapirganimizning 50%
7) Ishbop o‘yin, kichik guruhlarda ishlash, loyihalash-mustaqil o‘qiganimizning, tahlil va muhokama qilganimizning, himoya va namoyish qilganimizning 75%.
8) Yo‘naltiruvchi matn, muommoli vaziyat, boshqalarni o‘qitish-mustaqil o‘rganganimizning, tahlil va muhokama qilganimizning, boshqalarni o‘qitgan narsalarimizning 90%

Yuqoridagi ma’lumotlar shuni ko‘rsatadiki, dars jarayonida noan’anaviy metodlar qo‘llanganda, o‘quvchilarning ya’ni bolalarning axborotni eslab qolish ko’rsatkichining eng yuqori darajasi 30%ni tashkil etar ekan. [G.Alimova, Z.Nishonava.4:38-41]; Noan’anaviy metodlar qo‘llanilganda esa, bolalarning axborotlarni o‘zlashtirish darajasi yanada ortib bordi. Bolalar adabiyotini o‘qitishda biz o‘quv faoliyatining harakatida maqsadning barcha komponentlari amalga oshar ekan, turli metodlarni birgalikda qo‘llash zarur, shuning uchun metod tanlashda eng asosiy omil bo‘lib, o‘quv mashg’ulotining didaktik vazifasi xizmat qiladi. Bundan tashqari metodalarni tanlashda o‘quvchilarning ya’ni bolalarning soni, ularning o‘quv imkoniyatlari, ta’limning davomiyligi, o‘quv moddiy sharoitlar va o‘qituvchining mahoratiga bog’liq. Masalan, 5-sinf o‘quvchisiga ertaklar mavzusini o‘tganimizda uni o‘qib bersak bola dars davomida zerikishi va toki ertak oxiriga yetgungacha uning diqqati bo‘linib bola xotirasida qolmasligi mumkin. Agar biz shuni bolaga turli xil rolli o‘yinlar vositasida bo‘lib bergan

holda hamda hamkorlikda o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda ertaklar mavzusini o‘tsak o’ylaymanki, bola xotirasida ertakning ma’lum bir qismi saqlanib qoladi. Tadqiqot - o‘quvchilar tomonidan muommoni tushunish va yechish ,mustaqil bilim olishlarini kuchaytiradigan va shunga undaydigan usullar yig’indisidan iboratdir.

Tadqiqotning maqsadi dars jarayonida o‘quvchilarda savol qo‘yish va ularga javob izlashida qiziqishini uyg’otishga qaratilgandir. Unda o‘qitish o‘quvchilarni amaliy izlanish jarayonida bevosita qatnashishini ta’minlaydi.

Bularga muommoli vaziyat, loyihalash metodi, mustaqil izlanish, yo‘naltiruvchi matn kabi metodlar kiradi.

Xulosa o‘rnida shuni aytishim kerakki, noan’anaviy ta’lim metodlari asosida bolalar adabiyotini o‘rganish har tomonlama kutilgan natijani beradi. Birinchidan, bolada mustaqil harakat qilish, mustaqil fikr ortadi. Ikkinchidan, bolada darsni o‘zlashtirishning foiz ko‘rsatkichlari ham ma’lum miqdorda yuqori bo‘ladi. Qo‘llanilgan ta’lim texnologiyasi bo‘yicha metodlar fanni yana ham qiziqarliroq shaklda tashkil etishga hamda bolaning diqqatini jalb qilishda o‘qituvchiga katta yordam beradi. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tish ham kerakki, ushbu yuqorida keltirib o‘tilgan ta’lim metodlari asosida darsni to‘g’ri tashkil etish o‘qituvchidan yuqori darajadagi pedagogik mahoratni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Boshlang’ich ta’limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar. O’quv-uslubiy qo’llanma. D.A.Axatova 47-49-betlar

2. Saidova Gulasal. Boshlang’ich sinf o‘qish darslarida interaktiv metodlardan foydalanish.Magistrlik dissertatsiyasi.Nukus-2012 ;53-56-betlar

3. Barakayev R. Jonajonim she’riyat. - T.: Cho‘lpon: 1998.54-60-betlar

4. G.Alimova, Z.Nishonava. Bolalar psixalogiyasi va uni o‘qitish metodikasi. G. – T.: 2006.38-41-betlar

ШОИР ҲАЙРАТИЙ “САЁҲАТНОМА”СИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ИФОДАЛАР

Манзура АБДУЛЛАЕВА,
НамДУ таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада шоир Ҳайратийнинг “Саёҳатнома”си лингвокультурологик таҳлилдан ўтказилади. Асаридаги лингвомаданий сўзларнинг санъаткорона қўлланилиши ёрқин мисоллар орқали исботланади.

Калит сўзлар. Лингвомаданий сўзлар, адабиёт, радиф, лексика, ундов сўз, тил илми, ғазал, мурабба, мухаммас, фард, лингвокультурологик қатлам, рамз.

Ўзбек мумтоз адабиётида саёҳатнома жанри тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар қаторида Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайратий (1845-1915)нинг ўзига хос ўрни бор дейишга ҳар жиҳатдан ҳақлимиз. Чунки, у : “...кўп марта водийдаги Қўқон, Марғилон, Исфара, Шоҳимардон, Ўш, Андижон, Арслонбоб ва Почча Ота каби жойларга саёҳат қилган ва улар ҳақида чиройли шеърий мисралар яратган”.[Орифбоев Д. Шоир Ҳайрат Тўрақўрғоний. “Машъал” газетаси1:4]

Улардан фақат “Тўрақўрғондан Почча Отага” саёҳат таассуротлари акс эттирилган 48 банд - 240 сатрли мазкур асарда XX аср бошларидаги ўлкамиз манзаралари ва халқимиз ҳаёти акс эттирилган. “Қадрдонлар даврасида, табиат қучоғида кечган етти кун ҳаш-паш дегунча ўтди-ю кетди. Кўнгилларга солган завқу шавқи ширин хотирага айланди. Шоир Ҳайратий буни саёҳатнома сатрларига сингдириб, қоғозга муҳрлади.”[Содиқ Сайҳун. Тўрақўрғон Ҳайрати 2:16]

Биз шу ягона қўлёзма нусхадан [Содиқ Сайҳун 2:19] фойдаланган ҳолда асарнинг лингвокультурологик таҳлилига тўхтаб ўтамиз. Аслида бундай ўрганиш ўзбек тилшунослигида янги йўналиш. Лекин дунё тилшунослигида анчадан буён таомилда. Инчунин, бадиий ифодаларга ниҳоятда бой ўзбек адабиёти керагича тадқиқот объекти бўла олади. Шу жумладан, ушбу асар ҳам. Ахир унинг муаллифи соҳиби девон шоирлар сирасига киради. Бадиий маҳорат бобидаги зукколиги ўзбек тили сўзлари қатламини жуда яхши билиши ва керакли ўринларда моҳирона қўллагани яққол сезилиб туради.

Мутахассис олимларнинг таъкилашича: “Лингвокультурология тилни маданиятнинг феномени, маданиятни ташувчиси сифатида ўрганади. Маданиятни тилдан фойдаланувчи инсон яратади. Лингвокультурологиянинг объекти лингвистика ва культурология, этнография ва психолингвистика сингари қатор фундаментал фанларнинг кесишмасида жойланади”.[Маслова Лингвокультурология 4:5]

Тез-тез кўзга ташланадиган ҳолат маданий сўзларнинг турли шаклларда, яъни синоним тарзида маъно ифодалаш учун қўллангандир. Энг муҳими, бадиий жиҳатига эътибор яққол намоён қилинган десак ҳам асло

янглишмаймиз. Ҳатто, асар дебочаси – Аллоҳга анъанавий ҳамду саноларнинг ўзиёқ фикримизни тўла тасдиқлайди:

*Зотига **худойимнинг ҳамд** ила **сано ё ҳу,***
Халлоқи жин у инсу** ҳам арзу само **ё ҳу,
Лутфи** била мамлудур бу дори фано **ё ҳу,
*Саҳройи биёбону тоғ ила саро **ё ҳу,***
*Инъомини мамнуни ҳар шоҳу гадо **ё ҳу.*** [Содиқ Сайҳун 5:40]

Мана шу беш сатрда маданий лексиканинг бир нечасидан фойдаланилган. **Худо, халлоқ** – яратувчи, тангри сўзларининг синонимик қаторига хос. **Ҳамд, сано** – мадҳ этиш, мақтов ифодаси сифатида маънодошдир. Радиф бўлиб келаётган **ё ҳу** эса ундов сўз. Оғзаки нутққа хослиги учун ёзма адабиётда камдан-кам учратамиз. Ана шу камдан-кам сўз Ҳайрат асарида кўпдан-кўп такрорланади. Яъни 52 марта. Агар теранроқ қаралса, омонимик хусусиятга эгалигини пайқашимиз мумкин. Шукур, офарин, ҳайрат, олқиш, ҳатто яратувчи ва бошқа маъно оттенкалари сезилиб боради. Булар матн ва мазмунга усталик билан уйғунлаштириб сингдирилган.

Яна лингвокультурологик синонимлар моҳиятига қайтсак, иккинчи бандда маънодорлик кескин кучайтирилган:

*Изҳорига зотини **қудратли карампарвар,***
*Халқ этди бу оламни **халлоқи жаҳон довар,***
Ҳар хушки тару ёна ашжори самар яксар,
*Хулласки ҳама ашё маҳлуқи **шаҳи акбар,***
*Бунларга бўлиб боис бир нури **жило ё ҳу.***

Шоир Ҳайратий сўз ва сўзлар бирикмасидан Аллоҳга энг муносиб таърифларни келтириб: **карампарвар** – саховатли, марҳаматли, **жаҳондовар** – олам султони, **шаҳи акбар** – улуғ шоҳ, **нури жило** – жилоланувчи нур каби жуда чиройли метафоралар тизган. Лакуна ҳисобланмиш **ё ҳу** шеърда бошидан то охиригача ҳам оҳангдорликни, ҳам миллийликни таъминлаган. Нега лакуна деяпмиз? Сабаби, **ё ҳу** муайян маданиятнинг бошқа маданият вакили томонидан тўлиқ ёки қисман англашилмайдиган ўзига хос миллий унсури ҳисобланади.

Биз бежиз маданий сўзлар синонимларини таҳлилга тортаётганимиз йўқ. Агар саёҳатнома матнига зийраклик билан назар ташланса, шоир бадиий тафаккури баландлигида худди шу хусусиятнинг устуворлиги қайта-қайта кўринаверади: бомдод – **вақтизуҳо,** тақдир – **ҳукми қазо,** жазо-**сазо**, жой-**маъво** шаклида мисраларга муҳрланган. Ҳайратий гўё бир кесак билан икки қушни ургандек. Яъни қофиялар талаби тўкислиги ҳам тўла таъминланган. Фақат шугина эмас. Унинг табиатнинг турфанамо мўъжизали манзарасига боқиб: “Ҳижлатдин ўлур кўрса ошифта **жаҳон боғи**” деган мисраси тагдор таққос саналади. **Жаҳон боғи** – бу Боғи Эрамдир. Шоир афсонавий Қоф тоғидаги жаннатмисол боғга ишора қилмоқда. Ўша ерда фақат парилар яшайдиган боғ ўлкамизнинг шу бир кичик гўшасини келиб кўрса, ҳижолатда

ўлар эмиш. Ватанга муҳаббатнинг бундан-да аъло ифодаси бўлмаса керак, албатта.

Меҳмоннавозлик – ўзбекона қадрият. Тўрақўрғондан Почча Отага икки дўсти билан сайру томошаю, зиёратга бораётган шоир яхши билардики, тоғ билан туташ хушҳаво манзилда хушнаво қадрдонлари беэътибор қолдирмаслигини.

Валҳосил ашо вақти манзилга етиб бизлар,
Аҳбоби қадимий*ни у ерда топиб бизлар,*
Масруру фароғат*да роҳатлар этиб бизлар,*
Кўнгулни ғуборини сой ичра отиб бизлар,
Ул лаҳза топиб гўё ***жаннатда*** *ҳаво ё ҳу.*

Мазмунидан англаняптики, манзилда эски қадрдон дўстларини топишган, шоду хуррамликда ҳордиқ чиқаришиб, кўнгилдаги ғуборларини кеткизишган: оқ бўлсин **Почча Ота** сойи ичига отиб юборишган, ўша онларда гўё жаннатда нафас олишаётгандай ҳис этишган ўзларини. Лингвокультурологик манзарада ўхшатиш, рамз стеротип ифодалар мужассам. Асар давомида аҳбоб – дўст, **донишвари фороми** – ақли донишлар маёғи, **саҳбои саховат** – саховат шароби, **соққои май** – ишқ улашувчиси, **фароҳфоми** – шодлик бахш этувчи каби таърифу тавсифлар Мулло Дадахон ва Мирзо Осимлар шаънини шарафлайди.

Тилшунос Дурдона Худойберганова шарҳлаганидай: “Стеротип - юнонча атама бўлиб, лингвокультурологияда олам концептуал манзарасининг бир қисми, кичик ментал манзара; предмет ва вазиятлар ҳақидаги турғунлашган миллий маданий тасаввурлар ва уларнинг тилда акс этувчи шаклларидир”.[6] Шоир Ҳайратий ўзбеклар меҳмондўстлиги билан бутун халқ ҳақидаги стеротип тасаввурларни юзага чиқарган. “Бир-бирларига мунис ҳар субҳи масо ё ҳу”, “Кайфият ҳар хаста ранжига шифо ё ҳу” деган ҳар бандниг якунланма сатрида ўзбек маданий қиёфаси айнан қадриятлар қолипига монанд худди қуйма иборалар орқали тасаввуримизда жонланади.

Шоир моҳир рассомдек борлиқ қиёфасини чизиш учун маданий сўзларни имкони борича ўрни-ўрнида ишлатади.

“Ҳар гўшада ***хандондур*** *зебо гули раънолар”* сатрида теварак-атроф гўзаллигига муносиб баҳо берилган. Метафора – кўчим ўзаро монанд тарзда юзага келтирилган. Ҳар бир жойда кулиб, хурсанд турган одамлар эмас, балки одамларга ўхшаган чиройли раъно гуллар эканини тушунамиз. Инсонга хос хусусият гулга мослаб айтиляпти. Бадиий топилманинг қиммати – унинг беинкор кўринишу ҳодиса сифатида урғуланяпти. Кейинроқ эса бунинг тескари тарзини ҳам уқамиз:

Бу Почча Ото бешак чин жаннати маъводур,
Ўртасидаги сойи бир баҳри мусаффодур,
Мармар каби ҳар тоши санги дури яктодур,
Икки лабида сабза зийнат била зебодур,
Кўнгил очилур гул-гул *хуш кайфи сафо ё ҳу.*

Ана энди гул эмас, кўнгил очиляпти, очилгандаям **гул-гул** очиляпти. Сабаби, табиатнинг жаннатий жилоси шу масканда намоён. Шоирга илҳом жўшқинлигини туҳфа этган шу мафтункор манзара.

Фарғонага зийнатдур ҳам зевари Туркистон,
*Таърифи мунинг кетган то **Чину Хито** ё ҳу.*

Ҳайратий водий фарзанди – водий гўзаллигидан завқ-шавқ олади, фахру ғурур туяди. Лекин инсон учун киндик қони тўкилган тупроқ, яъни, ватан ичра мўъжаз ватани янада табаррук. Атиги бир ҳафтагина ундан ўз ихтиёри билан йироқ кетса-да, барибир соғинади. Хаёли ватанига гўёки ватан бўлиб тураверади. Қаранг, у саёҳат манзилида кутилмаганда тўрақўрғонлик ҳамқишлоқларига дуч келиб қолади. Ўша лаҳза ҳаяжонлари бежиз шеърига алоҳида банд бўлиб кўчмаган:

*Ул ерда кўришдик биз уч дона **биродарни,***
*Аҳли Тўрақўрғоний **жон бирла баробарни,***
Ҳар қайси вафо бирла шавқатли саросарни,
*Бул ҳам карамидандур ул **холиқи акбарни**,*
*Бизларга дучор этди онларни **худо ё ҳу.***

Ўзбекона ватандошлик эҳтироми тилимизнинг бой маданий лексикаси воситасида жуда таъсирли ифода этилган.

Бугунги ички туризми соҳасига эътибор кучайтирилган, одамларни бағри кенг, мафтункор, дилтортар Ватанимиз сайру саёҳатига даъват этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда шоир Ҳайратий саёҳатномасининг қадр-қиммати ҳам ошаётгани айни ҳақиқатдир. Шундай экан, унинг лингвокультурологик таҳлили, талқини бўйича тадқиқотларимиз муҳим аҳамият касб этаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Орифбоев Д. Шоир Ҳайрат Тўрақўрғоний. “Машъал” газетаси, 1972. №108, 4-бет.
2. Содиқ Сайҳун. Тўрақўрғон Ҳайрати. “Давр”, 2005. №46. 4-бет.
3. Содиқ Сайҳуннинг шахсий архивида сақланаётган “Саёҳатнома”.
4. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. Пособие для студ. Выс. учеб. заведений. – Москва: Издательский центр «Академия», 2001. – С – 35-36.
5. Содиқ Сайҳунда сақланаётган қўлёзмадан. Кейинги парчалар ҳам шу манбадан келтирилган.
6. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент. Турон замин зиё. 2015. 36-бет.

ХОЖАНИНГ “МАҚСАД УЛ-АТВОР” ДОСТОНИ БАДИИЯТИ

Шаҳноза РАҲМОНОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти, PhD

Аннотация: мазкур мақолада Хожанинг “Мақсад ул-атвор” достонида қўлланилган вазн хусусиятлари, унда истифода этилган ўлчов имкониятлари таҳлил қилинди. Достондаги вазн ва мавзу муносабати ўрганилди. Ўрни билан адабиётшуносликдаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди.

Калит сўзлар: достон, жанр, вазн, аруз, маснавий, ҳазаж.

Ўзбек адабиётида “Махзан ул-асрор” йўналишида Подшохожа бинни Абдулваҳҳобхожа (адабий тахаллуси Хожа) ҳам “Мақсад ул-атвор” достонини яратган. Унинг ушбу достони Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор” достонига татаббуъ тарзида битилган. Бу ҳақида Ҳасанхожа Нисорий ўзининг “Музаккири аҳбоб” тазкирасида маълумот беради: “Махзан ул-асрор” татаббуъсида “Мақсад ул-атвор” номли бир китоб тасниф қилганлар ва бу байт ўша китобдан. Байт:

Тил ким эмас зикрини айтмоқ иши,
Не деюб они оғзига олғай киши [Ҳасанхожа Нисорий. 5:275].

Ленинградлик марҳум шарқшунос олим А.Тоҳиржонов “Мақсад ул-атвор”нинг икки қўлёзма нусхасини топишга муваффақ бўлган. “Бу дастхат 72 варақдан иборат, қўлёзма ҳажми 13х20:ҳар саҳифада 12–13 мисрадан икки устунда ёзилган. Иккинчи қўлёзма – 59 варақ, қўлёзма ҳажми 12х19. Иккала нусхани муқояса қилиб, асар тексти тиклаб чиқилгач, ундаги байтлар миқдори 1908, 5, яъни 3917 мисра эканлиги аниқланди” [Тоҳиржонов А. 3:70]. Достоннинг бир қисми “Асрлар нидоси” тўпламида М.Мирзаахмедова томонидан 1982 йилда нашр қилинган. “Унда даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари билан бир қаторда шоирнинг ахлоқий-таълимий қарашлари ўз ифодасини топган” [Мирзаахмедова М. 2:68]. Биз ишимизни шакллантиришда шу манбадан фойдаландик. “Мақсад ул-атвор” достони 1528 йилда Жонибек султонга бағишлаб ёзилган.

Отинг эрур Жонибек, эй шаҳриёр,
Хон ила хоқонсану ҳам шаҳриёр.[Хожа. 4:60]

Хожа тажнисдан фойдаланиб, ёш Жонибек султоннинг мадхини келтиради. Шоҳнинг оти Жонибек эканлиги, ҳам хон ҳам ҳоқон шунингдек шаҳри унга мададкор эканлигини баён этади. Достон 7 та кириш тарзидаги боб, еттита “Мақолат”, ўн бешта “Танбеҳ”, “Муножот” номи берилган боблардан ташкил топган. Ҳар бир бобда кўтарилган масала тамсил, мавъиза билан якун ясалади. “Мақсад ул-атвор”нинг “Бу китоб назмининг сабаби” бобида

Раҳбари бу фанда Низомий эди,
Пир онга Хисраву Жомий эди.
Ҳотифий эрди бири ул қавмдин,
Бири Навоий эди билгил яқин.
Андаки тартиби калом эттилар,
Ҳар бири бир "Хамса" тамом эттилар.
Манга етушганда бу иш навбати,
Бўлди манга борисининг ҳиммати [Хожа. 4:62]

сингари байтлар келтирилади. Бу фаннинг раҳбари Низомий, Хусрав ва Жомий унга пир, Навоий эса яқин эканлигини таъкидлагани ҳолда, ҳар бири "Хамса" яратганлигини айтади. Хожага бу иш навбати келганида эса уларнинг барчаси ҳиммат кўрсатганлигини баён этади. Бундан Хожанинг ҳам "Хамса" яратиш нияти йўқ эмаслигини англаш мумкин. Достонда шоир томонидан асарнинг номи "Мақсад ул-атвор" эканлиги айтилади:

Мақса-д+у-л+ат/вор(и) *қўюб/ отини*,
– V V – / – V V – / – V –
Шуҳраи шаҳр/ ***этди-м+онинг/*** *зотини* [Хожа. 4:63].
– V V – / – V V – / – V –

Демакки, Хожа достоннинг номини "Мақсад ул-атвор" деб қўйган, унинг шуҳрат қозонишини хоҳлаган. Достон *сариъи мусаддаси матвийи макшуф* ўлчовида битилган. Белгиланган ўринлар вазнга мослаб ўқилади. Достонннинг асосини унинг мақолатлар қисми ташкил этади. Хусусан, султон "адолат била салтанат саройин ободу саодат била мазлумлар хотирин шод" айлаб, "саховат била муҳтожларға иноят, беморларға шафқат ила илож" қилса, мухолифларини мағлуб этиб, илм аҳлиға яқин туришликни асосий вазифалардан деб билади. У Нўширавон каби одил, Хотами Той каби сахий деган ном чиқара олади. Бу мақолатларда ҳам тамсил ва мавъизалардан ўрни-ўрни билан кенг фойдаланилган.

Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида ҳам 5, 6 мақолатларда Ҳотами Той, Нўширавон ҳақидаги ҳикоятлар келтирилади. Гарчи ҳикоятларда сюжет чизиғи ҳар хил бўлса ҳам, бироқ уларнинг мазмуни ҳикоятларни бир-бирига яқинлаштиради. Шу хусусияти билан ҳам Хожа Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр"идан таъсирланган бўлиши мумкин. Балки шунинг учундир Навоийни Хожа ўзига "яқин" деб айтади. "Мақсад ул-атвор"даги Нўширавон билан боғлиқ тамсил қуйидаги байт билан бошланади:

Оди-л+эрур/ даҳр(и) да Нў/ширавон,
– V V – / – V V – / – V ~
Адли ила/ тузили-б+эр/ди жаҳон
– V V –/ – V V – / – V ~

каби байтда бу замонда Нўшироннинг одиллиги, унинг адолати билан жаҳон тузилганлиги баён этилади. Хожа байтда ридфи аслийли мурдаф қофияни истифода этиш орқали байтни *сариъи мусаддаси матвийи мавқуф* вазнида яратилишини таъминлаган.

Кунларнинг бирида Нўширавон мулкини имтиҳон қилиш мақсадида ўзини хасталикка солади. Кейин ўзининг бу дардига фақат эски иморатдан келтирилган ғишт даво бўлиши мумкинлигини айтади. Шоҳнинг дардига даво борлигини эшитган халқ эски иморат ғиштини топиш мақсадида ҳар томонга тарқалиб кетади. Лекин қанча уринишмасин ғиштни топиб келолмайдилар. Шунда улар йўлда бойқушга дуч келишади ва унга ўзларини қийнаётган саволни беришади. Шоҳнинг адолати туфайли бойқуш бирор вайрона йўқлигидан, бемакон эканлигидан қайғуради. Шунда бойқуш

Даҳрда вайрона топилмас аён,
Айласанг онинг ичида ошъён [Хожа. 4:67]

деб жавоб беради. Бўлган воқеани шоҳга айтиб беришганида у ўз юртида адолат ўрнатганидан хушнуд бўлади.

“Мақсад ул-атвор”даги Ҳотами Той ҳикояти ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда ўзида бор ноз-неъматлари билан камбағалларга, атрофдагиларга ризқ-рўз бўлишишни хоҳлайдиган инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Кунларнинг бирида уни подшоҳ синамоқчи бўлади. Унинг “дулдули соний”, “гардига ел ҳам ета олмайдиган” оти бор эди. Подшоҳ шу отини сўратиб, унинг олдига элчи юборади. Элчини очиқ чеҳра билан кутиб олади. Элчи нима сабабдан келганини дастурхон бўйида баён этади. Шунда элчига қарата Ҳотами Той:

Дедики:– Кеч келдинг эса ўю қўй,
Топмадиму, дедим, ўшал отни сўй [Хожа. 4:69]

деб айтганлигини баён этади. Буни эшитган элчи “бу не саҳоват, ҳиммат, карам, мурувват” эканлигини айтиб, унинг ҳотамтойлигига таҳсинлар айтади.

“Мақсад ул-атвор”нинг давоми 15 “танбеҳ” ва муножотлардан иборат. Уларда ҳам, асосан, зулмкор бўлмаслик, бойликка ўч бўлмаслик, сабр-тоқатли, матонатли бўлиш каби хислатлар ёритилади. Достон “Ҳикмати ҳаким” қисми билан якун топади. Унда шоир “панду насиҳатдур, муншии давлатдур онинг кўп сўзи” деб баён этади. Адабиётшунос Мирзааҳмедова Хожанинг ушбу достони ёш Жонибек султонга бағишлаб ёзилганлиги учун панд-насиҳатлар кўпроқ мансаб эгаларига, ҳукмронларга қаратилган: ҳукмрон элга саҳоватли, мурувватли, адолатли бўлиши билан бирга ўзининг шахсий хулқ-одобига ҳам бирор камчиликка йўл қўймаслиги, бу камчилик бор бўлган ҳолда эса, у халқ билан тўғри ва самимий муносабатда бўлишига таъсир этмаслиги кераклигини уқтирилишини таъкид этади [Мирзааҳмедова М. 2:69]. Бу ўринда биз олиманинг фикрига қўшиламиз. Чунки достонни ўқиган китобхонда шунга ўхшаш ҳислар ўтиши табиий ҳол деб қараймиз.

Олима Д.Юсупова арузий матнда урғунинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидлайди [Юсупова Д. 6:101]. “Махзан ул-асрор” йўналишидаги достонлар учун хос бўлган *сариъи мусаддаси матвийи макшуф*, *сариъи мусаддаси матвийи мавқуф* вазнлари ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, урғу достонларда вазн ва мазмун муштараклигида истифода этилади. Хожанинг “Мақсад ул-атвор” достонидаги “Насиҳатнома” қисмидан сўзга берилган таърифнини кўриб чиқсак:

Ки′мки олур/ па′нду наси/ҳа′т сўзин,
–′ V V – / –′ V V – / –′ V –
Жа′ннати аъ/ло′ аро со/лу′р ўзин.
–′ V V – / –′ V V – / –′ V –

Па′нду наси/ҳа′т била қил/ғи′н сулук,
–′ V V – / –′ V V – / –′ V ~
Хо′ҳи фақир/ ў′лғилу хо/ҳи′ мулук [Хожа. 4:59].
–′ V V – / –′ V V – / –′ V ~

Англашиладики, сариъи мусаддаси матвийи макшуф, сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазнларида яратилган байтларда урғу ҳар бир рукнннинг дастлабки бўғинига тушяпти. “Урғунинг рукнлардаги бундай таносуби ва қисқа бўғинларнинг кетма-кет қўлланилиши енгил ва ўйноқи ритмнинг вужудга келишини таъминлаяпти” [Юсупова Д. 6:102]. Достондан олинган парчалар сариъи баҳри вазнларида яратилганлиги учун уларда рукннинг урғу олиши бир хил. Чунки аруэий матнда сўз урғуси эмас, балки рукн урғуси етакчилик қилади.

Ўзбек адабиёти хазинасидан Хожанинг яна бир дурдона асарининг ўрин эгаллаши ҳар қандай китобхонни қувонтиради. Достон мумтоз достонларимизга хос бўлган вазн ва мазмун уйғунлигида яратилган. Достон учун қўлланилган вазн унинг мазмунини очишга катта ўзига хос ўрин эгаллайди. Достоннинг мавзуси у яратилган вазнга ҳамоҳанглиги билан мусиқий оҳанг касб этган. Бу эса ижодкордан катта меҳнат ва масъулият талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзаахмедова М. Хожа: ҳаёти ва ижоди. – Т.: ФАН, 1975. – Б. 136.
2. Мирзаахмедова М. Хожанинг “Мақсад ул-атвор” достони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1980, № 5. – Б. 69.
3. Тоҳиржонов А. Хожанинг янги топилган асари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1975, № 3. – Б. 70.
4. Хожа. Мақсад ул-атвор/ Асрлар садоси. Мумтоз ўзбек адабиётидан намуналар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 60-б.
5. Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Форс тилидан И.Бекжон таржимаси. – Т.: Абдулла Қолирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 275-б.
6. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. Монография. – Т.: MUMTOZ SO ‘Z, 2011. – 144 б.

ҒАФУР ҒУЛОМ ВА ЭРКИН ВОҲИДОВ: УСТОЗ-ШОГИРДЛИК АНЪАНАЛАРИ

Мухлиса ҲАФИЗОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида Ғафур Ғулом ижодининг улкан аҳамияти ёртилди.

Калит сўзлар: ижод, шеърият, Ғафур Ғулом фалсафий шеърияти, шаклланиш.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби адабиётда ҳам ҳар бир ижодкорнинг “ярқ” этиб кўзга ташланадиган асарлари бўлади. У шоир ёки ёзувчи бўлсин, ўша “ярқ” этган асар унинг эл орасида танилишига сабаб бўлиши мумкин. Чўлпоннинг “Гўзал”, Ойбекнинг “Наъматак”, Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Усмон Носирнинг “Юрак” сингари XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърий тафаккури даражасини белгиловчи шеърлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган асарларидан.

XX асрнинг 60-йилларида Ғафур Ғулом назарига тушган Э. Воҳидов унинг асарларини мутолаа қилиш жараёнидагина улардан таъсирланиб қолмаган, балки улуғ шоир ижод қилаётган дақиқаларда унинг ёнида бўлиб, ғафурона шеърларнинг яратилиш жараёнида ҳам иштирок этишга муваффақ бўлган. Эркин Воҳидов Ғафур Ғуломнинг ижод қилиш жараёнидан, умуман, унинг бадиий оламидан олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашар экан, шоирнинг ижод қилиш услубидан лол қолганини айтиб, бундай ёзади:

“Бир куни келганимда шоирнинг газета буюртмаси билан шеър ёзаётгани устидан чиқдим. Ўша катта стол атрофида Шоислом Шомуҳамедов, яна бир неча одам гурунглашиб ўтиришар, шоир суҳбатга қўшилиб, кутилмаган гаплар билан ҳаммани кулдириб, шунинг орасида шеър ёзар эди. Бундай ижод усули ўша вақтда қандай хаёлимга сиғмаган бўлса, ҳозир ҳам ҳеч тасаввур қилолмайман. Шеър ахир танҳоликда, фикру туйғуларни жамлаш, катта бир ички тўлқиндан туғилади-ку! Ғафур ака бўлса, ҳангома қилиб ўтирган жойида шеър ёзар эди. Ҳар бир тўртлик битганида ҳамсухбатларига ўқиб берар, уларни қойил қолдириб, ўзи ҳам мақтаниб қўярди.

... Эсимдан чиқмайди, шеър ёз тўғрисида эди.

Мис баркаш қайилгудек устидаги юкидан,
Юмалоқ бол мисоли ҳар битта қантак ўрик...

Шу сўзларни ёзиб, шоир ўтирганларга мурожаат қилди: “Қани *ўрик* сўзига қофия қиламиз?” Биров “етук” деди... Ғафур Ғулом: “Шошманглар, тилимизда “югурик” деган сўз бор-а? Ҳозир шуни боғлаймиз, деб ручкани қўлига олди. Бир дақиқа ўйланиб турди. Мен бор хаёл кучимни, ёш

шууримни ишга солиб, ёз мевалари таърифланиб турган шеърга “югурик” деган сўзнинг боғланишини тасаввур қилолмадим. Шоир бу вақт ичида тўртликнинг иккинчи бандини тугатиб, ўқий бошлади:

Қуёшда шакарзарра ялтирайди тукидан,
Пишиқчилик кунлари хаёл каби югурик.

“Қойил”, демай илож йўқ. Шеър битди. Уни русча алифбосига кўчириб ёзишни устоз менга буюрди. Шундай қилиб, 1961 йил июнда яратилган “Ёз боши” шеърини мен оққа кўчирганман” [Воҳидов Э. 1:285-286].

Ушбу хотирадан ҳам аён бўладики, ёш шоир ижодининг дастлабки давридиёқ Ғафур Ғуломнинг шеър ёзиш маданиятини, қофия устида ишлаш маҳоратини кўриб, ҳайратга тушган.

Гёте котиби Йоҳанн Петер Эккерман билан суҳбатларидан бирида ижод оламига кириб келиши ва шаклланишида таъсир кўрсатган ижодкорлардан бири ҳақида шундай ёзган: “Менга шеърнинг бадиий таъсири ҳақида кўп гапиришар ва буни биринчи ўринга қўйишарди; менга эса ундаги мазмун муҳим бўлиб туюларди. ...Одатда бирорта сермазмун асар менга қаттиқ таъсир қилар ва ҳаяжонга соларди, Теодор Кёрнер (*Наполеонга қарши озодлик учун кураш даври шоири)* шеърлари ҳам шундай таъсир қилди. Поэтик истеъдоди менга ғоятда юксак ва тақлид қилишга муносиб бўлиб туюлди, менда ўзимга ҳам шу нарсани синаб кўрсам, унга ўхшаб нимадир яратиш қўлимдан келармикан, деган фикр туғилди” [Эккерман. Й. П. 5:27].

Гётенинг бу сўзлари Э.Воҳидовнинг Ғафур Ғулом ижодий лабораторияси билан танишишдан олган таассуротини эслатибгина қолмай, адабий таъсирнинг шундай жараёнлардан бошланишини тасдиқлагандек бўлади.

XX аср ўзбек шеъриятига назар ташлаганимизда, ҳар бир даврнинг ўз шеърияти бўлганлигини ва бир давр шеърияти ўзининг ғоявий, бадиий хусусиятлари билан бошқа давр шеъриятидан ажралиб турганини кўришимиз мумкин. Ғафур Ғулом шеърияти фалсафийлиги, инсонпарварлиги билан ўз даврининг жабр-у жафосини кўрган халқ дардига малҳам бўла оладиган шеърият бўлганлиги билан ажралиб туради.

Эркин Воҳидов устози Ғафур Ғулом билан бўлган илк учрашувини шундай хотирлайди: “1953 йил. Островский номли Пионерлар саройида Ғафур Ғулом келармиш деган хабар тарқалди. Шоирнинг эллик ёшлик юбилейи нишонланиш арафаси эди. Ҳаммада кўтаринки кайфият. Айниқса, биз – адабиёт тўгараги қатнашчиларининг қувончимиз ичимизга сиғмайди. Машинадан оқ жужунча китель-шим кийган Ғафур Ғулом тушиб келди. Кутиб олувчилар билан кўришиб, айниқса, бизнинг тўгарак раҳбари Ғайратий билан алоҳида илиқ сўрашиб ичкарига юрди. Йўл-йўлакай атоқли шоир ҳаммани кулдириб борар эди. Саройнинг очиқ саҳнасида учрашув бўлди. Ғафур Ғулом шеърлар ўқиди. У бир шеърини мана шундай тугатгани эсимда: “Бу шеърни айтди сизга бобонгиз Ғафур Ғулом” [Воҳидов Э. 2:55].

Ёш шоир қалбига мана шундай самимийлик билан кириб келган Ғафур Ғуломнинг ижод олами унинг бир умрлик йўлдошига айланди. Э.

Воҳидовдаги истеъдодни англаган шоир уни ижодий сафарларида ҳамроҳ қилиб олиб юрадиган бўлди, шундай пайтлардаги ижодий суҳбатлари билан ёш шоир шеърларининг янада теранлашишига, ижод оламининг бойишига ўз ҳиссасини қўшди.

“1966 йил, апрель, - деб ёзади Э.Воҳидов устоз билан кечган шундай сафарлардан бирини эслаб. - Тожикистон ёзувчиларининг съездига Ғафур Ғуломга ҳамроҳ бўлиб Шоислом Шомуҳаммедов ва мен борадиган бўлдик. Бу мен учун катта воқеа, улуғ устознинг билдирган ишончи ва меҳри белгиси эди...”

Шоир давом этиб ёзади: “Тожикистон Министрлар Советининг боғида беш кун Ғафур Ғуломнинг ажойиб суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Совет адабиётининг улкан вакиллари орасида устоз ҳамманинг диққат марказида, суҳбатларнинг жони бўлиб юрди. Классиклардан форсий ва туркий тилларда ёд билган байтлари, латифалари, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоя ва ҳангомалари сира тугамас эди. Москвалик рус ёзувчиларидан бири: “Ғафур – туганмас хазина, афсуски, бу гапларни қоғозга туширмайди-да. Дунёни ҳайратга соладиган гаплар-ку бу”, – дегани эсимда” [Воҳидов Э. 2:59].

Ўз даврининг буюк ижодкори бўлган Ғафур Ғуломнинг назарига тушиб, унинг ижод булоғидан сув ичган ёш шоир тўгарак қатнашчиси бўлган кездаридаёқ бундай нафис мисраларни битган эди:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан [Воҳидов Э. 3:7]

Эркин Воҳидовнинг бу шеъри ҳам икки банддан иборат. Шоир бу шеърида ҳам воқеликдан олган таассуротларини қисқа сатрларда, реалистик образлар ёрдамида ифодалашга эришган. Аммо бу шеърнинг аввалгисидан фарқи шундаки, бу шеърда ўгит, панд-насиҳат зарралари ялтираб туради. Лекин унинг ғояси Э.Воҳидовга хос инсоний фазилатларнинг “байроқдор”и - камтарлик мотиви жаранглаб туради. Шу маънода бу шеърда лирик шеъриятдан кўра фалсафий шеърият унсурлари устивордир. Аниқроқ айтсак, бу шеърдан Э.Воҳидов билан бирга устоз Ғафур Ғуломнинг ҳам нафаси эшитилиб тургандек бўлади.

Шеърият - инсон туйғуларини, унинг ботиний ва зоҳирий оламини ифода этувчи олам. Ғафур Ғуломнинг “Вақт” шеърида ҳар бир лаҳза, сония, дақиқа, соатнинг инсон ҳаётида, ҳатто тақдирида муҳим аҳамиятга эга эканлигини юксак маҳорат билан тасвирланган бўлса, шу ҳол ва ҳодиса ёш Э. Воҳидов шеърларида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топган:

Фурсат – олтин

Сен кўкрак кериб
Олтинингни сочиб борасан.
Фурсат қувар,
Унга чап бериб,
Сўроғидан қочиб борасан [Воҳидов Э. 3:35].

Шоир шу шеърида фурсатни олтинга тенглаштириб, минглаб фурсатлардан иборат инсон умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир соати қимматли экани ҳақида, лирик қаҳрамоннинг ўз виждони олдида, ота-онаси, жамоаси олдида, Оллоҳ олдида ҳисоб бериш фурсати келганида мулзам бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ёзган.

Ғафур Ғулом вақтнинг қадрига етиш ҳақида фикр юритар экан, бу фикр ўқувчининг юрак торларини титратиб юборадиган поэтик образларни, бадиий деталларни топади. Э.Воҳидов устознинг поэтик маҳорати сирларини қанчалик ўрганишга интилмасин, у бошқа адабий авлоднинг вакили, бошқа авлоднинг шоири эди. Шу маънода у аруз вазнида ёзган шеърларида мумтоз файласуф шоирларнинг поэтик мактабидан олган сабоқларини намойиш этса-да, вақтнинг қадрига етиши лозим бўлган ёш авлод учун ёзганида уларга яқин тил ва услубдан, поэтикадан фойдаланмайди. Вақт деган фалсафий категориянинг инсон ва замон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг баҳосиз эканлигини содда, аммо нишонга бориб тегадиган сатрларда ифодалайди:

Сўрар экан фурсат сарҳисоб.
Бенаф ўтган
Ҳаётинг учун
Вақт олдида берурсан жавоб [Воҳидов Э. 3:35].

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Ғафуров Эркин Воҳидов ижоди, унинг ноёб истеъдоди, устозларининг шоир ижодининг шаклланишида ўрни ҳақида кўп ва хўп фикрларни билдирган. “Шоирнинг илк машқларига, - деб ёзган у, - Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Туроб Тўла сингари адабиёт дарғаларининг назари тушган, унинг шоирлик заковати, ақл-идроки, фасоҳат туйғуси уларга янги бадиий олам кириб келганидан дарак берган эди. Ўзбек шеъриятининг толеи ва анъаналари ишончли қўлларга ўтаётганидан улар мамнуният билдирган эдилар”[Ғафуров И. 4:42]

Ҳар бир инсон камол топар экан, унинг улғайишида, қобилиятини намоён этишида у яшаган тарихий муҳит катта роль ўйнайди.

Ҳар бир ижодкор ўз-ўзидан шоир ёки ёзувчи бўлиб туғилмайди. Унга, устоз ёки устозлардан ташқари, тўғри йўлни кўрсатувчи, ижодий озуқа бера олувчи адабий муҳит ҳам лозим. Э.Воҳидов тақдир туҳфаси билан ўзига муносиб устозларни топа олди, ўзининг услубига, сўзига эга бўлди. Унинг шоир сифатида шаклланишида, фалсафий дунёқарашида, XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётига дадил кириб келишида, Ғайратий, Ғафур Ғулом, М.Шайхзода, Миртемир сингари адибларимизнинг ижоди, Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган тадбирлар, матбуотда бўлиб ўтган баҳслар, ижодий сафарлар, декадалар – булар бари адабий муҳит вазифасини бажарди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Эркин. Сайланма. Қалб садоқати. 5-жилд: мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар. - Тошкент: “Шарқ”, 2018.
2. Воҳидов Эркин. Шоиру шеъру шуур: Адабий эсселар. – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1987.
3. Воҳидов Эркин. Танланган асарлар – Тошкент: “Шарқ”, 2019.
4. Ғафуров Иброҳим. Олтин қозиқ: мансуралар, эсселар, адабий ўйлар, суҳбатлар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2017.
5. Эккерман. Й. П. Гёте билан гурунглар . – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2016.

“HAQQUSH QICHQIRIG’I” DOSTONI QO’LYOZMASI HAQIDA

Shoxista AXMEDOVA,
Jizzax davlat pedagogika universiteti
tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada O’zbekiston xalq shoiri Omon Matjonning hayoti va ijodi tahlil etiladi. Xususan, shoir tarjimai holiga doir ma’lumotlar beriladi. Shuningdek, zamonaviy o’zbek she’riyatida alohida o’ringa ega bo’lgan Omon Matjonning o’ziga xos lirikasi tahlil etiladi va “Haqqush qichqirig‘i” dostoni shoirning shaxsiy arxividagi shu doston qo’lyozmasi hamda dostonning jurnal varianti hamda kitob variant bilan qiyosiy tahlil etilib, ijodkorning ijodiy laboratoriyasi ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: Omon Matjon, o’zbek adabiyoti, lirika, afsona, ijodkor laboratoriyasi, shoir shaxsiy arxivi.

Hozirgi o‘zbek she’riyatining zabardast vakillaridan biri Omon Matjon 1943-yil 14-fevralda Xorazm viloyati Gurlan tumanida xizmatchi oilasida dunyoga keldi. Ayni ikkinchi jahon urushi avjiga chiqqan, odamlar juda qiynalgan, ocharchilik pallasi, qishning qahraton kunida ukam tug’ildi deb eslaydi O.Matjonning akasi Zarif aka. “*Hech kim yo’q edi o’sha payt nimagadir uyimizda men doya chaqirib kelib yordam berganman onamga va ismini Omon qo’yaylik shu qora kunlar o’tib omon kunlar kelsin yurtimizga deb ismini Omon qo’ydik*” – deb xotirlaydi Zarif Matjonov. [Адабиёт ва санъат нашриёти, 1:65] Shoir 3 yoshida onasidan ajralib qoladi va uni o’gay onasi O’rozbika tarbiyalab voyaga yetkazadi. Shoir o’spirinlik davrida yana uning hayotida og’ir judoliklar boshlanadi: uning ikkita opasi Gulsara va Oyimjonlar ham bevaqt bu yorug’ dunyoni tark etadi. Bu esa shoirning otasi Matjon Jumaniyozovni chuqur qayg’uga soldi va bir kunda uning sochlari oppoq bo’lib ketadi. Omon Matjon yoshligidan she’r yozishni mashq qilar, adabiyot darslaridan berilgan insholarni zavq bilan yozar edi. Uning birinchi she’ri o‘sha yillarda Yangibozorda “Kommunizm uchun”

rayon gazetasida “Baliq bilan chirik to’r” nomi ostida nashrdan chiqariladi. Uning ilk she’riy to‘plami “Ochiq derazalar” (1970) nomi bilan nashr etilgan. Shundan so’ng shoir jamoatchilik e’tiboriga tushadi. Omon Matjon Poytaxt Toshkentga kelib ishlaydi va umrining oxirigacha shu yerda yashab, ijod qiladi. Hozirda Omon Matjon uyida farzandlari tomonidan saqlanayotgan shoirga tegishli shaxsiy arxividagi asarlarining yuzlab qo’lyozmalarini (ular papkalarda dastxat yoki mashinkada pechatlangan) o’rganib, ijodkor laboratoriyasiga doir badiiy asar tarjimai holi hamda bir she’r ustidagi zahmatlarini, ijodkorning ijodiy ishlash manerasi va ruhiy iqlimlarini kashf etishni o’z oldimizga maqsad qilib qo’ydik.

Omon Matjon shaxsiy arxivida “Gaplashadigan vaqtlar” to‘plamining 1ta, “Al-Xorazmiy” dramasining 2 ta (ayrim varaqlari tushib qolgan), “Haqqush qichqirig‘i” dostonining 1ta, (1-afsonasini topolmadik) nusxasi borligini aniqladik. Bulardan tashqari, “Ibn Sino” tarixiy dramasi (pechatlangan holatda, hatto uning ssenariysi tuzilib, sahnalshtirish ham rejalashtirilgan ekan, ammo mazkur tarixiy drama hech qayerda chop etilmagan) nusxasi borligini aniqladik. Ijodkorning shaxsiy arxivini chuqur o‘rganish jarayonida “Haqqush qichqirig‘i” dostoni diqqatimizni tortdi. Asar 1979-yilda yozilgan bo‘lib, jami 40 ta afsona va 133 (qo‘lyozmada 165) sahifani o‘z ichiga oladi. Doston shu yilning o‘zidayoq “Sharq yulduzi”[Ҳотамов Н. 2:89] jurnalining 8-9- sonlarida ayrim qisqartirishlar bilan chop etilgan. Ushbu jurnalning 8-sonidan poemaning yarmi, yani 10 ta afsonasi joy olgan, qolgan 9 ta afsona: “Xevoq afsonasi”, “Ikki gul”, “Kerakli narsalar va ularni izlash”, “G‘amxo‘rlik yoki ikki chinor”, “Ruhlar”, “Muallaq to‘rg‘ay”, “Komil Xorazmiyning Muhammad Rahimxon (Feruz)dan Rossiya bilan sulh tuzishni so‘ragani, “Xum”, “Eng so‘nggi xazina” kabilari tushirilib qoldirilgan. 9-sonida esa, 12 ta afsona jurnalda chiqarilgan. Lekin ularning 8 tasi: “Bir Xiva-ikki qal’a”, “Qarg‘a nega qora?”, “Ajdar quduq”, “G‘alati orol”, “Tun afsonasi”, “Turnalarning ovozi”, “Ishq va rashk”, “Samandar” kabi afsonalar berilmay ketgan. Biroq, Jami afsonalar soni 39ta. Kitobni o‘qish jarayonida 39- afsonadan keyin kitobxon 40-afsonani qidirib qoladi, shoir oxirgi afsonani o‘quvchi havolasiga qoldiradi “*…xohlang o‘zingiz to‘qing, xohlang eshitgan yoki o‘qiganlaringizdan birortasini qo‘shib qo‘ying. Axir hayotda kishining hech bo‘lmaganda birgina o‘z afsonasi bo‘lishi kerak*.”[Матжон. 3:12] – deb shoir o‘qirman uchun alohida bitta bo‘sh sahifa qoldiradi. Haqiqatdan ham, asarni o‘qir ekansiz unda Xorazm xalq afsonalarining badiiy talqini bilan birga inson ko‘nglidagi yaxshilik va yomonlikning tinimsiz kurash olib borishini, ayniqsa, inson qadriga putur yetkazadigan loqaydlik, xudbinlik, farosatsizlik, g‘iybat, baxillik, adolatsizlik kabi illatlarning keskin qoralanishiga guvoh bo‘lasiz. Zero, Ozod Sharafiddinov ta’kidlaganidek, “*Haqqush qichqirig‘i” har kimning o‘z afsonasiga ega bo‘lishiga yordam beradigan kitobdir, yani u bizning ma’naviy dunyoqarashimizni boyitadi, ruhiyatimizga yangi ranglar baxsh etadi*.” [Озод Шарафиддинов. 4:331]

Omon Matjonning “Haqqush qichqirig‘i” dostonidan o‘rin olgan har bir afsonaning o‘z yaratilish tarixi bor. Dastavval, shoir nima uchun bu asarni yozishda afsona janridan foydalandi,- degan savol tug‘iladi. Mulohaza qilib ko’rib, shunday xulosaga keldik. XX asrda bir necha marta yurtning sara o‘g‘lonlari, ziyolilari nohaq zarbalarga duch kelishdi. Ayniqsa, 1937–yil, 1950–yillarda xalqimizning sevimli shoir–u yozuvchilariga tuhmat toshlari otilib, ularni vatan xoinligida ayblab qatl qildirib, surgun qilishlari, 1980–yillar “o‘zbeklar ishi”

tufayli ko‘pgina xalqimizning aziz farzandlari jabr ko‘rganligini, shoir afsonalar orqali o‘ziga xos tarzda aks ettirgan, bunga asosiy sabab o‘sha davrda haqiqatni to‘g‘ridan to‘g‘ri aytish judayam mushkul bo‘lganligidadir. Omon Matjonning “Eng so‘nggi xazina”, “Haqqush qichqirig‘i”, “Muallaq to’rg’ay” kabi afsonalarida mustamlaka siyosatining zulmi, xalqimiz boshiga tushgan ko‘rgulliklar yaqqol aks ettirilgan. Fikrimizcha, ijodkor yurtning orzu –istaklarini va armonlarini afsonalar orqali yoritishga harakat qilgan, negaki, afsonalar hayot haqiqatiga judayam yaqin turuvchi voqea-hodisalardir.

U haqda “Adabiyotshunoslik lug‘ati”da quyidagicha ma'lumot beriladi: ***Afsona–*** *1) xalq og‘zaki ijodi (folklor) janri. U xayolot, uydirma va to‘qimadan iborat bo‘lsa-da, so‘zlovchi va tinglovchi tomonidan haqiqatdek tasavvur etiladi, hatto bo‘lib o‘tgan davri, makoni ham ko‘rsatiladi. Ular og‘izdan og‘izga, eldan elga o‘tib kelgan, ifoda usuli bayon tarzidagi og‘zaki hikoyat bo‘lib, u xayoliy obraz yoki tasavvur asosiga quriladi, hikoya qiluvchilar va tinglovchilar tomonidan qachonlardir shunday bo‘lgandek qabul qilinadi. Rivoyatdan farqli o‘laroq zaminida, albatta, mo‘jiza, sehr-jodu bo‘ladi*. [“Qadimiy afsonalar”. 5:67]

Zero, Aristotel tabiri bilan aytganda, “*afsonalar haqiqatdan xabar beruvchi yolg‘on hikoyalardir*”[6;675] Darhaqiqat, shoirning o‘zi esa afsonalarga quyidagicha ta’rif beradi: “*Afsonalar –bolaligimizning **oq qanotli qushlari**. Ular bugun ham, ana yaqinginamizda – nurli ko‘zlar bilan kuzatib turganga o‘xshaydi bizni! Bu hammaga tanish tuyg‘u. Lekin yurtning –tug‘ilgan maskanning afsonalari qayerdan boshlanadi? Kim to‘qigan ularni*?!”[diss.natlib.uz. 7.7] - deb yozadi shoir kitobning boshida. Bu savollarga javob berish ancha mushkul, lekin shunisi ma’lumki, ijodkor ushbu asari orqali bizni tarix bilan, ajdodlarimiz bilan yaqinlashtirdi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Umuman olganda, Omon Matjonning “Haqqush qichqirig‘i” asari yangi o’zbek dostonchiligining eng yaxshi namunalaridan biri hisoblanadi. “Haqqush qichqirig’i” dostoni va uning ajib tarzda qurilgan badiiy kompozitsiyasi, shoirning shaxsiy arxividan topilgan qo’lyozama hamda qoralamalar ushbu dostonga yangicha nigoh tashlash imkoniyatini paydo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-331-б.
2. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча–ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
3. Матжон. Ҳаққуш қичқириғи —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
4. Озод Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент. 341- б.
5. https://moluch.ru “Qadimiy afsonalar”
6. Sharq yulduzi - 1979_8.pdf (ziyouz.com) 19- б.
7. diss.natlib.uz.

“SHAHIDLAR SHOHI” QISSASIDA SHAYX NAJMIDDIN KUBRO OBRAZI

Ozoda OCHILOVA,
UrDU doktoranti

Annotatsiya. Ushbu maqola O‘zbekiston xalq shoiri Xurshid Davronning tarixiy-ma’rifiy qissasi asosida yozilgan bo‘lib, unda Najmiddin Kubroning hayot yo‘li, tariqat arbobi sifatida namoyon bo‘lishi, vatanparvarlik jasorati, xalqi va o‘z yurtining ozodligi yo‘lida ko‘rsatgan jasoratlarini yoritishda ijodkorning o‘ziga xos uslubi yoritiladi. Qissada Najmiddin Kubroning Xorazm elining buyuk va donishmand farzandi, karomatlar sohibi ekanligi ta’sirli yoritib beriladi.

Kalit so‘zlar: Shayx Najmiddin Kubro, tasavvuf, qissa, karomat, tarixiy shaxs,vatanparvarlik, jasorat.

Bizga ma’lumki, adabiy ijod badiiy tafakkur shakllaridan biri hisoblanib, uning bosh tasvir obyekti insondir. Jamiyat hayotida adabiyot va san’at asarlari ma’lum o‘ringa ega bo‘la boshlagan davrlardan boshlab insonni anglashga, uning jamiyatdagi o‘rnini, ruhiy dunyosidagi turli xil o‘zgarishlarni tushunishga intilib kelindi. Ijodkorga insonni tadqiq itishida o‘zidan oldingi davrlarda ibratli umr kechirgan tarixiy shaxslarning hayot yo‘li qo‘l keladi. Sababi “…har bir tarixiy shaxs, ayniqsa, tarixiy ijodkor shaxs qismatida tarixning uch tarkibiy qismi-o‘tmishi, hoziri va kelajagi bir butun uyg‘unlikda yashaydi” [Karimov H. 1:3]. O‘tmishdagi ibratli voqea-hodisalarni, ularda ishtirok etgan tarixiy shaxslar hayotini badiiy jihatdan yoritish bevosita tarixiy taraqqiyotning talab va ehtiyojlari bilan amalga oshirilib, bu mustaqil mamlakatimiz, hur va erkin xalqimiz uchun alohida ahamiyatga ega. Chunki tarixda ajdodlarimiz tomonidan to‘plangan tajribani bizga yetkazish, anglatish orqali bugungi davrni yanada teran anglashimizga va kelajak tomon dadil qadam tashlashimizga yordam beradi. Shu sababli ham deyarli barcha xalqlar badiiy adabiyoti xazinasidan o‘tmish va tarixiy shaxslar haqida yaratilgan ijod namunalari muhim o‘rin egallagan.

O‘zbek adabiyotining barcha davrlarida mashhur tarixiy siymolar, xususan, ijodkor shaxslar haqida turli xil janrlarda yaratilgan asarlar mavjud. Jumladan, Beruniy, Ibn Sino, Pahlavon Mahmud, Najmiddin Kubro, Mashrab kabi alloma va ijodkorlar to‘g‘risida turli davrlarda yaratilgan asarlar buni isbotlaydi. Bunday asarlarning o‘ziga xosligi ulardagi tarixiy shaxslar faoliyati o‘zlari mansub bo‘lgan davr voqeliklari bilan uyg‘un holda yoritilishidadir. “Shu bois ular, bir tomondan ilg‘or dunyoqarashlari va yuksak ideallari bilan tarixan o‘z zamonasidan ilgariliab ketgan siymolar sifatida gavdalanadilar” [Rahimova B. 2:3].

Ye.Bertels Shayx Najmiddin Kubroni XII-XIII asr so‘fiylari orasida eng ulug‘ va yorqin shaxslardan biri deb baholagani ma’lum. Haqiqatan, insoniyat tarixida Najmiddin Kubrodek ilm-ma’rifatli, vatanparvar va mard insonning dunyoga kelishi insoniyat tarixida kamdan-kam uchrovchi hodisadir. Tarixchi Xondamir ma’lumotlariga ko‘ra Sulton Husayn Boyqarodan “Saltanat sohibi bo‘lmaganingizda nima ish bilan mashg‘ul bo‘lardingiz?” – deb so‘rashganida,

“Najmiddin Kubro maqbarasida jorubkashlik (supuruvchi) qilardim”, – deb javob qaytargan ekan. Shayx Najmiddin Kubro ana shunday ehtirom va e’tiborga loyiq ulug‘ zotdir. Ammo Vatanimiz istiqlolgacha ko‘plab ulug‘ allomalarimiz haqida fikr va ochiq munosabat bildirishda to‘siqlarga uchralgan. Mustaqilikka erishilganidan so‘ng esa vaziyat tubdan o‘zgardi. Olim va shoirlar Najmiddin Kubro hayoti, tariqati va ijodini o‘rganishga kirishdilar. Risolalar, maqolalat to‘plamlari nashr qilindi. Shunday ishlar qatorida iste’dodli shoir va muarrix Xurshid Davronning “Shahidlar shohi” asari o‘zining mustahkam o‘rniga ega.

Qissa ijodkorning tarixiy manbalarni o‘rganish, izlanishlari va ijodiy tajribasining mahsuli sifatida maydonga kelgan. Adib asar yakunida kitobxonga izoh sifatida shunday yozadi: “Men bundan ancha yillar avval (1990-yilning kuzida) Shayx Kubro hayoti va faoliyatiga bag‘ishlangan tarixiy-ma’rifiy asar yozishga qo‘l urdim. Ammo asarni yozishga kirishishdan avval Hazrati Shayxdan ijozat olish niyatida Ko‘hna Urganchga otlandim” [Davronov X. 3:191].

Qissa bilan tanishish davomida shunga guvoh bo‘lamizki, unda adib tarixiy haqiqatni anglash va ifodalashga aniqlik, haqqoniylikka intilish, davr ruhi va qahramon xarakteri mosligini yaratishda o‘ziga xos yondashgan. Bunda adibning real voqelikka bo‘lgan xolis munosabatini, tarixiy manba va ijodiy tafakkurdan foydalanish me’yoriga amal qilishdagi o‘ziga xos jihatlar ijodkorning tarixiy voqelikni badiiy idrok etish va qayta jonlantirishdagi uslubi, imkoniyati darajasi bilan ham bog‘liq. Chunki “…uslub –yozuvchining voqelik va insonni idrok qilishi, ularning qalbidagi haqiqatning kashf etishi va uni so‘z vositasida obrazli ifodalay olishi – bu vazifalarni individual (“o‘ziga xos”) tarzda yaratish sana’ti” bo‘lib [Umurov H. 4:236], har bir ijodkorning o‘zigagina xos bo‘lgan xususiyatdir. Ushbu tarixiy-ma’rifiy qissada Shayx Najmiddin Kubroning hayot yo‘li, xalqimiz ma’rifati va taraqqiyotidagi tarixiy xizmatlari, Vatan oldidagi jasorati ta’sirli uslubda yoritib berilgan.

Qissa kompozitsion jihatdan muqaddima va ikki qismdan tashkil topgan. Muqaddima qismi Ollohga hamd-u sano aytish bilan boshlangan. “Olloh Taolo eng avval yaratgani Rasulullohning nuri edi. Shundan keyin ul nurni to‘rtga bo‘lib, bir bo‘lagidan Arshi A’loni, bir bo‘lagidan Qalamni, bir bo‘lagidan Jannatni va so‘nggi bo‘lakdan mo‘minlarni yaratdi” [Davronov X. 3:3]. Yer yuzining yaratilishi va barcha yaratiqlar ichida eng oliysi bo‘lgan Odaming yaratilishi va u Olloh Taolo tomonidan aziz qilib qo‘yilganligi asarning muqaddima qismidan o‘rin olgan.

Asardagi asosiy voqealar Gurganjda yuz berganligi sababli birinchi qism ham Gurganjdan chiqqan karvonning yo‘lda uni qo‘riqlashi kerak bo‘lgan navkarlar tomonidan talanishi voqeasi bilan boshlanadi. Aynan ushbu voqea orqali ijodkor o‘sha davrda, ya’ni hijriy olti yuz o‘ninchi yil muharram oyining so‘nngi kunlarida Xorazmshohlar davlatidagi ahvol bilan kitobxonni tanishtirib o‘tishni niyat qilgan. Abulfath Samarqandiy boshchiligidagi karvonning talonchi navkarlar tomonidan talanishi voqeasi ko‘z ko‘rib, quloq eshitmagan voqea bo‘lib, Xorazmshohlar davlatida karvon yo‘llari xatarsiz hisoblanib, savdogarlar moliga ko‘z olaytirgan, joniga qasd qilgan qaroqchilar haqida ko‘p zamonlardan buyon hech kim

eshitmagan edi. Xorazmshoh saltanatiga juda beshafqat va kuchli dushman-Chingizxon qo‘shini hujumi boshlangan, bu paytda Muhammad Xorazmshoh yov bilan jang qilishdan qo‘rqib, saltanatni onasi-Turkon xotun ixtiyoriga tashlab qochib ketgan edi. Saltanatda tartibsizlik va buzg‘unchilik avj olgan edi.

Odatda tarixiy shaxslarga bag‘ishlangan asarlarda voqealar talqini ikki xil yo‘nalishga ega bo‘ladi. Birinchisida tarixiy shaxsning tarjimai holi talqini aynan aks ettiriladi va bu jarayonda tarixiy voqealar fon vazifasini bajaradi. Ikkinchi yo‘nalishda esa, tarixiy shaxs hayotida sodir bo‘lgan ma’lum bir voqealar tahlili orqali o‘sha davr siyosiy va ijtimoiy hayotidagi axloqiy-ma’naviy muammolar ifoda qilinadi. Najmiddin Kubro haqidagi ushbu qissada ham aynan ikkinchi yo‘nalish tanlangan. Asarning yaratilish jarayonida tarixiy fakt va ma’lumotlar asosiy manba vazifasini bajargan. Mavjud dalil va ma’lumotlardan foydalanishda ijodkorlik mahoratiga tayanilgani holda mubolag‘a va bir qator badiiy usullarga ham murojaat qilingan.

Asardagi imom Mujtahiddin obrazi orqali voqealar rivojiga Najmiddin Kubro obrazi kiritila boshlanadi. Mo‘g‘ullar qo‘shini Mavarounnahrga qadam qo‘ygan kundan buyon xiyonatkor imom Mujtahiddin Chingizga mulozimlik qilar va halok bo‘lgan behisob musulmonlar qonini ko‘raverib, o‘zining do‘zaxiy bo‘lib qolganini anglar edi. Imom butun gunohlari evaziga Gurganjda bo‘lib turgan Shayx Najmiddin Kubroni qutqarishni o‘ylab yurar va maqsadini amalga oshirish uchun qulay payt kutardi. Kutilgan qulay payt Gurganj ostonasida o‘zaro kelisholmay g‘alabani qo‘ldan chiqarayotgan Chig‘atoy va O‘qtoy huzuriga Chigizxonning to‘ng‘ich og‘li Jo‘jini yuborishga qror qilingan kun edi. Imom Mujtahiddin mo‘g‘ul xoniga deydi:

-Tokim Shayx Kubro shaharni tark etmas ekan, o‘g‘illariga zafar Musharraf bo‘lmas, illo shayx Valitaroshning quvvati har qanday qo‘shindan ham kuchliroqdir [Davronov X. 3:27].

Gurganj qal’asiga kirgan Jo‘ji elchilari orasida Imom Mujtahiddin ham bor edi. Mo‘g‘ullarga nima deb javob berishni bilmagan Xumortegindan ruxsat so‘rab, Qobilon darvozasi tomonda joylashgan shayx xonaqosiga keladi:

-Men sizni qutqarishga keldim, hazratim .

- Yo‘q, yo‘q, imomzoda, unday demagil, sen o‘zingni qutqargali kelding. Sen meni qutqarolmaysan, qutqarg‘uvchi egamdir…Hech bir iymonsizlik intiqomsiz qolmaydur. Bandasining qo‘lidan kelmasa, ro‘zi mahshar bordur…Evoh..,evohkim, sening bu azoblaringga chidab bo‘lmayapti, imomzoda…Yolg‘iz Olloh ishqi, Olloh dardi seni bu azoblardan qurqargay…

Ishq dardi g‘arib tanimda jondur,
Kim dard cheksa, o‘shal insondur.
Oshiqlikda do‘zax misli otashgoh,
Boshqa kaslar uchun u zimistondur…

[Davronov X. 3:132-133]

Qissani tashkil etgan voqea-hodisalar nisbatan mustaqildek qabul qilinsa ham ular asosida Shayx Najmiddin Kubro bilan bog‘liq holatlar turadi. Voqealar asosan real voqelikka, qahramon hayotidagi muhim va ijtimoiy-siyosiy ziddiyatlar

tasvirlangan lavhalarga, ya’ni tarixiy haqiqatga asoslanadi. Ana shunday tarixiy haqiqatni asarga mahorat bilan singdira olish yozuvchining ijodkorlik mahoratidan darak beradi.

Asar mazmun-mohiyatiga ko‘ra Najmiddin Kubro hayoti falsafasining mukammal badiiy aks ettirilishi deb aytish mumkin. Qissada tasavvuf olamining mashhur namoyandalari Shayx obrazi timsolida mujassamlashib, uning din va ilm, shariat, tariqat va haqiqat kabi tasavvuf ma’rifati haqidagi qarashlari negizida tarixiy jarayonning asosi-davr va inson aloqadorligi yoritiladi.

Qissada Shayx Najmiddin Kubro o‘z davrining eng hurmatli va ehtiromga sazovor zotlaridan ekanligiga urg‘u beriladi. Shayxning eng sevimli muridlaridan bo‘lgan Majididdin Bag‘dodiyni Muhammad Xorazmshoh ig‘vogar fitnachilar makriga ishonib o‘limga buyuradi. Sultonning hukmi tezda ado etiladi. “Sultonning o‘zi tunggi qilmishidan g‘oyatda pushaymon edi, uning qulog‘iga quyilgan gap tuhmat ekan…bir qarorga keldi. Piyoda yurib shayx xonaqohiga yetdi. Yonidagi mulozimlarning biri tilla-yu kumush uyulgan barkash, ikkinchisi qilich-u kafanlik matoni ko‘tarib olgan edi. Muhammad Xorazmshoh poygakda to‘xtab, boshini yalang‘ochladi, so‘ng:

– Agar tovon tilasangiz, mana zar, agar qasos tilasangiz, mana qilich-u mana boshim, dedi…

– Hukm ulug‘ kitobda qayd etilgan. Zulm qilishning, odamlarga ozor berishdan tiyilmaslikning tovoni ham zulm ko‘rish, ozor chekish…Jazo yaqin… ” [Davronov X. 3:105]. Bu kichik parchadan Shayx Najmiddin Kubroning o‘z davrida tutgan maqomi naqadar ulug‘vor ekanligini his qilamiz.

Qissada o‘sha davrdagi ma’naviy-axloqiy muammolardan biri sifatida xiyonatkorlik va sotqinlik kabi illatlar qoralanadi. Yuqorida keltirilgan parchada ham Majididdin Bag‘dodiyning qatl qilinishiga adovatkor va hasadgo‘y kimsalarning makr-u nayranglari sabab bo‘ladi. Bu kabi kimsalar kasofati tufayli butun bir millat tanazzulga uchrab parokanda bo‘ladi.

Xumortegin xiyonati sabab dushman shaharga bostirib kiradi. Tengsiz jang boshlanadi. Shahar himoyachilari safida Shayx Najmiddin Kubro ham bor edi. U jangchi emas edi. U Islom olamining buyuklaridan edi. Mo‘tabar yoshga yetganida Vatanining xiyonatkor kimsalar qo‘lida qolganligiga toqat qila olmadi. Shu muqaddas tuproq uchun jonini fido qilishga tayyor edi. “…shayxning jarangdor ovozi maydon uzra yangradi:

– O‘lim yo‘li muborak yo‘ldur. Vatan uchun o‘lim topmoq esa muqaddas odatdur. Xudoyim elchisi o‘z hadislarida “Vatan sarhadini bir kun himoya qilmoq oltmish yillik nafl ibodatidan ortiqroqdur” demishlar. Illo, o‘limimiz boshqalarga ibrat bo‘lsin” [Davronov X. 3:162].

Shayx Najmiddin Kubro – shahidlar shohi. U so‘nggi nafasigacha o‘zini Vatan oldida burchli deb bildi. Dushman tug‘bardorining ko‘kragiga qilich sanchib, uni qulatdi. Manfur dushman askarlari tug‘ini olish uchun jonsiz yiqilgan shayx boshini tanasidan judo qilib, barmoqlarini qirqib o‘zlarining naqadar ojiz va notavon ekanliklarini namoyon qildilar. “…Shayx Kubroning barmoqlari dushman bayrog‘ini shunday kuch bilan qisib turardiki, dushmanlar bu kuch oldida ojiz

qoldilar…Bayroqning katta parchasi shayx panjasida g‘ijimlanganicha qoldi…” [Davronov X. 3:164] Shayx Kubro jasorati haqidagi xabarlar o‘z davri va necha asrlar osha hali avlodlar qalbida vatanparvarlik urug‘larining nish urishiga, Vatan himoyasi muqaddas burch ekanligini bot-bot eslatib turishga xizmat qilib kelmoqda. Xurshid Davron qalamiga masub “Shahidlar shohi” tarixiy-ma’rifiy qissasi esa o‘zbek adabiyotida ushbu tarixiy ijodkorning shaxsiyati va hayot yo‘li haqida keng ma’lumot beruvchi manba sifatida beqiyos o‘ringa ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадиий образ. Филол. Фанлари номзоди дисс. автореф. Тошкент, ТАИ, 1999.

2. Rahimova B. O’zbek adabiyotida Pahlavon Mahmud obrazi talqinlari. Monografiya. Urganch, UrDU noshirlik bo’limi, 2012.

3. Хуршид Даврон. Шаҳидлар шоҳи (Нажмиддин Кубро тушлари). Тарихий-маърифий қисса. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2008.

4. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти – Тошкент 2002.

ПАРИ ОБРАЗИ ПОЭТИК ИФОДАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНГИЛАНИШЛАР

Севинчой ЁҚУБОВА,
Алишер Навоий номидаги
ТошДЎТАУ таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада жадид шеъриятидаги пари образи поэтик ифодаси билан боғлиқ янгиланишлар ўрганилган. Жумладан мумтоз Шарқ адабиётида кенг қўлланилиб келган пари образи XX аср ўзбек шеъриятида ўзининг мазмун қатлами, ифода йўсинида муайян эврилишлар жараёнини бошидан кечиргани, ижтимоий пафос ташишга йўналтирилгани таҳлилга тортилиб, мухтасарумумлашмалар чиқарилган.

Калит сўзлар: шеър, образ, халқ оғзаки ижоди, бадиият, мифология, мисра, оҳанг, мумтоз адабиёт, ўзига хослик

Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги анъанавий образлардан бири пари бўлиб, унинг пайдо бўлиши, ўзбек шеъриятига кириб келиши, бевосита халқ мифологияси билан боғланади. Халқона тасаввурларга кўра париларнинг хилма-хил турлари мавжуд ва улар муайян бадиий-эстетик вазифаларни бажаради. Масалан, шомонистик тасаввурларга кўра парилар Кўҳи Қоф ёки Боғи Эрамда маскан тутиб, инсонга ва инсон унга ошиқ бўлиши табиий ҳол саналади [Ҳаққулов И. 7: 173]. Тасаввурларга кўра парилар боқий яшайди, улар баъзан нопок одамлардан ўч олиши, кўпинча санъатни севиши, кўздан ғойиб бўлиши, ҳатто айрим ҳолларда инсонга шикаст етказиши ва ақлдан оздириши ҳам мумкин.

Рус фольклоршуноси А.Афанасьев қадимги славян халқларида табиат ҳодисалари (ёмғир, шамол)нинг ҳомийлари пари ёки сув парилари эканлигини таъкидлайди [Афанасьев А. 1: 150]. “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлигидаги “пайрика” – мифологик персонаж номи бўлиб, генетик жиҳатдан пари образининг архаик кўриниши эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган… Е.Э. Бертелснинг фикрича, “пари” сўзининг ўзаги ҳинд – европа бобо тилидаги “перй” лексемаси бўлиб, бу сўз зардуштийликдан бурунги мифологияда гўзаллик ва муҳаббат илоҳасининг атоқли оти ҳисобланган [Жуманов Э. 2]. Ўзбек мумтоз шеъриятида эса, пари образи маъшуқа гўзаллигининг идеаллашган тасвирини ифодаллашда қўлланилган. Бу образнинг ўзбек адабиёти тарихига кириб келиши, шеъриятдаги бадиий-эстетик вазифалари тадқиқотларда муайян даражада ўрганилган [Матёқубова Т. 3]. Масалан: Огаҳий ғазалларида халқ оғзаки ижодида тасвирланган сув париси образини учратамиз:

Хўблуқ авжига чиққон қуёш осо кўбдур,
Рутбада ўхшатғувсидур пари уммона санго. [Огаҳий 5: 56].

Шоир гўзал ёрнинг юксак даражадаги мартабасига табиатдан қиёс излар экан, уни ёрқин ва нурафшон қуёшга, шу нурда жилваланувчи денгиз-у океан сувларига, сув парисига қиёслайди.

Тадқиқотчи Д.Назарова Ҳувайдо шеъриятидаги пари билан боғлиқ шеърларни ўрганар экан, бундай ўринларда шоир маъшуқага “Эй пари”, “ Ул пари”, “Бир пари” деб мурожаат қилувчи байтлар кўпчиликни ташкил этишини қайд этади ва фикр тасдиғи учун қуйидаги мисолни келтиради:

Тушди кўнглим ичра дардинг телбалардек, эй пари,
Кулли оламдин кечиб, бегона бўлдим оқибат [Назарова Д. 4:128].

ХХ асрнинг 20-йилларига келиб бадиий адабиёт реал ҳаётга яқинлашди. У ижтимоий давр талаби ҳамда ижодкорлар маънавий-руҳий эҳтиёжи туфайли миллат руҳини уйғотишга йўналтирилди. Жадид шоирлари наинки мавзу балки янги адабий турлар важанрларда замон талаблари, миллат эҳтиёжларига жавоб беришга, бармоқ, верлибр йўсинларида шеърлар ёзишга интилди. Эбтиборли жиҳати шундаки, илгаридан мавжуд образлар ҳам эндиликда эрк, озодлик, курашчанлик, мустамлакачиларга нафрат, қолоқликдан қутулиш сингари ижтимоий маърифий мазмун, даъваткор руҳ таший бошлади. Жумладан, Чўлпон “ Кет” шеърида шундай ёзади:

Кет, эй тўққиз пари, гўзал қора қуш,
Йиқин бўлган кўкрагимдан, четда уч.
Кет, севгимнинг улуғ ёви, кўринма,
Лаънат сочиб ёнларимда юринма [Чўлпон. 7:46].

Чўлпон жаҳон адабиётининг зукко билимдони ва таржимони эди. Шунинг учун Чўлпоннинг ижод намуналарида жаҳон адабиёти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам кузатилади. Ушбу шеърида шоир француз ёзувчиси Виктор Гюго (1802 – 1885) нинг “Париждаги Биби Марям ибодатхонаси” (1831) тарихий романи воқеаларига ишора қилади. Роман воқеалари ўрта асрда бўлиб ўтади, асарда қўнғироқхона томидан туриб, ўз маҳбубаси бўлган лўли қизни кузатган Квазимоданинг фожеали муҳаббати тасвирланади. Бизнингча, “*тўққиз пари”* дейилганида Парижнинг Сите оролидаги француз готикасига хос меъморий ёдгорлик бўлган ушбу ибодатхона бош тархидаги ҳайкаллар назарда тутилган. Чунки Биби Марям ибодатхонаси Париждаги илк христианлар черкови – Авлиё Стефан ўрнида жойлашган бўлиб, қадимги римликлар худоси Юпитер черкови пойдевори асосига қурилган эди. Ривоятларга кўра, ақл бовар қилмас даражадаги маҳобатли ушбу черков қурилишига Иблис ҳам ўз ҳиссасини қўшган экан.

Чўлпон Иблис аралашган иш хайрли эмаслигига эътибор қаратади. Бегона маданият сиғиниш обектлари бўлмиш зоҳиран гўзал, аммо алдамчи санам (бут)лар – янгилик тарафдорлари даъвоси билан чиққан, азалий қадриятларни аёвсиз топтаган, қирғин – қатағонлар уюштирган “янги дўстлар”, яъни шўроларнинг адабий-мафкуравий ёлғонларига ишонишни истамайди. Чунки бу йўлда нажот йўқлигини теран англайди. Жони қийноқлар ичида қолса-да кўнгли алданмайди:

Кет, малаклар достонини ўқима,
Кет, аслсиз эртакларни тўқима.
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,
Кет, сенинг-чун қучоқ очган қора ер.
Кет, жонимни қийнағувчи жоду – ҳур,
Кет, кўнглимни алдагувчи ёлғон нур [Чўлпон. 7:46].

Бу фикрларнинг реал ҳаётий асослари, психобиографик моҳияти шундаки, Чўлпон ҳаётда ўзича йўл қидириб, қайси йўлдан бориш масаласида баъзан иккиланади. Аммо, *“улуғ ёв”*га зинҳор алданмайди. Бу ҳол шоирнинг илк умид нишонаси бўлган Туркистон Мухториятининг 1918-йил февралда шавқатсизларча тугатилиши, сўнгги умиди бўлмиш 1920-йилда юзага келган Бухоро Халқ Республикасининг тақдири ҳам хавф остида эканини англаши, руҳан ҳис этиши билан боғлиқ. Шеър шоирнинг 1922 йилги кайфият-ҳолига тўла мутаносиб эди. Чўлпон “Суйган чоқларда” шеърида ҳам пари образига мурожаат қилади:

Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган,
Парилари, ҳурларини кўрдингми?
Аламимдан гуллар эккан йўлларга,
Коинотдан ҳаёт сочиб юрдингми?

Йўлларингда “шитир” этса сўлган барг,
Қулоғимга мусиқалар келтирур;
Қачон сенинг мусиқали овозинг,
Сенинг мени “ суйганингни ” билдирур ?... [Чўлпон. 7:3].

Шоир ёрни гўзалларнинг маликаси, самовий чиройга эга қиёфада тасвирлайди. Маъшуқа қадам ташлаган йўллардаги сўлган баргнинг шитирлаши ҳам ошиққа мусиқадай эшитилади. Зотан, шоирнинг лирик қаҳрамони – умидвор ва виждони пок ошиқ. У сўнгги умидларига осилиб, йиқилиш ҳолига келган кезларида ҳам, ўзидаги Ватан ишқининг асл машъали – илоҳий қудратидан, кўнгил тилакларидан куч олади.

Ўзига хос оҳанг ва мусиқага эга бўлган Чўлпон ижодида “пари” образидан кўпгина ўринларда фойдаланилганини кузатишимиз мумкин. Шоирнинг айрим лирик шеърлари куйга солиб, қўшиқ қилинган. Улардан энг оммалашгани “Уйқу” номли шеъри ҳисобланади:

Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичинда ул пари,
Юрма, тек тур, ай шамол, юрсангда юр бир оз нари.

Кўкда бир тўп қиз – малак уйқу куйини бошлади,
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади [Чўлпон. 7:136].

Жадид шоирлари шеъриятида тасвирланган нарсалар, ҳатто муҳаббат ҳақидаги фикрлар ҳам ижтимоий маъно ташишга хизмат қилади. Чунки, миллат тақдирини ҳар недан устун қўйган жадид маърифатпарварларининг шахсияти билан эрк ва озодлик ҳақидаги ғоялари уйғунлашиб кетган. Узоқ

асрлар давомида ишқ ва гўзаллик билан боғлиқ қарашларни ифодалаб келган пари образи ҳам бу сингари шеърларда эрк, озодлик мавзусини ёритишга йўнвлтирилган.

Фитратнинг “Яна ёндим” шеърида ҳам пари образи тилга олинади:

Жон тортғуси бўлган кўзи оғир, нозли сузиларди,
Бир оз бурун чоғир ичкан париларға ўхшарди.
Билмам нечун ўйларди…!
Каъба узра айланғувчи кўгарчиндек юрагим,
Соатларча шу кўзларнинг теграсида айланди [Фитрат. 6:46].

Фитратнинг ушбу шеъри таг замирида ҳам ижтимоий моҳият мавжуд. Юртининг эртасидан ташвишга тушган лирик қаҳрамон ўзини юрагида қалин, қизғин олов ёнётгандек, чидамли умид тераклари йиқилгандек, узоқ давом этган қайғу тунидан сўнг тонг отмайдигандек, бутун борлиғини емирилгандай тушкун ҳолда ҳис қилади. Бир замонлар манглайида нур денгизи жилваланиб турган гўзал умид тўлқинлари у билан ҳамнафас эди. Эндиликда эса Каъба атрофини айланётган кабутардек парвона бўлса-да, унга сира боқмаяпди. Умидсизлик аро жони ўртаниб, чексиз изтироб чексада, юрагининг туб – тубида умиднинг қайтишини истайди. Руҳ нечоғлик яраланмасин умидсиз яшай олмайди. Бунда пари образи шоир илгари сурган туйғу-кечинмани таъсирчан ифода этишга хизмат қилган.

Кўринадики, мумтоз адабиётимизда кенг қўлланилган пари образи жадид шеъриятида янгича мазмун ва моҳият касб этган. Бу давр шеъриятида пари образи эрк, озодлик, миллат ва ватан келажаги учун қайғуриш сингари туйғу-кечинмалар тасвирида кенг қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Афанасьев А. Поэтические воззрения славян на природу.Т.3. – М.: Изд. К.Солдатенкова, 1969, – с.150.
2. Жуманов Э. Эртаклардаги дев, пари, илон, ялмоғиз образларининг мифологик асоси / Жаҳон адабиёти, – Т., 2022, 1-сон.
3. Матёқубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат, – Тошкент, 2010, – Б.28
4. Назарова Д. Ҳувайдо шеъриятида анъанавий образлар; Академик А.Қаюмовнинг илмий-ижодий мероси мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани – Т.: 2021, – Б.128
5. Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. Ж.1. Девон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1971
6. Фитрат. Танланган асарлар. Ж.1. – Т.: Маънавият, 2000
7. Чўлпон. Асарлар 1- жилд. – Т.: Академнашр, 2016
8. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989

USMON NOSIR ADABIY PORTRETINI YARATISH MAHORATI

Shaxnoza AZIMJONOVA
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
tayanch doktoranti

Annotatsiya. Ushbu tadqiqot ishida munaqqid olim akademik Naim Karimovning XX asr adabiyoti namoyodalaridan Usmon Nosir ijodi yuzasidan e'lon qilingan ilmiy merosi tahlilga tortilgan. Buyuk ijodkor Usmon Nosirning adabiy portretiga badiiy chizgilar berilgan.

Kalit so'zlar: adabiy hayot, tarixiy davr, adabiy portret , adabiy tanqid, ijodiy muhit, tarixiy taraqqiyot va ijodkor mas'uliyati.

Adabiy portret janri bugungi adabiyotshunosligimizda keng tarqalgan janr turidir. Mazkur janrning boshqa janrlardan farqi shundaki, obekt sifatida jonli shaxs, ijodkor ya'ni aniq inson markazda turadi. Adabiy portretini yaratishda jonli xotiralardan , faktik ma'lumotlardan keng foydalaniladi va, asosan, puplisistik va badiiy uslub ustuvorlik qiladi. "Adabiy portretning bosh maqsadi hayotdagi inson (shoir,yozuvchi, olim)ning qiyofasini yaratish va shu orqali uni ommalashtirish, abadiylashtirishdir" [Axmedova Sh. 1:25].

Elimizga minglab iste'dodlarni yetishtirib bergan Ho'qandi latif Usmon Nosirga ham o'z bag'rini ochdi. Shoir sifatida she'riyat ilmining olmos qirralarini kashf etishida XX asr Qo'qon adabiy muhitining alohida o'rni bor .Bu davrda Usmon Nosir qatori Amin Umariy, Temur Fattoh, Madamin Davron, Muhsin Hamidov singari shoirlarning bu zamindan yetishib chiqqani Qo'qondagi adabiyotga , nafis san'atga bo'lgan yuksak e'tiborning amaliy ifodasidir. Albatta, shoir-u adiblarning xalqqa yetishtirib berishda Po'latjon Qayyumiy, Muxtor Muhammadiy domlalarning xizmatlari beqiyos. Shu o'rinda Usmon Nosirning ham ma'niviy kamolotida O'zbekiston davlat dorilfununida shoirga tahsil bergan Fitrat, Sadriddin Ayniy, Abdurahmon Sa'diy, V.L.Vyatkin, Gregory Shengeli, G'ozi Olim Yunusov, Shokir Sulaymon singari yirik darg'alarning adabiy ta'siri sezilib turadi.Ustozlar ko'magida toshda o'sgan gul kabi Usmon Nosir bo'y ko'rsatdi. Turmush urinishlarida, hayot yo'llarida qoqilgan Usmon uchun Po'latjon domla tashkil qilgan "Yangi hayot" maktabi, chin ma'noda shoirga yangi hayot berdi. Qo'qondagi "Dorush-shafaqa" yotoq maktabi shoirning kamolotida alohida mavqega ega maskan sifatida tarixga muhrlandi. Usmon Nosir deganda biz kimni tushunamiz. "U shunday iste'dod egasiki, bamisoli tekkan joyini kuydirguvchi olovdir. Shoirning g'oyat qisqa umriga nazar solgan kishi juda uzoq o'ylarga tolishi shubhasizdir. Chunki bu chaqmoqdek umrda benihoya katta imkoniyatlar yonib ketganligini ko'rib va his qilib turasiz. Usmon Nosir ulug' va abadiy she'riyatning diydasidan oqib ulgurmagan shabnamdir, u hali qahqahaga aylanmay lablarimizda manguga qotib qolgan nim tabassumdir. Uning she'rlari ko'z kabi tirik, jonli, tutqich bermas hayot poralaridir" [2:in//s].

Darhaqiqat, bu o‘rinda Abdulla Oripovning qanchalar haq ekanligini Usmon Nosirning ijod boyligi ko‘lami va ma’nisi so‘z isbotini beradi. Usmon Nosir adabiy portretiga badiiy chizgilar bergan zahmatkash adabiyotshunoslar ko`p. Ammo ular orasida akademik Naim Karimovning ilmiy tadqiqotlari ayricha mazmun kasb etadi.

Naim Karimov Usmon Nosir ijodini ikki davr oralig‘ida tadqiq qiladi. Birinchi davrini “Usmon Nosir: Hayotiy lavhalar, hujjatlar, rivoyatlar” kitobida shoirning tug‘ilgandan to Samarqanda o‘qishini yakunlamay Toshkentga kelgan davri oralig‘i, ikkinchi davr esa Samarqanddan Toshkentga kelgan davri 1935-yildan umrining so’ngigacha bo’lgan tarixiy davrni “Usmon Nosirning so’ngi kunlari” asari orqali yoritib berdi. Olim shoir hayoti va ijod olamining yakun davrini hikoya qilar ekan, shunday deydi: “Shoir hayotining bu fojiali davrini tasvirlash oson yumushlardan emas. Hujjatlar chalaligi, to‘la emasligi bilan kaminadagi ezgu niyatning ro‘yobga chiqishiga monelik qilgan bo‘lsa, aksar xotiralar tarix haqiqatiga zidligi bilan yangi-yangi murakkabliklarni keltirib chiqardi. Agar ana shu ikki sabab tufayli Usmon Nosir hayoti tasvirida «oq dog‘»lar qolgan yo noaniqliklarga yo‘l qo‘yilgan bo‘lsa, kamina siz, hurmatli kitobxonlardan ming bor uzr so‘rayman” [Karimov N. 6:4].

Usmon Nosirning hayoti to‘g‘risidagi haqiqatlarni bayon qilishda, ilmiy kuzatuv olib borishda akademik Naim Karimov, olima Nodira Rashidova hamda ijodkor Mukarrama Murodovaning shoir bilan bog‘liq tadqiqlarida: ya’ni tarjimayi holini tiklash, shoirning ijodiy labaratoriyasiga kirib borish kabi o‘rinlarda bir xil yondashuvni kuzatishimiz mumkin. Ammo Nodira Rashidova Usmon Nosirning so‘ngi kunlari hamda vafotidan keyingi voqeliklar haqidagi ma’lumotlarni berishda arxiv materiallarini aniq, real voqeliklarni hujjatlar asosida bayon etadi. Akademik Naim Karimov shoirning so‘ngi kunlari haqida yozar ekan, asarga badiiy tus berish tarzida yozilganligi bois, olim voqeliklarni badiiy lavhalar orqali tasvirlaydi, ya’ni muallif Usmon Nosir hayoti haqida o‘quvchiga rivoyat qiladi. Olim o‘quvchini Usmon Nosirning qisqa umri davomidagi turfa xil tavsilotlarga boy hayoti bilan tanishtirishga tayyorlash maqsadida roviy-yozuvchi bo‘lib ko‘zga tashlanadi. Eng muhimi roviy o‘z rivoyatida badiiy to‘qimalardan holi tarzdagi ifoda yo‘sinida hikoya qiladi. Hatto, Usmon Nosir haqida bo‘rttirma, oshirilgan to‘qima ma’lumotlarga keskin raddiya bildirib, asl voqeliklarni keltiradi.” Darvoqe, mashhur uydirmachi Adham Hamdamning so‘zlariga karaganda, Usmon Nosir ilmgoh professorlaridan birining qiziga uylangan va hatto undan farzand ko‘rgan emish. Ammo qaynota bilan kuyov o‘rtasiga tushgan sovuqlik tufayli u oilani ham, ilmgohni ham tashlab kelgan emish. Bu «mish-mish» da biror haqiqat zarrasi borligiga ishonish qiyin” [Karimov N. 3:40]. Aslida esa 1929-1930-yillarda Usmon Nosir Moskva shahrida tahsil olish uchun o‘qiydi ammo sog‘lig‘idagi muommolar sabab Qo‘qonga qaytib keladi. Naim Karimov ushbu fikrga “Usmon Nosir o‘zining dastlabki she’rlaridan ayrim namunalarni Hamzaga o‘qib bergan. Ehtimol, bu she’rlar otashin jarchida katta taassurot qoldirmagan bo‘lishi mumkin. Bugun, shu voqea ishtirokchilari siyraklashgan bir zamonda, «Hamza Usmon Nosir oldiga kelib, uni quchoqlab o‘pdi. Havaskor shoirning asarlaridan ta’sirlanib,

oqqan ko‘z yoshlarini artar ekan, unga ajoyib istiqbol tiladi. «Mana, mening o‘rnimga o‘zbek adabiyotida shu bola qoladi!» — dedi...» singari uydirmalarni to‘qish insofdan emas”[Rashidova N. 4:118] , - tarzidagi xolis mulohazasini bayon etadi.

Naim Karimov o’zining har ikki tadqiqoti orqali shoirga hayot bergan Namanganni, iste’dod va yangi hayot bergan Qo‘qon shahrini, ijodiy parvoziga yo‘l ochgan Moskva osmonini, orzular ro‘yobi Samarqand zaminini, umid-la maqsad sari yo‘llagan Toshkent yo‘llarini, ulg‘aytirgan Xorazm diyorini va buyuk shoirga mangu makon bo‘lgan Mariinsk shahrini sujet chizig‘ida akslantirish orqali Usmon Nosirning adabiy portretini reallikkka asoslangan badiiy lavhalarda akslantiradi. Bundan anglashiladiki, akademik Naim Karimovning XX asr adabiyotining o‘lmas siymosi Usmon Nosir xususidagi tadqiqotlari, adabiyotshunoslikdagi shoir haqidagi keyingi tadqiq ishlari uchun adabiy manba sifatida xizmat qilishi tabiiy va tayindir.

Adabiyotlar:

1. Axmedova Sh. O‘zbek adabiy tanqidining janrlar tarkibi. f.f.dok.diss. avt. Toshkent.2011. –B.25.

2. A.Oripov. Usmon Nosir haqida so‘z. O‘zAS 1983.18-mart soni.

3. N.Karimov. Usmon Nosir: Hayotidan lavhalar, hujjatlar, rivoyatlar. Toshkent, Fan, 1993. -B.118,48

4. N.Rashidova. Tarjimayi holidan // www. kitobxon.com

5. M.Murodova. Men – davrning kichik parchasi. Fitna san’ati. Toshkent, Fan, 1993 //www.kitobxon.com

6. N.Karimov. Usmon Nosirning so‘ngi kunlari: Hayotiy lavhalar, hujjatlar, rivoyatlar. Toshkent, Sharq, 1994.-B.4

O‘ZBEK MODERN SHE’RIYATIDA FOLKLORIZMLAR YOXUD BADIIY MODIFIKATSIYA KO‘RINISHLARI

Quvonch MAMIRALIYEV,
Alisher Navoiy nomidagi
Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
1-kurs tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada folklorizmlarning istiqlol davri o‘zbek modern she’riyatiga ta’sir doirasi o‘rganilgan. Xususan, mif, afsona, rivoyat, maqol, metal, alla, yor-yor kabi janrlarning, aynan, yozma she’riyatda ham qo‘llanishi tahlil qilingan. Bundan tashqari, mifologik obrazlar, motivlarning modern she’riyatga ta’sir doirasi o‘rganilgan. Shuningdek, yozma she’riyatda folklorizmlarning qo‘llanishini badiiy modifikatsiyaning bir ko‘rinishi sifatida baholadik. Mazkur maqolani yozishda qiyosiy-tipologik, sotsiologik, germenevtik tahlil metodlaridan foydalanilgan.

Kalit so‘zlar: folklorizm, janr, mif, afsona, rivoyat, alla, modifikatsiya, metod.

Jahon va o‘zbek adabiyotida folklordan foydalanish qadim asrlardan beri mavjud bo‘lib kelgan. Bu jarayon esa turli davrlarda turlicha kechgan. Xususan, o‘zbek yozma adabiyoti folklordan janr, syujet o‘zlashirilgan, vazn va qofiya qo‘llashni o‘rganib olgan bo‘lsa ham, ma’lum qonuniyatlar asosida qorshiq holatga kelgan hamda badiiy jihatdan taraqqiy etgan. Mif, afsona, rivoyat va boshqa ko‘plab folklor janrlarinig o‘zbek she’riyatiga ta’sir doirasi kengaygan. Alla, yor-yor kabi folklor janrlari istiqlol davri o‘zbek she’riyatiga ham ko‘cha boshladi. Bu esa mazkur davr she’riyatida folklorizmning yangi ko‘rinishlarini paydo qildi.

Faxriyorning bir qator she’rlarida folklor an’analarini bilan hamohang. Malasan, shoirning “Ayolg‘u” nomli to‘plamida folklorizm belgilari mavjud bir necha she’rlarni ko‘rishimiz mumkin.

Keldigim, kelmaging bunchalar qiyin?
Kuldigim, kulmaging bunchalar qiyin?
Bildigim, bilmaging bunchalar qiyin?
Suydim, allayor-allayor,
kuydim, allayor-allayor!

1999-yilda yozilgan ushbu she’r xalq og‘zaki ijodi ohanglarida bitilgan. Olti banddan iborat ushbu she’rning naqoratida “Suydim, allayor-allayor, kuydim, allayor-allayor!” misralari takrorlanib turadi. Ushbu she’rda lirik qahramon yoriga “allayor” deya uning kelmaganidan, kulmaganidan kuyunayotganini aytadi. She’rda oshiq yoriga “Keldigim”, “Kuldigim”, “Bildigim” deya murojaat qiladi va ushbu so‘zlarning bari turkiy so‘z ekanligi asarni yanada go‘zallashtiradi. Shoir keyingi bandda bu so‘zlarni boshqacha ifoda etadi.

Bu ko‘ngil emrandi, azobim – bilgich,
visoling falajdir, hijroning – kelgich,

tabassum koʻrmagan shikasta kulgich.
Suydim, allayor-allayor,
kuydim, allayor-allayor!

Mazkur she'rda "allayor-allayor" deya oʻzini ovutayotgan lirik qahramon holatini koʻrishimiz mumkin. Shuningdek, ushbu she'rda "alla" va "yor-yor"ning ohanglari vobasta qoʻllangan. Umuman, ushbu bitikda muallif his kechinmalari va xalq ogʻzaki ijodi ohanglari, motivlari qorishiq holatda ifodalangan.

Faxriyorning "Baxshining sevgisi" (XIX asr) she'rida folklorga xos ohang, syujet, obraz hamda oshiq va ma'shuqning koʻngil holatlari tasvirlanadi. Oshiqning dardi xalq dostonlaridagi kabi baxshilarning tilidan aytiladi. She'rda Sobir baxshining Mahfiratxonning visoliga yeta olmaganligi kuylanadi.

Na koʻrgulik tushmish mening boshima,
Qon yigʻladim, dunyo choʻmdi yoshima,
Yor, yuraging Sangijumon toshima,
Nechun yoshim sen qatori boʻlmadi?

She'rni bir oʻqiganingizda uning xalq ohanglarida bitilganligini bilish qiyin emas. Usmon Azimning "Baxshiyona" turkum she'rlari yodga tushadi yoki xalq dostonlaridagi qahramonlar tilidan aytilgan she'rlar eslanadi. Shuningdek, oʻzbek tilidagi -ga joʻnalish kelishigi qoʻshimchasi eski turkiy tildagi varinati -a shaklida qoʻllanilgan (boshima – boshimga, yoshima – yoshimga). Bundan tashqari, she'rda xalq dostonlarida uchraydigan gʻuluv (mubolagʻaning eng kuchyatirilgan turi) dan foydalanilgan: Qon yigʻladim, dunyo choʻmdi yoshima. Lirik qahramon (she'rda baxshining oʻzi) shunchalar yigʻlaganki (qon yigʻlagan), butun dunyo unga gʻarq boʻlgan. She'rning davomida esa "Men kuyganim yetar ikki jahona" naqorati bilan davom etadi. Bitik oxirida esa, Sobir baxshi va Mahfiratxonning bir-biriga yeta olmagani aytiladi. Faxriyor esa biz baxshi emasmizki, ularni murodiga yetkazsak, deydi. Koʻrinadiki, she'rning mazmuni ham shakli ham folklordan oziqlangan. Folklorizm va shoirning ichki kechinmalari uygʻunlashib, yangi bir bitik yaratilgan. Shoirning quyidagi she'rida esa ifoda yoʻsini va obrazlar turlichaligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

yana bitta
qobirgʻamni taroshlab bir kun
sibiziq qilaman
ergashtirib ketaman seni
sibiziq chalib
ishq vodiysiga
u yerlarda
baxt ham yoʻqdir
baxtsizlik ham yoʻq
faqat sevmoq bor... [Faxriyor. 2:98]

Koʻrinadiki, bu yerda Odam Ato va Havoga ishora mavjud. Ayolni Odam Atoning qovurgʻasidan yaralgani va ularning jannatdan quvilgani haqidagi mazmunni anglash mumkin. She'rda lirik qahramon yana bitta qobirgʻasini taroshlab sibiziq (sibizgʻa, nay) qilaman va seni ishq vodiysiga ergashtirib

ketaman, u yerda baxt ham, baxtsizlik ham yo‘q deya da’vo qiladi. Umuman, Faxriyor ijodida tarixiy-diniy shaxslar, mifologik obrazlar, afsona va rivoyat syujetlari qorishiq holatda uchraydi. Jumladan, uning quyidagi she’ri to‘rt so‘zdan iborat yaxlit asar.

Go‘rlar qisir – tug‘ishdan qolgan.

Shoir ushbu she’r bilan bugun Alpomishlar, Go‘ro‘g‘lilar tug‘ilmayapti demoqchi. Chunki Vatanni qo‘riqlaydigan, haq so‘zni hayiqmay aytadigan qahramonlar tug‘ilmayotganligini ifodalaydi shoir. Bunday modern ruhdagi she’rlar inson ibtidosidagi sezimlarini uyg‘otishga chorlaydi va shoir bunda folklordan, ya’ni xalqning o‘z ijodidan foydalanadi. Mifik obrazlar ham badiiy adabiyotda muallif tomonidan ma’lum maqsad yuzasidan qo‘llaniladi va alohida ahamiyat kasb etadi. Faxriyor ijodining asosiy ifodaviy xususiyatlari inson tafakkurining tub-tubidagi puchmoqlarni tasvirlashdan iborat. Bu o‘rinda mifik obraz ifodaviylikdagi ma’lum bir vosita xolos. Chunki, bu kabi obrazlar vositasida ong osti qatlamlarida yashirinib yotgan tuyg‘ularni, kechinmalarni qo‘zg‘atib yuboradi. Shu bilan birga badiiy asarning mohiyatini o‘zgachalik kasb etadi va bu hodisani biz modifikatsiyaning bir ko‘rinishi deya baholadik.

Ko‘rinib turibdiki, Faxriyor va modernizm yo‘nalishida qalam tebratadigan ko‘plab ijodkorlar inson ibtidosidagi tafakkurni, ruhiyatni qidirganlar. Ularning tabiat bilan uyg‘un holatidagi ichki ruhiyat va tafakkur manzaralarini ifodalashga uringanlar. Insonning ibtidoiy tafakkuri esa o‘z-o‘zidan mif, asotir va afsonalarga borib taqaladi.

Faxriyor ijodining xalq og‘zaki ijodi namunalari bilan uyg‘unligini o‘rganarkanmiz, shoirning “Yoziq” va “Ayolg‘u” dostonlarida folklor belgilarining bir nechasini qorishiq holatda kelishini ko‘ramiz. Chunonchi, bu asarlarda xalq og‘zaki ijodi, tarix lavhalari, diniy tushuncha va rivoyatlar kabi ko‘plab soha namunalariga bevosita va bilvosita murojaat, parodiya, kinoya yaqqol kuzatishimiz mumkin. Faxriyorning “Ayolg‘u” dostonida ham juda ko‘plab mif, afsona, ertak qahramonlari va syujet motivlari mavjud. Bu borada shoirning o‘zi ham fikr bildiradi. Dostonning nomi ham ramziy: unutilgan tarix, millat xotirasini asotirlar yordamida tiklashga bir urinish bo‘lgan edi bu, deya ta’kidlaydi shoir. Besh juft taxayyuldan iborat ushbu she’rning yettinchi tahayyuli to‘laligicha xalq og‘zaki ijodidagi obrazlar asosida quriladi:

bir kecha tush
sherning tirnog‘ini bo‘yniga
tumor qilib taqqan
shohning xotini
tumso malikaga
inchi iqlimdan
zangori olma keltirib berdi
olmani yedi u rusumga ko‘ra
oy kuni yetib
chaqirdilar momochi oyni
malikaning ko‘zi yoridi

oy koʻrsaki malika
shaxzoda oʻrniga boʻri tugʻibdi
koʻmkoʻk boʻrivachcha... [Faxriyor. 2:160]

Turkiy xalqlar folklorida malikaning boʻri tugʻishi haqidagi syujet motivlari mavjud. Mazkur voqelikda bir necha mifik obrazlar, doston motivlari ham mavjud. Ya'nikim, ijodkorning maqsadi yoʻlida bir necha folklor namunalari aralash – sintez holatda keladi.

sandiqlarni tobut qildilar
shaxzoda oqmagan sandiqlar.

Bu yerda esa "Tohir va Zuhra" dostonidagi sandiqda suvda oqqan Tohirga ishora mavjud. Sandiq, oy, tirnoq kabi obrazlar dostonda koʻplab oʻrinlarda takror keladi. Dostonning keyingi oʻrinlarida yana bir mifologik obrazga duch kelamiz:

Orzularin
chumchuq zamon terib ketgan shoh
qafasdan uchirdi tole qushini
taxtga voris izlab uchib ketdi qush
viloyatlarga [Faxriyor. 2:161].

Faxriyor bir necha syujet motivlarini, obrazlarini qorishtirgan holda yangi bir butun voqeani yaratadi. Shoirning yuqoridagi she'rlariga suyanadigan boʻlsak, koʻk boʻri qadimiy turkiy xalqlarni esga soladi. Rivoyatlarda qaraganda, turklar boʻridan tarqalgani aytiladi. Yoki qadimgi Rim imperiyasining ramzi boʻri boʻlgan. Boʻri obrazi italyan folklorida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Ammo shoir turkey xalqlar folkloridagi boʻri obraziga ishora qiladi. Ularni "koʻk turklar" (qadimgi bitiklarda "koʻk Tangri") deb nom olganligi ham tarixiy, ilmiy, badiiy manbalarda ham qayd etib oʻtilgan.

Demak, shoir aytmoqchi boʻlgan fikrlarini folklor motivlari, syujetlari bagʻriga singdiradi. Bu esa badiiy adabiyot va folklorning qorishib, shakl va mazmunga ega yangi ijod namunasini paydo qilgan.

Shoir Abduvali Qutbiddin ijodida ham folklor motivlari, ohanglari mavjud. Shoirning "Afsonaviy qoʻshiq" she'rida afsonaviy bogʻ — Bogʻi Eramga urgʻu beriladi.

Mirrixda tirik giyoh,
Zuhalda obihayot.
Biqinlarim ogʻriydir,
Boʻlayotirman Gʻirot.
Bogʻi eram, eramo,
Yashnayapti yaramo [Abduvali Qutbiddin. 1:70].

Koʻrinadiki, shoir ijodida, asosan, xalq ogʻzaki ijodiga xos obraz yoki motivlarni kuzatishimiz mumkin. Xalq dostonlarida uchraydigan Gʻirot oti she'rdagi poetik ifodani yanada tiniqlashtirgan. She'rdagi lirik qahramon xayolan Bogʻi Eramga uchish chogʻida Mirrixni, Zuhal yulduzlarni koʻradi va oʻzini Gʻirotga oʻxshatadi. Shoir she'rning keyingi misralarida shunday yozadi:

Uyum-uyum togʻdayin,
Toʻp-toʻp bizim qadamo.

Olam yuzinda aslo,
Payqamadim odamo.
Bog‘i Eram, eramo,
Yashnayapti yaramo [Abduvali Qutbiddin. 1:71].

Ushbu misralarda xalq ohanglari yaqqol seziladi: qadamo, odamo, eramo, yaramo qofiyadosh so‘zlari she’rni folklor ohanglariga yaqinlashtirgan. She’rdagi mohiyat esa Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonidagi Boyazid Bistomiy va uning shogirdi o‘rtasida kechgan hikoyatga asoslangan. Hikoyatda Boyazid Bistomiy shogirdiga shuncha yil yashab birorta inson topolmadim deya ta’kidlaydi. She’rda esa lirik qahramon ham bizning qadamlarimiz tog‘larday to‘p-to‘p, ammo odamni payqamadim, ko‘rmadim deya, Bog‘i Eramga talpinadi. Bu bog‘ aslida mifologik bog‘ bo‘lib, Iram bog‘i shaklida ham uchraydi. Mazkur bog‘ sharq xalqlari og‘zaki ijodida parilar makoni sifatida qaraladi. “Go‘ro‘g‘li” dostonida ham Yunus pari va Misqol parilar Eram bog‘ilik bo‘ladi. Demak, shoir she’rda mifologik obrazlarda unumli foydalanadi. Abduvali Qutbiddinning “Siymin vodiy” she’rida tasavvuf va folklor bir-biri bilan aralash holatda qo‘llaniladi.

Siymin vodiy daryosida tillo so‘rdim,
Sho‘r dardimni bildirmakka imlo so‘rdim.
Kokillari rayhonlarga qo‘shilishgan,
Aravasin Semurg‘ tortgan Laylo so‘rdim.
Yuzlarimni yerga bosdim, kuyaveram,
Kuygan sari seni qattiq suyaveram.

She’rda keltirib o‘tilgan Semurg‘ qushi sharq xalqlari og‘zaki ijodidagi afsonaviy qush obrazidir. Shoir bundan tashqari, ushbu she’rda “Oq terakning uchidagi qaqnusmidi, Ko‘k terakning uchidagi fonusmidi” degan misralarni ham keltirib o‘tadi. Ushbu misralardagi “oq terak-ko‘k terak” obrazlari folklorda uchrasa, Qaqnus – afsonaviy qushi ham folklorda va mumtoz adabiyotda ham qo‘llaniladi. Abduvali Qutbiddin she’rlarida mifologik obrazlardan ko‘proq foydalanadi. Chunki uning ijodida qo‘llanilgan mifologik obrazlar keyinchalik folklordan mumtoz adabiyotga o‘tganligidir. Chunonchi, shoir ijodida tasavvuf va modern ohanglari uyg‘unligini ko‘rishimiz mumkin.

Xulosa qiladigan bo‘lsak, bunday o‘zbek modern she’riyatida ham folklordan ta’sirlanish, ya’ni folklorizm belgilarini talaygina uchratishimiz mumkin. Xususan, Faxriyor, Abduvali Qutbiddin, Zebo Mirzo va boshqa shoirlar ijodida bunday she’rlarga ko‘plab duch kelishimiz mumkin. Biz bu hodisani o‘zbek moder she’riyatida badiiy modifikatsiyaning bir ko‘rinishi sifatida baholadik.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduvali Qutbiddin. Sen va sen uchun. –T.: Adabiyot va san’at, 1999. –B. 70.

2. Faxriyor. Ayolg‘u. –T.: Sharq, 2000. –B.160.

3. Ulug‘bek Hamdamov. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm [Matn]: o‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – 288 b.

“НОНСЕНС” АСАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Моҳира ОТАБОЕВА,
Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти таянч докторанти

Аннотация: Мақолада инглий адабий ҳодисаси нонсенс тушунчаси, нонсенс-асарнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни таржимада акс эттиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: нонсенс, адабий ҳодиса, контекст, матн, мутаржим.

Дунёда таржима қилиб бўлмайдиган асар йўқ, фақат уста таржимонлар кам, деган гап бор. Уста таржимон эса ҳеч қачон асар матни билан чегараланиб қолмайди. Масалан, инглиз тилидаги ва Англия адабий “мулки” деб ҳисобланадиган ҳамда фақат шу халқ адабиётидагина учрайдиган “нонсенс” адабий методида ёзилган асарни таржима қилиш мутаржимдан тилга оид билимлар билан бирга халққа доир адабий ҳодисалардан бохабарликни ҳам талаб қилади. Боиси “нонсенс” адабий ҳодисаси фақат Англия адабиётига хос бўлиб, ўзида инглиз тили лингвистикаси, англо-саксон адабиётининг ўзига хос жиҳатларини мужассам қилиш билан бирга, бу методга мансуб асардаги образли тафаккур, сюжет элементлари, матн ҳам ўзбек китобхони учун ноодатий. Шунинг учун асарни таржима қилиш ёки таржималар таҳлилларига киришишдан аввал мазкур адабий ҳодисани ўрганиш ишнинг пухта бўлишини таъминлайди.

Инглиз адабиётининг типик ҳодисаси бўлмиш нонсенснинг Буюк Британия маданиятидаги гуллаб-яшнаш даври қаттиққўл тузим, аҳмоқона бурчга бўйсуниш авж олган, инглизлар ҳаётига XIX асрда катта таъсир қилган бошқа чекловларга тўла Викториан даврига тўғри келади. Нонсенс анъаналарининг асосчиси Эдвард Лир (1812–1888) дея ҳисобланса-да, “Инглиз нонсенсининг келиб чиқиши” номли тадқиқотида Ноэль Мальколм нонсенсни давр чегарасидан ташқаридаги универсал категория ва унга мисолларни турли маданиятлардан топиш мумкинлигини исботлашга уринган ҳамда методга хос бўрттирилган сатира усуллари (fustian, bombast, canting), пародия, макаронсимон шеърлар (macaronics), impossibilia (нарса ва ҳодисаларнинг табиий тартибини ўзгартириш), узуқ-юлуқ нутқ (gibberish), туш, эсдан оғиш, фольклор ва карнавал элементлари немис, француз ва испан тилида ижод намуналарида ҳам учрашини таъкидлаб, “Бу жанр, усул ва методлардан айнан бири нонсенс шеъриятининг пайдо бўлишига сабаб бўлди дейиш ноўрин, лекин уларнинг бари адабий нонсенс фойдаланган воситаларнинг катта қисмини ташкил этади” [Noel Malcolm 1:55].

Шунга қарамай, Малколм ҳам унинг энг “тоза” кўриниши Э.Лир ва Л.Кэрролл ижодида учрашини тан олган. Чунки, Лирдан фарқли айнан Кэрролл нонсенснинг имкониятларидан икки жанрда – наср ва назмда самарали фойдалана олган. Адиб қаламига мансуб дунёга машҳур “Алиса

Мўъжизалар мамлакатида”, “Алиса Кўзгу орти ўлкасида” эртаклари нафақат нонсенснинг наср кўринишига ёрқин мисол бўла олади, балки улар ичида талай шеърлар ҳам борки ёзувчи уларни шунчаки эртакка киритмаган. Қолаверса, Кэрроллнинг “Снарк ови” машҳур балладаси нонсенснинг лирикадаги тараққиётига катта ҳисса қўшгани билан маълум.

“Нонсенс” атамасини сўзма сўз “маънисизлик”, “маънонинг йўқлиги” деб ўгириш мумкин. Бу бежиз эмас албатта. Айни “маънисизлик”нинг мураккабликлари асарларни ўгиришда ҳам таржимон қийнайди. Биз “маънисизлик” деяётганимиз шу адабий ҳодисагагина хос жиҳатларни назарда тутдик ва булардан айримларини юқорида Малколм ҳам келтириб ўтган. Мазкур жиҳатларнинг умумлаштириб шартли равишда уларни уч турга бўлиш мумкин. Бундай таҳлил нонсенс адабий ҳодисасини тўлиқ тушуниш учун қўл келади.

Биринчи турга кирувчи нонсенсни ташкил қилувчи унсур асар структурасида мужассам. Яъни нонсенс асар, бир сўз билан айтганда, ўйин устига қурилади. Бу ўйин сиз-у биз билган маънодаги ўйин бўлиб, Алисанинг Мўъжизалар мамлакатидаги саргузаштлари карта ўйини ичида кечса, Кўзгу ортидаги кечинмалари шахмат ўйинида рўй беради. Адабиётшунос В.Чарская-Бойко ўзининг “Европа маданиятида абсурд ва нонсенс концепцияси масаласи” мақоласида нонсенс асарларида ўйин бирламчи омил эканига урғу беради: “... ўйин нонсенс муаллифларига ўзига хос ташкилий унсур сифатида ҳам керак. У доим қандайдир шартларни тақозо этади. Натижада унинг қўлланилиши муаллифга реаллик шароитини яратишга, абсурд воқеаларни анъанавий, китобхонга таниш шаклга солишга ёрдам беради. Масалан, Алиса ҳақидаги Кэрролл асарларида қаҳрамонлар нафақат ўқувчига тушунарсиз, ўзларининг “бемаъни” дунёлари қонунларига, балки ўқувчига маълум ўйинлар (карта ва шахмат)дек, маълум қоидаларга амал қилишни кўзда тутилган ўйинда уларни бузишга ҳам йўл қўйилмагани муҳим” [Чарская-Бойко В.Ю. 2:216-217.]. Нонсенс насрий асар структурасига хос яна бир жиҳат эса асарнинг боблардан иборат бўлиши бўлиб, Кэрроллнинг иккала эртаги ҳам алоҳида номланган бобларга ажратилган. Шу билан бирга иккала нонсенс-эртакда йўл (портал) мавжуд бирида бу Оқ Қуённинг ини бўлса, иккинчи эртакда ойна бўлган.

Иккинчи турга мансуб нонсенс элементлари бадиий ижод намунасининг, у лирик ёки эпик бўлишидан қатъий назар, матнига хос. Айнан асарни ўгиришда таржимон ҳал қилиши керак бўлган матн билан боғлиқ мураккабликлар рус адабиётшуноси Н.Демурова таъбири билан айтганда “қудратли персонажлар”да, аммо бу “персонажлар шахс эмас, инглиз тилининг ўзи” [Н. Демурова 3:22]. Ёзувчи бош қаҳрамон Алиса ёрдамида тилга хос алогизмларга мурожаат қилади ва улар билан “тажрибалар” ўтказади. Адиб инглиз тили имкониятларидан шу даражада усталик билан фойдаланганки, буни персонаж номларидан тортиб у қўллаган фразеологизмлар, метафоралар, пародия-ю, ҳазилларни шунчаки сўзма-сўз ўгириб бўлмайди. Матн билан боғлиқ жиҳатлар ичида сўз ўйинлари эса

алоҳида ёндашувни талаб қилади, зеро у учрамаган диалог жуда кам. Нонсенс-эртакларда сўз ўйинларининг графикли (шаклий) яъни ҳар хил шрифтлар орқали, матнни ташлаб кетиш орқали, ёзувнинг ҳар хир усулини қўллаш билан, матннинг жойини алиштириш каби усулларидан фойдаланган. Кэрролл портмони (ёки қопчиқ-сўзлар) икки сўзнинг қўшилувидан келиб чиқадиган сўз ўйинини ҳам киритганки, бу нонсенс-эртакнинг лингвистик аҳамиятини ҳам кўрсатади. Адиб улардан асосан образларнинг характерини, юмористик вазият ҳосил қилиш ёки бош қаҳрамонни кулгули, мураккаб ҳолатга солиш учун фойдаланади. Таржимада уларни имкон қадар тўғри акс етиши асар тилига хос “ширани” сақлаш демак.

Асар нонсенс намунаси эканини далилловчи сўнгги турдаги жиҳатларни методга хос бадиий тафаккур билан боғлаш мумкин ва у асарнинг ғоявий қатламлари, миллий менталитетнинг нозик томонлари, дунёни англашнинг нонсенсча тарзида намоён бўлади. Кэрроллнинг рамзлар, пародия, муболағага тўла эртаклари бизга ҳаммамиз ўта аҳмоқона ҳаётий ҳангомада қатнашаётганимизни эслатади гўё. Асарлар беихтиёр ҳаётнинг асл беъманилигини, тушунарсизлигини илгари сурган абсурд, модерн адабиёти намуналарини ёдга солади.

Нонсенс адабий ҳодисаси инглиз адабиёти контекстида ўрганилади. Уни тушуниш таржимонни аввало ёзувчи услубига яқинлаштиради. Зеро, “Услуб ёзувчи ижоднинг унинг асарларида такрорланиб турадиган асосий, типик ғоявий бадиий хусусиятлари мажмуидир”[Ғ.Саломов 4:16]. Маълумки, “Алиса Мўъжизалар мамлакатида” эртаги рус тилига ўн маротабадан кўпроқ ўгирилган. Бу эса нонсенс асар таржимасидаги турли тажрибаларни ўрганишда қўл келади, чунки илк марта 1879 йили номаълум таржимон томонидан русчалаштирилган бўлса, сўнгги бора Д.Ермолович 2016 йилда ўгирган. Барча таржималар қиёсий таҳлил қилинганда нонсенс эртакни рус тилига бир неча услубда ўгирилганини кўриш мумкин. Бу эса нонсенс эртак таржимасига оид муҳим хулосаларга келиш учун асқатади. Масалан мутаржими номалум ва ундан кейинги А.Н. Рождественская таржимасида эртаклар рус китобхонига тўлиқ мослаштириб ўгирилган. Алиса Соняга, оқсоч Мэри-Энн Марфушага, Чешир мушуги эса Сибирнинг ғайриоддий махлуқига айланган. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ўша давр адабий меъёрлари буни қабул қилган ва ҳеч қандай эътирозлар бўлмаган, муаллифлар асарни тўла рус боласига, аниқроғи, фақат кичик ўқувчига мослашган. 20–40 йилларга келиб иккала асар ва улардаги шеърларнинг таржимонлари: В.А. Азова, Т.Л. Щепкиной-Куперник, А.Оленича-Гнененко кабилар таржимани имкон қадар аслиятга сўзма-сўз таржима орқали яқинлаштиришга уринишади ва, шу тариқа, “насекомое Сдобная Бабка, Римская Черепаха, Мок-Тартль” сингари персонажлар пайдо бўлди.

Таржималар орасида қайта ҳикоя қилиб бериш (перерасказ) усулида қилган Б.Заходернинг иши анча эркин таржима ҳисобланиб, унда Масалан:

“Poor little thing!' said Alice, in a coaxing tone and she tried hard to whistle to it; but she was terribly frightened” жумласини Заходер:

“Бе-е-дненький, ма-а-ленький! – сказала заискивающе Алиса и попробовала посвистать ему, но губки у нее дрожали” [Кэрролл Л. Алиса в стране Чудес / В переводе Заходер Б.В. 5:45.] тарзида ўгирган. Инглизча матндда таржимадаги тиртраётган “лабчалар” ҳам бунақа мурожаат ҳам йўқ ва умуман бу оргиналнинг анча эркин талқини. Аммо шундай бўлса ҳам воқеалар ривожига мос келмайдиган тушунарсиз ҳеч нима диққатни тортмайди. Матнга бундай ёндашиш муаллиф қўллаган сўз ўйинларини сақлаш, ёки уларни рус тилида қайта яратиш имконини берган таржимонга.

Барча уринишлар орасида энг адекват иш сифатида Н.Демурованинг Д.Орловский ва С.Маршак билан ҳамкорликда қилган таржимаси эътироф этилади. Мутаржим бу ҳақида “1966 йилиёқ Д.Г.Орловской билан асар таржимасига киришаётиб олдимизда турган қийинчилик ва масалаларни англаганмиз. Биз Керролл эртакларидаги дам ўйноқи ва шўх, дам инжа, лирик ва фалсафий руҳиятни, шунингдек, муаллифнинг ўзига хос – вазмин, аниқ ортиқча “жимжимадан” холи (фақат автор олдига “киноя” ёки “эксценртик” мақсад қўйиб шу ёсинда ёзган ҳолатларни ҳисобга олмаганда) бироқ жўшқин ва маъноли нутқини етказиб беришимиз керак эди”. Унинг бундай ёндашувидан таржимон асар ва ёзувчи услуби ҳақида муайян билимга эга бўлсагина иши қиёмига етишини тушуниш қийин эмас. Ахир “Ҳар бир ижодкорнинг услубий ўзига хослиги тил ресурслари асосида юзага келар экан, тил ва услуб тушунчалари бир-бирига яқин аммо улар ўртасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. Башарти, тил билан услуб бир нарса бўлганида, бирон адибнинг асарини бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда унинг фақат луғавий бисоти эквивалентларини ўтказиб, услубий хослигини бериб бўлмасди. Ҳолбуки, ҳар бир муаллифнинг ўз “тили”, яъни услубини қайта яратиш бадиий таржиманинг асосий, муҳим шартларидан биридир”[Ғ.Саломов 6:27].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нонсенс-асар таржимаси шаксиз мураккаб иш. Бироқ мутаржим бу адабий ҳодисани тушунса, унинг ўзига хос жиҳатларини англаса, бу фақат таржиманинг сайқаллашишига сабаб бўлади. Шу билан бирга бундай асарлар таржимонга таржимада эркинлик бериб ўз она тили имкониятларини кўз-кўз этишга йўл қўяди, бироқ бунда нонсенс чегарасидан чиқиш, асарда ёзувчи услубини йўқотишга олиб келишини унутмаслик керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Демурова Н.М. О переводе сказок Кэрролла. – Москва: Наука, 1991

2. Льюис Кэрролл. Алиса в Стране чудес. Сквозь Зеркало и что там увидела Алиса. Пер. Н. Демуровой. София, 1967

3. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.

4. Саломов Ғ. Тил ва таржима. –Тошкент: Фан. 1966.

5. Чарская-Бойко В.Ю. Категория нонсенса и фолклорные традиции в Английской детской литературе второй половины XIX века – Сант-Петербург. 2011.

РАМЗЛАРДА УМР ВА ТАҚДИРНИНГ БАДИИЙ-ФАЛСАФИЙ ИФОДАСИ

Олимжон ЖУМАБОЕВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ўн сония” ҳикоясидаги вақтнинг инсон умрига мувофиқ ҳаракати, қисқа вақтда инсон умрининг мажозий қиёфаси кўрсатилади.

Калит сўзлар: Вақт, умр, мажоз, мусобақа, сюжет, эстафета, рамз.

Ижтимоий-сиёсий мавзулар Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг асосини ташкил этиб, аксар асарларида ушбу жиҳатга эътибор қаратади. Шунинг баробарида, унга ўзига хос бадиий-фалсафий маъно юкланади. Ҳатто кичик ҳикоялар замирида ҳам катта фалсафий маъно кўринади. “Ўн сония”, “Ўн биринчи эшик”, “Ўзим” сингари ҳикоялари мисолида юқоридаги фикримиз далилланади.

Мазкур ҳикояларда шахс умрининг маълум бадиий-психологик хусусиятлари, изтироб ва қувончлари, ғам-андуҳлари рамзий-мажозий образ-воситалар қиёфасида гавдалантирилади.

“Ўн сония” ҳикояси 100 метрлик масофага югуриш мусобақаси-эстафета сюжетига келтирилган бўлиб, унда ноодатий равишда 4 ўғил ва 4 қиз қатнашади. Маълумки, югуриш мусобақаларида бундай ҳолат кузатилмайди. Спорт мусобақаларида эса аралаш эстафетада ҳам бундай ҳолат кузатилмагани учун уни бадиий-эстафета сифатида талқин этиб, мусобақа давомидаги жараённи киши умрининг турли босқичлари сифатида кўриш мумкин.

Ёзувчининг ўзи ҳам ҳар сонияни тартиблаб, унда сукут қилиш, тезликни пасайтириш, тезликни ошириш, атрофга разм солиш, бор кучини сарфлаб югуриш зарурлигини уқтириб, қатъий ҳаракат муҳимлигини таъкидлайди.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони К. исмли спринтер. У нафақат моҳир югурувчи, айни пайтда ҳаётининг барчаси куч-ғайратга тўла навқирон йигит. У умр йўлларини ҳам мана шу қисқа “ўн сония” ичига жамлаб, муваффақият учун бор энергиясини йўналтирган инсон. Чунки бор-йўғи ўн сония ичида

минумум бир сония кечикиш унинг тақдирини тубдан буриб юбориши мумкин.

Инсон умри ҳам ана шундай жуда қисқа масофада. Ёзувчи буни ҳар сонияни ҳисоблаш, унга доир муҳим деталлар киритиш, сонияда инсон ҳаётига дахл қилиб, унда туб бурилиш ясайдиган ҳолатларни кўрсатиш орқали воқеани кўрсатади.

“Юз одимли масофани босиб ўтиш эса умр сарҳадларининг нечоғлик қисқалиги, вақт шиддатининг тутқич бермаслиги, тезлик, тезлик ва яна бир карра тезлик инсон зотининг ўй-хаёли, кундалик турмуши, жамики орзу-ҳаваслари борми, барча-барчасини аллақачонлар маҳв этиб юбораётганининг, ўз измига бўйсундириб улгурганининг аломати, тимсоли, рамзи” [Дўстмуҳаммад Х. 1;468]. Масофани ҳаётнинг лаҳзалик қисми, бўлаги сифатида баён этаётган муаллиф уни яна “ҳаяжону эҳтирос мавжларига лиммо-лим воқеалар намойиш этилгувчи ўзгача сеҳр-жоду мужассам”, деб таърифайди-да, “бешинчи сониядан” бошлаб, ён-атрофдагилар шиддатини кўриб, у ҳам тезликни оширади.

Ҳикоянинг шу ерига келганида кулминацияга дуч келамиз. Яъни аралаш югураётган йигит-қизлар орасида қаҳрамон К.нинг хаёли биринчи йўлакдаги қизга тушиб, у ҳам йигитга беэътибор қарамайди.

“Еттинчи сония. Шу лаҳза К. қиз ҳам унга ўғринча нигоҳ ташлаганини пайқаб қолди. Севиниб кетди, ҳатто кулгидан тия олмади ўзини, “Ҳа-а, қўлга тушдингми?” деб юборди. Шундай деди-ю, югуриш шиддатидан ҳосил бўлган тана ҳарорати гугурт чақилишидан ўт олгандек аланга олди, алангга вужудини, аъзойи баданини қоплади” [Дўстмуҳаммад Х. 2:471].

Муаллиф муҳаббат инсон қалбини юксалтириши, уни қайта кучга келтиришини, унга жидду жаҳд ва шиддат беришини еттинчи сонияда нигоҳ воситасида бериб кетади.

Ҳатто мусобақа бор-йўғи “ўн сония” бўлгани ҳолда воқеани баён этаётган ёзувчи эътиборни параллел равишда қаҳрамоннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда тафтиш қилади. Қиз танлаш борасидаги ички сезимларини, ота-онасининг уни уйлантириш мақсадини такрорлаб, бунда бирор қиз К.нинг хаёлини бўлмаганини ҳикояга сингдириб юборади. Эътиборли жиҳати, саккизинчи сонияда унинг хаёли бўлиниб, ёнидаги қўшни қизга қалбан яқинлашганини англайди.

Энди у мусобақада спринтер-ўйинчи, ҳаётда ҳам ўзининг ҳаётини ўзи яратаётган инсон. Мусобақанинг қисқа йўли ҳам ҳаёт каби шундай хулоса чиқаришга ундайди.

“Тўққизинчи сония. Кўз очиб юмгунча-я! Ҳаёт шу, умр йўли шу. Адоқсиз туюлган йиллар кўз очиб юмгунча орта қолади...”, дея муаллиф бу мусобақа шунчаки, ўн сониялик югуриш эмаслигини тушунтиришга уринади. Эҳтимол, шу даврда адибнинг муборак етмиш ёшга яқинлашгани ҳам, ҳаёт йўлларида учраб, ўн сониялик мусобақа сингари ўтиб кетган ҳаёт изларини ҳам шу асар тимсолида кўрсак бўлади. “2018 йил” дея келтирилган қайдларга

қараб, унда ёзувчининг орзу-ниятлари, мақсад-муддаолари тажассум топганини кўрамиз.

“Ўнинчи сония. Ана, марра! Ана, қийқириқ! Ана, олқиш! Муҳими, муҳими, К. қизга етиб олди, у билан ёнма-ён”, дея таъкидлади адиб.

Буюк татар шоири Ҳоди Тоқтош “Муҳаббат ўзи эски тушунча, аммо ҳар бир юрак уни янгилар”, деб таъкидлаган эди. Ҳикоя рамзий маънода мусобақа сюжетига кўчган бўлса-да, унда инсон ҳаётининг барча босқичлари, энг муҳими, турмуш йўлларидаги мусобақа асос сифатида олинган.

Ҳикояда сония умр ўлчови сифатида рамзий маънода қўлланилган бўлса, тезлик – ҳаракат, қиз – умр йўлдош, рақиблар – шиддатли ҳаётдаги кураш воситалари сифатида гавдалантирилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ўн биринчи эшик” номли ҳикоясида ҳам айнан эшик – умр йўлларининг очқичини излаган икки ёш Расул ва Башоратнинг қисмати бир боғнинг ичидаги воқеа асосида баён этилади.

Адабиётшунос олим Т. Бобоев таъкидлаганидек, “Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган нарсалардан бири – инсоннинг шахс сифатида конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади” [Бобоев Т. 3:47]. Шу боис асар қаҳрамони сифатида Расул кўринса-да, бу ўринда ёзувчи ўзининг ўй-кечинмаларини асарга сингдириб юборади.

Қаҳрамонлар жаннатий боғ ичидаги эшиклардан очқич қидириб, ҳар бир эшикдан чиқиб, ташқаридан ҳаловат излайди. “Ҳаловат, нима ўзи? Бошига урадими, ҳаловатни? Аслида беҳаловатлик тириклик аломати-ку! Шу-унча нарсага фаросати етган йигит барчага аён ҳақиқатга келганда ақли ноқислик қилса?! Ахир, ҳей, бандаи мўмин, беҳаловатмисан, демак, яшаяпсан, тушуняпсанми, ўзи?!” [Дўстмуҳаммад Х. 4: 268] деган икрор Расулжоннинг кўнглидан ўтади.

Аслида, бу икрор муаллифнинг икрори. Расул образи орқали муаллиф ўз ҳаловатини топиш илинжида изланади. Гўша, истироҳат боғи ва ҳатто қабрда ҳам ҳаловат бормикан, деган ўйни чор-атрофдан қидиради, унинг учун ҳаловатдан азизроқ ва муқаддасроқ тушунчанинг ўзи йўқ. Айни пайтда ҳаловат излаб, уни ахтариб боғнинг турли бурчаклари сари тентирайди.

Расул ўз маҳбуби Башоратни етаклаб, эшик томон бораркан, у ерда девор йўқлигига, уларнинг ҳаловату мақсадларини тўсадиган куч йўқлигига ишониб, ўша ёққа одимлайверади. Бу гўё ишонч-эътиқод эшиклари, у ерда девор бўлган тақдирда ҳам уларнинг эътиқоди бут, шунга кўра, у ердан ўтиб кетишга ишонади. Аммо Башоратнинг “Девор бор, Расул ака” деган гапидан сўнг ўша имон-эътиқодга дарз кетади.

Расул пок, беғубор ва ўзининг хаёллари билан доимо банд бўлган одам. Буни қизнинг ўзи ҳам билади, лекин унинг хаёлларида бахтнинг тўкис ва ҳақиқийлигини кўради.

Девор уларнинг орзу-умидларини, хаёлларини ва иккисини бўлиб қўйишини таъкидлаган Расул, очиладиган эшик истироҳат боғида албатта, борлигига ишонади.

Қиз эса нечта эшик борлигини ҳисоблаб кўрса-да, уларнинг барчаси сароб дея кўнгидан ўтказиб, Расулнинг кўнгли учун янги эшик излайди.

“– Эшикни топдим-ку?

– Очилмайдиган эшик!..

– Очилади” [Дўстмуҳаммад Х. 5:270].

Юқоридаги диалогдан ҳам англаш мумкинки, Расул ўзининг тасаввурлари билан ёруғлик борлигига умидланади. Улар етаклашиб, йигит судраган ёққа кетаверди, демак, бунинг ортида катта ишонч бор эди.

Боғ ичида кезиш асносида ниҳоят уларнинг илоҳий ўй-хаёллари бир-бирига яқин туташди: “Дарвозаю эшиклар – одамларнинг юраги, қалби, мана шу юрак ва қалблар тушунсагина дарвоза тавақалари очилган ҳисобланади биз учун”.

Юқорида муаллиф Башоратнинг иккиланишини баён этган бўлса, кейинроқ унинг бу ҳолати ўзгаргани у Расулнинг кўнглига итоат қилиб, хаёлларига мувофиқ яшаётгани акс эттирилади. Уларнинг фикру ўйлари мослашгани сайин улар излаётган эшиклар янада очилишга яқин бўлиб бораверади. Йигит ва қиз ўртасидаги фикрий яқинлик ҳам сезила бошлайди. “– Башорат тўғри айтади, – хаёлига эрк берди Расул. – Ҳар одам бошқа одам учун – девор!”. Улар ҳаммаслак, йўлдош ва ҳамфикр бўлиб, эшикларни санай бошлайди. Эшик топилади, ҳар бир эшик олдида ўзига хос тўсиқ ва ғовлар бор, “олтинчи эшикнинг олдига уй баравар шох-шабба уюб қўйишибди, еттинчи эшик йўлаги жим-жит, одам шарпаси ҳам кўзга ташланмади” ”[Дўстмуҳаммад Х. 5:277]. Тўсиқ ва ғовлар ҳикоя мазмунида муаммо ва чигалликларни ифодалагани боис икки ёш уларни четлаб ўтишга уринади, ва алалоқибат ҳамма эшикларни бирма-бир қидириб, у ердан ўтишга ҳаракат бўлади.

Улар юра-юра “одам бўйидан баландроқ тахтани кўрганида” овлоқ, янтоқ босган, ивирсиб ётган бу жойдан амаллаб ўтиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишади. Аммо ҳисобсиз қоқилган михларни олиб, эшикни очишнинг ўзи бўлмас, ниҳоятда толиққан ёшларнинг сабри етармиди?

“– Бу михлар эшикка ё тахтага эмас, – деди узилиб қолган гапини давом эттириб Расул. – Юракка қоқилган”. Улар куч-ғайрат билан юрак тахта эшикка қоқилган михларни суғуриб ола бошлайди. Демак, улар мих тимсолида барча ғов ва тўсиқларни ҳам суғириб ташлаб, эшикни очиш зарурлигини англайди.

Муаллиф чорасизлик ва умидсизлик тушунчалари ортидан ҳикоя давомида кулади, “бошим қотиб қолди”, “чора қолмади” деганлар бекор айтибди, дейди. “Башорат, майли, эшиклар ёпиқ бўлсин, майли, эшиклар бетингга тақа-тақ ёпилсин, ўксима, жонгинам, бири бўлмаса – иккинчиси, бештаси ёпилса – олтинчиси, ўнтаси очилмаса – ўн биринчиси очиқ бўлади, очилади...”.

Адиб ниҳоятда оптимист инсон. Унинг ҳикоялари ҳам айнан шундай руҳ билан суғорилган. Унинг “Ўн биринчи эшик” ҳикоясидаги Расул ҳам тақдир ҳукмига кўниб, тушкунликка тушиб, танлаган йўлидан воз кеечиб қўя қолмади, аксинча, охиригача эшикни очишга уринди. Ва охир-оқибат, ниятига эришиб, эшикни очди.

Албатта, “Илҳом бепоён ижодий жараённинг бир парчаси, бадиий асар яратиш тизимидаги санъаткорнинг муайян бир ҳолати. Лекин илҳомсиз яхши асар яратиш мумкин эмаслиги аён” [Умуров Ҳ. 6:23]. “Ўн биринчи эшик” ҳикояси ҳам Хуршид Дўстмуҳаммаднинг муайян бир ҳолати ва хулосаси.

Адибнинг бадиий тафаккурининг маҳсули сифатида яратилган мазкур ҳикоя ҳар бир рамзий ва мажозий кўчимлар устида янада кўпроқ ўйлаб, тафаккур қилишга ундайди. Асар қаътидаги маънони очиш калити бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоялар // Ўн сония. Янги аср авлоди. –Т.: 468-бет.
2. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: 2002. 47-бет.
3. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2001
4. Ziyo.uz

БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ (1955-1965 ЙИЛЛАР)

Амонкелди АХМАТОВ,
БухДУ таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро адабий муҳити тарихининг XX аср 50-60 йиллари ҳақида архив материалларини тадқиқ этиш асосида муаллифнинг шахсий фикр мулоҳазалари, танқидий қарашлари баён этилган.

Калит сўз: Адабий муҳит, адабий жараён, ҳаракатчилик, ёзувчилар уюшмаси, адабий кеча, ҳаваскор ижодкор, шеърий тўплам, Тошпўлат Ҳамид.

1955 йил Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг кенгайтирилган йиғилишида бир қатор вилоятларда бўлимлар ташкил қилинди. Жумладан, Фаттохов раҳбарлигида Фарғона вилоят бўлими, Одилов раҳбарлигида Самарқанд вилоят бўлими, Т.Ҳамидов раҳбарлигида Бухоро вилоят бўлими ташкил қилинди [ЎМА. 3:78-варақ]. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлимининг ташкил қилиниши бухоролик ижодкорлар учун қувонарли ҳолат эди. Маълум муддат тарқоқ ҳолда қолиб кетган адабий муҳит яна ягона раҳбар қўл остида бирлашди. Адабий муҳит тарихини ўрганиш жараёнида ушбу йилдан кейинги даврда адабий ҳаракатчилик янги марраларга интилди.

Бунда адабий муҳитнинг етакчиси, бўлим котиби Тошпўлат ҳамиднинг ташаббуси алоҳида таҳсинга сазовор.

Бўлимнинг тавсия ва кўрсатмаси билан ёш шоирлар В. Туров ва А.Ниёзмуродовлар илк бора рус ва ўзбек тилларида бухоролик ижодкорларнинг алманахи учун қўлёзма материал йиғадилар. Дастлабки вақтларда Бухорода ташкил қилинган Ёзувчилар уюшмасининг бўлимига Қашқадарё ва ҳозирги Навоий ҳудуди ҳам қарар эди. Бўлимнинг вакиллари 1955 йил 26 ноябрдан 6 декабргача Қашқадарё вилоятида иш сафари давомида адабий жараёнларга янгидан кириб кела бошлаган муаллифларга амалий ёрдам кўрсатилади. Ҳаваскор ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилиниб, таклиф ва тафсиялар берилган.

Архив материалларини ўрганиш жараёнида 1950-1970-йилларда Бухоро адабий муҳити вакиллари доимий равишда Механизация мактабининг ўқувчилари билан учрашув ташкил қилишгани маълум бўлади. Умуман олганда тажрибали, эл орасида танилган ижодкорлар турли ташкилотларга бориб давра суҳбатлар, адабий кечалар ташкл қилганлар. Адабий кечаларда муаллифлар ўзларининг энг яхши шеърларидан, ҳаваскор ижодкорларнинг, таниқли рус ва ўзбек совет адибларининг асарларидан парчалар ўқилади.

Адабий муҳитнинг фаолиятида Бухоро педагогика институтининг ҳам роли беқиёс. Институтдаги устозлар ва талабаларнинг адабий жараёнларда доимий иштироки муҳитнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган. Институтнинг баъзи ҳаваскор ёш ижодкорлари бўлим раҳбарлиги остида республика радио тармоғида овоз ёзиш орқали чиқишлар қиладилар [ЎМА. 2:4]. Жумладан, 1956 йил, 22 феврал филология фанлари номзоди А.Абдуллаев иштирокида бўлим ташаббуси билан икки марта радио чиқиш ташкиллаштирилади.

Бухоро адабий муҳити тарихи ўрганилганда минг йиллик тарих давомида кўплаб девонлар, китоблар ёзилганлигини кўриш мумкин. Бироқ XX аср ўрталарига қадар бухоролик ижодкорлар сара асарлари жамланган тўпламлар нашр қилинмаган. Шу ўринда Бухоро адабий муҳити тарихида кўплаб тазкиралар мавжудку дейишимиз ммкин. Ҳақиқатда адабий муҳит тарихини кузатар эканмиз кўплаб тазкираларга гувоҳ бўламиз. Биргина амир Абдулаҳадхон даврида бизга маълум олтита тазкира ёзилганлиги фикримиз далилидир. Шуни ҳам унутмаслик керакки тазкиранин ўзига хос хусусияти, керак бўлса қоидалари бор. Бунга кўра тазкира ижодкорлар ҳақида маълумот беришни ўзига асосий вазифа қилиб олади. Тазкиранавис ижодкорлар номини зикр қилиши билан бирга унинг ижодидан қисман мисол келтиради. Бу мисол одатда бир неча байт ёки битта ғазалдан иборат бўлади. Биз эса юқорида тўпламлар нашр қилинмаган дедик. Биз назарда тутаётган тўпларда эса асосий эътибор ижодкор шахсиятига эмас, аксинча унинг ижодига қаратилади. Тўпламда шоир, ёзувчиларнинг шеър ва ҳикояларидан мисоллар келтирилади. Бунда тўпловчи ижодкорлар ҳақида маълумот беришни мақасад қилиб олмаган бўлади. Шундай улкан ташаббусга Бухоро тарихида биринчи бўлиб Тошпўлат Ҳамидов қўл урди.

Ёзувчилар уюшмаси Бухоро бўлими Бухоро адабий муҳити тарихида совет даврида яратилган вилоят ижодкорларининг асарлари жамланган илк тўпламларни нашр эттирди. Нашрга тайёрловчи ва редактор Тошпўлат Ҳамид ташаббуси билан 1957 йилда 300 нусхада чоп этилган “Бухоро куйлайди” (бадиий ҳаваскорлар тўгараги учун репертуарлар тўплами) номли тўпламда қуйидаги ижодкорларнинг асарлари берилган:

А.Мухторнинг “Партия ҳақида ёшлар қўшиғи” (қўшиқ), А.Бўрибоев “Фестивал марши” (қўшиқ); Т.Тўла “Карнавал валси” (қўшиқ); Ш.Ғуломов “Комсомоллар қўшиғи” (қўшиқ); Тошпўлат Ҳамид “Келинг, қўшиқ айтайлик”, “Мирзачўлга”, “Дует”, “Тайёрмисан чевар қиз”, “Болалигим” (шеърлар); М.Турсунова “Куйла” (шеър); А.Ниёзмуродов “Ўзбекистон” (қўшиқ), “Москва”, “Ҳиндистонлик дўстимга мактуб” (шеърлар); Максим Карим “Яша фестивал”(қўшиқ), “Она сўзлари” (шеър); Ж.Тўраев “Ватан” (шеър); А.Раҳмонов “Ватанимнинг баҳори”; Ғулом Шомуродов “Зоотехник қиз”; Муҳаммад Бақоев “Қуруқ гап тош босмайди”, “Кайф тароқ, ишлар чатоқ” (ҳажвий шеърлар); Пўлат Фаттохов “Курортдан хат”; Ҳ.Мўминов “Букилмас ирода” (бир пардалик пьеса) [БВДА. 1:7].

1957 йилнинг ўзида Тошпўлат Ҳамидов ташаббуси билан бухоролик ёш ижодкорлар асарларини жамлаган “Октябрга гулдаста” шеърлар тўплами Саиджон Алиев таҳрири остида “Бухоро ҳақиқати” босмахонасида 1500 нусхада нашр этилди.

Тўпламда қуйидаги ижодкорлар асарлари берилган: Тўхта Шарипова “Партияга раҳмат”; А.Ниёзмуродов “Октябрь шарафига”; Максим Карим “Унутилмас кунлар”; Тошпўлат Ҳамид “Қизил байроқ”; Борис Усинин “Ленин говорит с броневика”; Т.Новичков “Свободным стал тыб человек”; Мурод Халил “Партия бахт қуёшимиз”; Аҳмаджон Абдуллаев “Москва”; Т.Ҳамид “Бухоро”; Я Пинхасов “Суҳбат”; Гулчеҳра Жўраева “Теплоходда”; Ғулом Шомуродов “Октябрь қўшиғи”; Равшан Шарипов “Рубобчи қизга”; Тожи Қораев “Ташаккур”; Ф.Шаропов “Мен бахтиёр”; Ҳикмат Хўжаев “Ватанимга”; Пўлат Фаттоҳов “Оқ йўл”; Муҳаммад Бақоев “Тўқувчи қиз”, “Токар”; Ражаб Авезов “Она”; Маҳмуджон Мухторов “Содиқ бобо”; Аҳмаджон Ниёзмуродов “Солдат сўзи”; Ғулом Шомуродов “Ватан меҳри”; Виктор Туров “Буря”; Тошпўлат Ҳамидов “Каспий соҳилида” (баллада); Наби Юсуфий “Регистон устида қизил байроқ” (пьеса) [БВДА. 1:7]. Ушбу асарлар совет мафкураси таъсири остида ёзилган бўлсада, халқона соддаликдан тортиб ижодий мукаммалликкача бўлган жараённи босиб ўтган.

Ижодкорлар матбуотда, турли тўпламларда асарлари билан иштирок этсаларда, ҳамон ҳеч ким мустақил тўплам нашр қилдирмаган эди. Бу ишга биринчи бўлиб Тошпўлат Ҳамидов журъат қилади. 1958 йилда ўзининг шеърларини жамлаб Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасига йўллаган шоир афсуски салбий жавоб олади [ЎМА. 4:17].

Совет мафкурасига бўйсундирилган адабий муҳитда жараёнлар сиёсий вакиллар томонидан доимий назоратда тутиб турилган. Марказдан келган дастур асосида ички қарорлар чиқарилиб амалиётга татбиқ қилинган. Пахта

яккаҳокимлигининг асоратларини адабий жараёнларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Совет Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими “Пахта байрами” ни ўтказиш тўғрисидаги қарорида:

1. 1956 йил 18 августда пахтакорларга бағишланган шеърлар ўқиш билан Бухоро шаҳар радио тармоғида ёш шоирларнинг чиқишларини ташкил этиш.

2. 1956 йил 26 августда Киров номидаги маданият ва истироҳат боғида ёш муаллифларнинг Бухоро вилояти пахтакорлари билан учрашувлари ташкил этиш.

3. “Бухоро ҳақиқати” газетасида Қизилтепа вилояти Карл Маркс номидаги колхоздан “Юқори ҳосил усталари” саҳифасини ташкил этиш

4. Галаосиёда “Ленин” номли колхознинг энг яхши пахтакори Ямғур Хасановга бағишланган адабий иншо ёзиш режалаштирилади [ЎМА. 2:14].

Умуман олганда доимий равишда тарғиботга жалб қилинган адиблар пахта мавсумини далаларда теримчилар билан учрашувлар ташкил қилиш билан ўтказганлар. Учрашувлар давомида янги шеърлар, ҳикоя ва ссенарийлар юзага келган. Янги ғоя ва режалар билан қайтган адиблар ижодининг аксарини дала ва пахта масалалари қамраб олган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу йилларнинг характерли томони шундаки, Бухоро адабий муҳити ижодкорлари адабиётнинг кўплаб жанрларига мурожаат қилишлари кенгайди. Совет жамияти ҳаётига бағишланган кўплаб шеър ва ҳикоялар, бир нечта шеърий тўпламлар яратилган. Ижодкорлар сони кўпайиши ва уларнинг республика миқёсига чиқишида Бухорода ташкил қилинган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг ҳиссаси катта бўлди. Сталин шахсига сиғиниш фош қилиниб, сиёсий жараёнларнинг ўзгариши адабий муҳит ривожида албатта ўз таъсирини ўтказди. Адабий муҳит замонга мослашиб, келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор қуриб борди. Ўша куннинг ёш ижодкорларидан бугунги кунларда баъзилари қолдилар холос. Ўрганилган давр адабий муҳити вакилларининг бизга бой мероси, тажрибали шогирдлари қолди. Шу тариқа Бухорода адабий ҳаракатчилик муттасил давом этиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Бухоро вилоят давлат архиви 1168-фонд, 1-рўйхат, 7-иш. 1-93.
2.Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 375-иш, 4-варақ.
3.Ўзбекистон миллий архиви, Р-2356-фонд, 1-рўйхат, 405–иш, 78-варақ.
4. Ўзбекистон миллий архиви, 2356-фонд, 1-рўйхат, 741-иш,17-варақ.

“АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ” АСАРИДА ИЖОД ЛАБОРАТОРИЯСИ УНСУРЛАРИ

Нафиса КАРИМОВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

Аннотация: Абдураф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” асарида ижод лабораториясига доир бир қанча масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, мавзу, мундарижа, тартиб, услуб, шеърий вазнлар ва санъатлар. Мақолада “Адабиёт қоидалари”дан жой олган унсурларни шартли равишда иккига бўлиб ўрганилган.

Калит сўзлар: лаборатория, мавзу, мундарижа, тартиб, услуб, вазн

Адабиёт санъат сифатида турли қонуниятлардан йироқ бўлиши мумкин, бироқ адабиётшунослик фан сифатида ўзига хос назарий параметрларга эга. Назарий қонуниятлар икки гуруҳга ажралади. Биринчиси, назариётчи билиши, ўзлаштириши муҳим саналган қонуниятлар, иккинчиси эса, адабиётнинг савияси, адабиётнинг этикасига, китобхоннинг дунёқарашига бевосита таъсир кўрсатувчи, кишиларга маънавий озуқа берадиган асарларни яратишдек ўта масъулиятли вазифани бажарувчи ёзувчи, адиб умуман бир сўз билан айтганда, ижодкор аҳлига тегишли бўлган қонуниятлар. Масалан, образ атамасининг таърифи, турлари, асарда образ бажарган вазифани кўрсатиб бериш назариётчига хос вазифа ҳисобланса, образнинг ҳаётдан олиниши, шаклланиши, вазифа бажаришининг обйектив ва субйектив томонлари, агар реал ҳаётда прототипи мавжуд бўлса, у билан алоҳида ишлаш кабилар ижодкорнинг ижод лабораториясида ҳал этиладиган масала саналади. Хуллас, адабиёт қоидалари ҳам назарий ва амалий жиҳатдан турланади. Бу масалага жадид адабиёти даврида қандай қаралгани, маърифатпарварлик адабиётида ижод лабораториясининг ўрни каби масалаларни ёритиш мақола учун асос қилиб олинган бўлиб, буни Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” асари мисолида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Фитрат “Адабиёт қоидалари” (1926) ва сўнгроқ ёзган “Аруз ҳақида”(1936) китоблари орқали ўзбек адабий эстетик тафаккурини янги давр тушунчалари билан бойитган, давом эттирган ва адабиёт назарияси бўйича ҳам замонасининг етакчи мутахассиси сифатида эътибор ва эътироф қозонган [Қосимов.Б. 1: 363].

“Адабиёт қоидалари” да Фитрат шундай ёзади: “Бир асарни ёзғанда зеҳнимизнинг юмуш (хизмати) турли тусларга киради: ёзувчи- адиб бошда шул тўғрида ёзилатурған бир нарсани топадир. Сўнгра шу нарса тўғрисидаги ўйлар, туйғуларини охтариб, топиб йиғадир. “Зеҳний юмуш”нинг шу бўлимига ижод (бор этиш- яротиш) дейиладир.[Фитрат. А. 2:14] Фитрат ижод жараёнини “зеҳний юмуш” деб билганини кўришимиз мумкин. Фитрат

ижод лабораторияси унсурларидан айримлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтган. Жумладан, мавзу, мундарижа, тартиб, услуб, шеърий вазнлар ва санъатлар. “Адабиёт қоидалари”дан жой олган унсурларни шартли равишда иккига бўлиб таҳлил қилишимиз мумкин. Биринчиси, ижод лабораториясининг умумжаҳон нуқтайи назаридаги унсурлари. Иккинчиси, ижод лабораториясининг фақат шарқ адабиётшунослигига хос бўлган унсурлари. Мавзу, мундарижа, тартиб, шунингдек услубга хос хусусиятларнинг батафсил кўриб чиқилиши кабилар биринчи типга, яъни умумжаҳон миқёсида олиб қараладиган жиҳатлардир. Шарқ мумтоз адабий –естетик тафаккурига оид бўлган аруз вазни, бадиий санъатлар, шеърият тили, шеърий жанрлар ҳақида нисбатан кўпроқ таҳлилга тортилган.

Мавзу танлаш ҳар қандай адабиётнинг, ёзувчининг бажариши лозим бўлган бирламчи вазифасидир. Мавзу асарнинг йўналиши белгилайди. Танланган мавзу ёзувчи ва жамият муносабати масаласини ҳам ҳал этади. Бу масалада Фитрат шундай дейди: “Адабиётнинг мавзуси бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички –ташқи дунёсида сезиб онглаганларидир. Бир томчи сувдан тенгизгача, бир учқундан буюк бир ёнғингача, кичкина бир япроқдан улуғ ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адиб-ёзғучи учун мавзуъ бўларлик нарсалардир”[Фитрат. А. 2:15]. Фитрат ёзувчи жамият учун хизмат қилар экан, танлайдиган мавзусини ҳам айнан мана шу жамият ўраб турган ва унга бевосита боғлиқ бўлган табиатдан излаш мумкин эканини таъкидламоқда. Ёзувчи мавзуни асарнинг бош ғоясидан келиб чиққан ҳолда танлайди [Каримова.Н. 3:9]. Фитрат мавзу ва ғоя ўзаро мувофиқ келмаслигини ёзувчининг адашиши, деб билади.

Мавзу атрофига бирикадиган жараёнлар, дейлик асар сужети мавзуга қараб шакллантирилса-да, уларнинг барчаси ўз ҳолича ёзиб бўлмайди. Фитрат бу ўринда, мундарижа шакллантирилиши лозимлигини ва мундарижанинг уч шартини бериб ўтади. Яъни Фитратнинг фикрича, мундарижага асарнинг ғоясини кўрсатувчи жиҳатлар, ғояга мос фикрлар ва маълумотлар киритилади. Иккинчидан, мундарижанинг асосий қисмидаги мавзулар ўзаро уйғун ҳолда бўлиши керак. Учинчидан эса, мундарижа қисмлари бир-бирига қарама –қарши бўлмаслиги керак. Учинчи талабга диққат қаратсак, бадиий асарда мундарижа асар сужети восита шакллантирилади ва бунда қисмлар ҳам, боблар ҳам бир-бирига қарама қарши турмайди. Агар бадиий асарнинг мундарижасида қарама –қаршилик кўринса, бу асар сужет тартибини бузади. Фитратнинг мундарижа шаклланишидаги илмий талабларидан келиб чиқиб, бу фақатгина бадиий асаргагина эмас, балки ижтимоий, сиёсий мавзуда ёзилган асар, илмий адабиётга ҳам хос, деб хулоса қилиш мумкин.

“Адабиёт қоидалари”да тартиб масаласида ҳам алоҳида қайдлари келтирилган: “Мундарижа яхши тартиб этилган сайин асарнинг қиммати ортадир, ёзғучини муваффақ бўлишға яқинлаштирадир. Тартиб мундарижа узра юргизиладир” [Фитрат. А.2:17]. Бунда асар ёзилишида

фойдаланилаётган материал мантиқий кетма –кетлик касб этиши муҳимлиги таъкидланмоқда. Мундарижа тартибни белгиловчи восита эканига диққат қаратилинмоқда. “Тартиб ёлғуз асар ёзишда эмас, сўз сўйлашда ҳам муҳимдир”[Фитрат. А. 2:17]. Тартиб бугун филология соҳасида анча кенгайган тушунча бўлиб, айтилиши режалаштирилган, мантиқий тугалликка эга фикрнинг тезисда намоён бўлиши билан ҳам характерланади. Фикр хоҳ ёзма бўлсин, хоҳ оғзаки шаклда баён этилсин, тартиб сақланиб қолиши керак. Абдурауф Фитрат “Бир нотиқ айтмоқчи бўлғани сўзларни қисқача тартиб қилмасдан минбарга чиқуб гапурса, ҳеч бир мақсадға ёқинлаша олмайдир, сўзинда қаёққа боришни билмай гапура берадир, ҳеч битира олмайдир”[Фитрат. А. 2: 17] деганда айнан шу жиҳатларни назарда тутган. Тартибсиз гап - мақсадсиз, ғоясиз фикрдир. Мақсадли нутқда тартиб ҳам ўз- ўзидан мавжуд бўлади. Тартиб бадиий асарда сужет восита ўз позициясини сақлаб қолади. Бундан ташқари бадиий асар шундоғам муаллифнинг ғояси устига қурилгани учун тартибсиз бунёд бўлмайди. Бироқ Фитрат “Адабиёт қоидалари” асари фақатгина адабиётнинг бадиий жиҳати билан чекланиб қолмай, нутқ сўзлаш масаласида устига ҳам сўз юритганини ҳисобга олсак, тартиб ҳар қандай муайян бир йўналишга тегишли эканини англаймиз.

Ижодкорнинг индивидуаллигини белгиловчи жиҳатлардан бири- шахсий услубга эгалигидир. Ижодкор услуби қанчалик теран, фикр ифодалаш йўсини ўзига хослик касб этса, бадиий асарни ўқувчилар ва уқувчилар аутидорияси шунчалик кенг бўлади. Ижодкорнинг иши ижодий иш эканини кўрсатувчи томони ҳам унинг оммабоп тарзда эмас, балки ижодий услубда ёзилганидадир. Фитрат бу масалада қуйидагича тўхталиб ўтган: “Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилған бўлиши мумкиндир. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқута олған куч услубдадир” [Фитрат. А. 2: 17]. Фитрат фикрини далиллаш учун туркий халқлар китобхонлари “Лайли ва Мажнун” достонини Низомий, Жомий ва Навоий талқинида турлича ўқилганини айтади. Масала мумтоз шоирлар услубини ёритиш билан давом этади. Услуб сужетга унчалик дахл этавермайдиган унсур, деб хулоса чиқаришимиз мумкин. “Лайли ва Мажнун” да воқеаларнинг асосий хамиртуруши бир, натижаси турлича. Асосийси услуб ижодий ёндашувга боғлиқ масала. “Умархон замонининг услуби билан Муқимий, Авлоний замонидаги услуб ҳам бу кунги янги адабиётимизнинг услуби бошқа- бошқа услублардир”[Фитрат. А. 2: 19], деб ёзади Фитрат. Умумий маънода, давр ижодкорининг хусусий услуби ўз замонасидан, ўзи ижод қилаётган ижодий муҳитидан, ўзи яшаб турган адабий давридан келиб чиқиб шаклланар экан. Бу ўринда, биз ***умумийлик ва хусусийликнинг*** ўзаро муносабатини кузатишимиз мумкин. Буни жадид адабиёти вакиллари мисолида тушунтириб ўтадиган бўлсак, Беҳбудий, Авлоний, Фитрат бир адабий муҳит вакили сифатида маърифатпарварлик ғояларига мос услубда ёзишгани уларнинг барчаси мумтоз адабий муҳитдан, умуман олганда ўзидан олдинги ва кейинг давр

ижодкорларидан жамоавий тарзда фарқланиб туришганини кўрсатади. Биринчидан, давр ва муҳит таъсири. Иккинчидан, жадидлар эски ўзбек ёзувида, янгидан шаклланаётган адабий тилда ижод қилишган, бир хил мавзуларга қўл уришган, бир ғоя остида бирлашишган. Буларнинг ҳаммасини жадид ижодкорларининг умумийлик томонидир [Каримова.Н. 3: 54]. Гарчи бир хил ижтимоий- сиёсий, адабий-маърифий масалаларда мақола ёзишган бўлса-да, ифода йўсинида, Авлоний ўзгача, масалан, у ижтимоий- ахлоқий масалани бадиий услубга яқин тарзда ифодалаши, Беҳбудий эса ижтимоий-сиёсий масалани очиб беришда маиший ҳаётдан кўпроқ фойдаланиши, Фитрат эса назарий томондан ёндашишга ҳаракат қилганини чуқурроқ ўргансак, жадид даври адабиёти вакилларининг хусусий жиҳатлари реал тарзда кўринади ва улар ўзининг шахсий услубига эга, деган хулосани беради. Фитрат услуб масаласини кўпроқ адабиёт даврларини қиёслаш орқали ёритган.

Абдурауф Фитрат ижод лабораторияси унсурларини жадид даври адабий муҳитидан келиб чиққан ҳолда мисоллар ёрдамида изоҳлаган. Унинг “Адабиёт қоидалари” асари ижод лабораторияси тарихидаги мукаммал асарлар сирасидан, деб айтишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қосимов.Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик, “Маънавият” нашриёти, Т.: 2004 йил

2. Фитрат. А. Танланган асарлар ИВ жилд, Т.: “Маънавият” нашриёти, Т.: 2006 йил

3. Каримова.Н. Кичик тадқиқотлар. “Муҳаррир” нашриёти, Т.: 2018 йил

NURALI QOBULNING “JON VA SHON TALVASASI” ROMANIDA AMIR TEMUR OBRAZI TALQINI

Elmurod JUMAYEV,
Qarshi davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Nurali Qobulning “Jon va shon talvasasi” romanidadagi obrazlar poetikasi har tomonlama qiyosiy, imkon qadar jahon adabiyoti konteksida o`rganish, yozuvchining falsafiy konsepsiyasi va tafakkuriga xos ijod qonuniyatlarini aniqlash muhim ahamiyat kasb etishi atroflicha yoritilgan. Amir Temur va temuriylar obrazi poetikasi, asarning shakl va mazmuni hamda roman modifikatsiyasiga diqqat qaratilgan.

Tayanch so‘zlar: hoqon, modus, konsepsiya, portret, pafos, esselashuv, esse-roman, sezim, raddiya, dialektika.

Milliy romanchiligimizda Amir Temur va temuriylar davri va shaxsini haqqoniy tasvirlash va badiiy aks ettirish adabiy zaruriyatga aylandi. Xususan, Nurali Qobulning “Temuriylar” epopeyasi ham diqqatga sazovordir. “Buyuk Turon dahosi bilan birga u mansub turkiy ruhiyatga cheksiz va hatto, ba`zan tizginsiz insoniy muhabbati butun asar bo`ylab balqib turadi. Agar badiiy tilga oshuftalik sizga begona bo`lmasa, ajoyib musiqa, chappar urib gullagan bog`lar, moviy dengiz, oppoq qorga burkangan tog` cho`qqilari, chaqaloqlarning qiqirlashlari, sog`ingan do`stlarning dilkash suhbati sizga ta`riflaninshi qiyin bir huzur bag`ishlaganidek, bu romanning tilidan ana shunday rohatlaninsh his etasiz. Bu adibning turkiy adabiy va badiiy tilning tarix va bugundagi joziba va go`zalligini bilishga emas, chuqur his etishi tufaylidir”[Nazarov B. 1:410]

Bizningcha, har bir milliy adabiyot muayyan zaminda bir paytlar yashagan, hozirda umrguzaronlik qilayotgan xalqning turli qatlamlari madaniy ildizlari, turmush tarzi, ijtimoiy-iqtisodiy muammolari, urf-odatlari, ma`naviy-ruhiy olami ko`zgusidir. Shubhasiz, jahon adabiyoti ilg`or an`analariga xos “adabiy shamollar” epkini erkalamagan har qanday biqiq adabiyot o`z tasvir usul-vositalarini yangilay olmaydi, yashovchanligini yo`qotadi. Ammo, o`z zamini nasimlarini tashuvchi milliy qiyofaga ega qahramonlari mo`ralab turmagan, ular bezovta qalb va qiyofalari ro`yi rost aks etmagan adabiyot ham estetik ta`sirchanlikdan asarlar, xususan roman tiplari xoh real, xoh noreal tarzda bo`lsin, inson mavjudligini olam uyg`unligini negizida yangicha rakursda idrok etmoqda. Milliy roman taraqqiyotining ayni bosqichida yaratilayotgan aksariyat asarlarda reallik va irreallik sintezlashmoqda. Masalan, Nurali Qobulning an`anaviy yo`sinda bitilgan “Temuriylar” romanlar turkumini mif, ertak, doston singari janrlar va tush motivi tabiatida kuzatiluvchi xayoliy noreal tasvirlar-u, ramziy ifodalardan ajratib tushunish qiyin. Chunki bu o`rinda adib an`anaga yangicha yondashib, narsalarning milliy qahramon tiynati va umuminsoniy mohiyatiga monand jihatlariga e`tibor qaratgan. Umuman, o`zbek romani tafakkuri xalq hayot tarzi, ma`naviyat-u e`tiqodi, talabi, benihoya rangdor xayoloti, ruhi hamda fikrlash tarzi dominantligi zaminida dunyoviy shakllarda olam-u odamga munosabatini

o`zgartirmoqda. O`zbek romannavislari ilg`or avlodi “Avesto”, “Qur`oni Karim” singari mo`tabar kitoblar, shuningdek, Yassaviy Amir Temur, Navoiy, Mirzo Bobur, Rumiy, Ogahiy, Mashrab, Mahtumquli kabi o`nlab ma`naviy ustozlar izidan borishmoqda. Ular insonning o`z yaratuvchisiga, dunyoga, jamiki mangu va hududsiz narsalarga munosabatini ifodalashga intilishmoqda [Yoqubov I. 2:121-122].

Mustaqillik yillarida o`zbek adabiyotshunosligida azaldan mavjud ilmiy an`analar bilan bir qatorda, dunyo adabiyotshunosligidagi yangicha uslub va yondashuvlarni ijodiy o`zlashtirish va tadqiqotlarda faol qo`llash tamoyili shakllandi. Chunki, badiiy adabiyot, xususan, milliy romanlarda ikki qutbli dunyo haqidagi statik qarashlar yangilandi. Adabiy hodisalarni sabab-natija munosabatlariga tayanib izohlash an`anasi yoniga oqibatdan sababga qarab borish tamoyili qo`shilib, poetik tasvirda ramziy-majoziylik salmog`i ortib, metaforiklik chuqurlashdi; tasvir predmeti va badiiylik moduslari yangilandi; badiiy ifodada kinoyaviylik, tragiklik, satirklik, dramatiklik moduslariga e`tibor kuchaydi. Shuningdek, muallif g`oyaviy-emotsional munosabatiga ko`ra, satirik modus markaziga qo`yilgan “niqob”langan ijtimoiy tiplar keskin inkor etildi; qahramonlik modusi transformatsiyaga uchradi; janr modifikatsiyasi sodir bo`ldi. Milliy romanning roman-epopeya, roman-pentalogiya, roman-tetralogiya, rivoyat-roman, mistik-roman; ilmiy-fantastik roman, ma`rifiy-biografik roman, esse-roman, roman-istehzo, roman-mushohada, roman-publitsistika, “mini-roman” kabi ichki shakllari yuzaga keldi. Janr namunalari semantik-struktur qatlamida esselashuv miqyosi kengayib, poetik ifoda imkoniyatlari ortdi. Mustaqillik davri o`zbek romanshunosligida dunyoni obrazli badiiy qayta gavdalantirishning G`arbda taraqqiy topgan tamoyillarini Sharq-islom adabiy-estetik an`analari bilan uyg`unlashtirish amaliyoti yuzaga keldi.

Ulkan yoki keng qamrovli taqdirlar, manzaralarni aks ettirishda, katta hayotiy polotnolar chizishda roman imkoniyat ko`lamining ayricha ekanligi ayon. Davrlar adabiyotining ahvolotini bilishda va qiyofasini belgilashda ham u salmoqli mavqeda turadi. Sir emas, bugungi kunda ayni janr tabiatiga chuqur ichki sifatiy siljishlar, g`ayriurfiy ilgarilashlar sodir bo`lmoqda. Bu ayniqsa, shakily-uslubiy, tamsiliy-ifodaviy idroklash hamda bayonlashda kuzatilayotir. Jahon miqyosidagi mazkur estetik hodisotni avvalgi davrlarda qat`iylashgan tayyor nazariy qoidalargagina tayanib yoxud yangilanishlarga, jumladan moderncha usullardan ta`sirlanishga nisbatan kechayotgan har qanday gap – so`zga daf`atan ergashish ila tushuntirib bo`lmay qoldi. Hatoo o`ta oddiy hayotiy voqeliklar, juda soda insoniy tuyg`ular haqidagi fikrlar-u ifodalarning nasrdagi salmog`i, martabasi ortdi. Va yana ijodkor o`z qalb olamini, sezimlar dunyosini manzaralashtirish imkoniga ega ekanligini har qachongidan yaxshiroq fahmladi. Zotan, ma`naviy zarururiyat bo`lib qalbda avjlangan, qalbning tublarida nihon beorom hislar, hanif mayllar mavji toshmog`i, dard-u iztiroblar, go`zal badiiy bayonlarga do`nishi, turfa kechinmalarning samimiy qorishiq tasviroti kitobxonlar botiniga ham begona hollar emas.

Asarda yaxshi ila yomon tafovutini ularning xuddi o`zidek farqlash, muayyan yo`lni, ishlarni haqqoniy baholash, behuda adabiy hollar, urflar inkori, ojiz qarashlardan voz kechish, yuksak kitobxonlik takomili, pirovardida, olamga to`g`ri tafakkur ila boqish, unga matlub munosabat, dunyoqarash va axloqni poklash –

sayqallash kabi qator ma`naviy manfaat mujassam. Ulkan zalolatlardan biri – dunyoni shaxsiy qarichlar bilan o`lchamoq, ya`ni borliqdagi hamma narsaning mislsiz buyuk o`lchov, intizom ila yaratilganini tafakkur qilmaslik, aytilib bo`lingab samoviy nasixatlarga itoatsizlik. Bu, ayni vaqtda, shaxsning o`z fitratidan g`ofil, bexabar, o`z mukarramlik maqomiga nomunosib yashamog`I demakdir. Kishi o`z botininga jo etilgan asl tabiatni kirlasa, sha`nidan olislasa, asliga qaytish uchun jiddu jahd ko`rsatmasa, undagi ulug` ne`mat – iymoni xavf ostida qoladi. Yaratgan zalolatni kimsaga chiroyli ko`rasatib qo`yar bo`lsa, olamda bundan mudhish biror bir kulfat bormi?! Romanda xuddi shunday kimsalarning johillik, gumrohlik, razillik, yovuzlik, munofiqlik, zulmkorlikning mohirona chizilgan timsollari bor. Ular o`zligidan batamom judolardir va tuban holatlarni o`zlaricha juda maqbul daraja hisoblab davr-u davron suradilar. Ona zaminni uning o`z o`qi – mehvari ilohiy qudrat ila mustahkam muvozanatda tutib turgani misol insonni ham faqat iymon-e`tiqod mehvari oliy, to`g`ri yo`ldan ozdirmay odimlatmog`I, haqiqiy saodatga Musharraf qilmog`I mumkin. Buni bilmas kaslar ezgulik, go`zallik haqiqaytarining g`animlaridir. Yozuvchi nazlida haqiqiy tasviriy san`at asari – birlamchi mukammallik, go`zallik bo`lmish borliq, dunyo, inson, ilohiyat, ruhoniylik, tiriklik kabilar ikkilamchi, ammo o'ziga xos, g'oyatda go'zal va maftunkor ko'zgusi, timsollari. Sa'natdagi go'zallik oliy haqiqatlarni, tengsiz go'zalliklarni ta'sirli tarannum etish, tasdiqlash, taratish orqali katta ma'naviy estetik xaloskorlik funksiyasini ado etadi. Asardagi barcha bir-biriga zid xatti-harakatlar, dunyoqarashlar, lavhalar, ramzlar, ishoralar, ma'jozlarining xulosaviy ma'nolari shunday donishona g'oyalar qamrovida botinan ajib bir tarzda tutashib, ular o`zaro yaxlit, ulug'vor, qadr-qimmatli haqiqatlarni roman pafosi darajasiga ko`taradi.

Adibning bosh muddaosi Amir Temur hayotini ikir-chikirlarigacha qamrab o`rganishga yo'naltirilgan emas. Qalamga olingan tafsilotlarning o'ziyoq yozuvchi goh an`anaviy yo`sin, goh tarixiy, goh mistik-romantik, o'tkir psixologizm motivlari ustunlik qilib kelganini yetarli dalillay oladi va adibning xarakter tahliliga obdon kirishmog'i imkoniyat eshigini ochadi. Yozuvchining konsepsiyasi negizida inson omiliga mukarramlik maqomlarida qarash, barcha holatlar Yaratganning hukmida ekanligi e`tirofi, insoniyat e'tiqodiga daxl qilish bandaning ishi emasligi chuqur aks etgan. Tasvirda badiiy uslubiyatning yangicha shakllari chuqur aks etgan. Tasvirda badiiy uslubiyatning yangicha shakllari faol qo'llanilgan, qahramonlarning psixologik portretlarini, ular botiniy hayotiga xos inja-sezimlaro'ziga xos aks etgan.

Amir Temur hatto o'z sahvu xatolarini beg'araz tanqid qiladi, hatto yo'l qo'yganlarga kim bo'lishidan qat'i nazar tanbehlar taqdim etadi. Qancha to'g'ri baho, maqtov, raddiya sodir bo'lsa, samimiyat ila qarshilaydi. Asosli tanqidga chidamaslik va saboqlar chiqarmaslikni, bor nuqsonni yashirish va lozim-lobud tanqidni qilmaslikni kasallik biladi. Hatto saltanat tarixi bitilgan kitobda voqea-hodisalar haddan tashqari bo`rttirilgani uchun taraxchini tanqid qilishi va uning kitobini ma`qullamasligidan ko'rinadiki, sohibqiron haddan tashqari to'g'riso'z bo'lgan va boshqalardan ham shuni talab qilgan. Adibning bu nuqtai nazari ham qahramonlarning ichki va tashqi holat-ruhiyatida kechayotgan bir-biriga o'xshamagan murakkab kechimmalar hamda boshqa ko'plab hayotiy masalalarda yaqqol namoyon bo'ladi. Qolaversa, ishlarining hammasi soha taraqqiysi yo`lida,

haqiqat, adolat maqsadlarida, beriyo bo`layotgani sabali u o'z qarashlarini-da tinimsiz taftish etadi, o`zini-da ayamaydi. Osamlar taqdirini, insoniy munosabatlarning g`oyat murakkab dialektikasini qahramon qalbiga quloq tutish orqali ochish, ularni muallifning yuzaki istagi bo'yicha yoki biror nazariya, mafkura ra'yi-avzoyiga zabun kayfiyatda emas, balki o'z mavjudiyatining tabiiy oqimlariga mos-munosib yaratish, aniq vaziyat – holatlarni psixologik jihatdan asoslash, hayotiy jonli dalillash, tasvirda turli sohtaliklardan asranish va boshqa qator ijodiy, ilmiy tadbirlar haqidagi fikr-mulahazalarda adib adabiy-estetik qarashlarining qadr-qimmati namoyon bo'la boradi.

Haqiqiy san'at asarining maqomini undagi yuksak g'oyaviylik bilan baiiy mukammallikning uyg'unligi, mazmun va shaklning o'zaro mosligi belgilaydi. Shunga ko'ra badiiy ijod namunasining aynan mazmuni hamda shakliga daxldor masala adabiyotshunoslikning eng muhim muammolaridan biridir.

Avvalo aytish joizki, mazmun hayotiy voqea-hodisalarning badiiy ifodasi sanaladi. Mavzu, masala, g'oya, obraz, syujet va boshqa omillar birinchi galda asar mazmuniga doxil. U bitikda aks ettirilgan hayot parchasidir. Boshqacha aytganda, voqelik, ijtimoiy turmush muammolari san'at asarining mazmuni va mohiyatini ko`rsatadi.

San'atda ijodkor anglagan voqelik tasvirlanadi. Shunday ekan, san`at asarining mazmuni muayyan asarda ifodalangan g'oyaviy mazmundir. Muallifning hayotga munosabati va bahosi obrazlar tizimida ifoda topadi. Negaki obraz g'oyaviy mazmunni ifodalovchi vosita, ya'ni shakldir. U so'zlar vositasida yaratilar ekan, o'z vositasiga nisbatan mazmundir. Rus munaqqidi Lev Timofeyev "…til (so'z) obrazga nisbatan shakl obraz esa asarning g'oyaviy mazmuniga ko'ra shakldir" [Тимофеев Л. 3:47] deya bejiz ta`kidlamagan.

Nutqiy ifodalar, kompozitsiya, ritmik-intonatsion vositalar obraz mohiyatini ochishga xizmat qilib, shu orqali asar mazmunini ifodalaydi.

Shakl esa adabiy asarning tashqi qurilishi, hayotni ko`rsatish tarzidir. Til, badiiy tasvir vositalari, konflikt, kompozitsiya, adabiy tur, janr, she'r tuzilishi kabilardir avvalo shakliy hodisasidir.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Nazarov. B. // Nurali Qobul. Jon va shon talvasasi. Tarixiy roman VI. T: "Ijod press", 2016. 410-b
2. Yoqubov I. Badiiy matn va estetik talqin. Toshkent 2013. 121-122 bet
3. Тимофеев Л. Проблемы теореии литературы. – М., 1955. – С. 47.
4. Qo'shjonov M. Shakl va mazmun birligi. Saylanma (ikki jildlik). Ikkinchi jild. – T.; adabiyot va san'at nashriyoti 1983. 166-185 bet
5. Hayitmetov A. Alisher Navoiy adabiy-tanqidiy qarashlar. – T.; O'zFAN 1959. 96-115 bet
6. Qobul Nurali. Jon va shon talvasasi. Tarixiy roman VI. Toshkent: "Ijod press", 2016. 5-b

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ НАСРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сарварбек ОЛИМЖОНОВ,
ФарДУ таянч докторанти

Аннотация: Мақолада Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романидаги бош қаҳрамон ва персонажлар тасвирида услубий ўзига хосликлар ёритилган. Ёзувчи маҳорати, асарнинг мавзу ва ғояси, бадиият муаммолари тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: услуб, маҳорат, бош қаҳрамон, персонаж, бадиият, тасвир, роман, фалсафий фикр.

Бадиий асарда услуб ёзувчининг дунёқараши, характери, фикрлаш тарзи, жамланган материалларга ёндашуви ва улардан қандай фойдаланишига боғлиқ бўлади. Шунингдек, услуб “поэтиканинг муҳим категорияларидан бири; бадиий асарнинг у ёки бу тарздаги шаклий қурилишини белгиловчи умумий принцип. Услуб антропологик, яъни ижодкор шахси билан боғлиқ категория саналиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди. Услубда намоён бўлувчи ижодий индивидуаллик бадиий асарнинг барча сатҳларида (бадиий матннинг тузилиши – риторика, бадиий воқеликни яратиш принциплари – поэтика) бирдай кўзга ташланади” [Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. 4:339]. Шу билан бирга “Ёзувчи услуби, ижодининг ўзига хос хусусиятлари, унинг ҳаётни англаш даражаси ва ҳаёт воқеаларини тасвирлаш методи, ёзувчи ижоди шаклланган ва ривож топган даврнинг шарт-шароитлари билан боғлиқдир. Ёзувчи ижодининг ўзига хос хусусиятлари айни бир вақтда бадиий асарнинг ҳам мазмунида, ҳам шаклида ифодаланади” [Ҳомидов Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. 5:233]. Шуни ҳам унутмаслик керакки, “Услуб жуда мураккаб ҳодисадир. Уни, қисқача, маълум бир методология билан қуролланган, ижодкорнинг ўзига хос ифодалаш усули, бадиий идрок қилиши... Ёзувчи услуби... ижодкорнинг ўзига хос тили, характер яратиши ва бадиий қуввати”[Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. 6:297]дир. Услубий изланишлар борасида қатор муваффақиятларга эришган истеъдодли ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” (1997) романи қаҳрамонлар ҳаёти ва ботинида кечган зиддият ва бўҳронларни уйғунликда маҳорат билан талқин этиб берилгани билан ажралиб туради. Адабиётшунос Г.Авезованинг “У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида руҳий таҳлилга мойиллик устувор. Адиб қаҳрамон маънавий дунёси , ўй-фикрлари, замоннинг долзарб ижтимоий муаммоларини аналитик муносабат орқали фаласафий бадиий мушоҳадакорликнинг янги-янги имкониятларини топишга эришган. Бадиий асарда баъзан, муаллиф овози билан айрим қаҳрамонларнинг ички руҳий дунёси ва товуши максимал даражада бир-бирига яқинлашгандек бўлади” [Авезова Г. 1:17] деган сўзлари характерлидир. “Мувозанат” романида тасвирланган воқеалар дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган шўро давлатининг парчаланиб, юртимиз

мустақилликка эришиш арафасида ва эришгандан кейинги илк йилларда бўлиб ўтади. Романнинг бош қаҳрамони Юсуф ва унинг теварагидаги шахсларнинг аччиқ ва долғали тақдирлари, ботинидаги омонсиз зиддиятлар, бир қарашда баъзилар наздида осонгина қўлга киритилгандай туюлган мутақилликка эришмоқ машаққатли йўлни босиб ўтганини кўрсатади. Айниқса, Юсуфнинг ўз эътиқодига содиқ қолиб мувозанатга эришмоқ учун кечирган оғир ҳаёт йўли, ички кечинмалари истиқлолга эришмоқнинг қанчалик қийин кечганлигининг далилидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги қишлоқ ҳаётининг эзгин манзаралари Юсуфнинг ота-онаси Одил ака, Ҳалима ая, акаси Амир, келинопаси Гулшода, тенгдошлари Содиқ, Рашид ҳамда Кенжавой ака турмуш тарзларида акс этади. Роман ўзининг “шафқатсиз” реализми билан мушоҳадага, фикрлашга чорлайди. Шитоб билан рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар кишиларнинг турмуш тарзига таъсир этади. Қашшоқлашган халқнинг аҳволини янада қашшоқлантиради. Кишилар онгидаги ўзгаришлар эса секинлик билан рўй бериб, баъзиларда саросималик, жамиятдаги ўзгаришларга шубҳа билан қарашга олиб келади. Академик М.Қўшжонов таъкидлаганидек, бир вақтлар қадрдон бўлган уч шахс: Юсуф – “зиёли”, Миразим – “тадбиркор”, Саид – “мансабдор” сифатида ўз мақсади сари интиладилар. Шу жиҳатдан ҳам уларнинг ҳаёт йўли, ўй-фикрлари бир-бирини такрорламайди. Уч дўстнинг танлаган йўлларидаги ва дунёқарашидаги турфалик уларнинг ботинан ажралишига, бегоналашишларига олиб келади.

Романда Юсуфнинг тоғаси Муҳаммаджон ака образи тасвири ҳам етакчи ўринда туради. У тарихчи бўлиб, узоқ йиллар мактаб, техникум ва институтларда дарс берган. Сўнг партия ишига жалб этилиб, каттакон раҳбар бўлган. Кейин ўзи яшаётган туманни бошқа туманга қўшилишига қарши чиққани учун “айирмачилик”да айбланиб, ишдан бўшатилган ва ўн йилга қамалган. Сўнг икки туманнинг бирлашуви хато топилиб, икки йилча ўтгач авф этилади ва қамоқдан чиқади. Аммо қамалган, “урилган” деган тавқи лаънат туфайли у хеч қаерга ишга кира олмайди. Ниҳоят, бир амаллаб тумандаги “Қушлар мактаби”га ишга оладилар. Боғ ташкил этиб, қушлар парвариши билан шуғулланади. Муҳаммаджон ака Юсуфни болалигидан илмга бўлган муҳаббатини уйғотишга ҳаракат қилади. Кўп қаватли тураргоҳлардаги икки хонали уйини ўлим олдидан Юсуфга мерос қилиб қолдиради. Муҳаммаджон ака Юсуфга яқин йилларда СССРнинг парчаланиб кетишин айтаркан, эҳтиёт бўлишликни, ушбу сирни бошқаларга айтмасликни уқтиради. У ўлими олдида “Менинг умрим ёлғон билан кечди. Ёлғонага бош эгиб, ёлғонни ёзганларнинг, шуни истаган кимсаларнинг хизматини қилиб кечди” дея иқрор бўлади.

Романда ёзувчи услубига хос жиҳат мавзунинг аниқлиги, ифодаларда илмий мушоҳадакорликнинг кучлилиги, шиддаткор воқелик асос бўлганлигида кўринади. Адабиётшунос А.Сабирдинов “Романдаги Юсуф, Саид, Миразим, Амир, Гулшода, Эргаш каби персонажлар тақдири мисолида

мувозанатга эришмоқ қанчалик машаққатли юмуш экани, ҳатто бунинг учун умрлар бой берилиши мукинлиги кўрсатилади”[Сабирдинов А. 2:93] дея тўғри таъкидлайди. Асардаги Юсуфнинг акаси Амирнинг оғир, аянчли тақдири ўқувчини ларзага солади. У дунёвий юмушлардан воз кечиб, Қуръон кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишни мақсад қилган, тоат-ибодатга муккасидан кетган шахс. Натижада, у оиласининг турмуши қандай, болалари нима еб-ичмоқда, хеч бири билан қизиқмайди. Амир фикрича, “Қийинчилик – бу Худонинг бандасига юборган бир синови... Намоз ўқиб, Худога ёлбориш керак. Ҳадеб у йўқ, бу йўқ, эртага очарчилик бўлармиш, деб ваҳима қилиш ўрнига, борига шукр қилиб яшашни ўрганиш лозим. Нафсни қўйворса нималарни қўмсамайди, дейсан? Пайғамбаримиз бутун ислом дунёсининг раҳбарига айланганлар вақтда ҳам жуда фақир ҳаёт кечирганлар. Уйларида кунда бир марта қозон ё қайнаган, ё қайнамаган. Емишлари хурмою сув бўлган. Биз-чи? Биз энг қийин даврларда ҳам ўша хурмоча емишга қаноат қиламизми?.. Назаримда одамларнинг кўзи оч. У йўқ, бу йўқ, бундан буён у нарса бўлмасмиш, деган гаплар оғизларидан тушмайди. Ўзлари талвасада. Астағфируллоҳ, деб ёқа ушлайсан киши...”[Улуғбек Ҳамдам. 3:45].

Ёзувчи Амирнинг дин йўлига киришини мантиқан асослайди. Амир бир вақтлар институтга ўқишга кирган. У ерда Озода исмли қизга кўнгил қўйган, лекин ундан рад жавобини – тоғасининг ўғлига “бешик кетти” қилинганини эшитиб қаттиқ изтиробга тушган. Шундан сўнг ўқишни тугатмасдан ариза бериб армия сафига кетган. Лекин йиллар ўтиб ҳам севган қизини унутолмай унга бағишлаб шеърлар ёзган. Ақлли, билимдон ва меҳрибон бўлиш баробарида касалванд Гулшодани учратиб, бахтли қилишга қарор берган. Лекин ҳамон ўша мардлиги, қарори ўзининг бахтими ёки бахтсизлиги эканини билолмай ҳайрон. Бу ҳам етмагандек ўғли ҳам дардманд туғилган. Амаллаб ўқишни тамомлаган. Амир устозлари таклифи билан институтда қолиб ишлай бошлайди. Илм қилмоқчи, номзодлик диссертацияси устида ишламоқчи бўлади. Нафас қисиш касалига мубтало Гулшодага шаҳар ҳавоси ёқмайди. Амир барча орзуларидан воз кечиб қишлоққа қайтади. Бу орада “азим империя” қулаб, динга кенг йўл очилади. Амир ҳам дин йўлига киради. Юсуф унинг бу ҳолатини ўзича шундай изоҳлайди: “Сиз бошқа йўлларга бошингизни суқиб кўрдингиз, лекин қаттиқ зарбаларга учраб, улардан қочиб чиқишга мажбур бўлдингиз. Қайтиб уларга яқинлашишга эса ботинингизда ўзингиз бехабар пайдо бўлган қўрқув изн бермади. Натижада, сиз ўша маҳалда ҳамма учун очиқ, ҳамманинг кириши мумкин бўлган йўлга – дини исломга бош урдингиз, бой берилган орзуларга сарфланиши керак бўлган кучу ғайрат, иштиёқу эҳтиросингизни энди динга бағишладингиз. Сиз табиатан кучли бўлганингиз учун кўпчилик каби беш вақт намозни адо қилиш билан кифоялана олмадингиз, чуқур кетдингиз. Динда чуқур кетиш эса тасаввуф саҳросига олиб чиқади. Пирсиз ҳолда сиз ўша саҳрони кечиб ўтишга бел боғладингиз ва адашдингиз. Кўраяпсизми, сиз бу йўлда ҳам мақсадга эришмадингиз”[Улуғбек Ҳамдам. 3:173-174].

Оиласининг яшаш тарзига бефарқ Амирнинг қилмишларидан отаси Одил ака, онаси Ҳалима ая ҳам норози. Хотини Гулшода болалар билан эгаси воз кечиб ташлаб кетган даладаги сомонларни йиғиб келганда, Амир уларни қайтариб ўз жойига ташлаб келади. Эмишки, улар "ҳаром", чунки унга Амирнинг ҳам, Гулшоданинг ҳам меҳнати синмаган. Унинг бу қилиқлари атрофдагиларнинг кулгисини қўзғатади. Охир-оқибат уни хурмача қилиқлари туфайли ақлдан озганга чиқарадилар ва руҳий касалликлар шифохонасига жойлайдилар. Шифохона эса турли жиноятлар қилиб қўйган ва қамалишдан қочиб ўзини жиннига солган одамларга тўла. Улуғбек Ҳамдам ҳаёт ҳақиқатини руҳий касалликлар шифохонасидаги манзара билан ифодалашга эришган. Шифохонадаги ҳолат Амир руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Кечагина ҳаромни ҳар бир ҳолатдан топган, ундан қаттиқ ҳазар қилувчи Амир оч қолган пайтида қочишга улгурмаган мусичани боши ва патларини тириклайин юлиб ташлаб, хомлигича ейишдан тортинмайди. Бу ҳолатни ўзича изоҳлайди ҳам. Гулшода эса руҳий ва жисмоний азобларга бардош қила олмай ўзини осиб ўлдиради.

Улуғбек Ҳамдам услубининг ўзига хос бўлган яна бир жиҳати воқеалар замирида чуқур фалсафий фикр сингдирилганидир. Масалан, Амирнинг Улуғтоғга йўл олиб қўйларини ўғирлатган чўпонлар қўлига тушиш воқеаси орқали ёзувчи ўзгага ноҳақ зулм ўтказган шахслар охир-оқибат жазо олиши муқаррарлиги ҳақидаги фикрни ифодалайди. Ўғирликда гумон қилинган Амирни шир яланғоч ҳолда тошга боғлаб, аёвсиз калтаклайдилар. У сувсиз, оч ҳолда гоҳ ёмғир остида, гоҳ жазирамада азобланади. Бу ҳолат шундай тасвирланади: "Амирнинг қон, тер ва кир босган юз-кўзларига пашшалар қўниб учар, ***лекин на бу ва на калтак заҳри уни ташналик азоби қадар қийнамаётганди. Амир дам қуёшни бир дамгина тўсиб ўтаётган парча булутни кузатиб, "Ҳойнаҳой шунда йўқ деганда бир челак сув бўлса керак", дея хаёлланса, дам ён-верида ўсиб ётган ўт-ўланлар баргини ётволиб шимишни ўйлаб, қийналарди. Яқиндагина у беш вақт намоз ўқиб юриш имкони учун бутун бойлигу мартабаларини беришга қодирдай яшаган бўлса, энди бир қултум сув учун дунёни алишиб юборишга ҳам тайёр эди гўё"***[Улуғбек Ҳамдам. 3:129]. ***Шунда қийноқлар остида қолган Амирнинг ич-ичидан "Илойим, кўзларингга сув тўлсин сенларнинг!!!" деган қарғиши отилиб чиқади. Қария тоғда қаттиқ жала бўлиб, иккала ўғли ва қўйлари селда қолиб нобуд бўлгандагина Амирга нисбатан адолатсизлик қилганларини англайди: "***Шунда "лоп" этиб хаёлига ўтган йили ёзда тошга боғлаб қийнаганлари – ўша... сочлари патила-патила девонасифат йигит тушди. "Кўзларингга сув тўлсин сенларнинг!!!" – қариянинг миясида қарғиш чақнади. У сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ахир ўша йигитни бир томчи сувга зор қилишмаганмиди? Наҳотки, у қарғаган бўлса? Наҳотки, у чинданам ўғри бўлмаган? Унда ким? Қариянинг тиззалари қалтираб такрор ўтириб қолди ва шу кўйи қош қорайдиямки, ўрнидан қўзғалмади. Худди ўлатга чалинган паррандадек бўйнини озғин тиззалари ичига олганича жим қотди..." [Улуғбек Ҳамдам. 3:207].

Романдаги бош қаҳрамон Юсуф ботинида кечган бўҳронлар эса жамиятда рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқликда кечади. Институтда дарс бераётган Юсуф турмуш қийинчиликлари туфайли севган машғулотини ташлашга мажбур бўлади. Ижара уйда яшаётган Юсуф оиласи билан бошпанасидан ҳам ажралади. Ягона фарзанди бетоб бўлиб қолгач, хотини ва боласини қишлоққа жўнатади, ўзи эса ишлаш учун мардикор бозорига чиқади. Мардикор бозорида иши юришмай, оч ҳолда ётоқхонага қайтгач, у ерда кимнингдир овқатини ўғирлаб ейишига бир баҳия қолади. Шавкат деган талабаси Юсуфни мардикор бозорида кўриб ўнғайсиз ҳолатга тушганини сўзлаганда, у шундай жавоб қилади: "– агар Худо адолатсиз бўлганда эди, илмни ҳам, бойликни ҳам битта одамга бериб қўярди. Аввал, одамзоднинг ичида, кейин ташқарисида – ер юзида мувозанатни сақлаш учун ҳам бировга ақл, бошқага бойлик, бировга ҳусн, бошқасига сабр... ато этиб қўйибди. Тасаввур қил, агар мен сен айтгандай билимдон бўлсам, бунинг устига бой бўлсам, манави уйнинг эгасига ўхшаган бечораларга нима қолади?**"**[Улуғбек Ҳамдам. 3:135]

Романда бир ярим ёшли гўдак Муҳаммаджоннинг ўлим олди ҳолати, айниқса, таъсирли ёритилган: "Бола қабоқларини очди ва тепасида ўзига қараб турганларга бир-бир боқди, бошини қимирлатишга мажоли йўқ эди, кўз соққаларинигина имкон қадар гоҳ у томондаги аясига, гоҳ бу томондаги дадасига айлантирарди. Ниҳоят, у дадасида қўним топди – уч ойдан буён кўрмаганди, соғингандир, ичиккандир, балки... «Дада», дея олди мажолсиз лаблари ва кўз соққаси устига қалқиб ёш чиқди. Кўз ёшлари дадасини кўришга монелик қилди, шекилли, қабоқларини юмди. Иккита кичик томчи ёноғига юмалаб тушди... Юсуфнинг бағрида – жуда чуқур бир жойда нимадир,
аллақандай азиз бир ришта узилгандай бўлди, йўқ-йўқ, узилди "чирт" этган товушни унинг қалб қулоқлари аниқ эшитди. Юсуф мувозанатни йўқотди. Жисми мувозанатини эмас, ботинидаги мувозанатни**"**[Улуғбек Ҳамдам. 3:147]. ***Юсуф синфдош дўсти Содиққа айтган "***Агар ҳолимиз ҳозиргидан бешбаттар бўлиб, ейишга бир бурда нонимиз қолмаса ҳам, ўғлимга битта хапдори сотиб ололмай қўлимнинг калталиги ўлимига сабабчи бўлса-да, рўзғорим куйиб кул бўлиб тўзиб кетса ҳам, йўқ!!! Мен ўтмишнинг қайтиб келишини истамайман, тушуняпсанми, Содиқ, сен соғинаётган, қўмсаётган империяни хоҳламайман!?..**"** [Улуғбек Ҳамдам. 3:148] ***деганини ёдга олди. У бир муддат ўзининг ушбу айтган сўзларидан афсусланади ҳам. Сўнг эса яна қатъий қарорга келади: "Фақат ... фақат юртимни тинч қўй! Уни тағин золимлар қўлига топширма, топшириб бўйнига қуллик занжирини боғлама, эй Тангрим!!!" дея илтижо қилади.***

Юсуф хорижий фирмада пойафзал савдоси билан шуғулланар экан яхшигина маош ола бошлайди. Ўғли вафот этиб оилани боғлаб турувчи ришта узилгач, хотини билан муносабатларида мураккабликлар юзага келади. Севган касбига қайтиб олий даргоҳда дарс бера бошлайди. Ёзувчи қаҳрамонни мураккаблик билан тасвирлайди. Айниқса, унинг дўсти

Миразимнинг хотини Заҳро билан бўлган муносабатларида ушбу ҳол кўринади.

Саид мансабнинг юксак поғоналарига кўтарилгач, бир кунда барчасидан мосуво бўлади. Ичкиликка берилиб, бор мол-мулкини хотини Манзурахонга хатлаб беради.

Маишатга берилган Миразимнинг совуқ муомаласи Заҳрони эрига ҳиёнат қилишга олиб келади. Мислсиз бойлик ҳам Миразим ва унинг хотинига бахт ва ҳаловат бера олмайди.

Ёзувчи услубига хос энг муҳим жиҳатлардан яна бири романда инсонлар тақдири, борлиқнинг мавжудлиги мувозанат асосида қурилгани ҳақидаги фалсафий фикр қаҳрамон ва персонажлар кечмишида аён эттирилишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авезова Г. Роман композициясининг бадиий яхлитликда тутган ўрни (Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” ва У.Ҳамдамовнинг “Мувозанат” романлари мисолида): Филол. фан номз... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012.

2. Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016.

3. Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.

4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.

5. Ҳомидов Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970.

6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

ЛУҚМОН БЎРИХОННИНГ “ИМОМ МОТУРИДИЙ” РОМАНИДА КОМИЛ ШАХС ТАЛҚИНИ

Барчин ШУКУРОВА,
ЎзР ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Луқмон Бўрихоннинг “Имом Мотуридий” романи ва унда тасвирланган Мотуридий образи хусусидаги таҳлиллар тақдим этилди

Калит сўзлар: Имом Мотуридий, Луқмон Бўрихон, ақида, илоҳиётшунос аллома, комил шахс, имон-эътиқод, этик ва эстетик идеал.

Абу Наср ал-Мотуридий IX-X асрларда Мовароуннаҳрда сомонийлар ҳукмронлиги даврида яшаб, илмий ижод билан шуғулланган. Мотуридий ислом оламида “Имом ал-ҳуда” (ҳидоятга бошловчи имом), “Раис аҳли сунна вал жамоа” (аҳли сунна вал жамоа имоми) номлари билан танилган буюк шахс бўлиб, унинг туғилган йили номаълум, вафот этган санаси эса милодий 944 йил деб кўрсатилган. У Самарқандда туғилган. Мотуридийдан бизгача “Китобут тавҳид”, “Таъвилотул Қуръон”, “Панднома” асарлари етиб келган. Имом Мотуридий яшаган давр турли ғоявий парокандалик ва ихтилофлар кучайган пайт эди. Бу даврда пайдо бўлган қадария, жабария, хорижия каби оқимларга қарши тура олган катта ҳадисшунос ва фиқҳшунос олим Имом Мотуридий бўлди. Буюк аллома аҳли сунна вал жамоа ақидасини сақлаб қолган. Асарда илоҳиётшунос аллома ва унинг шахсий ҳаёти акс эттирилган, унинг ақида ва калом илми ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасига урғу берилиб, Мотуридий тимсоли орқали ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялашни ёзувчи романда асосий бадиий мақсадга айлантирган. Асарнинг бош қаҳрамони Имом Мотуридийнинг ислом дини учун олиб борган сайъ-ҳаракатлари, оила ва сомонийлар ҳукмронлиги даврида тутган авлиёсифат гўзал фазилатлари замондошларимизга этик ва эстетик идеал сифатида тақдим этилади. Зеро, дунё туркология илмида “Дунёни мотуридия қутқаради” деган аксиома гап кенг тарқалган. Янги Ўзбекистонда “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази”нинг ташкил этилиши ҳам бу улуғ шахсга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида эътироф этилади. Луқмон Бўрихон алломанинг ҳаёти ва ижодига доир тарихий материалларни ўрганиб, янги ўзбек насрида илк бор Имом Мотуридий образини маҳорат билан яратди. Хусусан, ёзувчи билан мулоқотимиздан сўнг маълум бўлдики, Луқмон Бўрихон мазкур романни яратишда Абу Бакр Муҳаммад Наршаҳийнинг “Тарихий Бухоро”, Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария”, Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” тарихий манбаларига суянади. Айниқса, адиб сомонийлар ҳукмронлигининг IX-X асрларга доир тарихий фактларни чуқур ўрганган. Қолаверса, ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим” ва “Ҳадис”ларни ҳам теран

ўрганиб, буюк мутафаккир аждодимиз, мотуридийлик таълимоти асосчиси имом Абу Мансур Мотуриднинг бадиий қиёфасини акс эттиришга муваффақ бўлган.

Ёзувчи ушбу романга ёзган сўнг сўзида шундай ёзади: “Мен ҳам бир қаламкаш сифатида буюк мутафаккир бобомизнинг сиймоси, ҳаёт йўли, ақида софлиги, мустаҳкамлиги учун олиб борган қатъий кураши акс этган асар қоралашга уриниб кўрдим” [Бўрихон Л. 1:286].

Асарга сўз боши ёзиб берган И.Ғафуров шундай дейди: “Муаллиф ўз романида ўша замонлар авж олган диний-илмий, илоҳий нуқтаи назарлар жуда кескин баён қилинган мунозаралар муҳити ва оқимларини ичидан кўрсатади, имон-эътиқод ўша давр кишилари учун қанчалар ҳаёт-мамот қадар аҳамиятли бўлганига эътибор қаратади.

Роман қаҳрамони жуда соғлом, мукаммал ақл-заковат эгаси, инсонпарвар, адолатпарвар, тирик инсон сифатида намоён бўлади. У илоҳиёт борасидаги турли-туман нотўғри қарашлар, хато тушунчаларни чуқур тафаккур билан ақл ва нақлнинг ишончли кучига таяниб тузатади, соф ақидавий тутимга ўз илмий истеъдоди орқали, чин мантиқ тасдиқотлари воситасида эришади” [Ғафуров И. 2:4].

Ёзувчи ислом дини ва “илоҳиёт борасидаги турли-туман нотўғри қарашлар, хато тушунчалар”ни кўрсатишга эришиш учун диний билимни ҳам қаттиқ эгаллаганлиги кўриниб турибди. Имом Мотуридийнинг илмий асоси қуйидаги жумлаларда ёрқин кўринади: “Эй, илм аҳли, огоҳ бўлингиз, мантиқни асос қилиш, аста-секин ислом умматини шариатни амалларининг асоси қилиб олишдан узоқлаштириб, уларни қашшоқлик ва қолоқлик, куфр ва маъсиятлар гирдобига ташлайди. Мўътазилачилар кўтариб чиқаётган Қуръоннинг махлуқлиги, қазо ва қадар, Аллоҳнинг сифатлари, инсоннинг амалларда мутлақ эркинлиги, инсон амалларини ўзи яратиши каби фикрларнинг туғилиши мантиқни асос қилиб олиш касридандир. Бу баҳслар мантиқ асосида келиб чиққан ва жавоблари ҳам мантиқ асосида берилган. Шунинг учун мантиқнинг ўзи ботиллигини тушунмасдан туриб, мантиқнинг ҳақ деган эътибордан келиб чиқиб юзага келган масалалар устида баҳслашиш бефойдадир. Ва бундай ихтилофларнинг охири ҳам йўқ. Ақида масаласида, асоси тўла шариат бўлган амаллар, яъни савоб, гуноҳ, жазо ва мукофот масалаларида мантиқ мутлақ ҳаққа олиб боради, деб мантиқни мутлақ асос қилиб олишдан тўхташимиз керак” [Бўрихон Л. 3:213]. Имом Мотуридий бу каби саъй-ҳаракатлари учун Имоул ҳудо, Имоул мутакаллимийн унвонларига сазовор бўлади.

Ёзувчи буюк диний уламо ва имом Мотуридий образи ва у билан боғлиқ тарихий воқеаларни тўлақонли акс эттириш мақсадида пейзаж тасвирларига ҳам кенг ўрин беради. Масалан, “Қуёш уятчан қиздай қизара-бўзара қип-қизил этагини йиғиштириб, уфқ ортига яширинган бир пайт эди” [Бўрихон Л. 4:222]. “Қуёш Қорабўрк қояси қиясидан гўё қимтинибгина мўралади. Унинг илиқ нурлари олача тўнга ўранган, заранг таёққа хаёлчан суянган бир тутамгина эт-суякка хуш ёқди. Бошидаги гумбазсимон қалпоғини

манглайидан андак суриб, қош-кўзларини силаб қўйди. Қатор дов-дарахтлар ортидаги ялангликка ёйилиб кетган ўн-ўн беш чоғли қўй-қўзиси томон юринди.

Чор-атрофдан пишиқчилик ҳиди анқийди. Кузнинг майин, салқин шабадаси ғарқ гуллаган янтоқ, қовжираган беда, қоқ бўлган мева-чева исини қориштириб, теваракка тарайди" [Бўрихон Л. 5:18];; "Борлиқни оқ-ойдин ёғдуларга кўмиб, ҳоким улашган олтин динордек сап-сариқ тўлин ой баланд тераклар ортидан хижолатомуз мўралаб турарди. Еру кўк ажиб фараҳга, тароватга чўмган. Дов-дарахт барглари шитирлаб, муздек эпкинга гўё неларнидир шивирлагандай бўлади. Тўп-тўп юлдузлар жимирлаб жилваланади" [Бўрихон Л. 6:31]. Луқмон Бўрихоннинг пейзаж тасвирлари ҳам оригинал. Роман саҳифаларида учрайдиган табиат тасвирларида луқмонона киноялар, ўхшатишлар акс этган. Асарда ёзувчи пейзаж, портрет, психологик портрет, туш, киноя, истеҳзо, кесатиқ, хотира-хаёл, воизлик санъати унсурларидан ҳам умунли фойдаланган.

Романда Имом Мотуридий ниҳоятда камтарона ҳаёт кечиргани ҳақидаги саҳифалар ўқувчини ишонтиради. У битта қўйнинг терисини кўрпача сифатида ишлатиб, эртадан то кечгача тоат-ибодат билан шуғулланади. Бу эса унинг оила аъзоларига ёқмайди. Луқмон Бўрихон омонат дунёнинг омонат мол-дунёсига ҳавасманд замондошларимизга Олий ахлоқли Имом Мотуридий образини идеал шахс сифатида тақдим этади. Комил шахс Имом Мотуридий фитначилар ва фитнага учувчилардан жуда хавотир олади. Имомул муткаллимийннинг фикрича, "Агарки мусулмоннинг, аҳли илмнинг фаҳм-фаросати, билими, савияси, онги кучли, қувватли бўлса фитначининг минг бир чиранишлари ҳеч нарсага арзимайди, деб ҳисобларди" [Бўрихон Л. 7:251].

Самарқанд ҳокими Холид Халаж мўътазила гуруҳи тарафдори Идрис Шомийни қилич сермаб чопиб ташлайди. Бу хунрезликнинг олдини ололмай қолган Имом Мотуридий ҳам ҳеч нарса қилолмай қолади. Шу саҳнада Холид Халаж ва Имом Ҳазратнинг ўзаро баҳси ниҳоятда таъсирчан чиққан: "Сиз қилич ишига аралашманг, ҳазрат, – деб пишқирди у, сўнг қай замонлар нишопурлик донишманддан эшитганини қўшиб қўйди, – илло, жаннат қиличлар сояси остидадир.

– Қилич иши?! Ул саваш майдонида эмасму? Ахир Идрис Шомий бу ён тиғ ўқталиб келмади. Анинг яроғи фикр эди, ғоя эди. Фикрни фикр ила, ғояни ғоя ила даф этмоқ, буни аҳли илм, аҳли қалам бажармоқ лозим эди" [Бўрихон Л. 8:256]. Демак, кўринадики, муаллиф Имом Мотуридийнинг эзгу ғоясини бугунги глобаллашган даврдаги "фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашамиз" деган ижтимоий-сиёсий шиор билан ҳамнафасликда қўллайди. Умуман олганда, Луқмон Бўрихон бундан ўн бир аср муқаддам яшаган тарихий шахс ва Имом ал-ҳуда ва Раис аҳли сунна вал жамоа бўла олган Имом Мотуридийнинг ҳаёти ва қисматини XXI аср воқелиги билан боғлай олган.

Муаллиф роман матнида тарихий миллий колоритни тўлақонли бериш мақсадида ўша давр лексикасидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Қаҳрамонларнинг кийим-кечаклари ва уй-рўзғор буюмлари, айниқса, қаҳрамонлар нутқи ва ички монологида архаизмлар, яъни эскирган сўзлардан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, адиб Имом Мотуридийнинг ваъзлари ва ҳокимга йўллаган мактуби ўша IX-X асрлар сарой услубига хос жимжимадор ва безакдор жумла қуришда ифодалайди. Масалан, Имом Мотуридийнинг Холид Халажга ёзган мактубини мисол келтиришимиз мумкин: “Абу Мансурдан муаззам Самарқанд ҳокими Холид Халаж ибн Бўронбийга. Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу. Афу этасиз, ки ҳузурингизга бора олмадим. Илло, бетобмен. Аммо йироқдин бўлса-да, бир мўйсафид сифатинда андоқ насиҳат сўзи айтмоқчи лозим топдим. Аввало, сизга ҳамдардмен. Оғир юкни елкага олибсиз. Элнинг этагидан тутинг, ки ул сизни бошиға кўтарсин. Ва лек бошда ўтирув учун ҳамиша тоза юрувни унутманг. Хулофаи рошидан йўлинда собит туринг. Соф эътиқод, адолат, ҳақиқат, интизом доимо ҳамроҳингиз бўлсин! Тан фароғатидин чекининг, ки қалб, имон ҳаловатига эришгайсиз. Валлоҳу аълам бис савоб” [Бўрихон Л. 9:23-24].

Тасаввуф илмининг билимдони Н.Комилов “комил инсон” тушунчасини ўрганар экан, шундай хулоса чиқаради: “Битта одамдаги хислат ва сифат иккинчисида акс этиб туради. Аммо фарқи шундаки, бу аксланиш баъзиларда феъл-ҳаракат бўйича бўлса, баъзиларида эса қувва, яъни хислат-хусусиятлар билан намоён бўлади. Демак, истеъдод ва қобилият, хусусият ва сифатига кўра, бир-бирига ўхшаш одамлар беҳад кўп. Буларни умумий ном билан халқ, одамлар, кишилар деб қўя қоламиз. Бирига қараб иккинчисининг хулқу атвори, даражасига баҳо бера оламиз. Аммо шундай комил ва акмал кишилар борки, улар камолотда нафақат ўзга одамлар, балки бир-биридан ҳам кескин фарқланиб туради. Буларни анбиё ва авлиё деб атаймиз. Буларнинг ҳам даражалари бор: баъзилари комил, баъзилари акмал, бир қисми фозил, яна бир қисми афзал, яна бир гуруҳи эса афзалу акмалдирлар” [kh-davron.uz›kutubxona…komilov…7-komil-inson.html]. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Луқмон Бўрихон бадиий талқинидаги Имом Мотуридий образи тўла маънода комил шахс типига киради. Аммо бир нарсани эътиборга олиш зарур: Имом Мотуридий фақат бадиий асарда эмас, ҳаётда ҳам Комил инсондир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 286.

2. Бўрихон Л. Имом Мотуридий // Ёшлик, 2022. №1. – Б. 12-24; Ўша манба. – Б. 12-22; Ўша манба. – Б. 11-31

3. Ғафуров И. Илоҳиётшунос аллома сиймоси / Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 4.

4. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 213.

5. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 222.219.
6. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022.– Б. 18.
7. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 31.
8. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 251.
9. Бўрихон Л. Имом Мотуридий. – Тошкент: “Адабиёт” нашриёти, 2022. – Б. 256.
10. kh-davron.uz›kutubxona…komilov…7-komil-inson.html

HOZIRGI ZAMON JAHON VA O‘ZBEK SHE’RIYATIDAGI SHAKLIY-USLUBIY IZLANISHLAR

Nilufar ATAJANOVA,
UrDU tayanch doktoranti

Annotatsiya. Mazkur tezisda hozirgi zamon jahon va o‘zbek she’riyatidagi shakliy-uslubiy izlanishlar xususida so‘z boradi va bu xususiyat xorazmlik shoiralarning she’rlari misolida tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: janr, uslub, uchlik, hokku, fard, musallas, ruboiy.

Ma’lumki, hozirgi o‘zbek she’riyatining mazmunan va shaklan yangilanishida va rivojlanishida jahon adabiyotiga xos an’analarning ijodiy ta’siri ham alohida ahamiyatga ega. Zamonaviy o‘zbek she’riyati mazmuni o‘quvchini tafakkuran o‘ylantiruvchi, intellektual fikrlar uyg‘otuvchi, so‘zdagi teran ma’no qatlamlarini chuqur tahlil qila olishga undovchi adabiy-esetik hodisa sifatida maydonga kela boshladi.

Hozirgi o‘zbek she’riyati namunalarini mutolaa qilar ekanmiz, unda jahon adabiyotiga xos bo‘lgan ijodiy an’analarni milliy ruhning bo‘yoqlari-yu ohangiga monand ifodalash xususiyatlarini ham, yangicha shakliy izlanishlar hamda yangicha talqin uslubi va an’ananaviy uslubning turli xil ifoda yo‘sinini ham kuzatish imkoniyatiga ega bo‘lamiz.

XX asr boshlarida ro‘y bergan siyosiy-ijtimoiy, madaniy-ma’rifiy o‘zgarishlar adabiy janrlarning ham yangilanishiga sababchi bo‘ldi. Ko‘pgina ijodkorlarimiz an’anaviy ijoddan ko‘ra noan’anaviy ijodni afzal bildilar. Buning samarasida inson badiiy tafakkurida borliqni badiiy aks ettirish bilan bog‘liq ijodiy yo‘sinlar yangilana boshlandi. Jahon adabiyotiga xos ko‘plab janrlar o‘zbek adabiyotida yuzaga keldi. Shuningdek, jahon adabiy jamoatchiligi adabiy an’analarning bir-biridan andoza olib, o‘ziga xos shakliy-uslubiy yangiliklarni qildilar.

Zamonaviy o‘zbek she’riyatida yaratilayotgan she’rlarning janr xususiyatlarini aniqlash biroz mushkul. Boisi, ularning aksariyatida ma’no

an’anaviy bo‘lsa-da, shakl zamonaviylik kasb etadi yoki aksincha, shakl an’anaviy mazmun noan’anaviy.

“An’anaviy janrlardan tashqari yana mavzu problemalariga ko‘ra tavsiflanuvchi ijtimoiy-siyosiy peyzaj, ishq-muhabbat lirikasi yo‘nalishida, sonet, ikkilik, fard, uchlik, hokku, tanka, oktava, beshlik, oltilik, sakkizlik singari poetik janr va shakllarda e’tiborli izlanishlar jarayoni kechmoqda” [Rahimjonov N. 1:66]. Adabiyotshunos e’tirof qilgan shu kabi she’riy janr va shakllarning ayrimlarini xorazmlik shoiralar misolida tahlil qilishni joiz deb bildik.

So‘nggi yillar o‘zbek she’riyatida A. Obidjon “ignabarg”, “uchchanoq”, “uchpaxsa”, F. Afro‘zning “fiqra”, “tasbeh”lari, Dilshod Rajab “musallas”lari, Usmon Qo‘chqor “muqarnas”lari, Abdu Nabining “beshnavolar”i, I. Subhoniyning “shashqator” deb nomlanuvchi birlik, ikkilik, uchlik, beshlik, oltilik kabi badiiy shakllari yuzaga keldi. Bu ijod namunlarining safiga xorazmlik shoira G. Ibodullayevaning she’rlarining qo‘shilishi ham o‘zbek adabiyoti uchun o‘ziga xos adabiy hodisa bo‘lsa, ajab emas. Mazkur yil shoiraning “Mendan ketayotgan kunlarim” nomli she’riy to‘plami nashr qilindi. Bu badiiy asar shunisi bilan xarakterliki, u ikkilik, uchlik, to‘rtliklardan tarkib topgan va bu esa o‘z navbatida, mumtoz adabiyotimizga xos she’riy an’analar, ya’ni, fard, musallas, ruboiylarning zamonaviy talqinidir. She’riy to‘plamdagi uchliklardan namunalar:

Sizga so‘rayverar meni
Mendan tashqaridagi bir kuch…
Uning izmidan chiqqim yo‘q mening-da! [Ibodullayeva G. 2:25].

She’rda lirik qahramon o‘zining ichidan yana bir inson yasab oladi. U shunday insonki, tashqi olam va ichki olam ta’siridan mutloq yiroq “o‘zligini o‘zgachalashtirish” san’atiga ega. Kishi buni atay qilmaydi, ammo ichki ovoz unga harakatlari asli bilan mos emasligini ta’kidlab turadi. Aql va qalb o‘rtasidagi murakkab ixtilofni shoira uch satrga jo qilar ekan, lirik qahramonning tuyg‘ulari, ularning ichki olami, dilida ro‘y berayotgan ziddiyatli, keskin o‘zgarishlarni barcha tafsilotlari bilan keng miqyosda tasvirlashga erishgan. Zotan, shoirona ehtiros va did bilan yaratilgan badiiy asar she’rning g‘oyasini ochib berishga, so‘ngra ijodkorning shaxsi, uning tafakkur olami, ruhiyat dunyosi, ijodiy individualligi haqida ham ma’lum tasavvur uyg‘otishga qodir bo‘ladi.

Xorazmlik shoira Ullibibi Otayeva uchliklari ham shakl va mazmun jihatidan o‘ziga xosdir:

Shu uyatchan, beozor oydan
Tortinaman, hatto qo‘rqaman,
Yuzlariga tik qarolmayman! [Otayeva U. 3:44].

Ijodkor inson ruhiyatining yashirin dunyosini kuzatishga va uni tadqiq qilishga intiladi. “Sevgim guvohlariga” turkumida ifodalangan peyzaj tasviri lirik qahramonning ruhiyatidagi istiholalikdan dalolat beradi. Ma’lumki, an’anaviy she’riyatda oy – yolg‘izlik, tanholik ramzi. U. Otayeva an’anaviy obrazning an’anaviy talqinidan chekingan holda, bu obrazga oshkoralik ma’nosini yuklaydi va yangicha badiiy ifoda yaratishda erishadi.

Garchi tili yo‘q shu terakning.
Shiviriga hech kim tushunmas,
Havotirda yashayman undan. [Otayeva U. 4:44].

She’rdagi so‘zlar sodda, biroq tasavvur va tafakkur chuqur, qalbimizni, ruhiyatimizni o‘ziga jalb qiladi. She’riy shakl tasviriy san’atga yaqindir. Ijodkor terak talqinidagi tabiat manzarasini tasvirlashi asnosida o‘quvchida lirik hayajonni uyg‘otadi va tasavvuriga turtki beradi. Qofiya bilan yozilmaganligi, samimiy va xushchaqchaq yozilmaganligi, o‘quvchida paydo bo‘lgan yagona qarashni ta’kidlaydigan aforizmni mavjud emasligi, biror narsani tushuntirishga urunilmaganligi, aksincha, uning namoyish etilishi hamda mavhumlikka yo‘l qo‘yilmaganligi, bil’aks , she’riy shakl obyekti o‘quvchining atrofidagi dunyo va o‘zining tajribasiga aylanishi (hatto tasavvur qilinganda ham), tabiat va inson o‘rtasidagi chuqur bog‘liqlikni ifodalanishi yapon she’riyatidagi hokku shakliga xosdir. U. Otayevaning yuqoridagi uchliklarida hokkuga xos bo‘lgan barcha ichki xususiyatlar mujassam, biroq she’r misralardagi bo‘g‘inlarning soni-yu ritmik ohang kabi tashqi unsurlardan xolidir. Eng muhimi, haqiqiy ijodkor u qanday yo‘nalishda, qaysi janrda yozishidan qat’iy nazar, so‘zning qudratini, uning ta’sir kuchini namoyish etib, o‘ziga xos bo‘lgan g‘oyaviy-badiiy dunyoni kashf qila olishidadir. Zero, u har bir ijod namunasini o‘ziga xos takrorlanmas g‘oyaviy-badiiy olamning bor go‘zalligi-yu nafosati, murakkabliklari-yu ziddiyatlari bilan gavdalantira olsa, umrboqiy bo‘ladi va asrlar osha ma’naviy saboq baxsh etish manbayiga aylanadi.

Shuningdek, Go‘zal Begimning “Ayova ayvonida” turkumida yozgan “Noingliz tilida suhbatlar”, “Derazam ortidagi Amerika”, “Don Kixotga maktub” esselari hamda Shoira Shamsning rus adabiyoti durdonalari hisoblanuvchi Pavel Aleksandrovich Katenin va Eduard Asadovning she’rlari tarjimalari – xorazmlik shoiralarning shuuri, dunyoqarashi, hayotda va inson qalbida ro‘y berayotgan o‘zgarishlarga munosabati jahonning poetik olami bilan tutashar ekan, nazarimizda, o‘zbek adabiyoti mo‘jizalari dunyoga keladi.

Umuman, hozirgi o‘zbek she’riyatida qalam tebratayotgan ijodkorlarimiz, xususan, xorazmlik shoiralar ijodini kuzatar ekanmiz, ularda jahon adabiyotiga xos bo‘lgan ilg‘or ijodiy an’analarni milliy ruhiyat ohanglariga yo‘g‘irib ifodalash an’analarini, shuningdek, yangi shakliy izlanishlar-u yangicha ifoda usuli va uslubini guvohi bo‘lamiz. Bu esa o‘z navbatida, kitobxonni qiziqtiriruvchi, uni tafakkur dunyosiga, ma’naviy olamiga ta’sir ko‘rsatuvchi jihatdir. Zero, ulug‘ ijodkor Asqad Muxtorning bundan o‘ttiz yil oldin aytgan quyidagi mulohazasi bugungi o‘zbek adabiyoti uchun ham ahamiyatlidir: “Hozir adabiyotning eng zarur xususiyati – uning xalqaro ijtimoiy ta’sir kuchidir. Jahon adabiy jarayonida mana shunga qaratilgan barcha yangi izlanishlar meni juda qiziqtiradi.” [A. Muxtor. 5:3].

Xorazmlik shoiralar jahon adabiyoti an’analaridan foydalanar ekanlar, bu orqali, ya’ni o‘zbek milliy badiiy tafakkuri imkoniyatlari hisobiga jahon adabiyoti takommillashuviga ham zamin yaratsa, ne ajab. Zero, o‘zbek va yevropaliklarning mushtarak jihatlari badiiy adabiyotda ham estetik uyg‘unlik yaratilishiga asos bo‘la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A. Muxtor. Dilkash suhbatlar // “O‘z AS”. 1983-yil, 13-may.
2. Rahimjonov N. Mustaqillik davri o‘zbek she’riyati. Toshkent. Fan. 2007.
3. Ibodullayeva G. Mendan ketayotgan kunlarim / Urganch. Ogahiy nashriyoti. 2022.
4. Otayeva U. Shukrona. Toshkent: Yozuvchi, 1998.

СИРОЖИДДИН САЙЙИД ИЖОДИДА КЎНГИЛ ОБРАЗИ

Дониёр ЖУМАНИЯЗОВ,
Нукус давлат педагогика институти тадқиқотчиси

Аннотация:Ушбу мақолада С.Саййид шеъриятида кўнгил образининг поэтик талқини ва шоир кечинмаларидаги шахсият, олам ва одам муносабатлари хақида туйғулар силсиласи талқин қилинади. Шунингдек, шоир инсон эътиқоди билан боғлиқ умумбашарий муаммоларга катта маъно юклай олиши борасида муайян мулоҳазалар юритилади.

Калит сўз: образ, поэтика, услуб, кечинма, талқин, пафос, лиризм

Ҳар қандай шеър табиатан ижодкор руҳиятининг инъикоси, оғриқлари ва қувончининг маҳсулидир. Янги ўзбек шеъриятининг истеъдодли шоирларидан бири Сирожиддин Саййид поэтик изланишларида жанрий ранг-баранглик ва ўзига хосликни кузатамиз. Шоир ижодида энг кўп қўлланиладиган образ бу – кўнгилдир! Шоир кўнгилга бошқача бир маъно юклайдики, олам ва одамнинг муаммолари теграсида ички изтиробларини куйлайди. Ҳақиқатдан ҳам, шеър шоирнинг ижтимоий вижодини деган тушунчага жуда мос келади. Унда миллат ва умумбашарий муаммолар ўткир фалсафий-эстетик ташбиҳларда аксланади.

Кўнгил – образ даражасига олиб чиқилган экан, унда башарият олдида турган чигал саволлару савдоларга жавоб топишга ўқувчини ҳам даъват қилади. Бу оламнинг пасту баландига, қувончу ташвишларига, ўткинчилигига шу кўнгил даричаси орқали бўйлашга ўзини ҳам ўзгаларни ҳам ишонтиради:

Кўнгил тубларига чўкди не тошлар,
На қувон юпатди, на-да кўзёшлар.
Сўнгган ҳар шуълага ўкинч-ла боқдим,
Дилимдан ранг олиб ботди қуёшлар
[Сирожиддин С. 1:242].

Мазкур тўртликда шоир кўнгилнинг тубига чўккан тошларнинг нима сабабдан эканлигини очиқламайди. Инсон умри давомида топганлари-ю, йўқотганлари, ўкинчлари шоирни бағрини тиғлаганини изтироб билан ифодаламоқда. “Дилдан ранг олиб ботган қуёш” аслида қип-қизил шафақдек талош бўлган қалбнинг ўзи эканлигини чуқур қайғу билан тилга олмоқда. У ерда дўстликдан ёки бирор мунфиқнинг берган озорларидан, муҳаббатдан шикоят йўқ. Мана шу ерда шоирнинг ҳақиқий ботинидаги кўнгил образи пайдо бўлади. У шу мушфиқ онаси каби ғам-ғуссага чўмган ботинидан, қалбидан таскин сўрайди. У ерда Аллоҳ мавжудлигини, ўзлигини таниш йўлидаги пиллапояларнинг атиги биттаси эканлигини таъкидламоқда.

Инсоннинг маънавий гўзаллиги шу кўнгил парвариши билан юксалади. Айни шу жараён шоир шахсиятининг мукаммалашувига олиб келади.

Проф. Н.Раҳимжонов шундай ёзади: “Шеър – сўз санъати, тафаккур маданияти сифатида вужудга келган олис-олис замонлардан буён унинг энг азалий ва энг янги ўрганиш объекти инсон. Мана, бир неча минг йиллардан бери инсоннинг поэтик тасвирида мукаммалликка эришилди, деб бўлмайди. Бугунги поэтик жараёнда инсон билан жамиятни яхлит бирликда ўрганиш, одам табиатидаги интеллектуал-ахлоқий фазилатлар билан баробар феъли-фаолиятидаги иллатларни поэтик идрок ва ифода этиш устиворлик қилмоқда. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш, жамият психологияси билан инсон руҳиятини вобаста тадқиқ этиш, олис мозий воқелигига, буюк аждодлар ҳаёти билан тақдирига мурожаат орқали бугунги куннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларига жавоб излаш шеъриятимиздаги поэтик тадқиқотчилик меҳварига айланди” [Рахимжонов Н. 2:53.]. Дарҳақиқат, шеъриятнинг жорий кундаги ўсиш-ўзгаришлари, янгидан-янги ифода усулларининг қўлланилиши эътироф этишга лойиқдир. Бугун ўзбек шеъриятида кўп қўлланиладиган образ – кўнгил! Одамларнинг ўз олами ичра бу дағал дунёга бўйлашга одатланиб бораётган айни юқоридаги мулоҳазаларимизни тўлақонли далолатлайди. Шундай экан, С.Саййид лирикасидаги кўнгил образи – Аллоҳни таниш, нафсни тийиш, ҳар хил ўткинчи масалалардан баландда бўлишга чақиради.

Сирожиддин Саййид мумтоз лирикани жуда кўп мутолаа қилганиданми, ундаги руҳият Навоий, Румий, Машраб ва Аттор ижтимоий-фалсафий оҳангларини синтезлаганини кўришимиз мумкин. “Истеъдод Худодан берилади. Ҳар қанча меҳнат ва заҳмат маҳсули бўлмасин, истеъдоддан бебаҳра ижод юксак мақомга кўтарила олмайди. Чинакам иқтидор соҳиби илк асарлариданоқ кўнгилларга йўл топади. Дастлабки ижод намуналари биланоқ эътироф қозонади, назарга тушади. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ана шундай салоҳият эгаларидандир”[Жабборов Н. 3:153.] Мана шу эътирофнинг ўзиёқ шоир шахсияти ва ижодининг уйғун бир тарздаги баҳосини деб қабул қиламиз .Чунки шоир ҳар бир шеърида кўнгил билан исон изтирбларининг даҳшатли фожеликларидан хабар беради. Ўқувчи ҳам ўзини ёлғиз ҳис қилмайди. Айни бир пайтда ҳақиқий муҳаббатни туяди:

Меҳр топмасман ўз мҳеримдан ўзга,
Умр ҳам кўрмасман умримдан ўзга
Ҳеч ким тушунмагай дунёда мени
Кўксимда йиғлаган қумримдан ўзга
[Сирожиддин С. 4:243.].

Мазкур шеър Навоийнинг “Меҳр кўп кўргуздим аммо...” номли ғазали руҳида ёзилган. Шоир одамларга қанчалик меҳр берса ҳам, дилдорлик кўрсатса ҳам, ҳеч ким унга ёрдам қўлини чўзолмайди. Шоир ана шу руҳиятнинг синиқлари, синишларидан азият чекади. Шоирни ҳеч ким тушунмаслиги кўксидаги қумри унинг – кўнгли! Шу қумрининг мунгли хонишлари шоирни руҳан юксалтиради.

Таъкидлаш ўринлики, “...инсон олий мавжудот сифатида шундай мўъжизаки, у бутун оламни ўз фикрига сиғдириш ва қалби билан қамраб олиш қудратига эга. Унинг ақли – улуғ, қалби – чексиз. Бу улуғлик ва чексизликнинг уйғунлиги ундаги руҳ улуғворлигини таъминлайди. Инсоннинг улуғвор руҳи эса, унинг ўзини бир бош юксалтиргани ҳолда, жонсиз оламни ҳам жонлантириш хусусиятига эга: табиат улуғлашади, инсонга ҳайрат ҳиссини улашадиган эстетик манбага айланади. Ана шу руҳнинг ўзини намоён этиш доирасини биз улуғворлик деб атаймиз. Улуғворлик қамровлилик жиҳатидан нафосат фалсафасида гўзалликдан кейинги энг йирик хусусият ва тушунча ҳисобланади. У эстетик хусусият сифатида улкан қудрат ҳамда миқёсга эга нарса-ҳодисаларнинг бир қарашда илғаб олиб бўлмайдиган ботиний жиҳатларидир. Тушунча сифатида эса, у воқеликдаги ана шу улкан қудрат ва миқёснинг фалсафий-эстетик моҳиятини таърифлашга, тушунтиришга хизмат қилади”. [Абдулла Шеър.4:17] Бинобарин, ҳақиқий шеърга берилган, ижодга берилган баҳо шундан иборат бўлади. Мазкур манбага қўшимча қилиш мумкинки, кўнгил образи Сирожиддин Саййид лирикасида алоҳида аҳамият касб этади. Яъни шеърларидаги Ватан, Виждон, Имон ва умумфалсафий мавзулар тараннуми айни шу мулоҳазаларнинг яхлитлигини таъминлайди. Зеро, шоир шахсиятида сингиб кетган кўнгилга катта бир хилқат сифатида қараш, уни эъзозлаш йўсини бошқа шоирлардан алоҳидалиги билан жаралиб туради. Зотан, шеърнинг умумий пафоси шундай хулосага келишга асос бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сирожиддин Саййид. Аламли дунёда аламли гулим. –Т., “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2019. –Б.242.

2. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. –Т., “Фан”. 2007. –Б.53.

3. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. –Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2015. –Б.153.

4. Абдулла Шеър. Гўзаллик ёғдуси. –Т., Файласуфлар. 2017. –Б. 17.

УСМОН АЗИМ ИЖОДИДА БИР СЮЖЕТНИНГ ТУРЛИ ТАЛҚИНЛАРИ

Малика ФАЗИЛОВА,
Эркин тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада “Алпомиш” халқ достонидаги Ғоз мотивлари асосида Усмон Азим томонидан ёзилган “Ғоз” ҳикояси, шунингдек, кейинроқ ушбу ҳикоядаги сюжетни кенгайтириб яратган “Тонг отган тарафларда” драматик достони бадиияти ва бунда драматургнинг бадиий маҳорати ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. “Алпомиш”, Усмон Азим, драматург, драма, сюжет, образ, характер, қаҳрамон, мотив.

Усмон Азим ижоди ҳамиша халқ оҳангларини ифода этиши билан ўзига хосдир. Унинг болаликдан халқ оҳанглари таъсирида улғайгани, қулоқлари остида гўдаклигидан бахшиларнинг “Алпомиш”ни куйлашлари янграгани учун ҳам ижодининг жуда катта қисми бу йўналиш билан ҳамоҳангликда кечмоқда. Ижодкорнинг насрдаги “Ғоз” ҳикояси, кейинроқ “Алпомишнинг қайтиши” драмаси, “Тонг отган тарафларда” драматик достонининг барчасида “Алпомиш”га у ёки бу даражада таянилган. Умуман, Усмон Азимнинг мазкур йўналишдаги асарларининг барига “Алпомиш” асос бўлган, дейиш мумкин. Биргина манбага қайта-қайта мурожаат этилганда ҳам мавзу жиҳатдан бир-бирига яқин, аммо мазмунан бетакрор асарлар яратилган.

Хусусан, Усмон Азимнинг “Тонг отган тарафларда” драматик достонида “Алпомиш”да илгари сурилган жуда катта бир ғоя – халқнинг миллий ўзлигини англаши, йўқолиб кетмаслик учун кураши илгари сурилган. Аслида асардаги мавзу минг йиллик тарихга бориб тақалади. Ижодкор ҳамиша навқирон, долзарб бўлган тарихий мавзуга мурожаат этар экан, ундан замонамиз учун муҳим жиҳатларни танлаб олишга ва тарихни бугунги кунга хизмат қилдиришга йўналтиради. Ушбу драманинг марказида абадий мавзулардан ҳисобланган Ватан ва Миллат турар экан, муаллиф “Алпомиш” эпосидаги бош мотивларни саҳнага олиб чиқиш асносида шу буюк эпос ва ундаги қаҳрамонлар тақдири билан бевосита боғлиқ воқеани, аниқроғи, ривоятни ёдга олади. Асар сюжети ўта мураккаб қисматли инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилиб, воқеалар Алпомиш достони ва унда келтирилган Ғоз ҳақидаги ривоят моҳиятини ўзида бирлаштирган.

Маълумки, “Алпомиш” достонида зиндонда ётган Алпомишнинг ёнига тушган Ғоз билан боғлиқ мотив бор. Бу мотивга кўра, бир оёги синган ва бир қаноти шикастланган Ғоз зиндонга йиқилади. Алпомиш Ғознинг яралари битиб, учадиган бўлгач, унинг қанотига хат боғлаб: “Элу халқимга менинг ўлик-тирик хабаримни сен етказсанг,” дея ният қилиб Ғозни учириб юборади. Ғоз ўн тўрт кеча-кундуз учгач, Шакаман тоғига етиб, қанотлари толиб, тоғга қўнади. Ғозни мана шу тоғ этагида яшовчи бир кампирнинг ўғли отган бўлиб, у Ғознинг ўлмасдан, фақат ярадор бўлгани, ҳатто учиб кетгани

аламига чидай олмай, бир неча йилдан бери ўласи бўлиб ётган эди. Ҳордиқ чиқариб, куч йиғиш учун тоғга қўнган Ғознинг ғағиллаган товуши касал ётган Мерганнинг қулоғига етади. У ўзини “ориятга қўйган” Ғозни овозидан таниб, уни яна отмоқ пайига тушади: Кампир эса, “Бу ёлғиз ғоз Алпомиш арзачиси, қўйгин, болам, арзачига ўлим йўқ”, дея Ғозни учириб юбориш пайига тушади. Мерган Кампирнинг сўзига қулоқ солмай, Ғозни отади. У ўқни отганида Ғоз учиб кетади ва ўғил оғир дард билан ётиб қолади. Ғоз эса хатни эсон-омон Алпомишнинг синглиси Қалдирғочга етказади. Достондаги Ғоз билан боғлиқ мотив шу сюжет билан якунланади.

Усмон Азим мана шу кичик сюжетни бир оз кенгайтириб, уни дастлаб ҳикояга айлантирди. Ҳикояда қаҳрамон ҳаётидан биргина эпизод қаламга олинган. Усмон Азим “Ғоз” ҳикоясида ғозни ўлдиролмай, ориятдан куйиб кетган ўғилнинг руҳий ҳолатини тасвирлайди. Унинг диққат марказида Кампир образи туради. Кампир фарзандини балога гирифтор этаётганини билиб турса ҳам, Ғознинг элчи эканлигини кўнгли сезиб, учириб юборади. Кампир ана шу мураккаб руҳий жараёнда дунёни, инсониятни бало-қазолардан сақлаб қола оладиган, илоҳийлаштирилган куч даражасига кўтарилади. Ҳикоя “Алпомиш” достонидаги мотив асосида ёзилган бўлса-да, достондаги эпизоднинг давоми сифатида янгича талқин этилган. Ғоз ҳақидаги ҳикояда орият, ғурур масаласи биринчи ўринга чиққан.

Усмон Азим ҳаёт ҳақида нимаики демоқчи бўлган бўлса, шунинг ҳаммасини бадиий асарда тасвир этилган одамларнинг яшаш шароити, хулқ-атвори, руҳияти, бажарадиган ишлари, интилишлари ва ўйларида, умуман олганда, тақдирида акс эттиришга ҳаракат қилади. Шунга кўра, ҳикояга, достонда мавжуд бўлган Ғоз, Кампир, унинг ўғли, Алпомиш, Ойбарчин каби образлар қаторига фолчи Бўлган кал, табиб Луқмони ҳакимлар ҳам қўшилган. Орадан маълум вақт ўтгач, ёзувчида ҳикояни янада кенгайтириш нияти туғилиб, 2013 йилда “Тонг отган тарафларда” драмасини яратилди.

Драманинг қамрови катта, унда ёзувчи ўзининг ҳаёт ҳақидаги, ўзбек халқининг тарихи ҳақидаги фикр ва ўйларини ифодалашга ҳаракат қилган. “Ғоз” ҳикоясидаги воқеа драмага янада кенгайиб, янги тафсилотлар билан кўчган. Асар маълум сюжет асосида яратилган бўлса-да, бутунлай мустақил янги асар даражасига кўтарилди. Драмага Мангуқут, Ойёруғ, Мангуҳаёт каби янги образлар киритилган. Муаллиф асарда Она – Тонгёруғ ва ўғил – Ёлғизмерган тақдирларини тасвирлаш орқали бутун бир элнинг пайдо бўлиши, яшаш учун кураши ва узоқ даврларни босиб ўтиш тарихини кўрсатган. Бошқа барча персонажлар ана шу бадиий ниятнинг мужассамланишидаги ўрни ва шу икки қаҳрамон образига яқинлигига қараб ўрин олган. Драмага киритилган Мангуқут образига катта бадиий вазифа юкланган. У қолдирган васият – наслни давом эттириш бурчи Тонгёруғни ҳар қандай вазиятда чекинмасликка, олға юришга ундайди. Фарзандини асраб қолишга интилиши, оналик меҳри, ҳар бир она каби бетоб фарзандининг бошида парвона бўлиб, уни оёққа турғизиш учун елиб югуриши, вақтни ҳам унутиб, кунни-кун, тунни тун демай даво излаб, нажот

истаб ва озгина бўлса-да, умид қидириб жуда олис йўлларни босиб ўтиши – буларнинг бари Она деган номга муносиб ҳар қандай аёлнинг қисматидир. Шу сабаб ҳикояда Кампирнинг ўғли ҳақида бирор умидбахш гап айтармикин, дея фолчи Бўлган Кал олдига бориши, ундан фойда бўлмагач, шифо сўраб табиб Луқмони Ҳаким ҳузурига узоқ масофа босиб бориши, ундан ҳам ҳафсаласи пир бўлгач, Алпомишнинг ҳузурига мадад сўраб бориши Онанинг фарзанди учун ҳар қандай машаққатга тайёр ва ҳар қандай ишга қодир эканини кўрсатади.

Ҳикояда Алпомиш билан боғлиқ яна бир мотив бор. Алпомиш ўғлининг касалига шифо топишда мадад сўраб борган Кампирни катта иззат билан кутиб олади. У Кампирдан қарздор: Кампир ўз фарзандининг жонини хатарга қўйиб бўлса-да, Алпомишдан хабар олиб кетаётган элчи Ғозни ўлимдан сақлаб қолган. Элчи Ғоз омон қолиб, бутун Қўнғирот халқига бахт кулиб боқади. Ўз қарзини узишни истаган Алпомиш ҳам катта мардлик қилади. У Кампирнинг ўғли соғайиб кетиши учун ўз ўғли Ёдгорбекни худо йўлига қурбонликка беради. Бироқ, Ғоз ҳикояси шу ечим билангина тугамайди. У бунчалик жўн қурилмаган. Унда Кампирнинг меҳри, матонати, саботи, жасорати бундан кўра мураккаб маънога эга. Кўмак сўраганларидан кўнгли тўлмагач, Кампир, барчадан Яратганга унинг ҳақига бир илтижо қилишни, яъни сўрайдиган биргина тилагини ижобатга олиши учун дуо қилишларини ёлворади. Ортга, ўғлининг ёнига қайтган Кампир тоғ бошига етганда ўз ниятини ошкор этади: “Худойим! Ўзинг қўллагин! Раҳмат нурини бошимдан соч. Мени ғозга айлантир-да, кейин инон-ихтиёримни ўзимга бер!.. Худойим!..”, деб нола қилади. Бутун Қўнғирот эли ва Кампирнинг дуоси ижобат бўлиб, у Ғозга – ўша ўғли ўлдиролмаган Ғозга айланади.

Драмадаги Онанинг елкасида бунданда кучли масъулият бор. У нафақат ўз фарзандинииг ҳаётини, шунингдек, у вакиласи бўлган Тонгли элининг ягона фарзанди, зурриётини, меросхўрини, умуман, сўнгги эркагини сақлаб қолиши керак. Драмада орият ва ғурурдан ҳам кўра, бир халқнинг яшашда давом этувчи сўнгги вакилини асраб қолиш ва шу билан халқни, миллатни сақлаб қолиш, унинг давомийлигини таъминлаш ғояси асар марказига чиққан. Асарда олис замонларда душман томонидан қириб ташланган, саноқли кишигина қолган қабила ва унинг юртини сақлаб қолиш, шу тўрт-беш кишини ўзидан кўпайтириб, халқ даражасига олиб чиқиш ва Тонгли халқининг абадий яшаяжагига эришиш ғояси туради. Сюжетга кўра, ёв қирғинидан сўнг бир элдан бор-йўғи олти киши омон қолган. Аммо, улардан яна бири Ёлғизмерганнинг отаси алп Элтуғу оиласини сақлаб қолиш учун душман билан якка олишиб қурбон бўлади. Шундай қилиб, Тонгли элининг фақат беш вакилигина - Мангуқут, унинг келини Тонгёруғ, Тонгёруғнинг ўғли икки яшар Ёлғиз Мерган, Мангуқутнинг қизи Кунёруғ ва унинг бир ярим ёшдаги Мангу Ҳаёт исмли қизи бу қирғиндан тирик қолган. Мангуқут норасидаларни асраб-авайлаш вазифасини икки аёлга топширади. Наслнинг давом этиши шу икки гўдакнинг келгуси тақдирига боғлиқ: агар улар омон қолсалар – эл ҳам омон қолади. Мангуқут бу дунёдан кўз юмар экан, Тонгли

элининг шу икки норасида “илдизча”си – аввал ниҳол бўлиб кўкариши, сўнг қудратли дарахт бўлиб ўсишини башорат қилади ва уларни асраб вояга етказиш, вояга етганда бирлаштириш орқали бу дунёдан қирилиб кетиш олдида бўлган элини ҳалокатдан сақлаб қолиш вазифасини қизи ва келинига васият қилади-ю, ёруғ дунёни тарк этади. Галдаги воқеалар мана шу норасидалардан бири Ёлғизмерганнинг ўн саккиз ёшга тўлган кунидан давом этади. Маълум бўлишича, Ёлғизмерган онаси Тонгёруғ билан тоғнинг чекка ёнбағрига капа қуриб ҳаёт кечиришади. Ёлғизмерган навқирон ёшга етиб овчи бўлиб камол топмоқда. Бирдан унинг қулоғига ғознинг овози келади-ю, уни отиш тадорига тушади. Бироқ, онанинг хатти-ҳаракатлари унинг бу ниятига қарши...

Шу маънода, сюжет чизиғи мана шу воқеалар асосида ривожланадиган асар фидокор, халқпарвар инсонлар ҳақидаги афсонавий воқелик асосига қурилар экан, ижодкор бу орқали жуда катта маънавий масалаларни ўртага ташлайди. Фалсафий поэтик театр талаблари, миллий қадриятларга таяниб яратилган асарда нафақат миллатни асраб қолиш, шунингдек миллий ўзликни англаш масалалари юқори ноталарда жаранглайди. Халқона руҳдаги асарда мардлик, фидокорлик, номус ва орият каби фазилатлар улуғланади.

Тонгёруғ образи асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири. Гарчи ушбу асарни Усмон Азим драматургиясининг квинт-эссенцияси дейиш мумкин бўлса, айтиш жоиз, Тонгёруғ образи ижодкор томонидан яратилган аёл образларининг чўққисидир. Исмининг ўзига қаранг: “Тонгёруғ”, демак, унинг эртанги кунига катта умид бор. Тонгёруғ яшаган давр узоқ тарихга бориб тақалса-да, ушбу образни том маънода миллати, халқи бахти, унинг келажаги учун яшаётган абадий қаҳрамон сифатида талқин этиш мумкин. Шу маънода, асар бугунги кун нафаси билан йўғрилган дейишга ҳам асос бор. Тонгёруғ мақсад йўлида чекинмайдиган шахс образи. Ёзувчи қаҳрамонларнинг руҳиятидаги қатъийлик сифатларини қаҳрамонлар нутқи ва ҳаракатлари орқали кўрсатади. Ёв қувғинидан хориб, чарчаб қайин отаси Мангукут васиятига кўра фарзандини одамлар кўзидан панада катта қилаётган Тонгёруғ кўнгил майлига қулоқ тутиб ушбу элчи ғозни овчи ўғли Ёлғизмерганга отишига имкон қолдирмайди. Ёлғизмерган айтмиш тоғнинг нарига тарафида бир майса қимирласа сезадиган Она бу гал нимагадир ғознинг овозини эшитмаганга солади. Галда ғоз яна бир бор кўриниш берганда мерганнинг ёйига уриб, ўқнинг бошқа томонга кетишига сабаб бўлади. Натижада, Ёлғизмерганнинг орияти оғринади, у оғир изтиробга тушиб, охир-оқибат кучдан қолиб, ётиб қолади.

Шу маънода Тонгёруғ ўзлигини бутунлай унутиб миллатининг яшаб қолиши қайғуси бутун вужудини эгаллаган инсон. Фарзандига бирор кори ҳол бўлса, бир халқ бу дунёдан беиз кетишини дилдан чуқур ҳис этиб, *“Тонгли улусининг қайта яратувчиси*” бўлган ўғли ётиб қолганда, уни асраб қолиш учун қараб ўтирмайди. Унинг фарзандига қарата айтган “*Мен сени бу ёруғ дунёдан қўйиб юбормайман*”, деган сўзлари шу маънода жуда чуқур

маънога эга. Бу энг оғир дамда ҳам қўрқувни енга олган кимса – кучли шахснинг иқрори.

Дарҳақиқат, саҳнама-саҳна қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, баъзан таърифи орқали образ табиатига хос хислатлар ўзининг янги қирраларини намоён эта боради. Шу ўринда таъкидлаш ўринли, Усмон Азим ижодида аёлнинг қудратини кўрсатишда ўзига хос восита тўғри топилган. Бу фарзандини кучли қилиб тарбиялашда кўзга ташланади. Агар ёдингизда бўлса, “Алпомишнинг қайтиши”да Ёдгор онаси томонидан унга такрор-такрор уқтирилган аждодлари номини санаш асносида душман шартини бажариб, ўн тўрт ботмонли камонни кўтариб, онаси шаънини асраб қолса, Тонгёруғ фарзанди кучдан қолганда “*Эркакнинг қўлини Кўк тангри ўқ-ёй ушласин деб яратган. Ўқ эркак қўлининг давоми ... Қўлинг бутунлигини сезди болам*” дея ўғлига тиргак, ишонч бўлишида кўзга ташланади. Шу ўринда Ёлғизмерган характеридаги бир муҳим жиҳат ҳақида икки оғиз сўз. Бу унинг ҳалоллиги, ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйишидир. Ундаги бу хусусиятлар бир тарафдан Тонгёруғнинг унга берган мукаммал тарбиясини кўрсатса, иккинчи томондан, Тонгли халқи ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Ёлғизмерганга хос бу фазилат Тонгёруғнинг ўғлини қўллаш учун айтган “*Шунча орсизлар дунёда яшаб юрибти-ку!”* гапига жавобида кўзга ташланади*: “Уларнинг дунёси кенг бўлса керак! Менинг дунём эса торгина – ҳадеб ўзимга дуч келаверараман. Ўзимга қарайман-да, қора ерларга кириб кетаман. Бир ғозни отолмаган ношуд, бир элни қандай яратсин!”* [Усмон Азим. 1:61]

Шу йўсинда, драматург атрофдагиларнинг сўзлари, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари билан ҳар бир персонажни таърифлаб боради. Галдаги ҳолат учун замин туғдиради. Шу маънода ушбу драматик асарнинг қиммати, қолаверса, драматург маҳорати диалог ва монологларнинг асарда ўз ўрнида келтирилганлигида ҳам кўзга ташланади. Муаллиф улар воситасида характер қиёфаси, портрети, ҳолати, характерлараро муносабат, уларнинг ўзаро тўқнашуви, драматик вазиятнинг юзага келиши, ва энг асосийси, драматик ҳаракатнинг таъминланишига эришган.

Усмон Азим афсонавий, ярим реалистик, ярим фантастик, қисман романтизмга хос сирли, рамз ва тимсолларга бой, одамларни ўйлашга ундовчи ушбу драматик достонида тақдирнинг буюк синовига қарши курашга ўзида куч топа олган шахс образини яратади. Фарзандини қутқариб қолиш учун ҳеч нимадан қайтмаслиги, тақдир синовлари олдида чекинмаслиги (одатда оналар бетоб фарзандга қараш билан овора бўлиб қоладилар-ку) бу асардаги она тамомила бўлакча тимсол эканлигини кўрсатади. Тўғри, Тонгёруғ ҳам бетоб фарзандига қарайди, у ҳам фарзандининг ҳамиша қорни тўқ, усти бут юришига ўзини масъул ҳисобайдиганлардан. Бироқ она ва фарзанднинг ўзаро суҳбатларида намоён бўладиган тарбия бўлакча. У фарзандига ота тарбиясини ҳам (ўғилнинг онасига қарата айтган: *Менинг бу дунёда тургилигим қолмади. Ўзингиз айтгансиз: “Эр кишининг ўқи хато кетгани, ўлгани” дегансиз...),* устоз

тарбиясини ҳам берган (*Мени хато қилишга ҳаққим йўқлигини, ҳар отган ўқим мўлжалга аниқ тегиши кераклигини уқтиргансиз. Тинмай машқ қилдиргансиз! Хато қилиш йигит учун ўлим дегансиз)*. Натижада, асарда идеал қаҳрамонлар образи яратилади.

Йигит ҳам чекиниб қўя қолмайди. У ёш бўлишига қарамай, сўзида ўта қатъий, баъзи ёшларга хос лоқайдлик ва беэътиборлик ундан йироқ. Унинг учун номус, эътиқод масалалари барча нарсадан, ҳатто ҳаётидан ҳам устун. Уни эл-улус олдидаги бурч, масъулият ҳисси доимо "таъқиб қилади". Бунга онасининг ўгитлари ҳам сабаб. Тўғри, у ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар қўп нарсадан бехабар ўсган. Онаси уни аяб, елкасини масъулият юки оғир босиб қолмаслиги учун бор воқеалардан огоҳ этмаган. Ўзи кутиб яшаган "сир"лардан ўн саккиз ёшга киргандагина воқиф қилинган. У юрт, юртнинг эртаси олдидаги жавобгарлик ҳисси сабаб яшашга куч топишга мажбур. Буни онаси ҳам қайта-қайта таъкидлайди. Айнан мана шу таъкидлар сабаб, онаси даво излаб олти ойлик йўлларга кетганда ҳам (тўғри асардаги қаҳрамон таъкидларига кўра, уларни олти нафасда босиб ўтган) жон таслим этмаган, балки яшаш учун тинмай курашган, ўлим билан "жон талашган". Бу эса қаҳрамоннинг бобосига, отасига, онасига ва асосийси, ватанга муносиб ўғлонлигини таъкидловчи воситадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, асар қаҳрамонлари – қатъий ҳаётий позицияга эга, мақсад сари интилувчи ва уни амалга оширмагунга қадар тўхтамайдиган кучли шахслар, фикрловчи инсонлар. Шу маънода, воқеалар кечмиши ўзига хос, янада қизиқарли тус олиб, финал томон юз буради. Тонгёруғ ҳаракат қила-қила, фарзандини сақлаб қолиш учун барча имкониятларини ишга солиб бўлгач, бунда ҳатто ёлғон ҳам сўзлайди, бошқа ғозни ўша ғоз дея отишга фарзандини чорлашга ҳам боради. Бироқ ўғлининг ҳақли равишда айтган *"Биз ўлаётганда ҳам ҳалол бўлишимиз керак. Унутманг, биз ҳалол, мард ва бир сўзли Тонгли элининг фарзандларимиз",-* деган сўзларидан сўнг, фарзандини биргина йўл қутқариши мумкин эканлигини тушуниб қолади. Натижада, ўйлаб-ўйлаб сўнгги қадамни қўяди. Фарзанди фақат ўша ғозни отиб ўлдирсагина яшайди, фарзандининг тирик қолиши эса бутун бир миллатнинг яшаб қолиши учун жонини фидо қилиш, энг ёмони, фарзандини ўз онаси қотилига айлантириш учун етарли асосдир. Шундай хулосага келгач ҳам, истагини бошқалардан яширади, чунки сир очилса, унинг натижага эриша олиши шубҳа остида қолиши мумкин. Зеро, ким унинг жонини фидо қилишига қараб тура оларди, ёхуд буни билиб қолган фарзанд онасига қарата ўқ отармиди!? Бу ҳолат асар матнида баён этилмаган бўлса-да, воқеалар кечмишидан англашилади.

"Спектаклда бу жуда чиройли тасвирий ечим топилган. Тонгёруғ ўралган мато икки ёнга тортилиб саҳнани тўлдириб қанотлар шаклини олади. Мерган ғозга кўзи тушиб, шошиб, бор кучини тўплаб, камонини унга қарата тортади. Фарзанд пайконига нишон бўлган она жимиб мато билан қўшилиб, ерга қулайди. Ниятига етгани, яъни ғозни отиб ўлдириб, танасига куч киргани ҳақидаги хабарни тезроқ етказиш учун Ёлғиз мерган онаси томон

шошилади. Хурсандчилиги, асосийси, соғайганини билдириб, суюнчи олиш ниятида дунёдаги ягонаси – онасини излаётган Мерганнинг кўзи ғознинг кўзларига тушади-ю, ҳақиқатни англаб етади: ахир у онасини отиб қўйибди. Фарзанд учун бундан-да ортиқ даҳшат бўлиши мумкинми?!. Унинг фарёди дунёни ларзага келтиради. Бироқ энди бари бекор, бари беҳуда". [Раҳматуллаева Д. 2:36-37.] Дарҳақиқат айтинг, ягона дилбанди - фарзандининг яшаши учун ўз жонини фидо қилиш онадан бошқа яна кимнинг қўлидан келади?!.

Шу ўринда атоқли адиб, шоир И.П.Эккерманнинг драма мутолааси ва томошаси ҳақида қуйидаги фикри ёдга келади: "Драмани ўқиганингизда ва унинг воқеаларини хаёлан кўз ўнгингизда гавдалантирганингизда сизда яхшигина таассурот қолдириши мумкин. Асарни саҳнабоп қилиб ишлаш алоҳида истеъдодни талаб қилади. Униси ҳам, буниси ҳам адабиёт учун бетакрордир. Лекин истеъдод талабларининг иккови ҳам бўлмаган ижодкордан яхшироқ асар чиқиши қийин..."[Эккерман И.П. 3:418]. Асарнинг саҳнавий талқини бунга мисол.

Асар инсоннинг жамият ва халқ олдидаги масъулияти ва бурчи масалалари ҳақида доимо ўйлаб яшашга ундайди. Инсоннинг шахс сифатидаги, жамият ва эл-улус олдидаги масъулиятини белгилайди. Ушбу фалсафий ғоя "Тонг отган тарафларда" драматик достони воқеаларининг мантиғидан келиб чиқади. Бу эса Усмон Азим драматик ижодида макон, жамият ва инсон – учлигининг ҳам моҳиятан, ҳам мантиқан узвий ҳал этилганлигининг ёрқин намунасидир. Асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатида ёвуз ният кўзга ташланмайди, уларнинг бари ижобий. Асардан салбий қаҳрамон излаш бефойда – Тонгёруғ, унинг қайнотаси Мангуқут, ўғли Ёлғизмерган, қайнисинглиси Кунёруғ, унинг қизи Мангуҳаёт, фолчи Бўлган Кал, табиб Луқмони Ҳаким, Алпомиш, Барчиной, Ёдгорбек ва Ҳудайчи образларининг ҳаммаси ижобий қаҳрамонлар сифатида кўринади. Бу услуб ҳам асарнинг оригиналлигини таъминловчи омиллардан биридир. Қолаверса, драматургнинг бундай йўл тутишига унинг ижодий ниятидан келиб чиққан драматик асар асосида ётган ғоя сабаб.

Бунда конфликт драматик асар табиатига хос – характерлар ўртасида эмас, балки инсон ва тақдир ўртасида кечади. Тақдирнинг Тонгёруғ ўғли Ёлғиз Мерган бошига туширган кечмиши, яъни ориятли қилиб тарбияланган фарзаднинг ўзи билан ўзи ўртасида кечган қалб изтироби сабаб содир бўлган фожеона ҳолат асар драматизмини дунёга келтириб, уни кучайтириб, ундаги ҳаракатга куч беради. Драматик ҳаракат эса мана шу - Ёлғизмерган билан содир бўлган ҳолат ва унга нисбатан онанинг хатти-ҳаракати ўртасида кечадики, натижада, у кучли драматик коллизияларни юзага келтиради. Бунинг самараси ўлароқ, ҳар бири ўзига хос, такрорланмас образлар, тугал характерлар бўй кўрсатади.

Бу драматик достонда ўзбек драматургиясида янги қаҳрамон – жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини англаган, англаш орқали атрофдагиларни ҳам тарбиялашга отланган янги қаҳрамон пайдо бўлди. Асардаги

қаҳрамонларнинг бари нафақат ижобий, жабрловчи ҳам, жабрланувчи ҳам, эзилувчи ҳам, ҳукмга мустаҳиқ ҳам, ҳукм этувчи ҳам мана шуларнинг ўзлари. Асарда қарама-қарши томоннинг ўзи йўқ. Мақсад таъсирли. Унга борар йўл ҳам, қаҳрамонларнинг бу йўлдаги ҳаракатлари ҳам ишонтирарли.

Усмон Азим мана шу асарида яратган қаҳрамонлари ва уларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган натижада жамиятимизнинг оғриқли нуқтаси – ватанга, халқига вафодор, унинг учун ўз жонини фидо қилишга тайёр шахсларга доимо эҳтиёж мавжудлигига эътиборни қаратади. Зеро, айнан мана шу шахслар жамиятни илгарига ундайди. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Бу халқда миллий ғурур, миллий уйғониш иштиёқини уйғотиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳамдир. Тўғри, санъат намуналаридан ижтимоий маъно излаш адабиётни жўнлаштиради, бироқ санъат ижтимоий маъносиз шунчаки бежирим либосга ўхшаб қолган бўларди.

Адабиётлар рўйхати:

1.Усмон Азим. Тонг отган тарафларда. Драматик достон // «Шарқ юлдузи» ж., 2014 й., №1. 53-б.

2. Раҳматуллаева Д. Тонг ҳамиша отиши керак... // “Театр” ж., 2014/4. 36-37-бетлар

3. Эккерман И.П. Разговоры с Гёте. – Гослитиздат, 1956. – С. 418.

USMON NOSIR SHE’RIYATIDA SIFAT SO’Z TURKUMIGA OID SO’ZLARNING QO’LLANILISHI VA TAHLILI

Boburmirzo IMINJANOV,
Andijon davlat universiteti magistranti;
Nurchehra IMINJANOVA,
Andijon davlat universiteti talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada sifat so’z turkumi, uning leksik ma’no guruhlari haqida ma’lumotlar berilgan. Misollar o’zbek shoiri Usmon Nosir qalamiga mansubdir.

Kalit so’zlar: sifat, Namangan, ma’no guruhlari, estetik zavq, ijod namunalar, Monolog.

Namangan farzandi bo’lgan shoir Usmon Nosir juda oz umr ko’rdi. O’zbek she’riyati osmonida bir yarq etib o’tgan yashin misol o’rin oldi. Uning she’rlari teran ma’no aks etganligi, o’quvchini o’ziga torta olish mahorati bilan ajralib turadi. Usmon Nosirning lirikasi insonni beixtiyor o’yga cho’mishga majbur qiladi. Quyida shoirning ijodini tilshunoslik bilan bog’liq holda o’rganishga harakat qilamiz.

Avvalo, sifat so’z turkumi to’g’risida to’xtalib o’tsak. Asosan predmetning, qisman harakatning belgisini bildiruvchi, darajalanuvchi so’z sifat deyiladi: qizil qalam, oq kabutar, yaxshi gapirmoq. Boshqa so’z turkumi ham belgi ifodalaydi. Ammo sifat barqaror va turg’un belgi ifodalashi jihatidan ulardan ajralib turadi. [Jamolxonov H. 1] Belgining xususiyatiga ko’ra sifat ikkiga bo’linadi:

1) asliy sifat;
2) nisbiy sifat.

Darslik va qo’llanmalarda sifatning 9 ta leksik ma’no guruhlariga ajratiladi:

1) xususiyat bildiruvchi sifat;
2) holat bildiruvchi sifat;
3) shakl bildiruvchi sifat;
4) rang-tus bildiruvchi sifat;
5) maza-ta’m bildiruvchi sifat;
6) hid bildiruvchi sifat;
7) o’lchov bildiruvchi sifat;
8) o’rin bildiruvchi sifat;
9) payt bildiruvchi sifat. [Sayfullayeva R. 3]

Endi Usmon Nosirning she’rlarida foydalanilgan sifat so’z turkumiga oid so’zlarga e’tibor qaratsak. Uning ijod namunalari ichida bunday so’zlar orqali vujudga keltirilgan go’zal satrlar yetarli. Masalan, “Yurak” deb nomlangan she’rida shunday jumlalar mavjud:

Senga *tor* keldi bu ko’krak,
Sevinching toshdi qirg’oqdan.

To’rt banddan iborat bo’lgan she’r asli 1933-yil Samarqandda yozilgan. Shoir ushbu she’rda o’z yuragiga xitob qiladi. she’rning sarlavhasi ham she’rdagi ilk so’z ham aynan yurak so’zidir. Shoir avvalo o’z yuragini ta’riflash bilan so’z boshlaydi: sen mening sozim, tilimni nayga jo’r etgan, ko’zimga oyni berkitgan, sen ishqibozim kabi. Ikkinchi bandda esa yuqorida keltirib o’tgan misra joy olgan. Ushbu misrada tor sifati qo’llanilgan. O’lchovni bildiruvchi ushbu asliy sifat yurakka emas, ko’krakka nisbatan ishlatiladi. Yurak aynan ko’krak qafasi ostidan joy olganligini hisobga olsak, shoirning ulkan va otash yuragi bo’lgan. chunki Usmon Nosir ta’rificha, o’z yuragi ko’krak qafasiga sig’may qolgan. Yurak albattaki xursand va mas’ud. Misraning ikkinchi satri bunga yaqqol misol. Garchi ushbu yerda sifat so’z turkumi qo’llanilmagan bo’lsa-da, birinchi satrning yanada jozibaliroq bo’lishida ikkinchisining xizmati ulkandir.

She’rning uchinchi bandida shoir yana bir ajoyib o’xshatishga qo’l uradi. Endi yurak dilbarga qiyoslanadi. Hamda ushbu o’rinda yana bir sifat so’z turkumiga oid so’zga murojaat qilinadi:

Sen ey, sen – *o’ynoqi* dilbar,
Zafardan izla yoringni.

Ikkinchi sifat esa o’ynoqi so’zidir. Ushbu so’z tub sifat hisoblanib, yasalmagan. Xususiyatni bildiruvchi asliy sifatlar tarkibiga kiradi. Ushbu so’z she’rda dilbar so’ziga nisbatan qo’llanilmoqda va shoirga yuragini tasvirlab berish

uchun ishlatilgan. Yoki Usmon Nosirning “Yana she’rimga” she’ridan parchaga e’tibor bersak:

She’rim! Yana o’zing *yaxshi*san,
Boqqa kirsang, gullar sharmanda.

Shoirning ushbu she’ri o’quvchini chuqur mulohazalar yuritishga undaydi. Yuqorida keltirilgan ikki qatorning birinchisidan sifat so’z turkumiga oid so’zni topish mumkin. Birinchi qatorda yaxshi so’zi bunga misol. Ushbu so’z xususiyatni bildiruvchi asliy sifatdir. Shoir she’rini maqtashning eng oddiy, sodda va ravon yo’lini tanlaydi. Ya’ni unga yaxshisan deydi. Ikkinchi qator esa birinchi qatorni nafaqat to’ldirib kelmoqda, balki she’rning qiymatini yanada yuqoriga ko’tarmoqda: agar she’r bog’ sayriga chiqsa, gullar hijolat bo’lib, sharmandali holga tushgani qoladi xolos.

Quyida esa Usmon Nosirning “Monolog” she’ridan parchalar keltiramiz:

1.Sevgi! Sening *shirin* tilingdan
Kim o’pmagan, kim tishlamagan?

2.Seni *yaxshi* bilaman, *go’zal*
Petrarkani o’qiganim bor.
Buyuk Rimning Sapfosi azal,
Hayolimni oshiqday tortar.

3.Bilamanki, Tasso *bechora*
Rohat ko’rmay o’tgan bir umr.
Ey *makkora* qiz, Leonora
Nomi *qora* bilan yozilgur!...

4.Balki *uzun* sochini silab,
Azongacha ertak aytardi.

5.Dezdemona, *gunohsiz* dilbar
Jigar qonlaringni ichgan kim?

6.Parcha-parcha *kuygan* shafaqlar
Tirqiragan qonni eslatdi!

7.Mumkin emas, ey, *oliy* janob
Necha yurakni aylab *xarob*.
Shohona toj kiygan muhabbat,
Mumkin emas! Qanday qabohat!

Ushbu she’r muhabbat uchun ko’tarilgan isyon qasidasi sifatida tilga olinadi. She’r hajm jihatidan yirik bo’lgani bois unda sifat so’z turkumiga oid so’zlar ham yetarlicha o’rin olgan. She’rda xususiyatni bildiruvchi (yaxshi, buyuk, bechora, go’zal, makkora, gunohsiz, oliy, shohona), holatni bildiruvchi (xarob, kuygan,

tirqiragan), rang-tusni bildiruvchi (qora), o'lchovni bildiruvchi (uzun), maza-ta'mni bildiruvchi (shirin) sifat hamda sifatdoshlar qo'llanilgan.

Umuman olib aytganda, Usmon Nosirning har bir she'rida sifat so'z turkumidagi so'zlarga duch kelamiz. Ularning barida sifatlar qahramonni o'quvchiga yaqinroq tanishtirish uchun, qo'shimcha zavq yoki chuqur mushohada yuritishimiz uchun xizmat qiladi.

Usmon Nosir serqirra ijodkordir. Uning she'rlarining lingvopoetik xususiyatlarini o'rganish lingvopoetika fani uchun ulkan manba hisoblanadi. Biz yuqorida uning bir nechta she'rini tilshunoslik nuqtayi nazaridan tahlil qilishga urindik va faqat sifat so'z turkumining qo'llanilishi yuzasidan yondashdik. Bu tahlillarni uzoq davom ettirish mumkin. Zero, bu tahlillar adabiyotshunoslik, tilshunoslik hamda lingvopoetika fanlari o'rtasida aloqadorlikni mustahkamlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. H. A. Jamolxonov. "Hozirgi o'zbek adabiy tili".
2. "Jadid adabiyoti namunalari: Usmon Nosir". 2021
3. R. Sayfullayeva va b. "Hozirgi o'zbek adabiy tili". T., 2009

АДАБИЙ ОБЗОРДА ШЕЪРИЯТ ТАҲЛИЛИ

(О.Шарафиддинов ижоди мисолида)

Зилола ЖАМОЛОВА,
БухДУ ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ўзбек адабий танқидчилигида фаол жанрлардан бири адабий обзор ва унинг муҳим жиҳатлари йирик мунаққид О.Шарафиддиновнинг обзорларини таҳлил қилиш асосида очиб берилади.

Калит сўзлар: адабий танқид, адабий обзор, шарҳ, мунаққид, шоир, шеърият, лиризм, адабий авлод.

Адабий танқиднинг фаол жанрларидан бири обзор мақола бўлиб, унда жонли адабий жараён, ундаги адабий янгиликлар, курашлар, ҳолатлар, интилишлар, шу билан бирга ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади, умумлаштирилади, айни вақтда, танқидчи адабиётда яратилаётган ҳақиқий санъат асарларини кашф этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Адабиётшунос А.Расулов: "Мутахассисларгина адабий-бадиий танқид жанрларини фарқлайдилар, уларнинг ўзига хосликлари ҳақида билимга эга бўладилар. Оддий китобхонлар учун тақризу обзор, бадиаю танқидий очерк, адабий портрету хотира – ҳаммаси мақола"[Расулов А. 2:155] -, деб ёзади.

Тўғри, оддий китобхон буни унча фарқламаслиги мумкин, яна бир муҳим жиҳат шуки, адабий танқид жанрлари орасида синтезлашиш ҳодисаси

устуворлик қилади яъни адабий-танқидий суҳбатда баҳс, мунозара унсурлари ёки обзорда суҳбатга хос унсурлар, эсседа эса кўпчилик жанрларнинг қоришиб кетиш ҳодисаси кузатилади. Шунга қарамай, ҳар бир жанрнинг ўз чегараси, табиатига хос муҳим қирралар мавжудки, унда уларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Шу жиҳатдан адабий обзор жанри ҳам жуда кўп намуналари яратилганлиги назарда тутилса, алоҳида ўрганишга лойиқ,

“Адабий обзорда ўрганилаётган адабий ҳодисага умумий қарашлар баён этилади, ўша адабий ҳодисага дахлдор адабий далиллар изчил амалий-эстетик мантиқ асосида умумлаштирилиб, маълум умумлашма хулосаларга келинади”[1,88]. Шундай хусусиятга эга бўлган адабий обзорлар ва уларнинг турли хиллари XX аср танқидчилигида кўплаб учрайди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам жанрлар, мавзулар обзоридан кўра бир йиллик ёки ўн йиллик обзорлар етакчилик қилган.Унда адабий-танқидий обзор мақолалар яратишда хусусийликка қараб бориш руҳи устувор. Мунаққидларнинг ўзлари ҳам маълум бир соҳага ихтисослашмоқдалар. Шеърият тадқиқи билан шуғулланган танқидчилар орасида О. Шарафиддинов, И.Ҳаққул, Я.Қосим, Б.Акрам каби танқидчиларнинг мақолалари ўзида жанрнинг моҳиятини жамлаганлиги билан ажралиб туради.

О.Шарафиддиновнинг обзор мақолаларида кўпинча ўзбек шеъриятини таҳлил этиш асосий ўрин тутади.Шеъриятнинг ижобий ва салбий томонлари асосли ёритилади, рўй бераётган янгиликлар кўрсатилади.Унда янги даврнинг илғор қарашлари, инсонни чуқур англаш ва акс эттиришга интилиш очиқ кўринаётганлиги таъкидланади. О.Шарафиддиновнинг "Йўл бошида" асари илмий-назарий характердаги адабий-танқидий обзорнинг ёрқин намунасидир. Унда XX асрнинг 70-йилларида ижод қилаётган истеъдодли шоирлар ижодининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритилади. Энг аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, мунаққидни ёш ижодкорларнинг беқиёс фаоллашаётганлиги, адабий жараёнда сезиларли роль ўйнаётганлиги, адабиётимиз тарихида “ҳали ҳеч қачон ёш ижодкорлар адабиёт майдонига бугунгидай зич сафлар билан, шахдам қадамлар билан кириб келмаганлиги” қувонтиради.

Олимнинг қуйидаги фикрлари обзор мақоланинг ёзилиш сабаблари ва мақсадини ёрқин очиб беради: “Йўл бошида турган ижодкорнинг истеъдоди очилишга тайёр турган ғунчадай гап – уни авайлаб парваришлаб вояга етказиш керак. Ҳар бир ёш ижодкор ўз истеъдоди учун адабиёт олдида, халқ ва жамият олдида чуқур масъулият туйғусини ҳис этиб меҳнат қилгандагина, ўз истеъдодини танимсиз чархлаб боргандагина унинг ўсиб-улғайиши учун зарур шароит вужудга келади” [Шарафиддинов О. 3:4].

Мазкур обзор мақола муаллифининг мақсади ҳам худди шунда аёнлашади: истеъдодларни, аниқроғи, “адабиёт ривожида янги саҳифа очишга қодир бўлган ўзидан аввалги авлодларга нисбатан янги гап айта оладиган, ўз қиёфасига эга бўлган” адабий авлодни инсоннинг қалб оламини тасвирлаш йўлидаги изланишларига баҳо бериш орқали уларни авайлаб-

асрашдан иборат десак адашмаймиз.

Мунаққид обзор мақолада 70-йилларнинг фаол ижодкорларидан бештасининг шеърларига баҳо берар экан, умумлаштириб, “уларнинг шеърларида замон садоларининг бонги ҳам, инсон қалбининг нозик тебранишлари ҳам мавжуд”лигига эътибор қаратади, ёшлар шеърияти мумтоз анъаналар, жаҳон поэзияси тажрибалари билан бойиб бораётганлиги, шу билан бирга улар шоирона сўзнинг янги имкониятларини излаётганларини очиб беради. Шеърий шаклларнинг ранг-баранглиги, тасвир воситаларининг ўзига хослиги, поэтик образлар тизимининг оҳорлилигига интилаётганларини қўллаб-қувватлайди. Масалан, Шавкат Раҳмон ҳақида гапирганда, унинг “ўзига хос ўткир шоирона нигоҳ эгаси” бўлиб, дунёни нозик ва оригинал поэтик образлар орқали идрок этиши, лирик қаҳрамони ҳам фикрловчи шахс эканлигини таъкидлайди. Шу жиҳатдан “Венеция” шеърини атрофлича таҳлил қилади: “У Венеция тили билан ўз асрига мурожаат қилади.Йигирманчи аср!

Мени ўйлама,

Тумшуғимга тиқма лираларингни...

Жуда изтиробли, ғоят дардли ва айни чоқда жуда мардона мисралар! Фақат одамзод қалбининг Троясини халос кўришни истаган, инсон юрагининг венециялари чўкиб кетишини хоҳламаган одамгина муҳтожларни, очларни ўйламай, камига қарамай, жароҳатларини даволамай, одамлар яратаётган бойликларни қурол-яроққа сарфлаётган, кўкка совураётган XX асрга шундай мурожаат қилиб, унинг юзига шафқатсиз, лекин ҳаққоний гапларни айта олади” [Шарафиддинов О. 3:11]. XX асрнинг 80-йилларида Шавкат Раҳмон илгари сурган умуминсоний ғоялар ва мунаққиднинг шеър ҳақидаги талқинлари бугун ҳам буёғини йўқотмагани яққол кўзга ташланади.

Ёки Усмон Азимнинг дастлабки “Инсонни тушуниш” тўплами ҳақида гапирар экан, танқидчи шундай ёзади: ”Инсонни тушуниш шунчаки сарлавҳа эмас, балки Усмоннинг деярли ҳамма шеърларига сингиб кетган маънавий эътиқод...

Усмон шеърларида бугунги одамнинг энг улкан армони – эртаю кеч унинг хаёлини банд этган орзуси - тинчликни қўмсаш туйғуси бошқа ҳамма ёшларнинг шеърларидагидан кучлироқ ифодаланган” [Шарафиддинов О.3: 17].

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мунаққиднинг бошқа обзорларида танқидий фикр, шеъриятдаги камчиликларни ошкора айтиш руҳи устуворлиги ярқ этиб кўринади. Аммо таҳлил этганимиз мазкур обзорда эса 70- йиллар адабий авлодининг ютуқларини кўтаринки руҳда кўрсатиш, улар ижодига ишонч туйғуси устуворлик қилади. Чунки мунаққид ижодини таҳлилга тортган ёшлар ижодида бугунги одамларнинг руҳияти, маънавияти эҳтиром билан куйланаётганлиги, ҳозирги шеърлардаги лирик қаҳрамон ва улар билан бирга шоирларнинг ўзлари ҳам бутун жаҳон миқёсида фикрлайдиган, инсон ҳаётига кенг кўламлардан назар ташлай оладиган даражага кўтарилишаётганларига ишонч билан қарайди. Кўрамизки,

О.Шарафиддинов тилга олган, шеърларига юксак баҳо берган шоирлар унинг ишончини оқлаб, ўз шеърлари билан аллақачон халқ қалбидан ўрин ола билган етук ижодкорларга айланганлар.

Адабиётлар:

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.: 2008.134 б.
2. Расулов А.,Худойберганов Н. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Т.: 1990, 155-бет.
3. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 222 б.

TARIXIY ROMANDA BIBIXONIM OBRAZI TALQINI

Shahzoda MIRSHARIPOVA,
BuxDu o'zbek tili va adabiyoti kafedrasi mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: Maqolada Shahodat Isaxonovaning "Bibixonim" romanidagi ayollar obrazi va ularning ruhiyati tasviri o'rganilgan. Buyuk Sohibqironning suyukli malikasi – Bibixonim va temuriylar saroyida yuqori nufuzga ega bo'lgan, tarixda namunali iz qoldirgan temuriy malikalarning ichki kechinmalari, o'y-xayollari, ularning ruhiy holatlarining tasviri tahlili orqali yozuvchining individual mahorati ochib berilgan. Shu bilan birga asarda tasvirlanilayotgan davr muammolari, ayollarga bo'lgan munosabat, ularning davlat ishlaridagi o'rni, shahzodalar tarbiyasida tutgan ahamiyati singari masalalari borasidagi ijodkorning o'ziga xos talqinlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: roman, tarixiy roman, psixologizm, badiiy obraz, ayollar obrazi, tarixiy shaxs obraz, badiiy talqin, tarixiy haqiqat, Bibixonim obrazi, Shodimulk Sulton obrazi.

Badiiy adabiyotda psixologizmning ahamiyati katta. Ijodkor o'zi tasvirlayotgan qahramonni kitobxonga tanishtirish, uning xarakter-xususiyatlarini ochib berish uchun, eng avvalo, qahramonning ruhiy holatini tasvirlashga harakat qiladi.

Tarixiy romanlarda ham psixologizm alohida ahamiyat kasb etadi. Ijodkor tarixiy roman yaratar ekan, u tasvirlamoqchi bo'lgan voqea-hodisa tarixda bo'lib o'tganligini hisobga olgan holda obrazlarning ichki dunyosini ochishga harakat qiladi. Ularning tarixiy sharoitga mos bo'lgan xarakteri, davr ijtimoiy voqeligiga mos keluvchi badiiy olamini yaratish jarayonida ularning ichki olami, o'ziga xos fikrlash tarzi va dunyoqarashini badiiy ifoda etishni maqsad qiladi. Natijada esa

adabiy qahramonning ma’naviy dunyosi va o‘ziga xos tabiati, tarixiy obraz sifatidagi badiiy timsoli yorqin namoyon etiladi.

Temuriylar davri tarixida ayollarning o‘rni katta bo‘lgan. Ularning davlat ishlari, oiladagi mavqei va kelajak bunyodkorlari bo‘lgan el qahramonlari tarbiyasidagi mas’uliyati alohida ahamiyat kasb etgani tarixiy manbalar orqali ma’lum. Shu boisdan ham istiqlol davri o‘zbek adabiyoti namunalari bo‘lgan tarixiy mavzudagi asarlarda ayollar obrazini yaratishga e’tibor qaratildi.

Tarixiy asarlarda ayollar timsolining to‘laqonli badiiy siymosini yaratishda ularning portreti, o‘ziro munosabatlari tasviri bilan bir qatorda ruhiyati tasviriga ham diqqat qilish zarurati tug‘iladi. Insonning badiiy jihatdan mukammal va to‘laqonli tasvirini yaratish uchue psixologizm katta yordam beradi. Shu boisdan ham istiqlol davri tarixiy romanlarida temuriylar saltanati zamonida yashagan ayollarning ichki dunyosi, kechinmalari, orzu-armonlari, ularning yashash tarzi singari muammolarning aksariyati barchasi psixologizm tasviri orqali yuzaga chiqdi.

Shahodat Isaxonovaning “Bibixonim” romanida buyuk Temur saltanati, hukmronlik davri tasvirlangan bo‘lib, ushbu asarda davlat siyosati yoki jang-u jadallar tasviridan ko‘ra ko‘proq ayollar masalasiga e’tibor qaratilgan. Tasvirlanayotgan davrning Bibixonim, Shodimulk sulton, Gavharshodbegim singari ayollarining ichki dunyosi, xarakter-xususiyatlari, aql-zakovati bilan bog‘liq tasvirlar qatorida ruhiyat tasviriga ham alohida o‘rin ajratilgan.

Buyuk Temurning suyukli rafiqasi, aql-zakovatda tengi yo‘q donishmand malika – Bibixonim donoligi, o‘tkirligi, aqlliligi bilan Sohibqiron oldida nufuzga ega ayol bo‘lgan. Bu nufuzga u, albatta, faqatgina go'zalligi bilangina emas, balki oqila, zukko, dono, umuman har tomonlama, mukammallik sifatlariga ega bo'lganligi bilan erishgan. Izzat Ahmedovning “Dunyo malikalari” nomli tarixiy kitobida Bibixonim shaxsi haqida quyidagi fikrlar keltirilgan: “ Saroymulk xonim nozik did va farosoti bilan o’zgalardan ajralib turadigan, husn-latofat bobida ham Benazir ayollardan edi. Shuningdek, u mamlakatning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotidan yaxshigina xabardor bo’lgan. Saltanat ishlarida o’z maslahatlari bilan qatnashib turar, ayniqsa, ilm-ma’rifatga alohida e’tibor ila qarar, tolibi ilmlarga homiylik qilar edi” [Ahmedov.1:41.].

Milliy adabiyotimiz xazinasi bo'lgan tarixiy romanlarda Bibixonim timsolini badiiy talqin etishga sa'y qilgan ijodkorlar shu boisdan ham uning ijobiy fazilatlarini, oqila ayollarga xos bo'lgan sifatlarini, Amir Temurdek buyuk sarkardaning bosh malikasi bo'lishga loyiq etgan sifatlarini kashf etishga harakat qilishganligini kuzatish mumkin. Shunday talqinlardan birini Shahodat Isaxonova qalamiga mansub bo'lgan “Bibixonim” romanida kuzatamiz.

Romanda Bibixonim timsoli behad ko‘ngilchan, qushga ham ozor berishni istamaydigan, barcha darajadagi amaldorlarga ham, oddiy odamlarga ham juda rahmdillik bilan munosabatda bo'ladigan ayol sifatida ko'zga tashlanadi. Romanda Bibixonimning rahmdilligi, samimiyati uning ruhiyati tasviri orqali badiiy dalillab boriladi. “Bibixonim” romanida keltirilgan ayrim tasvirlarda buning yorqin dalilini ko‘rishimiz mumkin: “Bibixonim ayanchli nigohlarini navisandalarga tikkanicha

haliyam ko‘nglining tub-tubida lippillab turgan bir ishonch bilan ularning inkor javoblarini kutar, musichaday beozor bu xudojo‘y odamlarning o‘g‘rilik qilishlarini aqliga hech sig‘dirolmasdi” [Исахонова Ш.2:56.]

Ushbu parchada Bibixonim obrazining ko‘nglidagi insoniylik jihatlari namoyon etilgan. Oliynasab malika bo'lsa-da, oddiy insonlar, qolaversa, o'g'rilikda ayblanayotgan kishilarga, ularni muqarrar jazo kutayotganligini his eta turib, ruhiy kechinmalarni kechirayotgan inson sifatida tasvirlanishi qahramonning badiiy timsolini to'laqonli tasavvur etishga yordam beradi. Malikaning kishilarga martabasiga qarab emas, balki inson sifatidagi mohiyatini anglab munosabatda bo'lishi, ularning taqdiriga nisbatan xavotir bilan qarashi kabilarni uning ruhiy kechinmalari orqali anglash mumkin. Yozuvchi uning xarakteriga xos mehribonlik va ko'ngilchanlik jihatlarini tavsiflash yo'li bilan bayon etish yo'lidan bormaydi, balki qahramonning ichki kechinmalari tasviri orqali ochib berishga harakat qiladi.

Asardan olingan boshqa bir parchaga diqqat qilaylik: “– Voy, bechoralar, – Bibixonim ayvonning burchiga bo‘ylab, musichalarga ichi achidi, qo‘nishgan ko‘yi bir-birining pinjiga tiqilib o‘tirgan qushlarga mehribonlik bilan tikildi” [Исахонова Ш.2:102.].

Buyuk sarkarda saroyidagi yuqori nufuzli ayolning oddiy bir qushlarga ham e’tiborsiz emasligi, oddiygina jonzotlarga ham jonkuyarlik bilan munosabatda bo‘lishi – Bibixonim obrazi ichki dunyosining yana bir go‘zal qirrasini ochib beradi.

Obrazlar ruhiyati bilan bog‘liq bo‘lgan holatlarni ijodkor asardagi qahramonlarning imo-ishoralarida, o‘zlarini tutishlarida ham yaqqol ko‘rsatib o‘tadi. Bunday holatlarni, ayniqsa, Bibixonimning Amir Temur huzurida bo‘ladigan suhbatlar jarayonida o‘zini tutishida sezish mumkin: “Bibixonim” so‘zimni ochiq so‘zlayinmi, yo‘qmi”, deganday kalovlanib, g‘alati qarash qildi. Bu nigohning ma’nosini Amir Temur yaxshi anglardi, chunki Bibixonim erining ko‘ngliga yoki nafsoniyatiga tegib ketishi mumkin bo‘lgan mulohazalardan doim o‘zini tiyar va juda zarurat tug‘ilganda xuddi ana shunday andishali qarash qilardi” [Исахонова Ш.2:128.]. Ushbu parcha orqali Bibixonim obrazining Amir Temur ruhiy holatini to‘liq tushuna oladigan va shunga qarab chora-tadbir ko‘radigan oqila ayol ekanligini ko‘rish mumkin.

Qahramonlarning ruhiy holatlarini aks ettirishda ularning ko‘z qarashlari, mimikalari, ovoz tonlariga ham diqqat qaratgan va bu orqali kitobxonga jonli badiiy manzarani namoyon eta olgan: “Menga qorovulning hojati yo‘q, Qoplonbek, – dedi ovozi titrab ketgan Bibixonim hayratini yashirolmay” [Исахонова Ш.2:303.].

Bibixonim Amir Temurni o‘zi uchun butun bir dunyo deb bilar, bu dunyodagi bori ham yo‘g‘i ham mana shu inson edi go‘yo. Amir Temurning o‘lim to‘shagida bevaqt yotib qolishi, ahvolining og‘irlashib borayotganligi Bibixonimni tasavvur etib bo‘lmas darajada qayg‘u va alamlar girdobiga solib qo‘ydi. Taqdirning bu ko‘rguligidan so‘ng hamma shahzoda-yu malikalar taxt, meros talvasasiga tushib qolishgan bir vaqtda Bibixonim xayolida faqatgina Amir Temur siymosi turar, bu siymoni qaytib ko‘ra olmasligini oldindan sezganday butun xayoloti bilan uni ko‘z

o‘ngida gavdalantirishga harakat qilardi. Bibixonimning qayg‘u-hasratlari, his-kechinmalari asarda quyidagicha tasvir etiladi: “Bibixonimning yuzlari so‘lg‘in tortib, ko‘zlarida allaqanday mung, tahlika va xavotir qalqib turardi” [Исахонова Ш.2:136.].

Amir Temur o‘lim to‘shagida yotib, Bibixonim bilan vidolashar chog‘laridagi ruhiy holati asarda anchagina ta’sirli ifodalangan: “Bibixonim gapirarkan, ko‘ksini achchiq bir narsa kuydirib o‘tganini his qildi. Bo‘g‘ziga tiqilgan yig‘idan vujudi titrab, yuragi gurs-gurs ura boshladi. Sohibqironning yoniga cho‘kkanicha qo‘llarini yuziga bosdi” [Исахонова Ш.2:142.].

Bibixonim kuchli ayol, uning sabr-bardoshi metindan mustahkam, toshdek qattiq. Amir Temur uni shu uchun boshqa ayollaridan ayricha ko‘radi, har masalada unga suyanadi. Kezi kelganda Bibixonim uchun Amir Temur suyanadigan mustahkam tog‘dir. Ular birgalikda bir butun shaxsdek ajralmas edilar. Taqdirning shavqatsiz o‘yinini qarangki, bu ajralmas juftlikni bir-biridan bir umrga ajratmoqda, ularni qo‘l-oyoqsizdek chorasiz qilib qo‘ymoqda. Haqiqatdan ham Bibixonim qanchalik sabrli, tadbirli ayol bo‘lmasin, u Sohibqironsiz hech kim edi. Bu saltanat, toj-u taxt u uchun qadrsiz edi. Yuqoridagi asardan olingan parchada Bibixonim obrazining ruhiy kechinmalari juda ta’sirli tasvirlangan.

Umuman olganda, Bibixonim Amir Temur saltanatining gultoji, uning markazida turuvchi va har qanday siyosiy vaziyatda kerakli maslahat beruvchi buyuk ayoldir. Uning ruhiy olami, dunyoqarashi, his-tuyg’ulari, ichki kechinmalari “Bibixonim” romanida anchagina keng va batafsil talqin etilgan.

Adabiyotlar:

1. Ахмедов И. Дунё маликалари. – Тошкент: Зарқалам, 2005. – 120 б.
2. Исахонова Ш. Бибихоним. – Тошкент: DAVRPRESS, 2011. – 303 б.
3. Qodirov P. Ona lochin vidosi. – Toshkent: Adabiyot uchqunlari, 2018. – 303 b.

РИСОЛАТ ҲАЙДАРОВА АСАРЛАРИДА АЁЛ ҚАЛБ КЕЧИНМАЛАРИ ТАСВИРИ

Нигора АШУРОВА,
ТДЎТАУ тадқиқотчиси

Аннотация:Мазкур мақолада таниқли ижодкор Рисолат Ҳайдарова қаламига мансуб ҳикоя ва қиссаларида аёллар руҳияти, қалб кечинмалари, орзу-умидлари, интилишлари, ўй-хаёллари, руҳиятининг очиб берилиши ҳамда жамиятда тутган ўрни таҳлилга тортилган. Шунингдек, адиба ҳикояларида, қиссаларида чин инсоний қадриятлар – муҳаббат, дўстлик, садоқат, яхшиликка, маърифатга интилиш каби хислатлар уйғунлиги хусусида сўз юритилади.

Калит сўз: аёл, нафосат, гўзаллик, қалб, руҳият, тақдир, жамият.

Адабиёт – бу сўз дунёси. Сўз эса восита. Унинг салмоғи, шубҳасиз, мазмун-моҳиятдадир. Академик Иброҳим Ғофуров айтганидек, “Нақшдан мурод нақшбанд, сўздан мурод маънодир” [Ғофуров И. 5:546]. Ижодкор ижод жараёнида доимо башариятнинг юрагига қулоқ тутиши, уларнинг қалб амрини англаб, тўғри йўлдан бораётганларга илҳом, қанот ва қаноат беришлари, айни чоғда, жиндай адашганларни ўзларининг ўткир, сеҳрли сўзлари билан тўғри йўлга бошлашлари керак [Худойқулова Ф. 3:352]. Бадиий ижод, адабиёт ҳақида гап кетар экан, кўплаб адиб-у адибалар, шоир-у шоиралар қатори Рисолат Ҳайдарованинг ижодига тўхталмалмасликнинг иложи йўқ. Унинг республика матбуотида тарихий ва замонавий мавзудаги ҳикоялари, шеърлари ва адабий-танқидий мақолалари мунтазам чоп этиб келинмоқда. Рисолат Ҳайдарова ҳамиша атрофимиздаги одамлар ҳақида, уларнинг содда ва шу билан бирга илдизи қадриятларимизга бориб туташувчи ҳаётий фалсафаси ҳақида, жамиятдаги долзарб муоммолар ҳақида ёзади. Унинг ҳикояларида ҳам, қиссаларида ҳам чин инсоний қадриятлар – муҳаббат, дўстлик, садоқат, яхшиликка, маърифатга интилиш каби хислатлар уйғунлиги сезилади. Мисол учун, “Карантин” қиссасида 2020 йилда наинки бизнинг халқимиз, балки дунё аҳли рўпара келган катта бир синов – коронавирус пандемиясига қарши амалий тадбир сифатида юзага келган, ўзини-ўзи яккалаш тизими татбиқ этилган даврда ёзилган. Асар сюжети Тошкентдаги бир оила ҳаётида кечган воқеалар тасвирига асосланади. Қиссанинг бош қаҳрамони – Малика ўрта яшар, оилали, раҳбарлик лавозимларида ишлаётган билимли ва маърифатли аёл. Бугунги кунимиздаги баъзи аёлларга ўхшаб оила бахтини хизмати ёки лавозими, шуҳрати йўлида қурбон қилиб юбормаган аёл. Ўз қадрини билади, обрў ва ҳурматга, нуфузига фақат ўз билими ва салоҳияти орқали эришган. Бу манзараларни бугунги кунда юртимиздаги барча оилалар турмушидаги воқеаларнинг кўриниши дейиш мумкин. Қисса қаҳрамонлари бутун мамлакатда карантин жорий қилинган бир вазиятда кун кечириши асносида ўзининг босиб ўтган йўлига, қилган ишларига, ўтказиб юборган хатоларига-ю, қусур ва ютуқларига яна

бир бор назар ташлайди. Муаллиф карантинни жазо деб эмас, балки инсонийликни, меҳр-оқибатни, матонатни синайдиган, тоблайдиган, бирлашиш керак бўлган давр сифатида қабул қилишга ундайди.

“Мағрура” қиссаси бош қаҳрамони – Мағрура эса ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этаётган ёш олима. Форс, араб, инглиз ва рус тилларини яхши билади, жаҳон замонавий мусиқа санъатини севади. Жон деб ошхонада куймаланади, университетдаги талабалари кўнглида китобга ва адабиётга муҳаббат уйғотишга интилади. Яхши кўрган машғулоти – отасининг кутубхонасини титкилаш. У Севади, жавобсиз муҳаббатдан азобланади, хиёнатдан куяди. Аммо ҳаётдан безмайди. Ҳаётни қийинчиликлари ҳам, айрилиқ ва азоблари билан ҳам севади. “Мағрура”даги олима аёл Назирахон ҳам олима. У талабалик вақтида оила қурган, бир умр турмуш ўртоғи билан бирга илм сўқмоқларидан юриб ўтган. Севган кишиси билан биргаликда йиллар давомида оила қўрғонини барпо этган аёл. У Мағрурачалик муҳаббатдан куймаган, ўз тенгини тополмай қийналмаган. Адибанинг ўзи бу қаҳрамонлари ҳақида “Иккаласида ҳам аёллик бахтини биринчи ўринга қўйишини истадим. Балки бу сўзим ғалати кўринар. Лекин замона қаҳрамони қанчалик юксак сифатлар эгаси бўлмасин, аввало инсон бахтга интилиб яшайди… Мен ўзбек адабиётида яратилувчи замона қаҳрамонини маърифатли инсон образи сифатида кўраман. У шарқона томирларида мустаҳкам ўрнашган, лекин жаҳоннинг илғор тамойилларидан хабардор зиёли инсон [https://oyina.uz/uz/article/770. 8] дейди. Кузатсак, чиндан ҳам Рисолат Ҳайдарованинг аксар қаҳрамонлари замонамизнинг зиёли кишилари сифатида гавдаланади.

Унинг “Себзор” асарини ёзувчи Луқмон Бўрихон “Ҳар қандай шиорларсиз Ватан туйғусини акс эттирган эссе бўлибди. Себзор мисолида бутун республика миқёсидаги муаммолар берилган” [https://t.me/yozuvchilar_uz. 7] дея баҳолайди. Унда қаҳрамонлар нутқида Тошкент шеваси яққол акс этган. Бир томондан, бу ҳол адабий тил меъёрларини бузгандек таассурот қолдиради кишида. Тил ва услуб жиҳатдан катта нуқсондек ҳам кўринади. Бироқ насримизда Тошкент нафаси камроқ сезилаётганини, ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад фикрича, ҳали шаҳар насрини ярата олмаётганимизни ҳисобга олганда, адибанинг тутган йўли мана шу бўшлиқни тўлдиришда муҳим амалий ёрдам бўлган. Зеро, шаҳар мавзуси ҳар бир миллий насрга келиб қуйиладиган ирмоқлардан бири, Тошкент эса бизнинг тақдиримизда катта ўрин тутган бошкентдир.

Ижодкорнинг аксар ҳикояларида бош қаҳрамон аёл, аёл қалби ва туйғулари мавзу сифатида қаламга олинади. Уларда аёл ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, қалб оғриқлари, нафосати, қалб гўзаллиги, садоқат, хиёнат, матонати хусусида гап боради. Бу образлар айни дамда сиз-у биз билан бирга бир ҳаводан нафас олаётган замондош аёллардир. Жумладан, “Кўзойнак” ҳикояси қаҳрамони Шаҳноза образига эътибор берсак. Қиз кўзларида нуқсони борлиги сабаб саккиз ёшларидан кўзойнак тақишни бошлагани, улғайгани сари ойнаклари қалинлашиб бораверади. Ота-онага ортиқча юк

бўлади. Дастлаб, уни “тўрткўз” дея кулгу қилишади. Сўнгра ўз манфаатлари эвазига фойдаланишади. Синфдоши Фарҳод назорат ишларида ёрдам сўраб, унга “қушча”лар йўллаган, бошқа оддий вазиятларда эса чиройли бўлгани учун Нилуфарга севги мактубларини ҳам ёзган. Хуллас, Шаҳноза кўзойнак баҳона турли ихтироларга дуч келади. Унинг фикрича:

•кўзойнак одамнинг қандай эканлигидан дарак беради (айниқса, диди ҳақида);

•кўзойнак одамларнинг тушунчаси даражасини кўрсатади, яъни унга кимдир иллат-чекланганлик, кимдир фазилат-донолик белгиси сифатида қарайди;

•кўзойнак ҳар кимга ҳар хил мақсадда насиб қиладиган ташвишларнинг бир кўринишидир.

Қиз бошида ўзининг жисмоний чекланганлигидан дили оғриган, руҳияти тушган ва норози кайфиятда бўлса, кейинчалик буни ҳаёт ҳикматига йўйиб, тақдирга тан беради. Асардан одамнинг ҳар нарсага кўникувчанлиги, ҳар ким ўз чекига тушган қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтиши, инсоннинг қадр-қиймати баданидан кўра қалбининг соғломлиги билан белгиланиши кераклиги каби хулосалар келиб чиқади.

"Тўйдан кейин" ҳикоясида қизини яхши жойга узатганига қарамай, айрилиқ, соғинч, беҳаловатлик ичида қолган онанинг сўнгсиз ўй-хаёлари акс этган. У гўё қалбининг бир парчасини узиб олишгандек азият чекади. Ўзини адоқсиз хотиралар бағрига ташлайди. Қизи Камоласининг болалик дамларини, шўхликларини эслаб, соғинчдан юраги ўртанади, номсиз эҳтиослар оғушида қолади. Атрофдан кўнглини ёрса бўладиган, дардини тушунадиган дардкаш излайди. Шу қатори эрининг бепарволигидан ўзича ранжийди ҳам. Ахир қизи бегона уйга, бегона муҳитга кетди-ку. Нега ҳамма бепарво? Ундаги паришонлик ва беҳаловатликни қуйидаги суҳбат орқали осонгина пайқаш мумкин:

– Эртага тағин шошиб қолмайлик.

– Нимага?

– Вой, тавба! Қуданикига йўқлов жўнатмаймизми?

– Ҳа-я...- жавоб қилди аёл паришонҳол [Ҳайдарова Р. 6: 240].

Муаллиф тўйдан кейинги ўзбек хонадонларида бўладиган манзарани жуда устамонлик билан ўта жонли тасвирлайди:

Ҳовлида, сўри тагига ўрнаштирилган қатор столлар устида ювиб тўнкариб қўйилган косалар, пиёлалар, лаганлар тўп-тўп бўлиб уйилган. Бўй етган жиянлари ўзаро қиқирлашиб, тоғораларни чайишар эди. Нарироқда ўспирин ўғли ҳовлининг гир четига терилган енгил пластмасса курсиларни йиғиб, тахлайди [Ҳайдарова Р. 6:240]. Ижодкорнинг бошқа ҳикояларида ҳам аёл ва у билан боғлиқ руҳий кечинмалар жуда яхши ёритилган. "Дарахт мева тугганда" ҳикоясини олайлик. Мирсоат уйқусираган кўйи хотинининг эркалик қилишига бирпас йўл қўйиб берди. Кейин шивирлади:

– Бугун ишга эртароқ кетмасам бўлмайди, турақол энди.

Келинчак норозиланди:

– Нуқул иш, иш дейсиз-а!

Кўриниб турибдики, ўз суюклисининг эътиборига тўймаётган аёл истаган нарсасидан аразлай олади, истаган нарсаси учун уни айблай олади. Борди-ю у шу арзимас эътиборга тўйинган бўлса-чи, у ҳолда эрининг юқоридаги гапларидан ҳам, ишга шошилишидан ҳам норизо бўлмас эди. Аёл учун энг муҳими мана шу эътибор. Шуни вақтида то аёллар ўзлари аразлаб, жанжал қилиб тушунтирмагунларича англаб етмасликлари эркакларнинг аёллар наздидаги нуқсонлари.

Эр:

– Агар ўша ҳисоботни эртароқ қилиб бермасам, иш ҳаққим кам чиқади-деди. Унда ўша сен мақтайдиган витаминли бўтқани нимамизга оламиз-а [“Ёшлик” журнали. 1:3].

Бу саволга эътироз қилиб бўлмас эди, дейди муаллиф. Бизнингча, агар аёл истаса бунга ҳам эътироз қила оларди! Сукутининг боиси бу гапда эрининг боласи учун бўтқа олиб беришини истаётганида эмас, балки ўзининг шу бўтқани олиш истагини муҳим санаётганида. Ҳар ҳолда бу ҳам аёл учун бир эътибор-да! Ҳикоя баҳорнинг рўйи-рост келиши билан бошланади. Баҳор мудраб ётган табиатга, шунингдек, дилларга ҳам янгиликлар улашади. Одам баҳорни туйиши билан яшагиси келади. Севингиси келади. Ҳикоядаги аёлнинг руҳиятига ҳам тор қирмизи кўйлак, яна тўлишган жуссадан кўра мана шу баҳор таъсири кучли. Ҳаммаси шундан бошланади. Мудраган туйғулари, сезимлари-да уйғонмоқ истайди. Сандиқдаги мавсумга мос кийимларни ола туриб, у шу ҳисларни туяди. Бирдан энг чиройли кийими эгнида тор, ярашиқсиз тураётганини билиб қолади-ю, бу ҳол унда ёмон кайфият уйғотади. Рисолат Ҳайдарова аёлларнинг қайсидир маънодаги дардини тўғри топа билган. Аёл ҳамиша бахт чўққисини, ишқ чўққисини истайверади, қўмсайверади, хоҳлайверади. Ахир улар ҳам мана шу лаҳзага, шу даражага инониб рози бўлган эдилар-да! Кейинчалик турмуш ташвишларига кўмилиб кетган эр учун аёл ўзини забт этиб бўлинган чўққи, ўқиб бўлинган китобдай ёҳуд алдангандай ҳис қилади. Ҳамиданинг эри эса ҳатто бундан хохолаб кулди ҳам. Кейинги жумлаларда эса унинг гаплари жувонга мазах қилгандай оғир ботади.

–Аввалгидек, дегин? Япон боғи , тош йўлка, сунъий булоқ… а?

Хотинининг ҳиқиллай бошлаганини кўриб, эр хижолат ичида…[“Ёшлик” журнали. 1:3] Аёл ўз кўнглида ҳамиша ўн саккиз ёшдагидек навқирон бўлиб қолади. Улғайиш эркакка ярашади. Аёл ўзини ҳамиша ўн саккиз ёш деб ҳис қилса қилаверсин. Лекин муаммо шундаки, у ёридан ҳам мана шундай назар билан қарашларни, эътиборни истайди. Эри ишларидан ортганида, Япон боғига олиб боришни айтса ҳам энди аёл:

–Керакмас дейди.

Аёлга боя таъкидлаганимиздай, унга япон боғи керакмас. Гарчи шу бугунгача, ўзи айтгунича, ўзи эслатгунча, харҳаша ва шаъма қилгунича булар унга жуда керак эди! Аёл қалби биз ўйлагандай бу қадар мураккаб эмас. Аксинча жуда оддий. Унга япон боғи эмас, бир оғизгина ширин сўз керак

эди… Ҳатто мени ҳозир ҳам яхши кўрасизми, деб бир яхши гапга зорланиб турганида, эри буни пайқаб қалбидагиларни англаб муомила қилганида эди аёлга шунинг ўзи етарди. Эри “жон” деб эркалагани билан “дилидаги ўкинч”и тарқамайди. Буғдой янчиш жараёнидаги ўйланган ниятлар ҳикоянинг тугун қисмини моҳирона ечиш учун хизмат қилган. Аёл қарасаки, ниятларининг бари унинг ўзи билан экан. Ёзувчи бу тасвирлар орқали аёлнинг минг бир ёғи кашф этилмаган хилқат эгаси эканлигини кўрсатади. Эътибор қилсак, унинг деярли барча ҳикояларида аёллар ўз ҳаётларидаги айрим ўзгаришларга нисбатан бошида исён қилади, норозилик билдиради, кейинчалик эса уни табиий жараён дея қабул қилади, тақдирга таън беради. Ёзувчи ҳикояларида ижтимоий мазмун теранлигини кўришимиз мумкин. Ҳатто оила даврасида, маиший ҳаёт бағрида тасвирланган кичик муаммолар ҳам моҳиятан ижтимоийлик касб этади. Адиба ҳикояларининг ўзига хослигини белгилайди. Адиба ҳикояларини ўқишли қилаётган жиҳат ҳам аслида шу бўлса керак. Зеро, оила деб катта бир масъулиятли юкка елка тутган аёл ё эркак, ҳамма даврларда ҳам энг нозик масала ҳисобланган фарзанд тарбияси, худди шундай нозик масалалар сирасига кирадиган қайнона ва келин муносабати, тинч-осуда кунлар қадри ва ана шундай неъматни яратишда жон фидо қилган оталар хотираси, ёди масаласи – адиба ҳикояларининг маъно-мундарижасини ташкил қилади. Рисолат Ҳайдарова асарларини ўрганиш натижасида ҳосил бўлган фикр-мулоҳазаларимиз юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўзбек ҳикоячилиги ва қиссачилигида яратилган аёллар образи руҳиятининг бадиий талқини ва бу образнинг поэтик такомили муаммоси юзасидан ўтказилган таҳлиллар ўзбек насрида алоҳида ходиса экани исботланган.

2. Пейзаж бугунги ўзбек насрида асар ғоясини, қаҳрамонлар руҳиятини очувчи муҳим воситалардан бирига айланди. У бадиий хронотоп воситаси бўлибгина қолмай, балки, қаҳрамон, яъни аёл руҳиятига ҳамоҳанг тасвир воситаси ҳамдир.

3. Аёллар образи ҳозирда турли фанлар ва санъатнинг барча турларида (кино, театр, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, рақс, бадиий адабиёт, санъашунослик, психология ва б.) муҳим муаммо сифатида ўрганилмоқда.

4. Истиқлол даври ўзбек адиблари бадиий, адабий-ижодий тажрибаларни тўплашда миллий насримиздан ташқари, дунё насри тажрибаларини ўзлаштирди ва адабиётимизни янгидан янги образлар билан янада бойитишди.

Мухтасар қилиб айтганда, Рисолат Ҳайдарова ижодий меросида аёллар образи ва психологияси энг муҳим белгилардан бири сифатида кўплаб таҳлиллар, ўрганишлар натижасида ўзининг ҳали очилмаган қирраларини намоён етиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ёшлик” журнали, 2014 йил, 3-сон

2. Отахон, Олим. Танланган асарлар: (Қиссалар, ҳикоялар, бадиалар, таржималар, мақолалар) -Т:"Шарқ", 2021. – Б..584
3. Худойқулова Ф. Ватан учун яшайлик: Публисистик мақолалар, шеърлар. - Тошкент: Адабиёт нашриёти, 2021. – Б. 352.
4. Эшонқул Н. Мендан “Мен”гача. – Т.: Академнашр, 2014. – 512 б.
5. Ғофуров И. Олтин қозиқ: мансуралар, эсселар, адабий ўйлар, суҳбатлар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 546.
6. Ҳайдарова Р. Ғуруртепада саратон. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт нашриёти, 2021. – Б. 240.
7. https://t.me/yozuvchilar_uz
8. https://oyina.uz/uz/article/770

“BADIIY SO‘Z ESTETIKASI” TADQIQOTI XUSUSIDA

(No‘monjon Rahimjonov monografiyasi asosida)

Shukurjon ZARIPOVA,
UrDU 1-kus magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada taniqli adabiyotshunos, filologiya fanlari doktori No’monjon Rahimjonovning Ibrohim G‘afurov adabiy-estetik qarashlarini o’rganishga bag’ishlangan “Badiiy so‘z estetikasi” monografiyasi tahlil etildi.

Kalit so‘z : Adabiy-estetik qarash, iste’dod, Ibrohim G’afurov, tadqiqot, mansura, tarjimon, adabiyotshunos, badia.

Hozirgi adabiy jarayon muammolari bilan tizimli shug’ullangan yirik adabiyotshunos, filologiya fanlari doktori, professor No‘monjon Rahimjonov o‘zining “ Badiiy so‘z estetikasi” monografik tadqiqotida adabiyotshunos, essenavis, publissist, tarjimon Ibrohim G‘afurovning keng ko’lamli hayoti va ijodini, uning adabiy-estetik qarashlarini tadqiq etgan.

Olim kitob mundarijasini nihoyatda pishiq va tizimli ravishda tuzgani ko’rinib turibdi. Xususan, kitob strukturasi quyidagicha tuzilgan: Muqaddima o’rnida (Ibrohim G’afurov hayoti va ijodiy faoliyatining asosiy sanalari); Badiiy ongning shakllanishi va estetik tuyg’u; Go’zallikning olmos qirralari; Farosat, andoz ohang va so’z tuyg’usi; Estetik g’oyalar tizimida qahramon masalasi; Ilmiy-nazariy tafakkur hadlari deb nomlangan. Kuzatib turganimizdek, tajribali olim N.Rahimjonov serqirra ijodkorning adabiy, ilmiy va badiiy publissistik faoliyatini ham xronologik nuqtayi nazardan, ham mavzu va janrlar nuqatayi nazaridan o’rgangan. Muallif I.G’afurov tadqiqotlarining muhim xususiyatlarini umumlashtirgan holda quyidagicha ilmiy xulosaga keladi: “Asarlarida badiiyatda haqqoniylik, insoniylik, adolat, milliy o’ziga xoslik va xolislik prinsiplarining namoyon bo’lishi hodisalarini kuzatadi, tahlil qiladi, ilmiy-tanqidiy izlanishlar olib

boradi. Jahon adabiyoti mumtoz namunalarining milliy adabiyotimizga kirib kelishiga, adabiy aloqalarning boyishiga salmoqli hissasini qo'shib kelmoqda" [Rahimjonov N. 1:6]. Olim yana bir o'rinda shunday yozadi: "Ibrohim G'afurov asarlari tarixiy davr taqazosi, ma'naviy-intellektual zarurat va ehtiyojga ko'ra yuzaga kelgan, bir necha avlod ijodkorlarining adabiy tajribalarini nazariy umumlashtirishga, nafosat tuyg'usi ila vobasta tahlil etishga erishgan go'zallik hodisasidir"[Rahimjonov N. 1:7]. Olim o'zbek adabiyotshunosligida "fenomenol" ijodkor shaxs Ibrohim G'afurovni adabiy-tanqidiy qarashlari, tadqiqotlarida ulkan muvaffaqiyatga erisha olgan "go'zallik hodisasi" deb baho beradi.

N.Rahimjonov Ibrohim G'afurovning tug'ma iste'dodli ijodkorligini "Iste'dod tabiati" faslida batafsil yoritib beradi. Bu faslda bo'lajak adibning bolaligi, Toshkentning eski ko'chalari, oilaviy muhiti, o'qib-ta'lim olgan maktabi, 9-10 yoshidan boshlab badiiy ijodga mayl ko'rsatgani, bu yillarda o'qigan badiiy asarlarigacha ma'lumot beradi. Olim ijodkor shaxsiyatini ochishda avvalo uning tarjimai holi, xotiralari va olimona badiiy fantaziyasiga erk beradi. Jumladan, N.Rahimjonov I.G'afurovning quyidagi xotiralarini keltirish orqali uning o'qigan kitoblari, badiiy adabiyotga qiziqish doirasi haqida aniq ma'lumotlarni kitobxonga yetkazadi: "Sudxo'rning o'limi", "Qullar", "Doxunda", "Esdaliklar", "Qutlug' qon", "Navoiy" meni eski dunyolar ichiga olib ketar, ular yosh yuragimni qattiq ezardi. Ko'z o'ngimdagi hayot shu ezginlilarga juda o'xshardi. Mirkarim Osimga ergashib birtalay tarixiy hikoyalar mashq qildim"[Rahimjonov N. 1:19]. Olim mazkur biografik faktlarni, Ibrohim G'afurovning "Hayot-xayol-xiyobon" kitobidan olgan. Demak, olim ijodkorning shakllanishi va bolalik davrini batafsilroq yoritish maqsadida aniq faktlarga suyangan.

Shu tariqa N.Rahimjonov Ibrohim G'afurov adabiy shaxsiyatining shakllanishida avvalo hayot, so'ngra kitob, ayniqsa, yozuvchi Mirkarim Osim ijodi ulkan maktab bo'lganini tadqiq etadi.

Olim "So'zga aylangan ziyo" faslida I.G'afurovning oliy ta'lim yillari, yani Toshkent Davlat universitetinig o'zbek filologiyasida kechgan yillari haqida yozgan. Jumladan, tadqiqotchi shunday yozadi: "Besh yil (1956-1961) badalida G'ulom Karimov, Ayyub G'ulomov, Ozod Sharafiddinov, Laziz Qayumov, Shavkat Rahmatullayev singari til-adabiyot ilmi zakiylaridan saboq oldi. Ustozlar tashna qalbda kurtak tukkan layoqatni ildiz otib palak yozishida rahnamolik ko'rsatishdi" [Rahimjonov N. 1:21-22]. Olim I.G'afurovning talabalik yillaridagi qaynoq adabiy muhit, ustozlar va ijodiy davraning qizg'in bo'laganini juda to'g'ri ta'kidlaydi. Xususan, I.G'afurovning E.Vohidov, A.Eshonov, To'lqin, A.Isroilov, Sh.Xolmirzayev, R.Inog'omov, O.Matjon, T.Solihov kabi iste'dodli yoshlarning guros-guros bo'lib kirib kelganini atroflicha o'rganadi. Ayniqsa, N.Rahimjonov I.G'afurovning mutolaa doirasini alohida tadqiq etadi. Bu orqali ijodkorning keng dunyoqarashi va badiiy ijodiy ongining o'sishini tizimli va tadrijiy tadqiq etadi. Jumladan, "Yangi so'z izlash, yozishga ishqibozlik, yuragidagi doimiy to'lqinlanishi va da'vat Ibrohimjonni kitob dunyosiga mukkasidan tortib ketdi. Maktab yillari Gyugo, Jonatan Svift, daniyel Defo, Garriyet Bicher Stou, Raspe, Mark Tven, Pushkin, Gogol, Radishchev, Tolstoy, Garshin, Turgeneev, Uspenskiy,

Gorkiy singari adiblar asarlari bilan oshno tutindi” [Rahimjonov N. 1:24]. I.Gafurovning mustaqil o’qib-o’raganishi talabalik yillarida ham izchil davom etganini jahon estetikasi va adabiyoti hisobiga yanada kengayganini tadqiqotchi alohida urg’ulab ko’rsatadi: “Talabalik yillari yangi badiiy dunyo ko’ngliga yopirilib kirib keldi”- deb so’z boshlanar ekan, bu davrda Gegel, Shelling, Cho’lpon, Fitrat, Nozim Hikmat, Kafka, Freyd, Takuboku, Nezval, Mandelshtam, Beliy kabi klassiklar nomini sanaydi.

N.Rahimjonov I.G’afurovni ko’proq “badiiy ijod estetikasi, adabiy jarayon psixologiyasi, iste’dod fenomeni” masalalari qiqiztirdi, deydi. Darhaqiqat, olim Maqsud Shayxzoda ijodi falsafasi va badiiyati sirlani o’rganishga bag’ishlangan “O’rtoq shoir” monografiyasi, shuningdek, XX asr o’zbek adabiyotining qator yirik adiblari A.Qodiriy, G’afur G’ulom, Oybek, Usmon Nosir, Mirtemir, A.Qahhor, Habibiy, H.Olimjon, H.G’ulom, M.Osim, S.Zunnunova, O.Yoqubov, P.Qodirov, R.Bobojon, S.Ahmad kabilar haqida tadqiqot maqolalar yozgan.

N.Rahimjonov olimning tahlil yo’sinlari, badiiy asarga nisbatan talab va prinsiplarini alohida tadqiq etgan. Xususan, N.Rahimjonov olimning badiiy asarni tushunish va tushuntirish yo’llarida shoirona yondashuvini alohida ajratib ko’rsatadi. Binobarin, olim “I.G’afurov estetik g’oyalarining yangi va originalligi tahlillarida, tadqiqotlarida muhim fazilatlar bo’y ko’rsatadi”- deydi [Rahimjonov N. 1:105]. Ayniqsa, she’r tahlilida I.G’afurovning o’ziga xos tahliliy yondashuvini ko’rsatish maqsadida olimning o’z so’zlaridan iqtibos keltirib o'tadi “She’r shaytonning qulidek ter to’kish, zahmat chekish emas, oliyjanob fikr va tuyg’uning omuxtaligi, ilhom deb atalgan ilohiy yorug’lik samarasidir, deydi Ibrohim aka” [Rahimjonov N. 1:113].

Shuningdek, ushbu tadqiqot kitobda I.G’afurovning badia, mansura janridagi samarali ijodiy faoliyati ham alohida tadqiq etilgan. N.Rahimjonov o’zbek adabiyotshunosligida I’G’afurovning Oybekshunoslik, Shayxzodashunoslik, Mirtemirshunoslik, Zulfiyashunoslik, Erkin Vohidovshunoslik va boshqa - shunoslik sohalarida ulkan o’rni, yaratgan tadqiqotlarining beqiyos ahamiyatini batafsil yoritgan.

Xulosa shuki, atoqli adabiyotshunos N.Rahimjonovning “Badiiy so’z estetikasi. (Adib, adabiyotshunos, tarjimon Ibrohim G’afurovning ijodi sahifalari)” monografik kitobi olimning 80-yillik yubeliyiga ulkan sovg’a sifatida hozirlanib, tavallud ayyomi kunlarida chop etildi. Tezkor va hozirjavob olim N,Rahimjonov Ibrohim G’afurovning ijodiy laboratoriya sirlarini, butun ijodiy faoliyati haqida noyob bir asar o’laroq yozib qoldirishga muvaffaq bo’ldi. O’ylamizki, olimning mazkur monografiyasi ham Shukrullo, Izzat Sulton ijodiy laboratoriyasini o’rganishga bag’ishlangan go’zal tadqiqotlari sirasida barkamol ilmiy ishlaridan biri sifatida adabiyotshunosligimizda qoladi. Shuningdek, I.G’afurov ijodi va hayotini o’rganishga qiziqqan har qanday yosh tadqiqotchilar uchun birlamchi manba bo’lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati :

1. Rahimjonov N. Badiiy so’z estetikasi. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.
2. Rahimjonov N. Badiiy asar biografiyasi.- Toshkent :O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashriyoti.-2008.

“O’ZBEGIM” VA SHAROF RASHIDOV

Sevara TURSUNOVA,
Samarqand davlat universiteti magistranti,

Annotatsiya: Ushbu maqolada Erkin Vohidov shaxsiyati va “O’zbegim” qasidasiga oid tahlillar, Erkin Vohidov ijodiy kamolotida Sharof Rashidovning tutgan o’rni, uning nafaqat davlat arbobi balki adabiyotshunos sifatidagi homiyligi, Erkin Vohidovni chin ma’noda ijodkor sifatida qutqarib qola olganligi yoritib berilgan. “O’zbegim” qasidasining yaratilish tarixi va bosib o’tgan yo’li tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: shoir, she’riyat, qasida, ma’rifatparvarlik, erk, adabiyotshunos, mustabid tuzum, vatanparvarlik.

Xalqimizning atoqli shoiri, O’zbekiston Qahramoni Erkin Vohidov o’z asarlari orqali insonni, uning qalb tuyg’ularini ulug‘ladi. Erkin Vohidov she’riyati faqatgina o’zbek aabiyotidagina emas, butun bir she’riyat dunyosida favqulotda hodisa deyish mumkin. Bu ta’rif shunchaki balanparvoz gaplar emas, balki yillar davomida qayta-qayta o’z isbotini topib kelayotgan ayni haqiqatdir. Fikrimiz isboti sifatida Erkin Vohidov ijodiga yuksak baho bergan rus adabiyotining yetuk vakili Robert Rojdestvenskiyning quyidagi fikrlarini keltirish mumkin: “Shoir asarlarida uning ovozi pichirlashdan tortib qiyqiriqqacha namoyondir”, yoxud turk adabiyotshunos olimi Veli Savash Yelok – “Erkin Vohidov she’rlariga teran razm solsak, uning ko’ruvchi,his qiluvchi, sevguchi: xayolot olami keng, muhabbat va estetikaga ahamiyat beruvchi va shu bilan bir paytda azob va qayg’ularni boshdan kechirgan shoir ekanligini anglash mumkin” [Yelok V.S. 6:442] degan fikrlarini keltirish mumkin,bunday fikrlar ro’yxatini esa uzoq davom ettirsa bo’ladi.

Daho ijodkorning deyarli barcha asarlari she’riyat ixlosmandlari tomonidan juda iliq kutib olinar, hali matbuotda chop etilmasdan turib, xalq orasida ovoza bo’lib ketardi. Erkin Vohidov tik so’zli, haqiqatni baralla aytishdan cho’chimaydigan jasoratli shoir edi. Aynan shuning uchun ham mustabid sho’ro tuzumi davrida ijodkor ko’plab taqiqlarga, to’siqlarga uchradi.

Shoirning bugungi kunda o’zbek xalqining iftixoriga aylangan “O’zbegim” qasidasi yaratilgan davrda shoir boshiga yopirilgan qora bulutlar, ijodkorga yog’dirilgan bo’xton yomg’irlari uni ne ko’ylarga solmadi. “O’zbegim”ni ilk bor

qo’shiq qilgan sevimli san’atkorimiz Faxriddin Umarov O’zbekiston Kompartiyasi Markazqo’midan “tavba qilib”qutilgan edi.

Shoirni ushbu she’ri uchun qatag’onga uchrashidan o’sha paytdagi respublika rahbari Sharof Rashidov asrab qolgan edi. Bu haqda Ismoil Sulaymonov “Yomon ko’zdan asrasin” nomli maqolasida o’sha kunlarni quyidagicha yodga oladi: “Sharof otani sel qiladigan asarlardan yana birisi Erkin Vohidovning “O’zbegim” qasidasi asosida yaratilgan qo’shiq edi:

Tarixingdir ming asrlar
Ichra pinhon, o’zbegim
Senga tengdosh Pomir-u
Oqsoch Tiyonshon, o’zbegim...

Har safar “O’zbegim”ni tinglaganimda, – deydi iste’fodagi militsiya general mayori, Sharof Rashidov fondining bosh direktori Otamurod Muhammadiyev, – bir paytlar rahmatli Rashidov yarim ta’na, yarim ezilish bilan menga aytgan gaplari yodimga tushadi. 70-yillarning boshlari edi. U paytlarda men Sirdaryo viloyatida ichki ishlar boshqarmasi boshlig’i edim. Rahmatli viloyatimizga keldi. Avval Sirdaryo viloyatida bo’ldi. Xo’jalikdagi ishni ko’zdan kechirdi, odatdagidek odamlar bilan suhbatlashdi. U kishini kuzatib borish mening xizmat burchimga kirardi. Peshinga yaqin biroz hordiq chiqargani hamda tamaddi qilgani raykomning mehmonxonasiga keldik. Hovlida yuz qo’llarin yuvdi. Shu paytda mehmonxona bilan devor darmiyon xonadondagi radiopriyomnikdan “O’zbegim” ashulasi yangrab ketdi. Men qo’limda sochiq bilan angrayib qolibman. Holatimni ko’rgan Sharof aka miyig’ida kulib qo’limdan sochiqni oldi. Qarasam u kishi ham siljimay joylarida turibdi. Qo’shiq tugaguncha shu holatda bo’ldik. Xonaga kirib o’tirgach:

– Bilasizmi dedi u menga tik qarab, – sizning hamkasblaringiz, shovvozlar Erkin Vohidovni nima qilishmoqchi bo’lganligini. Ikki jild qoralovchi xujjat yig’ishibdi. Ko’tarib kelishdi. Ne ko’z bilan ko’rayki, tashabbus mahalliy malaylardan chiqqan. Ijodkorlar orasida ham ichi qora shaxsiyatparastlar bo’ladi. Sizning odamlaringiz uning kam-ko’stini to’ldirgan. Qo’lga ilinadigan hech vaqo yo’q, ko’rolmaslik balosi, xolos. Tanishib chiqib ularga tushuntirdim: bu shoir yigitning ko’nglida mutlaqo g’araz yo’q. Ijodkor ahli bo’rttirishlarga o’ch bo’ladi, yuragi tug’yon urayotganda ba’zan oshirib yuboradi. Bunday xislati yo’q kishilar shoir bo’la olmaydilar. Shunday deb o’sha “ish”ni yopdik.

...Endi Erkinga kelsak, mulohazasi nihoyatda keng, mutafakkir shor bo’ladigan ko’rinadi, bu xislar hozirdanoq sezilib turibdi. Shu she’ridagi tafakkur ko’lamining nihoyatda kengligini idrok etyapsizmi? Ha, har safar “O’zbegim”ni tinglaganimda shu voqea,shu gaplar tasavvurimda yangidan jonlanadi...” [Sulaymonov I. 1:6]

Yuqoridagi fikrlardan ham ko’rinib turibdiki, Sharof Rashidov nafaqat davlat rahbari bo’libgina qolmay shu bilan birgalikda nihoyatda teran fikrli adabiyotshunos ham bo’lgan. Uning Erkin Vohidov ijodiga bildirgan fikrlari, shoir qalb tug’yonlarini to’g’ri, chuqur anglay olganligidan dalolat beradi.

Sharof Rashidov tomonidan takidlab o’tilgan ijodkor ijodidagi bo’rttirishlar, aynan Erkin Vohidov ijodi misolida olib qaralganda “O’zbegim” qasidasiga

nisbatan bu fikrni albatta davr nuqtai nazaridan kelib chiqib,qaltis vaziyatda yosh nihol yang'lig shoirni davr bo'ronlarida nobud bo'lishlikdan asrash uchungina aytganligini anglash qiyin emas nazarimizda. Sharof Rashidovdek yuksak tafakkur sohibi "O'zbegim"da keltirilgan satrlar har qanday bo'rttirishlardan holi, ayni haqiqat ekanligini anglamay qolmasligi mumkin emas, chunki "O'zbegim" qasidasi o'zbek she'riyatida katta bir portlash sodir eta olgan ijod mahsuli edi.

Adabiyotning eng nozik tomonlarini tushunmay turib, bo'xton to'la ikki jild "ish"ga fatvo berish keyinchalik ne-ne ko'rguliklarga olib kelishligini chuqur anglab yetgan davlat rahbari bu masalani nihoyatda teran aql bilan to'g'ri yo'lga yo'naltirgan edi.

Keyinchalik ham "O'zbegim"ning yashab ketishida,keng qanot yozib xalq tarixidan erkin kuylay olinishida Sharof Rashidovning o'rni beqiyos. "O'zbegim" qasidasi o'zbek she'riyatida tarixida juda muhim sahifa ekanligini anglab yetganli qasida haqida bildirgan ayrim fikrlarida yaqqol namoyon bo'ladi.

Bu esa Sharof Rashidovning zukko tanqidchi, adabiyot olamining sir-u asrorlarini yaxshi o'zlashtirganligidan, qalbni to'lqinlatira oladigan ijod namunalaridan chuqur tasirlanganligidan ijod ahlining jonkuyar himoyachisi bo'lganligidan dalolat beradi.

"O'zbegim" qasidasi tufayli Erkin Vohidovning tazyiqqa olinganligi, adibni o'sha paytdagi davlat arbobi Sharof Rashidov qanday himoya qilganligi haqida ijodkorning rafiqasi Gulchehra Vohidova quyidagilari hikoya qilib beradi: "Ancha vaqt o'tgandan keyin Sharof Rashidoning ayollari, Xursadoy opa bir kuni gazeta orqali shu haqida intervyu berganlar: "Ancha kech edi, bemahalda qo'g'iroq bo'ldi, shartta trubkani olib gaplashdilar, – "Ruxsat bersangiz Erkin Vohidov degan shoirning uyida tintuv o'tkazsak, bu bola juda haddidan oshib ketdi", desa – kim senlarga bu buyruqni berdi, qani turubkani joyiga qo'yib qo'yingchi! Men senlar bilan bu haqida gaplashmayman" – deb turubkani qo'yib qo'yganlar. O'sha kechasi bizning uyqimiz ham, hayotimiz ham chil-parchin bo'ldi, kechasi bilan, bu nima degan gap deya qiynalib chiqdilar".

Sharof Rashidov shunchalik dono inson edilarki, Erkin Vohidov bilan Abdulla Oripovni chaqiradi, jahondagi eng katta shunday asarlarni tarjima qilingki, o'zbek kitobxoni jahon mumtoz adabiyotini ham bilsin deya Erkin Vohidovga Gyotening "Faust" asarini, Abdulla Oripovga esa Dantening "Ilohiy komediya"ni tarjima qilish vazifasini yuklaydi. Bu bilan Sharof Rashidov Erkin Vohidov bilan Abdulla Oripovlarni ko'rolmaydigan o'rtamiyona shoirlardan, turli xil siyosiy ayblardan saqlab qolganlar. Agar ular shunday yozishda davom etganda edi, ulaning ijodi nima bilan tugashligini bilib bo'lmasdi. Sharof Rashidov noyob iste'dod sohiblarining ijodiy o'zanini tarjimashunoslik sohasiga burish orqali butunlay qurib bitishlikdan saqlab qolgan edi.

Lekin shunga qaramasdan Erkin Vohidovning "O'zbegim" qasidasidan siyosiy xato izlagan ma'rifat kushandalari ijodkorni umuman davlat idoralaridan butunlay chetlatishga erishadilar. Erkin Vohidov besh yil davomida hech nima yozmaydi, faqatgina "Faust"ni tarjima qiladi. Ijodkor sifatida hamma mansablardan ketgan, ro'zg'ori esa o'sha davrlarda Hamza teatrida namoyish

etilgan, muxlislar orasida katta shov-shuvlarga sabab bo'lgan "Oltin devor" komediyali dramasining gonararidan o'tar edi.

Endni e'tiborimizni yana "O'zbegim" qasidasi atrofidagi ayrim jihatlarga qaratsak:

Erkin Vohidov devon tuzishni maqsad qiladi, rejaga ko'ra devonda hamma harflarga g'azal bo'lishi kerak edi, devon tuzish talablariga ko'ra bitta qasida ham mavjud bo'lishi kerak, Erkin Vohidov qalbida shu qasidani o'zbek xalqiga bag'ishlash orzusi paydo bo'ldi va qasidaga radif tanlash borasida chuqur o'yga toladi, ayan shu kunlarda Hazrat Navoiyning

Menga shohlar xilqatidur
Menga shohlar hilatidur
El tomosho qilg'ali
O'zbakim boshida qalpoq, egnida shirdog'i bas.

Ya'ni menga o'zbegimning egnidagi yupqa teri po'stini, boshidagi qalpog'i podsholarning zar to'nlaridan, ularining tojidan yusakdir degan mazmundagi bayti, undagi "o'zbakim" deb, o'zbekni o'ziniki qilib, meniki deb aytgan so'zlari shoir yuragiga o'rnashib qoladi va qasida radifi sifatida "O'zbegim" degan so'zni tanlaydi.

Dastlabki variatnti muallifning o'ziga maqul kelmagani xususida quyidagi fikrlarini ta'kidlagan edi: "Birinchi varianti oddiy maqtovdan iborat edi,ozgina tarix bor edi, jindek maqtov bor edi, bu qoralamani men uzoq vaqt tortmaga tashlab qo'ydim, chuni yuragimda faqatgina o'zbekni maqtash emas, balki uning juda katta g'ururini, ko'nglidagi armonlarini ham satrlarga tushurish orzusi bo'ldi va bir kechada qayta tug'ildi, keyin "Guliston"jurnalida bosilib chiqdi. O'sha davrlarda "Guliston" adabiyotiyotimizning chinakam oynasiga aylangan, bir guruh istedodli adabiyotshunoslar jamlangan jurnal edi".

Yuqorida Erkin Vohidovning mulohazalaridan ham ko'rinib turibdiki, shoir o'ziga nisbatan nihoyatda talabchan, har sohada kuchli bilimga ega bo'lgan, shu sababadan ham shoir ekkan she'riy nihollar davr bo'ronlariga dosh bera oldi va ulkan chinorga aylana oldi, chunki nazmiy chinorlarning ildizi ma'no bulog'idan suv ichib mutahkamlangan edi.

Filologiya fanlari doktori Naim Karimov o'z maqolalaridan birida Erkin Vohidov ijodi haqida so'z yuritar ekan quyidagi fikrlarni bildirib o'tadi: "Agar "Yoshlik devoni"dan joy olgan g'azal va muhammaslari tom ma'nodagi milliy she'rlar deb atasak, butun bir xalqning o'ziga xos poetik tarixi va taqdiri ifodalangan "O'zbegim"qasidasini ana shu milliy she'rlarning qaymog'i, milliy she'riyatning porloq namunasi, deb atash adaolatdan bo'ladi."

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sulaymonov I. Yomon ko'zdan asrasin. Maqola "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" gazetasi, 1997.

2. To quyosh sochgayki nur. (Erkin Vohidov hayoti va ijodi zamondoshlar nigohida). O'zbekiston. -T.: 2018.

3. Umurov H. Xalq otasi, zargar tanqidchi, Mohir yozuvchi. Samarqand. 2016.
4. Vohidov E. So’z chamani. Akademnashr. - T.: 2020.
5. Vohidov E. O’zbegim. Yangi asr avlodi.T.: 2019.
6. Veli Savash Yelok. Uch tanishuv-bir shoir. Maqola. Xalqaro Ijtimoiy tadqiqotlar jurnali. № 1/3 Bahor, 2008.
7. O’zMTRK arxiv materiallari.

OYBEK IJODIDA CHO‘LPON YOG‘DUSI

Sohiba ARZIKULOV,
CHDPU 2-bosqich magistranti

Annotatsiya. Maqolada Cho‘lpon va Oybek lirikasi o‘rtasidagi integratsiya ochib berilgan. Ular ijodidagi “yo‘l”, “yo‘lchi” kabi bir qator motivlar o‘zaro taqqoslangan. Cho‘lponning “Ulug‘ yo‘lda”, “Uzalgan qo‘l”, “Mening yo‘llarimda” kabi she’rlari hamda Oybekning “Yosh yo‘lchi”, “Sirli yo‘llar bosib...” she’rlaridagi yetakchi g‘oyalar, ulardagi o‘xshash xususiyatlar qiyosiy metod orqali yoritilgan. Maqolada professor, akademik Naim Karimov asarlaridan foydalanilgan.

Kalit so‘zlar: yo‘l, yo‘lchi, motiv, murakkab davr, ijodiy integratsiya, badiiy tasvir, lirik so‘z ustasi, nafis tashbehlar.

Inson hayoti davomida ma’lum bir ehtiyoj bilan yashaydi, bu ehtiyojlarning barchasi nimanidir bilishga bo‘lgan intilish asosida kelib chiqadi. Badiiy adabiyot ham insonga juda ko‘p narsalarni bildiradi. “Badiiy adabiyot borliqni badiiy bilish orqali bizning olam, odam va jamiyat haqidagi bilim va tasavvurlarimizni boyitadi. “Adabiyot – hayot darsligi”, degan gap faqat chiroyli ta’rifgina emas, uning zamirida katta haqiqat yotadi... Badiiy adabiyot bamisoli hayot ichidagi yana bir hayot, inson qisqa umri davomida ko‘proq ko‘rishi, his qilishi, anglashi uchun berilgan qo‘shimcha imkoniyat, aytish mumkinki, qo‘shimcha “umr”dir”. [Quronov D; 6:42] Badiiy adabiyotning o‘ziga xos ustunliklaridan biri bu uning estetik ta’sir kuchiga ega ekanligidadir. Cho‘lpon “Adabiyot nadur?” maqolasida yozganidek, biror kishining shodlik, yoki qayg‘usini – “To‘p-to‘g‘ri aytganda u qadar ta’sir qilmas. Adabiyot bila aytganda, albatta, ta’sir qilar”. [Cho‘lpon; 7:28] Cho‘lpon adabiy turlar ichida lirikaning ta’sir kuchini yuqori baholaydi. Haynedan qilgan tarjimasida ham shuni ta’kidlaydi:

“Hamma esnab turdi, quloq solmadi
Qayg‘umni gapirib bergan vaqtimda.
Meni alqamagan kishi qolmadi
Qayg‘umni nazmga solgan vaqtimda” [Cho‘lpon; 8:214]

Mumtoz adabiyotda bo‘lganidek, XX asrning yangilangan adabiyotida ham lirika o‘z mustahkam o‘rniga ega bo‘ldi. Shu o‘rinda Fitrat, Cho‘lpon, Avloniy, Hamza kabi shoirlarimizning xizmatlarini e’tirof etib o‘tmoq joiz. Bu davrga kelib jamiyatdagi o‘zgarishlar lirikaning ham yangi mavzu, yangicha yo‘nalishlar sari yurishini muhim zaruratga aylantirib qo‘ydi, xalqonalik kuchaydi. “XX asr boshlaridan she’riyatimizda barmoqning yetakchilik mavqeini egallay boshlagani, keyincha erkin she’rlarning ommmalashgani buning yorqin dalilidir. Mazkur o‘zgarishlar natijasida she’riyatimizning ritmik-intonatsion imkoniyatlari ortdi, unda ritmik rang-baranglik kuchaydi. Eng muhimi, endi ritmik rang-baranglik va ritmik evrilishlar bir she’r doirasida ham kuzatila boshladiki, bu mumtoz she’riyatimizga deyarli xos bo‘lmagan xususiyatdir”. [Quronov D; 6:62] Mana shu xususiyatlarning barchasini biz Cho‘lpon ijodida bevosita kuzatishimiz mumkin. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixida so‘nmas tong yulduzi bo‘lib porlagan Cho‘lpon ijodi hamisha e’tiborga molikdir. Filologiya fanlari doktori, professor Naim Karimov aytganidek, “Cho‘lpon lirikasida bugun ham o‘zining badiiy latofatini yo‘qotmagan, binobarin, hozirgi she’riyat muxlislarining dil torlarini chertib yubora oluvchi she’rlar bilan birga “qora” va “kirli” o‘tmish lavhalari mujassamlangan, ya’ni hozirgi kitobxonlarning estetik ehtiyojidan olis manzumalar ham oz emas”. [Karimov N; 2:3] Cho‘lpon manzumalari bugungi avlod uchun millatimizning o‘tmish hayotini ko‘z oldimizda gavdalantirish bilan birga estetik ta’sir ko‘rsatsa, o‘z davrida insonlar dardiga taskin bo‘lgani ham cho‘lponshunos olim Naim Karimov tomonidan tasdiqlangan. Cho‘lpon ijodi Oybek, Usmon Nosir, Hamid Olimjon, Mirtemir kabi shoirlar ijodi uchun chinakam ijod maktabi bo‘lib xizmat qildi. Oybek ijodiga Cho‘lpon lirikasining ta’siri xususida fikr yuritmaslikning iloji yo‘q. Zotan, Cho‘lpon yulduzi Oybek lirik osmonini ham yoritgani sir emas. Bu borada akademik Naim Karimovning xizmatlari tahsinga loyiq. Akademik Naim Karimov o‘zining “ Oybek gulshanidan shabadalar” nomli risolasida o‘tgan asrning ikki buyuk ijodkori o‘rtasidagi ijodiy integratsiya xususida to‘xtalib o‘tgan edi. Biz esa mazkur maqolamizni “ Oybek ijodida Cho‘lpon yog‘dusi” deb nomladik va ularning ba’zi lirik namunalarini o‘zaro qiyosiy tahlilga tortishni niyat qildik. Cho‘lpon lirikasida eng ko‘zga ko‘ringan motivlar “yo‘l”, “yo‘lchi”, “yulduz” kabilardir. Cho‘lpon o‘zining “Uzalgan qo‘l”, “Mening yo‘llarimda”, “Ulug‘ yo‘lda” kabi she’rlarida “yo‘l”, “yo‘lchi” kabi motivlardan o‘rinli foydalanadi. Cho‘lpon 1923-yilda yozgan “Mening yo‘llarimda” sarlavhali she’rini:

“Mening yo‘llarimda cho‘zilgan tog‘lar,
Qorga qo‘yin ochgan qator dovonlar...”, [Cho‘lpon; 8:115]

deya boshlaydi. Shoir tanlagan yo‘l oson emasligini “ tog‘lar, qorli dovonlar” borligini aytadi. Bular chor hukumati amaldorlari, mahalliy amaldorlar edi. Cho‘lpon qadam tashlagan ERK YO‘LIda, OZODLIK YO‘LIda unga qarshi turuvchi to‘siqlar hamisha mavjudligini bilgan va ularga qarshi turish uchun o‘zida kuch topa olgan:

“Qorga qo‘yin ochgan qator dovonlar,
Sizga qarab turib kuchni chog‘ladim.

Ko‘nglimda yo‘l yurish istagi qaynar,
“Yurib o‘taman!” – deb belni bo‘ladim!” [Cho‘lpon; 8:115]

Chin sobitqadam inson bu to‘siqlardan qo‘rqmaydi va ortga qaytmaydi. Unga qarab uzatilgan qo‘llarga-da yordam qo‘lini cho‘zmoq uchun bel bog‘laydi.

Biz ayni shu motivlarni Cho‘lponning “Buloqlar”idan suv ichgan Oybek, Usmon Nosir, Mirtemir kabi ijodkorlarda ham uchratishimiz mumkin. Xususan, Oybek ijodida ham she’rning badiiy konsepsiyasini yaratishda shunday motivlarga murojaat yaqqol ko‘zga tashlanadi. Oybekning 1925-yilda yaratilgan “Yosh yo‘lchi” she’ri fikrimizning isboti bo‘la oladi:

“Quturma, dengiz, hovliqma, dengiz,
Kichik qayiqni irg‘itma, dengiz!
Yosh kuchim tolmas, tilagim qo‘rqmas,
Tog‘dek to‘lqining yo‘limni to‘smas”. [Oybek; 4:55]

Oybekning mazkur she’ridagi mavzu, mazmun-mohiyat, badiiylik Cho‘lponning shu yo‘nalishdagi lirik namunalari bilan hamohang ekanligi yaqqol ko‘rinib turibdi. Bu o‘xshashlik ortiqcha izohga muhtoj emas.

Cho‘lpon 1926-yilda Moskvada yozgan “Uzalgan qo‘l” nomli she’rida o‘zi yashayotgan “sovuq maskan”ni tashlashini, yo‘lida yana davom etishini, maqsadga yetmaguncha to‘xtamasligini aytadi. She’rni quyidagi misralar bilan yakunlaydi:

“Va, balki, kirmagan yo‘llarga
Kirarman axtarib istakni!..” [Cho‘lpon; 8:208]

Shoirning istagi nima edi? Albatta, mustaqillik, erk, istiqlol, xalqning ma’naviy boyishi...

Cho‘lponning “Ulug‘ yo‘lda” she’rida o‘zgacha bir ko‘tarinkilik, ertangi kunga bo‘lgan umid, ishonch sezilib turadi. Shoir haqiqiy yurt farzandi sifatida millat taqdiri uchun kurashga chog‘lanadi, “yuragida saqlagan amal”iga erishmoq uchun kamarni mahkam bog‘lab, cho‘llar, dengizlardan bir qush misoli uchib o‘tishga-da o‘zida kuch topadi:

“– Tezrak!
–Qanot!
Qushlar yanglig‘ uchaylik,
Keng cho‘llardan, dengizlardan kechaylik,
Sharqning eski chigalini yechaylik!..” [Cho‘lpon; 8:21]

Shoir Oybekning quyidagi she’riga e’tiborimizni qarataylik:

“Sirli yo‘llar bosib, kezaman osmon,
O‘ylayman, o‘ylayman, sira bilmayman,
Osmonga sepilgan oltindan somon.
Haqiqat nimadir, o‘ylayman hamon...” [Oybek; 5:290]

Ijodkor kitobxon uchun oltin va somon o‘rtasidagi sariq rangga egalikka asoslanib ajoyib bir konsepsiya yaratib beradi. Shoir “sirli yo‘llar bosib” boradi, uning yo‘lidagi sirlilik nima ekani keyingi misrada ochib beriladi. Xo‘sh, shoir aytgan “oltindan somon” qanday ekan, shoir nima demoqchi? Oltin ham, somon ham sariq. Agar somonga ham oltin suvi yuritilsa, uning oltindan farqi qolmaydi va ko‘plar uni oltindan farqlay olmaydi. Ha, shoir millatdoshlarining oltin bilan

somonning farqiga bormayotganidan, ya’ni ular ozodlik kiyimi kiydirilgan qaramlik bilan haqiqiy mustaqillikning farqini ko‘ra olmayotganidan kuyunadi. Mana o‘sha sirlilik. Mana shoirning o‘yi nega tugamagan. Bu oddiy tuyulgan misralarga katta bir konsepsiyani joylay olish Oybekning o‘ziga xos mahoratini aniq ko‘rsatib turibdi. Oybek hamisha o‘zgacha bir nafis tashbehlardan foydalangan. Zero, proseffor, akademik Naim Karimov aytganidek: “Oybek – lirik she’r ustasi. U tabiat manzarasi yoki inson obrazini tasvirlar ekan, siyqa so‘zlar va tussiz bo‘yoqlargaa murojaat etmaydi, balki shu manzara va shu insonga xos eng muhim hayotiy tafsilotlarni topib she’riyat marjonini tizadi”. [Naim Karimov; 2:7]

Ustoz Oybek ijodida hamisha barchamizning ma’naviy kamolotimiz uchun mayoq vazifasini bajara oladi. Uning ijodi bizni qalbimizni olov bo‘lib yonib turishga chorlashi bilan ham xarakterlidir. Bir she’rida yozganidek:

“Mayli, suv ich, qattiq non kemir,
Lekin, yonsin qalbingda olov.
Falsafaning achchig‘in simir,
Farog‘at, tin senga bo‘lsin yov.
Toshga ham, rangga ham, so‘zga ham
Hayot nuri bilan ber jilo.
Nash’a emas, hatto senda g‘am
Qalbga solsin hayotdan ziyo”. [Oybek; 5:78]

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, jadid adabiyotida ertangi kelajak uchun, ozod xalq, boy ma’naviyat uchun kurashish g‘oyasi hamisha targ‘ib etilgan. Abdurauf Fitrat, Mahmudxo‘ja Behbudiy, Hamza Hakimzoda Niyoziy, Abdulla Qodiriy, Abdulla Avloniy, Is’hoqxon Ibrat, Tavollo deymizmi, barchasining ijodida ilm, erk, hurlik, keng dunyoqarash uchun intilishga da’vatni ko‘rishimiz mumkin. Ular yashagandek murakkab davrda yashagan, ular ijodidan suv ichgan Oybek ijodida ham bu g‘oyalar o‘ziga xos badiiylik asosida yoritib berilgan. Ayniqsa, Cho‘lpon va Oybek ijodidagi integratsiya alohida e’tiborga molikdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov N. Abdulhamid Sulaymon o‘g‘li Cho‘lpon. –T.: Fan, 1991. –84 b.
2. Karimov N. Oybek gulshanidan shabadalar. – T.: Ma’naviyat, 2015.
3. Karmov N. Oybek. –T.: Yosh gvardiya, 1985. –200 b.
4. Oybek. Mukammal asarlar to‘plami. Birinchi tom. She’rlar. –T.: Fan, 1975. –476 b.
5. Oybek. Mukammal asarlar to‘plami. Ikkinchi tom. She’rlar. –T.: Fan, 1975. –472 b.
6. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –T.: Fan, 2007. –228 b.
7. O‘zbek adabiy tanqidi: (XX asr adabiyotshunosligi) [antologiya] –T.: TURON-IQBOL, 2011. -544 b.
8. Cho‘lpon. She’rlar. –T.: Akademnashr, 2020. –272 b.

“ТАЗКИРАИ МАЖЗУБ НАМАНГОНИЙ”ДА МУСОХОН ДАҲБИДИЙ ЗИКРИ

Наима АЛИҚУЛОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси академик лицейи ўқитувчиси,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тадқиқотчиси

Аннотация: Мусохон Даҳбедий Марказий Осиёдаги фалсафий-тасаввуфий ва ижтимоий-сиёсий муҳитда муҳим ўрин тутган шахсиятлардандир. Унинг мукаммал таржимайи ҳолини тиклаш, фаолияти уфқларини белгилаш бугунги илмнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Бундай тадқиқотлар ,шубҳасиз, қимматли тарихий манбаларга таянади. Мажзуб Намангонийнинг “Тазкираи Мажзуб Намангоний” асари Мусохон Даҳбедийнинг ҳам тарихий,ҳам манқабавий сиймоси қирраларини очишда энг қадимий ва ишончли манбалардан биридир. Мақолада “Тазкираи Мажзуб” асарининг Мусохон Даҳбидий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мусохоннинг Ҳиндистондан Туркистонга қайтиши, халифалари, у асос солган тариқат мактаби вакилларининг Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири, Мусохон Даҳбидийнинг шахсияти ва фаолиятининг бошқа манбаларда учрамайдиган манқабавий қирралари “Тазкираи Мажзуб” қўлёзмасидан келтирилган мисоллар орқали изоҳланади.

Калит сўзлар: Мусохон Даҳбидий, Мажзуб Намангоний, нақшбандия-мужаддидия, тазкира, қўлёзма, тасаввуф.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган ва Ўрта Осиёда нақшбандия-мужаддидия тариқатининг ҳам назарий, ҳам амалий ривожланишига катта ҳисса қўшган самарқандлик шайхлардан бири Мусохон Даҳбидийдир. Мусохон Даҳбидий XVI асрнинг буюк нақшбандия-мужаддидия шайхларидан, саййидлар авлодидан бўлган Махдуми Аъзам Косоний Даҳбидийнинг(1461-1542) ўғлидир. Мусохон Даҳбидийнинг тасаввуф тарихидаги энг катта хизмати шулардан иборатки, у янгиланган нақшбандия тариқатига ўттиз йилдан ортиқ раҳнамолик қилиши билан бирга ўз асарлари орқали тариқатни назарий жиҳатдан ривожлантирди, тариқат таълимотини шариат мезонлари асосида янгидан ишлаб чиқди, XVII асрнинг иккинчи ярмидан маркази Ҳиндистонга кўчган мазкур сулукни ўз ватани Мовароуннаҳрга қайтарди ва ривожлантирди.

Мусохон Даҳбидий ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ўзбекистонда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Булар орасида энг йириги шайхнинг ҳаёти , шахсияти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олган илмий асар олим Ҳайдархон Йўлдошхўжаевнинг “Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-мужаддидийа тариқати ривожида тутган ўрни (XVIII аср)”

мавзусидаги номзодлик диссертациясидир [Йўлдошхўжаев:6] . Олим мазкур диссертациясида Шайх Абдулазиз Мажзуб Намангонийнинг “Тазкирайи Мажзуб Намангоний” асари ҳам асосий тадқиқот манбалари қаторидан ўрин олган. Чунки мазкур асарда ҳиндистонлик Шайх Аҳмад Сирҳиндий сарҳалқа бўлган нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Даҳбид тасаввуф мактаби етакчиси Мусохон Даҳбидий ва унинг халифалари, издошлари зикри асосий ўрин эгаллайди. Шу жиҳатни инобатга олсак, Мулла Жумақули Ургутийнинг “Тарихи Хумулий” асари билан “Тазкираи Мажзуб” бир-бирини тўлдиради. Демак, Мажзуб тазкираси нақшбандия-мужаддидия тариқатининг XVIII асрдан кейинги Туркистондаги ривожи, тариқат пешволари ҳақида ҳикоя қилувчи икки ноёб манбанинг биридир. Мазкур икки муаллифнинг бир давр, бир тасаввуф мактаби вакиллари ҳақида асар ёзишининг яна бир сабаби ҳар иккиси ҳам нақшбандия-мужаддидиянинг Даҳбид тармоғига мансублиги ва Мусохон Даҳбидийнинг тасаввуфдаги издошлари эканлиги билан изоҳланади [Khumuli J.8:7; Заркон T.4:77] . Шу сабабдан ҳам олим Ҳ.Йўлдошхўжаев Мусохон Даҳбидий билан боғлиқ диссертациясида Мусохон асарлари қатори мазкур икки ижодкор асарини ҳам тадқиқот манбалари қаторига киритади ва ўрганади [Йўлдошхўжаев Ҳ.6:14].

”Тазкираи Мажзуб Намангоний” анаъанавий Оллоҳга ҳамду сано, пайғамбарга саловоту саломлар билан бошланиб, муаллиф тазкиранинг ёзилиш сабаблари ва мақсади ҳақида тўхталади: “... Ҳамду санодан сўнг, бу фақири ҳақирни мақсади шуки, дарвишлар бир гуруҳедурларким, анбиё алайҳиссалоту вассаломнинг нурлари партавидан иқтибос олгандурлар. Улар аҳволидан зикр қилиш қурбат ҳосил қилишга ва талаб йўлида ҳозир бўлишга сабаб бўлади. Шунинг учун улуғ Аллоҳу таоло хоҳиши билан рисолаларда аҳволлари ёритилмаган дарвешлар ҳақида бир қанча сўзлар ёзмоқчиман...” - деб қуйидаги туркий байтни келтиради:

Тилорсан ғафлатинг рафъин эшит огоҳлар нақлин
Ки ғофил элга бу афсоналардин гум бўлур уйқу” [Мажзуб.7:1 а].

Муаллиф ўз устози Ҳазрат Мавлавий Намангонийдан нақл қилинган дастлабки ҳикоятда асарнинг яратилиш сабаби ҳақида тўхталади: “Ул жанобдан (Ҳазрат Мавлавий Намангоний назарда тутилади – А.Н) эшиткон эрдимки, кишиким ўз устозидан нақл қилиб сўзласа ўн икки йиллик тоати бериёни номаи аъмолига ёзодур” [Мажзуб.7:4] . Мажзуб худди шу ниятига амал қилиб, асосан тариқати силсиласига мансуб устозларини зикр қилади. Тазкира Мусохон Даҳбедийнинг Ҳиндистондан қайтиши воқеалари билан бошланиб, унинг Туркистон ва Ҳиндистондаги устозлари, Мусохондан иршод олган халифалар ва Мажзубга устозлик қилган дин пешволари иштирокидаги ҳикоятларга уланиб кетади. Айтиш мумкинки, “Тазкираи Мажзуб”даги барча ҳикоятларни Мусохон Даҳбидий сиймоси бирлаштириб туради. Бунинг сабаби Эшон Мажзубнинг ўзи ҳам тариқат силсиласида икки ҳалқада Ҳазрат Мусохонга бориб боғланади (Мажзуб Намангоний →Халифа Ҳусайн Юсуф ал- Бухорий →Халифа Муҳаммад Сиддиқ→Мусохон Даҳбедий). Мусохон Даҳбидийнинг насабдаги силсиласи йирик мутасаввиф

олим Махдуми Аъзам Хожаги Косоний (1461-1542)га, тариқатдаги силсиласи эса учта ҳалқада ҳиндистонлик нақшбандия-мужаддидия тармоғи асосчиси Имом Раббоний Шайх Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624)га бориб тақалади [Khumuli J.8:181]. Мажзуб тазкирасида ёзишича, Мусохон Даҳбидий тоғаси ва устози эшон Муҳаммад Ризо Қорабоғий топшириғига кўра Ҳиндистонлик Миён Муҳаммад Обид Жаҳонободийга шогирд тушади [Khumuli J. 8:46; Абу Тоҳирхўжа.1:56] .Ҳиндистонлик машҳур шоирлар Бедил ва Мирзои Жони Жонон Мазҳар ҳам Мусохон билан ҳампира бўлган [Мажзуб.7:13] . Мусохоннинг Ҳиндистондаги ҳаёти ҳақида манбаларда етарли маълумот мавжуд эмас. “Тазкираи Мажзуб” да Мусохоннинг Ҳиндистондаги таҳсили, ҳинд тилини билгани, у ерда тўртта тариқатга раҳбарлик қилгани, фил устида сайр қилгани, ҳиндистонлик устозлари, машҳур сабоқдошлари, Мусохоннинг Пешовардаги ҳаёти, Мусохонга эргашиб Ҳиндистондан Туркистонга келган баъзи издошлари,Туркистондан Ҳиндга бориб Мусохон хизматига кирган тариқат вакиллари билан боғлиқ маълумотлар ва ҳикоятлар келтирилган. Шу маънода тазкира XVII-XIX асрдаги Мусохон Даҳбедий кўприк бўлган Туркистон-Ҳиндистон тасаввуфий алоқаларини ёритувчи муҳим манбадир.

Тазкирада зикр қилинган шахсларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1.Тариқатнинг Мусохон Даҳбедийдан аввалги авлодига мансуб шахслар: Ҳазрат Имло Бухорий, Мирзо Баҳодурхон Эшон Шербадуний, Мавлоно Лутфуллоҳ (Эшон Шаҳид), Халифа Ниёз Чўқмоқий, Шайх Неъматуллоҳ Ошиқ, Ҳодихўжа, Исҳоқ Хожа Даҳбедий, Муҳаммад Ризо Қорабоғий ва бошқалар;

2. Мусохон Даҳбедий фарзандлари, устозлари, ҳамсабоқлари ва унинг издошлари [Йўлдошхўжаев.6:59] : Хонхўжа (ўғли), Халифа Худоёр, Халифа Сиддиқ, Халифа Муҳаммад Амин, Халифа Ҳусайн, Халифа Ашур, Шайх Камон, Халифа Мир, Халифа Шарифхожа Тошкандий,Абдуқайюм Кашмирий,Ҳожи Хўжа, Исҳоқ Хожа Даҳбедий, Домла Аваз Аъмо ва бошқалар.

3.Мажзуб Намангонийга нисбатан замондош ва бошқа тариқатларга мансуб сўфийлар: Мавлавий Намангоний, Мавлавий Муҳаммад Шариф, Мирмақсудхожа Эшон, Мулла Бозор Охунд, Сўфи Оллоёр, Машраб, Ҳасанхожа (лақаби - Хўжам подшоҳ. Офоқхўжа Эшоннинг ўғли) ва бошқалар.

4. Аниқ исмлари келтирилмаган қаландар, дарвеш, охунд ва толиби илмлар.

5. Ҳукмрон доира вакиллари: Муҳаммад Раҳимхон, Иброҳимбий, Дониёлбий, Амир Шоҳмурод, Эрдонабий, Абдураҳимбек, Абдукаримбек, Амир Ҳайдар, Субхонқулихон, Абулфайзхон, Абдулазизхон, Худоёрхон, Олимхон, Норбўтабий ва баъзи беклар, амирлар.

Муаллиф уларнинг фаолиятига тарихийликдан кўра кўпроқ манқабавий жиҳатдан ёндашади. Роқим (Мажзуб Намангоний) воқеаларни изчил баён қилиш йўлидан бормаса-да, шундай йўл тутадики, ҳодисалар чизиғи қайта-қайта Мусохон Даҳбедийга келиб туташаверади. Тазкирада Мусохоннинг

Шаҳрисабз, Наманган, Қўқон, Хўжанд ва Жалолободга қилган сафарлари тафсилотлари ҳам берилган. Мажзуб Мусохонни “Ҳазрат эшон”, “Ҳазрат эшони пир”, “Хони илм”, “Ҳазрати хон” каби улуғловчи нисбалар билан атайди. Унинг илмлар хони эканини устози Мавлавий Намангонийдан нақл қилинган мана бу воқеа билан изоҳлайди: “Жалолобод мавлавийларининг ҳар бири илм денгизи эди. Улар Ҳазрати хон (Мусохон) келишини эшитиб, уни мунозарага чорлайдилар. Мусохон Жалолобод атрофидаги мавлавийларни озгина суҳбат билан сукут қилдира олдилар. Ярим тундан субҳи содиққа қадар илмдан шунчалар баён қилдиларки, Жалолободнинг мавлавийлари сукут қилдилар. Барчалари саллаларини олиб ерга қўйдилар ва фотиҳа ўқидилар. Уларнинг одатича, бирор кишига таслим бўлса шундай қилардилар. Улар айтдилар, биз меҳмондорчилик қилганимиз йўқ, Хони илмнинг илмига таслим бўлдик. Ваҳоланки, унинг олимлиги бизнинг барчамизда бор эди” [Мажзуб.7:87] .

Тазкиранинг бошқа бир ўрнида эса Мусохоннинг карoматгўйлик қудрати билан боғлиқ шундай ҳикоят келади: “Ҳазрат Мусохон Ҳиндистондан келаётганларида Эшон пири Аввал, яъни Исҳоқхожанинг уйига тушди.Сўфийлар оташ манқалини гилам устига қўйган эдилар, гилам куйди. Гиламнинг куйганини ҳазрат Мусохон Хожа эшонга арз қилдилар. Ҳазрат Мусохон хожа эшон назар солдилар. Гилам ўз аслига қайтди, куйган жойи йўқолди. Эшони Пирнинг ходими бу сўзни эшон (Исҳоқхожа)га маълум қилди, эшон ходимига: “Бу сўзни ошкор қилма, мабодо Раҳимхон эшитса, мени қўйиб бу кишига мурид бўлмасин,”- деди “[Мажзуб.7:6] .

Бу ҳикоядан тариқат арбобларининг ҳукмдорларни ўз таъсир доирасига олиш масаласида рақобатчи бўлганларини англаш мумкин. Бу Мусохоннинг Туркистондаги ҳаёти ихтилофларга бой бўлганига ишора қилувчи эпизоддир. Шунга қарамай, манғит ҳукмдорларига Мусохон ва у асос солган Даҳбид тасаввуф мактаби вакилларининг таъсири катта бўлганини тарих манбалари тасдиқлайди.

“Тазкираи Мажзуб Намангоний” асари Мусохон Даҳбидий таржимайи ҳолини тиклашда, унинг нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Туркистондаги ривожида тутган ўрнини белгилашда, Мусохон ва халифаларининг давлат бошқарувига таъсири билан боғлиқ тарихий ёндашувларни кенгайтиришда беқиёс манбалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Абу Тоҳирхожа. “Самария”. - Т.: 1991
2. А. Жуманазар. Машраб. - Т.: 2015.
3. А. Жуманазар. Вахшувор. Ҳаммаси Сўфи Оллоёр ҳақида. -Т.: 2015
4. Заркон Тиерри . “Хитой республикачилиги даврида (1911-1949) Жанубий Шинжондаги сўфий силсилалар”. (Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши (инглиз тилидаги манбалар асосида)”.Таржималар муаллифи: Қ.Исмоилов. -Т.: 2008.

5. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. -Т.: 2005.

6. Йўлдошхўжаев Ҳ.Х. Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-мужаддидийа тариқати ривожида тутган ўрни (XVIII аср).Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.:2008.

7.Мажзуб Намангоний. “Тазкираи Мажзуб Намангоний”. ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. № 2662 рақамли қўлёзма. 133 варақ.

8. Mulla Jum’a-quli Khumuli. Tarikh-i Khumuli. Edited by Ghulom Karimiy and Iroda Qayumova. -Samarkand -Tashkent, 2013.

9. Пўлатжон Домулло Қайюмов.Тазкираи Кайюмий. – Т.: 1998.

10. Пўлатжон Домулло Қайюмов. Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти. - Т.: 2011.

11. Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари. - Т.:2011.

12.Фитрат А. Сайланма. 2- жилд. (Нашрга тайёрловчи проф. Ҳ. Болтабоев) - Т.: 2000.

QO‘QON ADABIY MUHITIDA HIKMATNAVIS SULOLA VAKILLARI

Sharofat ISMOILOVA,
Prezident ta’lim muassasalari agentligi tasarrufidagi Erkin Vohidov ijod maktabi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada XII asrda yashab ijod qilgan turkiy tasavvuf she’riyati asoschisi Xoja Ahmad Yassaviyning “Devoni hikmat” asari ta’sirida o‘zbek adabiyotida vujudga kelgan hikmat yozish ana’anasi ko‘p asrlardan o‘tib XIX asrda Qo‘qon adabiy muhiti vakillari ijodida ham bo‘lanligi va ularning ayrim vakillari haqida so‘z boradi.

Tayanch so‘zlar: Hikmat janri, Qo‘qon adabiy muhiti, hikmatnavislik an’anasi, tasavvuf she’riyati, izdoshlik tamoyillari, Nizomiy Ho‘qandiy, Jaloliy.

Qo‘qon adabiy muhiti o‘zbek adabiyotiga ko‘plab yorqin iste’dodli ijodkorlarni yetishtirib bergan. Ushbu muhit homiylari Mohlaroyim Nodira va Amir Umarxonning o‘zlari ham o‘zbek mumtoz so‘z san’ati tarixida yorqin iz qoldirgan ijodkorlardandir. Xususan, Amir Umarxon Amiriy taxallusi bilan o‘zbek va fors-tojik tillarida birday mahorat bilan qalam tebratgan zullisonayn shoirdir. Garchi «sho‘ro davrida ... adabiy muhitning tashabbuskori va homiysi bo‘lgan Amiriy va Fazliy, Ado, Vazir, Nola, Naqib, Oshiq, Mir, Asad, Ma’yus taxalluslari bilan ijod qilgan uning a’yonu amaldorlari asarlariga «saroy adabiyoti» tamg‘asi bosilib, ular bir chekkaga surib qo‘yilgan» [Amiriy. 1:18] bo‘lsa-da, istiqlol bois ularning ilmiy-ijodiy merosi qayta e’zoz va e’tibor topdi. Bu borada ilmiy tadqiqotlar olib borildi.

Ko‘plab iste’dodlarning ro‘yobga chiqishi va xalqqa tanilishida ham Amiriyning bevosita hissasi bor. Qo‘qonda yashab ijod etgan 101 nafar shoir she’rlaridan namunalar keltirib, ulardan 75 tasi haqida muxtasar ma’lumot beruvchi Fazliyning “Majmuayi shoiron” tazkirasi, Gulxaniyning “Zarbulmasal”, Mushraf Isfarangiyning “Shohnomayi Nusratpayom” asarlari va boshqalar shaxsan Amiriy homiyligida yaratilgan. [Amiriy. Devon. 2:7] Ma’lumot o’rnida aytish mumkinki, 2017 - yilda Amiriy tavalludining 230 yilligi keng nishonlanib, uning o‘zbek hamda fors-tojik tilidagi ijod namunalari ikki jildlik devon holida nashr etildi.

Qo‘qon adabiy muhitida ijod etgan shoirlar orasida shunday bir toifa ham borki, ular saroy ijodiy doirasidan uzoqda, odamlar orasida ma’rifiy bilimlarni yoyish maqsadida qalam tebratganlar.

Shulardan biri Qo‘qon adabiy muhiti vakili Azim Xoja eshonning bobosi Nizomiddin Ho’qandiydir. To’liq ismi Nizomiddin Xoja ibn Muhammad Amin Xoja ibn Muhammad Boqir Xoja eshon bo’lgan bu zotning buyuk olim, shayx va shoir bo’lib, faqir holida darsgo’ylik qilganligi [Jo’raboyev.O 3:13], bog’dorchilik bilan shug’ullanib halol mehnati evaziga umrguzaronlik qilganligi manbalardan ma’lum.

Nizomiy Ho’qandiyning tug’ilgan sanasi ma’lum emas. U XVIII asrning birinchi yarmida Qo’qon shahrining shimoliy-g’arbiy tomonida joylashgan Sarmozor mavzeyida tug’ilgan. Buxoroda madrasa tahsilini yakunlab qaytgach bog’dorchilik bilan shug’ullanib juda oddiy va kamtarona umr kechirgan. Mohir bog’bonligi tufayli xalq orasida “Bog’dor bobo”, “Eshoni bog’dor” nomlari bilan ham mashhur bo’lgan.

Po’latjon Qayumov o’zining “Tazkira”sida Nizomiy Ho’qandiyni “Ho’qandda nash’u-namo etmish shoir bo’lub, o’z zamonining olimi, shuhratli kishisi” bo’lganligini ta’kidlab uning saroy shoirlaridan bo’lmaganligiga sabab sifatida Amir Olimxon davridan ilgari yashab ijod etganligi bo’lishi mumkinligini keltiradi. [Qayumov.P 4:105] Ammo olim O. Jo’raboyev Nizomiy Ho’qandiy vafoti sanasini aniqlashtirish borasida olib borgan izlanishlari xulosasida bu fikrni rad etadi. Hamda Nizomiyning vafoti san’asi sifatida hijriy 1222-yil (mil. 1807-yil) olinsa mantiqan to’g’ri to’xtamga kelinishini yozadi. [Jo’raboyev.O 4:76] Bu davr esa aynan Qo’qon xonligida Olimxon hukmronlik qilgan yillarga (1800-1810 yillar) mos keladi.

Bizningcha, Nizomiyning saroy shoirlaridan bo’lmaganligining sababi u zotning tasavvuf ta’limotiga bo’lgan e’tiqodi bo’lishi mumkin. Zero, tasavvuf maslagida yurgan kishi mansab, shuhratga qiziqmaydi.

Nizomiy Ho’qandiyning o’zi ham yirik irfoniy silsilaning vorislaridan biri edi. Uning bobosi Muhammad Boqir Buxorolik mashhur shayx va shoir xojagon-naqshbandiya sulukining pirlaridan bo’lgan Habibulloh Xoja Muhammad Ismoiliyning o’g’li bo’lgan. Nizomiyning o’zi ham shu tariqat davomchisi bo’lib tasavvufiy ruhda ijod qilgan.

Nizomiydan bizgacha falsafiy mazmundagi “Majmuat-ul maqosid” (“Maqsadlar majmuasi”) nomli bir kitob hamda 300 ga yaqin g’azal va

muxammaslardan iborat kulliyot yetib kelgan. Bundan tashqari litografik usulda bosilgan ayrim bayozlarda ham Nizomiyning she’rlari uchraydi.

Akademik Aziz Qayumov Nizomiy Ho’qandiy she’riyati haqida shunday fikrlarni yozadi: “Nizomiy poetikasida dunyoning bebaqoligidan, hayotdan shikoyat va norozilik sadolari eshitiladi”. Ammo Nizomiyning shunday g’azallari ham borki, unda shoir sevgan yorining sitamkorliklari, jabr-u jafolarini sho’x, o’ynoqi ohanglarda bayon etadi. Misralarni o’qir ekansiz ayni tasvir voqeliklar kabi ko’z oldingizda paydo bo’ladi. Shunday g’azallardan birida shoir yozadi:

Ul sho’x sitamkori xol donasini ko’rgach,
Jon murg’i bu tanlardin uchmoqqa shitob aylar. [Qayumov P.6:26]

Misraning nasriy bayoni shunday: Oshiq sevgili yorining yuzidagi xolini ko’rgan zahoti uning joni tanasidan chiqib ketgudek shitob qiladi. Qafasni yorib chiqmoqchi bo’lgan qushdek tipirchilaydi. O’zini har tarafga urib fig’on chekadi. Ushbu bayt tasavvufona tahlil qilinganda badiiy qiymati yanada ravshanlashadi.

Bizga ma’lumki, mumtoz adabiyotda xol - visol, murg’ ya’ni qush – ruh timsolidir. Oshiqning yagona istagi esa, shubhasiz, yor vasliga musharraf bo’lishdir. Agar bu o’rinda biz ilohiy ishq vasliga talabgor oshiqni ko’rsak uning chin visolga erishishi uchun ruhi nafs qafasi bo’lmish tanasini tark etmog’i kerak. Shundagina u o’zining asl vataniga parvoz qila oladi. Xuddi shunday ilohiy ishq talabgori bo’lgan zotlar Yaratganning jamolini orzu qilganlarida jon tan qafasini parchalagudek talvasaga keladi. Bu holat ularni cho’chitmaydi. Aksincha, jon tan qafasini yorib parvoz qilgan taqdirda ham ular parvo qilmaydilar. Zero, tasavvufga ko’ra o’lim oshiq ahli uchun asl vatanga qaytish darvozasi, yor jamoliga muyassar bo’lish imkonidir.

Manbalarda yozilishicha, Nizomiyning Kamoliddinxoja, Dovudxoja, To’raxoja va nomi ma’lum bo’lmagan yana bir qizi bo’lib ulardan tug’ilgan farzandlar ulug’ bobokaloniga munosib vorislar bo’lib yetishganlar. Xususan, Dovudxojaning o’g’li Sulaymonxoja eshon Qo’qon xonligida uzoq yillar shayxulislom vazifasida ishlagan. Uning farzandi Safoxon to’ra va nabirasi Isoxon to’ralar xonlikning e’tiborli shayxlaridan bo’lganlar. Nizomiyning to’ng’ich o’g’li Kamoliddinxojaning farzandi Jaloliddinxoja tasavvuf ilmi va badiiy ijod bilan shug’ullangan. To’liq ismi Kamoliddinxoja o’g’li Muhammad Jaloliddinxoja taxminan 1770-yillarda Qo’qonning Sarmozor mahallasida tug’ilgan. Azim Xoja eshon bilan qariyb tengdosh bo’lganligi tufayli ikki nabira bobosi Nizomiy Ho’qandiydan shariat va tariqat ilmining dastlabki saboqlarini birga oladilar. Tahsilni Qo’qon madrasalarida davom ettirib so’ngra bobolarining ijozati bilan Buxoroda mashhur shayx Xalifa Husayn ibn Yusuf Buxoriy qo’lida madrasa va tasavvuf ta’limini davom ettiradilar.

Bolalikdan qadrdon bo’lib ulg’aygan, hamfikr, saboqdosh, bir pirning muridlari bo’lgan ikki do’stning taqdir yo’llari saboqni yakunlab pirning irshodi (murid tayyorlamoqlikka ruxsat) bilan Buxorodan Qo’qonga qaytayotgan mahal bir voqea sabab ikkiga bo’linadi. Olim O. Jo’raboyev bu voqeani o’z ilmiy izlanishlaridan birida shunday bayon etadi: “Hindiston (Dehlidan) naqshbandiya-mujaddidiya oqimining boshchisi Imom Rabboniy avlodlaridan to’rt nafari

Muhammadalixonning (1822-1842) taklifi bilan Farg'onaga kirib kelganini eshitadilar. Ulardan biri – Sohibzoda hazrat Qo'qon shahriga joylashadi. Shunda Xalifa Husayn Jaloliddinxoja va Azim Xojaga: "Qo'qonda pirzodalardan biri yerlashdilar, ularga odob yuzasida sizlar shaharga kirmay tashqarida istiqomat qilinglar", deya amr beradi. Shunga ko'ra, bu ikki maxdumzoda shaharga yaqin ikki qishloqqa – Azimiy Kaldo'shon, Jaloliy Qudashga joylashadilar". [Jo'raboyev.O 3:17]

Jaloliy shundan so'ng umrining oxirigacha Qudash qishlog'ida imomlik qilib badiiy ijod bilan ham shug'ullanib yashagan. Hijriy 1261- yilda (1845 mil.) shu qishloqda vafot etadi. Qabri Yorboshi qabristonidadir.

Jaloliy haqida bizgacha yetib kelgan ma'lumotlar oz. Po'lat Qayumovning "Tazkirayi Qayyumiy" asaridan Jaloliy hayotiga oid qisqacha ma'lumotlar hamda unga ilova qilingan uch g'azal va bir muxammas o'rin olgan. Bundan tashqari akademik Aziz Qayumovning "Qo'qon adabiy muhiti" asarida ham Jaloliy haqida ma'lumotlar va tahlillar keltirilgan bo'lib olim bu ma'lumotlarni "Tazkirayi Qayyumiy" asariga asoslanib keltirganligi uchun yangi ma'lumotlar deyarli uchramadi. [Qayumov P.6:26]

Po'latjon Qayyumov "Tazkira"da Jaloliy ijodi haqida : "She'rda Navoiyga ergashgan bo'lsa ham, tasavvuf ruhiga yaqin bir devoni bordur", deb yozadi. Jaloliyni ham Yassaviy hikmatnavislik maktabi an'analarining davomchisi sifatida olish mumkin.

Xususan, Jaloliy g'azallarining birida shunday bayt uchraydi:

Ko'rdim bu dahr ichra ulus podsholig'in

Oldim o'zimga ahli muhabbat gadolig'in [Qayumov P.6:26]

Dunyo podsholarining ko'pini ko'rgan shoir bu shohlikdan ko'ra muhabbat ahli orasida gado bo'lishni afzal biladi. Bu iqror halol bilan haromni anglagan, o'z nafsini jilovlab, umrini behuda havaslar bilan emas yolg'iz Haq ishqi bilan o'tkazishni maqsad qilgan chin oshiqning qaroridir. Zero, u podshohlikdan gadolikni ziyod ko'rgan muhabbat ahli - Yaratganning chinakam oshiqlari safidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Amiriy.G'azallar. Qoshingga teguzmag'il qalamni.T.: "Sharq", 2008. 18-bet.

2. Amiriy. Devon. I jild.- Toshkent: Tamaddun, 2017.

3. O. Jo'raboyev. *Nizomiy Ho'qandiy va XIX asr irfoniy she'riyat matni bilan bog'liq bir jihat xususida*/ Adabiy matn tadqiqi masalalari.ilmiy anjuman materiallari. –Toshkent, 2009. 13-17-betlar)

4. O. Jo'raboyev. *XIX asr Qo'qon adabiy muhitidagi devonlar va ularning matniga oid bir jihat*/ Qo'qon adabiy muhiti:kecha va bugun. Respublika ilmiy konferensiyasi maqolalar to'plami. - Qo'qon, 2010.76-85-betlar.

5. Qayumov P. Tazkirayi Qayyumiy. I – II – III-jild. – Toshkent: O'zRFA Qo'lyozmalar instituti tahririy nashriyot bo'limi, 1998.105-bet

6. Qayumov A. Asarlar (7 – jild, 1-kitob. Qo'qon adabiy muhiti). –Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi Davlat Adabiyot muzeyi. Mumtoz so'z, 2010, 26 –bet.

SHERMUHAMMAD MUNIS IJODIDA KO‘NGIL, SHAM’ VA PARVONA OBRAZLARI

Sadoqat OTAMURATOVA,
UrDu 2-kurs magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada Shermuhammad Munis ijodida qo‘llangan ko‘ngil, sham’ va parvona obrazlari tahlilga tortilgan. Bu obrazlarning shoir ijodida namoyon bo‘lgan o‘ziga xos jihatlari ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: ko‘ngil, sham’, parvona, obraz, tashbeh, tanosub, bayt

Mumtoz adabiyotimizda “ko‘ngil” – asosiy obrazlardan biri. Unga berilgan ta’rif-u tavsiflar, qo‘llanish o‘rinlari turlicha bo‘lib, har bir shoir ijodida o‘ziga xos vazifalar bajarib kelgan. Bilamizki, ko‘plab shoirlar ijodida “ko‘ngil” “oyna”ga o‘xshatigan. U sinadigan bo‘lsa, qayta tiklanmasligi ta’kidlangan. Ammo, ko‘plab shoirlarimiz bu o‘xshatishdan biroz chekingan holda o‘z ijod namunalarida aks ettirganlar. Masalan:

“Xom ko‘nglumkim dudog‘ingni tilab afg‘on qilur,
Bordurur ul tifldekkim, yig‘lag‘ay halvo uchun.

Bunda yorning dudog‘ini talab etib fig‘on qilgan oshiqning ko‘ngli halvo so‘rab yig‘layotgan bolaga o‘xshatilgan” [Hayitmetov A. 1:220]. Ushbu misolning o‘zi ham mumtoz adabiyotimizda “ko‘ngil” obrazi turlicha ma’nolarda, turli ko‘rinishlarda qo‘llanilganligini ko‘rsatib beradi.

Xiva adabiy muhitining yirik namoyondasi Shermuhammad Munis ijod namunalarida ham “ko‘ngil” obrazi o‘ziga xos o‘ringa egaligi bilan ahamiyatlidir. G‘azallarida “ko‘ngul oynasi”, “ko‘nglum shishasi” kabi an’anaviy tasvirlardan tashqari, “ko‘ngul jamiyati”, “ko‘nglum qushi”, “sayd ko‘nglum” va boshqa shu kabi tasvirlar orqali shoir bu obrazga go‘zal ta’riflar yaratgan.

Ey ko‘ngul, tashla taalluq jomasinkim, yo‘qdurur
Xil’ati uryonlig‘idin o‘zga majnun ustida.

Ey ko‘ngul dunyoga bog‘lanish, taalluqli bo‘lish libosini tashla, zero majnun ustida yalang‘ochlik to‘nidan o‘zga kiyim yo‘qdur. Ishq-muhabbatdan devona bo‘lganlar ustida hech narsa yo‘q. Ular dunyoga ko‘ngil qo‘ymagan kishilardir. Ularning libosi ham, boyligi ham yagona Allohga bo‘lgan ishqidir. Ishq esa ko‘ngilda bo‘ladi, shu sababli ushbu misralarda shoir ko‘ngilga murojaat qilib, uni dunyoga bog‘lanib qolishdan qaytaryabdi. Ko‘ngil obrazi bu yerda oshiq his-tuyg‘ularini boshqaruvchi vosita sifatida ifodalangan. “Joma va xil’at” so‘zlari tanosub she’riy san’atini yuzaga keltirgan.

Ko‘ngil oynasig‘a sayqal ber,
Solsun ul jilva jilolar anda.

Ko‘ngil oynasiga sayqal ber, u jilva jilolar sochsin – deydi shoir. Ushbu baytda ko‘ngildagi dog‘lar, hasrat va alamlarni ketkazish, ya’ni ko‘ngilni tozalash kabi ma’nolar bor. Qachon oyna jilva sochadi, qachonki u tozalansa. Yuqoridagi

misralarda ham ko‘ngilni tozalash ushbu holatga o‘xshatilgan. Toza ko‘ngillarda esa alam bo‘lmaydi, ishq-muhabbat yanada kuchayadi.

Mumtoz adabiyotimizda an’anaviy tarzda qo‘llanib keluvchi obrazlardan yana biri bu parvona va sham’ obrazlaridir. Shoirlar ijod namunalarida “yonayotgan sham’ atrofida o‘zini olovga urib halok bo‘layotgan parvona” hodisasi ko‘plab uchraydi. Shermuhammad Munis ijodida ham shu va boshqa o‘ziga xos tasvir namunalari ko‘plab uchraydi.

Parvona o‘zni o‘tg‘a solur ixtiyorsiz,
Go‘yoki ko‘rdi partavi husnung charog‘da.

Parvona o‘zni ixtiyorsiz o‘tga soladi, go‘yoki parvona sening nurli yuzingda yorug‘lik yoki nurni ko‘rgan kabi. Sham’ va parvona obrazlari adabiyotda, asosan, oshiq va ma’shuqa obrazlariga qiyos etiladi. Ma’shuqa bu yonayotgan sham’, uning yuzining yorug‘ligi, nurliligi sababli ham u yonayotgan sham’ga qiyoslangan. Oshiq esa parvonaga o‘xshatilgan, chunki parvona sham’ atrofida egri uchganligi sababli ham kuyib qoladi. Oshiq ham ma’shuqa visoliga yetishish yo‘lida, ishq savdosida majnunga aylanib, qaysidir ma’noda kuyib qoladi. Albatta, ushbu o‘rinda ta’kidlashimiz mumkinki, raqib – bu oshiqni ma’shuqadan ayiruvchi vosita. Oshiq yor visoliga qancha talpinmasin, baribir uning jamoliga raqib yetishadi. Oshiqning parvonadek kuyib qolishiga, aslida, mana shu ko‘rinish yoki ifoda sababchi bo‘lgan.

Mehri ruxsoring erur bir sham’kim evrulgali,
Boshinga parvonalig‘ aylar mahi tobon sanga.

Mehrli jamoling go‘yoki bir sham’ aylangani, mahi tobon sening boshinga parvonalig‘ aylaydi. Yuqoridagi baytda ham an’anaviy ifoda tasvirlangan, ya’ni yor visoliga talpingan oshiq obrazi gavdalangan. Bu ifoda yuzaga chiqishi uchun, albatta sham’ va parvona obrazlari vosita bo‘lib xizmat qilgan. Ushbu baytda “yorning jamolini shamga o‘xshatish” orqali tashbeh she’riy san’atidan foydalanilgan.

Har kishiga sham’i ro‘ying ochmakim, boshing uza
Mandin o‘zga hech kim parvonadek aylonmasun.

Har kishiga shami ro‘ying, ya’ni yorug‘ yuzingni ochmagin, mandin o‘zga boshing uzra parvonadek aylanmasin. Ushbu baytdan kelib chiqadigan ma’no ham yuqoridagidek, yor visoliga talpinayotgan oshiq yorga murojaat qilyabdi. Lekin ko‘rib turganimizdek, shoir bir xil ifodani qayta-qayta ijod namunalarida qo‘llashiga qaramasdan, shoirning so‘z qo‘llash mahoratini, she’riy san’atlardan foydalanish mahoratini yaqqol ochib bergan.

Ochib kel orazingni, toki bazmimg‘a charog‘ o‘lsun,
Ko‘rub parvona bu bazmimni rashk o‘tig‘a dog‘ o‘lsun.

Yuzingni ochib kel, bazmim yorug‘ bo‘lsin, parvona bu mazmimni ko‘rib rashk o‘tida afsus qilsin. Ma’shuqaning jamoli shu qadar nurli va yorug‘ki, agar u yuzini ochib oshiq bazmiga keladigan bo‘lsa, yorug‘ sham’ atrofida aylanayotgan parvona ham rashk o‘tida yonadi. Sham’ parvona uchun yorug‘ va go‘zal ma’shuqa kabidir. “Parvona ma’shuq jamolini ko‘rib rashq qilishi” ifodasi yorning naqadar go‘zal va maftunkor ekanligiga ishoradir.

Sham’i vaslingdin agar yetsa furug‘e basdurur,
Andin o‘zga shomi hajrimg‘a ne darkor oftob.

Nurli jamolingdan menga shu’la yetsa, chorasiz g‘am-alamlarimga oftob darkor emas. Oshiq yorga murojaat qilyabdi: agar nurli yuzingdan menga oz bo‘lsada shu’la yetadigan bo‘lsa, chorasiz hijronlarimga oftob ya’ni chora kerak emas. “Sham’ vasling”, “shomi hajring” birikmalari tashbeh san’atining go‘zal namunalaridir. Shom – quyoshning botish vaqti baytda chorasiz g‘am-tashvishlar, oftob – quyosh esa uning chorasi sifatida qaralgan. Ammo yorning nurli yuzi ko‘rinishi bilan bu alamlar qolmasligi va quyosh ham kerak bo‘lmasligi ta’riflangan.

Har kecha anjuman tuzubon man umid ila,
Sen sham’i vasling anjumanoroy qilmading.

Har kecha umid bilan majlis tuzdim, ammo sening yorug‘ yuzing majlislarni bezamadi, kelmading. Oshiq har kecha yorni kutyabdi, ammo ma’shuqa bir bora ham kelmadi. Ushbu baytda “kecha” so‘zi, yorning yuzini shamga o‘xshatish uchun va shu asosda, yorning jamolini qay darajada go‘zal ekanligini ochib berishda asos vazifasini bajarmoqda. Ushbu vaziyat shoir mahoratidan dalolatdir.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, Munisning obraz qo‘llashdagi mahorati, ko‘ngil, quyosh, sham’, parvona obrazlarini an’anaviy ifodalar yordamida va o‘ziga xos uslubda yoritib berishiga guvoh bo‘ldik. G‘azallarida “ko‘ngul oynasi”, “ko‘nglum shishasi” kabi an’anaviy tasvirlardan tashqari, “ko‘ngul jamiyati”, “ko‘nglum qushi”, “sayd ko‘nglum” va boshqa shu kabi tasvirlar orqali ko‘ngil obrazini mohirlik bilan qalamga olgan. Shoir sham’ va parvona obrazlarini qo‘llashda: “ma’shuqa bu – yonayotgan, jilva sochayotgan sham’, uning yuzining yorug‘ligi, nurliligi sababli ham uni yonayotgan sham’ga qiyoslaydi. Oshiq esa parvonaga o‘xshatiladi, chunki parvona sham’ atrofida egri uchganligi sababli ham kuyib qoladi. Oshiq ham ma’shuqa visoliga yetishish yo‘lida, ishq savdosida majnunga aylanib, qaysidir ma’noda kuyib qolishi” kabi an’anaviy ifodalardan ustalik bilan foydalangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Adizova I. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. O‘quv qo‘llanma. “Fan” nashriyoti. Toshkent, 2009
2. Hayitmetov A. Navoiy lirikasi. Toshkent, “O‘zbekiston”, 2015. 220-bet.
3. Jumayev N. Munis g‘azaliyoti. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. Toshkent, 1991. 19-bet.
4. Shermuhammad Munis. Saylanma. G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. Toshkent, 1980.

АСАРДАГИ ЯХЛИТ КЎЧИМЛАР ЁХУД “ШЕЪР-МЕТАФОРА”

Дадахон МУҲАММАДИЕВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада шеъриятда метафоранинг ишлатилиши, шеър структурасида метафоранинг аҳамияти таҳлил қилинган. Шеърнинг таркибидаги метафоралардан ташқари бутун бир банд ёки шеърнинг ўзи ҳам метафора бўла олиши мисоллар орқали кўрсатилган. Шунингдек, шеър шакли ва руҳининг ўзгариб боришида даврнинг аҳамияти ҳам айтиб ўтилган. Назарий фикрларга мисол тариқасида Эшқобил Шукур шеърларидан таҳлиллар келтирилган.

Калит сўзлар: Поэзия, метафора, шеър-метафора, кўчим, Э.Шукур, метафорик объект.

Инсоният азалдан воқеа ёки ҳодиса ва ҳолатларни тасвирлашда ўхшатиш ҳамда кўчимлардан фойдаланиб келади. Бу фақатгина наср ёки назмда, умуман адабиётдагина эмас, ўзаро сўзлашувларда ҳам кўп учрайди. Шеърда поэтик образ ва унинг тасвири муаммоси бадиий-эстетик ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутади. Фикр ифодасида энг кўп қўлланиладиган восита метафорадир. Метафора – нарса ва ҳодиса маъноларининг бири-бирига кўчиб ўтишидир. Бунда асос ўхшашлик саналади. Адабий асарларда ижодкорлар эса ана шу маъно кўчишидан маҳорат билан фойдаланилади. Киши баъзан билиб-билмай, сезиб-сезмай ана шу кўчимларни ишлатаверади. Аслида эса буни “билиб-билмай” деб эмас, инсоният тафаккурининг қондан-қонга, наслдан-наслга ва авлоддан-авлодга ўтиб келиши тарихий хотира билан изоҳлаш мумкин бўлади. Буни эрамизнинг тўртинчи асрида яшаган юнун файласуфи Аристотель ҳам алоҳида таъкидлаганини ҳисобга олсак, неча асрлар ўтибдики, бу қонуният ўз тасдиғини топиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Аристотель: “...одамлар қадимданоқ табиатан ўхшатишга қобилиятлидирларки, улар буни оз-оздан тараққий эттира бориб, бадиҳа шеърлар (импровизация)дан ҳақиқий поэзияни юзага келтирганлар”, - дейди. [Аристотель. 1:12] Халқ орасида қофияга солиб гапириш, фикрини мақоллар қўшиб ифодалаш, кўз ўнгимизда турадиган оддий ўхшатишлардан фойдаланиш кўп ҳолларда шеърларга кўчиб кетади. Қайси ҳудудда, қайси қишлоқда ёки овулда бўлмасин, ўша ернинг бир шоири ё носири чиқади-ю, ана шу тимсол қайтадан адабиётга майдонида бўй кўрсатади.

Юқорида гапни метафорадан бошладик. Даврнинг шеъриятга таъсири адабиётшунослар томонидан атрофлича таҳлил қилинган. Шеъриятнинг даврлар силсиласидаги эврилишлари ҳам эътиборга молик. “Қутадғу билиг” (М.Қошғарий) даги бармоқ вазнининг жилвалари асрлар ўтиб, мумтоз адабиётдаги ғазал-у рубоийлардан сўнг XX аср бошларига келиб яна бўй

кўрсатди. Аср бошидаги бармоқ эса бугунги шеъриятдан тубдан фарқ қилади. Хусусан, метафорик янгиланишлар борасида.

Адабиётшунос У.Ҳамдам шеърнинг давр билан боғиқ эврилишлари ҳақида гапириб, 90- ва 2000-йилларда шаклланган йўналишнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида “воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш”ни кўрсатади. [У.Ҳамдам 3:90] 60-йиллардаги А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева каби шоирларнинг метафора қўллаш услуби 70-80 йилларда адабиётга катта оқим бўлиб кириб келган У.Азим, Ш.Раҳмон, Х.Даврон мансуб авлоднинг услуби билан фарқ қилгани аён. Ундан кейинги авлод Э.Шукур, А.Қутбиддин, А.Саид каби шоирларнинг усуллари ҳам ўзига хос. Кейинги давр шеъриятини метафорик томондан ўрганар эканмиз, сатрлардаги метафораларни таҳлил қилиш билан бирга шеърнинг яхлит ўзини ҳам метафора сифатида кўрсатиш мумкинлигини англаймиз. Эшқобил Шукурнинг аксарият шеърлари шулар жумласидан.

Шоирнинг кўпчиликка машҳур “Тўққизинчи февраль” шеъри гарчи метафоралардан ҳоли кўринса-да, шеърнинг ўзи юқоридаги фикримизга мисол бўлади. Мазкур шеърда ўзбек тилининг яшаб қолишига аввалига шубҳа, сўнгра умид ва ниҳоят, ишонч билдирилиши моҳиятнинг асосидир. Бу ерда шахслантириш ёки нарса-буюмга унга хос бўлмаган бошқа бир хусусиятнинг берилиши ҳолатлари йўқ. Аммо шу тилнинг бир масъули ўлароқ шоир лирик қаҳрамоннинг ўзини метафорик ҳолатда кўрсатади.

Тўғри, шеърнинг ичига кириб борсак, метафоранинг юқорида айтилган кўринишларига ҳам дуч келамиз. Хусусан:

“Мен эртага ўламан, она,
Дарахт шохларида қушлар бу кеча
“Лисонут-тайр”ни такрор этмаса...” [Э.Шукур 4:14]

Қушларга инсонга хос сифат, яъни “Лисонут-тайр”ни ўқиш, айтиш сифати бериляпти. Аслида эса “Лисонут-тайр”нинг ўзи ҳам яхлит метафорадан иборат, дейиш мумкин. Асар бадиий бутунлигини таъминлашда метфора жиддий аҳамият касб этиши мазкур асар зимнига юкланган маъно орқали янада теранроқ кўринади. Бутун асар давомида қушлар инсон бўлиб гапиради, ўйлайди, фикрлайди. Шоир ана шу мантиқдан келиб чиққан.

Шеърнинг давомидаги:

“Қушлар... Дарахт шохларида титраган қушлар
Навоий тилида гапириб чиқди” сатрлари бу борадаги фикрларни янада мустаҳкамлайди.

Тилшунос олимлар метафораланаётган ва метафоралаётган объектларни лингвистик тарафдан ўрганар экан, бир сўз ёки жумлани олиб таҳлилга тортади. Бу таҳлилнинг бадиий кўринишини аксарият шоирларнинг сатрлари мисолида кўрсатиш мумкин. Аммо Эшқобил Шукур аксарият шеърларига бу “формула”ни қўллаб бўлмайди. Шоирнинг шеърларини метафорик таҳлил қилганда яхлит сатрлар, икки сатр ёки бутун бошли бандларни олишга тўғри

келади. Бунда метафораланаётган объект сифатида бир жумла ёки сўз эмас, ҳолат қабул қилинади.

Шоирнинг “Менинг қўшиғим” шеърида қўшиққа нисбатан **“суйгунчигим”, “овунчиғим”, “суянчиғим”, “куюнчагим”** [Э.Шукур 3:17] нисбатлари ишлатилади. Мантиқан олиб қараганда бу сифатлар инсонга нисбатан ишлатилиши тўғрироқ бўлади. Мазкур сўзларнинг ҳар бирини метафорик объект сифатида олиш мумкиндир, лекин шеърнинг руҳиятидан келиб чиққанда яхлит ҳолат “шеър-метафора” ифодасини тасдиқлайди. Юқоридаги каби ушбу шеърда ҳам алоҳида метафоралар бор. Масалан, **“Бўсаға суяниб мунғайсам, куйма”, “Дунёдан тўярам”, “Бу кўнгил қўймаса”** каби...

Филология фанлари номзоди Обид Каримов Абдулла Орипов шеъриятидаги метафорик тизимларни таҳлил қилиб, юқоридаги каби “шеър-метафора”га мисоллар келтиради. Мисолларни эса “...айрим ҳолларда шеър тўлалигича битта метафорани, метафорик образни яратишга сафарбар этилган бўлади. Табиийки, бу ҳолда шеърда ишлатиган бошқа бадиий воситалар, жумладан бошқа метафоралар ҳам ўша бош мақсадга бўйсундирилади”, деб асослайди. [О.Каримов 2:45] Бироқ бу каби шеърлар А.Орипов шеъриятида унчалик кўп эмас. Аммо ундан кейинги шоирларда тез-тез учрайди. Хусусан, Усмон Азимнинг “Ёмғир ҳақида баллада”, “Бахт ҳақида баллада” каби ва яна қатор шеърлари. Бу ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, шеъриятнинг вақт билан боғлиқ кўринишидир.

Эшқобил Шукурнинг “Кўнгил қушлари” шеъридан парча келтиришдан олдин номнинг ўзиёқ метафорадан иборатлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Моҳиятан шеър ана шу метафорага қурилган.

“Бу қушлар – кўр қушлар, туғма кўр қушлар,
Ўттиз йил боқаяпман юрак едириб.
Арслон ўз боласин тургандай тишлаб,
Турар тумшуқларин дилга ботириб...” [Э.Шукур 4:54]

Шеърнинг биринчи ва сўнгги бандида лирик қаҳрамоннинг аёлга мурожаати ҳам борки, бу таҳлил давомида “шеър-метафора” тушунчасидан бироз чалғитиши мумкин. Бироқ О.Каримов таъбири билан айтганда, ўша мурожаат-у бошқа метафоралар ҳам “кўнгил қушлари”ни ифодалашдек бош мақсадга бўйсундирилган.

“Шоир ривоятни тартибга солиб ва уни сўз билан ифодалаётганида, (бу ерда, шеър ёзиш жараёнини тасаввур қилсак – Д.М.) иложи борича, воқеаларни кўз ўнгида жонли тасаввур қилиши керак: ана шунда шоир гўё воқеаларда ўзи қатнашгандай бўлади, барча зарур тасвирларни топади ва ҳеч қандай мантиқсизликка йўл қўймайди”, - дейди Аристотель. [Аристотель. 1:34] Демак, биз келтирган мисолларга ҳам метафораларни шунчаки ишлатиб ташлаш эмас, шоирнинг услуби, адабиётнинг такомили сифатида қараш ўринлидир. Метафорани ифода шакли эмас, ишора, назарда тутиш билан боғлиқ тушунча сифатида қабул қилиш муҳим. Шеъриятда тушунишни осонлаштириш учун метафоралардан фойдаланилар экан, бу жараён ҳам вақт

ўтгани сари такомиллашиб бораверади. Давр эса ҳали метафоранинг, умуман, поэзиянинг янги кўринишларини, янгича эврилишларини намойиш этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аристотель. Поэтика. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1980 й. 12, 34-б.

2. О.Каримов. Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар тизими. Фил. фан. номз. дисс. Тош.: 2012 й. 45-б.

3. У.Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Т.: “Фан”. 2007 й. 90-б.

4. Э.Шукур. Яшил қушлар. (Шеърлар) Т.: “Ёзувчи”. 1995 й. 14, 17, 54-б.

“TAZKIRAI QAYYUMIY” – XX ASR O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGINING BEBAHO NAMUNASI

Lochinbek AXMADALIYEV,
O‘zR FA Alisher Navoiy nomidagi
Davlat adabiyot muzeyi tayanch-doktoranti

Annotatsiya: Mazkur maqolada “Tazkirai Qayyumiy” asarining o‘zbek adabiyotshunosligida tutgan ahamiyati, o‘zbek adabiyoti tarixini o‘rganish va davrlashtirishga qo‘shgan hissasi, o‘ziga xos jihatlari, tazkirachilik taraqqiyotiga qo‘shgan hissasi haqida so‘z boradi. Asarning unikal taraflari, yutuq va kamchiliklariga baho berilgan.

Kalit so‘zlar: tazkira, qo‘lyozma, xattot, litografiya, adabiyotshunoslik, avtograf, muzey, maqola, arxiv.

Tazkira arabcha “zikr”dan olingan bo‘lib, “eslatmoq”, “zikr etmoq”, “tilga olmoq”, “esdalik daftari”, “maqsadni unutmaslik uchun zikr etmoq” ma’nolarini anglatadi. Musulmon sharq adabiyotida keng tarqalgan adabiy-tanqidiy janr.

Tazkira hayotning turli-tuman sohalarini qamrab olishiga ko‘ra keng va tor ma’noda qo‘llaniladi. Keng ma’noda tazkira tarix, tasavvuf, falsafa, san’atning turli sohalariga bag‘ishlangan bo‘lishi mumkin. Fariduddin Attorning “Tazkiratu-l-avliyo”, G‘ulom Muhammad Dehlaviyning “Tazkirai xushnavison”, Sadri Ziyoning “Tazkirai humaqo” kabi asarlari ana shunday tazkiralardir.

Tor ma’nodagi tazkira adabiy-tanqidiy qarashlarni ifoda etuvchi, adabiyot tarixi, ma’lum davr shoirlari hayoti va ijodi haqida ma’lumot, asarlaridan namunalar keltirib tuzilgan to‘plam.

Tazkira – Yaqin va O‘rta Sharq mamlakatlarida adabiyotshunoslik janri bo‘lib, shoirlarning hayoti va ijodi haqida ma’lumot, asarlaridan namunalar keltiriladi. Shoirlar haqidagi fikrlar alohida kichik maqola – fiqradan iborat

bo‘ladi. Unda shoirning ismi, taxallusi, qayerdanligi, hayoti, xarakterining ba’zi xususiyatlari haqida qisqacha ma’lumot, ijodi, eng yirik asarlarining nomi, spetsifikasi, asarlarining qay darajada shuhrat topganligi, ijodidan, ko‘pincha, bir bayt, ba’zi hollarda ikki bayt namuna (bu odatda, g‘azal yo qasidaning matla’si, biror masnaviy yoki ruboiy va yoxud qit’a bo‘ladi, askari hollarda butun boshli g‘azal, qasida, hajviya, marsiyalarning to‘liq variantda kelishi ham kuzatiladi), shoirga tazkira muallifining ijobiy yo tanqidiy munosabati va yoki aksincha, shoirning tazkirachiga nisbatan tutgan mavqeyi (bu ma’lumot shoir bilan tazkirachi o‘rtasida shaxsiy tanishlik bo‘lgan taqdirdagina beriladi), shoir haqida xalq orasida tarqalgan yoxud muallif xotirasida saqlangan biror qiziq voqea yoki latifa, shoir umrining oxiri (vafot etgan bo‘lsa dafn etilgan joyi) kabilar she’riy yoki nasriy tarzda bayon etiladi.

Tazkirachilik tarixida faqat shoirlar bo‘yicha emas, olimlar, xattotlar va boshqa soha vakillari borasida ham tazkiralar tuzilgan. Shuni ham alohida ta’kidlab o‘tish kerakki, ba’zan tazkiralar adabiy janrlar bo‘yicha ham amalga oshirilgan. Chunonchi, XVII asr vakili Abdunnabi Faxruzzamoniy “Tazkirai soqiynoma”sida soqiynoma yozgan mualliflarni kiritgan. XVIII asr tazkiranavislaridan G‘ulom Alixon Ozod esa “Xazonai Omira”sida, asosan, qasida yozgan shoirlardan so‘z yuritgan. Faqat g‘azalnavis va muxammasnavis shoirlar bo‘yicha bitilgan tazkiralar ham adabiyotshunoslik tarixida uchrab turadi. Bunga misol tariqasida Ahmad Tabibiyning ikki tazkirasini keltirish mumkin.

Tazkirada bir necha asrda yashagan yoki muayyan davr shoirlarining hayoti va ijodi haqida turli tarzda ma’lumot beriladi. Shoirlarni qamrab olish jihatidan tarixiy-zamonaviy va zamonaviy tazkiraga bo‘linadi. Tarixiy-zamonaviy tazkirada bir necha asr davomida yashab ijod etgan shoirlar haqida, zamonaviy tazkirada esa tuzuvchining zamondoshlari bahs yuritiladi. Tarixiy-zamonaviy tazkiraga Po‘latjon Qayyumiyning “Tazkirai Qayyumiy”, zamonaviy tazkiraga Alisher Navoiyning “Majolisu-n-nafois” asari misol bo‘la oladi. Asarda shoirlar har xil uslubda – “abjad” arab alifbosi, oxiridagi harflarga qarab alifbo tartibida; sulolaviy, geografik, monografik, xronologik uslublarda; ijodiy prinsipda; tazkiranavis tomonidan shaxsan ko‘rganlik, ijodiy muloqotda bo‘lgan-bo‘lmaganlik asosida joylashtiriladi. Ba’zan ikki tilda ma’lumot berish hollari ham uchraydi. Tazkiralar mualliflarining adabiy-estetik uslublari qaysi adabiy yo‘nalishiga mansubligi jihatidan farqlanadi.

Tazkirachilik jarayoni o‘z-o‘zidan tarixiy davrlar mobaynida adabiyotda o‘zining mazmunan turlarini biroz kengaytirgan. Ularning eng ko‘p tarqalgan turlari quyidagilardir: 1.Shoirlar tazkirasi. 2.Valiylar tazkirasi. 3.Dabirlar (kotib va xattotlar) tazkirasi. 4.Adiblar yoki olimlar tazkirasi. Adabiyotshunoslar tomonidan bularning nisbatan ko‘p tarqalgani shoirlar va valiylar tazkirasi deya e’tirof etiladi. Tazkiraning ushbu eng ko‘p tarqalgan turiga turkiy adabiyotda Alisher Navoiy asos solgan edi. Turkiy tazkirachilikka xos bo‘lgan xususiyatlar, albatta, arab, fors adabiyotining tazkirachilik an’analari ta’sirida shakllanganini ta’kidlash lozim.

Sharq tazkiralarida ma’lum bir shoirning ijodiga tegishli parchalarni keltirish asnosida, ularning hasb-u holi bilan bog‘liq bo‘lgan ma’lumotlarni ham kiritib

o‘tish holatlari ko‘zga tashlanadi. Shu nuqtayi nazardan olib qaraganda, tazkira ma’lum bir zamon-makon munosabatida bo‘lib o‘tgan yoki muallifning o‘z boshidan o‘tkazgan voqea-hodisalarni hamda mashhur shaxslar haqidagi ma’lumotlarni qayd qiluvchi asardir. [Hakimov M. 1:303-304] [Rahimjonov N.K. 2:20] [Quronov D. 3:298-299] [Valixo‘jayev B. 4:302]

Sharq adabiyotshunosligida bizgacha yetib kelgan dastlabki tazkira Abu Mansur as-Saolibiyning “Yatimat ad-dahr fi mahosili ahdi asr” (“Zamona ahdining fazilatlari haqida yagona durdona”) tazkirasidir. Lekin, ungacha ham arab adabiyotida tazkiralar yozilgan. Biroq, shunday bo‘lsa-da, ular bizgacha saqlanib qolmagan yoki saqlanib qolganlari ham to‘la tazkira ko‘rinishida bo‘lmay tazkira taxlit asarlardir.

Mana shunday ilk tazkiralar arab tilida yozilgani va ularning mualliflari sifatida Muhammad ibn Sallom Jumahiy (758-846), Abu Muhammad Abdulloh ibn Muslim ibn Qutayba Dinovariy (828-889) va Abu Abbos Abdulloh ibn Muhammad ibn Mu’tazz (861-908) tabaqotlari ekani manbalardan bizgacha ma’lum. [Boltaboyev H. 5:20] [Qayumov P. 6:4]

Hazrat Nizomiddin Mir Alisher Navoiy tomonidan hijriy 896 (milodiy 1490-1491)-yili yozilgan va 903 (1497-1498)-yili qayta ishlangan “Majolisu-n-nafois” (“Nafis majlislar”) asari turkiy tildagi tazkirachilikning ilk debochasidir. Ayni paytda, u o‘zigacha bo‘lgan arab va fors tazkirachiligi yutuqlarini mujassamlashtirgan, turkiy til qoidalari va adabiy me’yorlarni o‘zida aks ettirgan hamda o‘zidan keyingi barcha forsiy va turkiy tazkiralarga “xamirturush” vazifasini o‘tagan asardir. Darhaqiqat, mana shu yo‘sinda XVI-XIX asrlarda Markaziy Osiyo va unga qo‘shni mamlakatlarda 30 dan ortiq tazkiralar tuzildi. Bu tazkiralar tadrijiy ravishda biri ikkinchisining davomi bo‘lib, o‘zbek va tojik adabiyotshunoslarining asosiy manbalaridan sanaladi. O‘zbek adabiyotshunosligida XX asrda ham tazkirachilik an’anasi davom etdi. Bunga Mo‘minjon Muhammadjonov (Toshqin)ning “Toshkand shoirlari tazkirasi”, Hasanmurod Laffasiyning “Xorazm shohlari tazkirasi”, Po‘latjon domla Qayyumiyning “Tazkirayi Qayyumiy” asarlari misol bo‘la oladi. [Qayumov P. 7:243]

Ma’rifatpar va pedagog, tarjimon, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan o‘qituvchi Po‘latjon domullo Qayyumov (1885-1964) adabiyot sohasida bir qancha ishlarni amalga oshirgan. Chunonchi, “Uch og‘a-ini botirlar” ertagining yozib olinishi va e’lon qilinishi, Rahmatullohqori Vozehning “Tuhfatu-l-ahbob fi tazkiratu-l-as’hob” asarining tarjima qilinishi, Maxmurning 69ta she’ridan iborat noyob qo‘lyozma devonining topilishi (1950), Furqat qo‘lyozma devonining tuzilishi (1959) bevosita olim nomi bilan bog‘liq.

Bundan tashqari, adabiyotshunos “Xo‘qand tarixi va uning adabiyoti” asarini yozgan. Uch qo‘lyozma daftardan iborat mazkur asar 1957-yilda yozilgan bo‘lsa-da, uning materiallari muaallif tomonidan uzoq yillar davomida yig‘ib borilgan. Bu haqida Aziz Qayumov shunday deydi: “Xo‘qand tarixi va uning adabiyoti” III daftari asl nusxa 56 sahifa. Mening xatimda 79 sahifa bo‘ldi”. [Po‘latjon domullo

Qayyumiy. 8:358] 1960-yilda ushbu asar asosida 6ta daftarni o‘z ichiga olgan “Tazkirayi Qayyumiyni yozgan.

Olim tazkiraga kirgan har bir shoir ijodini o‘rganish maqsadida hormay-tolmay, astoydil mehnat qilgan. Jumladan, Maxmur to‘g‘risida aniq ma’lumotlar to‘plash uchun Abdusattor maxdum, Muxtorxon Muhammadiyev, mirzo Xayrullo [Qayumov P. 6:301-302]; Gulxaniy masalasida Mavlaviy Yo‘ldosh domulla [Qayumov P. 6:156], Qanoatshoh haqida Mulla Otabek mingboshi [Qayumov P. 6:158], Mulla Sulaymonqul to‘g‘risida domulla Rojiy [7, 138]; Mahzuna borasida Mulla Ergash xalfa [Qayumov P. 6:159]; Uvaysiy haqida Mirzoyi Xo‘qandiy, Yunusjonhoji Og‘aliqov [7, 161]; Mulla Mir Mahmud Mulla Shamsuddin o‘g‘li Qoriy bo‘yicha Mulla Abdullajonhoji Hasanov [Qayumov P. 6:175]; Muqimiy to‘g‘risida Mulla Abdulqodir kotib, Ro‘zi Muhammadhoji, Mulla Ismoil Jumaboyev, A’zamxo‘ja To‘raxo‘ja o‘g‘li, Mulla Ihson Xo‘jamqul o‘g‘li, Mulla Husaynxon maxdum [Qayumov P. 7:211-218]; Muslimiy masalasida Qori Mahmud [Qayumov P. 6:196], shoir Mubtalo borasida Rasuljon Ma’murboyev [Qayumov P. 6:199]; G‘urbat bo‘yicha Mulla Kimyo Nazar [Qayumov P. 6:236]; Avliyo Orifiy haqida uning shogirdi, qizilqiyoqlik Mulla Hamrohali domulla Muhammadsharif o‘g‘li [Qayumov P. 6:268]; Shahzoda (Nasriddinbek) xususida Mulla Abdusattor maxdum [Qayumov P. 6:274]; Berdiyor shum borasida muallif o‘z otasi Mulla Abduqayyum [Qayumov P. 7:512]; Zamiriy va Eshqul xalifa masalasida Mulla Asg‘arali Charxiy [Qayumov P. 6:334], o‘zganlik G‘ofurboy Qayumov P. [Qayumov P. 6:296] va Manziliy to‘g‘risida Mulla Yo‘ldosh a’lam [Qayumov P. 7:591]; Azimiy haqida domulla Abdulqodir hazrat va Azimxoja Toshmuhammadxoja [Qayumov P. 6:320]; Majzub Namangoniy masalasida domulla Abdulkarim o‘g‘li [Qayumov P. 7:187]; Abdulkarim Maxmur II xususida Mirzo Iso Kitobdorov [Qayumov P. 6:135]; Xalifa Soleh borasida uning Hushyor qishlog‘idagi kuyovi [Qayumov P. 6:337]; Miroz bobo Kalon bin Muhammad Rizo parvonachi haqida poplik mulla Sulton Muhammadyor [Qayumov P. 6:357] kabi adabiyot ahllari bilan uchrashgan va ularning ko‘magidan foydalangan.

Qo‘lyozmaning yagona nuusxasi O‘zR FA Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyida №734 inventar raqami ostida saqlanadi. Tazkira XX asrdan bizga meros qolgan arab alifbosiga asoslangan eski o‘zbek yozuvidan bitilgan kam sonli, nodir adabiy manbalardan biridir. Asar muallifning deyarli butun umrlik mashaqqatli ilmiy izlanishlari samarasidir. Manba yagona muallifga ega, kotib-xattot vazifasini ham muallifning o‘zi ado etgan. Tazkira uzoq yillar davomida A.P.Qayumovning shaxsiy kutubxonasida saqlangan. Akademik olim o‘z vafotidan bir necha yil muqaddam ushbu mo‘tabar manbani o‘zi uzoq yillar mobaynida faoliyat olib borgan ilmiy tadqiqot maskani – O‘zR FA Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyiga tuhfa qilgan.

Qo‘lyozma o‘rta asrlarga xos bo‘lgan tazkiralarning tuzilishidan, kitobatchilik ko‘rinishlaridan ancha farq qiladi. Manbada XX asrga xos bo‘lgan kitobatchilik unsurlari yaqqolroq ko‘zga tashlanadi. Manbani tashqi belgilariga ko‘ra oddiy daftar sifatida baholash mumkin. Biroq, mazmun e’tibori, unda aks etayotgan

masalalar, muallifning yondashuvi butkul orginal va individual ekanligini isbotlaydi.

Yozuv turlaridan mayda, ixchamligi, ko‘p ma’lumot bera olishlik imkoniyatlari hisobga olinib, nasta’liq xati tanlangan. Shuning uchun ham ushbu xat ixtiro qilingan davridan to arab alifbosiga asoslangan eski o‘zbek yozuvi siqib chiqarilgunga qadar Markaziy Osiyodagi boshqa xat turlaridan gegemon maqomida turgan. Shuni hisobga olgan holda bunga tabiiy bir holat sifatida yondashmoq mumkin. Lekin, ba’zi-bir holatlatda, ayrim harflarning ko‘rinishida o‘tgan asrning 20-30-yillarida amalda bo‘lgan arab alifbosiga asoslangan eski o‘zbek yozuvining islohiy ko‘rinishi elementlari ham aks etgan. Ya’ni qo‘lyozmada o‘rta asrlarga xos nasta’liq xati va XX asr boshlari islohiy eski o‘zbek yozuvining o‘zaro sintezlashuv jarayonini bevosita kuzatish mumkin. Shu bilan bir qatorda, matnlar bir tekisda, muallif tomonidan sidirg‘asiga nihoyatda tushunarli holda yozilgan. Chunki, Qayyumiy domla uzoq yillar davomida Qo‘qon shahar maktablarida o‘quvchilarga o‘zbek tili va adabiyotidan saboq berganligidan xat-savodi mukammal ko‘rinishda bo‘lgan. Tazkiraning oxiriga muallif tomonidan eskartish (izoh) qoldirgan: “I jild. Po‘latjon Qayyumiy. 324 nafar shoirni o‘z ichiga olgan bo‘lib, 20 nafar shoir zamondosh, barhayot shoirlarimizdur. 631 betning tashkil etdi.” Bundan ko‘rinadiki, qo‘lyozma ancha salmoqdor, yirik hajmli manbadir. II jildga yana ham materiallarimiz bordir. Qayyumov Po‘lad. 1960/IV. Qo‘qon shahari”.

Ushbu matnning pastki qismiga A.P.Qayumov tomonidan quyidagi ma’lumot ilova qilingan: “Ushbu yozuvni yozgan paytlarida Po‘lotjon domulla Qayyumov 75 (yetmish besh) yoshda bo‘lganlar. – A.Q. 10/mart, 1996. Toshkent”. [Po‘latjon domullo Qayyumiy. 8] Aziz Qayumov otasi ushbu asarni tasniflayotgan vaqtda ushbu jarayonga shohid bo‘lgan adabiyotshunoslardan biridir.

Po‘latjon Qayyumiy o‘z tazkirasini Sadriddin Ayniyning “Namunai adabiyoti tojik” asari ta’sirida yozgan. Tazkira xronologik jihatdan juda katta davrni qamrab oladi, ya’ni XI–XII asrlardan to asar yozib tugallanayotgan vaqtda barhayot bo‘lgan shoirlar (1960-yil aprel) gacha bo‘lgan uzoq muddatni o‘z ichiga olgan. 324 nafar shoir haqidagi ma’lumotlarni bir yerga to‘plash, ular ijodidan namunalar berish, albatta, mushkul.

Muallif o‘z asarini XX asr tazkirachiligining o‘ziga xos namunasi sifatida taqdim etadi. Shoirlar haqida ma’lumotlar berar ekan ularning yashagan yillari, yozgan asarlari va ulardan bir necha namunalar keltiradi. Tazkiraning o‘ziga xos tomonlaridan biri shundaki, unda mumtoz adabiyot vakillari ijodiga o‘z davri adabiy jarayoni va adabiy tanqididan kelib chiqib baho bergan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Hakimov M. Sharq manbashunosligi lug‘ati. – T.: Davr press, 2013. 492 b.

2. Rahimjonov N.K., O‘zbekiston adabiyotshunoslari. – T.: Yosh avlod matbaa, 2021. 608 bet.

3. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati. – T.: Akademnashr, 2013. 406 bet.

4. Valixo‘jayev B. O‘zbek adabiyotshunosligi tarixi. – T.: O‘zbekiston, 1993. 191 bet.
5. Boltaboyev H. Tazkiralar zikri. – T.: Mumtoz so‘z, 2015. 261 bet.
6. Qayyumov P. Xo‘qand tarixi va uning adabiyoti (nashrga tayyorlovchi A.Qayumov, mas’ul muharrir va so‘zboshi muallifi O.Jo‘raboyev). – T.: Tamaddun, 2011. 380 bet.
7. Qayumov P. Tazkirai Qayyumiy (nashrga tayyorlovchi A.Qayumov). – T.: O‘zRFA Qo‘lyozmalar instituti tahririy nashriyot bo‘limi, 1998. 711 bet.
8. Po‘latjon domullo Qayyumiy. Tazkirai Qayyumiy (qo‘lyozma). – T.: O‘zR FA Alisher Navoiy nomidagi Davlat adabiyot muzeyi. №734.

YOSH SHOIRLAR IJODIDA MODIFIKATSIYA IFODASI

Nurjahon QAYUMBERDIYEVA,
ToshDO‘TAU adabiyotshunoslik yo‘nalishi magistranti

Annotatsiya: Maqolada modifikatsiya hodisasi bilan bog‘liq ilmiy manbalar o‘rganilib, bu hodisaning o‘zbek she’riyatidagi o‘rni bugungi yosh shoirlari ijodi misolida tahlil qilingan. She’rlarda uchraydigan bir modifikatsion obrazning turli komponentlari qiyosiy tahlil metodi asosida talqin qilingan.
Kalit so‘zlar: modifikatsiya, mifologema, komponent, poetik interpretatsiya, sintezlashuv.

Badiiyatga munosabat, badiiy tafakkur, tasavvurlar yangilanib boraveradi. Biroq adabiyotning vazifasi o‘zgarmaydi. Tushunchalar o‘zgaradi, voqelik esa doimiy. Adabiyot o‘z an’anaviylik o‘qidan chiqib ketmaydi. Jahon adabiyoti kontekstida janrlararo munosabatlar, tipologiya, badiiy-estetik tamoyillar doim o‘zaro almashinuv jarayonida. Bugungi o‘zbek she’riyatida jahon badiiy tafakkuri ilg‘or tajribalari bilan sintezlashuv hodisasi yuz bermoqda. Natijada poeziyamiz o‘z zaminidan uzilmagan holda o‘zgacha tafakkur tarzi, adabiy shakllar, ifoda uslublarini milliy ruh zaminida qabul qilmoqda.

An’anaviy sujet, motiv, obrazlar millatlar adabiyoti aro aylanib yuradi, yangi talqinlarga duch keladi, ba’zan o‘z qirralarini yo‘qotadi, ba’zan boyib boradi. Bu hodisa ilmiy tadqiqotlarda ko‘p tilga olinadigan faylasuf Spinozaning modus tushunchasi bilan bog‘liq modifikatsiya hodisasidir. “Modifikatsiya” lotincha so‘z bo‘lib, “modus” – mezon, obraz, ko‘chma xususiyat va “fasio” – yangi xususiyat barpo qilish ma’nosini bildiradi” [Султонова Н. 5: 12]. Adabiyotda modifikatsiya hodisasi ko‘pincha janr bilan tadqiq qilinadi. Bu hodisani faqat shaklda emas, mazmunda ham ko‘rish mumkin. Ilmiy tadqiqotlarda yoritilishicha, rus

she’riyatida anchagina tadqiq qilingan. Har qanday yangilikni kutsa bo‘ladigan bugun she’riyati mohiyatan an’anaviylik o‘qi atrofida aylanadi. Yangi qolip, yangi shakllar bilan an’anaviy obrazlarga, motivlarga bot-bot murojaat qilinadi. Ilk badiiy mifologik tafakkur ildizi bugun she’riyatida ham chechak ko‘kartirib turibdi. “Ijodkor o‘z asarining g‘oyaviy mazmunini chuqurlashtirish, badiiy an’analarni yanada boyitish maqsadida mifologik sujet tizimidan, obrazlar olamidan, ifoda usullaridan o‘rinli va unumli foydalanadi” [Керуенов Т. 4 : 22]. Aynan bir mifologema yoki sayyor obraz, sujet shoir ruhiyatiga mos tushadi va uni o‘z mahorati bilan qayta ishlaydi. She’rga to‘g‘ridan to‘g‘ri olib kirmasdan badiiy maqsadiga moslab filtirlaydi. Natijada obraz badiiy komponentlar hosil qiladi.

Antik adabiyotda Esxil yaratgan Prometey obrazi, ayniqsa, bugungi yoshlar she’riyatida ko‘p tilga olinadi. Bunda, albatta, yondashuvlar turlicha. Shoir Jontemir talqinida

Prometey singari she’rga
Zanjirlagan g‘azab xudosi. [https://t.me/Jontemir 6.]

Ya’ni Xudo shoirni Prometey kabi she’rga zanjirlagan.

Yana bir yosh shoir Shohruh Najot she’rida ifoda boshqacharoq:

Ishqimiz – Prometey keltirgan olov [https://www.facebook.com/shohrux.najot 8.]

Bu talqinda Prometey keltirgan olov – ishq ekan. Xuddi shu talqin katta shoir Muhammad Rahmonda ham bor edi:

Prometey, sen rad etilding,
Kerak emas unga quyoshing!

Tentiraysan yo‘llarda yayov,
Chorbog‘larda kezasan g‘arib.
O‘zing topgan muqaddas olov –
Buyuk ishqni qalbda ko‘tarib. [https://www.facebook.com. 9.]

Lirik qahramon – Prometey. Uning ishqi – olov. Uni xudolar huzuridan ma’shuqaga keltirib bermoqda. Bunda Prometey rad etilgan oshiq obrazida. Yorug‘lik – olov ishq deb talqin qilingan. Aslida Prometey obrazi insoniyatga nur ulashgan, tafakkur qobiliyatini bergan, ko‘plab ramziy aspektlarga ega qahramon. Olovning ishq bo‘lishi ham o‘rinli. Chunki Prometey insoniyatga muhabbati tufayli shu qismatni tanlagan edi.

Dilrabo Mingboyeva bu obrazni kalit so‘zlarsiz tasvirlaydi:

Bo‘shliq tamg‘a bosdi
peshonamga ne uchun?
Zanjirladi olov o‘g‘risidek…
Nimaning jazoyi?!
Sen-chi?!
Yuzimga xazonlarni otayotgan shamol,
Qayga ketayapsan?!

Bayroqdek hilpiratib umrimni,
Iztirobim etib sazoyi… [Mingboyeva D. 1 : 16]

Prometey abadiy jazoga mahkum qilinishini, zanjirlanishini bilib tursa-da, insonlarga yorug‘lik ulashish maqsadida shu yo‘lni tanlaydi. Shoirlik taqdirini ham Prometey holatiga qiyoslash o‘rinli, qaysidir ma’noda. Shoirlik ulkan dardni bo‘yin olib she’r yo‘lini tanlash. Mumtoz she’riyatdagi sham timsoli kabi insonlarga nur ulashib, o‘zi erib bitishga mahkum. She’r boshidagi muallif peshonasiga bo‘shliq bosgan tamg‘ani shoirlik taqdiri deyish mumkin. Prometeyga har kuni tahdid qilib, jigarini tilkalaydigan burgut obrazi bor. She’rda shoir umriga tahdid qilayotgan vaqt – shamol. Shamol beqarorligi bilan o‘tkinchi umrga qiyoslanadi. Shu sabab uning qayoqqa ketayotganligi she’rda so‘roq ostida.

Mehrinoz Abbosova she’rida lirik qahramon ma’buda Hera yog‘dirgan azoblarga mahkum, Prometeyning kulfatdoshi Io obrazi tilidan yozadi:

Men HERA g‘azabiga duchor bo‘lgan
Ma’buda IOman.
Mahkumman ta’qibga.
Qutulmam qo‘psa ham qiyomat
Chopaman
Mashriq-u Mag‘ribga.
Bir taskinim borki yaxshiyam,
Ma’budimga ko‘tarmam isyon.
Xo‘rliklarga chidaydirman jim.
Zulmga o‘t qo‘ygan qahramon –
Prometey mening farzandim. [https://t.me/abbosova_mehrinoz]

Shoira farzandiga Prometey saodatini tilaydi. Uning kulfatlari jasorati soyasida hech narsa emas. Chunki Prometey “zulmga o't qo'ygan qahramon” edi. U insonlarni fikrlash qobiliyati, yozish, o‘qish, hunarmandchilik, yer-u osmon ilmi, demakki, butun ma’rifat bilan tanishtirgan titan edi. U o‘g‘irlagan olov insonlarning zulmat hayotini yoritgan nur bo‘ldi. Shu nur taftidagi Prometey zulmat kuchlariga qarshi isyon qiladi. Aynan, Prometey obrazining she’riyatdagi komponentlari sanalgan ramzlari bilan bog‘liq. She’rlarda bu obrazdan mazmunni chuqurlashtirish, ta’sirchanlikni kuchaytirish vazifasi uchun foydalanilgan. Uning shoir ruhiyatiga chuqur ta’sirini va yangi badiiy qiyofasini ko‘ramiz.

Modifikatsiya hodisasi sabab obrazning u yoki bu xususiyati tutib olinadi va poetik interpretatsiya qilinadi. Bu jarayon keng ko‘lamli estetik hodisa va adabiy jarayondagi badiiy mezonlarni boyitadi. Murojaat qilinayotgan asosiy obraz esa beqiyos badiiyati sabab asrlar davomida o‘lmay yashaydi, har chaynalganida yangi ta’m beraveradi. Yosh ijodkorlar she’riyatining keng mohiyatli ko‘hna obrazlar bilan boyishi, har bir she’rdagi an’anaviy mazmunga individual yondashuv o‘quvchini quvontiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mingboyeva D. Sukut. Mashhur-press. Toshkent-2020.

2. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. Innovatsiya-Ziyo. Toshkent – 2020. 310-b.
3. Кун. Н. А. Қадимги юнон афсона ва ривоятлари. Зарафшон. Самарқанд - 2005.
4. Керуенов Турганбай. Қорақалпоқ шеъриятида миф ва ривоятларнинг қўлланилиши. Docs.diss.
5. Султонова Н. Адабиётда модификация жараёни. Jahon ADABIYOTI. 10/2019 (269)
6. https://t.me/Jontemir
7. https://t.me/abbosova_mehrinoz
8. https://www.facebook.com/shohrux.najot
9. https://www.facebook.com.

MILLIY MA’RIFAT RAHNAMOSI HAQIDA YANGI RISOLA

O‘giloy AXMADALIYEVA,
O‘zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti 3-bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada akdemik Naim Karimovning “Behbudiy” risolasi haqida fikr yuritiladi. Risoladan kelib chiqqan holatda jadid ma’rifatparvari Mahmudxo‘ja Behbudiyning hayoti, faoliyati o‘rganiladi.

Kalit so‘zlar: risola, muxtoriyat, jadidchilik, gazeta, jumhuriyat, matbuot.

Donolar o‘tdilar – safari uzoq,
Quyoshday botdilar – manzili tuproq.
(Oybek)

Tarixga aylangan yigirmanchi asrning haqiqiy oftobi bo‘lmish jadid namoyandalari istiqlol yo‘lida qo‘lida eng buyuk qurol – ma’rifat bilan kurashdilar. Xotirasi o‘chmas quyoshdek porlaguvchi milliy uyg‘onish davri vakillarini tanimoq, ular haqida o‘rganmoq bugungi avlodning tom ma’nodagi burchidir. Xususan, jadidchilik haqida gap ketganida bu harakatni boshlab bergan fidoyi inson Mahmudxo‘ja Behbudiy haqida fikr yuritmaslikning iloji yo‘q. Yirik adabiyotshunos olim, akademik, jamoat arbobi Naim Karimovning “Mahmudxo‘ja Behbudiy” nomli risolasida Behbudiyning hayoti, faoliyati va taqdiri borasida so‘z yuritiladi va uning ona Turkiston ozodligi yo‘lidagi harakatlari haqida muhim ma’lumotlar keltirilib, tahlil qilinadi. Ushbu kitob orqali biz nafaqat Behbudiy shaxsi haqida balki, o‘sha davr Turkistondagi ijtimoiy-siyosiy, ma’rifiy vaziyat, jadidchilik harakatining yuzaga kelishi haqida ham bilib olamiz.

Ushbu risola ikki qism (“Marifat bog‘ining bog‘boni”, “Zulm saltanatining qurboni”)dan tashkil topgan bo‘lib, muallif asarga to‘g‘ridan to‘g‘ri qo‘l urishdan avval, Mahmudxo‘ja Behbudiyning o‘rganilish tarixi va uning natijasida yaratilgan ilmiy asarlar bilan yaqindan tanishadi. Bu haqda ma’lumotlarni, xususan, birinchi qismda “Mahmudxo‘ja Behbudiyning hayoti va o‘rganish tarixiga bir nazar” sarlavhasi ostida keltirib o‘tadi.

Muallifning ta’rifi bilan aytganda: “Behbudiy hazratlarining hayot sahifalarini varaqlagan kishi u kishiga nisbatan rahm-shafqat hislariga to‘lib, piyrovardida ichi zaharli havoga to‘lgan shishadek portlab, yonib ketishi hech gap emas”. Chunki boshqa ma’rifatparvarlar singari bu siymoning ham umr yo‘llari qator to‘siqlar-u qiyinchiliklarga to‘la edi. Daraxtni chopgan ham o‘z tanasidan soplangan boltadir deganlaridek, Behbudiy ham tashqi kuchlar bir chetda qolib, ona yurti vakillari tomonidan ham qattiq fitnalarga uchragan. Jumladan, birinchi qismda “Bir fitna tarixi” sarlavhasi bilan berilgan bo‘limda behbudiyshunoslar tomonidan “Behbudiyga chuqur hurmatda bo‘lgan va u haqida qimmatli ma’lumotlar yozib qoldirgan shaxs” deya ta’riflanuvchi Hoji Muin tomonidan “Turkiston viloyati gazeti” muharriri N.Ostraumovga yozilgan Behbudiy tashabbusi bilan ochilgan yangi usul maktabini yoptirish mazmunidagi xat namuna sifatida keltiriladi. Bundan kelib chiqib aytish mumkinki, Behbudiyning yurt istiqloli yo‘lidagi g‘oyalari qaysidir ma’noda o‘z millatdoshlari tomonidan ham yo‘q qilib yuborilgan. ***“Agar zako‘n bo‘yicha mumkin bo‘lsa, o‘shal yerdan turub, o‘zingiz hech kimg‘a ma’lum qilmasdan buyruq qilib, maktabni yoptirsangiz deb iltimos qilamiz”.***

Asarni o‘qishda davom etar ekansiz, unda suratlar, xaritalar, maktublar, qo‘lyozmalardan parchalar keltirilib, ma’lumotlar yanada ochiqlanganiga guvoh bo‘lasiz. Xususan, “Turkiston madaniy muxtoriyati loyihasi” sarlavhasi bilan berilgan bo‘limda Behbudiyning qariyb yuz yil davomida sir saqlangan Turkiston hududida alohida madaniy muxtoriyat qurish loyihasi haqida fikr yuritiladi. Bo‘limda keltirilishicha Behbudiy “Turkiston madaniy muxtoriyati loyihasi” nomli asar yozgan, ammo ushbu asardagi loyiha ma’lum sababga ko‘ra Ismoil Gaspirinskiyga yuboriladi va uning arxivida saqlanadi. Natijada esa u faqat qog‘ozda qolib ketadi. Deyarli yuz yil o‘tibgina avval Gollandiyada “Turkistonda yangilik harakatlari va ixtilolar” nomli to‘plam holida, keyinroq 2003-yil avgust oyida O‘zbekistonda “Jahon adabiyoti” jurnali sahifalarida chop etilib, jamoatchilik e’tiboriga havola qilinadi. Naim Karimov risolada ushbu asarning foto va mashinkalangan nusxalari Gollandiyada nashr etilishidan avval o‘ziga taqdim qilinganligi, ammo ushbu nusxalar yuborilgan shaxsdan o‘z nomiga ikki enlik xat yo‘qligi sabab nashr etishga jur’at etmaganligini ham keltirib o‘tadi. Bizning mushtariylar esa shu sabab hatto xorijliklardan ham ikki yil o‘tib ushbu

asardan xabardor bo‘ldilar. Jamoat arbobi Naim Karimov o‘z kitobida shu asar qo‘lyozmasidan bir sahifani Behbudiyning shaxsiy aftografi bilan havola etadi. Bu ham o‘quvchidagi tushunarlilik va ishonarlilikni ta’minlovchi xususiyatlardan biridir. Umuman olganda, Behbudiy ushbu asari orqali Turkiston uchun juda zo‘r va mustahkam madaniy, demokratik “muxtoriyat” talab etganligini bilib olamiz, ammo Rossiya dumasi buni qanday muhokama etganligi, munosabat bildirganligi hali hamon oydinlashtirilmagan. Agar o‘sha zamonda Behbudiyning mazkur g‘oyasi sirligicha qolmasdan, uni qo‘llab-quvvatlovchilar bir bo‘lib, xalqni uyushtira olganlarida edi, balki istiqlol tushunchasiga biz yuz yillar avval erishgan bo‘larmidik?!

“Mahmudxo‘ja Behbudiy” risolasida adabiyotshunos Naim Karimov “Behbudiya” kutubxonasi haqida ham qimmatli ma’lumotlar berib o‘tadi. Masalan, uni tashkil etish uchun Behbudiy o‘z maslakdoshlari bilan 27 bobdan iborat dastur tuzib, uni Samarqand harbiy gubernatoriga yuborib, tasdiqlatgani va qurilishdan to ishchi tarkib tuzishgacha bosh-qosh bo‘lganligi, qariyb o‘n yil oralig‘ida (1923-1932) undagi kitoblar sonini 2140 tadan 5339 taga, foydalanuvchilar sonini esa 923 tadan 2832 taga oshganligi haqidagi faktlar o‘quvchini qiziqtirmay qo‘ymaydi.

Risolaning ikkinchi qismida “Najot izlab” nomli bo‘lim bor va unda Behbudiyni so‘nggi bor ko‘rgan shaxslar va uning oxirgi safari haqida so‘z boradi. Unda keltirilishicha, Behbudiy Toshkentga borib Samarqand va Turkistondagi tartibsizliklar borasida mahalliy hukumatga tushuntirishlar beradi, ammo uning harakatlari samarasiz ketadi. Keyinroq bir necha hamrohlari bilan Qarshi cho‘lida tutilib, qatl etilganligi va “Ularning Hindistonga borib inqilob qilmoqchiligi”, “Sovet zulmidan qochib ketayotganligi”, “Hajga ketayotganligi” haqida mishmishlar tarqaladi. Ammo uning so‘nggi safaridan ko‘zlangan maqsad va o‘limining sabablari aniq bayon etilmaydi. Keyinroq “Mehnatkashlar tovushi” gazetasining 1920-yil 8-aprel sonida Sadriddin Ayniy tomonidan bu voqeaga taxminiy izoh beriladi: “***Ehtimol, bular Moskvag‘a borib, Turkistonning fojiali hollarini markaz hukumatg‘a ma’ruza qilib, islohotni rijo qilmoqchi bo‘lsalar. O‘renburg yo‘li bog‘liq bo‘lg‘oni sababli Qarshi cho‘li ustindan Kafkazg‘a o‘tib, Moskvag‘a bormoqchi bo‘lsalar, zotlarni taniydurg‘ong‘a ma’lumdurki, bular haq va yurt manfaati uchun har bir tahlikani ko‘zg‘a olarugan edilar”***. Darhaqiqat, Sadriddin Ayniyning bu fikri haqiqatga yaqinroq, chunki bir umr el ma’rifati uchun jon kuydirgan odam umrining so‘nggida yurtdan qochib ketishga uringan holda o‘ldirilishi haqiqatga ziddir. Bu siymo umrining oxirida ham xalq uchun qayg‘urib, vaziyatni yuqori hukumatga yetkazish va yumshatish yo‘lida kurashdi. Afsus bilan aytish mumkinki, shunday xalqparvar insonning hatto qabri qayerdaligi ham ma’lum emas. Biroq uning yodi qalblarimizda mangu iz qoldiradi. So‘z oxirida Behbudiyning vasiyatnomasidan parcha keltiramiz: ***“Bizning***

otimizg‘a maktablar ochingizlar. Bizlar ul choqda qabrimizda tinch yoturmiz”. Bu so‘zlar ortiqcha izohga muhtoj emasligi ko‘rinib turibdi. Biz uchun umr bo‘yi yonib-kuygan, oqibatda esa hatto qabri ham belgisiz qolgan bu zot merosini o‘rganishga shuning uchun ham burchlimiz.

Belgisiz qabringni qora tunlarda
Amalimning shamin yoqib izladim.
(Cho‘lpon)

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov N. Mahmudxo’ja Behudiy. – Toshkent, Akademnashr. 2022.
2. Nikolay Ostraumov – www.uz.m.wikipedia.org
3. Mahmudxo’ja Behudiy – www.saviya.uz
4. Hakimov A. Mahmudxo’ja Behudiy: Turkiston jadidchilik harakatining yo‘loshchisi, milliy ma’rifat rahnamosi – www.yuz.uz

АКАДЕМИК
НАИМ ФОТИҲОВИЧ КАРИМОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ БАҒИШЛАНГАН

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ

Муҳаррир: **Д.Улуғмуродов**
Дизайнер: **Б.Ҳайдаров**

“FIRDAVS-SHOH”
нашриёти

Босишга рухсат этилди: 04.12.2022 й.
Бичими 60x84 $^{1}/_{8}$. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди.
“Times” гарнитураси.
Шартли босма табоқ 35,5.
Адади 200 нусха.

Оригинал макет
“FIRDAVS-SHOH” нашриётида тайёрланди.
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.